Галдаги вазифалар – мусиқа санъатида устоз - шогирд таълими тизимини анъаналар ва замонавийлик тамойиллари асосида такомиллаштириш, синов-тажриба ишларини изчиллик билан янги мураккаброқ ва мукаммалроқ мусиқий материаллар асосида давом эттириш, дарслар, концертлар, фестивал ва танловларга пухта тайёргарлик кўриш, концертлар бериш орқали ҳомийлар топиб, улар ёрдамида ўқув шароитларимиз (машғулот хонасини расмийлаштириб олиш ва иситиш, яроқли мусиқа асбоблари, нота тўпламлари, мусиқа тинглаш техника воситалари ва дисклар топиш)ни яхшилашдан иборат деб ўйлаймиз.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШДА ФАЛСАФАНИНГ РОЛИ.

Ш.Б.Муртозаев, БухДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида қамраб олувчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро ўз тадқиқоти объекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа глобал муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қилади. Шу сабабли у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан қатъий назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охир-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳар қандай айрим фанлар муайян босқичда ўз тадқиқот предметини фалсафий жиҳатдан англаб етишга у ёки бу даражада муҳтож бўлади. Муайян фан предметига ва инсоният олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг ёндашувсиз фундаментал кашфиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, айни ҳолда, бир томондан, масалаларнинг фалсафий ечими тўғрисида, бошқа томондан эса – фалсафа фанларнинг кенг доираси ўзаро алоқа қилишини рағбатлантириши, бунда уларнинг фанлараро бирлашуви муҳим ўрин тутиши тўғрисида сўз юритилади.

Гарчи фалсафа одамларнинг кундалик ҳаёти ва амалиётидан анча узоқда бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд бўлса-да, у (фалсафа) глобал муаммоларни ечишда муҳим рол ўйнайди. Зеро, умумий назариялар баъзан билимнинг аксарият муайян соҳаларига қараганда кўпроқ самара бериши мумкинлиги яхши маълум.

Албатта, фалсафа сиёсий ва бошқа қарорлар қабул қилиш жараёнига муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш унча ўринли бўлмайди. Зеро, унинг бош вазифаси дунёқарашни шакллантириш ва шу тариқа амалий қарорлар ишлаб чиқиш жараёнига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат. Унинг вазифаси глобал муаммоларнинг табиий-илмий ва техникавий жиҳатларини бевосита ўрганишдан эмас, балки бошқа фанлар таклиф қиладиган тегишли ечимларнинг фалсафий, методологик, маданий ва ахлоқий негизини таъминлашдан иборат.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув глобал муаммоларни уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутади. Бундай тадқиқот аввало глобал муаммоларнинг моҳиятини аниқлашни назарда тутади, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Глобал муаммоларни фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи методологик функцияси айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларини таърифлайди ва шу сабабли глобал муаммоларни ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршиликларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаралади.

Тўртинчидан, фалсафа глобал муаммолар ривожланишининг умумий тенденциясини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий - маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, глобал муаммоларга оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараённи яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттинчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўядики, бу инсониятга глобал муаммолар таҳдид солаётган шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим методологик функцияси шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан рол ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

2008 йилда республикамиз президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавий таҳдидлар ва маънавий юксалиш омилларини назарий асослади, зеро “Маънавият-инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”[1], фақат маънан етук инсонгина ҳар қандай таҳдидга қарши курашга ўзида куч топиши мумкин.

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –Б.18.

Шу муносабат билан энг янги фалсафий адабиётларда инсонпарварлик масалалари яна биринчи ўринга чиқмоқда. Фан-техника тараққиётини нафақат айрим инсоннинг, балки бутун инсониятнинг ахлоқий фазилатларига бевосита бўйсундирувчи инсон фаолиятини бутунлай ўзгартириш лозимлигини ифодаловчи «илмий инсонпарварлик» атамаси фаол ишлаб чиқилмоқда. И.А.Каримов бу хусусда: «Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир – оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин»[1] деган эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, инсоният ўзини ўзи ташкил этувчи жонли тизим сифатида ўз мавжудлиги учун кураш олиб бормоқда, яхшироқ келажакка эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунда ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва улар юзага келтираётган турли муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтилофларни енгиб, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва халқларнинг хусусиятларини сақлашдан бошқа чора қолдираётгани йўқ. Бундай бирлашувга эса, фақат умуминсоний қадриятларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш орқали эришиш мумкин.

АЖДОДЛАР ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

О.Н.Шомуродов, БухДУ ўқитувчиси

Зардуштийлар таълимотининг маънавий-ахлоқий моҳиятини шахс тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамоллиги ғоясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият ҳамда ҳаёт тараққиётидаги жараённинг фаол иштирокчиси ҳисобланган маълум бир ижтимоий табақага мансуб шахсларнинг камолотини таъминлашга йўналтирилган ғоялар, қарашлар зардуштийлар таълим тизимидаги асосий бўғинлардан бири бўлган, **айнан бир шахсга йўналтирилган**, **хусусий таълимда** ривожлантирилиб, амалга оширилган.

“Авесто” ҳамда зардуштийларнинг илмий тафаккур неъматлари жамланган пандномалар қисмлари синчиклаб ўрганилиб, қиёсий таҳлил этилганда улар матнларида ўз даврининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарашлари ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусий таълимнинг асосий мазмуни ва мақсадини ҳар бир ёш зардуштийнинг пок, ҳақи ҳалол, қўли тўғри, некбин, меҳнатсевар ва ҳунарли бўлиб вояга етиши масаласи ташкил этади. Зардуштийлар таълим тизимининг асосий бўғинини ташкил этадиган хусусий таълим жараёнида **чорвачилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик** йўналишидаги таълим турлари ўргатилган.

Чорвачилик билан шуғулланадиган қавмларда шу соҳага доир ҳунар ва малакалар ўргатилган. Ўғил болалар молларни боқиш, урчитиш, туя,отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш,чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари, қиз болаларга эса юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикишни билишлари мажбурий бўлган. Зардуштийлар ҳақиқатда ҳам чорвачиликка алоҳида эътибор қаратганлар. Туронзаминда чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида табиий яйловлардан ташқари Амударё соҳилларида сунъий яйловлар бунёд этилган. Хусусий таълимда бу яйловларда ҳайвонлар зоти, насли тозалигини сақлаш, соғлиғини асраш йўллари ўргатилган.

Бу ўринда ҳунар усталари-дастурлар юқоридаги фаолият турларини ўргатишда якка ва гуруҳий таълим шаклларидан фойдаланишган.

Устозлар таълимини олган ва тегишли малакаларга эга бўлган қизлар 15, ўғил болалар эса 17 ёшида “лагомзадан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, “кадбону”(уй бекаси), “кад худо” (уй хожаси,оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриб туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, чавандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган.

Ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланадиган қавмларда эса хусусий таълимнинг якуни сифатида йигитлар “камарбастан” расмидан ўтишган. Бу расмни ўтказишда қавм бошлиқлари, оқсоқоллар ҳамда устозлар гуруҳи ҳар бир йигитни ота касбидан ташқари ҳарбий билимлар, чавандозлик, кураш тушиш бўйича имтиҳон қилганлар. Бу шуни кўрсатадики, хусусий таълимда нафақат маълум бир касбий фаолиятини эгаллаш босқичлари ўргатилган, балки ватанни ҳимоялашга қодир шахсларни тарбиялашга ҳам эътибор қаратилган.

“Авесто”да 50 дан зиёд ҳарбий куроллар, жумладан улкан тошларни отадиган палахмон, манжаниқ, совут ва унинг остидан кийиладиган мисдан тўқилган юпқа камзуллар тилга олинган. Шунингдек “Авесто”да ер усти ва ер ости шаҳарлар қурилиши, турли иморатлар, кошоналар, қалъалар, ҳар хил иншоотларнинг бунёд этилиши жараёнининг баёни ҳам ҳунарни эгаллаш ва ўргатиш фаолияти юксак даражада йўлга қўйилганлигининг далилидир. Ушбу бинолар ҳақида гап кетганда уларнинг ҳашами, нақшлари, безаклари, ҳамда қандил, ёритгичлари тавсифи берилади. Бу

[1] И.А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.12.

эса ўша даврлардаёқ бизнинг сарзаминимизда меъморчилик санъати анча юксак бўлганлигини тасдиқлайди.

Айни пайтда бу далиллар аждодларимиз ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга эътибор берганликларини кўрсатади.

Ҳунармандчилик йўналишидаги хусусий таълим натижасида қуролсозлик, дегрезлик, заргарлик, пўстиндўзлик, рангли металл ва тошларга ишлов беришдек анча мураккаб ҳунар турлари ўргатилганлиги диққатга сазовордир.

Аждодларимизнинг ҳунармандчилик, жумладан, олтин ҳамда кумушга ишлов бериш натижасидаги ижодларининг намунаси сифатида **“Амударё хазинаси”**ни мисол келтириш мумкин.

Юз йиллар чамаси олдин Ҳиндистоннинг Равалпанди(ҳозирги Покистон) шаҳридаги савдо расталарида бу ерлар учун умуман ноодатий бўлган жиҳозлар: эрамиздан аввалги 5-3 асрларнинг олтин ва кумуш тангалари, олтиндан ясалган турли хил буюмлар пайдо бўлди. Бу тангалар турли давлатлар Юнонистон, кичик Осиё, Аҳмонийлар ҳамда Салавкийлар давлатида зарб этилган бўлиб, уларнинг баъзиларида ҳозиргача учрамаган ёзувлар мавжуд эди. Олтин буюмлар эса маҳаллий халқ ҳунармандлари томонидан ясалган ноёб санъат дурдоналари эди.

Қадимги топилмалар, осори-атиқалар билан савдо қилувчилар бу тангалар бир жойдан яъни, Амударё қирғокларининг шимолидаги қадимги шаҳар харобаларидан топилганлиги тўғрисида хабар бердилар. Кейинги вақт давомида у ердан яна юзлаб тангалар ҳамда олтин ва кумушдан ясалган ҳайкалчалар, билакузуклар, жами 200 га яқин буюмлар олиб келинди. Умумий тўпланган хазина миқдори 1300 та тилла ва кумуш тангалар ҳамда 177 та буюмлардан иборат бўлди.



Бу топилмалар «Амударё хазинаси» номи билан машҳур бўлди. Кейинчалик олимлар хазина 1877 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғида Кофарниҳон ҳамда Вахш дарёлари қуйилиш жойида топилганлигини маълум қилдилар.

Тадқиқотчи Р.М.Гиршман тахминича Амударё ёқасида зардуштийлар илоҳаси Ардвисура Анахитанинг ибодатхонаси мавжуд бўлиб, эрамиздан аввалги 329 йилда Искандар Мақдуний истилоси даврида коҳинлар томонидан ибодатхонадаги олтин ва қимматбаҳо ашёлар яшириб кўмиб қўйилган. Бухоролик уч савдогар Вазиаддин, Ғулом Муҳаммад ва Шукур Али хазинани топиб олган маҳаллий аҳолидан тангалар ва буюмларни сотиб олиб, инглиз зобитларига пуллашади. Кейинчалик бу коллекция Лондондаги

Британия музейи экспонатига айланади ва хозирги кунгача ўша ерда сақланмоқда.



Ардвисура Анахита хайкалчаси



Олтин билакузук

Умуман, зардуштийлик таълим тизимидаги хусусий таълим йўналишида йигит ва қизларни ёшликдан меҳнатсеварлик ва касб-ҳунар эгаллаш малакаси, ҳамда кўникмасини эгаллашга даъват этиш билан бирга, фаол ижодий меҳнат билан шуғулланишга ундалганлиги диққатга сазавордир. Зероки, “Авесто”да таъкидланишича, аждодларимизнинг орзуси ҳаётда фаровон турмуш кечириш учун ишлашга лаёқатли ҳар бир одам бирон-бир касб-ҳунарни эгаллаши, хусусан, чорвачилик,

деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиши, ерга ишлов бериб, чорвани парваришлаб, бирон дастгоҳни юргизиб, халқ эҳтиёжи учун зарур нарсани ясаб кун кечирмоғи, беғараз ҳалоллик билан ризқу-рўз топиб емоғи, бировларга муҳтож бўлиб "қўл узатиб, тиланчилик қилмасдан" ўз-ўзига, ўз меҳнатига ишониб яшамоғи керак. Бу далиллар аждодларимиз касб-ҳунарнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш билан бирга, таълимни меҳнат амалиёти билан боғлик ҳолда олиб борганликларини, йигитларни оқсоқоллар йиғинида ҳунармандчилик, деҳқончилигу-боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларда расмий жамоа кўригидан ўтказиш тадбирлари ҳам тасдиқлайди [1].

Хуллас, зардуштийлардаги хусусий таълим, таълим тизимининг узвий ва ажралмас бўғини сифатида ҳар бир ёш зардуштийларни меҳнат тарбияси асосида жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши, юксак ахлоқ соҳиби бўлиб вояга етиши йўлида муҳим ўринни эгаллаб, таълим тизимининг кейинги босқичлари ҳисобланган бошланғич ва юқори таълим учун пойдевор вазифасини бажаради.

МАКТАБДА БОЛАЛАР ФОЛКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ

Тўхтасин Ражабов, СамДУ мусиқа йўналиши магистратура талабаси

Мақолада болалар фолклор қўшиқлари ва уларнинг умумтаълим мактаби мусиқа маданияти дарсларида ўрганишнинг умумий манзараси (кўриниши) таҳлили асосида фикр юритилади. Калит сўзлар-фолклор қўшиқларининг ўлчови, усули, суръати, лад ва тоналлиги, сўз матни тузилиши, шакл ва мазмун мутаносиблиги, мусиқа оҳангининг ифода воситалари ва диапазони.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабики йилларданоқ, биринчи навбатда миллий тикланиш, ўзликни англаш ва руҳий покланиш, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни сақлаш, тиклаш ва бойитиш, таълим тизимини янгилаш, янада ривожлантириш ва жаҳон талаблари даржасига етказиш борасида жиддий ҳаракатлар бошланди. Ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан, маданият,санъат ва мусиқа соҳсида ҳам туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Мусиқа таълимини янада ривожлантириш, ўқув режалари, Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув дастурлари дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янада такомиллаштириш ҳамда миллий мусиқамизга асосланган янги намуналари яратиш борасида анчагина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Болалар халқ қўшиқлари болалар мусиқа ижодининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, уларнинг мусиқий тарбиясида етакчи воситалардан бири бўлган. Болалар мусиқа фолклори мусиқий тарбия воситаси сифатида мусиқий педагогиканинг халқ мусиқа педагогикаси ва мусиқий этнопедагогика соҳасига тааллуқлидир. Болалар халқ қўшиғи мусиқа ижодининг турларидан бири сифатида мусиқий этнография, мусиқий фолклоршунослик каби фанлар доирасида ўрганилади. Алла қўшиғи катталар томонидан яратилиб, болаларнинг ором олиб ухлашларига ёрдам берадиган туйғули мусиқий таъсир воситаси бўлса, болалар халқ қўшиғи – бу болаларнинг ўзига хос турли ўй - хаёллари, ҳис – туйғулари, таъсуротлари, ўйинлари ва муносабатларини ўзида акс эттирган, ўзлари ижод этган халқ қўшиқлари ҳисобланади. Болалар халқ қўшиқларининг шакл ва жанрлари кўлами ҳаётнинг ўзидек катта ва хилмахилдир.

Болалар халқ қўшиқларининг мавзу ва жанрларига ўйин-қўшиқлар, ҳазил -мутоиба қўшиқлари, санамалар, тез айтишлар, тегишмалар ҳар хил товушларга тақлид (иммитация) қилиш, топишмоқлар, маиший қўшиқлар, диний, байрам, меҳнат, йил фаслларига, табиат, ҳайвонлар, қушларга бағишланган ва бошқа қўшиқлар киради. Табиийки, болалар фолклор қўшиқларининг пайдо бўлишида маълум даражада катталарнинг ҳам ҳиссаси бўлиши мумкин. Чунки болалар ҳаётда доимо катталар билан бирга бўладилар, улардан ўрганадилар уларга тақлид қиладилар, катталар қўшиқларини эшитадилар ва уларнинг таъсирини сезадилар. Аммо болалар бу ижодий жараёнга киришиб кетиб, қўшиқларни ўзлари зўр завқ-шавқ билан образли ижро этадилар. Болалар фолклор қўшиқлари жанрларининг хилмахиллиги улардан ижод, ижро, мусиқа таълими ва тарбияси усулиёти каби мусиқа педагогикасининг барча турлари ва тармоқларида фойдаланишга имкон беради.

Мактаб мусиқа таълими ва тарбияси ДТСлари, намунавий ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда оддийдан мураккабга (изчиллик) тамойили асосида таснифланган "Ошхўракам каптар", "Зув-зув борағай, "Оқ теракми, кўк терак", "Чорий чамбар", "Читти гул" "Ёмғир ёғалоқ", "Лайлак кеди", "Қичқир хўрозим", "Баҳор келди", "Бойчечак" каби бирқанча болалар фолклор қўшиқлари киритилган. Юқорида келтирилган болалар фолклор қўшиқлари гарчи умумий куплетли шакл доирасида бирлаштирилган бўлсада, уларнинг мавзу ва жанр турлари, лад ва тонал режаси хилмахилдир. Уларнинг оҳанг билан куйлаш хусусиятларига кўра оддий уч, тўрт ва олти тактли турларидан бошлаб, яхши ривожланган 8, 16 ва ундан ҳам кўпроқ тактли кўринишлари бор. Масалан "Ёмғир ёғалоқ" қўшиғи 4 такт оҳанг билан айтилса, "Лайлак келди" қўшиғи 8 тактли оҳанг билан

[1] Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. "Avesto"-шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги – Т.: Молия институти.2004 й

айтилади. Уларнинг айримларини биринчи, баъзан иккинчи жумлаларида (“Ҳаю”, “Ҳой”, “Ҳей”, “Эй”) каби ўзига хос хитоб ўзгаришлар киритилиб, жумлалар қўшалоқланади. Айрим қўшиқ намуналарида эса куй оҳанги унчалик ривожланмаган бўлиб, операдаги речитатив (оддий сўзларни оҳанг билан куйлаш)га ўхшайди. Бундай қўшиқларнинг сўз матнида ҳам сўзларнинг ўзаро мантиқли боғланиши сезилмайди. Масалан: “Лайлак келди” қўшиғи “Лайлак келди ёз бўлди, қаноти қоғоз бўлди” сўзлари билан бошланади. Биринчи жумла тушинарли, аммо иккинчи жумладаги “Қаноти қоғоз бўлди” сўзларини тушинтириб бериш қийин.

Болалар севиб ижро этадиган “Бойчечак” фолклор қўшиғи нисбатан кўпроқ ривожланган болалар халқ қўшиқларидан ҳисобланади. Унда ёрқин намоён бўлган 8+6+8 тактли даврлардан ташкил топган уч қисмли шаклни кўришимиз мумкин. Қўшиқнинг ижроси болаларга олам-олам қувонч бағишлайди. Унинг драматик мазмуни табиат, кундалик ҳаёт ва ажойиб бойчечак гули манзараларининг ёрқин образлари билан бойитилган.

Биз Бухоро шаҳри ва туманининг айрим мактабларида бўлиб, асосан бошланғич синф мусиқа маданияти дарсларини кузатдик. Айрим тажрибали моҳир мусиқа ўқитувчилари дарс жараёнида болалар фолклор қўшиқларини ўрганиш устида иш олиб борганларининг гувоҳи бўлдик. Айниқса Бухоро шаҳар 20 – мактабдаги мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг “Чаманда гул”, “Баҳор келди” қўшиқларининг қизлар рақси билан биргаликда ижро этилиши бизда зўр таъсурот қолдирди

Хулоса қилиб айтганда умумтаълим мактаби мусиқа маданияти дарслари ва синфдан ташқари мусиқа тўгаракларида Ўзбек халқ болалар фолклор қўшиқларидан фойдаланиш, мазкур қўшиқларнинг ёрқин образлари орқали болаларда она юртга, унинг табиатига, анъаналарига муҳаббат туйғусини шакллантириш ва уларни мусиқа ижрочилиги ҳамда ижодиётига ошно бўлишларига жуда катта ёрдам беради.

МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ВА УЛАРДАН ПЛЕНЭР МАШҒУЛОТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

С.С.Азимов, БухДУ тасвирий санъат ва мухандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

Мустақил Ватанимизда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини юқори касбий маданияти, ижодий қобилияти, ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш ҳозирги таълим жараёнининг энг долзарб масалаларидан саналади. Бундай кўникма ва билимларни мустаҳкамлашда пленэр машғулотларининг алоҳида ўрни бор. Пленэр машғулотларида расм чизиш ва рассомчиликка оид билим ва малакалар такомиллашиб амалда мустаҳкамланади. Очиқ майдонда табиий ёруғликда жисм билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнини талабанинг ижодкорлик қобилиятини камол топтириб жисмни ҳаққоний образларда тасвирлашга ўргатади, унинг эстетик тасаввурини кенгайтиришга кўмаклашади. Очиқ ҳавода (пленэр)да ишлаш хонада ишлашдан кескин фарқ қилади. Очиқ ҳавода табиатнинг тасвир объектлари мунтазам равишда ўзгариб туради. Табиий ёритиш объекти бўлган қуёшнинг ҳаракати билан манзара ҳам турлича товланади. Бундай манзарани ҳаққоний тасвирлаш талаба олдида баъзи бир муаммоларни кўндаланг қўяди. Бу муаммолар перспектива, яъни кўриб турган манзарани тўғри ва яхлит тасвирлашда, ҳаво переспективасини акс эттиришнинг, муракаблигида, ранг танлаш иқтидори киши диққат- эътиборини ўзида жалб қиладиган мотив ва композицияни топиш махорати кабиларга кўзга ташланади. Бу эса талабанинг манзарани ўзига хос томонларини тўғри кўра билиши, қандай қабул қилишига боғлиқдир. Жисмни жонли, ҳаётий тасвирлаш учун аввало, унинг нозик жихатларини ҳис этиш, эстетик томонларини идрок этиш мухим ахамиятга эга. Шу жихатдан қараганда бўлажак рассом – педагогларнинг тасвирий санъатга оид билим ва кўникмаларини бойитиш, шунингдек унинг технологик жихатларини мукаммал эгалашга ўргатиш баробарида жисмни тўғри идрок этишга ўргатиш ҳам устоз педагогларнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Пленэр машғулотларида ўлкамизнинг сержило табиати қатори меъморий ёдгорликларини тасвирлаш ҳам назарда тутилган. Меъморий обидаларда халқ тарихи, ўтмиш маданияти турмуш тарзи ўзига хос образларда ўз мужасамини топган. Бу образларни ҳаққоний тасвирлаш учун талабадан унинг ўзига хос томонларини тўғри идрок этиш талаб этилади. Меъморий обидаларга хос образларни тўғри идрок этмай туриб, уни ҳаққоний тасвирлашга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ўқитувчи меъморий обидаларни тасвирлашга ўргатиш билан бирга бу санъат турининг бошқа санъатлардан фарқли хусусиятларини талабаларга тушунтиришининг аҳамияти мухимдир.

Меъморий ёдгорликларга хос бу фарқли хусусиятлар қуйидагиларда ўзини намоён этади:

1) Меъморчилик моддий ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт дажаражаси билан боғлиқ бўлади.

2) Меъморчилик уталитар моддий вазифани бажариб, жамиятнинг ғоявий – эстетик қарашларини ўзида акс эттиради.

3) Меъморчиликда жамоатлик ҳаётий эхтиёжлари ўз ифодасини топган бўлади.

4) Рассомликчилик, ҳайкалтарошлик санъатларида ғоявий мазмун реал образларда акс этган бўлса, меъморчиликда ғоявий мазмун умумий, мавҳум образлар орқали ифодаланган бўлади.

Бу хусусиятлар меъморлик санатининг бадиий қиёфаси (образи)да акс этган бўлади. Бу хусусиятларни кўриш, англаш, идрок этиш учун меъморликка хос бадиий “тил”ни билиш керак бўлади. “Меъморлик “тил”и миқдор моддаси, ҳажм, устки қисм ва рангдан ташкил топади. Меъморлик бадиий “тил”и тарихи ўзгарувчан бўлиб, у тарихий давр, янги қурилиш ашёларини, қурилиш технологиясининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши натижасида янгиланиб туради”. (Умаров Д. Эстетик – Т. Ўз. 1995 209-бет.).

Бухоро давлат университетининг тасвирий санъат ва мухандислик кафедрасида пленэр машғулотларида тарихий обидаларни тасвирлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бухоро дунё тамаддунида бой ўтмиш, бетакрор асори – атиқалари, гўзал меъморий ёдгорликлари билан танилган машҳур маданият ўчоғи, ислом динининг ривожига муҳим ҳисса қўшган тарихий шаҳардир. Бухоро меъморий обидалари узоқ мозийдан дарак берувчи санъат асарлари бўлиб, уларсиз шаҳарнинг тарихий қиёфасини тасаввур қилиб бўлмайди.

Турли даврларда (IX-XX аср бошида) ўзига хос меъморчилик услубида бунёд этилган масжид, мадраса, минора, мақбара, сарой, ҳаммом, қалъа, савдо расталари, (тим ва тоқлар) халқимизнинг баҳоси буюклигидан далолат беради.

Афсуслар бўлсинки шўролар даврида уларнинг кўпчилиги “эскилик сарқити” дея бузиб ташланди, омон қолганлари эса вайрона ҳолига келтирилган эди.

Мустақиллик тарихимиз, миллий маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналари бўлган меъморий ёдгорликларга янги ҳаёт бағишлади. Таҳқир ханжари билан кўкси тилинган тарихий обидалар бугун ўзининг “меъморий тили” билан халқимиз тарихи ва маданиятининг шонли саҳифалари ҳақида сўзламоқда.

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, “Ҳар қайси халқ ёки ҳар қайси миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.” (И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.” Маънавият”, 2008. 19-бет).

Пленэр машғулотларида меъморий обидаларни тасвирлашга ўргатиш бўлажак-ўқитувчиларни педагогик, эстетик томонлама тарбиялашга, ижодий имкониятларини очиб, интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга, меъморий обидаларни идрок этишга, уларнинг шахс сифатида шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Бўлажак рассом ўқитувчиларнинг бадиий диди, дунё қараши, маданий савиясини юксалтиришда маълум давр, ижтимоий тузумнинг ғоявий – эстетик қарашларини ўзида мужжасам этган меъморий обидаларни тасвирлашнинг аҳамияти катта. Улар ёшларга ватан тарихи, халқимизнинг эстетик маданияти, тарихий ҳаёт йўли, яшаш тарзи, миллий анъаналари ҳақида сабоқ беради. Ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварликка ўргатиб, уларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясини ривожлантиришга кўмаклашади. Пленэр машғулотларида меъморчилик санъатини идрок этишга ўргатишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ёшларни ўз миллий санъатига, маданиятига муҳаббатли қилиб тарбиялашга, меъморий обидаларни асраб-авайлашга, ўзининг буюк аждодлари билан фахрланиш туйғусини қарор топтиришга хизмат қилади. Рассом ўқитувчиларни меъморий обидаларни идрок этишга ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари бор.

Қўшиқ эшитиш орқали киши руҳиятига таъсир этса, меъмор қўли билан бунёд этилган санъат асарини идрок этишга бошқа тана аъзолари ҳам иштирок этади. Меъморий обиданинг ҳажми, уч ўлчамли шакли, миқёси, кўрки, кўриш орқали тасвирда гавдаланади.

У акс эттирган воқеликни бадиий қиёфаси ҳам тана аъзолари воситасида, шунингдек ҳис-туйғулар ёрдамида идрок этилади. Айтайлик, тарихий обидаларнинг қурилиш ашёлари: ғишт, ганч, ёғоч кабиларни талаба қўли билан ушлаб кўради. Бино ичида юрганда оёқ товушидан чиққан акс-садони эшитади.

Меъморий обидани томоша қила туриб, хаёлан уни қурган меъмор билан сухбат қуради, буюк аждодларимиз яшаган мозийга сафар қилади.

Меъморий обиданинг тарихий даври, бадиий эстетик хусусиятлари, ғоявий мазмуни, утолитар вазифасини идрок этган талаба уни хаётий, жонли, давр рухиятини акс этирган ҳолда тасвирлаш имкониятига эга бўлади .

Меъморлик фазовий-маконий санъат. Бу санъатни идрок этишда фазовий-маконий мухитни ҳис қилишнинг аҳамияти муҳимдир. Бинонинг миқёси, интерьер, уни ўраб турган ташқи мухит унинг географик ўрни ҳақида талабаларга тасаввур бериш унинг фазовий-маконий мухитини тўғри акс эттиришга кўмаклашади. Меъморий обидани тасвирлашда унда акс этган бадиий қиёфа (образ)га ҳар бир талабанинг шахсий муносабати бўлишига эришиш зарур. Ўқитувчи берган маълумотлар асосида талабанинг шахсий тасаввурида гавдаланган бадиий қиёфа (образ) бўлажак рассом-педагогнинг индивидуал қарашларини акс эттиради ва унинг ижодига ўзига хосликни таъминлайди.

ТАЛАБАЛАРДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ АСОСИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

С.М.Умарова, Бухоро Давлат университети 2-босқич магистри

Annotation: *In was recently actuated study of the questions of the interaction scholastic and creative processes, regularities of the shaping the creative abilities. The Creative abilities us are understood as possibility student, revealing in skill to execute the actions of the creative nature and realizing in concrete product of activity. Shaping the creative abilities occurs by means of decorative-aplied arts being collection stage shaping, function and sign.*

Аннотация: *В последнее время активизировалось изучение вопросов взаимодействия учебного и творческого процессов, закономерностей формирования творческих способностей. Творческие способности нами понимаются как возможности студентов, проявляющиеся в умении выполнять действия творческого характера и реализующиеся в конкретных продуктах деятельности. Формирование творческих способностей происходит посредством декоративно-прикладного искусства являющегося совокупностью этапов формирования, функций и признаков.*

Keywords: *creativity, decorative-aplied arts, arts and crafts, stages of formation, the actions of the creative nature of the products.*

Ключевые слова: *творческие способности, декоративно-прикладное искусство, этапы формирования, действия творческого характера, продукты деятельности.*

Кейинги вақтларда ўқув жараёнининг ижодий жараёнлар билан уйғунлашуви, ижодий қобилиятларнинг шаклланиш масалаларини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бориш анча фаоллашди.Ижодий қобилият талабалар салоҳияти, ижодий сифатларнинг намоён бўлиш қобилияти ҳамда муайян бир фаолият маҳсули сифатида амалга оширилишини белгилайди. Амалий безак санъати воситасида уни шакллантирувчи вазифа ва белгиси умумлашуви жараёнида ижодий қобилиятлар ривожланади. Ижодий билим моҳияти масаласи мушкул ва кўп қирралидир. “Ижод” тушунчасининг асосий назарий томонини психологлар, файласуфлар, педагоглар ўрганишган. Улар ўзларининг изланишлари натижасида ижоднинг аҳамиятини инсон шахсиятининг шаклланиш жараёнида деб белгилашган.

Тор маънода, ижод янги сифатдаги асарнинг дунёга келиши, илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, аммо умумий тарихий қимматга эга бўлган инсон фаолиятининг маҳсулидир. Кенг маънода эса, психологияда ижод тушунчаси янги, субъект фаолияти натижасида пайдо бўлган билим, қабул қилинган қарор, таъсир йўллари, моддий ашёлар инсоннинг ҳар қандай амалий ва назарий фаолияти сифатида танилган тушунчадир. Инсонийлик қиёфасининг шаклланишида ижод ўзининг баҳо мезони, қадриятлар шкаласи, психофизиологик тузилиши, субъектив ва объектив маъносига эга.

Бугунги замонавий ижтимоий – маданий шароитда ижодийликнинг шаклланишида энди фақатгина анъанавийликка таяниб бўлмайди. Ижодий фаолият инсонпарварликка таянади, унда педагогик амалиётга йўналтирилган объект бўлиши керак. Шунинг учун “назария ва методология (фалсафа, маданиятшунослик, тарихий психология) – психология (яъни ижоднинг психологик механизмлари) – педагогика –педагогик амалиёт (методика, ижоднинг шаклланиш шароити)” қаторида барча юз бериши мумкин бўлган алоқа ва муносабатлар бир хилда муҳим, ҳамда инсон фаолиятининг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

Ўқув ҳамда ижодий жараёнларнинг ўзаро таъсирлашуви ижодкорликнинг ривожланиш қонунийлиги, ижодий қобилият шаклланишида шакл ва методлар структурасини ўқув жараёнида қўллаш сезиларли даражада фаол ҳаракатга келтирилди. Талабаларда илгаридан мавжуд бўлган қобилиятларни очиш механизмларини аниқлашга имконият беради. Кўпгина педагогик тадқиқотлар илм соҳасининг такомиллашувига, жумладан, инсон шахсиятида унинг ижодий имкониятларини очишга йўналтирилган. Фаолиятнинг ҳар қандай турига мувофиқ қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Бу ҳолат узоқ тарихга эга санъат соҳаси, мусиқа ва педагогик амалиётда ўз тасдиғини топган. Ижодий қобилият инсон қобилиятларининг мужассамлашувида истисно қилинмайди, аммо кўпроқ уларнинг қонунийлиги назарга олиниб, улар ўзларининг ривожланишини фаолиятларининг ўхшашлиги вақтида, айниқса ижод жараёнида ортади. Шундай экан, ўқув жараёнида ҳар бир талабаларнинг ўзига хос сифатларини инобатга олиш керак, чунки бу талабаларнинг қизиқиш ва муваффақияти, ўқув фанларини танлашда катта ёрдам беради. Қолаверса, ижодий сифатлар юзага чиқиши натижасида янги субъектив махсулот яратилиши ўқув жараёни учун жуда муҳим. Ижод учун талаб этиладиган билим, махорат, малакага эга бўлиш қобилияти талабаларни ҳам ривожлантиради, ҳам юксалтиради. Асрлар давомида аждодлар томонидан тўпланган моддий ҳамда маънавий, маданий билимлар шахснинг ижодий қобилияти шаклланишига бевосита боғлиқ. Ижодий қобилиятнинг шаклланиш босқичлари:


1. Когнитив босқич – турли халқларнинг амалий безак санъати асосида миллий маданият ҳақидаги билимларнинг кенгайиши билан боғлиқ (масалан, кулолчилик, наққошлик, рус халқида тикиш графикаси, квиллинг, батик санъатлари мисолида). Бу босқичда билиш мотивларининг турғун

сифатлари ҳамда амалий безак фаолиятининг жўшқинлиги, ташаббускорлик, мустақил изланиш ва аксинча, тайёргарликсиз ижодий муҳитни яратиш натижасида намоён бўлади.

2. Мотивацион фаолият босқичи – кўп қиррали фаолиятда турғун ички эҳтиёж, ижод мативларининг уйғунлашуви амалий безак санъатида юқори натижага эришишга интилиш билан характерланади. Бу босқичда талабанинг хос қизиқишлари амалий безак фаолиятининг турли кўринишларида бадиий қиёфаларда намоён бўлади.

3. Қайта ўзгартирувчи босқич – тасаввурни бойитиш, ўз устида ишлашга бўлган мойиллик, ижодий топшириқни аъло даражада амалга оширувчи қобилият сифатида характерланади. Бунда ижодий жараён хилма-хил кўринишда эканлиги, унинг натижасида ҳосил бўлган махсулотларнинг акс этиши (яъни яратилиш сабабларининг келиб чиқиши) зардўзлик, каштадўзлик, ўймакорлик каби санъатлар воситасида яратиладиган бадиий образлар мустақил фаолият юрита олиш қобилиятини, кучли ва бой тасаввурнинг намоён бўлишини таъминлайди. Амалий безак ижодиёти воситасида бадиий жиҳатдан ўзгарувчан сифатли материаллар қайта тайёрланиб, фақатгина биргина вазифани бажарувчи буюм сифатида эмас кўзни қувонтира оладиган даражадаги маънавий озуқа манбааларидан бири дунёга келади.

Халқ амалий безак санъати тузилиши нуқтаи назаридан ижодий қобилиятларни шакллантирувчи вазифалари ва белгиларини баҳолаш кераклигини тақозо этади. Қуйида ушбу жадвал келтирилган.



Ахборот берувчилик вазифаси – Халқ амалий безак санъатигагина хос бўлган хусусиятларини мужассам этувчи – шакли, ўлчами, ранги, материал ва ҳоказолар ҳақидаги билимларни қамраб олади. У билимларни ўзлаштириш хусусиятини бойитади, дунёқарашни кенгайтиради ва фикр-мулоҳазали бўлишга тарбиялайди.

Бошқарувчанлик вазифаси – бизни қамраб олган оламга нисбатан таъсирчанлик нуқтаи назаридан, “моҳир қўллар”ни ривожлантиради, тимсолли тасаввур ва фикр-мулоҳазалилик тушунчалари орқали халқ амалий безак санъати асосланади, ўз имкониятлари ҳақидаги тасаввур шакллантиради, ижодкорлик, ҳозирги дунёмизни англашга ундаш кабилар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вакуленко Е.Г. Народное декаративно-прикладное творчество. – М.: Феникс, 2007.
2. Титов А.А. Методы активизация творческой деятельности учащихся на уроках изобразительного образования // Вектор науки ТГУ. Серия: Педагогика, психология. 2012, № 2. С. 288-290.
3. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий – безак санъати. Тошкент 1996 й, 83-85 б.

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ ИНСОН ИЖТИМОИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Махмашукур Эшматов, ҚарДУ ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Resume. *Nature, society and human interaction comments about the economic problems of human social life.*

Табиат ғоят хилма-хил шакллари, таркибий қисмлари билан инсониятни қуршаб турган органик ва анорганик оламлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидир. Фалсафада табиат деганда инсон ва инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган жамиятки объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар йиғиндисига айтилади. Табиат ўзининг узоқ эволюцион тараққиёти жараёнида яратган мавжудотларидан бири инсон бўлиб, бошқа мавжудотлардан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам инсондаги икки асосий моҳият: биринчиси унинг табиийлиги, (биологик тузилиши) икинчиси унинг ижтимоийлигидир. Аслида табиат тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади.

1) Кенг маънода табиат бутун объектив борлиқ, реал воқейлик, турли-туман кўринишлардаги олам тушунилади. 2) Тор маънода табиат фан, асосан табиий фанлар ўрганадиган объектдир. Фалсафада табиат табиий ва сунъий муҳитларга ажратиб таҳлил қилинади.

Табиий муҳит деганда инсониятдан холи, мустасно тарзда, соф табиий ҳолда мавжуд бўлган табиатдир. Сунъий муҳит эса инсоният иштирокида ҳосил этилган табиий неъматлар тупроқ, сув ҳавзалари, аҳоли масканлари, шаҳарлар, янги-янги ўзлаштирилган ерлар ва ҳаказолар тушунилади. Табиат тушунчаси инсоният жамиятининг ҳаёт фаолияти юз берадиган табиий шароитлар мажмуи сифатида ҳам ўрганилади. Ҳудди шу маънодаги табиат тушунчаси, оддий фан сифатида эмас инсон ва жамиятнинг тарихан ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрни ва бажарадиган функцияси билан тавсифланади. Шу маънода, табиат тушунчаси биринчи табиий шароитларни эмас, балки ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида бунёд этиладиган моддий неъматларни ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёт фаолияти табиатга нисбатан ўрнатиладиган фаолиятининг реал пойдеворини ташкил этади. Демак, жамият тараққиёти жараёнида табиий муҳитга бўлган муносабатнинг ўзгариб бориши инсоният ҳаёт фаолиятининг хусусияти, миқёси (кўлами) ва йўналишларини белгилайди. Бундай муносабат оқилона йўлдан бормаса табиат билан инсон орасидаги алдоқадорлик салбий томонга бузилади. Бундай бузилиш йилдан-йилга тезлашиб бормоқда. Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, у ўз зиммасига ўта маъсулиятли, ғоятда қийин бўлган муаммоларни олмоқда-ки, уларни бартараф этиш инсон учун қанчалик қийин эканлигини англаб етмаяпти. Чунки, ҳозирги давр, объектив тараққиёт қонуниятлари билан инсоният олдига шундай қийин муаммоларни кундалик қилиб қўймоқда. Бундай муаммолардан бири ер шарида инсон ва бошқа тирик табиий муҳит вужудга келаётганлигидир.

Ақл-заковотнинг ривожланиши натижасида инсон тошга ишлов бериш технологиясини мужассамлаштирди, отувчи қуролларни яратди. Инсон жуда қисқа вақт ичида мутлоқ йўлбошчи ҳайвонот оламининг ҳукмронига айланди. Қадимги даврда тош болта ихтиро қилганидек, энди янги техниканинг имкониятларидан тўлиқ фойдалана бошлади. Натижада инсониятни ҳам йўқолиб кетган турларининг тақдири каби тақдир кутмоқда. Буни инсоният англаяптими? Агар англаётган бўлса қай даражада англаяпти?

Гап шундаки инсониятни навбатдаги умумсайёравий инқироз кутаяпти. Мақсад инсон онгида умумсайёра эволюциясининг ҳозирги босқичига тегишли тасаввурни шакллантириш зарур, чунки бусиз инсоният навбатдаги табиий муҳит инқирозини енгиб ўтишга қодир эмас.

Умуман, умумсайёра масштабидаги охирги ҳалокат неолит инқилоби ҳисобланади. Бу ҳодиса натижасида биосферанинг эволюцион табиати тубдан ўзгарди: иккинчи табиат паайдо бўлди, техносфера сунъий биокимёвий оқимлар вужудга келди, табиатда олдин мавжуд бўлмаган янги моддалар алмашинувига олиб келди.

Юқоридаги фикрлардан шуни таъкидлаш мумкин-ки, сайёрамиз ҳозирги биосферанинг энг муҳим қайта қурилиши бўсағасида турибди. Бундай ҳолат амалга ошса у сайёра эволюцияси тарихидаги учинчи ҳалокат бўлади.

Вужудга келаётган табиий муҳит ўзгариши ҳақида кўп ёзилди ва ундан ҳам кўп айтилди, айтилмоқда. Демак, кутилаётган ҳалокат муаммоси асосли маънога эга бўлган икки ҳолат билан боғлиқ бўлиши мумкин. Биринчиси, илк бор Мальтус томонидан белгилаб берилган эди. Бунинг эътиборли томони шундаки, инглиз пастори ўзининг ҳисоб-китобларида ҳато қилган эди, яъни Мальтус уйлаганидек, сайёра кўламида жон бошига озиқ-овқат ишлаб чиқариш XVIII асрда эмас балки XX асрнинг 70-80 йилларида бошланди. Шуниси муҳимки, инсониятнинг ўсиб бораётган иштаҳаси, камбағаллашиб бораётган табиий муҳит имкониятларидан ошиб кетди. Бу оғирликни табиат кўтара олмаяпти. Фақатгина озиқ-овқат соҳасида эмас, ўсиб бораётган инсон эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган бошқа энергия манбалари ҳам тугаб бормоқда.

Иккинчиси эса, тезлик билан ўзгариб бораётган табиий муҳитга инсоннинг антропоген нагрузкаси ошиб бормоқда. Бундай ҳолатни ҳам табиат кўтаришга ҳозир эмасди. Навбатдаги ҳалокат ҳолатига яқинлашиш кўрсаткичларига иқлимнинг исиб кетиши, озон қатламининг юпқалашиб кетиши ва бошқа ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги турғунлик ҳолатининг йўқолиш имкони ҳақидаги фарзга ядро урушининг биосфера ҳолатига таъсирини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, ядровий портлашлар ва ёнғинлардан кейин табиат тахминан бир йилдан кейин ўз осойишталигини аввалги ҳолатидан тубдан фарқ қилган ҳолда тиклаши мумкин. Бу ерда чап маълум чекланган регионлардаги синовлар ва портлашлар ҳақида кетаяпти. Тасаввур қилайлик бундай ҳолат бутун Ер юзи бўйлаб содир этилса нималар содир бўлади. Бу шуни кўрсатадики, табиатнинг ҳозирги ҳолати инсоният пайдо бўлганидан буён ривожланиш эволюциясининг охирги чегарасига яқин турибди.

Демак, камбағаллашган табиат имкониятлари йўқолиши учун бўлган курашда инсоният ўзининг тош асридаги тош қурллари билан эмас, балки жанговор ядро қуроллари арсеналига эга бўлган давлатлар иштирок этишади. Қўрқинчли томони шундаки, янги улкан ҳалокат натижасида инсониятни нималар кутаётганлигини башорат қилиб бўлмайди. Аммо, сайёра тарихида содир бўлиб ўтган ҳалокатлардан фарқли равишда, янги фалокат арафасида инсониятда жамоавий ақл пайдо

бўлди. Инсоният содир бўлиши мумкин бўлган хавфни билиб унинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният пайдо бўлгандан буён , у яшаб турган табиатда содир бўлган эволюцион ўзгаришлар инсоннинг табиий ва ижтмоий қиёфасига ҳам таъсир кўрсатди.

1) Инсоннинг жисмоний қиёфаси заифлашиб, унда турли-туман камчиликларни кўпайтириб юборган бўлса;

2) унинг ижтимоий қиёфасини ҳам камбағаллаштириб йиртқичлаштириб юборди.

Демак инсонни табиат яратган, у қанчалик соф-тоза бўлса, инсоннинг ижтимоий қиёфаси ҳам шунчалик бой, юмшоқ, тоза бўлади. Бунга мисол қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган барча таълимотларда инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларга бағишланган билимларни олиш мумкин. Масалан, Қуръони Карим, хадислар, Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Бобурнома ва табиат ҳақидаги таълимотларни ҳаказоларни айтиш мумкин.

Табиий муҳит бузилган сари, инсоннинг ижтимоий қиёфаси ҳам ваҳшийлашиб бораётганидан далолат беради. Аммо инсон қанчалик вахшийлашмасин содир бўладиган ҳалокат олдида ўзининг ожизлигини англайди. Шунинг учун ҳам XX аср ўрталаридан бошлаб ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган қатор жамоат ташкилотлари пайдо бўлди. Булар жумласига “БТМ”, “Юнеско”, “Рим кубоги”, “Гуздон институти”, “Яшиллар ҳаракати”, “Экосан халқаро саломатлик жамғармаси”, “Тошкент кулуби” ва ҳаказоларни айтиш мумкин.

Бундай халқаро ташкилотлар табиий муҳит мусаффолигини сақлашда инсониятни биргаликда ҳаракат қилишга чақирмоқдалар. Инсониятнинг бунга жавоби қандай бўлади, буни келажак кўрсатади.

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Б.Мустафоев – БВХТХҚТМОИ, “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим “ кафедраси мудири, доцент.

Таълим технологияларини мусиқий ўқув жараёнига кенг тадбиқ этиш ўқувчилар фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан саналади. Мусиқа ўкитувчиси мусиқа санъатининг назарий ва амалий соҳаларидан етарли даражада билимга ва тажрибага эга бўлиши, дарсни қизиқарли усулларда олиб бориши лозим

“Интерфаол” - ўкитувчи ва ўкувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида дўстона муҳит яратиш, дарс самарадорлигини ошириш, ўкувчиларни мустакил фикрлаш, фикр-мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш кўникмасини шакллантириш демакдир. Бу усулда ўкувчи ўзи фаол иштирок этган ҳолда, якка, жуфтликда, гуруҳларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, баҳолайди, ёзади, сўзга чиқади, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса ўкувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади. Янги мавзу (ахборот)ни ўзлаштиришда танкидий, тахлилий ёндаша олади. Ўкитувчи фақат фасилитатор (йўл- йўриқ кўрсатувчи, ташкил қилувчи, кузатувчи) вазифасини бажаради.

“Интерфаол” - “ўкувчи - ўкувчи”, ”ўкитувчи - ўкувчи” ўртасида содир бўладиган мулоқот усули. (Масалан, мусиқий асарни ўкитувчи ўкувчи билан биргаликда ижро этиши). Мусиқий фаолиятлар давомида ҳамкорликда ишлаш воситасида дарс самарадорлигини оширишга эришилади.

Илғор педагогик технологияларнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Бу усуллардан ўкувчиларнинг ёши, психологик хусусияти, билим даражаси, мусиқий эҳтиёжига қараб фойдаланиш мумкин.

“ТАРОЗИ” усули

Мазкур усул ўтган мавзуларни кўпроқ далиллар келтириш асосида қисқа ва лўнда ифодалаб, бошқа гуруҳ иштирокчиларини ишонтирган гуруҳ жавоби тарозисида вазмин келиб ғолиб чикади. Ўкувчиларга 3 хил карточка тарқатилади. Бу карточкаларга ўқувчилар билган қўшиқлар номи ёзилган. Ҳар бир қўшиқдан парча тинглаб, ушбу суратга мос куйларни ёки қўшиқларни эслаб, унинг таърифи ва мазмуни очиб берилади. Қайси гуруҳ тез ва чаққон далиллар келтирса ва давомини куйлаб берса, шу гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

“СКАРАДЕЙ” технологияси

“Скарадей” интерфаол технология бўлиб, ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантик, хотиранинг ривожланишида имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллатиради. Мазкур технология ўкувчиларда мустақил равишда мусиқий билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўргатилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тассаввурларни аниқлаш имконини беради. У айни пайтда турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғликликни аниқлашда имкон яратади.

“Скарадей” технологияси ўкувчилар томонидан осон қабул қилинади. Чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У ўкувчилар

тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, рефлектив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга бўлади. “Скарадей” технологиясидан ўқув материалининг турли босқичларини ўргатишда фойдаланилади.

“СИНКВЕЙН” усули

Ўкувчилар гуруҳларга бўлинадилар. Ўкитувчи ўзи танлаган ҳар бир гуруҳга ўкувчилар ўрганган турли қўшиқлардан 4 такт кириш қисмини ижро этиб бошлаб беради. Гуруҳлар, уларга ижро этиб берилган мусиқа орқали қўшиқ номини топиб, давом этишларига керак. Вазифани тўгри бажарган гуруҳлар ғолиб, деб саналади.

“ СКАРАБЕЙ” усули

Ўтилган мавзуларни такрорлаб мустаҳкамлаш. Икки гурухда ишлаш. Ўкувчиларга карточкалар тарқатилади. Уларда бир нечта асарлар номи ёзилган. Ҳар бир гуруҳлар бир - бирига карточкаларда ёзилган асар номини айтмасдан куйлаб ёки чолғу асбобида чалиб, ёки қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб берадилар. Гуруҳлар асар номини топиб давом этишлари керак. Асарлар номини кўпрок тўғри топган, тўғри кўрсатган ва тўғри ижро этган гуруҳ ғолиб, деб саналади.

Ўтилган қўшиқларни такрорлаш

Бир нафар ўкувчи синфдан ташқарига чиқиб кетади. Қолганлар келишиб бирор қўшиқни танлайдилар. Сўнг ҳаммалари ўзларига биттадан сўзни танлаб оладилар. Ҳамма тайёр бўлгандан сўнг ташқаридаги ўкувчи таклиф қилинади. У киргач, ҳамма бараварига ўзининг сўзини айта бошлайди. Бола ушбу қўшиқнинг номини топиши керак. Ўкувчи қўшиқ номини топгандан сўнг қарсаклар билан олқишланади. Ўйин тугагандан сўнг болаларнинг таассуроти сўралади.

“Ижодий иш”-

Ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилган, эстетик дидларини шакллантирадиган услуб. Бу услубда ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларида мустақил ўрганган мусиқа асарлари тингланиб, дарс жараёнида ўқитувчи томонидан назарий кўрсатмалар берилади.

Юқорида келтирилган интерфаол усулларни ўқитувчи дарс жараёнида қўлласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Ва ўқувчиларнинг эслаб қолиш қобилиятида ҳам ижобий таъсир кўрсатади, Зеро, ўқувчи маънавиятини шакллантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш билим олишларига қизиқишларини уйғотиш пировардида ўқувчи фаоллигини ошириш- таълим технологияси моҳиятини белгилайди.

FAYZOBOD XONAQOSINING ARXITEKTURA OBIDASI VA ATROF MUHITNING TASNIFI

Badiyev M., Bux DU, Mamurov I.TTYTI, Zaripova G. Buxoro Madaniniyat kolleji

Mustaqlikka erishganimizdan keyin xalqimizning o’z yurti, tili, madaniyati, qadriyatlarini, tarixini bilishga, o’zligini anglashga bo’lgan qiziqishi ortib bormoqda. Bu tabiiy hol, odamzod borki avlod-ajdodini kimligni nasl nasabini, o’zi tug’ilib voyaga yetgan qishloq, shahar xullaski, vatanining tarixini bilishni istaydi.

Hozir O’zbekiston, vatanimiz nafaqat sharq balki umumjahon sivilizatsiya beshiklaridan biri bo’lganini butun jahon tan olmoqda. Bu qadimiy va tabarruk zaminning tuprog’idan buyuk allomalar, fozilu-fuzallolar, olimu - ulamolar, siyosatchilar, sarkardalar yetishib chiqqan. Diniy va dunyoviy ilmlarning asoslari mana shu zaminda yaratilgan va sayqal topgan. Eramizgacha va undan keyin qurilgan murakab suv inshotlari, memoriy inshotlar shu kungacha ko’rku fayzini, mahobatini yo’qotmagan asori atiqalarimiz qadim-qadimdan yurtimizda dehqonchilik, hunarmanchilik madaniyati, me’morchilik va shaharsozlik sa’nati yuksak bo’lganidan dalolat beradi. Har qaysi xalq yoki millatning ma’naviyatniuning tarixi va o’ziga xos urf-odat va an’analari hayotiy qadriyatlardan ayri tasavur etib bo’lmaydi . Bu borada tabiyki ma’naviy meros, madaniy boyliklar ko’hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan bo’lib xizmat qiladi.

Дозировка физических упражнений, т. е. увеличение или уменьшение интенсивности и объема, обеспечивается: изменением исходных положений; изменением амплитуды движений; ускорением или замедлением темпа; увеличением или уменьшением числа повторений упражнений; включением в работу большего или меньшего числа мышечных групп; увеличением или сокращением пауз для отдыха.

Утренняя гигиеническая гимнастика должна сочетаться с самомассажем и закаливанием организма. Сразу же после выполнения комплекса утренней гимнастики рекомендуется сделать самомассаж основных мышечных групп ног, туловища и рук (5−7 мин.) и выполнить водные процедуры с учетом правил и принципов закаливания.

Упражнения в течение дня выполняются в перерывах между учебными или самостоятельными занятиями. Такие упражнения предупреждают наступающее утомление, способствуют поддержанию высокой работоспособности в течение длительного времени без перенапряжения. Выполнение физических упражнений в течение 10−15 мин. Через каждые 1−1,5 часа работы оказывают вдвое больший стимулирующий эффект на улучшение работоспособности, чем пассивный отдых в два раза большей продолжительности.

Физические упражнения нужно проводить в хорошо проветренных помещениях. Очень полезно выполнять упражнения на открытом воздухе.

Самостоятельные тренировочные занятия можно проводить индивидуально или в группе из 3−5 человек и более. Групповая тренировка более эффективна, чем индивидуальная. Заниматься рекомендуется 2−7 раз в неделю по 1−1,5 часа. Заниматься менее 2 раз в неделю нецелесообразно, так как это не способствует повышению уровня тренированности организма. Лучшее время для тренировок - вторая половина дня, через 2−3 ч. после приема пищи и не позднее чем за час до приема пищи или до отхода ко сну. Не рекомендуется тренироваться утром сразу после сна натощак (в это время необходимо выполнять гигиеническую гимнастику). Тренировочные занятия должны носить комплексный характер, т. е. способствовать развитию всего множества физических качеств, а также укреплять здоровье и повышать общую работоспособность организма. Специализированный характер занятий, т. е. занятия избранным видом спорта, допускается только для квалифицированных спортсменов.

Литература

1. Физическая культура : Учебник / под ред. В. Я. Виленского. – 2-е изд. стереотп. – Москва. : Кнорус, 2013. – 424 с.

2. Воронин, С. М. Личностно-ориентированная физическая подготовка студентов непрофессиональных вузов /С. М. Воронин. – Ярославль, 2008.

3. Пономарев, Н. И. Социальные функции физической культуры и спорта / Н. И. Пономарев. – М. : Физическая культура и спорт, 1974.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ф.Ж.Рўзиев, ЎМКҲТ Ахборот-методик хизмати мутахассиси

This article highlights the matters of adapting of professional skills and methods by the students of secondary special and professional education, improving the level and the quality of preparation competitive junior specialists on the base of market, labour and including the principles of educational assessment and production practice.

Key words: *professional skills, junior specialist, educational practice, production practice, practical skills, professional education, labour market, the level of adapting.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар тайёрлаш билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режа ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда анъанавий таълим услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар миқдорини кўпайтириш назарда тутилган.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ишлаб чиқаришни кичик мутахассислар билан таъминлаб берувчи муқобил тизимга айланди. Бу эса, ўзимизга хос бўлган янги миллий асосдаги касб-ҳунар таълими тизимининг пайдо бўлишига олиб келди ва **Президентимиз таъкидлаганларидек, "Булар ўз навбатида ўқувчиларни ўқишга қабул қилишдан бошлаб ўқув жараёнининг ташкил этилиши, мазмуни билан мезони ва пировард натижада бир неча касб-ҳунар эгаси - уста, кичик мутахассис бўлиб ўқишни тамомлашидан иборатдир".**

Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичларида биз олдимизга қўйган вазифаларни амалда бажардик, яъни ушбу дастурда назарда тутилган касб-ҳунар коллежларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, таълим мазмуни янгиланган дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланди. Бизнинг кейинги вазифамиз эса, меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кичик мутахассисларни ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда кичик мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Шуни инобатга олиб, ушбу вазифани касб-ҳунар коллежларидаги ишлаб чиқариш таълими (ўқув амалиёти)нинг сифатлилик даражаси белгилайди. Айнан ушбу жараённи амалга оширувчи, самарали ташкил этувчи ва самарадорлигини кафолатловчи шахс бу – ишлаб чиқариш таълими устасидир.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда кичик мутахассислар тайёрлашда ўқув юкламасидаги умумий соатлар ҳажмининг қарийб 40-50 % ни ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига ажратилганлиги меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кичик мутахассисларни тайёрлаш учун асос бўла олади. Шунинг учун биз ишлаб чиқариш таълими, ишлаб чиқариш таълими устаси, ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиётининг бугунги мавжуд ҳолатини қуйидагича таҳлил қиламиз:

.

.



Ишлаб чиқариш таълими - Ўзбекистон Республикасида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг таркибий қисмидир. Асосий вазифаси - келгусида малакали мутахассис бўлиб етишадиган ўқувчиларни муайян касб соҳасида бевосита фаолият кўрсатишга тайёрлаш, яъни билимларни амалиётга татбиқ қилишга ўргатиш, зарур касб кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ишлаб чиқариш таълими устаси - ўқувчининг меҳнат ва касбий тарбияси, ишлаб чиқариш таълимини амалга оширувчи, касблар бўйича тармоқ таълим стандартлари, ўқув дастурида ҳамда

ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ишлаб чиқариш таълимининг мазмунини тўлиқ бўлишига ва сифатига, янги ривожланаётган инновацион технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этишга, фанлараро боғлиқликни, назария ва амалиётни қўшиб олиб боришга масъулдир.

Бинобарин, шундай экан ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиётининг вазифаларини бугунги таълим жараёни талаблари асосида қуйидагича таърифлаймиз.

Ўқув амалиёти - ўқув устахоналарида ўқувчининг ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида зарур бўладиган касбий кўникма ва малакаларни амалий одатлантириш ва машқлантириш жараёнидир.

Ишлаб чиқариш амалиёти - ўқувчиларда меҳнат бозори талаблари даражасида касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш,эгаллаган касбий тажрибаларини ижтимоий-профессионал даражада ўзлаштирганлигини ўлчаш жараёнидир.

Ушбу жараёнларни эътиборга олган ҳолда, битирувчиларнинг эгаллаган касбларини қай даражада мукаммал ўзлаштирганлиги маълум мезонлар асосида баҳоланиши зарурдир. Чунки ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти кичик мутахассиснинг касбий кўникма ҳамда малакаларни **шакллантирадиган** асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётининг барча босқичларида ўқувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникма ва малакаларининг даражалари ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланади.Шунинг учун айнан ушбу жараённи баҳолашда қуйидагиларгаасосланамиз:

- баҳолаш жараёнида ўқувчилар ўзлаштирган амалий кўникма ва малакаларинингтизимлилигига эътибор қаратиш - бунда ўқувчилар ўзлаштирган амалий кўникма ва малакаларининг изчиллиги ва тизимлилигини ҳисобга олиш;
- ўқувчилар ўзлаштирган амалий кўникма ва малакаларининг объективлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини баҳолашда ишлаб чиқариш таълими устасининг объектив фикри ва таъсирини инобатга олиш;
- ўқувчилар ўзлаштирган амалий кўникма ва малакаларини баҳолашнинг тезкорлиги ва мунтазамлилигини таъминлаш, бунинг учун ўқувчилар бажаришлари зарур бўлган ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти топшириқларининг муайян тизимга солинган рўйхати аниқланади. Бу жараёнда ўқувчи бажарган амалий топшириқ учун ўша вақтнинг ўзида баҳо олади;
- ўқувчилар ўзлаштирган амалий кўникма ва малакаларни баҳолашда уларнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш таълими устаси ўқувчиларни баҳолагандан кейин унинг руҳий ҳолатини чуқур таҳлил қилиши лозим;

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: “Шарқ”, 1999 йил.
2.Ш.А.Амонашвили. Обучение. Оценка. Отметка. –М.: Знание, 1980
3. О.Розиқов ва бошқалар. Дидактика. Тошкент: “Фан”нашриёти, 1997 йил
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2004йил.

ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ К ОРГАНИЗАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ

Палагута И.В., Уманский государственный педагогический университет имени Павла Тычины г. Умань, Украина

The problem of pedagogical support due to the changing conditions of the society is considered. The term «organization» is explained and its goals are determined. Main approaches according to the organization of the process of education in higher school are described.

Key words: *pedagogical support, main approaches, future teacher.*

Образование личностно ориентированной парадигмы в образовании и индивидуального подхода к студенту в обучении, воспитании и развитии предопределяет поиск путей всесторонней поддержки и помощи подрастающей личности в процессе ее становления и самоопределения. Особую актуальность проблема педагогической поддержки личности приобретает в связи с меняющимися условиями социума, быстро меняется и не всегда положительно сказывается на процессе социализации - индивидуализации личности.

Проблема педагогической поддержки сегодня привлекает внимание многих ученых. Так, среди отечественных ученых, которые исследовали различные аспекты проблемы педагогической поддержки можно назвать И. Бабенко, И. Карапузову, И. Макаренко, Г. Сороку, В. Тесленко. В свою очередь, теоретико - методологические основы теории и технологии педагогической поддержки более широко раскрыты в работах российских ученых, в частности: К. Александровой, А. Газмана, Н. Касициной, Н. Крыловой, С. Полякова [1].

Термин «организация» подразумевается как совместная деятельность преподавателя и студента, которому присущи внутренняя подчиненность, согласованность видов, форм, методов,

приемов, обеспечивающих четкий механизм, направленный на профессиональное самоопределение и саморазвитие будущего учителя. Итак, цель организации педагогической поддержки будущего учителя в процессе обучения - повышение качества учебной деятельности будущего учителя и формирование готовности к осуществлению педагогической поддержки будущего учителя.

В современной педагогике сформировались различные научные подходы к организации процесса обучения в высшей школе, среди которых: личностный, деятельностный, системный, компетентностный, ресурсный.

Так с позиций личностно ориентированного подхода, целью обучения является не формирование и даже не воспитание, а поддержка, развитие личности, ее самореализация, саморазвитие, адаптация, самозащита и другие факторы, необходимые для становления личностного образа и взаимодействия с людьми, природой, культурой [2 , с. 24]. Организация процесса обучения реализуется через преподавателя, но акцентирует внимание на всестороннему развитию личности студента, опираясь на опыт, накопленный студентом не только под влиянием специально организованного обучения, но и в процессе жизнедеятельности [2, с. 16]. Однако некоторые ученые находят ряд недостатков такого подхода: ценность личности зачастую только провозглашается, поэтому при разработке новейших технологий и методик обучения не происходит никаких изменений в формах и содержании обучения, а также не существует единой позиции среди педагогов, работающих по данному подходу, по всестороннему развития личности студента и необходимости их поддержки в процессе обучения.

При анализе источников исследования выявлено, что личностный и деятельностный подходы (Т. Балл, С. Максименко) находятся в единстве, потому, что личность является субъектом деятельности и определяет личностное развитие человека. Именно поэтому в педагогической науке часто употребляется понятие «личностно - деятельностный подход», реализация которого требует личностно ориентированной организации учебно - воспитательного процесса, обеспечивает педагогическую поддержку будущего учителя.

Относительно системного подхода, учебный процесс рассматривается как единая функциональная система, базирующаяся на планировании и построении четких целей, знаний и умений, которая позволяет студентам понимать схему своей будущей педагогической деятельности, находиться в постоянном развитии, значимость отдельной проблемы и ее преодоление в процессе своего профессионального становления [2, с. 33]. Указанный подход позволяет педагогу оценить соответствие содержания, форм, методов и средств обучения целям и задачам подготовки будущего специалиста.

Профессиональная подготовка специалиста является сложным интеллектуальным, профессиональным и личностным образованием, которое формируется в процессе его подготовки в педагогическом вузе, проявляется, развивается и совершенствуется в профессиональной деятельности [3, с. 6]. Поэтому, для того чтобы быть компетентным специалистом, недостаточно иметь теоретическую и практическую подготовку, необходимо быть творческой, неповторимой личностью, профессионально и психологически готовой к применению приобретенных профессиональных знаний в профессиональной деятельности.

Следующий подход - ресурсный, который является достаточно новым и недостаточно разработанным (Т. Давыденко, Т. Цецорина, Т. Шанов). Учет индивидуальных ресурсов личности в учебном процессе предполагает выявление, создание и использование благоприятных условий для их развития [4, с. 35]. Поэтому, ресурсный подход обращает внимание на индивидуализацию процесса обучения каждого студента, предусматривает создание благоприятных условий для полноценного развития личности каждого будущего учителя, что способствует развитию индивидуальности в целом.

Однако на современном этапе педагогического образования и профессиональной подготовки будущего учителя возникает проблема поиска новых педагогических путей в развитии личности каждого студента и помощи ему в процессе обучения. Поэтому, к организации педагогической поддержки будущего учителя в процессе обучения существуют следующие требования: согласие на предоставление ему педагогической поддержки; конфиденциальность в работе с каждым будущим учителем; решение должно принадлежать студенту; оценка преподавателем действий и результатов обучения будущего учителя, а не его личности; создание морально - психологического климата в коллективе; Работа преподавателя с технологией организации педагогической поддержки будущего учителя в процессе обучения.

Таким образом, можно отметить, что эффективность обучения будущего учителя могут обеспечивать научно обоснованные подходы к организации педагогической поддержки, реализация которых должна быть направлена на преодоление трудностей в обучении, самоопределении и саморазвития личности будущего специалиста.

Литература:

1. 1. Якиманская И. С. Развивающее обучение / И. С. Якиманская. – М. : Педагогика, 2005. – 145 с.

2. Лекции с педагогики висшей школи: ученик / [за ред. В. И. Лозовой]. – Х. : ОВС, 2006. – 496 с.

3. Ягупов В. В. Компетентностный подход к подготовке специалистов в системе висшего образования . / В. В. Ягупов, В. И. Свистун . // Научные записки. Педагогические, психологические науки и социальная робота . / упо.: М. О. Голубьева, Нац. Ун- т «Киево- Могилянская академия». – К.: , 2007. – С. 3 – 8.

4. Цецорина Т. А. Организацыя образовательного процесса на основе ресурсного подхода : дисс. Канд. Пед. Наук : 13.00.01 . / Татьяна Александровна Цецорина. – Белгород , 2002. – 170 с.

ЎҚУВЧИЛАРДА КАСБИЙ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

В.С.Ядгарова, БухДУ талабаси

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида узлуксиз таълим тизимида истиқболли стратегик вазифалар белгилаб олинди. Узлуксиз таълимнинг асосий бўғини бўлган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими олдига бир қанча вазифалар қўйилдики, уларни босқичма-босқич амалга оширишда энг асосийси фарзандларимизни, ёшларимизни касб-ҳунарга йўналтириш долзарб масала сифатида диққат эътиборимизда бўлмоқда, Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек ***“Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий- иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устивор йўналиши бўлиб қолмоқда” .***

Касб-ҳунар коллежи, академик лицейнинг бўлажак ўқувчилари учун танланаётган касбнинг ҳаётдаги маиший, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ҳам, одатда, йилнинг қайси вақтида меҳнат таътилига чиқиш имкони бўлиши, иш кунининг характери, қандай кишилар билан мулоқотда бўлиш, у ёки бу касб эгасининг ойлик маоши миқдори қанчалиги ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар қизиқтиради. Албатта, касбларни пухта эгаллаш учун зарур бўлган қобилият, талаб этиладиган билим, қайси фанлар бўйича умумтаълим фанларини ҳамда қўшимча билимларни яхши ўзлаштириш зарурлиги ҳам ётади ва шу асосда ўқувчилар ўзига ёққан касбни эгаллаш имкониятларини баҳолашга имкон яратади.

Узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талабларидан келиб чиқиб, Ўрта махсус касб - ҳунар таълими тизимида ўқувчилар турли хил касбларнинг илмий-амалий асосларини, кичик мутахассисликлар даражасида зарурий касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Касб-ҳунар коллежларида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради. Ёш авлоднинг ишлаб чиқаришда, ижтимоий- иқтисодий фаолиятда ўзларига муносиб ўринларни топишларида уларга замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларни келажак фаолиятга тайёрлаш иши ҳар доим ҳам жамият олдида турган устивор вазифа ҳисобланади.

Ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўз ўринларини топишларида уларга замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларни келажакда мустақил фикрловчи, ижтимоий фаол шахс сифатида шакллантиришда ҳар бир миллат ўзининг тарихий тараққиёти давомида ўз ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга ўргатиш билан, ўсиб келаётган авлодни ҳаётга ва касб-ҳунарларга тайёрлаб боришган. Тарихий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, устозлар ўз шогирдларига касб-ҳунарни ўргатиш борабарида уларда маънавий жиҳатдан баркамол шахс сифатида шаклланишлари учун ҳам жавобгарликни ўз зиммаларига олганлар.Шу нуқтаи назардан ўз даврининг таниқли назариётчи- таълимотчиларидан ҳисобланган Хожа Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари томонидан яратилган Нақшбандия тариқатининг асл мазмуни "Дил-ба ёру- даст ба кор", яъни "Доимо кўнглинг аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин, деган шиордан иборатлиги яъни,инсон ўзининг кунлик яшашида, турмушида, аввало, ҳалол меҳнат билан яшаши, бирор касб-ҳунар эгаси бўлмоғи, сўнгра эса оллоҳга сиғиниши лозимлиги ғояси илгари сурилган. Бундан кўринадики, инсонда ҳаётий ташвишлар унинг асосий эҳтиёжи бўлмоғи лозим, шарқ халқларининг тарихий тараққиётида касб-ҳунарларни эгаллаш, замонга мос касбга оид билимларни ўрганиш кишиларнинг фаол ижтимоий- иқтисодий ҳаёти мазмуни эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўқувчиларда замонавий касбий билим ва кўникмаларнинг шаклланиш жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги асосий йўналишлар ва омилларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда муаммоларнинг мавжудлиги ва унинг ечимлари таълим-тарбия жараёнига боғлиқлиги;
2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга ижтимоий- сиёсий, маънавий-маърифий масала сифатида қараб, замонавий касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш;
3. Мамлакатимизда касб-ҳунар таълими тизимининг тарихий илдизларини батафсил ўрганиш ва шу асосда муқобил касбга йўналтириш тизимини шакллантириш;

4. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда педагог-мураббийлар, устозлар ва ота-оналар ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда юқоридаги йўналишларга таяниб фаолият кўрсатилса олдимизга қўйилган мақсадга самарали тарзда эришамиз, яъни аждодларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча талабларини инобатга олган ҳолда шогирдларни касб-ҳунарга тайёрлаганлар, чунки ҳар бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки унинг қийинчилик ва инжиқликларини шогирд кўтара олиши зарур деб ҳисоблаганлар ва асосий мезон қилиб шунга таянганлар, ушбу ўринда барчамиз масъул бўлган жараёнга, яъни ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда уларнинг касбга доир билимларнинг шаклланганлик даражаларини баҳолаш орқали ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига таянган холда уларни касб-ҳунарга йўналтиришимиз лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир”. Тошкент- “Ўзбекистон”- 2015.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.У.Қаипбергенова, ТДТУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарорининг амалиётга тадбиғини таъминлаш мақсадида Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида чет тилларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун чет тили таълими мазмунини модернизациялаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим мазмунини модернизациялаш эса ўқитувчидан чет тилини ўқитишда таълимнинг замонавий ўқитиш назарияси ва методикасини татбиқ этиш, замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштирилишини таъминлаш,ўқувчи- талабаларга ахборотларни таҳлил қилиш, мустақил билим олиш, билимларни мустақил қўллай олишга ўргатиш, мустақил фаолият кўрсатишга, ўз ҳаётий фаолиятларини ташкил этиш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришга йўналтирадиган кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган ўқитиш методларини ўқув жараёнига қўллашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, чет тили фани ўқитувчиси ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаши учун ўқитиш методларини танлаши чуқур педагогик ва психологик асосга эгадир.

Ўқитувчи ўқитиш методларини танлашда ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари, ўқувчиларнинг изланиш фаолиятини, ўқув материални ўзлаштиришга ва мустақил амалий ишга унинг тайёргарлик даражасини, ўқишга муносабатларини, ўқишда ўз – ўзини назорат қилишнинг ривожланганлик даражаси албатта ўрганиши зарурдир. Таълим мазмунини модернизациялаш шароитида ўқитувчи ўзида мавжуд бўлган имкониятларни ҳам ҳисобга олиш мезонига таяниши керак. Ўқитиш учун ташқи шароитларни ҳисобга олиш ўқитувчининг методларни танлашни коллежнинг мавжуд ўқув – материал базаси, ўқувчиларнинг саноат ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги унумли меҳнати характери, табиий атроф – муҳитнинг ўзига хосликлари билан таққослашни назарда тутуши, Ўқитувчининг ўз имкониятлари унинг индивидуал майли, масалан, ҳикоя қилиш, расм чизиш ва шу кабиларга бўлган қизиқишларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, ўқитиш методларини оптимал танлашнинг асосий мезонлари қаторига – жараённинг тегишли босқичидаги ўқитишнинг асосий мақсадларига, ўқув материали мазмунининг хусусиятларига, ўқувчилар ва ўқитувчилар имкониятларига, ўқитишга ажратилган вақтга, шунингдек, ўқитишнинг ташқи шароитларига мувофиқ келиш мезонларига таянилади. Ушбу жараёнда мезонларнинг мажмуи ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг ўқитиш қонуниятлари ва принципларига мувофиқ келиши керак.

Ўқитиш методларини танлаш борабарида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришида қуйидаги жараёнларни ўқитиш методлари ўз ичига олган бўлиши зарур:

Идрок этиш ўйинлари ва ўқув мунозаралари ўқувчиларни ўқув активлиги сари рағбатлантирувчи, назарий билимларни таркиб топтириш вазифасини ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиши.

Тафаккурнинг мустақиллигини ривожлантириш учун мантиқий машқларни бажариш, масалаларни ечиш, шеър ва шу кабиларни ёзиш билан боғлиқ амалий методлардан айниқса самарали фойдаланиш.

Хотирани ривожлантиришга, ўз – ўзидан равшанки, оғзаки ва амалий методлар билан бириктирилган кўргазмали методлар айниқса муваффақиятли таъсир кўрсатади. Кўргазмали методларнинг афзаллиги шундаки,ўқитувчи кўргазмалиликдан фойдаланилганда ўқувчиларнинг эслаб қолиши яна ҳам мустаҳкамланади, узоқ муддатли ёдда сақлаш билан бирга бошқа кўрсаткичлар ҳам ортиб боради. Бу вазиятда ўқитишнинг репродуктив методларининг ўрнини бошқа ҳеч қандай

метод босолмайди. Мантиқий методларнинг ҳаммаси ҳар хил даражада муваффақиятли фойдаланилиши мумкин. Лекин ўқитувчи томонидан олдиндан уюштирган мустақил ишлаш методлари машғулотни тушунган ҳолда ва пухта эслаб қолишга ёрдам беради. Билимларни ўзлаштиришга ва ролларга бўлиб ижро этиладиган хилма – хил методлар эслаб қолишни кучайтиради. Эслаб қолиш даражаси материал мазмунининг хусусиятига кўра турли оғзаки ва ёзма назорат методлари воситасида текширилади.

Нутқни ўстиришга оғзаки методлар, ўқув мунозаралари, ўқувчилардан оғзаки сўраш ниҳоятда самарали ёрдам беради. Бу мақсадда бошқа методлардан ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлар ўқитиш методларининг бутун мажмуи билан етарлича муваффақиятли таркиб топтирилади. Лекин ўқитиш тажрибасидан маълумки, агарда ўқитиш ишига ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларни олдиндан тайёрлаш билан яхши таъминланган кўргазмали, проблемали изланиш ва мустақил ишлаш методлари кенг киритилса, ўқишга бўлган қизиқиш янада ортади. Ўқув жараёнига оқилона даражада киритиладиган билиш ўйинлари методлари, шунингдек, ўқув мунозаралари ғоятда катта ролни ўйнайди, бу методларга қизиқишни янада кучайтирувчи бошқа бир қатор методларни киритиш мумкин, Ўқув меҳнати малакаларини, китоб устида ишлаш, тажрибалар ўтказиш, материални тўғри эслаб қолиш, ўқув вазифаларини мустақил ҳал қилиш, асосийни ажрата билиш, ўз ишини режалаштира олиш каби маҳоратларни ва ҳакозаларни таркиб топтиришда деярли барча методлардан фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент. 1997 йил.
2. Розиқов О. ва бошқалар.” Таълим технологияси”. - Тошкент: Ўқитувчи. 1999 йил.

НАҚҚОШЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Ш.Ш.Бақоев, Ш. Шокиров БухДУ

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятидаги ўрни, унинг юксак тарақий этиши биринчи навбатда узлуксиз таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг тараққий топган мамлакатлар ёшлари билан тенглаша ва рақобатлаша оладиган етук мутахасис булиб етишишларига боғликдир.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Ҳаммамизга чуқур бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.”

Таълим мазмунини модернизациялаш шароитида тайёрланаётган мутахасис шахсини ижтимоийлаштириш, фан-техника тараққиёти, меҳнат бозори, шахс ва жамият эҳтиёжларини ўрганган ҳолда таълим мазмунини ўзлаштириш даражаларининг самарадорлигини ошириш букунги таълим жараёнининг муҳим вазифасидир. Шуни инобатга олган ҳолда олий таълимнинг 5111000 – Касб таълими (Амалий санъат) таълим йўналишида ўқитилаётган наққошлик фанининг мазмунини ҳам замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурдир.

Наққошлик халқ-амалий безак санъатнинг бир тури сифатида, қадим- қадимдан ўзбек халқи маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу санъат тури бизнинг халқимизда 13-15 асрларда шаклланиб, 20 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг ривожланабошлади. Нақшларда санъатнинг бошқа ҳамма турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Наққошлик санъатини ўрганиш усуллари авлоддан-авлодга, яъникекса авлоддан ўрта авлодга, ўрта авлоддан ёш авлодга ўтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли наққошлик санъати ҳозиргача ривожланиб, такомиллашиб келмоқда.Юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар усталаримизнинг нозик дид билан бажарган ўймакорлик ишларини кўриб ҳайратланаётганлари ҳеч кимга сир эмас, оддийгина оқ рангли ганчдан маҳобатли карнизлар, ойна заминли қандиллар ясаладики, бундай юксак санъат даражасидаги ишлар бошқа юртларда топилмайди. Бугунги кунда ҳам ҳар бир наққошлик мактаби усталари кадимий -анъанавий услубларни сақлаган ҳолда ижодий ишларни давом эттириб янги-янги услубларни яратмоқдалар. Наққош усталаримизнинг ҳар бир яратган нақш композицияси хилма-хиллиги, бир-биринитакрорланмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби эса уста ва шогирд анъаналари ҳозирги кунгача давом этиб келаётганлигидан далолат беради.

Қадимда наққош усталар бошқа бир устанинг ишидан нусха кўчирмаган, аксинча, ўзи ҳар бир ишда янги композиция яратган. Натижада нақш композициялари хилма-хил бўлиб, наққошлик санъатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Фақатгина шогирдлар ҳунарни ўрганиш мақсадида устанинг композицияларидан нусха кўчиришга ҳақли бўлишган.Одатда нақш чизишни ўрганувчи ёшлар дастлаб нақш элементларини чизиш, бўяш ва пардозлашни ўрганадилар. Кейин эса оддийдан мураккабга қараб нақш композицияларидан нусха кўчириш йўли билан ўз билим ва

малакаларини ошириб боришган. Асосий максад эса мустақил ижод қилиб янги нақш композицияларини яратишдан иборат бўлади Шу нуқтаи назардан талабаларда ижодий фаолиятни қарор топтириш, мустақил ишлашга ўргатиш,касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, нақкошлик санъатида энг долзарб масала бу - мавзуга мос янги нақш композицияларни яратиш ҳисобланади. Композиция яратиш мураккаб жараёнлиги шундаки унинг бир неча босқичлари ва бир-бирига боғлик жараёнлари мавжудки ўқитувчилар талабаларнинг касбий кўникмаларнинг эгалланганлик даражаларини таҳлил қила олишлари ва шу асосда мустақил янги ғоялар яратишга имкон беришлари лозим.

Талабаларга нақкошлик фанини ўқитишда ўқув материали мазмунига фақатгина муайян ахборотларни тақдим этмасдан, балки ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини ижтимоий, шахсий ҳамда ҳаётий фаолиятларида ҳам қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш керак. Талабаларнинг касбий шаклланганлик даражаси эса қуйидаги касбий сифатларнинг таркиб топганлигида кўринади:

1.Талабаларнинг ўқув материалига мослашуви, мустақиллиги, тежамкорлик сифатларини ривожланганлиги.

2.Ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида таққослаш, таҳлил қилиш,умумлаштириш кабиларни ривожланганлиги.

3.ўқув материали юзасидан фаразларни илгари суриш, ўз фикрларини исботлай олиш, хулосалар чиқариш, таниш ва нотаниш вазиятларда эгалланган билимларни қўллай олиши.

Нақкошлик бўйича уста-рассомлар ҳамма замонларда ҳам энг қадимий ва энг навқирон касб эгалари бўлиб ҳисобланишган. Уларга ҳамиша, ҳамма ерда эҳтиёж бўлган ва бизнинг замонамизда бу ўзига хос маъно касб этмоқда.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир”. Тошкент- “Ўзбекистон”- 2015.
2. Булатов С.С. Ўзбекистон ҳалқ амалий безак санъати. -Т: Меҳнат, 1991..
3. Қосимов Қ. Нақкошлик.-Т: Ўқитувчи, 1990.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Э.Т.Содиқов, БухДУ ҳузуридаги 4-сон академик лицей ўқитувчиси,
С.Ф.Жўраев, БухДУ ҳузуридаги 4-сон академик лицей ўқувчиси

This article describes the contents of the academic teaching high school English language education modernization, to focus on the main objectives of ensuring full use of teaching materials.

Key words: *modernization of the content of education, skills, personality-oriented education, professional competence, subject-subject.*

Таълим жамиятнинг маънавий ҳаёти ва иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда, таълим тизимининг узоқ муддатга йўналтирилган истиқболининг асосий параметрлари ва таълим мазмунини модернизациялаш бўйича устувор стратегик вазифалар белгилаб олинди.


Мамлакатимизнинг куч қудрати таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти билан боғликдир, Шу нуқтаи назардан ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг филология таълим йўналишида таҳсил олаётган фарзандларимизнинг инглиз тилини ўрганиши ва ушбу фанни мукаммал ўзлаштириши учун жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор ўқитиш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарорининг амалиётга тадбиғини таъминлаш мақсадида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг филология таълим йўналишидаги ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Таълим мазмунини модернизациялаш стратегиясида қуйидагиларни амалга ошириш зарурияти илгари сурилади: инглиз тилини ўқитишда таълимнинг замонавий ўқитиш назарияси ва методикасини татбиқ этиш, айниқса, академик лицейларнинг ўқувчиларига эса замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда ўқитиш имкониятларини таъминлаш, ўқувчиларга ахборотларни таҳлил қилиш, мустақил билим олиш, уларни мустақил ишлашга ўргатиш, мустақил фаолият кўрсатишга, ўз фаолиятларини ташкил этиш ҳамда қадриятларни ўзлаштиришга йўналтирадиган кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган инновацион методлар ва технологияларни ўқув жараёнига қўллашдан иборатдир.

Ўқувчиларнинг инглиз тили фанига бўлган қизиқиши, ўқув материали мазмунига бўлган қизиқишни вужудга келтиради. Билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқишга бўлган мотивларни вужудга келтиради. Шунинг учун инглиз тили фанини ўқитишда таълим мазмунини

оптималлаштириш ва индивидуаллаштириш талаб этилади. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ўқув юкламаларини максимал даражада камайтириш имконини беради ва таълим мазмунини бугунги кунда мавжуд бўлган элементлардан ҳоли қилишга олиб келади. Таълим мазмунини модернизациялаш натижасида инглиз тили фани асосларига мантиқий ёндашув, унинг таркиби ва мазмунига таяниш тамойили қарор топади.

Инглиз тили таълими мазмунини модернизациялаш қуйидагича амалга оширилади. Чизма.



Таълим жараёнини модернизациялаш босқичида инглиз тили фани ўқув амалиётида ўқувчининг барча билимларини ўзлаштиришларига олиб келади: бу эса амалий билиш, қадриятларни ўзлаштириш, мулоқотга киришиш билан муаммоларни осонгина ечиш имконини беради.Шундан келиб чиққан ҳолда, айтишимиз мумкинки инглиз тили фани ўқитувчиси таълим жараёнида таълим сифатини таъминловчи шахс сифатида намоён бўлади. Бугунги кунга келиб ўқитувчилар диққат-эътиборларини ўқувчиларнинг билиш фаолликларини таъминлашнинг инновацион усулларига қаратиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Таълимнинг анъанавий моделидан шахсга йўналтирилган янги таълим моделига ўтиш ва бунда ўқитувчи-ўқувчи ҳамда замонавий ахборот технологиялари фаолияти алоқадорлигини таъминлаш билан бирга таълимнинг замонавий ўқитиш усулларини қўллаш талаби билан бевосита боғлиқ бўлиб алоҳида дидактик аҳамият касб этмоқда.Бу эса, ўқув материалини мустаҳкам ўзлаштириш имкониятини яратади. Мазкур жараёнда ўқувчи шахсининг умумий камолотини таъминлаш ва баркамол шахсни етиштиришга йўналтирилган ижтимоий - педагогик ҳаракат амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Ўзбекистон Республикасининг “ Кадрлар тайёрлаш миллий дасрури” Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент. 1997 йил.

2. Сафарова Р.ва бошқалар.” Истиқболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари”. Тошкент. Фан. 2009 йил.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ш.Рахимова, ЎзПФИТИ катта илмий ходим- изланувчиси

Узлуксиз таълим тизимини изчил амалга оширилиши таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқитувчи ва ўқувчи мақоминиng ўзгаришига олиб келди. Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг ўрни ва мавқеи ўзгарди, шуни инобатга олиб ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларини қатъий назорат қилиш баҳолаш билан бирга уларда ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларни ҳам шакллантириб бориши керак.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш ҳолатини назорат қилиш борабарида ўқувчиларни кўпроқ ўқув фаолиятига яқинлаштириш ўқитувчининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак, чунки ўқувчилар ўқув-билув фаолиятига яқинлашганлари сари уларда тенгдошлари орсида ўз ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Айнан ушбу ҳолат эса ўқитувчига ўқувчиларда ўз фаолияти натижаларини баҳолаш кўникмаларини шаклланганлик даражаларини белгилаш имконини беради. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчи таълим жараёнида қуйидаги дидактик вазифаларни керак:

- ўқувчиларда ўз ўқув фаолиятларини баҳолашга доир барқарор майлларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

-ўқувчиларга ўз ўқув фаолиятларини баҳолаш усулларини ўргатиш;

-ўқувчиларда ўз ўқув фаолиятларини баҳолаш орқали ўзининг келажакдаги мақсадларини шакллантириш, такомиллаштиришни вужудга келтириш;

Ўқув жараёнида ўқитувчи юқоридаги вазифаларни муфаққиятли бажариши учун илмий жиҳатдан асосланган дидактик шарт-шароитларни вужудга келтириш керак. Бу шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат;

- таълим жараёнида ўқувчи билан ўқитувчининг ҳамкорлигига асосланган субъект-субъект даражасидаги ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш;

- ўқув материалини ўзлаштирганлик даражаларини баҳолашнинг алтернатив вариантларини топиш учун жамоавий изланишлар ташкил этиш;

Таълим жараёнида баҳолаш кўникмаларининг таркиби ҳар хил бўлади. Бунда изланиш гуруҳи аъзоларининг ёш ва индивудиал хусусиятлари, ўзига хослиги ҳамда ўқув жараёнининг педагогик – психологик хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади;

- баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув топшириқлари тизимини аниқлаш;

- ўқувчиларда ўз фаолиятини баҳолаш кўникмаларни босқичма-босқич шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Ўқув-тарбия жараёнда ўқувчилар бир-бирларини кузатадилар, назорат қиладилар ва баҳолайдилар.Ўқитувчи ўқув жараёнининг бошқарувчиси сифатида барча ўқувчиларни кузатади, ушбу жараёнда уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олади, қўйилаётган ҳар бир баҳо , маълум далиллар асосида тушунтирилиши ва изоҳланиши зарур.Баҳолаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўз-ўзларига ҳам баҳо беришини унутмаслиги керак, чунки ушбу ҳолат ўқувчиларни ўзларига ташқаридан назар ташлашлари, ўз хатти–ҳаракатларини назорат қила олишларига ўргатади.

Давлат талаблари асосида ўқувчилар билимини баҳолашда индивидуал ёндашиш лозимлиги назарда тутилган.чунки ,ўқувчилар билимини объектив баҳолаш эҳтиёжи ҳар доим ҳам индивудиал характерга эга бўлган, яъни турлича имкониятларга эга бўлган ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш мезонлари ҳам ишлаб чиқилиши букунги куннинг далзарб масаласи эканлигини амалий тажрибалар яққол кўрсатмоқда.Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига қўйилаётган баҳо қуйидаги дидактик имкониятларни юзага келтиради:

- Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнидаги камчиликларини эмас, балки индивидуал хусусиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

- Ўқитувчиларга эса ўқувчиларнинг ўқув материалини тўлиқ ўзлаштириши,ўқув материалига ўзгартириш киритиш учун замонавий усулларни танлаш имконини беради.

- Ўқувчиларнинг маънавий- интеллектуал ва индивидуал-психологик хусусиятларини ривожлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

- Ўқитувчи ва ўқувчилар,ўқувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро фаолликни ва ҳамкорлик фаолиятига таъсир кўрсатувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади.

- Ўқувчиларда ўқув материалини ўзлаштиришга нисбатан мотивларни вужудга келтиради.

- Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари ҳақида уларнинг ота-оналарига зарур ахбаротларни тақдим қилади.

Демак, ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларини баҳолаш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар,ота-она ва ўқитувчилар фаолиятининг уйғунлашуви амалга ошади,узлуксиз таълим тизимида айнан ушбу уйғунлашув асосида ўқувчиларнинг маънавий-интелектуал жиҳатдан ривожланиши таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг “ Кадрлар тайёрлаш миллий дасрури” Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент. 1997 йил.

2. Сафарова Р. ва бошқалар. “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга оид назарий-амалий ёндашувлар”. Тошкент. 2012 йил

МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ф.И.Маъмурова, Тошкент ТЙМИ, Д.И. Маъмурова, БухДУ

This article analyzes the efficiency and peculiarities of model education in the process of improvement of students preparation on the subject “engineering graphics”

Key words: *engineering graphics, professional skills, formation level, projects, graphic maps, modeling, model adaption, professional activity.*

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши таълим мазмунидагиижтимоий ва умумтехник билимларни замонавий талаб ва эҳтиёжлар асосида,

шунингдек, амал қилинаётган тенденциялар асосида муттасил такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам таълим мазмунидаги мавжуд эҳтиёжларни қондира олмайдиган маълумотлар, билимлар, тушунчаларни мунтазам тарзда янгилари билан бойитиш, такомиллаштириш талаб этилади. Акс ҳолдатаълимнинг барча бўғинларида, жумладан олий таълимга ҳам хос бўлган ушбу ҳолат жамиятнинг ҳаёт тарзи билан таълим орасидаги маълум бўшлиқни вужудга келтиради. Айнан ана шу бўшлиқни тўлдириш ҳар бир фанни ўқитаётган ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Шу нуқтаи назардан олий таълимнинг 5111000 – Касб таълими (Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) таълим йўналишида ўқитилаётган Муҳандислик графикаси фанини ўқитишда ҳам замонавий педагогика ва ахборот - коммуникацион технологияларни қўллаш муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, муҳандислик графикасида йиллар давомида амал қилиб келинаётган анъанавий мазмун ва методлар янгилашга бўлган эҳтиёж бошқа фанларга нисбатан яққолроқ кузатилмоқда. Бу омил биринчи навбатда таълим жараёнида қўлланилаётган технологиялар, электрон дастурий воситаларни қўллашда ўз аксини топмоқда, муҳандислик графикаси фанини ўқитиш талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Айниқса, техник ижодкорликни талаб этувчи мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимида муҳандислик графикаси бўйича эгалланадиган назарий билим ва амалий кўникмалар бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясининг муҳим компоненти ҳисобланади. Шунинг учун хам муҳандислик графикаси туркумидаги фанларни ўқитишга замонавий педагогик технологияларни жорий этиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Модулли ўқитиш эса бу борада кенг имкониятлар тақдим этиши билан аҳамиятлидир. Чизмаларни юқори сифатли бажаришга ўргатиш уларда гўзаллик туйғуларини уйғотиб, ўз ишларининг натижасидан қониқиш ҳиссини ҳосил қилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларда касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини белгилайди.

Мазкур фаннинг мақсади муҳандислик графикасидан махсус фанларни ўқитиш жараёнини технологик ёндашув асосида қуриш ва якуний натижани кафолатлаш қонуниятларини умумдидактик талаблар даражасида талабаларга ўргатишдан иборатдир. Муҳандислик графикаси фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотларини қуйидаги дидактик тамойиллар асосида ташкил қилиш ўқув материалининг юқори даражада ўзлаштирилишини таъминлайди.

- *назариянинг амалиёт билан боғлаб олиб борилиши.* Бунда маълум миқдордаги назарий маълумотлар ўзлаштирилгандан сўнг ўрганилган билимларни қўллаш талаб қилинадиган амалий масалалар ечилади;
- чизма қуришнинг назарий асоси бўлган *проекциялар методини тушуниш*. Бу биринчи навбатда, муҳандислик графикаси асосларини ўзлаштиришнинг устувор талабларидан бири – талабаларда фазовий тасаввурларни таркиб топтиришга кўмаклашади;
- дастурнинг аниқ мавзулари бўйича *кўргазмаларни танлаш.* чизма ва машқларни бажаришда машинасозликнинг кенг тарқалган типавой деталларидан фойдаланилади;
- таълим жараёнини талабаларнинг ҳаёт тажрибалари, техника, турмуш ва табиат ҳодисаларини кузатишларидан чиқарган хулосаларини уларнинг муҳандислик графикасига оид билимлари билан боғлаб олиб бориш (масалан, аниқ бир буюмда геометрик шаклларнинг мужассамлашуви ва ҳ.).
- талабаларнинг кундалик фаолиятида зарур бўладиган интилувчанлик, ишни олдиндан тўғри режалаштириш ва уни бажариш жараёнида энг мақбул усулларини қўллай билиш каби фойдали кўникма ва малакаларни доимий равишда ривожлантириб бориш.

График тасвирлар ижодкорлик фаолияти турларини боғловчи бўғин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муҳандислик графикаси фанида шахснинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантирувчи жуда катта имкониятлар мавжуд. Шунингдек, фаннинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг индивидуал қизиқишлари ва қобилиятларининг рўёбга чиқишига кўмаклашувчи турли хил объектлардан фойдаланиш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ўқув материалларини ҳар йили қайта ишлаш, янгилаш талаб этилади, олий таълимда бу кунги кунда изчил қўлланилаётган модулли ўқитиш асосида юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш имконияти яратилади, ўқитувчи мураккаб вазиятдан чиқиш учун ўқув материалларини шундай қуриш керакки, улар бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил, яхлит блокларни ташкил этиши лозим. Шундагина ҳар бир блокдаги ўқув материалларини тез ўзгартириш, тўлдириш, бойитиш имконияти туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.О. Розиқов ва бошқалар. Дидактика. Тошкент. “Фан”нашриёти, 1997 .

2. М.М.Жанпеисова. Технология модульного обучения. Актюбинск. 1999 г.

ИНФОРМАЦИОННЫЙ ПОДХОД К ОЦЕНКЕ ЗАДАЧ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ

М.Ю.Дощанова, Ш.С.Содиков,
Ташкентский университет информационных технологий, Ташкент

In article are considered a question of the information approach to an estimation of problems of acceptance of administrative decisions.

Keywords: decision-making, set, alternative, criterion.

Процесс получения информации можно рассматривать как уменьшение неопределенности в результате приема сигнала, а количество информации – как количественную меру степени снятия неопределенности. Однако в результате выбора некоторого подмножества альтернатив из множества, т.е. в результате принятия решения, происходит уменьшение неопределенности. Это значит, что каждый выбор, каждое решение порождает определенное количество информации, а значит может быть описано в терминах теории информации.

Множественность задач принятия решений связана с тем, что каждая компонента ситуации, в которой осуществляется принятие решений, может реализовываться в качественно различных вариантах [1]. Некоторые из этих вариантов состоят в следующем: множество альтернатив, с одной стороны, может быть конечным, счетным или континуальным, а с другой, – закрытым (т.е. известным полностью) или открытым (включающим неизвестные элементы); оценка альтернатив может осуществляться по одному или нескольким критериям, которые, в свою очередь, могут иметь количественный или качественный характер; режим выбора может быть однократным (разовым), или многократным, повторяющимся, включающим обратную связь по результатам выбора, т.е. допускающим обучение алгоритмов принятия решений с учетом последствий предыдущих выборов; последствия выбора каждой альтернативы могут быть точно известны заранее (выбор в условиях определенности), иметь вероятностный характер, когда известны вероятности возможных исходов после сделанного выбора (выбор в условиях риска) или иметь неоднозначный исход с неизвестными вероятностями (выбор в условиях неопределенности); ответственность за выбор может отсутствовать, быть индивидуальной или групповой; степень согласованности целей при групповом выборе может варьироваться от полного совпадения интересов сторон (кооперативный выбор) до их противоположности (выбор в конфликтной ситуации). Возможны также промежуточные варианты: компромисс, коалиция, нарастающий или затухающий конфликт.

Различные сочетания перечисленных вариантов и приводят к многочисленным задачам принятия решений, которые изучены в различной степени. К настоящему времени сложились три основных языка описания выбора.

Самым простым, наиболее развитым и наиболее популярным является критериальный язык [2], название которого связано с основным предположением, состоящим в том, что каждую отдельно взятую альтернативу можно оценить некоторым конкретным (одним) числом, после чего сравнение альтернатив сводится к сравнению соответствующих им чисел. Пусть, например, $\{X\}$ – множество альтернатив, а x – некоторая определенная альтернатива, принадлежащая этому множеству: $x \in X$. Тогда считается, что для всех x может быть задана функция $q(x)$, которая называется критерием (критерием качества, целевой функцией, функцией предпочтения, функцией полезности и т.п.), обладающая тем свойством, что если альтернатива x_1 предпочтительнее x_2 (обозначается: $x_1 > x_2$), то $q(x_1) > q(x_2)$. При этом выбор сводится к отысканию альтернативы с наибольшим значением критериальной функции.

Однако на практике использование лишь одного критерия для сравнения степени предпочтительности альтернатив оказывается неоправданным упрощением, поскольку более подробное рассмотрение альтернатив приводит к необходимости оценивать их не по одному, а по многим критериям, которые могут иметь различную природу и качественно отличаться друг от друга.

Многокритериальные задачи не имеют однозначного общего решения. Поэтому предлагается множество способов придать многокритериальной задаче частный вид, допускающий единственное общее решение. Естественно, что для разных способов эти решения являются в общем случае различными. Поэтому едва ли не главное в решении многокритериальной задачи – обоснование данного вида ее постановки. Используются различные варианты упрощения многокритериальной задачи выбора. Перечислим некоторые из них: условная максимизация (находится не глобальный экстремум интегрального критерия, а локальный экстремум основного критерия); поиск альтернативы с заданными свойствами; нахождение множества Парето; сведение многокритериальной задачи к однокритериальной путем ввода интегрального критерия. Рассмотрим подробнее формальную постановку метода сведения многокритериальной задачи к

однокритериальной. Введем интегральный критерий $q_0(x)$, как скалярную функцию векторного аргумента:

$q_0(x)= q_0((q_1(x), q_2(x),..., q_n(x))$. (1)

Интегральный критерий позволяет упорядочить альтернативы по величине q_0, выделив тем самым наилучшую (в смысле этого критерия). Вид функции q_0 определяется тем, как конкретно мы представляем себе вклад каждого критерия в интегральный критерий. Обычно используют аддитивные и мультипликативные функции:

$$q_0 = \sum_{i=1}^{n} \frac{a_i q_i}{s_i}. \qquad 1 - q_0 = \prod_{i=1}^{n} (1 - \frac{b_i q_i}{s_i}). \qquad (2)$$

Коэффициенты s_i обеспечивают: - безразмерность или единую размерность числа $a_i q_i / s_i$ (различные частные критерии могут иметь разную размерность, и тогда над ними нельзя производить арифметических операций и свести их в интегральный критерий); - нормировку, т.е. обеспечение условия: $b_i q_i / s_i < 1$. Коэффициенты a_i и b_i отражают относительный вклад частных критериев q_i в интегральный критерий. Итак, в многокритериальной постановке задача принятия решения о выборе одной из альтернатив сводится к максимизации интегрального критерия:

$$x^* = \arg\max_{x \in X} (q_0(q_1(x), q_2(x),..., q_n(x))). \qquad (3)$$

Основная проблема в многокритериальной постановке задачи принятия решений состоит в том, что необходимо найти такой аналитический вид коэффициентов a_i и b_i, который бы обеспечил следующие свойства модели:

- высокую степень адекватности предметной области и точке зрения экспертов;
- минимальные вычислительные трудности максимизации интегрального критерия, т.е. его расчета для разных альтернатив;
- устойчивость результатов максимизации интегрального критерия от малых возмущений исходных данных.

Устойчивость решения означает, что малое изменение исходных данных должно приводить к малому изменению величины интегрального критерия, и, соответственно, к малому изменению принимаемого решения. Таким образом, если исходные данные практически те же, то и решение должно приниматься или тоже самое, или очень близкое.

Литература:

1. Хейс-Рот Ф., Уотерман Д., Ленит Д. Построение экспертных систем. – М.: Мир, 1987.
2. Franclin J.E., Carmody C.L., Keller K., Levit T.S., Butean B.L. Expert system technology for military selected samples // Proceedings of the IEEE. 1988. V.76.№10.P.1327-1336.

ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Б.Мадримов, п.ф.н., доцент, БухДУ мусиқий таълим кафедраси мудири

Мамлакатимизнинг келгуси истиқболи, эртанги келажаги бугун узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ёш авлодга боғлиқ. Таълим-тарбиянинг мазмуни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилайди. Шу нуқтаи назардан муҳтарам Президентимиз айтганларидек “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг энг муҳим шарти бўлган таълим – тарбия масаласи ҳақида сўз борганда, биз кўпинча соҳанинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари барпо этиш, уларни замонавий жиҳозлаш ҳақида кўпроқ гапирамиз.Ҳолбуки, айни шу ишларимиз билан бирга, таълимнинг мазмуни, сифати ҳам тубдан ўзгармоқда”.Шундан хулоса чиқариб букунги кунда таълим мазмуни ва сифати ҳақида тўхталамиз:

Таълим мазмуни – баркамол авлодни маълумотли қилиш,интеллектуал-маънавий даражасини тараққий эттириш ва тарбиялаш мақсадида ДТСдан танланиб таълим жараёнига олиб кирилган билим,кўникма,малака ва ижодий фаолият усуллари ҳамда табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларни эмоционал баҳолашга доир муносабатлардир. Таълим мазмуни унинг мақсадига мувофиқ белгиланилади, таълим мазмунининг асоси ўқув режа,ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қулланмалар билан ёритилади.

Таълим мазмунини модернизациялаш таълим сифатини таъминлар экан , таълим сифатини қуйидагича изоҳлаймиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сифатга шундай таъриф берилади**.**

Сифат – маҳсулот ёки ишнинг яроқлилик даражаси,қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгиловчи хусусият.

Демак, **таълим сифати** - ДТСларини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талаблари асосида, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар билан бирга уларда ҳаётий компетенцияларни шакллантириш учун ўқитувчининг ўқув жараёни замонавий ахборот технологиялари асосида ва ўқитишнинг замонавий усулларини қуллаган ҳолда ташкил этиши, Ўқув жараёнини шахсга йўналтирилган таълим параметрлари асосида олиб бориши, Ўқувчиларда билим, кўникма ва малака билан бирга уларда ҳаётий компетенцияларни шакллантириши ва ўзининг касбий компетенцияларни доимий равишда ривожлантириб такомиллаштириб бориши заруриятидир.

Бинобариншундайэкан, ўқитувчи таълим жараёнида таълим сифатини таъминловчи шахс сифатида намоён бўлади,бугунги кунга келиб ўқитувчилар диққат-эътиборларини ўқувчиларнинг билиш фаолликларини таъминлашнинг инновацион усулларига қаратиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Таълимнинг анъанавий моделидан шахсга йўналтирилган янги таълим моделига ўтиш ва бунда ўқитувчи-ўқувчи ҳамда замонавий ахборот технологиялари фаолияти алоқадорлигини таъминлаш ва таълимнинг замонавий ўқитиш усулларини қўллаш талаби билан бевосита боғлиқ бўлиб алоҳида дидактик аҳамият касб этмоқда.

Чунки дастурлаштирилган таълим жараёни ўқувчиларнинг ақлий фаолликларини таъминлаб, билиш фаолиятларини жадаллаштириш имконини беради. Ўқув жараёнини автоматлаштиришда ўқитувчи фаолияти анъанавий ўқув-билув фаолияти таркибини такрорлаши лозим. **Чунки, ҳеч қандай машина ўқитувчининг жонли фаолияти ўрнини боса олмайди.**Ўқитувчи ўз фаолиятининг муайян қисминигина техник воситалар хизматидан фойдаланиш билан алмаштириш мумкин. Унинг ахборот манбаи сифатидаги мавқеининг ўзгариши ва замонавий ахборот технологияси билан алмашиниши субъект-субъект доирасини кенгайтиради.Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини бошқарувчи, мувофиқлаштирувчи ва уларга маслаҳат берувчи субъект сифатида намоён бўлади.Чунки замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитувчиларга ақлий фаолият усулларини ўқувчилар томонидан тўғри ўзлаштирилишини таъминлаш имконини беради, бунда ўқитувчи нафақат ўқув жараёни натижаларини назорат қилиш, балки тузатишлар киритиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Демак, таълимнинг сифатли амалга оширилиши ўқитувчи ва таълим муассасасининг моддий-техник базасига боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда таълим самадорлигига тўхталиб ўтамиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида самарадорликка шундай таъриф берилган**.**

Самарадорлик - фойда келтирадиган, сермаҳсул, яхши натижа берадиган маъносини билдиради.

Демак, **таълим самарадорлиги** - таълим сифати билан боғлиқ жараён бўлиб таълим натижаси билан характерланади. Таълим самарадорлиги ҳар доим таълим натижаси билан ўлчанади, шундай экан, қачонки таълим сифатли амалга оширилсагина таълимнинг самарадорлиги юқори бўлиб боради.Таълим самарадорлиги таълим натижасига боғлиқ экан, таълим натижаси ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштирганлик даражалари яъни баҳолаш орқали амалга оширилади. Ушбу ўринда фикримизни баҳолаш жараёнига қаратайлик, яъни таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларини баҳолаш индивидуал характерга эга эканлигини инобатга олсак**, таълимнинг самарадорлиги ҳам индивидуал аҳамият касб этади. Шундай экан таълим сифатли амалга оширилганда ҳам таълимнинг самарадорлиги индивидуаллигича қолаверади.**

Фойдаданилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир”. – Тошкент: “Ўзбекистон”. - 2015.

2. Сафарова Р.ва бошқалар.” Истиқболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари”. - Тошкент: Фан. -2009 йил.

ПЕДАГОГИК МАҚСАД ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС АМАЛ ҚИЛИШИ

А.Р.Ҳамроев, Бухоро давлат университети

Педагогик мақсадларнинг ўқитиш ва ўқиш фаолиятида бажарадиган ишини аниқлаш ва уларни дидактик лойиҳаларда қайд этиш таълим мазмунини таҳлил қилишни тақозо қилади. Масалан, 4-синфда маънодош сўзлар-синонимлар хусусидаги тасаввурлар шакллантирилади. Ўқувчилар синоним сўзларнинг услубий хусусиятларини ўрганадилар: бир маъно доирасида турли нозик маъноларни ифодалайдиган сўзларнинг ўзаро синоним эканлиги, синоним сўзларни нутқда алмаштириб қўллаш мумкинлиги, синоним сўзларнинг нутқ таъсирчанлигини ошириши, уларнинг ўзаро англатган маъно қирралари, услубий хусусиятлари, нутқ жанрларига хослигига кўра фарқланиши тўғрисидаги тасаввурларни эгаллашади. Синоним сўзларнинг лингвистик хусусиятлари

ва уларнинг нутқда қўлланиши инобатга олиниб, «Маънодош сўзлар-синонимлар» мавзуси бўйича битта етакчи мақсад ажратилади: синоним сўзларни нутқда тўғри қўллаш. Ажратилган бош мақсадни тўлиқ амалга ошириш учун қуйидаги ўқув юмушлари бажарилади: ўқитувчи айтган сўзларга маънодош сўзлар ўйлаб топиш (1); матнда ажратиб кўрсатилган сўзларга маънодош сўзлар танлаш (2); берилган сўзлар (дўст, дон, ўртоқ, ғалла, иноқ)ни маъноларига кўра икки гуруҳга ажратиб ёзиш (3); матнда ажратиб кўрсатилган сўзни қавс ичида берилган сўзларнинг биронтаси билан алмаштириш(4); синфдошларидан биронтаси айтган сўзга (мас. улкан) маънодош сўзла ўйлаб топиш (5); синоним (халқ, эл, жамоа, миллат)ларни қатнаштириб нутқ тузиш (6); матнда такрорий қўлланган сўзни бошқа маънодош сўз билан алмаштириш (7) ва ш.к.

Таълимнинг етакчи мақсади («маънодош-синоним» сўзларни нутқда қўллаш»)ни тўлиқ амалга оширш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув юмушларини ташкил этади. Болаларнинг ўқув юмушларини ўтказиш ва бошқаришда ўқитувчи таълим мақсадларининг қуйидаги функцияларига риоя қилиб режалаштирилган ўқув юмушларининг боришига раҳбарлик қилади: ҳар бир режалаштирилган ўқув юмушида ўқитувчи ўзининг ва ўқувчиларнинг биргаликда амалга оширадиган ишларини ташхислаб, болаларнинг қурби етадиган топшириқларни танлайди; ўқувчилар бажарадиган ўқув юмушларини онгда тасаввур этиш таълимнинг бошланиши, давоми, якунланишини онгда қуришга, бинобарин, таълим моделини танлашга олиб келади. Танланган моделда ўқитувчининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам фаолияти моддийлаштирилади; ҳар бир ўқув юмушининг аҳамияти баҳоланади, самара берадиган ўқув юмушларигина ташкил этилади. Бу мақсаднинг аксиологик функцияси бўлиб, у ўқув юмушларини олдиндан баҳолаш имкониятини беради; ўқув юмушларини ўтказиш учун болаларнинг ўқиш-ўрганишига мос топшириқлар танланади. Ўқув топшириғи ўқувчиларни ўрганилаётган ўқув материалларига қизиқтиради, уларни ўрганишга рағбатлантиради; ҳар бир ўқув юмуши ўзига хос ташкилий қурилишга эга. Аммо уларнинг барчаси учун топшириқда қўйилган мақсадни англаш, мақсадга эришиш, эришилган натижани текшириш умумий бўлиб, таълим шу қолипда ташкил этилади; ўзи дарс берадиган синф ўқувчиларининг реал ўқиш имкониятини тўлиқ таҳлил қилган ўқитувчи болаларнинг кучи етадиган топшириқ, муаммоларни таълимга татбиқ этиб, мақсаднинг селектив функциясига риоя қилади. У зарур бўлган пайтда таълимни яяна бир бор такрорлайди, таълимга қўшимча тузатиш киритилади. Таълимни такрорий қуриш, керак ўринларда уни ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорлаш, таълимга қўшимча киритиш, таълимни коррекциялаш ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга оид билим, кўникма-малака, ижодий фаолият тажрибаси ва фаолият усулларини пухта эгаллашлари учун шарт-шароит яратади.

Ўқитувчи таълим мақсади функцияларига риоя қилиб таълим жараёни мақсадларини амалга оширади. Ўқувчи педагогик мақсад функцияларига кўра ўзлаштирилаётган мавзу билан фаол боғланади. Шу жиҳатлари инобатга олинадиган бўлса, педагогик мақсадларнинг функциялари комплекс риоя қилинади. Бу ҳодисани тушуниш учун «синонимларни нутқда тўғри қўллашни» болаларга ўргатишга оид ўқув юмушларидан, масалан, «берилган сўзлар (дўст, дон, ўртоқ, ғалла, иноқ)ни маъноларига кўра икки гуруҳга ажратиб ёзиш»ни таҳлил қиламиз. Бу ўқув юмушини ўтказиш учун педагогик мақсадни-«маънодош сўзларни нутқда тўғри қўллаш»ни болаларга ўргатиш учун: ўқувчилар фаолияти ташкил этилади. Зеро, ҳар бир ўқув юмушида, шунингдек, ҳар бир ўқув топшириғида таълим мазмунининг маълум нуқтаи назари, бинобарин, педагогик мақсаднинг функциялари ҳисобга олинади (1); ўқитувчи ўзи дарс бераётган синфда шундай ўқув юмушини ташкил этишни ташхислаб, болаларнинг реал ўқиш имкониятларини чамалаб, ишни бошқаради (2); ўқув юмушини ташкил этиш, унинг давом этишини ва якунланишини хаёлан моделлаштиради (3); ташкил этилаётган ўқув меҳнатининг педагогик қимматини баҳолайди (4); топшириқни бажаришга ўқувчиларни рағбатлантиради (5); болаларнинг ўқув-билув фаолиятини топшириқ устида уюштириб, педагогик мақсаднинг ўқув юмушига мослиги хусусида фикрга келади (6); топшириқни оперативлик билан ташкил этиш ва бошқариш учун зарурий восита, темпни аниқлайди (7). Бундан кўринадики, у ёки бу ўқув юмушини ўтказишда таълим мақсадининг функциялари комплекс ҳисобга олинади. Бу жараённи қуйидаги чизма воситасида тасаввур этиш мумкин.

ЭКСПЕРИМЕНТ КАК ОДИН ИЗ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Бабаева Ш.Б., Курбанова Н.Р., БухГУ

Современные преобразования в нашем обществе изменили тенденции и в сфере образования. Сегодня образовательный процесс в Узбекистане требует внедрения в практику преподавания иностранных языков новых форм, методов и технологий обучения. Актуальным при этом остается вопрос приобретения навыков саморазвития и самообучения учащихся, для реализации которого важную роль играют методы исследования.

Как известно, в методике преподавания иностранных языков достоверность выводов и надежность рекомендаций обеспечиваются методами исследования [1].

В настоящее время общепризнанной является классификация А.В.Текучева, в которой указаны следующие методы исследования такие как, эксперимент, изучение истории школы и методических учений, теоретический анализ литературы по методике в смежных областях, анализ самого предмета обучения в учебных целях, моделирование учебно-воспитательного процесса и его элементов, диагностика и прогнозирование трудностей в обучении, исследование уровней речевого развития учащихся, как в среднем, так и индивидуально [3].

Эксперимент по методике преподавания иностранных языков – один из важнейших методов исследования. С помощью эксперимента осуществляется поиск новых форм обучения, проверяются системы обучения, отдельные приемы, упражнения, уроки и их циклы, учебники, пособия, программа [2].

Как правило, план и методика эксперимента утверждается Министерством народного образования Республики Узбекистан. В методике преподавания иностранных языков различают следующие виды эксперимента, представленные в таблице.

Вид эксперимента	**Цель**
Поисковый	Выявление проблемных зон в процессе обучения определенному предмету или теме.
Констатирующий	Подтверждение определенной гипотезы посредством тестирования и анкетирования
Обучающий	Обучение определенной группы учащихся, по какой – либо новой методике, программе, учебному пособию
Корректирующий	Устранение недостатков, выявленных в процессе обучающего эксперимента
Контрольный	Констатация результатов обучения посредством вторичного тестирования и анкетирования

Обучающий эксперимент обычно продолжителен, тщательно подготовлен, строго фиксируется. Он может проводиться как в лабораторных условиях, т.е. в отдельных экспериментальных классах, так и в более широких масштабах: школе, ряде школ, районе и т.д. - с целью проверки новой системы обучения. Его ход фиксируется в протоколах или на видео документах, затем материалы изучаются и делаются выводы. В начале эксперимента, в конце каждого этапа и всего исследования проводятся срезовые работы. Выводы в современных исследованиях делаются не только на основе качественного анализа, но и с применением статистики и информационных технологий.

Наиболее широкие и длительные обучающие эксперименты, в которых участвуют многие учителя, называются опытным обучением, так как они накапливают опыт для работы по новым программам, учебникам. Для сравнения обычно, параллельно с экспериментальными, создаются контрольные классы, в которых применяется другая методика (другие программы, учебники, упражнения и пр.). Такой эксперимент позволяет определить сравнительную эффективность разных методик.

В обучающем эксперименте очень важно накопить обширный материал: конспекты уроков учителей и протоколы уроков (или их мультимедийные варианты), что позволяет выяснить, как и насколько удалось реализовать замысел экспериментатора. В ходе эксперимента составляются картотеки ошибок, допускаемых учащимися; ошибки подвергаются классификации с целью выяснения их причин. Изучаются трудности, которые встречаются у учащихся. Обычно ведется дневник эксперимента.

Контрольный эксперимент проводится по завершении основного, формирующего, с целью получения материала для оценки новой методики. Нередко он приобретает форму среза в виде контрольных работ, тестов, сочинений, докладов учащихся, их творчества и пр. «Срезы» дают материал для анализа, статистической обработки, обобщения в виде таблиц, схем, диаграмм. При обработке срезовых материалов нужно пользоваться едиными критериями, которые составляются заранее, на начальных этапах формирующего эксперимента, и отражают задачи новой методики и, следовательно, всей экспериментальной работы.

В наши дни эксперимент стал самой распространенной формой исследований по методике обучения языкам: его проводят не только научные работники университетов, но и учителя школ и колледжей. Названные виды эксперимента носят общедидактический характер. Но есть и такой вид эксперимента, который позаимствован методикой у лингвистической науки: лингвистический эксперимент. Метод *корректирующего - лингвистического эксперимента* опирается на

чутье языка: учащимся предлагается выполнить ту или иную языковую задачу; каждый выполняет ее в соответствии со своим языковым опытом, индивидуальным стилем; затем результаты анализируются, делаются выводы. Метод применяется, например, для выяснения того, какие синтаксические конструкции учащиеся предпочитают употреблять при выражении одного и того же содержания: сложносочиненные или сложноподчиненные предложения.

Оказалось, что к старшим классам усиливается тенденция использования сложноподчиненных предложений; исследователь делает вывод об усилении подчинительных отношений в речи учащихся по мере их взросления.

В любом виде эксперимента существенную роль играют сопоставления экспериментальных и контрольных классов. Итоги эксперимента обычно подводятся в виде статистических обобщений, в количественном выражении: характеризуется успеваемость учащихся, их орфографическая грамотность, их речь и навык чтения.

Литература

1.Литневская Е.И., Багрянцева В.А. Общие вопросы методики преподавания русского языка. – М.: Академический проект, 2006.

2.Львов М.Р. Словарь-справочник по методике русского языка. - М.: Просвещение, 1997.

3.Основы методики русского языка в 4-8 классах: Пособие для учителей / Под ред. А.В.Текучева. – М.: Просвещение, 1983.

РАБОТА НАД ВЫРАЗИТЕЛЬНЫМ ЧТЕНИЕМ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Рузиев У.М. –преподаватель кафедры «Психологии» БухГУ
Рузиева М.А. учительница начальной школы, № 22.
Адилова Н.Ю., студентка БухГУ

Выразительное чтение пронизывает всю деятельность и учителя и ученика в процессе изучения литературного чтения в начальной школе. По мнению М. А. Рыбниковой, выразительное чтение учителя обычно предваряет разбор произведения и является ключом к пониманию его содержания. Выразительное чтение ученика заключает процесс разбора, подытоживает анализ, практически реализует понимание и толкование произведения. И, если ученики читают бесстрастно, думая только о формальной стороне чтения, не представляя себе картин, о которых рассказывают, то, что тут говорить о воздействии художественного текста на их чувства, о понимании ими текста? Особенно остро этот вопрос стоит в начальных классах, так как, как раз в этот период дети еще плохо читают и работа над самим процессом занимает у них массу сил и времени.

А нам надо еще донести до них все чувства и мысли автора, скрытые в этом тексте. Поэтому работа над умением выразительно читать текст начинаться должна уже в первом классе. Эта работа должна включать в себя:

1). Работу над дикцией. (Отсутствие четкой и громкой речи характерно для малышей). Здесь можно использовать чистоговорки, скороговорки, загадки, пословицы. Весь этот материал для отработки дикции и для культуры живых интонаций. Ежедневная работа над произношением, четкостью, громкостью - первый шаг к работе над выразительным чтением.

2). Работа над выделением логического ударения. Сначала под руководством учителя, а потом и самостоятельно.

3). Составление партитуры стихотворения, в котором проставляются все паузы.

4). Выразительное чтение учителем или артистом в записи всегда должно предварять разбор содержания и являться ключом к пониманию прочитанного.

5). Анализ чтения других учеников и самоанализ помогает избегать типичных ошибок. Дети привыкают анализировать свое и чужое чтение, что помогает им читать лучше предыдущего и дает уверенность в своих силах.

Вся эта работа должна быть включена в систему уроков в начальной школе и предварять чтение стихотворений.

Дети должны получить и определенные теоретические сведения:

1). По технике чтения (дыхание, дикция, орфоэпия).

2). По логике чтения (логические паузы, сочетание силы голоса и высоты, темпа, ритма, ударения).

3). По эмоционально-образной выразительности с сопереживанием и чувствами.

Здесь очень помогают значки – рисунки, на которых изображены человеческие эмоции: гнев, радость, удивление, восторг, спокойствие, грусть, восхищение, насмешка, ирония. Не секрет, что дети очень затрудняются в характеристике эмоций и не отличают веселость и насмешку, иронию и сарказм.

Все эти знания дети получают не на одном уроке, а на целой серии, начиная уже с 1 класса. Нельзя сказать ребенку: “Читай выразительно”, не дав ему инструмента для этого.

Изучив подробно методику Рыбниковой М. А., на своих уроках я стала пытаться все это применять, и для меня и для ребят уроки стали гораздо интереснее, желаннее. Все очень любят читать стихи и, то, что задано на дом- все (и самые слабые) обязательно выучат и будут умолять их спросить. Приходится спрашивать всех, конечно тратится время урока, но это такой праздник для детей, что устоять невозможно.

Результат работы я представила на уроке, проведенном во 2 классе “Колыбельные в творчестве детских поэтов” по учебнику Э. Э. Кац “Литературное чтение”.

Открытый урок по литературному чтению

Тема: “Колыбельные песни в творчестве писателей”

Цели: Воспитывать интерес к чтению, фольклору, истории своего народа, любовь к близким.

Учить выразительному чтению;

Развивать умение самостоятельно работать с текстом, оценивать себя и своих товарищей.

Развивать эмоциональность, артистичность детей.

Оборудование

- Фото малышей
- Проекты детей
- Магнитофон с записью 2 колыбельных
- Графопроектор с записью слов для развития речи
- Кукла-малыш
- Люлька с очепом, веретено, лампа, чугунок.
- Чистые листы для записи чувств.

1. Организационный момент.

2. Введение в тему урока.

А) Определение темы урока уч-ся.

Звучит мелодия колыбельной “Спят усталые игрушки…”

(Положили головки на парты, закрыли глазки. Что услышали?)

Учитель: Сегодня у нас необычный урок. Урок будет тихим и спокойным.

Кто догадался, почему?

Назовите тему нашего урока.

Б) Есть у белорусского писателя Максима Танка стихотворение “Вопросы и ответы”.

Чтение стихотворения учителем:

-Дедушка, кто старше меня?

-Твои папа и мама.

-А кто старше, чем они?

-Мы с бабушкой…

-А кто старше всех на свете?

-Внученька старше всех на свете, я думаю,

Наш хлеб насущный

Да еще колыбельная,

Которую поет твоя мама…

Звучит колыбельная песня из мультфильма “Умка”.

В) Рассказ учителя.

В давние времена народные песни заменяли многим детям школу и книги. Сама колыбель – люлька, зыбка передавалась из поколения в поколение. Ребенок скоро из колыбели вырастал, а песни, как будто оставались в ней, накапливались и передавались из поколения в поколение. Колыбель подвешивали на шесте, чтобы было удобно качать .Такой шест называли очеп . Говорят,что очеп рубили на вершине холма в самой красивой березовой роще. Тогда считали люди, что ребенок вырастит красивым и будет правильно говорить. Прежде чем положить ребенка в колыбель, туда клали разумные советы, написанные на бумажках.

Г) Проект “Люлька” Мальчик показывает сделанную им модель люльки и поет:

Брат сестру качает,
Еще величает:
“ Сестрица родная,
Расти поскорее,
Расти поскорее,
Да будь поумнее…”

Д) Вопросы : Как пели эти песни? (Ласково, нежно. Почему?)

Е) Физминутка для глаз.

3.Сегодня мы прочитаем несколько песен разных поэтов. Это А. Барто, А.Майков, А. Мей, И. Токмакова.

1) А я хочу начать с песни великого русского поэта М.Ю. Лермонтова.

Спи, моя радость, усни!
В доме погасли огни,
Птички затихли в саду,
Рыбки уснули в пруду;
Месяц на небе блестит,
Месяц в окошко глядит…
Глазки скорее сомкни,
Спи,моя радость, усни…
Усни ! Усни!...

2) Вопросы учителя: Темп? Громкость? Тон?

3) Анализ стихотворения,выделение чувств, которые хотел передать поэт.

4) Чтение стихотворения детьми.

5) Физминутка музыкальная

4. Послушаем другую песню в исполнении девочки поэта А. Мея.

Проект-инсценировка.

5. Самостоятельная работа с текстами песен.

Ваша работа будет состоять из 3 ступенек:

1-самостоятельное чтение

2-в паре

3-выступление перед классом.

Алгоритм у каждого:

Прочитай и представь описанную словами картину.

Прочитай 2 раз и обрати внимание на слова, которые нужно выделить голосом.

Покажи любовь матери, прочитай выразительно. Помни о темпе, тоне, громкости.

Класс оценивает чтеца.

6.Проект-инсценировка по стихотворению А. Барто.

7.Заключение.

-Чем похожи все колыбельные?

-Какая больше понравилась и почему?

Колыбельные - это наше детство, это наши мамы, это память. Потеря памяти так же страшна, как и потеря мечты. Особенно страшно, когда забывают самых близких.

Напишите, какие чувства вызвали эти песни, на листочках и положите их в люльку.

8.Домашнее задание: выучить наизусть любую из колыбельных.

ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

М.Б.Рахмонова, БухДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устивор мақсадимиз” ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтириш” мавзуларидаги маърузаларида “ ....мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фукролик жамияти барпо этиш устивор мақсадимиз” деган[1] фикр мулохазаларидан жамиятимизда баркамол авлодни тарбиялаш олий таълимнинг асосий вазифалардин бири эканлиги гавдаланади. Айниқса, бўлажак ўқитувчларнинг ўқув жараёнидаги туб мақсадлари кучли фуқаролик жамиятининг барпо этилишига хизмат қилишдан иборат эканлиги Шарқона тарбия мазмунида ҳис этилиши зарурияти мавжуддир.

Малакали педагоглар тайёрлаш тизими кўп жиҳатдан олий таълим муассасаларида илмий-педагогик кадрлар тайёргарлиги ҳолати билан боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиш тенденциялари инновацион фаолиятни эгаллашга тайёр бўлган янги типдаги педагогни шакллантириш заруриятини юзага келтиради. Инновацион фаолият таълим, тарбия ва талаба шахсини ривожлантиришдаги илгари маълум бўлган қолиплар, анадазалардан воз кечиш билан боғлиқ бўлиб, шу фаолиятни амалга оширишда педагогик технологияларни, ўқитувчи фаолиятининг ижодий ва индивидуал

[1] И.А.Каримов “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устувор мақсадимиз” . Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси. Адолат газетаси. Тошкент- 2010 йил, 29 январь. №4 (761) 1-3 –б.

йўналишларига қаратилган янги меъёрий талабларни келтириб чиқаради. Инновацион фаолият ўқитувчини янги педагогик муаммоларни билиш ва англаб етишга йўналтиради.

Инновацион фаолият «Ўқитувчи-талаба» мулоқоти асосидаги фаол муносабатларга асосланиб, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим омил вазифасини ўтайди.

Инновацион фаолиятни барча фанлар тизимида қўллаш мумкин. Шу қаторда «Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш» жараёнида ҳам дарс самарадорлигини янада оширади. Масалан, «Ақлий ҳужум» методи орқали талабалар ўзларининг илғор фикрларини кўтариб чиқиш орқали муайян ғоялар банки вужудга келади-ки, бу талабани янада изланиш сари ундайди.

Инновацион таълимнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- талаба бўлажак мутахассис сифатида ўзининг маънавий-касбий фаолиятдаги ўрнини тўғри баҳолай олади;
- талабада креатив қобилият ривожланиб борган ҳолда гностик қобилият билан уйғунлашиб боради.

Фанларни ўқитишда инновацион технологиялардан учта мақсад кўзда тутилади: талабанинг интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш; илмий тадқиқот кўникмаларини эгаллаш ва бунга мос тафаккур операцияларини амалга ошириш; ижтимоий-иқтисодий ва касбий фаолият доирасида янгиликлар киритиш методологиясига асосланиш.

Биринчи мақсад давлат таълим стандартларида кўрсатилган педагогика, психология ва фанларни ўқитиш методикаси асосида амалга оширилади.

Бунда фанлараро ҳамкорлик талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини, фикрини оғзаки ва ёзма ифодалаш маҳоратини ривожлантиришга қаратилган таълим технологияларига асосланилади.

Иккинчи мақсад илмий-тадқиқот кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, бунга фундаментал умумкасбий фанларни ўрганишга асосланилади. Бу фанлар ижодий фикрлашни таъминлайдиган ва билиш жараёнини фаоллаштирадиган, таълимнинг креатив технологиясини муаммоли ўқитиш асосида эришилади.

Учинчи мақсад инновацион фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунга талабалар махсус фанларни танқидий-ижодий фикрлашни ривожлантирувчи таълим принципларига асосланади.

Инновацион таълим дастури:

- мавжуд билимлар асосида янги ахборотларни эгаллашга;
- аналитик тафаккур асосида илмий фактларни очишга;
- илмий-ижодий фаолият методларидан фойдаланиш асосида методологик ғояларни келтириб чиқаришга асосланади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти борлиқни янгича ўзгартиришга, муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усулларига қаратилган. Ўқитувчи билан талабанинг янгича муносабатларида мажбурлаш ва буйруқларга итоат этиш эмас, балки тенг ҳуқуқийлик, ҳамкорлик ва биргаликда ишлаш ва дўстона муносабатлар ҳисобига бажарилиши лозим.

Ўқитувчи ўз фаолиятида янгиликни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгуси иш ҳаракатларининг мақсади ва концепциясини шакллантириш, истиқболли режани амалга ошириш ҳамда унинг самарасини баҳолаш киради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги омилларнинг шаклланишида кўринади:

- ўқитувчининг талабалар билан конструктив мулоқотга тайёрлиги;
- талабаларнинг қарши фикрларига беғараз муносабатда бўлиш;
- касбий рефлекцияга асосланиш;
- инновацион фаолият заруриятни сезиш, идрок этиш;
- шахсий мақсадларнинг касбий инновацион фаолият билан мувофиқлашуви;
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёргарлик ва ҳакозо.

Педагогларни инновацион фаолиятга йўналтириш тажрибаларининг кўрсатишича, талабаларнинг кўпчилиги мавжуд педагогик муаммоларни таҳлил қилиш методларини ва уларни ҳал қилиш усулларини эгаллашда қийинчиликларга дуч келадилар.

Инновация (янгилик киритиш) – бу бошқарув объектни ўзгартириш ҳамда юқори даражадаги иштимоий-иқтисодий илмий-техник самрадорликни қўлга киритиш мақсадида муайян соҳаларга янгиликни татбиқ қилишнинг якуний натижаси саналади.

Инновация ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий самарадоликка эришини кафолатлайди. Унинг ижтимоий соҳа, жумладан, таълим тизимидаги самараси педагогларнинг эҳтиёжларини қондириш, касбий фаолиятни ҳар томонлама шаклланишларини таъминлаш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш педагогик жараённи самарали ташкил этишга ёрдам берувчи илғор шакл, метод ва воситаларни яратиш, шунингдек, таълим муассасаларининг ижтимоий субъектлар билан ўзаро ҳамкорликка эришилари кабиларда акс этади.

Касбий педагогик фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини батафсил шарҳлаб ўтишнинг ҳожати йўқ албатта. Жамиятдаги қадриятларнинг у ёки бу тизимида амалга оширила бориб, бу фаолият жамият

қадриятларини келгуси авлодлар онгига такрор ишлаб чиқаришни амалга оширади юзага келтиради, уларнинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсата боради.

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОСИ

О.Р.Авезов- БухДУ психология кафедраси катта ўқитувчиси.

Бугунги кунда ёшларга таълим- тарбия бериш, уларни мустақиллик руҳида тарбиялаш давр талабидир.

Психологларнинг таъкидига кўра, ўз-ўзини тарбиялаш маълум бир аниқ ривожланиш йўлини босиб ўтади. Агар уни асосий ёш поғоналари бўйича қамраб оладиган бўлсак, инсон онтогенезидаги ривожланиш қуйидагича намоён бўлади:

Биринчи босқич- ўз-ўзини жисмоний ва иродавий тарбиялашдир. Бу ўсмирлик даврига тўғри келади. Инсоннинг бу даврга хос бўлган мақсади ирода ва жисмоний имкониятларни ривожлантириш бўлиб, жасурлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, матонат, ўз-ўзига ишонч каби иродавий сифатларни махсус восита ва машқлар орқали тарбиялашдан иборатдир.Бу ҳолат жисмоний ривожланишга ҳам таълуқли бўлиб, шу сабабли кўпгина болалар бу ёшда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни бошлайди.

Иккинчи босқич- ўзини хулқий-ахлоқий ривожлантириш бўлиб, илк ўспиринлик даврига тўғри келади. Бу даврда ўз-ўзини тарбиялашнинг кўпроқ учрайдиган мақсадлари - руҳий, маънавий ривожланиш , шахснинг тўғрилик, яхшилик, сахийлик, дўстга содиқлик, садоқат, мурувват каби олийжаноб сифатларни ўзида мужассамлашга интилиши кузатилади.

Учинчи поғона касбий ўз-ўзини тарбиялаш ўспиринлик даврига тўғри келади. Инсон ҳаётининг бу даврини ишга бўлган иштиёқни ўстириш деб қараш мумкин, унда кишининг касбий зарур бўлган комплекс сифатларни ривожлантириш, қобилият, малака, кўникма, танлаган касби бўйича маҳорат билан ишлаш учун зарур бўлган ҳислатлари шаклланади. Ўз-ўзини касбий ривожлантириш мақсади бу даврда бошланиб, кўпгина кишиларда мустаҳкамланиб боради ва унинг ҳаёти давомида асосий мақсадлардан бири бўлиб қолади.

Тўртинчи босқич - ижтимоий-дунёвий қарашларда ўз-ўзини тарбиялашдир. Бу инсон ҳаётининг 40-45 ёшидан кейинги даври ҳисобланади. Бу ерда ўз-ўзини ривожлантириш вазифаси ижтимоий ҳолат, дунёқараш, ҳаётга маълум назар билан қараш ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда бешинчи поғона ҳам учраб туради, бунда ўз-ўзини актуаллаштириш масаласи қўйилади ва ҳал этилади.

Беш босқичдан иккитаси инсонни ўз-ўзини тарбиялашдаги ривожланиши ўсмирлик ва ёшликнинг илк даврига тўғри келади. Бу даврларда ўз-ўзини тарбиялаш инсон характерини белгилаб беради.

Ўсмир ва ўспиринларга уларнинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий ўз-ўзини тарбиялашида қандай кўмаклашиш мумкин? Бу саволга қуйидагича жавоб берса бўлади: Биринчидан, ўз-ўзини тарбиялашнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан уларнинг интилишларини фаол қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, албатта, ўсмирга жисмоний ўз-ўзини тарбиялашда катта ёрдам беради. Болалар учун айниқса, спортнинг ўйин тариқасида ўтказиладиган турлари фойдали, шунингдек, енгил атлетика, сузиш, комплекс жисмоний тарбия машқлари организмни ҳар тарафлама ва баркамол ривожланшига ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида шахснинг ирода кучи ҳам тарбияланади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғуллана бориш, албатта шу соҳада юқори чўққини забт этишни мақсад қилиб олиш дегани эмас. Асосийси улар болага қувонч келтириши, соғлиғини мустаҳкамлашига ёрдам беришидир. Айниқса, бу жисмонан нимжон болалар учун фойдали бўлиб, бундай ўсмирлар билан ота-оналар, ўқитувчилар ёки бирор катта одам шуғулланса самаралироқ бўлади. Бу нарсалар албатта келгусида малакали мутахассис – тренер раҳбарлиги остида спорт билан шуғулланиш имкониятини йўққа чиқармайди, у ҳолатда тарбия вазифаси ўзгача тус олади, оддий жисмоний ёки иродавий ўз-ўзини тарбиялаш, ривожлантиришдан фарқ қилиб, унинг чегара доирасидан ошади.

Шахс камол топишида ўсмирларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши яхши мактаб ролини ўтайди. Ҳолбуки бу восита ягона эмас, у ҳар доим ҳам ҳар томонлама ирода кучини ўстиришни таъминлаб бера олмайди. Жисмоний тарбия натижасида олинган маълум ирода кучи интеллектуал ва бошқа турдаги фаолиятларда ҳар доим ҳам ўзини намоён қила олмайди. Айниқса, ҳаётнинг ахлоқий томонларида автоматик тарзда иродани кўрсата олмайди. Бунда қуйидаги қоида амал қилади: шахс ирода кучини биринчи навбатда улар тўғридан-тўғри мулоқот қиладиган ва амалиётда кўринадиган фаолиятларда чиниқтириб бориши зарур.

Манфаатдор, эзгу ниятли ва ақл-идрокли катталарнинг ўсмирлардаги ўз-ўзини тарбиялашда иштироки одатда уларга ўз кучига ишонишга, шу ёшдаги ўсмирлар характерига хос бўлган комплекслар ва кризис ҳолатларини бартараф этишга катта ёрдам беради. Ўсмирлар ва

ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашда катталарни намуна кўрсатиши катта рол ўйнайди. Бу ёшдаги инсонлар кўпинча катталарга тақлид қилади, катталарнинг, ўзидан юқори ёшдаги болаларнинг ва обрўли одамларининг яхши сифатларини ўзида жам қилишга интилади.

Юқори синф ўқувчилари хулқ-атворий ўз-ўзини ривожлантириш муаммлари балан тўқнашганда , ўз-ўзини тарбиялаш билан боғлиқ мураккаб психологик-педагогик вазият вужудга келади. Бу жараёнда улар кўпдан-кўп муаммолар ва зиддиятлар билан тўқнашишларига тўғри келади. Булардан бири бу ёшдаги болаларнинг романтикага ва саргузаштларга интилишидир. Ҳозирги замон шароитида бундай интилиш кўпинча ҳаётнинг иқтисодий омиллари сабабли пайдо бўлган прагматик йўналиш билан тўқнаш келади.

Агар романтик идеал шахсдан зоҳидлик ва камтарликни талаб қилса, прагматик дунёқараш, аксинча, моддий тўкин-сочинликка ва мол-дунёга интилишга олиб келади. Романтик йўналганлик ёлғизликка интилишни қайд этса, прагматик йўналганлик фаол мулоқотни назарда тутади. Биринчисига тақдирга тан бериш, бўйсуниш хос бўлса, иккинчисига курашиш хосдир. Романтик дунёқараш реал ҳаётда соф ахлоқий хулқий томондан дуч келиши мумкин бўлган зиддиятларни давом эттириши мумкин. Ўз-ўзини тарбиялашда ўспиринлар учун асосий қийинчилик бу иккала йўналишнинг биридан воз кечиб иккинчисини танлаш. Аммо бу иккисини бирлаштириш мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай қилиб?

Ўспиринлик давридаги болалар билан тарбиячининг биринчи галдаги вазифаси шундан иборатки, уларга ҳақиқий ҳаётда романтик ва прагматик йўналишлар ва бойликлар ўзаро уйғунликда кечишини, бирининг фойдаси учун бошқасидан буткул воз кечиши шарт эмаслигини, романтика ва прагматикани юқори руҳий ва иқтисодий инсоний бойликлар сифатида бирлаштириш, уйғунлаштириш мумкинлигини тушунтириши лозим. Масалан, етарли даражада прагматик, киришувчан, ишбилармон ва ҳисоб-китобли инсон бўлиш билан бирга хулқ-атвор бобида тўғри, яхшилик қилувчи, инсонларга, шу билан бирга ўз рақобатдошларига ҳам ҳамдард бўлиши мумкин. Бизнес тарихи кўрсатишича, бундай сифатлар ҳақиқатдан ҳам энг яхши ишбилармонларга хосдир.

Тарбияли бўлиш - бу хулқ-атворини назорат қилишдан иборатдир. Бундай назорат инсонга ёмон хатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлоқийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади.

Тарбияланганлик ижтимоийлашувни ўрганиш жараёни сифатида қараладиган ёш психологиясида олинган натижаларга асосланади. Бола ўзини эгоцентрик эмас, балки тарбияли тутиши учун тарбияланганлик қандай рағбатлантирилиши керак? Тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий жиҳатдан ижобий эҳтиёжларни ҳосил қилишидир. Агар таълим шахснинг онгини шакллантириш бўлса, тарбия унинг онгсизлик соҳасига таъсир этишдир. Болаларга уларни тарбиялайдиганларга ҳиссий яқинлик хос. Одатда 6 ойлик болалар унга ғамхўрлик қиладиган ота-онасига боғланиб қоладилар. Ота-онанинг олдида, улар билан мулоқотда бўлиш болаларга жуда ёқади, уларнинг йўқлиги болага ёқмайди. Ота-онанинг ғамхўрлигини билдирадиган сўзлар, хатти-ҳаракатлар бола учун жуда катта аҳамиятга эга, уни эркаламаслик, суймаслик салбий аҳамиятга эга бўлади. Хулқ-атворнинг дастлабки ижтимоийлашуви худди шу ўрганиш жараёни орқали содир бўлиши мумкин: хулқ-атворнинг исталган шакллари ғамхўрлик ва эътибор билан тақдирланади, кутилмаган шакллари эса қўллаб-қувватланмайди. Лекин, яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атвор учун жазолаш ахлоқий ижтимоийлашувнинг кичик бир қисмидир. Биз кўриб чиққан хулқ-атвор ҳамма болаларга ҳам тааллуқли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил жамиятнинг бахт- саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш; жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш йўлида ҳар бир кишининг тинмай ғамхўрлик қилиши, ижтимоий бурчни яхши англаш; жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софдиллик, одамийлик ва камтарлик, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик ва шу кабилар тарбия жараёнининг муҳим ҳислатларидир.

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕНИЕ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ.

Имамкулов Р.Р. к.п.н. Термезский Государственный университет, Бобомуродов И. преподаватель ТерГУ

In this article we`ll see such kind of problems as role of teacher in society, pedagogical culture, communication and role game.

В статье рассматривается такие проблемы как, роль учителя в обществе, педагогическая культура, общения и деловая игра.

Приобретение Узбекистаном независимости поставило перед Республикой немало важнейших и неотложных задач, как первоочередная была выдвинута проблема подготовки высококвалифицированных специалистов современного уровня. Именно поэтому в Узбекистане, с первых шагов обретения независимости, придается большое значение возрождению и дальнейшему

развитию нашей духовности, совершенствованию системы национального образования, укреплению его национальной основы, поднятие его до уровня мировых стандартов в гармонии с требованиями времени.

Президентом Республики Узбекистан И. Каримовым неоднократно было подчеркнуто воспитание здорового поколения как одна из приоритетных государственных задач – «здоровое не только физически, но и со здоровым духом, мыслью, твердой волей, высокообразованное, смелое и отважное, любящее свою Родину»[1]. Провозглашенное направление государственной политики было подкреплено и наполнено практическим содержанием в Законе «Об образовании».

Благодаря принятому Закону «Об образовании» были внедрены новые учебные планы, программы, учебники; проведена аттестация и аккредитация учебных заведений, созданы новые типы образовательных учреждений.

Такое отношение к образованию и воспитанию молодежи имеет свои филосовско – исторические корни, к ним в первую очередь относятся, культурное наследие нашего народа, всемирно известная тяга узбекистанцев к просвещению, почитанию образованности и учености, труды наших прославленных мыслителей.

Подтверждение этому мы находим в следующих строках: Важнейшим напутствием для мусульманина является: «учись» (из корана), стремление быть знающим – великая честь (Мирзо Улугбек), « нет ничего подходящего, что можно сравнить со знанием» (Самарканди). Однако, несмотря на все принятые меры, проводившиеся в течении нескольких лет реорганизационные мероприятия недостаточно обеспечили соответствие содержание образования и качества подготовки процесса социально – экономического развития страны требованиям к профессиональной готовности, компетентности и квалификации молодых специалистов.

«Человек, вставший за преподавательский стол, ответственен за всё, он обязан всё знать и уметь – именно ответственность за судьбу каждого воспитуемого общества и государства возлагается на преподавателей. Какими будут результаты труда педагогов сегодня – таким будет наше общество завтра. Поэтому к профессиональным и личностным качествам преподавателя требования были всегда жестокими. Испокон веков к личностным качествам педагога относились с особыми требованиями. По мере развития общества совершенствовались и требования к профессиональным и личностным качествам педагога.

Как отметил президент И. А. Каримов: «Думая об учителях, естественно, каждый из нас, независимо от того, где и кем работает, какую должность занимает, вспоминает как лучшее время жизни, свои школьные годы, безоблачное детство, оставившие неизгладимый след в памяти, испытывает искреннее чувство уважения к педагогам, которые давали не только знания, но и уроки человечности».

Абу Али ибн Сино писал, обучать детей – это ответственная обязанность учителя и перечислял их профессиональные качества. Он указал семь педагогических заповедей.

Ибн Сино глубоко понимал склонности и трудности процесса воспитания. Анализ его произведений убеждает в том, что он предлагал разрешить их с гуманистических позиций. Он предпочитает внушение и добрый пример педагогов, воспитателей и взрослых людей.

Ибн Хамадун подчёркивал, что овладение наукой требует систематических и интеллектуальных усилий. Наша страна испокон веков была центром науки, воспитания и культуры. В этом крае жили и творили такие великие мыслители, учёные, писатели и поэты, как Хаким ат Термизи, Исо Термизи, Самандар Термизи, которые внесли большой вклад в развитии педагогической культуры, духовности нашего народа.

Мыслители Востока в своих педагогических взглядах указывали глубоко гуманистические мысли о педагогической культуре и о учителе и педагогическое общение – педагогические взгляды. Учитель должен не только в совершенстве знать свой предмет и обладать глубокими знаниями, но и понимать нужды народа, показывать во всём пример.

Концепция закон об образовании требует существенного изменения всей стратегии преподавания, поиска эффективных путей формирования и развития педагогической культуры у будущих учителей.

Личность учителя характеризуется многими социально значимыми чертами, одна из которых – его педагогическая культура. Синтезируя в себе различные элементы сознания и практической деятельности, педагогическая культура содержит в своей основе мировозреченскую, нравственную, профессиональную, интеллектуальную, эмоциональную, эстетическую, физическую и гигиеническую стороны культуры.

В структурном плане педагогическая культура представляет собой синтез психолого-педагогических убеждений и мастерства общего развития и профессионально – педагогических качеств, педагогической этики и системы многогранных отношений, стиля деятельности и поведения.

Объединяя взаимообусловленные компоненты личности, педагогическая культура обогащает и развивает каждый из них до высшего уровня.

В этой связи большими потенциальными возможностями располагают социально-педагогические резервы педагогического общения в университетах. Педагогическое общение как фактор формирования и развития педагогической культуры выполняет разнообразные функции в процессе развития личности будущего учителя.

Посредством общения передаются общественные, научные, культурные и нравственные ценности, педагогическая этика, стиль педагогической деятельности и воздействие на сознание, и поведение людей.

Педагогическое общение в учебной деятельности в университете протекает в рамках трех отношений: «преподаватель - студент», «студент - студент», «преподаватель - преподаватель». Одной из важных организационных предпосылок эффективного формирования и развития педагогической культуры, являются **деловые игры(2).** Как показывает наше исследование, разработку деловых игр с целью развития творческих способностей, педагогической культуры у студентов целесообразно вести соблюдая структуру педагогической деятельности, которая требует формирования специальных способностей (конструктивных, организаторских, коммуникативных и гностических).

По характеру игровой деятельности направленной на развития творческих умений и педагогической культуры у студентов выделены 4 направления деловых игр.

1. Деловые игры с элементами конструирования, направленные на проектирования деятельности педагога и учеников, на раскрытие содержания занятий.
2. Деловые игры, направленные на формирование организаторских способностей.
3. Деловые игры, направленные на установление правильных взаимоотношений с окружающими.
4. Деловые игры с творческим подходом к педагогическому труду, направленные на умение обобщать, поиск нового, грамотный анализ личного и передового опыта.

При этом педагогическая культура преподавателя должна рассматриваться как необходимое условие формирования и развития педагогической культуры у студентов в рамках общения систем: «преподаватель – студент» и «студент – преподаватель».

Для глубокого изучения духовного, нравственного мировоззренческого наследия этих гениев можно использовать следующие формы подходов :

- создание методических пособий для студентов, проведение различных деловых игр, изучения биографий учёных, труды произведения, мысли, идеи о профессии учителя, о педагогической культуре общения и их педагогическое мастерство.

Литература

1. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса. Узбекистан., Т.: «Шарк» 1999.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. «Чулпан» Т. 2005
3. Курбанов Ш. и др. Мечта о совершенном поколении. Т.: «Шарк», 1999.
4. Педагогическое мастерство преподавателя высшей школы М. 1980.
5. Наследие наших великих предков – достояние всего человечества. Правда Востока 16 мая 2014 г.
6. Тллашев Х.Х. Общепедагогические идеи ученных-энциклопедистов Ближнего и среднего Востока эпохи Средневековья. – Т.: «Фан» 1999.

ШАХСЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Х.Жабборов, БухДУ психология кафедраси ўқитувчиси
С.Саматова, Ромитан педагогика коллежи ўқитувчиси

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим ва зарур шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада ёшларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ёшлар онгида бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларга оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни ёт ғоялар билан захарлаб бўлмайди. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса (бунга тарихимизда мисоллар кўп) душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади (бунга ҳам тарихда мисоллар кўп). Шунинг учун барқарорлик ва хавфсизлик жамиятнинг онглигига, англанган тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишга, фикрий, ғоявий бирлигига, булар эса хавфсизлик маърифатига таянади.

Шундай қилиб “Мафкуравий иммунитет - маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади” – деб таъриф берилади фалсафий қомусий луғатида. Иммунитет, ўз навбатида одамни тўғри йўлдан “озиш”дан, турли йўлларга адашиб, кейин

пушаймон бўлишлардан, бахтсизликдан, миллатни эса парокандаликдан, парчаланишлардан, синфий ёки маҳаллий бўлинишлардан асраб қолади. Демак, мафкуравий иммунитет – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.Каримов "Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур" лиги ҳақидаги фикрни алоҳида таъкидлаганлар.[1]

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимларни замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик ҳолатидир.

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий ғоя негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳдид сезилса, нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирмай ғояга ғоя билан жавоб бериш амалда бажариладиган бўлса, мафкуравий иммунитет амалий шаклланади, деб ҳисоблаш мумкин.

Миллий истиқлол ғояларига шахснинг мустаҳкам ишончи, иродаси унинг мафкуравий иммунитети манба ҳисобланади. Бундай мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди, чунки миллий истиқлол ғояси мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўзига хос имконият ва хусусиятларга эга.

Демак, мафкуравий иммунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани мафаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олиш малакаларидир.

Бу каби мисоллар мафкуравий иммунитетни синдириш, бўшлиқ ҳосил қилиб, ўз ғоясини сингдириб, халқнинг онгини ва қалбини эгаллаш, ўз ғояларини омаллаштиришнинг жуда кўп намуналари учрайди. Чунки мафкуравий курашлар тарихи жуда олисларга бориб тақалади.

Макуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шаклдаги ғоявий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий профилактиканинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва воситаларидан фойдаланилади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлага таянади. Таълим тарбия ва тарғибот ва ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради.

Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ мафаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиқлару рақслар, турли кўринишдаги ва мазмунга эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шаклидир.

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий профилактика мафкуравий иммунитет тушунчалари узвий алоқадор бўлиб, муайян бир яхлитликни ўзида ифода этади. Зеро, тарғибот ва ташвиқот ишлари ва унинг усул ва воситалари мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига олиб келади.

PROPOSITION COMME UNITE DE SYNTAXE

O.I.Adizova, BuxDU

La proposition reunit deux fonctions: la fonction nominative (elle sert a designer un fragment de la situation) et la fonction communicative (elle sert a transmettre un message). Dans une proposition on distingue: a) le modele (schema structural) et 1'enonce (proposition mise en situation de discours); b) les niveaux semantique, logico-communicatif et syntaxique (formel); c) le noyau predicatif; d) les elements stables et variables de la structure. La proposition se laisse analyser sur trois niveaux: a) *le niveau semantique* qui reflete la situation concernée; le sujet semantique designe 1'agent reel; le predicat, son action ou son état; les actants semantiques se referent a des objets impliqués dans l'action; b} *le niveau logico-communicaiif,* refletant la charge informationnelle de la proposition; le sujet logique exprime le theme de l'enoncé, le predicat logique, le rheme; c) *le niveau syntaxique.* refletant 1'organisation formelle de la proposition. Dans la proposition ces 3 niveaux existent parallelement. **P.ex. "Pierre parle"** sujet – predicat - *le niveau syntaxique*, theme – rheme - *le niveau logico-communicaiif,* personnage – action - *le niveau semantique.*Mais

[1] И.А.Каримов. Каримов.И.А. Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.-Т., "Ўзбекистон", 2000. 46-б

parfois ce niveau peut changer.P.ex. « Il est arrive un wagon », il – le sujet grammatique, il est arrive – logique, wagon – semantique, « Marchons plus vite ! » le sujet semantique incorpore dans la forme du verbe (-ons), logique – marchons, grammatique – est absent. La predication fixe les rapports d'objet et le signe avec la situation concrete. La predication constitue la base de toute proposition. En general, elle est formee par un couple de termes: sujet et predicat. La differance entre les combinaisons predicative et non pred-s :1. Existence de l'objet s'installe par un acte de pensée(le cheval est blanc), 2. Le lien est installe devant d'acte de pensee (un cheval blanc).La predication reflete le rapport entre la proposition et la situation et se traduit par trois categories (le temps, la modalite et la personne) exprimees par la forme finie du verbe. A cote de la predication essentielle, formee par le sujet et le predicat, on en trouve des formes specifiques: la polypredication – la réunion de quelques predication dans une proposition(proposition compose, proposition participiale, infinitif), *la semi-prédication* – le nom remplace la proposition et existe avec le predicat (La brutalite de ces reponces épouvantait(прѣводѣть в ужас) les gens=Elle repondait, elle etait brutale, cela épouvantait les gens) , *la predication réduite* ou *latente* – il n'y a pas d'indication sur le processus(Les enfant jouent dans le cour=Les enfant joent. Ils sont dans la cour). Le minimum predicatif de la proposition. On comptait: S-P – exprime les rapport pred-fs. Dans la proposition "Pierre lit un livre ", Pierre et livre – la base predicative, livre – propagation (распространенѣе) de predicat. Mais dans nombreux cas c'est impossible (Pierre a un livre), c'est pourqoi la structure de 3 terme est essentielle (S+V+x). Mais les situation peuvent etre differantes, c'est pourqoi ces 2 types sont réguliers. Le predicat est un terme essentiel comme le sujet. Il est lie par le rapport predicative dont il exprime les marques. Le predicat peut etre classé a partir de 2 criteres: morphologique et syntaxique (structurel).D'apres le premier, le predicat est divise en 2 types principaux: predicat verbal et nominal, a l'interieur dequel il y a des sous-types. D'apres le 2 critere, il y a le predicat simple et compose. Le predicat simple est represente seulement par le verbe personnel; qui p.e. a la forme simple (il renre) ou a la forme compose (il est entre). Les groups de mots figés et les locutions verbals (avoir faim, prendre parti, faire part) sont conciderer aussi comme un predicat verbal simple, car ils sont indivisible du point de vue syntaxique. Le predicat compose est represente par 2 especes grammaticales, selon que le 2 element est le nom ou le verbe. Dans le 1 cas il s'agit du predicat nominale ; dans le 2 , du predicat verbal; la difference porte aussi sur le premier element: dans le predicat verbal il s'agit du verbe transitif, dans le predicat nominal, du verbe intransitif.

Le predicat verbal se compose du verbe personnel et de l'infinitif: le verbe personnel exprime toutes les categories grammat-le: la personne, le temps et le mode (a cause de ceci on apelle "verbe outil"), l'inf confere au predicat un sens lexical, en experiment telle ou telle acton accomplit par le sujet. Il ne faut pas oublier qu'il s'agit du predicat verbal compose seulement dans le cas ou l'action exprimé par l'inf se rapport au sujet: "Je voudrais rester chez moi". Si l'action se rapport a l'objet , il n'y aura pas de predicat compose, et l'infinitif sera le complement du predicat simple: "Je lui conseille de rester chez lui".

Le predicat nominal. Le verbe personnel faisant partie du predicat nominal s'emploie en function de copule. Les verbs copulatifs sont: etre, devenir, rester, paraitre, sembler, demeurer. Ils sont intransitif . La partie nominale – attribut, p.e. exprimee par toutes les parties de discours, le nom substantive "elle est etudiante", le nom adj-f "il est furieux", le pronom "c'est lui", le numeral "nous sommes 5".

Le predicat mixte – predicat verbal et nominal a la fois: elle semblait etre l'exemplaire., il ne voulait pas paraitre vaniteux. Le carctere syncretique de cette construction s'exprime en ce que son 2-eme element est un inf combine avec un verbe outil (indice du predicat verbal), mais qui represente un verbe copulatif par sa nature et exige comme tel un attribute (indice du predicat nominal). Le predicat mixte contient le plus souvent les verbs outils vouloir, savoir, devoir, commencer.[10]

.La proposition se laisse analyser sur trois niveaux: sémantique, logico-communicatif, syntaxique. Le niveau sémantique reflète la situation concernée indépendament de la forme linguistique: le sujet sémantique désigne l'agent réel, le prédicat sémantique c'est l' action réelle ou l'état du sujet, les actants sémantiques se réfèrent a des objets impliqués dans l'action. Dans la proposition : La perception de la biodiversité par les Français fait l'objet d'enquêtes statistiques ce sont les Français (le sujet sémantique) qui perçoivent (le prédicat sémantique) un terme nouveau.

Ainsi les deux agents réels peuvent exister dans une proposition : le Ministère de l'Ecologie (le sujet sémantique est le sujet syntaxique) les (le deuxème sujet sémantique est un complément syntaxique) invite a participer (les prédicats sémantiques) aux Atlas de la biodiversité des communes.

L'agent se trouverait dans un complément du nom (la charge du comité est de... = le comité s'est chargé de.) et dans un possessif (ma charge est de... = je me suis chargé de.) .

Le niveau logico-communicatif de la proposition reflète sa charge informationnelle, c'est-a-dire, quelle est la question a laquelle répond cette proposition: le sujet logique exprime le thème de l'énoncé (l'information déja connue); le prédicat logique marque le rhème (la nouvelle information). Ce niveau s'appelle autrement la structuration actuelle de l'énoncé, l'articulation actuelle de la propoition et s'exprime par des moyens différents: l'ordre des mots, intonation, moyens lexicaux etc.

Le niveau syntaxique réflète l'organisation formelle de la proposition: le sujet et le prédicat syntaxiques possèdent des indices formels d'ordre morphologique et syntaxique.

Dans la phrase-noyau (La biodiversité régresse) les trois niveaux évoqués se superposent exactement, les trois types de sujet et de prédicat coпncident. L'analyse de la proposition: Il est arrivé une catastrophe , il

c'est le sujet formel, syntaxique; il est arrivé = c'est sujet logique, le thème, une catastrophe étant le sujet sémantique, l'agent réel. La base de toute proposition est la predication, la pensée née et exprimée. La prédication est formée par le sujet et le prédicat. Elle reflète le rapport entre la proposition et la situation et se traduit par trois categories de déixis: le temps, le lieu et la personne. A côté de la prédication essentielle, formée en français par une structure a deux termes (le sujet et le prédicat), on en trouve également des formes spécifiques:

- la polyprédication (pour une phrase complexe): L'importance de la sauvegarde des espèces végétales et animales tend a augmenter, et la biodiversité est de plus en plus citée comme actions prioritaires que l'État devrait mener pour protéger l'environnement;
- la semi prédication (tour participe, infinitif, gérondif) : ils compensent leur pollution en investissant dans des projets susceptibles de stimuler le développement local;
- la prédication réduite (les noms significant le processus) Les écosystèmes fournissent également des « supports de production » (décomposition et recyclage des déchets organiques, etc.) et des « services » tels que la production et purification de l'air, l'épuration de l'eau, la stabilisation du climat, la diminution des conséquences des sécheresses.

[10] Васильева Н.М., Пицкова Л.,П., Теоретическая грамматика французского языка. М.,1989.

СОВРЕМЕННАЯ МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Турдиева Д.К., Қашқадарё вилояти Шахрисабз Тиббиёт коллежи

В последнее время, когда рынок образовательных технологий изобилует предложениями по самым разнообразным приемам **изучения английского языка**, вопрос "По какой методике вы преподаете?" становится все более актуальным, что свидетельствует о повышении культуры потребления интеллектуальной продукции. Озадаченный абитуриент, студент или бизнесмен (впрочем, тоже студент) все чаще застывает перед книжными полками с лингвистической литературой и медиа-пособиями или задумчиво просматривает длинный список рекламных объявлений. Один из критериев выбора - цена, а вот главный. Иногда, ради необходимой смены деятельности, - сочинение или диктант, плюс фонетическая муштровка в качестве отдыха. Когда приоритеты отдавались чтению и работе над "топиками", реализовывалась только одна функция языка - информативная. Неудивительно, что язык хорошо знали единицы: только очень целеустремленные и трудолюбивые люди могли овладеть им на высоком уровне. Зато по степени владения грамматикой они могли смело тягаться с выпускниками Кембриджа! Правда, за труды получали хорошую компенсацию: профессия преподавателя **иностранного языка** или переводчика считалась у нас весьма престижной.[1].

С формой обучения ситуация тоже заметно упростилась: выезд в офис, занятия один на один с преподавателем, выезд на дом к студенту, группы "выходного дня", для занятых и не очень, для "пионеров" и пенсионеров...

Остается решить главный вопрос: каковы содержание курса, его структура и приемы обучения? Кто автор предлагаемого материала, где этот материал разработан и кем апробирован?

Преподавание языка приобрело прикладной характер, в то время как раньше оно было сравнительно отвлеченным и теоретизированным. Еще Аристотель вывел знаменитую триаду преподавательской этики, которая как нельзя лучше соотносится с современными требованиями: логос - качество изложения, пафос - контакт с аудиторией, этос - отношение к окружающим. Это правило справедливо и для оратора, и для актера, и для преподавателя иностранного языка, роль которого предполагает и две первые ипостаси. Функции педагога в образовательном процессе значительно изменились. Учитель-ментор, учитель-диктатор не способен предоставить учащимся свободу выбора и обеспечить необходимую в постижении столь тонкой материи, как язык, "свободу учения".[2]. Поэтому такой негативный педагогический образ постепенно становится достоянием истории. На смену ему пришел учитель-наблюдатель, учитель-посредник, учитель-"умиротворитель" и руководитель" Хотя личность преподавателя в данном случае отходит на второй план, влияние ее на аудиторию, которая, в свою очередь, становится более камерной, не уменьшается, а, наоборот, возрастает. Именно учитель на большинстве современных - российских и зарубежных - курсов является организатором группового взаимодействия (идеальным коллективом для изучения иностранного языка в настоящее время считается группа из 10-15 человек, поскольку именно такое количество людей может общаться между собой с максимальным эффектом, интересом и пользой).

Пятый, но отнюдь не меньший по значению элемент этой системы - выбор. Он появился у студента, который может посещать курс, максимально отвечающий его потребностям. На занятиях учащийся больше не ограничен в избрании речевых средств и собственном речевом поведении. Учитель тоже не стеснен в выборе: методов и приемов обучения - от игр и тренингов до синхронного перевода; в организации занятий; в выборе учебников и учебных пособий - от широкого спектра

отечественных изданий до продукции Оксфорда, Кембриджа, Лондона, Нью-Йорка и Сиднея. Учитель теперь может подбирать, творить, комбинировать, видоизменять.

Список литературы:

1.Кузьменкова Ю.Б. «От традиций культуры к нормам речевого поведения британцев, американцев и россиян», Изд. дом ГУ ВШЭ, М., 2005

2.Никитаев С.Н., Тер-Минасова С.Г. «Современные теории и методы обучения иностранным языкам: материалы 2-ой международной научно-практической конференции «Язык мира и мир языка», М., 23-24 марта 2005.

3.Тер-Минасова С.Г. «Язык и межкультурная коммуникация», МГУ, 2004

TEACHING INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE FOREIGN CLASSROOM LANGUAGE

M.F. Polvanova, UzSWLU Tashkent, Uzbekistan

Annotation: *This article is devoted to teaching and to increase cultural awareness among the students and to promote cross-cultural interaction in the classroom.*

Key words: *intercultural competence, cultural awareness, ethical subject, patterns lifestyle, misconception, multilingual, authentic material, target culture.*

The goal of intercultural competence is to produce language users equipped with explicit skills in understanding connections and differences between their own culture, the culture of the target language and other nation's cultures worldwide.

The researcher suggests that students should be taught other cultures by different projects such as: making presentations on target culture, participating at national exhibitions and the most effective way is to instruct student so that, they will be able to communicate, exchange opinions and just set friendship with the other cultures. This will indeed, sets students in live lessons and avoids many cultural misunderstandings among nations, that are one of the problematic issues in such globally connected world. There have been few empirical studies, however, to provide illustration of intercultural competence, in order to assist teacher's understanding of desired outcomes and student development.

Culture is one of the most powerful emblems of social behavior. In the normal transfer of information through communication, we use language to send vital social messages about who we are, where we are from, who we associate with. It's often shocking to realize how extensively we may judge person's background, character, and intentions based simply upon person's way of behaving, that's considerable his culture.

The past two decades have witnessed an explosion of interest in globalization, transnational studies and concurrent scholarly attention to developing better methods of teaching through a project approach and implementing information and communication technologies in education system. Yet a key problem remains how best to make effective projects to offer students hands on learning of transnational and intercultural differences. In our view, the study of culturally- influenced behavior should arise out of the language material being studied, but should nevertheless be clearly identified and systematically treated as a regular feature of the language lesson.

In such a globally connected world-where every published image give rise to bombing and burnings – teachers need to know how to instruct students in intercultural rhetoric, that is, how to persuade students to understand the in the which others located in different global contexts perceive, analyze and produce situated knowledge in their own way.

Since we began learning English we have faced to many misunderstandings of other cultures while reading about them, listening or watching their songs, movies, TV programs. Because we used to think that the only culture is it's ours, things others do would seem strange to us. But after studying intercultural competence and making real friends from other cultures, by meeting and having culture exchanges, talking with them through social networks we began not only understand but appreciate and respect their cultures, we felt how colorful the world is by numerous culture codes. If it's so, why not to enjoy the coloring of the world but to quarrel, even go struggles? Traditionally, the teaching of culture in the foreign language classroom favored the presentation of target culture products and, more recently, practices. Influenced by the proficiency movement, teachers began to emphasize pragmatic issues and sociolinguistic "facts" (how to take the floor or interrupt, for example) to help learners avoid communication breakdown when interacting with native speakers. With the advent of national and state standards, the cultural scope has been further expanded to include perspectives, how people perceive things, and the interrelationship between target culture practices, products, and perspectives. While each of these issues is extremely important, this paper suggests that additional components are also crucial in the development of students' intercultural competence. Intercultural competence involves the individual's ability to "understand culture as a broad organizing and socially constructed concept" [1. 1997. 45]. It includes knowledge (insight and awareness of the native culture, and the target language), positive attitude towards the foreign culture, and cultural appropriate behavior. Clearly, the addition of two key elements can greatly enhance current cultural instruction: knowledge of the culture as a socially constructed concept and the development of positive

attitudes toward the target language. Additionally, both of these components promote the teaching and understanding of perspectives and the interrelationship with products and practices called for in state and national standards. We argue below that explicit attention must be given in the foreign language classroom to the development of self-awareness with regards to culture and to positive attitudes towards the target language. Furthermore, students must be taught a process for cultural exploration that involves observation, description, and hypothesis-refinement. Beginning with an overview of current practice and implications and then offer recommendations for helping learners to "have new eyes."

"Every new teacher entering the profession nowadays should be provided with tools that create a deeper understanding of his own personal the profession, a deep reflection about his own personal competences, his own value and belief system. These aspects of good teaching, especially dealing with issue like attitudes, behavior, value clarity and respect are competences that lie far beyond the knowledge of subjects. Attitudes of teachers or teacher trainees towards intercultural dialogue can seldom be taught. They cannot be "downsized" to "ethical subjects" in the university or the school curriculum. They form part of a process, which can deeply influence the future of young students and can contribute to the upbringing of a sense of European citizenship. Due to the importance intercultural understanding and competencies have in the increasingly complex and technological world, universities are facing the challenge to develop intercultural understanding and competencies in both the formal and informal curricula. It has been argued that intercultural understanding and competencies are in part abstract concepts and need to be clearly defined in order to develop and measure their attainment. The following section identifies several of the definitions associated with intercultural Understanding and Competencies documented in the literature.

Studies relating to intercultural understanding and competencies have been conducted in various fields and have been defined differently according to interpretations of the researchers. There has not been agreement on how concepts associated with intercultural understanding and competencies should be defined [2. 2008. 241.]

Intercultural understanding and competencies and associated definitions appear to be the abilities to behave and communicate effectively and appropriately in multicultural contexts. It is suggested developing such skills involves an on-going learning process that involves interpretation, self-reflection and negotiation which gradually transforms one's attitude, knowledge and skills towards cultural differences in which language functions as the tool of interaction and communication to facilitate its development.

We strongly advocate a task-oriented approach towards teaching culture. The approach is characterised by co-operation learning tasks in which students

- work together in pairs or small groups to gather precise segments of information;
- share and discuss what they have discovered, in order to form a more complete picture;
- interpret the information within the context of the target culture and in comparison with their own culture.

In our own teaching we have found that, when students have understood the language being used in a situation and then go on to gain an understanding of the cultural factors at work, this is for them one of the most absorbing and exciting parts of any language lesson. Studying culture with a task-oriented and cooperative learning approach adds a new dimension of achievement and understanding for the students and for us as teachers.

As increasing numbers of learners have the opportunity to travel, work, and study in English-speaking countries, they need to become aware of the lifestyle of people in these cultures: what people in these countries do in the common situations which are a part of normal everyday experience. [3. 1983. 112] Also we must explain to the students that, at one time or another, most of us have been involved in situations that have led to cross-cultural misunderstanding. To make sure that the students understand what you mean, and to encourage recall of similar incidents in the students' own experience, describe a cross-cultural incident in which you were involved.

Successful cross-cultural communication demands cultural fluency as well as linguistic fluency. In order to communicate effectively in English, students need more than just competence in English grammar and vocabulary. They must also have an awareness of the culturally-determined patterns of verbal and non-verbal communication which speakers of English follow (for example, the unwritten rules of speaking – how to begin, continue, and end conversations), the styles of spoken and written language that are most appropriate for particular situations, and the non-verbal communication signals most commonly used in English-speaking cultures.

Culturally different patterns of communication are a common cause of misunderstanding and can be a source of discomfort in cross-cultural situations. For example, a student who comes from a culture in which students are not expected to ask questions or give opinions in class may feel uncomfortable interesting in this way with an American or British teacher. To avoid being misunderstood and to gain self-confidence in interacting in English-speaking students need to develop an understanding of the difference in communication styles between their own and English-speaking cultures. The materials and activities which can be used in the process of teaching intercultural competence are designed to increase awareness of native speakers' common expectations of spoken and written communication in English. They also provide opportunities for students to practice the skills needed for successful communication.

The list of used literature

1. Byran. Teaching and assessing intercultural communicative competence.-London: Longman, 1997. – p 45
2. Deardorff. D. Journal of Studies in International Education,-Australia: Sage, 2008. – pp.241-266
3. Thomas, Jenny. “Cross-cultural pragmatic failure”.-London: Longman, 1983-p.91-112
4. C. Richards and R. Schmidt. Language and Communication – London: Longman, 1999 p. 2-27
5. Benett, Janet M. “Cultural Marginality: Identity Issues in Intercultural Training”. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993 p. 52-53.

ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ “FUTUR IMMEDIAT” ЗАМОНИНИ ЎҚИТИШ ХУСУСИДА

О.И.Адизова, БухДУ катта ўқитувчиси

Кейинги йилларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртларида юксак салоҳиятга эга ёш авлодни тарбиялаш, малакали мутахассислар тайёрлаш билан бевосита боғлиқдир. Мухтарам юртбошимиз эътироф этганларидек “Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини исботламоқда”.

Биз тил мутахассислик ҳисобланган факулътетларда француз тилидаги феъл замонларидан бири Futur immédiat ва унинг ўқитилиши ҳақида фикр юртмоқчимиз. Futur immédiat ўқув режасига киритилган ва француз тилини ўрганаётган барча талабалар билишлари лозим бўлган замондир. Бу замон оғзаки ва ёзма нутқда кўп фойдаланилади.Шунинг учун бу замонни қўллашда баъзи қийинчиликлар, хато ва камчиликлар ҳақида тўхталмоқчимиз.Француз тили ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда грамматик материални тушунтириш ва шу туфайли талабаларда нутқ кўникмаларини шакллантириш долзарб муаммолардан биридир. Француз тилидаги феълнинг замонларини жумладан Futur immédiat

(F.I)ни ўргатишга чет тиллар ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланилса, кутилган натижаларга эришиш мумкин. **F.I.** ўқитишда вазиятли тил ўқитиш, комунникатив,қиёслаш методлари биргаликда қўлланган ҳолда дарс ўтиш ўзининг самарадорлигини кўрсатади. Қуйида **F.I.** тўғрисида умумий маълумот берилган, моделлаштириш усули яъни **F.L.**нинг ясалиш усули тушунтирилади.

Pronom+Verbe + Verbe
Je vais lire aller infinitif
Tu vas lire au Présent
Il va lire ***je vais lire***
Elle va lire
Pronom+aller au Pr.+v.inf.=F.I.

Ўқитувчи аудиторияда **F.I.**ни қўллаб вазият келтиради ва талабалар вазиятга мос равишда **F.I.**дан фойдаланадилар . Вазият **F.I.** ни қўллашни талаб қилувчи саволлардан тузилган бўлса, талабалар уларга ўзларининг жавобларини беради. Шунингдек, **F.I.** замонини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўқитувчи янги педагогик технология усулларидан бири “Диограмма вена”[2]дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул мавзуни шарҳлаб,икки муаммони бир-бирига таққослаб ўтиш учун қўл келади. Бу усул 2 доира шаклидаги айлана чизиқларнинг қўшилиши ҳолатида бўлиб доираларнинг 2 тарафида иккита тилга оид мисоллар ёзилади, ўртада 2 доиранинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган бўшлиқда эса икки тилга ҳам мос бўлган ёки фарқланадиган сўзлар ёзиб борилади.

Бу усул иштирокчиларнинг фикрлаш қобилятини оширади, хотирани кучайтиради, у ёки бу мавзу устида мустақил ишлашга ундайди.Икки мавзунинг умумий ва индивидуал,яъни фақат ўзига хос томонларини тез фарқлайди. “ Диограмма вена” ўқувчи, талабаларни хушёрликка, сезгирликка ўргатади. Мавзуни кенг қамровли ўзлаштириб олишга кўмаклашади, уларни ўйлантиради, мустақил фикрлашга ундайди. Бунда дарс жараёнида нафақат ўқитувчи,балки талабалар ҳам фаол қатнашадилар. Натижада талабалар оғзаки ёки ёзиш орқали ўзларининг нутқларини ривожлантирадилар. Шунингдек,француз тили ўқитишда **F.I**. замонининг ўзбек тилида берилиши ўзбек тилидаги яқин келаси замон билан қиёсланади. **F.I.** Нутқ сўзланиб турган вақтдан кейин ҳозир бажариладиган ва яқин келаси замонда содир бўладиган иш ҳаракатларни ифодалашга қўлланади.

Je vais lire ce texte
Мен ҳозир бу текстни ўқийман.
Sébastien va faire cet exercice.
Себастияун ҳозир бу машқни бажаради.

Бу ҳолда, албатта, гаплар ўзбек тилига таржима қилиниши керак. Ўқитувчи ўзбек тилидаги аниқ тузилган гапларни француз тилига **F.I.** орқали таржима қилиб, мисол билан тушунтириб берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугун таълим –тарбия жараёнини давр талабаларига мос равишда амалга оширишнинг энг зарур омили бўлган замонавий дарснинг ҳар бири ўқувчи ёшлар учун ўзига хос қувонч доирасига, ҳар бир таълим даргоҳи эса шодлик масканига айланиши лозим.

АДАБИЁТЛАР:
1.Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”534б.
2.Н.Бекова, “Янги педагогик технология”
3.Л.Е.Маллина “Француз тили грамматикаси” 131б..,“Ўқитувчи”,1998й.

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ УСЛУБЛАРИ

Н.Э.Рахматов, БухДУ ўқитувчиси

Тараққий қилиб бораётган ҳозирги даврда бўлғуси мутахасис касб- корининг малакали эгаси бўлиш ҳар бир ёш авлоднинг бурчидир. Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг жаҳон марраларини забт этиб дунёга танилмоқда. Бу каби жараёнларни малакали педагогларни таълим моделларни ташкил қилиш орқали амалга ошириш мумкин .

Таълим жараёни ташкилий тизим бўлиб, у ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг ўзаро реал киришувидан иборат. Таълим жараёни маълумот мазмуни ҳамда унга оид фолият усулларини ўқувчи ёшларнинг ўзлаштириши учун ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг реал ўсиши дарс жараёнларида ўқувчиларни янада дарсга қизиқтириш учун интерфаол усулларидан фойдаланиб, дарс ўтиш жараёнлари жуда самаралидир.

Ҳозирги кунда ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда ўқувчи талабаларнинг дарс жараёнларида мавзуга оид матариаллар асосида фикр алмашиниб суҳбатлашишса дарс усули янада қизиқарли ўтади. Ушбу дарс жараёнини қуйдаги мавзулар асосида танлаш мумкин. Ушбу дастурни (мавзуни) танлашда интерфаол усуллардан бири Кластер усулидан фойдаланамиз.

Дарс жарёнида бундан ташқари ўқувчиларни жазолаш яъни мактабларда қўллаш мумкин бўлган жарёндир. Ушбу усулни тушунтирш эса Меун диаграмасидан фойдаланамиз.

Ўқувчиларга дарс жарёнида баҳолаш мезони ҳам бўлиб унинг луғавий маъносига эътибор қаратсак “баҳо”- таълим ўқувчиларга, уларнинг таълим олиши билимларини ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашишни рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу мезон аниқ жараён ҳисобланиб ўқувчиларга психологик жиҳатдан таъсир қилади. Шундай экан мактаб ўқувчиларни баҳолаш мезонида алоҳида диққат талаб қилади.

Дарс жараёнларида дидактика асосларида олиб борилса мактаб ўқувчилари ҳар бир фанни ҳеч қийналмасдан ўргана оладилар.

Дарсларни ҳозирги янги педагогик технология асосида олиб борадиган илғор педагог ўқувчилар дунёқарашни янада кенгайтира олиши мумкин. Идрок жараёни аниқ мақсадга йўналтириладиган ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғоя мафкура маъноларини кенг ёритиб бера оладиган аниқ дидактик йўлаг асосланган тарбияни бера олиши буни янада кенгроқ тушунтириш учун эса интерфаол усуллардан фойдалан олиши жуда самара беради.

Ушбу фикрлар асосини янада ёритиш учун президентимиз И.А.Каримовнинг сўзлари билан сайқаллаштирамиз.

“Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келаётган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасавур қиламиз ” деб таъкидлайди.

Шундай экан илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда педагогик жараёнининг таълим соҳасида қўллай олиш ҳозирги замонавий ўқувчининг масъулиятли касбидир.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Норпўлатова Хуршида Абдуллаевна, Бозорова Муслима Қодировна,
Термиз давлат университети

Abstract *To do leveled students independent ability. High education established organized students independent study. To organize students independents study problems. Perfect generation training national according non-kind tradition.*

Main notion: *independent study, frozen discourse, ability.*

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида маънавий етук ва жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашда таълим олувчиларни мустақил ўрганишга, изланишга ҳамда ишлашга йўналтириш, келажакда уларни мустақил қарор қабул қила оладиган шахс қилиб тайёрлаш масаласи таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Бугунги кунда таълим олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, ахборотни мустақил равишда излаш ва топиш, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар . . .) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш ва ўрганиш учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танлани-ши ҳамда назарий, амалий ёки семинар машғулотлар мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда таълим олувчини мустақил билим олишни самарали ташкил этиш орқали таълим олувчини ижодий фаолият юритишга ва шу билан унинг мустақил изланишига ундайди.

Олий таълим муассасаси талабасининг мустақил таълими:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- адабий, илмий ва махсус манбалардан керакли маълумотларни излаб топишга қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ўқув адабиётлари, интернет тармоғи, ахборот ресурслари ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- маълумотлар базасидан оқилона фойдаланиш ва таҳлил қилиш;
- мустақил равишда топшириқ ва вазифаларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва жамоада ҳимоя қилиш каби бир қатор муҳим вазифалардан иборатдир [1].

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабларни қўяди. Таълим муассасадаги ўқитувчи ва таълим олувчи ҳамкорлигидаги фаолиятининг якуний натижаси олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда таълим олувчи аниқ бўлмаган ҳамда олдиндан режалаштирилмаган натижага эришиш керак, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши лозим.

Талаба мустақил ишларини муайян фандан ўқув дастурида келтирилган ўқув ишларнинг маълум қисми бўлиб, унга ажратилган вақт давомида раҳбар-ўқитувчи маслаҳатлари асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида талаба томонидан бажарилишидир. ТМИ нинг асосий мақсади – талабада муайян ишларни мустақил ҳолда бажариш учун лозим бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришдир [2].

Мустақил билим олишнинг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиш ва самарали амалга ошириш кўзланган натижага олиб келади.

Таълим олувчи ўзи олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши керак. Таълим олувчиларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маърузаларида берилаётган билимлар эмас балки таълим олувчи ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, таълим олувчининг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Маъруза машғулотининг ҳар бир бўлимига тегишли мустақил иш топшириқларини тузишда соддадан мураккабга қараб берилади ва топшириқлар шундай тузиладики, унинг 50-60 фоизи стандарт талабларини бажарсин, бунда талаба ўз имкониятлари даражасида юқори кўрсаткичларга эришиши мумкин. Топшириқлар сўз ва иборалар, уларнинг луғати, шарҳи, мазмуни ва шунга ўхшашларини олиш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулот дарслари бўйича мустақил иш топшириқларини тузишда табақалаштирилган топшириқлар тўпламини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади .

Талабанинг мустақил таълимини ташкил этиш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларнинг таҳлили қуйидаги асосий хулосалар чиқариш имкониятини беради:

- тадқиқотлар натижасида мустақил таълим билим олиш фаолияти тури сифатида талқин этилади; ўқитувчининг топшириғи асосида бажариладиган, лекин бу жараёнда ўқитувчи бевосита иштирок этмайди;
- мустақил таълим талабаларнинг танқидий фикрлаш, билиш фаоллиги, меҳнатга ижодий ёндашуви, дунёқарашини кенгайтириш, рақобатликка, лаёқати ва шу каби бир қатор муҳим эиҳатларининг шаклланишига замин яратади;
- топшириқни мустақил бажариш учун талаба мазкур топшириқ бўйича маълум бир тасаввурга эга бўлиб, топшириқни бажариш учун ўз билимига, кўникмасига ҳамда ўқув-услубий матери алларидан фойдалана билиш малакасига таянади;

- мустақил таълим талабадан бажариши лозим бўлган ишни режалаштириш, қўйилган вазифани аниқ белгилаб олиш, вазифалар ичидан энг муҳимларини ажратиб олиш, қўйилган мақсадга эришиши учун энг мақбул йўлни тўғри танлаб олиш, ишни бажариш ҳолатини доимо назоратда тутиш лозим бўлганда бажарилишига тезлик билан тегишли ўзгартиришлар кирита олиш, якуний хулоса чиқариш, кузатилган камчиликларни таҳлил ҳамда кейинги фаолиятида ундай камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш кўникмасини ривожлантиришни тақозо этади [1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳимов Б., Бобоёров Р., Бабаяров Ф. Талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг баъзи масалалари. Ж// "Таълим муаммолари" №1. Т., 2009. 22-23 б.

2.Қаршибоев Ҳ. Олий таълимда талабалар мустақил ишларини ташкил этиш. Ж// "Таълим муаммолари" №4. -Т., 2009. 26-28 б.

ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Норпўлатова Хуршида Абдуллаевна, Термиз давлат университети

Abstract *Methods for improving creative and intellectual skills of school-children. Metthods for improving creative skill of school-children are shown in this article. The divergent methods of logical thinking are described.*

Main notion: *Creative-capability, intellectual, be active, thought method.*

Ижодий қобилият масаласи ҳамма вақт одамларнинг жуда катта қизиқишини уйғотиб келган. Аммо ўтмишда инсон ижодиётини ўрганиши учун алоҳида талаб йўқ эди. Инсон маданиятининг ривожланишида турли илмий изланишлар, ихтиролар, санъат ва адабиёт асарларини яратилиб, ўз-ўзидан қобилиятлар пайдо бўла бошлаган.

Бизнинг давримизда шароитлар тубдан ўзгарди. Илмий техник ривожланиш даврида ҳаёт мураккаброқ ва хилма-хил бўла боради. Бу эса инсонлардан такрорий, бир хилликни эмас, балки катта ва кичик муаммоларни ечишда унга ижодий ёндашиш кераклигини, янги шароитга янгича муносабат зарурлигини ва унга мослашишни талаб этади.

Агарда кўпгина касблар учун ақлий меҳнатнинг ўрни ўсиб бораётганлиги ҳақидаги далилни ҳисобга олсак, бажариладиган меҳнат фаолиятнинг энг кўп миқдори машиналар ёрдамида бўлса, бундан аён бўладики, инсон ижодий иқтидори илмий-технологиялар ривожининг муҳим қисми бўлади-бу эса замонавий инсон тарбиясиинг энг муҳим масалаларидан саналади.

Ахир жамланган барча маданий бойликлар инсон ижодий фаолиятининг самарасидир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий салоҳияти инсон жамиятининг келажакда олдинга илгарилаб боришида аниқ намоён бўлади.

Доимо ижодий қобилиятли бўлиш – бу кучлиликдан далолат беради. Келажакда ижодий қобилият билан интилиш, бу ҳар қандай шароитда муаммоли масалаларни ҳал қилишга тайёр ҳамда янги концепциялар ишлаб чиқишга қодир демакдир.

Ижодий қобилият ривожланиш муаммоси таҳлили, кўпинча шу тушунчага йиғилиб борадиган мазмун, моҳият билан аниқланади. Жуда ҳам кўп ҳолларда онгимизда ижодий қобилиятлар бадиий фаолиятининг ҳар хил турларини яъни чиройли чизиш, шеърлар тўқиш, мусиқа ёзиш ва ҳоказолар билан уйғунлашади.

Аслида, ижодий қобилиятнинг ўзи нима?

Маълумки, биз кўриб чиқаётган тушунча "ижод", "ижодий фаолият" тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Ижодий фаолият деганда биз инсоннинг шундай фаолиятини тушунамизки, унинг самараси ўлароқ хох бу ташқи дунё предмети бўлсин ёки дунё борлиқ ҳақидаги янгиликка олиб келувчи тафаккур тузилиши бўлсин ёки бутун борлиққа янги муносабат ҳисси бўлсин уларга оид янги бир нарса яратилади.

Агар қайси жабҳада бўлмасин инсон ҳатти-ҳаракати ва фаолиятини диққат билан кўриб чиқсак, унда унинг асосий турини кўришимиз мумкин. Инсоннинг баъзи бир ҳаракатларини репродуктив ва ишлаб чиқилган ёки дастурлаштирилган деб аташ мумкин. Фаолиятининг бу тури бизнинг хотираларимиз билан узвий боғлиқ ва унинг мазмун моҳияти шу билан боғлиққи, инсон олдин мавжуд бўлган ҳатти-ҳаракатларни такрорлайди. Инсон ҳатти-ҳаракатида репродуктив фаолиятдан ташқари ижодий фаолият ҳам мавжуд, унинг самараси ўлароқ ўтмишдаги тасаввур ва ҳаракат малакаларининг ишлатилиши эмас, балки янги образ ва ҳаракатлар пайдо бўлиши кузатилади.

У.Содиқов фикрича, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун фақат билим бериш билан чегараланмасдан, таълим олувчиларга ҳар бир масалага ижодий ёндашишни ўргатиш керак. Таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг қизиқиши, ҳаваскорлиги билан боғлиқ [2].

Таълимга ижодий ёндашув – шахсга йўналтирилган ўқитишни тўла амалга оширишга имконият яратади.

Бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш масалаларини Б.Р.Адизов “Тадқиқотчи-муаммо” тизимида таҳлил қилиб, уч қуйидаги таркибий қисмларини ажратади: ижодий таълимни ташкил этиш, болаларнинг ўқув материалларини ижодий ўзлаштириши, таълим олувчиларда ижодий қобилиятларини тарбиялаш. Бу масалаларнинг барчаси “ижодий таълим” контекстида тадқиқ қилади. Унинг ёзишича, ижодий таълимни ташкил этиш - бу ўқув материали билан ўқув фаолияти ўртасидаги алоқаларни юзага чиқаришдир. У таълим олувчи ва ўқув материали ўртасидаги тўрт хил алоқа турини тасниф этган: мазмун алоқа мақсад алоқа: функционал алоқа: воситавий алоқа. Бу алоқаларнинг амал қилиши учун таълим олувчининг таълим жараёнидаги мақомини ўзгартиришга эҳтиёжи туғилади. Шу туфайли муаллиф таълимда таълим олувчиларнинг фаол иштирокини, уларнинг ўқув-билув фаолиятини асосли таҳлил қилган. Ушбу тадқиқотда болаларнинг ўқув – билув фаолияти таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида қаралиб, таълим олувчи ижодкорлигининг қатор тамойиллари ажратилган: зиддиятлилик, онглилик, мустақиллик, фаоллик, сабабиятлилик [1].

Ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш – босқичма- босқич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўқув илмий ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади.

Психолог олим С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ижодий фаолият жара-ёнида кишида аста-секин ишнинг қайси жойини, нимани ўзгартириш, ях-шилаш, такомиллаштириш масаласини ўйлаш тамойили вужудга келади. Натижада мавжуд билимларни таққослаш, кузатиш ва ижод жараёнида келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқлаштириш, мўлжалланган ечим умумий ту-зилишини фикран тасаввур этиш зарурати туғилади [3].

Шундай қилиб, умумий ҳолда ижодий қобилият талқини қуйидагича кўринади. Ижодий қобилиятлар – бу турли ижодий фаолиятнинг самараси бажарилганлигини аниқлайдиган инсоннинг индивидуал характерли хусусиятидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида ижодий элемент мавжуд бўлганидек, фақатгина бадиий ижодий иқтидор ҳақидагина эмас, балки табиий илмий иқтидор, техник ижодий иқтидор ва бошқалар ҳақида ҳам гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон ижодий салоҳияти ташкилий қисмлари ҳақида ҳозирги пайтда бир неча фаразлар мавжуд бўлса ҳам, бу масала ҳозиргача очиқ турибди. Кўпчилик психологлар (энг аввало тафаккур хусусиятлари билан) қобилиятни ижодий фаолият билан боғлайдилар, энг аввало тафаккур хусусиятлари билан боғлайдилар. Тафаккурнинг дивергант усули ижодий тафаккур асосида ётади, бу эса қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1. Тезкарилик ғояларнинг максимал миқдорини айтиш (бу ҳолда уларнинг сифати эмас сони зарур).
2. Турли хил ғояларни намоён эта олиш.
3. Оригиналлик - янги ностандарт ғояларни яратиш қобилиятига эга бўлиш.
4. Натижавийлик – ўзининг “маҳсулот”ини яратиш ёки уни охиригача тугатиш, тайёр ҳолга келтириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ефремов В.И. Творческое воспитание и образование детей на базе ТРИЗ. – Пенза: Уникон ТРИЗ, 2001.
2. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: 1976. Педагогика, – 416 б.
3. Содиқов У. Математика дарсларида ижодий фикрлашни шакллантириш усуллари // Ж. Педагогик таълим. -2006.- №1. –Б.27-28.

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ СРЕДСТВ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Савенко Олеся Викторовна, ТерГУ

Annotation *Modern teacher understands that it is impossible to wonder effectively carry out activity relying only on chalk board. Today, the teacher would have to master interactive learning tools to provide one of the most important rights of the child - the right to a quality education.*

Личность человека формируется и развивается в результате воздействия многочисленных факторов, объективных и субъективных, природных и общественных, внутренних и внешних, независимых и зависимых от воли и сознания людей, действующих стихийно или согласно определенным целям. При этом сам человек не мыслится как пассивное существо, которое фотографически отображает внешнее воздействие. Он выступает как субъект своего собственного формирования и развития. Современные научные представления о воспитании как процессе целенаправленного формирования и развития личности сложились в итоге длительного противоборства ряда педагогических идей. В. А. Сухомлинский писал: «воспитание — это многогранный процесс постоянного духовного обогащения и обновления — и тех, кто воспитывается, и тех, кто воспитывает» [2]. Здесь уже ярче выделяется идея взаимообогащения, взаимодействия субъекта и объекта воспитания. Великий ученый раннего средневековья Востока Абу Али ибн Сина писал, что “...в воспитании ребёнка ведущую роль играет окружающая среда. Воспитание совершенного, т. е. полноценного человека является делом не одного дня, и поэтому воспитывать ребёнка надо терпеливо”[1].

Современная педагогика исходит из того, что понятие процесса воспитания отражает не прямое воздействие, а социальное взаимодействие педагога и воспитуемого, их развивающихся отношений. Цели, которые ставит перед собой педагог, выступают как некоторый продукт деятельности ученика; процесс достижения этих целей также реализуется через организацию деятельности ученика; оценка успешности действий педагога опять-таки производится на основе того, каковы качественные сдвиги в сознании и поведении школьника. Всякий процесс представляет собой совокупность закономерных и последовательных действий, направленных на достижение определенного результата. Главный результат воспитательного процесса — формирование гармонично развитой, общественно активной личности.

Воспитание — процесс двусторонний, предполагающий как организацию и руководство, так и собственную активность личности. Однако, ведущая роль в этом процессе принадлежит педагогу. Прежде всего, следует отметить, что понятие «воспитание» употребляется в самых различных значениях: подготовка подрастающего поколения к жизни, организованная воспитательная деятельность и т. п. Ясно, что в разных случаях понятие «воспитание» будет иметь различный смысл. Это различие особенно четко выступает, когда говорят: воспитывает социальная среда, бытовое окружение и воспитывает школа. Когда говорят, что «воспитывает среда» или «воспитывает бытовое окружение», то имеют в виду не специально организованную воспитательную деятельность, а то повседневное влияние, которое оказывают социально-экономические и бытовые условия на развитие и формирование личности.

Иное значение имеет выражение «воспитывает школа». Оно четко указывает на специально организованную и сознательно осуществляемую воспитательную деятельность. Это отнюдь не означает, что школьное воспитание отгораживается от влияний среды и бытовых влияний. Наоборот, эти влияния должны максимально учитывать, опираясь на их положительные моменты и нейтрализуя

отрицательные. Суть дела, однако, состоит в том, что воспитание как педагогическую категорию, как специально организованную педагогическую деятельность нельзя смешивать с разнообразными стихийными влияниями и воздействиями, которые испытывает личность в процессе своего развития. Но в чем же состоит сущность воспитания, если рассматривать его как специально организуемую и сознательно осуществляемую педагогическую деятельность?

Когда речь идет о специально организованной воспитательной деятельности, то обычно эта деятельность ассоциируется с определенным воздействием, влиянием на формируемую личность. Вот почему в некоторых пособиях по педагогике воспитание традиционно определяется как специально организованное педагогическое воздействие на развивающуюся личность с целью формирования у нее определяемых обществом социальных свойств и качеств. В других же работах слово «воздействие» как неблагозвучное и якобы ассоциирующееся со словом «понуждение» опускается и воспитание трактуется как руководство или управление развитием личности. Однако, как первое, так и второе определения отражают только внешнюю сторону воспитательного процесса, только деятельность воспитателя, педагога. Между тем, само по себе внешнее воспитательное воздействие не всегда ведет к желаемому результату: оно может вызывать у воспитуемого как положительную, так и отрицательную реакцию или же быть нейтральным. Вполне понятно, что только при условии, если воспитательное воздействие вызывает у личности внутреннюю положительную реакцию (отношение) и возбуждает ее собственную активность в работе над собой, оно оказывает на нее эффективное развивающее и формирующее влияние. Но как раз об этом в приведенных определениях сущности воспитания умалчивается. Не проясняется в нем и вопрос о том, каким само по себе должно быть это педагогическое воздействие, какой характер оно должно иметь, что зачастую позволяет сводить его к различным формам внешнего понуждения.

Воспитание в философии определяется как воспроизводство социального опыта в индивиде, как перевод человеческой культуры в индивидуальную форму существования. Это определение полезно и для педагогики. Имея в виду деятельностный характер воспитания, Ушинский писал: «Почти все ее (педагогики) правила вытекают посредственно или непосредственно из основного положения: давайте душе воспитанника правильную деятельность и обогатите его средствами неограниченной, поглощающей душу деятельности». Для педагогики, однако, весьма важным является то, что мера личностного развития человека зависит не только от самого факта его участия в деятельности, но главным образом от степени той активности, которую он проявляет в этой деятельности, а также от ее характера и направленности, что в совокупности принято называть отношением к деятельности. Обратимся к примерам. В одном и том же классе или студенческой группе обучающиеся изучают математику. Естественно, что условия, в которых они занимаются, примерно одинаковы. Однако качество их успеваемости зачастую бывает весьма различным. Конечно, в этом сказываются различия в их способностях, уровень предшествующей подготовки, но едва ли не решающую роль играет их отношение к изучению данного предмета. Даже при средних способностях школьник или студент могут весьма успешно учиться, если будут проявлять высокую познавательную активность и упорство в овладении изучаемым материалом. И наоборот, отсутствие этой активности, пассивное отношение к учебной работе, как правило, ведут к отставанию.

Не менее существенными для развития личности является также характер и направленность той активности, которую проявляет личность в организуемой деятельности. Можно, например, проявлять активность и взаимопомощь в труде, стремясь добиться общего успеха класса и школы, а можно быть активным, чтобы только показать себя, заслужить похвалу и извлечь для себя личную выгоду. В первом случае будет формироваться коллективист, во втором — индивидуалист или даже карьерист. Все это ставит перед каждым педагогом задачу — постоянно стимулировать активность учащихся в организуемой деятельности и формировать к ней положительное и здоровое отношение. Отсюда следует, что именно деятельность и отношение к ней выступают как определяющие факторы воспитания и личностного развития учащегося.

Приведенные суждения достаточно четко раскрывают сущность воспитания и дают возможность подойти к его определению. Под воспитанием следует понимать целенаправленный и сознательно осуществляемый педагогический процесс организации и стимулирования разнообразной деятельности формируемой личности по овладению общественным опытом: знаниями, практическими умениями и навыками, способами творческой деятельности, социальными и духовными отношениями.

Литература:

1. Ибрагимов Х. И., Абдуллаева Ш. А. История педагогики и образования. Учебник для магистрантов. Ташкент, 2009.С.49.
2. Сухомлинский В. А. Избранные педагогические сочинения -М: 1980, т.2.
3. Харламов И. Ф. Педагогика. Учебное пособие. М., 2002.

O’QITISHNI FAOLLASHTIRISH OMILLARI (ADABIYOT DARSLARI MISOLIDA)

Nazora Bekova, Mohinur Sayliyeva,
Buxopo davlat universiteti

Annotation: *Afore said article analyzed advantage of advanced pedagocical technology via literature lessons. The result of lesson of main reason is interact live method which is proven it. At teaching is taken into consederation the pupil of activity.*

Basic concepts: *pedagocical technology, literature lessons, method, interact.*

Demokratik islohotlar yo’liga qadam qo’ygan mustaqil O’zbekiston Respublikasiga o’qimishli, har tomonlama yetuk barkamol fuqarolar kerak. Aynan, «shaxs» tushunchasi milliy ta'lim (modifikasiya)ning shakl va shamoyilida muhim ahamiyatga ega bo’lib, darsga zamonaviy talablar asosida yondashishni talab etadi.

Shaxsni tarbiyalash - «Ta'lim to’g’risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da Respublika ta'lim xodimlari zimmasiga o’ta mas'uliyatli vazifalar yuklaydi. Bu vazifani amalga oshirish jarayoni o’quvchilarni o’qitishga yangicha yondashish o’quvchilarni o’z kasbiga va o’zgalarga, ya'ni ta'lim oluvchilarga o’ta talabchanlik bilan munosabatda bo’lishni taqozo etadi. Pedagogik jarayonning eskirib qolgan texnologiyasini yangisiga almashtirish, zamonaviy maktabga davr talablari asosida yondashish, darsga esa yangicha usullarning loyihasini tadbiq etish asosiy vazifalardan biriga aylanmoqda.

Yangi pedagogik texnologiyalar afzalligi zamon sinovidan o’tib interfaol darsning sifat va samaradorligini oshirishda muhim omil ekanligi o’z isbotini topmoqda. Bu borada ancha-muncha tajriba to’plagan tadqiqotchilar pedagogik texnologiya darsining muvaffaqiyatlarini kafolatlovchi omil ekanligini ta'kidlab, pedagogik jarayonlarni ilmiy loyihalashtirish, uni amalga oshirish, loyihalashtirilgan ta'lim-tarbiya jarayonini amaliyotga aniq va ketma-ket tadbiq qilish xususida o’z fikr-mulohazalarini ommaning diqqat-e'tiboriga havola etayotir.

Ushbu ishning yuzaga kelishida J.G’.Yo’ldoshev, U.Tolipov, N. G’ulomova, Yu. Amirjonova, D. Nuriddinova, M. Ochilov, T. Saidov, M. X. Usmonboboyeva kabi pedagog olimlarning interfaol darslar haqidagi ilmiy-nazariy va amaliy-metodik qarashlari, tajriba va izlanishlari samarasi bo’lgan tadqiqotlari muhim asos va omil bo’ldi **[1,2,3,4].**

Turli-tuman texnologiyalar, individual mahorat jamoa mahoratiga o’z o’’rnini bo’shatib bergan. Texnologiya ko’plab kasb egalarining to’plagan mahorati yig’indisi, majmui, ya'ni jamoa mahoratidir. Texnologiya ko’pgina afzalliklarga ega bo’lib, ijodiyot, his, sezgi, san'at ko’rinishlarini o’zida mujassam etadi.

O’qituvchini ma'ruzaga texnologik va metodik jihatdan tayyorlash, aqliy rivojlanish, o’qitishni faollashtirish, yangi o’qitish texnologiyasi bilan qurollantirish jarayoni uzoq va tinimsiz izlanishlarni talab etadi.

1. Tahlilni va o’ziga talabchanlikni kuchaytiradi.
2. Muammolarning yechimini osonlashtiradi.
3. Qiyosiy tahlil, sharhlab o’rganish qulay usul.
4. Obrazlarni qiyoslash.
5. She'rlarni qiyoslash.
6. Adiblar ijodini qiyoslash.
7. Davrni qiyoslash.
8. Tarixiy jarayonni qiyoslash.
9. Yozuvchining uslubiy, tasviriy vositalarini qiyoslash.
10. Asarning zamonaviyligi, tarixiyligi to’g’risida bahs tushirish.
11. Obrazga nisbatan munosabat va mustaqil fikrlar.
12. Asar tizimining o’ziga xosligi haqidagi bahslar.
13. Asar mazmunini qayta hikoya qilishda taqqoslash va muqoyasalash usuli.
14. «Diagramma vena» usulida ikki asar yoki ikki obrazni qiyoslab, jadvalga solish.

Boshqa o’quv mashg’ulotlarida bilim berish ustivor bo’lsa, adabiyotda o’quvchining qalb qo’ri, tuyg’ulari bilan his qilish, tasavvur etish kuchayadi. Bola uchun adabiy jarayon, uning ilmiy-nazariy asoslarni yoki qandaydir sanalarni yod bilishi muhim emas. Bu narsa umri davomida kerak bo’lmasligi ham mumkin. Unga shunday narsa berish kerakki, o’sha narsasiz bugun, hozir yashash mumkin bo’lmasin va shu bilganiga doimo, uzoq yillardan so’ng ham qayta-qayta murojaat etib, xayolan bog’lanib yursin. Darsda shunday muammoli vaziyatlarni yuzaga keltirish o’qituvchining mahoratiga bog’liq.

O’qituvchi har bir asar matni yuzasidan darslikda berilgan savol-topshiriqlar yordamida o’quvchi yoki talabalarning har birini o’z darajasida fikrlashga, hayotiy haqiqatni asar tahlili davomida o’zi kashf etishiga imkon yaratishi kerak. Darsda o’quvchi yoki o’qituvchi tomonidan mantiqning qayta hikoyalanish hollari, ya'ni takrorlash usullari ham bo’lishi mumkin. Bunday usul bilimni mustahkamlashga yordam beradi. Hikoyalash qayta-qayta takrorlanaversa, tinglovchining ba'diga tegadi. Inson ezgu niyatlari, orzularini

yozuvchi iste’dod va talanti orqali ifodalab ro’yobga chiqaradi. Uni shundayligicha o’quvchi qalbiga yetkazish o’qituvchi mahoratiga bog’liq.

Shunday holatlar bo’ladiki, dars davomida o’rinli-o’rinsiz ravishda ko’plab usul va metodlar qalashib ketadi. Natijada, asarning badiiyati, jozibasi xiralashib qoladi, ta'sir kuchi kamayadi. Adabiyot darslarida, asosan, so’zning kuchiga, qudratiga tayanish, foydalanadigan usullar mana shu maqsadga omuxta bo’lib, singib ketadigan bo’lsagina, uni qo’llash yaxshi samara berishi mumkin.

O’qituvchining ramzlar, ishoralar, sha’ma, qochirimlar, istioralardan foydalana olishi, nutq ohangiga, so’z jozibasiga e'tibor berishi va ifodali o’qish san'atini egallashi katta mahoratni (texnologiyani) talab etadi. Ta'lim texnologiyasi pedagog faoliyatini, dars jarayonini tashkil etish va olib borishni to’liq amalga oshirishdir. Shuning uchun ham darslarning maqsad va vazifalari doimo o’qituvchining diqqat markazida turmog’i kerak.

So’z va grammatik vositalarni izoh bergan holda nutqqa olib kirish zamonaviy texnologiyaga sayqal bag’ishlaydi. Nutq sof bo’lishi uchun harakat asosan, o’qituvchi nutqida o’z aksini topiish kerak. O’qituvchi interfaol dars jarayonida o’quvchining diqqat markazida bo’ladi va uning barcha aytgan so’zlari qanday bo’lsa shunday1igicha ularga yetib boradi. Agar o’qituvchi yuqoridagi unsurlarga ahamiyat bermasa, o’quvchi1ar bilimiga, tafakkuriga, xarakteriga salbiy ta'sir qilishi mumkin. O’qituvchi nutq borasida hammaga o’rnak bo’lib, o’z mahoratini, innovatsion usullarni mahorat bilan namoyish etadi.

Fikrni davlat tilida mustaqil, tushunarli va aniq, ta'sirli, mantiqiy bayon etish malakasi va ko’nikmasini egallash o’qituvchi nutq madaniyati ta'limi mazmunidagi yangi pedagogik texnologiya darsi jarayonida amalga oshiriladi.

Yangi pedagogik texnologiyadan kutilgan maqsad nima, uning afzalliklari, darsning samaradorligini oshirish tamoyillari nimadan iborat degan savolga quyidagicha hosilalar asosida javob berish mumkin:

1. Yangi pedagogik texnologiya eng qulay va sodda usul.
2. Mustaqil fikrlashni o’rgatadi.
3. Ko’p tarmoqli.
4. Sodda, oson.
5. Esda qolishi kuchli.
6. Bilim boyligini oshiradi.
7. Vaqtdan yutamiz.
8. Qiziqarli o’tadi.
9. Darsning samaradorligini oshiradi.
10. Dunyoqarashni oshiradi.
11. Tafakkurni rivojlantiradi.
12. O’quvchilarning diqqate'tiborini tortadi.
13. Har bir o’quvchi bilan individual munosabat paydo bo’ladi.
14. Xotirani kuchaytiradi.
15. Izlanishga chorlaydi.
16. O’quvchilarni o’z ustida ishlashga da'vat etadi.

Ruh – (lotincha –spirfus) tadqiqotchilar ruhni keng ma'noda ong tushunchasiga, tor ma'noda tafakkurga bog’lab tahlil qiladilar. Amaliy va nazariy faoliyatining birligi deb turlicha izoh berib kelinmoqda. Faylasuflar insonning ruhiyati, jamiyat ruhiyati degan lug’aviy ma'nolarni ham tahlil qiladilar. Sotsiologlar jamiyatda, ma'lum bir davrdagi ruhiy holatni atroflicha o’rganib xalqning, odamlarning ma'lum bir muhim narsa va hodisaga munosabatini belgilab beradilar. Inson ruhiyati qudratli kuch, ta'sir ko’rsatuvchi eng muhim vosita.

Ruh boshqa bir ma'noda inson o’lgandan so’ng tanadan ajralib chiquvchi bir foniy a'zo deb qaraydilar. Bu o’rinda biz ruh tushunchasining dars jarayonida va umuman inson faoliyatida muhim o’rin tutishi haqida to’xtalib, ruh tushunchasini ruhiyat-psixologiya bilan bog’lab o’rganish maqsadida ta'rifini keltirib o’tmoqdamiz.

Yangi pedagogik texnologiya o’qituvchining «Nutq madaniyati» fanini o’qitish metodlarini yanada takomillashtirishga yordam berib, darsga yangicha usullar asosida yondashuvni ta'minlaydi. Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo’yiiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o’quvchilarga yetkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan amaliy ko’nikma va malakalarni hosil qilish, o’quvchi yoki talabalar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko’nikma va malakalar darajasini baholash o’qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Bir qator rivojlangan mamlakatlarda to’plangan tajribalar, interfaol uslublar yangi asosda darsni tashkil etish jarayonida pedagogik texnologiya katta samara beradi. Respublikamiz ta'lim tizimida interfaol metodlar, darsga yangi pedagogik texnologiya asosida yondashuv, ta'lim-tarbiya jarayonida nazariy va amaliy bilimlarni berishning yangicha shakli joriy etilgan.

Adabiyotlar:

1. Йўлдошев Ж.Ғ. Педагогик технология асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2004.

2. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. –Қарши: Насаф, 2000.

3. Саидов Т. Илғор педагогик технологиянинг мазмун-моҳиятини “Ақлий ҳужум” усули билан ўқитиш технологияси. –Тошкент: А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2003.

4. Толипов Ў., Усмонбобоева М. Педагогик пехнология асослари. - Тошкент: Республика ташхис маркази, 2003.

5. Ғуломова Н. Адабиёт дарсларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш. – Тошкент: РТМ, 2003.

ДИДАКТИК МУНОСАБАТЛАРНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШДА ЎҚИТУВЧИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

Ҳожиева Зулфия Ўктамовна, Тошкент давлат техника университети

Annotation: *In given to article the culture and psychology of communication of the teacher is discussed. Communication is discussed about requirements. The communication role in the didactic relations is considered.*

Kays words*: humanism, teacher, student, relations, lesson, generous, education, connection, admonition, didactic, mutual relations, factor, category.*

Разовуддин Ибн Фахриддин илм берувчи устозга қарата шундай насихатни айтади: “Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлиши учун бош сабаб–илмдир. Экинлар учун ёмғир (суғориш) қандай керак бўлса, одам боласи учун илм шу даражада кераклидир! Ёш авлодни илмли, одобли қилиб ўстириш аввалам бор ота-онанинг бурчидир. Муаллим педагоглар ҳам бу муқаддас вазифадан четда эмаслар. Агар сиз муаллим эрсангиз, шогирдларингизни ҳар бир ҳаракатини кўз олдингизда тутинг, уларни хушмуомила бўлишга ўргатинг, жамиятнинг фойдали аъзолари қилишга, ножўя сўз, ножўя хатти–ҳаракатдан тўхтатиб қолишга ўргатишга эришинг”

Дарҳақиқат, инсонпарвар муносабатларнинг асоси- бу мулоқот жараёнида ширин сўз иштироки. Изланишларнинг кўрсатишича, педагогнинг талабаларга нисбатан бўлган дўстона муносабати уларга тиниқ, босиқ тонда мурожаат қилиши талабаларда эркинликни ҳис қилишда ёрдам беради. Талабаларга нотўғри муносабатда бўлиш эса уларда ўзига нисбатан ишончсизлик, кам гап бўлишга, лаганбардорлик каби ёмон фазилатлар шаклланишига олиб келади. Бизга маълумки, муомала инсоннинг кимлигини кўрсатувчи юзидир. Ўқитувчи бевосита шахсларга муомалада ўз талабалари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади. Ўқитувчи ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз талабаларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади. Ўқитувчиларимиз талабалар билан мулоқот жараёнида тез-тез учраб турадиган муаммолардан бири бу талабаларнинг дарс машғулоти ўртасида, баъзан ўқитувчи фикрини чалғитиб, турли хил саволлар бериб қолиши ҳолатидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик-психологик мулоқот маданиятига оид билим ва малакаларига таянган ҳолда муаммони ҳал этиши керак. Бу ҳақда “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” ишонарли ҳадислар тўплами китобида шундай маълумот берилади: Сўзга машғул бўлиб турган одамдан илм (билим) сўралганда, унинг сўзни тамомлаб, кейин жавоб бериши тўғрисида: 59-ҳадис. Абу Ҳурайра (рз) айтдилар: “Расулуллоҳ (сав) бир мажлисда ўз қавмларига гапириб турган эдилар. Бир аъробий (бадавий) келиб: “Қиёмат қачон?”- деб сўради. Расулуллоҳ (сав) сўзларида давом этавердилар. Баъзи саҳобалар: “Расулуллоҳ (сав) унинг сўзини эшитдилар-ку, лекин ёқтирмадилар шекилли”- деб ўйладилар. Айримлари эса: “Сўзни эшитмадилар”- деб ўйладилар. Расулуллоҳ (сав) сўзларини тугатгач: “Қиёмат тўғрисида сўраган одам қани?”- дедилар. Аъробий: “Мана мен, ё Расулуллоҳ!”- деди. “Омонат (ҳалоллик) ўртадан кўтарилганда қиёматни кутавергин!”- дедилар. “Буни қандай билса бўлади?”- деди аъробий. “Ишинг (кунинг) нопок одамларга қолганда қиёматни кутавергин!”- дедилар. Бу ҳадисдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар ўқитувчи (илм етказувчи) дарс машғулотини ўтиб туриб, мавзуни тушунтираётган бўлсаю, талаба бирдан савол бериб қолса, аввал ўз фикрини тугатиб, яъни айтаётган гапидан чалғимасдан, кейин талабанинг саволига ҳам албатта жавоб бериши керак экан. Бир қарашда бундай йўл тутиш оддийгина ҳолдай кўринсада, унга амал қилмаганда, биринчидан, “Аввал гапимни тугатай, кейин саволингга жавоб бераман”, “Саволларни дарс охирида беринг” ёки “Гапимни бўлма!” каби (аслида ўқитувчининг фикри бўлинишига шундай кесатиқлар сабаб бўлади) танбеҳларни ишлатганда талабаларнинг ўқитувчига нисбатан, у ўқитадиган фанга нисбатан ҳурмати, қизиқиши йўқолади. Иккинчидан, талабанинг дарс жараёнидаги жонли мулоқотга киришиш қобилияти пасайиб боради. Натижа эса маълум, бундай ҳолатлар таълим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Юқоридаги ҳадисда кўрсатилгандек йўл тутганда ўқитувчи аудиториядаги ижобий психологик иқлимни сақлаб қолади, шунингдек, ўз хатти-ҳаракати билан талабага илмни сўраш одобидан ҳам сабоқ беради. Бу эса ўқитувчи ва талабалар орасидаги дидактик муносабатларнинг инсонпарварлашувига замин яратади. Ўз ўрнида айтиш жоизки, ўқитувчи талабалар билан муомала килар экан, жуда майда

қисмларини ҳам англаб олишга қодир булади. Булар сиртдан караганда унчалик аҳамиятли бўлмасада, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатлари ҳам бўлиши мумкин, бунда Ўқитувчи шахси катта рол ўйнайди. Ниҳоят, ўқитувчининг талабалар билан муомаласи шунга олиб келадики, у талабаларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳакикий вазиятларни турли сабабларда пайқаб олади, бунинг учун намуна у ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва талабаларнинг хулк-атвор усулларидан фойдаланади. Ўқитувчининг талабалар билан муомаласи тарбияни бошқариш сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифани ҳам бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Ўзаро муносабатлар эса инсонпарварликка асослангандагина натижавийдир. Муомала – ахлоқнинг кўрки саналади. Ҳар бир шахснинг кандай дунёқарашга эга эканлиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум бўлади. Мулоқотнинг асосий воситаси тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил алоқа қуроли дейилади. Инсоннинг, айниқса ўқитувчининг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида педагогик жамоа ва талабалари орасида обрў-эътибор топади. Бобомиз А.Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ҳикматли фикрлар баён қилганки, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир», -деб таъкидлаган бобокалонимиз. Педагог талабаларга билим бериш билан бир қаторда улар нутқининг ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият беради ва бунда у турли усуллардан фойдаланади. Талабалар нутқини ривожлантиришда ўқитувчи (сўзи) муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, унинг нутқи талабани ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг нутқи образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлмоғи, талаба диққатини ўзига тортмоғи лозим. Нутқ ўқитувчининг мутахассислигига қай даражада лойиқ эканлигини ифодалайдиган ўлчов бирлиги ҳисобланади.

Таълим жараёни турли-туман муносабатлар ранг-баранг алоқаларга бой ходисадир. Муносабатлар, алоқалар таълим жараёни компонентлари ўртасидаги ўзаро таъсир шаклида юзага чиқади, амал қилади. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги дидактик муносабатларни инсонпарварлаш-тиришда нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқи талабаларни ўзини тута билишларига, хулқ- атвори ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи кучли воситадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан талабаларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳисларини туғдиради. Одамларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатларининг гўзаллиги, мулойимлигига «Муомала одоби» дейилади. Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашида. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка кўшилиши, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабат кўпчиликнинг дилига тўғри келмайдиган қўпол ва дилозор одамларни кўпчилик ёктирмайди. Талабалар ҳам хушфеъл, ширинсухан, мард, муомаласи ширин педагогларни дилдан ёқтиришади. Профессор-ўқитувчилар жамоаси ва талабалар орасида муносиб ўрин топиш, иноқ, иттифоқ фаолият юритиш шартларидан бири педагогнинг камтарлигидир. Камтарин ўқитувчи ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан, бой – бадавлатлиги билан, илм-ҳунари билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо ҳар қандай инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи лозим. «Тиғ яраси кетар, сўз яраси кетмас» деган мақол ҳам бекорга айтилмаган. Дарс машғулоти давомида ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғи лозим. Айрим ёшларимизда сўзга, тилга эътибор анча суст. Энг аввало, ёшларга муомала маданиятини, катталар олдида махмаданалик қилмаслигини, катталар гапини бўлмаслигини, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур. Муомала маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда. Инсоннинг қанчалик билимли, акл-заковатли эканлиги муомала орқали намоён бўлади. Аччиқ ҳақиқатнинг юзига тик қараш учун мард бўлиш керак. Иллат билан қатъий кураш олиб бориш учун уни кўриш-тан ола билиш керак. Агарда биз хатто аччиқ ва оғир ҳақиқатни ҳам тўппа тўғри айтишдан қўрқмасак биз ҳамма нарсани ва ҳар қандай қийинчиликларни егишни ўрганиб оламиз. Ошкоралик шундай бир наштарки, ўзи етказган жароҳатни ўзи даволаш хусусиятига эга. Одамга ўзининг кимлигини ўзига кўрсатиб берсангиз ўзини енгил ҳис этади. Мулоқот жараёнида ҳақиқатни гапириш ҳар кимга насиб этавермайди! Ўз ўрнида айтилмаган ҳақиқат ёлғондан ёмон. Шундай экан, талабаларимизга мулоқотқот ҳақиқатга асосланиб қурилсагина сермазмун бўлишини уқтирайлик!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ.(ишонарли тўплам). I китоб. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти. 2008. 20-б.
2. А.Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». Т. Ўзбекистон. 1992 йил.
3. Донишмандлар тарбия хусусида. Т. 1982 йил.
4. Носиров П. Педагогик маҳорат санъат қиёсида. Т. 2005. 52-б.

5. «Одоб бўстони ва ақл гулистони». Т. Фан, 1994 йил. 108-127 бетлар.
6. Р.Махмудов. «Дегонимни улусга марғуб эт». Т. Ўзбекистон. 1992 йил. 15-17 бетлар.
7. Т.Қурбонов. «Одобнома». Т. Ўқитувчи, 1995 йил.43-59 - бетлар
8. www.ziyonet.uz

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МУҲИТНИ ЯРАТИШ.

Избуллаева Гулчеҳра, БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси,
Давронова Сабоҳат, БухДУ талабаси.

***Abstract**: The article gives information about education sources of learning personality and innovation scientific heritage of pedagogy. The impact of pedagogical innovations on the quality index of the sphere of education and innovatioan in Higher Education is well grounded.*

***Key words**: reproduction test, production test, creotiv test*

Таълим жараёнида ўқув фаолиятининг инновацион муҳитини яратишда педагогнинг изланишлари ва амалий фаолияти талабаларнинг билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун талабанинг мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлари, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтириши, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш керак бўлади.

Ушбу фаолиятни назорат қилиш ва баҳолашда фақат стандарт тест топшириғи билан амалга ошириб бўлмайди. Билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда кўп жавобли ностандарт тестлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган нафақат билимларини балки объект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради.

1. Келтирилган таърифни атамаси билан жуфтланг.

	Таъриф	№	Атама
	кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;	A	Фан
	таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;	B	Ишлаб чиқариш
	малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;	C	Узлуксиз таълим
	юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;	D	Шахс
	кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.	G	Давлат ва Жамият

Жавоби:	1 – D	2 – G	3 – C	4 – A	5 – B

2. Тўғри жавобни аниқланг. Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзлари орқали ифодаланг.

1. Дидактика грекча сўз бўлиб, “didasko” – ўқитиш, “didaskol” – ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.
2. “Дидактика”нинг сўзма – сўз таржимаси бу тарбия назарияси.
3. Дидактика педагогиканинг “Нима учун ўқитиш керак?”, “Нимани ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?”, “Қандай ҳажмда ўқитиш керак?”, “Кимларни ўқитиш керак?”, “Қаерда ўқитиш керак?”, “Нимадан фойдаланиб ўқитиш керак?” каби саволларига жавоб излайди.
4. В.Ратке (1592 - 1670) чех тилида «Буюк дидактика» асарини ёзди.
5. "Дидактика" атамасини немис педагоги В. Ратке биринчи бор фанга киритган?

Жавоб:

1.	2.	3.	4.	5.
Ҳа	йўқ	Ҳа	Йўқ	ҳа

3. Таълим мазмунини амалга оширадиган тартибни белгиланг

Уқув режа	*Дарслик ва ўқув қўлланмалар*	*ДТС*	*Фан дастури*

Жавоб:

Уқув режа	*Дарслик ва ўқув қўлланмалар*	*ДТС*	*Фан дастури*
2	**4**	**1**	**3**

4. Текстда тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг.

(Ҳаёт, ҳалокат, нажот, фалокат, мамот, саодат.)

Тарбия биз учун ё ..... ё ....., ё..... - ё ....., ё ..... - ё ..... масаласидир.

Жавоб: *Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир.*

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, талабалар ижодий фаолият тажрибаларини таркиб топтириш, ривожлантириш ва талабалар билимини назорат қилишда нафақат репродуктив (осон) балки ўқув курслари мазмунидан ўрин олган қийинчилик даражалари продуктив (ўртача қийин), қисман-изланувчили (қийин) ва ижодий (энг қийин) тестлар таълим-тарбия жарёнида инновацион муҳитни яратишда юқори натижаларга эриши имкониятини очади ҳамда дидактик материалларнинг мазмуни, сифат самарадорлигининг ўсишига олиб келади.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006.
2. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Педагог, 2004.
3. Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009.
4. Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: РТМ, 1999.
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛИШЛАР

Маманазарова Т.К., Сирдарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи.

Keywords:profession, information freedom, scientific information activity.

Педагог шахси шаклланиши ва ўсиб бориши борасидаги янги тушунчалар таълим тизимидаги энг кўп ва фаол муҳокама қилинаётган масалалардан ҳисобланади. Педагогик фаолият самарадорлиги даражаси “компетенция” ва “компетентлик" тушунчалари ёрдамида баҳо бериш оммалашиб кетди."Компетенция” шахс мукаммал биладиган предмет– соҳа бўлиб, унинг фаолият кўрсатиши учун тайёр эканлиги ўлчови ҳисобланади. “Компетентлик” тушунчаси, шахснинг йўналтирилган таснифи, битирувчининг маълум соҳада фаолият кўрсата олиши кўникмаси эканлигини таъкидлаб ўтади.

Педагогикадаги энг муҳим компетентлик – “эгаллаш, ўзлаштириш компетентлиги” билим ва маҳорат бўлиб, ўқув жараёнларида ҳамда кундалик педагогик фаолият натижасида юзага чиқади.Ўз устидаишлашхислатисифатида “мустақилбилимолиш” белгиланади. Чинданҳам, илм – фаннингтезкорсуратлардаривожланибборишипедагоголдидатинмай ўз билимларини мустақил равишдаошириборишни тақозо этадики, буунинг касбий компетентлигини таъминлаш имконини беради.

Педагог шахси ривожланишида “адаптив компетентлик" – мослашув компетентликнинг ахамияти беқиёс. Бу шундай шахсий сифатларни ўзида жамлаганки, педагогнинг ўз функцияларини муваффақиятли бажариши, янги педагогик жамоада ўз ўрнини топиши, жамоа ривожланиши жараёнларига фаол таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир.

Компетенция тузилишида “ижрочилик компетентлиги” алоҳида ўрин тутади. Унда ишнинг бажарилиши (фаолият натижалари) ва хулқ – атвор модели кўзга ташланади. Шу билан бирга педагогнинг амалий компетентлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда назарий билимларни бевосита амалиётда қўллай олиш тушунилади. Шундай қилиб педагог компетенцияси умумий тузилиши қуйидаги унсурларни ўз ичига олади: “табиий компетентлик”, “ўзлаштирилган компетентлик”, "мустақил билим олиш компетентлиги”, “адаптив (мослашув) компетентлик”, “ижрочилик компетентлиги”, амалий компетентлик.

Юқорида тилга олинган педагог компетенцияси тузилишига яна бир муҳим жиҳатни қўшиш зарур, чунки таълимнинг коммуникатив (чиқишувчилик) табиати шуни тақозо қиладики, инсон фаолиятининг кўплаб касб турларидан фарқли ўлароқ, педагог меҳнати турли даражадаги таълим субъектлари билан мунтазам алоқага киришиш орқали амалга оширилади. Маъмурият, педагоглар, ўқувусталари, талабалар ва бошқа шахслар ана шулар жумласидандир. Барча турдаги педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра, турли мулоқот, муомалава алоқаларданиборатбўлиб, асосийишвақтининг 80 фоизикоммуникациягасарфланади.

Педагогик фаолиятнинг коммуникативлик табиати таълим субъектлари ва жамоатчилик ҳамкорлигигаоид умумий назарияга асосланади. Коммуникатив компетентлик асосида педагогик мулоқот ётади, у таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва субъектларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида ўқув-тарбия ва шахсни камол топтириш мақсадларини рўёбга чиқаради.Аммо "коммуникатив компетентлик" тушунчаси "педагогик муносабат" тушунчасига нисбатан анча кенг маънони акс эттиради. Биринчиси, инсон фаолиятининг кўп функцияли турларини "инсон – инсон" кўринишидаги чексиз маъносини берса, иккинчиси, маълум бир чегара атрофида ҳаракат қилиб, ўқув–тарбия вазифаларини бажаришга қаратилган зарур йўриқномалардан иборат.

Ўқув машғулотларини олиб бориш, семинарлар ташкил этиш, амалиёт ўтказиш, тарбиявий ишларни олиб бориш, педагогик кенгашлар ва методологик комиссиялар ўзининг қонуниятларига кўра ўта мураккаб психо – педагогик таъсир ўтказадики, методлар, анъаналар, ахлоқий ва бошқа муносабатлар педагогдан олий даражадаги коммуникатив компетенликка эга бўлишини тақозо қилади.

Педагогнинг коммуникатив компетентлиги даражаси унинг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилишидан ташқари меҳнат самарадорлигини оширади. Профессионал ўқитиш сифатини ва педагогик фаолияти унумини сезиларли даражада ошириш имконини туғдиради. Коммуникатив компетентликнинг ўзига хос субъектив ва объектив сабаблари мавжуд.

Коммуникатив компетентлик даражаси пастлигининг субъектив сабаблари педагог шахсининг ўз коммуникатив компетентлигининг қатъий ривожланишига нисбатан эътиборсизлиги, уларнинг профессионал жиҳатдан паст даражада эканлигидир. Бу ҳолатларни педагоглар фикрлашидаги консерватизмда, ўйламай фикр билдиришларида, ишга нисбатан диққат ва эътиборларининг камлиги ва лоқайдликларида кўриш мумкин.

Касбий таълим ўқитувчиси коммуникатив компетентликка эга эканлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

-жамоа билан чиқиша олишлик;

-киришимлилик;

-ўқув усталари билан ҳамкорликда ишлай олиши;

-муаммоларни ечишда қатъият ва сабр тоқат билан ёндашув;

-нутқ маданиятининг шаклланганлиги ва бошқалари.

Шундай қилиб, коммуникатив компетентликнинг шаклланиши педагогик муносабатлар ва ҳамкорликлари доирасидан ташқари, аниқ мақсадни кўзлаб, педагогик жараёнлар – ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишида қўйилган мақсадлари, уларнинг ахлоқий, етук, профессионал маҳорат билан фаолият кўрсатишларига хизмат қилади.

Касбий таълим ўқитувчисининг коммуникатив компетентлиги бевосита олий таълим муассасасида шаклланиб боради ва педагогик жамоада ўз аксини топади.

WIRKUNG UND FUNKTION VON GESTIK IM FREMDSPRACHENUNTERRICHT

A.A.Jumayev, S.S. Xudoyev (BuxDU)

Bis heute ist die Systematik **der** noch nicht **genügend** erforscht. Es **fehlen ausreichende theoretische und empirische Untersuchungen, die das** komplexe **semantische** und **pragmatische Zusammenspiel** der beiden **Modalitäten - Gestik** und **Sprache** - im **gesteuerten** Spracherwerbskontext in Verbindung mit dem Thema der interkulturellen non- verbalen Kommunikation analysieren und auswerten, um Gestik angemessen in den Fremdsprachenunterricht eingliedern zu können. **Dennoch** gibt **es** Ansätze - Untersuchungen und Experimente - die **belegen,** dass Fremdsprachendidaktiker die besondere Stellung der nonverbalen Kommunikation erkannt haben und **Konzepte e**ntwickeln, nonverbales Verhalten in den Unterricht zu integrieren.

Einige allgemeine Funktionen sind bedeutsamer im Fremdsprachenlehr- und -Lernkontext, andere spielen nur eine untergeordnete Rolle oder verändern sich im Blickwinkel der Fremdsprachendidaktik und wiederum andere Funktionen kommen hinzu. Ein klassisches Beispiel für die Funktion und Wirkung einer Geste ist das Bekunden des Beitrags willens seitens des Lerners durch Handzeichen, woraufhin der Lehrer ihm das Rederecht durch eine Hinweisgeste und die Nennung des Namens erteilt. Gerade im Fremdsprachenunterricht kommt dem Wechselspiel der Gestik zwischen Lehrer und Lerner eine besondere

Aufgabe zu, weil Lerner aufgrund sprachlicher Defizite, vor allem im Anfängerunterricht verstärkt auf nonverbale Elemente zurückgreifen müssen. Ein Beispiel hierfür wäre die Verwendung von Gesten zur Korrektur, Das heißt, der Lehrer reagiert auf einen Fehler des Lerners nicht verbal, indem er ihn im Redefluss unterbricht, sondern nonverbal mit einer Ges- die sich im Verlauf des Unterrichts in der Lernergruppe durch mehrfache Präsentation etabliert hat und ab einem bestimmten Zeitpunkt ohne dazugehörig verbale Erklärung verstanden wird. Auf Lernerseite wäre ein Beispiel für die Verwendung von Gestik das gestische Illustrieren oder pantomimische Darstellen einer Handlung oder Situation, die man aufgrund sprachlicher Defizite nicht in Worte fassen kann. Der Lehrer kann dann darauf mit dem passenden Wort reagieren.

Storch hat die Funktionen der Körpersprache im Fremdsprachenunter- rieht eingeteilt in allgemeine interaktive Funktion, die der Initiierung. Aufrechterhaltung, Beendigung und Pflege von interpersonalen Kontakten dient; didaktische Funktion für den Lehrer, die zum einen der Regulierung des Unterrichts-prozesses, z.B. durch Einsetzen als Aktivierungshilfe, um Lebendigkeit, Motivation und Interesse zu wecken, oder um Inhaltsvermittlung und Unterrichtsorganisation zu unterstützen (Unterrichtsphasen einleiten, beenden, Lerner drannehmen, moderieren, loben, korrigieren, disziplinieren usw.), zum anderen der Darstellungs- und Verstehenshilfe (z.B. bei Semantisierung unbekannter Wörter) dient. Die didaktische Funktion für den Lerner besteht darin, Unverständnis oder Partizipationswillen zu signalisieren oder Gestik zur Kompensation von mangelndem Wissen (inhaltlich oder sprachlich) einzusetzen[1].

Gestik kann zur Vermittlung von Wissen unterstützend eingesetzt» werden. Durch Illustrationen und Amplifikationen werden inhaltliche Mitteilungen intensiviert, verdeutlicht und damit besser rezipiert und länger im Gedächtnis behalten[2]. Weiterhin spielt Gestik eine Rolle bei der Regulierung von Interaktionen im Unterricht - ohne gestische Erklärungen wäre der Unterricht zudem langweiliger, einförmiger und schwerfälliger. Rosenbusch stellt die zentrale Bedeutung beim Übermitteln von Beziehungsbotschaften heraus, weil Gesten unabhängig von der sprachlichen Äußerung soziale Beziehungen, Einstellungen, Gefühle konstatieren und manifestieren.

Baur erläutert die Funktionen der Gestik unter suggestopädischen Gesichtspunkten ausführlicher und gibt ihr

1. *motorische, sprachunterstützende* Funktion, die mit Rhythmus der Sprache verbunden ist
2. *psychophysiologisch aktivierende und die Sprachproduktion unterstützende* Funktion aufgrund von Selbststimulierung und Selbstaktivierung [Selbstadaptoren, z.B. sich am Kopf kratzen]
3. *motorisch-kommunikative* Funktion, die auf Sozialkontakt gerichtet ist [gestisch auf Gesprächspartner einwirken, kommunikativen Kontakt Herstellen, aufrecht erhalten]
4. *motorische* Funktion, die dem physiologischen Bedürfnis nach Bewegung Rechnung trägt [körperliche Unruhe z.B.]
5. *angstabbauende* Funktion [hilfreich bei der Verarbeitung von Stress und beim Abreagieren]
6. *motorisch-kompensatorische* Funktion; diese ermöglicht es dem Lerner, sich in jedem Fall aktiv am Lernprozess bzw. Kommunikationsprozess zu beteiligen und sprachliche Schwächen und Unsicherheiten zu «überspielen», bzw. gestisch-mimisch zu kompensieren. - Diese Funktion entspricht im Übrigen einer natürlichen Verhaltensform, die sowohl im Erstsprachenerwerb als auch im gesteuerten und ungesteuerten Fremdsprachenerwerb sowie in jeder natürlichen Kommunikation nachgewiesen ist.
7. *sozialintegrative, gruppendynamische* Funktion; das gemeinsame Ausfuhren von be-wegungsintensiven kommunikativen Handlungen führt zu einem Gemeinsamkeitserlebnis, das die Gruppenkohärenz positiv beeinflusst.
8. gedächtnisunterstützende Funktion [, die noch einmal unterteilt wird in]

a. *sensomotorische* Funktion [WechselWirkungszusammenhänge zwischen sensorischen und motorischen Prozessen; je mehr sensomotorische Rückmeldungen der Organismus erhält, umso mehr Wahrnehmungen werden propriozeptiv verstärkt]

b. *imaginativ-sensomotorische* Komponente [verbaler Stimuli ist mit konkret ausgeführten Handlungen verbunden]

c. *emotionale* Komponente [positive Emotionen begünstigen Aufnahme und Gedächtnisleistung]

d. wahrnehmungsbedingte Komponente [Multimodalität der verbalen und nonverbalen Wahrnehmungen aktiviert verschiedene Rezeptoren und speichert Information dementsprechend auch multimodal]“[3].

Generell helfen nonverbale Elemente, das Verstehen zu erleichtern. Apeltauer beschreibt den Partizipationswillen von Fremdsprachenlernern nach der Total Physical Response-Lehrmethode von Asher,

---

[1] Storch Günther. Deutsch als Fremdsprache. Eine Didaktik. Theorie - sehe Grundlagen und praktische Unterrichtsgestaltung. München: Fink. 1999.S. 320.

[2] Rosenbusch Heinz S. Die Beachtung nonverbaler Kommunikation als Beitrag zur Kommunikationshygiene in Unterrichtsprozessen. Pädagogischer Verlag Schneider. 1986.S. 61.

[3] Baur Rupprecht S. Superlearning und Suggestopädie. Grundlagen - Anwendung - Kritik - Perspektiven. Berlin u.a.: Langenscheidt. 1990. S. 321.

die sich besonders auf Gestik stützt. Es zeigte sich, dass die Fremdsprachenlerner nach dieser Methode den Kurs eher fortsetzen wollten, das heißt ihre Motivation gesteigerter und auch die Behaltensleistung des Sprachwissens längerfristiger war, als bei Lernern, die nach Methoden ohne einen besonderen Fokus auf Gestik unterrichtet wurden. „Die durch gestische Elemente verstärkten assoziativen Verknüpfungen wurden [...] längerfristig besser behalten und zeigten auch nach einem Monat kaum einen Leistungsabfall.“[1].

Bezug nehmend auf Forschungen zur Körpersprache aus der schulischen Pädagogik präsentiert Heinemann eine einfachere Darstellung der Funktionen nonverbaler Kommunikation:

1. Funktionen im Hinblick auf die sprachliche Kommunikation im Unterricht (diese Funktion sieht er vor allem zur Übermittlung von Inhalten)
2. Funktion im Hinblick auf die Regelung der Kommunikation im Unterricht
3. Funktion im Hinblick auf den Ausdruck der Persönlichkeit
4. Funktion im Hinblick auf den Ausdruck bestehender interpersonaler Beziehungen[2].

An den oben beschriebenen Funktionen der Gestik für den Fremdsprachenunterricht ist ersichtlich, dass die Forscher hier in wesentlichen. Kategorien übereinstimmen und sich auch an der schulischen Pädagogik orientieren. Die Einteilung nach Heinemann gilt selbstverständlich auch für den Fremdsprachenunterricht, allerdings fehlen hier wichtige Komponenten wie Gestik als Kompensationsstrategie aufgrund sprachlicher Defizite, Unterschiede der Gestik im Erst- und Zweitsprachenerwerb, Konventionalität usw., die bis heute noch nicht eingehend und repräsentativ untersucht wurden. Köster unterstützt diese Feststellung, in dem er sich auf weitere Gestikforscher bezieht, folgendermaßen:

"Das komplexe «semantische und pragmatische Zusammenspiel beider Modalitäten» ist im gesteuerten Spracherwerbskontext bisher allerdings nur sehr unzureichend empirisch erforscht worden[3].

Kleppin weist abschließend noch daraufhin, dass die Funktion nonverbaler Zeichen auch deshalb so schwierig zu untersuchen sei, weil sich einzelne nonverbale Elemente auch widersprechen können und dass im Fremdsprachenunterricht zusätzlich zu den Funktionen nonverbaler Kommunikation im Alltag und im Unterricht allgemein noch zielkulturelle nonverbale Verhaltensweisen eine Rolle spielen[4].

Innerhalb der verschiedenen Gestentypen hat Ellgring die Bedeutung illustrierender Gesten und Adaptoren untersucht. Er kam zu dem Ergebnis, dass diese bisher nur teilweise geklärt ist. Bei Emblemen ist der Sachverhalt aufgrund des sprachlichen Äquivalents im Grunde genommen klar, wenngleich bei Unkenntnis oder Unverständnis der durch Konventionalität geprägten Geste Missverständnisse und Mehrdeutigkeiten möglich sind.

UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARDA MATEMATIKA O‘QITISHDA O‘QUVCHILARNING MANTIQIY FIKRLASHINI SHAKLANTIRISH BO‘YICHA METODIK TAVSIYALAR

Avezova Ro`zigul Saidmurodovna, Shofirkon tuman 9-maktab o’qituvchisi, Ne`matova Mehrigul Nurmurodovna, Buxoro shahar 23-maktab o’qituvchisi

Maktabda matematika o‘qitishning maqsadlaridan biri – o‘quvchilarning fikrlashini rivojlantirishdir. Shuning uchun ham maktabda o‘qish, mulohaza qidish, fikr yuritishni bilishga o‘rgatish muhim vazifa hisoblanadi. Fikrlash jarayoni asoslari – tahlil, sintez, aniqlashtirish kabi mantiqiy usullardir. Tabiy ki, maktab matematika darsligi materiallari doirasida o‘quvchilarda mantiqiy fikrlashni rivojlantirish mumkinmi degan savol tug‘iladi. Ma’lumki 9 – sinfda o‘quvchilar tomonidan o‘rganilgan material va orttirilgan tajribalar umumlashtiriladi va tizmiylashtiriladi. Shu maqsadda shakillantirishning tahlil qilish, sintez, umumlashtirish va aniqlashtirish kabi usullarini ajratib olamiz. Bu imkoniyatni aniqlash uchun darslikdagi masalalarni (tenglamalarni echish mavzusi bo‘yicha) tahlil qilishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘ydik.

Sh.O. Alimov, O.R. Xolmuxamedov, M.A. Mirzaaxmedov muallifligidagi 9 – sinf uchun “Algebra” darsligida vazifalar bir hil tipda. Vazifalar tenglamalarni echish ko‘nikmalarni qayta ishlash uchun yo‘naltirilgan va mashq qilish tavsifga ega. Nafaqat tenglamalarni echish usulini, balki mantiqiy fikrlash usullarini shakillantirish uchun mavjud vazifalarga fikrlashning mos mantiqiy usullarini bajarishni talab etadigan savollarni qo‘yish kerak. Masalan “ Sonli tengsizliklarni darajaga ko‘tarish ” mavzusida ko‘rsatkichli tenglamalar, “Daraja qatnashgan tengsizlik va tenglamalar” mavzusida esa irratsional tenglama tushunchasi qaralgan. Ushbu mavzularda vazifalar bir hil ko‘rinishga ega, ya’ni barchasida “Tenglamani yeching” vazifasi bor. Bunday topshiriq o‘quvchida faqat tenglamani mexanik tarzda echish rivojlanadi.

[1] Apeltauer Ernst. Kultur, nonverbale Kommunikation und Zweitsprachenerwerb. Pädagogischer Verlag Schneider. 1986. S. 157.
[2] Heinemann Peter. Grundriss einer Pädagogik der nonverbalen Kommunikation. Kastellaun: Henn. 1976. S. 58.
[3] Köster Lutz. Wirkung lexikalischer Gesten bei der Semantisierung. Schneider-Verl. Hohengehren. 2001. S. 365.
[4] Kleppin Karin. Selbst wenn der Ton mal ausfällt, versteht man immer noch viel - oder: Die Bedeutung der Erforschung nonverbalen Verhaltens im Fremdsprachenunterricht. Tübingen: Narr. 1989. S. 103.

Shuning uchun ham darslikda irratsional tenglamalarga ajratilgan №232-235 topshiriqlar o‘quvchilar tomonidan bajarilganidan so‘ng, ularning mantiqiy fikirlashini shakillantirishga qaratilgan quyidagi savollar taklif etilishi kerak:

1. Tenglamaning yechilish usullarini taqqoslang va ularning o‘xshashligi hamda farqi haqida xulosa chiqaring.

2. Yechilgan tenglamani tahlil qiling va tenglamaning ikki qismini darajaga ko‘tarishda qaysi holda mumkin bo‘lgan qiymatlar sohasini tekshirish zarurligini xulosa qiling.

3. Tenglama yechimlari soni irratsional tenglamadagi ildiz darajasiga bog‘liqmi?

№238 - 239 topshiriqlar uchun quyidagi vazifalarni qo‘yish lozim:

1. Tenglamalarni yechish rejasini tuzing.
2. Tenglamalarni tahlil qiling va ko‘rsatilgan shakldagi tenglamalarni echish uchun umumlashtirilgan sxema tuzing.
3. №239 topshiriqdagi tenglamani tahlil qiling va teng kuchli o‘tish usuli yoki ta’rif bo‘yicha ishlash usuli qaysi biri ma’qulligini aniqlang.
4. Irratsional tenglamalarni yechishda o‘zgaruvchini almashtirish usulining asosiy qadamlarini ajrating. Qadamlar soni ildiz juftligiga qanday bog‘liqligini aniqlang.

Keltirilgan topshiriqdan tashqari, yana o‘quvchilarga biror tenglamani echishda qo‘yilgan hatoni aniqlash topshirig‘ini ham berish mumkin. Masalan, 9 – sinf “Algebra ” darsligidagi №256 topshiriqda berilgan biror – bir tenglamani yechishda xatoga yo‘l qo‘yib, uni o‘quvchilarga aniqlashni taklif etish maqsadga muvofiq.

Masalan, $\sqrt{x+11}=1+\sqrt{x}$ tenglamani qaraymiz.

Yechish:

$$\sqrt{x+11}=1+\sqrt{x} \Rightarrow \begin{cases} x+11\geq 0 \\ x\geq 0 \\ x+11=(1+\sqrt{x})^2 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x\geq -11 \\ x\geq 0 \\ x+11=1+2\sqrt{x}+x \end{cases} \Rightarrow$$

$\Rightarrow$ x +11 = 1 + 2 $\sqrt{x}$ + x

2 $\sqrt{x}$ = 10 $\sqrt{x}$ = 5 x = 25

Javob x = 25.

Bu tenglamani yechishda quyidagi xatolarga yo‘l qo‘yilgan :

1. x ≥ -11 sharti tenglamaning o‘ng tomonini qanoatlantirmaydi, chunki agar x = - 11 ni olsak $\sqrt{x}$ ifoda ma’noga ega bo‘lmaydi. Shuning uchun, bu shartni x > -11 deb olish kerak.
2. x ≥ 0 shartida x = 0 ni olsak ham tenglama qanoatlantirilmaydi, shuning uchun x > 0 shartni qo‘yish kerak. Lekin, bu xatolar javobga ta’sir qilmaydi.

Demak qaralayotgan tenglama quyidagicha yechiladi :

$$\sqrt{x+11}=1+\sqrt{x} \Rightarrow \begin{cases} x+11>0 \\ x>0 \\ x+11=(1+\sqrt{x})^2 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x>-11 \\ x>0 \\ x=25 \end{cases}$$

Bunday topshiriqni bajarganda o‘quvchi tenglamani tahlil qiladi, mumkin bo‘lgan qiymatlar sohasini aniqlaydi. Demak, o‘quvchida mantiqiy fikrlashning tahlil qilish usuli shakillanadi.

Keltirilgan misol tahlillari umumlashtirib o‘quvchilar e’tiborini quyidagiga qaratish lozim: ma’lumki, irratsional tenglamani yechishda teng kuchli o‘tish usulidan foydalanilsa tenglama tengsizliklardan iborat sistemani echishga keltiriladi. Bu usul ildizlarni yo‘qotishga yoki aksincha ortiqcha ildizga ega bo‘lishga olib kelmaydi , shuning uchun u samaralidir. Lekin, u yagona to‘g‘ri usul bo‘lmaydi , chunki ayrim vaqtlarda u juda murakkab xisoblashlarga olib keladi.

O‘quvchilar tomonidan keltirilgan tenglamalar taxlil qilinib va natijasi umumlashtirilishidan quyidagi teng kuchli o‘tishlar sxemasi keltirib chiqariladi :

1. $\sqrt{f(x)}=a \Leftrightarrow \begin{cases} f(x)=a^2 \\ f(x)\geq 0 \\ a\geq 0 \end{cases}$;

2. $\sqrt{f(x)}=\varphi(x) \Leftrightarrow \begin{cases} \varphi(x)\geq 0 \\ f(x)=\varphi^2(x) \end{cases}$

3. $\sqrt{f(x)} = \sqrt{\varphi(x)} \Leftrightarrow \begin{cases} f(x) = \varphi(x) \\ f(x) \geq 0 \\ (\text{ёки} \varphi(x) \geq 0) \end{cases}$

4. $\sqrt[2n-1]{f(x)} = \varphi(x) \Leftrightarrow f(x) = \varphi^{2n-1}(x)$, n∈N, ya'ni ildiz darajasi –toq son.

Agar irratsional tenglamalarni o'rganish uchun ajratilgan topshpiriqlar ichida parametr qatnashgan topshiriq berilsa, o'quvchida mantiqiy fikrlashning tahlil qilish, sintez kabi usullari shakillanadi.

Tenglamalarni o'rganishda mantiqiy fikrlashni shakllantirish uchun darslikda mavjud vazifalarga mahsus topshiriqlar to'plamini ishlab chiqish zarur.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Sh.O. Alimov, O.R. Xolmuxamedov, M.A. Mirzaaxmedov muallifligidagi 9 – sinf uchun "Algebra" darsligi

DIFFERENSIAL TENGLAMALAR NAZARIYASINING ASOSIY TARMOQLARI VA ULARNING TABIAT FANLARI TARAQQIYOTIDAGI ROLI VA AHAMIYATI.

Meyliyev T.K. QarMII, K.Kurbanov, N.Xurramov TerDU

Annotion *This study examines the relationship of differential equations with other sciences.*

Ma`lumki har bir fan o`zining tekshirish ob`ektiga (predmetiga) va tekshirish usuliga ega bo`ladi. Differensial tenglamalar nazariyasining predmeti va uning tekshirish usullari matematik tahlilnig limitlar nazariyasi(uzluksizlik), funksiya nazariyasi, differensial va integral hisob, qatorlar nazariyasi va boshqa bo`limlari bilan uzviy bog`liqdir. Shunday ekan differensial tenglamalar nazariyasining usullari matematik tahlilning usullaridan iborat ekan. Bir o`zgaruvchining funksialari uchun integral hisob $y` = f(x)$ ko`rinishdagi eng sodda sinf differensial tenglamalarni integral nazariyasidan iboratdir.Differensial tenglamalar nazariyasi juda keng soha bo`lib, oddiy differensial tenglamalar bu nazariyaning tarkibiy qismi hisoblanadi. Oddiy differensial tenglamalar nazariyasi alohida mustaqil ilmiy nazariya bo`lib, bu nazariya o`zining tekshirish predmeti va usuliga ega bo`lgan quyidagi tarkibiy qismlarga bo`linadi:

1. Differensial tenglamalarni integrallash nazariyasi.
2. Differensial tenglamalarning analitik nazariyasi.
3. Differensial tenglamalarning sifat nazariyasi.
4. Differensial tenglamalarning geometrik nazariyasi.
5. Differensial tenglamalar va tebranish nazariyasi.

Differensial tenglamalarni integrallash nazariyasining asosiy predmeti tenglamalarni klassifikatsiya qilish va tenglamalarni elementar funksiyalar yordamida integrallashning usullarini ishlab chiqishidir. Shuning uchun ham bu nazariyani differensial tenglamalarni integrallash usuli ham deb ataladi. Bu nazariyaning vazifasi o`zgaruvchilarni almashtirish va boshqa turli almashtirishlar yordamida berilgan tenglamalarni kvadraturada integrallanadigan $f(u)du = g(v)du$ ko`rinishiga keltirishdir. Differensial tenglamalar nazariyasining u qismi uning deyarlik muhim va klassik qismini tashkil qiladi. Gruppa nazariyasining g`oya va natijalariga asoslanib, differensial tenglamalarning kvadraturada integrallanuvchanligining umumiy kriteriysi o`rnatilgan. Kvadraturalarda integrallanuvchi tenglamalar sinfi juda tor, ya`ni kvadraturalarda yechiladigan tenglamalarning soni juda oz. Deyarlik ko`pchilik differensial tenglamalar taqribiy usullar bilan yechiladi. Differensial tenglamalar analitik nazariyasining predmeti differensial tenglamalarni o`zgaruvchilarning kompleks sohasida tekshirishdan iborat. Bu bo`limga differensial tenglamalarning analitik yechimlarining xossalari, shuningdek kompleks sohasida tekshiriladigan iborat. Bu bo`limida differensial tenglamalar analitik yechimlarining xossalari, shuningdek kompleks o`zgaruvchili funksiyalar nazariyasining usul va apэaratlaridan foydalanib, berilgan xossalarni qanoatlantiruvchi analitik yechimga ega bo`lgan differensial tenglamalar sinfi o`rganiladi. Shuning uchun ham differensial tenglamalar analitik nazariyasi kompleks o`zgaruvchili funksialar nazariyasining umumlashmasi hisoblanadi.Differnsial tenglamalar analitik nazariyasining rivojlantirishda differensial tenglamalarni integrallash nazariyasining usullaridan, determenantlar nazariyasidan, gruppa nazariyasidan, algebrik va qator maxsus funksiyalar nazariyasidan foydalanildi. Shuningdek differensial tenglamalar analitik nazariyasining usul va natijalaridan differensial tenglamalarning boshqa bo'limlarida keng foydalanildi. Bu nazariyadan mustaqil bo'limlar ajralib chiqdi: chiziqli nazariya, maxsus funksiyalar nazariyasi, chegaraviy masalalar nazariyasi va boshqalar.Differensial tenglamalarning analitik nazariyasi differensial tenlamalar sifat nazariyasining asosini o'rnatishga xizmat qildi. Differensial tenglamalarning sifat nazariyasida tenglamaning xossalari yordamida differensial tenglamalar yechimlarini va ularning

grafiklarini tekshirish usullari ishlab chiqiladi. Shuning uchun ham bu nazariya differensial umumiy nazariyasida deyarlik salmoqli o'rin egallaydi. Bu nazariyaning asosiy predmeti tenglamalarning xossalariga asoslanib differensial tenglamalar yechimlarining xossalarini (xulqini) tekshirish usullarini ishlab chiqishidir. Differensial tenglamalarning sifat nazariyasi usullarini yaratishda asosan tekshirilayotgan tenglama uchun yordamchi funksiya yoki sodda differinsial tenglamalar yoki tengsizliklar tuziladi. Bu tuzilgan funksiya, tenglama va tengsizliklar xossalari bo`yicha tekshirilayotgan tenglama yechimlarining xossalari o`rganiladi. Differensial tenglamalarning sifat nazariyasida buyuk rus matematigi A.M.Lyapunov o`zi ishlab chiqqan usul asosida differensial tenglamalar yechimlarining turg`unlik nazariyasini yaratib, differensial tenglamalarning sifat nazariyaslarini va uning tadbiqlarini yanada rivojlantirishimizda katta ta`sir ko`rsatdi. Differensial tenglamalarning geometrik nazariyasida differensial tenglamalar nazariysi bilan sirtlar va fazoviy chiziqlar nazariyasi orasidagi bog`lanishli aloqalari o`rganiladi.Differensial tenglamalar va tebranish nazariyasi bo`limida, tebranishlar va to`lqinlar nazariyasini o`rganishda differensial tenglamalar muhim ahamiyatga ega. Turli amplitudali va chastotali tebranishlar qo`shilib, natijalovchi amplituda va chastota topiladi. Qo`shiluchi tebranishlarning amplituda va chastotalari esa alohida-alohida tuzilgan differensial tenglamalarni yechish bilan aniqlanadi.Tabiat va mexanika fanlarining ko`pgina amaliy va nazariy masalalarini hal qilish bir differensial tenglamalarni qanoatlantiruvchi funksiyani topish va bu funksiyani tekshirishga doir matematik masalaga keltiriladi. Bunga misol qilib maktab fizika va matematika kursida o`rganilgan radioaktiv parchalanish, issiqlikning tarqalishi, nuqtaning og`irlik kuchi ta`siridagi vertikal harakati, material nuqtaning(mayatnikning) garmonik tebranishlari, shahar aholisining ko`payishi haqidagi kabi masalalarni keltirish mumkin.

Yuqorida ta`kidlaganimizdek mexanika va tabiatshunoslikning ko`pgina masalalari

$$f'(x) = kf(x) \qquad (1)$$

ko`rinishdagi ko`rsatkichli qonun bo`yicha o`sadigan va kamayadigan jarayonlarining differensial tenglamasiga keltiriladi. Ko`rsatkichli fuksiyaning hosilasini bilgan holda (1) tenglamani qanoatlantiradigan yechim.

$$f(x) = ce^{kx}, c\epsilon R \qquad (2)$$

ko`rinishdagi istalgan funksiya bo`lishiga ishonch hosil qilish mumkin.

Masala.(Radioaktiv parchalanish haqida).Boshlang`ich daqiqada,ya`ni $t = 0$ paytda radioaktiv modda.

$$m(0) = m_0 \qquad (3)$$

massaga ega bo`lsin.Tajriba shuni tasdiqlaydiki,$t$ vaqt o`tishi bilan radioaktiv moddaning massasi uning massasiga proporsional ravishda kamayib boradi, ya`ni jarayonning differensial tenglamasi

$$m'(t) = -km(t), \quad k > 0 \quad (1)$$

ko`rinishga ega bo`ldi. Yuqorida o`rganganimizdek bu tenglamani

$$m(t) = ce^{-kt} \qquad (4)$$

ko`rinishdagi istalgan funksiya qanoatlantiradi.Bu yerdagi $c$ doimiy (3) shartdan foydalanib topiladi. $t = 0$ bo`lganda $c = m_0$ bo`lishini (4) dan foydalanib topamiz. Natijada radioaktiv parchlanish jarayoninig qonuniyati ko` rinishda olamiz.

Ko`pchillik hollarda radioaktiv moddaning massasi ikki marta kamayadigan vaqt oralig`ini aniqlash qiziqtiradi. Bu vaqt oralig`ini radioaktiv moddaning "yarim harakatlanish davri"deyiladi, ya`ni

$$m\big/_{t=T} = \frac{m_0}{2}$$

Bunday holda va orasidagi bog`lanish $\frac{m_0}{2} = m_0 e^{-kT}$ tenglama bilan o`rnatilgan bo`ladi.

ni orqali ifodalaymiz. .

Bunday holda radioaktiv moddaning massasi yarim yemirilish davri orqali ifodalash mumkin,

A.N.Kolmogorov tahrir qilgan "Algebra va analiz asoslari" 10-11 sinflar uchun o`quv qo`llanmasining, 1994 yil, 576-masalasini qaraymiz.

Radioaktiv parchalanish boshlanishi oldidan 12A radiy bor edi. Agar A radiyning yarim parchalanish davri 3 minut bo`lsa necha minutdan keyin 0.125g radiy qoladi?

Berilgan Yechish:

, va ning berilgan qiymatini (5) formulaga qo`yamiz.

Shunday qilib 9 minutdan keyin 12 radioaktiv moddadan 0.125g qoladi.

Tabiat va texnika fanlarining differensial tenglamaga keltirib hal qiladigan bunday masalani ko`plab keltirishimiz mumkin. Biz bunga yuqorida keltirilib o`tilgan masalani tahlil qilib ishonch hosil qildik. Umuman olganda differensial tenglamalar nazariyasining paydo bo`lishi va rivojlanishi tufayli tabiatshunoslik va mexanika fanlari murakkab masalalarni yechish va tekshirishning shunday kuchli apparatiga ega bo`ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.M.S.Salohiddinov,G.N.Nasriddinov.”Oddiy differensial tenglamalar” Toshkent-“O`qituvchi”1994yil.

2.A.N.Kolmogorov.”Algebra va analiz asoslari” Toshkent 1994yil.

TALABALARNING MUSTAQIL TA’LIM OLISH FAOLIYATI MODELI

G. R. Ostonova, BuxDU

Rassom-pedagoglar tayyorlash tizimida mustaqil ta’lim olish ko’nikmalarini shakllantirishning ahamiyati muhimdir. Bu ijodiy ta’lim mazmuni va tuzilmasini modernizatsiya qilish masalasi bilan bog’liq bo’lib, zamonaviy o’quv jarayonida zarur bo’lgan ijodiy tafakkur, fazoviy tasavvur va kompyuter grafikasi savodxonligini shakllantirishni talab etadi.

Oliy ta’lim jarayonida mustaqil ishlar samaradorligini oshirishning ahamiyati va dolzarbligi Shundaki, tasviriy san’at va muxandislik grafikasi yo’nalishi bakalavrlarini kasbiy layoqatlilik sifatini beruvchi asosiy kurslardan biri “Rangtasvir”dan auditoriyadan tashqari mustaqil ishlarni faollashtirishning yangi yo’llarini ishlab chiqish uchun asos hisoblanadi.

Tadqiqotimizning maqsadi rassom-o’qituvchini tayyorgarligi tizimida talabalarning fazoviy tasavvuri va ijodiy tafakkurini rivojlantirish, tashabbuskor, ijodkor mutaxassis, badiiy ijodkorlik bo’yicha ma’lumotlarni mustaqil ola biladigan va foydalanish qobiliyatli rassom-pedagog kadrlar tayyorlashda mustaqil ta’limni samaradorlashtirish yo’llari, vosita va metodlarini ishlab chiqishdir.

Bo’lajak rassom-o’qituvchilarning ijodiy tayyorgarligini takomillashtirish, xususan, ularda mustaqil ijodiy tafakkur, fazoviy tasavvur va badiiy-estetik tafakkurni shakllantirishning pedagogik shartlaridan biri – “Rangtasvir” kursi bo’yicha auditoriyadan tashqari mustaqil ishlar mazmuni, uni tashkil etish va boshqarish texnologiyasini ishlab chiqishdir.

Oliy o’quv yurtida bo’lajak rassom-o’qituvchilarni tasvirlash va ijodiy kompozitsiya tuzishga o’rgatish – zamonaviy oliy maktabning asosiy vazifasidir. bu badiiy asarlarni idrok etish va kompozitsiya bajarish maqsadga muvofiq, ijodiy va ma’suliyatli bo’lishi zarur, albatta. shu bilan birga, ta’kidlash joizki pedagogik adabiyotlarda oliy maktab talabalarining o’qishi faqat o’qitish bilangina emas, balki ularning mustaqil ta’lim olishi bilan ham tavsiflanadi.

Talabalarning mustaqil ta’lim olish faoliyati xususiyatlari, uning mohiyati, tashkil qilish prinsiplari, mazmuni va metodlarini qarab chiqishga mavjud yondoshuvlarning xar xilligi bilan tavsiflanadi.

To’plangan va tahlil qilingan ma’lumotlar muayyan xulosalar chiqarish imkonini berdi:

Talabalar:

- mustaqil ta’lim olishga alohida qiziquvchanlik (motiv)ni namoyon qilmayaptilar;
- o’zlariga berilayotgan tayyor ta’limlarni, o’quv axborotlarini ancha sustkashlik bilan qabul qilmoqdalar;
- o’quv mashg’ulotlarida mustaqil o’quv faoliyati ko’nikma va malakalarini sayoz egallayaptilar;
- darslik materiallari va o’qituvchi so’zlari asosidagi yozuvlar (tushuntirish, hikoya, ma’ruza)ni ko’r-ko’rona o’rganadi;
- qo’shimcha ta’lim manbalari (doimiy ijodiy o’quv kurslarining zarurligi va ta’limlarning alohida o’rin olishiga ishontiruvchi didaktik va badiiy adabiyotlar, kishilar bilan maqsadga muvofiq muloqot va boshqalar)dan foydalana bilmasliklar;
- o’zlashtirgan ta’limlar ko’pincha reproduktiv xarakter kasb etmoqda;
- o’quv faoliyati motivlari ishonchsiz, sust ifodalanmoqda.

O’qituvchilar:

- talabalarda mustaqil ta’lim olishga ongli munosabat va faol o’quv faoliyatga intilishni shakllantirishda o’z o’quv predmeti, uni o’qitish metodikasining imkoniyatlaridan etarlicha foydalanmayaptilar;
- ko’rsatmalilik tamoyiliga rioya qilmaydilar, o’quv dasturida ko’zda tutilgan tayyor ta’limlar asosida o’qitishning og’zaki metodlarini afzal ko’radilar;
- talabalarning bilishga oid qiziqishlarini rivojlantirish, ta’limlarini kengaytirish, ma’naviy dunyosini boyitish, shaxsning yuksak axloqiy sifatlarini tarbiyalashga imkon beruvchi auditoriyadan tashqari mustaqil ishlar imkoniyatlaridan kam foydalanadilar;
- mustaqil o’quv faoliyatini tashkil qilish ko’nikma va malakalariga ega emas;

- talabalarning mustaqil o’quv faoliyatiga pedagogik rahbarlikni anda-sonda amalga oshiradilar, bunda asosan topshiriqlar berish, uning bajarilishini tekshirish va baholash bilan cheklaniladi.

tadqiqotning kuzatuv va izlanishlari asosida to’plangan materiallari shuni ko’rsatadiki, talabalar fan asoslaridan yangi ta’limlarni izlash, topish, shu asosda o’z ta’lim sifatlarini oshirishga yo’naltirilgan faol mustaqil o’quv faoliyatini olib borishlari mumkin. buning isboti quyidagi asoslardan iborat:

- *fiziologik xarakterdagi asoslar*: mijoz turlari, irsiyat, mintaqamiz bolalarining erta rivojlanishi;

- *ruhiy xarakterdagi asoslar:* qiziqish va moyillik, ruhiy jarayonlarning holati, hissiyotning faolligi va yo’nalishi;

- *ijtimoiy xarakterdagi asoslar*: yangi huquqiy davlatning barpo bo’lishi, jamiyatning demokratlashuvi, mintaqaning etnopsixologik xususiyatlari, ijtimoiy texnik bazasining rivojlanishi, milliy o’zlikni anglash va madaniyatning yuksalishi.

bu asoslar talabalarning faol, mustaqil ijodiy o’quv faoliyatga ichki(potensial) tayyorligini ko’rsatadi. biroq bu ichki imkoniyatlardan muvaffaqiyatli foydalanishi uchun alohida omillar zarur.

bu omillar 4 guruhga bo’linadi:

1. ilmiy asoslangan tavsiyalar, olimlar tomonidan taklif qilingan maxsus didaktik tadqiqotlar materiallari bilan shartlangan omillar.
2. o’qituvchi faoliyati bilan yaratilgan omillar.
3. talabalarning ota-onalari tomonidan yaratilgan omillar.
4. talabalarning individual xususiyatidan kelib chiqadigan omillar.

Biz tadqiqot jarayonida talabalar mustaqil ta’lim olish faoliyatining konseptual modelini ishlab chiqdik.

[1]. Tolipov M., Isomiddinov C. Talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish. // Xalq ta`limi. 2006. №2

2. Muslimov N.A. Bo`lajak kasb ta`limi o`qituvchisini kasbiy shakllantirish. Monografiya . Toshkent. 2004. O`z FA «FAN». -

3. Derajne Yu. Mustaqil talim olish tizimi. // Kasb-hunar ta`limi. 2001.

PLANAMETRIYA KURSINI O’QITISHDA AKT DAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Anvarjon Sharipovich Rashidov, BuxDU
Qutliyeva Zulxumor Olimovna, Buxoro Yengil sanoat va pedagogika KHK

Har bir shaxsni, uning yuksak ma’naviy fazilatlarini kamol toptirish, milliy istiqlol mafkurasini shakllantirish, yosh avlodni boy madaniy merosimiz hamda tarixiy qadriyatlarimizga hurmat, mustaqil vatanimizga mehr muhabbat ruhida tarbiyalash talablari oldimizga muhim vazifalarni qo’ydi.

Jumladan maktab, akademik litsey, kasb hunar kollejlari va oliy o’quv yurtlarida darslarni interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, hamkorlikda o’qitish texnologiyalarini o’quv jarayoniga qo’llashga qiziqish kundan - kun ortib bormoqda. Shu vaqtgacha an’anaviy ta’limda o’quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o’rgatilgan bo’lsa zamonaviy texnologilar ularni egallayotgan bilimlarni o’zlari qidirib topishga, mustaqil o’rganib, tahlil qilishlariga hatto xulosalarni ham o’zlari chiqarishlariga qaratilgandir.

Tabiiyki, bu masalani hal qilishda ta’lim tizimining o’rni beqiyos. “O’zbekiston Respublikasi umumta’lim maktablarini axborotlashtirish” to’g’risidagi O’zbekiston Rexpublikasi Prezidentining Farmoni va Vazirlar Mahkamasining bu sohadagi Qarorlari ta’lim tizimida amalga oshirilishi kerak bo’lgan vazifalarni belgilab berdi.

AKT dan foydalanishning afzallik tomonlari shundan iboratki bunda o’quvchilar:

1. Faol ishtirok etadi.
2. Tezkor ta’lim oladi.
3. Bilimlarni xotirada saqlaydi
4. Mustaqil fikrlashga undaydi
5. Muommolarni mustaqil yechish va qaror qabul qilish ko’nikmalari shakllanadi.
6. Qabul qilingan qarorlar asosida aniq natija bera oladigan xulosalar chiqaradi
7. Yuqori darajada tafakkur qiladi.

Ma’lumki, inson ma’lumotning ko’p qismini ko’rish ($\sim 80\%$) va eshitish ($\sim 15\%$) organlari orqali qabul qiladi (bu avvaldan aniqlangan va kino hamda televideniyada undan samarali foydalaniladi). Mul’temediali texnologiyalar ushbu muhim sezgi organlarining bir vaqtda ishlashiga yordam beradi. Dinamik vizual ketma – ketlik (slayd – shou . animatsiya , vidio) ni ovozli tarzda namoyish etish orqali insonlarning e’tiborini ko’proq jalb qilamiz.

Mul’timedia dasturlarni yaratishga imkon beruvchi bir nechta dasturlar mavjud. Macromedia Direktor, Macromedia Flash yoki Authoware Professional kabi paketlar yuqori darajadagi professional va qimmat vositalar hisoblanadi , shu bilan birga FrontPage, mPower 4.0, HyperStudio 4.0 va Web Workshop Pro

ularning oddiyroq va arzonroq anologlari hisoblanadi. PowerPoint va matn muharrirlari (masalan, Word) kabilardan ham chiziqli va chiziqsiz mul'timediali resurslar yaratishda foydalanish mumkin. Borland Delhi ham mul'timediali ilovalar ishlab chiqish vositasi hisoblanadi.


Quyidagi vositalar oson o'qish va tushunish mumkin bo'lgan to'liq hujjatlar bilan ta'minlangan . Albatta, yana ko'plab boshqa ishlab chiqish vositalari borki, sanalganlar o'rniga ulardan foydalanib ham bir xil natijaga erishish mumkin.

Mul'timedia materiallarining potensial afzalliklari haqida Mayer shunday degan "Matn va grafika o'rtasidagi aloqalar mavzuni chuqurroq tushunishga va mental model (tasavvur) ning yaxshiroq shakllanishiga keng imkoniyatlar yaratadi" .

Geometriya fanining planametriya kursini o'quvchilarga tushuntirishda ko'proq geometrik shakllardan foydalanishimizga to'g'ri keladi .Bunda ayrim feguralarni slaydlar yordamida animatsiya qilib ko'rsatsak ularni ongiga tezroq yetib boradi.Masalan aylana uzunligi mavzusini quyidagicha tushuntirish mumkin.

Teorema. Aylana uzunligining diametriga nisbati aylanaga bog'liq emas , yani har qanday ikkita aylana uchun bir xildir.

Bu teoremni tushuntirish uchun Power Point dasturini ochib uzunligi l_1, l_2, l_3 , radiuslari R_1, R_2, R_3 bo'lgan aylanalar chizib olamiz. Har bir aylana uchun alohida animatsiyalarni belgilab olamiz. Natijada o'quvchilarga tushuntirayotganimizda uzunligi turli xil bo'lgan aylanalarni diametrga bo'lganda ham ular o'zaro tengligini ko'radi, shundan so'ng o'qituvchi π soni haqida qisqacha ma'lumot berib aylana uzunligi $l = 2\pi R$ formula bilan hisoblanadi deb mavzuni tugatadi va masalalar ishlatadi.



$$\frac{l_1}{2R_1} = \frac{l_2}{2R_2} = \frac{l_3}{2R_3} = \pi$$

Adabiyotlar

1. Maktabda komunikatsiya texnologiyalari Toshkent "Abu matbuot – konsalt" 2011 240 bet.
2. Geometriya 7-11 .A.V.Pogorelov 202 bet

Al VA KHK TALABALAR UCHUN IJODIY FIKRLASHINI RIVOJLANISHIDA MASALA VA IJODIY MASALALARNING O'RNI

Anvarjon Sharipovich Rashidov, BuxDU
Oygul Olimovna Xalloqova, Buxoro yengil sanoat va pedagogika KHK

Psixologiyada masala yechish tushunchasi faoliyat konsepsiyasi bilan tushuniladi. Fikrlash deb biz masalani yechish faoliyatini tushunamiz. Fikrlash faoliyati yuqori darajadagi faoliyatlar majmui bo'lib o'zida tahlil, umumlashtirish va sintez operatsiyalarini mujassamlashtiradi. Fikrlash faoliyatining ob'ekti sifatida geometrik masalani qarasak, ushbu faoliyat nazariy jarayonda amaliy javob talab qiladi, ma'lum va noma'lum elementlar o'rtasidagi bog'lanishini ochib beradi. Fikrlashda faoliyat maqsadi, harakatlar, operatsiyalar ajratiladi va bular ichida rejalashtirish, nazorat va baho muhim ahamiyatga egadir. Shunday qilib, masalaning yechilish jarayoni berilgan ma'lumotlardan foydalanib talab topilayotgan javobgacha bo'lgan faoliyatlar yig'indisidan iborat bo'ladi.

Talabalar ko'psonli masalalarni darslarda, darsdan tashqari to'garaklarda, ilmiy seminar mashg'ulotlarda va matematik olimpiadalarda yechadilar. Ushbu masalalarni ikki guruhga ijodiy va ijodiy bo'lgan masalalarga ajratish mumkin. Ijodiy masalani ta'lim jarayonida unumliishlatish va mustaqil

fikrlashni rivojlantirish uchun masalaning strukturasini, tabiatini va mazmunini tamomila tushunish lozimdir.

Ijodiy masala mohiyati masala yechish uslubi yangi elementlarining mavjudligi, yangi bilimlarga ega bo‘lish borasidagi g‘oyalar, yechim natijasining yangiligi va masalaning yuqori darajadagi murakkabligi sifatida qarash mumkin.

Ijodiy masala, masalani yechayotgan talaba o‘zining qobiliyati, xususiyatlariga ko‘ra masalada qo‘yilgan savolga cheksiz qiziqib va chuqurroq o‘rganishga kirishishini ta’minlaydi, fikrlashga undaydi. Masalaning sharti esa faoliyat uslubini aniqlaydi. Bizning fikrimizcha, ijodiy jarayonda shartni, talabni va yechim uslubini bir-biridan ajratish mumkin emas.

Masalani yechish uchun talaba yangi yechish uslubini qidiradi, faoliyat yunalishini aniqlaydi va bu bilan masala shartlarini o‘zgartiradi, maqsadiga aniqlik kiritadi.

SHunday qilib, g‘oya Ijodiy masalaning asosiy qismi bo‘lib xizmat qiladi va evristik vazifani bajaradi, ya’ni talabalarda ijodiy faolikka undovchi masala qobiliyati tushuniladi.

Ijodiy topshiriqlarga quyidagilarni kiritish mumkin: masala tuzish mashqlari; masalalarni turli yechish uslublari va turli yechimi bo‘lgan masalalar.

Ijodiy masalalarning xususiyatlarini nazarda tutib, geometrik masalalarni yechishdagi mustaqil fikrlashni rivojlantiruvchi 4 tadarajani ajratish mumkin:

- aniq amallarning bajarilishi, tizimli tasavvurga ega bo‘lgan natijalarga erishish.
- turli mavzu va bo‘lim mazmunlaridan foydalanib masaladagi amallar majmuini bajarish.
- fan mazmunidan foydalanib, ichki tasavvurlar tizimi darajasida bajarishni talab qiladigan masalalarning amallar majmuisini bajarish.
- fanlararo bilimlardan foydalanib, fanlararo va tizimlararo tasavvurlar darajasida bajariladigan ijodkorlikni talab qiluvchi masalalarning amallar majmuasini bajarish.

Masalaning xususiyatlari geometriyada juda qisqa yo‘nalishda namoyon bo‘ladi: aniq geometrik figuralarni o‘rganishda, ularning belgi, xossalari va o‘zaro joylashishi. Ularning yechimida chizmalar, rasmlar, modellar katta ahamiyatga egadir.

Talabalarni bilim olishga yo‘naltiradigan, ularning mustaqil fikrlashini rivojlantirishning eng qimmatli vositasi masala tuzish va uni yechishdir. Odatda yangi bilim isbotlashga tayyorlangan masala ko‘rinishida ifodalanadi. Masala tuzish jarayoni talabalar hayotida xursandchilik olib kiradi.

Masalalar tuzish– muammoli evristik usul bo‘lib, uning asosiy etaplari quyidagilar: muammoli jarayonni fahmlash va sezish; muammoning qo‘yilishi, uning tahlili; masalalar tuzish; tuzilgan Masalani yechish.

Masalalar tuzishning quyidagi turlarini keltiramiz: masala shartiga oid so‘roqlar tanlash; so‘roqqa oid shartlar tanlash; rasmlar, hikoyalar va maqolala rbo‘yicha masalalar tuzish; qisqacha yozuv shartlari bo‘yicha masalalar tuzish; masalalar yechimining yozuv bo‘yicha masalalar tuzish; aniq amallarga yoki birqancha aniq amallarga oid masalalar tuzish; berilganlarga o‘xshash masalalar tuzish; berilganlarga teskari bo‘lgan masalalar tuzish; boshqa masalalarni umumlashtirish bilan masalalar tuzish; inkor qiluvchi masalalar tuzish – tasdiqlovchi mashqlar tuzish.

Talabalar ijodiy fikrlash faoliyatini rivojlantirishda masalalar tuzishning quyidagi usul va qoidalari muhim ahamiyatga ega: isbotlashga oid masalalar tuzish; berilganlarga teskari bo‘lgan masalalar tuzish; rasmlar bo‘yicha va shartning qisqacha yozuviga ko‘ra masalalar tuzish; o‘xshashlik usulidan foydalanib masalalar tuzish.

Umumiy holda, **isbotlashga oid masala tuzish** mexanizmini quyidagi amallar ketma-ketligi yordamida rivojlantirilishi mumkin: masalalar tuzishning predmeti va maqsadini tanlash; masalalar tuzishni vujudga keltiradigan holatlarni tahlil qilish; masalaning yangi bilim beradigan ob’ekti haqida; ma’lumotlarni isbotlashga yordam beradigan tarzda rivojlantirish; tuzilgan masalani yechish.

Masala tuzishning holatini ikki usul bilan tahlil qilish mumkin: 1) yasashlar va o‘lchashlar asosida; 2) mantiqiy natijalar va tanlangan shartlarning xulosalari yordamida. **Birinchi holda** faqat isbotlagandan keyin yangi bilimlar beradigan g‘oyaning namoyon bo‘lishi tahlil qilinadi. **Ikkinchi holda** olingan yangi bilim va uning haqqoniyligi qo‘shimcha isbotlashga muhtoj bo‘ladi, shuning uchun tuzilgan masalani yechish bilan to‘g‘ri qo‘yilganligini ham aniqlab olish kerak. Isbotlashga oid masalalarni tuzish usullarini egallash uchun talabalar analiz, sintez, induksiya, deduksiya, taqqoslash, aniqlash, umumlashtirish kabi fikrlash operatsiyalarini egallagan bo‘lishi kerak. Qaralayotgan usulni rivojlantirish uchun talabalarga o‘quv topshiriqlari beriladi. Bu topshiriqlarni berishdan maqsad masala tuzishning zarur ekanligini tushunib olish, tuziladigan masalalarda qanday g‘oya yotganligini, qanday nazariy materiallar kerakligi aniqlab olinadi, talabalarda matematikaga bo‘lgan qiziqishni uyg‘otadi, ularda qiziqish javobgarligini ta’minlaydi va h.k.

Masalani rasmi yoki uning qisqa yozuvi bo‘yicha masala matnini tuzish.

Rasm – bu o‘zida o‘quv axborotlarini, juda boy imkoniyatlarni mujassamlashtirgan usuldir. Talabalar rasmni butunlayicha qarashlari mumkin. Ular rasmni qismlarga ajaratib, ular orasida

bog‘lanishlar o‘rnatadi, yordamchi yasashlar bilan yangi elementlar kiritiladi, ya’ni rasmga masalalar echish jarayonining yordamchi modeli sifatida qaraladi. Lekin bu aytilganlarning barchasi talabalarga tayyor holda berilmaydi, balki asta-sekin amaliyotda shakllantirib boriladi, xususiy holda rasm va qisqa yozuv shartlari bo‘yicha tayyor masalalarni yechish bilan ham bunday rivojlantirishlarni amalga oshirish mumkin.

Bunday masalalarni echish uchun ko‘p vaqt ketmaydi, ularni og‘zaki echish mumkin. Bunday masalalarni echishning metodik ahamiyati shundan iboratki, talaba o‘qituvchining ba’zi bir grafik tasvirlashlarini ko‘rib qolmasdan, balki real jarayonni ko‘radi, bunday masalalarni echish uchun geometrik bilim kerak. Bunday masalalarda masala matni so‘zlar vositasi bilan ifodalangan bo‘ladi. Rasm bo‘yicha masalalar tuzishning metodikasi haqida gap borganda mustaqil masalalar tuzdirishga talabalarni o‘rgatish eng muhim rejali ish hisoblanadi. Buishni amalga oshirish bilan talabalarning mustaqil fikrlash faoliyatining shakllanishiga katta xissa qo‘shgan bo‘lamiz.

Analogik usul bo‘yicha masala tuzish analogiya kamida ikkita ob’ekt orasidagi bog‘lanishni o‘rnatadi. Agar A ob’ekt V ob’ektga o‘zining belgilari va munosabatlari bilan analogik bo‘lsa, bunday holda analogiya simmetrik munosabatdan iborat bo‘ladi. Analogik usul inson dunyoni bilishining tarixan birinchi usullaridan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. H.Z. Ikromova, Hozirgi zamon tabiiy-ilmiy va aniq fanlarning shakllanish asoslari, Toshkent, OPI,2011y,57 bet.

КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Г.А.Ихтиярова, М.Б.Гулямова, Бухоро давлат университети
М.А.Сафарова, Қарши давлат университети

Маколада кимё фанларидан ўқитиладиган маъруза ва лаборатория машғулотларини автоматлаштириш мақсадида яратилган электрон дарсликларнинг роли хақида маълумотлар келтирилган.

В статье приведены сведения о роли электронных учебников для автоматизации лекционных и лабораторных занятийпо предмету химия

In the article shows the information about the role of electronic textbooks to automate the lecture and laboratory sessions on the subject of chemistry.

Ключевые слова: *электронный учебник, информационная технология, аннимация, програмирование*

Keywords: *electronic textbook, information technology, animation, programming.*

Замонавий ахборот технологияларнинг жадал суратлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда ундан барча соҳаларда самарали фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда.Кимё таълимида ахборот технологияларидан (АТ) фойдаланиш ўқув жараёнини бошқаришнинг самарадорлигини оширишга олиб келади [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўқув жараёнининг моддий техник ва ахборот базаси етарли эмаслигига, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш щртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали алоқадорликнинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради, деб кўрсатиб ўтилган. Шунинг билан бир қаторда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойихаларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш орқали илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора тадбирини ишлаб чиқиш, илғор ахборот ва педагогик технологияларини амалга ошириш учун тажриба майдончалари барпо этиш орқали эса илмий тадқиқотлар натижаларини таълим тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш, замонавий ахборот технологиялари, компютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бориши белгилаб қўйилган.

Кимё фанидан электрон дарслик университет, институтларнинг талабалари учун ўқиладиган маъруза ва лаборатория машгулотларини автоматлаштириш мақсадида яратилади [2-3].

Талаба яратиладиган электрон китоб орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин:

1. Зарурий маъруза ва лаборатория ишларини режа асосида тезда излаш (оддий дарсликда буни топиш қийин);
2. Китоб ва дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни: тажрибалард асодир бўладиган одисаларни – газнинг ажралиши, моддаларнинг ёнишини, чўкманинг ранги, унинг эришини видеода жонли овоз, рангли тасвир, мусиқа ёрдамида ҳаракат элементларини кўриш ва эшитиш;
3. Мавзуга тегишли реакция тенгламаларинива тажрибаларни анимацион кўриш;

4. Кимёвий формулалар, схемаларнинг тузилишини, тасвирини анимацион кўриш;
5. Матннинг зарурий лавҳаларини принтер оркали босмадан чиқариш;
6. Маърузада олган билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, масалаларни ечиши, жадвални тўлдириш каби);
7. Кимё сохасидаги мухим тарихий саналарни билиш;
8. Кимё сохасида изланишлар олиб борган олимлар билан танишиш,уларни кўриш, хамда улар хакида маълумотлар олишга муяссар бўладилар.

Электрон китоб оркали талабалар маърузада олган билимларини синаб кўриш имкониятига эга бўладилар. Кимё лабораториясини бажариш жараёнида замонавий ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш ўқитувчи учун ҳаддан ташқари имкониятлар эшигини очиб беради. Бундай воситалар ёрдамида дарс жараёнини ташкил қилинса, талабалар диққати кўпроқ жалб қилинади, вақтдан ютилади, лабораторияда техника хавфсизлигига эътибор ортади ва таълим сифати яхшиланади. Бундан ташқари, электрон дарсликларнинг ютуғи шундаки фойдаланиш ва қоғозга чиқариш қулайлиги ва алоҳида кўрсатмаларга муҳтожлиги камлгидадир.

Демак, электрон китобнинг амалий аҳамияти шундаки, талаба ҳохлаган пайтда тажрибаларни такрор кўриши, ҳохлаган тажрибани ўқиб, эшитиб, ўрганиши мумкин.Бунинг натижасида олинган назарий билимлар янада мустаҳкамланади.

Адабиётлар

1. ҲожиевҚ.Т. Таълимда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўрсатгичиниошириш - давр талаби //Экологик мувозанатни сақлаш, чиқиндисиз технология ишлаб чиқариш, барқарор ривожланишда таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари. Нукус.- 2013.- 49б.

2. ҒафуровА.Ғ, МухаммедоваР.Т., АдизоваН.З. Ахборот технология-ларнинг кимё фани таълим сифатини оширишдаги роли// Экологик мувозанатни сақлаш, чиқиндисиз технология ишлаб чиқариш, барқарор ривожланишда таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари. Нукус. -2013. -50б.

3. Ихтиярова Г.А.,Дехканова Н.Ш.,Музаффаров Ф., Нуриддинова Ф.М.Kolloid kimyo fanidan elektron darslik yaratish afzalliklari // Урта махсус ва ОТ тизимида фаолият курсатаётган кадр компетентлигини такомиллаштириш. Респ илмий- амал конф. Бухоро. 2015. 282-283 Б.

“MICROSOFT OFFICE VA EXCEL DASTURLARI PAKETI” MAVZUSINI OLIB BORISHDA CASE-STUDY USLUBIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI.

Xalloqova Oygul Olimovna, Qutliyeva Zulxumor Olimovna,
Buxoro yengil sanoat va pedagogika KHK, Buxoro

Darsning mavzusi: Microsoft Office va Excel elektron jadvali interfeysi.
Ta’limiy maqsad: Talabalarga Microsoft Office va Excel elektron jadvali haqida ma’lumot berish.
Tarbiyaviy maqsad: Talabalarga iqtisodiy tejamkorlik tarbiyasini berish.
Darsning rivojlantiruvchi vazifasi: Talabalarning amaliy dasturlarda ishlash malakasini oshirish.
Darsning jihozi: Elektron jadval imkoniyatlari keltirilgan plakatlar, taqdimot materiallari
Darsning uslubi: Suhbat.

Darsning borishi.

I. Tashkiliy qism.
a) Davomatni aniqlash;
b) Talabalarning darsga tayyorgarligini aniqlash.

II. O‘tgan mavzularni takrorlash.
1. Elektron jadvalning vazifalarini aytib bering.
2. Matn muharrirlari bilan elektron jadvallarining asosiy farqi nimada?
3. Elektron jadval dasturi yordamida qanday fayllar hosil qiladi?

III. Yangi mavzuni o‘rganish.

Yangi mavzu bayoni ma’ruza matnlarida berilgan ma’lumotlar asosida taqdimotlar tayyorlanib namoyish etiladi.

IV. Mustahkamlash.

Talabalarda dasturni ishga tushurish, ma’lumotlar kiritish va jadvaldagi ma’lumotlar bilan ishlash ko‘nikmasini xosil qilish maqsadida Case-study uslubidan foydalanamiz. Talabalarga quyidagi keysni taklif etamaiz:

Siz bir korxona raxbarisiz. Korxonaning yillik daromadlari, ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarini aniqlash uchun jadval tuzish kerak. Buning uchun quyidagi savollarga javob topish lozim:

1. Korxonada ishlab chiqirilgan maxsulotlar turi, miqdori, tan narxi, sotuvga chiqarilgan narxi, farqi haqida ma’lumotlarni aniqlash.

2. Ma’lumotlarni elektron jadvalga kiritish uchun jadval tuzish.
3. Jadvalni tahrirlash.

Talabalarni guruhlarga bo‘linadi va ma’lumotnomani tayyorlash uchun har bir guruhga 15 daqiqa vaqt ajratiladi.

Keys bilan ishlash:

1. Ishlab chiqariladigan maxsulotlar tri, miqdori, tan narhi, sotuvga chiqarilgan narhi, farqi kabi ma’lumotlar aniqngandan so‘ng, ularni kiritish uchun qulay dastur tanlanadi.
2. Elektron jadval bilan ishlash uchun Excel dasturini ishga tushurish usullarini ko‘rib chiqiladi.
3. Dastur interfeysi bilan tanishib chiqiladi.
4. Ma’lumotlarni jadvalga kiritishda uni kengligini ma’lumotga mos ravishda o‘zgartirish usullari ko‘rib chiqiladi.
5. Jadval chegaralarini xosil qilish usullari aniqlandi.
6. Tayyor hujjatni chop etish usullari ko‘rib chiqiladi.

Berilgan savollarga javob berish uchun guruxdan bir vakil chiqib izohlaydi.

Kutilayotgan natija:

Excel elektron jadvalini ishga tushurish usullarini o‘rganish (Pusk-Vse programmi-Microsoft Office-Microsoft Excel 2010; Pusk-Vipolnit’- excel; Ishchi stolda mavjud bo‘lgan yorliq orqali).

Jadval katakchalaridagi ma’lumotlarni sig‘dirish uchun katakcha o‘lchovlarini o‘zgartirishni o‘rganish (Sichqoncha ko‘rsatkichini kerakli ustun yoki satr nomlari keltirilgan qatorga olib borib, chap tomonini bosgan holda siljitish; “Glavnaya vkladka”sining “Yacheyki” bandining “Format” buyrug‘i yordamida; Katakcha, satr yoki ustun tanlanib sichqonchaning o‘ng tugmasini bosib, ochilgan muloqot oynadan “Format” yacheek buyrug‘i yordamida).

Jadval chegaralarini hosil qilish usullarini o‘rganish (“Glavnaya vkladka”sining “Shrift” bandining “Granitsa” buyrug‘i yordamida; Katakcha, satr yoki ustun tanlanib sichqonchaning o‘ng tugmasini bosib, ochilgan muloqot oynadan “Format” yacheek buyrug‘ini tanlab, ochilgan muloqot oynaning “Granitsi” buyrug‘i yordamida).

Tayyor hujjatni chop etish usullarini o‘rganish (“Fayl” menyusining “Pechat” buyrug‘i yordamida; Ctrl+R tugmalar kombinatsiyasi yordamida; tezkor tugmacha yordamida). Jadvalni chop etishda sozlash imkoniyatlarini ko‘rib chiqish (Parametrq stranitsq buyrug‘i muloqot oynasidagi Ustanovit masshtab yordamida)

V. Uyga vazifa: Amaliy mashg‘ulot uchun berilgan topshiriqlarni ko‘rib chiqish va mustaqil bajarish.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. A.A.Abdukodirov, F.A.Astanova, F.A.Abdukodirova “Case-study” uslubi. Tashkent, Taffakur qanoti, 2012.

2. M.M.Aripov, T.Imomov, R.M.Irmuxamedova, M.V.Sagatov, A.T.Xaydarov, O.X.Yakubov "Informatika, informatsion texnologiyalar" 1-qism, Toshkent «TDTU», 2002, 320 bet.

3. M.M.Aripov, A.Axmedov, X.Z.Ikramova, R.M.Irmuxamedova, M.V.Sagatov, A.T. Xaydarov, O. X. Yakubov, M. Yakubova "Informatika, informatsion texnologiyalar" 2-qism, Toshkent «TDTU», 2002, 430 bet.

4. Boyko T. N. Ispolzovanie keys-texnologii s selyu aktivizatsii samostoyatelnoy uchebnoy deyatelnosti studentov. http://www.ethicscenter.ru/ ed/school2/materials/apressyan6.html

O’ QITUVCHINING BAHOSIDAN O’QUVCHINING O’ZINI- O’ZI BAHOLASHI

Yusupova Sanobar Sharipovna, Buxoro yengil sanoat va pedagogika KHK

Mamlakatimizda “Ta’lim tog‘risida”gi Qonun hamda “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ning qabul qilinganligiga 18 yildan ortiq vaqt o’tdi. Bu orada mamalakatimizda ta’lim-tarbiya tizimini isloh etish, ularni bir-biridan ajralmagan holda bir mutanosiblikda olib borish , yosh avlodni nafaqat intellektual rivojlanishini, balki jamiyat uchun har tomonlama foydali, yuksak axloqli va raqobatbardosh kadr etib tarbiyalashga oid juda ko’p dasturlar, metodik ishlanmalarga kishi diqqatini o’zining yangiligi, ijobiy va muhimligi bilan band etib, ta’lim islohotining mazmun mohiyatini takomillashib bormoqda.

Ma’lumki, Kadrlar tayyorlash milliy dasturida eng birinchi navbatda shaxs kamolotiga urg’u berilgan. Shaxs tarbiyasi, ayniqsa, o’qituvchi va o’quvchi o’rtasidagi ilk insoniy munosabat, “ Ustoz shogirdlik” an’analari kelajagimiz tarixidagi ko’pgina maktablardan ma’lum. Bugungi pedagogik jarayon mazkur masalaga kengroq qarash, insonparvarlik, bag’rikenglikni taqozo etmoqda.

Respublikamizda Umumiy-o'rta ta'lim maktablari uchun DTS ishlab chiqilganligi munosabati bilan o’quvchilar bilimini tekshirish va baholashga bo'lgan talablar ham ortmoqda. Hozirgi vaqtda qo’llanadigan tekshirish va baholash tizimi o’qituvchilarga ko’p qiyinchiliklar tug’diradi va ularning noroziligini

chiqaradi.Ularning asosli holda balli baholash tizimi o'quvchining bilimini aniq o'lchab va ajratib bera olmaydi va baholashda o'qishning sabablari va samarasi inobatga olinmaydi deb hisoblaydi.

An'anaviy baholash tizimi haqiqatdan ham o'qitish, tarbiyalash,aniqlash,rag'batlantirish to'liq hisobga olmaganligi uchun juda jiddiy yetishmovchiliklarga ega.Shunday ekan,undan voz kechish va undan yaxshiroq ishlab chiqilgan tizimga o'tish to'g'riroq emasmikin.Balki o'quvchilar bahoning jazolash funksiyasidan xalos bo'lgach yaxshiroq o'qirlar,o'z o'quvchilik majburiyatlariga sidqidilikdan yondasharlar.

Baho qo'yish tizimidan voz kechish bolaning o'qishga bo'lgan qiziqishni oshiradi,uni ichki intilishini kuchaytiradi degan umidlar,o'zini oqlamadi.Hozirgi kunda o'quvchilar bahoga qanday munosatdalar,98% boshlang'ich sinf o'qituvchilari baho qo'yish tizimini saqlab qolishni xohlaydilar. O'ylaymizki,yuqori sinflarda ham bu ko'rsatgich sabablari boshqa bo'lsa ham, o'zgarmay qoldi.

Baho tizimidan voz kechishning maqsadga muvofiq emasligini bir qiziq psixologik tekshiruv ham ko'rsatadi.Amerikalik psixologlar bahoning o'quvchi ta'limi samarasiga bo'lgan ta'sirini o'rganmoqchi bo'ldilar.Tajribaga ko'ra bir sinfda o'quvchilar ma'lum vaqt ichida javobning qandayligidan qat'iy nazar faqat maqtaniladi,boshqasida faqat kamchiliklar ko'rsatiladi,uchinchisida umuman hech qancha baholanmaydi. Tajriba natijalari shuni ko`rsatadiki, eng yaxshi natijalar o`quvchilar maqtanilgan sinfda bo`ladi. Ammo eng qizig`i shundaki, yomon natijalar ikkinchi sinfda emas, o`quvchilarning o`qish jarayoni hech qanday baholanmagan sinfda bo`ladi. O`quvchining o`qishga qiziqishi qanchalik yuqori bo`lmasin, ta'lim jarayoniga qanday ichki sabablari bo`lmasin u har doim tashqaridan rag`batlantiruvchi sabab, yordam va qo`llab-quvvatlashni kutadi. Bolaning nazarida baho orqali uni qo`llab –quvvatlovchi o`qituvchining hurmati oshadi.

O`qituvchining bahosi faqat o`quvchi bilimini programma talablari va ta'lim standartlariga solishtirib o`lchabgina qolmay, o`quvchining bilim olishga intilishini kuchaytiradi, ularning o`z-o`ziga baho berishini shakllantiradi.

Aytilganlardan xulosa qilish mumkinki, ham pedagogik va ham psixologik nuqtai nazaridan baho tizimini bekor qilish o`zini oqlamaydi. Uning har qanday kamchiliklariga qaramay shu paytgacha unga al'ternativ tizim topilgani yo'q.Shuning uchun faqat baho tizimini rivojlantirish,xatolarga yo'l qo'ymaslik haqida gapirish mumkin.Xatolarga esa,afsuski hali ko'p.

O'qituvchining o'quvchilar bilimini baholashda muhim xatolaridan biri turli o'quvchilar guruhlariga sub'yektiv yondashishdir.Bu bir o'qituvchining turli o'quvchilarga bir xil ish va bir xil javob uchun qo'ygan baholarida ko'rinadi.Farq ba'zi hollarda ikki ballgacha bo`lishi mumkin.Shu narsaga e'tibor berildiki,yillar davomida o`qituvchida turli o`quvchilar guruhlari haqida ma'lum tushunchalar va shularga asoslangan munosabat shakllanadi,bu yaxshi o`zlashtiruvchi va yomon o`qiydigan bolalarga nisbatan bo`lgan munosabatda yaqqol ko`rinadi.Ajratilgan munosabat yaxshi o`zlashtira olmaydigan o`quvchining javob berish uchun kamroq chaqirilishida,unga o`ylash uchun kamroq vaqt berilishda ham kamroq ko`rinadi.

Quyidagi vaziyatni ko'z oldigizga keltiring. Doska oldida yaxshi o'zlashtira olmaydigan o'quvchi javob beryapti. U o'ziga ishonchsizlik bilan qo'rqib gapiryapti. O'qituvchining bunga munosabati qanday? U o'quvchining javobini oxirigacha eshitmay, gapini bo'ladi, yomon baho qo'yish bilan birga " sen yana tayyor emassan" , " seni o'zgartirib bo'lmaydi" , " senga tushuntirishni foydasi yo'q" deydi.

Endi boshqa vaziyatga qaraymiz**.** Doska oldida a'lochi o'quvchi shunday yomon javob berdi. O'qituvchi bunday vaziyatda nima qiladi? U o'quvchiga yodlab yoki o'ylash uchun vaqt beradi**.** Ikkita bir xil vaziyatda o'qituvchi oldida qanday o'quvchi turganiga qarab o'zini ikki xil tutadi. Bu ikki xil munosabat oldindan shakllangan tushunchaning natijasidir. Ko'rsatilgan misollar subektiv yondashishning ko'rinishidir. Shunday munosabat esa maktab bahosining tarbiyalovchi rag'batlantiruvchi, o'zlashtirishni kuchaytiruvchi ta'sirini kamaytiradi.

Amerikalik pedagog bilim o'quvchining nutq tezligi bahoga ta'sir qiladi deb hisoblaydi. Buni maxsus tajribalar ham tasdiqlaydi. Geografiya fanidan bir material o'quvchi tarafidan ikki marta aytib berildi: birinchi marta 16 minutda ikkinchi marta 24 minutda. Javobgar videokassetaga yozib olindi. So'ngra 81 ta geografiya o'qituvchilari tez yoki sekin yozilgan javobni baholadilar. Tezroq aytilgan javob uchun esa 2,5 ball baho qo'yildi. Tajriba avtorlari o'quvchi nutqining yuqori tezligi o'qituvchilarda unda chuqurroq bilim va qobiliyat bilan bog'liq degan tushuncha bor degan xulosaga keldilar.

O'qituvchilar o'quvchi nutqining tezligi uning uning bilimiga emas, nerv sistemasining tuzilishiga bog'liqligini bilmaydilar. Flegmatik tipdagi o'quvchiga sekin harakat qilish, bir turdagi ishdan ikkinchisiga sekin, qiyinchilik bilan o'tish xarakterli bo'ladi, unga savolni tushunish va javobga ko'proq vaqt sarflaydi. O'qituvchi esa buni o'zgacha tushuradi. Har xil nerv sistemali o'quvchilarga nisbatan qilingan xato baho tizimining kamchiligi emas, o'qituvchining subektiv, o'quvchilarning nerv sistemasi tuzilishini bilmasligi tufayli xatosidir.

Maktab ish faoliyatida ko'pincha o'quvchilarni bir – birlariga taqqoslanadi, birining o'qishidagi muvafaqqiyatlari ikkinchisiga uni uyaltirilib maqtaladi "Qara, u qanday yaxshi o'qiydi" , soddadillik bilan ikkinchisi ham yaxshi harakat qilishiga ishoniladi.

O’quvchilarni bir – biriga taqqoslash, solishtirish maqsadga muvofiqmi? Bunday taqqoslash yaxshi o’zlashtira olmaydigan o’quvchini rag’batlantira oladimi? Yuqoridagi savollarga javob olish uchun psixologik test o’tkazildi. Sinfda o’quv yili davomida o’quvchini faqat o’zi bilan taqqoslanadi, faqat uning o’ziga o’qituvchi yutuqlari, bilim saviyasi haqida ma’lumot beradi.Boshqa sinfda bir o`quvchining yutuqlari unga imkoniyatlari bo`yicha teng boshqalarning ish o`qish natijalari bilan taqqoslanadi,uchchinchisida esa umuman taqqoslash bo`lmadi.O`quv yili oxirida eng yaxshi yutuqlar bir xil imkoniyatli,lekin o`qishda turli munosabatda bo`lganligi sababli turli natijalarga erishgan o`quvchilarni taqqoslangan sinfda bo`ldi.Taqqoslash bu yerda o`quvchini siqib qo`ymaydi,balki unga yordam berdi.O`quvchi o`zi bilan taqqoslangan sinfda ham yaxshi natijalar qayd etildi.Yaxshi o`zlashtiruvchi va yomon o`zlashtiruvchi bolalar taqqoslangan sinfda esa umuman boshqacha natija kuzatiladi.

O`tkazilgan tajribalar avtorni quyidagi xulosaga keltirdi:”O`quvchilarni bir-biriga shunday taqqoslash kerakki,birini maqtash yoki ikkinchisini kamsitish emas,balki o`quvchilarni yaxshiroq natijaga erishishga,shaxsiyatni rivojlantirishga undash,rag`batlantirish kerak”

K.D.Ushinskiy o`quv-ta’lim jarayonida bolalarning taqqoslashini noto`g`riligini isbotlash uchun”Tarbiyachi bola hech qachon boshqalarga taqqoslab maqtamasligi kerak,faqat uning oldingi yetishmovchiliklarga,yaxshirog` esa umuman yetishish mumkin barkamollikka taqqoslash mumkin”,Bolalarni bir-birga taqqoslash ,birini ikkinchisiga o`rnak qilib ko`rsatish pedagogik tarafdangina emas,ma’naviy tarafdan ham o`zini oqlamaydi.Ayolga uni kim bilandir solishtirishganda yoqmaydi,u hech kimga o`xshamaslikni,betakror bo`lishni xoxlaydi.O`quvchi ham shunday.Tarbiyaning odamiylik tarafi bolani qanday bo`lsa shundayligicha qabul qilish,uning o`sib shaxs sifatida rivojlanishiga sharoit yaratishdir.O`qituvchi tarafidan bolani baholashda yo`l qo`yiladigan xatolar-o`quv ta’lim jarayoning buzilishiga olib keladi. U shunday tizimga tegishli bo`lgan kamchiliklarni kuchaytiradi va uning samarasini pasaytiradi.

O `quvchi o`zini baholaydi

O `quvchilar bilimini baholash atrofidagi tortishuvlar, baholash tizimlarini takomillashtirish va yangilarini izlash, menimcha noto`g`ri yo`nalishda bormoqda.Albatta o`n ballik tizim kiritish yoki baholardan unuman voz kechish mumkin, har xil tekshiruv usullarini-test,imtihon qo`llash mumkin,lekin mazmun o`zgarmaydi:o`quvchi va uning o`quv-ta’lim olish jarayoni o`qituvchining boholash ob’yekti bo`lib qoladi.

Mening nazarimda baholash tizimining samarasini oshirishning eng sermahsul yo`li bu o`quvchining baholashda aktiv qatnashuvchiga aylanishidir: o`qituvchining bahosidan o`quvchining o`z-o`zini baholashga o`tishdir, yana ham yaxshirog`i bu ikki xil baholashni birga olib borish. Faqat tekshiruv va baholash ko`nikmalarini o`tilganligi o`quvchini o`quv jarayoninig sub’yektiga aylantiradi. Shunday qilib , gap o`quvchining o`z-o`zini baholashi haqida ketyapti. O`z-o`zini baholashni o`tilishiga qanday omillar olib keladi? Maktab o`quvchisi o`z-o`zini to`g`ri baholashni o`rganishi uchun ularni birinchidan, o`zining o`quv jarayoniga kiritish. O`z –o`zini baholash quyidagi omillar qo`llashda shakllanadi.

1. O`quvchi tarafidan boshqa o`quvchining ishini baholash,ya’ni bir-birini baholash. Maqola avtorining fikriga ko`ra, sinfdoshning ishi haqida ma’lumotning borligi o`z-o`zini baholash ko`nikmasining hosil bo`lish shartlaridan biridir.

2. Ishni bajargan o`quvchi o`ziga baho qo`yadi,so`ngra bu ishni o`qituvchi baholaydi.Ikkita qo`yilgan baho solishtiriladi va birinchi qo`yilgan bahoning to`g`riligi tekshiriladi.

Quyidagi usullarni qo`llash mumkin: og`zaki berilgan javobdan so`ng o`qituvchi javob bergan o`quvchidan u o`ziga qanday baho qo`ygan bo`lishini so`raydi.

Shu asosda o`qituvchida uning yangi psixologik rivojlanish-pedagogik refleksiya paydo bo`ladi.

Shunday qilib, analiz prinsiplarini egallash o’qituvchiga pedagogik jarayonni butunlay ko’rishga, va mazmuni, logikasini va qonuniyatlarini tushunishga, xatolar, qiyinchiliklar sababini topishga yoki yo’qotishga yordam beradi.

Adabiyotlar

1. “Ta`lim to`g`risida”gi qonun
2. R.Mavlonov, O.To`rayeva va boshqalar. Pedagogika “O`qituvchi” Toshkent – 2008 y

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ В ВУЗОВСКОМ КУРСЕ ГРАФИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

Абдуллаев С.Ф., доцент кафедры «Изобразительное искусство и инженерная графика»
Ядгаров Н.Д. к.п.н., доцент кафедры «Изобразительное искусство и инженерная графика»

Резюме:*В статье рассмотрены психолого-педагогические аспекты и условия формирования профессионального мышления студентов при овладении графическими учебными дисциплинами.*

В процессе формирования необходимых для педагога личностных качеств особое место занимает профессиональное мышление.Особенно большое значение имеет профессиональное мышление для графической деятельности студентов направления образования «Изобразительное искусство и инженерная графика». Развитие профессионального мышления есть важнейшее условие и предпосылкауспешности,будущей графической и педагогической деятельности.

Что же входит в понятие «профессиональное мышление»? Прежде всего необходимо отметить, что….. мышление есть высший познавательный процесс, направленный на раскрытие общих и существенных свойств, признаков предметов и явлений и имеющихся между ними закономерных связей. (7, с.149) Основу профессионального мышления составляет мыслительная деятельность. Графическая же деятельность – выполнение чертежа, эскиза, технического рисунка неразрывно связанас практической деятельностью, что и составляет особенность, специфику профессионального мышления у студентов графических дисциплин– проектного и геометрического черчения начертательной геометрии и др. Процессе мышления, его профессионализация в графической деятельности во многом зависит от развитостипространственного мышление, умения вычленить задачу, анализу исинтезу формы и конструкции графического объекта.

Какие же виды профессионального мышления связаны с пространственным мышлением и определяют успешность графической деятельности будущегоучителя черчения? На наш взгляд это прежде наряду с теоретическим и практическим мышлением развитое репродуктивное мышление, включающее в себя способы и приёмы графической деятельности. Важное значение для освоение студентами графических дисциплин имеетпродуктивное, творческое мышление, обеспечивающее эффективность работы. И конечно, решающее значение имеет развитие наглядно-образного мышления, означающее мысленное представление всех этапов и конечного результата труда т.е. графического объекта,к примеру, при решении задач проекционного черчения нахождение третьей проекции, наглядное изображение детали в аксонометрии выполнение необходимых разрезов и др. Как отмечает исследователь Е.И.Корзинова, «совершенствование профессионального мышления может состоять, с одной стороны, в его спецификации [в данном случае в вузовском курсе графических дисциплин-авт.] с другой, в выходе в более широкий жизненный контекст из профессии, а также в возрастании его целосности, гибкости и др» (2, с 176)

Формирование пространственного мышления в вузавском курсе графических дисциплин, продуктивность его формировния достигается, таким образом через использованиеследуюших факторов;

– Содержание учебных заданий, направленных на развитие творческой активности студентов

– Разработка специальных учебных упражнений развиваюших пространственные представления о графических дисциплинах, использование в этих целях времени, отведенного на самостоятельное образование, разработка рациональных способов и приёмов творческого подхода в обучении и освоения графических дисциплин, осушествление систематического контроля и самоконтроль оценки результатов.

Необходимо отметить, что эффективность профессионального мышления во многом зависить от воспитания у студентов творческого отношения к своей графической деятельности,формирования осознанного, устойчивого интереса к основным дисциплинам графики – черчению, начертательной геометрии и др. Творческий подход творческое отношение может возникнуть только в результате учебной деятельности, т.е специально организованными условиями, обеспечиваюшиеустойчивый познавательный интерес студентов к графической деятельности, что связано, в свою очередь с мотивацией обучаемых, их интересом к своей будушей профессии.

Каковы же критерии психологической оценки сформированности профессионального мышления и пространственных представлений у студентов в процессе освоения вузовского курса графических дисциплин? В качестве инструментария можно взять за основу критерии психологической оценки, предложенной исследователем Борисом Менделой:

– Фактор оптимистичности-измерение удовлетворенности работой и обязательства.

– Индекс деятельности – показатель удовлетворенности системой организации обучения студентов.

– Мониторинг системы психолого – педагогического сопровождения – он, конечно, должен соответствоватьцелям развития, обучения и воспитания в вузе.

– Возможны несколько уровней проводимого мониторинга,пишет ученый, проанализировано содержание образовательного процесса (3,с, 53).И хотя метод, предложенной Б.Манделой касается мониторинга в целом вуза, он вполне может быть примением к конкретным целям и объектам образования.

Таким образом, важными составляющими пространственного мышления, условием его профессионализации в графической деятельности будущего специалиста инженерной графики являются:

– Теоретическое мышление, основанное на системном анализе и синтезе свода правил и закономерностей, научно-теоретических основ начертательной геометрии и проекционного черчения;

– Репродуктивное мышление, связанное с определенными умениями и навыками способов и приемов графической деятельности;

– Продуктивное, творческое мышление, обеспечиваюшее творческий подход к делу, умение постановки учебных задач и творческий подход в их решении;

– Наглядно-образное мышление, наглядное пространственное представление конечного графического образа.

Вместе с тем в развитии пространственного мышления большую роль играет аналитическое, логическое мышление, которое в совокупности и обеспечивают воспитание профессионального мышления и способствуют успешному освоению вузовского курса графических дисциплин.

Использованная литература:

1. В.С.Кузин. Психология. Из.2-е, -Москва, «Высшая школа», 1982 – 266 с.
2. Е.И.Корзинова. К проблеме развития профессионального мышления и педагогического творчества. Художественно педагогическое образование: современное состояние, перспективы развития. Сб. статей. –Москва, «Век книги» 2002-406 с.
3. В.Мандель. Принципы, цели и проблемы психолого-педагогического сопровождения образовательного процесса в современном высшем учебном заведении. –Бухара, «Психология» № 4 (16), 2014-120 с.

1-SINF MATEMATIKA DARSLARIGA ILG‘OR PEDAGOGIK VA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASH

M.I.Toshpulatova, Nizomiy nomidagi TDPU katta ilmiy-xodim izlanuvchisi

O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirligining 2013 yil 14 noyabrda «Umumta’lim maktablarida boshlang‘ich ta’limning samaradorligini oshirish to‘g‘risida»gi 365-b-sonli buyrug‘iga ko‘ra boshlang‘ich ta’limni rivojlantirish bo‘yicha muvofiqlashtiruvchi ishchi guruh tarkibi tasdiqlangan. Ushbu ishchi guruh rivojlangan chet el mamlakatlari hamda mamlakatimizdagi ilg‘or tajribalarni o‘rganib, ilmiy-metodik asoslangan xulosalar asosida “Boshlang‘ich ta’limni rivojlantirish dasturi”ni ishlab chiqdi.



Shunga ko‘ra, 1-sinflar uchun 5 ta fandan boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari uchun ta’lim jarayoniga joriy etish bo‘yicha metodik tavsiyalar yaratildi. Xususan, 1-sinf matematika fanida reja bo‘yicha 165 soat ajratilgan bo‘lib, undan 32 ta dars mavzusi uchun ilg‘or pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida dars ssenariysi hamda multimediali ilovalar keltirilgan.

Ushbu metodik qo‘llanma quyidagi mavzularni o‘z ichiga oladi:

Matematika fanini o‘qitishning maqsad va vazifalari, Ilg‘or pedagogik texnologiya nima?, Boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi faoliyatida axborot kommunikatsiya texnologiyalari, Ta’lim jarayonida ilg‘or pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, Narsalarning sanog‘i va ketma-ketligi, Uzun-qisqa, keng-tor, 1 soni, 2 soni, 3 soni, 4 soni, 5 soni, 6 soni, 7 soni, 8 soni, 9 soni, 0 soni 10 soni, To‘g‘ri chiziq kesmasi. Kesmaning uzunligi Sonlarni taqqoslash, Songa 5, 6, 7, 8, 9 sonlarini qo‘shish, Qo‘shiluvchilarning o‘rnini almashtirish, Kilogramm, Litr, Ko‘rburchaklar, Santimetr, Ikki xonali sonning tarkibi, 10, 11, 12 sonlari, Bir va ikki xonali sonlar, 20 dan 29 gacha bo‘lgan sonlar, Metr, Desimetr, Qavslar, Ikki amalli masalalar, Qo‘shishning qulay usullari, Ikki xonali sonlarni qo‘shish, 100 sonini hosil qilish, 100 dan bir xonali sonni ayirish, Uchinchi qo‘shiluvchini topish.

Maskur metodik qo‘llanma avvalgilaridan farqi shundaki, tanlab olingan dars ishlanmalari ilg‘or pedagogic texnologiyalari va multimediali ilovalari bilan boyitilgan. Bu qo‘llanma o‘qituvchilar uchun yangi mavzuni o‘quvchilarga tushuntirish jarayonida qulaylik tug‘diradi va vaqtdan unumli foydalanishga yordam beradi. O‘quvchilarni mustaqil fikrlashga va mantiqiy mushoxada yuritishga yordam beradi.

Mavzularga oid multimediali ilovalarda yangi mavzu bayoni, sonlarni yozilishi, sonlar haqida she’rlar, mavzularga oid multfilmlar, bolalar qo‘shiqlari, o‘quvchilarni matematik bilimlarini mustahkamlovchi trenajor mashqlar, geometrik bilimlarini shakllantiruvchi mashqlar keltirilgan. Biz quyida ilg’or pedagogik texnologiyalar va axborot kommunikatsiyali dars ishlanma keltiqdik.

Mavzu: 4 soni

Darsning maqsadi:
Ta’limiy: 1, 2, 3 soni haqida egallagan bilimlarini mustahkamlash, 4 sonining hosil bo‘lishi, yozilishi va 4 soni ichida misollar yechishga o‘rgatish.
Tarbiyaviy: Odob-ahloq qoidalarini darsga bog‘lagan holda tushintirib borish.
Rivojlantiruvchi: Matematika faniga qiziqishni oshirish, misolni mustaqil yechish ko‘nikmalarini rivojlantirish.
Dars turi: Aralash
Dars uslubi: Amaliy, suhbat, didaktik o‘yin.
Dars jihozi: 1-sinf “Matematika” darsligi,1-sinf “Matematika” daftari, mavzuga oid didaktik materiallar, ko’rsatma materiallar, AKT.
Darsning borishi.
Tashkiliy qism. Sinfning va o‘quvchilarning darsga tayyorgarligini ta’minlash. O‘quvchilarning kayfiyatini ko‘tarish.
O‘tilgan mavzuni mustahkamlash. Sanashni davom ettir.
O‘qituvchi biror sonni aytadi, masalan 4: “Sanashni davom ettir”,- deb biror o‘quvchining ismini aytadi. U o‘quvchi sanashni davom ettiradi: “Besh, olti, etti”, “Sanashni sen davom ettir, Akbar”, ”Sakkiz, to‘qqiz” va h.z.
Sonlarni teskari sanab ham o‘ynasa bo‘ladi. Masalan, o‘qituvchi 10 deb boshlaydi, o‘quvchilar davom ettiradilar.
1va 2, 2 va 3 sonlarini taqqoslang. 1 soni 2 dan 1ta kam shuning uchun 1< 2, 2 soni 3 dan 1ta kam yoki 3 soni 2 dan 1ta ortiq. 2<3, 3>2 kabi tushunchalar singdirib boriladi.
Taqqoslash predmetlar yordamida bajarilsa ham bo‘ladi.
3 soni haqidagi she’rni so‘rash.
3 dan keyin qanday son kelishi so‘raladi. O‘tilgan mavzu yangi mavzu bilan bog‘lanadi. Bugun biz yana yangi bir son bilan tanishamiz.
Yangi mavzu bayoni: Mavzu ekran orqali tushuntiriladi.

Men 4 degan raqamman,
Ikkita 2 dan jamman.
Bo‘lsa ikkita juft o‘rtoq,
4 ta bo‘lar o‘sha chog‘.
Otning bor to‘rt oyog‘i,
Yaqin bo‘lar uzog‘i.
Bir yilda 4 ta fasl,
Biri-biridan asl.





To‘rtgacha bo‘lgan sonlar lentasi ekranda ko‘rsatiladi. Unda sonlarning qo‘shnilari, sonning qtordagi o‘rni, sondan oldin va keyin keladigan sonlarni so‘raladi.


Ekranda “Ikki do‘st” multfilmidan parcha ko‘rsatiladi. Multfilm qahramonlari sanaladi va qanday voqea ro‘y berganligi haqida so‘raladi. Bunda o‘quvchilarda voqeani bayon etish, eslab qolish malakalari shakllanadi.



1 –misolni tushuntiriladi shoxda 3 ta qush qo‘nib turgani va ular oldiga yana bitta qush uchib keladi.




3+1=4 hosil bo‘lishi tushuntiriladi.
4 soni hosil qilinadi.Tarkibi tushuntiriladi.



2-misolda berilgan rasm asosida suhbat o‘tkaziladi.
-Abror qayerda turibdi?
-Suvda nechta o‘rdak bor? Sanaymiz 1,2,3.
Abrorning qo‘lida nechta o‘rdak bor? 1 ta
-Agar Abror o‘rdakni suvga qo‘ysa, suvdagi o‘rdaklar nechta bo‘ladi?
3+1=4 4-1=3
-Agar Abror o‘zi bilan o‘rdakni olib ketsa, nechta o‘rdak qoladi? 3 ta.
Yangi mavzuni mustahkamlash.
3-misolda berilgan taqqoslashga oid misollar xattaxtada o‘quvchilar bilan birga bajariladi.
2 <4 4>2 4 =4 4>3


Daftar bilan ishlash:

4 sonining yozilishi bilan tanishtirish. 4 sonini havoda yozib ko’rsatish. 4
Sonini yozilishi mashq qilish jarayonida o‘quvchilarning o‘g‘zaki va yozma nutqi mustahkamlanadi.



4 ham bir kabi chiziq,
Lekin turishi qiziq.
Bir oyoqda turadi,
Qo‘l ko‘tarib yuradi.

Ekran orqali paint dasturida 4 uchburchak, 4 ta doira va 4 ta to‘rtburchak yasash va ularni bo‘yash topshirig‘i beriladi.



Ekranda predmetlar orqali 4 sonini hosil qilish ko‘rsatiladi va mavzu mustahkamlanadi.

Darsni yakunlash:

Dars davomida faol qatnashgan o‘quvchilar rag‘batlantiriladi.

Uyga vazifa.

Rasmlarni bo‘yash. Og‘zaki masala tuzish.

Xulosa qilib aytganda, mazkur metodik qo‘llanma nafaqat o‘qituvchi balki ota-onalar va o‘quvchilar uchun ham mo‘ljallangan. Ma’lum sabablarga ko‘ra uyda ko‘p vaqt darsga kela olmay qoladigan o‘quvchilarga ota-onalari orqali mavzularni uyda mustaqil o‘zlashtirishlari mumkin.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ВА ФИЗИК МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА АЙРИМ ТАДБИҚЛАРИ

Л.Х.Хўжаев, ТАТУ Қарши филиали, К.П.Курбанов, Н.Х. Хуррамов, ТерДУ

ANNOTATION. This article shows the application of differential equations to geometric and physical problems. Shows how to solve geometric and physical examples

АННОТАЦИЯ. В данной статье показано применение дифференциальных уравнений в геометрических и физических задачах. Показан порядок решения геометрических и физических примеров.

Табиат ва техника фанларининг кўпгина амалий ва назарий масалаларини ҳал қилиш бирор дифференциал тенгламани қаноатлантирувчи функцияни топиш ва бу функцияни текширишга доир математик масалага келтирилади. Бунга мисол қилиб мактаб физика ва математика курсларида ўрганилган радиоактив парчаланиш, иссиклиқнинг тарқалиши , нуқтанинг оғирлик кучи таъсиридаги вертикал ҳаракати, материал нуқтанинг (маятникнинг) гармоник тебранишлари, шаҳар аҳолисининг кўпайиши ҳақидаги каби масалаларни келтириш мумкин. Юқорида таькидлаганимиздек техника ва табиатшуносликнинг кўпгина масалалари

$$f'(x) = kf(x) \qquad (1)$$

кўринишдаги кўрсатгичли қонун бўйича ўсадиган ва камаядиган жараёнларнинг дифференциал тенгламасига келтирилади. Кўрсаткичли функциянинг ҳосиласини билган ҳолда (1) тенгламани қаноатлантирадиган ечим

$$f(x) = ce^{kx}, c \in R \qquad (2)$$

кўринишдаги исталган функция бўлишлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин [1].

Геометрик масалаларни ечишда дифференциал тенгламаларнинг аҳамияти катта. Геометрик мазмундаги масалаларни ечишда қуйидагича иш тартибини тавсия килиш мумкин:

1. Дифференциал тенгламаларни (дифференциал тенгламалар системасини) тузиш;
2. Тузилган дифференциал тенгламани (дифференциал тенгламалар системасини) интеграллаш, яьни ечимини топиш.
3. Топилган ечимни текшириш. Дифференциал тенглама (дифференциал тенгламалар системасини) тавсифловчи жараённинг хоссаларини ўрганиш. Хулосалар чиқариш ва тавсияномалар бериш.

Дифференциал тенгламалар тузиб, геометрик мазмундаги масалаларни ечишда ҳосиланинг геометрик маьноси муҳим аҳамиятга эга.

$y = f(x)$ ёки $F(x, y) = 0$ тенглама билан аниқланувчи эгри чизиқнинг $M(x_0, y_0)$ нуқтасига ўтказилган уринма тенгламаси


$$y - y_0 = y_0'(x - x_0) \qquad (1)$$

кўринишга эга. Бунда $y_0' - y'$ ҳосиланинг $M(x_0, y_0)$ нуқтадаги қиймати. Уриниш нуқтасида уринмага перпендикуляр бўлган тўғри чизиқ эгри чизиқнинг нормали деб аталади. Нормал тўғри чизиқ тенгламаси

$$x - x_0 + y_0'(y - y_0) = 0 \qquad (2)$$

кўринишга эга.

Тўғри бурчакли координаталар системасида уринма ва нормал билан боғлик бўлган 4 та кесма бор:



$t = TM$ –уринма кесмаси; $S_t = TK$ –уринма ости кесмаси; (уринма кесмасининг ox ўқдаги проекцияси); $n = NM$ –нормал кесмаси; $S_n = KN$ –нормал ости кесмаси; (нормал кесмасининг ox укдаги проекцияси);

$KM = |y_0|$ ва $tg\varphi = y_0'$ бўлганлигини эътиборга олсак бу тўртала кесма узунликларини y_0 ва y_0' миқдор орқали ифодалаш мумкин

$$t = |TM| = \left|\frac{y}{y_0'}\sqrt{1+y_0'^2}\right| ; \quad n = |NM| = \left|y_0\sqrt{1+y_0'^2}\right| \qquad (3)$$

$$S_t = |TK| = \left|\frac{y_0}{y_0'}\right|; \qquad S_n = |KN| = |y_0 y_0'|.$$

(3) формулаларни келтириб чиқариш учун тўғри бурчакли учбурчаклар : TMK ва KMN ни қараймиз .

Тўғри бурчакли ΔTKM дан: $\frac{KM}{TM} = \sin\varphi \Rightarrow MT = \frac{KM}{\sin\varphi}$

$\cos\varphi = \frac{1}{\sqrt{1+tg^2\varphi}}, \sin\varphi = \frac{tg\varphi}{\sqrt{1+tg^2\varphi}}$ маълум формулаларга кўра

$$TM = \frac{KM}{\frac{tg\varphi}{\sqrt{1+tg^2\varphi}}} = \frac{KM\sqrt{1+tg^2\varphi}}{tg\ \varphi} = \left|\frac{y_0}{y_0'}\sqrt{1+y_0'^2}\right|. \frac{MK}{TK} = tg\varphi \Rightarrow TK = \frac{MK}{tg\varphi} \Rightarrow TK = \left|\frac{y_0}{y_0'}\right|.$$

Тўғри бурчакли ΔMKN дан: $\frac{MK}{MN} = \cos\varphi \Rightarrow MN = \frac{MK}{\cos\varphi} = MK\sqrt{1+tg^2\varphi} = \left|y_0\sqrt{1+y_0'^2}\right|;$

$$\frac{KN}{MK} = tg\varphi \Rightarrow KN = MKtg\varphi = |y_0 y_0'|$$

Юқорида келтирилган тушунчаларни асослаш мақсадида битта геометрик масалани ечамиз .

Масала. Уринма ости кесмасининг узунлиги уриниш нуктасининг абсциссасидан икки марта катта бўлган эгри чизиқни топинг [2, 3].

Ечиш . Уринма ости кесмаси : $TK = \left|\frac{y}{y'}\right|$. Масала шартига кўра $\frac{y}{y'} = 2x$ дифференциал тенгламани оламиз. Бу дифференциал тенгламани интеграллаймиз: :

$$2xy' = y \Rightarrow \frac{dy}{y} = \frac{1}{2}\frac{dx}{x} \Rightarrow \int\frac{dy}{y} = \frac{1}{2}\int\frac{dx}{x} + c \Rightarrow \ln y = \frac{1}{2}\ln x + \frac{1}{2}\ln 2p \quad ,$$

$$c = \frac{1}{2}\ln 2p \Rightarrow \ln y = \ln\sqrt{2px} \Rightarrow y = \sqrt{2px} \Rightarrow y^2 = 2px.$$

Демак изланаётган эгри чизиқ $y^2 = 2px$ параболадан иборат бўлади.

Физик мазмундаги масалаларни ечишда қуйидагича иш тартибини тавсия килиш мумкин:

1.Қаралаётган жараён қандай қонунга бўйсинишини аниқлаш;

2.Эркли ўзгарувчини танлаш: физик масалаларни ечишда бундай ўзгарувчи t вақт бўлади. Изланаётган функция эса (миқдор), йўл, масса, иссиқлик миқдори , ток кучи, ёритилганлик, магнит оқими, суюқлик ва газ босими, хажми, массаси, солиштирма зичлиги, оғирлиги ва ҳакозолар бўлади.

Бу миқдорлар t вақтга боғлик равишда узлуксиз ўзгаради:

$$S = S(t), \vartheta = \vartheta(t), a = a(t), P = P(t), m = m(t), Q = Q(t), \ldots$$

3. Масала шартидан бошланғич шартларини аниклаш.

$$S\Big|_{t=t_0} = S_0, \vartheta\Big|_{t=t_o} = \vartheta_0, \quad P\Big|_{t=t_0} = P_0 \ , \ m\Big|_{t=t_0} = m_0, \ Q\Big|_{t=t_0} = Q_0, \ldots$$

4.Масаладаги барча миқдорларни ҳосиланинг физик маъносидан фойдаланиб,

$$t, S, S_t'; t, Q, Q_t'; t, m, m_t'; t, P, P_t'; \ldots$$

миқдорлар орқали ифодалаш.

5.Масала шартидан ва жараён бўйсинадиган физик қонундан фойдаланиб, жараённи тавсифловчи дифференциал тенгламани тузиш.

6. Дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топиш.

7.Бошланғич шартлар бўйича хусусий ечимни ажратиб олиш.

8.Хусусий ечимни текшириш. Топилган ечим текширилаётган жараённинг тақрибий манзарасини ифодалай олиш ёки олмаслигини аниқлаш. Хулосалар чиқариш. Масалалар ечиш ҳақида тавсияномалар бериш.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни асослаш мақсадида битта физик масалани келтириб ечамиз.

Масала. 30 кун ичида радиоактив модданинг 50%и парчаланди . Қанча вақтдан кейин модда дастлабки миқдорининг 1%и қолади?

Ечиш: Радиоактив модданинг массасини $m = m(t)$ дейлик . Радиоактив модданинг парчаланиши унинг дастлабки массасига пропорционал бўлади.

Бошланғич пайтда модда массаси $m\Big|_{t=0} = m_0$ бўлсин. t пайтда $m = m(t)$ бўлсин.

Масала шартига кўра $\frac{dm}{dt} = -km \Rightarrow m = ce^{-kt}$.

Агар t=0 бўлганда $m = m_0$ бўлишини эътиборга олсак $c = m_0$ бўлади.

$$m(t) = m_0 e^{-kt}.$$

t=30 кун ичида $m(t) = \frac{m_0}{2}$ бўлади.

$$\frac{m_0}{2} = e^{-30k} m_0 \Rightarrow e^{30k} = 2 \Rightarrow 30k = \ln 2 \Rightarrow k = \frac{\ln 2}{30}.$$

$$m = m_0 e^{-\frac{t \ln 2}{30}} = m_0 (e^{\ln 2})^{-\frac{t}{30}} = m_0 2^{-\frac{t}{30}}$$

$$m(t) = 0{,}01 m_0. \quad 0{,}01 m_0 = m_0 2^{-\frac{t}{30}} \Rightarrow 2^{\frac{t}{30}} = 100 \Rightarrow \frac{t}{30} \lg 2 = 2 \Rightarrow t = \frac{60}{\lg 2} \approx \frac{60}{0{,}3010} \approx 200$$

кун.

Демак, 200 кундан кейин модда дастлабки миқдорининг 1%и қолар экан.

Адабиётлар.

1. Салоҳиддинов М.С. , Насриддинов Г.Н Оддий дифференциал тенгламалар. –Тошкент: ”Ўзбекистон” , 1994.

2.Филиппов А.Ф. Сборник задач по дифференциальным уравнениям. М: “Наука” , 1979

3. Берман Н.Г. Сборник задач по математическому анализу. М.,«Наука», 1985

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Ҳайтқулова М., “Бошланғич таълим ва жисмоний маданият” факультети 4-курс талабаси

Нутқ - киши фаолиятининг тури, тил воситалари (сўз, сўз бирикмаси, гап) асосида тафаккурни ишга солишдир. Нутқ ўзаро алоқа ва хабар, ўз фикрини ҳис-ҳаяжон билан ифодалаш ва бошқаларга таъсир этиш вазифасини бажаради.

Яхши ривожланган нутқ жамиятда киши фаолиятининг муҳим воситаларидан бири сифатида хизмат қилади. Ўқувчи учун эса нутқ мактабда муваффақиятли таълим олиш қуролидир.

Нутқ ўстириш нима? Агар ўқувчи ва унинг тилдан бажарган ишлари кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда тилни ҳар томонлама (талаффузи, луғати, синтактик қурилишини, боғланишли нутқни) фаол амалий ўзлаштириш тушунилади. Агар ўқитувчи кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда, ўқувчиларнинг тилнинг талаффузи, луғати, синтактик қурилиши ва боғланишли нутқни фаол эгаллашларига ёрдам берадиган метод ва усулларни қўллаш тушунилади[1]. Шунинг учун ҳам грамматика ва имло дастури товушлар ва ҳарфлар, сўз, гап, боғланишли нутқ каби қисмларни ўз ичига олган. Нутқ фаолияти учун, шунингдек ўқувчилар нутқини ўстириш учун бир неча шартга риоя қилиш зарур:

1. Киши нутқининг юзага чиқиши учун талаб бўлиши керак. Ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик талаби ўқувчи ўз фикрини, ниманидир оғзаки ёки ёзма баён қилиш хоҳишини ва заруриятини юзага келтирадиган вазият яратиш ҳисобланади.

2. Ҳар қандай нутқнинг мазмуни, материали бўлиши лозим. Бу материал қанчалик тўлиқ, бой, қимматли бўлса, унинг баёни шунчалик мазмунли бўлади. Шундай экан, ўқувчилар нутқини ўстиришнинг иккинчи шарти нутққа оид машқларнинг материали ҳақида бўлиб, ўқувчи нутқи мазмунли бўлиши учун ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

3. Фикр тингловчи тушунадиган сўз, сўз бирикмалари, гап, нутқоборотлари ёрдамида ифодалансагина тушунарли бўлади. Шунинг учун нутқни муваффақиятли ўстиришнинг учинчи шарти – нутқни тил воситалари билан

[1] Рождественский Н. С., Кустарева В. А. Методика начального обучения русскому языку.- М.: «Просвещение», 1965. 289-бет.

қуроллантириш ҳисобланади. Ўқувчиларга тил намуналарини бериш, улар учун яхши нутқий шароит яратиш зарур. Нутқни эшитиш ва ундан ўз тажрибасида фойдаланиш натижасида болаларда таълим методикаси асосланадиган онгли равишда «тилни сезиш» шаклланади.

Нутқ ўстиришнинг методик шарти нутқий фаолиятнинг кенг тизимини яратиш, яъни, биринчидан, яхши нутқ намунасини идрок этиш, иккинчидан, ўрганган тил воситаларидан фойдаланиб, ўз фикрини баён этиш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Бола тилни нутқий фаолият жараёнида ўзлаштиради. Бунинг ўзи етарли эмас, чунки у нутқни юзаки ўзлаштиради. Нутқни эгаллашнинг қатор аспектлари мавжуд. Булар:

1. Адабий тил меъёрларини ўзлаштириш. Мактаб ўқувчиларни адабий тилни содда сўзлашув тилидан, шева ва жаргондан фарқлашга ўргатади, адабий тилнинг бадиий, илмий, сўзлашув вариантлари билан таништиради.

2. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган муҳим нутқ малакаларини, яъни ўқиш ва ёзиш малакаларини ўзлаштириш. Бу билан ўқувчилар ёзма нутқнинг хусусиятларини, унинг оғзаки-сўзлашув нутқидан фарқини билиб олади.

3. Ўқувчилар нутқ маданиятини такомиллаштириш. Тил жамиятдаги энг муҳим алоқа воситасидир. Тилнинг мана шу ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, мактабда ўқувчиларнинг нутқ маданиятига алоҳида эътибор берилади.

Бу вазифаларни бажариш учун ўқитувчи ўқувчилар билан режали иш олиб бориши лозим. Бунинг учун эса ўқувчилар нутқини ўстириш устида ишлаш тушунчасига нималар киришини билиб олиш муҳимдир.

Нутқ ўстиришда уч йўналиш аниқ ажратилади: 1) сўз устида ишлаш; 2) сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш; 3) боғланишли нутқ устида ишлаш.

Сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш учун лингвистик база бўлиб лексикология (фразеология ва стилистика билан биргаликда), морфология, синтаксис хизмат қилади; боғланишли нутқ эса мантиққа, адабиётшунослик ва мураккаб синтактик бутунлик лингвистикасига асосланади.

Кўрсатилган уч йўналиш параллел олиб борилади: луғат иши гап учун материал беради; сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш боғланишли нутққа тайёрлайди. Ўз навбатида, боғланишли ҳикоя ва иншо луғатни бойитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчилар нутқини ўстириш ўз методик воситаларига эга, ўзининг машқ турлари бор. Булардан энг муҳимлари боғланишли нутқ машқлари ҳисобланади.

Нутқ ўстиришда изчиллик тўрт шартни, яъни машқларнинг изчиллиги, истиқболи, хилма-хиллиги, хилма-хил машқ турларини умумий мақсадга бўйсундириш кўникмасини амалга ошириш билан таъминланади. Ҳар бир янги машқ олдингиси билан боғланади ва кейингисига ўқувчиларни тайёрлайди, умумий мақсадга бўйсунган ҳолда яна қандайдир янгилик қўшади.

Мактабда ўқувчилар нутқини ўстиришга она тили ўқитишнинг асосий вазифаси деб қаралади. Нутқ ўстириш фақат она тили ва ўқиш дарсларинингтина эмас, балки ўқув режасидаги барча фанлар (табиатшунослик, математика, меҳнат, тасвирий санъат, ашула дарслари)нинг, шунингдек, синфдан ташқари ўтказиладнган тадбирларнинг ҳам вазифасидир.

Кишилар тилдан фикр баён қилиш қуроли сифатида фойдаланадилар. Улар ўз фикрларини овоз билан эшиттириб баён қилишдан олдин у ҳақда ўйлаб оладилар. Бу ички нутқ ҳисобланади. Ички нутқ эшиттирилмаган ва ёзилмаган, «ўйланган» (фикрланган) нутқдир, бу нутқ фикрловчи кишининг ўзига қаратилади. Ташқи нутқ товушлар ёрдамида эшиттирилиб ёки график белгилар билан ёзилиб, бошқаларга қаратилган нутқдир. Ички ва ташқи нутқнинг физиологик табиати бир хил; фарқи – ташқи нутқда нутқ аъзоларининг ҳаракати натижасида товуш чиқарилади ёки ёзиб баён этилади; ички нутқда нутқ аъзоларининг ҳаракати товушсиз юзага келади.

Ички нутқ материални тушуниш ва ёдда сақлашга ёрдам беради, ташқи нутқни ўстиришда бирдан-бир зарурий восита ҳисобланади. Ўйлаш, фикр юритиш ички нутқ асосида бўлади. Ички нутқ ўқувчини ташқи нутққа, жавобгарликни ҳис қилиб гапиришга ўргатади. Ички нутқ жараёнида ўйлаш ўқувчининг нутқи ва тафаккурининг ўсишида муҳим воситадир.

Мактабда ўқувчиларнинг ташқи нутқигина эмас, балки ички нутқи ҳам ўстирилади. Болалар ичда ўқишга ўрганадилар ва ички нутқда материални ўзлаштирадилар, турли вазифаларни ўзлари ҳал қиладилар, асосийси – ўзларининг оғзаки ва ёзма фикрларини тайёрлаб оладилар.

Фикрни ифодалаш усулига кўра нутқ оғзаки ва ёзма бўлади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан қуйидагича фарқланади: оғзаки нутқ товуш нутқи, ёзма нутқ эса график нутқдир. Оғзаки нутқда эшитиш сезгиси, ёзма нутқда эса кўриш ва мотор-ҳаракат (қўл ҳаракати) сезгиси асосий ўрин тутади. Оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам кишиларнинг ўзаро алоқа қуроли сифатида хизмат қилади, аммо оғзаки нутқ аниқ ҳаётий шароитда, бевосита алоқа жараёнида юзага келади; ёзма нутқдан бевосита, аниқ шароитдан ажратилган ҳолда ҳам, киши иштирокисиз ҳам фойдаланилади.

Оғзаки нутқ кўпинча диалог тарзида, ёзма нутқ эса монолог тарзида бўлади. Ёзма нутқ логик изчилликка риоя қилган ҳолда, айрим тил шаклларини тушириб қолдирмай, ортиқча такрорга йўл қўймай баён қилишни талаб этади. Шунинг учун ёзма нутқ анча мураккаб ва мавҳум ҳисобланади.

Нутқ фикрни баён этиш воситаси бўлибгина колмай, уни шакллантириш қуроли ҳамдир. Фикр нутқнинг психологик асоси вазифасини бажаради, уни ўстириш шарти эса фикрни бойитиш ҳисобланади. Ақлий фаолият тизимини эгаллаш асосидагина нутқни муваффақиятли ўстириш мумкин. Шунинг учун ўқувчилар нутқини ўстиришда материални тайёрлаш, такомиллаштириш, мавзуга тегишлисини танлаш, жойлаштириш ва мантиқий фикрлашга йўналтирадиган иш турларига катта аҳамият берилади.

Тафаккур тил материали ёрдамида нутқий шакллантирилса ва баён этилсагина, муваффақиятли ўсади. Тушунча сўзлар ёки сўз бирикмалари билан ифодаланади, шундай экан, у тил воситаси бўлган сўзда муҳим алоқа материалига айланади. Киши тушунча ифодалайдиган сўз (сўз бирикмаси)ни билсагина, шу тушунчага асосланган ҳолда, ташқи нутқда фикрлаш имконига эга бўлади.

Нутқда фикр шакллантирилади, шу билан бирга, фикр нутқни яратади. «Нутқ тафаккур билан чамбарчас боғлангандир. Нутқ бўлмаса, тафаккур ҳам бўлмайди, тил материали бўлмаса, фикрни ифодалаб бериб бўлмайди»[1].

Фикрни нутқий шакллантириш унинг аниқ, тушунарли, соф, изчил, мантиқий бўлишини таъминлайди. Тилни эгаллаш шу тилнинг фонетикасини, луғат таркибини, грамматик қурилишини билиб олиш, фикрни такомиллаштириш учун, тафаккурни ўстириш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Билимлар, далиллар, ҳар хил ахборотлар тафаккурнинг ҳам, нутқнинг ҳам материалидир. Нутқ тафаккур жараёнини ўрганишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Нутқдан ўқувчи фикрий ривожининг асосий ўлчовларидан бири сифатида фойдаланилади. Ўқувчининг барча ўқув предметларидан материални ўзлаштириши ва умумий ақлий ривожланиши ҳақида фикр юритганда, у ёки бу мавзуни ўқувчи ўз нутқида (ёзган иншосида, ахборотида, қайта ҳикоялашида, саволларга берган жавобида) қандай баён эта олишига қаралади.

Шундай қилиб, нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нутқ тафаккур асосида ривожланади; фикр нутқ ёрдамида пишиб етилади, юзага чиқади. Иккинчи томондан, нутқнинг ўсиши фикрни шакллантиришга ёрдам беради, такомиллаштиради.

Адабиётлар

1. Р. Сафарова. Нутқий кўникмаларни текшириш асослари. //Бошл. таъл. журнали. Тошкент, 1997. №5. 10-11-бетлар.

2. С. Матчонов, Х. Ғуломова. Нутқ маданияти. //Бошл. таъл. журнали. - Тошкент, 2000. №1. 8-10-бетлар.

3. С. Матчонов, Х. Ғуломова. Она тили ўқитиш методикаси. - Т.: Ношир. 2009. 350 б

4. Ш. Сариев. Савод ўргатиш дарсларида нутқ ўстириш. //Бошл. таъл. журнали. Тошкент, 1997. №4. 23-бет.

5. Қ. Абдуллаева. Биринчи синфда нутқ ўстириш. - Т.: 1980.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИКАНИНГ ЎРНИ.

Алижонова Маҳбуба, Отабоева Зулфия, "Педагогика ва табиий фанлар" кафедраси ассистентлари

Йўлдашева Гулчирой Андижон қишлоқ хўжалик институти талабаси,

At every moment there is his idea. In this article one writes about education of the youth. Moreover, one writes about education and education of the youth.

Педагогик ғояларнинг шаклланишида зардуштийлик таълимоти, унинг мукаддас китоби «Авесто» да қимматли фикрлар талкин этилган. Курони Карим ва Хадиси шарифларда мусулмон ахлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, эътиқоди хар томонлама баркамоллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш йўллари баён килинган.

Президентимиз Ислом Каримов ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият атамаларининг этималогияларини очиб берди. У милий ғоя, миллий мафкура хар кунги хаёт шароитларидан келиб чикиши билан бирга хар бир фуқоронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан келиб чикишини кўрсатди.

Маълумки, ғоя-инсонларга кучли рухий таъсир кўрсатувчи, уларни харакатга келтирувчи фикрдир. Фикр инсон миясининг маҳсули.

Мафкура жамиятдаги муайян сиёсий, хуқуқий, аҳлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий карашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. .

Миллий мафкура - халқимизнинг маънавий – ахлоқий менталитети, ғоялари асосида амалга ошираётган ишлар, жараёнларидаги тутаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз-ўзига, тараккиётга муносабатлар тизимидан иборатдир.

Инсоннинг маънавий фаоллиги амалий – касбий фаоллиги билан уйгунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади.Айнан ана шу тушунчаларни тўғри англаш таълим – тарбиянинг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунё қарашини шакллантира олсак, улар маънавияти бой , мустакил фикрли ва олий жаноб шахслар бўлиб улғаяди. Мафкуравий дунёқараш ва миллий ғоялар шундай эътиқод асосида шаклланади. Миллий истиклол ғоясини ёшлар онги ва калбига сингдиришда миллий урф – одат ва анъаналаримизнинг. Оила ва махаллаларнинг, айникса таълим – тарбия берувчи муассасаларнинг ўрни жуда салмоқли бўлиб, бу хам педагогика фани олдига улуғвор вазифаларни қўяди. Қандай усуллар, воситалар ва йўллар билан таълим-тарбия жараёнини бошкариш лозимлигини педагогика белгилаб беради. Миллий истиклол

[1] И в а н о в П. И. Умумий психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1967. 306 - бет

мафкураси кўп миллатли халкнинг эзгу ғоя-озод ва обод ватан, эркин ва фаровон барпо этиш йўлидаги асрий орзу – интилишлари, миллий мафкура халкни идеалларини ўзида акс эттиради.

Мафкура халқни – халк , миллатни – миллат этадиган, унинг шону шухрати, ор-номуси, ишончи – эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган холда, муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.

Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир.

Инсоннинг ўзлигини англаши унинг нодир ва бетакрорлигини англашдан бошланади. Инсоннинг нодир ва бетакрорлигини англаш , унинг ўзига яширинган имкониятларини руёбга чикариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирса, унда бошқаларни хам бетакрор улуғ сиймолигини англаш оркали ўзгаларни хурмат килишни, улуғлашни келтириб чикаради. Бошкаларнинг хам нодир, бетакрорлигига ишонч , уларни хурматлаш, калбини ғазабдан поклайди, хар бир кишининг бетакрорлигининг англаш асосида кишиларда бошкалар билан муомала ва муносабатнинг моддий, илмий, маънавий – маданий манфаат, касб эътишни инсоният ижтимоийлигига табиий зарурат тугилади. Шу сифатларнинг шакллана бориши комиллик сифатларининг асосларидан иборатдир.

Комиллик сифатларини тўлаконли шакллантириш учун эса факат маслахатлар, даватлар инсоннинг маънавий фаоллиги амалий – касбий фаоллиги билан уйғунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Шундай килиб, инсонни ва жамиятни максад сари етаклайдиган, уларни харакатга келтирадиган сафарбар этадиган кучдир.

Халқимизнинг жумладан ёшларимизнинг миллий жихатдан ўз –ўзини англашига, уларда миллий ифтихор туйғусини шаклланишига эришишимиз лозим. Миллий онг ва ўзлигини англаш у ёки бу миллатга мансублигини хис килиш, унинг тарихи маданияти тарихи, урф одат ва ананларини шукур билиш билангина чегараланмайди. Миллий ўз- ўзини англашш миллатнинг хозирги ахволи, унинг олдида ечимини кутаятган муаммоларни билиш ва уларни хал килишда фаол харакат этишини талаб этади.

Манна шу фаолиятда иштирок этишда хар бир ишнинг ўзига хос ўкуви, кобилияти, характери , унинг нодирлиги ва бетакрорлиги намоён булади. Демак, инсон нодирлиги ва бетакрорлигининг, унинг ютук ва муваффакиятларининг биринчи гарови ўз ўкуви, қобилияти ва қизикишларига доир фаолият, хаёт йўли , касб танлашдадир.

Ютукнинг иккинчи гарови шу ўзига мос танланган хаёт йўлидан донолик, акл билан фаолият кўрсатиш , энг кўп моддий ва маънавий махсулот олишдадир. Соха бўйича истикболли маънавий фикр инсон ютуғининг иккинчии гаровидир.

Ўзининг ўкуви қобилиятини руёбга чикариш асосида бунёдкорона мехнат килиб, моддий – маънавий махсулотлар яратиб ўзини, оиласини пок, халол лукма билан бокиб, давлатини , халкини моддий – маънавий бойитишга хизмат килган киши сўзда эмас, амалда хам хакикий иймонли киши бўлади.

Хозирги замон педагогикасиниг максад вазифалари таълим – тарбия бериш оркали миллий урф одатларимизни шакллантириш, мустакил ривожланаётган эркин демократик давлат курилишига ўз хиссасини кўша оладиган , аналитик ва танкидий мушохада килиш кобилиятиг эга, фикрлаш жараёнида янгилик, ноёблик, кайтарилмаслик элементларини ўзида мужассамлаштирган тафаккур эгасини, ижодий парвоз, янгиликларни кашф этишга хар томонлама кодир шахсни, шакллантиришдан иборатдир.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Б.Зиёмухаммедов., Ш.Абдуллаева. Педагогика. Дарслик. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, -Т.: 2000. -130 бет.

2. Р.Мавлонова., О.Тўраева ва бошқ. Педагогика. Дарслик. “Ўқитувчи”, Т.: 2001. -163 бет.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎРНИ

Маматов Равшанбек, «Педагогика ва табиий фанлар» кафедраси ассистенти,
Мўминов Сардор, Якубова Ҳафиза, Жамилова Шоира «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» факультети талабалари, Андижон қишлоқ хўжалик институти

In this article one writes about education of the youth in the area of Psychology. Moreover, the speech goes around the duties, the function of this field. Everybody can dissolve all problems by the psychology.

Бошқа фанларни ўрганиш каби, психологиянинг ўрганишни ҳам, аввало, билиш, маълумот олиш учун аҳамияти бор. Биз психологияни ўрганиб, воқеъликнинг ғоят катта ва сифат жиҳатдан ўзига хос соҳаси,- психик ҳаёт соҳаси ҳақида билим оламиз. Психика қандай келиб чиққан, ҳайвонот дунёсида психик ҳаёт формалари қандай тараққий этган, одам психикаси тарихан қандай ривожланган, ҳар бир одам туғилиш пайтидан тортиб унинг онги қайси шарт-шароитларга қараб

тараққий этади, характер қандай вужудга келади, одамнинг қобилиятлари қандай шаклланади - психологнинг илмий тадқиқотлари ана шу саволларимизга жавоб беради.

Одам теварак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, у қандай эсида қолдиради, қандай эсга туширади ва фикр юритади, у қандай ҳисларни кўнглидан кечиради, одам теварак-атрофдаги дунёни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай иш кўради - психологияни ўрганиш билан ана шу масалаларни билиб оламиз.

Психологияни ўрганиш одамни психика ҳақидаги ва психик ҳаётнинг хилма-хил ҳодисалари ҳақидаги билимлар билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга одам ақлини ҳам ўстиришга ёрдам беради. Ёшларда аклий фаолиятни ўстиришда янги билимлар ва кўникмаларни тезроқ эгаллаш, янги назарий ва амалий вазифаларни тўғри ҳал қилиш қобилиятини такомиллаштиришда, ўз фикрларини нутқда тўғри ифодалай билиш ва бошқаларнинг нутқини тўғри тушуна билишда ҳам ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир фан билан шуғулланиш ёшларимизни камолга етказади. Аммо психология бу соҳада алоҳида ўрин тутади. Ёшлар психологияни ўрганар экан, аввало ўз ақл-идрокини, унинг жараёнларини билиб олади, унга диққат-эътибор беради, ақлнинг фаолиятини кучайтирадиган шарт-шароитни билиб олади ва шу билан ўз ақл-идрокининг кўпроқ ўсишига ёрдам беради. Психик ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги илмий билимларни эгаллаш шахс дунёқарашини шаклланишида катта аҳамиятга эгадир.

Тушуниш кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши курашда, жумладан, ҳар хил диний таассуб ва хурофотларга қарши курашда жуда кучли қурол бўлиб хизмат қилади.

Бу билим эса бошқа кишиларни ва ўзини яхшироқ тушунишга имкон беради.

Психологиянинг билиш, маълумот олиш учун аҳамияти шулардан иборатдир.

Шу билан бирга психология (жумладан, психология методлари) кишилар амалий фаолиятининг ҳар хил турларида - таълим-тарбия, ишлаб чиқариш, меҳнат, медицина, суд-ҳуқуқшунослик, ҳарбий-мудофаа, санъат ва бошқа соҳаларда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Педагогика ишида, яъни ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда психологиянинг аҳамияти айниқса катта.

Педагог ўқувчиларга бирон материални тушунтирар экан, шу материални болалар қандай ўзлаштираётганини – кўрувчилар қандай идрок этаётганини, эслаб қолаётганини, фикрлаётганини, уларда диққат – эътибор, ҳиссиёт қандай намоён бўлаётганини, болаларнинг ёш ҳусусиятларига қараб бу жараёнлар қандай рўй бераётганини билиш лозим.

Рус педагоги ва психологи К.Д.Ушинский: «Агар педагогика одамни ҳар жиҳатидан тарбияламоқчи бўлса, у олдин ўша одамни ҳам ҳар жиҳатидан билиб олиши керак»- деган эди. Ўқувчини билиб олиш – шу ўқувчининг дарсларни ўзлаштириш даражасини билиш демакдир, шунингдек, ўқувчининг психик ҳусусиятларини билиш демакдир, унинг қобилият ва ҳаваслари қанақа эканлигини, унинг диққат – эътибори, ҳислари, иродаси, хотираси, тафаккури қандай зоҳир бўлишини билиш демакдир.

Таълим – тарбия ишида педагог болаларни билимдан баҳраманд қилиш, уларга кўникма ва малака бериш билангина кифояланиб қолмай, шунингдек, ўқувчилар шахсининг ҳамма томонларини, дунёқараши, характери, иродаси, қобилияти ва ҳаваслариниа такомиллаштириши лозим. Бунинг учун эса психиканинг айрим томонлари қандай шароитда ва қайси педагогик усуллар ёрдами билан ўзлаштиришини ва такомиллашувини билмоқ керак.

Ҳар бир педагог – ўқитувчи, тарбиячи, маориф ишининг раҳбари – психологияни нима учун билиши кераклиги юқорида айтилганлардан равшан кўриниб турибди.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш таълими ва меҳнатни ташкил этишнинг ҳар хил турларида психологиядан кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг ҳар бир тури, ҳар бир касб одамдан тегишли билим ва маҳорат талаб қилиш билан бирга маҳсус психологик сифатларни ҳам талаб қилади. Шу сабабли, ихтисосга қараб мураккаб ва маъсулиятли меҳнат операцияларини бажаришга тўғри келадиган кишилар маҳсус психологик текширишдан ўтказилади. Масалан, дастлабки космонавтларни танлашда талабгорлар хотираси жуда яхши, фаҳми ўткир, диққатини бир нарсадан иккинчи нарсага тез кўчира оладиган, аниқ уйғун ҳаракатларни тез бажара оладиган кишиларни ажратиб олиш мақсадида текшириб кўрилди.

Психологиянинг шу тармоқларидан бир қисми кўпроқ назарий характерда бўлса, иккинчиси кўпроқ амалий характердадир.

Психологиянинг айрим тармоқлари шулардан иборат: умумий психология, ёш психологияси (жумладан, болалар психологияси) педагогик психология, меҳнат психологияси, ҳарбий психология, санъат психологияси, спорт психологияси, суд психологияси, медицина психологияси, психопотология.

Шу психология фанларидан ҳар бирининг ўзига алоҳида текшириш объекти, ўз вазифалари бор ва ҳар бири ўзининг текшириш методларидан фойдаланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Иванов П.И., Зуфарова М. «Умумий психология» Т., 2008 йил
2. Ғозиев Э. Ғ. «Умумий психология» 1-2 том. Тошкент-2002й.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОЛЛОИД КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

[1]Нуритдинова Ф.М., [1]Ихтиярова Г.А., [2]Дехканова Н.Ш.,[3]Ш.Б.Маматова
Бухоро давлат университети,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
[3]Қарши давлат университети,

Аннотация Маколада коллоид кимё фанларини ўқитишда яратилган электрон дарсликларнинг афзалликлари хақида маълумотлар келтирилган.

В статье приведены сведения о преимуществах электронных учебников по предмету коллоидной химия.

Ключевые слова: электронный учебник, коллоидная химия, информационная технология,мицелла

Keywords:electronic textbook, informative technologist,colloidal chemistry, mitsella

The article presents information advantage electronic textbook subject colloidal chemistry

Ўзбекистон Республикаси Прекзидентининг 30.05.2002 йилдаги №ПФ-3080 “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”, 2012 йил 21 мардаги “Ахборот технологияларини янада ривожлантириш” тўғрисидаги фармонлари, ёш авлодни ахборот технологиялари, ҳамда таълимнингэлектрон ўқув баъзасини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар маҳкамасининг таълимда ахборот технологияларни жорий этиш тўғрисидаги қарорлари бўлажак мутахассисларни тайёрлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўз навбатида Олий ўқув юртлари ахборот технологиядан фойдаланиш кўрсатгичини ошириш учун янада катта ўзгаришларни талаб қилади. Шунга кўра, айниқса таълимнинг барча бакалавриат йўналишларида компьютер тармоқлари, интернет, электрон таълим ресурслари: электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, вертуал лаборатория машғулотларида ишлашни кескин ошириш ва моддий техникани янада яхшиланиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир[1-2].

Олий таълимда коллоид кимёга доир мавзуларини укитиш услубиёти муаммоларини ҳозирги замон талаби даражасида ечимини кўрсатиш, ҳамда коллоид кимё мавзуларини ўқитиш услубиёти бўйича электрон дарслик ёки қўлланма тайёрлаш мухим ахамиятга эга. Ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш каби мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг ғоявий эътиқоди, профессионал маҳорати, билимдонлиги, касбий маданиятига боғлиқдир.

Ҳозирги замон коллоид кимёсининг асосий муаммоларини хал қилишда, коллоид-кимёвий қонуниятларни ўрганиб, мутахассис кўз ўнгида дисперс системалар ҳақида тушунча ва тасаввурлар физик-кимёвий фанларнинг улкан ва мустақил сохаси эканлиги намоён бўлади. Коллоид кимё курси дисперс системалар ва сирт қаватда содир бўладиган ходисаларнинг физикавий-кимёсига оид фан бўлиб, талабаларни моддаларнинг дисперс системалардаги сирт хоссаларининг ўзига хос қонунлари ҳақидаги таълимот билан таништиради.

Коллоид кимё фанининг вазифаси – талабаларга коллоид кимёнинг назарий қонунларидан турли масалаларни хал қилишда уддабуронлик билан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш, модданинг коллоид холати ва коллоид эритмаларнинг олиниши, молекуляр-кинетик хоссаларига оид қонуниятлар, дисперс системаларнинг сатхий хоссалари, қўш электр қаватнинг тузилиши ва қонуниятлари, дисперс системаларни барқарорлиги, микрогетероген системалар ва уларнинг ахамиятини чуқур ўргатишдан иборат.

Талабаларнинг “коллоид кимё” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфармацион-педагогик техналогияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда электрон дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Электрон дарсликларни таълимда қўллаш тўғрисида баҳс-мунозаралар ва тортишувлар қизғин бормоқда. Бугунги кунгача кўпгина педагоглар томонидан электрон дарсликлардан фойдаланиб дарс ўтиш ҳолатлари кузатилмаяпти, кузатилганлари ҳам замон талабларига унчалик мос келмайди. Электрон дарсликлар асосан, HTML, турли Web сайтлар, FLASH, Borland Delphi, Visual C++ шаклидаги махсус дастурлар кўринишида ишлаб чиқилмоқда. Бу дарсликларни ишлатиш учун Internet Explorer дастурини билиш етарли.


Айни пайтда Бухоро давлат университети олимлари томонидан олий ўқув юрти бакалаврлари учун Умумий кимё, Кимёвий технология, Коллоид кимё фанларидан электрон дарсликлар яратилган ва Ўзбеистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинган [3-5]. “Коллоид кимё” фанидан электрон дарсликнинг бош сахифаси қуйидаги кўринишга эга (расм.)

KOLLOID KIMYO ELEKTRON DARSLIK



G.A.Ixtiyarova, O.M.Yoriyev,
F.M.Nuritdinova D.Sh.Dexkanova

Bosh sahifa
Ma’ruza
Animatsiyalar
Labaratoriya ishlari
Glossariy
Olimlar
Testlar
masala va mashqlar
Me’yoriy hujjatlar



Расм. Коллоид кимёдан электрон дарсликнинг бош сахифаси

Коллоид кимё электрон дарслигида маъруза матнидан ташқари, глоссарий, лаборатория ишлари, шу фанга хисса қўшган олимлар ҳаёти ва ижоди, тестлар ва масала ва машқлар келтирилган. Тестларнинг қулайлиги шундаки, талаба тестни ечиб, ўз ўзини баҳолаши мумкин. Бундай дарсликлар асосан гиперматнлардан иборат бўлиб, маълумотларни тез топиш имконини бериш билан бир қаторда дарслик ўлчамининг кичиклиги билан ажралиб туради.

Адабиётлар

1. Ихтиярова Г.А., Муинова Н.Б. Электрон дарсликларданфойдаланиш. «Антик дунё» журнали. 2015. -№1-2. Б.32.

2. Nuritdinova F.M.,Ixtiyarova G.A.Kimyo ta’limida elektron darsliklardan foydallanish // XXI-acp интеллектуал авлод асриРеспублика илмий амалий конференция. Бухоро.2015. Б.155.

3. Yoriyev O.M., Ixtiyarova A.G. “Umumiy va anorganik kimyo” Elektron darslik. // № DGU 01493.2008.

4. Kattayev N.Sh., Ixtiyarova G.A., Mirzaxidov X.A., Muxammediyev M.G. “Kimyoviy texnologiya” Elektron darslik .// № BGU00249 2011.

5. Ixtiyarova G.A., Yoriyev O.M., Nuritdinova F.M., Dexkanova N.Sh. “Kolloid kimyo” Elektron darslik. №DGU 0354.2015.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Абдуллаева Р.М – ТДИУ доценти, Минаварова М.К. – ЎзДЖТУ талабаси

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қиска вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчи - талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, улар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмокда. Улар асосан ўқувчи-талаба ва педагогнинг тенг фаоллигини таъминлашга қаратилгандир.

Шу билан бирга ўқув жараёнида янги ахборот технологияларини қўллаш педагогик методларнинг бойиши, педагоглар меҳнат фаолиятининг ўзгариши, иш услубларининг такомиллашиши, педагогик тизимлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса педагогик жараённи бошқаришни ташкил этишда ўзига хос вазифаларни қўяди.

Замонавий ахборот технологиялари воситасида педагогик жараённи самарали ташкил этиш:

- ўқитувчилар ўртасидаги меҳнатнинг тақсимланиши;
- масофавий ўқув курслари ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар ва компьютер дастурчилари, мутахассисларнинг бирлашуви;
- педагогик жараённи ташкил қилишни такомиллаштириш ва ўқитувчилик фаолияти самарадорлигининг мониторингини тақозо қилади.

Янги технологиялар педагогик фаолиятнинг:

- таълимнинг технологик асосини тез ривожланиши билан боғлиқ равишда курсларни яратишдаги мураккаб жараённинг енгиллашуви;
- ўқув курсларини яратишда махсус малакаларнинг шаклланиши;
- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайлиги уларнинг сифатига бўлган талабларнинг ва ўқув материалларининг самарадорлигини назорат қилишга эҳтиёж;
- ўқув жараёнида ўқувчи-талаба фаолиятининг ривожланиши, ўқув жараёни салмоғининг ўқитувчидан талабага кўчиши;
- ўқув жараёнини ташкил этишда талаба шахсий ёрдамининг ортиши.

Ҳозирда таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, педагоглардан ўзларининг меҳнат фаолиятига янгича ёндашишларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг жорий этилиши ўқитувчини техник воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки, унинг вазифалари моҳиятини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади. Энди ўқитувчи:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларини яратувчи;
- фасилитейтор – ўқтиш методлари бўйича маслаҳатчи;
- тьютор – интерфаол ўқув курсларини тақдим этувчи;
- инвигилатор – таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлиши керак.

Замонавий технологиялар масофавий таълимнинг янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ўқув курсларини яратишлари лозим бўлади.

Масофавий ўқитиш курсларини яратишда дастлаб қуйидагиларни аниқлаш лозим бўлади;

- курсларнинг мақсади;
- мақсадга эришиш йўллари;
- ўқув материалларини тақдим этиш усуллари;
- ўқитиш методлари;
- ўқув топшириқларининг турлари;
- муҳокамалар учун саволлар;
- мунозара ва баҳсларни ташкил этиш йўллари;

- ўзаро алоқа усуллари ва коммуникация.

Буларнинг барчаси курсларни яратувчилар – ўқитувчилар ва технологиялар бўйича мутахассислар ҳамкорлигида амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим. Педагогик технология кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. Қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, биринчи навбатда, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий - психологик шартлари, ўқув фаолиятини самарали бўлиши учун фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш усулларини билиш муҳим бўлиб, янги педагогик ва дидактик технологияларни жорий этишнинг ўз педагогик - психологик қонуниятлари мавжуд. Дарс мобайнида ахборот технологиялари ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, дарс самарасини оширади. “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги Қонун” да ўқитишнинг янги технологиялари ва ўқитувчи-педагогларга қўйилган янги талаблар ҳам таълим сифатини оширишга, ҳам ўқитувчининг касб маҳоратини юксак бўлишига хизмат қилади.

Юқоридаги талабларнинг умумлашмасига амал қилиш натижасидагина дарс самарасига эришиш лозим бўлади. Бу эса давр талаб қилган ҳар томонлама етук ва терак тафаккурли ёшларни етишиб чиқишидан далолатдир.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

И.Х. Курбонов, БухДУ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таъкидланганидек: “Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодини шакллантиришни таъминлайди”.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳозирга қадар амалга оширилаётган ўзгаришлар фақат мавжуд таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эди. У шахс, жамият, давлатнинг эҳтиёжлари билан касбий тайёргарликнинг амалдаги тизими ўртасидаги тафовутларни бартараф этишни таъминламас эди.

Халқаро тажрибани, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳволи ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида унинг принцип жиҳатдан янги модели ишлаб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими янги моделининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти унга асосий таркибий қисмлар сифатида қуйидаги компонентлар киритилганлигидадир:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълимга оид хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг яратувчиси;
- узлуксиз таълим – кадрлар тайёрлашнинг пойдевори асоси;
- фан – юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва уларнинг истеъмолчиси;
- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболини белгилашни, уларнинг тайёргарлик даражаси сифатини баҳолашни, шунингдек кадрлар тайёрлаш тизимини қисман молиявий ва моддий-техникавий таъминлашни амалга оширувчи асосий буюртмачи;

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” умумий маданиятни шакллантириш, жамиятдаги ҳаётга мослаштириш, касб-корга ва таълимга оид дастурларни онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик – педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, оила, жамият, давлат олдидаги ўз масъулиятини англовчи баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари;

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омилладан бири бўлиб

ҳисобланади. Бу биринчи навбатда бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология (атроф-муҳит), компьютер техникаси ва илмбарбош технологиялар устувор бўлган ва халқ хўжалигининг ривожланган тармоқларига, таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Янги кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими биринчи навбатда ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экологик маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага эга бўлган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрлар тайёрланиши билан боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмаштирмаса, албатта бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади”.

Ҳозирги мутахассис ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидоий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини ҳамда компьютер техникасидан фойдалана олиши шарт.

Ҳозирги педагог юқори маданиятли, халқимиз тарихини чуқур биладиган ва унинг келажаги учун қайғурадиган инсонпарвар ва олийжаноб киши бўлиши керак. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да белгиланган мақсад ва вазифалар асосида ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича умумий олий таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини туза билиши керак.

Педагогик технология моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар ва амалий йўлланмалар ишлаб чиқиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиққандан сўнг, уни таълим тизимига жорий этиши лозим. Умуман олганда, ҳар бир педагог қуйидаги педагогик технологияларни билиши мақсадга мувофиқдир:

- педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;
- педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи; ўқув жараёнига технологик ёндашиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- педагогик технологияларнинг дидактик қонуниятлари;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор ўқитиш технологияларини;
- дидактик жараённи маълум вақт чегарасида лойиҳаланиши;
- ўқитишнинг фаол методларини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитишга технологик ёндашиш усулини;
- уй вазифаларини мақсадли, ташхисли ва аниқ ўқув элемент тури тарзида бериш, технология лойиҳаларининг мантиқий тузилмаси, коррекция;
- ўқув мақсадлари тавсияномасини ишлаб чиқиш;
- рейтинг назорати ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш.

Хулоса шундан иборатки, ушбу кўрсатилган талабаларни ҳар бир педагог ва ҳар бир билим эгалловчи ўз келажаги учун дастурул амал тарзида қабул қилсагина, келгусида мутахассислар ўз соҳасининг моҳир усталари бўлиши билан бирга, жамиятимиз равнақи йўлидаги жонкуяр ва фидоий инсонлар қаторида бўлиши табиий. Зеро, замон талаби ҳам , келажакда ҳар томонлама камол топган, зукко, билимдон, баркамол инсонни вояга етказишдан иборатдир.

КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ

Абдуллаева Р.М – ТДИУ доценти, Курбонов И.Х. –БухДУ ўқитувчиси

Бугунги кунда таълим самарадорлигини оширишда юқори натижаларни берадиган фаол ўқитиш услубларидан фойдаланиш лозим. Айниқса, касб таълими мутахассислари кўпроқ ижодкорликка йўналтирилган таълим усулларидан келгуси фаолиятларида кенг фойдаланишлари талаб этилади. Улар қаторида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир. Кейс – бу реал хаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE). Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси. Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ходисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради. Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Кейсолог фаолияти мазмуни:

- Кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш.
- Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.
- Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулиятзонаси»ни аниқлаш: ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати
- Кейс ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?

Ахборот йиғиш воситаси: Сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета , ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

Ахборот манбалари: статистик материаллар, ҳисоботлар; вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар; Интернет; оммавий ахборот воситалари; корхона раҳбарлари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот; талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари; илмий мақолалар, монографиялар.

Кейс технологиясининг мазмуни.

Мақсадни баён этиш - ўқув курси структурасида кейсни ўрнини аниқлаш.

Кейсни таълим мақсадини кўрсатиб бериш.

Талабани ўқув ютуқлари, натижалари учун кейсни “жавобгарлик зонаси”ни аниқлаш: кейсни ишлаб чиқиш жараёнида билими ва савияси, ўзлаштириши, тафаккури ва бошқалар.

Кейс структураси

I. Педагогик аннотация

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курсни кўрсатиб бериш
2. Кейсни мақсадлари (таълим мақсадлари, режалаштириладиган ўқув натижалари)
3. Кейсни муваффақиятли ечим учун талабалар билиши лозим бўлган билим ва кўникмалар
4. Кейсда реал институционал тизим фаолияти ёки кейсолог томонидан вазият суъний моделлаштирилган тўғрисида маълумот
5. Маълумот олиш учун манбалар тўплами
6. Хусусиятларига кўра кейс тавсифи (сюжет мавжудлиги, кейс объекти, материални тақдим этиш усули, хажми, таркибий хусусиятлари,ўқув топшириғини тақдим этиш усули, расмийлаштириш усули)
7. Кайси ўқув предметини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин?

II. Кейс матни

1. Кириш

Ўз ичига олади:

- кейснинг долзарблигини асослаш; ўрганиладиган мақсадни кўрсатиб бериш; - талабалар кейсни ечиш натижасида эришишлари мумкин бўлган ўқув натижаларини ва уларнинг келгуси профессинализмдаги аҳамияти кўрсатиб бериш;

Кейс-топшириқда шунингдек ўқув топшириғи ҳам берилади.

2. ***Вазият***

- Ижтимоий-иқтисодий вазият амалий фаолиятни моделлаштириш учун зарурий ва етарли миқдордаги маълумотларни ўз ичига олади, уларга қуйидагилар киради: - вазиятни диагностикаси ва таҳлили; - муаммони асослаш; - муаммони ҳал этиш учун аниқ фикрларни лойиҳалаштириш;
- Жадвал, чизма, графиклар кўринишидаги статистик маълумотларни ўз ичига олади
- Муаммо қўйидаги усуллардан бири кўринишида берилиши мумкин: 1) кейсолог томонидан тушунтирилиши; 2) аниқ ёритиб берилиши; 3) аниқ ёритиб берилиши, лекин бунда вазиятининг зарур элементи тўғрисида маълумот йўқлиги; 4) қарама-қаршилик аниқ баён этилмаган.
- Кейс саволлари ва топшириқлари (берилиши – кейсолог ихтиёрига кўра) аниқ кўрсатилади ва кейснинг мақсадини аниқ акс эттиради

III. Талабалар учун услубий кўрсатмалар

Қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ечиш алгоритми (тренинг кейсининг зарур элементи); ёки талабани кейс билан мустақил ишлаш инструкцияси, мустақил ёки гуруҳ билан;
- Вазиятни таҳлили варағи.
- Талабалар учун ўқув – услубий материаллар. Жумладан қисқа изоҳи, чизма, жадваллар. Булар ҳаммаси талаба билимини мантиқи тизимга тушишига олиб келиши учун амалага оширилади

3. Кейс технологияси ва унинг турлари.

Амалий вазият – кейс – стади ҳаётдан олинган мавжуд вазиятларга асосланган ҳолда ташкиллаштирилган ёки оддий муаммоларни келтириб чиқарувчи сунъий равишда яратилган вазиятларнинг таълим олувчиларни мақсадга мувофиқ равишда ечимини излашни ўргатиш усули.

1. Кейс манбасига қараб.

- Амалий кейслар (ҳаётий вазиятларни ечимини топишга қаратилган).
- Таълимий кейслар (билимларни ўзлаштиришга қаратилган)
- Илмий –тадқиқот кейслари (тадқиқотга асосланган кейслар)

2. Сюжет мавжудлигига қараб.

- Сюжетли
- Сюжетсиз

3. Кейс объектига қараб

- Шахсий
- Ташкилий-институционал
- Кўп субъектли

4. Ахборотни тақдим этилишига қараб

- Хикоя; эссе; таҳлилий қўшимча; журналист тергови; ҳисобот; очерк; фактлар мажмуи; статистик материаллар мажмуи; ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи

5.Тузилишига қараб

- Тизимлаштирилган
- Тизимлаштирилмаган

6.Вазифаларни қўйилишига қараб

●Саволларга асосланган

●Топшириқларга асосланган

7.Дидактик мақсадига кўра

●.Муаммонинг ечимини ёки концепциясини иллюстрацияларда ёритишга ўргатиш.

●Тренинг- мавзу бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш.

●Баҳолаш ва таҳлил этишга ўргатиш.

●Муаммони аниқлаш ва ечимини топиш, бошқарув хусусиятини ривожлантириш.

●Янги стратегия ва усулларни ишлаб чиқиш

9.Ташкилланишига кўра

●Печатланган; ●Электрон; ●Видео-кейс; ●Аудио-кейс;●Мультимедия-кейс

Барча таълим муассасаларида мутахассислигидан қатъий назар ушбу кейс технологияларидан кенг фойдаланиш талабаларни йўналиш материалларини тезроқ ва кенгроқ ўзлаштиришларига ёрдам беради.

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИНИНГ КАСБИЙ ТАКОМИЛЛАШУВИ

О.Ибодуллаева, НавДПИ умумий педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси.

Ўқитувчининг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни касбий-педагогик фаолият меъёри ва асосий функцияларидан бири сифатида қаралганда унинг моҳияти ва лойиҳаланишига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви – бу педагогик фаолиятнинг тарихбий тузилмаси ва ўзига хос жиҳатларини яхлит ифода этадиган касбий аҳамиятга молик сифатлар мажмуини шакллантириш жараёнидир.

Бунда ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни ижтимоий муҳит таъсирининг ўқитувчи шахси ривожланиши ички шарт-шароитлари орқали сингиб ўтиши билан кечади. Касбий ролини англаш, қабул қилиниши мумкин бўлган педагогик қарорларни ва уларнинг оқибатини англаш, ўз касбий фаолиятини умумлаштириш ва унинг истиқболларини башорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва такомиллаштириш малакалари – буларнинг барчаси уста-педагог ривожланишининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлар педагог шахсининг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланади, ўзгаради, заифлашади ёки кучайиб боради (ўқитувчи шахсининг касбий ижтимоийлашуви – касбий тажриба ва маданиятни ўзлаштириш), индивидуаллашади (ўқитувчи шахсининг индивидуаллашуви – касбий муносбатларни ўзлаштиришнинг бетакрор шахсий усул ва шакллари). Бу жараёнда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам касбий аҳамиятга молик сифатларни ташувчи ва олиб борувчи сифатида, ҳам ижтимоий шарт-шароит таъсири объекти ва шу билан бирга педагогик фаолият ва ўз-ўзини шакллантириш субъекти сифатида майдонга чиқади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви қуйидаги кўрсаткичларга эга: а) ички тузилиши – бу ўқитувчининг касбий фаолиятга киришуви изчиллиги билан белгиланади; б) йўналганлик – бу тизимли сифатлар бўлиб, касбга муносабат, касбий фаолият кўрсатишга эҳтиёж ва унга тайёрлик билан белгиланади; в) зиддиятлар – бу касбий ривожланишнинг объектив ва субъектив омиллари ва асосини ташкил этади; педагог шахсини касбий такомиллашувидаги асосий зиддиятлар – бу

шахснинг шаклланган сифатлари ва объектив мавжуд бўлган талаблар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар бўлиб ҳисобланади; г) касбий аҳамиятга молик сифатларни шаклланишининг нотекислиги бўлиб, бу касбий такомиллашувнинг ҳар бир босқичида топшириқларнинг турличалиги – билув тошириқлари, ахлоқий-маънавий, коммуникатив, меҳнат, қадриятли топшириқлар қўйилиши билан белгиланади; д) айни пайтдаги ривожланиш босқичи натижаларининг кейингисига акс таъсири; касбий шаклланиш ютуқларининг педагог шахсига таъсири уни янада такомиллаштиришнинг иккиламчи шарти сифатида майдонга чиқади.

Касбий қимматга эга сифатлар умумкасбийдан индивидуалга "кўчириш" орқали ривожлантирилади. Улар транзит хусусиятга эга бўлиб, касбий такомиллашувнинг бир босқичидан иккинчисига ўтиб боради. Унинг асосида педагог касбий фаолиятининг барқарор усул ва шакллари ва хулқ-атвори, унинг ҳаёт тарзи ётади. Касбий қимматга эга сифатларнинг шаклланганлик даражаси педагог шахси касбий такомиллашуви мезони бўлиб, у педагог касбий фаолият даражасига нисбатан қаралади ва бу фаолият меъёрларини қанчалик эгаллаганликни кўрсатади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашув жараёни (агар барча босқичлар тўла амалга оширилса) ё тўлақонли (гармоник) бўлади, ёки (агар ўқитувчи фақат бир неча босқичларнигина ўтаган бўлса) чегараланган бўлади.

Мотивлаштириш босқичида – касбий мақсаднинг шаклланиши – ўқувчилар (касб-ҳунар таълими босқичидаги) танланаётган касбнинг ижтимоий аҳамияти, касбий тайёргарлик шакл ва усуллари, ушбу касб эгасига қўйиладиган касбий талаблар тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишлари лозим бўлади.

Иккинчи босқичда касбий ўз-ўзини англаш жараёни кеча бошлайди. Бу жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бунда шахс касб дунёсида ўз ўрнини қидира бошлайди, муайян фаолият субъекти сифатида ўзига бўлган муносабати, ўз жисмоний, ақлий имкониятлари, қизиқишлари, майллари тўғрисидаги фикрлари шакллана бошлайди, индивидуал касбий тараққиёт траекторияси ривожланади.

Касбий такомиллашувнинг илк босқичларида ижтимоий вазиятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар педагог шахсида ижодий фаолликни таъминлайди.

Учинчи босқичда касбий-педагогик йўналганлик, касбий билим, кўникма ва малакалар тизими шаклланади, ўқитувчи типик педагогик топшириқларни ечиш усулларини эгаллайди. Касбий адаптация (мослашув) босқичи фаолият меъёрларини ўзлаштиришга йўналганлиги, касбий билим, кўникма ва фаолиятни бажаришдаги умумий усулларнинг эгалланганлиги билан характерланади.

Тўртинчи босқич ўз-ўзини ташҳислашни ва касбий тайёргарликнинг бир қадар юқори даражасига кўтарилишни назарда тутади. Касбий шаклланишнинг ушбу босқичида меъёрий фаолиятнинг мўътадиллашуви, касбий позициянинг шаклланиши содир бўлади, шунингдек, шахсий сифатлар ҳамда билим, кўнима ва малакаларнинг интегратив мажмуи шаклланади ва булар педагогик фаолиятни ижодий даражада бажара олишнинг самарали услуби пайдо бўлишига олиб келади.

Шахснинг интегралашган касбий аҳамиятга молик хусусиятларининг таркиб топиб бориши маҳорат босқичида давом эта боради. Уларнинг тугал шаклланишида шахснинг ўз фаоллиги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Меъёридан ортиқ фаолликни намоён қила туриб ўқитувчи ўзида мавжуд бўлган фаолият усулларини ўзгартиради, уни такомиллаштиради, яъни ўз фаолият усулларини янада самаралироқ – ижодийлик даражасига кўтаради ва шахс фаоллигининг юқори кўрсаткичини намоён қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касбий тараққиётнинг муайян босқичига кўтарилган шахс ўзини прогрессив ривожлантириш жараёнини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бунда стагнация ҳолати бошланиш хавфи пайдо бўлади. Ўқитувчи шахси касбий такомиллашувидаги стагнация ҳолатининг асосий омили педагогик тизимнинг таълим жараёни билан чекланиб қолганлигида намоён бўлади. Бундай стагнация ҳолатини бартараф этиш учун ўқитувчи фақат ўқувчи шахси билан ишлашда чекланиб қолмасдан ўз шахси билан ҳам мунтазам ишлашни давом эттириб бориши лозим бўлади. Ўз-ўзини касбий такомиллаштиришнинг юқорида кўрсатилган босқичларини ўташдан кўзланган асосий мақсад фақат ўзида муайян касбий билим, кўникма ва малакаларни, касбий сифатларни ҳосил қилишгина бўлиб қолмай, балки, асосан, мунтазам ўз-ўзини такомиллаштириб бориш кўникмаларини шакллантириш ҳам бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикамизада узлуксиз равишда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Галдаги вазифа ўқитувчи-педагогларнинг ушбу тизимга онгли муносабатини таркиб топтиришдан иборатдир.

САВОД ЎРГАТИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ю.Ю.Азимов, БухДУ доценти, филология фанлари номзоди,
З.Умуров, БухДУ бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Дидактик материаллардан фойдаланиш, хусусан, савод ўргатиш жараёнида катта аҳамиятга эга бўлиб, улар таълимий материалларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда дарсни қизиқарли ташкил этиш учун асосий рол ўйнайди. Иккинчидан, улар ўқувчиларнинг мустақил ишларини таъминловчи муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам дидактик материаллар ҳақида гап борганда кўпинча алоҳида ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва ўқитувчининг ўқувчилар билан яккама-якка ишлаши ҳам кўз олдимизга келади.

Тажрибалардан аёнки, ўйин болаларнинг асосий фаолиятларидан биридир. Ўйин болаларнинг ҳаёт, атроф муҳитдаги воқеа-ҳодисалар, предметларнинг моҳиятини тушунишга катта ёрдам беради. Сиз ҳам кўпинча шундай воқеанинг гувоҳи бўлгансиз: агар икки-уч нафар кичик ёшли бола учрашиб қолса, ҳамма нарсани унутиб, ҳатто ейиш ва ётишни ҳам эсдан чиқариб ўйнайди. Улар ҳатто бундан чарчамайди. Бу ҳол академик Павловнинг таъкидича, табиий хусусият, яъни болаларнинг ғайришартий рефлекси ҳисобланади. Бунга яққол мисол сифатида К.Д.Ушинский келтирган бир ҳодисани айтиш мумкин: “Сиз болангиз қўлидан ушлаб шаҳар айланишга чиқасиз. Бир-икки соатдан сўнг бола оёқларим оғрияпти, чарчадим, уйга борамиз деб хархаша қилишни бошлайди. Сиз уйга қайтасиз. Уй олдида болангиз тенгқурларини уйнаб ўтирганини кўради. У сиздан “Дадажон ўртоқларим билан бирозгина ўйнай”, -деб сўрайди. Бола чопиб кетади ва кечқурунгача ўйнайди. У на чарчайди ва на оёқлари оғрийди [2.62-63]. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қизиқарли ўйинлар болаларнинг турли хилдаги фаолиятларини ривожлантиради, уларни руҳан ва жисмонан чиниқтиради.

Болалар ўйинини хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин. *Биринчи гуруҳ ўйинлар* вақтни қизиқарли ўтказиш хусусиятига эга. *Иккинчи гуруҳ ўйинлар* эса ўйнаб туриб ниманидир ўрганиш хусусиятига эга. Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала гуруҳ ўйинлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

Таълим жараёнида энг муҳим ва аҳамиятли ўйин бу дидактик ўйиндир. Унга машҳур тожик методисти М.Лутфуллоев шундай таъриф беради: “Дидактик ўйинлар деб шундай таълимий ўйинларга айтиладики, улар дарс жараёнида ва дарсдан ташқари таълим ишларида ташкил қилинади. Дидактик ўйинларни ўқитувчи ўз дарс режасига киритади, дарс мазмуни ва таълим принципларига хос татбиқ этади. Агар оддийроқ қилиб айтсак бола ўйнаб туриб ўқийди, ўйнаб туриб ёзади, ўйнаб туриб сўзлайди ва суҳбатлашади”[2.63].

Иқтибосдан аёнлашадики, ўқитувчи бундай дидактик ўйинларни нафақат дарснинг у ё бу лаҳзасида, балки унинг ҳамма лаҳзаларида ташкил этиб амалга татбиқ этиши мумкин. Албатта, дидактик ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш жуда мураккаб иш ва бу ўқитувчидан доимий ижодкорликни талаб этади. Агар ўқитувчи изчиллик билан ижодий меҳнат ва изланишдан қочмаса, заҳматларининг самараси тез кўзга ташланади. Дидактик ўйинларнинг ролини, хусусан, савод ўргатиш дарслари жараёнида чегаралаб қўйиш мумкин эмас.

Руҳшунос ва педагогларнинг айтишларича, бошланғич синф ўқувчилари ўзларига маъқул бўлмаган нарсадан тез чарчаб зерикадилар. Агар болага катта жисмоний ишни у маъқул кўрган ўйин шаклида бажартирсангиз у чарчамайди ва иштиёқ билан оғир жисмоний ишни бажаради. Бундан кўринадики, бола психологияси ҳамма нарсани ўйин шаклида тез ва самарали қабул қилади ва унинг кичик организми ҳам шунга мослашади.

Қадимий римликлар айтган эдилар: билимнинг илдизи ғаму андуҳдир. Бу фикрга қарши фикр айтиш мумкин: нега табассум билан ўрганиш мумкин бўлган нарсани кўз ёши ва беҳуда уринишлар билан ўрганиш керак? Агар дарсни қизиқарли ташкил қилсангиз, таълимнинг илдизи бошқа бўлади. Ахир бир хил, қизиқарли бўлмаган дарсларда болаларнинг қувноқ ва гулгун чеҳраларини кўриш мумкинми? Дарсни шундай ташкил этиш лозимки, унинг ҳар бир лаҳзасида болаларнинг шавқу ҳавас ва ҳайратдан чақнаган кўзлари “мен тайёр”, “мен айтай” деган ҳайқириқлари жаранглаб турсин. Ўқувчи ёзади, ўқийди ва саволларга жавоб беради, лекин бу иш унинг тафаккурини қўзғатмайди, унга шавқу ҳавас уйғотмайди. У суст. Албатта, у бу жараёндан ниманидир ўрганади, лекин суст ўзлаштириш мустаҳкам билимнинг асоси бўлолмайди. Болаларга ҳамма нарсани улар учун ғайриоддий ва кутилмаган усуллар билан етказиш лозим. Таълимни ҳаммавақт муаммоли вазиятлар билан ташкил этиш катта самара беради.

Таълим жараёнида ҳаммавақт энг қулай усулни қўллаш керак. Таълим мураккаб бўлса, болалар яхши идрок этмайдилар, ҳаддан ташқари оддий бўлса ҳам болалар осон йўлга ўрганиб қоладилар. Агар мураккаб нарсани ўргатиш лозим бўлса, уни қизиқарли ўйин тарзида болага етказиш йўлларини излаш даркор.

Шуниси ҳам муҳимки, ўқув материални идрок килишда қанча кўп сезги органлари иштирок қилса, ўқув материали ҳам шунча тез ва пухта эсда қолади. Масалан, ўқувчилар ўқув материалини

эшитиш органлари воситаси билан идрок қилиб қолмай (фақат ўқитувчининг дарсига, шерикларининг баланд овоз билан ўқишига қулоқ солиш билангина чекланиб қолмай), балки кўриш органлари воситаси билан (дарсликни ўқиш, ундаги расмларни кўриш, турли кўргазма қуроллардан фойдаланиш), шунингдек, мускул ҳаракатлари (ёзиб олиш, сўзларни баланд овоз билан айтиш, ўз ичида шивирлаб айтиш) воситаси билан ҳам идрок қилганларида, бу материални яхши ва мустаҳкам эслаб қоладилар.

«Боланинг эсида бирор нарсанинг маҳкам ўрнашиб қолишини хоҳловчи педагог бола сезги органларининг мумкин қадар кўпроғини-кўзи, қулоғи, товуш органи, мускул сезгиси ва, ҳатто, агар иложи бўлса, ҳидлаш ва таъм билиш-органларини эсда тутиб қолиш процессида қатнаштиришга ҳаракат қилиши керак», - дейди К.Д.Ушинский [3. 367].

Савод ўргатиш жараёнида баъзи ўйинларни кўргазма қуроллар орқали ташкил этиш мумкин. Болалар диққатини жалб қилиш ва ўргатиш лозим бўлган ўқув материал хотирада қолиши учун кўргазма қуроллар чиройли, катта ҳажмда, ортиқча безаклардан холи ҳолда яратилиши ва дарс жараёнида 1-2 дақиқа давомида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

“Болалар шакллар, ранглар, товушлар, умуман сезгилар билан фикрлайди...”; бундан болалар учун кўрсатмали ўқишнинг зарурлиги келиб чиқади, “бу ўқиш мавҳум тасаввурлар ва сўзларга асосланмай, балки бола бевосита ўзлаштирадиган конкрет образларга асосланади” –деб ёзади Ушинский [1.286].

Кичик ёшдаги, хусусан, 6-7 ёшдаги болаларнинг диққат ва ўзлаштиришлари анча суст бўлади. Агар таълим бериш йўллари ҳам суст ва таъсирсиз бўлса бу кўрсаткич яна ҳам пастга тушади. Ғайриихтиёрий диққат болаларда нисбатан кўпроқ ривожланганки, бу ҳол табиийдир. Ғайриоддий ва қизиқарли нарса болалар диққатини ўзига тортади. Шунинг учун кўргазма қурол билан ўтказилган дарслар кўргазма қуролсиз ўтказилган дарслардан самаралироқдир.

Дидактик ўйинлар ёрдамида дарс сифатини ошириш муаммолари рус олимлари томонидан ҳам мукаммал ўрганилган. Бунга Т.А.Масловскийнинг “Математика дарсларида дидактик ўйинлар”, Н.И.Семешкинанинг “Савод ўргатиш жараёнида дидактик ўйин ва топшириқларнинг ўрни”, Л.В.Кобановнинг “Таълимий ўйинлар дарс самарадорлигининг ошириш воситаси”, О.В.Губановнинг “Дарсларда ўйин усулларидан фойдаланиш” каби мақолаларини мисол келтириш мумкин. Мазкур мақолаларда таълим жараёнида дидактик ўйинларнинг аҳамияти кенг қамровли баён этилган.

Савод ўргатиш жараёнида дидактик ўйинлар хотирани мустаҳкамлаб, ўзлаштиришни анча самарали қилади. Бундай ўйинларни изчил тарзда ўтказиб туриш лозим. Савод ўргатиш жараёнида методистларимиз тавсия этган хотирани мустаҳкамловчи турли хилдаги дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Бир дақиқада хотирангда сақла” ўйинини олайлик. Бу ўйин кўриш хотирасини мустаҳкамлайди. Ўйин оддий усул билан бошланади: доскада ўнга яқин сўз ва бўғинлар ёзилади. Болалар бир дақиқа ичида доскадаги ёзувларни ўқиб хотираларида сақлайдилар. Ўқитувчи доскани тозалайди ва ўқувчилардан хотираларида сақлаган ёзувларни сўрайди. “Ким сеҳрли сандуқчадан кўпроқ сўзларни ёд олди” ўйини ҳам қизиқарли ташкил этилади. Унинг шартига асосан ўқувчилар қуттичада ёзиб қўйилган **ассалом, хайр, кечирасиз, раҳмат, хуш келибсиз, яхши қолинг** каби сўзларни бир марта кўриб, ёдларида сақлайдилар. “Ким мушукчасининг сифатларини кўпроқ хотирасида сақлайди?” ўйинида болалар мушукларининг сифатларини **(пахмоқ, алоча, одобли, дангаса, юмшоқгина, ўғрича, ўйинқароқ, оппоқ)** ёд олиб хотираларида сақлашлари лозим.

Юқоридаги уйинларни мураккаброқ шаклда ҳам ташкил этиш мумкин. Бундай ўйинлар ҳам ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, ҳамда нутқини ровожлантиради. Бундай ўйинлар сирасига “Қўш” (“Илова қил”) ўйинини ҳам киритиш мумкин. Ўқитувчи топшириғи билан бир ўқувчи бирор предметнинг номини айтади ва эстафеда тайёқчасини ёнидаги бошқа ўқувчига беради. У биринчи ўқувчи айтган сўзни такрорлайди ва ўзи ҳам унга битта сўз қўшади. Учинчи ўқувчи аввалгилар тузган иккита сўзни айтади ва ўзи битта сўз қўшади. Ўйин шундай давом этади. Масалан:

1. Фил
2. Фил, шер
3. Фил, шер, арслон
4. Фил, шер, арслон, айиқ
5. Фил, шер, арслон, айиқ, бўри
6. Фил, шер, арслон, айиқ, бўри, тулки
7. Фил, шер, арслон, айиқ, бўри, тулки, қуён
8. ... .

Я.А.Коменский ўкитишдаги догматик усулга, яъни маъносини тушунмай оғзаки ёдлашга онглилик принципини қарама-қарши қилиб қўйди. Я.А.Коменский бундай деб ёзади: «Ақл-идрок билан яхши тушуниб олинган нарсадан бошқа ҳеч бир нарсани зўрлаб ёдлатмаслик керак». Ўқувчилар «ўрганилаётган нарса кундалик ҳаётда қандай фойда етказишини» ўқитувчи ёрдами билан

равшан англаб олишлари лозим. Ҳодисаларни ўрганиш чоғида шу ҳодисаларнинг сабабларини ўқувчиларга тўла суратда англатмоқ керак. «Ҳар бир нарсани тўла тушунтириб бўлгунча, шу нарса устида тўхтайвериш керак»[1. 59].

Баъзи ўйинлар, таъкидланганимиздек, янги товуш ва ҳарфларни мустаҳкамлаш жараёнида қўлланилади. Бунда қўйидаги ўйинларни мисол келтириш мумкин: “Унлилар бир қадам олдинга!”, “Ҳарфлар титилиб кетди”, “Кема”, “Хат ташувчи” ва бошқалар. Янги товуш ва ҳарфларни ўрганиш жараёни ниҳоятда мураккаб бўлганлиги боис, уни қизиқарли тарзда болаларга етказиш таълим самарасини анча оширади. Албатта бу ҳол ўқитувчидан катта тажриба ва ижодкорликни талаб этади. Агар ўқитувчи ижодкор бўлса бир хил таълимий ўйиндан савод ўргатиш жараёнида бир неча маротаба фойдаланиши мумкин. Бу фойдаланиш жараёнида у такрорлашлардан ўзини сақлайди.

Ҳар қандай кўникма («а» ҳарфини ёзиш, болға билан мих қоқиш), албатта, айрим ҳаракатларнинг тўла ва аниқ булишини талаб этади. Ясси думалоқ шаклини ёки илмоқли таёқчани (чизиқчани) ёза олмаслик, ручка ёки қаламни тўғри ушлай олмаслик «а» ҳарфини ёза олмасликдан далолат беради. Болғачани сопидан тўғри ушлай билмаслик ва болға уришда қўлнинг нотўғри ҳаракат қилиши мих қока билмасликни кўрсатади. Бунда ўқувчи «а» ҳарфининг қандай қилиб ёзилишини ва болғача билан қандай қилиб мих қоқилишини билиши ва ҳатто гапириб бериши мумкин [4.436-437].

Болаларнинг чиройли ва бехато ёзиш малакаларини шакллантириш жараёнида ҳам бир қатор дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ахир “Ёзма нутқни эгаллаш оғзаки нутқни ва, айниқса, монолог нутқни тўғри ва кенгроқ қилиб тузишга ёрдам беради” [4.323]. Бу жараён бошқа жараёнлардан фарқ қилади. Шунинг учун ўқитувчилар дидактик ўйинларнинг тузилишини пухта ўйлаб амалга татбиқ этишлари лозим. Ўйинлар қўл ҳаракати, ёзув қуроллари, тез ва бехато ёзиш жараёни билан боғлиқ ҳолатларни ўзига мужассамлаштирган бўлиши лозим. Шу ҳолатда у керакли натижани беради.

_____

1. Н.А.Константинов, Е.Н.Мединский, М.Ф.Шабаева. Педагогика тарихи. Тўлдирилган ва қайта ишланган тўртинчи нашридан таржима. -Т.: Ўқитувчи, 1976.
2. Лутфуллаев М. ва диг. Таълим дар синфи I – Душанбе: Маориф, 1992.
3. К. Д. Ушинский, Танланган педагогик асарлар. Тошкент: Уқувпеддавнашр, 1959.
4. П.И.Иванов. Умумий психология. –Т.: ўқитувчи, 1967.

ZAMONAVIY DARSLIKLARDA BILISH MUAMMOLARI

Z.Umurov, BuxDU boshlang’ich va maktabgacha ta`lim uslubiyoti kafedrasi katta o’qituvchisi

Ta`lim induktiv loyihalanganda o’quvchilarning o’quv–biluv faoliyati harakatga teng maqsadlarni, so’ngra oraliq maqsadlarni, eng oxirida bosh maqsadni amalga oshirishga qarab boradi. O’zlashtirish uchlik qolipida ishlaydi; amaliyot, amaliyotdan chiqarilgan xulosaga, chiqarilgan xulosani amaliyotda ishlatish. Binobarin, o’quvchi o’z xatti–harakatlaridan Davlat ta`lim standart(DTS)lariga va ulardan bilimlarni faoliyatda ishlatishga qarab boradi. Deduktiv ta`lim ikkilik qolipida ishlaydi: mavzu doirasida nazariy bilimlar davlat ta`lim standarti doirasida o’rganiladi, o’rganilgan bilimlar amaliyotga tatbiq qilinadi.

O’quv topshiriqlari tizimida o’quv materialining mazmuni, maqsadi, uning o’quv-biluv faoliyatida bajaradigan ishi, topshiriqni bajarish usuli takrorlanadi. Yanada ommabop qilib aytganda, o’quv materiali o’quv topshirig’i vositasida bolalarning o’quv-biluv faoliyatiga moslashtiriladi. Shu jihatini inobatga olib, o’quv topshirig’ini o’quv materiallariga didaktik ishlov berish, ta`lim mazmunini bolalarning real o’qish imkoniyatlariga moslashtirish vositasi deb qaraymiz.

Ta`lim olish jarayoni insonning tabiiy izlanishga bo’lgan qiziquvchanligiga bo’lgan qiziquvchanligiga tayanishi kerak.

Mana shunday ta`lim jarayoni modelini yaratishda darsliklar yetakchi bo’lishi zarur. Buning uchun ular o’quvchilarning shaxsiy, subyektiv muammolarini bilish muammolariga aylantirishlari hamda qo’yilgan didaktik bilish muammolarini echish usullarini taklif qilishlari zarur.

Ta`lim dasturlari va standartlarning talablariga javob beradigan bilimga u yoki bu o’quvchining ega bo’lganligini aniqlash mezonlaridan biri – bu ma`lum fanga doir bilish muammolari majmuini echa olishidir.

Bilish muammosiga bunday yondashuv, uning mohiyatini aniqlashni talab qiladi. Oxirgi paytda “muammo muammosiga” bag’ishlangan qator ilmiy izlanishlar va amaliy tahlillar chop etildiki, ularni tahlil qilishda hattoki izohli lug’atlar ham ojizlik qilishyapti. Tashqi ko’rinishidan juda jo’n bo’lgan bu muammolar, aslida juda murakkab va ko’p qirralidir. Shu jumladan bilish muammosi ham o’z ichida quyidagilarni qamrab olgan:

- Ta`lim olish vositalari muammosini;
- Axborot tarkibi muammosini;
- O’quv-izlanish dialoglarini tuzish muammosini;
- Bilish jarayonini baholash;

- Ta`lim mazmunini integrallash yo'llari muammosini.

Bilish muammosi o'z tabiatiga ko'ra ikki xil ko'rinish kashf etadi: uning tashqi obyektiv tomoni borliq haqiqatni aks ettiradi, ichki ko'rinishi, insonning u yoki bu to'qnashuv va qarama-qarshiliklarga duch kelgan holatini ifodalaydi.

Muammo tushunchasining asl, umumiy mazmuni – bu subyekt (inson, shaxs) tamonidan o'zida mavjud bilim va ko'nikmalar asosida duch kelgan muammoni echa olmasligini e`tirof etishidir.

Insonning mana shu muammolarni echishga bo'lgan intilishi rivojlanishni ta`minlaydi. Shuning uchun o'quvchilarning muammolarni, to'siqlarni echishga o'rgatish ta`lim taraqqiyotining asosini tashkil etishi kerak.

Mantiqan bilish muammosining asosida asta-sekinlik bilan sinfdan-sinfga qarab muammolar murakkablashib borishi kerak. Bu esa o'z navbatida o'quvchilarda muammolar echish malakalarini rivojlantirib boradi.

Bilish muammosi darsliklarning umumiy maqsadi tarkibida o'rganilishi kerak. Shundagina u umumta`lim jarayonining ajralmas qismiga aylanadi.

Bunda ta`lim olishni asoslash asosiy o'rin egallaydi.

Ta`lim olishning tashqi asosi – mukofot, maqtov uchun yoki salbiy holatlardan saqlanish uchun o'qish, bilish, o'rganishdir.

Ta`lim olishning ichki asosi – bu birinchidan, tashqi maqsadlarga erishish bo'lsa, ikkinchidan, o'quvchilarning tabiiy xususiyati bilishga qiziqishidir. Mana shu bilishga bo'lgan qiziqish ichki asoslashning integrasion ko'rsatgichi bo'la oladi.

Tadqiqotchilarning fikricha, bilishga bo'lgan qiziqish, intilish bilish jarayonining harakatlantiruvchi kuchidir.

Shunday qilib, darslik vazifalarini belgilashda bilishga (ta`lim olishga) qiziqishni o'quvchilarning tabiiy ichki harakatlantiruvchi kuchi deb hisoblab, ular qiziqishini oshirishga xizmat qiladigan topshiriqlar tanlashni e`tirof etish kerak. Agar o'qishga bo'lgan qiziqish past darajada bo'lsa bilim olish o'quvchilarning tabiiy imkoniyatlaridan past kechadi.

Oxirgi yillarda dunyoviy didaktikada ta`lim jarayonidagi "sun`iy va tabiiy" hodisalar haqida bahs munozaralar avj olgan. Tabiiy ta`lim jarayoni tarafdorlari fikricha, o'quvchilarning tabiiy bilish qobiliyatlarini borliqda mavjud muammolarni echish va tahlil qilish orqali, ular bilim saviyalarini oshirishdir.

"Barchaga ma`lumki, hozirgi zamon axborot texnologiyalarining yuqori darajadagi rivoji va tez suratlarda o'sishi bilim olishda aqliy imkoniyat va shaxsiy mustaqil fikrlash masalasi asosiy o'rinni egallaydi. Bu borada hech kim, na o'quvchi, na o'qituvchi, na yoshu-keksalar bir tomonlama tayyor ma`lumotlargina orqali yetarli bo'lolmaydi. Shuning uchun faqatgina reproduktiv usulga asoslangan ta`lim yetarli emas. Unga o'quvchilarni bilishga yo'naltiruvchi, qiziqtiruvchi, nazariy muammolarni mutaqil echishga undaydigan usullarning yo'ldosh bo'lishi zamon talabidir. Bunda o'quvchilar bir tomondan tayyor ma`lumotlarni qabul qilishsa, ikkinchi tomondan muammolarni echish orqali yangi bilimlarga ega bo'lishadi"[1].

Shunday qilib, bilish muammolariga quyidagicha talqin bersa bo'ladi:

- Ta`lim jarayoni tabiiyligining muhim ko'satgichi;
- Ta`lim jarayonini faollashtiruvchi omil;
- O'quvchilarning bilishga bo'lgan qiziqishini shakllantirib, bilish qobiliyatlarini rivojlantiradi;
- O'quvchilarni bilishga bo'lgan ichki intilishlarini yuzaga keltiradigan muhim integrasiya jarayonidir.

Bilish muammosi nima?

Mazkur savolga turli pedagogik manbalarda turlicha ta`rif berilgan. Ularning asl mohiyatii quyidagicha. Bilish muammosi – bu muammo, muammoli holat, muammoli topshiriq, bilish muammosi.

Terminologik (atama) bahsiga berilmasdan, shuni aytish joizki, muammo – bu savol, topshiriq, holatdir. O'quvchilar bu muammoni echishni oldindan bilishmaydi, ammo uni echish uchun ko'rsatma va birinchi tayanch vositalari mavjud. Demak, javobi oldindan ma`lum savol muammoli hisoblanmaydi, shuningdek, murakkab savol ham muammoli bo'lolmaydi, agarda javobi, yechimi oldindan ma`lum bo'lsa.

Har qanday muammoli bilish o'quvchi uchun qiziqish uyg'otmasligi mumkin. Chunki, o'quvchi juda murakkab topshiriqni ham qabul qilolmaydi. Ya`ni, yechimini bilmasa, yoki echishiga ishonchi bo'lmasa (ko'zi etmasa) o'quvchi uni qabul qilmaydi. Shuning uchun muammoli topshiriq na juda sodda, na juda murakkab bo'lishi kerak.

Taniqli tadqiqotchi A.M.Matyushkin muammoli holatni shunday ta`riflaydi. "Obyekt va subyektning maxsus o'zaro aqliy munosabatlaridir. Bunda subyekt (o'quvchi) muammoli topshiriqni echishda o'zida oldin mavjud bo'lmagan bilimlarni e`tirof etishi. Muammoli harakat – bu shunday holatki, o'quv ma`lum muammoni echishni xoxlaydi, ammo uni echish uchun qandaydir ma`lumotlar etmaydi va shu yetishmaydigan bilimlarni uning o'zi qidirib topishi kerak."

[1] Okon V.V. Vedenie v obchuyu didaktiku. Perevod s polskogo. –M.: Visshaya shkola, 1990. – 381 s.

Zamonaviy darslikda qanaqa muammoli topshiriqlar bo'lishi kerak?

Ma`lumki, ta`lim mazmuni to'rt asosiy bo'limlardan iborat: topshiriqlar tizimi, umumiy intellektual va amaliyot malaka, ijodiy faoliyat, o'ziga va borliqqa emosional (qudratli) yondashuv. Mana shular asosida to'rt guruh bilish muammolari ajratilgan:

- Yechimi yangi bilim beradigan muammo;
- Yechim natijasi yangi o'quv malaka beradigan muammo;
- Yechimi ijodiy faoliyatni rivojlantiradigan muammo;
- Yechim natijasi emosional – baholash malakasini oshiradigan muammolar.

Birinchi guruh muammosi, yangi bilimlarni egallash ehtiyojidan ro'yobga keladi.

Ikkinchi guruh muammosi mantiqiy, qiyosiy, o'quv-malakalari natijasiga paydo bo'ladi.

Uchinchi guruh ijodiy faoliyatni harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi.

To'rtinchi guruh muammosi baholash, munosabat ifodalash malakasini oshiradi.

Bilish muammolari maqsadni belgilab, faoliyat tashkil qilish: birinchi, boshlang'ich ma`lumotlarni mustahkamlash, tushunish jarayonini tashkil qilish; faoliyat usullarini belgilash; ijodiy faoliyat usullarini belgilash; o'rgatilgan bilimlarni umumlashtirish va sistemalash; faoliyat natijalarini nazorat qilish sharoitlarini yaratishga xizmat qiladi.

O'quvchi mustaqil ijodkorligini rivojlantirish ham qo'yilgan muammo yechimida asosiy o'rin egallaydi. Bunda muammoli bayon, qisman izlanuvchanlik va tadqiqot usullari ijodiy samara beradi. Muammoli bayonning asl mohiyati shundaki, o'qituvchi o'zi muammo qo'yadi va o'zi uni echadi. O'quvchi bu jarayonni e`tibor bilan kuzatadi. Bu usulning maqsadi o'quvchilarga muammo ilmiy yechimi namunalarini berish.

Qisman izlanuvchanlik usuli o'quvchilarni mustaqil izlanishlar olib borishga o'rgatadi. Buning uchun muammo bir necha kichik muammochalarga bo'linadi va shulardan ayrimlarini o'quvchilar mutaqil echishlari kerak. Buning uchun ular muammo yechish yo'llarini izlab topishlari, isbotlashlari, yakuniy xulosalar tuzishlari kerak bo'ladi.

Tadqiqot usulida o'quvchi o'zining to'liq mustaqil ijodini namoyon etadi.

Endi muammoli holat yuzaga keltirish manbalari masalasiga o'tamiz.

Muammoli holat tashkil qilish manbalari:

- Ma`lum va noma`lum orasidagi didaktik qarama-qarshiliklar;
- Bilim va malakalar orasidagi didaktik qarama-qarshiliklar;
-Topshiriq murakkabligi va uning yechimi mavjudligi orasidagi tafovutlar;
- Bilishga bo'lgan talab va ular yechimi imkoniyatlari orasidagi qarama-qarshiliklar. Shuningdek, yangi izlanishlarga undaydigan topshiriqlar, nazariy isbotlangan, ammo muammoni hal qilish usullarining yo'qligi, murakkab chizma, sxema, algoritmlarni haqiqatga aylantirish, mavjud hodisalar talqinidagi tafovutlar ham muammoli vaziyat yuzaga keltiradi.

Soddaroq qilib aytganda savol va topshiriqlar quyidagi vaziyatlarda muammoli mavzuga aylanadi:

- Yechimi talab etiladigan qarama-qarshiliklar mavjudligi;
- O'xshashlik va farqlarni aniqlash talab etilganda;
- Sabab va natija aloqalarini aniqlash holatida;
- Variantlarni qiyoslashda;
- Maqul variantni tanlashda;
- U yoki bu hodisani amalda tasdiqlash talab etilganda;
- U yoki bu qarorlar kamchiligini aniqlashda.

Darsliklardagi bilish muammolarini dolzarb muammolarga aylantirishda o'quvchilarning shaxsiy munosabatlarini hisobga olmoq zarur. Bu borada tadqiqotchilar quyidagi shartlarni inobatga olishni taklif etishadi:

- Bayonning emosional va yorqinligi;
- O'quvchilar shaxsiy qiziqishlariga progmatik yondashuv;
- Bilimlarni bir sohadan boshqalariga ko'chirish imkoniyatlari (fanlararo);
- O'quvchilarga shaxsiy bilimlarini rivojlantirishda keng imkoniyatlar yaratish;
- O'quvchilarning bilish borasidagi izlanuvchanliklarini rag'batlantirish, ularning muvaffaqiyatlarini e`tirof etish.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАНИ ФОЙДАЛАНИШ

М.Ризоева, З.Умуров, Шофиркон туманидаги 51-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг талабларига биноан жаҳон таълим стандартларига тўла жавоб бера оладиган баркамол авлодни тарбиялаш

бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Эскирган ўқув дастурлари ва методик усуллар ўқувчилар билимининг пасайишига олиб келади. Ўқитувчилардан эса ўқитишнинг янада замонавий усул ва воситаларини излашга ундайди. Бундай воситалардан бири бу компьютердир.

Ўқув-тарбиявий жараёнида компьютерларнинг қўлланиши диапазони жуда катта: компьютер ҳам таълим объекти, ҳам таълим воситаси (усули)дир. Яъни компьютерлаштириш таълимотининг 2 йўналиши мавжуд: информатика ўрганиш ва турли ўқув предметларини (фанларни) ўрганишда ундан фойдаланиш. Бунда компьютер таълим, ўрганиш самарадорлигининг оширилиш усули ҳисобланади. Компьютер ўқув маълумотларини тақдим этиш имкониятларини анча кенгайтиради. Ранг, графика, товуш, видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаш турли ҳолат ва муҳитни моделлаштиришга имкон беради.

Компьютер ўқувчи мотивациясини кучайтиради. Компьютерда ишлаб туриб, ўқувчи топшириқнинг ечимини керакли ёрдамга таянган ҳолда охиргача етказиш имконига эга бўлади. Ўқувчи бажараётган топшириқларнинг типлари анчагина кенгаяди: тузиш, дастурлаш ва ҳоказо.

Компьютер ўқувчи фаолияти устидан назоратни сифатли ўзгартиришга имкон беради, компьютер барча жавобларни текширади, кўпгина ҳолларда эса нафақат хатони ҳисобга олиб кўрсатади, балки унинг пайдо бўлиш сабабини ўз вақтида аниқлаб, бекор қилиш учун характерини аниқ белгилайди. Компьютер ўқувчиларга “2” баҳо қўйса, улар тезда буни тузатишга шошиладилар. Ўқитувчи ўқувчини тартиб-интизом ва эътиборли бўлишга чақириши шарт эмас. Чунки экранда 10-15 дақиқадан сўнг кейинги топшириқ пайдо бўлади.

Компьютер ўқувчиларда ўз фаолиятлари рефлексиясининг шаклланишига ёрдам беради. Компьютер техникасининг қўлланилиши дарсни янада қизиқарли, замонавий қилади, индивидуал ўрганиш содир этилади, назорат ва якунийларни хулосалаш, ўз вақтида ва объектив бўлади.

Ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари, қизиқишларининг ривожланиши ва шаклланиши турли усуллар билан, шунингдек, тасвирий санъат усуллари билан ҳам амалга оширилади.

Ўқувчилар мустақил тасвирий фаолият билан бирга расмлар, ҳайкаллар, архитектура ва декоратив-амалий санъат асарларини қабул қилишга тайёр бўлгандагина муваффақият бўлиши мумкин.

Тасвирий санъат ўқитувчиси болаларни рангларни ажратишга, уларнинг билиш эҳтиёжларини ривожлантириши шарт. Зарурий илмий асосларни ўзлаштириб олиш учун билиш воситаларни таъминлаши лозим. Шунинг учун асосий мақсадлардан бири ўқув-билув жараёнларини ривожлантиришдир. Ўқув-билув фаолияти билув жараёнларни, мантиқий фикрлашни, эътиборни, хотирани, нутқни, тасаввурни ривожлантиради, ўқишга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлайди. Бу каби жараёнлар ўзаро боғлиқдир.

Ўқувчи эътиборини фаоллаштириш, тасаввурни тўғри тузишда қизиқтира олиш ўқитувчига тасвирий санъат бўйича ахборот коммуникация технологияларининг махсус дастурларини қўллашга ёрдам беради. Дарсда ишни саводли ташкил этиш ўқувчини дарсга қизиқтира билиш учун шароитлар яратиш ўқитувчига бадиий қобилиятларни ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни қўллашга ёрдам беради. Дарсларнинг бундай ташкил этиши қисқа муддат ичида болаларга мактабгача бўлган ёшларида маълум бўлган тасвирий усулларни эслаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожлантирувчи моҳияти умумий ўрта мактаб ўқувчиси қобилиятларини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Тасвирий санъат дарсларида компьютерларни қўллаш ўз навбатида бадиий ижодни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Рассомчилик жанрларини ўргана туриб, ўқувчилар у ёки бу техник усуллар, янги бадиий материал, термин билан таништирираётганда компьютер қўлланилади. Бу болаларда ўрганилаётган термин ёки тушунчага бўлган катта қизиқишни уйғотади, эътиборни кучайтиради ва бир вақтнинг ўзида олдиндан маълум ва таниш бўлган материал ва асбоблар, рассом қўллайдиган терминларни такрорлаш мумкин.

Айниқса, янги мавзу тушунтирилгандан сўнг ёки тасвир усулларини кўп марта такрорлагандан сўнг, ўқувчини чарчашдан холи этиш учун компьютерларни қўллаш муҳимдир. Шу мақсадда ўйин дастурларидан фойдаланиш кифоядир. Бунда ўқувчиларга маълум бир кетма-кетликда турли йил фасллари тасвири бор. Суратлар репродукциясини қўйиб чиқиш, уларни жанрлар бўйича ажратиш, декоратив-амалий санъат предметларини турлар бўйича гуруҳларга бирлаштириш таклиф этилади. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун асосий иш усулларини умумлаштириш учун ҳам ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Тасвирий санъат дарсларида ишнинг турли шакл ва усулларини қўллаш ўқувчининг ижодий жараёнда фаол қатнашишини таъминлайди, фантазия ва тасаввурини ривожлантиради, у ёки бу техникада унинг янгича талқин этилишига ёрдам беради. Илк бор пайдо бўлган фикрни бойитади. Дарс жараёнида компьютерларнинг қўлланилиши турли техникада ишнинг алоҳида усуллари ўқувчиларда тасвирий санъат дарсларида ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратади.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA MO'LJALLANGAN O`QUV-BILUV MUAMMOLARI

Z.Umurov, BuxDU boshlang'ich va maktabgacha ta`lim uslubiyoti kafedrasi katta o'qituvchisi,
M.Toshquvatova, BuxDU boshlang'ich ta`lim va sport-tarbiyaviy ish ta`lim yo'nalishi 1-kurs talabasi

Ta`lim jarayonida o'zlashtirish muammosi dolzarb, shu bilan birga juda ko'p omilli pedagogik hodisadir. Bu omillarni qisqacha tavsiflaymiz.

O'quv materiallarini bolalarning turli darajada o'zlashtirishi. O'quv materiali sinf jamoasi a`zolarining har biri uchun bir xil axborot tashisa–da, uni bolalar o'z real o'quv imkoniyatlari dorasida o'rganadi. Bolalarning real o'quv imkoniyatlarining har xilligi o'zlashtirish darajalarining ham har turli bo'lishiga sabab bo'ladi. Bundan o'quv predmetlarini to'liq o'zlashtirish uchun o'quvchilarga individual munosabatda bo'lish zarur, degan xulosa kelib chiqadi.

O'quv materiallarini o'zlashtirish jarayonida ta`lim tempining turli–tumanligi. Bir o'quvchi axborotlarni tez, ikkinchisi o'rtacha, uchinchisi sekin qabul qiladi. An`anaviy ta`limda o'qituvchi barcha o'quvchiga bir xil tempda ishlashni taklif qiladi. Yanada aniqrok aytganda, o'qituvchi o'zlashtirish tempini o'rtamiyona o'quvchiga moslaydi. O'rtacha temp sekin o'zlashtiradigan o'quvchilarga og'irlik qilsa, tez, ishchan, serg'ayrat o'quvchilarni zeriktiradi. Har bir o'quvchining o'ziga mos temp tanlash to'liq o'zlashtirish omili degan xulosani chiqarishimiz uchun imkoniyat beradi.

Bolalar o'zlashtirishining xarakteri. Bir o'quvchi ko'rgazma qurol vositasida o'quv materialini puxta o'zlashtiradi. Chunki bunday o'quvchilarda ko'ruv o'quvi yuqori rivojlangan. Bir o'quvchi mustaqil ishlash, topshiriq va muammolarni mustaqil bajarish yo'llari bilan bilimlarni asosli o'rganadi. Binobarin, bu toifaga kirgan o'quvchilarda fikrlash shakllari har tomonlama rivojlangan. Sinf jamoasida eshitgan axborotlarni atroflicha esda olib qoladigan o'quvchilar ham topiladi. Ta`lim o'quvchilarning axborotlarni qabul qilish xarakteriga qancha mos bo'lsa, u shuncha samarali amal qiladi. O'quv materialiga pedagogik ishlov berib, uni bolalarning qabul qilish o'zlashtirish xarakteriga moslashish yana bir pedagogik talab sanaladi.

Boshlang'ich sinf ona tili darslarida foydalanishga mo'ljallangan uquv-biluv muammolari

1-muammo

Quyida berilgan so'zlarning ma`nolarini izohlang.

Sur`at-surat, ta`na-tana, she`r-sher, sa`va-sava, da`vo-davo.

2-muammo

Berilgan so'zlar ichidan uy hayvonlarining nomini ajratib yozing.

Qo'y, it, yo'lbars, sigir, tulki, maymun, ayiq, buzoq, echki, sirtlon, bo'ri, sher, chiyabo'ri, ot.

3-muammo

Alifbodagi 4, 7, 13, 18, 21, 24, 27-harflarning bosh hamda kichik shakllarini yozing va shu harflargaa oid uchtadan so'z ayting.

4-muammo

Ustunlarda berilgan so'zlarga mosini tanlab yozing.

Tikuvchi	ishlaydi
O'quvchi	bilim manbai
Ot	suzadi
Qush	kuylaydi
Xonanda	kishnaydi
Baliq	uchadi
Kitob	o'qiydi
Ishchi	tikadi

5-muammo

Nima uchun Malika, Bobur, Zarif, Azim, Sanobar, Manzura, Dilshod, Muhammad, Asad kabi so'zlar bosh harf bilan yozilganligini izohlab bering.

2-sinf

1-muammo

Quyida berilgan raqamlarda harflarning tartib raqami berilgan. Agar siz harflarning joylashgan o'rnini to'g'ri topsangiz o'zbek xalq maqoli kelib chiqadi.

12.4.7.13.1.19.-12.4.7.13.1.19.13.8.29 19.1.6.8. 17.14.7.1.19.

2-muammo

Tuman nomlarini alifbo tartibida yozing.

Parkent, Angren, Buvayda, Forish, Qorako'l, Kattaqo'rg'on, Bo'ka, Toshkent, Yakkasaroy, Chilonzor, Vobkent, Buxoro, Bog'ot, Xatirchi, Paxtachi, Dang'ara, Asaka, Romitan.

3-muammo

O'zingiz bilgan shahar nomlaridan 5 tasining nomini yozing.

4-muammo

8-Mart bayrami bilan ona va opangizni tabriklash uchun tabriknoma yozing.

5-muammo

O’zbek xalq maqollaridan yettitasini yozing. Ular ichidan sanoq va harakat bildiruvchi so’zlarni ajratib, izohlang.

3-sinf

1-muammo

A, Y, Q, K, R, B, J, E, U, V, P, Ch berilgan harflarni alifbo tartibida joylashtiring. Unli va undosh harflarni alohida guruhlarga ajratib yozing. Ularni talaffuz qilib, aytilishiga diqqat qiling.

2-muammo

“Biz sportni sevamiz” mavzusida matn tuzing. Matnda darak, so’roq, undov gaplardan foydalaning.

3-muammo

-chi, -la, -kor, -dosh, -li, -siz kabi so’z yasovchi qo’shimchalardan foydalanib yangi so’zlar yasang. Ot yasovchi qo’shimchalar qo’shilgan so’zlarni alohida guruhga ajratib yozing. So’zlarning ma`nolariga diqqat qiling.

4-muammo

Umumxalq bayrami sifatida nishonlanadigan bayramlar haqida ma`lumot yozing. Ularning qanday o’tkazilishi va taassuroti haqida matn tuzing.

5-muammo

-- ----- shu qolipga mos tarzda gap tuzing.

4-sinf

1-muammo

“Navro’z-bahor bayrami” mavzusida matn tuzing.

2-muammo

O’zingiz yoqtirgan hikoyadan kim?, nima?, nima qildi?, nima qilyapti?, nechta? So’rog’iga javob bo’lgan so’zlarni ajratib yozing.

3-muammo

Shod-xursand, toza-ozoda, katta-ulkan kabi so’zlarning ma`nolarini chog’ishtiring. Nega bu so’zlar juft yozilganini tushuntiring.

4-muammo

O’lkamizda qish fasli hukm surmoqda. Kechasi birov atrofga oq choyshab yoyib ketganga o’xshaydi. Daraxtlarning oppoq shoxlari yarqiraydi. Katta hovuz atrofi bolalar bilan gavjum. Hovuzda ular yaxmalak uchmoqdalar. Biz zo’r shavq-zavq bilan yangi yilni kutib olish uchun tayyorlanayapmiz. (“G`uncha”)

Matndagi ot, sifat va fe`llarni uch ustunga ajratib yozing.

5-muammo

“Bizning maktab” mavzusida matn tuzib, narsalarning nomi va belgisini, harakat va miqdor bildiruvchi so’zlarga izoh bering.

КАСБИЙ СОҲА ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛИЙ КАСБИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Кадиров Рашид Хамидович, БухДУ доценти, Ҳакимов Хуршид Нозимович, БухДУ ўқитувчиси, Узоқов Феруз, БухДУ 1-босқич магистри

Бўлажак касбий соҳа учун муҳим (приоритет) жисмоний сифатларни белгилаш усули сифатида юқори малакали ва малакасиз ишчи ходимларнинг муайян ёшдаги касбий фаолиятларини текшириш орқали аниқланади.

Операторлик хизмат турлари, инсон жисмоний имкониятларидан тезкор ҳаракат реакцияси, ҳаракатланиш координацияси, диққатни бошқара олиш сифатларини талаб қилади. Лекин, барча турдаги касб соҳалари юқори малака даражасида меҳнат қила олишлари учун улардан умумий чидамлилик ёки алоҳида мускул гуруҳларининг юқори даражали куч имкониятлари ҳамда айрим ҳаракатлардаги эпчиллик талаб этилади.

Компютер хизмати, компютер тизимини созлаш ва таъмирлаш техниги мутахасислиги ўқувчиларининг касбий амалий жисмоний тайёргарлик самарадорлигини қуйидаги методлар орқали назорат қилиш мумкин [1,2,3].

К.А.Ж.Т. самарадорлиги назорати педагогик ва тиббий-биологик тестлар асосида амалга оширилади ва қуйидаги вазифалардан таркиб топган:

1. Амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштириши даражасини баҳолаш;
2. Психофизик сифатлар даражасини баҳолаш;
3. Танлаб олинган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик йўналишида билим даражасини баҳолаш.

Касбий муҳим тестлар мажмуаси, компьютер тизими, технологияси, операторлик ва шунга ўхшаш маиший (ижтимоий) хизмат кўрсатиш соҳа йўналишларида касбий аҳамиятли бўлиб жисмоний, психофизик сифатлари ва шахс хусусиятлари даражасини баҳолашга имкон беради.

Жисмоний тарбия дастур талабларига биноан, коллеж ўқувчилари ўқув йили бошида ва якунида мутахасислик соҳаларига мос касбий-амалий характердаги тестлардан ўтишлари талаб этилади:

Компютер хизмати, компютер тизимини созлаш ва таъмирлаш техниги мутахасислиги учун касбий муҳим тестлар.

	Тестни ўтказиш ва баҳолаш тартиби	**Назоратга олинадиган жисмоний сифат**	**мутахассислик**	**Баҳо (балли)**				
				1	**2**	**3**	**4**	**5**
	2	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**	**9**
	4х10 м.га юқори стартдан югуриш (предметларга тегиниб ва айланиб ўтиш шарти билан, сония)	эпчиллик, тезкорлик	Компьютер тизими, оператор	11,7	11,4	11,0	10,7	10,3
	Яроцский тести. 1 сонияда 2 марта бошни айланма ҳаракати (икки томонлама, марта)	Вестибуляр барқарорлик	Компьютер тизими, оператор	10	20	30	40	50
	Становой динамометр, (кг)	куч	Компьютер тизими оператор	85	100	120	140	160
	Турникда ростланган оёқларни кўтариб тушиш (ўғиллар, марта)	Куч, чидамлилик	Компьютер тизими оператор	1	3	5	7	10
	Полда таянган ҳолатда қўлларни букиш ва ёзиш (марта)	Куч, чидамлилик	Компьютер тизими оператор	3	6	8	14	21
	Купернинг 12 дақиқали югуриш тести (босиб ўтилган масофа, км/м) *Ўғиллар* *қизлар*	Умумий чидамлилик	Компьютер тизими оператор	 1,9 1,5	 2,1 1,8	 2,4 1,9	 2,6 2,15	 2,8 2,3
	Штанге синамаси Чуқур нафас олиб имконият даражасида сақлаб туриш (сония)	Гипоксияга нисбатан чидамлилик, функционал мувофиқлик, ирода	Компьютер тизими оператор	20	30	40	50	60
	Тўнтарилган гимнастик скамейкада баскетбол тўпи билан юриб ўтиш (сония). Иккита ёнма-ён тўнтарилган гимнастик скамейка юриб бориб, қайтиш ҳамда баланд овозда кара-кара жадвалини такрорлаш, яна ҳар бир ифодалар орасида коптокни бир қўлдан иккинчи қўлга ошириш, сония (қўллар орасидаги масофа 1 м). *Ўғиллар* *қизлар*	Диққатни жалб эта олиш ва ўтказа олиш	Компьютер оператори	 20,0 19,0	 17,11 9,9	 15,11 7,0	 13,11 5,0	 13,0 14,0

Жисмоний ва психофизик сифатлардан энг аҳамиятлилари - *умумий чидамлилик, тезкорлик, эпчиллик, айрим ҳаракатларни мувофиқлаштира олиш, диққатни жалб эта олиш вазиятга мувофиқ оператив ўтказа олишдир.*

Психик ва шахснинг психофизик сифатлари - *(жамоавий ва индивидуал ишчанлик, қатъийлик, ўзини тута билиш, бошқаларни (ёки вазиятни) объектив баҳолай олиш, ирода) киради.*

Сифатлар - *жисмоний (чидамлилик, тезкорлик, эпчиллик); -психофизик (вақт ва маконда ҳаракатланиш, вестибуляр барқарорлик);-психик, қатъийлик, тезкор қарор қабул қилиш, диққат барқарорлиги.*

Махсус қобилиятлар - *электромагнит майдон, гиподинамия, стресс каби салбий омиллага қаршилик имконияти.*

Билим - *касбий салбий таъсир омиллар ва касб билан боғлиқ касалликлар.*

Малака - *техник, автоматик, электроника воситаларини ишлата олиш.*

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим вазирлиги.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури, “Жисмоний тарбия”. Тошкент-2010, 39б.

2. Азизов С.В., Мадаминов Б.Ш., Саидов М. ,,Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни”.// Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш муаммолари./ Наманган 2000. 2-китоб 118- 120 б.

3. Алистратов Г.В, Абдурашидов С.К., Коломенский А.Н. «Жисмоний тарбия ва спорт», Методик тавсиянома Тошкент-2009 78-92 б.

КОМПЕТЕНТНОСТЬ СТУДЕНТА КАК ОСНОВА ЕГО ПРОФЕССИОНАЛИЗМА

Кадиров Рашид Хамидович, БухГУ, доцент кафедры «Теории и методики физического воспитания»

Одна из важных задач национальной программы по подготовке кадров является обеспечение системы образования государства Узбекистан кадрами, владеющими современной педагогическими и информационными технологиями, уровнем высокой профессиональной подготовки и компетентности.

Государственный образовательный стандарт высшего образования является нормативной основой системы непрерывного образования государства Узбекистан. Государственный образовательный стандарт по направлению образования: 5112000 – «Физическая культура» в обязательном порядке определяет для студентов усвоения основных образовательных программ. В контексте приведен термин «компетентность» как способность эффективного применения приобретенных по определенному направлению образования или специальности базы знаний, умений и навыков, в том числе формирование личностных качеств в процессе их трудовой деятельности по специальности. Профессиональная компетентность в данном понимании означает высокий уровень специальных профессиональных знаний и овладение разными сферами профессиональной деятельности, глубокое понимание насущных профессиональных проблем, деловую надежность и способность успешно и безошибочно решать широкий круг профессиональных задач. Профессионализм - это в первую очередь комплекс средств и методов планируемые учебные курсы, направленно составляющие компетенцию студентов по подготовке их как учителей для средне -общеобразовательных школ, академических лицеев и профессиональных колледжей страны. В современном этапе развития компетентность выпускника с бакалаврским дипломом становится важнейшим фактором экономического роста, социального благополучия и развития институтов гражданского общества. Согласно требованиям ГОС, на этапе высшего образования наряду с учебной, познавательной и другими функциями предусмотрено реализация функции социализации студента, осуществление программы и курсов для направленного формирования личности применительно к его психологическому уровню. Успех социализации студента определяется уровнем сформированности психолого-педагогической и профессиональной готовности к следующим видам профессиональной деятельности как учитель, воспитатель, учебно-методическая, научно-исследовательская деятельность.

В Узбекистане разработана и внедрена целая программа для социального развития благополучия выпускников колледжей и высших учебных заведений, эффективно обеспечивающая их трудоустройство по специальности [3]. Каждый учебный год высшими учебными заведениями страны осуществляется и контролируется составление договоров юридического значения контрактных «ВУЗ – выпускник - учебные заведения». Анализ положения дел показывает, что определенная часть выпускников не всегда могут адаптироваться к жесткой реальности педагогической деятельности, не могут выбрать верные приоритеты, чувствовать себя частью

коллектива, не могут сохранить свою индивидуальность, полностью реализовать свою компетентности. Кроме того в ближайшие годы именно жесткая реальность педагогической деятельности на предмет новообразования в системе обучения и воспитания тенденцию к дальнейшему развитию.

Процесс адаптации в условиях реальной жизни может быт связано с возникновениями депрессивных ситуаций и других факторов риска, максимально затрудняя социализации как педагог. Таким образом сложившаяся ситуация предполагает исследований для анализа и пересмотра в системе подготовки кадров, оптимальных путей развития личностных качеств на фоне профессионально значимых знаний, умений и навыков студента.

Задачей исследования является, выявление уровня психических особенностей, взаимообусловленность между сформированной компетентностью выпускника и процессом социализации после трудоустройства по специальности направления образования «Физическая культура».

Для решения задач был использовано тест - вопросник «Оценка социально - коммуникативной компетентности» [1, 2]. В эксперимент участвовали учителя предмета «Физическая культура» со стажем до трех лет и студенты четвертого курса соответствующего направления образования.

На основе полученных данных прослеживается процесс обеспечивающий формирование профессиональных и личностных качеств отражающаяся в межличностных отношений каждого (учителей и студентов) на предмет их компетентности. Качественная сторона анализа показывает, что даже по уровню профессиональной подготовленности, мотивации и индивидуально - психологической особенности специалист, на сколько бы он не не был развит можно сделать вывод о наличии у него больших возможностей для формировании социально - перцептивной компетентности.

Из вышеизложенного можно сформировать следующие рекомендации:

- учебный предмет «Теория и методика физической культуры» по содержанию и структуре является профилирующей дисциплиной. Исходя из этого положения, на занятиях следует планировать социально значимые случаи, процессы и системы примеров из педагогической реальности, импровизируя их средствами информационных и педагогических технологий, интерактивные методы « проблемные случаи», «умственная атака», «кластер» и другие.

- для направленного формирования у будущих специалистов социально - перцептивность и коммуникативной компетентности необходимо качественно пересмотреть приоритеты организационно методической работы «личного рабочего плана профессорско - преподавательского состава, которая составляет 5-10% от обшей нагрузки (1540 ч). Рекомендуется планирование более эффективных форм, как организация и осуществление совместной деятельности учителей учебных заведений (дошкольные учреждения, средние общеобразовательные школы, академические лицеи, профессиональные колледжи) с профессорами и преподавателями высших учебных заведений. В содержании совместной деятельности должно отражаться не только традиционное оказание методической помощи, а семинары, тренинги социально психологического направления, организация открытых уроков педагогического мастерства с участием студентов практикантов.

Литература:

1. Бодалев А. А. Личность и общение. – М., 1983. -324 с.
2. Вегерчук И. Э. и др. Социально-перцептивная компетентность в профессиональном общении. –М: МГУ ПП, 1999. – 266с.
3. Сабурова Д. Результаты эмпирических изучений между социальной компетентности и социальных отношений. // научный журнал «Психология». – Бухара., 2014. – 71-77.

BOLALAR SPORTINING JAMIYAT TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI VA ROLI

S.S. Yo‘ldoshev, G‘ijduvon pedagogika kolleji

Mustaqil O‘zbekistonimizda sport sohasiga alohida e’tibor qaratilayotganligininig asosiy sababliridan biri ham shundaki, bolalar va o‘smirlarni jismoniy jihatdan barkamol ma’naviy jihatdan yetuk qilib tarbiyalash bugungi kun davlat dasturining asosiy mazmuniga aylanmoqda. Chunki, kelajak avlodlar taqdiri bugungi sog‘lom kishilarimizning ma’naviy va jismoniy barkamolligi bilan bog‘liqdir. Bu borada mamlakatimizda yosh avlodning jismoniy va ma’naviy sog‘lomligini mustahkamlash, farzandlarimizning sog‘lom turmush tarzini ta’minlash, ularda sportga muhabbat tuyg‘ularini kuchaytirish yuzasidan keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Bolalar sportining rivoji kelajak yoshlarining jismonan, ruhan hamda sog‘lom tarbiyalanishining muhim garovidir. Bu esa farzandlarimizning kelajakda har qanday zamonaviy texnologiyalarga asoslangan bilimlarni o‘zlashtirishda qarshiliklarga uchramasligini ta’minlaydi. Chunki biz insoniyat tarixida unutilmas burilish pallasi ilm-fan, texnika va texnologiya taraqqiy etgan XXI-asrda yashamoqdamiz, qolaversa, yurtimizda xuquqiy demokratik davlat hamda fuqarolik jamiyatni barpo

etish jarayoni izchillik bilan amalga oshirilmoqdaki, buni biz bugungi kunda olib borilayotgan har bir ezgu amallar zamirida yaqqol koʻrishimiz mumkin. Dunyo hamjamiyati bilan turli yoʻnalishlarda hamkorlik qilish oldimizda turgan iqtisodiy va ijtimoiy siyosiy masalalarni hal etish hamda jamiyatimizni ma'naviy-ma'rifiy jihatdan takomillashtirish orqali xalqimiz faravonligini ta'minlash, fuqarolarimizning, oila va avlodning har tomonlama barkamol ham jismonan, ham ma'naviy jihatdan sogʻlom, dono, ilgʻor fikrli va zakovatli boʻlishiga intilmoqdamiz. Shu oʻrinda yoshlar va oʻsmirlar oʻrtasida sogʻlom turmush tarzini yaratishda jismoniy tarbiya va sportningoʻrni yuksakligini alohida ta'kidlash joizdir. Shu oʻrinda haqli bir savol tugʻiladi.Xoʻsh, mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan keyingi davrlarda sport va sport sohasidagi izlanishlar bizga nima berdi, mamlakatimiz dunyo hamjamiyatidan oʻzining zalvorli oʻrnini egallashi uchun sportning ahamiyatli tomonlari nialardan iborat? Bu savolga quyidagicha javob berish bizningcha bir qadar toʻgʻridir. Oʻzbekistonning jahon mamlakatlari bilantashqi, iqtisodiy, savdo, madaniy va sport sohasidagi aloqalari kun sayin rivoj topmoqda. Respublikamiz sportchilari Koreya, Xitoy, Fransiya, Yaponiya, Arabiston, Turkiya, Amerika kabi yirik mamlakatlarda oʻtkazilgan oʻrtoqlik uchrashuvlari va rasmiy birinchiliklarda qatnashib, dunyo hamjamiyati nigohi oldida oʻzlarining jismoniy hamda intellektual mahoratlarini namoyish qilmoqdalar. Shunisi e'tiborliki, sportning kurash, futbol, qilichbozlik, sambo, yengil atletika kabi turlari hamda sharqona yakkama-yakka bellashuvlar boʻyicha Toshkent, Termiz, Buxoro, Samarqand va boshqa shaharlarda halqaro turnirlar oʻtkazildi. Bularning hammasi Oʻzbekiston shuxratini jahonga tanitish bilan birgalikda, respublikamiz sportchilarining xalqaro sport arenalarida sportning barcha turlari boʻyicha bellashuvga har jihatdan tayyor ekanliklaridan dalolat beradi.

Oʻzbekistonning mustaqilligini jahondagi koʻp davlatlar tan oldi, koʻpgina davlatlar diplomatik munosabatlar oʻrnatdi va shu davr ichida hukumatimiz jismoniy madaniyat va sportni rivojlantirish borasida muhim ishlarni amalga oshirdi.

Hozirgi kunda yoshlarda milliy ong, milliy mafkura, oʻziga xos milliy gʻurur, milliy tafakkur va iftixorni tarbiyalash boraida respublikamizda juda koʻplab ishlar amalga oshirilmoqda. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida ta'lim va tarbiya tizimini tubdan oʻzgartirish, uni yangi zamon talablari darajasiga koʻtarish, barkamol avlodni tarbiyalash yoʻnalishlari belgilab berildi. Bu bizning bugungi kunda oldimizga qoʻygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli uchun amalga oshirilayotgan islohotlarimizga, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli, mustaqil fikrlovchi irodali mutaxassis kadrlar tayyorlash muammolarini bartaraf etishga qaratilgan ishlarimizga yanada ragʻbat berdi. Istiqlol sharofati bilan Oʻzbekiston sportchilarida ma'naviy yuksalish ham yaqqol koʻzga tashlanmoqda, sportning kishilarni har tomonlama rivojlantirishi, sogʻligʻini mustahkamlashi, mehnat va jangovor faoliyatga tayyorlashning vosita va omillaridan biri sifatida Oʻzbeistonning buyuk davlat boʻlishida keng koʻlamli xizat xizmat qilayotganligini mamlakatimiz aholisining barcha qatlamlari, keng jamoatchilik vakillari chuqur anglab yetishdi. Respublikamiz Prezidenti I.Karimovning ta'biri bilan aytganda: "Bizning zaminimiz bahodirlar va himoyachilarimiz boʻlgan polvonlar va botirlarga azaldan boy hamda ularni mehir bilan parvarish qilib kelmoqda"[1]. Bu fikrda juda katta mantiq bor albatta. Chunki Turkiston xalqi azaldan chavandozlik, kurash, ov va sayohat bilan muntazam shugʻullanib kelishgan. Bunday sport musobaqalari va oʻyinlari "Alpomish", "Kuntugʻmish", "Qirqqiz", "Avazxon", "Ravshan", "Manas", kabi bir qator dostonlarda anchagina batafsil tasvirlangan. Shuni alohida mamnuniyat bilan ta'kidlash joizki, mustaqillik sharofati bilan ma'naviy xayotimizda muhim oʻygʻonish davri yuz berdi. Mamlakatimizning ijtimoiy - madaniy hayotida katta voqea boʻlgan ikki muhim sana – ozodlik, mardlik va qudrat timsoli boʻlgan, bugungi kunda sportchilarimizni oʻzgacha shukuxlantiradigan, aytish joiz boʻlsa bugungi kun milliy sportimizning tamal toshini bundan 1000 yil muqaddam oldin qo'ygan ajdodlarimiz Jaloliddin Manguberdi tavalludining 800 yilligi hamda ajdodlarimiz dahosining bebaho yodgorligi hisoblangan "Alpomish" dostonining 1000 yilligi keng nishonlandi. Prezidentimiz I. Karimov "Alpomish" dostonining 1000 yilligiga bagʻishlangan tantanali marosimda soʻzlagan nutqlarida bu dostonning ahamiyatiga yuksak baho berib, shunday dedilar: "Alpomish" - oʻzbekning oʻzligini namoyon etadigan, mard va tanti xalqimizning yurak-yuragidan chiqqan, ota-bobolarimiz avlodlardan avlodlarga oʻtkazib kelayotgan qahramonlik qoʻshigʻidir. "Alpomish" dostoni - butun oʻzbek xalqining ma'naviy mulkidir". Shuningdek, mustaqillik davri tom ma'noda buyuk davlat arbobi Temurning qayta tugʻilish davri boʻldi desak aslo mubolagʻa qilmagan boʻlamiz. Amir Temurga munosabat, uning tarixiy xizmatini munosib baholash va izzatini oʻrniga qoʻyishda shaxsan Prezident I. Karimovning oʻzi tashabbuskor boʻldi.

Ma'naviyatning takomili esa, oʻsha millatga mansub har bir shaxsning ma'naviy kamoloti bilan bevosita bogʻliq va ushbu zaminga tayanib yuksaladi. Har bir xalq mohiyatan umuminsoniy boʻlgan qadriyatlarni tamomila oʻziga xos shakl-u shamoyilda ifoda etishining siri ham shunda. Ilmiy adabiyotlarda u yoki bu xalqning oʻziga xos xususiyatlarini oʻrganish, avvalo, ularning ma'naviy ijodiyotini

[1] Республика Оила илмий амалий маркази журнали Т."Ўзбекистон" 2011-йил 37 – бет

tahlil qilishdan boshlanadi deb ko‘rsatilgan Chunki xalq o‘z tarixini, turmush tarzini, orzu-istaklarini moddiy va ma’naviy namunalarida aks ettirib kelgan.

Yuqoridagi fikrlarimiz davomi sifatida shuni aytish joizki, yuugungi kunda yoshlarimizda milliy ong, milliy mafkura, o‘ziga xos milliy g‘urur, milliy tafakkur va iftixorni tarbiyalash borasida respublikamizda juda ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Oliy majlisining IX-sessiyasida ta’lim va tarbiya tizimini tubdan o‘zgartirish, uni chngi zamon talablari darajasiga ko‘tarish, barkamol avlodni tarbiyalash kabi bir qator muhim yo‘nalishlar belgilab berildi. Bu bizning bugungi kunda oldimizga qo‘ygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimsizga, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli uchun amalga oshirilayotgan isloxotlarimizga, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli, mustaqil fikrlovchi irodali mutaxassis kadrlar tayyorlash muammolarini bartaraf etishga qaratilgan ishlarimizga yanada rag‘bat berdi desak aslo mubolag‘a qilmagan bo‘lamiz. Yuqorida ta’kidlangan fikr va muloxazalarimiz nihoyasida, xulosa tariqasida shuni alohida ta’kidlash joizki, bugungi kun sportchilarimizning milliy istiqlol ruhida barkamol avlod bo‘lib shakillanishida va sportning yuqori arenalarida yuqori natijalarni egallab, O‘zbekiston bayrog‘ini baland ko‘tarishga erishishlari uchun, birinchi galda;

- xalqimiz o‘tmishi, shuningdek, jismoniy madaniyat va sportimiz tarixi, sportchilarimizda falsafiy-psixologik tafakkur, madaniy-ma’rifiy, ijtimoiy-siyosiy, mafkuraviy harakatlar va g‘oyalarga boy ekanligini tushuntirishga erishish;

- sportchilar ogiga o‘tmishdagi jasur, yovqur, jahongir ota-bobolarimiz ruhini singdirish hamda ularda moddiy va ma’naviy madaniyatga bo‘lgan mehr, hurmat va qadr- qimmat kabi sof insoniy tuyg‘ularni rivojlantirishga erishish; Xulosa qilib aytganda jismoniy madaniyat va sport asosida o‘zligini anglash va milliy o‘yg‘onish, mafkuraviy hissiyotni rivojlantirish va shu asosda insonparvarlik, vatanparvarlik ruhini kuchaytirish kabilarga erishish bugungi kun O‘zbek sportini yuksaklikka olib chiquvchi muhim omillardan biri hisoblanadi.

CHET TILLARNI O`QITISHDA DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Sh.G`afurova, Buxoro shahar 4-son umumiy ta`lim maktab o`qituvchisi

Hozirgi zamon ta`lim muassasalarida har tomonlama kamol topgan insonni shakllantirish, uning imkoniyatlarini to`liq ro`yobga chiqarishda o`quv vositalarining o`rni beqiyos. Zero, ular o`rganilayotgan voqea-hodisalar o`quvchi-tinglovchilarga mukammal bilim va chuqur tasavvurlar hosil bo`lishi uchun muhim imkoniyatlar yaratishga qodir.

Hozirgi davr fan-texnika va axborot texnologiyalari davri bo`lib, undagi revolyutsion holatlar inson va uning aqliy zakovatini, texnologik bilimdonligini ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy taraqqiyotning bosh vazifasiga aylantirdi. Shuningdek, fan-texnika rivojining jadallashuvi xalq xo`jaligining barcha sohalarini texnologiyalashtirdi. Oqibat-natijada har qanday mutaxassis qaysi ixtisoslik egasi bo`lishidan qat`iy nazar zamon texnikasi, uning ishlash texnologiyasi bilan yaqindan tanish bo`lsadagina, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotda o`z o`rnini topa oladi. Zero, Respublika Prezidenti I.A.Karimov ta`kidlaganidek, «Biz oldimizga qanday vazifa qo`ymaylik, qanday muammoni yechish zaruriyati tug`ilmasin, gap oxir-oqibat baribir kadrlarga borib taqalaveradi. Mubolag`asiz aytish mumkinki, bizning kelajagimiz, mamlakatimiz kelajagi, o`rnimizga kim kelishiga yoki boshqacharoq aytganda, qanday kadrlarni tayyorlashga bog`liqdir» .

Shuning uchun ham bugun ta`lim muassasalarida tahsil olayotgan bo`lajak mutaxassislarni bilimdon, zamon texnikasini chuqur biladigan, ushbu texnikaning ishlash texnologiyasidan xabardor kadr bo`lishini va buning uchun esa o`quv mashg`ulotlarida o`qitishning barcha texnologiyalari singari didaktik vositalarini keng qo`llash bo`yicha ularga ma`lumot berish, bugungi kunning bosh vazifasi hisoblanadi.

Shu o`rinda e`tirof etish joizki, fan, texnika jadal rivojlanayotgan hozirgi davrda o`qitishning didaktik vositalaridan foydalanish, birinchidan, ta`lim jarayonini optimallashtirish, o`zlashtirishni jadallashtirishni, mustaqil bilim olishni yo`lga qo`yishga amaliy yordam ko`rsatsa, ikkinchidan, o`quvchi-yoshlarni zamon texnikasi, uning ishlash texnologiyasi bilan qurollantirish orqali ularda texnik tafakkur va dunyoqarashini shakllantirishga amaliy yordam beradi.

Tayinki har qanday o`qitish vositasidan foydalanish, foydalanuvchidan ushbu ob`yekt haqida chuqur va keng ma`lumotga ega bo`lishni taqozo qiladi. Shunga ko`ra o`qitishning didaktik vositalari o`quvchilarning amaliy mustaqil ishlarini, ona tili, chet (rus ingliz, frantsuz, olmon, ispan va h.k.) tillari mashg`ulotlarida eshituvchi (audio) vositalar, ko`rsatuvchi (vizual) vositalar, audio-vizual, (ovozli-ko`rsatmali) vositalar majmuidan iborat bo`lib, ular bilimlarni puxta o`zlashtirish, ko`nikma va malakalarni to`la shakllantirish, o`quvchi-yoshlar tarbiyalanganlik darajasini oshirishni yo`lga qo`yishga yordam beradi. Fizika, matematika, elektrotexnika, radiotexnika, mexanika va h.k. fanlarining darslarida sxema, diagramma, modellar, maketlar, informatsion texnika va texnologiyalar, mashinali o`qitish vositalaridan foydalanish davr talabidir.

Chunonchi, fanning tez o`sishi, texnikaning jadal rivojlanishi ta`lim muassasalaridan tahsil olayotgan o`quvchi-yoshlar o`zlashtirishi lozim bo`lgan o`quv ma`lumotining hajmini kengaytirishga, uning mazmunini murakkablashtirishga olib keldi. Bunday sharoitda o`quvchilar ko`proq o`quv materialini mustaqil, ijodiy o`zlashtirishlariga to`g`ri keladi. Buning uchun o`qitishning yangi metod, usul, shakl va vositalar to`g`risidagi ma`lumotlarni bo`lajak o`qituvchilarga yetkazish lozim. Buni talabalarga yetkazish yo`llarini osonlashtirish hamda tezlashtirishning yagona yo`li, ularga didaktik vositalar haqida mukammal ma`lumot berish hamda ularni didaktik vositalar majmui bilan qurollantirish hisoblanadi. Zero, didaktik vositalar, birinchidan, o`quvchi-yoshlarning ko`proq ma`lumotlarni o`zlashtirishini ta`minlashni yo`lga qo`ysa, ikkinchidan, o`quvchi yoshlarning o`qish-o`rganishlari uchun vaqtlarini tejash va qisqartirishga yordam beradi. Shuning uchun, bugungi didaktika fani oldida turgan eng muhim vazifalardan biri ham bo`lajak o`qituvchi-tarbiyachilarga didaktik vositalar majmui haqida ko`proq ma`lumot berib, ulardan foydalanish hamda ta`lim-tarbiya jarayoniga didaktik vositalar majmuini keng tadbiq etish metodikasi bilan tanishtirish zarur. Shu nuqtai nazardan bo`lajak o`qituvchi-tarbiyachilarni didaktik vositalar majmui bilan tanishtirish va ularni ta`lim-tarbiya jarayonini didaktik vositalar majmui asosida tashkil etish va ularni qo`llash yo`llari, usullari va metodlari bilan tanishtirishni, shuningdek, fan kabinetlarini didaktik vositalar majmui bilan jihozlashning ilmiy-metodik asoslari bilan qurollantirishni asosiy maqsad qilib qo`yadi.

ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ (АНДРОГОГИКА)НИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

З.Ғ. Қўлдошева, И.Б. Болтаев, Ғиждувон педагогика коллежи

Бугунги кундалик ҳаёт ҳар бир катта инсонга катта ижтимоий талаблар қўймоқда. У келажакни кўра олиши, имкон қадар муваффақият билан фаолият юритиши ва ўз ишидан қониқиши керак. Бунинг учун эса катта инсон - мутахассис доимо ўз устида ишлаши, ўз малакасини ошириб бориши, ўз-ўзини теран англаши ва ҳурмат қилиши лозим.

Социологларнинг таъкидлашича, олий ўқув юрти битирувчиси амалий фаолиятнинг самарадорлиги 15-20 % эгалланган билимларга, эришган муваффақиятларининг қолган қисми эса бевосита одамлар билан ишлай олиши маҳоратига боғлиқ бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, агар олий ўқув юрти битирувчиси эгаллаган билимини 100 % деб олинса, бир йилдан сўнг у билимининг 20 % ини автоматик равишда йўқотади. Шунинг учун мутахассис фундаментал назарий билимларини сақлаб қолиши, чуқур билимли бўлиши учун бир ҳафтада камида 6-7 соат ўз устида ишлаши, шунингдек, малака ошириш курсларида ўқиш учун вақт ажратиши лозим. Катталар таълимини ташкил этиш мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей коллеж ўқувчиларининг таълимини ташкил этишдан тубдан фарқ қилади.Ушбу таълим муассасалари ўқитувчиларини педагоглар деб аталса, катталарга таълим берувчиларни андрагоглар деб аталади.

Катталар таълимининг асосий мазмуни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар шароитида ўз олдига мустақил равишда таълим мақсадларини қўя оладиган, унга эриша оладиган фаолият субъектини шакллантиришдир.

Катталар таълими бу бир қанча кишиларнинг жонли муносабати жараёни ҳисобланиб, унда катта одам ўзаро муносабатга киришиши, эшита билиши, ўзгалар ҳолатига тушиши, бошқалар фикри ва нуқтаи назарини, янгиликни қабул қилишга ўрганиши ва бу борада андрагог томонидан имкониятлар яратилувчи жараёндир. Катталар таълими билан шуғулланувчилар бу таълимнинг асосий функцияларига алоҳида аҳамият беришлари керак.

Андрогогика фани бевосита умумий ўрта таълим ва олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ўқитувчилари учун, шунингдек, ижтимоий соҳада иш юритувчилар, менежмент ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ишловчи шахслар учун ниҳоятда зарурдир. Журналист, шифокор, кутубхоначи, сиёсатчи, актёр, амалий технолог ва жуда кўп шу каби соҳаларда фаолият олиб борувчи, “инсон – инсон” муносабатларини қамраб олувчи мутахассисликлар ҳам андрагогик компонентни ўз ичига олади.

Катта ёшли шахс муҳим ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлади. Катталар таълими муассасасига келган киши билим, талаблар, маълумот бериладиган объект сифатида эмас, балки, фикрдошлар командасининг аъзоси, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида кириб келади. У ўзи учун керакли ва долзарб мавзуларни аниқ билгани ҳолда уларни қандай ўрганиш йўлларини ҳам тўғри белгилай олади. Ўзи учун керакли масалалар бўйича илғор тажрибаларни ўрганишга ҳаракат қилади.

Катталарнинг таълимида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ривожланишларга нисбатан ўзларида мавжуд бўлган маълумотларини мустаҳкамлаш, тўлдиришга бўлган эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, бу эҳтиёжлар инсоният эҳтиёжларининг асоси ҳисобланади ва кўп жиҳатдан катталар хатти-ҳаракатлари йўналишини белгилаб беради.

Катталарнинг доимий равишда ўз билим, кўникма ва малакаларини янгилаб бориш заруриятини англаб етишлари ва шу эҳтиёжнинг вужудга келиши катталар таълимида муҳим ҳисобланади.

Бу борада:

Катталар ҳаётида муаммоларнинг юзага келиши улардан қўшимча билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришларини талаб этиши, маълум бир ёшдаги одам ўзининг маълумотлар базаси ва доирасига эгалиги, ёшидан қатъий назар, инсоннинг таълим олишга нисбатан қобилиятининг мавжудлиги катталар таълимининг ўзига хос хусусиятларидир.

Ўз ўрнида катта тингловчиларнинг мактаб ўқувчиларидан психологик жиҳатдан фарқи шундаки, у ижтимоий етук, ишчи, ходим, мутахассис мақомига эришган, ижтимоий, психологик эҳтиёжларини аниқ англаган шахсдир. Унинг ўқув фаолияти кундалик дуч келаётган қийинчиликлари ва муаммоларини ечишга қаратилгандир.

Юқорида берилган мулоҳазалардан келиб чиқиб катталар таълимининг принципларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Мустақил таълимнинг устувор бўлиши. Катта ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ўқув ишларининг асосий тури бўлиб ҳисобланади. Мустақил фаолият деганда бу борада ўқув фаолияти сифатида мустақил ишларни бажарилиши эмас, балки ўз ўқув жараёнини мустақил равишда ўзи ташкил этиши тушунилади.

2.Ҳамкорлик фаолияти принципи. Ушбу принцип ўқувчи ва ўқитувчининг, шунингдек бошқа ўқувчилар билан ўқув жараёнини режалаштириш, тадбиқ этиш, баҳолаш ва коррекция қилиш бўйича ҳамкорликдаги фаолияти тушунилади.

3. Катта ўқувчининг тажрибасига таяниш принципи. Бу принципга кўра ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ўзи ва ўртоқлари таълимининг асосий манбааси бўлиб ҳисобланади.

4. Таълим индивидуализацияси. Бу принципга мувофиқ ҳар бир ўқувчи ўқитувчи билан айрим ҳолатларда бошқа ўқувчилар билан аниқ бир ўқув эҳтиёжлари ва мақсадларига йўналтирилган, ҳар бир ўқувчининг тажрибаси, тайёргарлик даражаси, психофизиологик, когнитив хусусиятларини ҳисобга олинган ўқишнинг индивидуал дастурини тузади.

5. Таълимнинг тизимлилиги принципи. Ушбу принцип таълимнинг мақсади, мазмуни, шакли, методлари, воситалари ва таълим натижаларини баҳолашнинг ўзаро боғлиқлигини назарда тутади.

6. Таълимнинг қонтекстлиги. Шунга кўра таълим принципи бир томондан ўқувчи учун ҳаётий муҳим бўлган мақсадларни назарда тутиб, улар томонидан ижтимоий ролларни бажаришни ёки шахсларини шакллантирилишига йўналтирилган бўлса, иккинчи томондан ўқувчиларнинг касбий, ижтимоий, маиший фаолиятлари ва уларнинг мақоний, вақтли, касбий, маиший омилларини ҳисобга олган ҳолда бажаришга йўналтирилган.

7. Таълим натижаларининг актуализацияси принципи. Ушбу принцип ўқувчилар томонидан эгалланган билимлар, кўникма, малакаларни дарҳол ҳаётга жорий этишни назарда тутади

8. Таълимнинг элективлиги принципи. Бу принцип ўқувчиларга ўқиш мақсади, ўқиш мазмуни, ўқиш шакли, методлари, манбаалари,, муддати, вақти, жойи, таълим натижалари ҳамда ўқувчиларнинг ўзларини ҳам баҳолаш бўйича маълум бир эркинликни берилишини кўзда тутади

9. Таълим олиш эҳтиёжларини ривожлантириш приципи. Бу принципга мувофиқ, биринчидан, таълим натижаларини баҳолаш ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ўқиш мақсадларига уларсиз эришиб бўлмаслигини англанилган реал ўқув материали даражасини аниқлаш орқали, иккинчидан, ўқиш жараёни ўқувчиларда янги таълим эҳтиёжларини шакллантириш мақсадини кўзда тутган ҳолда ташкил этилади.

10. Ўқишни англанган бўлиши принципи. Бу принцип ўқувчи ва ўқитаётган киши томонидан ўқиш жараёни барча параметрларини ва ўқиш жараёнини ташкил этиш бўйича ўз хатти-ҳаракатларини англаб олишни билдиради.

Шундай қилиб, ўқитишдаги андрагогик принциплар ўқишнинг андрагогик модели сингари ўқитишнинг педагогик принциплари ва ўқитиш моделидан тубдан фарқ қилади.Лекин шуни таъкидлаш мумкинки, дарс беришнинг педагогик принципларидан катталар таълими соҳасида ҳам фойдаланиш мумкин. Педагогик моделда ўқувчи тўлиқ ҳолда ўқитувчига қарам бўлади Ўқитувчи ўқувчига нимани ўрганиш керак, қандай ўрганиш кераклигини, яъни таълим мақсадини, мазмунини ва таълим натижаларини белгилаб беради.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ.

Ш.А. Рустамова, Ғиждувон педагогика коллежи

Халқимиз тарихан битмас- туганмас маданий меросга, бетакрор этнопсихологик хусусиятларга, анъана ва урф одатларга эга. Бундай тарихий бойликни сақлаш ва уни даврга мувофиқ

равишда фойдаланишимиз, "Келажаги буюк давлат" ни қуришимизда таянч бўлиб хизмат қилади. Бу даврда ўзбек этносининг кўп асрлик маданиятидан келиб чиққан ҳолда асосий хусусиятларини сақлаш мақсадга мувофиқ. Бу жараённинг кенг кўламда амалга оширилиши учун эса энг аввало таълим тарбия билан шуғулланувчи барча ҳодимларга айниқса психологларга жуда катта масъулият юклайди.

Ўқитувчи мактабда ўз касбдошлари билан ҳар доим ва ҳамма вақт бирга бўлади. Улар билан суҳбатлашади. Ўқитувчи ўз касбдошларига меҳрли, мурувватли, улар билан ҳамнафас бўлади. Ўқитувчи иш жараёнида болалар билан ишлайди. Уларга меҳрибон, одобли ва ахлоқли ўқитувчилар зарурдир. Ўқитувчи ҳар сафар болалар билан суҳбатлашиб борар экан, у ҳар доим болаларга ширин сухан бўлиши даркор. Агар ўқитувчи болаларга қўпол муомалада бўлар экан, ўқувчиларнинг дарсга бўлган лаёқати, қизиқиши сўнади. Натижада улар дарс қилмасликка, уй вазифаларини бажармасликка, мактабга бормасликка одатланадилар. Ўқитувчи актёр бўлмоғи лозимдир.

Муомала – ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо. Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Муомала шахсни ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларда ўргатишга имконият беради. Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда қисмларни англаб олишга қодир бўлади. Булар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмасада, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган аломатлари ҳам бўлиши мумкин, бунда педагог шахси катта роль ўйнайди. Айни бир хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан талқини унинг шахснинг ўтмишидаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади, бу тажрибанинг уч жиҳати бор: умуман, ҳаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси.

Ниҳоят, педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг ҳатти- ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабаб турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида, ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор усулларидан фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин содир бўлади. Бошқариш бўлган воситаси муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади, ниҳоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятидан кейин боради.

Шарқона муомала маданияти асосан ўзбекларда кенг ривожланган. Биз ўзбекларда муомала маданияти жуда кучли. Айниқса, ўзбек аёлларида уларнинг юриш- туришида, маданиятида, чиройида, гўзалликда, хулқ-одобда, фазилатда ва муомала маданиятида биринчи ўринда туради. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, эркакларимиз ишдан келишганларида, бизнинг ўзбек аёллари чиройли муомала билан кутиб оладилар. Уларнинг қўлларига сув қуйиб, тоза сочиқ тутадилар. Буларнинг ҳаммаси муомала орқали содир бўлади. «Мулойим сўзга бахил бўлмагил, халқ мулойим сўз эшитмаса, сўз шайдоси эмас, балки мол-дунёси шайдоси бўлиб қолади. Қаттиқ сўз демагил, яхши сўз дегил, токи сен ҳам яхши сўз эшитасан».

Улар сенинг шарқона муомала маданиятингни мақтаб кўкларга кўтаради. Сенинг муомала маданиятингни ўрганади. Муомалали бўлиш бу ўша инсоннинг кўрки, унинг обрўси ва хулқ атвори.

Дархақиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришларига катта аҳамият берилган. Улар фарзандларининг қўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралашиши, ножўя ишларига зинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Шарқона одоб минг йиллар мобойнида Исломий тарбия қоидалари асосида таркиб топиб, такомиллашиб борганлиги тарихдан маълум. Чунки, Қуръони Карим оятлари мазмуни, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, шарқ алломалари ва файласуфларининг китоблари тарбиямизнинг манбаи бўлиб хизмат қилган.

Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча қирраларини, ҳатто майда жиҳатларигача қамраб олган. У гўдакларни эмизишдан тортиб, қандай кийинишларигача, овқатланиш одобидан тортиб, кўча-куйда, катталар қошида ўзини қандай тутиши лозимлигигача барча жиҳатларни ўз ичига олган. Энг асосийси, исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, пок, меҳнаткаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-онани ҳурматлаш руҳида тарбиялашнин шарт қилиб қўйган.

Муомала – ахлоқ кўрки саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эгалиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум бўлади. Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаларидир. Муомалада асосий восита тил хисобланади. Шунинг учун ҳам тил алоқа қуроли дейилади. Инсонинг тили ширин , муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-

эътибор топади. Сўзга чечанлик, ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан ёндашишларини уқтириб ўтганлар. Улуғ бобомиз Алишер Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида нурҳикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз кўнгилллар учун асал каби тотлидир», - дейди А.Навоий.

Хулоса, қилиб айтганда инсон ўзи бажара олмайдиган нарсаларни бошқаришга ўргата олмайди. Мактаб фикрлашга ўргатиши зарур, - бу эса ўқитувчининг ўзи фикрлашга ўрганиши зарурлигини англатади. Бу ҳол ҳозирги олий педагогик ўқув юртларда таҳсил олаётган талабаларни замонавий руҳда фикрлашга ўргатиш заруриятини англатади яни, таълим-тарбия бераётган бу устозлар олдига юксак маъсулиятни юклатади.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А. Фазлиев, Б.Б. Рахимов, Ғиждувон педагогика коллежи

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон миқиёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи бугунги авлодни тарбиялайдиган ўқитувчиларга, эртага ўрнимизга келадиган кадрларга боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш масаласига юртбошимизнинг катта эътибор бераётганларини, уларнинг қуйидаги фикрларидан билиб олишимиз мумкин. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, кадрларга яна кадрларга бориб тақалаверади. Мубоғасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқача қилиб айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Барча қонун ва қарорлар орасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» алоҳида ўрин тутади ва унга миллий ғоянинг бир қисми сифатида қаралади.

Педагогик фаолият ўқитувчининг ўқувчига уни шахс ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишига ёрдам берувчи таълимий ва тарбиявий таъсирини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик фаолият ҳам инсон фаолиятининг бошқа жабҳалари каби тавсифланади. Бу энг аввало мақсадга йўналганлик, мотивлашганлик, предметлиликдир. Н.В. Кузьмина таърифига кўра, педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати – бу унинг маҳсулдорлигидир. Педагогик фаолият маҳсулдорлигининг 5 та даражаси ажратиб кўрсатилади:

I – (минимал) репродуктив: педагог ўзи билган нарсаларни бошқаларга етказиб бера олади;

II – (қуйи) мослашган: педагог ўз фикрларини аудиторияга ўзига хос жиҳатлари билан маълум қила олади.

III – (ўрта) локал моделлаштирилиш: ўқитувчи фаннинг маълум бир бўлими бўйича ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг стратегиясини эгаллайди.

IV – (юқори) ўқувчилар билимини системали моделлаштириш; ўқитувчи ўқувчиларда фан малакаларини шакллантиришнинг йўл-йўриқларини билади.

V – (энг юқори) моделлаштирилган тизимли фаолият ва ўқувчилар хулқ-атвори. Бунда педагог ўз фанини ўргатишдаги йўл-йўриқларни шундай эгаллайдики, натижада у ўқувчи эҳтиёжларида ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзига таълим бериш, ўз-ўзини ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Педагогик фаолият борасида сўз юритилганда юқори маҳсулдорлик тушунчаси асосий ўринни ифодалайди.

Педагогик фаолият бошқа фаолият турлари каби ўз мотивацияси, мақсади, предмети, воситалари, усуллари, маҳсули ва натижасини акс эттирувчи психологик мазмунни ифодалайди.

Педагогик фаолиятнинг предмети бўлиб, шахс ривожланишининг шарти ва асоси бўлмиш ижтимоий маданиятни сингдиришга қаратилган ўқув фаолиятининг манбаи ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг воситалари сифатида илмий (назарий ва эмпирик) билимларни кўриш мумкин. Ёрдамчи воситаларга эса техник, компьютер, график воситаларни киритиш мумкин.

Педагог фаолиятидаги ижтимоий-маданий малакани етказиш бу тушунтириш, кўрсатиш (иллюстрация), дарслик машқларини таҳсил олувчилар билан бирга ишлаш, таҳсил олувчини бевосита амалиёти (лаборатория, амалдаги) ва тренингдан иборат. Педагогик фаолиятнинг маҳсули бўлиб ўқувчининг аксиологик, эмоционал-мазмуний, предметли, баҳолаш мезонларини акс эттирувчи индивидуал малакасининг шаклланганлиги ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг натижаси асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг шахсий, интеллектуал ривожланиши, уларни ўқув фаолиятининг субъекти ва шахс сифатида шаклланиши ҳисобланади.

Педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу мотивация ҳисобланади. Педагогик фаолиятда ҳам ўқув фаолиятдаги каби мотивацион соҳа ажратилиб кўрсатилади. Бу ташқи ва ички мотивлардир. Ташқи мотив сифатида бирор бир нарсага эришиш истагини, ички мотив сифатида эса ўз фаолиятининг жараёни ва натижасига эътибор беришни мисол қилиш мумкин.

Педагогик фаолият педагогик вазиятдаги турли туман хатти-ҳаракатларнинг умумлашмасидан иборат: перцептив, мнемик, коммуникатив, изланувчанлик, назорат қилиш,

баҳолаш ва ҳ.к. Ушбу турли-туман фаолиятларнинг жамланмаси бир қанча психолого-педагогик функцияларни белгилаб беради.

П.Ф.Каптерев ўқитувчига хос бўлган объектив ва субъектив хусусиятларни кўрсатиб ўтади. Умумий кўринишда у қуйидагича акс этади:

Ўзаро муносабат доирасида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги таъсирлашувнинг эмоционал даражасини тадқиқот предмети тарзида қўйилиши, хусусан, тарбиячилик фаолиятининг йўналишида кам учрайди. Бу муаммога оид ишлар жумласига Абрамова Г.С., Бекназаров А.А., Бернс Р, Шуванов И.Б. ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Айнан ушбу муаммога алоқадор ўзбек ўқитувчисига бағишланган илмий изланишлар ниҳоятда камчиликни ташкил этади. Бу соҳада Бекназаров А.А., Исмагилова Ф.С., Ғозиев Э.Ғ. ва бошқаларнинг ишларини намуна сифатида санаб ўтиш жоиз.

Л.Я.Коломинский ўз тадқиқотида ўқитувчининг ўқувчиларга муносабати сўзсиз муаллим меҳнати муваффақиятларида ҳал қилувчи рол ўйнашини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, бу педагогик маҳоратнинг муҳим томони бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабати кўп жиҳатдан айнан мана шу жараёнга боғлиқдир. Муаллифнинг кўрсатишича, ўзаро муносабатни ўқитувчи шахсининг фаоллиги ва жамоадаги таъсирлашув нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ўрганиш ҳам мумкин экан.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда педагогнинг болаларга нисбатан муносабатидаги эмоционал-қадриятли ёндашуви унинг муносабат услубидаги мотивацион жиҳатлари, шунингдек, бир вақтнинг ўзида унинг ўқувчиларга бўлган муносабати жараёнида хулқига таъсир кўрсатувчи операционал жиҳат билан белгиланшини қайд қилиш мумкин.

Қатор тадқиқотларда эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик муомаладаги турли хил жиҳатларини баҳолаш ҳолати ҳам ўрганилган.

Ўқитувчига нисбатан ўсмирларнинг талаб ва умидлари чет эл психологлари томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, А.Джерсилднинг изланишларига биноан болалар қуйида қайд қилинган характерга эга бўлган ўқитувчиларни афзал ҳисоблар эканлар:

1) меҳрибон, қувноқ, жавобгарликни ҳис қилувчи, барқарор инсоний сифатли;

2) ҳақиқатгўй, батартиб, ҳалол, бошқаларни ҳурматловчи, ташкилотчилик сифатидаги;

3) бошқалар манфаатини ўйлайдиган, халқпарвар, синф ишларида ўқувчиларга эркинлик ҳуқуқини берувчи, қизиқувчан, иштиёқли ва ишчан;

4) Ёқимли овозли, умумий ёқимтойлик қиёфасидаги ўқитувчи.

В.Кессел тадқиқотларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқитувчиларнинг машҳурлик ва машҳур эмаслик мотивлари ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитувчининг машҳурлиги кўп жиҳатдан унинг материалларни кўргазмали, жонли ва муаммоли тарзда етказа олиш қобилиятига боғлиқ экан. В.С.Абрамова, С.М.Иллюсизова, В.А.Кан-Калик ва бошқалар “ўқитувчи-ўқувчи” муносабати бўйича тадқиқотлар ўтказганлар.Тадқиқот натижаларига кўра, ўқитувчининг мулоқотда дўст сифатида ўз ўрнини ўқувчиларнинг тенгдошлари ва уларнинг ота-оналарига берганлиги кўринди.

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур ҳислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Россия психологларидан Н.В. Кузьмина, В. Сластенин, Ф.Н. Гоноболин, Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А. Жабборов, М. Капланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўқитувчилик касби ва таълим жараёнига доир муаммолар кенг тадқиқ этилган. Бунда ўқитувчилик касбига мувофиқ яратилган профессиограммани кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим. Бўлажак ўқитувчи у ёки бу хилдаги фан томонидан қандай талаблар қўйилишини билиш ва шу аснода ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун педагогик олий ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқитувчи профессиограммаси ишлаб чиқилиши зарурдир.

ЎСМИРЛАРДАГИ ПСИХОПАТИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

С.Т. Рахимова, Г.М. Саъдуллаева, Ғиждувон педагогика коллежи

Ўсмирлик даврида ўзига хос хулқ атвор бузилишлари ва уларни ижтимоий мослаша олмаслик муаммоси кучайиб бориш хусусиятига эга эканлиги боис ҳам жуда долзарбдир.

Кайд этиш лозимки, «психопатия» термини Америка Психиатрия Ассоциациясида расман қабул қилинмаган, шунингдек, инглиз тилидаги замонавий психиатрик адабиётларда ҳам қўлланилмайди. Ушбу контингентни ташкил этувчи пациентлар учун «шахс бузилишлари» термини қўлланилади. Бирок, бу сўз психопатия терминига кўра кенг қамровли бўлиб, унга шизофрениянинг оддий шакли, психопатияга ўхшаш ҳолатлар ҳам киритилган.

Шахс бузилишларининг кўп қиррали классификациясининг яратилиши билан бу масалага бирмунча ойдинлик киритилди, яъни у шахс бузилишлари классификациянинг асосий қиррасидан ажратилган ҳолда алоҳида қирра сифатида кўрсатилди. Буни шахс бузилишларининг қуйидаги вазиятларига, яъни муваққат хусусиятга, депрессиянинг ёрқин ифодаланишларига диққат қаратилмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шахс бузилишлари диагностикасининг (ташхисининг) умумий мезони П.Б. Ганнушкин (1983) ва О.В. Кербиков (1971) ларнинг психопатиялар диагностикасига асосланиб тузилган. Гарчи шахс бузилишлари умр бўйи давом этса-да, лекин унинг силлиқланиши фақатгина етуклик ва кексалик ёшида кузатилади, холос, аслида эса, унинг шаклланиши болалик давридан бошланиб, ўсмирлик ёшида ёрқин ифодаланади. Шунга қарамасдан, қабул қилинган ***ўзгармас қоидага мувофиқ[1]...*** «шахс бузилишлари» атамаси диагноз сифатида 18 ёшдан сўнг қўйилади.

Бизнингча, 18 ёшни диагноз қўйишнинг мақбул даври деб аташ, ўзини тўлалигича оқламайдиган талаб ҳисобланади, чунки бундай диагностик ёндашувнинг ўзига хос иккита муҳим камчилиги мавжуд. Биринчидан, гарчи кейинги ўн йилликларда онтогенетик ривожланишдаги акселерация ва ретардация холатларини ҳисобга олиш шартлиги таъкидланса-да, лекин 18 ёшни, яъни ҳуқуқий мезон — паспорт ёшидаги барча индивидиумлар учун қандайдир аномалияларни клиник диагноз қўйиш асоси сифатида қабул қилинишни тўғри деб бўлмайди. Иккинчидан, бу нарса болалар ва ўсмирлардаги муайян ўзгаришларни прогноз қилиш режасини орқага суради. Ҳақиқатда эса, диагностик ва прогностик вазифаларни чеклаган ҳолда ҳам, яъни арзимас қимматга эга бўлган девиациянинг ижтимоий прогнози ёки ёш даврининг ортиб бориши билан бузилиш даражасига ўсиб ўтувчи мақбул ўхшаш прогнознинг айнан ўсмирлик психопатияси учун кандай ўрни бор? Ушбу муаммони клиник усул ёрдамида ечиш ўрнига америкалик психиатрлар 18 ёшгача кутишни таклиф этадилар.

Собиқ Иттифоқ ўсмирлик психиатриясида асосий диагностик масала сифатида характер акцентуацияси негизида шаклланувчи хулқ-атворнинг транзитор бузилишларини психопатиядан ажратиш назарда тутилади ва уни қуйидаги кўринишда ифодалашга ҳаракат қилинади.

Болалик ва ўсмирлик ёшидаги бузилишлар
Шизоид
Ўзини четга тортувчи
Хулқ-атвор
Қарши ҳаракат (conduct)
Идентиклик
Шахс бузилишлари
Шизоид
Ўзини четга тортувчи (avoidant)
Аксилижтимоий
Суст-тажовузкорлик
Чегара ўзгаришлари (вогйегНпе)

Энди болалик, ўсмирлик ёшлардаги бузилишлар ва у билан ўхшаш шахс бузилишларини қандай фарқлаш мумкин? - деган саволга жавоб топишимиз мумкин.

Шизоид бузилишлар. Болалик ва ўсмирлик ёшидаги шизоид ўзгаришлар диагнози қуйидаги шароитларда қўйилади: а) пациентнинг ўз тенгқурлари ичида яқин дўсти бўлмаса ва умуман дўст орттиришга қизиқмаса; б) ўз тенгкурлари билан мулоқотдан кўникмаса; в) оила аъзоларидан бошқа кишилар билан мулоқотдан қочса; г) гуруҳий фаолликка (ҳамкорликдаги ўйинлар, спорт жамоасида иштирок этиш) қизиқишнинг йўқлиги.

Таъкидлаш жоизки, кайд этилган хусусиятлар маълум муддат сақланади ва яна сурункали психик шикастланиш билан боглиқ депрессия оқибати бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Улар ёлгизликни ёқтирадилар, лекин уларни ижтимоий ёлғизлик азобламайди, аммо ўз яқинларига нисбатан боғланган бўладилар ҳамда айрим норасмий мулоқотларни талаб қилувчи шароитлар (масалан,. интернат ва ёздаги лагер ҳаёти) ва ижтимоий вазиятларни ёқтирмайдилар. Ўз навбатида тенгқурлари бундай ҳолатлардан устамонлик билан фойдаланганлиги туфайли уларга ўзлари бажаришлари лозим булган «иш»ларини ҳам, ўз айбларини ҳам юклаб қўядилар. Журъат-сизликлари боис, ҳар хил баҳоналар тўқийдилар. Ушбу муаммога оид адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, шизоидга оид бузилишларни 5-ёшдан кузатиш мумкин. А.Е. Личконинг фикрича, булар характер акцентуациясининг шизоид типига тўғри келади, фақатгина унга интуициянинг нуқсони, ҳамдардлик лаёқатининг етишмаслиги, дўст излашнинг самарасизлиги каби муҳим хусусиятларни ҳам қўшиш керак ***Ўзини четга тортувчи тип бузилишлари.*** Шахснинг мазкур бузилишлари катталар учун ҳам, пациентлар учун ҳам бир хил маъно касб этади. Рус психологларининг фикрича, бу психопатиянинг сенситив типига тўғри келиб, у шизоид бузилишлардан эмоционал муносабатларга лаёқат муаммоси билан фарқ килади. Унинг илк кўринишлари тахминан 2-2,5 ёшларга тўғри келиши, уларнинг «бегоналардан» кечишга интилиши, ўзгалардан қўрқишлари ва довдирашлари, ҳатто, баъзиларда мутизм ҳолатининг кечиши билан изоҳланади.

Шизотипик бузилишлар. Ушбу муаммони ўрганган америкалик олимларнинг фикрича, шизоид ва ўзини четга тортувчи типлари бузилишларидан ташқари фақат катталар учун хос бўлган «шизотипик бузилишлар» қайд этилади. Демак, бу шахс бузилишларини қуйида қайд этилажак 8 та белгиларидан 4 таси учраганлигида тан олинади. Улар: 1) олдиндан билиш, «олтинчи сезги», телепатия, мўъжизавий кучга ишонч, сирли тафаккур, яъни ирим-сиримларга ишониш, болалар ва ўсмирларда эса ғалати, ажойиб ҳамда қўрқинчли хаёлларга берилиш; 2) муносабат билан боғлиқ фикрлар; 3) кундалик эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ, ижтимоий алоқаларнинг чекланганлиги, ишончли ва яқин инсонларнинг йўқлиги; 4) ваҳимали қўрқувга асосланмаган деперсонализация ва дереализация, қандайдир ташқи, аслида йук кучнинг таъсирини сезиш ёки аслида йук кимсанинг борлигини ҳис этиш; 5) ғаройиб нутқ; а) мавзудан четлашган узуқ-юлуқ қовушмаган фикрлар ёки б) ўта муҳим пишиқ, ишонарли фикрлардан иборат ҳолат; 6) совуққонлик ва бегоналашишдан иборат номувофиқ вазият; 7) ўз шаънига айтиладиган ҳақиқий ёки хаёлий танқиддан таъсирланиш ва қўрқиш.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмир шахсини ўрганишга қаратилган барча ёндашувларга, тамойилларга, йўл-йўриқларга замон руҳи орқали назар ташлаш талаб этилади.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯСИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ МОТИВЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБЛАРИ ТЎҒРИСИДА МУЛОХАЗАЛАР

М. Р. Ашурова, Ғиждувон педагогика коллежи

Аждодларимизнинг донишона ўгит- насихатларига риоя қилган ҳолда ижтимоий ҳаётимиз соҳаларини ташкил этиш ҳозирги замонда омилкор, ижодий, самарали фаолиятни муҳим шартларидан ҳисобланади. Олдинги замонда ҳам, ҳозирги даврда ҳам ижтимоий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида фан ва техниканинг ривожи, унинг заминида эса касбий тайёргарлик, касбий маҳорат ётар эди. Модомики шундай экан, ўқувчиларнинг касб танлаш мотивлари, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ушбу муаммо ечимининг бош омили тариқасида талқин қилинмоғи лозим.

Ўқиш (таълим) педагогик психология фанида талабаларнинг фаолияти сифатида талқин қилинади ва билимларни ўзлаштириш, уларни мустақил равишда эгаллаш усуллари билан қуролланиш тушунилади. Талабалар томонидан мазкур фаолиятни эгаллаш ўқув жараёнини бошқаришнинг айнан ўзи ҳисобланади.

Биз ўқув мотивлари деганда талабаларнинг ўқув фаолиятининг барча томонларига, қирраларига, жиҳатларига йўналганлигини тушунамиз. Психология фанида ўқув мотивлари иккита катта туркумга ажратилиб тадқиқ қилиш анъана тусига кирган. Ҳозир биз ўзимизнинг модификациямиз бўйича уларнинг моҳиятига, тавсифига кисқача маълумот беришга ҳаракат киламиз.

I. Ўқув фаолиятининг мазмуни ва бажариш жараёнлари билан алокадор бўлган билиш мотивлари.

II. Ўзга одамлар билан талабаларнинг турлича ижтимоий ўзаро таъсирини акс эттирувчи гоктимоий (социал) мотивлар.

Биринчи туркумга тааллукли мотивлар ўз навбатида бир нечта гуруҳларга ажатилиб тадкиқ қилиниш мумкин: ;

1. Талабаларнинг янги билимларни эгаллашга йўналганлигини ифодаловчи кенг кўламдаги билиш мотивлари. Уларнинг даражалари бир-бирларидан

тафовут қилади. Мотивнинг даражаси эса талабанинг билимга нисбатан қизиқиш кўрсаткичи билан аниқланади.

2 Талабаларнинг билимларни эгаллаш усулларини ўзлаштиришга йўналганлигини ифодаловчи билишга оид ўқув мотивлари.

3 Талабаларнинг билимларни эгаллаш усулларини мустакил равишда тақомиллаштиришга йўналганлигини ифодаловчи мустақил билим олиш мотивлари.

Иккинчи туркумни ташкил қилувчи ижтимоий (социал) мотивлар ҳам ўз бир нечта гуруҳчаларга ажратилган ҳолда тадқиқ этилади:

1. Уқишнинг зарурат эканлигини тушунишга, жамиятга наф, фойда келтиришга, билим олишга интилишдан иборат кенг қамровли ижтимоий (социал) мотивлар.

2. Обрў (нуфуз) орттиришга эришишга, атрофдаги одамларнинг маъқуллашига, улар билан муносабатга киришишда муайян ўрин ва позиция эгаллашга интилишда намоён бўлувчи тор доирадаги ижтимоий (социал) мотивлар.

3. Талабанинг курсда, ўз тенгдошлари ва ўкитувчилар билан ҳамкорлик шаклларини узлуксиз равишда такомиллаштиришга, ҳамкорликнинг шакллари ва усулларини таҳлил килишга, уларни тушуниб етишга, бошкалар билан муомалада ўзаро таъсир ўтказиш истагида ифодаланувчи ҳамкорликнинг ижтимоий (социал) мотивлари.

Ўқув мотивларини ўзаро фарклаш уларнинг маъновий тавсифида намоён бўлади ва куйидаги шакллардан ташкил топади:

1) ўқиш (таълим) талабага шахсий маъно касб этиши;

2) талабанинг ўқув фаолиятида ва унинг хулқ-атворида мотивнинг реал таъсир ўтказувчанлиги ҳамда ҳаракатда бўлиши;

3) мотивациянинг тузилишида мотивнинг тутган ўрни; ;

4) мотивнинг мустакил вужудга келиши ва туғилиши (мустакил ўкиш жараёнида ички туртки сифатида намоён бўлиши хамда унга бошкаларнинг ёрдамлашиши вазиятида барпо бўлувчи ташки туртки);

5) мотивнинг англэнганлиги даражаси; талабаларнинг ҳар доим ҳам ўз мотивларини англаш имкониятига эга бўлмаслиги; эҳтимол бу қобилият оммавий намоён бўлмаслиги ҳам мумкин; худди шу сабабдан талабаларнинг англамасликлари, уларнинг ошкора килмасликлари кўзга ташланади;

6) мотивнинг ўқув машғулотлари шаклларига, ўқув фанларига, фзолиятнинг бошқа барча кўринишларига ёйилиш даражаси кабилар.

Уқув мотивларининг шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар тавсифларни вужудга келтиради:

1) уларнинг энг муҳим ва асосий хусусияти - бу барқарорлигидир; бу ҳолат шундай кўринишга эгаки, бунда у ёки бу мотив ҳар қандай ўқув вазиятларида унинг кўпчилигидан етарли даражада актуаллашиб туради;

2) мотивларни вужудга келиш шаклларидан бири - бу уларнинг эмоционал - ҳиссий бўёкларга эга эканлиги ёки модалликларидир; психологияда ўқув мотивацияларининг салбийлиги ва ижобийлиги бўйича бир талай материаллар мавжуддир:

а) салбий (негатив) мотивация деганда талабанинг муайян нохушлик ва ноқулайликни англашдан келиб чиқувчи кўзғатувчи, яъни уларни шахс сифатида ҳисобга олмаса вужудга келиши мумкинлиги тушунилади;

б) ижобий (позитив) мотивация талабанинг ижтимоий аҳамиятли ўкиш мажбуриятини бажариш билан узвий алокадордир, ўкишда ютукларга эришиш, янги билимларни эгаллаш, уларни ўзлаштириш усуллари билан қуролланиш атрофдагилар билан муносабатларда бўлиш жараёнлари мажмуасидан иборатдир;

3) мотивлар пайдо бўлишининг бошқа шакллари унинг кучида, ифодаланишида, вужудга келиш суръатида акс этади; ушбу шаклларнинг намоён бўлиши кўпинча талабанинг ақлий фаолиятида канча муддат тура олиши, мазкур мотив ёрдами билан топширик бажарилиш микдори жараёнлари билан боғликдир; чунки мотивларнинг кечиши, такомилланиши, мустаҳкамланиши хусусиятлари кўп жиҳатдан уларнинг маъновий томонлари билан, чунончи доминантлиги, ҳаракатчанлиги билан алоқадордир.

Уқув мотивларида талабаларнинг максадга йўналтирилган максадлари, эмоциялари ва қизиқишларининг роли, функцияси, аҳамияти намоён бўлади.

Худди шу сабабдан талабанинг мотивацияси доирасида максад кўя олишнинг кай томонлари ёки жараёнлари киритилиши ва кандай кўникмаларга сабоқ олувчини ўргатиш муаммоси таълим олдида ўз ечимини кутади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзини ўзи тарбиялаш қонунияти таркибига кирувчи максадларни танлаш ва саралаш.

2. Профессор-ўкитувчилар томонидан қўйилган максадни кабул килиш ва уни тушуниш, муаллим мақсадини узоқ муддат хотирада саклаб туриш, унга риоя қилиш, ўзининг хулқ-атворини унга итоат килишни таъминлаш.

3. Мустакил равишда мақсад кўя билиш, иш-ҳаракатларини амалга оширгунга қадар уни фикран тасаввур эта олиш кўникмасига эга бўлиш.

4. Мақсадлар мажмуасидан фақат биттасини танлаб олиш ва саралаш жараёнини йиғиқ ёки ёйиқ шаклда далиллаб бериш. -

5. Реал максадни нореал максад билан киёслаш, уларни ўзаро ўрин алмаштириш, мақсадга эришиш йўллари, воситалари реал экаюшгини аниқлаш.

6. Фаолият, хулқ муомала олдига қўйиладиган шахсий мақсадларини янада аниқроқ тасаввур этиш, ойдинлаштириш ниятида уларнинг ҳар қайсисини фаол текшириб чиқишни амалга ошириш.

7. Талаба фаолияти доирасидаги мақсадларнинг муайян изчилликка, тадрижийликка, кетма-кетликка эга бўлишини назорат килиш.

8. Ҳар бир мақсадни амалиётда қарор топтиришга, реализация қилишга эришиш учун вақтдан ва куч-кувват ресурсларидан (биологик ва психофизиологик резервлардан) унумли фойдаланиш.

9. Эришув ёки муваффақ бўлиш даражасини ҳисобга олиб янги максад қўя олиш (муваффакият ва муваффақиятсизлик нуқтаи назаридан караш), олдинги мақсад натижаси билан янгисини қиёслаб чиқиш.

10. Мақсадни унга боғлиқ бўлган шароитлар билан топшириқнинг қўйилиши уйғунлигини ҳисобга олиб яққоллаштириш.

11. Истиқбол (эзгу ният, перспектив) мақсадларини қўя олиш, яъни фавқулоддаги вазият моҳияти ва мазмунидан келиб чиқувчи максад кўзда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув фаолиятида талабаларни мақсад кўя олиш (кўзлаш) қобилиятининг таркибий қисмларидан иборат бўлиб, мазкур кўникмалар ўзининг тузилиши, шакли билан турли-тумандир. Худди шу сабабли уларнинг ҳар қайсиси мақсадни реализация қилишда бевосита иштирок этади.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Б.Рахимов, п.ф.д., доц. ГулДУ, п.ф.н., Б.Назарова, ЎзПФИТИ мустақил изланувчиси, З.Собирова Гулистон ш. МТ ва ХККҲ коллежи

Мақолада узлуксиз таълим тизимида мустақил ишларни ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари ва самарадорлик даражалари ёритилган.

***Таянч иборалар**: билим, кўникма, малака, узлуксиз таълим, мустақил иш.*

In this article is organized the system of continuous education, independent works and theoretically-practical aspects and effectiveness degrees are illuminated

***Key words:** knowledge, habit, qualifications continuous education, independent works*

В статье раскрыто теоретические и практические аспекты, организованности и уровень эффективности самостятельной работы в системе непрерывного образования.

***Ключевые слова**: знание, навыки, умения, непрерывное образование, самостоятельная работа.*

Узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилиш сифатини таъминлаш, ҳозирда жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим олдида турган вазифаларни ҳал этиш бевосита ўқитувчи фаолиятига, унинг фаоллилигига, билим олувчиларни таълим жараёнида фаоллаштириш лаёқатининг юқори даражада эканлигига боғлиқлиги аниқланди. Ўқитувчи ўқувчиларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини ва вазиятларини излайди. Улардан фойдаланган ҳолда педагогик жараёнининг самарадорлигини оширади. Билим олувчиларни мустақил, креатив фикрлашга ўргатиб, ижодий изланишга йўналтиради.

Янги авлодни янгича руҳда тарбиялаш, янгича яшашга, фикр юритишга ўргатиш зарурлиги Президент И.А.Каримов томонидан асослаб берилди. Бунинг учун эса, маорифнинг таълим-тарбия мазмунини янгилаш, янгича бошқариш, янгича қуриш, ислоҳ этиш зарур эди. Шу муносабат билан фанни ўқитишдаги анъанавий усуллардан ноанъанавий усуллар таълимнинг қизиқарли, фаол усуллари, янги инновацион усулларига ўтиш орқали педагогик жараёнлар ўзгартирилди.

Узлуксиз таълим тизимида мустақил ишларнинг асосий мақсади-ўқитувчининг раҳбарлигида ва назорати остида ўқувчи-талабада муайян ўқув материалларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурда белгиланган ҳамда билим олувчилар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки ундан ташқари бажарилади. Ушбу бўлимда билим олувчилар мустақил ишини бажариш юзасидан тегишли тавсиялар берилади. Мустақил ишлар билим олувчининг умумий ривожланишига хизмат қилиши зарурдир.

Мустақил ишнинг турлари: адабиётлар билан ишлаш, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, уй ишларини бажариш, асосий ва кўшимча адабиётларни ўрганиш, фаннинг мазкур бўлими бўйича назорат ишларини бажариш ва ҳ.к.

Мустақил ишлар фан ва мазмун жиҳатидан ДТС, ўқув фанининг ишчи дастури ҳамда дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларнинг мазмуни бўйича аниқланади.

Мустақил иш ўқувчи томонидан янги билимлар ва кўникмаларга ўқитувчининг бевосита иштирокисиз фаол ва мақсадга йўналтирилган ҳолда эга бўлиш усулидир.

Мустақил иш шартли равишда ихтиёрий ва назорат қилинадиган мустақил иш турларига бўлинади.

Ихтиёрий мустақил иш – билим олувчиниг аудиторияда ўтиладиган машғулотларда тайёрланишини таъминлайди. Бундай тайёргарликнинг натижаси ўқувчининг дарсларидаги фаоллиги ва у томонидан бажариладиган назорат ишлар, назорат топшириқларида ўз аксини топади.

Назорат қилинадиган мустақил иш – билим олувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, ўқув фанидан мавжуд муаммолар бўйича аналитик кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Назорат қилинадиган мустақил иш тури ўқитувчи томонидан тузилган режа асосида амалга оширилади ва ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Билим олувчиларнинг

билимларни эгаллаш ва мустақил фикрлашга ўргатиш, аввалambор, мустақил ишларни бажариш, олдида турган муаммо ва масалаларнинг ечимини топиш жараёнида шаклланади.

Баъзи олимлар мустақил ишлар деганда ўқитувчининг бевосита ёрдамисиз, аммо унинг назорати остида бажариладиган вазифаларни тушунишса, бошқалари билим олувчилардан фаол ақлий фаолиятни, ташаббускорликни, аввал олинган билимларни амалиётда қўллашни талаб қиладиган ишлар деб билишади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бизнингча, мустақил ишлар билим олувчиларнинг ақлий имкониятларини намоён қилишга имкон берадиган, уларнинг бавосита ва бевосита иштирокида, аммо бевосита ёрдамисиз назарий-амалий материаллар устида бажариладиган вазифалар бўлиб, билим олувчиларнинг нафақат билим даражаларини, балки уларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай билишларини, мустақил ва мантиқий фикрлаш даражаларини аниқлаш ва шакллантириш имкониятини берадиган онгли фаолиятдир.

Замонавий таълим жараёнида мустақил ишлар таснифига оид бир қанча қарашлар мавжуд. Методист олимлар гуруҳларга ажратишда мустақил ишларнинг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратганлар.

Масалан, Н.Г.Казанский ва Т.С.Назаровалар мустақил ишларни дидактик мақсадларига кўра 3 гуруҳга ажратадилар:

1. Янги материалларни қабул қилишга йўналтирилган мустақил ишлар.
2. Янги билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил ишлар.
3. Маҳорат ва малакани мустаҳкамлаш, билимларни кенгайтириш ва шакллантиришга йўналтирилган мустақил ишлар.

Фааолият мазмуни бўйича ҳам мустакил ишларни 3 гуруҳга жратадилар:

1. Берилган намуна бўйича мустақил ишлар.
2. Қоида асосидаги мустақил ишлар.
3. Ижодий мустақил ишлар .

Бу тасниф мустақил ишлар мазмуни ва ўқув-билув фаолияти мазмунини ўзида акс эттирган.

Таълим жараёнида қўлланиладиган мустақил ишларни биз тавсифлашда фаолият мазмунига асосландик. Яъни:

1. Репродуктив мутақил ишлар.
2. Реконструктив мустақил ишлар.
3. Ижодий мустақил ишлар.

Демак, узлуксиз таълим тизими жараёнида билим олувчиларни мустақил фикрлашга, онгли фаолият юритишга ўргатиш келажакда уларни жамиятимиз, давлатимиз тараққиёти учун зарур, баркамол шахс сифатида шаклланишида бош омил бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда ўқитувчи шахси касбий фаолияти билан бир қаторда юксак касбий тажриба ва маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. 64 б.

3.Каримов И.А. Она Юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир- Т.:Ўзбекистон, 2015.-304б.

4.Джураев Р.Х.,Шегай И.Л. Роль образования в формировании гармонично развитого поколения в условиях глобализации экаономики // Узлуксиз таълим.-Тошкент, 2013.№6.С.45-48

ВРАЧ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ТУЗИЛМАСИДА ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Мухторов Эркин Мустафоевич –психология фанлари номзоди, БухДУ доценти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларининг қарор топиши турли касб эгаларига, жумладан, амалиётчи врачларга янгича талаблар қўймоқда. Масалан, пуллик тиббий хизматларнинг вужудга келиши ва ривожланиши врач психологиясида муайян ўзгаришлар юз беришини тақозо этади. Касалликни даволаш тактикаси ва стратегияси билан шуғулланиб келган врач энди пациент эмас мижозларни ўзига жалб этиш, улар психологиясига таъсир ўтказиш, улар билан тегишли муносабатларни ўрнатиш, уларни ўзига мойил қилиш, уларнинг сонини кўпайтириш йўлларини ўрганишига тўғри келади. Авваллари бемор билан ишлаган врач энди мижоз билан ишлашига тўғри келади. Чунки энди беморлар фақат пациент эмас, айни пайтда мижоз ҳам ҳисобланади. Энди унинг касбий муваффақияти фақат касалликни қандай даволаш йўлларини билишигагина эмас, бемор билан самарали мулоқот ўрната олиши, беморни қандай тинглаши, унда тузалиб кетишга умид ва ишонч уйғота билишига ҳам боғлиқ бўлмоқда. Бошқача қилиб айтсак, авваллари фақат даволаш ва профилактика ишлари билан шуғулланган врачлардан энди тадбиркорлик сифатлари ҳам талаб қилинмоқда. Ҳозирги даврда ижтимоий-

иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг шиддат билан юз бериши инсонлар, жумладан, врачларнинг психологик ресурсларига алоҳида талаблар қўймоқда. Шунинг учун ҳозирги давр психологиясида атроф-муҳитда юз бераётган ўзгаришларга мос келадиган хусусиятлар ва конструктларни излаш ва тадқиқ этиш кузатилмоқда. Ҳозирги кунда "субъект-субъект" муносабатлари таркибида фаолият юритаётган мутахассислар, хусусан, врачлар психологик компетентлик хусусиятига эга бўлишлари талаб этилади. Психологик компетентлик фанлараро муаммо бўлиб, уни ўрганиш билан психология, социология, педагогика каби фанлар шуғулланмоқда. Шунга қарамасдан, компетентликнинг кўпчилик томонидан эътироф этиладиган назарияси мавжуд эмас. Унинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари ҳамда механизмларини талқин қилишга турлича ёндашувлар кўзга ташланади.

Психологик компетентлик муаммосининг долзарблигига, унинг турли касбдаги мутахассислар учун зарурлигига қарамасдан, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар фрагментал хусусиятга эга бўлиб, асосан, унинг тузилмасидаги таркибий қисмларни фаолият ва мулоқотнинг муайян параметрларига ўтказадиган таъсир доираси билан чекланмоқда.

Мамлакатимиз ва хорижда мазкур мавзу бўйича ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, унинг долзарблиги ва муҳимлигини барча эътироф этади, лекин унинг ўрганилганлик даражаси ана шундай эътирофга мос эмас. Россиялик психолог олимлар А.Г.Асмолов, Д.А.Леонтьев, Л.А.Петровская, Е.Б.Шестопал таъкидлашларича, психологик компетентлик таркибидаги коммуникатив компетентлик атрофлича ўрганилган. Психологик компетентликнинг бошқа қисмлари ва йўналишлари: когнитив компетентлик, ижтимоий компетентлик ва бошқалар етарли ўрганилмаган.

Психологик компетентликнинг турли кўринишлари ва шакллари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир деярли ўрганилмаган. Айни пайтда, компетентликнинг даражалари ва мезонлари ҳам ёритилмаган.

Врачнинг психологик компетентлиги унинг касбий маҳоратида етакчи ўринлардан бирини эгаллаши кўпчилик томонидан эътироф этилади. Бундай эътироф турли даражадаги ҳужжатларда: меъёрий, профессиографик, врачлик касбига бағишланган ҳужжат ва тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

Психология фанида варчлар психологик компетентлигига бағишланган махсус тадқиқотларнинг жуда камлиги кузатилади. Бундай ҳол врачларнинг касбий маҳоратини ўстириш бўйича дастурлар тузиш ва амалиётга тадбиқ қилиш вазифасини амалга оширишни қийинлаштиради.

"Психологик компетентлик" тушунчаси мазмунини турли тадқиқотчилар турлича талқин қилишмоқда. Баъзи муаллифлар бу тушунчани психологик билимлар, укув ва кўникмалар сифатида изоҳласа, бошқалар уни шахснинг универсал психологик тизими, деб тушунтиришмоқда. Субъектнинг психологик компетентлиги психологик феномен сифатида хориждаги психологик мактаблар ва йўналишлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Бизнинг мамлакатимизда бу муаммони ўрганиш эндигина бошланмоқда. Психологик компетентликка берилган таърифларнинг барчасини келтириш кўп вақт ва жой талаб қилади. Уларнинг кўпчилиги айнан бир ҳодисани турли томондан турли шаклда изоҳлашнинг кўринишидир. Аксарият ҳолларда улар бир-бирини тўлдиради. Биз уларнинг барчасини келтириб ўтирмай, врачнинг психологик компетентлигини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Врач касбий компетентлигини ташкил этувчи муҳим таркибий қисмлардан бири психологик компетентликдир. Психологик компетентликнинг таркибий қисмларидан бири коммуникатив компетентлик ҳисобланади. Врачнинг коммуникатив компетентлиги бошқа касб эгаларининг коммуникатив компетентлиги билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Айни пайтда, врач коммуникатив компетентлигининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Врачликдан бошқа касб эгалари коммуникация жараёнида ахборот алмашса, врач бу жараёнда ахборот алмашишдан бошқа функцияларни ҳам бажаради. Бундан ташқари, врач учун коммуникация жараёнида бошқа мутахассислар учун зарур бўлмаган сифатлар ҳам зарур бўлади. Масалан, беморлар билан мулоқот жараёнида врач учун зарур бўлган сифатлардан бири сабр-тоқатли бўлишдир. Бу сифатнинг зарурлиги врач мулоқотга киришаётган беморларнинг психологик ҳолати билан боғлиқ. Беморларнинг кўпчилиги касаллик туфайли инжиқ бўлиб қолишади. Бундай ҳолат, айниқса болаларда яққол кўзга ташланади. Мазкур ҳолат врачдан сабр-тоқатли бўлишни талаб қилади.

Коммуникатив компетентлик мулоқот жараёнида когнитив, эмоционал ва психомоторик сифатларда ўзини намоён қилишда, улардан фойдаланишда ифодаланади.

Коммуникатив компетентлик таркибидаги компонентлардан бири ижтимоий-перцептив компетентликдир. У мулоқот қилинаётган шахсни тўла ва тўғри идрок қилишда, тўғри тушуниш ва баҳолашда намоён бўлади. Ижтимоий перцептив компетентликни тадқиқ қилар экан, Н.Э.Вегерчук қуйидаги таркибий қисмларни ажратиб кўрсатади: мақсадли-мотивацион, когнитив, эмоционал ва

баҳолаш компонентлари. Шу билан бирга, мазкур муаллиф ижтимоий-перцептив компетентлик таркибига субъектнинг ўзини касбий мулоқот ва фаолият олиб борувчи шахс сифатида баҳолашга лаёқатини ҳам киритади.

Ижтимоий-перцептив компетентлик ўзини индивид, фаолият субъекти сифатида тўла, чуқур идрок эта олиш, тушуниш ва баҳолаш сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ижтимоий-перцептив компетентлик инсонни ижтимоий-перцептив жараённинг тўлақонли субъекти бўлаолишга тайёрлиги сифатида тавсифланиши мумкин. Бундай сифат унинг социум билан ўзаро таъсири муваффақиятли кечишини таъминлайди.

Врачлик касбини эгалламоқчи бўлиб, олийгоҳга ўқишга кирган талаба уни битиргунча ўтган етти йил давомида юз берган ўзгаришларга мос равишда керакли сифатларни шакллантириш учун ўз устида ишлаши, маҳоратини ошириб бориши зарур бўлади. Олийгоҳни тугатгандан кейин ҳам давом этадиган бу жараёнда унга малака ошириш курслари ва институтлари ёрдам беришларига тўғри келади. Бозор муносабатларининг шаклланиши врачлар фаолиятига ҳам конкуренцияни олиб кирди. Бундай шароитда муваффақиятли фаолият юритиши учун врач рақобатбардошлик хусусиятига ҳам эга бўлиши лозим. Рақобатбардошлик эса муайян психик сифатларни талаб қилади. Шундай сифатлар жумласига инновацион фикр юритиш, врачлик касби ва амалиётидаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиш ва ўз амалиётига кераклиларини тадбиқ қила олиш, беморларнинг ишончини қозониш кабиларни киритиш мумкин. Бундай сифатларга эга бўлиш учун врач нафақат ўз билимларига, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам оид бўлган билимларни мунтазам ўзлаштириб бориши талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, бозор муносабатларига ўтиш шароитида врачнинг ўз касбий маҳоратини оширишдан манфаатдорлиги кескин ортади. Энди, врач фақатгина мутахассис сифатида эмас, балки жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўзини намоён қилиши керак бўлади.

Касбий маҳоратни эгаллаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бир неча босқичларни қамраб олади. Бу босқичлар қуйидагилар: врачнинг касбга мослашуви, врачнинг мутахассис сифатида ўзини намоён қилиши, касбни эгаллашда барқарор муваффақиятларга эришуви ва юксак касбий маҳорат босқичи. Тиббиёт олийгоҳларида бу босқичларнинг ҳаммасини босиб ўтиш мумкин эмас. Бу босқичлардан дастлабкиси – врачнинг касбга мослашуви ҳам олийгоҳда тўла якунланмайди. Бу босқичнинг якунланиши олий маълумотга эга бўлган врач мустақил фаолият бошлаган дастлабки бир неча йиллар давомида юз беради. Касбий маҳоратнинг кейинги босқичларига ўтишга мустақил иш жараёни, малака ошириш институтлари ва курсларида ўқиш, кўпроқ ўз устида ишлаш жараёнида эришилади.

Врачнинг касбий маҳорати тиббиёт назариясига, танланган ихтисосликка, шахс психологиясига оид билимларни пухта эгаллаш, мазкур билимларни амалиётга тадбиқ қилиш учун зарур бўлган ўқув ва кўникмаларнинг юқори даражада ривожлангани билан характерланади.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКАДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

К.Турсинова - СамДУ ҳузуридаги ПККТМОММ,
Д.Турдиева - Пастдарғом тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Аннотация:*Мазкур мақолада замонавий педагогикада ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, медиа дарсларининг методик имкониятлари ва уларнинг афзалликлари, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш жараёнида педагогик талабларни эътиборга олиш каби масалалар ҳақида фикр юритилган.*

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳалари ва шу жумладан, таълим тизимидаги ислоҳотлардан асосий мақсад жамиятда инсонларнинг дунёқарашини янада такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш ва бунинг натижасида тараққиётнинг барча соҳаларида малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда ривожланган давлатлар қаторидан жой эгаллашдир. Албатта, бунинг учун таълим соҳасида фаолият юритаётган педагог кадрлар ўз билимини доимий равишда бойитиб бориши ва замонавий таълим талабларига жавоб бера олиши лозим.

Замонавий таълим эса педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш уларнинг имкониятларини тўла татбиқ этишга асосланади.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими алоҳида ўрин тутади. Чунки бу тизим педагог кадрларни таълим жараёнидаги энг сўнги янгиликлар билан таништириш орқали уларнинг касбий маҳоратларини янада оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан биридир.

Ҳозирги кунда педагог учун профессионал маҳорат нафақат унинг фаолиятини осонлаштирадиган дастурий-техник воситаларни ўзлаштириш ва қўллаш, балки ўқитиши лозим

бўлган фанга оид интеллектуал ва ижодий масалаларни ҳал эта оладиган дастурлардан фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Табиийки, ўқув жараёнига киритилган ахборотнинг ҳар бир янги манбаси ўқитиш методлари қаторини кенгайтиради. Ҳар бир методни амалий фаолиятга татбиқ этиш алоҳида методик усуллар йиғиндисидан иборат бўлади.

Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари бир-бири билан уйғунлашган ва мослашган ҳолда бир-бирини тўлдириш керак. Мана шундай уйғунлик таълим самародорлигини ошириш учун кенг имконият яратади.

Бундан ташқари, ўқитувчи олдида ўқувчиларни ахборот олиш ва қайта ишлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш вазифалари туради. Бу жараённинг муваффақиятли кечишида ўқитувчининг ўзи маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, ўқув жараёнининг бошқарувчисига айланиб боради.

Бунда бош масала билимлар оламига кириш, бу оламнинг ресурсларидан фойдаланиш ва ўзлаштиришга боғланиб қолади. Ўқувчи ахборот уммонида янгича қоидаларни ўрганиши, барча ўқув фанлар кесимида ахборот олиши ва уни қайта ишлай олиши бевосита машғулотларнинг ташкил этилишига боғлиқ. Бериладиган маълумотларни янада мазмунга бой, эсда қоладиган ва кўргазмали бўлиши учун кўпроқ мультимедиа технологияларидан фойдаланилади.

Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли (инструментлари) бўлиб, у ўқитувчига анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг кўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш; кўргазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, схемалар балки овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш; ахборот турларини таълим олувчининг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантиқий ўрганишига мос равишда тайёрланиши лозим.

Медиа дарсларининг методик имкониятлари ва уларнинг афзалликлари:

- Ўқув жараёнида дарс сифати ва самародорлигини оширишга ёрдам беради;
- Ўқув объектлари ва воқеаларини моделлаштиради, уларни автоматик равишда кетма-кетликда намойиш этади, тасвирни туширади;
- Мультимедиа техникаси ўқувчиларнинг ўқув мазмунини ўзлаштиришга қизиқишини янада оширади.;
- Ўқувчининг кўргазма-образли таъсирида фикр юритиши, моторик ва вербал коммуникатив кўникмаларини шаклланишига олиб келади;
- Ахборот билан ишлаш (ахборот қидириш, зарурларини ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш, мантиқий яқинларини ажратиш)ни ўрганади. Шулар асосда ахборот маданияти шаклланади.

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш жараёнида қуйдаги педагогик талабларни эътиборга олиш лозим:

- тайёрланган материалларни амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига тўла мувофиқ бўлиши;
- таълим олувчига қизиқарли ва илмнинг жамиятдаги ривожланиш даражасига мос илмийликка эга бўлиши;
- берилиши зарур бўлган ўқув материалининг ҳажми ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар даражасида бўлиши;
- таълим олувчи учун содда, аниқ, интутив ва ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши;
- ўрганилаётган ўқув материалини таълим олувчи (ўқувчи) осонроқ ўзлаштириши учун имконият даражасида овоз, анимация, расм ва шу кабилардан фойдаланиши;
- ўрганувчининг эътиборини чалғитувчи ортиқча элементларни бўлмасли;
- таълим олувчиларнинг ҳиссий ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиши;
- ўрганилаётган ўқув материалини системали, мантиқий кетма-кетлиги ва уларни узвийлигига эътибор бериш.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълим соҳасида замонавий интерфаол ва ахборот-коммуникация технологияларини уғунлашган, мослашган ҳолда бир-бирни тўлдириши керак; таълим мақсади, мазмуни, шакли, ўқитиш методлари, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти мувофиқлаштирилади. Бу эса таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЙ МЕЪЁР

Кумуш Ражапова, Бердақ номидаги ҚДУ Ўзбек филологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси

Маданият тушунчаси ниҳоятда кенг бўлиб, у жамият ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча жараён-ларни, йўналишларни, ҳодисаларни қамраб олади.

Нутқ маданияти жамият ҳаётининг, жамият маданиятининг ўта муҳим, ажралмас таркибий қисми, муайян воқелиги, кўриниши сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. У фикр алмашиш муомила, сўзлаш каби кундалик, доимий, зарурий жараёнларни ўз ичига олади, уларни «бошқарадиган», улар орқали воқеликка айланади, таъсир қилиш қувватига эга бўлади.

Демак, нутқ маданияти нутқ билан, нутқ фаолияти билан бевосита боғлиқ экан, тил нима, нутқ нима деган саволларнинг келиб чиқиши мутлақо табиий ва мантиқийдир.

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ҳодисалар бўлиб, тил алоқа қуроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ бу расмий тилдир. У кенг маънода сўзлардан, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга (уни қайта ишлаш ва бойитишга) қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларга маълум «тил диди»ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти термини тилшуносликда уч хил ҳодисани ифода этади:

1) маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи;

2) маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи илмий муаммонинг номи;

3) нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири мураккаб кўринишларига, қирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштирмаслик лозим.

Шундай қилиб:

1. Нутқ маданияти адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири .
2. Нутқ маданияти (тил маданияти) - бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир .
3. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир .
4. Нутқ маданияти кишиларнинг ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашидан иборатдир .
5. Нутқ маданияти фақат тўғри нутқгина эмас, балки уқувлилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир .
6. Нутқ маданияти тил воситаларидан ўринли фойда-ланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир
7. Нутқ маданияти бу, аввало, фикрлаш маданиятидир.
8. Миллий ўзига хослиги билан ҳам ажралиб турувчи нутқ маданий нутқдир.

Нутқ маданияти тилни - алоқа – аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабатдир. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муноса-бат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам шунчалик юқори савияда бўлади. Аксинча бўлса-чи, унда нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлиши муқаррар.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маълум бир ўлчов (мезон) га асосланишимиз тайин. Мана шу ўлчов тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар бир лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қуйидагича кўрсатилади: 1. Диалектал меъёр. 2. Сўзлашув нутқи меъёри. 3. Арголар, жаргонлар меъёри. 4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Адабий меъёр. Маълум бир ҳудудда тарқалган **шева** имкониятлари ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносиз тушунарли бўлади, яъни алоқани енгил амалга оширишга имкон беради. Бу - тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр - тилнинг яшаш шаклидир.

Адабий меъёр шевага асосланади, ундан олинади. Адабий меъёр адабий тил билан бирга туғилади, бадиий адабиётнинг, халқ маданиятининг тараққиёти билан ривожланиб, ўз қонун - қоидаларини мустаҳкамлаб боради.

Адабий тил меъёрга эга бўлганлиги сабабли ҳамма учун тушунарли бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларини уюштиришда, катта вазифаларга отлантиришда адабий тил, унинг меъёрлари жамият учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик - семантик меъёр.
2. Талаффуз – (орфоэпик) меъёр.
3. Ёзув (графика) меъёри.
4. Фонетик меъёр.
5. Акцентологик (урғуни тўғри қўллаш) меъёр.
6. Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.
7. Сўз ясалиш меъёрлари.
8. Имловий меъёр.
9. Услубий меъёр
10. Пунктуацион меъёр.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилари, латифагўй халқ шоир - бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа деб тан олингунга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиш, ривожланиш, стабиллашув қонуниятлари-нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти ҳисобланади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатда фарқ қилади.

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, «ўлган», истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама - қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари бўйича текшириши лозим.

Нутқ маданияти адабий меъёрни маълум мақсад билан, аниғи маданий нутқнинг чегараси ва воситаларини аниқлаш мақсадида ўрганади. Шу сабабли, нутқ маданияти соҳаси адабий тил ва унинг меъёрий системасини баҳолайди ва назорат қилади. Нутқ маданияти соҳаси адабий тилга ёндашади, яъни адабий тил ривожига онгли аралашади.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демакки, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутади. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол шу жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукаммал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевидениени кузатиб бориши орқали ҳамда тинимсиз мустақил шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина нутқ маданиятига эга бўлади. Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади.

Булар - сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда, сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқатидир. Мутолаа туфайли ёзма нутқда акс этган воқеа - ҳодисадан хабардор бўлади.

Ўрта мактабда таълим олаётган ёшларни, яъни, жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг нутқи ўта муҳимдир. Демак, ўқитувчилик касби инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак маданият билан бирга юқори даражадаги нутқий малакага ҳам эга бўлишини талаб қилади.

Фойдаланилган адабиятлар рўйхати:

1. Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умуркулов, Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Т.: 1998,

2. Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993,

3. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992.

4**.** Begmatov E, Tursunpo'latov M. O'zbek nutqi madaniyati asoslari. Toshkent. 1991.

DIE HÖRVERSTEHENSFÄHIGKEIT IM DAF-UNTERRICHT.

М.Махмудова – Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси,
Ф.Неъматова - Немис тили таълим йўналиши 4 курс талабаси

Die Entwicklung der Hörverstehensfähigkeit ist zunächst ein Prozeβ der Gewöhnung an die deutschen Phoneme, Stimmproduktion und Sprechgeschwindigkeit, um das Erkennen von Bekannten zu ermöglichen.

In der ersten Lernphase hört der Lernende den sprachlich vereinfachten, akustisch sehr deutlichen, erstellen Text oder Dialog. Die wichtigsten situationsspezifischen Vokabeln werden gesammelt und geordnet. Sie dienen als Verständnishilfe für den Lernenden.

Das Verständnis des Dialogs wird durch Fragen, Richtig / Falsh – Auswahlantworten oder durch das Korrigieren von falschen Aussagen überprüft. Diese dienen auch zur Strukturierung der im Dialog enthaltenen Informationen sowie zur Einprägung von Wortschatz und Redewendungen als Vorbereitung auf den spontanen Dialog.[1]

In der zweiten Phasewird der Lernende mit dem spontanen Dialog konfrontiert. Die inhaltlichen Schwierigkeiten sind weitgehend abgebaut und beim Anhören des spontanen Dialogs muss der Lernende sich nun mit anderen Schwierigkeiten auseinandersetzen. Zum Beispiel mit einer Geräuschkulisse, die sich störend auf sein Hörverstehen auswirkt, mit Überschneidungen oder mit unvollständingen Sätzen und vor allem mit einer **"normalen",** für den Lernenden aber relativ schnellen Sprechgeschwindigkeit.

Wenn das Mitleseverfahren verwendet wird, ist darauf zu achten, daβ dieses methodische Vorgehen mit einer reichen Hörphaseabschlieβt. Die Dialoge sind vornehmlich für Übungszwecke gedacht, um die Hörverstehensfähigkeit aufzubauen und nicht zu testen. Es ist unwahrscheinlich, daβ der Lernenede einen Dialog beim ersten Zuhören jeweils mehr verstehen.

Die Dialoge dürfen und sollen so oft wie nötig abgespielt werden, als Ganzes und auch in kleineren Sinneinheiten.

Die Übungen zur Sprechfähigkeit lassen sich in drei Gruppen aufteilen.

1) Übungen zur Festigung des Sprechmaterials.

Mit diesen Übungen soll auf verschiedenster Wiese dem Schüler das Sprachliche Material verfügbar gemacht werden.

2) Rollenspiele. Hier übt der Schüler das kommunikative Sprechen mit einem Partner im Dialog.

Die Rollenspielesindunterschiedlich:

- einige bieten einen vollständigen Dialog an;
- einige bieten nur eine Rolle an; die zweite Rolle ist vom Schüler frei zu erfinden und zu gestalten.
- einige bieten nur Angaben zu einer Situation an, die dann selbständig zu entwickeln und frei durchzuspielen ist.

3) Übungen zur freien Sprachproduktion fordern Beschreibungen oder Erklärungen von Sachverhalten.

Jetzt versuchen wir einige Beispiele zu obenangeführten Übungen durchzuführen:

1. Hören Sie sich bitte den Dialog einmal an.

2. Schlüsselwörter: Hier sind einige Schlüsselwörter als Hilfe zum besseren Verständnis (Seite 119)

3. Hören Sie sich bitte den Dialog zum zweiten mal an. WelcheEindrückehabenSie?

4) Detailverständnis.

Imitationsübungen dienen vor allem dem Üben der richtigen Aussprache und Intonation. Wir bereiteten z,b. phonetische 2 – Phasen – Programme auf Tonband für den Anfangsunterricht vor und üben mit allen Schülern diese einfache Hörübung, die konzentrierter Aufmerksamkeit den Sprechorganen Impulse

---

Rampillon U. Lerntechniken im Fremdsprachenunterricht. München, 1985, Seite 31-33.

1.Werner und Alice Beile. Sprechsituationen aus dem Alltag 2, Bonn 1982.

J. Woltwer. Erste Bilanz eines Schulversuches zu Problemen des Anfangsunterrichts, 4/1974, S. 24-26.

vermittelt, ohne daβ es zu einem hörbaren Nachsprechen kommt. Um die Schüler von der Wichtigkeit einer korrekten Aussprache zu überzeugen, stellen wir Wortpaare zusammen, die den Unterschied der geübten Phoneme veranschaulichen:

5) **Heer – Herr** **(er) fehlt – (er) fällt**
6) **Beet – Bett** **schief – (das) Schiff**
7) **(er) kam – Kamm** **(der) Ofen – offen**
8) **(das) Mus – ich (muss)** **(die) Höhle – (die) Hölle.**

9) An den Beispielen wird gezeigt, daβ ein und derselbe Buchstabe bald lang und geschlossen, bald kurz und offen gesprochen wird und daβ die aus gleichen Buchstaben bestehen – den Wörter **verschiedene Bedeutung** haben. Nach der Hörübung wird jedes Wort, jede Wendung sowohl einzeln als auch im Chor gesprochen und eingeübt. Man muss damit klarmachen, daβ die Muskeln der Sprechorgane ebenso geübt werden.

Weitere Hörübungen:

In der deutschen Sprache unterscheidet man folgende Vokalpaare:

[a:] [a], [e:/E], [i:/I], [o:/O], [u:/U], [E:]: spät, (das) gerät, zahlen.

Die deutsche Sprache hat fünfzehn Vokalphoneme, im Usbekischen dagegen gibt es nur sechs: **[e] (Murmel – E)** hin. Man spricht es in den Präfixen – **be –** und – **ge**z,B: **gehören, gestein, behandeln, bereit** und in den unbetonten Endungen – **üben, ich bestimme, die Analyse, das Filter.**

Medien nehmen im Alltag von Kindern und Jugendlichen einen hohen Stellenwert ein. Der richtige Umgang mit Medien soll nach Meinung vieler Eltern in der Schule vermittelt werden. Auch in der öffentlichen Diskussion wird die Schule als Vermittler von Medienkompetenz immer stärker in die Pflicht genommen. Der Medienerziehung wird zunehmend ein hoher Stellenwert in den Lehrplänen der Schulen zuerkannt. Damit in der Schule das Thema sachgemäß behandelt werden kann, sollten LehrerInnen eine Vorstellung vom Medienalltag ihrer Schüler haben, denn SchülerInnen und LehrerInnen meinen oftmals ganz Verschiedenes, wenn es um Lesen, Fernsehen oder Computernutzung geht. Das Medienverhalten von Kindern und Jugendlichen ist im Altersverlauf deutlichen Veränderungen unterworfen. Darum wurden die Lehrkräfte gebeten, nur Angaben für die Altersgruppe zu machen, die sie am besten kennen und einschätzen können.

Der Computer und das Internet gehören auch hierher, obwohl man heutzutage mit diesen Mitteln nicht nur non-verbal kommunizieren kann. Sie sind eine sehr große Hilfe sowohl für den Lehrenden, als auch für die Lernenden.

Es ist für diese Untersuchung nicht notwendig, eine Untersuchung vorzunehmen zwischen den Sprachlabors, in denen nur im Lehrertisch ein Tonbandgerät vorhanden sind, während die Schülerplätze eine Mithörmöglichkeit über Kopfhörer haben, und den voll ausgebauten Anlagen, in denen auch jede Schülerkabine mit einem Tonbandgerät ausgestattet ist. Der Vorteil dieser Schülerkabine ist es, dass die Schüler ihre eigenen auf Band aufgenommenen Übungen wieder aufzuhören. Das voll ausgebaute Sprachlabor bietet den Vorzug, dass Schüler auch ausserhalb der Unterrichtsstunden zur Wiederholung oder Intensivierung des in den Sprachstunden Erlernten aufsuchen können. Auβerdem gibt es die Möglichkeit, das Sprachlabor zu "Hausaufgaben" heranzuziehen. Für den Anfangsunterricht steht eine ausreichende Auswahl von Übungen zur Verfügung, die speziell für die **"audio-linguale"Methode[1],** also für die Verwendung im Sprachlabor geschrieben wurden, für die demnach auch die enteprechenden Tonbänder vorhanden sind. Anders jedach sieht im Unterricht der Mittelstufen und in den Fortschrittenkursen aus.

Das Sprachlabor kann also jetzt zu einem integrierenden Bestandteil des Unterrichts auch auf Anfangs – (5-6 Klasse), Mittelstufen (7-9 Klassen) und Forgeschrittenkursen (Lyceen, Collegen) gemacht werden[2]. Es muss unbedingt vermieden werden, dass die Schüler nach einer einjährigen oft mühsam errungenen Vertrautheit mit dem Labor und der darin praktizierten **"audiolinguale"** und **"kommunikative" Methoden**vernügendeErreignisse erreichen.

In den letzten Jahrzehnten ist die Forderung nach einer kommunikativen Orientierung immer deutlicher weil die ältere Form des Fremdsprachenunterrichts nicht genügend an der kommunikativ orientiert war. In einem kommunikativ orientierten Fremdsprachenunterricht steht die Entwicklung der Sprachfertigkeiten der Schüler im Mittelpunkt. In der modernen Fremdsprachenmethodik gibt es eine Reihe Von wirksamen Methoden zur Entwiklung des Sprechens, so z, B. durch Anschauungsmaterialien, Filme oder Tonbänder, Ziel und Funktion der Übungen ist es das fremdsprachige kommunikative Können der Schüler vervollkommen. Um dieses Ziel zu erreichen, muss der Lehrer die Schüler zu sprachlichen Handlungen stimulieren.

Die Hörtexte sollen als Stimulus zum Sprechen betrachtet werden.

1. N. Suchanova, L. Uljanova "Assalom Deutsch!" I, II, III, IV Band, Tashkent, 2002.
2. Frank D. Laborarbeit in Collegen in: Die Unterrichtspraxis, 2/1968, 5.15.

Die Formen und Strukturen der modernen Lehrbücher sind sich gründlich geändert. Die Texte bestehen nicht nur aus Wörtern und Strukturen, sondern auch vor allem eine kommunikative Funktion haben.

“Kommunikative Übungen” basieren meistens auf Hör- und Sprechübungen. Hierzu gehören alle Dialoge, die auf Tonträger zur Verfügung stehen, die auf allen Situationen eine Entwicklung von Sprachfertigkeiten und Mitteilungsfähigkeiten bewirken. In allen Bänden der Lehrbücher **“Assalom Deutsch!”, “Wer? Wie? Was?”** gibt es zahlreiche Hörtexte. Sie werden entweder in der Vorbereitungsphase zur Einführung von sprachlichen Elementen oder meistens in der Vorbereitungsphase zur Festigung bestimmter Sprachfertigkeiten eingesetzt.

Alle Texte dienen zur Entwicklung der zu den Hörverstehen – und Sprechfertigkeiten der Schüler. Die Hörverstehensfähigkeit kann bei den Schülern nur durch sorgfältig abgestufte Hörleistungen systematisch entwickelt werden.

Selbstverständlich ist, dass die Texte in Lehrwerken nicht zu lang sind.

Die Entwicklung der Hörverstehens – und Sprechfähigkeit ist zunächst ein

Prozeβ der Gewöhnung an die deutschen **Phoneme, Stimmproduktion und Sprechgeschwindigkeit.** Die Hörgewöhnheiten befähigen den Schülern, das Gehörte zu strukturieren, das Wesentliche herauszuhören und zu behalten.

Die Hörverstehensfähigkeit soll durch eine Vielzahl verschiedener Stimmen und durch verschiedenartige Übungeformen gefördert werden.

Das methodische Vorgehen beim Hörverstehenstext ist verhältnismäβig einfach und erfordert keinen allzu groβen planerischen Aufwand. Der Lehrer sollte bei der Arbeit mit Hörtexten bei der einmal gewählten methodischen Variante bleiben und nicht dem Wunsch von Schüler nachgeben, den Text häufiger vorzuspielen als geplant. Die meisten Schüler werden den Hörtext nicht Wort für Wort verstehen. Das ist auch nicht beabsichtigt. Die Schüler sollen auf die zentralen Aussagen konzentrieren.

Die Präsentation der Hörtexte im Unterricht erfolgt in der Regel in Abschnitten. Das bedeutet, der Text wird langsam “enthüllt”. Zum leichteren Auffinden der Texteile sind die einzelnen Abschnitten durch. Signalton voneinander getrennt. Ein Nebeneffekt dieses Vorgehens ist, dass die Aufmerksamheit bis zum Textende erhalten bleibt. Die Hörtexte werden in der Klasse oder im Sprachlabor mindestens zweimal gehört. Bei nur einmaligem Hören würden wichtige Aspekte an den Schülern vorbeirauschen.

MULOQOTDAGI UQUVSIZLIK O’SMIRLARDA YOLG’IZLIK HISSINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMIL SIFATIDA

N.Mullaboyeva, NAMMTI katta o’qituvchisi

Annotation: *The psychological changes during puberty, teenager’s direct influence on the process of communication with others have been described in article. Difficulties in the relationship with the various theoretical concepts of scientists have been analyzed in this article.*

Keywords: *communication, teenager, deformation, sensitive, introvert, steno- neurotic.*

Muloqotdagi qiyinchiliklar muammosiga psixologiya fanining ko’plab sohalari: umumiy psixologiya, yosh va pedagogik psixologiya, ijtimoiy psixologiya, mehnat psixologiyasi, yuridik psixologiya, tibbiyot psixologiyasi, individual tafovutlar psixologiyasi kabi sohalarda turlicha yondashiladi.

Muloqot jarayonida uning ishtirokchilarida turli xil holatlar kuzatiladi. har birida shaxsning u yoki bu psixik xususiyati namoyon bo’ladi. Umumiy psixologiyaga asoslangan holda biz har qanday normal kishilarga xos bo’lgan muloqot fenomeni, uning qonuniyatlari va mexanizmlari haqida fikr yuritishimiz mumkin. qanday muloqot psixologik jihatdan eng ma'qul bo’lishi mumkin? Psixologik jihatdan eng qulay muloqot jarayonida ishtirokchilar o’z maqsadlariga erishadilar, ehtiyojlarini qondiradilar. Eng samarali muloqotda ishtirokchilar o’zlari uchun yoqimli bo’lgan sub'yektiv masofani saqlashga muvaffaq bo’lishadi. Muloqot kamida ikki kishi o’rtasidagi o’zaro ta'sir ekan, undagi qiyinchiliklar ham ishtirokchilardan biri yoki har ikkalasi tomonidan vujudga keltirilishi tabiiy holdir. Natijada u yoki bu darajada maqsadlarning amalga oshmasligi, motivlarning qondirilmasligi, kutilgan natijaga erishmaslik kuzatiladi.

Buning asosiy psixologik sabablari – haqiqatga mos kelmaydigan maqsadlar, sherikning qobiliyat va qiziqishlarini noadekvat baholash, o’z imkoniyatlarini noto’g’ri namoyon etish, sherikning bahosi va munosabatini tushunmaslik, sherikka murojaat qilishda mazkur vaziyatga mos bo’lmagan usullardan foydalanish va boshqa holatlar bo’lishi mumkin.

I. P. Shkuratovaning ta'kidlashicha, muloqotdagi qiyinchiliklarni o’rganishda uning rang-barangligini, muloqotga kirishuvchilarning o’zaro ta'sir etish texnikasini yaxshi bilmasliklari, ijtimoiy pertseptiv funktsiyalarning yaxshi rivojlanmaganligi kabi holatlarni e'tiborga olish zarur. I. P. Shkuratova

tadqiqotlari natijalariga ko’ra, muloqot jarayonidagi qiyinchiliklar insonning o’z oldiga qo’ygan maqsadlariga erishishiga xalaqit beruvchi omillardan biri hisoblanadi.

E.V. Ulibinaning ta'kidlashicha, shaxslararo muloqot tarkibini ichki (harakatga undash) va tashqi (vosita va usullar) kommunikatsiya sifatida qaragan ma'quldir. Muloqot jarayonida bu ikki tomon bir-biri bilan o’zaro bog’liqdir. Shuningdek muloqotdagi qiyinchiliklar motivatsion determinantlashgan hamda muloqot vositalarini takomillashmaganligi tufayli ham ro’y beradi. Turli xil shaxsiy xususiyatlarga ega inson sherigida salbiy emotsional reaktsiyalarni vujudga keltirishi, uning uchun ahamiyatli bo’lgan ehtiyojlarning qondirilishiga xalaqit berishi mumkin.

Muloqot jarayonidagi qiyinchiliklarning paydo bo’lishi uning ishtirokchilari turli yosh guruhlariga mansubligiga ham bog’liqdir. Natijada hayotiy tajribaning o’zaro mos kelmasligi ular o’rtasidagi muloqotga, uning samaradorligiga ham o’z ta'sirini ko’rsatadi.

V.A.Labunskaya tomonidan muloqotdagi psixologik qiyinchiliklarning tiplari ajratib ko’rsatilgan bo’lib, ular «ijtimoiy pertseptiv-muloqot sharoiti», «ekspressiv nutqiy – ijtimoiy pertseptiv», «murojaat qilish sharti –muloqot sharoiti», «ijtimoiy pertseptiv – munosabat - murojaat» va boshqalardan iborat.

V.A.Labunskayaning ta'kidlashicha, muloqot ishtirokchilarining shaxsga xos xususiyatlari turlicha deformatsiyalanadi. Bunday shaxsga xos xususiyatlarga egotsentrizmni ham kiritish mumkin. O’z shaxsi, dunyoqarashi fikrlari, maqsad, kechinmalariga bo’lgan e'tiborning kuchli darajadagi markazlashuvi boshqa sub'yektga bo’lgan munosabatda dastlabki bahoni o’zgartirishga xalaqit beradi.

T.N.Pashukova egotsentrizmni aniqlashning T.Stsustrova tomonidan ishlab chiqilgan proyektiv testi yordamida egotsentrik yo’nalganlikning ikki tipini: egotsentrizm - o’z nuqtai nazaricha fikrlashga intilish va egoizm- o’zi haqida gapirishga intilish sifatidagi tiplariniajratib ko’rsatgan.

T.V. Ivanovaning ta'kidlashicha, muloqotda qiyinchilikka duch keladigan kishilarda labil, senzitiv, astenonevrotik xarakter komplekslari mavjud bo’lib, bu ularning haddan ziyod ta'sirlanuvchan ekanliklarini bildiradi. Bunday kishilar do’stona munosabatlarga juda katta ehtiyoj sezsalar ham o’zlarining uyatchanligi va tortinchoqliklari tufayli uni amalga oshira olmaydilar. Dastlab ular o’ta sovuqqon, qat'iyatli va jiddiy kishi bo’lib taassurot qoldiradilar.

Bunday kishilarda xavotirlanish, hissiy beqarorlik, o’zini–o’zi nazorat qilish darajasi yuqori bo’ladi. O’tkazilgan so’rovlarda ular o’zlarining odamoviligi, introvertligi, tortinchoqligi, bo’ysunuvchanligi, konformlit ekanliklarini ta'kidlashgan.

V.N.Kuznetsovaning aniqlashicha, muloqotdagi qiyinchiliklarning yana bir sababi tortinchoqlik bo’lib, u psixologik qo’rquv va psixologik noqulaylik sharoitida yaqqol namoyon bo’ladi. Shaxsga xos autizm, begonasirash, yolg’izlik, senzitivlik, isteroidlik va asabiylik kabi sifatlar ham muloqotning borishiga salbiy ta'sir ko’rsatadi.

Yolg’iz kishining emotsional holati - qayg’urish (vahima, tez ta'sirlanuvchanlik, ojizlik, boshqalardan ajralib qolish, o’ziga achinish), zerikish (besabrlik, hamma narsani o’zgartirishni xohlash, qo’zg’aluvchanlik), o’zini kamsitish (o’zini jozibali emasligini his qilish, hech kimga kerak emasdek baholash) va boshqalar. Yolg’iz kishi «Men ojiz va baxtsizman, meni yaxshi ko’ring va yoqtiring» deyayotganday bo’ladi. K.Rubinstayn va F.Sheyverlar yolg’izlikka nisbatan reaktsiyani «qayg’uli passivlik» deb atashgan. Bunday vaziyatda nima qilish kerak? Yig’lash, uxlash, hech narsa qilmaslik, taom iste'mol qilish, televizor ko’rish, divanda yotib fikrlash, xayol surish kabilar vaziyatni va yolg’izlikni yanada chuqurlashtiradi. Eng yaxshi usul «faol yolg’iz qolishdir». Nimanidir yozishni boshlash, sevimli mashqulot bilan shug’ullanish, kino yoki teatrga borish, kitob o’qish, musiqa tinglash, jismoniy mashqlar bajarish, magazinga borib nimanidir xarid qilish va boshqalar eng yaxshi usullardir. Yolg’izlikdan qochish emas, balki o’z yolg’izligini qanday qilib bartaraf etish haqida o’ylash kerak. Aslida boshqalar bilan munosabatlari yaxshi ekanligi haqida o’ziga eslatish kerak. Unda ham yaxshi sifatlar (ko’ngilchanlik, his-tuyg’ularning chuqurligi, hozirjavoblik) kabi xislatlar borligi haqida o’ylashi, o’ziga yolg’izlik boqiy emas, hamma ishlar yaxshi bo’ladi deb aytishi, hayotda erishgan yutuqlari haqida o’ylashi kerak. Bu yolg’izlik hissi bilan kurashishda juda yaxshi samara berishi muqarrar.

ADABIYOTLAR RO’YXATI

1. Kosheleva Yu.P. Samopred’yavleniye odinokix lyudey v tekste gazetnix ob’yavleniy. // Voprosы psixologii 1998. № 2. ct.106-116.

2. Kuznetsov A, “Ya odinoko sama s soboy” . // Vospitaniya shkolnikov. 1997.

3. Miyuskovich B. Odinochestvo: mejdistsiplinarnii podxod, Labirinte odinochestva, (sost.,obsh, red. I predisl. Pokrovskiy N.E), 2002

4. Perlman D., Peplo L. Teoreticheskiy podxod k odinochestvu. Labirinti odinochestva. – Samara: Izdatelskiy dom BAXRAX – M., 2002. – 288c

5. Puzko V.I. Ekzistensialniy nevroz kak begstvo ot odinochestva. Materiali nauchnoy konferencii “Teologiya, filosofiya I psixologiya odinochestva”. Vladivostok, 2005.

6. Smirnova T.V. Kommunikativniy trening dlya podrostkov// Sosialna- pedagogichnaya rabota. – 2007. - №3. – c.55-60

ИНТЕРЕР ВА ЭКСТРЕРНИ БЕЗАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН РАНГЛАРНИ ИНСОН ҲИССИЁТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ш. Бакаев, БухДУ катта ўқитувчиси, Ш. Шокиров, БухДУ талаба.

Мавзунинг долзарблиги: *Мақолада инсон онгида шаклланадиган ижтимоий тасаввурлар тизимида ранглар ва уларнинг инсон руҳиятига табиий таъсири ва ҳиссиётларини ўзгариб туриши сабаблари асослаб берилган.*

Методика: *Инсон онгида ранг-тус муносабатлари орқали юзага келадиган ўзгаришлар таҳлил қилиниб, ҳаётий мисоллар билан таққосланмоқда.*

Хулоса:*Мақолада инсон ижтимоий фаолиятида ранглардан мақсадли фойдаланганда рухиятига таъсири, ҳиссиётларини ўзгариб туришига сабаб бўлади важуда катта аҳамият касб этади.*

Табиатдаги рангин оламни англаш орқали инсоният ҳаётий гўзалликларни ҳис этади ва унга нисбаттан ўз муносабатини билдириш билан бир қаторда

инсонижтимоийфаолиятидаранглардан мақсадлифойдаланади. Чунки уларнинг инсон рухиятига таъсири табиий бўлиб ҳиссиётларини ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Биз турмуш тарзимизни ранглар иштироксиз тасавур қилишимиз мушкулдир. Кундалик ҳаётимизни қисман ранглар бошқаришини англаганимизда уларнинг моҳиятларига тўғри баҳо берган бўлар эдик. Ранглрни оптик ва эмоционал таъсири ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб бизга керакли таъсирчанлик хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

Ранг ассоциациялари[1] оқибатида инсонда эмоционал кайфият туғдиради. Чунки бизда ранг қабул қилишда кўплаб тажриба ва кўникмалар ҳосил бўлган. Аммо бу борада бирор аниқ қоидага асосланиб бўлмасада ранглар ҳам хилма-хил товушлар каби онгимизда маълум ассоциатив руҳият чақиради. Масалан, оловвақон ранги - қизил, қуёш-сариқ,зарғалдоқ ранг,сув-кўк, уфқ-қизғиш, осмон-кўм-кўк ёки бинафшаранг, кенгяшил дала, дарахзорларкабилар ассоциация уйғотишимумкин.

Рангларни бизнинг кўриш органларимизда турларга ажратилганд ауларнинг кўринишларида иссиқ ва совуқлик, ҳўл ва курук, узоқ ва яқинлиқ, сезгиларини ҳаму йғотади. Мисол қилиб ҳаво перспективасида узоқдаги рангларни пасайишини, яқиндаги манзарани ранги узоқдагига нисбаттан тўқлигини кузатишимиз мумкин.Баъзи олимларнинг тажрибасига кўра рангларни эшитиш аъзоларига ҳам таъсири бўлиши мумкин. Масалан, рус олими Л.А.Шварцнинг кузатиши буйича кўзнинг яшил ранга кўникиши (адаптацияси)да эшитиш қобилиятини ошириши, қизил ранг мухити эса аксинча сусайтириши борлиги такидланади. Бундан ташқари рангларнинг кўриниши "оғир", "енгил" каби сезгилар ҳам уйғотади. Баъзан ранглардаги "қичқирувчи" деб хам айтилади. Албатта бу сўз образли аташ бўлиб, рангларнинг ўта ёркинлигини таъкидлайди.

Юкорида айтиб ўтилган ранглар хусусиятларини ва уларнинг таъсирчанлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Бизнинг кўзимиз орқали кузатаётган ранглар мавжуд ёркинликка мослашади. Яъни кўз тўқимаси сезгиларига таъсир қилиб, қорачиқ кенгайиши ёки торайиши мумкин. Айни вақтда контраст, ёнма-ён жойлашган рангларнинг ўзаро таъсирчанликда бўлади. Рангларнинг оч, тўқлиги ёнидаги нақшдаги гул ва баргларини рангни тўқлигига, ёркинлиги ҳам ўзаро актив ёки пассивлигига боғлиқ. Мисол қизил ранг, яшил ранг мухитида янада ёркин кўринади. Кулранг олдида тиниқ рангни тозалиги янада ошади. Шунингдек, бизга контрастларнинг кетма-кетлик хусусиятлари ҳам таниш, уларнинг образлари борлиққа, табиатгамос. Аммо уларнинг шакли ясси кўринишда бўлади ҳамда уларнинг перспектив қисқариш ҳолати сезилмайди. Рангнинг негатив кетма-кет образли кўринишларида унинг оч-тўқлиги ҳам қарама - қарши тусда кўринади.

Кўк ва қизил ранглар ўзининг максимал ёркинлигида киши аъзоларига алоҳида таъсири катта. Қизил ранг нерв тизимларини фаоллаштириб қўзғатади, нафас олишни ва томир уришини тезлаштиради ва мускулларнинг ишлаш қобилятини оширади.

Кўк ранг нерв тизими фаолиятини сусайтиради. Нафас олиш ва томир урушини секинлаштиради. Оғриқ сезгисини камайтиради. Сариқ, зарғалдоқ ранглар ҳам қизилга яқин хусусиятларга эга. Албатта рангларни бундай таасирчанлиги инсонларнинг ҳаммасига бир хилда бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда кишинингжўшқинлиги, эмоционаллиги каби хислатларига ҳам боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилган барча ранг-тус муносабатларини шарқ меъморчилигида жуда катта эътибор бериб фалсафий таҳлилини тушунган ҳолда ишлатганлар.Усталар бино ичкарисини безашдан олдин уйнинг қайси мақсадда ишлатилиши яъни меҳмонхона ёки кундалик яшайдиган уй эканлиги, уйнинг эшик деразаларининг жойлашуви,ёруғлик даражаси, қуёшнинг тушиши,уйнинг

[1]. Ассоциация - киши хотирасига сингиб қолган нарса, воқеани қайта эслатилиши.

баланд ёки пастлиги безак турларини ҳисобга олиб интерер ва экстерерни безаганлар. Қадимги усталаримиз уйларни ганч ўймакорлиги, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги санъат турларидан фойдаланиб безаганлар. Бу безакларда ўз ўрнида ранг-тус муносабатлари ечими биринчи ўринда инобатга олинган. Хонада мўлжалланган нақшли безаклари инсон медасига тегмайдиган ранглар танлаб ишлатилган. Жумладан; совуқ ранглардан аксарият яшил, кўк, мовий, бинафша, иссиқ ранглардан қизил, сариқ, жигарранг,малла ранглар ва улардан ҳосил бўладиган ҳосила ранглар мейёри назорат қилинган.

Интерьер ва экстерьер ёки бошқа турдаги бадиий безаш, дастгоҳли рангтасвир каби ишларда рангларнинг хусусиятларини билиш, тўғрироғи ўрганиш рассом ёки уста учун катта аҳамиятга эгадир:

Ранг ечими ёки ранг уйғунлиги тасвирий санъатда қандай муҳим бўлса меъморчиликда ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Аммо тасвирий санъатда (баъзи турлари буйича) ранглар ёркин, тўйғин ишлатилса меъморчиликда улар майинрок, мураккаброк аралашма яъни қарама қариши тўлдирувчи ранглардан тузилган ёқимли аралашмалар маъқулроқдир. Иморатларнинг шакл ва тузилишлари турлича бўлгани учун ҳар бир иморат ўзига хос ранг ечими талаб қилади. Аммо шаҳар кўчаларидаги қурилмаларнинг ранг ечими умумий уйғунликда бўлиши керак. Шунинг учун бу мураккаб масалага мутахассисона ёндошиш талаб қилинади.

Меъморий полихромия композициясида одатда бирор асосий рангга бошқаларини мослаш, бошқача қилиб айтганда ҳамма ранглар биттасини яққол кўринишига ёрдам беришига эришиш муҳим ҳисобланади. Бунда айтилган асосий ранг тоза ёрқин бўлиши, қолганларининг таркиби эса тўлдирувчи ранглардан, камроққонтрастликда бўлиши керак.

Ранг ечимда икки қутубийлик, яъни рангларни "совуқ", "иссиқ" гуруҳларини ташкиллаштириб композиция тузиш қулай бўлади(1-расм).

Чунки асосийлари иссиқ рангларда, иккинчи даражадагиларини эса совуқ рангларда, бир-бирига қарама қарши қўйиш усули билан ечиш мақсадга мувофиқдир

Шуни ҳам такидлаш лозимки ажратиб кўрсатилган рангли бир шакл контрастли бўлгани учун кўзни тез чарчатиши мумкин. Шунинг учун бундай ўта кучли контрастлар одам тез ўтадиган каридор, зинапоялар деворлари ёки қисқа муддатга мўлжалланган (ошхона вестюбель, магазин) хоналарга мўлжалланади.

Контраст рангларни кузатиш жараёнидаги алмашинуви ранг комбинацияси оҳангдорлигини оширади, ёруғ ва қорамтир тонларнинг алмашинуви ҳам ўзига хос ёруғлашган контрастлигини оширади. Қулай, топилган ранг ритми - меъморий гармоник қурилма ҳисобланади.

Замонавий меъмор қурилма лойиҳасини режалаштиришда полихромиянинг форма ташкиллашувидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда унинг масофадаги ўрни ва ранг ечимларидан натижали фойдалана олиши лозим. Экстерьер ва интерьернинг ранг ишловини ташкил қилинишида меъморий композициянинг ўзигахослиги, текисликлар, хилма-хил юзаларнинг ўлчам нисбатлари ва энг муҳими масофага мосланиши асосий мавзуси ҳисобланади.

Ўрта Осиё меъморчилигида ранглардан юқори даражада дид билан фойдаланганлар.

Меъморий ансамбларни фазовий шаклланишида полихромия асосий услуб сифатида қатнашади. Бунга Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарларининг меъморий иншоотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Миноралрнинг рангли нақшлари, пештоқларга берилган сопол безаклар биринчидан улардаги текисликлар юзалари, ҳар хил шаклий ўлчамларини ўзаро уйғунлаштирса иккинчидан ёнма-ён, бир ансамблни фазовий ташкил этишда ўзининг орнаментал, ранг тузилишининг хила-хиллиги билан иштирок этади.

Уйлаймизки, келажакда халқ хўжалигининг барча соҳаларида, умуман инсон фаолиятида ранг гармонияси беқиёс рол ўйнайверади. Чунки инсонга табиат инъом этган борлиқни идрок этишда кўриш, рангларнинг хилма хил "симфония"си энг гўзал туйғу, ҳислар уйғотади. Ранг муҳитини тўғри ташкил қилинганда, у киши ҳаётини асосий безовчиси сифатида қатнашади.

Атамалар

Иллюзия- тасвирий санъатда бирор жисмни тасвир орқали қайта эслатиш, унинг айнан шаклини жонли эслатиш. Театр саҳнасида сув, куёш, ой, юлдузлар, ҳаракатдаги булутлар ва хоказоларнинг иллюзиясини тасвирлаш.

Интерьер- бинонинг ички кўриниши. хоналар, фойе, колидор, вахок.

Полихромия- ранглар мажмуи, ранг-баранглик. Табиатнинг эрталаб, туш пайти, кун ботиш ифодалашда ранг нукталари" дан фойдаланганлар; иссиқ ранг "нуқтаси" ёнидансовуқ "нуқта" қўйиб, ранг уйғунлигига эришиш.

Адабиѐтлар

1. С.С.Булатов“Рангшунослик”. Тошкент2007й.

2.С.С.Булатов, Б.Аханов“Ранг психологияси”. Тошкент 2003й.

3.М.Н. Набиев "Рангшунослик". Т. 1995 й.

4. В. С. Кузин Психология. М. 1982 й.
5.Э.М. Мухаммадиев" Рангшунослик" Самарқанд2000й.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дўстов Б.А., Хамраев И.Т., Акмалова Ш.Б. (талаба)
Бухоро давлат университети

Педагогика амалиётида предметлар билан сюжетли, ҳаракатли дидактик ўйинлар фарқланади. Болалар жисмоний тарбиясида ҳаракатли ўйинлар жуда катта аҳамиятга эга ва улар кичик, ўрта ҳамда катта ҳаракатчанлик даражасига эга бўлиши мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болалар табиий ҳаракатларни ўйинлар ёрдамида ўзлаштирадилар (қадамлаб юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиш). Ҳаракатли ўйинлар болаларни жисмонан тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири. Уларни икки ёшдан бошлаб қўллаш мумкин. Бу даврда болалар югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиб чиқиш каби ҳаёт учун зарур ҳаракат кўникмаларини ўзлаштира бошлайдилар [1, 2, 3, 8]

Катта мактабгача ёшдаги болалар куч (қўлларда тортилиш), тезкорлик (қисқа масофаларга югуриш, мокисимон югуриш) ва бошқа ҳаракатлар бобида мусобақалашар эканлар, ўз ҳаракат ва имкониятларини баҳолашга қодир бўладилар. Жисмоний ривожланишдан ташқари, ҳаракатли ўйинлар болаларда ирода, мардлик, қатъиятлилик, чидамлилик, журъат каби ҳислатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Болалар ўзларининг ҳаракатига бўлган улкан эҳтиёжларини, одатда, ўйинлар воситасида қондиришга уринадилар. Улар учун ўйин биринчи навбатда, фаолият, ҳаракат. Ҳаракатли ўйинлар чоғида болаларнинг ҳаракатлари такомиллашади, ташаббускорлик ва мустақиллик, ишонч ва қатъият каби сифатлари ривожланади. Улар ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ҳатто айрим қоидаларга риоя қилишни (дастлаб, албатта, содда шаклда) ўрганадилар [5, 6, 7] .

Ҳар хил ўйинчоқлар билан ўтказиладиган мустақил ҳаракатли ўйинлар жуда фойдали; болаларни иккита, учтадан гуруҳлаш мумкин. Боланинг ҳаракатлари одатда ўйинчоқ турлари билан белгиланади: масалан, байроқчалар, ҳалқалар билан югуриш, машиналарни юргизиш, коптокларни юмалатиш, отиш, илиб олиш ва бошқалар.

Болалар бундай ўйинчоқлар билан қизиқиб шуғулланадилар. Бирор мустақил ўйинларда болалар дарҳол фаоллик ва ташаббускорликни намоён эта олмайдилар, уларнинг ҳаракатлари бир хил ва чекланган. Лекин катталарнинг топшириғини бажариш билан боғлиқ ўйинларда болаларнинг ҳаракатлари аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади, улар ҳаракатларни бир неча бор такрорлаб, ҳаракат кўникмаларини мустаҳкамлайдилар, чаққонлик, эпчилликни ривожлантирадилар [8].

Болалар ҳатто ўзлари ўйин билан машғул бўлган вақтларида ҳам уларга раҳбарлик қилиб туриш жуда муҳим. Улардан айримларининг ўйинини мураккаблаштириш, бошқаларига бошлаган ишини охирига етказишни ўргатиш, учинчиси агар жимгина ўйнаётган бўлса, гаплашиб туриш мақсадга мувофиқ.

Кўпинча мустақил ўйинларда болалар нотўғри ва ҳатто хавфли ҳаракатларни ҳам бажарадилар: курси ёки хода устидан бутун оёқ ортига таянган ҳолда деярли тўғри оёқ билан сакраб тушадилар; бирдан бутун оёқ кафти билан итарилиб югурадилар. Бундай ҳолларда ҳар хил йўллардан фойдаланилади: катта одам ўзи ўйинга киришади; болаларга улар тақлид қила оладиган бирор таниш ва яқин образни кўрсатади (мушукнинг қандай юмшоқ сакрашини, қушчаларнинг қандай шовқинсиз учишларини) [1]. Ўйинлар тобора мазмунан бойроқ ва хилма – хилроқ бўлиб бориши, янада мураккаброқ топшириқларни ўз ичига олиши зарур. Агар бола дастлаб ўйинчоқни олиш учун ўзи истаган суръатда югурган бўлса, ўйин яхши ўзлаштирилиб олинганидан сўнг югуриш суръатини катталар белгилашлари керак.

Нутқ ўйин мазмунининг ижодий ривожлантирилишига, қоидалар ва тактика билан бойитилишига, ўйинлар тажрибасининг алмашинишига, янги ўйинларнинг яратилишига ёрдам беради. Нутқ ўйин жараёнида иштирок этувчиларнинг хатти – ҳаракатларини тўғри йўналтириб, ўйинни ўргатишга, ўйинга раҳбарлик қилишга ёрдам беради. Нутқ кишига мавҳум фикрлаш ва умумлаштиришлар қилиш имконини беради, ўз образларини яратишга, ўйинни ижодкорона ёндашув асосида бойитишга ёрдам беради [4].

Ўйин фаолияти таркибида ўқув фаолияти ҳам шакллана бошлайди ва кейинчалик у етакчи ўринни эгаллайди. Ўқув элементларини катта одам киритади, улар ўйин моҳиятидан бевосита келиб чиқмайди. Мактабгача ёшдаги бола ўйнаб туриб ўқийди – у ўқишга энди муайян қоидалари мавжуд бўлган ўзига хос ролли ўйинга қарагандай қарайди. Бироқ мазкур қоидаларга амал қилиш асосида унинг ўзи сезмаган ҳолда энг содда ўқув фаолиятларини ўзлаштиради. Мактабгача ёшдаги болада ўқишга иштиёқ пайдо бўлиб, дастлабки билимлар шакллана бошлайди [4].

Мавзумизга оид адабиётлар таҳлили шундай хулоса қилишга имкон беради: мактабгача ёш билан боғлиқ кўпгина муаммолар етарлича чуқур ўрганилмаган ёки тадқиқот босқичида турибди. Бизнингча, айнан мактабгача ёшда саломатлик, тўлақонли жисмоний ва психик ривожлантириш пойдевори 3-6 ёшлар оралиғида одатлар ва феъл-атворларга хос хусусиятлар шаклланади, шу даврда болаларда зарур ҳаракат кўникмалари айниқса яхши ўзлаштирилиб, мустаҳкамланади.

Мактабгача ёшда болаларда ўз танасини бошқариш фаол давом этади (ҳаракат ва фаолиятлар мувофиқлиги, тана тузилишининг шаклланишини бошқариш ҳамда унга қадрият сифатида қараш). Айни вақтда мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбияси ва психик ривожланиши билан боғлиқ қатор муаммолар ўз ечимини топган эмас.

Бизнингча, бу муаммоларнинг ҳал этилиши болалар жисмоний тарбияси тизимини такомилаштиришда ҳам илмий-назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Глазырина Л.Д. Физическая культура дошкольникам. Старший возраст: Пособие для педагогов дошк. учреждений. Москва. Гуманитарный издательский центр “ВЛАДОС”, 2001, 264 стр

2. Геллер Е.И. Основные функции подвижных игр и проблемы дальнейшего их внедрения в практику физкультурного движения // Теория и практика физической культуры. 1988, № 3, стр. 20-22.

3. Машарипова М.И. Мактабгача тарбия муассасалари шароитида болаларнинг ҳаракат потенциалини мақсадли ривожлантириш технологияси. Пед.ф.н. илмий даражасини олиш учун баж. диссертация. Тошкент, 2006.

4. Мухина В.С. Детская психология (учебник для студентов педагогических институтов). Москва. Просвещение, 1960, 254 стр.

5. Степаненкова Э. Подвижные игры как средство гармоничного развития дошкольников // Дошкольное воспитание. 1995, № 12, стр. 23-25.

6. Тимофеева Е.А. Подвижные игры с детьми. Москва. Просвещение, 1986, 200 стр.

7. Усмонхўжаев Т.С., Исломова С.Т. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. Тошкент, “ILM ZIYO”, 2006, 248 бет.

8. Янкелевич Е.И. Физическое воспитание детей от 0 до 7 лет. Москва. Физкультура и спорт, 1999, 206 стр.

СОСТОЯНИЕ ПРАКТИКИ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВНЕШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Хамраев И.Т., Дустов Б.А. Бухарский государственный университет

Определение целей, содержания, организационных форм учебно-воспитательного процесса во внешкольных учреждениях требует учета тех реалий, в которых мы живем, а именно: правильного выбора приоритетных направлений формирования личности.

Однако в практики работы внешкольных учреждений наблюдается однообразие и унификация учебно-воспитательного процесса, заорганизованность и трафаретность малоэффективных мероприятий, упрощение трактовки понятия «личность», сведение ее к усредненной совокупности качеств, обязательных для всех; авторитарный стиль воспитания, отсутствие и непризнание со стороны выбора учащимися форм своего досуга; нарушение преемственности в организации учебно-воспитательного процесса; разрыв обучения и воспитания; разрозненность и несогласованность работы всех типов внешкольных учреждений между собой, со школой, с родителями, общественностью, с детскими и юношескими организациями, с творческими союзами; слабая постановка индивидуальной работы, дифференцированного поиска форм и методов организации учебно-воспитательной работы.

В практике работы руководителей кружков не всегда определяются объекты приложения сил воспитанников, не могут раскрыть общественную полезность их; слабые еще связи с производственными коллективами; отсутствие дифференциации воспитательных воздействий в зависимости от уровня трудовой воспитанности учащихся, низкий творческий потенциал в работе отдельных кружков, недостаточное использование возможностей общественно-полезного труда школьников, слабые связи в этом плане с родителями.

Иногда педагоги-внешкольники уделяют в основном внимание образовательной стороне, нежели воспитательному воздействию.

Внешкольное образование – своеобразный комплекс различных областей человеческой культуры (искусств, ремесел, технологий, профессий и т. п.). Основным источником содержания образования должны быть важные сферы самоопределения юной личности, человек, общество, природа и другие.

В центре внимания образования должны быть такие его важнейшие компоненты, как различные виды и формы деятельности, опыт эмоционально-ценностного отношения к миру, окружающей действительности, искусству и т. п., опыт общения. Расширение знаний по традиционным школьным предметам, введение новых курсов, кружков и т. п.

Содержание внешкольного образования рассматривать как неразрывное единство культуры и творчески-деятельностной сферы.

В основу программ во внешкольных учреждениях должны лечь критерии государственной политики в области образования с учетом научного, культурного наследия народа, перспектив развития общества, гуманистического и демократического характера обучения, вариативности и динамичности. Содержание внешкольного образования выходит за рамки обязательно требуемых обществом минимума знаний, специально акцентирует внимание на усвоение такого элемента социального опыта как методы и способы творческой деятельности. Закладываются начала экспериментальной, научно-исследовательской работы в области науки, техники, искусства. Знания, полученные в школе – на уроках и на занятиях кружков, находят свое применение в их самостоятельной работе.

Во внешкольном образовании необходимо формировать и реализовывать способности, потребности, интересы, активность личности для воспитания готовности, стремления и умения самостоятельно овладевать знаниями, творчески применять их на практике, для психологической подготовки к труду, общественной работе, самообразованию и выбору профессии.

Необходимо дальнейшее увеличение и расширение наименований технических кружков и клубов с учетом времени, а именно: электротехники, космического моделирования, клубов космонавтики, моделирование и конструирование сельскохозяйственных промышленных механизмов, электронно-вычислительной техники и электрофизики, программирования, телемеханики, промышленной графики и других.

Туристско-краеведчсекая деятельность является одним из важных средств обучения и воспитания учащихся, имеет огромное познавательное значение. В туристско-краеведческой деятельности через походы, экскурсии, экспедиции, поисковую деятельность ребята приобщаются к истории, географии, искусству; закрепляются знания, полученные на уроках физики, астрономии, биологии, химии; туристско-краеведческая деятельность способствует физической закалке и воспитанию интернационализма, коллективизма, патриотизма, помогает всестороннему развитию личности.

Туризм и краеведение – одна из наиболее интересных форм связи обучения и воспитания, ибо участие в походах обогащает и углубляет их знания почти по всем предметам, дает возможность применять эти знания на практике.

Работу с одаренными детьми рассматривать как единство подготовки интеллектуального и творческого потенциала личности подрастающего поколения. Создавать условия для проявления и развития таланта. Расширять традиции показа достижений талантливых детей: смотр детского творчества. Выявлять такие индивидуальные характеристики ребенка, которые необходимы для эффективного осуществления конкретного вида творчества. Для талантливых детей организовывать специальный учебно-воспитательный процесс. Необходимы теоретические ориентиры, коррекционные планы для работы со способными и одаренными детьми. Показательные мероприятия: концерты, художественная самодеятельность, тематические праздники, недели искусства, литературы, природы, юных техников и т. д., турниры знатоков, публичные дискуссии, интеллектуальные игры, творческие вечера – наиболее эффективные формы деятельности талантливых и одаренных детей.

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ШАКЛЛАНИШИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тошева Д.И., БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси
Сайидова Н.С., Вобкент педагогика коллежининг “Умумкасбий фанлар” кафедраси мудири

Ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчининг ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришига, таълим тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб бориши кералигига асосий мотив бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди десак муболаға бўлмайди. Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият

ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информацион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. У ўз ўқувчи-талабаларини фанга ижодкорлик нуқтаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда изланувчанлик хусусиятларини шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади. Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак. Шу ерда Президентимиз И.А. Каримовнинг «Биз ўғил-қизларимизни ўзларини англашга, мустақил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишиги йўл қўймаслигимиз лозим» [1] деган сўзларини мисол қилиб келтирган ҳолда мактаб ўқувчиси, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей талабаларининг нутқ бойлиги, уқувлилигини оширишимиз, бадиий ва илмий адабиётларга қизиқишини ривожлантиришимиз, уларнинг дунёвий ва диний илмлардан қай даражада хабардорлигини аниқлашимиз керак бўлади. Чунки кўп ўқиган ва уққан ёшларни алдаш, миллий ғоямизга ёт бўлган ғоялар сари етаклаш халқимиз душманлари учун уддалаб бўлмайдиган масалага айланади.

Интерфаол методлар ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутади. Дарс мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда айрим фаолият юзасидан кўникма ва малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчи билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак маҳорат ва тезкорлик талаб қилади.

Бу борада ўқитувчи дарсларда фойдаланиши мумкин бўлган айрим педагогик воситалар: таъкидловчи саволлар бунда ўқувчининг берган саволига қараб, унинг фикрлаш даражасини аниқлаш мумкин. Ўқитувчи альтернатив, ўқувчини фаолликка чорловчи саволлар орқали синфда ижодкорлик, изланувчанлик, қиёслаш, ўхшашлик ва фарқини топиш сингари хусусиятларни ривожлантирувчи муҳитни яратади. Саволлар бериш билан биргаликда ўқувчиларда, фикрлашга мажбур қилувчи саволлар тузиш қобилиятини ҳам шакллантириб боради. Интерфаол метод ва усулларни санаб ўтамиз: ақлий ҳужум, кластерлар, мустақил хат, Венн диаграммаси, ҳаракатли маъруза, ўзаро таълим, муаллифга саволлар, «биламан, билишни истайман, билиб олдим» (ББББ), инсерт, баҳс-мунозара, синквейн, қадриятлар тизими, дебат, ҳамкорликда изланиш, аргументланган эссе ва бошқалар.

Бу усуллар асосан босқичларга ажратилган дарс жараёнида қўлланилади (чақирув, англаш, фиклаш) ва ҳар бирида ўқитувчи ўқувчиларга тегишли топшириқлар беради. Бу методлар ва усуллар ўқувчида коммуникатив қобилиятнинг ўсишига, ўқувчилар орасида ҳиссий алоқа ўрнатилишига, муаммоли вазиятлар ечимига, гуруҳда ишлашни, ўзгаларнинг фикрини тинглай олишни ва ўз фикрини мустақил баён этишни ўргатибгина қолмасдан, унда ўзига ишонч, билимига таяна олиш, қизиқишларининг кучайишига, кенг фикрлашга олиб келади.

Давлатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт–шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласи, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар тўлиқ тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.»

Бу сўзларни шунчаки келтирмадик, чунки ёшларимизни маънавий баркамол, ақлий салоҳияти юқори, мустақил ва эркин фикрловчи, ижодкор бўлиб шаклланишида педагогик инновацияларни қўллаш, интегратив жараёнга асосланиш, интерфаол методлардан фойдаланиш камлик қилади. Биз ўқувчи шахсининг ички оламини ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.И.А.Каримов “Юксак маънавият –енгилмас куч “ асари.2008.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида .Тошкент, 1997

3.Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995.

4. Н.Н. Азизходжаева.”Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар” ўқув-методик қўлланма. 2007й.

ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Д.С.Ўраева – БухДУ профессори, филология фанлари доктори.
Ганиев Б.Ш., БухДУ магистри, Холиқова Г. Қ .,"Армечан" касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий

сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан бири бўлиб, шу сабаб биз бу педагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга ҳам тарихий, ҳам замонавий ёндашмоқдамиз.

Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг XIV-сессиясида "янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур"лигини алоҳида таъкидладилар. Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар. Бу соҳага яқин хорижий давлатларда ҳам эътибор кучайтирил - моқда.

Муҳими шундаки, Президентимиз И.Каримов томонидан Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичида (2001-2005 йиллар) "ўқув-тарбиявий жараён илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш" муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Президентнинг белгилаб берган вазифаларига кўра, таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб нафақат унга дидактик қурилмасига, балки педагогнинг ижтимоий, моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга педагогнинг тайинли мулоқоти, қарама-қарши фикрларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини уқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида педагог ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив) га эга бўлади.

Педагог фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мотивлари аҳамият касб этади, бу эса педагог шахсининг креативлигининг фаоллигини шакллантириш имконини беради.[2]

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат. Мулоқотнинг янги вазияти - бу педагогнинг ўз мустақиллик мавқеини, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатини ярата олиш қобилиятидир. Бундай вазиятларда ўқитувчи педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали мукаммаллаштириб боради.

Ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб, хиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу педагогнинг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартидан биридир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятининг онгли таҳлили,
- меёрларга нисбатан танқидий ёндашув,
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик,
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида педагог инновацион фаолиятга бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилашни талаб қилади, янги янгилик -ларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишлардан иборат бўлади;
2. Таълим мазмунини инсонпаварлаштириш доимо ўқитишнинг янги танқидий шаклларини, технологияларини қидиришни тақозо қилади;
3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг ҳарактери ва ўзгариши.

Педагог инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян шартлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меёрларга - янгилик - мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради.

Педагогнинг инновацион фаолияти - ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш. Ушбу режани амалга ошириш ва таҳлил қи -лиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолият тадқиқотлари педагогнинг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластинин).[3]

- Инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;
- Ижодий фаолиятга талаб қилинишига тайёргарлик;
- Шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;
- Инновацион фаолиятни ижро этиш технологиясига тайёргарлик даражаси.

Инновацион жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Демак, ўқитувчи, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, тадқиқотчи, фойдаланувчи ва тарғиботчи сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ю. К. Бабанский «Ўқитиш жараёнини оптималлаштириш», М. 1977 йил.
2. В.И. Загвезинский «Инновационные процессы в образовании и педагоги ческая наука», Тюмень 1990 г.
3. С.М. Годник «О сущности проф-педагогической деятельности», Воронит 1992 г.
4. Н. Сайидахмедов «Янги педагогик технология принциплари», «Маъориф» газета № 85, 1995 йил, 27 октябр, 1-3 бетлар.

SHAXSDA EKSTEREMAL VAZIYATLARDA FOBIYANING TUTGAN O`RNI

Ulug`ova Shalola Musliddinovna, BuxDU dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi,
Ganjiyev Feruz Furqatovich, BuxDU magistri

Taniqli olimlarning takidlashicha: “Hayot faoliyatimizning 10 % ni bizlar bilan sodir bo`lgan voqea,hodisa,holatlar tashkil etadi, 90% esa shu hodisalarni fikirlashni tashkil qiladi” .

Ushbu nuqtai nazardan eksteremal vaziyatlarni o`rganish davri yetib keldi. Shaxs bu jamiyatning faol subyekti hisoblanib har qanday faoliyatni tezkor harakatlarni amalga oshiradi va bunga javoban shaxsda har xil psixologik holatlar ko`zga tashlanadi. Shaxs bu jamiyatda o`z o`rniga ega bo`lgan o`z ehtiyojlarini qondira oladigan, shaxslar a`ro munosabatlarga kirishadigan individga shaxs deb aytiladi. Shaxsning shakllanishida atrof muhitda ro`y beradigan o`zgarishlar psixologik hodisalar va holatlar muhim ro`l o`ynaydi. Shaxs eksteremal vaziyatlarda ham o`zinituta olishi,o`ziniboshqara bilishi, hissiyotlarga berilmasligi uning muhum xususiyatlaridan biri hisoblanadi.

Shaxs o`zining qadr-qimmati va nuqsonlari va ijtimoiy turmushda faol ishtirok qilishi,eksteremal vaziyatlarda yuzaga kelgan kuchli va kuchsiz jihatlari bilan yaqqol ko`zgatashlanadigan oliy zotdir.

Shaxsning eksteremal vaziyatlarda o`zgarishi, o`zgaruvchan xususiyatlari inson xislatlarining yaxlitligi va o`zaro bog`liqligidan tarkib topuvchi murakkab birlikdan iboratdir. Eksteremal vaziyatlarda insonda muhit o`zgargan sharoitlarda kechadigan psixik faoliyatlar qonuniyatlar o`rganiladi. Shu aytish kerakki eksteremal vaziyat oddiy, meyordagi kishgi tajribasiga sig`maydigan holatlar nazarda tutiladi. Ekstermal vaziyatlar darajasi kuch, davomiylik, yangilik, odatlanganlik omillari paydo bo`lishi natijasida aniq bo`ladi. Bir so`z bilan aytganda eksteremal vaziyatlarda shaxs bunday vaziyatga toyyor emas yoki moslashmagan,harakat qilish imkoniyati bo`lmasligi,omillari xolatlari aniqlanadi. Eksteremal vaziyatlarda insonga bir qancha omillar ta`sir ko`rsatadi. masalan: yashash joyining o`zgarishi, xavf –xatarli xodisalar, guruhiy izolyatsiyalar va hayotiy xavf hakozo.

Bunday eksteremal vaziyatga sharoitga inson moslashuvining biologik vazifasi,eksteremal vaziyatda ishlovchilarni saralab olish [sport mashg`ulotlari, favqulotda vazziyatlar) mashqlar qildirish , ko`niktirish, trening o`tkazish, metodikalar o`tkazishdan iboratdir. Shuni alohida takidlash lozimki shaxs eksteremal vaziyatda biror narsadan qo`rqsa yoki hayajonlansa uning tana a`zolarida, ruhiy holatida ko`zga tashlanadigan o`zgarish sodir bo`lishi kuzatiladi. Eksteremal holatlarda (sog`lik yoki hayotni yo`qotishdagi tahdid) insoning asoisiy xavsi9zlik sezgisini hayotning ma`lum tartibda tashkillashganligi,osongina nazoratga yon berish etiqodi jiddi ravishda buziladi va bu stress,fobiya hamda boshqa asabiy va ruhiy kasalliklarni rivojlanishiga olib keladi.

Shaxsda eksteremal vaziyatlarda qo`rqinch holati to`g`risida xayol obrazi yaratilsa subyekda qiladigan ishiga nisbatan o`zini chetga tortish, qo`rqinch, qiynalishni his etadi. Psixologiya fanida qo`rqinch

holati to`g`risida muayyan materiallar to`plangan va tahlil qilingan bo`lib (qo`rqinchyunoncha--,,fobiya`` deb nomlanadi. Fobiya tezkor vaziyatda muayyan shart- sharoitlarda vujudga keladigan kuchli asosga ega bo`lmagan qo`rqinch va tashvishlanishdan iborat, inson tamonidan yengishning imkoni yo`q psixopotologik holat hisoblanadi. Qo`rqinch holatida insondagi harakatlar o`ziga xos tarzda o`zgaradi. unda qo`zg`alishning o`ziga xos reaksiyasi hosil bo`ladi va uning harakatlari tartibsiz ravishda amalga oshiriladi. Qo`rqinch kuchayishi esa teskari reaksiyaga olib kelishi mumkin natijada tezkor vaziyatga qarama-qarshi tormozlanish, sustlik, zaiflik, faoliyatsizlik, ustinlik qilaboshlaydi. Shaxsda eksteremal vaziyatda qo`rqinch holati kuzatilsa vaqtni chamalashda yanglishadi, ong faoliyati yengil tormozlanadi, idrok ko`lami torayadi va boshqa psixopotologik holatlar kuzatiladi. Fobiya kishi maqsadga erishish yo`lida real tarzda bartaraf etib bo`lmaydi deb hisoblangan yoki shunday deb idrok etilgan to`siqlarga, g`ovg`olarga duch kelgan faoliyatda yuz beradi. Fobiya boshdan kechirilishi chog`ida ma`lum darajada seziladigan tashqi belgilarga ham ega bo`ladi. Qo`l harakatlarining ma`no siz harakatlarining ma`no siz harkatlanishi turq-atvor, ohang, ko`zqorachiqlarinig kengayishi yoki torayishi bular shular jumlasidandir. Shaxsda tezkor vaziyatda muommoni oldini olishda inson oliy asab faoliyati asab tizimining xususiyatlari alohida ahamiyat kasb etadi. Undagi yuksak his tuyg`lar tezkor vaziyatlardagi buzilishning oldini olishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.R.X. Dushanov. Y. A. Farfiyev .Kasbiy psixologiya (Maruzalar kursi)T, 2010.

2.Б.А. Смирнов, Е.В. Долгополова Психология деятельности в экстремальных ситуациях.

3. Е.М.Черепанова. Саморегуляция и самопомощь при работе в экстремальных условиях.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ

Ф.Т.Равшанов, БухДУ магистранти

Ҳар бир жамият фан олдига ўзига хос ва муайян талабларни қўяди. Бу жамиятнинг тараққиёт даражаси, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган устувор соҳаларда етилган ва ечимини кутаётган муаммолар асосида вужудга келади. Фаннинг ҳар бир соҳаси эса бу муаммолар тизимида ўзига тегишли масалаларни, ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларини аниқлаб, мавжуд илмий-технологик салоҳиятни унга йўналтиради, муаммонинг ечимига олиб келадиган самарадор ва қулай методологик асосларни ҳамда тадқиқ усулларини танлайди. Глобал ахборотлаштириш даврида педагог кадрларнинг касбий компетентлиги тадқиқи кўп сонли олимларнинг диққат ва эътиборини ўзига жалб этди. Илмий ва педагогик адабиётларда [1] “компетент” атамасининг кўплаб таърифларини учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида олимлар ўзларининг илмий соҳасидан келиб чиқиб, компетент ва касбий компетентликка таъриф берган. Н.А.Муслимов, А.И.Тўрақулов, М.М.Қодиров, Х.А.Умаров, Ш.Н.Муслимовларнинг фикрига кўра “Компетентлик – инсон томонидан фаолият предметига тегишли компетенцияларни эгаллаганликдир” [2], Б.Р.Адизовнинг маълумотига мувофиқ “Компетентлик атамаси лотинча “competo” сўзидан олинган бўлиб, “эришаяпман, муносибман” деган маънони англатади ҳамда маълум соҳадан хабардорлигини, билишини билдиради”[3], Б.Н.Наврўз-Зоданинг талқинига кўра “Компетентлик – ўқувчининг ўзлаштирган билими, ўқув кўникмалари ва малакаларини кундалик ҳайётий фаолиятида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланишга тайёр эканлиги (қобилиятига эга эканлиги) ни кўрсатишдир” [4] маъноларини англатади. Турли хил ижодий ёндашув ва услуб (стил)да баён этилган компетентлик тушучасини рус ва ўзбек олимлари қарашлари билан янада ҳам давом этириш мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлар компетент ва касбий компетентлик тушунчасини етарли ва тушунарли даражада ойдинлаштирилмоқда. “Competence” сўзи маъно ифодалашига кўра қобилият тушунчасини англатади. Компетентлик касбий фаолиятни амалга оширишда мутахассис томонидан ўзи учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиш сифатини ифодалайди.

[1] Турғунов С.Т ва бошқалар. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари.- Тошкент, 2011; Шарипов Ш, Муслимов Н, Исмоилова М. Касбий таълим педагогикаси. – Тошкент, 2005.

[2] Муслимов Н.А ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчисининг ахборот олиш компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент, 2017. – В.73.

[3] Адизов Б.Р. Инновацион фаолият – ўқитувчилар касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнида сифат ва самарадорликни оширишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2015, 80-бет.

[4] Наврўз-Зода Б.Н. “Иқтисодиёт асослари” фанини компетентлик ёндашув асосида ўқитиш. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнида сифат ва самарадорликни оширишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2015, 86-бет

Замонавий педагог компетентлилигининг моделига кирувчи асосий қисм, илғор педагогик методлар, усуллар ва технологиялардир. Улардан энг муҳимлари танқидий фикрлаш технологияси, лойиҳалаш тадқиқотчилик усули, турли шаклдаги диалог ва баҳс-мунозаралар ташкил қилиш, тушунчаларни шакллантириш методлари ҳисобланиб, бу методлар таълимда янгича ёндашувни акс эттиради ва у конструктив дидактика деб номланади.

Педагогик адабиётларда ўқитувчилар касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида махсус (касбий) компетентлик, ижтимоий компетентлик, шахсий компетентлик, индивидуал компетентлик, ахборот компетентлик, психологик компетентлик, методик компетентлик, инновацион компетентлик, коммуникатив компетентлик, аутокомпетентлик; экстремал касбий компетентлик, технологик компетентликлар мавжудлиги қайд этилган. А.К.Маркованинг фикрига кўра, педагог шахснинг фаолиятига бошқа компетентларга нисбатан махсус (касбий) компетентлик, ижтимоий компетентлик, шахсий компетентлик ва индивидуал компетентликлари кўпроқ намоён бўлади. Б.Назарованинг маълумотига биноан педагогнинг касбий компетентлигида махсус компетентлик, ижтимоий компетентлик, аутокомпетентлик, экстремал касбий компетентлик устувордир. Ижтимоий компетентлик бу – "Ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш". Шахсий компетентлик бу – **"**Изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш". Технологик компетентлик бу – **"**Касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш". Баён этилган маълумотлар мазмунидан англаш мумкинки, касбий компетентликлар турлича бўлиб, улар алоҳидаликка ҳамда яхлитликка ўз мазмун-моҳиятига эга.

Жисмоний тарбия фанини ўқитишда ўқитувчининг касбий компетентлиги бу:

– даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спорт ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қарор ва Фармонларини қўлга киритиш, мазмун-моҳиятини тўлалигича ўқувчиларга етказиш;

– олимпиада, Халқаро мусобақалар, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" натижаларини аудио, видео лавҳалар кўрсатиш орқали баён этиш;

– чемпионликка муяссар бўлган, шоҳсупада кўтарилган ўзбекистонлик спортчиларнинг ибратли фаолиятлари ҳақида фахр ифтихор билан сўзлаш;

– спорт соҳаларида янги пайдо бўлган норматив ва рекордлар хусусида ахборот бериш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурни топиб, умумий соатларни алоҳида семестрларга ажратиб фаннинг ишчи дастури, мавзу-тақвим режаларини тузиш;

– жисмоний ва руҳий тайёргарликни уйғунлаштирган ҳолда, ҳаракат маданиятига, чиройли тана тузилишига, оптимал жисмоний тараққиётга ва мустаҳкам соғлиққа бўлган эҳтиёжни шакллантириш;

– эзгу илму амалларга эга бўлган, хулқ-атвори билан ўрнак бўладиган, тенг ҳуқуқли демократик давлат равнақига ҳисса қўшадиган, интеллектуал салоҳиятли ўқувчи, спортчи ёшларни камол топишлари учун имкониятлар эшигини кенг очиш:

- жисмоний тарбия таълими воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг жисмоний мкониятларини кучайтириш ва жисмоний тарбиянинг оммавийлигини таъминлаш;

- жисмоний тарбия соҳасида билимларни жаҳон таълим стандарти талаблари даражасига олиб чиқиш;

- жисмоний тарбия таълимини янада ҳам инсонпарварлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир педагог замонавий таълимнинг сифат ва самардорлиги таъминлаш мақсадида илму амалига тегишли бўлган компетентларни унутмаслиги лозим. Жисмоний тарбия машғулотларини видеоролик, электрон интерфаол доскалар каби ахборот-коммуникацион воситалар ёрдамида ташкил этишни олдиндан режалаштириш керак.

ОНА ТИЛИ ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИГИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Р.Х.Жумаев, БухДУ магистранти, Ж.Қудратов БухДУ талабаси

Илмий тадқиқотларда дарсликнинг умумий тушунчаси қуйидагича баён қилинади: "Дарслик педагогик тизимнинг ахборотли модели бўлиб, унда ўқув жараёнининг ўқувчилар бажариши мумкин бўлган босқичлари ёритилади." Ўқувчилар дарсликдаги матнни ўқиб, унинг таркибидаги машқлар ёки топшириқларни ҳаракатлар кўринишида бажарадилар, текширадилар, ечадилар, жавоб берадилар ва ҳоказо. Бу ҳаракатлар дарслик матнларида очиқ ёки яширин шаклда берилиши мумкин. Бу демак, дарсликда маълум педагогик жараён у ёки бу ҳолатда баён этилишдан далолат беради.

Педагогик жараён – бу муаллиф томонидан дарсликда маълум даражада акс эттирилган моддий мавжудлик ва янгиликдир .

Дарслик – бу моддий объект бўлиб, у маълум бир аниқ тизимли кўринишдаги маълумотларни ўзида қамраб олади. Буларга илмий билимлар, ўқитиш мақсадлари, вазифалари ва мазмунларига мувофиқ фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар, таълим берувчи ва таълим олувчи ўзаро таъсирини моделлаштирувчи материаллар киради.

Дарслик ўқув жараёнининг ўзаги ва ўқув предметининг модели ҳисобланади. Ундаги ёритилган билим, кўникма, малака ва фаолият усуллари давлат таълим стандартида белгиланган минимумдир. Ушбу минимум даражасидаги кичик мутахассислар тайёргарлиги эса таълимнинг баҳоси ҳисобланади.

Дарслик ўқувчиларнинг давлат стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билимларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришлари учун мўлжалланган асосий ўқув китоби ҳисобланади. Тўлақонли яратилган дарслик ахборот моделининг мажмуидан иборат бўлиб, бу модел педагогик тизимнинг ўқитувчи-дарслик-ўқув жараёни-ўқувчидан иборат тўрт муҳим таркибий қисмини акс эттиради ва уларни амалиётга тадбиқ этишга имкон беради. Бунда дарслик ўқитишнинг техник воситаси сифатида ўқувчининг, яъни ўз истеъмолчисининг имкониятларини ҳисобга олиши зарур бўлади .

Худди шунга ўхшаш дарсликлар вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисида бир қатор илмий адабиётлар ва мақолаларда фикрлар юритилган.

Бизнинг фикримизча дарслик – бу ўқувчида муайян ўқув фанининг аниқ мазмунига эга бўлиб қолмай, балки ундан билим олишни ўрганиш, ўрганилган билимларни умумийлаштиришни ва эга бўлган билимларни қанча тўғри эканлигини таққослашни ва амалий кўникмаларда қўллашни ўргатади. Дарсликни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги воситаси бирлиги сифатида тасаввур қилиш керак. Дарслик ўқитиш воситаси мажмуасининг ядроси ҳисобланади, қайсики уни атрофида қолган ўқув воситалари гуруҳлаштирилади**.**

“Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси” га мувофиқ “Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган, ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр” деб таърифланади.

Матн нутқ кўриниши бўлиб, вазифаси жиҳатидан нутқий бутунликдир. Ягона коммуникатив вазифани бажарувчи гап ва гаплар йиғиндиси матн ҳисобланди. 3-синф она тили дарслигида “матн – бу мазмун жиҳатидан боғланган гаплар. Матн – нутқнинг ёзма шакли. Матнга сарлавҳа топиш мумкин” деган таъриф берилган. Дарсликдаги матнлар ва уларнинг намунаси ўқувчиларни мустақил ишлашга, матн юзасидан лисоний ишларни амалга ошириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга ундайди. Бизнинг фикримизча, ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун матн юзасидан лисоний ишларни кўпроқ ташкил қилиш керак. Тажриба ва кузатишларга таяниб матн устида ишлашнинг қуйидаги турларини кўрсатамизки, улар тўғри ва ўз вақтида ташкил қилинса, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради:

1. **Матнни ўқиш.** Матн дастлаб ўқитувчи томонидан ўқилади. Она тили дарсларида синфдаги ўқувчилар педагогик технология талаблари бўйича 5-6 гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ матнни ўқиса, иккинчи гуруҳ матнни тўғри ва нотўғри ўқилишини назорат қилади. Учинчи гуруҳ эса иккинчи гуруҳнинг камчиликларни тузатади. Тўртинчи гуруҳ ўша матнни равон ва таъсирчан ўқиб беради.

2. **Танлаб ўқиш.** Бунда ўқувчи матнни берилган вазифасига мос қисмини ўқийди: Ўқинг. Матн неча қисмдан иборат? Биринчи қисмда нималар ҳақида гапирилган? Иккинчи қисмида-чи?

3**. Матн устида ишлаш.** Матндаги айрим сўзларнинг маъноси устида ишланади, аниқланади; маънодош, қарама-қарши маъно, ўз ва кўчма маънолари аниқланади. Айрим сўзларнинг тўғри талаффузи ҳамда ўқилиши машқ қилинади.

4. **Лисоний таҳлил**. Матндан бирон бир сўз, сўз бирикмаси, гап танлаб лисоний таҳлил қилинади. Қуйидаги матндан **“талант”** сўзи таланади ҳамда таҳлил қилинади. Матнда берилган ҳар бир гап нимани билдиргани ва қандай ўқилиши сўралади.

Салом, санъат байрами!
Салом **талант** байрами!
Қўшиғимиз янграсин!
Эшитган дил яйрасин!

5. **Матнга сарлавҳа танлаш**. Сарлавҳасиз матн берилади. Ўша матн ўқитилади. Кейин эса мазмунига мос сарлавҳа танланади. Одатда бундай матнлар кўп берилиб борилади.

6. **Тугалланмаган ёхуд давом эттириш лозим бўлган матнни ёзиш.**

7**. Сарлавҳа асосида матн яратиш.**

8. **Сарлавҳаси бор бўлган матнга сарлавҳа танлаш**.

9. **Матн мазмунини назарда тутиб, баён ёхуд иншо режасини тузиш.** Бунда шундай топшириқлар берилади: матн мазмуни бўйича режа тузинг ва матн яратинг. Режа асосида матн мазмунини айтиб беринг.

Матн устида ишлаш жараёнида кенг тарқалган иш турларидан бири берилган саволга ўз сўзи билан жавоб беришдир. Тўғри жавоблар матн яратиш ва нутқ ўстиришга кенг имконият яратади. Шу билан бир қаторда матн устида ишлаш, матн яратиш, матнни лисоний таҳлил қилиш каби малакаларини оширади.

ПЕДАГОГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

Носиров О.Т., БухДУ рус филология кафедраси катта ўқитувчиси,
Саломова Ф. БухДУ талабаси

Академик В.А.Энгельгард ёзишича, ижод ўзининг илк манабаасида туғма, физиологик эҳтиёжнинг маҳсулидир, “қандайдир инстинкт ҳукмронлигига ўхшайди, қуш учишга эҳтиёжи борлиги ёки балиқнинг тез оқаётган тоғ дарёсида оқимга қарши сузиши каби”. Ҳақиқатдан ҳам, инсон ҳар қандай ижоддан йироқ бўлган меҳнатга ҳам, ўзи англамаган ҳолда ижод элементларини олиб киради.

Бироқ ижод ижоддан фарқ қилади. Бу шахснинг ижодий потенциали билан шартланган, агар педагог ҳақида фикр юритсак, у ўз тўплаган ижтимоий тажриба, психологик-педагогик ва фан билимлари, янги ғоялар, маҳоратлар ва кўникмалар асосида шаклланади, буларнинг ҳаммаси оригинал ечимлар, новаторлик шакллар ва методларни қўллаш имконини беради ва шу орқали ўзининг касбий функциялари бажарилишини такомиллаштиради. Бошқа томондан, тажриба бизни шунга амин қиладики, ижод меҳнатга нисбатан қадрли муносабатда бўлган, касбий малакасини оширадиган, билимларини бойитадиган ва алоҳида педагоглар ёки педагогик жамоалар тажрибасини ўрганадиган педагогларга келади.

Одатда педагог меҳнатининг ижодий табиатини қуйидаги хулосадан чиқарадилар: педагогик меҳнат асосан ақлий, ақлий бўлгандан кейин – албатта ижодий бўлади. Аммо ақлий меҳнатни тўғридан-тўғри ижодий билан таққослаш мумкин эмас. Махсус тайёргарликсиз, келажак авлодалар тўплаган, умумлаштирилган ижтимоий тажрибани ўзида акс этган билимларсиз, педагогик ижодни фақат синов ва тажриба даражасида амалга ошириш имкони мавжуд. Фақат ижтимоий тайёргарликка эга ва билимдон педагог, пайдо бўлган вазиятларнинг чуқур таҳлил қилиш асосида ва муаммо моҳиятини ижодий тасаввур қилиш ва фикрлаш, тажриба-синов қилиш йўли орқали англаган ҳолда, янги оригинал йўллар ва ҳал этиш усулларини топишга қодир бўлади.

Ҳар қандай инсоннинг ижодий потенциали, шу билан бирга педагогнинг ҳам, шахснинг бир қатор хусусиятлари билан тавсифланади, улар ижодкор шахс белгилари деб аталади. Бу борада муаллифлар бундай белгиларнинг турли рўйхатларини келтирадилар. Улар шахснинг альтернативаларини формулалаштириш ва аниқлаш қобилиятини ажратадилар, бир қарашда аниқ бўлган нарсани шубҳалига айлантириш, юзаки формулировкалардан қочиш; муаммони чуқур ўрганиш маҳорати ва бир вақтдаёқ борликдан узилиб қолиш; истиқболни кўриш; авторитетга йўналитиришдан вос кечиш қобилияти; таниш объектни бошқа мутлақо янги томондан, янги контекстда кўриш маҳорати; назарий фикрлардан вос кечишга тайёргарлик, оқ ва қорага ажратиш, одатий бўлган ҳаётий мувозанатдан четланиш ва ноаниқлик ва қидирув учун мустаҳкамлаш.

Бошқа муаллифлар ижодкор шахс белгиларига қуйидагиларни киритадилар: солиштириб тасаввур қилишда енгиллик (фикрдан фикрга тез ва эркин ўтиш қобилияти, инсон онгида образларни чиқариш ва улардан янги комбинациялар яратиш қобилияти); фикрлаш танқидийлиги ва баҳолаш муҳокамаси (кўп альтернативалар ичидан уни текширишдан олдин танлаб олиш маҳорати, қарорларни кўчиришга маҳорат); хотира тайёргарлиги (ҳажми катта бўлган тизимлаштирилган билимларни эгаллаш, билимларнинг динамикаси ва тартиблиги) ва муолажани йиғиштириб олиш қобилияти, аҳамиятсиз нарсаларни умумлаштириш ва чиқариб ташлаш.

Учинчи муаллифлар қандай шахсни ижодкор деб ҳисоблайдилар, унинг характеристикасининг аҳамиятли қисми креативлик бўлса, ҳар қандай содир этилган фаолиятни ижодий жараёнга айлантириш қобилияти. Е.С. Громов ва В.А. Моляко креативликнинг еттита белгисини айтадилар: оригиналлик, эвристик, фантазия, фаоллик, аниқлик, мужассамлик, сезилувчанлик.

В.И. Андреев томонидан тақдим этилган ижодкор шахс типологияси қизиқиш уйғотади, уни педагогларга ҳам қўллаш мумкин.

Мантиқчи-назариячи – бу ижодкор шахснинг типи, у учун мантиқий кенг умумлаштиришга, таснифлашга ва маълумотларни тизимлаштиришга қобилият хосдир. Ушбу типдаги инсонлар ўзининг ижод ишини аниқ режалаштирадилар, илмий тадқиқотнинг машҳур методларидан кенг фойдаланадилар. Ушбу типдаги ижодкор шахс учун юқори билимдонлик ва хабардолик хосдир. Машҳур назарий концепцияларга асосланиб, улар буларни ривожлантирадилар. Улар бошлаб қўйган

барча ишлар мантиқий охирига етказилади, ўз асослашларини ссилкалар, катта миқдордаги биринчи манбаалар билан қўллаб-қувватлайдилар.

Интуитивист-назариячи янги, оригинал ғояларни ўзлаштириш юқори ривожланган қобилияти билан тавсифланади, бундай типдаги ижодий қобилиятларга эга инсонлар – катта иҳтирочилар, янги илмий мактаблар, йўналишлар ва концепциялар яратувчилари. Улар ўз ғояларини қабул қилинган ғояларга қарши қўйишдан қўрқмайдилар, феноменал фантазияга ва тасаввурга эга бўладилар.

Амалиётчи (тажрибачи) ўзининг янги оригинал гипотезларини ҳар доим тажрибада текширишга интилади. Ушбу типдаги инсонлар аппаратура билан ишлашни биладилар ва яхши кўрадилар, уларда амалий ишларга ҳар доим қобилият ва қизиқишлар мавжуд.

Ташкилотчи ижодкор шахс типи сифатида бошқаларни, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун жамоани ташкиллаштириш қобилиятлари ривожланишининг юқори даражасига эга. Бундай инсонлар раҳбарлигида оригинал илмий мактаблар ва ижодий жамоалар яратилади. Ушбу типдаги инсонларни юқори ҳаракатчанлик, киришувчанлик, бошқаларни ўз иродасига бўй синдириш ва уларни каттта ижодий масалаларни ечишга йўналтириш.

Ташаббусчи - ташаббускорлиги, ҳаракатчанлиги, айниқса янги ижодий масалалар ечимининг илк босқичларида. Аммо, одатда улар тез совийдилар ёки бошқа ижодий масалаларни ечишга ўтиб кетадилар.

В.В. Краевский фикрича, ўқитувчининг ижодий фаолияти иккита асосий шаклда амалга оширилади: таълим жараёнида пайдо бўладиган педагогик вазиятларда маълум бўлган воситаларни янги бирикмаларда қўллаш ва вазиятларга нисбатан, ўқитувчи томонидан қўлланган уларга ўхшаш, янги воситаларни ишлаб чиқиш. Ижодий педагогик жараён ўзининг биринчи босқичида янги алоқалар ва комбинациялар ўрнатилишини, аввалдан маълум бўлган тушунчалар ва ходисаларни намоён этади, ва махсус методика асосида амалга ошириши мумкин. Унинг амалга ошириш оптимал йўллари алгоритм ёки қоидаларнинг эвристик тизими ёрдамида аниқлаш мумкин, уларга бўй синиб ечимни топиш осонроқ.

Педагогик фаолиятга кўрсатмалар, ушбу фаолиятнинг меъёрлари – ўқитувчи учун унинг ишида зарур илмий асосланган кўрсатма. Ушбу кўрсатмаларнинг бажарилиши (агар улар айнан кўрсатма сифатида қабул қилинса, догма сифатида эмас) ўқитувчининг ҳақиқатдан ижодий иши учун чексиз имкониятларни очиб беради. Ҳар бир педагог катта авлод ишини давом эттиради. Ижодкор-педагог янада кенгроқ буни амалга ошириб, узоқни кўзлайди. Ҳар бир педагог турли йўллар билан педагогик борлиқни ўзгартиради, аммо фақат яратувчи–педагог катта ўзгаришлар учун курашади, ўзи ҳам бу ишда намунали кўргазма бўла олади.

O‘QUVCHILARNING IQTIDORINI RIVOJLANTIRISHDA YANGI AXBOROT TEXNOLOGIYA VA INTERNET TARMOG‘INING O‘RNI

A.Sh.Rashidov, BuxDU
O.O. Xalloqova, X.A.Alimov, Buxoro yengil sanoat va pedagogika KHK

Hozirgi kunda o‘quvchilarning iqtidorini aniqlash borasida ko‘pgina ishlar olib borilmoqda. Jumladan, uzluksiz ta’lim kadrlar tayyorlash tizimining asosi bo‘lib, uni tashkil etish va rivojlantirish usullaridan biri. Iqtidorli yoshlarni aniqlash, ularga ta’limning eng yuqori darajasida, izchil ravishda fundamintal va maxsus bilim olishlari uchun shart-sharoitlar yaratishdan iborat. Shu bilan birgalikda yangi informatsion texnologiyalar muhitida iqtidorini aniqlash, iqtidorli o‘quvchilarni o‘qitish va iqtidorini rivojlantirishda kompyuterlarning ahamiyatini o‘rganishga kam etibor qaratilgan, va holanki bu o‘ta dolzarb muammo hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, bu sohada to‘rta o‘zaro bog‘liq yo‘nalishni ajratib ko‘rsatish maqsadga muvofiq;

5) Informatsion texnologiyalar muhitida iqtidorli o‘quvchilarni aniqlashning ilmiy asoslangan usullarini yaratish;

6) Iqtidorli o‘quvchilarni aniqlash, o‘qitish va iqtidorini rivojlantirish jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanish samarali usullarini yaratish;

7) Iqtidorli o‘quvchilarni aniqlashda o‘quvchilarga mos bo‘lgan fan internet saytlarini yaratish va busaytlar orqali o‘quvchilarning iqtidorini aniqlash;

8) Iqtidorli o‘quvchilarning psixologik rivojida informatizatsiyalashning salbiy va ijobiy oqibatlarini aniqlash.

O‘quvchilarni yangi axborot texnologiyalari muhitida o‘qitish va iqtidorini rivojlantirishning o‘ziga xos xususiyatlari maxsus o‘rganilmagan. Odatda iqtidorli o‘quvchilar o‘z tengdoshlari va sinfdoshlariga nisbatan kam bo‘lmagan etiborga, yordamga muxtojdir. Bunday o‘quvchilar o‘quv materialini idrok etish jarayonida yuqori darajali mustaqillikni namoyon etishadi. Mutaxasisslar ulkan qobilyatlarning mavjudligini

ko‘rsatuvchi o‘ziga xos omil sifatida iqtidorli o‘quvchilardagi o‘quv materiallarni mustaqil o‘qib o‘rgana olish qobilyatini ta’kidlashdi. Indentifikatsiyalash imkonini yaratuvchi yangi diagnostik protseduralarni yaratish muammosi paydo bo‘ldi.

Respublikamizda kompyuterlarni qo‘llash bilan bog‘liq bo‘lgan izlanishlarning keng ko‘lamda amalga oshirilayotganligiga qaramasdan, yangi informatsion texnologiyalarni qo‘llash asosida o‘quvchilarni iqtidorini aniqlash muammosiga kam etibor qaratilayotganligini kuzatish mumkin. masalan, dasturlashga bo‘lgan qobilyatlarni aniqlash metodikasi ham etarli darajada ishlanmagan. Ko‘pchilik hollarda bunday maqsadlar uchun an’anaviy intellik yoki matematik qobilyatlarni tashxis qilishga qaratilgan metodlardan foydalanilmoqda. Kuzatishlar shuni ko‘rsatadiki, amaliyotchilar fikir bilan intellekt testlari va matematik qobillyatlarni tashxis qilish metodlarining natijalari ko‘pchilik xollarda birxil bo‘lavermas ekan. Bu holat esa yuqoridagi metodlarning informatsion texnologiyalar sohasidagi dasturlash iqtidorini aniqlash uchun yechiladigan masalalar bilan valind emasligini ko‘rsatadi. Biz olgan ma’lumotlar o‘quvchilarning kompyuterda ishlashga qanchalik kirishganligi hamda yangi informatsion texnologiyalardan foydalanish sharoitida ijodiy qobilyatlarni namoyon yetishi kabi maxsus tahlillar zarurligini ko‘rsatadi.

Matematik iqtidorli o‘quvchilarni o‘qitish va rivojlantirishda elektron axborot resurslardan foydalanish katta ahamiyatg aega. O‘quvchilarni elektron axborot resurslari muhitiga olib kirish individual yondoshuv, ya’ni o‘quvchilarning shaxsiy va psixologik imkoniyatlarini hisobga olish, o‘quvchining elektron axborot resurs tarmoqidagi interfol ish tartibini qo‘llab quvvatlash juda muhimdir.

O‘quvchilarning elektron resurs axborotlari bilan ishlashga tayyorgarligini ko‘rsatuvchi imkoniyatlarni quyidagi yo‘nalishlar orqali aniqlash mumkin:

-dasturiy vositalar, tarmoqdagi resurslari va kompyuterdan foydalanish;

-qidirish tizimi va kataloglardan foydalanish;

-axborotni tushuntirish, alternatev qarashlarni asoslash va shakillantirish, axborotning kimga qaratilganligini tushina bilish.

-axborotni saqlash va undan kundalik xayotda foydalanish;

-axborotni qayta ishlash va taqdim qilish.

Agar o‘quvchi yuqoridagilarning hammasini bilsa, u holda elektron resurs tarmog‘ida bemalol isholib boradi. Kerakli intellektual bilim va ko‘nikma egallagandan so‘ngina o‘quvchilar elektron axborot resurs tarmog‘idan umumiy foydalanish bosqichiga o‘tish mumkin. Agar o‘quvchilar elektron axborot resursidan o‘quv axborotlarni olish quroli sifatida mustaqil foydalana olsalar, u holda ular axborotni qidirshda muvaffaqiyatga erishishlari mumkin. Demak internet tarmog‘idan bemalol foydalandimi maxsus fan saytlariga kirib o‘quvchilar o‘zini turli yo‘nalishlariga ega bo‘lgan fan kataloglariga kirib o‘z bilimlarini sinab ko‘rish imkoni tug‘iladi. Bu saytlar orqali Respublikamizdagi barcha o‘quvchilarni fan bo‘yicha iqtidorini aniqlash imkonini beradi. Bu tizimga ilmiy loyihalarni yaratish, hamda hududiy tashxis markazlari orqali o‘quvchilarning iqtidorini aniqlab borish mumkin bo‘ladi.

Adabiyotlar.

1. Mamatov M.SH. Matematik iqtidorli o‘smirlar, ularni aniqlash o‘qitish va rivojlantirish muammolari //O‘zbekiston Respublikasida kadrlar tayyorlash milliydasturini xayotga joriy qilishning II-bosqichida pedagogika fanining vazifalari. Respublika ilmiy konfrensiyasi materiallari. –Toshkent: UzPFITI, 2002.-B. 293-297.

MAKTABDA SINFDAN TASHQARI O’TKAZILADIGAN MASHG’ULOTLARNING SAMARADORLIGI

Nasiba Qodirova, Buxoro shahar 17-maktab o’qituvchisi

O’zbekiston respublikasi mustaqillikka erishgach, yosh avlodni barkamol shaxs qilib voyaga yetkazish masalasi davlat siyosati darajasiga ko’tarildi. Shu asosda qabul qilingan “Ta’lim to’grisida”gi Qonun, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” kabi hujjatlar yoshlarga chuqur bilim berish, ularni kasb-hunarga o’rgatish tamoyillarini ko’rsatib berdi. Bu kabi hujjatlarni hayotga tadbiq etish jarayonida o’qituvchining yosh avlodga ta’lim va tarbiya berishida jamiyat oldidagi javobgarligi yanada ortib boraveradi.

Zamonaviy maktab o’qituvchisi qator vazifalarni bajaradi. O’qituvchi sinfdagi o’quv jarayoni tashkilotchisidir. U o’quvchilar uchun dars paytida, qo’shimcha darslarda va shu bilan birga darsdan tashqari hollarda ham kerakli maslahatlar berishda bilimlar manbaidan biridir. Ko’pchilik o’qituvchilar sinf rahbari vazifasini bajarib, tarbiya jarayoni tashkilotchilari bo’lib hisoblanadilar.

Zamonaviy o’qituvchi ijtimoiy-psixolog bo’lmasligi mumkin emas. Shuning uchun o’quvchilar o’rtasidagi o’zaro munosabatlarni yo’lga sola olishi, bolalar jamoasida ijtimoiy-psixologik mexanizmlardan foydalanishni bilishi zarur.

Axborotlar zamoni bo’lgan hozirgi davrda ma’lumotlar hajmining ko’pligi sababli yuksak mahoratli o’qituvchilar ham bir soatlik dars jarayoni davomida o’quvchilarni ilm-fan erishgan yutuqlardan boxabar qilishga imkon topa olmaydi. Dars payti olingan muayyan nazariy bilimlar tizimini amaliy mashg’ulotlarda

mustahkamlash, ya’ni hayotga tatbiq etishiliga erishmoq bugunning dolzarb vazifasidir. Sinfdan tashqari mashg’ulotlarda esa o’qituvchi izohlashga ulgurmagan ma’lumotlarni o’quvchi o’z qiziqishi asnosida mustaqil ravishda o’qib o’rganishi mumkin bo’ladi. Dars davomida berilgan bilimlarni mustahkamlash uchun sinfdan tashqari o’tkaziladigan mashg’ulotlarning ham ahamiyati juda kattadir. Sinfdan tashqari ishlar maktab ta'lim-tarbiya jarayonining tarkibiy qismi, o‘quvchilarning bo‘sh vaqtlarini yo‘lga qo‘yish formalaridan biridir. Sinfdan va maktabdan tashqari ishlar shaxsni har tomonlama kamol toptirish va uni hayotga aktiv faoliyatga tayyorlash uchun keng imkoniyatga ega. Bu ishlar bolalarning qiziqishlariga muvofiq tarzda ko‘ngillilik asosida tashkil qilinadi. O‘quvchilar sinfdan va maktabdan tashqari ishlarda o‘zlarini qiziqtiradigan mashg‘ulotlarni tanlab olishadi va ularda mustaqil tashabbuskorona ishtirok etishadi. Sinf va maktabdan tashqari mazkur tarbiyaviy ishlar shaxs kamoloti bosqichlarini belgilab olishga qaratilganligi bilan tavsiflanadi. Mazkur muammoni ijobiy hal etish uchun sinfdan va maktabdan tashqari, tarbiyaviy ishlar tizimida quyidagilar bo‘lishi lozim:

– pedagoglar va o‘quvchilar o‘rtasida o‘zaro hurmat munosabatlarini shakllanganlikning o‘ziga xos an'ana vositalariga tayanish;

– inson shaxsini tarbiyada oliy ijtimoiy qadriyat deb tan olish, har bir bola, o‘smir va yosh shaxsning betakror va o‘ziga xosligini hurmatlash, ijtimoiy huquqini e'tiborda tutish zarur.

Sinfdan tashqari ishlarning maqsadi dars davomida o’rganilgan materiallarni amalda qo’llash va ularni puxta o’zlashtirishdir. Sinfdan tashqari mashg’ulotlar davomida o’quvchi reja va darsliklardan tashqari, qo’shimcha bilim, ko’nikma va malakalarga ega bo’ladi. O’qituvchining vazifasi esa bolalarning muayyan fanga bo’lgan qiziqishlarini orttirishdan iborat.

Sinfdan tashqari ishlar shaxsdagi ijtimoiy faollik, ijtimoiy ong hamda axloqiy odatlarni tarkib toptirishning eng muhim omilidir. Bu faoliyat ilmiy jamoa, adabiy va maktab teatrlarining ishlari, turli mavzularda o‘tkaziladigan kitobxonlar konferensiyasi va munozaralar, siyosiy, axloqiy, ilmiy-ommabop va mehnat mavzularidagi ma'ruza va suhbatlar, ijtimoiy-foydali mehnat, siyosiy axborot, bayramona kechalar, to‘garak mashg‘ulotlarini o‘z ichiga oladi.

Sinfdan tashqari ishlar yakka tartibda, alohida guruh yoki o’quvchilarning barchasi teng ishtirokida amalga oshirilishi mumkin. Yakka tartibda olib boriladigan sinfdan tashqari mashg’ulotlar yakka shaxsga qaratilgan bo’lib, bunda o’quvchining yolg’iz o’ziga topshiriqlar berish orqali uning ichki imkoniyatlarini ro’yobga chiqarishga imkon beradi. Shu tariqa o’quvchining faolligi oshib, o’z ustida ishlashni o’rganadi. Alohida guruhlarda olib boriladigan sinfdan tashqari mashg’ulotlarning keng tarqalgan turi bu to’garaklardir. To’garaklar maxsus bir fan doirasida tashkil etilib, bunda o’quvchilar dars davomida o’tilgan mavzuga doir turli ko’rgazmalar yoki jihozlar yasash va shunga o’xshash turli amaliy mashg’ulotlar bilan shug’ullanadilar. Sinfdan tashqari ishlarni to‘la qamrab olgan to‘garaklar bir necha xilda bo‘lishi mumkin:

a) fan to‘garaklari; b) mohir qo‘llar to‘garaklari;

v) duradgorlik to‘garaklari; g) sport to‘garagi; d) badiiy xavaskorlik to‘garagi.

Barcha o’quvchilar barobar tarzda olib boriladigan sinfdan tashqari mashg’ulotlar mobaynida o’qituvchi sinflararo turli musobaqalar, qiziqarli o’yinlar, badiiy tadbirlar, bellashuvlar tashkil etishi mumkin.

Sinfdan tashqari mashg’ulotlar tashkil etishda o’quvchilarni qobiliyatlari va qiziqishlarini inobatga olib, ularni o’z ustida to’gri ishlashlariga yo’naltirish orqali mustaqil fikrlash va ijodiy qobiliyatlarining shaklanishi, ularning bo’sh vaqtini to’g’ri tashkil etilishi, turli soha va kasb-hunarga oid ma’lumotlarni umumlashtirish yo’li bilan o’quvchini o’z tanlovini shakllantirishga yo’naltirishni, o’quvchida foydali mehnat faoliyatini berishi mumkin bo’lgan rag’bat omillarini e’tiborga olish zarur. Shu tamoyillarga asoslanib tashkil etilgan sinfdan tashqari olib boriladigan ishlar orqali o’qituvchi o’quvchining ichki iqtidori, mustaqil ijodiy fikrlash qobiliyatlarini yuzaga chiqarishga erisha oladi.

Adabiyotlar:

1. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori: O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi. – T.: “Sharq”, 1997.

2. Magzumov P.T. O‘quvchilarni mehnatga va kasb tanlashga tayyorlash. – T.:“O‘qituvchi”, 1991.

ILMIY DUNYOQARASHNI SHAKLLANTIRISH VA O`QUVCHILARNI AQLIY TARBIYALASH

Nigora Qayumova, Buxoro davlat universiteti

Dunyoqarash tabiat, ijtimoiy jamiyat, tafakkur hamda shaxs faoliyati mazmunining rivojlanib borishini belgilab beruvchi dialektik qarashlar va e`tiqodlar tizimidir. Mazkur tizim doirasida ijtimoiy-g ‘oyaviy, falsafiy, iqtisodiy, tabiiy-ilmiy, ma`naviy-axloqiy, estetik, huquqiy va ekologik bilimlar negizida shakllangan e`tiqodlar asosiy tarkibiy unsurlar sifatida namoyon bo`ladi. Muayyan dunyoqarashga ega bo`lish shaxsda atrof-muhit, ijtimoiy munosabatlar, mehnat faoliyati va ishlab chiqarish jarayoni, suby`ektlarga nisbatan ma`lum munosabatning qaror topishi, shuningdek, shaxs tomonidan zimmasidagi

ijtimoiy burchlarini to`laqonli anglash va ularni bajarishga nisbatan mas`uliyat tuyg'usining shakllanishi uchun zamin yaratadi. Shaxsda dunyoqarash izchil, tizimli, uzluksiz hamda maqsadga muvofiq tashkil etilayotgan ta`lim-tarbiyaning to'gri yo`lga qo`yilishi, shuningdek, har bir shaxs tomonidano`z-o`zini tarbiyalab borishi natijasida shakllanadi. Yosh avlod dunyoqarashining shakllanishida ta`lim muassasalarida o`qitilishi yo`lga qo`yilgan tabiiy, ijtimoiy va gumanitar fanlar asoslarining ular tomonidan puxta o`zlashtirilishi muhim o`rin tutadi. Shu asnoda chet tillarning o'quvchilarga puxta o'qitilishini eslatib o'tish joiz. Hozirgi globallashuv jarayonida barcha o'quvchi-yu talabalar chet tilini o'rganayotganligi foydadan xoli emas, albatta. Axborotlar zamoni bo'lgan asrimizda ko'pchilik ma'lumotlar, yangiliklar chet tillarida berilmoqda. O'quvchilar esa chet tillarni o'rganish asnosida shu yangiliklar haqida ma'umotga ega bo'lib, oz dunyoqarashini yanada oshirmoqda. O`z navbatida dunyoqarashning boyib borishi shaxsning shaxsiy sifat va fazilatlarining tobora barqarorlashuvini ta`minlaydi. O`z mazmunida ezgu g'oyalarni ifoda etgan dunyoqarash shaxs qiyofasida namoyon bo`layotgan ijobiy fazilatlarning boyib borishiga yordam beradi.

Dunyoqarash o`z mohiyatiga ko`ra, ilmiy (muayyan falsafiy tizimga ega) va oddiy (muayyan falsafiy tizimga ega bo`lmagan) dunyoqarash tarzida farqlanadi. Ilmiy dunyoqarash asosida uzluksiz, izchil ravishda mavjud fanlar asoslarini puxta o`zlashtirib borish, ijtimoiy munosabatlar jarayonida faol ishtirok etish natijasida barqarorlik kasb etgan g'oyalar yotadi. Shaxs dunyoqarashini shakllantirish uzoq muddatli, dinamik xususiyatga ega murakkab jarayon sanaladi. Shaxs dunyoqarashining shakllanishida aqliy tarbiya muhim ahamiyatga ega. Aqliy tarbiya shaxsga tabiat va jamiyat taraqqiyoti to`g'risidagi bilimlarni berish, uning aqliy (bilish) qobiliyati, tafakkurini shakllantirishga yo`naltirilgan pedagogik faoliyat bo`lib, uni samarali yo`lga qo`yish asosida dunyoqarash shakllanadi. Bugungi kunda O`zbekiston Respublikasida yoshlarga aqliy tarbiyani berishga alohida e`tibor qaratilmoqda. 1997 yilda O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida qabul qilingan O`zbekiston Respublikasining "Ta`lim to`g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" mazmunida ham yuksak ma`naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrni tarbiyalash davlat siyosatining ustuvor yo`nalishlaridan biri ekanligiga urg'u beriladi. Yuksak ma`naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadr bo`lib yetishish mavjud ilmiy, shuningdek, kasbiy bilimlarni puxta egallash demakdir. Binobarin, chuqur bilimlarga ega bo`lish tabiiy hamda ijtimoiy jarayonlarning mohiyatini anglash, ularning ijobiy va salbiy jihatlarini ko`ra va baholay olishga imkon beradi. Aqliy tarbiya o`quvchilarni ilm-fan, texnika, texnologiya hamda ishlab chiqarish sohalarida qo`lga kiritilayotgan yutuqlar bilan tanishtirish, ularda ijodiy, erkin, mustaqil fikrlash ko`nikmalarini hosil qilishga zamin yaratadi. Aqliy tarbiya jarayonida quyidagi vazifalar hal etiladi: 1.Tarbiyalanuvchilarga ilmiy bilimlarni berish; 2.Berilgan bilimlardan amaliyotda foydalanish ko`nikmalarini shakllantirish; 4.Bilimlarini doimiy ravishda kengaytirib borishni o'rgatish;. 5.Bilimlarni o`zlashtirishga yordam beradigan psixologik qobiliyatlar (nutq, diqqat, xotira, tafakkur) va xususiyatlar (qiziquvchanlik, kuzatuvchanlik, mustaqil fikrlash, , mantiqiy xulosalar chiqarish orqali o'z fikrini asoslab bera olish va hokazolar)ni rivojlantirish.

Aqliy tafakkur uzoq muddat hamda tinimsiz izlanish natijasida yuzaga keladi. Uning shakllanishida ilmiy qarash va e`tiqod o`ziga xos o`rin tutadi. Ilmiy qarash (yunoncha "idea"- g'oya, tasavvur, tushunchalar yig'indisi) - muayyan hodisa, jarayonning mohiyatini yorituvchi, ilmiy jihatdan asoslangan fikr, g'oya bo`lib, u shaxs tomonidan mavjud ilmiy bilimlar tizimi puxta o`zlashtirilganda, bilimlarni bir-biri bilan taqqoslash, solishtirish, predmet, hodisa yoki jarayon mohiyatini tahlil qilish natijasida yuzaga keladi. O`quvchilarni ijodiy fikrlashga o`rgatish, ixtirochilik ko`nikmalarini shakllantirish ular tomonidan ilmiy izlanishlarni olib borish va ma`lum ilmiy qarashlarni ilgari surilishiga zamin yaratadi. Aqliy tarbiyani samarali tashkil etish shaxsda ilmiy tafakkurning yuzaga kelishini ta`minlaydi. Ilmiy tafakkur - inson aqliy faoliyatining yuksak shakli sanalib, ijtimoiy voqea-hodisalar, jarayonlarga nisbatan ilmiy yondashuvni anglatadi.

Adabiyotlar:

1. Mahkamov U. O`quvchilarning axloqiy madaniyatini shakllantirish muammolari. - Toshkent, O`zbekiston, 1993.
2. www.Ziyonet.uz

KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA CHIZMACHILIK FANINI TAKOMILLASHTIRIB O'QITISHNING DOLZARB MASALALARI

Rustamov E.T., TIMI BF "Umumkasbiy fanlari" kafedrasi o'qituvchisi.
Shukurov A.R., BuxDU "tasviriy sa'at va muhandislik grafikasi"kafedrasi o'qituvchisi.
Zayniyev N.U., TIMI BF GTQ 1/1 guruhi talabasi.


Abstract:*The artikle is about teaching techniques and significance of technikal drawing at professonal collegts.*

Key words: *operatsional programmes, frontal, graphical activity.*

O`zbekiston Respublikasi Kadrlar tayyorlash Milliy dasturini ta'lim tizimiga tatbiq etishdan asosiy maqsad Barkamol avlodni komil inson darajasida tarbiyalash bilim berish hamda jamiyatda o`z o`rnini topish

bilan asoslanadi. Ta'lim tizimining barcha yo`nalishlarida amalga oshirilayotgan o`zgarishlar, o`sib kelayotgan avlodni tarbiyalash, unga ta'lim berish jarayonini sifat jihatdan takomillashtirishni taqozo etmoqda. Shu boisdan o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi tizimida yo'l qo'yilayotgan kamchilik va nuqsonlarni bartaraf etish dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Hozirgi kunda kasb-hunar kollejlarida 300 ga yaqin kasblar va mutaxassisliklar bo`yicha kichik mutaxassislar tayyorlanmoqda. Chizmachilik kursining boshqa fanlar bilan aloqalari, kasb-hunar kollejlari talabalarini politexnik tarbiyalashda va ularning kasbiy faoliyatida katta o`rin egallaydi. Shuning uchun ham kasb-hunar kollejlarining ko`pchilik mutaxassisliklarida chizmachilik fani alohida fan sifatida o`quv jarayoniga kiritilgan.

Respublikamizdagi kasb-hunar kollejlarining ko`pchiligida chizmachilik fanini o`rganish asosan fan dasturida ko`rsatilgan materiallarni o`rganish bilan chegaralanib qolmoqda. Chizmachilikni o`quvchilarga chuqur o`rgatishning eng maqbul yo`li, bu chizmachilik chuqur o`rganiladigan maxsus sinflarning tashkil qilinishi hisoblanadi. Bunday maxsus sinflardagi o`qishlar o`quvchilarni biror tor mutaxassislik yo`nalishiga tayyorlashni ko`zlaydi. Bunda ta'lim qobiliyatli va grafika fanlariga qiziqish bildirgan o`quvchilarni grafik tasvirlar nazariyasi bilan chuqurroq tanishtirish, ularning chizma bajarish va o`qish malakalarini rivojlantirishga yo`naltiriladi. Bunday tayyorgarlik keyinchalik o`quvchilarning kasbiy faoliyatiga ham yordam berishi mumkin.



Chizmachilik darslarini tashkil qilish sxemasi.

talablariga to`g`ri kelmasligi ham mumkin. Chegaralangan vaqt ichida iloji boricha ko`proq hajmdagi axborotlarni berish imkoniyatlarini izlash o`qituvchidan o`qitish metodikasini doimo takomillashtirib borishni talab qiladi.

2. Grafik harakat va operatsiyalar dasturi. Bu dastur bilim, ko`nikma va malakalar tizimini zamonaviy texnik chizma hujjatlar bilan samarali ishlashga tayyorlash uchun rivojlantirish-ga xizmat qiladi. Bu birinchi navbatda chizmachilik fani dasturining grafik va amaliy topshiriqlar bilan boyitilgan bo`lishi zarurligini bildiradi. Grafik va amaliy xarakterdagi topshiriqlarni bajarish o`quvchilarda chizma asboblari va mexanik moslamalar bilan ishlash malakalarini shakllantirib qolmasdan, yechim topishda ilmiy metodlardan foydalanishga ham o`rgatadi.

O`quv grafik va amaliy topshiriqlarini taxt qilish va ularni bajarishga sarflanadigan vaqt miqdori ko`pincha quyidagi sabablarga bog`liq bo`ladi:

- O`quvchilar mehnat unumdorligini qulay chizmachilik asboblari va ular bilan ishlash malakalarining shakllanganligi bilan taminlanishi;
- Chizma-grafik va amaliy ishlarni taxt qilinishi metod va usullari tanlanishiga tizimli yondashuv;
- O`z faoliyatiga ijodiy yondasha olish, ya'ni ko`p vaqt talab qiladigan tayyorgarlik va takrorlanuvchi operatsiyalarga vaqt sarflamaslik;
- Chizma murakkabligi darajasini hisobga olib o`zining harakatlarini to`g`ri rejalashtira bilish.

3. Ta'lim faoliyati dasturi. Ta'lim olish o`quvchilarning o`quv axborotlarini o`zlashtirish, o`quv vazifalarini bajarish, jumladan o`quv materiallarini eslab qolish, masalalar yechish, o`z-o`zini nazorat qilishga doir har xil nazorat va test topshiriqlarini bajarishga taalluqli individual imkoniyatlari ko`rsat-kichidir. An'anaviy o`quv jarayonida qo`llaniladigan texnik usullar ta'lim va nazorat vositalaridan iborat. Bunday vositalar individual va umumiy xarakterda bo`lishi va o`quv materialini o`zlashtirish dinamikasiga tezlik bilan moslasha olishi mumkin.

Ta'limda texnik vositalarni qo`llashdan maqsad quyidagilardan iborat:

1. Ta'lim jarayoni samaradorligini uni o`quvchilarning individual xususiyatlariga moslashtirish orqali oshirish;

2. O`qitishning texnik vositalari va o`quvchilar bilimini nazorat qilishda samarali metodlarni qo`llash orqali o`qituvchi mehna-tini yengillashtirish.

3. Ta'lim sifatini orttirish uchun darsda o`quvchilarning hammasi darslik va zarur ma'lumotnomalar bilan ta'minlangan bo`lishi kerak. Bayon qilinadigan har bir mavzu bo`yicha materialning ketma-ketligi va hajmi darslikda belgilanadi. Uning har bir bo`limi bilimlarning yaxlit hamda tugal "hajmi"ni o`z ichiga oladi va hamisha u o`qituvchi uchun asosiy manba vazifasini bajaradi. Darslikdan o`rinli foydalanish kerak. Dars paytida darslikni mustaqil o`qishga ko`p vaqt ajratish mumkin emas, chunki bunda o`qituvchining rahbarlik roli yo`qotiladi.

O`quvchilarning mashq va majburiy grafik ishlarni bajarishlarida darslik juda katta ahamiyat kasb etadi. Bu hollarda o`qituvchi vazifani bajarishga qiynalgan o`quvchilarga darslikka murojaat qilish, undagi zarur mavzuni o`qib, chizma bajarishga taallluqli tasvirlarni o`rganishni tavsiya qilishi mumkin. Uy vazifasini va amaliy ishlarni bajarish hamda o`tilgan materialni takrorlashda darslikdan juda samarali foydalaniladi. Darslik mashg`ulotlarda bayon qilingan malumotlarni bir tizimga solishda yordamlashadi, mantiqiy fikrlashni rivojlantirib, o`quvchilarning nutqini shakllantiradi.

O`quvchilarda adabiyot va ma'lumotnomalar bilan ishlash ko`nikmalarining shakllanganligiga alohida ahamiyat qaratish zarur bo`ladi. Bu ko`nikmalar o`z-o`zidan paydo bo`lmaydi. O`quvchilarda bu ko`nikmalarni shakllantirish uchun chizmachilik o`qituvchisi butun kurs davomida shug`ullanib borishi kerak bo`ladi.

TABIATSHUNOSLIK RIVOJIDA AMALIYOTNING O`RNI

Sayfullayev G`.M., BuxDU dotsenti

Insoniyatni tabiat qonunlari haqidagi bilimga asoslangan amaliy faoliyati bilish jarayonini, ilm fan taraqqiyotini belgilaydi. Amaliyot haqiqat mezonidir. Bilimlarga ehtiyoj amaliyotda tug'iladi va ularning to'g'riligi amaliyot orqali tekshiriladi hamda tasdiqlanadi. Bilish jarayonini jonli mushohadan abstract (mavhum) tafakkurga, undan esa amaliyotga o'tish bilan tavsiflanadi. Mazkur jarayon insonni atrof muhit haqida to'g'ri, ilmiy tasavvur qilish zaruratidan kelib chiqqan. Ilmiy bilish-murakkab dialektik hodisa bo'lib, u inson tafakkurining dunyo mohiyati, uning qonuniyatlari va ularning o'zaro munosabatlarini o'rganishga qaratilgan. Bilish dialektikasi aksariyat qarama-qarshi fikrlarning yechilishi asosida sodir bo'ladi.

Ma'lumki, bilish jarayoni cheksizdir, uning chegarasi bo'lmaydi ham. Tarixdagi mashhur tabiatshunoslar (Beruniy, Ibn Sino, Forobiy, Ulug'bek, Kopernik, Nyuton, Darvin, Eyshteyn) turli davrlardagi koinot haqidagi tushunchalarni o'zgartirib, insoniyat tafakkuriga, fikrlash uslubiyotiga sezilarli ta'sir qilganlar. XIX asrning tabiatshunoslik sohasidagi yirik tarixiy yutuqlari-hujayraning ochilishi, kimyoviy elementlarning davriy sistemasini aniqlash, Maksvelning elektromagnit nazariyasining yaratilishi bilan xarakterlanadi. O'tgan asrning boshida esa rentgen nurlari, radioaktivlik, keyinroq o'ta o'tkazuvchanlik, elementar zarralar, irsiyatning moddiy asosi (DNK) va b. aniqlandi. Hozirgi kunda kompyuter texnikasi va texnalogiyasining rivojlanishi, internet tarmoqlari o'rgimchak to'riga o'xshab

dunyoni egallab olayotganini, klonlash, transgen jonzotlarning labaratoriyada dunyoga kelayotganligining guvohi bo'lamiz. Demak, insoniyatning aql zakovati kelgusida ham buyuk ixtirolar qilishiga ham shubha yo'q albatta. Ilm fan bir joyda to'xtamay, har doim rivojlanishda bo'lib, inson xayoliga kelmagan qonun-qoidalarni ochib, ularni jamiyat xizmatiga qaratadi. Lekin bunday ulkan ilmiy yutuqlar atrof muhit va koinotni bilishda dengizdan tomchi hisoblanmaydi. Bilish ma'lum davrlar bilan chegaralanib, unga mutlaq yetish va yaqinlashish jarayoni chegarasizdir. Bilish to'xtovsiz davom etadi. Har qaysi yangi ilmiy nazariyalarning dunyoga kelishi bir qancha yangi savollarning tug'ilishiga sababchi bo'ladi, bunday muammolarga olimlarning javob axtarish jarayoni esa ixtirolarga sababchi bo'ladi. Inson atrof-muhit bilan uzviy bog'liq va o'zaro munosabatda faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Shunday munosabatlarning tizimi hayotiy jarayonlarning inkosi hisoblanadi. Odamlar kamida hayvonlarni qo'lga o'rgatganlar, yerni haydab ekin ekkanlar. Ko'mir neft, gaz, rudalar qazib, qayta ishlash jarayonlarini, zavod fabrikalarni qurish ishlarini hamda dunyoning qonun va qoidalarini ochishga sababchi bo'lgan. Yerni haydash, qayta ishlash va dehqonchilikni rivojlanishi geometriya faniga, yerni tavsif qilish geografiya faniga, sayyohlikni paydo bo'lishi astronomiya sohasiga, qurilish san'atining takomillashuvi mexanika faniga, o'simlik, hayvonot dunyosini o'rganish biologiya ilmiga asos soldi.

Bilim odamlar miyasida o'z-o'zidan paydo bo'lmasdan, balki muayyan ish faoliyatida shakllandi. Ish jarayonini amaliyotda keltirib chiqaradi. Amaliyot insonni tabiat bilan munosabatida asosiy omil bo'lib, bu o'z navbatida, odamlarning o'zaro munosabatlar tizimida, ijtimoiy ishlab chiqarishda muhum rol o'ynaydi. Amaliyotning asosiy turlari moddiy ishlab chiqarish va ilmiy tajriba hisoblanadi. Ilmiy-tabiiy amaliyot quyidagi vazifalarni bajaradi.

1. Amaliyot bilish jarayonining rivojlantiruvchi omil. U nazariy bilimlarni umumlashtirib, ularni hayotiy jarayonlardan ajralishiga yo'l qo'ymaydi.

2. Amaliyot bilishning buyurtmasi, ilovasi va maqsadi hamdir.

3. Amaliyot bilish jarayonining haqiqiy ekanligini ko'rsatuvchi mezondir.

Nazariy bilimlarning amaliyot va turmushda bir-birlariga teskari yuritma asosida bog'lanish tizimi tabiatshunoslik fanida katta yutuqlarga turtki bo'ldi. Tabiatshunoslikdagi amaliyot ishlab chiqarishning asosiy omili bo'lib kelmoqda. Amaliyot nazariyani paydo bo'lishiga, ilmiy shakllanishiga va rivojlanishiga asos bo'ldi. Fizik-kimyoviy uslubiyotlarning biologiya faniga keng kirib kelishi biotexnologiya sohasiga yo'l ochdi.

Tabiatshunoslikdagi amaliyot ilmiy ishlab chiqarishning asosiy omili bo'lib kelmoqda. Amaliyot nazariyasini paydo bo'lishiga, ilmiy shakllanishiga va rivojlanishiga olib keladi. Hayotiy tajribalar va amaliyot nazariy xulosalarning to'g'riligini isbotlaydi. Tabiatdagi hodisalarni bilish bilan undan amaliy maqsadda foydalanish deyarli bir vaqtda sodir bo'ladi. Fanda keraksiz yangilik, ixtirolar deyarli bo'lmaydi. Fan tarixda o'nlab, ba'zi davrlarda esa yuzlab yillar davomida ilmda keraksiz deb hisoblangan ixtirolar keyinchalik tabiatshunoslikning jahonshumul yutuqlarga aylangan. Ma'lumki fandagi ko'p yangilik va ixtirolar jamiyatning oddiy ehtiyojiga bevosita bog'liq bo'lmagan holda dunyoga kelgan. Ixtirolar ilmiy nazaryalarning ichidagi qarama-qarshi fikrlar asosida shakllanib, so'ng amaliyotga yetib keladi. Bunday hodisalarning teskarisi bo'lishi mumkin. Termoyadroviy sintezni boshqarish, tibbiyotda esa rak va SPID bilan kasallangan bemorlarni to'liq davolash usullari hali aniqlangan emas.

Nazariy ilmlarni hamma vaqt ham amaliyot orqali tasdiqlab bo'lmaydi. masalan, koinotning paydo bo'lishi va b. Olimlar ko'proq amaliyotni o'ylamasdan, nazariyani tadqiq qilishga urunadilar. Tabiiy-ilmiy bilishning asosiy maqsadi haqiqatga erishish demakdir. Haqiqat odam shuuridan mustaqil ravishda shakllanadi. To'g'rilik, samimiyat inson ma'naviyatining ajaralmas xususiyati bo'lib, haqiqatni aniqlashda katta rol o'ynaydi. Haqiqat va rostgo'ylik fanning asosiy maqsadi hisoblanadi. Haqiqat bu - g'oya, tushuncha, nazariyalarning to'g'riligini ko'rsatuvchi omildir. Yolg'on g'oya asossiz nazariyalar dunyo va undagi narsalar haqida noto'g'ri fikrga keltirib, bilish jarayonining to'g'ri emasligidan darak beradi. Demak, haqiqat bilish jarayoning obektiv natijasidir.

Dunyoni bilish mumkin, degan g'oya, ilmiy haqiqat tayyor, to'liq holda insonga o'z-o'zidan keladi, degan so'z emas. Fan tayyor haqiqatlar zaxirasi emas, u bilmaslik, chegaralangan taxmin, g'oyadan, keng, chuqur, aniq haqiqatga yaqinlashib boraveradi. Tabiatshunoslik tarixidan ma'lumki, muayyan moddaning xusisiyatlari to'liq aniqlangan deb hisoblangan, lekin vaqt o'tishi bilan aynan shu obyektning avval o'rganilmagan ilmiy qirralari bor ekanligi aniqlangan. masalan, suvning fizik-kimyoviy va biologik xususiyatlari go'yo to'liq o'rganilgan, deb hisoblangan. Keyinchalik suvning oddiy holatidan tashqari, yana uning og'ir suv bo'lishi va rang-barang biologik funksiyalarni bajarishi aniqlandi. Demak haqiqat, bu qatiiy, chegaralangan, bilishning oxirgi nuqtasi bo'lmasdan, balki fanning obyektga to'xtovsiz yaqinlashib g'oya va tafakkurning bilish jarayonida kengayib, chuqurlashib borishdir. Haqiqat nisbiy bo'lib, u materiya haqida to'liq ma'lumot bermasdan, balki borgan sari kengayib rivojlanib boradi. Bilish pag'onasi fan va amaliyotning rivojlanish darajasiga bog'liq. Haqiqat muayyan davrning mahsuli hisoblanib, jamiyatning ehtiyojiga qarab, kengayishga, yana tadqiq qilinishga muhtojdir. Fanning rivojlanishi mutlaq haqiqatga yaqinlashishi bo'lib, haqiqat borgan sari uning chegarasiga qarab oydinlashib boraveradi. Mutlaq bilish va

bilim bo’lmaydi. Mutlaq haqiqat bir marta isbotlangandan so’ng yana uni qayta ixtiro qilishga hojat qolmaydi. masalan, yo’qdan bor bo’lmaydi, biror narsa hech qachon izsiz yo’qolmaydi, ong miya yarim sharining mahsuli, Yer Quyosh atrofida aylanadi va b. To’liq tasdiqlangan voqea hodisalar ham “absalyut’’ haqiqat bo’lmaydi.

Bilishning aniqligi muayyan obyekt haqidagi ma’lumotning haqiqat ekanligi bilan tavsiflanadi. Ayni paytda, sharoit boshqacha bo`lsa, haqiqat ham boshqacha bo`lishi mumkin. masalan, oddiy sharoit va bosimda suv 100^0 C da qaynaydi. lekin bosim o`zgarsa yoki og`ir suv bo`lsa, yuqorida ko`rsatilgan haqiqat o`zgaradi. Haqiqat mavhum bo`lmasdan, u aniq-konkret hisoblanadi. Ma’lum tizimdagi haqiqat boshqa sharoitda butunlay o`zgarishi mumkin.

PEDAGOGIK FANLARNI O’QITISH JARAYONIDA TALABALARNI ERKIN FIKRLASHGA O’RGATISH MUAMMOLARI.

O’.U.Qurbonova, BuxDU katta o’qituvchisi.

Ta’lim tizimli bilim olishning eng muhim va ishonchli usulidir. Ta’limga ikki tomonlama aloqa (ta’lim olish va ta’lim berish), shaxsni har tomonlama rivojlantirish va boshqa xususiyatlar xosdir. Ta’lim o’qituvchi tomonidan boshqariluvchi o’ziga xos anglash jarayonidir. O’qituvchining yo’naltiruvchi sifatidagi roli talabalarning aqliy va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishni ta’minlovchi bilim, ko’nikma va malakalarni to’liq o’zlashtirish jarayonida namoyon bo’ladi.

Ta’lim o’qituvchining talabalar bilan muloqoti jarayoni ham sanaladi. U talabalarga o’quv materiali mazmunini tushuntirib beradi, savol va topshiriqlar beradi, ularning faoliyatini nazorat qiladi, xato va kamchiliklarini aniqlaydi, yo’l qo’yilgan xatolarni to’g’rilaydi, qanday ishlash lozimligini qayta ko’rsatadi. Har qanday ta’lim o’zida o’qituvchi va talabaning faoliyati, ya’ni, o’qituvchining o’rgatish hamda talabaning o’rganishga yo’naltirilgan faoliyati, boshqacha aytganda to’g’ridan-to’g’ri, bevosita va nisbiy munosabat aks etadi.

Pedagogika fanlarini o’qitish jarayonida o’qituvchi va talaba o’rtasida o’zaro muloqot yuzaga keladi. “Muloqot” tushunchasi “ta’lim” tushunchasiga nisbatan keng ma’noga ega.

Ta’lim talabalarga nazariy bilimlarni berish asosida ularning bilish qobiliyatlarini o’stirish, ularda amaliy ko’nikma va malakalar, shuningdek, dunyoqarashni shakllantirish, erkin fikrlashga o’rgatishga yo’naltirilgan jarayondir.

Ta’lim va pedagogik fanlarni o’qitish jarayoni (didaktik jarayon) sinonim tushunchalar emas. Jarayon bu yaxlit pedagogik hodisa, pedagogik faoliyatning tarkibiy qismi sifatida ta’lim tizimining muayyan holatini o’zgartirish hisoblanadi. Jarayon mohiyatini V.P.Bespalko tomonidan taklif etilgan quyidagi formula asosida to’laqonli anglash mumkin:

DJ = M +Tf+B

Bu erda; DJ – didaktik jarayon;

M – talabalarning o’qish (ta’lim olish) motivasiyasi;

Tf –talabalarning o’zlashtirish faoliyati;

B –talabalarning bilish faoliyatlarini boshqarish.

Uzoq vaqt davomida pedagogikaning shakllanishi va rivojlanishi natijasida pedagogik fanlar tizimi shakllandi:

- pedagogika tarixi;
- umumiy pedagogika;
- maktabgacha tarbiya pedagogikasi;
- maktab pedagogikasi;
- o’rta maxsus, kasb hunar ta’lim pedagogikasi;
- oliy ta’lim pedagogikasi;
- maxsus pedagogika
- ishlab chiqarish pedagogikasi;
- qiyosiy pedagogika.

Pedagogika fanlarni o’qitish qator funksiyalarni bajaradi. Jumladan, uning rivojlantiruvchi funksiyasi mutaxassislik fanlarini o’qitish jarayonida, bilimlarni o’zlashtirish jarayonida talabaning rivojlanishi sodir bo’lishini ko’rsatadi. Rivojlanish quyidagi yo’nalishlarda sodir bo’ladi: nutqi rivojlanishi, fikrlashi, shaxsning sensorli va harakatlanish sohalari, emoцional-irodaviy va ehtiyoj-sababli sohalari rivojlanadi. To’g’ri tashkil etilgan ta’lim shaxsni har doim rivojlantiradi, lekin o’qituvchi va talabaning shaxsiy har tomonlama rivojlanishiga qaratilgan maxsus o’zaro munosabatlarida rivojlantirish funkцiyasi yanada samaraliroqdir.

Ta’limning talaba shaxsini rivojlantirishga yo’naltirilganligi “rivojlantiruvchi ta’lim” tushunchasi bilan ifoladanadi. XX asr 60-yillaridan boshlab rivojlantiruvchi ta’limni tashkil etishga nisbatan turli yondoshuvlar yuzaga keldi.

Bularning hammasi fanlarni o’qitishni tashkil etish faqat bilimlarni shakllantirishga emas, talabani har tomonlama rivojlantirish (birinchi navbatda, aqliy rivojlantirish, aqliy faoliyat usullari, analiz qilish, taqqoslash, turlarga ajratish va boshqalarni kuzatish, xulosa chiqarish, ob’ektlarning muhim belgilarini ajrata bilish, faoliyat maqsadi va usullarini aniqlashni bilishga o’rgatish, uning natijalarini tekshirishni bilish malakasini rivojlantirish)ga xizmat qilishini anglatadi.

- valeologiya;
- ijtimoiy pedagogika;
- harbiy pedagogika;
- etnopedagogika;
- ta’lim falsafasi.

Pedagogika fanlarini o’qitish jarayonida shaxsning ma’naviy-axloqiy va estetik tasavvurlari, xulq-atvori va dunyoqarashi shakllantiriladi.

Pedagogika fanlarini o’qitishning tarbiyalovchilik xususiyati, eng avvalo, pedagogik fanlar mazmunida aks etadi.

Pedagogika fanlarini o’qitish jarayonida tarbiyaning ikkinchi omili o’qituvchi va talabalarning munosabatlari, sinfdagi psixologik muhit, o’qish jarayoni ishtirokchilarining o’zaro munosabatlari, talabalarning idrok etish faoliyatlariga o’qituvchining rahbarligi hisoblanadi. Zamonaviy pedagogika o’qituvchi va talabalar o’rtasidagi munosabatning eng qulay usuli sifatida demokratik usulini e’tirof etadi. Bu usul pedagogik fanlarni o’qitish jarayonida talabalar shaxsini hurmat qilish, ularning xohish-istaklari, qiziqishlarini inobatga olinishini anglatadi jarayoni ishtirokchilarining o’zaro munosabatlari, talabalarning idrok etish faoliyatlariga o’qituvchining rahbarligi hisoblanadi.

Pedagogika fanlarini o’qitish jarayonida talabaning faoliyati o’qituvchi rahbarligi ostida kechadi. O’qituvchi faoliyatining vazifasi talabalarning ijtimoiy borliqni ongli va faol idrok etishga yo’naltirilgan faoliyatlarini boshqarishdan iborat bo’ladi.

Pedagogika fanlarini o’qitish jarayonini boshqarish quyidagi bosqichlardan iborat:

1) rejalashtirish;
2) tashkil etish;
3) boshqarish (rag’batlantirish);
4) nazorat;
5) natijalarni baholash va tahlil qilish.

O’qituvchi faoliyatini rejalashtirish bosqichi kalendar-tematik yoki darslar rejalarini tuzish bilan yakunlanadi. Rejalar, reja-konspektlar yoki konspektlarni tuzish uchun uzoq, jiddiy ishlash kerak bo’ladi. O’qituvchi talabalarning tayyorliklari darajasi, ularning o’quv imkoniyatlari, moddiy baza holati, shaxsiy (kasbiy) imkoniyatlarini o’rganib chiqishi, o’quv materiali mazmunini tanlab olishi, mashg’ulot olib borish shakli va metodini o’ylab chiqishi kerak bo’ladi.

Talabalar faoliyatini tashkil etish talabalar oldiga o’quv masalalarini qo’yishni va uni bajarish uchun imkoniyatlar yaratishdan iborat bo’ladi.

Talabalarning bilim olish faoliyatining o’ziga xos ko’rinishi sifatida muayyan tuzilish, rivojlanish va faoliyat qonuniyatlariga эga. Bilim olish borliqni idrok эtish, o’rganish, mashq qilish va muayyan tajriba asosida xulq-atvor hamda faoliyat ko’nikma, malakalarining mustahkamlanib, mavjud bilimlarning takomillashib, boyib borish jarayoni hisoblanadi. Bilim olishning muhim komponenti motiv, ya’ni, ta’limiy xarakterdagi harakat yoki faoliyatni tashkil эtishga nisbatan raғbatni his эtish, эhtiyojning yuzaga kelishidir.

O’qishning keyingi komponenti o’quv harakatlari (operaьiyalari) sanalaib, ular anglangan maqsadga binoan amalga oshiradi. O’quv harakatlari o’quv jarayonini tashkil etishning barcha bosqichlarida namoyon bo’ladi. Harakatlar tashqi (kuzatiladigan) va ichki (kuzatilmaydigan) ko’rinishda bo’lishi mumkin. Tashqi o’quv harakatlariga predmetli harakatlar (yozish, rasm chizish, tajribalar o’tkazish); perseptiv harakatlar (tinglash, fikrlash, kuzatish, sezish) hamda nutqdan foydalanish kiradi.

Ichki (mnemonik, yunonchadan «mnemonikon» - eslab qolish madaniyati) harakatlarga materialni eslab qolish, uni tartibga solish va tashkil etish, huningdek,

tasavvur va fikrlash harakatlari (intellektual) kiradi.

Ta’lim jarayonida talaba tomonidan o’z-o’zini nazorat qilish, o’z-o’zini baholash va o’z-o’zini analiz qilishni amalga oshirish o’qituvchining shunga o’xshash o’rgatuvchi harakatlarini kuzatish asosida shakllanadi. Bu harakatlarni shakllantirish talabalarni o’z tengdoshlari faoliyatini kuzatishga jalb etish, o’zaro nazoratni tashkil etish, o’rnatilgan mezonlar asosida o’z faoliyati natijalarini o’zaro baholash va tahlil qilishga yordam beradibular asosida talaba o’z fikrlarini erkin bildira olish ko’nikmalari shakllana boradi. Har qanday bilimni o’zlashtirishda talabalardan idrok эtish madaniyatiga эga bo’lish va o’quv materialini anglab etish talab эtadi. Pedagogik jarayonda talabalar tomonidan ilmiy bilimlarning ma’nosini etarli darajada tushunmay, faqat tovushlar birligi sifatida qabul qilinishi va yodlab olinishi xavflidir. Talabalarni ilmiy bilimlarni ularning mohiyatini to’la tushungan holda o’zlashtirish shartlari bilan tanishtirib, ularga o’zini o’zi nazorat qilishning mohiyati va ahamiyatini tushuntirish maqsadga muvofiqdir. O’zini o’zi nazorat

qilishda talabalar ular qo'llayotgan aqliy mehnat vositalarining samaradorligi, shuningdek, o'z mehnati natijalarini baholashi kerak.

ШАХСЛАРАРО КОНФЛИКТЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ШАРОИТИ ВА ФАКТОРИ СИФАТИДА

Ў.У.Қурбонова, БухДУ катта ўқитувчиси.

Конфликт ҳозирги замонга энг кўп даражада хос бўлган тушунчадир. Конфликт – лотинча "conflictus" тўқнашув маъносини билдиради. Конфликт фан доирасида конфликт тушунчаси биринчи навбатда субъектив ҳуқуқнинг турли хил тарзда бузилишини, таълим-тарбия доирасида юзага келадиган турли хил низоли ҳолатларни, фуқаролар, уюшмалар ва ҳокимият тузилмалари манфаатлари тўқнашувини тавсифловчи хусусиятларни ва бошқаларни аниқлаш учун қўлланилади.

Шахс ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Бундай дейишнинг асосий сабаби унинг доимо инсонлар даврасида улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигини ишора қиладилар ҳар бир нормал инсон ўзгаларни тенглашга, ўз фикрини бировларга етказишга, яъни гапиришга, фикрларини баъзан ёзма тарзда баён этишга туғма қобилиятлидай ўзини тасаввур қилади. Лекин ана шу бировларни тушуниш ва ўз фикрларимиз, ўйларимизни бировларга етказа олиш қобилиятли аслида бизнинг инсоний муносабатлар тизимида эканлигимизни, ҳар биримиз ўзимизга ўхшаш инсонлар жамиятисиз мавжуд бўла олмаслигимизни билдиради. Шахс ва жамият такомиллашувининг самараси уларнинг ҳолатидаги сифат ўзгариши шахс такомиллашувининг манбаи зиддиятлар ва уларнинг қондириш йўллари ўртасидаги зиддиятларидир. Шахс ва жамиятнинг такомиллашуви ҳам қарама-қаршиликларнинг бирлиги ҳамда кураши натижасида амалга ошадиган ўз-ўзидан ҳаракатланишдир.

Шахслар ўзаро мулоқотга киришар экан турли кўринишдаги конфликтлар юз беради. Жумладан, мотивацион конфликт.

Мотивацион конфликт – бу шахснинг бирор фаолиятини бошқариш жараёнидаги иккиланишидир.

Ахлоқий конфликт – ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан биридир, у муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши-шахсларнинг бир-бирига, жамиятга, халқ мулкига, оилага ишлаб чиқариш воситаларига, муайян тартибга солинадиган ҳатти ҳаракатларда тизимида кўришимизмумкин.

Шахснинг жамиятдаги ахлоқий принципларига зид хатти-ҳаракатлари натижасида ахлоқий конфликтлар юзага келади.

Шахс мулоқотда бўлгани сари улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари умумийлик ва ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирини бир қарашда тушунадилар ёки ярмига жумладан фикр аён бўлиб қоладиган бўлиб қолади.

Аммо шундай мулоқот тизимидаги тескари реакцияларни бир-биридан чарчаб гапирадиган, ўзаро гаплашадиган гапининг қолмаслиги каби вазиятларда шахслараро ва гуруҳлараро зиддиятлар келиб чиқади.

Одамлар ўртасидаги ёки шахслараро муносабатлар асосан гуруҳ шароитида шахс маълум инсонлар даврасида, гуруҳда жамоада бўлган тақдирдагина рўй беради. Гуруҳлараро зиддиятлар гуруҳ аъзоларида лидерларни кўришимиз мумкин. Лидерлар: расмий ва норасмий бўлади. Расмий лидер ўқитувчи томонидан танланган гуруҳ сардоридир, норасмий лидер бошқа гуруҳдаги шахсларни ўзига жалб қила оладиган бошқаларни ўзига тортадиган шахсдир. Бундай ҳолатларда расмий ва норасмий лидер ўртасида конфликт юзага келади.

Конфликт бу кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. "Конфликт" тушунчасига қандай тавсиф ва параметрлар бирикишига қараб конфликтлар ва улар билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганадиган илмий соҳа шаклланади. Конфликт бу оппозицион мақсадларнинг мақсадли тўқнашуви бўлиб у конфликт субъектларининг қарама-қарши ҳаракатларга олиб келадиган ва улар томонидан негатив туйғулар ҳамроҳлигидаги ҳодисадир. Субъектлар тўқнашуви ўзаро ҳаракатлар натижасида юзага келади: улар бир-бирига йўналтирилган мулоқотлар, ҳаракатлар ва хулқ-атвордир.

Жамиятда мавжуд барча қарама-қаршиликлар, муаммолар ва умуман барча барча конфликтларнинг жами конфликтология объекти бўлиб майдонга чиқади.

Объектда конфликтнинг учта асосий турини ажратиш мумкин:

* ижтимоий

*ички шахсий

*зооконфликтлар

Конфликтлар объектининг марказида ижтимоий конфликтлар туради, чунки улар тўғридан тўғри бошқа конфликтлар билан (ички шахсий ва шахслараро) боғлиқ.

Конфликтга киришишга ундайдиган индивид мотивларини тушуниш учун инсоннинг конфликтли хулқ-атворидаги ички асосларини ички шахсий хусусиятлар ва зиддиятларни ўрганиш

зарур. Олимлар шахслараро конфликтларни тавсифлашда ўзаро ҳаракатлар ва уларнинг хусусиятлари социумидаги инсон хулқининг хоссаларини очиб берадилар.

Инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар холдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Жамият ҳаётида ижтимоий субъектлар ўртасида шаклан конфликтга яқин турувчи мусобақа, тортишув, рақобат каби бошқа қарама-қаршиликлар ҳам юзага келади. Бироқ бу қарама-қаршиликлар одатда душманлик даражасигача кескин тус олмайди ёки агар бунда томонларнинг муайян объектга нисбатан манфаати мавжуд бўлсада (масалан, рақобатда), у бошқа томоннинг қонуний ҳаракатига тўсқинлик қилувчи биргаликдаги ҳаракатга айланмайди. Ҳар қайси тараф ютуққа эришишга интилиб, қарши томонни енгишга ҳаракат қилади. Лекин бунда тарафларнинг ҳаракатлари ижобий (позитив) бўлиб, улар ўзларининг максимал ютуқларига интиладилар, рақибини енгиш улар учун пировард мақсад эмас. Шундай қилиб, конфликт ва мусобақа айнан бир хил эмас, бироқ мусобақа конфликтга айланиши мумкин. Бу ҳол рақобатга ҳам тааллуқли, рақобатдошлар бир-бирига тўғридан-тўғри тазйиқ кўрсатишга ўтишлари мумкин.

Баъзи ўйинлар, айниқса, спорт ўйинлари конфликт тарзида ташкил қилинади (масалан, бокс). Лекин бу ерда моҳият бўйича гап конфликтга тақлид қилиш ҳақида бораётганлиги равшан. Ўйин тугаши билан “конфликтли” муносабатлар ҳам тугайди. Мусобақа ўтгандан сўнг турли командалар ўйинчилари ўртасидаги келишмовчиликнинг сақланиши бу қоида эмас, балки истиснодир, бу ҳолат спортда рағбатлантирилмайди.

Нима сабабдан инсонлар жамоасида шахслар ўртасида турли хил низолар келиб чиқади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

- алоҳида шахс ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;
- айрим алоҳида жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий, группавий нормаларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, ва б.қ.);
- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;
- фаолиятни ташкил этиш ва ўзаро муносабатдаги фарқлар;
- жамоа аъзолари ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳ-зо.

Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради:

I. Низо олди босқич - конфронтация

II. Низонинг ўзи - компромисс ёки жанжал

Низодан чиқиш - мулоқот ёки диссонанс.

Шахс тоифалари ўзаро муносабатларда намоён бўлар экан, қайси тоифа билан қандай ишбилармонлик муносабатларини ўрнатишга, музокаралар олиб боришга бевосита таъсир этади. Шунинг учун хамкорликка киришишда албатта кузатувчан бўлиш, ҳар бир ҳаракат мақсадини англаш малакаларини таркиб топтириш муҳимдир.

Ўз вақтида Банопарт Наполеон шундай ёзган экан: “Қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди”. Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими - узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган. Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки педагог ва ўқувчилар жамоаси ўртасида раҳбар ҳамда ходимлар ўртасида низолар ёки зиддиятларнинг келиб чиқиши табиий, аммо унинг табиати ва моҳияти бироз бошқача бўлади.

MA’NAVIY TARBIYADA MADANIYAT VA SAN’ATNING O‘RNI

Barnayeva Dilrabo, M.Ashrafiy nomidagi Buxoro san’at kolleji

Annotation. *The problems of forming of such key jurisdictions, as ability of understanding of artistic work and own relational expression, are considered student to work of art as coherent text.*

Kalit so’zlar: *madaniyat, ma’rifat, mafkura, sadoqat, insonlarga hurmat, ishonch, xotira, vijdon, erkinlik.*

Ma’naviy tarbiya insonlar hayotida hamisha bosh mavzu bo‘lib kelgan. Chunki ma’naviyatsiz inson bo‘lmaydi. Ba’zi bir insonni ma’naviyati yuksakroq, ba’zisiniki pastroq bo‘ladi. Ya’ni har bir shaxs, har bir oila, har bir jamoa va hatto har bir kasb egasining o‘ziga xos shakllangan ma’naviyati bo‘ladi. “Ma’naviyat” so‘zi arabcha so‘z bo‘lib, “ma’no” fe’lidan olingan ruh, ong, idrok, ruhiy holat, dadillik jasorat, xususiyat, mohiyat, g‘amxo‘rlik, did kabi bir qancha ma’nolarni anglatadi. Ma’naviyat – insonning ma’lum darajadagi

jismoniy, aqliy, axloqiy va ruhiy balog‘ati va dunyoqarashini ifodalovchi tushunchadir. Ma’naviyat tushunchasi o‘z ichiga madaniyat, ma’rifat va mafkura tushunchalarini singdirsada, u ancha keng ma’noni qamraydi. Ma’naviyat inson hali xat-savodli, ma’rifatli, madaniyatli bo‘lib ulgurmasdan oldinroq uning tili, ongi, tafakkuri bilan dunyoga keladi.

Ma’naviyat va madaniyat egizak va mushtarak tushunchadir. Insonda ong shakllanib, tilning paydo bo‘lishi madaniyatning ilk qadamlari sanaladi. Odamzod hali ma’rifatli bo‘lmasdanavval rasm chizishlari, kuy va shula aytishi, diniy rasm-rusumlarni bajo keltirishning o‘zi madaniyatning dastlabki shakllanishi va rivojlanishidan darak beradi. So‘ngra insoniyat o‘z tarixiy taraqqiyot yo‘liga tushib olgach, asta-sekin ma’rifatli bo‘la boshlaydi va madaniyatning yuksak pog‘onalariga ko‘tariladi. Bu jarayon, shubhasiz ma’ngaviyatni madaniyat va san’atdan, ma’rifatdan ajralmagan holda birga va o‘zaro aloqadorlikda bo‘lishini, ma’lum dunyoqarash bilan mustahkamlanishini taqazo etadi. Inson borki, uning ma’naviyati bor, bu ma’naviyat uning madaniyati, ma’rifati va ma’lum darajada mafkuraga, dunyoqarashga e’tiqodini belgilaydi. Shu o‘rinda Prezidentimiz Islom Abdug‘aniyevich Karimovning ushbu so‘zlarini keltirish joizdir: — “Bizning ma’naviyatimiz asrlar davomida million-million kishilar taqdiri bilan shakllangan. Uni o‘lchab ham, poyoniga yetib ham bo‘lmaydi. U inson uchun butun bir olam, yer, oila, ota-ona, bolalar, qarindosh-urug‘lar, qo‘ni-qo‘shnilar, xalq, mustaqil davlatimizga sadoqat, insonlarga hurmat, ishonch, xotira, vijdon, erkinlik – ma’naviyatning ma’nosi juda keng”.

Bugungi kunimizda ma’naviy tarbiyada madaniyat va san’atning, ma’rifatning o‘rnini e’tirof etgan holda, bu yo‘lda asoiy manba sanalmish madaniyat va san’atning targ‘ib qilish tamoyillariga alohida e’tiborni qaratish zarurligini respublikamiz Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov o‘z asarlarida batafsil bayon etib berganlar va shunday izohlanadi: “Endigi vazifamiz shundan iboratki, milliy istiqlol g‘oyasi tushunchalari asosida keng jamoatchilik, ziyolilarimiz, ilm-fan va madaniyat namoyondolari, avvalo ma’naviy-ma’rifiy soha xodimlari milliy mafkurani takomillashtirish hamda uning asosiy tamoyillari odamlar ongi va qalbiga singdirishga qaratilgan ishlarni yangi bosqichga ko‘tarilishi zarur”.

Ushbu fikrlardan kelib chiqqan holda madaniyat va san’atning o‘rnini yana bir bor tahlil qilish va uning ta’sir kuchi zamirida ma’naviy tarbiyani, milliy istiqlol g‘oyalarini xalqimiz ongiga singdirish asosiy vazifalardan biri sifatida e’tirof etilmoqda.

Bu borada quyidagi yo‘nalishlar blan ta’sir etish ko‘zda tutiladi:

1. Murakkab va shonli tariximizning yorqin sahifalarini ochib berish.

2. Bugungi hayot voqeligini orzu-umidlarimizni aks ettiradigan adabiyot, kino, musiqa va tasviriy san’at asarlari yaratishga e’tiborni qaratish.

3. Yoshlarga ibrat bo‘ladigan barkamol insonlar zamonaviy qaxramonlar timsolini yaratish.

4. Istiqlol mafkurasiga zid g‘oyalarni ochib berishga qaratilgan asarlar yaratish.

Bularning barchasi milliy istiqlol g‘oyalarini, ma’naviyat sarchashmalarini singdirish borasida asosiy tamoyillar bo‘lib xizmat qiladi. Bunda albatta yuqorida ta’kidlanganidek, barkamol avlod tarbiyasida san’at va madaniyatning o‘rnini alohida ta’kidlash joizdir. Ma’naviy tarbiyada diniy madaniyatning o‘rnini alohida ta’kidlash zarurdir. Chunki o‘n to‘rt asrdan buyon xalqimiz asosiy ma’naviy tarbiyani diniy madaniyat orqali o‘zlashtirib keladi. Bugungi kunimizda xalqimiz istiqlol sharofati bilan o‘z diniga, o‘zligiga yangidan qaytmoqda. Muqaddas dinimiz Islom dini milliy ma’naviyatimizning muhim asoslarimizdan biriga aylanadi. Bugungi kunda yoshlarimizni boy madaniy merosimiz, tarixiy an’analarimizga, milliy urf-odatlarimizga hurmat ruhida, yuksak ma’naviy fazilatli har tomonlama kamol topgan insonlar qilib tarbiyalashga katta e’tibor berilmoqda. Bu masala davlat ahamiyatiga molik vazifa deb tushunilmoqda. Komil inson deganda, har tomnlama yetuk, ichki dunyosi, tarbiyasi, pokligi, bilimi va malakasi, umuman ijobiy jarayonlarning barchasini o‘zida mujassamlashtirgan inson tushuniladi. Zotan millatimiz tarixida shunday zoti komillar o‘tgshanki, ularning har birlari biz avlodlarga bitmas-tuganmas ma’naviy boylik qoldirganlar. Hozirda bu ziyo nurlaridan bahramand bo‘lmoqdamiz.

Ma’naviyat o‘z ichiga mafkurani, dunyoqarashni oladi. Inson borki uning ma’naviyati bor, bu ma’naviyat uning madaniyati, ma’rifati va ma’lum mafkuraga, dunyoqarashga e’tiqodini, belgilaydi. Madaniy taraqqiyot jarayonida turli sohalarda axloqiy madaniyat, falsafiy madaniyat, badiiy madaniyat degan tushunchalardan keng foydalaniladi. Madaniyatning eng murakkab, insoniy qobiliyatlarni, talantni, uning ijodiy imkoniyatlarini ifodalovchi formasi ma’naviy madaniyat bo‘lib, u ijtimoiy ongni san’at, axloq, falsafa, sotsiologiya kabi turlarni o‘z ichiga oladi. Bularning har biri o‘ziga xos olamdir.

Masalan badiiy madaniyat merosini olaylik. Bdiiy meros avvalo xalq og‘zaki ijodini o‘z ichiga oladi. Bunda xalq og‘zaki ijodi yetakchi o‘rinni egallaydi. Chunki u faqat badiiy ijod bo‘lib qolmasdan, balki har bir xalqning ma’naviy taraqqiyotida muhim bosqichni ham tashkil etadi. Xalq musiqasi, o‘yinlari va havaskorlik san’atining boshqa turlari, rangtasvir va grafika, haykaltaroshlik va hunarmandchilik san’ati singari san’atning qator turlari badiiy merosda katta o‘rin egallaydi va har bir xalq san’atining rivoji uchun muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. Xalq badiiy hunarmandchiligi: kulolchilik, zargarlik, kashtachilik, gilamdo‘zlik, misgarlik va boshqalar ham badiiy madanityada va uning taraqqiyotida muhim o‘rin tutadi. Rang-barang professional san’at va uning nazariyasi ham badiiy merosning qismlaridir. Bunda mazkur

xalqning buyuk dahosini ifodalagan buyuk shoirlar, musiqachilar, rassomlar, me'morlar, qo'shiqlarning mohir ijrochilari av boshqalarning ijodi qimmatlidir. Badiiy ma'naviyatning barcha yo'nalishlari bir-biri bilan uzviy bog'liq holda rivojlanadi.

Madaniyat va san'atning haqiqiy ijodkori xalqdir. Xalq o'zi yaratgan boyliklarni, merosni avaylab asraydi, chunki bu boylik, meros uning o'zi uchun, kelajak avlodlar uchun xizmat qiladi. Ma'naviy tarbiyada madaniyat va san'atning o'rnini baholar ekanmiz yuqoridagi fikrlarni mujassamlashtirgan holda uning mazmun va mohiyatini tushunishlikni taqazo etadi.

Mustaqillik sharofati bilan xalqimiz o'z ma'naviy boyligiga to'la ega bo'ldi. Ma'naviy merosimiz ajdodlarimiz, ota-bobolarimizdan bizgacha yetib kelgan ma'naviy boyliklar – siyosiy, falsafiy, huquqiy va diniy qarashlar, axloq-odob me'yorlari, ilm-fan yutuqlari, tarixiy, badiiy va san'at asarlari majmuidir. Bularning barchasi xalqimiz ongini yangicha tafakkur bilan shaklantirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Zero, bularning barchasi xalqimizning komilikki yetakliydi. Ma'naviy tarbiyada madaniyat va san'atning o'rnini ana shunday baholash zarur bo'ladi va bu sarchashmalar insonlarning qalbiga ziyo nurini sochaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", "Barkomol avlod - taraqqiyot poydevori". T. 1997, 33-61 b.
2. Lihachev B.T. Pedagogika. Kurs leksiy. Uchebnoye posobiye. M. "Prometey", 1992.
3. Lihachev B.T. Sus`hnost, kriterii i funksii nauchnoy pedagogiki. M. 1997
4. Munavvarov A.R. Pedagogika. T. O'qituvchi. 1996.

PEDAGOGIK INNOVATSIYA VA INNOVATSION FAOLIYAT.

Abdullayeva G.G'., Hakimova M.M., Buxoro yengil sanoat va pedagogika kasb-hunar kolleji

Annotation: *In this article the question is about differentiation of teaching process, which is the best condition for the maintainance of health student, exposures of making, development of interests and capabilities and provides effectiveness. Sense of differentiation consists in that, to adapt an educational process to cognitive possibilities of every pupil, to produce proper the level of his development of requirement, methods and teaching forms. The primary objective of the article was description of organization.*

Kalit so'zlar: *Innovatsiya, lokal, modulli, tizimli, innovatsion jarayon.*

Innovatsiya so'zi inglizcha so'z bo'lib — «innovatsion» yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi, ya'ni tizim ichki tuzilishini o'zgartirish, deb ta'riflanadi. Hozirgi vaqtda «Innovatsiya tushunchasi» juda keng qo'llanilmoqda. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy- madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga yo'naltirilgan ijtimoiy sub'ektlarning harakat tizimidir. Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir. Ular tashabbuslar va yangiliklar asosida tug'ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo'ladi. Shuningdek, umuman ta'lim tizimi rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Innovatsiya — ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni yechish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishiga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijadir. Bugun ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni quyidagicha tasniflash mumkin: — faoliyat yo'nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi, boshqaruvdagi) — kiritilgan o'zgarishlarning tavsifiga ko'ra (lokal, modulli, tizimli) — kelib chiqish manbaiga ko'ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan) Innovatsiyalar odatda bir necha muammo kesishgan paytda vujudga keladi va umuman yangi masalalarni hal qiladi, pedagogik jarayonning uzluksiz yangilanib borishga olib keladi. «Yangiliklarni joriy qilish» tushunchasi bizningcha, yangilik, ham ana shu yangilikni amaliyotga joriy etish jarayonidir. Yangilik — bu alohida olingan shaxs uchun yangi bo'lgan g'oyadir, bu g'oya ob'ektiv ravishda yangi yoki yangi emasligi ahamiyat kasb etmaydi, biz uni vaqt bo'yicha — yangilik ochilgan payt yoki undan birinchi marta foydalanilgan paytda aniqlaymiz. Yangilikni joriy qilish predmet mazmuniga ko'ra uchta asosiy guruhga bo'linadi:

1) texnik- texnologik;
2) mahsuliy;
3) ijtimoiy.

O'z navbatida bularga quyidagilar kiradi: iqtisodiy, tashkiliy- boshqaruv, xususiy- ijtimoiy, huquqiy. Ta'lim tizimidagi har qanday yangilik innovatsiya bo'la olmaydi. Shu sababli «novatsiya» va «innovatsiya» tushunchalari o'rtasidagi asosiy farqlarni ko'rsatib o'tish zarur. Buning uchun islohot faoliyatining aniq shakli, mazmuni va ko'lami asos bo'lib xizmat qiladi. Agar faoliyat qisqa muddatli bo'lsa va yaxlit tizim xususiyatiga ega bo'lmasa, o'z oldiga muayyan tizimdagi faqat ba'zi elementlarini o'zgartirishni vazifa qilib qo'ygan bo'lsa, u holda biz novatsiya bilan muloqot qilayotgan bo'lamiz. Agar faoliyat ma'lum konseptual yondashuv asosida amalga oshirilayotgan bo'lsa va uning natijasi o'sha tizim rivojlanishiga yoki uning prinsipial o'zgarishiga olib kelsagina innovatsiya deya olamiz. Har ikkala tushuncha mezonlari quyidagicha:

innovatsiya amaldagi nazariya doirasida amalga oshiriladi, ko‘lam va vaqt bo‘yicha chegaralanadi, metodlar yangilanadi va natijasi avvalgi tizimni takomillashtiradi. Innovatsiya esa tizimli, yaxshi va davomli bo‘ladi, ma’lum amaliyotda yangi faoliyat tizimini loyihalaydi, amaliyot sub’ektlari pozitsiyalarini to‘la yangilaydi. Bunda faoliyatning yangi yo‘nalishlari ochiladi, yangi texnologiyalar yaratiladi, faoliyatning yangi sifat natijalariga erishiladi, natijada amaliyotning o‘zi ham yangilanadi. Innovatsiyaning amaliyotga kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi. Innovatsion jarayon deb — innovatsion o‘zgarishlarga tayyorgarlik ko‘rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi.

Innovatsion jarayon — bu pedagogik yangiliklar, bu yangiliklarning pedagogik hamjamiyat tomonidan o‘zlashtirilishi va ulardan ilmiy asosda amaliyotda samarali foydalanishning o‘zgarib boruvchi yaxlitligidir. Ta’lim jarayonidagi innovatsion o‘zgarishlar, ta’lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o‘qituvchi faoliyatini yangilash va o‘zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o‘rganilgan. Innovatsion faoliyat — bu uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo‘lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O‘qituvchi innovatsion faoliyati xususiyatlarini o‘rganib chiqqan pedagogik olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovatsion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin: — ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish; — pedagogik tadqiqot metodlarini egallash; — mualliflik konsepsiyalarini yaratish qobiliyati; — tajriba — sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish; — o‘zidan boshqa tadqiqotchi — pedagoglar tajribalarini qo‘llay olish; — hamkasblar bilan hamkorlik; — fikr almashish va metodik yordam ko‘rsata olishlik; — ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish; — yangiliklarni izlab topish va ularni o‘z sharoitiga moslashtirib borish. Innovatsion faoliyat davrida yangiliklar, innovatsiyalar, tom ma’noda ta’lim jarayoniga kirib keladi. Shu sababli ta’lim tizimidagi innovatsiyalarni pedagogik jarayonga kiritish 4 bosqichda amalga oshiriladi:

1. Muammoli tahlil asosida aniqlash.
2. Mo‘ljallanayotgan ta’lim tizimini loyihalash.
3. O‘zgarishlar va yangiliklarni rejalashtirish.
4. O‘zgarishlarni amalga oshirish.

Innovatsion faoliyatga tayyorlashdan maqsad — o‘qituvchining yangilikka intiluvchanligini, mustaqil o‘z ustida ishlash ko‘nikmasi va malakasini shakllantirish, yangi pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlardan foydalanib, dars va darsdan tashqari mashg‘ulotlarni o‘tkazish malakasini takomillashtirishdan iborat. Xulosa qilib aytganda, innovatsion faoliyat — yangi ijtimoiy talablar bilan an’anaviy me’yorlarning mos kelmasligi yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me’yorining yuzaga kelgan me’yor bilan to‘qnashuvchi natijasida vujudga kelgan qator muammolarni yechishga qaratiladi. Innovatsiyalar doimiy ravishda pedagogik faoliyatga yangiliklar olib kirish orqali ta’lim rivojiga hissa qo‘shadi, pedagogik faoliyatga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. O‘qituvchining innovatsion faoliyati butun pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olg‘a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuch vazifasini bajaradi va ta’lim jarayonining sifatini kafolatlaydi. Shuning uchun ham innovatsiyani har bir o‘qituvchi tushunib, o‘qib va o‘rganib, o‘zining pedagogik faoliyatiga olib kira olsa, ta’lim standartlarida ko‘rsatilgan me’yoriy talablar amalga oshadi. O‘qituvchi innovatsiya faoliyatga tayyor bo‘lib, darsga eng so‘nggi yangiliklarni olib kirib, o‘quvchiga qiziqarli va uni ehtiyojiga mos ravishda tashkil etsagina, sifat va samaradorlikni kafolatlashi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Yuqori malakali mutaxassislar taraqqiyot asosi. T.O‘zbekiston. 1995.
2. Podlasyiy I.P. Pedagogika. Ikki qismli yangi kurs. M. "Vlados",1999
3. Bespalko V.P. Slagaemiye pedagogichekskoy tehnologii. M. 1989.
4. Tlashev H.H. O‘rta va yaqin sharq mutafakirlarning o‘rta asrlaridagi umumpedagogik va didaktik g`oyalari. T. Sharq,1997.

BOLA TARBIYASIDA O‘ZBEK OILALARINING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI

Xasanova N.A., Mirzayeva I.R., Buxoro Olimpiya zaxiralari kolleji

Annotation: *Principle of sistemno-deyatel'nostnogo approach consists in that forming of personality of student and advancement of him in development is carried out not then, when he perceives knowledges in the prepared kind, and in the process of his own activity, directed on «opening of new knowledge».*

Kalit so’zlar: *xarakter, dunyoqarash, ma’naviy mezon, komil inson.*

Bugungi kunda respublikamizning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti jarayonida inson omilini yuzaga keltirish davr talabiga aylandi. Mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning pirovard natijasi oilalar farovonligini ta’minlashga qaratilgandir. Har tomonlama yetuk shaxsni kamol toptirish, uning ma’naviyati, yuksak turmush tarzi haqida g‘amxo‘rlik qilish jamiyatimizning asosiy maqsadi hisoblanadi. Jamiyat iqtisodiy, ma’naviy-axloqiy jihatdan taraqqiy etgan, sog‘lom fikr hukm surgan oila bo‘lishidan

manfaatdordir. Shu bois bo‘lsa kerak so‘nggi yillarda hukumat tomonidan qabul qilingan bir qator qonun, qaror va yo‘l-yo‘riqlarda oilaning ijtimoiy-madaniy yuksalishini ta’minlovchi fikrlar, tavsiyalar berilmoqda.

Hozirgi davrda biz tasavvur qilayotgan oila o‘zining ko‘p ming yillik tarixiga ega. Ma’lumki, har qanday jamiyat oilalardan tashkil topadi. Oila jamiyatning kichik bo‘g‘ini hisoblanib, unda kelajak avlod kamol topadi. Bu esa nihoyatda murakkab va ko‘p qirrali jarayondir. Prezidentimiz I.A.Karimovning quyidagi fikrlari ushbu o‘rinda g‘oyat ahamiyatlidir: “Har qaysi millatning o‘ziga xos ma’naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, hech shubhasiz, oilaning o‘rni va ta’siri beqiyosdir. Chunki insonning eng sof va pokiza tuyg‘ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag‘rida shakllanadi. Bolaning xarakterini, tabiati va dunyoqarashini belgilaydigan ma’naviy mezon va qarashlar – yaxshilik va ezgulik, olijanoblik va mehr-oqibat, or-nomus va andisha kabi muqaddas tushunchalarning poydevori oila sharoitida qaror topishi tabiiydir”.

Insoniyatning ko‘payishi tabiat qonuni bo‘lgani kabi, bola dunyoga kelgan kundan boshlab ota-onaning bola tarbiyasi uchun mas’ulligi ham jamiyat qonunidir. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasida oilaga shunday ta’rif beriladi: “oila nikohga yoki tug‘ishganlikka asoslangan kichik guruh. Uning a’zolari ro‘zg‘orning birligi, o‘zaro yordami va ma’naviy mas’uliyati bilan bir-biriga bog‘langan. Oilaning eng muhim ijtimoiy vazifalari – inson zotini davom ettirishdan, bolalarni tabiyalashdan, oila a’zolarining turmush sharoitini va bo‘sh vaqtini samarali uyushtirishdan iboratdir”. Shuningdek, “Falsafa: qomusiy lug‘at” da yozilishicha, “oila – er-xotinlik ittifoqiga, qarindoshlik aloqalariga, umumiy xo‘jalik yuritadigan er va xotin, ota-ona va bola, aka-uka va opa-singillar va boshqa qarindoshlar o‘rtasidagi munosabatlarga asoslanadigan kichik ijtimoiy guruh, jamiyatning asosi, davlat qudratining manbai.… oila fuqarolik jamiyatining, davlatning eng muhim hujayrasi, zarrasi, bo‘g‘inidir”.

Har tomonlama yetuk, komil inson tarbiyasi – o‘tmish ota-bobolarimizning azaliy orzusi bo‘lib, uning zamirida kelajak avlodning baxt-kamolini ko‘rishdek ezgu maqsad mujassamdir. Dunyo xalqlari ichida o‘zbek xalqi milliy qiyofasi, milliy harakteri, madaniyati va o‘zaro munosabatlarda o‘ziga xosligi bilan alohida ajralib turadi. Bunday o‘ziga xoslik avvalo oilada shakllanib boradi.

Olib borilgan kuzatishlar davomida o‘zbek oilalarining o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib, quyidagi tarbiyaviy imkoniyatlari borligini aniqladik:

- o‘zbek oilasining milliy xarakterida o‘zaro hurmat, inoqlik, mehr-shafqat, sadoqat kabi ijobiy fazilatlarning mavjudligi;
- ota-ona va farzand o‘rtasida o‘zaro ruhiy muhitning qaror topganligi;
- oilada keksa avlod vakillarining mavjudligi, ularning farzand tarbiyasiga ijobiy ta’sir kuchi, oilada ota-onalik, qon-qarindoshlik xislatlarining shakllantirib borishdagi ahamiyati;
- oila a’zolarida o‘zaro yuksak axloqiy munosabatlarning qaror topganligi;
- oilada otaning roli ustunligi, oila tayanchi ekanligi, shaxsiy namunasi;
- oilada bola tarbiyasida maslahat, namuna, ibrat, o‘git, pand-nasihat kabi tarbiyaviy usullar, shuningdek xalq og‘zaki ijodi (ertak, hikoya, doston va hokazo) dan keng foydalanishi;
- farzand tarbiyasiga nafaqat ota-ona, balki mahalla ham befarq emasligi, “bir bolaga yetti mahalla ota-ona” qabilida ish ko‘rilishi va hokazo.

Bundan ko‘rinadiki, oilalarni mustahkamlash, farzand tarbiyasida ta’lim muassasalari, jamoatchilik va mahalla-ko‘y fikrining kuchi va ta’siridan foydalanish ham bugungi kunda katta ahamiyat kasb etadi. Bu boradagi tajriba va an’analar, o‘zbek oilalarining tarbiyaviy imkoniyatlaridan samarali foydalanish oila mustahkamligi yo‘lida amalga oshiriladigan ma’naviy, tarbiyaviy ishlarning muhim shartidir. Oilada o‘sib-ulg‘ayotgan bola har tomonlama yetuk, ma’naviy fazilatlarni egallagan, ijtimoiy burchini anglagan shaxs sifatida tarbiyalanadi. Zero, oila – farzand ma’naviy kamolotidagi o‘ziga xos betakror maktabdir.

Olib borgan tadqiqot natijalariga tayanib, quyidagicha xulosaga kelish mumkin:

- o‘zbek oilasining tarbiyaviy imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda bolani tarbiyalash usullari va shakllariga ijodiy yondashish;
- ota-onalar o‘rtasida tarbiyaga oid bilimlarni targ‘ib qilish, bu borada oila, mahalla va tegishli ta’lim muassasasi hamkorligini yo‘lga qo‘ygan holda oilaviy tarbiyada qiyinchilikka uchrayotgan ota-onalarga metodik tavsiyalar ishlab chiqish hamda jamoatchilik yordamini kuchaytirish;
- ta’lim muassasalarida ota-onalar bilan ishlashga yanada ijodiy yondashish, faoliyat ko‘lamini kengaytirish, namunali oilalarning ijobiy yutuqlari va tajribalarini o‘rganish hamda ommalashtirish;
- farzand tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi, nosog‘lom oilalarni aniqlab, mahalla fuqarolari yig‘inlarida muhokama qilish, mahalla faollaridan “otalik” belgilash va jamoatchilik ta’sirini o‘tkazish;
- oilada bola tarbiyasida nafaqat nasihat yoki kattalar tajribasi, balki oilaning turmush tarzi, an’anasi, muhiti ham muhim rol o‘ynashini hisobga olish;
- ota-onalar har jihatdan yetuk, sog‘lom fikrli farzand tarbiyasi oila va jamiyatning mustahkam tayanchi ekanligini inobatga olishi;
- bola tarbiyasida muammoga duch kelayotgan oilalarga tegishli ta’lim muassasasi tomonidan pedagogik-psixologik maslahatlar berishni tashkil etish va hokazo.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jumaev A. Bo'lajak o'qituvchi shaxsining ijtimoiy faollik omillari./ "Xalq ta'limi" jurnali, 2006, № 6. -17-20 b.
2. Bespalьko V.P. Pedagogika i progressivnыe texnologii obucheniya. – M.: Izd-vo Instituta professionalьnogo obrazovaniya Ministerstva obrazovaniya Rossii, 1995.
3. Og'aev S. Yangi pedagogik texnologiya-hayotiy ehtiyoj. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2001, № 3. -69-71 b.

TARBIYA PSIXOLOGIYASI

Abdullayeva Nodira, Buxoro viloyati ixtisoslashtirilgan san`at maktab-internati

Annotaciya:glavnoy the purpose of an educate work is creation of social-pedagogical environment, cooperant the maintainance of natural mechanisms of development of teenagers, in which his necessities are formed to samorazvitiyu and self-realization. Basic task: To expose the capabilities of every student, educate personality, ready to life in the hi-tech, competition world.

Kalit so'zlar: pedagogik jarayon, tarbiya, ob'ekt, sub'ekt, milliy g'urur.

Prezidentimiz I.A.Karimov; «Ta'limning yangi modeli jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi. O'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun, hayotda aniq maqsadga ega bo'lgan insonlarni tarbiyalash imkoniga ega bo'lamiz» deb ta'kidlaganlaridek, «Ta'lim to'grisida»gi qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» bugungi kunda shaxs tarbiyasiga jiddiy e'tiborni qaratmoqda.

Tarbiya psixologiyasi maqsadga muvofiq ravishda tashkil etilgan pedagogik jarayon sharoitida inson shaxsi shakllanishining qonuniyatlarini o'rganadi. Tarbiya har qanday jamiyatning muhim vazifasidir.

Tarbiya – bu shaxsning ijtimoiy ma'naviy va ishlab chiqarish faoliyatiga tayyorlash maqsadida uning ma'naviy, jismoniy kamolotiga muntazam ravishda ta'sir ko'rsatish jarayonidir.

Tasavvur qiling: ilmi zo'r, katta ixtirolarga qurbi yetadigan, qonunlarni yaxshi o'zlashtirgan mutaxassis — ma'naviyatsiz, tarbiyasiz, axloqsiz bo'lsa nima bo'lishi mumkin? U o'z manfaatini o'ylaydi, Vatan uchun biror narsa qurbon qila olmaydi, chunki u -xudbin. Unda mehr, oqibat, fidoiylik, vatanparvarlik, milliy g'urur yo'q. U muhtojlarga yordam bermaydi. Chunki unda tarbiya shakllanmagan.

Ma'lumki, odam ongining yuksak belgilaridan biri uning o'zini anglashidir. Odamning o'zini anglashi o'z navbatida shaxsning muhim belgisi hisoblanadi. Odam o'z tevarak-atrofidagi olamni biluvchi va shu olamga ta'sir etuvchi sub'ektdir. Odamning idrok etadigan, tasavvur qiladigan narsalari uchung uchun ob'ektdir. Ana shu nuqtai-nazardan olganda, odamning o'zini anglashi sub'ektiv ravishda o'zini «men» deb his qilishida ifodalanadi.

Odam ijtimoiy zot bo'lganligidan unga o'zligini anglash qobiliyati xosdir. Faqat ijtimoiy hayotda, o'zga kishilar bilan qiladigan turli munosabatlarda odamning o'zini anglashi, o'zini «men» deb bilishi vujudga keladi va taraqqiy etadi. Odam o'zini alohida shaxs sifatida kim deb bilishi, o'zining o'tmishi va kelajagini anglashi, o'z huquq va burchini anglashi va nihoyat o'zining fazilat hamda kamchiliklarini anglashi o'zini anglashiga kiradi.

Insonning tabiatini o'zgartiradigan, uning shaxsini tarkib topishiga ta'sir qiladigan kuch ijtimoiy omillar yoki boshqacharoq qilib aytganda, jamiyat ishlab chiqarish kuchlari, hamda ishlab chiqarish munosabatlarining o'sishi va o'zgarishidir. Bundan tashqari yana inson shaxsining tarkib topishiga ta'sir qiluvchi kuchli omil — inson orttirgan tajribalarning tarbiya vositasi orqali bolalarga berilishidir. Shunday qilib, inson shaxsi juda murakkab psixologik kategoriya bo'lib, u kishining individual hayoti davomida ma'lum konkret omillarning ta'siri ostida sekin-asta tarkib topadi. Ilmiy manbalarga qaraganda inson shaxsi uchta faktorlar ta'sirida tarkib topadi. Ulardan birinchisi odam tug'ilib o'sadigan tashqi ijtimoiy muxitning ta'siri bo'lsa, ikkinchisi odamga uzoq muddat davomida sistemali beriladigan ijtimoiy ta'lim-tarbiyaning ta'siridir va nixoyat, uchinchisi odamga nasliy yo'l bilan beriladigan irsiy omillarning ta'siridir.

Shunday qilib, insonning psixik taraqqiyotida va shaxsiy sifatlarining tarkib topishida tashqi ijtimoiy muhit va tarbiyaning roli hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Lekin, inson shaxsining tarkib topishi, yuqorida aytib o'tganimizdek, faqat shu ikkita faktorga emas, balki uchinchi bir faktorga ham bog'liqdir. Bu faktor nasliy yo'l bilan ayrim anatomik va biologik xususiyatlarning ta'siridir. Odamga nasliy yo'l bilan ayrim antomik va biologik xususiyatlari beriladi. masalan: tanasining tuzilishi, sochi va ko'zlarining rangi, ovozi, gapirish uslublari, ayrim harakatlari tug'ma ravishda berilishi mumkin. Lekin, odamga hech vaqt uning psixik xususiyatlari, ya'ni uning aqliy tomonlari bilan bog'iq bo'lgan sifatlari nasliy yo'l bilan beriladi.

Hozirgi kunda xalqimiz orasidan yetishib chiqqan iste'dodli olimlar, muxandis-ixtirochilar, yozuvchi va shoirlar, davlat va jamoat arboblari, iste'dodli artistlar, rassomlar va boshqa kishilarimizga nasliy yo'l bilan berilgan barcha imkoniyatlarning ro'yobga chiqishi uchun har qanday sharoit maydonga kelganligini dalili bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. «Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch» I.A.Karimov Toshkent «Ma'naviyat» 2008 yil.
2. «Pedagogika» (Prof. M.X.To'xtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida) O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti Toshkent-2010 yil.
3. «Kasbiy ta'lim metodologiyasi» A.R.Xodjaboyev, I.A.Husanov O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan o'quv qo'llanma sifatida tavsiya etilgan Toshkent — 2007 yil.
4. «Oila ma'naviyati» Oxunjon Safarov, Melis Mahmudov Respublika ma'naviyat va ma'rifat kengashi milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi Toshkent «Ma'naviyat» 2009 yil.

TA’LIMDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

A.T.Gulboyev, p.f.n., BuxDU

Bugungi kunda axborot texnologiyalari jamiyatimiz rivojlanishiga ta’sir etuvchi eng muhim omillardan biri hisoblanadi. Axborot texnologiyalari insoniyat taraqqiyotining turli bosqichlarida ham mavjud bo’lib, hozirgi zamon axborotlashgan jamiyatning o’ziga xos xususiyati shundaki, axborot texnologiyalari barcha mavjud texnologiyalar, xususan yangi texnologiyalar orasida etakchi o’rin egallamoqda.

Axborot texnologiyasi va texnik vositalar samarasini belgilaydigan didaktik materiallardan keng foydalanish zamonaviy pedagogik texnologiyalarning asosiy belgilaridan biridir. Milliy dasturda ta’lim-tarbiya jarayonini boshqarishning bu muhim vositasiga alohida urg’u berilgan. Axborotli vositalar (kompyuter, elektron aloqa, radio, televidenie) dan foydalanish darajasi ikki omil bilan aniqlanadi:

1. O’quv jarayoni uchun axborotli vositalar samara beradigan mavzular yuzasidan didaktik materiallarni ishlab chiqish.
2. Pedagoglarning o’z amaliy faoliyatlarida texnik vositalar va didaktik materiallardan metodik jihatdan to’g’ri foydalana olish tayyorgarligini tekshirish.

Axborotli ta’lim jarayoni oldindan pedagogik loyihalangandagina ko’zlangan maqsadga erishish mumkin. Pedagogik jarayonni kompyuterlashtirish asosiy yo’nalishlaridan biri va zamonaviy pedagogik texnologiyalarning shug’ullanishi lozim bo’lgan sohasidir.

O’qitishning zamonaviy axborot texnologiyalari o’quvchi-talabaning emas, u eng avvalo, o’qituvchi(pedagog)ning texnologiyasidir. O’quvchi-talaba zamonaviy axborot texnologiyasini o’rganmaydi, balki uning mahsulotidan o’qitishning texnik vositasi sifatida foydalanadi. O’qituvchi (pedagog) zamonaviy texnologiyalarni qo’llab darsga tayyorlanadi, darsni tashkil qiladi, o’quvchi- talabalar bilimini nazorat qiladi va uning vazifasi ta’lim mazmunini takomillashtirish uchun kompyuterlashtirishning eng yuqori darajasidagi axborot texnologiyalarini ta’lim jarayoniga olib kirishdan iborat bo’ladi.

Kompyuterli texnologiyalar dasturli o’qitish g’oyalarini rivojlantiradi, zamonaviy kompyuterlar va telekommunikasiyalarning noyob imkoniyatlari bilan bog’liq ta’limning hali tadqiq qilinmagan yangi texnologik variantlarini ochadi.

Kompyuterli texnologiya mazmuni bir qancha shakllantirilgan modelni qo’llashga asoslangan bo’lib, bu model kompyuter xotirasiga yozib qo’yilgan pedagogik dasturli vositalar va telekommunikasiya tarmog’ining imkoniyatlari orqali namoyon bo’ladi.

Axborot texnologiyalaridan faqat o’quv jarayonida emas, balki uzluksiz ta’lim tizimida faoliyat yuritayotgan o’qituvchilarni ilmiy-texnik va maxsus axborot bilan ta’minlaydigan axborot ishida, ta’lim tizimini boshqarishda va kadrlarning malakasini oshirish hamda ularni qayta tayyorlash tizimida ham foydalanish mumkin.

Ta’lim jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanilganda o’quvchi-talabalarning bilish faoliyatini tashkil etish shakllarini tiklash muammosi yangicha hal etilishi lozim. Agar an’anaviy ta’lim sharoitlarida bilish faoliyatini tashkil etishning eng ko’p tarqalgan shakllari individual va frontal shakllar bo’ladigan bo’lsa, axborot texnologiyalaridan foydalanish sharoitida ularning ikkalasidan bir vaqtda foydalanish mumkin.

SHuningdek, ta’lim jarayoniga axborot texnologiyalarining joriy etilishi o’qituvchi (pedagog) vazifasining o’zgarishiga sabab bo’ladi, ya’ni pedagog ta’lim-tarbiya berishdan ko’ra ko’proq tadqiqotchi, tashkilotchi, maslahatchi va dasturlovchiga aylana boradi. Bularning hammasi esa o’qituvchi(pedagog)larni qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini o’zgartirishni talab qiladi. Tadqiqotchilar ta’kidlaganidek, o’qituvchi (pedagog)larning axborot madaniyati asoslari metodologik, umumta’limiy, umummadaniy xarakterda bo’lib, pedagog xodimlarni kasbiy tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish jarayonida barcha o’quv fanlari kompleksini o’rganishda shakllanishi lozim.

Yuqorida aytilganlarni hisobga olib, yangi tizim mutaxassis kadrlarini tayyorlash uchun muhim vazifalarni hal etishga yordam bera oladigan yangi samarali, hammabop pedagogik uslubni joriy etish zaruriyati tug’ildi, deb ayta olamiz. Buning uchun laboratoriya stendlari va o’quv ustaxonalaridagi

mashg'ulotlar barcha talabalar uchun nafaqat qiziqarli, balki qulay va oson bo'lishiga erishmoq lozim. Mashg'ulotlar o'ziga jalb eta olishi, barcha ruhiy va didaktik omillarni hisobga olishi, jarayonlarni jo'shqin tarzda namoyon etishi, mashg'ulotlar o'tkazish va o'qitilayotgan fanni o'zlashtirishni, umuman butun o'qitish samarasini oshirishi, egallangan bilimlar xususida o'ziga-o'zi baho berish imkonini ta'minlamog'i zarur. Aynan shu nuqtai nazardan zamonaviy axborot texnologiyalarining tadbiq etilishi yuqorida ko'rsatilgan vazifalarni maqbul tarzda hal qilish va an'anaviy o'qitish usulining bir qator kamchiliklarini bartaraf etishga ko'mak beradi.

ПЕДАГОГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

А.А.Алимов, ЎМКҲТТ КМҚТИ катта илмий ходим-изланувчиси

Компетенцияли ёндашув, инсон фаолиятида ҳар томонлама копетенлиликни шакллантириш ҳозирги замон жамияти ва таълимининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Бу талаб ўқитувчи-педагоглар фаолиятига ҳам бевосита дахлдордир. Бугунги кунда дунё *таълимини янгилашнинг асосий йўналиши таълим жараёнида фаолиятли ёндашув орқали дунёни, ҳаётни, касбий фаолиятни яхлит тизимли кўра олиш, унда тизимли фаолият кўрсатиш, янги-янги муаммо ва топшириқларни ҳал эта олиш тажрибасини шакллантиришдан иборатдир*.

Касбий тайёргарлик натижаси "касбий компетентлик" тушунчаси ёрдамида аниқ ва тўлиқ тасвирланиши мумкин.

Касбий компетентлик интеграл хусусиятга эгадир. У касбий фаолият жараёнида пайдо бўладиган вазиятларда касбий муаммолар ва касбий топшириқларни ҳал эта олиш *қобилияти* ва *тайёрлик* даражаси бўлиб, билим, кўникма, малака, касбий ва ҳаётий тажрибани, қадриятлар ва маданиятни ишга солишни назарда тутади.

"*Қобилият*" бу ўринда "мойиллик", "кўникма" маъносида тушунилади ва яхлит олганда қобилият муайян фаолият соҳасини муваффақиятли ўзлаштириш ва бажаришда асқотадиган шахсий сифат бўлиб ҳисобланади.

"*Тайёрлик*" атамаси бу ўринда, аввало, мустақил фаолиятга ва зарур бўлганда, ижодий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлик маъносида қўлланилган.

"*Компетенция*" деганда эса (лотинча *compete* – эришаман, мувофиқман, мос келаман) киши эгаллаган муайян билим, кўникма, малакалар мажмуи тушунилади. Компетенция, шунингдек, муайян вазифани бажариш учун бирор шахс ёки ташкилотга берилган ваколат ва ҳуқуқ маъносида ҳам қўлланилади.

Компетентлилик ва компетенция сўзлари бир-бири балан боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо этадиган тушунчалар саналади. Шунга кўра касбий компетенция ўзида бир қатор компетентлик ва компетенцияларни мужассамлаштиради. Зеро, етарли даражада касбий компетенцияси ривожланмаган ва кенг доирадаги компетенцияга эга бўлмаган мутахассис ўз лавозим вазифаларини муваффақиятли бажара олмайди. *Компетентли* деб муайян бир соҳага оид маълумотга эга бўлган ва шу соҳага хос компетенцияларни эгаллаган кишига айтилади.

"Компетенция" ва "компетентлилик" тушунчаларининг фарқи қуйидагиларда намоён бўлади:

- *компетенция* – давлат ихтиёрида бўлган, олдиндан белгиланган ижтимоий талаб бўлиб, у ўқувчи (ишчи)нинг муайян соҳада самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган таълимий (профессионал) тайёргарлигига нисбатан қўйилади;
- *компетентлилик* – бу ўқувчи (ишчи) томонидан эгалланган хос компетенция бўлиб, кишининг муайян соҳада эгаллаган шахсий сифатилари, муайян соҳада орттирилган тажриба.

Таълимий копетенциялар шуниси билан фарқланадики, улар ўқувчи фаолиятини келажакда тўлақонли ҳаёт кечириши (фаолият кўрсатиши) учун моделлаштиради. Маълум ёшгача, давргача инсон бирор бир копетенцияни намоён эта олмайди, аммо бу компетенцияни шакллантирмаслик керак дегани эмас. Бундай ҳолатда таълимий компетенциялар ҳақида, яъни ўзаро боғлиқ мазмун йўналишлари, билим, кўникма, малакалар, борлиқда мавжуд воқеликларга муносабат нуқтаи назаридан фаолият тажрибасида ифодаланган, ҳам шахсий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган таълимий тайёргарлик тўғрисида гап боради.

Ижтимоий-гуманитар билимлар, жумладан педагогика соҳаси мутахассиси ишини таҳлил қилиш натижасида шундай турдаги фаолият учун хос бўлган ***таянч компетенцияларни*** ажратиш имконини берди. Булар қуйидагилар:

1) концептуал – касбий-педагогик фаолиятнинг назарий асосларини тушуниш, педагогика соҳасига оид умумий, фалсафий ва методологик ёндашувларни эгаллаш;
2) интрументал – педагогик методлар ва малакаларга эга бўлиш;
3) ахлоқий қадриятли – педагоглик ишининг қабул қилинган меъёрлари, маънавий қадриятлари, унинг миссионерлик ва инсонпарвар йўналганлиги, педагогнинг ижтимоий масъулияти,

жамиятнинг тараққиёти учун педагогик фаолиятнинг аҳамияти, болаликни ва алоҳида бир инсоннинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

4) интегратив – назария ва амалиётни, уларнинг ахлоқий-методологик таркибини педагогик муаммоларни ҳал этишда уйғунлаштира олиш қобилияти;

5) контекстуал – педагогик фаолият амалга ошириладиган ижтимоий, маданий, ташкилий муҳитни тушуниш, педагогик жараёнда индивидуалликни намоён этишнинг ўзига хослиги;

6) адаптацияли – педагогик жараёнларнинг зиддиятларини, ижтимоий-педагогик ўзгаришлар характерини, воқеа-ҳодисалар ва одамлар хулқ-атворининг ўзгарувчанлигини олдиндан кўра олиш, буларнинг ҳаммасига тайёр бўлиш қобилияти;

7) коммуникатив – замонавий ахборот оқимларидан, шахслараро коммуникациянинг ёзма ва оғзаки воситаларидан самарали фойдалана олиш, турли турли ижтимоий-ролли педагогик позицияларда диалогик мулоқот қила олиш, турли хил одамларнинг ўзига хослиги, позицияси ва фикрларини қабул қила олиш кўникмалари.

2-босқичда – таълим олувчиларнинг касбий-профессионал топшириқларга “шўнғиш” жараёни кечади. Бу топшириқларни ҳал этиш усулларни эгаллаш орқали шакллантирилган таянч компетенциялар асосида *базавий компетенциялар* ҳосил қилинади. Бу босқичда базавий ва таянч копетенцияларнинг ўзаро сингиши (интеграцияси) рўй беради.

3-босқичда – базавий компетенциянинг таянч ва махсус компетенция билан ўзаро чамбарчас боғлиқ интеграцияси амалга оширилади. Шундан сўнг *махсус компетенциялар*нинг ривожланиш жараёни кеча бошлайди.

Педагогнинг махсус компетенциялари ривожланиш жараёни иш тажрибаси ва ўқув топшириқларини бажариш, ижодий иш ва лойиҳаларнинг ўзаро уйғунлиги, педагогик тадқиқотлар олиб бориш орқали кечади.

Яхлит олганда базавий компетенциялар замонавий касбий фаолият асосий топшириқларни тушуниш, таянч компетенциялар эса шу топшириқларни ечиш алгоритимига ўтишни назарда тутади. Махсус компетенциялар эса алоҳида бир мутахассиснинг касбий фаолияти мисолида базавий ва таянч компетенцияларнинг қўлланилишини кўрсатади.

TA’LIM VA TARBIYA O’QUV JARAYONINING AJRALMAS QISMI

Muxammedova Nigina, O’rinova Kamola, Buxoro Olimpiya zaxiralari kolleji

Annotation: *The article can be useful teachers, educators and parents, because tells about that, how to use portfolio as stimulyatora of creative activity of schoolboys. The major constituent of pedagogical process is become by the personality-oriented co-operating of educator with student.*

Kalit so’zlar: *ma’naviyat, «Qobusnoma», ,«Hadis», yuksak axloqiy xislatlar, ta’limiy-axloqiy risolalar.*

Muhtaram yurtboshimizning “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asarida shunday purma’no so’zlar bor: “Bugun biz tarixiy bir davrda – xalqimiz o’z oldiga ezgu va ulug’ maqsadlar qo’yib, tinch-osoyishta hayot kechirayotgan, avvalambor o’z kuch va imkoniyatlariga tayanib, demokratik davlat va fuqorolik jamiyati qurish yo’lida ulkan natijalarni qo’lga kiritayotgan bir zamonda yashamoqdamiz”.

Tarixga nazar solsak, Sharq Uyg’onishi davrida ma'naviy-ma'rifiy sohada asosiy masala inson muammosi edi. Insoniylik, insonni ulug’lash g’oyasi talim-tarbiyaga oid asarlarning asosiy o’zagi sanalgan. Zero, insoniylik g’oyasida yuksak axloqiy xislatlar ifodalangani uchun ham Sharq Uyg’onish davri falsafasi va pedagogikasida ta’limiy-axloqiy yo’nalish muhim ahamiyat kasb etdi. Axloq masalasi faylasuflarning ham, tarixchi-yu shoir hamda adiblarning ham birdek diqqat markazida boldi. Ta’limiy-axloqiy risolalar paydo bo’lib, axloqning ham nazariy, ham amaliy masalalari tahlil etildi. «Qutadg’u bilig», «Qobusnoma», «Hibbat ul-haqoyiq», «Guliston», «Bo’ston», «Axloqi Jaloliy», «Axloqi Nosiriy», «Axloqi Muhsiniy», «Mahbub ul-qulub» kabi Yusuf Xos Hojib, Kaykovus, Ahmad Yugnakiy, Muslihiddin Sa'diy, Nasiriddin Tusiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Jaloliddin Davoniy, Husayn Voiz Koshifiyning ta’limiy-axloqiy asarlari yuqorida ta'kidlaganimiz inson shaxsini ma'naviy-axloqiy shakllantirish muammosini hal etish sohasida yaratilgan sof pedagogik asarlar sifatida muhim ahamiyatga ega. Mazkur ta’limiy-axloqiy asarlarda insonning ma'naviy kamolga etishishi yuksak axloqqa ega bo'lishi, ilm-fanni egallash asosidagina amalga oshishi mumkin, degan g’oya ilgari surildi.

Chunki biz nazarda tutayotgan davrdan boshlab savod o’rgatish «Qur’on» va «Hadis»larni o’rganish va o’zlashtirish asosida olib borilgan. «Qur'on» va «Hadis»lardagi pand-nasihatlar ham olimlar, ham adiblar ijodiga ta'sir etgan. Ularda ilgari surilgan musulmonlikning muhim xislatlari: halollik, saxovat, himmat, mehru oqibat, ehson, sharm-hayo, ilm izlash, muomala qoidalari, axloq mezonlari va boshqalar o’z ifodasini topgan va Sharq adabiyotiga, jumladan, ta’limiy-axloqiy asarlarga ta'sir etgan. Ta’limiy-axloqiy asarlar bevosita Hadislarda ilgari surilgan g’oyalar asosida yaratildi. Hadislar ta'siri Yusuf Xos Hojibning «Qutadg’u bilig» asaridan boshlanib, Kaykovusning «Qobusnoma», Ahmad Yugnakiyning «Hibbat ul-haqoyiq»,

Sa’diyning «Guliston», Alisher Navoiyning «Mahbub ul-qulub» va boshqa asarlar negizida ko’rinadi. Ham g’oya, ham mazmun, ham shakl buning dalilidir.

Buyuk Sharq mutafakkirlari pedagogik mahorat haqida.Quyida biz buyuk sharq mutafakkirlarining pedagogik mahoratga doir ayrim fikrlarini keltiramiz.

Abu Nasr Farobiy o’zining “Baxt saodatga erishuv” nomli asarida ta’lim-tarbiya berish usulini ikki turga bo’ladi: rag’batlantirish va jazolash (majbur qilish). U mazkur usullarni izohlar ekan, o’qituvchining pedagogik mahoratiga ham to’xtalib o’tadi: “Bolalar ustida turgan odam yesa muallim bo’lib, u tarbiya berishda turli tarbiya usulidan foydalanadi. Mana shundan ma’lum bo’ladiki, hukumat va muallim har ikkovi o’z yo’lida, bolalar yoki xalqqa tarbiya beruvchilar, ustod va muallimlardir, Ulardan biri bolalarga mehribonlik va yaxshi so’zlar bilan tarbiya bersa, ikkinchisi majburiy ravishda tarbiyalaydi”.

Shu bilan birga u “Ta’lim-tarbiya ahllari ham o’z bilimlarining darajasiga qarab” bir-birlaridan farq qilishlari, ortiq-kam bo’lishlari, ba’zi birlarida kashf, ixtiro quvvati bo’lmasligi, ba’zilarida esa bu quvvatning kamroq bo’lishini ta’kidlaydi (110-b).Farobiy shogirdga nisbatan o’ta qattiq yoki o’ta yumshoq munosabatda bo’lishning zararli ekanligini ham ta’kidlab o’tadi.

Abu Nasr Farobiy ustoz-murabbiyga shunday talab qo’yadi: “Ustoz o’z shogirdlariga qattiq zulm ham, haddan tashqari ko’ngilchanlik ham qilmasligi lozim. Chunki, ortiqcha zulm shogirdda ustozga nisbatan nafrat uyg’otadi bordiyu ustoz juda yumshoq bo’lsa, shogird uni mensimay qo’yadi va u beradigan bilimdan sovib ham qoladi. U ustozlarga bolalarning fe’l-atvoriga qarab tarbiya jarayonida quyidagi “qattiq” yoki “yumshoq” usullardan foydalanishni maslahat beradi:

1.Tarbiyalanuvchilar o’qish-o’rganishga moyil bo’lsa, ta’lim-tarbiya jarayonida yumshoq usul qo’llaniladi.

2. Tarbiyalanuvchilar o’zboshimcha, itoatsiz bo’lsa, qattiq usul (majburlov) qo’llaniladi.

U o’qituvchining tarbiya usullarini hukumat (davlat) va shoxlarning xalqni tarbiyalash va boshqarishdagi usullariga o’xshatadi, ularni qiyoslaydi. Har ikkalasida ham yumshoqlik va majburlov zarurligini uqtiradi

Xususan, Abu Nasr al-Forobiyning o’z davri uchun katta xizmatlaridan biri shundaki, u kishilarni ilm-ma’rifatli bo’lishga, halol mehnat qilishga va kasn-hunar egallashga chaqiradi. Insonni “Ojiz banda”, “Hech narsaga qodir bo’lmagan mavjudod” kabi yerga uruvchi diniy aqidalarga zid o’laroq, mutafakkir nazarida inson eng oliy kamolot bo’lib, “aql-idrok ziyosiga ega, o’zi uchun zarur bo’lgan hamma narsani yaratishga qodir borliqdir. ”

Buyuk mutafakkir Abu Rayhon Beruniy ta’lim va tarbiyaning tabiatga mosligi, ta’lim va tarbiyada mo’tadillik printsiplarini asoslagan buyuk pedagogdir.

Beruniy insonni tabiatning bir qismi deb biladi. Tabiatni va jamiyat ilmini o’rganishda “O’zimni tekshirib ko’rmaguncha ishonmayman” degan shiorga amal qiladi. U mohir pedagog sifatida pedagogik mahorat masalasida o’zining qator tavsiyalarini ishlab chiqadi: “O’qituvchini hamma narsaga o’rgatish” san’ati, tabiatga moslik, bolalarning shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish kabilar shular jumlasidandir. Beruniy: “Maqsad vaqtni cho’zish yemas, balki o’quvchini zeriktirmaslik. Chunki doimo bir xil narsaga qaray berish mallollik va sabrsizlikka olib keladi. O’quvchi fandan-fanga o’tib tursa, turli bog’larga yurganga o’xshaydi. Birini ko’rib ulgurmay, boshqasi boshlanadi va o’quvchi “Har bir yangi narsada o’ziga yarasha lazzat bor”- deyilganidek, ularni ko’rishga qiziqadi va ko’zdan kechirishni istaydi. Bir xil narsa charchatadi, xotiraga malol keltiradi”, — deb yozgan edi.

Beruniy o’qitish jarayonida quruq yodlashni qoralaydi. U “Tushunish yodlashdan yaxshiroq va afzaldir”… “Kuzatishning ko’pligi narsalarni yeslab qolish qobiliyatini yaratadi”, deb uqtiradi. U o’zining “Osor al-boqiya” asarida“Butun kuchimni yig’ib, bor imkoniyatni ishga solib, goh eshitish, goh ko’rish va qiyos qilish orqali, bilimim yetganicha u narsani bayon yetishga bel bog’ladim”, deb yozar ekan, har bir pedagogning ham ana shunday sifatlarga ega bo’lishini orzu qiladi.

Xullas, Beruniy insonning halol mehnat qilishi va kasb-hunar egallashi tufayli aql-zakovati, qobiliyati, qudrati oshib borishiga ishonadi. Bu bilan u mehnatsevarlik o’z kasbini ardoqlashdek fazilatlarni g’oyatda qadrlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. «Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch» I.A.Karimov Toshkent «Ma'naviyat» 2008 yil.
2. «Barkamol avlod-O'zbekiston taraqqiyotining poydevori» Prezident Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy majlisi IX sessiyasida so'zlagan nutqi. Toshkent, 1997 yil.
3. «Milliy pedagogik texnologiyani ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbig'i va uni yoshlar intellektual salohiyatini yuksaltirishdagi o'rni» Mamarejab Tojiyev, Bo'ri Ziyomuhammadov Toshkent «Mumtoz so'z» 2010 yil.

MUSIQA TA'LIMIDA OG'ZAKI IJOD USULLARIDAN FOYDALANISh TEXNOLOGIYASI

Xakimova Gulmira Abdurasulovna, BuxDU talabasi, Ilmiy rahbar: s.f.n.S.B.Saidiy

Hech kimga sir emaski, bastakorlik ijodi masalasiga yaqin-yaqinlargacha asosan g'arbiy musiqashunoslikda qabul qilingan mezonlar bilan yondoshildi. Shuningdek, kompozitorlik ijodi uchun birdan bir xos bo'lgan nuqtalar umuman zamonaviy musiqiy ijodkorlikning shartlariga aylandi.

Xususan, an'anaviy sozanda bastakorlik san'ati tarixining buyuk ijodkorlari tarixini har tomonlama chuqur o'rganish, izlanish hamda xalqimizga yetkazishga keng imkoniyatlar ochildi.

An'anaviy sozanda bastakorligi san'atiga xos asosiy xususiyatlar quyidagilardan iboratdir, bular:

1. Tayyor kuyga so'z solish.
2. An'anaviy musiqiy merosimizdan foydalanib asar yozish.
3. Og'zaki an'anaga murojaat qilib asar yozish.
4. Har xil janrlarni uyg'unlashtirib asar yozish.
5. Qardosh xalqlar ohangini o'zbek uslubiga moslab asar yozish.

Kiritilgan bastakorlar odatdagidek alifbo tartibida emas, tarixiy – tavalludi xronologiyasi tarzida berildi. Shuningdek, ushbu risolani yaratishda mazkur ma'lumotnomaga kiritilgan bastakorlar xayoti va ijodiga doir barcha ilmiy ishlar, maqola va qo'llanmalardan samarali foydalanildi. Albatta musiqashunos olimlar, bastakorlar, eng muhimi kitobxonlar taklif – mulohazalari asosida kelgusida mazkur bastakorlar ijodi ma'lumotnomasini yanada sifatli bo'lishi hisobiga mukammallashtirish imkoniyati tug'iladi deb umid qilamiz.Ushbu masala yuzasidan ba'zi texnologiyalarni tadbiq etmoqchi bo'lsak, bunda:

«Bezak» texnologiyasi. Mazkur texnologiya o'zbek amaliy san'atidan olingan bo'lib qadimgi Xiva, Buxoro, Samarqand minoralarida o'z salobati, ko'rki bilan dunyoga mahlum va mashhur bo'lishi va o'z chiroyi bilan bo'lgani kabi koshinlardagi har bir naqsh va bezaklar qo'li gul mehmor va naqqosh ustalarning mehnat samarasi ekanligini his etamiz.


Har bir xalq ashulasi Xiva, Buxoro, Samarqand minoralari salobati bilan bastlasha olishini ijro jarayoni orqali ko'rishimiz mumkin.

Bular: nolish, titratish, tovushni chayqatish, nag'mapardoz, nag'masoz, nag'maovoz kabi iboralar bilan atalib kelinadi.

Nolish. Qo'shiqning bir bo'lagini bezak berib ifodalash, yahni tovushga ijro vaqtida ham diez, ham bemolg' belgi qo'yib kuylanadi:

«Lya» - «Lya #» - «Lya b» - «Lya» yoki
«Lya» - «Lya #» - «Lya #» - «Lya» yoki
«Lya» - «Lya b» - «Lya b» - «Lya» yoki
«Lya» - «Lya b» - «Si» - «Do b» - «Si» - «Lya» va hokazo.

Titratish. Kuylash jarayonida har bir tovush sokin holdan titratish holatiga o'tkaziladi, yahni:
«Si» - «Do #» - «Si» - «Do #» - «Si» - «Do #» - «Si».

Sokin holda, 

Titratish,  bo'lgani kabi.

Titratish - kuylashda ohangda joziba paydo bo'ladi, ijro sifati oshadi.

Tovushni chayqatish. Piyoladagi suvni chayqatgani kabi harakatga keltirib turiladi:
«Do» - «Lya» - «Solg' #» - «Lya» - «Solg' #» va hokazo.

Lya	Lya	Lya	Lya	Lya	Lya
Solg'	Solg'	Solg'	Solg'	Solg'	Solg'

«Medium» texnologiyasi. Medium - ashulachi ayollarning o'rta tovushidagi mukammal ijrosi.

Mazkur texnologiyada xotin-qizlar tovushidagi o'rta bo'g'in (registr) tovush xususiyatini shakllantiradi.

Mahlumki, xotin-qizlar tovushida o'rta tovush isloxotlar talab qilinadigan, ehtibordan chetda qoldirmaydigan bo'g'in hisoblanadi.

Qo'shiqning daromad va furovard qismi o'ta murakkab qismlar bo'lib, xotin-qizlar mazkur hududlarda «Intonatsiya» jixatidan noaniq va tovush balandligida noto'g'ri kuylash hodisalarini uchratish mumkin.

SHuning uchun «Medium» orqali kuylash diapazoni ustida ko'proq ish olib borish talab etiladi.

Asarning daromad qismi 4-5 pog'ona yuqoridan kuylanadi, natijada ovoz sifati yaxshi bo'lib, matn so'zlari aniq, ravon eshitiladi. Bu bo'g'inda asarda talab etilgan nola va bezaklar ustida ishlash imkoniyati ko'proq bo'ladi.

«Sayqal» texnologiyasi. Sayqal - tovushni tebratish degani.

Bu texnologiya kuylash davrida ijrochidan butun va yarim notalarni kuylash chog'ida tovushni tebratib turishi nazarda tutiladi:

«Lya» - «Si b» - «Lya» - «Si b» - «Lya» - «Si b».

Mumtoz qo'shiq ijrochiligida nola va bezaklar berishda «Sayqal» o'ziga xos xususiyatga egadir.

«Breyn-suhbat» texnologiyasi.

1. O'zbek milliy qo'shiqchiligidagi ijrochilik maktablari nomlarini aytib bera olasizmi?

Ular: 1 ... . 2 ... . 3 ... . 4 ... va hokazo.

2. Dostonchilik maktabida «Ichki ovoz» va «Tashqi ovoz» ijrochilik yo'nalishi haqida nimalarni bilasiz?

Ular: 1 ... . 2 ... . 3 ... . 4 ... va hokazo.

3. Anhanaviy kuylash malakalari haqida gapirib bera olasizmi?

Ular qanday ko'rinishga ega?

Ular: ... .

4. Akadem ijro bilan anhanaviy ijro o'rtasida qanday farq bor?

Akadem ijro bu - ... .

Anhanaviy ijro bu - ... .

«Zangula» texnologiyasi.

«Zangula» so'zi, tuya bo'yniga ilinadigan yoki do'mbiraga bog'lanadigan «qo'ng'iroq» («zang») mahnosida keladi.

Undan tashqari, raqs tushishda qo'l-oyoqqa taqib ijro qilinadigan mayda qo'ng'iroqchalar ham shu ibora bilan ataladi.

Anhanaviy ijrochilikda raqs harakatlari bilan kuylanadigan asarlarni o'rganishda «Zangula» texnologiyasi mos keladi, yahni:

AQDQVQXQYQYjQYxQYxqT-J-J-J-T-J-T

A - mutlaq parda (ochiq parda) - (bam torida).

D - sabboba (uchinchi parda) - (bam torida).

O'QITUVCHINING INNOVATSION FAOLIYATI-TA'LIM SIFATINING KAFOLATI.

Ro'ziyeva Nozigul Hamroyevna, Rajabov San'at Sunnatovich
Buxoro Yengil sanoat va pedagogika kasb-hunar kolleji

Annotation:*v modern society the methods of receipt of new knowledges changed, and strategy of continuous development, which is the condition of existence of modern educational organizations, determines the new going near methods and forms of innovative work with student, directed on forming of necessary jurisdictions, satisfying the requirements of potential employers.*

Kalit so'zlar: *Innovatsion yangiliklar, Innovasion jarayon, hamkorlik.*

Bugungi kunda ta'lim tizimida o'zaro hamkorlik, o'z-o'zini boshqarish ishga tushmoqda, o'qituvchilar o'z ijodiy faoliyatlarini yangi shakl va metodlarni topishga ta'lim jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarni olib kirishga qaratmoqdalar. Barcha ta'lim sohalarida o'qituvchilarni qayta tayyorlash hamda malakasini oshirishda innovatsion jarayonlar nazariyasi va amaliyoti o'rtasidagi munosabatlarda prinsipial yangi shakl va mexanizmlarni joriy etishni taqazo etadi. Innovatsion yangiliklarni sezish, anglash, har qanday o'qituvchiga ham xos bo'lavermaydi Bu o'rinda eng asosiysi o'qituvchining o'zi yangilikni sezishga psixologik jihatdan tayyor bo'lishi kerak. O'qituvchining innovatsion faoliyati ta'lim-tarbiya jarayonida paydo bo'ladigan muammolarni tezda aniqlab olishga undaydi. Muammolarni aniqlash va tezda bartaraf etish imkoniyatlarini qidirish bu tamomila yangi innovatsion madaniyatni shakllantiradi.

Dastlab «innovatsiya» so'zini qarab chiqaylik. U keng ma'noda ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan yangilik ma'nosini anglatuvchi tushuncha sifatida yuzaga kelgan bo'lib, bugungi kunda u ko'proq yangiliklarni amaliyotga joriy etish ma'nosida qo'llanilmoqda. Bugun ta'lim tizimidagi innovasiyalarni quyidagicha tasniflash mumkin: — faoliyat yo'nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi, boshqaruvdagi) — kiritilgan o'zgarishlarning tavsifiga ko'ra (lokal, modulli, tizimli) — kelib chiqish manbaiga ko'ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan) Innovasiyalar odatda bir necha muammo kesishgan paytda vujudga keladi va umuman yangi masalalarni hal qiladi, pedagogik jarayonning uzluksiz yangilanib borishga olib keladi. «Yangiliklarni joriy qilish» tushunchasi bizningcha, yangilik, ham ana shu yangilikni amaliyotga joriy etish jarayonidir. Yangilik — bu alohida olingan shaxs uchun yangi bo'lgan g'oyadir, bu g'oya ob'ektiv ravishda yangi yoki yangi emasligi ahamiyat kasb etmaydi, biz uni vaqt bo'yicha — yangilik ochilgan payt yoki undan birinchi marta foydalanilgan paytda aniqlaymiz.

Innovasion jarayon — bu pedagogik yangiliklar, bu yangiliklarning pedagogik hamjamiyat tomonidan o'zlashtirilishi va ulardan ilmiy asosda amaliyotda samarali foydalanishning o'zgarib boruvchi yaxlitligidir. Ta'lim jarayonidagi innovasion o'zgarishlar, ta'lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o'rganilgan. Innovasion faoliyat — bu uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo'lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O'qituvchi innovasion faoliyati xususiyatlarini o'rganib chiqqan

pedagogik olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovasion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin: — ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish; — pedagogik tadqiqot metodlarini egallash; — mualliflik konsepsiyalarini yaratish qobiliyati; — tajriba — sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish; — o'zidan boshqa tadqiqotchi — pedagoglar tajribalarini qo'llay olish; — hamkasblar bilan hamkorlik; — fikr almashish va metodik yordam ko'rsata olishlik; — ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish; — yangiliklarni izlab topish va ularni o'z sharoitiga moslashtirib borish. Innovasion faoliyat davrida yangiliklar, innovasiyalar, tom ma'noda ta'lim jarayoniga kirib keladi.

Innovasion faoliyatga tayyorlashdan maqsad — o'qituvchining yangilikka intiluvchanligini, mustaqil o'z ustida ishlash ko'nikmasi va malakasini shakllantirish, yangi pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlardan foydalanib, dars va darsdan tashqari mashg'ulotlarni o'tkazish malakasini takomillashtirishdan iborat. Xulosa qilib aytganda, innovasion faoliyat — yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yorining yuzaga kelgan me'yor bilan to'qnashuvchi natijasida vujudga kelgan qator muammolarni echishga qaratiladi. Innovasiyalar doimiy ravishda pedagogik faoliyatga yangiliklar olib kirish orqali ta'lim rivojiga hissa qo'shadi, pedagogik faoliyatga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'qituvchining innovasion faoliyati butun pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olg'a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuch vazifasini bajaradi va ta'lim jarayonining sifatini kafolatlaydi. Shuning uchun ham innovasiyani har bir o'qituvchi tushunib, o'qib va o'rganib, o'zining pedagogik faoliyatiga olib kira olsa, ta'lim standartlarida ko'rsatilgan me'yoriy talablar amalga oshadi. O'qituvchi innovasiya faoliyatga tayyor bo'lib, darsga eng so'nggi yangiliklarni olib kirib, o'quvchiga qiziqarli va uni ehtiyojiga mos ravishda tashkil etsagina, sifat va samaradorlikni kafolatlashi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Pedagogika professionalьnogo obrazovaniya. Pod red.V.A.Slastenina. -M.: Akademiya, 2004.
2. Pityukov V.YU. Osnovьe pedagogicheskoy texnologii. –M.: Gnom-Press, 1999.
3. Poulьsen S. Vvedenie v sovremennuyu metodiku prepodavaniya.- Bishkek: Kesip, 2007.
4. Sayidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Moliya, 2003.

ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI O'ZLASHTIRISH VA O'QUV JARAYONI

Barotova Dilfuza, Buxoro Olimpiya zaxiralari kolleji

Annotation: *One of the priorities of modern society experts increasingly referred to the task of identifying gifted children, creating conditions for the development and realization of their potential in a socially valuable activity, so the task of any teacher should be the identification of gifted and implementation of the choice of methods and technology development and education of gifted children.*

Kalit so'zlar: *texnologik bilim, texnologik yondashuv, rejalashtirilgan natija, reproduktiv fikrlash, produktiv fikrlash.*

Uzluksiz ta'lim reallikka aylanishi uchun bo'lajak mutaxassis zarur axborotlar manbaiga ega bo'lishi lozim. O'qituvchi o'z fanini mukammal bilishi, metodik hamda psixologik, pedagogik tayyorgarlikka ega bo'lishi kerak. Kadrlar tayyorlash bo'yicha milliy dasturda ko'rsatilganidek, ta'limning barcha bosqichi va tabaqalarida milliy o'rganish va umumbashariy qadriyatlar ustuvorligi mafkurasi asosida o'quvchi-talabalarning ma'naviy va axloqiy sifatlarini rivojlantirishga o'quvchilarning bilim olish qobiliyatlarini o'stirish va ularning sifatli ta'lim olish huquqlarini himoya qilishga, iqtidorli va iste'dodli yoshlar bilan ishlashni takomillashtirish pedagoglarga katta mas'uliyat yuklaydi.

Ayni paytda o'qituvchi o'quvchilarning mustaqil bilim olishlarini nazorat qilib, ularni to'g'ri yo'nalish olishlariga ko'maklashish lozim. U yoki bu masalani o'quvchi mustaqil o'rganayotganda fikrlashish, uchrashuv nuqtasida o'qituvchi bilan o'quvchi o'zaro munozaraga kirishishi turgan gap. Bu masala to'g'ri va ijobiy hal etilishi o'qituvchidan alohida texnologik bilim va tajribalarni talab etadi.

Ko'p bosqichli ta'lim tizimida, yangi standartlar va dasturlar doirasida ta'lim eskirgan metodikalar bo'yicha olib borilishiga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Ta'lim tizimi tuzilishidagi keng qamrovli islohotlarni, respublika pedagoglari ilg'or pedagogik texnologiyalarni o'zlashtirish va o'quv jarayonida qo'llash bilan mustahkamlashlari zarur. Buning uchun pedagoglarni o'quv jarayoniga, texnologik yondoshuvga o'rgatish talab etiladi. Bu esa faqat foydalanish, balki uni O'zbekiston tajribalari, an'analari madaniyatini hisobga olgan holda rivojlantirish imkonini beradi. Texnologik yondashuv doirasida yaratilgan har bir fandan ma'ruza matniga doir didaktik loyihalash usullariga bo'lgan munosabat o'quv jarayonini oqilona, shu bilan birga ijodiy rejalashtirish, yangi fikrlar bilan boyitish, uning natijalarini baholashga yordam beradi. Shuni qayd etish joizki, an'anaviy o'quv jarayonida texnologik yondoshuvni to'laligicha emas, balki uning elementlarini (ularni o'zlashtirilgan va tegishli metodik ta'limot tayyorgarlik darajasida) qo'llash mumkin. Bu eng avvalo pedagogik texnologiyaning yadrosi, markaziy nuqtasi deb atash, mumkin bo'lgan alohida o'quv maqsadlarini aniqlashtirish yo'llariga tegishlidir.

Mashg'ulotlarda texnologik yondashuv, rejalashtirilgan natijani amalga oshirish imkonini beruvchi konstruktiv, ko'rsatmali sxemada o'z ifodasini topadi. Maqsadga yo'naltirilgan ta'limni alohida o'rgatuvchi

epizod (ko'rinishlarga) bo'lish, jarayon natijalarni tashxisli tekshiruv kabi o'quv jarayonining qirralari bugungi kunda ta'limni qayta ishlab chiqish sikli g'oyasini mujassamlashtirish imkonini beradi.

Mashg'ulotlarining asosiy texnologik jihati-o'quv jarayonining so'nggi natijalariga yo'naltirilganini kuzatishdan iboratdir, ya'ni o'quvchining o'z imkoniyati darajasiga mos, kafolatlangan bilim olishiga e'tibor qaratilgaan. Bu esa mashg'ulotlarni o'zlashtirish va o'quvchilar bilimining individuallashuviga olib keladi.

Mashg'ulotlardagi bunday texnologik yondashuv tarkibiga quyidagilar kiradi:

- ✓ -fanning har bir mashg'ulot bo'yicha maqsad va vazifalarini ishlab chiqish;
- ✓ -o'quv maqsadlarini nazorat topshiriqlariga o'tkazish (aylantirish);
- ✓ -erishilgan o'quv maqsadlarini baholash.

Bu tarkibiy qismlarning har biri optimallashtirilgan pedagogik amallar tizimini tashkil etadi.

Ilg'or pedagogik texnologiyalarning ta'lim darajalari o'quvchilarning o'quv mashg'ulotlarida, ruhiy jihatdan qay yo'sinda o'zlashtirishlarini aniqlashga yordam berib, ular quyidagilardan iborat:

-axborotni bilish, yod olish va so'zlab berish;

-reproduktiv fikrlash;

- produktiv fikrlash;

-izlanuvchan ijodiy fikrlash;

Axborotni bilish va yod olib so'zlab berishda o'quvchining eslab qolish va tahlil qilish qobiliyati bilan bo'lgan bilimlari tekshiriladi.

Izlanuvchi-ijodiy darajadagi o'zlashtirish talabadan ijodiy intiluvchi o'ziga xos noan'anaviy yondoshuvga doir fikrlash qobiliyatiga ega bo'lishni talab etadi. Ijod - bu moddiy va ma'naviy qobiqdagi yangilikni barpo etish. SHu sababli, izlanuvchi ijodiy daraja deb biz ijodga yaqinlashuvchi noan'anaviy yondoshuvni, fikrlashni, fantaziyani tushunamiz.

Ilg'or pedagogik texnologiyalarga asoslangan mashg'ulotlarni o'tkazishga doir o'quv jarayonini tashkil etishda, nazorat topshiriqlarini tuzish va o'quv maqsadlari bilan uzviy bog'langan holda amalga oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari./ Toshkent: O'qituvchi, 2004.
2. Xo'jaev N.X., Xodiev B.YU., Baubekova G.D., Tilabova N.T. Yangi pedagogik texnologiyalar. O'quv qo'llanma. – Toshkent: Fan, 2002.
3. Qudratov R. O'quv faoliyati-ijtimoiy hodisa. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2002, № 4. -58-61 b.

XORIJIY TILNI O'RGANISH JARAYONI

Hasanova Gulnora, Djalolova Malika, Buxoro Olimpiya zaxiralari kolleji

Annotation: *One of the important directions of transformation of the content of teaching foreign languages in modern conditions recognized by strengthening the role of socio-cultural knowledge and skills as the country / countries of the target language and its country. Knowledge of foreign language culture is necessary for successful communication*

Kalit so'zlar: *epistolyar janr, o'qish, tinglab, tushunish, gapirish (so'zlashuv), yozuv malakalari.*

Mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va ma'naviy barqarorligini ta'minlash, dunyoga eng buyuk sharq mamlakatlaridan biri sifatida namoyon etish, ma'naviy va jismoniy sog'lom avlodni tarbiyalash, unga jahon andozalariga mos ravishda bilim berish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir.

Ushbu masalani ijobiy ravishda hal qilish borasida davlatimiz va uning rahbariyati mustaqillik yillarida qator ijobiy ishlarni amalga oshirmoqdaki, bu kelajakda respublikamizni har tomonlama etuk mutaxassislar bilan ta'minlash uchun zamindir.

Mustaqillik davrida jamiyatimizning boshqa sohalaridagi kabi xorijiy tillarga bo'lgan munosabati ham tubdan o'zgardi. Iqtidorli talabalarning xorijiy mamlakatlarda tahsil olish imkoniyati paydo bo'lib, yoshlarimiz o'zlarining kelgusi faoliyatini o'z ona tillarida qanday olib borsalar, xorijiy tillarda ham shu darajada ish yuritish imkoniyati tug'ilmoqda.

Davr taqozosi tufayli zamonaviy til vaziyati eski tizimdagidan farq qilib, O'zbekiston dunyo bozoriga chiqdi, xorijiy mamlakatlar, xalqaro tashkilotlar bilan bevosita hamkorlik qilmoqda. Shu munosabat bilan xorijiy tillarni o'rganish butunlay boshqacha tus olmoqda, til o'qitish jarayoni kengaymoqda. Xorijiy tillarda ish yuritishga, epistolyar janrga, o'qish, tinglab, tushunish, gapirish (so'zlashuv), yozuv malakalarini o'stirishga katta ahamiyat berilmoqda.

Zero, biron-bir xorijiy tilni o'rganishning o'zi ijtimoiy hodisa hisoblanadi. Xorijiy tilni o'rganish jarayonida biz o'zga madaniyatni, o'zga xalqlarning rasm-rusumlarini o'zlashtirib boramiz, o'zga ijtimoiy muhitdagi madaniyatga oid tushuncha, qarashlarni o'zlashtiramiz va eng asosiysi, ushbu madaniyatga o'z milliy madaniyatimiz tushunchalari nuqtai-nazaridan baho beramiz, ma'lum darajada murosa qilamiz.

Barchaga ayonki, xorijiy til o'rgatishning asosiy ob'ekti talabalar ongiga nutq malakalarini singdirishdir. Nutq faoliyatining ob'ektlari matnlar, til materiali, nutq malakalari (tinglab tushunish - listening comprehensron - LG); o'qib tushunish – reading comprehensron RG); fikrni yozuvda ifoda etish – essay wririning – EW); suhbatlashish – communicational – S) kabilar hisoblanadi.

Nutq faoliyati og’zaki va yozma matnlardan tashkil topib, talabalarning kelgusi faoliyatlarida zarur bo’ladigan so’zlashuv, xat, hujjat, ilmiy (mutaxassislikka oid) , badiiy matnlar xorijiy tilda o’rgatiladi. Malaka hosil qilish uzluksiz auditoriyada va auditoriyadan tashqari maxsus mashqlar olib borish orqali amalga oshiriladi.

Tinglab tushunish malakalarini o’stirish o’qituvchi- talaba, talaba-talaba (savol - javob), texnik vositalar asosida amalga oshiriladi.

So’zlashish malakalarini o’stirish muntazam ravishda dars jarayonida va darsdan tashqari olib boriladi. O’qib tushunish malakalarini oshirish sistemali ravishda xorijiy tilda turli mavzular (mutaxassislik, o’lkashunoslik, ilmiy, badiiy matnlar va shu kabilar) doirasida ruyobga oshiriladi. O’qib tushunish ko’nikmalarini hosil etishga qaratilgan vazifalar gapirish va yozuv malakalarini ham o’stirishga qaratilmog’i lozim.

Fikrni yozuvda ifodalash doimo uzluksiz ravishda olib borilib, nutq ko’nikmalarini hosil qilishda fikrning yozuvdagi ahamiyati alohida o’rin egallaydi. Agar ta’limning dastlabki bosqichida matnni erkin ravishda ko’chirishga (nutq o’stirishga xizmat qiladigan turli mashqlar, matnlar) ahamiyat berilsa (freewritinq), asta sekinlik bilan keyinchalik o’qib berilgan matnni yozuvda o’z so’zlari bilan ifodalash (bayon), ma’lum tayyorgarlikdan so’ng ma’lum mavzuga oid erkin insho yozish, nuqtalar o’rniga mos harflarni qo’yish, matnni qismlarga ajratish, abzas, paragraf tuzilishi,matnga sarlavha qo’yish, matn asosida tinglovchiga ma’lumot berish kabi vazifalar qo’yiladi. Fikrni yozuvda ifodalash malakasida xat yozish o’ziga xos o’rin egallaydi.

Tabiiyki, har bir o’qituvchi o’z mahorati va talabalarning imkoniyatidan kelib chiqib yuqoridagilardan boshqa vositalarni ham qo’llashi mumkin. Masalan, vaqtli matbuot materiallaridan, radio televidenielar, har xil tarqatma materiallar, turli xil illyustrativ xarakterdagi suratlar va b.

Bizningcha , xorijiy til o’rganishning dastlabki bosqichida xorijiy tilni o’rganishga qiziqtirish maqsadida quyidagilarga e’tibor qaratilmog’i lozim:

-monologik xarakterdagi matnlar: «Men to’g’rimda», «Mening oilam» , «Mening shahrim», «Mening ish kunim», «Mening uyim» va shu k.

- dialogik xarakterdagi matnlar: tanishuv, salomlashuv, xayrlashuv, uchrashuv, uzr so’rash, manzilni so’rash va b. Ma’lum mavzu doirasidagi mikrodialoglar shular jumlasiga kiradi.

- mutaxasssilikka, o’lkashunoslikka oid matnlar: O’zbekistonning geografik joylashuvi, AQSH, Germaniya, Buyuk Britaniya, Fransiya, bozor iqtisodiyoti va b.

Xulosa qilib shuni aytish lozimki, bironta xorijiy tilni o’rganish ham iqtisodiy, ham siyosiy talabga xos ehtiyojga aylangan hozirgi paytda ushbu sohaga daxldor kishilar til qurilishi, fonetik, leksik, grammatik qonuniyatlarni mukammal ravishda egallab qolmasdan balki ular yetuk millatlararo, madaniyatlararo muloqot mutaxassislari bo’lmog’ini davrning o’zi taqozo etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Pedagogika professionalьnogo obrazovaniya. Pod red.V.A.Slastenina. -M.: Akademiya, 2004.
2. Pityukov V.YU. Osnovьe pedagogicheskoy texnologii. –M.: Gnom-Press, 1999.
3. Poulьsen S. Vvedenie v sovremennuyu metodiku prepodavaniya.- Bishkek: Kesip, 2007.

“GURUXLARGA BO‘LIB DARS O‘TISH” TEXNOLOGIYASINING AFZALLIKLARI VA UNI MUSTAQIL FIKRLOVCHI SHAXSNI TARBIYALASHDAGI O‘RNI

Haydarov A.K., Ro’ziyeva U.J., Buxoro Yengil sanoat va pedagogika kasb-hunar kolleji

Abstract: *The problem with students is extremely relevant to contemporary society. Teacher must be to organize activities of students to able, gifted students to develop not only the ability, but his erudition, memory, intelligence, speech culture, hard work.*

Kalit so’zlar: *axborot va xizmat ko‘rsatish asri, innovatsion tendensiyalar.*

O‘zbekiston Respublikasi siyosiy ijtimoiy mustaqillikni qo‘lga kiritgach, ijtimoiy xayotimizning barcha soxalarida tub isloxotlarni amalga oshira boshladi va ijtimoiy taraqqiyotning yangi davrini bosjlab berdi. Isloxotlar keng ko‘lamda, barcha soxalarda olib borildi. Yurtboshimiz I. A. Karimov ta’kidlaganidek, «Biz nafaqat siyosiy jabxani, balki iqtisodoyotni xam, ma’naviy axloqiy soxani xam islox qilishimiz zarur. Bu g‘oyat keng ko‘lamdagi isloxotlar bo‘lib biz ularni kompleks tarzda xal qilish orqaligina o‘z maqsadlarimizga erisha olamiz. Isloxotlarning taqdiri va samarasi birinchi navbatda kadrlarning saviyasiga, nechoqlik javob berishiga taqalib qoladi. Yurtimizning ertangi xayoti va taqdiri avvalambor shu muammolarni uzil kesil yechish bilan chambarchas bog‘langanligini xar qaysi fikrlovchi odam anglashi qiyin emas. Shu sababli ham biz nihoyatda murakkab, ko‘p vaqt va mablag‘ talab etadigan ana shu vazifani ado etishga kirishdik» deb bejiz ta’kidlamagan edi.

Biz XXI asrda axborot va xizmat ko‘rsatish asrida yashab kelmoqdamiz. Ushbu tarixiy jarayonda yuz berayotgan ijtimoiy – iqtisodiy va ijtimoiy — siyosiy rivojlanishga keng ko‘lamdagi innovatsion tendensiyalar, fan, madaniyat soxasidagi o‘zgarishlar, axloq, estetika va san’atning boshqa turlaridagi nomutanosibliklar chuqur ta’sir ko‘rsatdi. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» ni asosiy maqsadi O‘zbekistonning taraqqiyotini ta’minlay oladigan, jaxonning ilg‘or mamlakatlari darajasiga ko‘tarilishiga

xissa qo‘shuvchi dadil, mustaqil fikrlovchi, bilimli, ijobiy sifatlarga ega bo‘lgan kadrlarni tayyorlab voyaga yetkazishni tashkil qilishdan iborat. Xar qanday mutaxasis kadr bevosita ta’lim tarbiya jarayonida shakllanadi. Ana shu ma’noda mamlakatimizda ta’limni islox qilish, uning integratsiyasini ta’minlash xamda ta’lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni olib kirishga jiddiy e’tibor qaratilmoqda. Ta’limda texnologik yondashuvni qo‘llash bir qancha imkoniyatlarni yaratib beradi:

— maqsadni aniq qo‘yish asosida pedagogik jarayonni erkin boshqarish;

— mavjud amaliy tajribani amaliyotda qo‘llashni taxlil qilish va tizimlash;

— ta’lim jarayonida shaxsni shakllanishi va rivojlanishi uchun qulay sharoitni ta’minlash;

— pedagogik texnologiyalarning nisbatan samaraliroqlarini tanlash va yangilarini ishlab chiqish.

Dars jarayonida talabalarni fanga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishda, dars davomida xamma talabalarning faolligini ta’minlashda «Guruxlarga bo‘lib dars o‘tish» juda katta samara beradi. Guruxlarda dars o‘tishning an’anaviy darsdan farqli jixatlari mavjud bo‘lib, quyidagi qulayliklarni yaratib beradi:

Birinchidan, unda talabalar faol ishtirok etadilar, xech bir talaba vazifasiz qolmaydi;

Ikkinchidan, talabalar topshiriqni yechishda o‘z o‘rtoqlari bilan birga qatnashadilar. Bunda bir birlariga fikr muloxazalarini aytishga va bir – birlarini fikrlarini tinglashga imkoniyat tug‘iladi va ular o‘rtasida o‘zaro do‘stlik va xamkorlik yuzaga keladi.

Uchinchidan, ko‘pgina talabalar guruxlarga bo‘linishda shu gurux uchun javobgar ekanliklarini bilganliklari xolda ularda ma’suliyat xissi shakllanadi.

To‘rtinchidan talabalar guruxlardagi ish vaqtida o‘zlarini ancha erkin tutadilar, ularga imkoniyat berilganligi uchun mustaqil fikr aytishga (xatto u noto‘g‘ri bo‘lsada) va mavzu ustida mustaqil fikrlashga imkoniyat tug‘iladi. Bu esa tortinchoq va uyatchan bolalarda xam o‘ziga nisbatan ishonch xissini paydo qiladi.

Beshinchidan, bu ta’lim usuli demokratik jamiyat tamoyillariga asoslangan boshqalarni shaxs sifatida xurmat qilish va boshqalarni fikrini tinglash, xar qanday fikrga munosabat bildira olish xususiyatini shakllantiradi.

Guruxiy ish tizimini joriy qilish o‘qituvchining ish uslubiga xam bog‘liq. O‘qituvchi guruxlarda dars o‘tish mobaynida o‘z imkoniyatlari va tolerantlik chegarasini aniq bilib olish kerak. Chunki guruxlarda dars o‘tish mobaynida talabalarning o‘zaro baxs – munozarasi va tortishuvlari auditoriyada shovqin va besaramjonlik tug‘dirishi mumkin. Bunday xolda o‘qituvchi bolalarga talabalik etikasini eslatishi va sabr – toqat bilan talabalar baxsini kuzatmog‘i zarur. Agar o‘qituvchi darsda tinchlik xukmron bo‘lishini xoxlasa imkoniyatlar chegaralanadi.

Guruxlarda ishlashda yakun chiqarish uchun quyidagilarga e’tibor berish kerak:

— fikrlar, natijalar varaqalarga yozib chiqiladi;

— ish tugaganidan so‘ng ular qanday yangi ko‘nikmalarni egallaganlilklari, ishda qanday natijaga erishganlikllari gurux bilan birga muxokama qilinadi;

— talabalar tajriba orttirib borishlariga ko‘ra nimalarni o‘rgandilar va nimalarni o‘rganishlari lozimligi to‘g‘risidagi fikrlar eshitiladi;

— guruxning xar bir a’zosini yangi yechim va fikrlari qayd etib boriladi;

— mavzuni o‘rganish jarayonida gurux a’zolarida qanday yangi fikr va takliflar tug‘ilganligini so‘rab, ularni yangi darsda qo‘llash mumkinligi aytiladi;

— yakun chiqarish paytida talabalar boshqa talabalarni ishtirokini baxolar ekanlar ularga tanqid qoidalararini xam o‘rgatish kerak.

Guruxlarda dars o‘tishning axamiyatli jixatlari quyidagilar:

yaxlit narsa doimo qismlar yig‘indisidan kattadir. Xech kim xamma narsani bilmaydi;

talaba ishga qo‘shadigan xissasini o‘zi belgilaydi va shuning uchun xam unda bajonidil ishtirok etadi;

stereotiplar parchalanadi;

xayrli osoyishta muxit talabalar va o‘qituvchilardagi stressni kamaytiradi;

talabalar o‘zlariga ko‘proq ishonadilar;

xamkorlik o‘zaro xayrixoxlikni rag‘batlantiradi.

Yana shuni xisobga olish kerakki, guruxlarda faoliyat ko‘rsatayotgan talabalarning yoshi, iqtidori, dunyoqarashiga xam e’tibor bermoq zarur. Birdaniga talabalarga xulosa chiqarishga imkoniyat berish noto‘g‘ri, buning uchun ularda baxolash mezonlarini o‘zlashtirib olish imkoniyati bo‘lishi kerak. Bu guruxlarda dars o‘tish mobaynida talabalarda tanqidiy tafakkur qobiliyatini shakllantirish uchun munozarali savollar berish zarur chunki bu savollar talabalarning bilim darajasini aniqlashga yordam beradi. Talabalarni mavzuni yodlashga emas unga munosabat bildirishga o‘rgatmoq zarur. O‘qituvchi talabalarni ularga o‘z fikrlarini guruxning boshqa a’zolarining fikri bilan taqqoslab, vaziyatni taxlil qilishga undash kerak. Agar biz talabalarni faqat bizdan eshitgan axborotlargina va ma’ruzalar matni asosida javob berishga undasak, ularda mustaqil tafakkur qobiliyatini shakllantirishga xalaqit bergan bo‘lamiz. Talabalar yangi pedagogik metodlardan foydalanib, o‘zgalar xuquqini xurmat qilishga, tafakkurning yangi – yangi mustaqil usullarini rivojlantirishga, maqsadga erishish uchun, ijodiy va tanqidiy fikrlash zarurligini anglab yetadilar.

O‘qituvchi dars o‘tish jarayonida pedagogik texnologiyalarni qanchalik yaxshi qo‘llamasin, uning tarbiyachi sifatidagi maxorati xam muxim axamiyatga ega. Tarbiyachi avvalo talabalar qalbiga yo‘l topa

olishi kerak. Pedagogik texnologiyalarni afzal tomonlari dars samaradorligini oshirishda bir qancha tamoyillarga javob berishidadir. masalan: talabalar shu tarzda dars o‘tilganda mavzuni sodda va oson tushunadilar, esda qolarli va qiziqarli bo‘ladi, eng asosiysi talabalarni o‘z ustida ishlashga da’vat etish bilan birga ijodiy izlanishga xam imkoniyat beradi. O‘qituvchi va talaba o‘rtasida mustaqil fikr almashish imkoniyatini tug‘diradi.

Talabalarning mustaqil fikr yuritishga o‘rgatish uchun muammoning ma’naviy, shakliy, tuzilmaviy, jabxalarini xisobga olgan xolda e’tiborni bir qancha masalalarga qaratmog‘ zarur.

— bir muammoni yechish uchun bir necha usullar berilib, talabalarga maqsadga muvofiq usulni tanlashga imkoniyat beriladi;

— mavzuni o‘rganish jarayonida talabalarga mavzuga doir qo‘shimcha manbalarni erkin tanlash imkoniyati beriladi;

— muammolarni yechish mobaynida oddiydan murakkablikka o‘tishga katta e’tibor berish kerak.

Mustaqil fikr yuritish o‘zining samaradorligi, dolzarbligi, universalligi bilan talabalarni kasbiy tayyorgarlik maxorati sari yetaklaydi, jamiyat va tabiat xodisalarini anglash uchun puxta negiz xozirlaydi. Talabalarning mustaqil fikrlashi to‘la ochilmagan imkoniyatlarni ochishga, fan texnika taraqqiyotini jadallashtirishga xizmat qiladi. Xar qanday yangilik, taraqqiyot inson aql – zakovatining maxsulidir, xuddi shu bois fan, texnika ishlab chiqarish rivoji ko‘p jixatdan mutaxasisning fikrlashiga bog‘liq. Bugungi kun talabasi ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan ma’naviyat va qadriyatlarni egallshi bilan bir qatorda, fan texnika yutuqlarini o‘zlashtirib, o‘z aqliy faoliyati bilan mustaqil davlatimiz ilmiy va ijodiy saloxiyatini jaxon sivilizatsiyasi darajasiga ko‘tarishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. O’z kelajagimizni o’z qo’limiz bilan quramiz. – Toshkent: O’zbekiston, 1999.
2. Azizxo’jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.-Toshkent: TDPU, 2003.
3. Bahriev A., Bahrieva N. Yangi pedagogik texnologiyalar orqali o’qitishda ichki motivasiyani shakllantirish. / “Xalq ta’limi” jurnali, 2006, № 6. -25-28

CHET TILINI O‘QITISHDA AKTDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Nurmuxammedova Muxabbat Baxriddinovna
Vobkent qishloq xo’jalik kasb-hunar kolleji

Annotation: *In this article the methodical aspects of the use of multimedia technologies are examined for the study of foreign language on the modern stage. They allow to intensify the process of teaching a foreign language, do it more effective, evident and accessible, to overcome psychological barriers and create the atmosphere of engaged in vocal communication.*

Kalit so’zlar: *axborot texnologiyasi, ommaviy-axborot vositalari, internet tizimi, animatsiya.*

Hozirgi zamon talabi bo‘lmish axborot texnologiyasi har bir sohada keng qo‘llanilmoqda. Shu jumladan, xorijiy tillarni o‘rganish uchun ham juda zarurdir. Til o‘rganish uchun eng avvalo o‘qituvchi, o‘quvchi AKT ni yaxshi bilishi kerak.

Jamiyatda axborot ham bilim manbai ham eng asosiy muloqot vositasi bo‘lib hisoblanadi. Jamiyatda axborotlashtirishda radio, televideniye, ommaviy-axborot vositalari va Internet tizimining ahamiyati juda yuqoridir. Har kim har doim biror ishni bajarish yoki biror maqsadga erishi uchun axborotdan foydalanilidi. Har bir inson ob-havo prognozini, transport vositalari qatnovi jadvalini, bank va biznes ma’lumotlarini hamda kundalik yangiliklardan xabardor bo‘lmas ekan u jamiyatdan uzilib qolishi muqarrar.

Axborotni uzatish deganda ehtiyojdan kelib chiqib, uni bir kishidan ikkinchi kishiga yoki bir kompyuterdan ikkinchi kompyuterga turli vositalar yordamida yetkazib berish tushiniladi. Axborotlarni uzatishning turli xil usullari mavjud bo‘lib, ular kompyuter dasturlari yordamida, pochta orqali, transport vositalari yordamida, aloqa tarmog‘i orqali uzatish mumkin. Aloqa tarmog‘i orqali axborotlarni qisqa vaqt ichida uzoq masofaga uzatish mumkin. Bunda ma’lumotlarni uzatish vaqti sezilarli darajada qisqaradi.

Axborotning turlari: matn, tasvir, animatsiya, audio va video. Ma’lumki, axborotlarni insonlar bir-biriga uzatish jarayonida matn ko‘rinishdagi, jadval ko‘rinishdagi, tovush ko‘rinishdagi va tasvir ko‘rinishdagi ma’lumotlardan foydalanadi.

Matn. Matn – bu ma’lumotlarni ifodalash shakli bo‘lib, u mazmunan yagona, yaxlit va tanlangan tilning belgilari ketma-ketligidan iborat. Matn hujjat asosidir. Axborot tizimiga matn kiritish klaviatura, nurli pero, mikrofon, yoki skaner yordamida amalga oshiriladi. Matnlarga ishlov berish matn muharriri deb ataluvchi maxsus amaliy dasturlar majmuasi tomonidan amalga oshiriladi. Tarmoq orqali matnlar ma’lumotlar bo‘laklari ko‘rinishida uzatiladi.

Tasvir. Tasvir – bu biror voqea, xodisa yoki jarayonlarni o‘zida ifodalagan rasm bo‘laklari va ranglardan iborat ma’lumotdir. Foto, manzara, matematik funksiyalar grafigi, statistik ma’lumotlar diagrammasi va shunga o‘xshash ma’lumotlar tasvir hisoblanadi. Kompyuter yordamida tasvirlarga ishlov berishni to‘rt guruhga ajratish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

1. Kulrang va rangli tasvirlar;

2. Ikki xil va bir necha “rangli” tasvirlar;
3. Uzluksiz egri va to‘g‘ri chiziqlar;
4. Nuqtalar yoki ko‘pburchaklar iborat tasvirlar.

Bu turkumlash tasvirni ko‘rib idrok qilish mexanizmi bilan emas, balki ularni taqdim etish va qayta ishlashga yondashish bilan bog‘liq.

Animatsiya. Animatsiya ma’lum tezlikda tasvirlarni almashtirish mahsulidir. Bunda ma’lum vaqt oralig‘ida, ma’lum sondagi bir xil o‘lchamga ega bo‘lgan tasvirlar tezkor almashtiriladi. Natijada multiplikatsiyaga o‘xshash harakatlanuvchi (animatsion) tasvir hosil bo‘ladi. Filmlar va video ma’lumotlarning asosini animatsiyalar tashkil etadi, chunki filmlar namoyishida bir soniyada 25-30 ta tasvir tezkor almashtiriladi. Shundan qilib, videofilm tarkibidagi tasvirlarni hisoblab chiqish mumkin, ya’ni bir soatlik film 3600 soniyani, undagi tasvirlar esa 90 mingtani tashkil etadi.

Axborotning jamiyatda va kundalik xayotimizda tutgan o‘rni. Jamiyatni axbortlashtirish: mehnat, ilmiy tadqiqot, loyiha, ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish, aholiga xizmat ko‘rsatishni avtomatlashtirish, tashkiliy-iqtisodiy boshqarishni avtomatlashtirish, ta’lim va kadrlar tayyorlash tizimini axborotlashtirish kabi sohalarni o‘z ichiga oladi.

Jamiyatda axborot ham bilim manbai ham eng asosiy muloqot vositasi bo‘lib hisoblanadi. Jamiyatni axborotlashtirishda radio, televideniye, ommaviy-axborot vositalari va Internet tizimining ahamiyati juda yuqoridir. Har kim har doim biror ishni bajarish yoki biror maqsadga erishish uchun axborotdan foydalanadi. Har bir inson ob-havo prognozini, transport vositalari qatnovi jadvalini, bank va biznes ma’lumotlarini hamda kundalik yangiliklardan habardor bo‘lishga muxtojdir. Agarda inson kundalik axborotlar va yangiliklardan xabardor bo‘lmas ekan u jamiyatdan uzilib qolishi muqarrar.

Fayl tushunchasi va ularning turlari.Fayl yagona yaxlit deb qaraladigan ma’lumotlar yoki dastur kodlari majmuidir. Fayl o‘z nomiga ega bo‘lgan va tizimda saqlanadigan ma’lumotlarning asosiy elementi bo‘lgan ob’ektdir. Foydalanuvchi faylni yaratishi, nusxalashi, jo‘natishi va yo‘q qilishi mumkin. Har bir fayl atributlar va undagi axborotdan iborat bo‘ladi. Faylning atributlariga birinchi navbatda uning nomi, axborot turi, yaratilish sanasi va vaqti, undan faydalanish usuli hamda undan foydalanishga ruxsat berish shartlari kiradi.

Fayllar ustida bajariladigan amallar. Yuqorida aytilganidek, fayllar o‘z nomiga ega bo‘lgan hamda o‘zida axborotlarni jamlagan ob’ektdir. Shunday ekan, demak undan foydalanish jarayonida ular ustida bir qancha amallarni bajarish mumkin.

Ommaviy axborot – bunga cheklanmagan doiradagi shaxslar uchun mo‘ljallangan hujjatlashtirilgan axborot, bosma, audio, audiovizual hamda boshqa xabarlar va materiallar kiradi.

Axborot tizimi — axborotni to‘plash, saqlash, izlash, unga ishlov berish hamda undan foydalanish imkonini beradigan, tashkiliy jihatdan tartibga solingan jami axborot resurslari, axborot texnologiyalari va aloqa vositalari.

Axborotning salbiy va ijobiy ta’siri. Axborotning ijobiy tomoni shundan iboratki, o‘z vaqtida olingan to‘g‘ri va sifatli axborot turli sohalarda aniq qaror qabul qilish imkonini beradi. To‘g‘ri sifatli axborot insonlar, ayniqsa yoshlarning dunyoqarashini boyitishi, bilim olishi, zamonaviy bilimlar egasi bo‘lishi imkonini beradi, zero Prezidentimiz ta’kidlaganlaridek farzandlari sog‘lom yurt qudratli bo‘lur.

Axborotning salbiy tomoni shundan iboratki, hozirgi kunda ayrim g‘arb davlatlaridan kirib kelayotgan bizning milliy qadriyatlarimizga yot bo‘lgan axborotlar va qarashlar hamda insonlar ongini zaharlovchi ma’lumotlar ham mavjud. Ayniqsa bunday ma’lumotlar Internet tarmog‘i orqali keng tarqalmoqda. Internet va SMS xabarlar orqali tarqalayotgan jamiyatimizga, qadriyatlarimiz va an’analarimizga, davlatchiligimizga zid bo‘lgan nojo‘ya axborotlar yoshlarning ongini zaharlashi va ularni noto‘g‘ri yo‘llarga boshlashi mumkin. Bunday holatlarning oldini olish bizning vazifamizdir. Har doim axborotdan o‘rinli va to‘g‘ri foydalanish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Og’aev S. Yangi pedagogik texnologiya-hayotiy ehtiyoj. / “Xalq ta’limi” jurnali, 2001, № 3. -69-71 b.
2. Pityukov V.YU. Osnovыe pedagogicheskoy texnologii. –M.: Gnom-Press, 1999.
3. Poulьsen S. Vvedenie v sovremennuyu metodiku prepodavaniya.- Bishkek: Kesip, 2007.
4. Sayidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Moliya, 2003.

FANLARNI O‘QITISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN SAMARALI FOYDALANISHNING METODIK ASOSLARI

Karimova Gulchiroy Davronovna, Qo’ldosheva Dilbar To’ymurodovna

Buxoro yengil sanoat va pedagogika kasb-hunar kolleji

Annotation: *The questions of the use of interactive methods of teaching in development of communicative jurisdiction of student are examined in the article. An author is specify concepts «Interactive methods of teaching», «communicative jurisdiction», «development of communicative jurisdiction», classification of interactive methods of teaching is given.*

Kalit so'zlar: *telekommunikatsiya texnologiyalari, zamonaviy o'qituvchi,*
Ma'ruza, amaliy, seminar mashg'ulotlari.

Hozirda barcha ta'lim muassasalari zamonaviy kompyuter va telekommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlanmoqda. Ta'lim mazmuni va sifati masalalari jamiyatda ustuvor yo'nalish sifatida ko'rilmoqda. Ta'limni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish yo'llari izlanmoqda, ta'limda yangi axborot texnologiyalarning joriy etish masalasi ommalashmoqda. Bu esa, pedagoglarning o'z mehnati faoliyatiga yangicha yondashuvini talab etadi. O'quv jarayonida yangi texnologiyalarning joriy etilishi, o'qituvchini texnikaviy vositalar tomonidan siqib chiqarishga emas, balki o'qituvchining vazifalari va rolini o'zgartiradi.

Zamonaviy o'qituvchi–kelajak bunyodkori, yangi pedagogik texnologiyalari, nazariyalar, konsepsiyalarning muallifi, ishlab chiqaruvchisi, tadqiqotchisi, foydalanuvchisi va targ'ibotchisidir. Zamonaviy o'qituvchi tomonidan o'quv jarayonining tashkil etilishi jarayonida dars mazmunidagi asosiy ma'lumotlar va o'quv materiali shunday taqdim etilishi kerakki, u talabaning vizual idrok qilish qobiliyatini osonlashtirsin.

Zero o'qituvchi – ta'lim islohotining bosh ijrochisidir. Bunda har bir o'qituvchini qisqa vaqt ichida juda katta miqdordagi axborot to'plamini o'zlashtirish, qayta ishlash va amalda qo'llay olishga o'rgatish muhim ahamiyatga ega. Uni hal qilishda o'qituvchiga o'qitishning an'anaviy usullari bilan birga zamonaviy axborot texnologiyalari, jumladan kompyuterlardan foydalanish yordam beradi. Darsda kompyuterdan foydalanish o'qitish jarayonini qiziqarli olib borish, har bir o'quvchiga individual yondashish imkonini beradi. Axborot kommunikatsiya texnologiya (AKT) lari imkoniyatlari orqali talabalarga juda ko'p ma'lumotlarni olish imkoniyatlariga ega bo'ladi. Ma'ruza, amaliy, seminar mashg'ulotlarini AKT lar yordamida tashkil etishda fanga tegishli har bir mavzu bo'yicha fan o'qituvchisi tomonidan alohida dars ishlanmasi (ssenariyasi) ishlab chiqilishi lozim. Ishlanma asosida o'qituvchi tomonidan rejadagi barcha mavzularga oid bayon etilishi lozim bo'lgan nazariy, amaliy-seminar mashg'ulotlariga tegishli topshiriqlar to'plamini elektron taqdimot shakli tayyorlanadi. Dars ishlanmalariga taqdimot slaydlar tayyorlanib, videoproyektorlar orqali o'quvchilarga tushuntirilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. Taqdimotda qo'shimcha adabiyotlardagi rasmlarni, aniq jarayonlarni aks ettiruvchi tasvirlar, tarmoqdagi ma'lumotlardan katta elektron ekranda ko'rsatib tushunchalar berilsa, axborot ta'lim resurs portallaridan foydalanilsa, o'quvchilarning bilim va malakalari yanada boyitiladi, shuningdek darsga bo'lgan qiziqishlari yanada ortadi. Shundan so'ng fan o'qituvchisi darsga tayyorgarlik ko'rishi jarayonida mavzuni talabalarga AKT vositalaridan qanday va qaysi vaqtda foydalana olishligini texnologik xarita (o'qituvchi faoliyatining algoritmi)ni dars ishlanmasida rejalashtirilishi kerak bo'ladi.

Texnologik xaritani tuzish uchun o'qituvchi pedagogika, psixologiya, xususiy metodika, pedagogik va axborot texnologiyalardan xabardor bo'lishi, shuningdek, juda ko'p uslub va usullarni bilishi kerak. Har bir darsning rang-barang qiziqarli bo'lishi avvaldan puxta o'ylab tuzilgan darsning loyihalashtirilgan texnologik xaritasiga bog'liq. Darsning texnologik xaritasini qay ko'rinish (yoki shakl)da tuzish, bu o'qituvchining tajribasi, qo'ygan maqsadi va ixtiyoriga bog'liq. Texnologik xarita qanday tuzilgan bo'lmasin, unda dars jarayoni yaxlit holda aks etgan bo'lishi hamda aniq belgilangan maqsad, vazifa va kafolatlangan natija, dars jarayonini tashkil etishning texnologiyasi to'liq o'z ifodasini topgan bo'lishi kerak.

Fan o'qituvchisi fanga oid mukammal mustaqil ta'lim olishga mo'ljallangan elektron o'quv adabiyoti, elektron multimediali darslik, nafaqat matnli va ko'rgazmali, balki, ovozli, animatsiyali bo'lishi fanni o'zlashti-rishda katta ahamiyatga egadir. Ta'lim mazmunining samaradorligini oshirish maqsadida respublika ta'lim muassasalarida yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish, o'quv mashg'ulotlrini yangi interfaol usul va vositalaridan foydalangan holda o'tkazish, jumladan, masofadan turib o'qitish, kompyuterlashtirilgan anjumanlar o'tkazish, elektron darsliklarni yaratish va ularni o'quv-tarbiya jarayonida qo'llash shak-shubhasiz yaqin kelajakda o'z samarasini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tolipova J., Numonova N. Ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalar. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2002, № 3. -20-24 b
2. Pityukov V.YU. Osnovые pedagogicheskoy texnologii. –M.: Gnom-Press, 1999.
3. Poulьsen S. Vvedenie v sovremennuyu metodiku prepodavaniya.- Bishkek: Kesip, 2007.
4. Sayidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Moliya, 2003.

YANGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUAMMOLARI VA AFZALLIKLARI

Bakayeva Zebiniso Izzatovna, Buxoro Pedagogika kolleji
Bakayeva Mexriniso Izzatovna, Buxoro Yuridik va maishiy xizmat kasb-hunar kolleji

Annotation: *Education in the XXI century should develop in the network model, which is characterized by synergistic, dialogic and communicative aspects. The main advantage of the new model - the openness for dialogue and communication and the ability to self-organization.*

Kalit so'zlar: *Multimedia – darsliklar, grafika, animatsiya.*

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. «Ta'lim to'grisida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta'lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi.

Zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan foydalanib dars o`tish yangi ta'lim standartiga aylanmoqda. Multimediali darsliklar yaratishda ishlanmalarni metodik ta'minlash muhim ahamiyatga ega. Multimedia – darsliklar o'qitishning barcha bosqichlarini avtomatlashtirishga qaratilgan, ya'ni o'quv materialini tushuntirishdan boshlab to bu bilimni nazorat qilish va yakuniy baho qo'yishgacha. Bundan barcha asosiy o'quv materiali yorqin, qiziqarli, mazmunli o'yin shakliga keltirilgan, grafikadan, animatsiyadan, shuningdek interfaol, ovoz jo'rligi, videolavhalar qo'shib keng foydalanilgan multimedia shaklida o'tkaziladi. Bu kabi radikal yondashuv juda katta mehnat talab qiladi, lekin faqat "total multimediali" uslubiy yopiq electron darslik, o'quvchilar kompyuter texnologiyalari imkoniyatidan kutayotgan bo'shliqni to'ldirib, ta'lim tizimini, shu jumladan masofadan o'qitishni oldinga olib chiqadi. Elektron darslik – bu nafaqat majmuali, shuningdek yaxlit didaktik, uslubiy va interfaol dasturli tizim bo'lib, u o'quv materialining murakkab joylarini axborot yetkazishning turli shakldagi boy arsenalidan foydalanib yetkazish, shuningdek ularni multimedia vositalarida imitatsiyalash yordamida ilmiy tadqiqot usullari to'g'risida ma'lumot beradi. Bunda o'quv materialini tushunarli, yorqin va ko'rgazmali yetkazish hisobiga o'zlashtirish imkoniyati oshadi. O'qitish jararayoni ancha muvaffaqiyatli kechadi, chunki u ob'yekt va hodisalarni bevosita kuzatish imkonini beradi. O'qitishning umumiy qonuniyatlariga doir didaktik aspektlar va u yoki bu aniq fan yoki fanlar guruhini o'qitish xususiyatlarining uslubiy aspektlari o'zaro va elektron darslik dasturiy ta'minoti masalalari bilan uzviy bog'langan.

Kompyuterli darslik odatdagi darslik, ma'lumotnoma, masalalar to'plami va tajriba praktikumi xususiyatlarini umumlashtiradi. Elektron darslik – bu ta'lim jarayoni didaktik siklining to'liq va uzluksizligini ta'minlovchi yaxlit o'qitish dasturli tizimi: nazariy materialni yetkazib beruvchi, bilim darajasini nazorat qiluvchi va takrorlash o'quv jarayonini ta'minlovchi, shunungdek axborot izlash- faoliyati, matematik va kompyuterli vizualli imitatsiyali modellash va interfaol teskari aloqani amalga oshirishda servis funksiyalaridir. Elektron darslik barcha asosiy funksiyalarni, ya'ni nazariy materiallarni yetkazish, dastlabgi olingan bilimlarni qo'llashni (mashq topshiriqlarini bajarish) tashkil etish, o'zlashtirish darajasini nazorat qilish (teskari aloqa) mustaqil ta'lim olishga yo'naltirilgan topshiriqlar. Ta'lim jarayoni yangi usulda yuqori darajada o'tadi, chunki elektron darslik o'rganuvchi uchun qulay tezlikda ishlash, takrorlash va o'rgatuvchi, bu holda kompyuter, ya'ni moslashgan ko'rish va eshitish obrazlari oqimini qabul qiladi, bunda unga nafaqat axborot, balki emotsiyali ta'sir ham o'tkazadi.

Multimedia multisensorli o'rganuvchi muhit yaratadi. Psixolog va pedagoglar shuni qayd etadiki, ba'zilar eshitib, ba'zilar esa ko'rib tezriq o'zlashtiradi. Multisensorli ta'lim nazariyasi asoslarga ko'ra konkret o'quvchi uchun qulay usuldan maksimal darajada foydalanish kerak. Barcha hissiyot organlarini jalb etish o'quv materialini an'anaviy usullarga nisbatan yaxshiroq o'zlashtirishga olib keladi. Axborotlarni aydivizual vositalardan foydalanib yaxlit yetkazib berish o'qitishning eng jadal shakllaridan hisoblanadi; mutaxassis tomonidan didaktik tayyorlangan o'quv materiali o'quvchilarning individual xususiyatlariga yo'naltiriladi. Videografik, matnli va muzikali – nutqli material yordamida individual dialogli kommunikatsiya shunchalik jadalki, u o'qitish jarayonini maksimal yengillashtiradi, gipermuhit foydalanuvchiga axborot ta'siri imkoniyatini kengaytiradi va o'rganuvchini o'qish jarayoniga bevosita jalb qiladi: o'rganiladigan materialni yaxshi va chuqur tushunish, o'rganuvchini yangi bilimni o'zlashtirishga qiziqtirish, o'qitish vaqtini ancha qisqartirish, materialni uzoq muddat yodda saqlash va boshqalar. Turli rusumdagi axborotlar oqimini umummlashtirish muammolarini yechish (ovoz, matn, grafika, video) kompyuterni universal o'rgatuvchi va har qanday bilim sohasida, shuningdek inson faoliyatida amalda axborot asbobiga aylantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari./ Toshkent: O'qituvchi, 2004.
2. Xo'jaev N.X., Xodiev B.YU., Baubekova G.D., Tilabova N.T. Yangi pedagogik texnologiyalar. O'quv qo'llanma. – Toshkent: Fan, 2002.
3. Qudratov R. O'quv faoliyati-ijtimoiy hodisa. / "Xalq ta'limi" jurnali, 2002, № 4. -58-61 b.

GLOBALLASHUV JARAYONINING YOSHLAR TARBIYASIGA TASIRI

Rajabova Iroda Xamidovna, Saidova kamola Hamidovna,
Buxoro Yengil sanoat va pedagogika kasb-hunar kolleji

Annotaciya:*v speech goes the article, as facilities of different educational objects in children are educate noble attitude toward the Homeland, small Motherland, people, his language, spiritual, natural and cultural values, national cultures*

Kalit so'zlar: *Globallashuv jarayoni, integratsiya va hamkorlik.*

Globallashuv jarayoni hayotimizga tobora tez va chuqur kirib kelayotganining asosiy omili va sababi xususida gapirganda shuni ob'ektiv tan olish kerak – bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi nafaqat yaqin va uzoq qo‘shnilar, balki jahon miqyosida boshqa mintaqa va hududlar bilan shunday chambarchas bog‘lanib boryaptiki, biron mamlakatning bu jarayondan chetda turishi ijobiy natijalarga olib kelmasligini tushunish, anglash qiyin emas. Prezidentimizning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" deb nomlangan asarida shunday ta'rif beriladi: "globallashuv – bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir".

Har bir ijtimoiy hodisaning ijobiy va salbiy tomoni mavjud. Globallashuvning ham xuddi shunday jihatlari keyingi paytda yaqqol sezilib borayotir. Davlatlar va xalqlar o‘rtasidagi integratsiya va hamkorlik aloqalarining kuchayishi, xorijiy investitsiyalar, kapital va tovarlar, ishchi kuchining erkin harakati uchun qulayliklar vujudga kelishi, ko‘plab ish o‘rinlarining yaratilishi, zamonaviy kommunikatsiya va axborot texnologiyalarining, ilm-fan yutuqlarining tezlik bilan tarqalishi, turli qadriyatlarning umuminsoniy negizda uyg‘unlashuvi, sivilizatsiyalararo muloqotning yangicha sifat kasb etishi – bularning barchasiga globallashuv oqibatida erishilmoqda.

Bugungi kunda zamonaviy axborot maydonidagi harakatlar shunchalik darajada tezkor va shiddatliki, endilikda, bu voqea bizdan olisda yuz beribdi, uning bizga aloqasi yo‘q, deb beparvo bo‘lish mumkin emas. Bunday yo‘l tutgan har qanday xalq yoki millat taraqqiyotidan yuz yillar orqada qolib ketishi ham hech gap emas. Globallashuvning yana bir jihatiga e'tibor berish kerak. Hozirgi sharoitda globallashuv mafkuraviy ta'sir o‘tkazishning nihoyatda o‘tkir quroliga ayblanib, har xil siyosiy kuchlar va markazlarning manfaatlariga xizmat qilayotganini sog‘lom fikrlaydigan har qanday odam kuzatishi tabiiy.

Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat o‘quv dargohlarida, balki radio-televideniye, matbuot, Internet kabi vositalar orqali ham axborot va ma'lumotlarni olishmoqda. Buni taqiqlash mumkin emas, chunki biz yurtimizda ochiq va erkin demokratik jamiyat qurish vazifasini o‘z oldimizga qat'iy maqsad qilib qo‘yganmiz. Demak, biz kelajagimizni qobiqqa o‘ralgan holda emas, balki umumbashariy va demokratik qadriyatlarni chuqur o‘zlashtirgan holda tasavvur etamiz. Biz ma'rifatli dunyo, xalqaro hamjamiyat bilan tinch-totuv, erkin va farovon hayot kechirish, o‘zaro manfaatli hamkorlik qilish tarafdorimiz.

Bugungi kunda xalqaro maydonda turli siyosiy kuchlar o‘zining milliy va strategik rejalariga erishish uchun "Erkinlik va demokratiyani olg‘a siljitish" niqobi ostida amalga oshirayotgan, uzoqni ko‘zlagan siyosatning asl mohiyati va maqsadlarini o‘z vaqtida sezish, anglash katta ahamiyat kasb etadi.

Shu borada ayrim qudratli davlatlar tomonidan muayyan mamlakatlarga, avvalambor, yer osti, yer usti boyliklariga ega bo‘lgan hududlarga nisbatan olib borilayotgan ana shunday g‘arazli siyosatni dunyoning ayrim mintaqalarida tinch hayotning izdan chiqishi, hokimiyat tepasiga aynan o‘sha davlatlarning manfaatlariga xizmat qiladigan kuchlarning kelishi bilan bog‘liq misollarda ko‘rish qiyin emas.

Xalqimizning ma'naviy olamini bunday tahdidlardan asrash, hozirgi murakkab zamonda xalqaro maydonda sodir bo‘layotgan jarayonlarning tub mohiyatiga yetib borish, ular haqida xolis va mustaqil fikrga ega bo‘lish bugunning eng dolzarb vazifasidir. Zero, biz ma'naviy va axloqiy tubanlik illatlarini o‘z ichiga olgan "ommaviy madaniyat" yopirilib kirib kelishi mumkinligini ununtmaslik kerak.

Dunyoda iqtisodiy globallashuv jarayonidan ham, ma'naviy globallashuv jarayonidan ham chetda turgan birorta mamlakat yo‘q. Globallashuvning milliy ma'naviyatimiz, an'ana va marosimlarimiz, yoshlarimiz tarbiyasiga o‘tkazayotgan ta'sirini o‘rganish va tegishli xulosalar chiqarishga jiddiy yondashish lozim.

Bugungi kunda "ommaviy madaniyat" nomi bilan yurtimizga kirib kelayotgan turli xildagi urf-odatlar, marosimlar, musiqalar, ko‘ngilochar "shou"lar, behayo filmlar, cheki chegarasi ko‘rinmaydigan serialarning yosh avlod tarbiyasiga qanchalik ta'sir ko‘rsatayotganligini anglab yetish qiyin emas. To‘g‘ri, hozirgi zamonda texnik taraqqiyot tezlashgan, yangiliklar, kashfiyotlar juda qisqa fursatda butun dunyo bo‘ylab tarqalish kuchiga ega. Internet tarmog‘i orqali, yaqindagina tashkil topgan ziyonet tarmog‘i orqali yoshlarimiz dunyo xabarlaridan, ilmiy yangiliklardan juda tez voqif bo‘layotganliklarini ijobiy holat deb qarashimiz shart. Yoki bo‘lmasa uyali telefon orqali juda olis masofadagi kishimiz bilan bog‘lanib turishimiz ham ijobiy jarayon.

O‘zgarishlarga qanchalik qarshilik ko‘rsatilmasin, ular baribir hayotimizga kirib kelaveradi. XX asrda globallashuv jarayoni tezlashib ketishi munosabati bilan o‘zgarishlar ham tezlashdi. Ayniqsa milliy kiyimlarimiz tubdan o‘zgardi. Globallashuv o‘zining ta'sirini barcha sohalarda o‘tkazmoqda. Bu o‘zgarishlar salomlashishdan tortib soch turmaklashgacha, kiyinishdan tortib o‘zini tutishgacha bo‘lgan sohalarda ko‘zga tashlanadi. XX asrning 80-yillarida odamlarga, yana 15-20 yildan keyin o‘zbek qizlari badanlariga yopishib turadigan shim kiyishadi, qorinlarining ancha qismi ochiq bo‘ladi, talaba qizlar yigitlar-kursdoshlari bilan o‘pishib ko‘rishadi, desangiz hech kim bunga ishonmasdi. Yoki kim o‘ylabdi deysiz, kap-katta yigitlarlarning ko‘chada, hatto rasmiy muassasalarda ham yarim ishton (shortik) kiyib yuradi deb. Mumtoz adabiyotda ta'riflanib, kuylab kelingan uzun sochlar deyarli qolmadi, qora sochlar esa malla yoki sariq sochga aylanib bormoqda. Inson qalbi juda nozik bo‘ladi. Ana shu nozik qalbdan, chin dildan izhor etiladigan, huda-behudaga oshkor etilmaydigan dil izhori, sevgi-muhabbat sirlari ham ming-minglab odamlarga oshkor

etilmoqda, ko‘z-ko‘z etilmoqda. Qisqasi, bunday holatlarni ko‘plab kuzatish va sanab berish mumkin. Haqli bir savol tug‘iladi. Xo‘sh, bularning barisi salbiy holatmi? Yoki bizning o‘zimiz konservator bo‘lib qolayapmizmi? Albatta, vaqtning o‘zi oliy hakamdir.

Tarbiya deganda faqat rasmiy muassasalarda, o‘quv yurtlarida beriladigan tarbiyani tushunmaslik kerak. Ko‘cha ham tarbiyalaydi. Ba’zan esa yoshlarga o‘quv yurtlarida beriladigan tarbiyadan ko‘ra ko‘cha ko‘proq ta’sir o‘tkazadi. Milliy tarbiya milliy an’ana va marosimlarga amal qilish va ularni bajarish jarayonidir. Globallashuv milliy ma’naviyatimizga tahdid solmasligi uchun shu ma’naviyatimizning negizi bo‘lgan tayanch qadriyatlarni aniqlashimiz va ularni faqat himoya qilish emas, boyitish va rivojlantirish to‘g‘risida ham qayg‘urishimiz kerak. O‘z navbatida tayanch qadriyatlarni aniqlash tajribali keksalar, ilg‘or fikrli yoshlar, ekspert-mutaxassislar, olimlar-tadqiqotchilar va umuman keng jamoatchilik fikrini o‘rganish orqali amalga oshiriladi.

Umumbashariy qadriyatlarga da’vogarlik qilib kelayotgan globallashuvning keng ta’sir doirasini aylanib o‘tish yoki uni taqiqlab qo‘yish, rad etish orqali turli xil ta’sirlarning oldini olish mumkin emas. Telefonni dars jarayoniga olib kelma degandan ko‘ra, undan qayerda va qanday foydalanish mumkinligi haqida tushuntirish lozim. Jamiyatimizda sodir bo‘layotgan ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlarni ham hisobga olish, yangi shakllanib borayotgan mulkdorlar qatlamining o‘ziga xos yuksak ma’naviyatga ega bo‘lishi lozimligini ham unutmaslik kerak. Tarbiyaning umummilliy darajada bo‘lishiga harakat qilish, ta’lim o‘choqlari, oila, mahallaning o‘zaro hamjixatlikda ish olib borishiga erishish, milliylik va umumbashariylikni bir-biri bilan, uyg‘unlikda ushlab turish lozim. Iqtisodiy-tijorat yo‘li bilan kirib kelayotgan “yangiliklar”ning nechog‘lik foydali yoki zararli ekanligini o‘z vaqtida ilg‘ab olish, xususiy-tijorat yo‘li orqali madaniyatimizga ta’sir etayotgan jarayonlarni jamoatchilik, nazoratiga olish va eng muhimi, yosh avlodni turli xil ta’sirlardan muhofaza qilishning samarali usuli – ularda yuqori mafkuraviy imunitetning shakllantirilganligi ekanligini unutmaslik lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. O’z kelajagimizni o’z qo’limiz bilan quramiz. – Toshkent: O’zbekiston, 1999.
2. Azizxo’jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.-Toshkent: TDPU, 2003.
3. Bahriev A., Bahrieva N. Yangi pedagogik texnologiyalar orqali o’qitishda ichki motivasiyani shakllantirish. / “Xalq ta’limi” jurnali, 2006, № 6. -25-28 b.

BOLA TARBIYASIDAGI NOZIK JIHAT: ODAMOVILIK HOLATI PSIXOKORREKSIYASI

Barotova Dilafro`z Sharifovna BuxDU dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi, Kazimova Zaynab Akmalovna, BuxDU magistr talabasi

Mustaqil O‘zbekistonimizda islohotlar tobora keng quloch yoymoqda, hayotimizning barcha jabhalarida, jumladan yosh avlod ta’lim-tarbiyasida ham keskin o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Bu ulkan vazifani tulaqonli ravishda amalga oshirish uchun bola shaxsini rivojlantirishning barcha metod va vositalaridan unumli foydalanish har bir ota-ona va o‘qituvchi-tarbiyachining birinchi navbatdagi ishidir.

Bola tarbiyasida uchraydigan nozik jihat odamovilik haqida to`xtalib o`tamiz. Odamovilik – boladagi xulqi og‘ish bo‘lib, muloqot doirasining torayishi, atrofdagilar bilan emotsional munosabatda bo‘lish imkoniyatining kamayishi, yangi ijtimoiy munosabatlarni o‘rnatishda yosh davrlariga xos bo‘lgan qiyinchiliklar bilan namoyon bo‘ladi.

Bu og‘ishning sababi quyidagilar bo‘lishi mumkin: Uzoq davom etgan stress (masalan ota-onaning ajrashishi), emotsional muloqotning yetishmasligi (masalan, uzoq vaqt kasalxonada bo‘lish, yoki ba’zan bolaning ota-ona uchun kutilmagan yoki istalmaganligi, ota-onaning bolaga mehr ko‘rsatmasligi), emotsional sferaning o‘ziga xos individual patologik xususiyati (psixik jarayonlarning sustligi va h.k.).

Odamovilik bolaning munosabat o‘rnatishi va uning davom ettirish imkoniyatini kamaytiradi, tez-tez ota-onasi va tengdoshlariga, odamlarga salbiy munosabat chaqiradi. Bu bolaning ahvolini yanada chuqurlashtirib, og‘irlashtirib yuboradi.Odamovi bola yolg‘izlikda yashashga o‘rganib qoladi va bu uning shaxs sifatida shakllanishiga to‘sqinlik qiladi. Muloqotga ehtiyojni emotsional kontakt bosadi, odamovilik bolani ijtimoiy ta’sirlardan himoya qiladi. Agar bola juda ta’sirchan bo‘lsa odamovilik uning psixikasini zo‘riqishdan himoyalaydi.

Odamovi bola qovog‘i solingan, norozi bo‘lib ko‘rinadi. Shu sababli ota-ona «Biz unga barcha sharoitni yaratib berganmiz, u yana nimadan norozi» deb xafa bo‘lishadi. Bu holatda ota-onaning «minnatdorlikka munosiblikni» da’vo qilishlari bolaning ahvolini battar og‘irlashtirib yuborishi mumkin. Bola bu narsani o‘zining olamiga bostirib kirish deb baholaydi. Bolaning «Nimaga men bilan gaplashmaysiz, nimaga mening ko‘zimga qaramaysiz» kabi savollari ular bilan munosabat o‘rnatishga to‘sqinlik qiladi. Odamovilik uyatchanlikdan sifat darajasi bilan farq qilganidek autizmdan ham farqlanadi. Uyatchanlik ijtimoiy muloqotga kirishishning yaxshi shakllanmaganligi natijasi. Shu sababli uning korreksiyasi bola ta’limiga muloqot malakasini qo‘shish, o‘zgalar harakatini tahlil qilish va o‘zlashtirishni eplay olish xolos. Odamovilik uchun bunga o‘xshash harakat korreksion ishning yakuniy bosqichi xolos. Ba’zida ijtimoiy

kompensatorlikning oshishi parallel holatda korreksiyaning boshqa turini o‘tkazishni talab qiladi.

Odamovi bola bilan korreksion ishning mohiyati bolani atrofdagilar bilan emotsional munosabat o‘rnatishiga yordam berishdan iborat. Buning uchun ota-onalarning bittasi bola bilan emotsional aloqa o‘rnatishi shart.

Odamovi bola bittagina oynasi ochiq qolgan xonaga o‘xshaydi (masalan, ota-onalarning bittasi bilan munosabat). Korreksiyada bu imkoniyatdan foydalanishi kerak, ammo unitmaslik kerakki, agar u ijtimoiy samara bermasa ham munosabat o‘rnatishning oxirgi yo‘li yopilishiga yo‘l qo‘ymaslik psixologning burchi.

Korreksiyaning bu qoidalari odamovi bola bilan ishlashning asosiy yo‘nalishlarini beradi:

1. Buzilishga olib kelgan sabablarini bartaraf etish.
2. Bolaning muloqotga bo‘lgan ehtiyojini, kattalar va tengdoshlar bilan munosabatini tiklash yoki qayta qurish.
3. Bolaning oila va tengdoshlar guruhi bilan munosabatlarini tartibga solish (nafaqat bolani boshqa odamlarga «o‘girish», balki bola ular o‘ylaganidek, yomon yoki yovuz emasligini ko‘rsatish).
4. Bolaning muloqot malakasi ta’limi va aloqa o‘rnatish.

Bola ta’sirchanligining yuqoriligi sababli korreksiya juda qiyin kechadi, shu sababli u sekin-asta olib borilishi kerak.

Odamovi bola bilan quyidagi psixodiagnostik ishlar olib borilishi mumkin:

Birinchi uchrashuvda psixolog bolaga to‘g‘ridan-to‘g‘ri savol berishdan (Sening oting nima? kabi), bolaga ko‘z tashlab qo‘yishdan, uning «o‘ychanligini» aniqlash uchun «yopishib» olishdan, kuchli sezgi uyg‘otishdan qochish kerak. Bola bilan munosabat o‘rnatishning boshlanishida bosim o‘tkazmaslik lozim. Munosabatda salbiy tajribaga ega bo‘lgan bola uni yana o‘zi uchun yoqimsiz bo‘lgan vaziyatga tortayotganlarini tushinmasligi lozim.

Psixolog qilayotgan harakat bolaning o‘zi qilayotgan harakat ramkasidan chiqmasligi lozim. Unga o‘zining o‘yinini taklif qilish emas, balki bola nima qilayotganligini kuzatib, u bilan birga shug‘ullanishi lozim.

Agar bola doimiy ravishda ezilgan, salbiy emotsiyalarni his qilayotgan bo‘lsa, bolani ijobiy emotsiyalarni his qilishga o‘rgatish asosiy vazifa hisoblanadi. Bunga har xil o‘yin metodlari bilan erishish mumkin. Agar bola o‘yin faoliyatining taraqqiyotidan ortda qolgan bo‘lsa, qoloq bo‘lsa, tengdoshlari kabi o‘ynay olmasa, bola bilan uning imkoni yetguncha o‘ynash kerak. U bilan bir o‘yinni o‘tkazish, ayni daqiqada bolaning emotsional tonusini oshirish, u bilan ertangi kungi o‘yin haqida kelishib olish kerak.

Kutish o‘tkazilgan o‘yindan ijobiy samara olishga yordam beradi va hatto uni kuchaytiradi. Kutishda bolaning odatdagi holatidan emotsional toni yuqori bo‘ladi. Har bir yangi o‘yin, sayr va shu kabilar samaradorlikka erishishni mustahkamlaydi. O‘yinni kengaytirish, unga yangi elementlarni qo‘shish bolada ijobiy emotsiya vujudga keltiradi. Bu metod faqatgina qo‘rquvning korreksiyasiga tegishli emas, uni deyarli barcha bola shaxsining emotsional motivasion sferasi buzilishida qo‘llash mumkin.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, yosh avlodni tarbiyalab kamolga yetkazish muqaddas burchimiz ammo, ijobiy- axloqiy xislatlarni tarbiyalash oddiy jo`n ish emas. U kunlab, oylab, yillab va hatto un yillab oliy maqsad yo‘lida sabr-toqat, chidam va kat’iyatlilik kabi irodiviy sifatlarni taqozo etadigan insoniy vazifamizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Inson baxt uchun tug‘iladi. O‘zbekiston Prezidenti Islom Karimovni hikmatli co‘zlaridan. T.: «Sharq», 1998. 62 b.
2. G‘oziev E.G‘., Tulaganova G.K. Tarbiyasi «qiyin» o‘smirlar. Toshkent. «Yosh gvardiya», 1989. 46-bet.
3. Алхимова М.В. Трубников В.И. Психогенетика агрессивности. Вопросі психологии, 2000, №6, стр. 112-121.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Баҳромов Қ.Ҳ- БухДУ тупроқшунослик ва география кафедраси ўқитувчиси,
Қурбонова М.С. -Бухоро шаҳар 23 - мактаб география ўқитувчиси,
Шодиева Н-БухДУ география бўлими талабаси Улуғбек номидаги стипендия соҳибаси

Ҳозирги замон илм-фан тараққиёти,ахборот муҳитининг кенглиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланиш суръати таълим тизимига давр талаби нуқтаи назаридан янгича қарашни,уни жамият талаблари ва шахс эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, келгуси тараққиётимизнинг асоси таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига боғлиқ . Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари

ибратлидир,”Шуни унутмаслигимиз керакки,келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади,бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фапрзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она,устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур.Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизнинг мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган,онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш-таълим- тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришимизни талаб этади.”

Республика узлуксиз таълим тизими учун дастлабки поғона бўлган умумий ўрта таълим тизими, айниқса табиий география таълимида педагогик ва ахборот технология ларидан фойдаланиш муаммоси долзарблиги биланалоҳида ажралиб туради. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун эса география таълимида самарали метод ва воситалар,хусусан , педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш лозим.

Маълумки, табиий географик қобиқ ваунинг таркибий қисмлари ҳамда табиий худудий комплексларга хос бўлган умумий қонуниятлар ҳақида билим берадиган фандир.Чунки бу фанни ўқиш орқали ўқувчилар ер шари,алоҳида олинган материк ва океанлар,ўзи яшаб турган Ватани Ўрта осиё ва Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурсларини чуқур ўрганадилар ҳамда табиий унсурларнинг бир –бирига узвий боғлиқ ва алоқадорлик қонуниятларини тушуниб етадилар.Натижада табиатни чуқур ва ҳар томонлама билувчи уни табиий бойликларидан оқилона фойдкаланиб, муҳофаза қилувчи, географик маданиятга эга,атроф муҳитга онгли муносабатда бўладиган, мустақил фикр юритадиган,кенг илмий дунёқарашга эга бўлган ватанпарвар ёш авлод вояга етади.

Географик билимлар ўқувчиларга асосан дарс жараёнида назарий жиҳатдан берилади.Юқорида санаб ўтилган хусусиятга эга бўлган ёш авлодни вояга етказишда назарий жиҳатдан эгаллаган билимларни амалий машғулотлар ёрдамида кўникма ва малакага айлантириш орқали эришишимиз мумкин. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айлантиришда педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган дарснинг имконияти катта.

Модулли таълим технологияси модулларга асосланади.Модул лотинча сўздан олинган бўлиб,”қисм”,”блок” деган маънони билдиради.

Мазкур дарсларда ўқувчиларнинг билиш фаолияти модулларнинг кетма-кет ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда ташкил этилади.

Географияни ўқитишда модулли таълим технологияларидан фойдаланишда дарсда ўрганиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрли қисмлар, яъни мудулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни ўқувчилар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Шу ўқув топшириқлар асосида ҳар бир модул якунида савол-жавоб ўтказилади ва хулоса чиқарилади.

Модулли таълимнинг асосий моҳияти , ўқувчилар модул дастурлари ёрдамида мустақил ишлашга асосланган ўқув - билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришишдир.

Модул дастурлари ўқитувчи тоимонидан тузилиб,мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модул дастурларининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг дарс давомида бажарадиган ўқув фаолияти элементлар (ЎФЭ), ўқув топшириқларини бажариш бўйича берилган кўрсатмалар,модул дастурини якунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради. Мазкур технология табиий фанларни, хусусан, географияни ўқитишда самарали усуллардан бири ҳисобланиб, ундан география таълимида фойдаланиш яхши натижа беради.

Ўзбекистоннинг умумий табиий геогафик шароитини модулли таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ўрганишда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини модул дастури асосида ташкил этиш орқали юқори натижаларга эришишимиз мумкин.Бунда,ўқувчилар ўқув материалини модул дастуридан ўрин олган ўқув тошириқларини бажариш орқали мустақил ўзлаштирадилар, амалий топшириқларни бажаради ва ўқув фаолиятининг субъектига айланади.Берилаётган мавзуга оид амалий топшириқлар модулли технологияга асосланган ҳолда маълум кетма-кетликда,изчилликда ва кичик блок (қисм) лар тарзида олиб борилади .География дарсларида ўқитишнинг модулли технология асосида ташкил этиш ва унда амалий топшириқларни турли усуллар ёрдамида бериб бориш орқали кўзланган мақсад самарадорлигига эришиш билан биргаликда ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширади,уларда ўз-ўзини назорат қилиш ва тўғри баҳолашни шакллантиради.

География дарсларида модулли таълим технологияларидан фойдаланилганда ўқитувчи ўқув материалини модулларга ажратади.Ҳар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади, ўқув ва амалий топшириқларни аниқлайди.Машғулот юзасидан назорат тест топшириқларини тузади.Ўқувчиларнинг мустақил ўқув билиш фаолиятини ташкил этади.Муаммоли вазиятларни

вужудга келтирали,тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир кичик модул якунида ўқув баҳси,савол-жавоб,мунозара ,ақлий ҳужум ўтказади.

География ўқитувчиси томонидан баҳолаш ҳақида сўз борганда бу технологиядан фойдаланиб ташкил этилган дарсда ҳеч бир ўқувчи амалий топшириқларни бажариш жарёнида "қониқарсиз" баҳо олмайди.Агар ўқувчи нотўғри жавоб берса, ўқитувчи ва ўқувчилар ёрдамида қайтадан тўғри жавоб беришга ҳаракат қилади.Натижада ўқувчида ўқитувчига ва фанга бўлган салбий муносабат юзага келмайди. Аксинча теран ва аниқ фикрлашга, ўз хатосини тўғрилашга ҳаракат қилади.

Биз қуйида Ўзбекистон табиий географияси дарсларида модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ташкил этиш мумкин бўлган амалий топшириқли дарсдан намуна келтирамиз.

Дарснинг мавзуси; Ўзбекистоннинг ички сувлври ва сув бойликлари.

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларга Ўзбекистон ички сувлари ва дарёларининг хусусиятлари, уларнинг Республика ҳудуди бўйича тақсимланиши,дарёларнинг тўйинииши ва режими,оқимнмнг йил фасллари бўйича тақсимланиши, асосий дарёлар ва уларнинг хусусиятлари, Республикамиздаги дарёларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, муҳим суғориш каналлари ҳақида билим бериш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга Ўзбекистоннинг ички сувлари ва сув бойликларини ўргатиш орқали ахлоқий, эстетик ,экологик,ватанпарварлик тарбиясини бериш,миллий ғурур-ифтихор туйғусини шакллантириш, ота-боболарнинг ўгитлари муқаддас эканлиги ва уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини англатиш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчиларни Ўзбекистоннинг ички сувлари ва сув бойликлари ҳақидаги билимлари,дарслик, харита ,атлас ёзувсиз харита устида мустақил ишлаш кўникмаларини,нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш.

Дарсни жиҳозлаш: Ўзбекистон табиий харитаси,Ўзбекистон дарё ва кўлларига оид жадваллар ,слайдлар ва ўқув фильмлари.

Дарсда фойдаланадиган технология: Модулли таълим технологияси (ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модул дастури)

Дарснинг бориши:

I.Ташкилий қисм

II.Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини тест савол топшириқлариёрдамида аниқлаш ва баҳолаш.

III.Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади ,бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

IV,Янги мавзуни ўрганиш:

а)Янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва ўқувчиларни модул дастурининг дидактик мақсади билан таништириш;

б) Ўқувчиларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўқув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) Ҳар бир ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ) топшириқларини тўлиқ бажарилишини назорат қилиш ,тегишли кўрсатмалар бериш;

г) Ҳар бир ўқув фаолияти элементи якунида савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш;

Ўқитувчи ушбу дарсда ўрнаниладиган ўқув материалини қуйидаги мантиқий тугалланган фикрли уч қисмга,яъни модулга ажратади.

Ички сувларнинг республика бўйича тақсимланиши.

Дарёларнинг тўйиниш типлари.

Асосий дарёлари ва уларнинг хусусиятлари.

"Ўзбекистоннинг ички сувлари ва сув бойликлари"мавзуси бўйича ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури

Модул дастурининг дидактик мақсади:

Сиз модул дастури ёрдамида ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ,ҳамкорликда ишлаб Ўзбекистон ички сувлари ва сув бойликлари, дарёларининг хусусиятлари, уларнинг Республика ҳудуди бўйича тақсимланиши, дарёларнинг тўйиниши ва режими, оқимнинг йил фасллар бўйича тақсимланиши, асосий дарёлар ва уларнинг хусусиятлари, муҳим каналлар билан танишишингиз, уларнинг Рнеспубликамиз иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрнини аниқлашингиз, дарслик, харита, атлас ва ёзувсиз харита устида мустақил ишлаш, амалий топшириқларни бажариш кўникмаларингизни ривожлантиришингиз зарур.

Ўқитувчи модул дастури якунидан сўнг , ўқувчиларга янги мавзу бўйича тест топшириқларини тавсия этади.Ўқувчилар тест топшириқларининг жавобларини аниқлагандан сўнг,ўқитувчи тўғри жавобларни эълон қилади.Ўқувчи ўз жавобларини ўзи текширади ва

модул дастурини тегишли графасига ўз баҳосиниқўяди.Шу тариқа ўқувчилар ўз- ўзини назорат қилади.

Модул дастурини бажарилишини назорат қилишдаўқувчилар ўртасида ўзаро назоратни қўллаш ҳам яхши натижа беради.

ПСИХОЛОГИК ИММУНИТЕТ – ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Қодирова Дилноза Муртазоевна, Бухоро Далат университети

Бугунги дунёда ахборотнинг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги, бу жараён тўхтовсиз давом этаётганлиги таълим тизимида муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки, таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ва ўқитувчилари қандай ахборот, маълумотларни қабул қилаётганлари ҳамда ўзлаштираётганларини тўлиқ назорат қилишнинг деярли имкони йўқ.

Ахборот макони ҳамда оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек, ахборотнинг ўта даражада кўплиги, айрим пайтларда деструктив йўналганлиги ҳатто, кишиларнинг ҳаддан ташқари асабийлашуви, хулқ-атворининг ўзгариши ва тушкунликка тушишларига ҳам олиб келмоқда.

Вазиятни тўғри таҳлил қилиш ва баҳолаш қўлидан келмайдиган инсон учун адекват қарор қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя этиш ва бажарилган ишнинг натижаси учун масъулиятни зиммасига олиш анча қийин кечади. Бун-дай шахснинг психологик қарамликка тушиб қолиш хавфи юқоридир. Психологик қарамлик ҳолат, вазият, бошқа инсонлар ва гуруҳлар, ўрнашиб қолган ижтимоий стереотиплар ҳамда кишининг шахсий тажрибаси натижасида шакл-ланган стереотипларда намоён бўлади.

Дунёда турли мазмун ва кўринишдаги ахборотларнинг кўплиги ҳамда улар ҳажмининг ошиб бораётганлиги шахсда психологик ҳимоя механизмларини мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш заруриятини туғдирмоқда. Номақбул маълумотларнинг меъёридан ошиқлиги, айниқса, деструктив хусусиятга эга ахборотлардан воқиф бўлиш шахс ёки жамоанинг ўзи яшаётган жамиятга ижтимоий ва психик дезадаптацияланишига, ижтимоийлашувнинг номувофиқ шаклланишига, ҳатто кишиларда турли психосоматик касалликлар ривожланишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Психологик ҳимоя шахс бутунлигига таҳдид солувчи хавотирланиш ва ноқулайлик ҳолатлари, ички ва ташқи зиддиятлар билан боғлиқ салбий, жароҳатловчи кечинмаларни бартараф қилиш ёки камайтиришга йўналтирил-ган механизмлар тизимидир. Субъектив таҳдид шахснинг ички майллари қарама-қаршилиги ёки ташқи таъсирлар номувофиқлиги туфайли пайдо бўли-ши кузатилади.

Шахс психологик ҳимоясининг шаклланиши, фаолият кўрсатишининг баъзи йўналишлари ва асосий даражаларининг тадқиқи, ўз навбатида, унинг тизим сифатида характерини тасаввур қилишга имкон беради. Шахс психологик ҳимоясини ташкил этишнинг 3 та асосий йўналиши мавжуд. Булар:

I. Ижтимоий (жамият миқёсида) йўналиш.

II. Ижтимоий-психологик (турли ижтимоий ва ижтимоий ташкилотлар доира-сида) йўналиш.

III. Индивидуал-шахсий йўналиш.

*Ижтимоий даража*даги психологик ҳимоя ўзаро таъсир жараёнида ахборот-ни қайта ишлаш ва баҳолаш, турли усул ва воситаларни қўллаш ҳамда ахбо-рот оқимларини бошқариш воситасида амалга оширилади. Бу йўналишда шахс психологик ҳимоясининг субъектлари сифатида, ижтимоий институтлар фао-лияти мисолида давлат ва жамият фаолият кўрсатади.

*Ижтимоий гуруҳ даражаси*даги психологик ҳимоя гуруҳ ичида ахборот оқимлари ва манбаларидан фойдаланиш ҳамда тарқатиш воситасида амалга оширилади. Шунингдек, аниқ ижтимой гуруҳлар ва ташкилотлар учун хос бўлган ўзаро таъсир, ахборотни қайта ишлаш ва баҳолаш усулларидан фойдаланишда ҳам психологик ҳимоя кўзга ташланади. Ушбу даражада шахс психологик ҳимоясининг субъекти сифатида гуруҳлар ва ташкилотлар (оила, ишлаб чиқариш, ижтимоий, сиёсий, диний ва бошқа ташкилотлар) намоён бўлади.

*Индивидуал шахсий даража*да психологик ҳимоя хулқнинг ҳимоя воситалари, алгоритмлари ва регулятив тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади. Шахс хавфсизлигини таъминлаш жараёнида унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсонни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги негатив вазият ва унинг таъсири асосида ижтимоийлашув жараёнининг мақсадга мувофиқ кечмаслиги билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Психологик ҳимоя шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик ноқулайликларни бартараф этишга хизмат қилади. Шахснинг ижтимоий мослашмаслиги айрим бошқа жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир.

Психологик ҳимояси яхши ривожланмаган кишиларнинг манфаатдор шахслар ёки сиёсий гуруҳлар, оқимлар томонидан амалга ошириладиган манипуляция қурбонига айланиши эҳтимоли юзага келади. Шуни назарда тутиш лозимки, манипуляция таъсирига берилмаслик анча мушкулдир. Чунки, инсоннинг энг зарур эҳтиёжлари ва мотивларини назарда тутиб қилинган мурожаат, одатда, эътиборсиз қолмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги глобаллашув шароитида шахсда психологик ҳимояни шакллантириш уларни ёт ғоялардан, ахборот хуружидан ҳимоялашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ёшларда психологик ҳимояни шакллантириш, ахборотларни саралаб қабул қилиш маданиятини шакллантириш улар ижтимоий онгига салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилиши, табиий.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. У.Қодиров. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. Т., 2013
2. Самаров Р., Қодиров У. Шахснинг психологик ҳимояси – барқарорликни таъминлаш асоси. // Таълим муаммолари. 2010 йил

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Л.Ж.Ёдгорова, БухДУ катта ўқитувчиси, М.Н.Исмоилова БухДУ ўқитувчиси

Resume *This artich modern pedagogical technology information and communication technology ways in subject.*

Keywords: *Modern pedagogical technology, information and communication technology.*

Президент И.А.Каримов “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида 2012 йилнинг 17 февралида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида: “Замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин”, – деб таъкидладилар. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида юқори натижаларга тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай рол ўйнашига боғлиқ.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилиш баркамол авлодни вояга етказишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Республикамиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш учун юксак ахлоқли, руҳий-маънавий етук, комил инсонни вояга етказишда қаратилган оммавий ишлар ва тадбирларни ўтказмоқда. Тараққиёт ниҳоятда тезлашган XXI асрда ёшларнинг фикру-зикрини ахборотлар ва ахборот технологиялари банд қилган ҳозирги кунда уларни маънавий бой, комил инсон қилиб тарбиялаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммони ечишда мураббий, тарбиячи ва педагог олимлар чуқур изланиш ва тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Фан ва техника, айниқса, информатика ва ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган ушбу даврда ҳар бир инсон ўзининг ҳаётида муҳим бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мустақил ҳаётга дадил қадам ташлаш, атрофимизда содир бўлаётган ўзгаришлар ва янгиликлар билан ҳамнафас бўлиб яшаш энг аввало жамият тараққиётининг олға силжишига таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам инсон ўз тафаккури ақл-заковатини кўпроқ ижодий ишларига жалб қилиши шартлиги эътироф этилмоқда. Янгидан-янги техник қурилма ва воситаларни кашф қилиш инсонни ўз яшаш шароитига, қилаётган иши, илмий-техник изланишларига ижодий ёндашиш самарасидир. XXI асрга келиб инсоният қўл меҳнатинигина эмас, балки ақлий меҳнатини ҳам енгиллатиш устида изланиш олиб бормоқда. Бу йўлда кўплаб техник қурилмалар яратилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Замонавий педагогик технологияларни информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда қўллай билиш хаётий мажбуриятга айланмоқда. Ҳар куни бозор иқтисодиёти ва ижтимоий хаётда ахборотлар кўлами кўпайиб бормоқда, аммо уни керакли фанга мослаб қабул қилиб, қўллаш учун етилиб келаётган ёш кадрлар информатика ва ахборот технологияларини мукаммал билиши ҳамда уни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳаётга қўллай билиши зарур. Шу сабабли ўзгаришларга ижодий ёндошиш, уларни талабаларга етказиш ҳар бир профессор-ўқитувчидаги жиддий масъулият ва изланувчанлик талаб этилади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таълим жараёнини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш мақсадида давлат таълим стандарти, намунавий дастур, ўқув

режаларига ҳамда иш дастурига мазмунан фанни такомиллаштириш, информатика ва ахборот технологияларини эгаллаш даражаси , Internet янгиликлари асосида маърузалар, амалий ва лаборатория ишларни ўтказиш технологияларини қўллаш борасида самарали ишлар амалга ошириш керак.

Танланган ўқув предмети тўғрисида сўз борганда, унга мос ўқув режаси ва фаннинг мазмунини ифодаловчи дастурлар билан бир қаторда компьютер дастурий таъминоти асосида яратилган ўқитиш жараёнини самарадорлигини оширишга йўналтирилган электрон манбалардан мультимедия, ўқитиш техник воситалари, шахсий компьютерлар ва бошқа техник қурилмалардан фойдаланиш натижасида юқори самарадорликка эришилиб, кўзланган мақсадга етиши мумкин.

Таълим-тарбия масканларида шахсий компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш йўллари ўқувчиларга "Информатика ва ахборот технологиялари" фанидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларни ташкил этишда компьютер тармоқларининг асосий ва қўшимча қурилмалари иш фаолиятини назорат қилиш ҳамда уларни бошқариш, техник хизмат кўрсатиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш лозим.

Хуллас, информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан таълим тизимида кенг фойдаланиш натижасида ўқитувчи талабаларда керакли фан юзасидан билим, кўникма ва малакасини шакллантирибгина қолмай балки, шаклланиб келаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистонга юксак маънавиятли, эркин фикрлайдиган, ахлоқ-одобли, таълим-тарбияли, билимли, шижоатли, зукко ва ҳаётга мустақил ижодий ёндашадиган кадрларни тайёрлашда кўмаклашади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ. -1997й. 20-29-бетлар.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ. - 1997й. 31-61-бетлар.

3. Арипов М.М. ва бошқалар. Информатика, информацион технологиялар, 2-қисм. – Тошкент: "ТДТУ", 2003й. 430 б.

"ДЕТАЛНИНГ ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИБ КЎРИНИШЛАРИНИ БАЖАРИШ" МАВЗУСИНИ ЎТИШДА АЖУРЛИ АРРА МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.Ш.Ходжаева – ТТЙМИ, катта ўқитувчи, Д.И.Мамурова – БухДУ, ўқитувчи
А.Ш.Аминов – БухДУ ўқитувчиси

Мақолада чизмачилик дарсларида интерфаол методлар фойдаланиш ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллаш жараёнини фаоллаштиришда катта ижобий натижалар бераётганини кўрсатилган.

В статье рассматриваются положительные результаты в активациях нового знания с использовании интерактивных методов на уроках черчения.

The article discusses positive results in the activation of new knowledge using interactive methods at the lessons of drawing.

Калит сўзлар: интерфаол метод, педагогик технология, детал, ўқувчи, замонавий таълим, шаклини ўзгартириш.

Ключевые слова: интерактный метод, педагогическая технология, деталь, ученик, модернизированное образование, изменение форм

Keywords: interactly method, pedagogical technology, detail, disciple, modern education, changing forms

Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рўҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Бунинг учун педагогик технологилардан фойдаланиш ўринлидир.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Педагогик технология-таълим-тарбия бериш бўйича кўзда тутилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган жараён. Бу жараён маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш орқали ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайди.

Интерфаол педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарсларнинг афзалликлари шундан иборатки, бундай дарслар тизими тафаккурни чархлайдиган, шакллантирувчи фан асоси бўлиб хизмат қилади. Фанларни ўқитишда "Гуруҳлар билан ишлаш", "Мунозара", "Муаммоли ўқитиш", "Ақлий ҳужум" каби методлар, шунингдек жадваллар билан ишлаш, мустақил фикрни ифодалайдиган ёзма ишлар, иншолар ёзиш ўқувчилар фаоллигини оширади. Бу методлар асосида

олиб борилган ана шундай дарслар вақт тежамкорлиги билан бирга, янги билимларни ўқувчига етказиб беради, шунинг билан бирга болани ўйлантирадиган, чуқур мушоҳадага ундайдиган, бутун диққат эътиборини ўзига жалб қила оладиган, муаммоли вазиятлар, баҳс-тортишувларда тўғри хулосалар билан вазиятдан чиройли чиқиб кета оладиган ва олган билимларини бошқа мавзулар билан боғлаб, умумлаштирадиган шароитга эга бўлади.


Ўқув жараёнида ўқитувчининг вазифалари интерфаол методлар ёрдамида ўқувчиларга билимлар тизимини бериш: ўқувчиларни илмий равишда фикрлашга (мулоҳаза қилишга), объектив мулоҳаза қилишга ўргатиш; малакаларини ривожлантириш ва шакллантириш; қобилиятли қилишга, ўзига масала қўйиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини қидира олишга, ўзининг фикри ва бошқаларнинг фикрини текшира олиш ва баҳолай олишга, тезда фикрлай олишга ўргатиш; ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш, уларни ўз фикрларини саводли ва мантиқан тўғри баён қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Интерфаол усулда ўқувчи ўзи фаол иштирок этган ҳолда, якка, жуфтликда гуруҳларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, фикрлайди, баҳолайди, ёзади, сўзга чиқади, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади. Янги мавзу (ахборот) ўзлаштиришда танқидий, таҳлилий ёндошилади. Ўқитувчи фақат фасилитатор (йўл-йўриқ кўрсатувчи, ташкил қилувчи, кузатувчи) вазифасини бажаради.

Интерфаол методларнинг барчаси ўқувчиларнинг фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишда бир қолипликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини бирмунча оширади.

Интерфаол методларнинг рўёбга чиқариш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажурли арра, менюлар оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, кластер, синквейн, ўз ўрнингни топ каби методлар ўқитувчининг олдиндан кўрсатиб берган фаолият усулларини такрорлашини тақазо этади.

“Ажурли арра” методи чизмачилик фанида “Деталнинг шаклини ўзгартириб кўринишларини бажариш” мавзусида кўриб чиқамиз.



С) 1- шакл

Маълумки машина ва механизм деталларнинг шакли турли геометрик жисмлардан ташкил топган. Уларнинг айримлари жуда оддий (цилиндр, конус призма ва ҳоказо) геометрик шакллардан иборат бўлса, айрим деталларнинг шакли мураккаброқ бўлиб, улар икки ва ундан ортиқ жисмларнинг бирикмаси (кесишуви ёки йиғиндиси)дан ташкил топган бўлади. Баъзи деталлар уларнинг шаклига конструктив ўзгаришлар киритиб тайёрланади.

Қуйидаги жисм шаклига конструктив ўзгаришлар киритиб, унинг кўринишларни ҳосил қилишни кўрамиз. А – берилган деталь, Б- ўзгариш киритилган деталь

Ўзгариш киритилган детальнинг проекцияларини чизамиз.

“**Ажурли арра” методи** тузилиш жиҳатдан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади.

1. Топшириқни бўлиш. Топшириқ деталнинг шаклини ўзгартириб кўринишларини чизиш учун матнли материаллар ва чизмалар бир нечта асосий қисмларга киритилади.

1-шакл, а да жисмнинг яққол тасвири берилган ва олиб ташланадиган қисмларини белгиланган. 1-шакл, Б да унинг белгилаб кўрсатилган қисмларини олиб ташлангандан кейинги шакли яққол тасвири тасвирланган. Сўнгра яққол тасвирга асосан деталнинг учта кўриниши чизилган ва чизмада ўлчамлар қўйилган (1 – шакл с).

2. Эксперт гуруҳлар. Қўлида шу мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талаблар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

3. Бирламчи гуруҳлар. Ўқувчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

“**Ажурли арра” методи** моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндошилганда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон яратилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун ўқувчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурияти туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир ўқувчи 2 гуруҳ таркибида иштирок этади: дастлаб ”ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун ўқувчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирон-бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача ўқувчи (ўқувчиларнинг сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи “ўз уйи”дагиларни қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи ўқувчиларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлаштиришни таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни аудитория хонаси охирида, “кўк”ларни эса мактаб йўлакчасида учрашиш белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам ўқувчи бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим, ўқув материаллари тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича “эксперт” бўлиши учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Ўқувчиларга қуйидаги топшириқлар берилади:

-пакетдаги материалларни қунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;

-бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;

-ўз “уйингиз“ гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалларнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг:

9. Ўқувчиларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар ўз “уйи”-гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан ўқувчи бўлиши шарт, ўқувчи ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи ўқувчиларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Ўқувчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирилган фаолият турини ўтказиши мумкин.

Бу методдан бошқа фанларда ҳам амал қилиш ўринлидир. “Ажурли арра” методнинг барчаси ўқувчиларнинг фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишда бир қолипликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини оширади.

ИННОВАЦИОННО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИИ СОЦИАЛЬНЫХ ДИСЦИПЛИН.

Махмудова С.У.Преподаватель кафедры «Социальные дисциплины» Бух МИ

S u m m a r y

The article on the theme "Innovative studying technologies in social science teaching" is written by a lecturer of "Social science's" department of Bukhara State Medical institute.

The effective meaning of applying of innovative technologies on the social sciences lessons is considered in this article.

Мыслить и работать по новому - требование времени.
И.А.Каримов[1]

Социально-экономические преобразования в Республике Узбекистан, связанные с углублением экономических реформ, требуют адекватного реформирования и модернизации системы образования.

Одним из перспективных направлений повышения качества и эффективности системы образования на современном этапе Национальной программой по подготовке кадров обозначено внедрение в практику обучения прогрессивных образовательных технологий.

Главной отличительной чертой отечественной образовательной технологии является гуманизм, что предопределяет особое внимание к личности студента, ориентирует его на самостоятельную активную познавательную деятельность. Также предусматривается активное использование в учебном процессе современных достижений в сфере информационной технологии. Исходя из этого, за концептуальную основу проектирования технологий обучения мы приняли следующие позиции. Например: личностно ориентировочное обучение, системный подход, диалогический подход, проблемное обучение, применение новейших средств и способов предоставления информации и внедрение в процесс обучения новых компьютерных и информационных технологий.

Основываясь на данных концептуальных положениях, мы выбрали настоящие способы и средства обучения для использования их на лекционных и семинарских занятиях по предмету «Религиоведение» и разработали учебно-методическое пособие, о котором далее идет речь.

На фоне глубоких перемен в экономической, политической и духовной сферах жизни общества в Узбекистане резко возрос интерес к религии.

Удовлетворяя эту общественную потребность, в вузах введен предмет «Религиоведение». Его изучение способствует гармонизации межчеловеческих отношений между представителями различных религиозных и нерелигиозных мировоззрений, утверждению гражданского согласия и социальной стабильности в обществе.

При использовании инновационных образовательных технологий, а так же исходя из цели, структуры, содержания и объема учебной информации по предмету «Религиоведение», был осуществлен выбор следующих способов и средств обучения, как:

- Методы и техника обучения: дискуссия, «Мозговой штурм», инсерт, лекции (вводная, конференция, визуализации, тематическая);
- Формы организации обучения: наряду с фронтальной – коллективная и групповая, основанные на диалоге и полилоге, общении, сотрудничестве и взаимном обучении;
- Средства обучения: наряду с традиционными средствами обучения (учебник, текст лекций, опорный конспект) – графические органайзеры, компьютерные и информационные технологии;
- Способы коммуникации: непосредственное взаимодействие со студентами на основе оперативной обратной связи;
- Способы и средства (информации) обратной связи: наблюдение, блиц-опрос, диагностика обучения на основе анализа результатов текущего, промежуточного и заключительного контроля;
- Способы и средства управления: планирование учебных занятий в виде технологических карт, определяющих этапы учебного занятия, совместные действия обучающего и обучающихся по достижению поставленной цели, контроль (текущий, промежуточный и итоговый) не только аудиторной работы, но и самостоятельной, внеаудиторной работы;
- Мониторинг и оценка: планомерное отслеживание результатов обучения, как в процессе учебного занятия, так и на протяжении всего учебного курса.

Мы считаем, что это предполагает не только учет современных требований продуктивности процесса обучения в части технологизации лекционных, семинарских занятий, но и выработки у учащихся конкретных навыков и умений по разрешению проблемных ситуаций.

[1] Каримов И.А. Амир Тимур - наша гордость. Т.5. - Т.: Узбекистан. 1997

Образовательная технология состоит из введения, концептуальных основ образовательной технологии и технологий обучения на лекционных и семинарских занятиях. В «Концептуальных основах» изложены актуальность, структура и содержание дисциплины «Религиоведение», обоснованы концептуальные положения, определившие выбор способов и средств обучения, коммуникации, информации и управления образовательным процессом. Далее представлены спроектированные технологии обучения:

а) на лекционных занятиях четырех видов: вводная лекция, лекция-визуализация, тематическая лекция, лекция-конференция;

в) на семинарах трех видов: семинар по углублению и расширению знаний, семинар-конференция, семинар-дискуссия.

Изложенная краткая характеристика, по представленной образовательной технологии может быть принята за основу преподавателями вузов для использования в обучении общественно-гуманитарных наук.

ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ УСУЛЛАРИ

Назаров Акмал Мардонович, **БухДУ психология кафедраси ўқитувчиси,**
Қурбонов Эъзозбек Қобил ўғли, Ашуров Рамзидин Рамазонович
Психология йўналиши талабалари

Бугун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнининг моҳиятини атрофлича англаб етиш ҳар қандай кишилик жамияти учун ўта муҳим аҳамиятга эга ҳодисадир.Юксак маънавиятли баркамол шахс камолотини шакллантириш нафақат давр ижтимоий-маънавий эҳтиёжи, балки миллий мақсад ва манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий талабидир. Ҳозирги замон илм-фан, техника тараққиёти талабларидан бири янгича фикрлайдиган, ижодий тафаккур ва қобилиятга эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишдир. Ушбу ҳаракатлар замирида эса энг аввало, шахснинг фидойилиги, Ватанга ва ўз халқига муҳаббатини шакллантириш масаласи ётади. Зеро, ҳар бир инсоннинг барча ҳаракатлари у ёки бу даражадаги ижтимоий манфаатларга хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётни аввало унда истиқомат қилувчи шахсларнинг ижтимоий онги, мафкураси ҳамда юксак маънавияти билан белгиланади. Бу эса бевосита очиқ ахборот тизимлари орқали одамларга таъсир этувчи муайян даражадаги ижтимоий-психологик омилларга бевосита боғлиқдир. Зеро, бу боғлиқлик моҳиятини тўғри талқин қилиш ва шу талқинлар асосида тегишли чора-тадбирларни қўллай олиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Инсоният яралибдики, унинг ахборот тизимларидан тегишли маълумотларни қабул қилиши ва шу асосда ўз ижтимоий “мен” лигини шакллантиришга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб келган ва ҳозир ҳам шундай давом этмоқда. Бу эса ҳар бир шахсдаги дунёқараш, эътиқод, ҳиссий ҳолат ва ўзгаларга бўлган муносабатлар тизимига кенг даражага таъсир кўрсатади.

Худди ана шу таъсир кўламини ўрганиб, таҳлил қилиш ва тегишли муҳим хулосалар чиқарган ҳолда, маълум тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш орқали инсонни ўзгартиришга қодир бўлган очиқ ахборотлардан психологик ҳимояланиш тамойилларини яратиш мумкин.

Бундай ташвиш, албатта, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айни пайтда, айрим ёшларимиз билиб-билмай турли хил оқимлар гирдобига тушиб қолишлари натижасида гоҳида ёлғон, бўҳтон ахборотларни объектив воқелик ҳақиқатларидан ажратолдмай қоляптилар. Табиийки, бундай ҳолат ўз вақтида бартараф этилмас экан, катта ижтимоий зарар кўришимизни ва бунинг оқибатларини тугатиш анча мушкул бўлишини олдиндан англашимиз керак бўлади.

Бугунги кунда ахборот кўпроқ маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлмоқда. Маълумотлар моддий дунё объектларининг ифодаси ўлароқ ҳосил бўлади. Очиқ ахборот тизимларида “хабар” атамаси кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман, жамиятни қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши кўзланган ижтимоий аҳамиятга эга маълумот маъносини ифодалайди. Шунингдек, у муайян жамиятнинг ижтимоий табиати белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади.

XX асрнинг иккинчи ярми ва айниқса, XXI аср бошланишида тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологиялари замонавий ривожланишнинг асосий белгиси сифатида барча жабҳаларига кириб келди.

Шу боисдан, айни пайтда ахборот маконининг глобаллашуви бутун дунё тараққиётига таъсир кўрсатиш билан бирга, мамлакат ичкарисидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашувига бўлган одамларнинг эҳтиёжи ҳам жадал ортиб бормоқда. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши ва ундаги кенг кўламли имкониятларнинг ўсиши, жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли йўналишларида кенг тарзда ишлатилиши бугун кишилар онгига, ижтимоийлашув жараёнига бевосита таъсир этмай қолмайди.

Албатта, зарур ахборотларга эга бўлишга интилиш – давр талаби. Бугунги кунда ҳар бир мамлакатнинг ахборот макони икки хил ахборот билан тўлдирилмоқда: биринчис –кучли ахборот технологияларига эга мамлакатлар томонидан ишлаб чиқарилган ва уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ахборот бўлса, иккинчиси – ҳар бир давлат ўзи ҳақида ишлаб чиққан ва миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган маълумотлардир. Демак, айни замонда шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлат ўзи ҳақида ишлаб чиққан ахборотларни тарқатиши ҳам тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг учун кишиларда ахборот бобида истеъмол маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шу йўл билан маълумотларга кўр-кўрона эргашиш ва уларнинг нотўғри талқин этишнинг олдини олинади. Бинобарин, ахборот истеъмоли маданиятига, ушбу соҳада маълум бир билим ва тажрибага эга инсон жамият, халқ ва миллатга қаратилаган ўзига хос тарздаги ғаразли манфаатлар ва маълум геоахборотлар таъсирига тушиб қолишдан сақланиши керак бўлади.

Шунинг учун айниқса, очиқ ахборот тизими шароитида шахс, жамият хамда давлатнинг ахборот, ахборий психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган стратегик чора-тадбирлар жиддий ва тизимли тарзда ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Айни вақтда ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, бутун дунёдаги глобал ахборот маконидан Ўзбекистон давлатининг ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратилишига эришиш аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият”, 2008 й.
2. Ф.Мўминов, Ш.Баротов. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013.
3. Глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоя ва мафкуралардан муҳофаза қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари /илмий амалий конференция материаллари тўплами – Бухоро:ООО “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2015.

ЛОГИЧЕСКИЕ ЗАДАЧА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

Рузиев У.М. – Бухарский Государственный университет, преподаватель кафедры «Психологии », Рузиева М.А. школа № 22 учитель начальной школы.

Очень часто у детей школе возникают проблемы с учебными предметами, требующими не зубрёжки или применения хорошей памяти, а умения логически мыслить. **Ребёнок** на математике и на гуманитарных предметах, таких как история или литература, вдруг обнаруживает, что не может сделать вывод, не видит следственных связей. Среди многочисленных шуточных заданий, которыми изобилуют книжки, встречаются загадки с подвохом, чтобы развивать логическое мышление. Заниматься этим для школьников вовсе не поздно. А польза будет огромная. Казалось бы, ответ на такую загадку вполне очевиден, но даже взрослые часто ошибаются. Дети сами загадки и ответы на них запоминают легко, и требуют всё новых и новых. Цель взрослых научить их думать, строить логические цепочки, иногда подталкивая мысль ребёнка в нужном направлении. А загаданные на празднике, эти **загадки** способны развеселить и оживить его ход. Интересные логические задачки - следующий этап развития мышления. В таких задачах, требующих сообразительности и смекалки, ответ получают путём правильных рассуждений, в них почти не нужно делать вычислений. В Сети ждёт ребят множество необыкновенных задач: занимательные головоломки и задачи, имеющие подвох, просто **загадки**, и задачи из области математики или физики, парадоксы и логические трюки, а также кроссворды для школьников. И взрослым там может представиться шанс блеснуть своим умением логически мыслить, продемонстрировать свой ум и определить уровень сообразительности, сражаясь с такими необычными задачами. Сейчас в продаже имеется достаточно разных пособий со смешными задачками и забавными картинками, есть математические загадки, шарады и головоломки. Можно устраивать шуточные математические конкурсы и олимпиады. Особой строчкой в таких учебных пособиях стоят математические кроссворды. Что это такое? Это весьма оригинальные задания, как правило, на счет в различных пределах, до 100, до 1000 и так далее. Кроссворды требуют от ребенка тренировки и сложения, и вычитания, и деления с умножением. Самое интересное, что математические кроссворды дают ребенку возможность, самому проверить правильно ли он ответил, или нет. Самую большую пользу приносят такие кроссворды в том случае, когда примеры решаются устно. Возьмите такие **кроссворды в путешествие**, или на дачу, чтобы летом ваш ребенок тоже упражнял свой мозг - это даст ему заметную фору осенью. Когда большинство детей начнут практически с нуля, ваш малыш удивит своей способностью быстро решать примеры в уме. Математические кроссворды можно использовать даже как развлечение на днях рождения, устройте командные соревнования на скорость

отгадывания и выдайте победителям приз - это будет дополнительной стимуляцией ребенка на то, чтобы поменять свое отношение к предмету. Если вы будете в меру настойчивы и доброжелательны, такая маленькая хитрость, как занятия с математическими кроссвордами помогут развить неподдельный интерес ребенка к математическим примерам.

Логические загадки – это то, что должно разбавить число обычных загадок,

своеобразно украсить весь конкурс загадок.

Логические загадки, как принято, используются на торжествах, где присутствует также использовать и для подростков, но их стоит немножко упростить, или же подобрать так, чтобы они могли гарантировано дать ответ.

Такие загадки, могут иметь какой либо логический подвох, об этом стоит помнить. А человеку, который будет их подбирать, неплохо было бы так и сделать, взять загадки, которые имеют различные подвохи. Это стимулирует

публику мыслить глобальнейболее взрослая публика. **Логические загадки** для них будут довольно интересными.

Предлагаемый задачи предназначен для работы с учащимися 1 классов (1-4). В нем вы найдёте задачи, самые разнообразные по содержанию, сюжету и способам решения. Они могут сформировать у детей необходимые умения по решению логических задач разных видов, расширить математический опыт учащихся, обогатить их словарный запас, развить геометрические и пространственные представления, память, внимание, воображение.
В сборник включены задачи, развивающие сообразительность детей, повышающие их интерес к знаниям математики.

1. Ствол у дуба толще, чем ствол у сосны, а ствол у сосны толще, чем ствол у березы. Что толще: ствол дуба или ствол березы?
2. Оля выше Веры, а Вера выше Наташи. Кто выше: Наташа или Оля?
3. Дима старше Вани, а Ваня старше Марины. Кто старше: Дима или Марина?
4. Ира родная сестра Киры. Витя – брат Иры. Пётр Сергеевич–дедушка Киры. Папу Иры зовут Виталием. Напиши имя и отчество папы Киры и отчество брата Иры.
5. Из трёх братьев Миша был выше Вити, а Витя выше Димы. Кто выше: Митя или Дима?
6. Слева от квадрата находится треугольник, а справа от квадрата – круг. Где находится квадрат? Сделай рисунок.

Ответы:

1. Ствол дуба.
2. Оля
3. Дима
4. Папа-Виталий Петрович, брат-Виталий Витальевич.
5. Миша

Треугольник, квадрат, круг

ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ МУАММОСИ.

С.Ҳ.Дўстова. БухМТИ ўқитувчиси

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимининг ислох қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига унинг педагогик махоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жихатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишига боғлиқ. Шундай экан, соғлом, хар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлиги ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши ўқитувчида турли қобилиятлар бўлишини талаб қилади.

Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материалини ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши лозим. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини хисобга олади, уларни нимани билишлари ва хали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур қилади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларнинг ўқувчиларга тушуниши қийин ва мавхум бўлиши мумкинлигига асосланиб иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг шаклини алоҳида режалаштиради.

Билиш қобилиятига эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани сохасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Шунингдек, ўқитувчида нутқ қобилияти бўлиши лозим. Унинг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини тахлил қилаётган ёки қоралаётган бўлса хам, унинг нутқи хамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туради. Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади, саволлар қўйиб, уларни аста-секин тўғри жавоб беришга ундайди, ўқувчининг диққатини кучайтиради хамда фикрини фаоллаштиради. («Мана бу ерга алохида эътибор беринг!», «ўйлаб кўринг!» каби). Шунингдек, ўринли қочириқ, ҳазил, енгилгина истехзо нутқни жонлантириб юборади ва уни ўқувчилар тез ўзлаштиради.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффуз жиҳатдан ёркин, ифодали, эмоционал бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Айрим ўқувчилар тез гапиришга, бошқалари секин гапиришга мойил бўладилар. Бироқ ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини эсдан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик материални ўзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатиб қўяди. Хаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зерикишга сабаб бўлади. Хаддан ташқари кескин ва бақироқ нутқ ўқувчиларнинг асабини бузади, тез толиқтириб қўяди. Ўқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Нихоятда кўп такрорланадиган бир хилдаги имо-ишоралар ва харакатлар кишининг ғашини келтиради.

Ўқитувчида кузатувчанлик қобилиятининг бўлиши ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик рухий холатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ. Психологик кузатувчанлик асосида кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчининг рухиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчи хақида: «қарамаётганга ўхшайдию, хамма нарсани кўриб туради!», «Ўқувчининг хафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини кўзидан билади!» - дейдилар.

Ўқитувчидаги ташкилотчилик қобилияти аввало, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни хал этишга рухлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутади. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос хис етиш-ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатга улгуриш хусусияти хосил бўлади.

Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш холлари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур холларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

Ўқитувчида обрў орттира олиш қобилиятининг бўлиши ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишидир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, мехрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи, унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳоказоларга), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга хам боғлиқ.

Ўқувчилар қўполлик қилмайдиган, қўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, саводсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

Ўқитувчининг тўғри муомала қила олиш қобилияти болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини намоён қилади.

Келажакни кўра билиш қобилияти ўқитувчининг ўз харакатлари оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишида ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига, ўзаро ишончга боғлиқ.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - хажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этган бўлиши муҳим. Диққатни айни бир вақтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчилик учун алохида ахамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айни вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан кузатиб боради, интизомсизлик холларини эътибордан қочирмайди, нихоят ўз хатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчида педагогик қобилиятларни ривожлантиришга эътибор қаратиши педагогик фаолиятининг самарали бўлишига боғлиқ.

NUTQIY NUQSONLI BOLALAR BILAN KORREKSION ISHLAR OLIB BORISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

U.D.Ashurova. BuxMTI o'qituvchisi

Nutq — murakkab ruhiy faoliyatdir. U ruhiy jarayonlarning tarkib topishiga va bolaning umuman barkamol bo‘lib o‘sishiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Nutq eshituv organlari vositasi bilan idrok etishga asoslangan bo‘lib, atrofdagilarga taqlid qilish yo‘li bilan rivojlanib boradi. Og‘zaki nutqning shakllanishida eshituv analizatori hamda nutqni harakatga keltiruvchi analizatorlar ishtirok etadi. Nutqni harakatga keltiruvchi analizator eshituv analizatori bilan mustahkam bog‘langan holda ishlaydi, eshituv analizatorining rivojlanish darajasi esa ko‘p jihatdan talaffuzga bog‘liq bo’ladi. Bola nutqining o‘sib borishi tovushlar talaffuzi, fiziologik va fonematik eshitishning kamol topib borish darajasi bilangina xarakterlanib qolmay, balki eng muhimi — o‘z nutqi va atrofdagilar nutqidagi so‘zlarning tuzilishini, tovush tarkibini farqlay olish qobiliyati bilan ham harakterlanadi. So‘z tarkibini anglab olishdan iborat bu qobiliyat grammatik va leksik komponentlarning rivojlanishida ham muhim ahamiyatga ega

Ikkala signal sistemasi, shuningdek, idrok bilan so‘zning o‘zaro aloqada bo‘lishi aqliy rivojlanishning asosini tashkil etadi.

Qulog‘i og‘irlik natijasida bola nutqida bir qator kamchiliklar kuzatiladi: lug‘atining kambag‘al bo‘lishi, grammatik komponent rivojlanmagan — gap ichida so‘zlarni tashlab ketish, so‘zlarni noto‘g‘ri ishlatish, ularni o‘zaro bog‘lay olmaslik, kelishik, so‘z yasovchi, so‘z o‘zgartiruvchi qo‘shimchalarni ishlata olmaslik; tovushlarni noto‘g‘ri talaffuz qilish — o‘xshash, jarangli-jarangsiz undoshlarni bir-biri bilan adashtirish, tushirib ketish va boshqalar shular jumlasidandir.

Bola nutqidagi kamchiliklarning kelib chiqish sabablarini bilmaslik orqasida ayrim tarbiyachi va o‘qituvchilar bolani dangasa, mas’uliyatsiz, bezori deb, unga noto‘g‘ri munosabatda bo‘lishadi, natijada bola injiq, yig‘loqi, serjaxl, gap o‘tmas bo‘lib qoladi, ya’ni unda ikkilamchi ruhiy o‘zgarishlar paydo bo‘ladi.

Maxsus muassasalarda o‘z fikrini og‘zaki ifodalay olmasligini his etgan o‘quvchi yozma shaklda bayon etishni bilishi kerak. Buning uchun o‘quvchilarni o‘z fikrini og‘zaki, yozma bayon etishga o‘rgatish amaliy nutqiy ko‘nikma va malakalarni shakllantirish asosida amalga oshiriladi.

Kar va zaif eshituvchi o‘quvchilarda so‘zlashuv (og‘zaki, yozma) nutqni shakllantirish yuzasidan dars va mashg‘ulotlarda muayyan tizimdagi mashqlar asosida o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyati tashkil etiladi, didaktik vositalarning barcha turlarini nutqiy jarayonga moslay olish talab etiladi. Nutqiy materiallarning amaliy egallanishini ta’minlash uchun maxsus sodir etilgan muammoli nutqqa (gapirish, yozib tushuntirishga) ehtiyojni tug‘diruvchi vaziyatlar oldindan rejalashtiriladi. Bunda nutqiy materiallar fanlar bo‘yicha o‘quv dasturlarida, rejalashtirishlarda oldindan belgilangan bo‘ladi, ya’ni korreksion-pedagogik jarayon muayyan tizim asosida amalga oshiriladi.

Har bir dars uchun nutqiy materiallar korreksion-kommunativ tizim tamoyillariga qat’iy rioya qilgan holda (o‘quvchilarning eshitish, talaffuz qilish imkoniyatilariga mos, talaffuzi yaqqol va eshitilish diapazoni yengil, oddiydan murakkabga, noo‘xshashlikdan-o‘xshashlikka boruvchi tartibda) tanlanishi va tayyorlanishi lozim.

So‘zlashuv nutqiga ehtiyojni tarbiyalash oiladan boshlanishi, ya’ni maktabda egallangan nutqiy ko‘nikma va malakalar oilada tabiiy vaziyatlarda mustahkamlanishi va o‘quvchilar amalda (erkin, qo‘rqmasdan, uyalmasdan) qo‘llashlariga erishish uchun keng sharoit yaratilmoqda. Ushbu sharoit oila a’zolari ishtirokida yaratiladi. Ularning kar bola bilan keng muloqoti va iliq munosabati bolaning keyingi bosqich ta’lim-tarbiyasiga va umuman taqdiriga bevosita ta’sir ko‘rsatuvchi omillardan hisoblanadi.

Kar va zaif eshituvchi bolalarning nutqiy axborotni qabul qilish va uzatish imkoniyati eshitish (har qanday daraja karlikda u ma’lum miqdorda bo‘ladi) qoldig‘idan optimal ravishda foydalanishga bog‘liq bo‘lganligi tufayli maxsus muassasalarda ta’limni ovoz kuchaytiruvchi apparatlar asosida olib borish talab etiladi. Sinflar maxsus jihozlanadi. Ya’ni maktab-internat moddiy texnika negizining yo‘nalishga mos shakllanishi ta’lim mazmunining samaradorligini oshiradi.

Kar va zaif eshituvchi bola o‘z ona tilini shu til qonuniyatlari, xususiyatlaridan kelib chiqqan, mazkur bolaning ruhiy, nutqiy imkoniyatlariga moslashtirilgan, korreksion-kommunikativ tamoyillarga asoslangan va mahalliy sharoitlarni inobatga olgan maxsus yondoshuv asosida egallaydi.

Maxsus maktab-internatlarda ta’lim-tarbiya jarayonini, xususan ona tili ta’limini amalga oshirishda o‘quvchilarning fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki, yozma shakllarda to‘g‘ri, ravon ifodalashga o‘rgatishda daktil belgilardan tegishli bosqichlarda o‘rinli foydalanish muhim ahamiyatga ega.

Kar va zaif eshituvchi o‘quvchilarda so‘zlashuv (og’zaki, yozma) nutqni shakllantirishga ijtimoiy ehtiyoj sifatida yondoshish dolzarb masaladir. Buni amalga oshirish mazkur bolalarning jamiyatga moslashuvi, ularning borliqni anglashlari hamda ularni atrofdagilar qanchalik tushunib qabul qilishlari bilan belgilanadi.

Kar va zaif eshituvchi bola jamiyatning to‘laqonli a’zosi sifatida siyosiy, iqtisodiy, madaniy va boshqa ijtimoiy munosabatlarning barchasida me’yorda rivojlangan, sog‘lom tengqurlari qatorida o‘z ona tilida

bemalol, erkin, samarali va barcha uchun (nafaqat o‘zi kabi taqdirdoshlari) tushunarli tarzda muloqot qila olishini ta’minlaydi.

Xulosa qilib aytganda, o‘quvchilarning nutqiy axborotni qabul qilish va uzatish imkoniyatini rivojlantirish, o‘z ona tilida sog‘lom tengqurlari kabi so‘zlashish, fikr almashishni shakllantirishga yo‘naltirilgan o‘quv-korreksion jarayonni yagona tizim asosida amalga oshirish orqali takomillashtirilmoqda.

ЎҚУВЧИЛАРНИ АҚЛИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ МАШҚ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Хамраев И.Т., Бухоро давлат университети

Тиббиёт оламининг султони Абу Али Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида “Мушакларнинг бўшлиги – бу ақлнинг сустлиги, яъни бу – саломатликнинг ҳам бўшлиги”, деб айтган.

Интеллектуал ривожланиш, таъкидлайди П.Ф.Лестгафт, унга мос равишда жисмоний ривожланишни талаб қилади. Бизнинг давримизда эса В.А.Сухомлинский шахснинг интеллектуал бойлиги (маънавий ва эстетик бойлик билан бир қаторда) жисмоний ривожланиш, соғлик ва меҳнатнинг ҳамоҳанглигига боғликдир, деб таъкидлайди,

Жисмоний тарбиянинг ақлий ривожланиш билан алоқаси кўпқирралидир. Мактаб жисмоний тарбиясининг барча тизими ўқув куни давомида ўқувчиларнинг интеллектуал иш қобилиятини юқори даражала сақлаб туришга имкон яратадиган соғликнинг мустаҳкам асосини ташкил қилишга кўмаклашиши зарур.

Жисмоний тарбиянинг вазифаси шунда муваффақиятли ҳал қилинадики, шуғулланувчилар жисмоний машқларни онгли равишда, тушуниб бажарсалар ёки улар спорт машғулотларига зўр зўриқиш, ўз ташаббуслари билан ижодий ёндашсалар, ҳаракат малакаларининг тўғри шаклланишига, организмнинг функционал қобилиятларини ривожлантириш учун умумий махсус билимларга таянган ҳолда олиб борилсагина самарали бўлади,

Жимсмоний тарбияда ёки спортда талантни очиш шуғулланувчидан умумий жисмоний ривожланганлик ва тайёрланганлик ҳамда шуғулланаётган соҳа бўйича чуқур малакали билимларга эга бўлиш, бош мия, мускуллар фаолиятидан фойдаланишда кўр – кўроналикка йўл қўймаслик натижасида келиб чиқади. Машғулотга онгли муносабатда бўлмаслик талантнинг сўнишига сабаб бўлади. Энг хавфлиси шуғулланувчидан бир томонламалик, фақат спорт билан шуғулланишгагина одат шаклланади – жамият учун боқимандалар кўпаяди.

Спорт тренировкаси сирларига шўнғиш, уни тушуниш шуғулланувчи маҳоратининг ошишига олиб келади. Бунга фақат ҳар томонламалик орқалигина эришиш мумкин.

Жаҳон рекордларини ўрнатиш, чемпионлик лавозимлари учун курашиш спортчидан юқори савия, чуқур билим ва жисмоний қобилиятни талаб қилади. Бунга эришиш учун эса машаққатли меҳнат, ўткир интеллект соҳиби бўлиш керак.

Ақлий ва жисмоний тарбиянинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги масаласи табиий-илмий фанлар асосида улуғ рус физиологлари И.М.Сеченов ва И.П.Павловларнинг илмий тадқиқотлари орқали исботланган. И.П.Павлов: “Мен бутун ҳуётим бўйли ақлий ва жисмоний меҳнатни севдим, кўпроқ иккинчисини. Айниқса, мияда пайдо бўлган фикрни ҳал қилиш учун ақлимни қўлим билан боғлаганимда ўзимни жуда яхши ҳис қилар эдим”, - деб ёзган эди.

Жисмоний маданият ижтимоий ҳодиса сифатида онг ривожланишининг маълум савияси (фикрлаш операцияларининг аниқлиги, хотира, билим, эътиқод, идрок, қадриятлар ориентацияси ва бошқалар), жисмоний сифатлар, функционал имкониятлар, турли хил фаолият соҳаларида иш қобилиятининг самарадорлигини ифодалайди.

Жисмоний маданият мазмунига одам фаолиятининг турли-туман турлари (ҳаракатлантирувчи ҳаракат, ўйин, ижтимоий-сиёсий, меҳнат, илмий, бадиий, коммуникатив, информацион ва бошқалар) киради ва уларнинг ҳаммаси у ёки бошқа меъёрда одамнинг шахсий сифатлари ривожланишида ўзининг таъсирини кўрсатади.

YOSHLAR TARBIYASIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING AHAMIYATI

O.A. Ergasheva, Z.M. Turayeva, BuxDU talabalari

Mustaqillik yillarida Prezidentimiz tomonidan ishlab chiqilgan taraqqiyotning “o’zbek modeli”ga hamda kuchli ijtimoiy siyosat prinsiplariga asoslangan holda, yoshlarning huquq va manfaatlari O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qator qonunlarda mustahkamlab qo’yildi.

Shuningdek, davlatimiz rahbarining 2014 yil 6 fevraldagi “O’zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi qarori mustaqillik yillarida olib borilgan bosqichma-bosqich, tadrijiy islohotlarning mantiqiy va qonuniy davomi bo’lib, bu boradagi ishlarning yangi bosqichini boshlab berdi.

Qarorning aynan bugungi kunda qabul qilinishi quyidagilar bilan izohlanadi:

birinchidan, mustaqillik yillarida yoshlar siyosati bo’yicha amalga oshirilgan ishlar sarhisob qilinar ekan, ularni haqqoniy baholash va islohotlar dasturiga ma’lum o’zgartishlar kiritish bilan birga, ertangi kun talablaridan kelib chiqqan holda, mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish yo’lidagi izchil harakatlarda yoshlarning faol ishtirokini kuchaytirishga ehtiyoj tug’ilgani;

ikkinchidan, hozirgi paytda mamlakatimiz yoshlarining siyosiy-huquqiy madaniyati va ijtimoiy ong darajasining o’sib borishi, jamiyatni demokratlashtirish va liberallashtirish jarayonlarining jadal rivojlanishi, yosh avlodning ilm-fan, sport sohasida erishayotgan yutuqlari bu sohadagi islohotlarni yangi, yanada yuqori bosqichga ko’tarishimiz uchun zarur shart-sharoitlarni yuzaga keltirayotgani;

uchinchidan, jahon miqyosida globallashuv va axborot texnologiyalari tobora kuchayib borayotgan bugungi zamonda dunyoda yuz berayotgan tub o’zgarishlarni xolisona va tanqidiy baholagan holda, farzandlarimiz kelajagini ko’zlab, yoshlar siyosatini amalga oshirishda qo’shimcha chora-tadbirlarni belgilab olish zaruriyati;

to’rtinchidan, har tomonlama chuqur o’ylangan, aniq maqsad va ustuvor yo’nalishlarni o’z ichiga olgan yoshlarga oid dastur va uni amalga oshirish strategiyasiga ega bo’lgan mamlakat va xalq pirovard natijada muvaffaqiyatga erishishi shular jumlasidandir.

Bugun O’zbekistonda 18 yoshgacha bo’lgan yoshlar umumiy aholining 40 foizini, 30 yoshgacha bo’lganlar esa 64 foizni tashkil etadi. Bunday ko’rsatkichlar mamlakatimiz aholisining asosiy qismini tashkil etuvchi yoshlarga alohida e’tibor berilishini taqozo etadi. Shu sababli yoshlar tarbiyasida befarq bo’lmaslik va ularni sportga ommaviy jalb qilish choralarini ishlab chiqish zarur. Bu holat o’z navbatida ular salomatligining mustahkamlanishiga, sport sohasida biror natijaga erishishlariga va bo’sh vaqtlaridan unumli foydalanishga olib keladi.

Jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug’ullanish aholimiz, avvalo, yosh avlodimizning sog’lig’ini mustahkamlashda muhim o’rin tutishini inobatga olib, bu sohaga alohida e’tibor qaratilmoqda. Mamlakatimizda yigit-qizlarning sport bilan shug’ullanishi, o’z iqtidor va salohiyatini to’la namoyon etishi uchun barcha zarur shart-sharoit yaratilgan. Ulardan samarali foydalanib, mahoratini oshirayotgan yoshlar orasidan chempionlar, yuksak natijalarga erishayotgan sportchilar yetishib chiqmoqda. Bunday sportsevar yoshlarimizning safi yildan-yilga kengayib borayotgani esa quvonarli, albatta.

Bugungi kunda O’zbekistonda 2 millionga yaqin yoshlarimiz, shu jumladan, 840 mingdan ortiq qiz bolalar sportning 30 dan ziyod turi bilan muntazam shug’ullanmoqda. Yosh avlod istiqboli yo’lida amalga oshirilayotgan barcha ishlar davlatimiz rahbarining “Farzandlarimiz bizdan ko’ra kuchli, bilimli, don ova albatta baxtli bo’lishlari shart!” degan so’zlari yurtimizda har bir inson uchun muqaddas burchga, hayot mazmuniga aylanib borayotganidan dalolatdir.

Sport – kuchli irodani talab qiladigan mashaqqatli va murakkab faoliyatdir. Shu jihatdan yoshlarimizda kuchli iroda, maqsad sari intilish, tashabbuskorlik va salobatlilik fazilatlarini tarbiyalashda ajralmas qismni tashkil etadi. Shuningdek yoshlarimizda yuqori ongli intizomni, jismoniy kamolotga erishish, sog’liqni mustahkamlash va ijodiy uzoq umr ko’rish uchun kurashda yordam beradi.

Tananing salomatligi, avvalo, ruhiy barqarorlikka bog’liq deyishadi. Sport birinchi galda irodani toblaydi. Bu esa ertangi kun egalarining o’z maqsadi sari ildam odimlashi, duch keladigan qiyinchiliklar oldida dovdirab qolmasligi kerak. Shu bois kelajak avlod barkamolligi yo’lida sportni rivojlantirish bizda hayotiy zaruratga aylanayotir.

Xulosa qilib aytganda, biz yoshlar uchun yaratib berilayotgan imkoniyatlarning cheki yo’q. Sunday ekan bu imkoniyatlardan unumli foydalanishimiz o’z kuch, g’ayrat va shijoatimizni bilim olish, o’qish va o’rganishga safarbar etishimiz, Yurtboshimiz ta’biri bilan aytganda, “Kim edig-u kim bo’ldik? Ertaga kim bo’lishimiz, Qanday yangi marralarni egallashimiz kerak? degan savolni o’zimizga berishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo’lida xizmat qilish – eng oily saodatdir.-Toshkent: “O’zbekiston”, 2015. – 302 b;

2. Boltaboyev M. va boshq.-Betakrorimsan, yagonasan, ona Vatanim – O’zbekistonim! – Toshkent: “Ma’naviyat”, 2015. – 232 b;

3. Salomov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va usuliyati – Toshkent – 2005. – 264 b.

6-SINF NEMIS TILI DARSLARIDA TA`LIM JARAYONINING IKKINCHI DAVRIGA MOS DARS O`TISH TEXNOLOGIYASI

M.Ro`ziyev BuxDU, nemis tili va fransuz tili kafedrasi katta o`qituvchisi

6-sinf nemis tili darslarida ta’lim jarayoni davrlariga mos dars o’tishini “Yozgi ta’tilda”,”Sifatdosh IIning yasalishi” (”In den Sommerferien”, ” Bildung des Partizip II”) mavzusida tahlil qilamiz. 6-sinf o’quvchisi Sifatdosh IIni yasalishi yozma nutqda va og’zaki nutqda to’g’ri ishlatishni o’zlashtirib olishi uchun fe’lning boshqa shakli – Infinitiv(fe’lning noaniq shakli) Sifatdosh II va boshqa shakllardan farqlashi lozim. Buning uchun u “Sifatdosh II” yasalishi qoidasini bilishi zarur. “Siatdosh II” yasalishi qoidasi (1) nemis tilida Sifatdosh ikkiga bo’linishi (2), nemis tilidagi Sifatdosh II shakli o’zbek tilidagi Sifatdoshdan farq qilishi (3) shu mavzu doirasida davlat ta’lim standarti **(DTC)** sanaladi. Mavzu o’qitishning qator yo’llari mavjud: Sifatdosh II yasalishiga oid bilimlari verbal yo’l-so’z vositasida izohlash. Bu ta’limni tashkil etishning an’anaviy yo’li bo’lib, unda bolalarning o’quv faoliyati bilimlaridan amaliyotga siljiydi. Boshqacha aytganda qoida, tarif, aniqliklar o’rganilib amaliyotga boriladi. Unda bolalar o’zlashtirishi repraduktiv (o’qituvchi izohlari kitobdan o’qilgan bilim asosida faoliyat ko’rsatish) xarakterida bo’ladi. Verbal ta’limni sof deduktiv yo’l sifatida qayt etamiz. Induktiv yo’l bilan ta’lim tashkil etilganda bolalarning o’quv-biluv faoliyati, “amaliyotdan nazariy bilimlarga, ulardan amaliyotga” qarab boriladi. Mavzuga oid xulosalarni ham o’quvchilarning o’zlari chiqarishadi. Hozirgi payt maktabda ilg’or o’qituvchilar “deduktiv va induktiv” yo’l bilan ta’limni boshqarish texnologiyasini yaxshi o’zlashtirib olishgan.

“Sifatdosh II” yasalishi mavzusini induktiv va deduktiv yo’l bilan o’tish tashkil etilganda 11 ta aktga rioya qilinadi. Ta’lim jarayoni akti ta’lim jarayonining eng kichik birligi bo’lib, u orqali ta’lim bosqichlariga, so’ngra ta’lim davrlariga o’tiladi. Ta’lim jarayoni aktlarning o’zaro qo’shilib yagona maqsadga, mavzuga oid bilimlarga olib keladi. “Siffatdosh II”ning yasalishi mavzusida fe’llarga **–en (e)t** qo’shimchalar orqali Sifatdosh II yasalishi(1), ikki xil usul bilan Sifatdosh II yasalishi (2), kuchli fe’llardan sifatdosh II ning yasalishi (3), kuchsiz fe’llardan sifatdosh II ning yasalishi(4), **o**’zagida **–er,-zer,-ver, miss** old qo’shimchasi bo’lgan fe’llarning –**ge** old qo’shimcha olmasligi (5),**-ieren** qo’shimchasi bor fe’llar ham –**ge** old qo’shimcha qabul qilmasligi(6),Sifatdosh II ning tugallanganlik ma’nosiga ega ekanligi (7),Sifatdosh IIning boshqaruv xususiyatiga ega ekanligi(8), Sifatdosh II gapda aniqlovchi bo’lib kelishi(9), Sifatdosh II kesimning ikkinchi qismi bo’lib kelishi(10), Sifatdosh II hol vazifasida kelishi(11), kabi bilimlarni o’quvchilar o’rganadilar. “Sifatdosh II”yasalishi mavzusida 11 ta aktlarning rioya qilinishi yuqoridagilardan ma’lum bo’ldi. Ta’lim aktlari rivojlanib ta’lim bosqichlarini tashkil qiladi. Ta’lim bosqichlari ikki va undan ortiq ta’lim aktlaridan hosil bo’ladi. “Sifatdosh II”yasalishi mavzusida Sifatdosh II ikki xil usul bilan yasalishi (1), gapda tugallangan ma’noni ifodalashi(2), gapda hol kesimning bir qismi bo’lib kelishi(3), aniqlovchi vazifasida kelishi(4),gapda kabi bilimlarni o’rganadilar. Bu “Sifatdosh II”yasalishi mavzusida to’rtta ta’lim bosqichining ishtirok etishini bildiradi. Ta’lim bosqichlari rivojlanib ta’lim davrlarini tashkil qiladi. Ta’lim davrida ikki va undan ortiq ta’lim bosqichi bo’ladi. masalan “Sifatdosh II”yasalishi mavzusida to’rtta ta’lim bosqichi mavjud. Mana shu to’rtta ta’lim bosqichi rivojlanib ta’lim jarayoni davrini tashkil qilyapti. Ta’lim jarayoni davrida o’quvchi “Sifatdosh II”yasalishi mavzusi yuzasidan to’liq ma’lumotga ega bo’ladi. Chunki ta’limning har bir aktida ham, ta’limning har bir bosqichida ham ta’lim davrida o’quvchilar bilimga, tushunchaga ega bo’ladilar. Shularga asosan ta’lim jarayonining boshlanishi aktlarda, ta’lim jarayonining davomiyligi bosqichlarda, ta’lim jarayonining tugallanishi davrlarda namoyon bo’ladi. Ya’ni ta’lim akti o’qitish va o’qishning o’zaro ta’siridan shakllanadi, ta’limning eng kichik birligi bo’lib,natijaga olib kelish vositasidir. Ta’lim bosqichi ikki va undan ortiq ta’lim jarayoni aktlaridan shakllanadi, mikro natijalarga erishish vositasi hisoblanadi.Xulosa qilib aytganda “Sifatdosh II”yasalishi mavzusi ta’lim jarayoni davrlari moslab o’tish misolida boshqa mavzularni ham shu asnoda o’tish maqsadga muvofiq bo’ladi. Ta’lim jarayoni davrida o’quvchi to’liq o’zlashtirilmagan bilim, malaka, ijodiy faoliyat tajribasidan to’liq o’zlashtirilgan bilim, malaka, ijodiy faoliyat tajribaga qarab boradi.

БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ДИДАКТИК ЛОЙИҲАНИНГ ЎРНИ.

Г.Тошева, Ш.Очилова, Р.Ражабова Ромитан педагогика коллежи ўқитувчилари.

Дидактик лойиҳалар ўқувчилар шахсига мўлжаллаб тузилади. Шунга кўра мақолада ижтимоий тажрибани дидактик лойиҳалаш муаммоси баркамол инсон шахси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Дидактик лойиҳалаш муаммосини "Баркамол инсон шахси ва ижтимоий тажриба" тизимида таҳлил қилиш қуйидаги қийинчиликларни олдиндан пайқаш ҳамда ажратишга имкон беради: педагогика фанида ҳалигача баркамол инсон тушунчаси атрофлича таҳлил қилиниб, унинг мазмуни ва ҳажми аниқланганича йўқ; қолаверса, баркамол инсон шахсини тарбиялашда ижтимоий тажрибанинг аҳамияти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги педагогик жиҳатдан ўрганилган эмас. Муаммонинг яна бир мушкул томони мавжуд: "баркамол инсон шахси" ва "ҳар томонлама гармоник

ривожланган шахс" тушунчалари бир нарсами? Агар бу икки тушунча алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида қаралса, унда уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат?

Фикримизча, қўйилган саволлар кенг қамровли муаммолар бўлиб, уларни битта мақола доирасида ҳал қилиш мумкин эмас. Аммо уни фан мутахассислари, ижодий жамоалар иштирокида бажарса бўлади. Муаммо яхлит ўрганилиши зарур. Биз олиб бораётган тадқиқотимиз доирасида баркамол инсон шахсини тарбиялаш муаммосини таҳлил қилишга, ижтимоий тажрибани лойиҳалашнинг эҳтиёжлари, тараққиёти билан дахлдорлигини тавсифлашга бир қадам қўямиз, холос. Фанда қўйилган олдинги қадам кейинги қадамни тақозо қилади.

Баркамол инсон шахси ва ижтимоий тажриба тизимида ўрганиладиган муаммонинг долзарб, аммо ўта қийинлигини ҳисобга олиб, ўз тадқиқотимизда мантиқийликдан тарихийликка ва аксинча, тарихийликдан мантиқийликка ўтиш тамойилларига риоя қиламиз. Бинобарин, аввало, баркамол инсон шахси тўғрисидаги энг сўнгги фикрларга тўхталамиз. Намуна сифатида танланган фикрни "ҳар томонлама гармоник ривожланган шахс" тушунчаси билан таққослаймиз. Шу йўл билан уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратамиз. Кейин баркамол инсон шахси ва ижтимоий тажриба ўртасидаги туташ тамойилларни белгилашга ўтамиз. Бу, ўз навбатида, дидактик лойиҳалашнинг баркамол инсон шахсини тарбиялаш эҳтиёжларига мослиги хусусида фикр юритишимизга имконият яратади.

Билиш жараёнларида тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги тадқиқотчилар фикрлаши келиб қолган энг охирги нуқтадан, муаммонинг энг ривожланган шаклидан илмий изланишни бошлашни тақозо қилади. Бу билишнинг мантиқийликдан тарихийликка томон йўналиши бўлиб, унда фикрлашни давом эттиришга асос бўла оладиган қарашни, ғояни ажратишга тўғри келади. Шу муносабат билан баркамол инсон шахсини тасаввур этишда эталон бўла оладиган ғоя сифатида Президент И.А.Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида келтирилган тубандаги фикрга тўхталсак[1].

"Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларга аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. ... Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.

Иккинчи масала шундан иборатки, биз баркамол инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Баркамол инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади".

Энди "баркамол инсон шахси" тўғрисидаги фикрлар тараққиётига қисқача экскурс қиламиз. Зеро, бу танланган шу фикр-эталондан тарихийликка йўналиш бўлиб, узоқ тарихий ўтмишда "баркамол инсон шахси" тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишини тасаввур этишимизни осонлаштиради.

Шарқона таълим-тарбия тизимида баркамол инсон шахсини тарбиялаш узоқ тарихга эга. Абу Наср Форобий қадимги грек файласуфи Платон асарларига шарҳ ёзар экан, билим ва тажрибанинг ўзаро муносабатини тавсифлашга алоҳида диққат қилган. "Тажрибанинг моҳияти-айрим турлар тўғрисида фикрлаш ва ўша айрим нарсалар билан мос келадиган умумиятлар ҳақида мулоҳаза қилишдан иборат". Унинг таъкидлашича, инсоннинг янглишиши учун сабаблар бисёр. У ёки бу соҳани билишда "Ким кўп тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва энг баркамол инсондир". "Инсон баркамоллиги", турли истаклардан юқори турувчи эзгу мақсадлар тўртта: "тан соғломлиги, туйғулар соғломлиги, турли нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги, интилишга бўлган қобилият соғломлиги...". Шу мулоҳазалар ифодаланган Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асари алоҳида қимматга эга. Унинг умуминсоний аҳамиятини таъкидлаб Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг "Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин" деган асарида шундай деб ёзган эди: "Форобийнинг ўша машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганлигига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади".

Фозиллар шаҳри ҳокими ва фуқаролари фозилу баркамол инсонлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос шахсий сифатларга эга. Абу Наср Форобийнинг ёзишича, фозил шаҳар ҳокими табиатан 12 хил сифатга эга бўлмоғи керак: тўрт мучали соғ (1), табиатан нозик (2), кўрган-билганларини хотирасида мустаҳкам олиб қола биладиган (3), зеҳни ўткир, зукко (4), цз фикрини равон ва чиройли сўзлар билан баён қила биладиган (5), таълим олиш, билиш, ўқиш ва ўрганишга иштиёқманд (6), таом,

[1] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби // 5-жилд, -Т., «Ўзбекистон», 1997, 384 б.

ичимлик ва шаҳвоний нафсда тийилган (7), одил, ҳақгўй, ҳақ ва ҳақиқатни ажрата оладиган (8), ўзининг ва ўзгалар қадрини билгувчи (9), мол-дунё кетидан қувмайдиган (10), адолатпарвар ва одамларни севадиган (11), чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, жасур (12) инсон бўлиши зарур.

Абу Наср Форобий фанда биринчилардан бўлиб инсоннинг шахсий сифатлари - фазилатларини туҳма ва ҳосила туркумларга ажратади. Унинг ёзишича, фикрлаш фазилати туҳма, касб-ҳунар, санъатдаги "фазилат туҳма эмасдир". Шу билан бирга у инсон фазилатлари ўзаро уйғунлиги байналминал масаласини ҳам илк бор тавсифлаган эди. Икки ёки ундан ортиқ фазилатнинг ўзаро уйғунлашуви "икки йўл билан, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил" бўлади.

"Таълим" ва "тарбия" категорияларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини илк бор ажратган олим ҳам Абу Наср Форобийдир. Унинг ёзишича, "Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир". Агар ёшлар "касб-ҳунарга берилган бўлсалар, ... қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар".

Инсон ўз олдига мақсад қўйиб, онгли ҳаёт кечиради. "Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ҳайрат мўлжалланган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир". Ҳар бир инсон "ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади". Бундан тарбиячига, "инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади". Кўринаётирки, шахснинг жамиятда камол топиши тўғрисидаги фикрни ҳам илк бор Абу Наср Форобий айтган экан.

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Шахло Шарипова, БухМТИ

Таълим жараёнини ривожлантиришнинг самарали йўналиш-ларидан бири – фанларни модулли технология асосида ўқитишдир. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда талабалар фаолияти орқали ифодаланиб, бевосита касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

«Модули ўқитиш» термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси - фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у,модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Ҳар бир модул маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ҳамда табақалаштириш орқали, босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаш-тирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилия-тини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, уларни маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиш керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитиш-нинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин:

- муаммолимулоқотлар;
-эвристик суҳбатлар;
- ўқувўйинлар;
- лойиҳалашҳамда йўналтирувчиматнларваҳоказо.

Модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади. Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин.

Модулли технология асосида ўқув материалларини ишлаб чиқиш учун дастлаб фан бўйича бир-бирига ўзаро боғлиқ мавзулар битта модулда гуруҳланади.

Қуйидаги модулли ўқув материалининг тузилмаси келтирилган:

1. Модул номи.

2. Модулга ажратилган умумий соат.

Жумладан назарий машғулот учун ажратилган соат. Амалий машғулот учун ажратилган соат.

3. Модулнинг ўқув мақсадлари.

4. Машғулотларни ўтказиш шакли.

5. Модул бўйича асосий назарий маълумотлар

6. Тестлар

7. Амалий машғулотлар мазмуни

8.Технологик харита – модул бўйича фаолият усулининг бажарилиш бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир.

Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки модул давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қоидали тарзда тасвирланиши керак.

*9. Баҳолаш мезонлари.*Талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мезонлари берилади.

*10. Фанни модулли ўқитиш методикасига доир тавсиялар ва кўрсатмалар.*Модулли тузилма асосида яратиладиган дарслик охирида фанни модулли технология асосида ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар берилиши керак.

*11. Ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхати.*Ҳар бир модул охирида модулни ўзлаштириш учун қўшимча адабиётлар, зарурий жиҳозлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб ускуналар ҳамда маҳсулотлар рўйхати берилиши керак. Чунки талабалар мустақил ишларни бажаришлари давомида қўшимча адабиётлардан фойда-ланишлари учун имконият бўлиши керак. Талабаларамалийишларнибажаришлариучунзарурийжиҳозларваускуналаррўйхатиберилишишарт.

Ушбу тузилма асосида ҳар бир модул тўлиқ ўқитилгандан кейин 2 модулга ўтилади. Бу қоида модулли ўқитишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Ўқув материалини модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти шундаки, таълим олувчининг ўқув жараёнида аниқ натижага эришишини кафолатловчи фаолиятини дастурловчи модулларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун дарслик мазмунини ишлаб чиқиш ўқув материали чегарасида эмас, балки мустақил ва тугалланган ўқув жараёни лойиҳаси, яъни модул кўринишида тақдим этилиши керак.

O`QITISH METODLARIDAN FOYDALANISHNING PSIXO- DIDAKTIK IMKONIYATLARI

A.N.Nusratov, BuxDU pedagogika kafedrasi o`qituvchisi

Boshlang'ich sinf o`quvchilarini ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida o`qitishning psixo-didaktik tizimining zamini albatta uzoq tajribalarda sinovdan o`tgan ta'lim metodlari tashkil etadi. *Psixo-didaktika bu* -shaxsga qadriyatli yo'naltirilgan rivojlantiruvchi ta'limga asoslangan psixologiya,didaktika,metodika fanlari integratsiyasida tashkil topgan fan soxasi hisoblanadi.

Psixo-didaktika-insoning intelektual shaxsiy emottsional,ma'naviy –axloqiy,shuningdek induviduum psixikasining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda o'quv materialini to'liq o'zlashtirish hamda idrok etish imkoniyatini yaratadi. Ta'lim oluvchi psixikasining turli xususiyatlarini rivojlantirishga imkoniyat va sharoit yaratish psixo-didaktikaning asosiy vazifasi bo'lib hisoblanadi.

Psixo-didaktik nazariyalarga ko'ra biz-o'qigan vaziyatda-10%,Eshitganda-20% Ko'rganda-30%, Eshitgan va ko'rganda-50%,boshqalar bilan bahslashganda-70% xususiy hissiy kechinmalarni boshdan kechirgan paytda-90% boshqalarni o'qitgan vaziyatda -95-100% o`zlashtirish darajasiga erishar ekanmiz.

Demak, ta'lim har bir o'quvchining qiziqishi va bilish qobiliyatining o'quv faoliyatini tashkil etish jarayonida namoyon qilish imkoniyatini yarata olishi zarur. Bu xolat o`quvchining bilish ob'ekti va predmeti bo`lgan shaxsiy xususiyatlarini aniqlash asosida, uning shaxs sifatida rivojlanishini va o'z-o'zini rivojlantirishini ta'minlaydi. Bu esa o`z navbatida o'qitish jarayonini loyihalashda metodlarni ongli tanlash,hamda har birining imkoniyatlarini ko'ra bilish muhim ekanligini bildiradi.

O'qitish metodlarni tanlashning asosiy mezoni ularning ta'lim mazmuni xususiyatlariga mos kelishidir. Metod mazmunining harakatlanish shakli sifatida ham aniqlanadi. Bir metod yordamida mavzuni to'laroq ochib berilsa, boshqasi uni ijodiy o'zlashtirishga imkon tug'diradi, uchinchisi - bu mazmun uchun yaroqsiz bo'lishi mumkin.

U yoki bu o'qitish metodini tanlash uchun quyidagi mezonlardan foydalanish maqsadga muvoffiqdir.

1. belgilangan vazifalarni hal etish uchun qo'llashning mosligi va tejamkorligi;

2.Uni qo'llashda soddallik va osonlik;

3 Turlicha emas ta'lim berish maqsadiga mos kelishi;

4. Natija beradigan, faqat bittasini yoki bir nechtasini qo'llash ;

5.Nafaqat eng yaxshi natijalarni ta'minlashi, balki ularga erishishning yuqori ishonchliligini ta'minlay olishi;

O'qitish metodlari– bu o`qituvchi va o`quvchilarning belgilangan ta'lim maqsadiga olib boruvchi birgalikdagi tartiblashtirilgan faoliyatidir. Metod bua ta'limda maqsadga erishish, masalalarini hal qilish yo`llari va usullaridir.

O'qitish metodi tarkibida usullar alohida ajralib turadi. Usul – metodning unsuri bo`lib, uning tarkibiy qismi, metodni amalga oshirishda bir martagina qullanadi va alohida qadam hisoblanadi. O`qitish metodi –

murakkab, ko`p qirrali, ko`p sifatlarga ega bo`lgan ta'limdir.Maktabda o`qitish va o`rganish metodlari quyidagi guruhlardan iborat keng tarqalgan tasniflarga borib taqaladi.

1. Bilimlarni berish va uni o`zlashtirishni ta'minlovchi metodlar. Metodlarning bu guruhiga maruza va o`quvchiga bevosita yordam berish usullari kiradi.

2. Bilimlarni mustahkamlash metodlari. Bunga so`rov va nazorat usullari kiradi.

3. Bilimlarga bo`lgan intilishni shakllantirish usullari. O`quvchilarni rag'batlantirish va baholash usullari.

Bu tasnif konkret materiallar imkoniyatlarini belgilovchi eng muhim sifatlari asosiga qurilgan.

Maktablardagi o`qitish metodlari tizimiga quyidagi talablar qo`yiladi:

-metodlar tizimi ta'limiy funktsiyaga ega bo`lishi lozim. Bu didaktik maqsadlar va o`qitish vazifalariga erishishning eng qulay usulidir

-metodlar tizimi tarbiyalovchi-takomillashtiruvchi funktsiyasiga ega bo`lishi lozim. Bunda o`quvchilarning berilgan vazifalarga munosabati hal qilinadi.

Eng jiddiy didaktik muammolardan biri ta'lim metodlarini tanlash nimaga bog'lik degan masaladir. Didaktikaga oid adabiyotlarda o`qitish metodlarining quyidagi bog'likliklari qayd qilinadi:

-birinchidan, o`quv mashg'ulotlarining didaktik maqsadlari va vazifalariga bog'liq;

-ikkinchidan, bayon qilinadigan materialning xarakteriga bog'lik;

-uchinchidan, ta'lim oluvchilarning bilimi va rivojlanish darajasiga bog'lik;

-to`rtinchidan, o`quv jarayonida o`rganilayotgan fan asoslarining muayyan (hozirgi)

-davrdagi metodlariga bog'lik;

-beshinchidan, ta`lim muassasasininig sharoitlariga bog'lik;

-oltinchidan, o`quv jarayonining moddiy-texnik ta'minoti bilan bog'lik;

-ettinchidan, o`qituvchining pedagogik mahorati, uning tayyorgarligi va o`quv jarayonini tashkil etish darajasi, o`qituvchining hozirgi zamon metodlari buyicha bilimlariga bog'lik. Shunday qilib, maktablardagi o`quv jarayoni o`qitishning shakl va metodlarida tashkil etiladigan ko`pqirrali yaxlit yagona didaktik kompleksni hosil qiladi. Didaktik majmuaning amalga oshirilishi o`quv jarayonining psixologik-pedagogik qonuniyatlari bilan belgilanadi.

Hozirda maktablarda qullanilayotgan metodlar aksariyat hollarda quydagilardan iborat bo`lmoqda:

Hikoya, Suhbat, Ma'ruza, Munozara, Kitob bilan ishlash, Demonstratsiya (namoish qilish), Illyustratsiya, Videometod, Mashq qildirish, Laboratoriya metodi, Amaliy metod, Idrokli o`yin, Dasturlashtirilgan ta'lim metodlari, Ta'limiy nazorat, Muammoli vaziyat metodlari va.x.k.z.

Ushbu metodlar o`z ta'siri yo`nalishlari bo`yicha ta'limiy, rivojlantiruvchi, tarbiyaviy, yetaklovchi va nazorat qiluvchi guruxlarda kiritiladi.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan kelib chiqqan holda qayt etish mumkinki, har bir pedagogik tadqiqot yo`nalishda bo`lgani singari ushbu ilmiy yo`nalishning kontseptual asoslari albatta ta'lim – tarbiya isloxotlariga oid qonunlar va tegishli talablardan kelib chiqadi va jamiyatimizning bu sohada bo`lgan extiyojlari doirasida amal qiladi. Hozirgi zamonda bizning jamiyatimizda yaratilgan ta'lim –tarbiya tizimiga tilayotgandunyodagi ilg'or pedagogik texnologiyalar, psixo – didaktik yo`nalishdagi yangiliklar va moddiy – texnika namunalari o`quvchilarni o`qitish bilan bog'liq ravishda amaliy jihatdan bevosita shunday qattiq chig'iriq sinov saralashidan o`tqazilayaptiki natijada yildan – yil o`tgan sari tizimning tarqoq ratsional ko`rsatkichlarga yo`nalgan samarali tizimi shakllanib bormoqda. Har qanday ta'limning maqsadi – bilimni xamda uni amalda qo'llay bilish ko'nikmalari va malakalarini shakllantirish, shunga zarur shaxs sifatlari va ko'rsatmalarini ishlab chiqish. O'quv faoliyati harakatida maqsadning barcha komponentlari amalga oshar ekan, turli usullarni birgalikda qullash zarur. Shuning uchun, usul tanlashda eng asosiy omil bo'lib aniq o'quv mashgulotlarining psixo-didaktik talablari asos qilib olinishi muhim vazifalardan biri bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro'yxati

1.Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 йил.

2..Розиқов О., Адизов Б., Махмудов М., Таълим технологияси. Тошкент, Ўқитувчи, 1999 йил,

3. Гельфман Э., Холодная М. Психодидактика школьного учебника. Интеллектуальное воспитание учащихся. - М.: Питер, 2006.

MATEMATIKA FANINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

S.R.Shirinova Vobkent tuman 14-maktab o'qituvchisi

Ta'lim-tarbiya asosida shaxsning intensiv rivojlanishi, moddiy -ma'naviy kadriyatlarni o`zlashtirishi fakat uning shaxsiy faoliyati natijasida amalga oshadi.

Agar o'quvchi o'quv faoliyati moxiyatini anglay olmasa, o'quv maqsadini tan olmaydi, o'qutuvchi qo'ygan vazifalarni tushunmaydi va qabul qilmaydi, u tomonidan sodir etiladigan barcha xatti-xarakatlar majburiyat va ta'ziq ostida sodir bo'ladi, uning bilimlari rasmiy xarakterga, pedagogning faoliyati esa rasmiyatchilik mazmuniga ega bo'ladi. Bilim ularni amaliyotga tatbiq etishga qaratilgan faoliyat natijasidagina shakllanadi. Bu darslik mazmunidan ba'zi ilmiy ma'lumotlarni shunchaki ko'r-ko'rona

yodlab olish bo’lmay, balki o’kuvchining shaxsiy, sub’ektiv tajribasiga asoslangan haqiqiy bilimlar bo’ladi.

Inson ongi hamisha sub’ektiv mohiyatga egadir. O’kuvchi muayyan bilimlarga nisbatan befarq bo’lmay, bilimlar uning uchun shaxsiy mazmunga ega bo’lsagina puxta o’zlashtiriladi. O’kituvchi bunga o’kuvchida o’kuv predmetiga nisbatan kadriyatli, ijobiy sub’ektiv munosabatni tarkib toptirish natijasida erishadi.

O’kuvchining ruxiy xususiyatlarini o’rganish o’zlashtirilayotgan bilimlarning o’kuvchiga shaxsan qiziqarli va kerakli bo’lishi zarurligi, aks holda ular shubxasiz rad etilishini ko’rsatadi. Bu holat obrazli ifodalansa, individual tafakkurda bilimlar sub’ektivlashadi, o’ziga xos individual jixatlarga ega bo’ladi. Teskari jarayonda individual tasavvur va shaxsiy fikrlar ob’ektiv ahamiyat kasb etar ekan, bilimlar turli nuktaiy nazarlarning to’qnashuvi, baxs-munozara, o’zaro hamkorlikdagi faoliyat natijasida o’zlashtiriladi, bu esa o’kuv jarayonini noan’anaviy usulda tashkil etishning muhim shakllari (bahs- munozara, o’zaro xamkorlik)ni talab etadi.

Shunday qilib, faoliyat shaxs rivojlanishining asosiy substantsiyasi xisoblanadi. Shaxs faoliyati uning ichki xissiyotlari bilan bog’liq. Shaxs motiv, xissiyot va shaxsiy fikr vositasida namoyon bo’ladi.

O’qituvchi o’z darsida o’quvchilar tafakkurini rivojlantirishga xizmat qiluvchi usullardan foydalanib shunday shart-sharoitlarni tarkib toptirishi lozimki, natijada o’quvchi uchun dastlab neytral bo’lgan ob’ekt kutilmaganda sub’ektiv xususiyat kasb etsin.

O’quv materiali mazmuni avval o’qituvchi tomonidan ijodiy qayta ishlanadi va o’quvchini qiziqtiradigan, uning shaxsiy tajribasiga mos keladigan, uni fikrlashga undaydigan jixatlar belgilanadi.

Bir karashda zerikarli tuyuluvchi matamatik yoki geografik ma’lumotlar agar o’quvchi shaxsga bevosita taaluqli bulsa, uning xayotiy va shaxsiy tajribalarga muvofik kelsa, u xolda ahamiyatli xususiyat kasb etadi. Ushbu holatda o’kuv vaziyatlari shaxs uchun axamiyatli vaziyatga, o’kuv axborotlari o’kuvchi uchun muxim xodisaga aylanadi. o’kuvchi o’zini Ushbu xodisaning ijodkori deb xisoblay boshlaydi.

Matematik topshiriklar o’quvchi yashayotgan xo’jalikda kullanilayotgan rentabellik, ishlab chikarish mexnati, foyda, kredit kabi zarur xaetiy tushunchalarga asoslanib shakllantirilgan bo’lsa, o’kuvchi ularni uzi uchun axamiyatli bilimlar sifatida qabul kiladi. O’quvchi o’kituvchi bilan xamkorlikda topshirikni echish yo’llarini izlaydi, natijada sof matematik o’kuv maksadlariga erisha boradi. O’kuv faoliyatining tabiiy tashkillashtirilishi tufayli o’quvchi foiz, proportsiya, tenglashtirish asosida topshiriqlarni echish ko’nikmalarini egallaydi.

Shaxsga yunaltirilgan o’kuv vaziyatlari o’kuvchi bilish faoliyatini tashkil etishni quydagi interaktiv usullarda loyihalashtirish mumkin.

«Bumerang» texnologiyasini olib borish tartibi:

O’quvchilar kichik guruhlarga ajratiladi;

o’quvchilar darsning maqsadi va tartibi bilan tanishtiriladi;

-o’quvchilarga mustaqil o’rganish uchun matnlar tarqatiladi; Tarqatma materiallar:

1-guruhga: yig’indi qoidasi 2-guruhga: yig’indi qoidasiga doir masala tuzish va echish ; 3-guruhga: , ko’paytma qoidasi ; 4-guruhga: ko’paytma qoidasi doir masala tuzish va echish ;

-berilgan topshiriqlar o’quvchilar tomonidan yakka tartibda mustaqil o’rganiladi;

har bir guruh a’zolaridan yangi guruh tashkil etiladi;

yangi guruh a’zolarining har biri guruh ichida navbati bilan mustaqil o’rgangan ishlari bilan axborot almashadilar, ya’ni bir-birlariga so’zlab beradilar, matnni o’zlashtirib olishlariga erishadilar;

-berilgan ma’lumotlarni o’zlashtirilganlik darajasini aniqlash uchun guruh ichida ichki nazorat o’tqziladi, ya’ni guruh a’zolari bir-birlari bilan savol-javob qiladilar;

-yangi guruh a’zolari dastlabki holatdagi guruhlarga qaytadilar;

darsning qolgan jarayonida talabalar bilimlarini baholash yoki to’plagan ballarini e’lon qilish;

1-Yozma mashq

1. Sinfda 40 ta o’quvchi bor. Ulardan 32 tasi matematika to’garagida, 21 tasi "Yosh rassomlar" to’garagida shug’ullanadi. 15 ta o’quvchi ikkalasida ham shug’ullanadi. Qancha o’quvchi ikkalasida ham shug’ullanmaydi?

2. 200 ta talabadan ingliz tilini 28 ta. nemis tilini 30 ta. fransuz tilini 42 ta. ingliz va nemis tilini 8 ta, ingliz va fransuz tilini 10 ta, nemis va fransuz tilini 5 ta talaba o’rganadi. 3 ta talaba uchala tilni ham o’rganadi. Qancha talaba faqat 1 tadan tilni o’rganadi, qancha talaba birorta ham tilni o’rganmaydi?

3.100 ta o’quvchidan 40 tasi futbol, 50 tasi voleybol o’ynaydi. Ikkala o’yinni ham o’ynaydigan o’quvchilar qancha bo’lishi mumkin? Hech bo’lmaganda 1 ta o’yinni o’ynovchi o’quvchilar soni-chi?

4. 25 ta o’quvchidan 12 tasi matematikaga, 8 tasi o’zbek tiligaqiziqadi. Ikkaala fanga ham qiziquvchi o’quvchilar soni qancha bo’lishi mumkin? Hech bo’lmaganda bittasiga qiziquvchilar-chi?

5.Aq{a,b,c,d} va Bq{m,f} to’plamlar berilgan. Berilgan to’plamlarning dekart ko’paytmasi qancha elementini o’z ichiga olishi mumkin?

6. n(A)q52 n(B)q100 bo’lsa, n(A×B) to’plamlarning dekart ko’paytmasi qancha elementini o’z ichiga oladi?

2-mashq

Yig’indi qoidasi, ko’paytma qoidasiga doir yozma mashq.

«Aqliy hujum» savollari

Kombinatorikaning yig’indi va ko’paytirish qoidalari mavzusini mustahkamlash yuzasidan «Aqliy hujum» savollari.

«Aqliy hujum» savollari

1. Kesishmaydigan 2ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
2. Kesishadigan 2 ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
3. Kesishadigan 3 ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
4. Kesishadigan n ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
5. Kesishmaydigan 3ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
6. Kesishmaydigan n ta to’plam uchun yig’indi qoidasini ayting?
7. 2ta to’plam uchun kombinatorikaning ko’paytirish qoidasini ayting?
8. n ta to’plam uchun kombinatorikaning ko’paytirish qoidasini ayting?

Pedogogik texnologiyani o’zlashtirib olgan moxir pedogoglar uchun mazkur usulning an’anaviy usulga ko’ra samaraliroq ekanligi ma’lum bo’ldi. Bu esa maktab pedogoglari, kasb - xunar va oliy maktab professor-o’qituvchilari uchun kadrlar tayyorlash sifatini oshirishda pedogogik texnologiyani o’zlashtirish va amalga ko’llash zarurligini bildiradi. «Kadrlarni tayyorlash milliy dasturida» Yangi pedogogik va axborot texnologiyalardan foydalanib, talabalarni o’kitishni jadallashtirish ko’zda tutilgan.

Adabiyotlar ro’yxati

1.Йўлдошев Ж. Янги педагогик технология йўналишлари, муаммолари, ечимлари. Халқ таълими, 1999, № 4, 4-11 бет.

2.Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для препадавателей. СПб: КАРО, 2005.

3.Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий Амалий конференция материаллари. Тошкент, Ўз ПФИТИ, 1999, 4-5 май.

O’QUVCHILARDA MASALA YECHISH KO’NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM OMILI

F.M.Qosimov, M.M.Qosimova, BuxDU

Hayotimiz, turmush tarzimizni masalasiz tasavvur qilib bo’lmaydi. Hech bir jabha yo’qki unda u yoki bu mazmundagi masalani hal etishni insondan taqozo etilmasa. Boshlang’ich sinfga endigina qadam qo’ygan o’quvchi “masala”, “masala matni”, “masala savoli”, “masala sharti” kabi atamalarni bilmasa ham, ayrim masalalarni tuza oladi, masala javobini ayta oladi. Masalan, “senda 3 ta qalam bor edi. Dadang yana 1 ta qalam berdilar. Sening qalaming nechta bo’ldi?” degan masalaga “Mening qalamlarim 4 ta bo’ldi”, - deb javob berishadi.Senda 4 ta yong’oq bor edi, bittasini ukangga berding. Senda nechta yong’oq qoldi?” degan masalaga “Menda 3 ta yong’oq qoldi”, - deb javob qaytaradi. Bunda o’quvchining mantiqan fikrlab masalaning to’g’ri javobini topganiga guvoh bo’lasiz. Masala o’quvchida matematik tushunchalarni to’g’ri shakllanishiga, uni o’rab turgan muhitning o’zaro aloqadorligining turli tomonlarini chuqurroq aniqlashga yordam beradi, o’rganilayotgan nazariy qoidalarni qo’llanish, kuzatilayotgan hodisalarda har xil sonli bog’lanishlarni o’rganish imkonini beradi. Masala yechish o’quvchi tafakkurining rivojlanishiga yordam beradi.

“Matematik masala bog’lanishli ixcham hikoya bo’lib, unda ba’zi kattaliklarning qiymatlari kiritilgan bo’ladi, ularga bog’liq va masala shartida ular bilan ma’lum munosabatlar orqali bog’langan boshqa kattaliklarning qiymatlari izlanadi”, - deb ta’riflanadi metodik adabiyotlarda[1].

Har bir masalada shart va savol bo’ladi. Masala shartida berilgan sonlar orasidagi va berilgan sonlar bilan izlanayotgan son orasidagi bog’lanish ko’rsatiladi. Bu bog’lanishlar tegishli arifmetik amallarni tanlashni belgilab beradi. Savol esa qaysi son yoki kattalik izlanayotganini bildiradi. Masalani yechish bu – masala shartida berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi bog’lanishni ochib berish va shu asosda arifmetik amallarni tanlash, keyin esa ularni bajarish hamda masala savoliga javob berishni ifodalaydi. Boshlang’ich sinf matematika darsliklarida matnli masala juda ko’p uchraydi. Matnli masala unda bajariladigan amallar soniga ko’ra sodda (bir amal bilan yechiladigan) va murakkab (ikki va undan ortiq amal bilan yechiladigan) masalalarga bo’linadi. Metodikaga oid adabiyotlarda matnli masalalar ustida ishlashning turli bosqichlari keltirilgan. Jumladan:

a) masala matnini o’zlashtirish;

b) masala qisqa shartini tasvirlash;

[1] Bikbayeva.N.U, Adambekova.G.A, Sidelnikova.R.I. Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi. T.:O’qituvchi, 1996, 269-bet.

c) matnli masalani muhokama qilish va yechish rejasini tuzish;
d) masalani yechish;
e) yechilgan masala ustida ishlash (masalani tekshirish). Bu bosqichlardan dastlabkisi masala mazmuni bilan tanishtirishdir.

Masala mazmuni bilan tanishish – uni o'qib, masalada aks ettirilgan hayotiy vaziyatni ko'z oldiga keltirish demakdir. Masalani, odatda bolalar o'qiydi. 1-sinfning I yarim yilligida masala matnini o'qituvchi o'qiydi, 1-sinfning II yarim yilligidan boshlab matnli masalalarni o'quvchilar o'qishlari maqsadga muvofiq. Chunki bu davrga kelib o'quvchilarda o'qish malakasi shakllana boshlaydi. Masala matni bolalarda bo'lmagan taqdirda matnni o'qituvchi o'qiydi. O'quvchilarni masalani to'g'ri o'qishga o'rgatish juda muhim. Dastlab masala matnini 2-3 o'quvchiga o'qitib, so'ngra o'qituvchi o'zi yana bir marta "intonatsiya bilan" o'qib masala mazmuni to'g'risida yo'naltiruvchi savollarga javob izlash lozimligini tajriba tasdiqlamoqda.

Masala matnini o'qiyotgan paytda matnda tushunarsiz so'zlar bo'lsa, ularni tushuntirish yoki masalada gap ketayotgan predmet rasmini, masalan, "samolyot", "poyezd", "traktor", "havo shari" va hokazoni ko'rsatish kerak. Masalani o'qish jarayonida amalni tanlashni belgilab beradigan "bor edi", "olindi", "jo'nab ketdi", "kelib qo'shildi", "qoldi", "baravardan bo'ldi" kabi so'zlarga va sonli ma'lumotlarga urg'u berib o'qish, masala savoliga alohida e'tibor bilan qarab, unga ham urg'u berish masala mazmunini to'g'ri tushunishni va uni to'g'ri yechish uchun amalni to'g'ri tanlashni kafolatlaydi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, masalani o'qiganda bolalar masalada aks etgan hayotiy vaziyatni tasavvur qila olishi lozim. Shu maqsadda bolalar masalani o'qib bo'lishganidan keyin masalada nima to'g'risida gap ketayotganini tasavvur qilib ko'rishlarini va hikoya qilib berishlari maqsadga muvofiq bo'ladi.

Matnli masala o'quvchilarga bilim, malaka va ko'nikma beruvchi manbagina emas, tarbiya beruvchi vosita hamdir. Matnli masala mazmuniga qarab o'quvchilarda umuminsoniy fazilatlarning shakllanishiga alohida e'tiborni qaratmoq lozim. Masala matnidagi obyektlar to'plami, ular orasidagi munosabatlardan kelib chiqib, o'quvchilarni kattalarning mehnatini qadrlashga, tevarak atrofni toza tutishga, kishiga hurmat-izzatda bo'lish, iqtisodiy tejamkorlikni o'rganish, vatanimizni sevish, uni asrab-avaylash, tartiblilik, mehnatsevarlik, intizomlilik, qat'iylik, sobitlik kabi xislatlarni o'zida mujassamlantirilgan shaxsni tarbiyalash har bir o'qituvchi oldida turgan muhim vazifadir.

Tajriba va kuzatuvlar shuni ko'rsatmoqdaki, ko'pchilik o'qituvchilar matnli masala mazmuni ustida ishlashda kam e'tibor qaratmoqda. Ayniqsa, o'quvchi bir marta masalani o'qigach, darhol masala muhokamasiga o'tiladi. Masaladagi berilgan va izlanadigan miqdorlar orasidagi bog'lanishni oydinlashtirishga harakat qilinadi. Ayrim hollarda masala yechimini izlashda uning javobi topiladi.

Masala mazmuni ustida ishlash jarayonida o'qituvchi yo'naltiruvchi savollar ketma-ketligini shunday tuzmog'i kerakki, ular o'quvchilarga masala to'g'risida to'liq ma'lumotni shakllantirsin. Matndagi har bir so'z o'quvchiga tushunarli bo'lishi, holat o'quvchi ko'z o'ngida gavdalanishi zarur. Bugungi axborot texnologiyalari rivojlangan davrda masalaga oid turli xildagi ko'rgazmali vositalarni, slaydlarni tayyorlab, matndagi o'quvchi uchun qiyin, notanish tushunchalar oydinlashtirilishi mumkin.

Har bir matnli masala ustida ishlash bevosita masala matni bilan tanishtirishdan, bu masalaning mazmun va mohiyatini oydinlashtirishdan, uning hayotiyligini aks ettirishdan, undagi har bir tushunchani to'la idrok etishdan boshlanadi. Bu ishlar masalaning yechimini izlashda muhim bosqich bo'lib xizmat qiladi. Shuningdek, bu bosqich o'quvchilarda masala yechish ko'nikmasini shakllantirishda muhim omil bo'lib hisoblanadi.

III ШЎЪБА
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ

СОЦИАЛЬНАЯ РАБОТА И СОВРЕМЕННОСТЬ: ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ СОЦИАЛЬНОКУЛЬТУРНОЙ СРЕДЫ В СИСТЕМЕ ПРОФИЛАКТИКИ ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ ПОДРОСТКОВ

Р.А. Литвак доктор педагогических наук, профессор, заведующая кафедрой педагогики и психологии, Челябинская государственная академия культуры и искусств
И.Ю. Блясова кандидат педагогических наук, профессор декан факультета истории и права Шадринского государственного педагогического института

***Аннотация**: В статье рассматривается педагогический потенциал социально-культурной среды в системе профилактики девиантного поведения подростков. Раскрывается характеристика социальнокультурной среды, взаимодействие субъектов в социальнокультурной среды и необходимые условия для успешной профилактики девиантного поведения подростков.*

***Ключевые слова:** девиантное поведение, социокультурная среда и профилактика девиантного поведения.*

Problem of development of social activity of students in youth public associations.

***Annotation:** In article the pedagogical potential of the welfare environment in system of prevention of deviant behavior of teenagers is considered. The characteristic of the welfare environment reveals, interaction of subjects on welfare Wednesday and necessary conditions for successful prevention of deviant behavior of teenagers.*

***Key words:** deviant behavior, sociocultural environment and prevention of deviant behavior.*

В условиях конкретного региона, в зависимости от характера и интенсивности проблем и имеющихся ресурсов, те или иные составляющие социокультурной среды могут выступать в качестве приоритетных направлений культурной политики и социокультурного проектирования. Социально-культурная среда представляет собой непосредственно данное каждому человеку социальное пространство, посредством которого он активно включается в культурные связи общества.[6]

Обращение к проблеме формирования социокультурной среды в организации инфраструктуры региона обусловлено современными условиями нестабильного социума, а так же его социальной напряженностью в обществе. В этой связи создание условий для успешной социализации личности подрастающего поколения становится актуальной проблемой. Социальнокультурная среда обладает значительным педагогическим потенциалом для реализации задач социализации молодежи. Из сказанного выше становится очевидным, что понятие социокультурная среда тесно связано с понятием социализация личности, и приобретает особо важное значение в подростковом возрасте, когда происходит становление жизненных планов.

Социокультурная среда является не только важным условием формирования и социализации личности, но и определяет активную позицию подростка по освоению и формированию его жизненного пространства (А.Д.Жарков, О.Б.Ершова, П.П.Терехов, Д.В.Шамсутдинова и др.). Исследователи М.А.Ариарский, Л.Г.Брылева, А.Д.Жарков, Л.С. Жаркова, И.Л.Савченко, А.А.Сукало, Б.А.Титов, В.А.Шаповалов, Трегубова, В.Е.Триодин и др. раскрыли механизмы, особенности и условия социализации и самореализации личности в сфере свободного времени, а так же показали положительное и отрицательное воздействие социокультурной среды на формирование личности подрастающего поколения. Социально-культурную среду как пространство личностного становления, социальной адаптации, условия формирования ценностных ориентаций подростков и молодежи рассматривали Б.Н.Алмазов, В.Г.Бочарова, Ю.С.Бродский, О.Б.Ершова, П.П. Терехова и др. Указанные авторы справедливо объясняют важность исследования социально-культурной среды следующими обстоятельствами:

- ростом количества и рецидивным характером преступлений подростков;
- снижением эффективности традиционных методик воздействия на сознание и поведение личности подростков;
- недостатком использования в современных образовательных учреждениях возможностей инновационных технологий профилактики и коррекции отклоняющегося поведения;

- слабой разработанностью методологических и технологических основ средового подхода в профилактике и коррекции девиантного поведения;

- недостаточным использованием социализирующего влияния культурно-досуговой деятельности как важного ресурса средового подхода.

Исходя из вышесказанного следует, что важным условием предупреждения и коррекции девиантного поведения подростков становится управляемая педагогически организованная социально-культурная среда, которая выступает как условие формирования и социализации личности, и её духовного развития.

Социокультурная среда понимается как непосредственно данное каждому человеку «конкретное социальное пространство», посредством которого он входит в культурные отношения с обществом. [1]

Социокультурное пространство, в котором живет личность и которое отражает условия его жизнедеятельности составляет социокультурная ситуация. Социокультурная ситуация включает в себя социально-культурную среду, окружающие подростка материальные, социальные, институциональные и духовные ценности, направленные на его развитие и самореализацию.

В социокультурной среде выделяют материальную и личностную стороны: [1]

- материальную сторону социально-культурной среды составляют культурные ценности присущие обществу их использование в деятельности человека, включённого в данную среду.

- личностную сторону среды представляют люди, окружающие личность, воздействующие (положительно или отрицательно) на её формирование, и влияющие на становление и развитие интересов, вкусов, духовных потребностей, ценностных ориентаций.

Личностная сфера социокультурной среды зависит от уровней воздействия среды на личность. Различают мега, макро и микросреду. Мегасреда представляет собой современный социальный мир, окружающий человека и определяющий духовную и социально- психологическую атмосферу эпохи. Макросреда - общество, страна, к которому относится личность. Влияние макросреды опосредуется через такие факторы, как средства массовой информации и социальные институты (школа, учреждения культуры).

Микросреда - ближайшее окружение подростка, в лице трех основных групп: семья, учебный коллектив и друзья. Личность, включаясь в социокультурное пространство, может переходить из одной микросреды досуга и общения в другую и тем самым создавать в определенной мере свою социально-культурную среду. [5]

Культурное взаимодействие макросреды и личности осуществляется посредством межличностных контактов и опосредуется приобретённым индивидуальным опытом. Именно, своеобразие различных уровней социокультурной среды во многом определяют формирование общих и особенных, индивидуальных особенностей личности.

Основными *сферами жизнедеятельности* подростка являются: *образовательная* (учреждения системы образования); *производственная* (условия профессионального самоопределения и самореализации личности в той или иной сфере трудовой деятельности); *досугово-рекреационная* (досуговые и туристско-экскурсионные учреждениямя); *физкультурно-оздоровительная* (учреждений спорта и здравоохранения, развитие его физических и психических способностей); *информационная* (библиотеки, средства массовой информации).

Условиями оптимизации социокультурной среды образовательного учреждения в системе профилактики девиантной активности подростков выступают:

- комплексное целевое взаимодействие педагога с учащимися при активной включенности семьи, учреждений основного и дополнительного образования, социально-культурных институтов;

- использование интегративно-деятельностного подхода как теоретико-методологической основы данного процесса;

- наличие подготовленных специалистов;

- выбор средств педагогического воздействия, адекватных возрастной и индивидуально-психологической специфике подростков;

- разработка и внедрение личностно ориентированных программ социально-культурного воспитания, предусматривающих активную позицию подростков и молодежи в процессе формирования ценностных ориентаций; способствующих саморазвитию личности, самореализации ее потенциала;

- воздействие различных компонентов социально-культурной среды на формирование ценностных ориентаций личности через образовательную, эмоционально-волевую, мыслительную, творческую деятельность подростков и молодежи. [1]

- блокирование неблагоприятных воздействий и деструктивных факторов внешней среды.

Важнейшим условием оптимизации социально-культурной среды является взаимодополнение учебно-образовательной и досуговой деятельности.

Реализуя потенциал среды, изменяя связи и отношения подрастающего поколения со средой, совершенствуя деятельность образовательных учреждений важно создавать дополнительные возможности для развития и самореализации личности.

На формирование культурной среды, отвечающей растущим потребностям личности и общества, создание благоприятных условий для развития человеческого потенциала и повышения качества жизни за счет обеспечения доступа граждан к культурным ценностям и участию в культурной жизни, реализации творческого, духовного и инновационного потенциала жителей Курганской области направлена программа «Развитие культуры Зауралья» на 2014 - 2020 годы. [4]

В перечне мероприятий программы Курганской области «Развитие культуры Зауралья» на 2014-2020гг. значительное место отводится проведению на территории Курганской области детских межрегиональных, региональных, межмуниципальных и районных фестивалей, выставок, смотров, конкурсов, конференций, семинаров, мастер-классов, экспедиций по поддержке любительского художественного творчества, промыслов и ремесел и иных программных мероприятий, а так же мероприятий по развитию художественного творчества граждан с ограниченными возможностями здоровья и детей, находящихся в трудной жизненной ситуации.

Для одаренных детей проводятся летние творческие смены в детских оздоровительных учреждениях. Большое внимание уделяется проведению Дней культуры сельских муниципальных районов в городе Кургане. Ежегодно проходят смотры-конкурсы на лучшее культурно-досуговое учреждение "Клуб года" по номинациям: "Лучшее культурно-досуговое учреждение районных центров", "Лучшее культурно-досуговое учреждение сельских поселений", "Лучший сельский клуб." Оказывается всяческая поддержка Зауральского симфонического оркестра, Зауральского ансамбля песни и танца, Зауральского оркестра народных инструментов, регионального хорового общества и др.

В числе приоритетных направлений деятельности учреждений культуры - сохранение культурного многообразия и основ традиционного творчества, пропаганда достижений любительского искусства. В 721 учреждении культурно-досугового типа действует 6,1 тысячи клубных формирований, 173 творческих коллектива носят звание "Народный" и "Образцовый", 3 - "Заслуженный коллектив народного творчества". На решение вопросов сохранения и развития национальных культур направлена деятельность Курганского областного Центра народного творчества, двух его филиалов и 19 национально-культурных центров и объединений. Популяризации и развитию традиционной народной культуры способствуют: сложившаяся система фестивалей, смотров, конкурсов и выставок, активная деятельность 162 хоровых, 251 фольклорного коллектива, 632 студий, кружков, любительских объединений декоративно-прикладного и изобразительного искусства. Система начального художественного образования Курганской области представлена 43 детскими школами искусств и музыкальными школами. Охват детей художественным образованием от общей численности учащихся 1- 9-х классов составляет 10,3%.

В Программе «Развитие культуры Зауралья» подчеркивается, что модернизация сферы культуры должна коснуться всех направлений, начиная от кадровой политики и заканчивая укреплением материальной базы и реализацией новых творческих инициатив. В то же время, несмотря на происходящие позитивные изменения, существуют условия и факторы, затрудняющие дальнейшее развитие культуры Курганской области.

Продолжается сокращение сети культурно-досуговых учреждений, сохраняется неравномерность социально-культурной инфраструктуры, ограниченность доступа жителей муниципальных районов и сельских поселений к культурным благам. Неудовлетворительным остается техническое состояние зданий и техническая оснащенность более 40% организаций культуры, находящихся в ведении муниципальных образований.

Наблюдаются тенденции "старения" и снижения квалификации кадров, роста несоответствия их профессиональных знаний и умений вызовам сегодняшнего дня. Увеличивается удельный вес сельских культработников, занятых на неполную ставку и неполный рабочий день.

Медленно внедряются новые информационные технологии и технические средства, недостаточно обновлены библиотечные и музейные фонды, включая фонды на электронных носителях.

В качестве приоритетных направлений молодежной политики в Программе социально-экономического развития Курганской области на 2015г. и среднесрочную перспективу отмечены : [2]

- создание условий, обеспечивающих физическое, нравственное и
духовное развитие молодежи;
- повышение общественной активности молодежи;
- противодействие распространению негативных социальных явлений в молодежной среде;
- организация работы волонтерских групп по профилактике
негативных социальных явлений в молодежной среде;

- государственная поддержка молодежных и детских общественных объединений, в том числе региональных отделений всероссийских молодежных и детских общественных объединений;

- совершенствование и повышение эффективности механизмов поддержки молодых семей.

Таким образом, основными направлениями профилактики девиантного поведения подростков являются: оптимизация социально-культурной среды, которая для учащегося является основной сферой жизнедеятельности; гармонизация внутренней среды личностного развития (корректировка ценностно-нормативной сферы личности, усиление социальной направленности интересов и поведения, путем проведения общественно-значимых акций; компенсация личностных особенностей подростков, определяющих предрасположенность к девиантному поведению; повышение культуры «личностной безопасности» - овладение личностью техниками защиты от влияния внешних провоцирующих факторов среды, сохранения нормативных параметров образа жизни подростков.

Список литературы:

1. Ершова, Ольга Борисовна Социально-культурная среда как фактор формирования ценностных ориентаций подростков и молодежи Тамбов 2007 Код специальности ВАК: 13.00.05 282с

Before analyzing the collected examples, we have to mention D.Kristall‘s idea. He took into the account that phraseoogical units are related with the special peculiarities, belonging to the nation, the culture, the life, traditions and the psychology of the nation and called them “national idioms”. And analyzing the phraseoogical units with national content from linguocultural point of view, we should take into consideration their etymological aspect too. A.V.Kunin in his research works studied phraseological units from the etymological point of view. He grouped phraseoogical units, having analyzed as the following:[2]

1)The phraseoogical units, reflecting the English people‘s traditions: *by bell* – belonging to the one shape; *book and candle*- directly; this phrase is said after praying in the church; *beat the air*- to lose energy in vain, this phrase used to be said usually while shaking with the weapon as the sign of victory

2) Some phrases in the English language are related with writers‘, investigators‘ and prominent person‘s names: *according to Corcer* – right , ok! E.Corcer (1631-1675) is the author of arithmetic book. *The admirable Crighton*- scientist; used for male scientists, depends on the Scott scientist James Crighton in the XVI century.

3) the units, denoting beliefs, superstitions: *black sheep* – the person, who brought misfortune to the family. In accordance with ancient tradition , black sheep was the symbol of devil.

4) And some phraseoogical units are related with historical events: *as well be hanged for a sheep as for a lamb*- this one depends on hanging penalty for robbing a sheep according to the ancient English law.

So, based on these facts, our task is to analyze the Phraseological units from linguo-cultural point of view. The English interjectional phraseological unit “*tell it to the marines*”[3] means nonsense, rubbish , not trustful and the component *marine* (full form horse marines) in this phraseoogical unit is used in English myths, it isn‘t an existing creature. The participation of ―horse marine implies to the English mythology. But the Uzbek people use ―*ertagingni yosh bolaga ayt[4]* ― as to give this meaning, not as ―*buni dengiz otliq qo‘shiniga ayt.* Cause of using the word *child* (yosh bola) in Uzbek , a child is understood as a very innocent and trustful creature.

In American English *break a leg![3]* is used to encourage a performer before a performance, traditionally it‘s bad luck to wish a performer good luck, so the performer is wished bad luck in hopes of causing good luck. But in our nation to wish, even to think about bad luck may lead to misfortune, so that *Omad yor bo’lsin! Sen buni albatta uddalaysan![4]* phrases like these are usually utilized as encouraging expressions.

Queen Anne is dead ![3] in English means too old news. If somebody tells you about some event, which has already happened, as the reply to it, this phrase is used. In this phraseoogical unit it isn‘t difficult to notice the history of England is reflected. Anne became Queen of England, Scotland and Ireland from 8 March 1702 to 1May 1707. Neither in Russian nor in Uzbek we can‘t give this phraseoogical unit with the component Queen Anne. Because she doesn‘t belong to these two nations‘ history or culture. Its equivalent in Russian is ‘*Открыл Америку!”*, but in the Uzbek language it has no special equivalent.

Marry come up![3] is used in expressing indignation, surprise or contempt. Actually in XIV the name of the Virgin Mary was used as an oath According to the Bible , Mary (18BC- 41AD) was a Jewish woman , she is identified as the mother of Jesus through divine intervention. The religion of the English people is embodied in this phraseoogical unit. In Uzbek it suits to *Yo tavba! Tavba qildim!* [4] set collocations which belong to the Muslim religion. For example,

Upon my Sam(my)![3] is used to express confirmation and the component Sam in this phraseoogical unit substitutes “the name of the God’ or “God has heard” and here‘s under the word Sam the God is implied and is equal to ―for the god‘s sake. In Uzbek it corresponds to *Chin so’zim! Agar yolg’on gapirayotgan bo’lsam, Xudo ursin!* [4]

Thumbs up![3] is an evaluative phraseological unit and is used for expressing positive assessment and means “very good, Ok”. It‘s said that its origin is connected with gladiatorial contests of Ancient Rome and another fact that it is originated from entering Jean-leon Jerome‘s 1872 painting ―Pollice Verso and it‘s assessed by the crowd by thump up and thumb down. After then this gesture begin to internationalize and is widely used around the world, but in fact it belongs to the English nation and reflects their tradition. But while evaluating something positively Uzbek people may use this gesture, but this kind of phraseoogical units doesn‘t exist in Uzbek language’s vocabulary.

Observing the Uzbek phraseoogical units, we can witness such geographic, historical and religious factors. In the Uzbek language *Xizrni yo’qlasak bo’lar ekan![4]* is used when you are speaking about somebody, he or she appears at that moment. The component *Xizr* is the name of the saint in the Muslim religion, and it‘s said if somebody sees *Xizr*, he or she will have good luck. But in English its analogue is talk of the devil and he will appear and here is totally different expression. In Uzbek the devil (shayton) is a very derogatory and insulting word towards the human being. So that in any case it‘s not relevant to use devil in the Uzbek language.

The Uzbek phraseoogical unit *“To’rt tomoning qibla!”[4]* is used for saying to somebody that he or she is free where to go or for expelling somebody. It expresses indignation. Analyzing it, in Islam religion “*qibla*” is considered the only side, where the sun sets (the West), and looking at this side the Muslim people pray. “qibla” can‘t be all four Poles. In this phraseoogical unit the culture of the Uzbeks finds its reflection. Or *“Tuyog’ingni shiqillat”[4]* is used to express indignation and for driving somebody away. We know “tuyoq” (hoof) belongs to only animals and cattle, and cause of using “tuyoq” (hoof) instead of “oyoq”(foot) is that in ancient times and also still, of course, the Uzbek people are engaged in cattle breeding. So that, the meaning “oyoq” is moved to “tuyoq” in figurative meaning ironically. And it hints the Uzbek people are dealing with cattle from ancient times.

“Ko’zing teshilgur!” [4] phraseoogical unit is considered an abusive one. This is used for expressing rage and anger and it is very rude one. It is used if one stares or looks at somebody, something wrong will happen with that person. Moreover , in the Uzbek nation, a newborn baby is saved from the glance of unknown people. They say, an eye has the power, which can do people harm. This phraseoogical unit is used while somebody is staring at you or your belongings, and you‘re angry with him or her. It means somebody‘s glance influences your activity badly. This attitude is reflected in this phraseoogical unit and it is connected with superstition and belief.

In the Uzbek language there are several phraseoogical units, used for asking help from the God. Instead of the God, the names of pirs (religious word, name of saints) are used. For instance: *Yo Razzoq! Yo Hakim! Yo Pirim!* These three phraseoogical units are connected with the religion and history of the Uzbeks. The word “Pir” is used in the meaning of “Saint” and in addition to that, this word also means “religious master” or “leader”. And dwelling on the second phraseoogical unit “Yo Hakim” , the component “Hakim’(985-1021) was the caliph, being from the dynasty of Fotimiys. During his reign, he pursued Christian and Jewish people and also expelled Sunnite Muslims too. He announced that “the Allah” was embodied in his body in 1017. They say , he disappeared secretly while going for a walk. Including that “Razzoq” is also considered one of the caliphs, who contributed to the progress of the Muslim religion. Thus, their names are kept in the nation‘s language, revealing their religion and history.

One more phraseoogical unit *“Og’zingga moy!”[4]* is used for good evaluation. Here‘s the component “moy” is meant “the fatty part of the meat”. Glancing at the history, meat is consumed by the Uzbeks so much and was encountered the best meal. Ordinary people didn‘t manage to eat meat as much as they want. The meat was prepared while inviting some honorable guests. The fatty part of the meat was very tasty and was consumed with big appetite. So that the word “moy” is used for good evaluation or when somebody brings very good news,

it is said as a praise. If you remember in English the very meaning is given with “this takes the cake’, but in Uzbek differently. The traces of the ancient mode of life was presented here.

It is not secret to us that being one of the language unit, phraseological units are also connected with non-linguistic or extra-linguistic factors. These extra-linguistic factors are differentiated while analyzing what kind of phraseological units, we are comparing. For example, the phraseological units, which express the appearance or character of the human being is more related with geographical and cultural factors.

Concluding that the analysis of national phraseoogical units, besides linguistic factors, extralinguistic factors , such as historical, religious , cultural ones also play the important role in realizing them. They assist to demonstrate the nation‘s culture as well.

Used literatures:

1. Arnold I.V.The English word. M.: Просвещение, 1966- 342p
2. Кунин А. В. Курс фразеологии современного английского языка. Дубна, Феникс, 2005
3. Kunin A.V. Англо-русский фразеологический словарь.-M: Русскый язык, 1984
4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati:ikkitomli, 60000 taso‘z va so‘z birkmasi.//S.F. Akobirov, T.A. Aliqulov , S.I.Ibrohimovavab.// Z.M. Ma‘rufov tahririostida. ―Rus tili‖ nashriyoti , -M; 1981

INFORMATIKA FANIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA`MINLASH MUAMMOLARI

Zaripova Gulbahor, BuxDU dotsenti, p.f.n.,
Shirinov Ziyomat, BuxDU o’qituvchisi

Axborot xavfsizligi deganda biz tasodifiy yoki oldindan ko`zlangan tabiiy yoki sun`iy xarakterga ega bo`lgan ta`sirlardan, qaysiki axborot sub`ektlariga noma`qul ziyon keltiradigan, shu jumladan, ularning infrastrukturani qo`llab quvatlovchi axborot foydalanuvchilardan va egalaridan axborotni himoyalanganligini tushinamiz. Axborotni himoyalash- bu axborotni xavfsizligini ta`minlashga qaratilgan kompleks chora-tadbirlardir. Axborot xavfsizligini asosiy tashkil qiluvchilari quyidagi kategoriyalardan iborat: infrastrukturani qo`llab-quvatlovchi va axborot resurslarini maxfiyligini, butunligini va foydalanuvchanliligini ta`minlashdan iboratdir. Yurtboshimiz I.A.Karimov o`zining O`zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat mafkura" asarida: "Farb olami bilan hamkorlik qilish zamonaviy texnologiyalar, investitsiyalarni sanoatning etakchi tarmoqlariga jalb qilish, tabiiy xom ashyodan har tomonlama foydalanish yo`lini ochadi. Etuk mutaxassislar, ayniqsa, bank va boshqaruv sohasida mutaxassislar tayyorlashda, axborot tarmoqlarini yo`lga qo`yishda, jahonning etakchi birjalari bilan aloqalar o`rnatishda, xorijiy qonunchilik tajribasini o`rganishda ko`maklashish muhimdir" – degan ko`rsatmalariga ko`ra, ushbu imkoniyatlarni maktab, akademik litsey, kasb-hunar kollejlari va oliy ta`lim tizimida ularni amalda qo`llash natijasida mustaqil mamlakatimiz yoshlarini jahon standartlari talabiga to`la javob bera oladigan komil inson sifatida shakllantirishga erishish imkoniyatini beradi.

Foydalanuvchanlik bu ma`lum vaqt oralig’ida kerakli axborot xizmatini olish imkoniyatidir. Butunlik axborotni aktulliligi bo`lib, uni yo`q qilinishidan va ruxsat etilmagan o`zgartirishlardan himoyalanganliligidir. Axborotni o`zgartirish imkoniyatiga faqat tegishli huquqi bo`lgan shaxslar ega bo`lishi kerak. Maxfiylik – bu axborotni ruxsat etilmagan murojaatlardan himoyalash bo`lib, axborot bilan tanishish imkoniyatiga faqat tegishli huquqga ega bo`lgan shaxslar ega bo`lishi kerak.

Axborotni himoyalashning asosiy usullari ruxsatlarni boshqarish bo`lib, u axborot tizimlari va axborot texnologiyalarining barcha resurslaridan foydalanishni tartibga solish orqali himoyalash usuli hisoblanadi. Bunday usullar, axborotga bo`lgan barcha ruxsat etilmagan kirish imkoniyatlarini bartaraf eta olishi lozim. Ruxsatlarni boshqarish quyidagi himoya funktsiyalarini o`z ichiga qamrab oladi: foydalanuvchilarni, xodimlarni va tizim resurslarini identifikatsiyalash (har bir ob`ektga shaxsiy identifikator berish); ob`ekt yoki sub`ektlarni ularga berilgan identifikator orqali tanib olish haqiqiyligini ta`minlash); foydalanish huquqiga egalini tekshirish; himoyalangan resurslarga bo`lgan murojaatlarni ro`yxatga olish; ruxsat etilmagan kirishlarga urinish harakatlari bo`lgan vaqtda sezish (signalli ogohlantirish, tizimni o`chirish, tizim ishini to`xtatib qo`yish, so`rovlarga javob bermaslik) shular jumlasiga kiradi. Identifikatsiya va autentifikatsiyani xavfsizlikning muhim dasturiy-texnik vositasi deb hisoblash mumkin, zero qolgan servislar sub`ektlarning o`zigagina mo`ljallargandir. Identifikatsiya va autentifikatsiya – bu korxona axborot maydoniga kirishning, boshlang’ich himoya chizig’idir. Identifikatsiya va autentifikatsiya protsedurasining birgalikda bajarilishini avtorizatsiya protsedurasi deb qabul qilingan. Identifikatsiya sub`ektlarga (foydalanuvchilarga, jarayonlarga, ma`lum bir foydalanuvchi nomidan harakat qiluvchilarga) o`zining kimligini ma`lum qilish imkonini beradi. Autentifikatsiya orqali ikkinchi tomonni aslida kim ekanligini bilish imkonini beradi. Ba`zan "autentifikatsiya" iborasining sinonimi sifatida "haqiqiyligini tekshirish" iborasi ishlatiladi. Autentifikatsiya ikki xil: bir tomonlama (odatda klient haqiqiyligini serverga isbotlaydi) va ikki tomonlama (ikki tomon ham bir birini haqiqiyligini isbotlaydi) bo`ladi. Bir tomonlama autentifikatsiya protsedurasiga misol qilib foydalanuvchilarning tizimga kirish holatini keltirish mumkin. Kompyuter tizimlarida autentifikatsiya usullaridan biri, foydalanuvchi identifikatorini kiritish orqali, oddiy nom bilan aytganda login (inglizcha – foydalanuvchining ro`yxatdagi nomi) va parol – handaydir maxfiy ma`lumot hisoblanadi. Ishonchli parol va login juftligi maxsus ma`lumotlar bazasida saqlanadi. Oddiy autentifikatsiya quyidagi umumiy algoritmlardan iborat: su`bekt tizimga kirish uchun ruxsat so`raydi va shaxsiy identifikator va parolni kiritadi; kiritilgan qaytarilmiydigan ma`lumotlar, autentifikatsiya serverida, etalon bilan

solishtiradi; ma`lumotning etalon autentifikatsiyasi bilan mos kelgan holatda muvaffaqiyatli hisoblanadi, mos kelmagan holda aksincha muvaffaqiyatli bo`ladi.

Axborotni himoyalashning kriptografik (grekcha maxfiy belgilar bilan yozilgan xat) usullari ham mavjud bo`lib, u – bu axborotni ko`zda tutilmagan foydalanuvchilardan himoyalash yo`lida, axborotni o`zgartirish bilan bog'liq bo`lgan g'oya va usullar yig'indisidir. Axborot, matn (xabar) ko`rinishida keltiriladi. Bunday axborot – ochiq matn deb ataladi. Uni himoyalangan holatga o`zgartirish shifr, shifr holatiga keltirish jarayoni – shifrlash, shifrlash natijasida olingan o`zgartirilgan matn – kpriptogramma, deb ataladi. Kriptogrammadan, yani shifrlangan matndan ochiq matnga o`zkazish, deshifrlash orqali amalga oshiriladi. SHifrlash va deshifrlashni amalga oshirish uchun, kalit deb atalmish qo`shimcha axborot ishlatiladi. Aynan kalit shifrlashning siri hisoblanadi. Kalitni bilmasdan turib, cheklangan vaqt oralig'ida kriptogrammani o`qish sezilarli qiyin yoki amalida mumkin bo`lmasligi lozim. Kriptografiya, priptologiyaning tarkibiy qismlaridan biri bo`lib – axborotni ruxsat etilmagan kirishlardan himoyalangan holda jo`natish ilmi hisoblanadi. Kriptografiya, aytilgandek, ma`lumotlarni maxfiy kalit yordamida shifrlash va deshifrlash bilan shug'ullanadi. Kriptologiyaning boshqa bir tarkibiy qismi – kriptoanaliz esa kalitni bilmasdan turib kriptogrammadan axborotni chiqarib olish nazariyasi bilan shug'ullanadi.

Zamonaviy kriptografiya to`rtta katta bo`limdan iborat: simmetrik kriptotizimlar, ochiq kalitli kriptotizimlar, elektron raqamli imzo tizimlari, kalitlarni boshqarish. Simmetrik kriptotizimlar shifrlash va deshifrlashni bitta kalit orqali amalga oshiruvchi algoritmlarni o`z ichiga oladi. Bunday algoritmlar ba`zan maxfiy kalitli algoritmlar deb ham ataladi. Bunday tizimlarda ishlaganda, xabar jo`natuvchi va qabul qiluvchi ishlatmoqchi bo`lgan kalitni oldindan yashirin kanal orqali almashgan bo`lishi talab qilinadi. Malumotlarni kriptografik himoyalash tizimlari ichida samaralisi ochiq kalitli kriptotizimlardir, boshqacha qilib aytganda assimetrik kriptotizimlar hisoblanadi. Bunday tizimlarda ma`lumotlarni shifrlashda bir kalit ishlatilsa, deshifrlash uchun esa boshqa kalit ishlatiladi (shu erdan assimetrik so`zi kelib chiqadi). Birinchi kalit tizimdagi barcha foydalanuvchilar uchun ma`lum bo`lib, ma`lumotlarni shifrlash uchun ishlatiladi. Ochiq kalit orqali ma`lumotlarni deshifrlash mumkin emas. Shifrlangan ma`lumotni foydalanuvchi deshifrlash uchun ikkinchi kalit, ya`ni maxfiy kalitdan foydalanadi. Shuni nazarda tutish kerakki, shifrlashda ishlatiladigan kalit orqali deshifrlash kaliti topilishi mumkin emas.

Elektron raqamli imzo (ERI) – elektron hujjatning rekviziti bo`lib, elektron hujjatni qalbakisidan himoyalash va ma`lumot manbasini tasdiqlash uchun ishlatiladi. Elektron raqamli imzo, elektron hujjatni kriptografik o`zgartirish natijasida hosil bo`lgan simvollar ketma-ketligidan tashkil topadi. ERI ma`lumot blokiga qo`shilib, ma`lumotni qabul qiluvchiga ma`lumot manbasini, ma`lumotni butunligini va qalbakisidan himoyalash imkonini beradi. Elektron raqamli imzo, axborotni maxsus dasturiy ta`minot va elektron raqamli imzoning maxfiy kaliti yordamida kriptografik o`zgartirish orqali vujudga keladi. ERI elektron hujjat almashinuvini takomillashtiradi va hujjatning ishonchliligini kafolatlaydi. Dastlabki matn ixtiyoriy o`zgartirilsa, ERI haqiqiy bo`lmaydi. Elektron hujjat almashinuvida qatnashuvchi, elektron raqamli imzodan foydalanuvchi har bir foydalanuvchiga yagona ochiq va maxfiy kriptografik kalit generatsiya qilinadi. Bunda muhim element bo`lib maxfiy kalit hisoblanadi: uning yordamida elektron hujjatlar shifrlanadi va elektron raqamli imzo tashkil qilinadi. Shuningdek, maxfiy kalit foydalanuvchida qolib, alohida tashuvchilar orqali yetkaziladi: bular disketa, smart-karta yoki touch memory lar bo`lishi mumkin. Uni tarmoqdagi boshqa foydalanuvchilardan sir tutish kerak bo`ladi. ERIning haqiqiyligini tekshirish uchun ochiq kalit ishlatiladi. Tasdiqlovchi markazda ochiq kalitlarning nusxasi saqlanadi. Tasdiqlovchi markaz ro`yxatdan o`tishni va ochiq kalitni xato kiritilishidan yoki soxtalashtirishga bo`lgan urinishlardan himoyalashni ta`minlab beradi. Axborot xavfsizligini ta`minlashga antivirus himoya vositalari ham kiradi.

Kompyuter virusi, foydalanuvchi ishtirokisiz o`zining nusxasni yaratish va ularni kompyuter tizimi va tarmoqlarining turli ob`ekt/resurslarini joriy qilish imkoniga ega maxsus yozilgan dastur hisoblanadi. Bu nusxa keyinchalik tarqatish imkonini saqlab holadi. Viruslarga qarshi kurashishning asosiy vositasi antivirus dasturlari bo`lgan va shunday bo`lib qolmoqda, bunday antivirus dasturlarining viruslarni topish va himoyalashning bir qancha asosiy usullari mavjud. Ular: skanerlash – ma`lum virus signaturalarini izlashda, tekshiriluvchi fayllarni ko`rib chiqish ketma-ketligi. Ma`lum bo`lgan va o`rganilgan viruslarni izlashda ishlatiladi. Yangi dasturni yoki yuklanuvchi sektorni zararlagan vaqtda, o`zining kodini to`liq o`zgartirish imkoniga ega bo`lgan, shifirlangan va polimorfli viruslarni aniqlash samarali hisoblanmaydi; evristik analiz – oldin ma`lum bo`lmagan viruslarni aniqlash; antivirus monitoringdan foydalanish – barcha ishga tushgan dasturlarni, yaratilgan, ochilgan va saqlangan, internet orqali yoki disketa yoki kompak-diskdan qattiq diskka ko`chirilgan hujjatlarni avtomatik tarzda tekshirish; o`zgartirishlarni aniqlash – oldindan kiritilgan dasturiy-revizor orqali diskning barcha sohasi xarakteristikalarini o`zgarishini aniqlash; kompyuterning BIOS da mavjud antiviruslardan foydalanish – qattiq disklarga va yuklanuvchi disk sektorlariga murojatlarni boshqarish. Antivirus dasturlarni samarali ishlashi uchun, antivirusning dasturiy komponentalarini va virusni aniqlovchi ma`lumotlar bazasini doimiy yangilab turish talab etiladi. Axborot tizimlarida ichki va tashqi tahdidlar mavjud bo`lib, hozirgi kunda IT-xavfsiligiga bo`lgan asosiy tahdid korporativ sirlarni, rivojlantirish borasidaga tendentsiyalar, shu sohadagi ilmiy ishlar va bozor analizi haqidagi ma`lumot chiqib ketishi qisoblanadi.

Shunday qilib, zararli dasturiy ta`minotga qarshi samarali kurashish uchun, axborot xavfsizligiga bo`lgan tashqi tahdidlardan himoyalashga kompleks yondashish talab qilinadi. Axborot texnologiyalari bozorida axborot xavfsizligiga bo`lgan tashqi tahdidlardan himoyalashning to`rt xil asosiy daturiy ta`minoti keltirilgan: antivirus dasturlari; korporativ tarmoqlararo ekran; shaxsiy fayrvollar; hujumlarga qarshi kurarish tizimi shular jumlasidandir. Ushbulardan o`z o`rnida foydalanish axborot xavfsizligini ta`minlash imkoniyatini beradi.

ISTE`DODLI YOSHLARNI TARBIYALASH-BARKAMOL AVLODNI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM OMILI SIFATIDA

Safarova Dilafruz Salimovna, NavDPI umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi katta o`qituvchisi

O`z farzandining kelajagi yorqin bo`lishini har bir ota-ona chin dildan istaydi. Buning uchun ota-ona farzandini bolaligidanoq qobiliyatini aniqlab uni qo`llab-quvvatlasa, munosib murabbiy yordamida tarbiyalasa, farzandining tafakkuri tarkib topayotgan paytda unga to`g`ri tarbiya berib, hayot uchun zarur bilimlarni olishga sharoit yaratib bersa jamiyatimizda iste`dodli insonlar safi kengayib boraveradi.

Oila-yuksak ma`naviyat beshigi. Axloq va odobning, iste`dod va iqtidorning, yuksak insoniy fazilatlarning ilk namunalarini bola oilasida ota-ona timsolida ko`radi. Shuningdek yoshlar iste`dodining o`sishida ularni o`rab turgan muhit, mahalla, jamoa ham muhim rol o`ynaydi. Psixologiyada bolaning nimaga va qaysi sohaga qiziqishini o`rganish va aniqlash mezonlari bor. Bolaning qiziqishlari borasida tez-tez muloqotda bo`lib turish, undagi qobiliyatni rag`batlantirib borish uning ma`lum bir sohadagi yetukligi uchun zamin hozirlaydi. Olimlarning aniqlashicha, bola aqlining shakllanish davri asosan 7 yoshgacha davom etadi. Aynan shu davrda u inson bo`lib yetishishiga zamin bo`ladigan butun axborotning qariyb 70 foizini o`zlashtiradi. Shuning uchun ayniqsa shu davrda undagi axborotlar tizimini mustahkamlash, ularning mazmun-mohiyatini atroflicha yoritib berish lozim. Garchi bola tug`ma qobiliyatga ega bo`lsada, yetarli ta`lim va tarbiya ololmasa, o`ziga atrofdagilarning ishonchini, umidini sezmasa iste`dodli bo`lib yetishishi qiyin. Ishonch va bilim bor joyda iste`dod kamol topadi. Modomki istedodni kamol toptirishda e`tibor muhim ekan. Bugungi kunda bizning mamlakatimizda bu e`tibor yaqqol o`z ifodasini topgan. Prezidentimiz iste`dodli yoshlarni tarbiyalashga muhim e`tibor qaratib, “Bilimga chanqoq, iste`dodli yoshlarni topib, ularni Vatanga fidoyi insonlar qilib tarbiyalash muqaddas vazifadir”.[1] “Biz o`z iste`dodli fidoyi bolalarimiz, farzandlarimizga bilim va kasb cho`qqilarini zabt etish uchun qanot berishimiz kerak.” - deb takidlaydi [2]

Inson kamoloti ko`p jihatdan uning bolalikda qanday ta`lim-tarbiya olganiga bog`liqdir Har bir oilada bola tarbiyasiga qaratilgan yuksak e`tibor, farzand uchun ham, oila uchun ham, jamiyat uchun ham muhim ahamiyat kasb etadi. Psixologlarning isbotlashicha, 5-7 yoshli bolaning ma`lumotlarni qabul qilish va xotirada saqlab qolish xususiyati 8-9 yoshli bolanikiga qaraganda kuchliroq bo`ladi. Shunday ekan bolaning bu xususiyatlarini ishga solish uchun uning dunyoqarashini ham to`g`ri shakllantirish lozim. Shundagina inson iste`dodi yaxshilikka, ezgu niyatlarning amalga oshishiga, iqtisodiy, ilmiy-texnika va jamiyat taraqqiyotga xizmat qiladi. Iste`dod bu buyuk ne`mat, noyob imkoniyat uni qadriga yetish va e`zozlash lozim. O`z navbatida avvallo oilada ota-ona, keyin esa murabbiylar, muallimlar, rahbarlar har bir jamoada iste`dod egalarini aniqlab, ularga barcha qulayliklarni yaratib berishlari zarur.

Ta’lim va tarbiya jarayonida iste`dod o’quvchining xarakteristikasi sifatida ko’rinadi. Qobiliyatlar psixologiyasining asoschisi F.Galton qobiliyat, iqtidor, iste’dod muammolarini yechishga empirik yondashuvning hozirga qadar qo’llanib kelinayotgan asosiy metod va metodikalarni taklif qilgan.

XX asrning 40-60 yillarida kreativlikni universal ijodiy potensial sifatida mustaqil kategoriyaga ajratib ko’rsatish uchun J.Gilfordning ishlari xizmat qilib, u tafakkurning ikki tipini ajratib ko’rsatadi:

- konvergent–nisbatan an’anali, qat’iy belgilangan javoblar soniga ega bo’lgan vazifalarda nisbatan yaqqol namoyon bo’ladigan tafakkur tipi;
- divergent–tasavvurga tayangan tafakkur tipi–original g’oyalar va o’zini namoyon qilishni yuzaga kelishi vositasi sifatida xizmat qiluvchi tafakkur.

F.Gilford ijodiy tafakkurni «sub’ektiv yangi mahsulni yaratish va uni yaratish bo’yicha bilish faoliyatining yangidan paydo bo’lishi bilan xarakterlanuvchi tafakkur shakllaridan biri» sifatida belgilaydi.

O’zbek psixologiyasining yirik darg’alaridan biri Ergash G’oziyevich G’oziyevning tafakkur psixologiyasi kitoblarida ijodiy potensialni belgilovchi omillardan biri-kreativlikni universal ijodiy qobiliyat sifatida o’rganish jarayonida tadqiqotlarning ikki yo’nalishga bo’linishi:

- birinchisi, kreativlikning shaxs, motivatsion xarakteristikalar bilan bog’liqligi;
- ikkinchisi, o’z vazifasi sifatida kreativlikning intellektual, bilish qobiliyatlari bilan bog’liqlikni aniqlash;

Kreativ shaxslarning tafakkurida esa ravonlik, moslashuvchanlik, originallik ko’zga yaqqol tashlanadi. Bular esa ayni vaqtda xulq-atvor faolligi ko’rsatkichlaridir. Qobiliyat va iste`dod masalalariga birinchilardan bo’lib e’tibor qaratgan pedagoglardan biri P.T. Blonskiydir. Uning fikricha, aqliy faoliyat samaradorligini belgilovchi omillar sifatida ijodiy potensialni yoki kognitiv kreativlikni rivojlantirishga katta e’tibor qaratilishi kerak.

Ijodiy tafakkurga ijobiy ta’sir ko’rsatuvchi shaxs belgilari orasida quyidagilar ajratiladi:

[1] I.A.Karimov.. Barkamol avlod orzusi.Toshkent-2000. 132-bet
[2] I.A.Karimov.. Barkamol avlod orzusi.Toshkent-2000. 155-bet

- o’z kuchiga ishonch;
- quvonch emotsiyasining va hattoki ma’lum bir darajada agressivlikning ustuvorligi;
- tavakkalga moyillik;
-g’ayritabiiy va noodatiy ko’rinishdan qo’rqishning mavjud emasligi;
- konformlikning mavjud emasligi;
- hazil-mutoyiba hissining yaxshi rivojlanganligi;
- fantaziya qilishga va kelajakdagi rejalarni tuzishga mehr.

Iste`dodli yoshlar faoliyatga ma`suliyat bilan yondashadilar va ruhiy jihatdan har doim tayyor bo`ladilar. Iste`dodli yoshlar jamiyatda faol bo`ladi, fan-texnikada noyob yangiliklar yaratadi, balki onlab, yuzlab malakali kishilar bajaradigan yumushlarni yakka o`zi amalga oshira oladi. O`zbekistonimizning taqdiri ko`p jihatdan pok niyat bilan Vatan istiqboli yo`lida xizmat qiladigan qobiliyatli va iste`dodli yoshlarga bog`liq. Jamiyat iste`dodning mavqeini belgilaganidek, o`z navbatida iste`dod ham jamiyat taraqqiyotida muhim o`rin tutadi. Bugun chinakam iste`dodlarga va iqtidorli mutaxasislarga ehtiyoj oshib bormoqda. Xalqi o`qimishli, har tomonlama sog`lom fikrlaydigan, ijodiy mehnatga qobiliyatli, bajarayotgan ishiga yangilik yaratish ko`zi bilan qaraydigan yoshlari ko`p bo`lgan mamlakat ravnaqi tezlashadi. Barkamol. avlodni tarbiyalashda, farzandlarning odil, oqil, dono va mehnatsevar bo`lib kamol topishida oilamiz sulolasi va davlatimiz oldida har birimiz ma`sulmiz.

KASBIY YETUKLIKNING SHAXS KAMOLOTIDAGI O`RNI

Dilafruz Safarova, NavDPI umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi katta o`qituvchisi

Shaxs va uning kasbiy kamoloti o`z taraqqiyotining yuksak cho`qqisiga intilayotgan jamiyatimiz uchun doimo dolzarb masaladir. Yurtboshimiz kelajagimiz ishini davom ettiradigan bugungi yoshlarimizni yetuk mutaxasis bo`lib yetishishlari uchun barcha imkoniyatlarni yaratib, ularga ishonch bildirib, -“Har qanday millatning ravnaqi, umumbashariyat tarixida tutgan o`rni, mavqei va shuhrati bevosita o`z farzandlarining aqliy va jismoniy yetukligiga bog`liq.”[1] liini ta`kidlab, qo`llab-quvvatlamoqdalar. Jamiyatimizda har bir shaxs o`zining katta hayotdagi o`rnini, o`z qobiliyat va layoqat yo`nalishini kashf etishi, anglashi, xalqi farovonligini oshirish yo`lida samarali mehnat qilishi, ana shu mehnati jarayonida shaxs sifatida kamol topishi lozim.

Bugungi kunda yoshlarni kasb-hunarga yo`naltirishdan ko`zlangan maqsad mutaxasislarning mehnat bozoridagi raqobatbardoshligini kuchaytirish, ularning samarali bandligini oshirishdan iboratdir. Eng asosiysi va ahamiyatlisi yosh avlodni ongli va mustaqil holda kasb tanlashi va shu bilan birga o`zining psixofiziologik xususiyatlari, qiziqish, qobiliyati, moyilliklari hamda jamiyatimizning kadrlarga bo`lgan ehtiyojidan kelib chiqqan holda mehnat sohasini tanlashiga eishishdir. Kasbga yo`naltirish shaxsni ijtimoiy va iqtisodiy himoyalash vazifasini ham o`taydi, chunki o`z imkoniyatlariga mos kasbni tanlagan inson uni tez o`zlashtiradi hamda samarali natijalarga erishadi. Bu borada T. Karleyl shunday degan-“O`z ishini topa olgan odam saodatlidir, u boshqa saodatni axtarmay qo`ya qolsin. Uning qiladigan ishi va yashashdan maqsadi bor.” Shaxsning o`zi tanlagan sohada faaoliyat ko`rsatishi uning qobiliyati va iqtidorini rivojlantiradi. Uning kasb mahorati, ish qobiliyati va salomatligiga ham ijobiy ta`sir ko`rsatadi. Yana ijtimoiy faolligini oshiradi, majburiy ishlashning oldini oladi. Lo`nda qilib aytganda inson sharafli kasbi bilan faxrlanadi va o`z kasbining fidoyisiga aylanadi. “Agar inson biror kasbni mukammal egallasa, mehnat unga huzur bag`ishlaydi.” (Andre Morya)

Yoshlarni kasb-hunar sohibi etib tarbiyalash xalqimizning azaliy an`analaridan biri hisoblanadi. Asrlar osha saqlanib kelayotgan betakror me`moriy inshootlar, ulkan tarixiy obidalar, xalq amaliy san`at asarlari, naqqoshlik, ganchkorlik, me`morchilik asarlari, topilma idishlar va hunarmandchilik buyumlari o`tmish ustozlarimizning kasb-hunar o`rganish va o`rgatishga, yuksak iste`dod va qobiliyat sohibi bo`lishga, keyingi avlodlar uchun o`chmas iz qoldirishga qanchalik intilganliklarini ko`rsatadi. Dono xalqimiz “Hunarsiz kishi bilan do`st bo`lmagin, chunki u na do`stga na dushmanlikga yaraydi”-deb bejiz aytmagan. Rivoyatlarda aytilishicha: Dovud alayhissalom podshoh bo`lib, bir kuni dehqon kiyimida ko`chaga chiqib,bir kampirdan so`rabdilar –“Dovud qanaqa odam? Yaxshimi yo yomon?” Kampir:-“Dovud yaxshilikka yaxshi-yu, lekin fuqarolar haqqini yemoqda. Chunki uning hunari yo`q”-deb javob beribdi. Shu kundan e`tiboran Dovud alayhissalom temirchilik kasbini o`rganib, o`z hunarlari orqali halol rizq topa boshlabdilar.

Dunyoda qanday hunar bo`lmasin, uning ustalari bo`lgan. Ular o`z hunarlarini shogirdiga o`rgatib kelgan. Agar ustaning shogirdi bo`lmasa, uni xuddi mevasiz daraxtga o`xshatishgan.Ustoz ozidan keyin bilimdon va mehnatsevar shogird tarbiyalamasa, uning hayoti, umri bekor o`tdi deyilgan. Bundan ko`rinib turibdiki, har bir kasb sohibi o`zining kasbi sirlarini, eng boy tajribalarini yosh avlodga astoyidil o`rgatib borishi ham farz, ham qarzdir.

[1] Barkamol avlod orzusi. Toshkent-2000. 126-bet.

Yetuk mutaxasis va o`z kasbining ustalarini tarbiyalash va yetishtirishda ajdodlarimizning boy tajribalariga tayanish o`rinlidir. Qadimdan ajdodlarimiz ustoz-shogird sifatida yoshlarga kasb-hunar o`rgatishda boy tajribaga ega bo`lib, o`zlaridan boy ma`naviy me`ros qoldirganlar. Ularning boy ma`naviy me`rosi, o`ziga xos fazilatlari va hayot tarzi zamonaviy kasb-hunar ta`limi mazmuni hamda tuzilmasiga singdirilishini davrning o`zi talab qilmoqda. Yaxshi shogird ustozning uzoq tinimsiz, mashaqqatli mehnati evaziga yetuk mutaxasisga aylanadi.

Abu Nasr Farobiy bu xususda shunday fikr bildirgan- "Insoniy vujuddan madsad-eng oily baxt va saodatga erishuvdir. Baxt-saodatga erishuv va tug`ma qobiliyatlarning rivojlanishi o`z-o`zicha bo`lavermaydi, balki bu masalada qandaydir muallim yoki rahbarga muhtojlik tug`iladi". Agar biz buyuk ajdodlarimizning kasb-hunar o`rgatishga oid boy tajribalarini yetarlicha o`rganib, samarali foydalana olsak, buning natijasida yoshlarimizning nafaqat kasbiy bilimdonligi balki axloq-odobi, insoniy fazilatlari orta boradi, natijada ular hayotda o`zini mustaqil boshqara oladi. Inson o`zining kasbi va mehnati tufayli hayotdan munosib o`rnini topa olsa, turmushidan, taqdiridan, vatanidan, ota-onasidan rozi bo`lib yashaydi. Umr bo`yi bunyodkorlik hissi bilan jamiyat ravnaqiga o`zining munosib hissasini qo`shishga intiladi. Buning uchun quyidagilarga alohida e`tibor qaratmoq lozim.

- Yoshlarni kasb-hunarga yo`naltirishni oiladan, bolalar bog`chalaridan boshlab amalga oshirib borish kerak;
- Maktabda o`quvchilarga turli xil kasb-hunarlar haqida tushuncha berish, suhbatlar o`tkazish;
- Oiladagi kasb-hunarga bog`liq bo`lgan turli an`analar ham katta ahamiyatga ega;
- Usta va shogird asosida yoshlarga hunar o`rgatish uchun ajdodlarimiz tajribasini yuqori sifat darajasida o`rgatishni tashkil etish.
- Usta va shogird odobi mezonlarini yanada mukammal ishlab chiqish .
- Shu mezonlar asosida maktablarda , litsey va kollejlarda, oily o`quv yurtlaridagi dastur, darslik, o`quv va uslubiy qo`llanmalarda usta va shogird an`analari mavzularini kiritish .
- Kasb – hunar kollejlarida va oliy o`quv yurtlarida maxsus kurslar tashkil etib , ularni eng ilg`or pedagogik texnologiyalar asosida olib borish.
- Yoshlarga kasb – hunarning ilmiy va amaliy jihatlarini puxta o`rgatish uchun bilimli va tajribali kadrlarni jalb etish va ularni rag`batlantirish .
- Ustoz va shogirdning amaliy hamkorligini yanada mustahkamligi uchun chora – tadbirlar dasturini ishlab chiqish .

Ana shu kabi ishlarning amalga oshirilishi yoshlarni kasb – hunarga yo`naltirish ishlarining amaliy va sezilarli ifodasini topishda asos bo`lib xizmat qiladi .Yoshlarning – qiziqishi, qobilyati moyilliklarini o`rganish va aniqlash, kasbiy o`zligini anglashga yordam va maslahatlar berish vazifasini ta`lim tizimining ijtimoiy – psixologik xizmati amalga oshiradi. Bunda O`zbekiston Respublikasi Xalq ta`limi vazirligining o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirish psixologik-pedagogik tashxis markazi va viloyat, tuman, shahar Xalq ta`limi boshqarma, bo`limlarida faoliyat yuritayotgan hududiy tashxis markazlarining bosqichma-bosqich va muntazam ravishda olib borayotgan ishlari misol bo`la oladi. Bugungi kunda kasb-hunar yetukligi yoshlarning hayotda o`z o`rnini topa olishida, xalq manfaati va jamiyat talabiga javob berishda asosiy va dolzarb masala hisoblanadi.

Shunday ekan har bir tarbiya muassasalarida ilm fan bilan birgalikda kasb-hunar sirlarini ham o`rgatib borish zarur, chunki ilm va hunar insonda sabr va irodani tarbiyalaydi, hozirgi iqtisodiy qiyinchiliklardan o`tish davrida hayotdagi talabini qondirishda, turmushini yaxshilashda xizmat qiladi hamda uni ma`naviy yuksaklikga ko`taradi.

ZAMONAVIY PEDAGOGIKA VA SHAXS TARBIYASI

Toshov Hayot Muhammadovich BuxDU o'qituvchisi, Yusupova Nigina Djurayevna Gala Osiyo Iqtisodiyot Kasb-hunar kolleji oqituvchisi, Urakova Mohigul A'zamovna BuxDU 4 –bosqich talabasi

The working features of modern pedagogs and intelektual abilities of children are given in this statement or article

Key words: *subject, educational and pedagogic issues, children, worldview, psychology, character*

Fan, texnika va texnologiyalar juda katta suratlar bilan rivojlanayotgan hozirgi paytda pedagogika ham bir joyda to'xtab qolishi kerak emas. Chunki hozirgi yoshlarning ongi, fikrlashi juda katta tezlik bilan rivojlanib bormoqda. Hozirgi yoshlar o'n yil yoki undan sal ko'proq yil oldingi bolalardan ancha boshqacha, o'ziga xos, dunyoqarashi keng bolalar desak mubolag'a bo'lmaydi.

Hozirgi zamon bolalari psixologiyasiga ta'rif beradigan bo'lsak ular anchayin mustaqil fikrlaydigan, mustaqil qaror chiqara oladigan keng tushunchaga ega yoshlardir. Oddiy bir misol biz o'zimizning bolalik davrimiz bilan o'zimizning 4-5 yashar farzandlarimizni taqqoslaydigan bo'lsak bizlarga ota onamiz, bobo-buvilarimizning gaplari qonun edi. Agar mana shu ish noto'g'ri yoki unday qilish mumkin emas desalar bas, biz hech bir izohsiz ularning aytganlariga itoat qilar edik. Bizning farzanlarimizga esa shunday desangiz u albatta

bizdan izoh talab qiladi. Agar javobingiz uni qoniqtirmasa u ikkinchi marotaba bu ishni bajarmaydi lekin keraklicha asoslab bera olmasak u bizning tanbehimizga parvo ham qilmaydi. Zero shunday ekan biz mustaqil yurtning mustaqil farzandlarini sog'lom fikrlashida ularni barkamol shaxs bo'lib etishishida, ta'lim-tarbiyasida mas'ul ekanmiz avvalo o'zimizning pedagogik faoliyatimizni boshqacharoq, mukammalroq qilib qurishimiz zarurati yuzaga keladi.

Inson hayot ekan, butun umri davomida o`sib, rivojlanib, o`zgarib boradi. Bolalik, o`smirlik va o`spirinlik yillarida kamol topishi yaqqol ko`zga tashlanadi. Rivojlanish deganda biz shaxsning ham jismoniy, ham aqliy va ma`naviy kamol topish jarayonini tushunamiz Pedagogika va psixologiya fanlari rivojlanishni biologik va sotsial xususiyatlari o`zaro chambarchas bog'liq bo`lgan bir butun narsa deb hisoblaydi. Inson bolasining shaxs sifatida rivojlanishi har tomonlama kamol topishining samarali bo`lishiga erishish maqsadida pedagogika fani rivojlanishning qonuniyatlarini, unga ta`sir etuvchi omillarni shuningdek, shaxs kamolotida ta`lim va tarbiya hamda faoliyatning ta`siri, ahamiyatini aniqlaydi va tahlil qiladi [3] Ma`lumki, odam shaxs sifatida dunyoga kelmaydi, balki uning shakllanishi avvalo hayot sharoitlariga bog'liqdir. Shu sababli shaxsni ma`lum ijtimoiy tuzumning mahsuli deb tushunishimiz lozim. Agarda biz ijtimoiy tizim elementlarini to'g'ri tanlab uni farzandlarimiz tarbiyasi va ta'lim olishiga to'g'ri yo'naltira olsak biz o'z vazifamizni a'lo darajada bajargan bo'lamiz. Zamonaviy o`qituvchiga birgina umumiy madaniyatning o`zi kifoya qilmaydi [2]. Maxsus bilimlar va malakalar-bolalarni kuzatish, ularning o`sishdagi muhim narsalarni aniqlay olish, ularni rivojlantirish yo`llari va usullarini aniqlash, turli o`zaro ta`sirini chuqur tahlil qilish, pedagogik izlanishlar va yutuqlarni ilmiy jihatdan bir tizimga solish malakalari zarur bo`ladi.

Shunday qilib, pedagog-muallim o`z mahoratiga quyidagi bosqichlarda erishishi mumkin:

1. Pedagogika-psixologiya fanlarini chuqur o`rganish.
2. Maxsus fanlar, ularni o`qitilish metodikasini chuqur bilish.
3. Pedagogik amaliyotda faol ishtirok etish va uni samarali o`tkazish.
4. O`z faoliyatini doimo tahlil qilib, unga nisbatan tanqidiy munosabatda bo`lish.
5. O`z ustida mustaqil ishlash, malaka oshirish kurslarida o`qib boorish

Shunday ekan zamonaviy pedagog shaxsni kamol topdirishda, tarbiyalashda zamonaviy bilim, intellektual salohiyat soxibi bo'lishi kerak zarur. Bo'lajak o'qituvchi o'zida bir qancha malaka va sifat ko'rsatkichlariga ega bo'lishi kerak. Jumladan:-**tashkilotchilik malakalari; - kommunikativ malakalar; - amaliy malakalar [1].**

Bundan tashqari pedagog o'zida bir qancha sifat ko'rsatkichlarini ham namoyon qila olishi shart.Jumladan bularga:-kasbiy sifatlar; -shaxsiy sifatlar; -ijodiy sifatlar

Yuqoridagi uch gurux sifatlarni yana bir qancha tarkibiy qismlarga bo'lish mumkin:-jumladan

kasbiy sifatlar
-Bilimdonlik
-Kasbga e'tiqodlilik
-Fuqarolik burchini anglash
-Adolatlilik
-Talabchanlik
-O'zini tuta bilish
-Pedagogik nazorat
-Vazminlik, sabr-toqatlilik
-Kuzatuvchanlik, ziyraklik
-Amaliy psixologik aql
-Nutq madaniyati
-Aniq ifodali o'qish
-Ijodiy xayol-kelajakni ko'ra olish-pedagogik tasavvur
-Ta'sir eta olish
-Kasbiy layoqatlilik

Shaxsiy sifatlar
-Bolalarni sevish
-Mehnatsevarlik
-Mehribonlik
-Qat'iylik
-Quvnoqlik
-Kuzatuvchanlik
-Ijtimoiy hayrat
-Kamtarlik
-Diqqat-e'tiborlilik
-Dadillik
-Izlanuvchanlik

Ijodiy sifatlar

-Ta'lim-tarbiyaga oid ishlarni amalga oshirish jarayonida pedagogik mahoratni mukammallashtirishga doimiy intilish

- Tarbiyaviy ta'sir natijasini oldindan ko'ra bilishga intilish

- O'zini tarbiyalanuvchi holatiga qo'ya bilish, atrof-muhitga nisbatan uning qarashini ko'ra bilishga intilish

- Bo'lib o'tgan voqea-hodisalarga, tarbiyalanuvchilarga nisbatan yangicha qarash qobiliyati.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O'.Asqarova va boshq. Pedagogika. Toshkent "O'qituvchi"2011
2. B.K.Xo'jayev,SH.SH. Olimov. Yangi pedagogik texnologiyalar."Buxoro" 2004
3. L.V. Golish, D.M.Fayzullaeva. Innovatsion ta'lim texnologiyalari. Toshkent 2011

ФУНКЦИИ ТЕЛЕВИДЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ.

Юсупалиева Д.К., и.о.доцента кафедры«Организация и управление учреждениями культуры и искусств» ГИИК РУз.
Уринов Ш., магистрант I курса ГИИК РУз.

Аннотация *В данной статье рассматриваются функции телевидения в современном обществе.*

The article considers the function television in Uzbekistan.

Мақолада телевидениянинг функциялари кўриб чиқилади.

Ключевые слова: *информационное общество; СМИ; телевидение; демократическое общество; личность; духовно-нравственные ценности; гуманизация общества; политическая активност населения.*

На современном этапе, когда на первый план выходит активизация человеческого фактора, как одного из условий дальнейшего человеческого прогресса, гуманизации общества придается большое значение. Ставится задача не просто подготовки ответственного гражданина, но и человека, способного самостоятельно оценивать происходящее и строить свою деятельность в соответствии с интересами окружающих его людей. Решение этой задачи связано с формированием устойчивых нравственных свойств личности. Изменения, происходящие в XXI в., потребовали выявления роли телевидения в формировании духовно-нравственных ценностей.

XXI век часто называют «веком информационной коммуникации». Понятие «информационное общество» из научной теории перекочевало в политическую практику: построение информационного общества провозглашается глобальной задачей нового тысячелетия; на международном и национальных уровнях разрабатываются принципы, стратегии и приоритеты его развития.

В Узбекистане вопросы развития СМИ, в том числе как одного из инструментов обеспечения конституционных прав человека и гражданина в информационной сфере, всегда находятся в центре внимания. Так, выступая 12 ноября 2010 года на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов подчеркнул, что: «Без обеспечения информационной свободы, без превращения СМИ в арену, где люди могут свободно выражать свои мысли и идеи, позиции и отношение к происходящим событиям, нельзя говорить об углублении демократии, политической активности населения, о его реальном участии в политической и общественной жизни страны. Обеспечение свободы и прав граждан в информационной сфере, включающей в себя такие составляющие, как свобода и реализация прав на получение, распространение информации и собственных идей, является краеугольным камнем основ построения демократического общества в Узбекистане». [1]

Рассмотрим функции, которые выполняют средства массовой коммуникации, в частности, телевидение в обществе, какие его потребности и потребности личности они удовлетворяют. [2]

Функции СМИ можно разделить на три основные группы:

1 - удовлетворяющие потребности человека как индивида, как личности;

2 - удовлетворяющие потребности определенных социальных групп и человека как члена группы;

3 - удовлетворяющие потребности общества в целом как целостной социальной системы и соответственно человека как члена общества.

В связи с тем, что средства массовой коммуникации имеют публичный и массовый характер, они должны, удовлетворяя потребности общества в целом и различных социальных групп, вызывать интерес и у значительных массовых аудиторий, состоящих из вполне конкретных людей, которые обладают собственными желаниями, потребностями, интересами. Иными словами для того, чтобы реализовать свои социальные функции по обслуживанию интересов общества в целом и различных социальных групп, массовая коммуникация должна учитывать потребности и психологические особенности людей. В противном случае сообщения, передаваемые средствами массовой коммуникации, будут не поняты или не приняты аудиторией.

Рассмотрим, какие основные функции должны реализовываться средствами массовой коммуникации в обществе для обеспечения его нормального функционирования и развития в целом.

Одной из важнейших таких функций является обеспечение социального контроля в обществе. Осуществляется это посредством публичного информирования о деятельности различных социальных субъектов, органов власти и управления, экономических структур, происходящих важнейших событиях в общественно-политической, социально-экономической и в других сферах жизни общества. СМИ проводят собственные расследования, публично информируя об их результатах. Несмотря на отсутствие возможностей административных и экономических мер воздействия, в отличие от государственных и хозяйственных органов контроля, контроль средств массовой коммуникации бывает не менее эффективен, так как он содержит моральную оценку и

опирается на общественное мнение, роль которого в демократическом государстве достаточно высока, особенно в преддверии выборных кампаний. Средства массовой коммуникации, предоставляя доступ к использованию своих возможностей для различных социальных субъектов, в том числе оппозиции, осуществляют критику социально значимых действий различных государственных и общественных структур, формируют общественное мнение и тем самым реализуют функцию социального контроля в обществе. На основании сведений в средствах массовой коммуникации могут создаваться парламентские и общественные комиссии, даваться государственными инстанциями поручения различным государственным органам, по опубликованным фактам заводятся уголовные дела.

В настоящее время значительно возросло влияние средств массовой информации на личность. Господствующее положение среди средств массовой информации на сегодняшний день занимает телевидение. Если в конце 70-х начале 80-х годов телевизор считался роскошью, то сегодня телевидение прочно вошло в быт, практически каждой семьи. Постепенно телевидение вытесняет газеты и журналы, серьёзно конкурирует с радио. Конкуренция с прессой объясняется появлением на телевидении новых технологий.

Эффективность деятельности СМИ неразрывно связана с учетом потребностей людей, их возросших социальных, духовных и политических запросов. При этом необходимо различать понятия информационные потребности и тематические интересы аудитории. Потребности в информации социальны по своей природе и обусловлены в первую очередь содержанием, структурой повседневной деятельности человека, в том числе объективными характеристиками его профессиональной и общественной деятельности. Тематические же интересы зависят от содержания предлагаемой информации и от ситуативных социально-психологических факторов (таких, как популярность, злободневность, престижность определенных тем, лиц, явлений и др.). Некоторые сведения об информационных потребностях аудитории можно получить путем опроса. Опрос дает только картину тематических интересов аудитории. Её необходимо дополнить анализом характера ролевой деятельности представителей различных групп населения в труде, сфере общественной и духовной жизни, быту и семье. Современная аудитория включена во всю систему общественных отношений. Поэтому в наши дни СМИ, в частности, телевидение ищут новые подходы к своей аудитории. Уровень культуры населения во многом предопределяет уровень культуры СМИ.

Используемая литература:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова 12 ноября 2010 года на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. «Народное слово». 13.11.2010
2. www.mtrk.uz

YOSHLARNI DESTRUKTIV TA’SIRLARDAN HIMOYALASHNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK ASOSLARI

Mullaboyeva Nargiza, NAMMTI o’qituvchisi,
Yahyoyev G’ayrat, NAMMTI talabasi

Annotation: *This article describes place and the role of youth in society. The idea of improving their prospect for theirs true speech, had written in article. Also in article is defined about keeping youth from informational pressure of propaganda of false tradition.*

Keywords: *destructive, information, prospeet, youth*

Zamonaviy fikrlaydigan, intellektual rivojlangan, yuksak mahorat va ma’naviy-axloqiy xislatlarga ega bo’lgan yoshlarni yurt rivoji uchun qo’llab quvvatlash, har bir vatanparvar inson uchun o’z vatani oldidagi sharafli burch deb hisoblasak mubolag’a bo’lmaydi.

Prezidentimiz tomonidan yoshlarga berilayotgan alohida e’tibor tufayli yoshlarimining juda ko’plab yutuqlarga erishishi uchun yanada keng imkoniyatlar yaratildi. Yurtboshimiz ta’kidlaganlaridek**, ”Farzandlarimiz bizdan ko’ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo’lishlari shart”.**

Yurtboshimizning sa’yi-harakatlari tufayli kundan kunga yurtimiz yoshlari uchun zamonaviy o’quv markazlari, jahon andozalariga mos keladigan sport komplekslari, bilim yurtlari va bolalar uchun turli to’garaklar tashkil qilindi.

Lekin shuni afsus bilan aytish joizki, bugungi globallashuv davrida mana shunday go’zal va farovon hayotimizni ko’rolmaydigan ayrim qora niyatli kimsalar ham topiladi. Xo’sh, bunday shaxslar farovon yurtning yoshlariga qanday tasir o’tkazadi?

Mutaxassislar, hozirda axborot missiyasining muhim qurollaridan biri sifatida ommaviy axborot vositalari va informatsion tazyiqlarning juda muhim ekanligini ta’kidlashmoqda. Bu haqda AQSH Markaziy razvedka boshqarmasining dahosi hisoblangan A. Dallesning fikricha, ,,Inson miyasi, odamlarning ongi

o’zgaruvchanlikka moyildir. Tartibsizlik, palapartishlik urug’larini sochish orqali, biz ularning o’ziga sezdirmagan holda asl qadryatlarini unutib, soxta qadriyatlarga ishonishiga erishishimiz mumkin. Insonlar ongi uchun ularning bolalik va o’smirlik chog’laridanoq kurashish, yoshlarni o’zlari o’ylab topgan soxta qadriyatlar quliga aylantirish, qolaversa har bir millat orasida o’z maslakdoshlarimizni topish, hamda saflarini kengaytirish orqali asta-sekin bo’ysunishni istamagan har qanday mag’rur xalqni ham bosh egishga majbur qilamiz, aks holda esa misli ko’rilmagan fojealarga giriftor etamiz’’-deya takidlagan edi.

Shu o'rinda, A. Dallesning yuqoridagi fikriga e’tibor qaratilsa, axborot xuruji har qanday davlat va jamiyat hayotidagi barqarorlikka putur yetkazishni anglashimiz lozim. Taniqli sotsiolik Ferdinand Tonniyes fikricha, Matbuot- haqiqiy zarur ijtimoiy fikr yaratish quroli, mazkur qurolni ishlatish mexanizmini amalga oshirish tufayli haqiqiy qurol vazifasini o’tash mumkinligi, to’g’risidagi g’oyani ilgari suradi.

Demak o’z o’zidan kelib chiqadiki har qanday milliylikka tahdid soluvchi yovuz niyatli g’animlar yoshlarimizga destruktiv ta’sir o’tkazishning ham yo’lini tanlashi ajab emas. Destruktiv ta’sir nima ? “**Destruktiv”** so’zi lotincha so’zdan olingan bo’lib, “**buzg’unchi”** degan ma’noni bildiradi.

Umuman olganda, buzg’unchi ta’sirlar qanday qilib, qay yo’l bilan, yoshlarimizning ongiga kirib kelishi mumkin? An’analarimizga yot urf-odatlar va hodisalar haqida gap ketganda murosasizlik muqarrar ravishda zarur. Yomon, buzg’unkor illatlar, avvalo, yoshlarning ongida ma’naviy bo’shliq paydo bo’lishi bilan, o’z salbiy ko’rinishishlarini namoyon eta boshlaydi. Bunday salbiy oqibatlar natijasida esa yoshlarning destruktiv ta’sirlar girdobida qolib, uning aksi bo’lmish konstruktiv ta’sirlardan uzoqlashishiga sabab bo’lib qoladi. Bundan kelib chiqadiki, yoshlar o’rtasida o’zining ajdodlari tomonidan qoldirilgan meroslarini unitish, axdiga vafo, vatanga sadoqat tuyg’ulari, insonga bo’lgan mehr-oqibatlari va eng yomon ta’sirlaridan biri kelajagi haqida o’ylashni batamom unitadi. Bunday ta’sirlar iskanjasiga tushib qolgan yoshlar, o’zining yon atrofidagi tengdoshlarining ham ma’naviy dunyoqarashiga katta tasir o’tkazishi ham ehtimoldan holi emas. Yoshlarning oqilona, sog’lom ma’naviy ehtiyojini shaklantirish hozirgi paytda jamiyat oldida turgan jiddiy muammo bo’lib qoldi.

Yoshlarning ijtimoiy psixologiyasi nimalardan tarkib topadi? Jonli mavjudodning olam bilan o’zaro munosabati hissiy va aqliy obrazlar, asoslar, muloqot jarayonlari, xatti-harakat predmetlari, ko’rsatmalar, emotsional holatlar va boshqa shu kabi aktlar vositasida amalga oshiriladi. Shu bois yoshlarni tarbiyalashning muhim elementlaridan biri shuki, an’analarning qadimiy vorisiyligi, madaniy qadriyatlarining uzviy qabul qilinishi oiladan, maktabdan boshlanishi darkor. Aynan o’qituvchi vatanning madaniy, tarixiy, axloqiy qadriyatlari tiklanishida ko’maklashadi, bolalarning ma’naviy kamol topishini ta’minlovchi sharoitni yaratadi. Bizningcha, yoshlar turli xil destruktiv ta’sirlarga tushib qolmasligi uchun ma’naviy to’g’ri fikrlashni, xulq-atvorini xatti-harakatga aylantiruvchi sifatida ma’nan boy dunyoqarashga ega bo’luvchi muhim vazifalarni yuqori o’rinda tutishlari zarur.

Dunyoqarash - umuman olamga qarashlarning umumlashgan tizimi, kishilarning ilmiy falasafiy, iqtisodiy, siyosiy, axloqiy, ma’naviy e’tiqodlari hamda ideallarining majmui ekanligi ma’lum. Dunyoqarash inson uchun o’ziga xos ma’naviy murabbiy, yo’lboshchidir. Agar u dunyoni to’g’ri tushunishdan kelib chiqsa, olamni oqilona o’zgartirish uchun mustahkam asos bo’lib xizmat qiladi.Voqelikning noto’g’ri in’ikosidan iborat bo’lsa, u holda shaxs hayotida jiddiy to’siqqa aylanadi. Dunyoqarash masalalarida hamda olamni bilish va o’zgartirishga yondashish usullari masalalarida to’g’ri yo’lni topa olmagan inson o’zini ishonchsizlik bilan tutadi, ojiz his qiladi. Shu bois, atrof, voqelikda kishi o’zini ongli va erkin tutish uchun ilmiy dunyoqarashga ega bo’lishi lozim. J.Tulenov aytganidek, ilmiy dunyoqarashni shakllantirish, har bir kishining dunyoqarash tayyorgarligining ajralmas elementi bo’lgan quyidagi fazilatlarni tarbiyalashni taqozo etadi. Ilmiy dunyoqarash poydevorini tabiiy, ijtimoiy, texnik, fanlarni bilish tashkil qiladi, ya’ni ilmiy dunyoqarashni shakllantirish ushbu barcha fanlar sohasi fundamental bilimlarni chuqur o’zlashtirishdir. Jamiyat hayot faoliyatida inson va uning yosh avlodga berayotgan ma’naviy bilimlari katta ahamiyatga ega jarayondir. Insonning keng va chuqur falsafiy bilimlari o’z mutaxassisligini yaxshi bilishga, jamiyat oldida turgan dolzarb masalalarni ko’ra olishga, ma’naviyat bilan bog’liq masalalarni ehtiyoj sifatida qondirish uchun imkoniyatlarni topa olishga o’rgatadi. Shuni ham unutmaslik kerakki, jamiyat taraqqiyotida ma’naviy ehtiyojlar, manfaatlar to’g’ri anglanilganda inson-jamiyat, millat uchun kuch va qudratga ega bo’ladi. Bu ma’naviy ehtiyoj va manfaatlarni amalga oshirish, avvalo, inson, uning bilimlari va imkoniyatlariga bog’liqdir.

O’zbekiston aholisining ko’pchilik qismini aynan yoshlar tashkil etadi. Ularning manfaatlari va ehtiyojlari aynan jamiyat manfaatlari bilan uyg’unlashgan bo’lib, dolzarb masalalarni o’zida qamrab oladi. Yoshlar bu jamiyatning kelajagi. Ularning ma’naviy bilimlarining kengligi va chuqurligi, bu jamiyat hayotini ko’rsatib beruvchi asosiy mezonlardan biri hisoblanadi. Chunki, aholi tizimining katta qismini tashkil etuvchi yoshlar o’zi bilan jamiyatga xos bo’lgan qadriyatlarni va o’ziga xos bo’lgan yangiliklarni ham olib yuradi.

Yoshlar masalasi o’tgan asrning 20-yillaridayoq ko’pgina davlatlarning asosiy masalalari qatoriga chiqib oldi. Deylik, K.Mangeymning “Avlod muammosi” asaridan boshlaboq bu muammo, juda ko’p davlatlarning o’rganadigan masalalari qatoriga kiritilgan.

O’zbekiston o’z mustaqilligining birinchi kunlaridanoq yoshlar masalasini asosiy masalalar qatoriga qo’ydi. Yoshlar masalasi ularni tarbiyalash, malakaga ega bo’lishi, jamiyatda o’z o’rnini topa olishi, jamiyat uchun foydali inson bo’lib yetishishi bu hozirgi vaqtning global, dolzarb masalalari qatoriga kiradi.

Global masalalardan biri bo’lgan yoshlar masalasini o’rganishda asosiy tamoyillar quyidagilarda o’z aksini topgan:

1. Yoshlar muammosini o’rganishda tarixiy yondoshish lozimligi. Yoshlarni ijtimoiy qarashlariga, xulqiga, qiziqishiga, dunyoqarashiga va boshqa jihatlarini o’raganishda muayyan davr, shart-sharoitlarning o’ziga xosligidan kelib chiqib baho berish talab qilinadi.
2. Yoshlarni o’ziga xos turmush tarzini tahlil qiulish va o’rganish. Bunda yoshlarning ijtimoiy holati, hayot kechirish tarzi va uning rivojlanishini nazariy va empirik jihatdan o’rganish.
3. Yoshlarni har jihatdan rivojlanib borishini o’rganish va tahlil qilish. Mavjud ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlar, muhitni o’zgarishi oqibatida avlodlar o’rtasidagi doimiy bog’liqlikni o’rganish.
4. Yoshalrni o’rganishda yana bir muhim tomon ularni o’zini-o’zi tarbiyalashlariga e’tiborlari qandayligini o’rganish hisoblanadi. O’zini anglagan inson har doim yaxshilik tomon intiladi.

Yoshlar jamiyatning eng katta va harakatchan qismi hisoblanadi. Shuning uchun ham ularni har doim o’rganib borish zamonning dolzarb masalalari qatoriga kiradi. Ular o’z zamonasiga o’ziga xos bo’lgan dunyoqarash bilan yondoshadilar.

SHAXMAT O’YNASH JARAYONIDA IDROKLI KOMPYUTERLARI

Xoliqov Umidjon Kuchqarovchi, GulDU «Pedagogika va psixologiya» kafedra o’qituvchisi
Berdaliev Farrux Tursunali O’g’li, Fizika-matematika fakulteti talabasi

Insoniyatda to’plangan tajribasini, bilimni keyingi avlodga qoldirish ehtiyoji yozuvni kashf etishga olib kelgan, ya’ni tashqi xotira paydo bo’ladi. Kitoblar bilim banbaiga aylanadi uni nashr qilish esa kutubxonalarning paydo bo’lishiga asos bo’ladi. Ko’p asrlar kitobdan unumli foydalanish bugungi taraqqiyotga olib kelgan. Kompyuterning kashf etilishi electron xotirani yuzaga keltirdi. Axborotlarni saqlash, qayta ishlash va uzatishning ko’plab usullari paydo bo’ldi. Internet butun olam kutubxonasiga aylanib ulgurdi va bu jarayon jadal kechmoqda. Demak, kerakli axborotni toppish muammosi deyarli hal bo’ldi. Shu bilan birga yana ma’lum bo’ldiki, ular o’ta ko’p edi. Endi keragini tanlashimiz va undan unumli foydalanishimiz muhim bo’lib qolmoqda. Kompyuterga tuzilgan shaxmat dasturlari millionlab variantlarni taqqoslab topgan yurishni inson o’ylab variantlar orasidan tanlar ekan. Shaxmat inson miyasini o’ziga xos ravishda o’zgacha ishlashga majbur qiladi. Shaxmat bilan shug’ullanayoshgan o’quvchilarning boshqa fanlarni o’zlashtirishdagi sezilarli muvaffaqiyatlari ham mutaxassislarga yaxshi ma’lum. Fransiya, Germaniya, Rossiyaning Ingushetiya respublikasi va Tomskiy o’lkalarida shaxmatning maktablarga aloxida dars sifatida kiritilgani ham bejiz emas. Shaxmat eng murakkab intelektual o’yin. U xayotning o’ziga xos modeli. Raqibimizga maksimal darajada muammo yaratadigan, o’zingizga foydali yo’l izlash – shaxmat strategiyasi va taktikasining mohiyatini tashkil etadi. Nimani qachon va qay darajada o’rganishga aniq javob har doim ham topilavermaydigan hollarda universal algoritmlarni o’rganib qo’yish koni foyda. Shu o’rinda shaxmatning ahamiyati benixoya. Nima bo’lganda ham shaxmatning barcha bobligi aniq va dunyoning ko’plab mamlakatlararo yoshlar orasida shaxmatni ommalashtirishning turli loyiha va dars turlari toboro ko’proq uchramoqda.

Eng adabiyoti ko’p sport turi shaxmat. Shaxmat nazariyasi adabiyotlaridan o’rganiladi. Bugunga kelib electron bazalari ham keng tarqalgan. Shaxmat adabiyotlari eskirmaydi. Yangilanish esa doimiy davom etadi. Mashhur shaxmatchilarning partiyalari har doim yangi. Har bir o’ynalayotgan partiyada esa yangi yurish albatta uchraydi. Chunki, rasmiy turnirlarda o’ynalgan bironta partiya ham hali to’liqligicha takrorlanmagan. Siz o’ynagan yoki o’ynaladigan partiyangiz ham hali hech joyda o’ynalmagan. Bu shaxmatdagi variantlarning tasavvurga sig’mas darajada ko’pligidan. Demak, hali ko’plab yangi kitoblar yoziladi, shaxmat nazariyasi rivojlanadi. Yuqori darajada “o’ynay oladigan” kompyuter dasturlari yaratildi, ular albatta takomillashadi. Shaxmat o’z rivojida yangi bosqichlarga ko’tarilaveradi. Kuchli shaxmatchilar, odatda, o’zgacha bo’lgan “zo’rlar” ning barcha partiyalarni o’rganib chiqqan bo’ladi(imkon darajasida) , bugungi kuchli o’yinchilarning o’yinlarini kuzatib boradi. O’z partiyasini esa chuqur tahlil qiladi.

Kompyuter kirib bormagan sohaga misol keltirish qiyin. U shaxmat borasida ham “uddaburon” chiqib qoldi. Faqat – uning “talanti” aniq hisob – kitoblarga asoslangan. Kuchli shaxmatchilarni ta’riflashda odatda ijodkorlar ularni doxiylar ham deyishadi, yaratganning qudrati bilan ham bog’lashadi. Nima bo’lganda ham kampyuter dasturlarini endi yengish tobora qiyin bo’lib bormoqda. Demak, shaxmat sanatmi, sportmi yoki fanmi? Savoli hali hanus ochiq va jurnalizimda bu mavzu doimiy rukunga ega bo’lsa ajabmaz. Olimlaru ijodkorlarimizni, ushbu savollar o’ylantirilgan barcha o’quvchilarimizni baxsga chorlaymiz. Chunki, bu mavzu hali kelajak mavzusi .

Bugungi jahonning barcha kuchli shaxmatchilari kompyuter yordamida musobaqalarga tayorlanadi, uning har doim yangilanib boruvchi ma'lumotlar bazasida foydalanadi, murakkab vaziyatlarni taxlil qiladi.Bir so'z bilan aytganda,ular kompyuterning nimalarga "qodirligini" yaxshi bilishadi.2006-yilda V.Kramnikning 6 partiyadan iborat matchni 4:2 hisobida (-2q4,2 yutqiziq va 4 durrang) boy bergandan so'ng, kompyuterning shaxmat borasida insondan kuchliligiga kuchlilar tan berib bo'lishdi?!

Xammasi qanday boshlangan edi? Insonlar o'rtasida shaxmat kurashlarining cho'qqisi jahon birinchiligi bo'lgani kabi shaxmat dasturlari o'rtasida ham jahon birinchiliklari o'tkazib kelinmoqda.Ilk bor kompyuterlar o'rtasida bunday chempionat 1974-yilda o'tqazilgan.So'ngra ular xar 3 yilda o'tqazilib borildi.25 yildan so'ng,1999-yili 9-chempionat o'tqazilgan bo'lsa, keyingi yili (Asrning so'ngi yili)-o'ninchisi o'tqazildi.Quyidagi jadvalda ushbu chempionatlarning yili, joyi, chempion-dastur nomi, uni tavsiya etgan mamlakat va dasturning asosiy mualliflari ismi-sharifi keltrilgan.

Birinchi chempionatda, 1974 yilda, 8 mamlakatdan 13 ta dastur ishtrok etdi.Ular shveytsarcha tizimda to'rt tur o'ynaydi.Albatta, u davrlarda kompyuterlarni olib yurish imkoni bo'lmagan: ular "uyida" qoldirilgan va birinchilikda faqat dasturlar mualliflari ishtrok etib, yurishlar muvofiqlashtirish markazga telefon orqali yetqazib turildi.ishtrokchilar ichida sobiq ittifoq dasturi "Kaissa" va Amerikaning "Chess" dasturlari ajralib turar edi.Natijada "Kaissa" barcha to'rtala raqibini yengdi va birinchi champion bo'ldi.Turnirning yopilish marosimida "Kaissa"ga birinchi jahon chempioni sifatida doimiy olti n medal topshirildi."Chess"esa bir ochkoga ortda qoldi va o'zining izzat talab rejalarini amalgam oshirishni keyingi safarga qoldirdi.

Ikkinchi chempionatda ishtrokchilar soni 16 taga yetdi va bus afar g'oliblar o'rin almashdi: "Chess"-chempion, "Kaissa" bir ochko ortda va ikkinchi. Bugungacha bu ko'rsatkich sobiq ittifoq, keyinchalik Rossiya dasturlarining so'nggi yutug'i bo'lib turibdi. Uchunchi chempionatda oltita mamlakatdan 18 ta dastur ishtirok etdi. To'rt imkoniyatdan 3,5 tadan ochko jamg'argan ikkita Amerika dasturlari-"Bell" va "Xaos"lar g'oliblik uchun o'zaro "kuch" sinashadi. Qo'shimcha o'yinni "Bell" yutdi va champion bo'ldi. Sobiq chempionlar-"Kaissa" va "Chess"lar, kamtarona 2,5 va 2 ochko bilan cheklanishdi. Bu safar katta mashinalar bilan birga ilk bor mikrokompyuterlar ham turnirda ishtirok etdi va ular bir qatorga terib qo'yildi. Turnir yakuniy jadvalida ham ular, bu galcha, oxirgi o'rinlarni egallashdi. To'rtinchi chempionat shveysarcha tizimda besh turdan iborat qilib o'tkazildi. Ishtirokchilar soni 22 taga yetdi. G'olib "Krey Blis" (AQSH) bo'ldi va u keyingi yilda ham (23 ishtirokchi) o'z unvonini, Buxgols koeffisenti bo'yicha, saqlab qoldi. "Krey Blis", "Xaytek" va "Bebe" (amerika dasturlari) hamda kanadaning "Quyosh Feniksi" dasturi besh imkoniyatdan 4 tadan ochko jamg'ardi. Qo'shimcha o'yin o'tkazilmay, koeffisent bo'yicha o'rinlar taqsimlandi, yani chempionning biroz "omadi keldi" Bu safar mikrokampyuterlar ham yaxshigina natija ko'rsatishdi: "Mefisto" shundoqqina go'lublardan keyin joylashdi. Dasturlar tinimsiz rivojda va shunga yarasha "o'yin sifati" ham bormoqda edi. Chempionatdan-chempionatga ishtirokchilar soni ortib sifati kuchayib bordi. Oltinchi chempionatda 24 ta dastur ishtirok etdi. Uni amerika dasturi "Dip Sot" yutdi. U chempionatdan 6 oy ilgari o'tkazilgan turnirda bir qator kuchli grossmesterlarni ham yutgan va turning yetakchisi edi. Natija ham shunga yarasha bo'ldi: 5 imkoniyatdan 5 achko.

Yettinchi safar, 5 imkoniyatdan 4,5achko jamg'argan gollandialik ishtirokchi "Chess Mashin" (23 ta ishtirokchi ichida) g'olib bo'ldi.

Sakkizinchi chempionatda yana 24 ta ishtirokchi qatnashdi. Nihoyat, mikrokampyuter ilk bor g'olib bo'ldi. "Fris" (Germaniya) "Pentium" prosessorli ShK ishlagan dastur bilan yutdi. Bu davrga kelib superkompyuterlar interknit orqali ishtirok etadigan bo'ldi. "Frish" turnirni mag'lubiatdan boshladi. Lekin, qatorasiga 3 ta yutuqdan keyin, so'ngi turda 3,5 ochko jamg'argan "Dip Blyu" bilan o'ynadi. Ko'pchilik amerkaliklar "Ulkan" (super) ning g'alabasini kutdi va g'alabaga erishdi. "Star Sokrates" (AQSH) ham 4 ochko to'pladi va ular 1- va 2- o'rinlarni bo'lishib oldi. Qoshimcha partiyani "Fris" yutdi. Nega tezligi bilan ham, hotirasi hajmi jihatidan ham ustunlikga ega superlar menilarga yutqaza boshladi? Hamma gap algoritimlarning intelektuallashuvida edi. Hotira tezlik borasida ustunlikka ega super-EHM chilar eski dasturlarni takomillashtirishsa minichilar yangidan-yangi algoritmlar o'ylab topishadi. Ihchamlik va boshqarishdagi qulayliklar ham ma'lum ustunlik berishidan unumli foydalanildi. To'qqizinchi chempionatda 30 ta dastur qatnashdi.Yetti turdan iborat shveysarcha tizim kuchli sinashgan dasturlarning ko'pchiligi reytingi 2500 dan yuqori (1974 yilgi dasturlar reytingi 1850-1900 larga to'g'ri kelgan), yani kuchli grossmeyster darajasida edi. O'ziga hos jihati, u endshpillarda yaxshi o'ynar edi. Shu paytgacha barcha kampyuter dasturlarining eng zayif joyi endshpinlar hisoblanadi.

Qizig'i shundaki, 2000 yilda o'tkazilgan o'ninchi chempionatda shu ikki dastur 1- va 2- o'rinlarni egallashdi. Qo'shimcha partiyani yutgan "Shredder" o'ninchi champion bo'ldi.

Dasturlar musobaqasi davom etmoqda, jiddilashib bormoqda va ular endi uzoq davom etadi chunki katta-katta ilmiy laboratoriyalar, maxsus institutlar shaxmat algoritimlari bilan shug'illanmoqda. Olingan natijalar aqilni shoshirarlik darajada. Xaqiqiy chempionlarning dasturlarga qanday? Juda jiddiy, qarama-qarshi va xilma-xil !

Jaxon chempionlaridan gollandalik Maxs Eyve birinchi bo'lib kuch sinashgan va so'ngara ko'p vaqtini kampyuter va shaxmat o'rganishga bag'ishlagan. To'g'ri, u o'tgan asirning 70 –yillarida "yaqin 100

yil ichida kampyuter shaxmat ustasi darajasiga ham erisha olmaydi” deya qattiq yanglishdi. Amalda esa 20-yillardan keyin mashina grosmessrlarni mag’lub eta boshladi.

Oltinchi jaxon chempioni Mehayil Botvinnik “Peoner” shaxmat dasturi ustida chorak asir ko’proq ish olib bordi. O’z mablag’lari hisobiga dasturchilar guruhini tashkil etdi va uzoq vaqt ushlab turdi. Afsuski, u o’zining ajoyib g’oyalarini amalgam oshirila olmadi. Algoritimlar imkoniyatlarini to’liq tekshirish uchun kuchli kampyuterlar talab etiladi. Sobiq ittifoq elektronikasining quvvati kamlik qilgan, chetelliklar (Germaniya va AQSH) taklifi raxbariyat tomonidan rat etilgan.

Kampyuterlar bilan eng ko’p shaxmat “surgan” grossmeyster David Bronshteyndir. Uning bunday rasmiy partiyalari 100 dan oshiq va ular asosida, muallif sharflari bilan alohida kitob chiqarildi. Unda shaxmat dasturlari yangi texnologiyalarni sinab ko’rish maydonchasiga aylanib borayotganidan tortib, kampyuter topayotgan kombinatsiyalardagi go’zalliklarni biz ko’nikgan shaxmat bilan taqqoslashdik o’ta murakkab masalalar haqida atrolicha fikir yuritiladi.

USING PROJECT METHODS IN COMMUNICATIVE LANGUAGE LEARNING

Азимбаева Д.А. *ЎзДЖТУ*, e-mail.azimbayeva75@gmail.com

Annotation. *This article is devoted how to achieve at once at the lesson with the help of project methods the several purposes - to expand children's vocabulary.*

Key words: *projects, vocabulary, lexical and grammatical materials, activities.*

In the European languages the word "project" is borrowed from Latin: the participle 'projectus' means «thrown out forward ", "striking one's eye". With reference to a lesson of foreign language, the project is specially organized by the teacher and independently carried out by pupils complex of the actions, finished with creation of a creative product. A method of projects, thus, is the set of educational and cognitive modes which allow to solve this or that problem as a result of independent actions of children with obligatory presentation of results. Let's result some examples how to achieve at once at the lesson with the help of project methods the several purposes - to expand children's vocabulary, to fix the investigated lexical and grammatical material, to create at the lesson an atmosphere of a holiday and to decorate a cabinet of foreign language with colorful works of children.

The work with the projects teacher can realize in groups and individually. It is necessary to note, that the method of projects helps children to seize such competences as: to be ready to work in collective, to accept the responsibility for a choice, to share the responsibility with members of the team, to analyze results of activity. It allows forming also the conscious attitude to consideration of problems, activity in its discussion, speech culture, an orientation on revealing of the reasons of arising problems and installation on their decision further. Here the principle of formation of critical thinking in pupils is realized. Language, thus, is simultaneously both the purpose and means of teaching. The method of debates helps pupils not only to seize all four kinds of speech activity, but to means of a language situation on a background of a problem in social and cultural sphere to find out the reasons of the arisen situations and to try even to solve them. Interest to the independent decision of a problem is the stimulus, driving force of process of knowledge.[1]. Thus, application of a method of discussion allows making active cognitive activity of pupils, their independence, forms culture of creative operative thinking, creates conditions for use of personal life experience and received before knowledge for mastering new. As discussion and the decision of problems occurs during controlled group dialogue at participants skill to operate in interests of group is developed, there is an interested respect for interlocutors and conducts to formation of collective. Application of this method in aggregate with a method of projects will allow generating thinking and owning not only the English language , but also the expert understanding in various problems, capable to be guided in quickly varying information streams.[2].

Not less interesting technique of activization of cognitive activity trained is the technique of role game which also can to reflect a principle of problematical character at its certain organization and allows to solve problem situations of a various degree of complexity. It can be used as independently, and in a context of a method of projects, is especial as the specific form of protection of the project. Trained apply the experience of the saved up knowledge, results of research during work above the project in realization of socially significant roles growing on the importance with passage of a cycle of occupations. Such modeling of situations of professional - business intercultural dialogue helps pupil to get used to various situations of the future activity which he can face in a real life. Problematical character of role game is realized through modeling of situations in which this or that problem can find the certain decision. Being in a role, pupil solves problem situations, evidently showing in full communicative competence the practical decision of a problem. Certainly, such way of protection should be adequate to a researched problem. Selection by that and problems for use of this or that method - a separate research problem. Here it is important, that communicative competence was formed in real acts of intercourse in which the English language is means of formation and

a formulation of idea.[3]. Thus, pupil, being based on the skills generated with the help of a debatable method, it is capable to apply and develop these skills in concrete situations of dialogue, carrying out socially significant roles and skill to assert the position in problem situations.

There can be one or several role play groups. If the whole class represents one role play group, it is necessary to keep some minor roles which can be taken away if there are less people in class than expected . If the teacher runs out of roles, he/she can assign one role to two students, in which one speaks secret thoughts of the other. With several role play groups, when deciding on their composition, both the abilities and the personalities of the students should be taken into consideration. For example, a group consisting only of the shyest students will not be a success. Very often, optimum interaction can be reached by letting the students work in one group with their friends . Whether taking any part in the role play or not, the role of the teacher is to be as unobtrusive as possible.[4]. He or she is listening for students' errors making notes. Mistakes noted during the role play will provide the teacher with feedback for further practice and revision. It is recommended that the instructor avoids intervening in a role play with error corrections not to discourage the students.

References:

1. Abbott G., D. McKeating, J.Greenwood, and P.Wingard. 1981. The teaching of English as a international language. A practical guide.
2. Azar B.SH. Fun with grammar. New York 2000
3. Brumfit,Christopher.1984.Communicative methodology in language teaching. Cambrige University Press.
4. Dornyei, Zoltan. 1998. Motivation in second and foreign language learning. *Language Teaching* 31.117-135.


YOSHLAR O'RTASIDA AXBOROT ALMASHINUVIDA WI-FI TARMOQ TEXNOLOGIYASINING AHAMIYATI

Bakayev Ilhom Izatovich, *BuxDU Amaliy matematika va axborot texnologiyalari kafedrasi o'qituvchisi,* Arabov Ubadullo, Fayziyev Muhriddin, *BuxDU talabalari*

Hozirda kunda yoshlar orasida axborot texnologiyalarining turli vositalaridan foydalanish darajasi oshib bormoqda. Tabiiyki, axborot texnologiyalarning mamlakatimizga kirib kelishi natijasida noutbuk, cho`ntak kompyuter, planshet, netbook, ebook, smartfonlar kabi turlaridan foydalanish urfga kirmoqda. Axborot texnologiyalarining rivojlangani sari ularning imkoniyatlari ham oshib bormoqda.

Yoshlar orasida axborot almashinuv jarayonida turli axborot texnologiyalarga bo'lgan talab darajasi juda yuqoridir. Bu esa qaysi axborot almashinuv vositasini tanlash kerak degan savolni yuzaga keltiradi. Axborot almashinuv jarayonini tashkil etishda kompyuter tarmoqlari yoki axborot tashuvchilar: USB qattiq disklar, USB fleshka, MMC, SD, MiniSD, MikroSD, PC kartalar, CD va DVD lar ishlatilmoqda. Yosh foydalanuvchilar har doim ham ushbu axborot tashuchilarni o`zi bilan olib yurmaydi. Shuning uchun kompyuter tarmog`ini tashkil etish yordamida katta hajmdagi ma`lumotlarni o`zaro almashish barcha uchun juda qulay hisoblanadi.

Kompyuter tarmog`ini tashkil etishda ma`lumotlarni uzatish muhitini tanlash lozim. Bu esa quyidagicha bo`ladi.



Sim orqali ma`lumotlarni uzatish muhitining vositasi kabellar hisoblanadi. Kabellar biri-biridan uzatish tezligi, ishonchligi, chidamliligi hamda narxi bilan biri-biridan farqlanadi.


Simsiz ma`lumotlarni uzatish muhitlariga esa WI-FI va BLUETOOTH kiradi.

WI-FI texnologiyasi eng qulay va samarali hisoblanadi. Bu ulanish varianti asosan noutbuklarni ulashda qulay hisoblanadi.

Bu jarayon quyidagicha amalga oshiriladi:

Agar noutbuklarda Wi-Fi qurilmasi bo`lsa, unda har ikkala noutbookda Wi-Fi yoqiladi. Ikkala noutbookning WiFi qurilmasini sozlash lozim.

Buning uchun «Панель управления» => «Центр управления сетями и общим доступом» => «Изменение параметров адаптера» buyrug`i tanlanadi. Yoki Win+R klavishlar kombinatsiyasini bosish kerak va "Выполнить" oynasiga ncpa.cpl buyrug`ini kiritish lozim. 1-rasm.




1-rasm. “Выполнить” oynasi

“Сетевые подключения” oynasiga o`tgandan so`ng, «Беспроводная сеть» rasmli belgi topiladi. Belgini sichqoncha ko`rsatkichi belgilab, keyin sichqonchaning o`ng tugmasi bosiladi. Hosil bo`lgan “kontekst” menyudan “Свойства” bandi tanlanadi. Natijada «Беспроводной сети», ya`ni sizsiz tarmoqning “Свойства” oynasi ochiladi. Sichqoncha chap tugmasi bilan «Протокол Интернета версии 4 (TCP/IPv4)» bandiga ikki marotaba bosiladi.

Hosil bo`lgan oynadan «Получить IP-адрес автоматически» va «Получить адрес DNS-сервера автоматически» bandlarini tanlash lozim. 2-rasm. Endi 1-noutbookda Wi-Fi tarmoq yaratish lozim.

Windows 8 va Windows 8.1 operatsion tizimlarida Win+X klavishlar kombinatsiyasi bosiladi. Ochilgan menyudan «Командная строка (Администратор)» bandini tanlanadi.




2-rasm. Simsiz tarmoqning xususiyatlar oynasi

Endi esa Windowsning buyruqlar satri yordamida “f17” nomli va paroli 987654321 raqamlardan iborat Wi-Fi tarmoq yaratish kerak. Buning uchun buyruqlar satriga quyidagi buyruq kiritiladi. 3-rasm

netsh wlan set hostednetwork mode=allow ssid=F17 key=987654321


Bu buyruqda ssid – tarmoq nomi key esa tarmoq parol hisoblanadi. Buyruq kiritilgandan so`ng Enter tugmasi bosiladi.

WiFi ni ishga tushirish uchun netsh wlan start hostednetwork buyrug`i kiritiladi va “Enter” tugmasi bosiladi. Bu buyruq Wi-Fi tarmog`ining ishga turilganini anglatadi.




3-rasm. Windows operatsion tizimining Командная строка(buyruqlar satri) oynasi

Sizsiz tarmoq yaratilib va ishga tushirilgandan so`ng, 2-noutbookda masalalar panelining o`ng burchagidagi  tugma bosiladi. Hosil bo`lgan «Беспроводная сеть» ro`yxatidan F17 tarmog`i tanlanadi va ulanish uchun “Подключиться” tugmasini bosish lozim. 4-rasm. Bunda foydalanuvchidan yaratilgan Wi-Fi tarmog`ining kodini kiritish talab etiladi.




4-rasm. Tarmoq oynasi.

Noutbooklar bir-biri bilan axborot almashinish uchun ikkala foydalanuvchi bir-birining kompyuter IP-adresini bilishi lozim. Buning uchun har foydalanuvchi o`z kompyuterida quyidagi ishni bajarishi lozim. «Панель управления» => «Центр управления сетями и общим доступом» buyrug`i tanlanadi. Hosil bo`lgan oynadan qizil to`rtburchak bilan belgilan bandni tanlanadi. 5-rasm.



5-rasm.

Tarmoqning holatini ko`rsatib turuvchi “Состояние” oynasidan Сведение tugmasi bosiladi. “Сведения о сетевом подключении” oynasidan Адрес IPV4 dagi manzil joriy kompyuterning IP manzili hisoblanadi. 6-rasm.



6-rasm.

Agar 1-noutbookning IP adresi 192.168.137.1 aniq bo`lsa, unda 2-noutbook 1-noutbookga kirishi uchun “Выполнить” oynasiga \\192.168.137.1 kiritib “Enter” tugmasini bosadi. Natijada \\192.168.137.1 manzilli noutbookning ruxsat berilgan papkalar ro`yxati chiqadi va unga 2-noutbook ma`lumot tashlashi mumkin.

Shuni aytish aytish lozimki, wi-fi tarmoq texnologiyasini ta’lim jarayonini rivojlantirishda o’rni beqiyosdir. Wi-fi texnologiyasi yordamida yoshlar orasida axborot almashinuvda, masofaviy ta’limda, taqdimotlarni tashkil etishda juda katta foyda beradi. 7-rasm.



7-rasm. Wi fi tarmoq texnologiyasining foydalanish sxemasi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Н.В.Макарова, В.Б.Волков. Информатика для бакалавров. Питер-2011. 575 стр.

2.А.С.Грошев. Информатика.Учебник для вузов.Архангельск-2014г.484 стр.

3.С.В.Симоновича. Информатика базовый курс для бакалавров и специалистов. 3-е издание. Издательства Питер 2011 г.638 стр.

АХБОРОТ КОММУНИКАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАДБИҚИЙ ТАЪМИНОТИНИНГ ЎРНИ

Зарипова Гулбахор., доцент, п.ф.н., Эшонқулов Хамза БухДУ

Ахборот коммуникатив технологиялари соҳасида компьютер ва ахборот тизимлари катта аҳамиятга эга. Компьютер тизими – маълумотларга ишлов бериш, киритиш ва чиқариш ҳамда хотира тизими бўлиб, унда ахборот тизими – компьютер, компьютер тармоқлари, фойдаланувчилар, ахборот ва дастурий таъминот мажмуасидан иборатдир. Жамиятимиз ривожланиши ва равнақ топиши учун ҳар бир ёш кадрларни компьютер саводхонлигини амалга оширмоғимиз мазкур вазифани бажарилишига зарурий омил бўлиб ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий меъзонидир” асарида: “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга”,– деб таъкидлашлари давлатимизни ёш тадқиқотчиларига кенг йўл очиб берганлигини исботлайди.

Ҳар бир компьютер саводонлигини эгалламоқчи бўлган ёшлар компьютерларнинг турлари: мини компьютерлар (MiniComputer); шахсий компьютерлар (Personal Computer); сервер компьютерлар (Servers); суперкомпьютерлар (Super Computer) бўлишини билмоғи зарур.

Компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари мавжуд бўлиб, компьютернинг асосий қурилмаларига тизимли блок, монитор, клавиатура, сичқонча киради.

Тизимли блок компьютернинг асосий занжири ҳисобланади, қайсики барча қурилмаларнинг бошқариш ва уларнинг вазифаларини ишлашини таъминлайди. Тизимли блок таркиби қуйидагича: тизимли (асосий, она) плата атамаси инглизча mother board сўзидан келиб чиққан. Тизимли плата компьютерни кўп томонлама умумий тузилмасини аниқлаб берувчи асосий қурилмаларидан биридир; адаптер, контроллер ва портлар – қурилмалараро алоқа ўрнатувчи қурилмалар; қаттиқ жисмли магнит дисклар, эгилувчан магнит диск ўқиш қурилмаси, оптик диск ўқиш қурилмаси; электр таъминловчи блок.

Периферия қурилмалари – процессорнинг ҳисоблаш имкониятларини қуллаш аппаратлари. Уларга компьютернинг қўшимча қурилма ва воситалари киради. Масалан: принтер, сканер, модем, рақамли аппаратлар, мультимедиа воситалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари мазкур соҳада ахборот ташувчи ва сақлаш воситалар мавжуддир. Ахборот ташувчи – шундай материалли объект ва муҳит, қайсики, булар узоқ вақт мобайнида ўзининг таркибида ёзилган маълумотларни сақлаш имкониятларга эга. Қаттиқ жисмли магнит диск (англ. hard disk drive, HDD), эркин мурожаатли сақлаш қурилмаси, магнит принципи асосида маълумот ёзилади. Кўп компьютерларнинг асосий маълумот сақловчи қурилмаси шу асосда бўлади. Флеш дисклар жуда катта ҳажмдаги ахборотни ўз ичига сиғдира оладиган ярим ўтказгичли элементлардан қурилган хотира. Ҳозирги кунда флеш хотираларнинг ҳажми 32 Гб гача бўлган ахборотни ўзига сиғдира олади. Флеш хотиралар ўлчам жиҳатидан жуда кичик бўлиб фойдаланиш учун жуда қулайдир. CD дисклар – бу компакт диск бўлиб, сўзларнинг бош ҳарфларидан олинган номли дисклардир. Ахборотларни сақлаш учун оптик юзадан иборат, юмалоқ диск кўринишидаги ахборот ташувчи ҳисобланади. Компакт дисклар 700 Мбайт ҳажмга эга бўлиб, унга маълумот диск ўқувчи қурилманинг лазер нури ёрдамида ёзилади ва ўқилади. DVD дисклар – бу дижитал видео диск сўзларининг бош ҳарфидан иборат номли дисклар ҳисобланади. Бу дисклар 4.5 Гбайт ҳажмга эга бўлиб, CD дискларга нисбатан 7 баробар кўп ахборот сиғдириши мумкин.

Ахборот дастурий таъминоти: тизимли, амалий ва инструментал дастурий таъминотга бўлиниб, дастур – тартибланган буйруқлар кетма-кетлигини ташкил қилади ва ҳар қандай дастурнинг якунловчи мақсади – бу аппарат воситаларининг бошқарилишидир. Ҳисоблаш тизимнинг дастурий таъминот таркиби бўлиб, у дастурий конфигурация деб номланади. Дастурий таъминот (англ. software) – дастурларнинг шундай мажмуаси, қайси компьютер фукциясини ва улар ёрдамида предмет соҳа масалаларнинг ечимларни олинишини таъминлайди.

Умуман олганда дастурий таъминот тизимини учта гуруҳга ажратиш мумкин: тизимли дастурий таъминот (тизимли дастурлар); амалий дастурий таъминот (амалий дастурлар); инструментал дастурий таъминот (дастурлаш тизимлари). Тизимли дастурий таъминот – бу барча учун яратилган ва универсал бўлган дастурлардир. Амалий дастурий таъминот – бу фойдалунувчиларнинг ўзлари учун ва ўзлари томонидан яратиладиган дастурлар тўплами бўлиб, унинг таркибига амалий дастурлар ва амалий дастур пакетлари киради. Амалий дастурлар пакети – бу амалий масалаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлар тўпламидир. Уларга – илмий ҳисоблашлар, моделлаштириш ва ҳ.к. мисол бўлади.

Инструментал дастурий таъминотларга дастурлаш тизимлари киритилади. Дастурлаш тизими – янги дастуларни яратиш воситасидир. Масалан, Паскаль, Бейсик. Оддатда улар ўз таркибида матн муҳаррири, яъни дастур кодини ёзиш майдони, транслятор ва стандарт функциялар кутубхонаси компонентлардан иборат. Энг машҳур инструментал тизимлари бу C++, Delphi, Visual Basic, Java, MatLab, BpWin, ErWin ва бошқалардир.

Ахборотни ҳимоялашнинг дастурий таъминоти ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, у маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасддан таъсирлардан хар қандай ташувчиларда ахборотнинг ҳимояланганлигига айтилади. Илгариги хавф фақатгина конфиденциал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф эса компьютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу харакатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди. Ахборотнинг ҳимояси деб, бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади. Ахборот ҳимоя восита дастурий деб айтилади, қачон бу восита дастурий таъминот таркибида ишга тушурилса, уларнинг орасидан ва батафсил қўйидагиларни кўриб чиқамиз мумкин: маълумотларни архивлаш воситаси; антивирус дастури.

Архивлаш бу бир нечта файл ёки каталогларни битта файлга бирлаштирувчи жараён бўлиб, қайсики ҳеч қандай йўқотишларсиз, маълум бир алгоритм ёрдамида маълумот ҳажмини қисқартиради. Архив форматлардан машҳурлари бу қўйидагилардир: ZIP, ARJ (DOS ва Windows операцион тизимлари учун); TAR (Unix операцион тизими учун); кўпплатформали формат JAR (Java ARchive); RAR (Windows ва Linux операцион тизимлари учун).

Антивирус дастурлари – вирусларни топиш ва улар фаолиятини тугатиш учун хизмат қиладиган дастурлар. Оддий вируслан зарарланишни вирусга қарши дастурлар ёрдамида осон аниқлаш мумкин,

вирусларни бу усул билан аниқлаш қийин, чунки улар ўз-ўзини нусхалашда кўринишини ўзгартиради. Макрослар билан ишлайдиган иловалар макровируслар билан зарарланиши мумкин.

Компьютер вируси ўлчами бўйича катта бўлмаган, махсус ёзилган дастурдан иборат бўлиб, у ўзини бошқа дастурларга «ёзиб қўйиши», шунингдек, компьтерда турли нохуш амалларни бажара олиши мумкин. Бундай дастур ишлашни бошлаганда дастлаб бошқарувни вирус олади. Вирус бошқа дастурларни топади ва унга «юқади», шунингдек, қандайдир зарарли амалларни (масалан, дискдаги файл ёки файлларнинг жойлашиш жадвалини бузади, тезкор хотирани «ифлослайди») бажаради.

Шунинг учун ҳам ахборотни ҳимояловчи умумий воситалардан ташқари вируслардан ҳимояланишда махсус программалардан ҳам фойдаланилади. Бу дастурларнинг бир неча турлари мавжуд: детекторлар, докторлар (фаглар), ревизорлар, доктор-ревизорлар, фильтрлар ва вакциналар (иммунизаторлар).

Шундай қилиб, ахборотни ҳимояловчи дастурлардан ўз вақтида ва ўз ўрнида фойдаланиш ахборотнинг мусаффолигини таъминлайди ва унинг бузилишини олдини олади. Буни билган ҳар бир ёшлар компьютер саводхонлигига эришибгина қолмасдан ўз меҳнат самарасини ҳар хил ёт таъсирлардан ҳимоя қила олади.

АХБОРОТ КОММУНИКАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА БОШҚАРУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Зарипова Гулбаҳор, п.ф.н. доцент, Ҳайитов Умид, БухДУ

Ахборотлаштириш – худудий тақсимланган ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация инфратузилмасини қуриш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Ахборотлаштириш – бу нафақат технологик, балки, аҳоли турмуш тарзига сезиларли ўзгартиришлар киритадиган ижтимоий ва маданий жараён ҳамдир. Жамиятни ахборотлаштириш – бу жамият аъзоларининг ишончли ахборотдан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланишларини таъминлашга қаратилган чоралар комплексини ишга туширишдир, бу янги ахборот технологияларини ўзлаштириш ва ривожлантириш даражасига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда ахборотлашган жамият атамаси нафақат ахборот соҳаси мутахассисларининг муомаласида, балки, сиёсий фаолият, иқтисодчи олимларнинг муомалаларида ҳам ўз ўрнини эгаллади. Шунингдек, Юртбошимиз И.А. Каримов ўзининг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” асарида ёшларга катта ишонч билдириб, уларга мурожаат қилиб, жумладан шундай дейдилар: “Ўзбекистон илм-фани ва шу баробарида ҳар биригиз ўз соҳангизда маълум ва машҳур бўлишингизни, изланиш ва меҳнат ҳосилини баҳам кўришингизни тилайман ва шу билан ўзбек фанининг обрўсини юксак чўққиларга кўтаришингизни тилайман. Бу борада Президент сифатида сизларнинг энг яқин ёрдамчингиз бўлишга ваъда бераман… Биз дунёдаги тараққий топган давлатлар сафига киришни мақсад қилар эканмиз, аввалambор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор”– эканлигини алоҳида кўрсатганлар. Кўп ҳолларда бу тушунча фуқаролик жамияти платформасида янги эволюцион сакрашни амалга оширишга ва ахборот асрига ахборотлашган жамият сифатида қадам босишга имкон берувчи ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг ривожи билан умумлаштирилади. Ахборотлашган жамиятни тавсифловчи мезонлар: технологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий бўлади.

Технологик – ишлаб чиқаришда, муассасаларда, таълим тизимида кенг қўлланиладиган ахборот технологиялари. Ижтимоий – ахборот яшаш сифатини ўзгартиришнинг муҳим стимулятори сифатида юзага чиқади, ахборотга кенг кирган «ахборот онги» шаклланади ва тасдиқланади. Иқтисодий – ахборот иқтисодиётда ресурс, хизмат, товар, қўшимча қиймат ва бандлик манбаи сифатидаги омилни ташкил этади. Сиёсий – ахборот эркинлиги сиёсий жараёнларда турли синфлар ва аҳоли ижтимоий қатламлари орасидаги ўсиб бораётган иштироки билан характерланадиган етакчилар ҳисобланади. Маданий - ахборотнинг маданий қийматини алоҳида индивид ва бутун жамият ривожининг манфаатида ахборот қимматини тасдиқлаш воситаси орқали белгиланади. Ҳозирги даврни аборотга бойлигини уни олиш йўллари хилма хиллигини, такомиллашганлигини ҳисобга олиб, Интернет асри дейиш мумкин. ITU ҳисоблари бўйича охирги йилда 250 миллиондан ортиқ одам интернетга уланган ва 2013 йил охирида бутун дунё аҳолисининг деярли 40 фоизи интернетдан фойдаланади. Мобил технологиялар ва хизматлар аввалдан ахборотлашган жамият ривожининг калит омили ҳисобланади, мобил ва кенг полосали алоқа фойдаланувчилари сони 2 млрд.га яқин. Мобил кенг полосали тармоқлар иловалар ва сервислардан фойдаланиш имконини беради: тезлик ошишда давом этади, хизматларнинг баҳоси пасаяди ва АКТ янада оммабоп бўлади, зотан, охирги тўрт йилда хизматларнинг баҳоси 82 фоизга пасайган. ITU ҳисоблари бўйича 2013 йил охирида кўчувчи кўл телефонлари алоқаси абонентлари 6,8 млрд.га ва бутун дунё интернет фойдаланувчилари 2,7 млрд.га етади. Юқори тезликли алоқа тармоқлари воситасида глобал ахборот жамиятига кўпдан кўп одамлар боғланмоқдалар, яъни, ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамиятни ривожлантиришнинг энг актуал йўналишларидан биридир.

Ахборотлашган жамият ва янги яратилган ахборот иқтисодиёти компонентлари: ахборот ва коммуникация технологиялари, Интернет; ахборот интеллектуал мулк; электрон ахборот марказлари, базалари ва маълумотлар банки, видеомаҳсулотлар, кўп тилли таржимонлар, янги тасвир воситалари; ахборотнинг умумий меросларидан иборатдир (ишлаб чиқаришни бошқариш тизимлари, биотехнологиялар, фармацевтик маҳсулотлар ва ҳ.к.) Бу компонентлар иқтисодиётнинг барча секторларида кўринади, уларнинг таъсири ахборот ва коммуникация жараёнлари эволюцияси сари ўсиб бормоқда. Ахборотлашган жамият концепцияси асосида: «жамият ривожининг асосий омили – ишлаб чиқариш ва ахборотдан фойдаланиш» ётади. Экспертларнинг баҳолашлари бўйича замонавий ривожланган жамиятнинг интеллектуал потенциали (салохияти) баҳоси саноат анъанавий тармоқлари асосий фондлари баҳосидан юқори. Бундай ҳолатда, инсон интеллекти янги технологик даврнинг бевосита ва асосий ишлаб чиқарувчи кучи вазифасини бажаради. Ахборотлашган жамиятни ривожлантириш учун қуйидаги топшириқлар қаторини комплекс реализацияси тактик зарурат ҳисобланади: ташқи инвестицияларни жалб қилиш йўли билан ва юқори технологик маҳсулотларни экспортидан давлатга капиталнинг оқишини таъминлаш; юқори истиқболли юқори технологик соҳаларда ишчи ўринларини ташкил этиш; давлатнинг интеллектуал потенциалларини имтиёзли йўналишларга тўплаш; илмий ривожланишни рағбатлаштириш (янги юқори самарали илмий коллективларни яратиш, ишлаб чиқариш соҳасида юқори технологияларни қўллашни таъминлаш); шахсни ривожланишини таъминлаш (узлуксиз таълимнинг самарали ва илғор технологиялари гармоник шахсни бутунлигича ривожлантириш технологиялари билан); жамият ривожига кўмак бериш (истиқболга қаратилган янги жамият укладини фуқароларнинг юқори онги, ўз-ўзини бошқариш, фуқаролик жамияти, ижтимоий хамкорлик ғоялари асосида шакллантириш).

Бизнинг давлатимизда халқаро ахборот муносабатлари тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаш учун юқорида келтирилганларнинг барчаси мавжуд. Ахборот ресурси – бу ахборот тизимларидаги (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки ва бошқа ахборот тизимлари) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массиви ташкил этади. Ҳар бир давлат учун ахборот ресурси энергия захиралари, қазилма бойликлар ва бошқа манбалар каби аҳамиятли стратегик ресурс ҳисобланади. Ахборот ресурслари ахборот маҳсулотларини яратиш учун бошланғич база ҳисобланади. Ахборот маҳсулотлари инсонларнинг интеллектуал фаолиятлари натижаси ҳисобланади ва хизматлар ёрдамида тарқатилади. Ҳозирги вақтда ҳукумат ва унинг фуқароси орасидаги ўзаро таъсир ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фаол амалга ошиб бормоқда. Замонавий ҳуқуқий демократик давлат “фуқаро-ҳукумат”, “фуқаролик жамияти - ҳукумат” ўзаро ахборот муносабатлари, ахборот манфаатларининг баланси ва бу балансни меъёрларда, аввалambор ахборот қонунларида мустахкамлашга эришишга интилади. Хукумат ва жамият, алоҳида фуқаронинг ўзаро таъсирини оптималлаштириш учун “электрон давлат” (“электрон хукумат”) моделидан фаол фойдаланилади. Электрон хукумат икки қисмдан ташкил топган: ҳукумат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари; ҳукумат турли даражалари (марказий, регионал, маҳаллий) ва турли тармоқларнинг (ижро, қонун, суд) ички ўзаро ҳамкорлиги. «Электрон хукумат» атамаси фуқаролар, бизнес ва турли хукумат тармоқлари муносабатларини трансформация қилишга қодир ахборот технологияларини давлат органлари томонидан фойдаланилишига нисбатан ишлатилади. Бу технологиялар турли мақсадларда фойдаланилиши мумкин: фуқаролар учун давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни амалга ошириш, бизнес ва саноат билан ўзаро хамкорликни кучайтириш, ахборотга кира олиш воситасида фуқаролар имкониятларини кенгайтириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш. Натижада шундай афзалликка эришиш мумкинки, бунда корупциянинг қисқариши, шаффофликнинг ошиши, фойдаланувчилар учун янада қулайлик, даромаднинг ошиши ва ёки ҳаражатнинг камайишига олиб келади. Электрон хукумат аҳолига Интернет-технологиялар воситасида ва улар ёрдамида (яъни, АКТ орқали) ўз нуқтаи назарларини тасвирлаш (баён қилиш) имкониятларини берган ҳолда уларнинг мамлакат ҳаётига таъсир кўрсатишлари учун янада кўпроқ имконият беради. Шу билан бирга Интернет фойдаланувчилар учун максимал мослаштирилган янги хизматларни тақдим этиш йўли билан давлат бошқарув органларига ўз аҳамияти ва таъсирини оширишга имкон беради. Ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини ўз вақтида шакллантириш қуйидагиларни таъминлайди: ташкилот ва фуқаролар учун давлат хукумат органлари билан ўзаро хамкорликнинг электрон усулларига мурожаат қила олишни ошириш, аҳолининг давлат бошқарув органлари билан ўзаро хамкорлиги учун сарфланадиган вақтни камайтириш; давлат бошқарув органларининг давлат хизматларини тақдим этиш ва электрон кўринишдаги давлат вазифаларини бажариш ҳаражатларини камайтириш; умумдавлат аҳамиятидаги бир турли вазифаларни бажариш учун давлат бюджети ҳаражатларини уларни марказлашган ҳолда бажариш ҳисобига камайтириш; давлат хукумати органлари орасида оператив химояланган ахборот алмашинуви учун ягона технологик платформа яратишдан иборат.

Электрон хукумат ахборот технологик ва коммуникация компонентларининг базавий классификацияси қуйидагиларни ўз ичига олади: идоравий ва идоралараро амалий (функционал) ахборот тизимлари; мухандислик инфратузилмаси (телекоммуникация ва аппарат қуввати); электрон ҳукуматнинг ахборот-технологик инфратузилмаси. Фуқаролик жамияти ва алоҳида индивидларнинг

манфаатлари ўз ичига давлат ва унинг органлари ахборотларининг очиқлигини олади. Ахборотнинг очиқлигидан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор. Ахборотнинг очиқлиги – бу давлат характеристикаси. Давлатда қачонки ахборот очиқлиги юқори бўлса, шунда у ҳуқуқий давлат бўлади. Хукумат ҳужжатлари ва ахборотларига киришни таъминлаш замонавий давлат аппаратига мавжуд талабларнинг бири ҳисобланади. Давлат бошқарувининг сифати давлат хукуматининг аҳолини "эшитиш" ва "тинглаш"га тайёрлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади, бу давлат фаолияти устидан жамият назорати ва аҳолига қулай усулда улар билан муносабатда бўлишга имкон беради. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали – www.gov.uz Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. **www.gov.uz** портали UZINFOCOM маркази томонидан бошқарилади ва кузатилади

Шундай қилиб, асосий мақсадлар: Республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти тўғрисида, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини таъминлаш; ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; ахборотларни айирбошлаш ва тарқатиш тезлиги даражаси, ташкилотларнинг хабардорлиги даражаси ўсиши ҳисобига ташкилотлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; ахборотларни идоралараро электрон айирбошлашни бир хиллаштириш имкониятларини яратишдан иборат.

ОИЛАДА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Жумаева Г., Жумаев Б., ТерДУ

Theme: Conditions of forming moral behavior in the family.

Summary *This article deals with forming attitudes towards and existing positive morals in an uzbek family, our national heritage, customs and traditions*

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил – "Оила йили", 1999 йил – "Аёллар йили" деб эълон қилиниб, оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза этилиб, бу борадаги миллий қадриятларни тиклаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. И.А.Каримов аёлларни ниҳоятда улуғлаш ва эъзозлашга чақириб, шундай дейди: "Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш. Уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим".

Оиласиз жамият давлат бўлмаганлиги каби, аёлсиз оилани ҳам тасаввур этиш қийин. Аёл – оила чароғбони, фарзандларимиз ҳомийси, фаравон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзидир.

Оила инсон хақ-ҳуқуқларининг ибтидосидир. Чунки бола кўз очиб кўрган илк дунё оилада ота-она ва ака-укалар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар муносабати мавжуд бўлиб, бола уларни кузатиш ва ўрганиш, давомида кимнинг қандай мавқеига эгалигини кўради, ўзи ҳам шу муносабатлар бағрига сингиб кетади, унинг иштирокчисига айланади. Ўзбек оилаларининг қон-қонига сингиб кетган одоб-ахлоқ, ор-номус, уят-андиша, меҳмоннавозлик қонуниятларини ўзлаштиради. Оиланинг миллий қиёфвсини белгилайдиган бу каби хусусиятлар бошқа халқ ва мамлакатларда бўлмаслиги ёки ўзига хос бўлиши ҳам мумкин.

Жумладан, Японияда миллий урф-одат ва қадриятлар, меҳнат кўникмаларини оила тарбиясидан бошлаб ёшлар онгига сингдириб боришнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилган. Шу боис кунчиқар мамлакатда кўплаб оилавий дўкон, бадиий устахона, кичик ресторан ҳамда минглаб оилавий корхоналар фаолият юритади. Чунки оилавий бизнесга унинг барча аъзолари ёшлигиданоқ жалб этилади ҳамда бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб боради. Шу сабабли япон оилалари асосан ўз меҳнати эвазига топган пулига ўқийди, уйланади, оилавий турмушда ота-онасига оғирлиги тушмаслигиига интилади. Бинобарин, жаҳондаги тараққиётпарвар мамлакатларда оила ва аёл масаласига оид муаммолар бўйича тўпланган тажрибалар, шунингдек миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдиришда, азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлган ҳамда маънавиятимизнинг узвий бир қисми бўлиб келган. Комил инсон ғоясини рўёбга чиқаришда замонавий оила ва маҳалланинг тутган ўрни ҳамда қадр-қиммати беқиёсдир. Зеро, миллий мафкурада кўзда тутилган улуғвор мақсадлардан юқорида айтилганидек, оилада соғлом муҳитни шакллантиришдан иборат бўлиб, ана шу соғлом муҳит оқибат натижасида жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги сўзга айланмаган фаравонлиги ва ниҳоят ўзаро ҳурмат ҳамда аҳиллигидадир.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим элементларидан бири муомала одобидир. Муомала жамият ва инсон учун зарурият ҳамда эҳтиёж уларсиз ривожланиш бўлмайди.

Муомала одоби барча одамларни ҳурматлашни, қадр-қимматни жойига қўйиб милиий ва умуминсоний ахлоқий маданият қоидаларига риоя этишга талаб этади.

Муомала, аввало сўз, нутқ воситасида амалга ошади. Шунинг учун сўзлашиш, суҳбатлашиш, бошқаларнинг сўзини тинглай билиш муомала одобининг муҳим шарти ҳисобланади.

Оила тарбияси нутқ маданиятини боланинг тили чиқаётган пайтдан шакллантириб, аста-секин ривожлантириш лозим. Бунинг учун болани сўзларни тўғри талаффуз этишга, маъноли сўзларни боғлаб гапиришга ва нутқи бой бўлиши учун ёшига мос китоблар ўқишга, ўқиган китобини маъносини гапириб беришга, ижобий ва салбий образларга мустақил фикр билдиришга катта эътибор бериш, яъни ахлоқий тарбияни ақлий тарбия билан боғлаб олиб бориш лозим, эртаклар ўқиб бериш, бола билан кўпроқ суҳбатлашиш, берган саволларига вазминлик билан ўйлаб жавоб бериш, болага ёшлигидан шеърлар ёд олдириш, маълумки инсон қанча кўп шеър ёд олса, унинг хотираси шунча кучли бўлади.

Муомала одобига нигоҳ, яъни инсоний қараш муҳим ўрин роль ўйнайди. “Маълумки, одамнинг қарашида юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошнинг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш-муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўзидан кучлироқ таъсир кўрсатади”.

Оила тарбиясида инсонларга чиройли ва маъноли, беғараз инсонларга қарашни шакллантириш ва ривожлантиришга, ҳар қандай муаммо, кайфият ёмон бўлишига қарамасдан ёмон бўлишига қарамасдан бошқаларга ўқрайиб, ёмон қарамасликка ўргатишга катта аҳамият бериш зарур.

Муомала одобини қуйидаги эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, эркаклар, аёллар ёшлар, қариялар, касбдошларнинг муомала одоблари каби бўлиш мумкин.

Муомала одобининг бу турлари ҳар бир одамнинг бурч ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошади.

Эрнинг оиладаги бурчлари: оила аъзоларини ҳурматлаш, улар билан маслаҳатлашиб иш олиб бориш, оилани моддий маблағ билан таъминлаш, аёли ва фарзандларини боқиш, парваришлаш оилани бошқариш, тарбиялаш, назорат ва ҳимоя қилиш, оилага вафодорлик, фарзандларни илмли, ҳунарли қилиш, барча фарзандларини тенг кўриш яқин қариндошларини ҳурмат қилиб муомалада бўлиш.

Хотиннинг оиладаги бурчлари: эрни севиш, ҳурматлаш, унга итоатли бўлиш, фарзанд туғиш, парваришлаш, тарбияалаш, рўзғор ишларида саранжом-саришталик, эрнинг топиб келганини қадрига етиб, тежамкорлик билан ишлатиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳар бир ишда эр билан маслаҳатлашиш, розилигини олиш, эрга вафодорлик, эрнинг ота-онасини ва яқинларини ҳурмат қилиб, яхши муомалада бўлиш, сабр-қаноатли бўлиши, эрига, фарзандларига доимо эътиборли бўлиб, ҳушёрлик билан талабчанлик билан уларнинг хатти-ҳаракатларини, ўй-фикрларини кузатиб бориш. Шунингдек, муқаддас динимиз исломда аёл мўътабар бир зот сифатида эъзозланади. Ўзбек оиласи ўзбек аёлининг шаклланиш тарихи халқимизнинг кўҳна тарихи билан уйқашдир. Шарқ аёллари жумладан, ўзбек аёлининг шаклу-шамойил, сийрати, маънавий оламининг, шаклланишида, айниқса, ислом ақидаларининг таъсирлари беқиёс. Ўтмишда оила бошлиғи бўлган эркакка ҳурмат, шарм-ҳаё, андиша ўзбек аёлининг муҳим ҳислати саналган. Бундай ҳислатли аёллар яшаган оилаларда тотувлик, ҳамжиҳатлик вазияти қарор топиб, фарзандлар ажойиб инсонлар бўлиб вояга етишган.

Жуда кўпгина манбаларда, айниқса ҳадисларда ҳам қимматли фикрлар берилгандир.

Ҳадислардан:

1. Хотинларнинг энг қутли-ю, хайрлиси, эрларига машаққати енгилроқ бўлган хотиндир.
2. Агар эр билан хотин бир-бирларига муҳаббат-дўстлик назари билан қарасалар аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарар. Агар эр хотинининг қўлидан тутса, гуноҳлари бармоқ тўкилиб кетар.
3. Аёл диёнати ёки молу-дунёси ёҳуд ҳусни жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур.
4. Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қилолмайди.

Шунингдек ўзбек халқ мақолларида ҳам аёл ҳислати ҳақида мисоллар келтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Мақоллардан:

1. Хотиннинг сариштаси – рўзғорнинг фариштаси.
2. Қизли уй – файзли уй.
3. Хотинли рўзғор гулдур, хотинсиз рўзғор чўлдир.

Алломалар ўгитларидан:

1. Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим.

Амир Темур

2. Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёғин гарди.

Абдураҳмон Жомий

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги замонавий ўзбек оиласи жаҳонда содир бўлаётган ижобий ўзгариш янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиб бораётган тараққиё топган мамлакатлар оилалари тарбиясига алоқадор бўлган илғор тенденциялар хусусида ўз вақтида эшитиб, англаб, тушуниб олаётган оила эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда оилада ахлоқий маданиятни шакллантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши лозим.

1. Оила аъзоларининг тинч-тотув, ўзаро яхши муносабатда бўлиши.
2. Оила жамоаси соғлом дунёқарашга эга бўлиши.
3. Оилада фарзандлар тарбиясида катталарнинг масъуллиги.
4. Ватанимиз ютуқлари, унда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида миннатдорлик туйғусининг мавжудлиги.
5. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга ижобий муносабатнинг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Ш.Алқаров, Р.Маматқулова, Н.Д.Норқулов Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси.
2. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2011 й.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Зарипова Гулбаҳор БухДУ доценти, п.ф.н., Файзиева Дилдора ўқитувчи

Тармоқ компьютерлар, терминаллар ва бошқа қурилмаларнинг маълумот алмашишни таъминлайдиган алоқа каналлари билан ўзаро боғланган мажмуидир. Компьютерлараро маълумотларни алмашишни таъминлаб берувчи бундай тармоқлар компьютер тармоқларидир. Эндиликда тармоқ орқали ахборотларни узоқ масофаларга узатиш имконияти вужудга келди. Тармоқ ахборотларни узатиш, алоҳида фойдаланилаётган компьютерларни биргаликда ишлашини ташкил қилиш, битта масалани бир нечта компьютер ёрдамида ечиш имкониятларини беради. Бундан ташқари ҳар бир компьютерни маълум бир вазифани бажаришга ихтисослаштириш ва компьютерларнинг ресурсларидан (маълумотлари, хотираси) биргаликда фойдаланиш, ҳамда бутун дунё компьютерларини ўзида бирлаштирган Интернет тармоғига боғланиш мумкин бўлмоқда.

Компьютерлар орасида маълумот алмашиш ва умумий масалаларни биргаликда ечиш учун уларни бир-бири билан боғлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Компьютерларни бир-бири билан боғлашда икки хил усулдан фойдаланилади: 1)кабел ёрдамида боғлаш. Бунда компьютерлар бир-бири билан коаксиал, ўралган жуфтлик кабели (UTP) ёки шиша толали кабеллар орқали махсус тармоқ плата ёрдамида боғланади; 2) симсиз боғланиш. Бунда компьютерлар бир-бири билан симсиз алоқа воситалари ёрдамида, яъни радио тўлқинлар, инфрақизил нурлар, WiFi ва Bluetooth технологиялари ёрдамида боғланади.

Бир-бири билан боғланган компьютерларнинг бундай мажмуаси компьютер тармоғини ташкил этади. шуниси ҳам борки, тармоқ тақдим этадиган ҳизматлар ҳам мавжуд бўлиб, бунда компьютер тармоқлари ахборотларни электр сигналлари кўринишида узатиш ва қабул қилишга ихтисослашган бўлади. Тармоқлар бирор мақсадга эришиш учун қурилади, яъни боғланган компьютерлар орқали бирор масалаларни ечиш учун ихтисослаштирилади. Тармоқ хизматларига қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин: файл сервер хизматида тармоқдаги барча компьютерлар асосий компьютернинг (сервер) маълумотларидан фойдаланиш ёки ўз маълумотларини асосий компьютер хотирасига жойлаштириш мумкин; принт сервер хизматида тармоқдаги барча компьютерлар ўз маълумотларини хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали қоғозга чоп қилиши мумкин; прокси сервер хизматида тармоққа уланган барча компьютерлар хизмат жорий қилинган компьютер бошқаруви орқали бир вақтда Интернет ёки бошқа хизматлардан фойдаланиши мумкин; компьютер ва фойдаланувчи бошқаруви хизмати. Бунда тармоққа уланган барча компьютерларнинг ва уларда қайд қилинган фойдаланувчиларнинг тармоқда ўзини тутиши ҳамда фаолият юритиши белгиланади ва улар назорат қилинади.

Интернетда ахборотни узатиш ва қабул қилиш учун тармоқ ҳар доим бир нечта компъютерларни бирлаштиради ва улардан ҳар бири ўз ахборотларини узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Ахборот узатиш ва қабул қилиш компьютерлар ўртасида навбат билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳар қандай тармоқда ҳам ахборот алмашинуви бошқариб турилади. Бу эса ўз навбатида компъютерлар ўртасидаги ахборот тўқнашиши ва бузилишининг олдини олади ёки уларни бартараф қилади.

Компьютер тармоқлари ташкил этилгандан сўнг ундаги барча компьютерларнинг манзиллари белгиланади. Чунки ахборотларни тармоқ орқали бир компьютердан бошқасига узатиш компьютер манзиллари орқали амалга оширилади. Жўнатилаётган ахборотга оддий ҳаётимиздаги хат жўнатиш жараёни каби узатувчи ва қабул қилувчи манзиллари кўрсатилади ва улар тармоққа узатилади. Ҳар бир компьютер келган ахборотдаги қабул қилувчи манзилини ўзининг манзили билан солиштиради, агар манзиллар мос келса, у ҳолда ахборотни қабул қилиб олади ва узатувчига қабул қилиб олганлиги тўғрисида тасдиқ йўллайди. Худди шу тариқа компьютерлараро ахборот алмашинилади.

Компьютер тармоқларини уларнинг географик жойлашиши, масштаби ҳамда ҳажмига қараб бир нечта турларга ажратиш мумкин, масалан: *локал тармоқ*– бир корхона ёки муассасадаги бир нечта яқин бинолардаги

компъютерларни ўзаро боғлаган тармоқ; *минтақавий тармоқлар* – мамлакат, шаҳар, ва вилоятлар даражасида компьютерларни ва локал тармоқларни махсус алоқа ёки телекоммуникация каналлари орқали ўзаро боғлаган тармоқлар; *глобал тармоқлар*– ўзига бутун дунё компьютерларини, абонентларини, локал ва минтақавий тармоқларини телекоммуникация (кабелли, симсиз, сунъий йўлдош орқали) алоқалари тармоғи орқали боғлаган йирик тармоқ бўлади.

Маълум вақт оралиғида алоқа муҳитлари орқали узатиладиган ахборот ҳажми – унинг узатилиш тезлигини белгилайди. Хар қандай ҳаракатланувчи жисм ва модда учун тезлик тушунчаси ва унинг ўлчов бирликлари мавжуд бўлганидек, ахборотнинг ҳам узатиш тезлиги ҳамда ўлчов бирликлари мавжуддир, булар: бит/секунд – бир сонияда алоқа муҳити орқали узатиладиган битлар сони; кбит/секунд – бир сонияда алоқа муҳити орқали узатиладиган минглаб яхлитланган битлар сони; мбит/секунд – бир сонияда алоқа муҳити орқали узатиладиган миллионлаб яхлитланган битлар сони; гбит/секунд – бир сонияда алоқа муҳити орқали узатиладиган миллиардлаб яхлитланган битлар сони.

Ахборот каналларининг сиғими улар орқали маълум вақт оралиғида узатиладиган ахборот ҳажми билан белгиланади. Бу ўз навбатида ахборот каналларининг ўтказиш қобилятини англатади.

Ҳозирги даврда жамиятимиз ривожланишини интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Интернет бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи икки хил талқин қилинади, яъни “International Network” – халқаро тармоқ ва “Interconnected networks” «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпламдан ташкил топади.

Интернет тармоғининг асосий ячейкалари (қисмлари) бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Интернет тармоғи – бу глобал тармоқ вакили ҳисобланади. Интернет алоҳида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компьютерлар гуруҳини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради. Агар бironбир маҳаллий тармоқ бевосита интернетга уланган бўлса, у ҳолда мазкур тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси (компьютери) Интернет хизматларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Интернет тармоғига мустақил равишда уланган компьютерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни хост компьютерлар (host – асосий ҳисоблаш машинаси) дейилади. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер ўз манзилига эга ва у ёрдамида дунёнинг исталган нуқтасидаги исталган фойдаланувчи билан мулоқот қила олиши мумкин. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмдан ташкил топган: техник қисм; дастурий қисм; ахборот қисм.

Интернет тармоғининг техник таъминоти ҳар хил турдаги компьютерлар, алоқа каналлари (телефон, сунъий йўлдош, шиша толали ва бошқа турдаги тармоқ каналлари) ҳамда тармоқнинг техник воситалари мажмуидан ташкил топган.

Интернет тармоғининг дастурий таъминоти (таркибий қисми) тармоққа уланган хилма-хил компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) ишлашини таъминловчи дастурлардир. Интернет тармоғининг ахборот таъминоти Интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон ҳужжатлар, график расм, аудио ёзув, видео тасвир, веб-сайт ва ҳоказо кўринишдаги ахборотлар мажмуасидан ташкил топган.

Интернетнинг иккита асосий вазифаси бўлиб, бунинг биринчиси ахборот макони бўлса, иккинчиси эса коммуникацион воситадир. Интернет тармоғига уланиш ажратилган алоқа канали (оптик тола, сунъий йўлдош алоқаси, радиоканал, ажратилган коммутацияланмайдиган телефон линияси) бўйича доимий уланиш, шунингдек, коммутацияланадиган, яъни узиб-уланадиган уланиш (Dial-up access, Dial-up) кўринишида амалга оширилади. Интернет тармоғига нафақат кабел ёки телефон линияси орқали симли уланиш мумкин, балки мобил алоқа воситалари ёрдамида симсиз уланиш ҳам мумкин. Интернет тармоғига симсиз уланиш компьютер орқали ёки мобил телефоннинг ўзида амалга оширилади. Агар компьютер орқали Интернетга симсиз уланиш керак бўлса, у ҳолда компьютердан ташқари Интернетга боғланади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда фан-техника инқилоби даражасида жамият тараққиёти амалга ошаётган бир даврда Интернет орқали ахборот олиш ва ахборот алмашишга аҳамият беқиёсдир. Бунда катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва уларни масофадаги компьютерларга узатиш учун хизмат қилувчи Интернетнинг хизматидан фойдаланибгина қолмай, WWW хизматида масофадан суҳбатлашиш имкониятини яратувчи чат дастурлари, узоқ масофадаги дўстлар билан суҳбатлашишда телефон алоқаси ўрнини босмоқда. Шу билан бирга Интернет тармоғи орқали дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, ҳужжат, яъни ихтиёрий маълумотни тезда (бир неча сония ва дақиқаларда) жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Бу барча яратилган имкониятлар жамиятимиз маънавий ривожланишида ўз ҳиссасини қўшиш билан чегараланмай, балки моддий ва вақтни тежаши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу мухайё қилинган шароитлардан ўз жойида оқилона фойдаланилса мустақил мамлакатимизнинг янада ривожланишига ўз тегишли ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ СРЕДСТВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ КОМПЬЮТЕРНЫМ ТЕХНОЛОГИЯМ В ВЫСШЕЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Зарипова Гулбахор Камиловна кандидат педагогических наук, доцент Бухарского государственного университета,
Сайидова Назокат Сайфуллаевна кандидат физико математических наук, доцент Бухарского государственного университета

Аннотация
В статье рассматривается процесс изучения современной компьютерной технологии особенности с использованием интерактивных методов обучения в системе высшего образования.

Ключевые слова
Интерактивные методы, современной компьютерной технологии, процесс изучения, сотрудничество, информация, электронная библиотека, глобальный сеть Интернета, диагностика, мониторинг.

The summary
In article process of studying of modern computer technology of feature with use of interactive methods of training in higher education system is considered.

Keywords
Interactive methods, modern computer technology, studying process, cooperation, the information, electronic library, global the Internet network, diagnostics, monitoring.

В процессе высшего образования для повышения эффективности образования, несомненно, важную роль играет использование компьютерных технологий при обучении. В такой системе образования, проблема ускоренного развития педагогического процесса все более увеличивается. В высших учебных заведениях, подготовка кадров по всем специальностям на основе усложняющихся компьютерных технологий, стала требованием времени, при этом молодые кадры должны обладать необходимыми профессиональными знаниями, навыками и квалификацией. Здесь необходим, особый, активный, двусторонний подход, в этом процессе и преподаватели и стандарты должны вместе активны, при этом умственная нерасторопность, оказывает отрицательное влияние на эффективность образования.

Таким образом, задача обучения студентов в ВУЗах в определённый срок дать им необходимые знания, а также обучить студентов самостоятельно использовать достижения науки и техники и приобрести нужные навыки, всё это требует в корне изменить имеющиеся способы и средства обучения. Кульминации достигла задача обучения студентов в процессе интерактивного общения, студентов и преподавателей повышение продуктивности образования. Важные значение, имеет использование современных компьютерных технологий для положительного решения данной задачи.

С началом применения компьютерных технологий в процессе обучения, начали развиваться новые информационное технологии научного образования. Но, любая педагогическая, психологическая или специальная технология – это информационная технологии научного образования. Но, любая педагогическая, психологическая или специальная технология - это информационная технология в ней технологический процесс обучения со специализированным уклоном основу составляет информация и её интерактивное перемещение. Поэтому, преподаватели, профессора используя при обучении компьютерных технологий, широко поддерживают цели осуществления интерактивного образования и его плодотворности.

Способ интерактивного образования, использование современных компьютерных технологий, здесь происходит общение: студент-компьютер, преподователь-компьютер, студент-преподователь через компьютер и наоборот. Это основной признак образования с помощью компьютерных технологий. Компьютерные технологии используются во всех ступенях процесса образования, а именно в изучении новой темы урока, её закреплении и повторении, в проведении контроля, в проведении практических и лабораторных занятий, при самообразовании и при проверке знаний студентов. Таким образом, при всём этом компьютер, создавая для студентов интерактивную среду, выполняют задачи учителя, технического приспособления, объект изучения, товарища по работе, также позволяет с пользой провести свободное время.

Признаками интерактивного образования с помощью компьютерных технологий являются:

– являясь источником учебной информации, компьютер частично или полностью охватывает содержание книги, используется учителем, как средство преподавания;

– современные компьютеры являются демонстрационным пособием, здесь используя мультимедийные и телекоммуникационные возможности компьютера, можно добиться высоких результатов учебного процесса;

– компьютерные технологии являются не только отраслью обмена и использования информации, возможно здесь студент овладеет нужной ему информацией, и вместе с этим получает ответы на нужные вопросы;

– компьютерные технологии являются средством проверки, средством диагностики и контроля, здесь студент может проверить, диагностировать и провести контроль своих знаний по своей специальности.

Компьютерные технологии, как средства ввода, подготовки, редактирования и хранения информации (Программы хранящиеся в папке Microsoft Office: Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft Access, Microsoft Power Point и др.), выполняют задачи ввода вывода текста, ввода и вывода графической информации, выполняет в большом масштабе вычислительные действия, а также являются средством подготовки публикаций [5].

Как объект изучения современные компьютерные технологии имеют следующие признаки: язык программирования, компьютерные программы, которые проявляется при использовании нескольких информационных приспособлений.

В ВУЗах и в средних специальных профессиональных колледжах, а также в академических лицеях в сотрудничестве между преподавателями и студентами в обществе, определённой специальности, в качестве интерактивного общения эффективно используются для широких аудиторий телекоммуникации в сети Интернет.

Не зря, в приказе № 38 от 20 февраля 2004 года «Об обучении студентов работе в сети Интернет» сказано: «Перед системой высшего образования стоит одна из важнейших задач – обучение студентов работе с современными компьютерными технологиями, особенно работе в сети Интернет и выработки прочных практических навыков, а также с помощью Интернет – сети плодотворно использовать информационные ресурсы, самостоятельно овладевать новыми знаниями и в будущем, организовывать трудовую деятельность на научной основе» [1].

Студент, для того, чтобы с пользой провести свободное время, может воспользоваться компьютерными технологиями следующим образом:

- выполнять самостоятельную работу по пройденному материалу;
- получения нужной информации из сети Интернет [2];
- использование учебных программ в сети [4].

Интерактивные свойства использования учителем в учебном процессе компьютерных технологий:

- организация учебного процесса для целой аудитории, урока, объединённого занятия и если, необходимо, в научных целях (при изучении новой темы, её закреплении, повторении, контроле, на лабораторных и, практических занятиях, при самообразовании и др.);
- повышение активность студентов на занятии и повышение их усвояемости, при управлении компьютерной сетью;
- со стороны преподавателя: наблюдение за работой студентов, общий и когда нужно индивидуальный подход к студентом, умение получить информацию через компьютерную сеть информацию об уровне знаний каждого студента;
- умение учителя правильно подготовить элементы среды обмена информацией, они их разделение связано со специальными предметами (средства обучающие и показывающие работу с компьютерными, программные приспособления и системы, электронные учебники, электронные учебные пособия и др.)

В системе высшего образования использование компьютерных технологий при изучении специальных предметов в интерактивном режиме, при информатизации образования требуется компьютерная грамотность студентов и преподавателей, профессоров. Основная часть компьютерных технологий считается компьютерную грамотность составляет следующее:

- освоение основных понятий информатики и информационных технологий;
- освоение внешних и внутренних приспособлений компьютера, а также их функциональных возможностей;
- умение использовать современные операционные системы и программы – оболочки (Windows, Total Commander и др.);
- умение правильно и с пользой использовать возможности глобальной сети Интернет;
- умение пользоваться электронной библиотекой и при помощи электронных писем, получать информацию, касающуюся специальности;
- наличие современной базы данных, гипертексты, мультимедиа (гипермедиа), микромир, электронные коммуникации (сети), наличие компьютерного информационного окружения, включающего в себя экспертную систему;

• умение вести интерактивную беседу, с помощью международных серверов и быть в курсе научно-технических новостей.

В системе высшего образования в процессе интерактивного обучения, компьютерные технологии развивают идею программного обучения, современная компьютеры и возможности телекоммуникации, открывают ещё не изученные новые варианты обучения. Это обеспечивает представление обучающемуся, процесс подготовки психологической, педагогической и другой информации с помощью компьютера, а также процесс изучения, корректировки, наблюдения и передачи данных. В этом процессе, следующие три варианта компьютерных технологий являются основными:

• технология сбора новой информации по специальности с помощью компьютера для будущих учителей, при этом отдельно обучать с помощью электронного учебника или пособия, возможность получения информации;

• изучающиеся темы, отдельные дидактические задания и похожие на них другие данные;

• по упомянутому выше предмету, из основных используемых частей компьютерных технологий, определяются самые важные;

• монотехнология, здесь управление уроком – всё: диагностика, все виды мониторинга которые базируется на основные цели использования современных компьютерных технологий в высшем оборудовании;

• обучение студентов работе с информацией по специальности, развитие у студентов коммуникативных способностей;

• дать столько информации, сколько может усвоить студент (по принципу от простого к сложному);

• обучить студентов ведению научных изысканий, проведению их исследований, умению принимать оптимальное решение.

Таким образом, на сегодняшний день, одна из важнейших задач системы высшего образования – это приведения учебного процесса к современному уровню с помощью компьютерных технологий, целью этого является, использование интерактивных методов. Воспитание полноценных кадров, отвечающих всемирным требованиям, это вклад преподавателей в научное, экономическое и духовное развитие нашей страны.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Высшее образование: сборник нормативно-правовых документов. – Ташкент: «Istiqlol», – 2004 г. – 511 с.

2. Арипов М.М. «Основы Интернета и электронной почты». –Ташкент:«Universitet».–2000 г.

3. Гуломов С.С. «Информатизация рыночной экономики и общества».–Ташкент:-1996г.

4. Крейнак. «Internet ensiklopediya». – Питер: Мх560, – 1998.

5. Зарипова Г. К. «Информатика и информационные технологии». –Ташкент: «Fan va texnologiya», – 2013 г. – 172 с.

XIX АСР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ГУЛХАНИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

Башорат Жамилова, БухДУ доценти, Нодирабегим Ражабова, БухДУ магистранти

Гулханийнинг энг муҳим ижодий фазилати шундаки, у XIX аср фольклористи сифатида ўзбек халқининг донишмандлигини ифода этган масаллар, мақолларни тўплаб, ўзининг машҳур “Зарбулмасал” асарини яратган. Шоир уни яратишда халқ оғзаки ижоди билан бирга, буюк ҳинд масали “Калила ва Димна”дан, Фирдавсий, Жомий, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар асарлари анъаналаридан кенг фойдаланган. Чиндан ҳам жаҳон адабиёти хазинасининг ноёб дурдонаси саналмиш “Калила ва Димна” қадимги ҳинд фольклори заминида вужудга келган. Уни ҳинд подшоҳи Добшалим учун файласуф Бейдабо ёзганлиги нақл қилинади. Жумладан, китоб муқаддимасиги қуйидаги фикрлар эътирофга лойиқ: “Ҳар бир халқнинг олим ва файласуфлари қандай воситалар билан бўлмасин, ўз орзу ва истакларини амалга оширмоқ, мавжуд тартибни интизомга солмоқ учун ҳамиша фикрюритганлар, ҳар хил тадбирлар ила иш кўрмоқчи бўлганлар, бу ҳақда ҳар хил асарлар ёзмоққа интилганлар. Шулардан бири қушларнинг ва ёввойи, йиртқич ҳайвонларнинг тилидан ёзилган, ғоят чуқур маъноли, нафис рамз ва муаммоларга тўла ушбу китобдир... Олимлар бу йўлни танлаб зўр имтиёзга эга бўлганлар: аввало, бу билан улар хоҳлаган сўзларини айтиб, ҳар бир бобни орзу қилганлари даражада безаш имкониятига эга бўлдилар. Бунинг устига, улар шу йўл билан насиҳат, ҳикмат, латифа ва ҳазил-мутойиба жавоҳирларини бир-бирига қўшганлар, токи доно одамлар бу китобни мутолаа қилиб, фойдалансинлар, нодон одамлар эса, уни афсона деб ўқисинлар.

Ёш шогирдлар эса, саводли бўлмоқ, илм орттирмоқ, нақл айтмоқ мақсадида бу китобда ёзилганларни осонлик билан ёдларида сақлаб қолгусидирлар. Катта бўлиб, ақл ва тажриба эгаси бўлганларида, ёдлаб олган ва эсда сақлаб қолган нақллар устида фикр юритиб, уларни

тушунганларида диллари нақадар фойдали ҳикматлар билан тўлганлигини кўрадилар ва ўзлари кутмаган улкан бойликка, битмас-туганмас хазинага эга бўлганларини биладилар. Ёшларнинг хурсандлиги катта бўлганда отасидан мерос бўлиб қолган хазинани топган ва шу туфайли умрининг охирига қадар қийинчилик кўрмасдан яшай олишини билган одамнинг севинчига ўхшайди.”[2,38] Таъкидлаш жоизки, Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари ҳам баайни таъкидланган мақсаддан холи эмас ва у дастлаб, шу жиҳати билан ёш китобхонлар қизиқишига сазовор бўла олади. Шоир асар қаҳрамонлари Япалоққуш ва Кўрқушнинг дастлабки суҳбатидаёқ улар тилидан: “Бу ҳикоятнинг баён воқеасини истасанг, “Калила ва Димна”дин топ”,– деган ишорани таъкидлайди. “Зарбулмасал” Умархоннинг амри, истаги билан ёзилганлиги, адабиётсевар бу сиймо халқ орасида кенг тарқалган зарбулмасалларни – халқ мақолларини чуқур ўйлаб, китоб ҳолига келтириш лозимлигини айтгани ҳамда Гулханийни шу нозик хизматга лойиқ, деб топгани-да, иккала асарнинг маънавий-мазмуний жиҳатдан яқинлигини кўрсатади.

“Зарбулмасал” сўзи “зарб” ва “масал” сўзларининг қўшилмасидан иборат бўлиб, адабий атама сифатида масал, мақол, матал келтириб сўзламоқликни англатади. Зеро, ундаги панднамо ҳикоятлар, хусусан, мажозийлик, қушлар, ҳайвонлар тилидан сўзлаш, “Туя билан бўталоқ”, “Маймун билан нажжор”, “Тошбақа ва чаён”, “Бозанда ва Навозанда” каби бир қанча масаллар ҳамда халқ мақолларининг келтирилиши билан ҳам юқорида зикр қилинган асардан ижодий илҳомланиб ёзилганлигини тасдиқлайди. Аммо, айтиш жоизки, “Калила ва Димна” турли мавзудаги ҳикоятлар замирида қурилган панду ҳикматлардан иборат, воқеалар баёни, ҳикмат ва мақоллар ифодаси ҳам мумтоз адабиётга хос яширин, мажозлар тилида сўзлашдан иборат. Ундаги масаллар гарчи турли парранрдалар, қушлар ва йиртқич ҳайвонлар ўртасидаги мунозаралар, муносабатлар орқали ҳикоя қилинса-да, юксак андиша, фалсафий ва пурҳикмат ўгитлар устиворлик қилади. Гулханий эса феодал жамиятининг кишиси сифатида ўткир сатирага кенг ўрин берган. Бинобарин, “Зарбулмасал” мажоз асосига қурилган қисса бўлиб, унда турмуш воқеа-ҳодисалари, турли ижтимоий тоифага мансуб кишиларнинг феъл-атворлари, бир-бирига муносабатлари қушлар, ҳайвонлар тилида баён қилинади. Унда мураккаб қатламли мажозлар бўлиши, яъни одам образлари ўрнида қушларнинг келиши биринчи мажоз бўлса, улар тилидан Холбоқи мисгар, Ёдгор пўстиндўз сингари кишиларнинг туя, чаён, тошбақа сингари ҳайвон-ҳашарот тимсолларининг турли нақл, ривоятлар келтириб ифоданинг кўчма маънолари ички мажоздир. Муҳими, асарда халқ мақоллари ва нақллари (300 дан ортиқ) кенг ўринга эга. Ундаги асосий воқеа-ҳодисалар қушлар-ҳайвонлар тимсоллари орқали ифодаланганлиги, бош қолипловчи ҳикоя бойўғли ва Япалоққуш ҳикояси билан боғланиб кетувчи катта-кичик масал-ҳикоялар ҳам келтирилганлиги учун адиб уни “Зарбулмасал” деб номлаган. Қушлар образлари асарнинг асосий мазмунини белгилайди, ҳайвон-ҳашарот ва киши образлари қушларнинг ўзаро суҳбатларида, улар томонидан келтирилган нақлу ривоятларда намоён бўлади.

Асар сюжетидаги воқеалар халқ эртаклари тахлитида ёзилган: Япалоққуш ўғли Кулангир султонни уйлантириш мақсадида ўз яқини Кўрқушни Бойқуш ҳузурига совчиликка юборади. Бойўғлининг ниҳоятда гўзал, қуёш янглиғ Кунушбону исмли қизи бор эди. Япалоққушнинг ҳар қанча қалин бўлса топилур дея ўз тарафидан совчиликка боришга унаганида, Кўрқуш қуйидаги мақоллар орқали унга гап уқтирмоқчи бўлади:: “Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур”, “Ёлғон масал турмас”, “Уят ўлимдан қаттиқ”, “Эрмон ёғочининг эгилгани–сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани”, “Оёқ югуриги ошқа, оғиз югуриги бошқа...” Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким? Ҳеч билмасмусенки, “тенг тенги бирла, тезак қопи бирла.” Япалоққуш : “Андин бизнинг нима камлигимиз бор?”,–деганда эса Кўрқуш: “Мақтанган қиз тўйда уялур”, “Ўзини мақтағони ўлумнинг қаровули”. Сенинг аҳволинг оламға маълумдир. “Ойни этак бирла яширса бўлурми?”, “Чумчуқ семурса, ботмон бўлурми? ”, “Олакўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, олатўғаноқ олғур бўлса ҳам, аҳволи маълум”.

Ана шундай мақолли айтишувлар, “совчи”нинг йўлдаги ҳамсуҳбатлари орасидаги масаллар ҳикояси, бир-икки борди-келдидан сўнг минг хароба – чалдевор(чордевор) қалин бадалига Бойўғли розилик беради. Япалоққуш шону шавкат билан тўй анжомларини келтиради, ўша даврдаги қуда-андачиликка хос ҳамма расм-русумлар, миллий одатлар бажо келтирилиб, тўй маросимлари ўтказилади. Бу маросимларда икки томондан жуда кўп қушлар – Кўрқуш, Ҳудҳуд,турумтой, Кордон, Бозанда, Навозанда, Анқо, ҳумо, Укоб, Лочин, Оққуш, Турна, Ғоз, Ўрдак, Суқсур, Каклик, Бедана, Олатўғаноқ, Зарқалдоқ кабилар қатнашади ва ҳар бири ўзига яраша хизматни адо этадилар. Фарғона иқлимида харобалар кам бўлганлиги учун Мавороуннаҳр иқлимидан (Бухоро амирлиги) 1000 чордевор топишиб, келин Кунушбону маҳрига тўлайдилар.

Бундай сюжет воқелигидан кўринадики, Гулханий аввало, реал макон (Ҳўқанд, Бухоро ва ҳк.) ва замон (XIX аср), реал ҳаётий воқелик (феодал жамиятидаги нотенглик)ни ҳамда халқ анъаналарининг яхши-ёмон қирраларини мажоз ва киноя, сўз ўйинлари, кесатиқлар орқали баён этади. Гарчи унда ўз юрти (Қўқон) ва унинг хони (Умархон)га содиқлик, у бошқараётган юртнинг бошқа ҳудудлардан кўра ободроқ эканлигига ишора этилса-да, Холбоқи мисгар, Ёдгор пўстиндўз, Муҳаммад Амин муфти, Отабой амин, Сайид Азимхон, эшон калла ҳақидаги ҳажвий-ривоявий эпизодларни очиқ-ойдин келтиради.

Муаллиф ўз масалларидан мажозий образлар орқали ҳукмрон синф вакилларини фош қилади, мамлакатга харобалик, халққа қашшоқлик келтирган ўзаро феодал урушларга қарши омманинг норозилигини ифодалайди. Шунинг учун Япалоққуш ва Бойўғлининг бир-бирига куда бўлиши воқеасини келтиради. Бу икки куда тўй баҳонаси билан мамлакатни хонавайрон қилади. Ёзувчи Кўркуш, Ҳудхуд, Кулонкирсултон, Шўранул, Малик Шоҳим ва Кордонларнинг бир-бирларига айтган масаллари, ҳикоялари орқали асарнинг ғоявий мазмунини очади.

Гулханий «Маймун билан Нажжор» масалида ҳунар ва ҳунар аҳлини улуғлайди, қўлингдан келмайдиган ишга асло уриниб кулги бўлма, кўр-кўрона бировга тақлид қилиб фалокатга йўлиқма, деган фикрни маймун қисмати орқали кўрсатади. Бу масал ахлоқий тарбиявий мавзуда бўлиб, ишнинг моҳиятини билмай, пала-партиш киришувчи ва охирида ўзи шарманда бўлиб қолувчи кишиларга ўгит-насиҳат тарзида келтирилган.

Меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти ва меҳнати, ҳуқуқсизлиги ва ночорлиги, бир сўз билан айтганда аянчли қисмати «Туя билан бўталоқ»да ўзига хос бадиий тасвирга эга. Гулханий бу масалда Сорбон, Туя ва Бўталоқ орқали хусусан, ўзи яшаётган жамиятдаги тенгсизликни, унинг оғир машаққатларини баён қилади. Чунки, халқ учун "тирикчилик тошдан қаттиқ", Сорбон ўз ғамида, туя оғир юк остида, Бўталоқ эса она сутидан маҳрум.

Гулханийнинг «Тошбақа билан чаён» масалида эса бир-бирига зид ва қарама- қарши икки образ берилган: тошбақа-ақлли, фаросатли, сафарларда кўп юриб, анча тажриба орттирган, инсофли, содиқ ва қадрдон дўст тимсоли, чаён эса бутун умри бўйи бировларга ёмонлик қилган, уларга зиён-заҳмат етказган, яхшиликни билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қайтарадиган, ҳиёнаткор тоифаларнинг рамзий образидир.

Гулханий қиссадан ҳисса чиқариб, кишиларни ҳушёрликка, одам танишга ундаб: "Асилнинг хатоси бўлмас, ножинснинг ошноси бўлмас", "Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди" деган мақолларни келтиради.

"Зарбулмасал" мажоз ва масаллар, халқнинг жонли иборалари асосига қурилган асар. Ундаги шеърий ва насрий матнлар турли бадиий санъатлар воситасида таъсирчан ифода этилган. Масалан, Кўркуш ва Бойўғли суҳбатида сажъ халқона оҳангини янада оширади. Яъни, Бойқушнинг қалин баҳонасида ҳар бир ишда маслаҳат лозим, маслаҳатсиз иш яхши эмас, деб розилик жавобини чўзавергач, Кўркуш айтади: "Машварат бағоят яхшидур. Лекин донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳ ақлу донишдиндур. Хирад сарчашмасидин *кўр*, эл изоси анга *машҳур*, оч юриб *кекирган*, оғзи бирла ишини *битирган,* гоҳ бечорликға *иқрор*, гоҳ ўзини Таҳматан* олувчи баҳодири *жаррор*; муфт топилганда ошар, ичи *пўк*, кўзи *кўк* нодонларға Умар *иёр*, донишмандлар сафида бир нақши *девор*, элга маълум ва машҳур Муҳаммад содиқ заргарнинг ўғли паришон рўзғорга кенгашиб, бизни аро йўлда қўйманг." Шунда Бойўғли айтади: "Фаросат оёғи *оқсоқ*, тевадек егани шўра ва *янтоқ*, илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга *тоқ,* оёғидан осилган *сўтқоқ* қушга ўхшаш Жалил *бўқоқ* ошпаздек бош *аҳмоқ* эмасман. Кўбга кенгаш, ўз билганингни қил дебдурлар."[1,24]

Асардаги бундай киноя ва кесатиқлар замирида реал воқелик ётиши, асар ёзилган давр ижтимоий тузум адолатсизликлари катталар учун аён ҳақиқат; болалар эса ўша қофиядош сўзлар тизимига, ёки унинг мазмунидаги мақолларни тез илғайдилар. Турли эртакнамо қиссаларни мароқ билан тинглайдилар, бадиий тил, сўз бойликларидан воқиф бўла борадилар. Зеро, "Зарбулмасал" ҳам "сўз матоси қадим ўтмишда тўқилгани, рангинкамон ришталари бутун ер юзини, гўзал сўз гиламлари билан буркаб чиққан" ёдгорликларга монандлиги жиҳатидан, нафақат катталар, балки болалар ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб келаётганиёқ унинг болалар китобхонлигидаги муҳим ўрнини белгилайди.

---

1. Гулханий. Зарбулмасал. Тошкент, "Ўқитувчи", 1972. –Б.24
2. Калила ва Димна. С.Ғаниева тарж. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992. –Б.38

МУТОЛАА – ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Умаров Абсалом Адилович

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти профессори, социология фанлари доктори.

Mastering person reading culture is a guarantee of harmonious development and the core of socio-cultural activities in the community.

Keywords: reading, reading culture, harmonious development of man, family reading.

«Мутолаа» сўзи аслида арабча *ўқиш* деган маънога эга бўлса-да, бугунги кунда у китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани англатмоқда. Ижтимоий-маданий ҳодиса бўлган мутолаанинг шахс ва жамиият ҳаётида тутган ўрнига кўра уни мутолаа маданияти контекстида олиб қараш зарур.

*Рустамнинг лақаби.

Жамиятда мутолаа маданиятининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланишида ҳам умумий маданиятнинг, яъни аҳолининг ялпи ижтимоий, иқтисодий, маънавий тайёргарлиги юксалганлик даражасининг ўрни ва роли беқиёсдир. Шундай қилиб, қайд этиш жоизки, мутолаа маданияти умумий маданиятнинг ҳосилавий кўринишидир.

Мутолаа маданияти эса ўз навбатида китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Мутолаа маданияти кишининг манбани тўлақонли тушуниши, ундан эстетик завқ олиши, муаллиф фикри ва ғоясини англаши ҳамда уни баҳолай олиши каби хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, ўзини қизиқтирган масалаларга доир манбаларни топиб олиш ва ундан ўқишда, ишда, ҳаётда фойдаланиш йўлларини ўргатади. Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга йўналтиради.

Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбалар – китоблар (бадиий, илмий, ўқув, энциклопедик ва бошқа), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдек субъект билан бевосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари, иш ёки ўқиш жойидагилар, қўни-қўшнилар ва бошқа инсонлар) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади. «Ихтисослашган таълим инсонга бир соҳа доирасида чекланган билим ва малака беради. Умумий таълим инсонга кенг ва тўлиқ дунёқарашга эга бўлиш, ҳаётнинг турли томонини … тушуниш имконини беради» [1] .

Демак, мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳати ундаги ихтиёрийлик, таълим олишдаги англаш, фаолиятни эркин танлаш, такомиллашувга бўлган онгли рағбат, ички даъват тамойиллари бўлиб, улар инсон тараққиёти учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи омиллар саналади.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича бола ташқи оламни ақл-идрок билан эмас, аввало туйғу билан, ҳиссиёт билан қабул қилар экан. Шунинг учун ҳам таъсирчан воқеаларга бой, ғаройибот, мўъжизалар кони ҳисобланган халқ эртаклари, достонлари, ривоятлари битилган китобларни болаларга ўқиб беришдан чарчамаслик керак. Аста-аста уларнинг сеҳри, жозибаси ёш қалбни бутунлай забт этиши, боланинг ўзи саводи чиққач, китобдан завқ олиш, лаззатланиш учун мутолаани одат қилиши тайин.

Ёшларда китобхонликка ўчмас ҳавас уйғотишдан муддао – уларни етук, комил инсон этиб тарбиялашдан иборатдир.

Инсон камолоти пировард натижада жамият ривожини ташкил этиши маълум. Уларнинг муносабатлари хусусий ҳолнинг умумга нисбатидан иборат. Бу уларнинг бири иккинчиси маконидагина амал қила олишини, иккинчисининг эса кўлам жиҳатидан биринчисини ўз таркибида ифода этишини англатади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз» [2].

Модомики, барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард мақсади комил инсонни тарбиялаш экан, жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш, аввало фуқароларнинг ўзини ўзи муттасил ва мунтазам ривожлантириш пайида бўлиши, изланиш завқидан чекинмаслик, ўқиш, ўрганишда изчилликка эришиш бош муддао бўлмоғи зарур.

Жамиятимиздаги кичик социал гуруҳ ҳисобланган **оила** мутолаа маданиятини шакллантириш орқали комил фарзандлар тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун оиланинг ўзи мустаҳкам, тотув, руҳий-маънавий соғлом бўлиши лозим. Дарҳақиқат, оила мустаҳкамлигининг негизлари нималардан иборат?

Бизнингча, оилада қонуний асослар, иқтисодий асослар, демографик асос (яъни оилада фарзандлар туғилиши), руҳий-маънавий асослар мавжуд бўлиши унинг мустаҳкамлиги учун замин тайёрлайди.

Руҳий-маънавий асослар сирасига оиладаги ўзаро меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат ва ҳоказолар билан бирга *умумий қизиқишлар* ҳам киради. Ўз навбатида умумий қизиқишлар доираси ҳам ниҳоятда кенг бўлиб, оила аъзоларининг бирор касб-ҳунарга, санъатга, спортга ва бошқа соҳаларга интилиши, мухлису муҳиблиги ҳам улар орасидаги боғлиқликни кучайтиради, яқин муносабатлар риштасини узвийлаштиради.

Мутолаага қизиқиш, оилавий китобхонлик анъаналарининг мавжудлиги ҳам оилани жипслаштирадиган омиллардан биридир.

Маълумки, мутолаа маданиятини эгаллаш, мутолаа жараёнларини ташкил этиш, китоб маъносини тўкис англай олиш, идрок этиш, айниқса бадиий асарнинг ўзига хос услубда тасвирланган, кўп қатламли ғоявий мазмунини "кашф қилиш" китобхондан муайян тайёргарлик, кўникма ва тажриба талаб этадиган мураккаб масаладир. Ана шундай пайтда оилада вояга етаётган ўсмир ёшларнинг энг яқин кўмакчиси уларнинг китобсевар ота-оналари, бобо-бувилари бўлишлари мумкин.

Мутолаа самарадорлигини таъминлаш, бадиий асарнинг нозик қирраларини илғай олиш, ундан завқланиш ва ғоявий мазмунини тўлиқ идрок этиш учун муаллиф ижодкорлиги билан бир вақтда китобхон ижодкорлиги ҳам талаб этилади.

Мисол учун, Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" романининг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишини олиб кўрайлик. Кўпчилик адабиёт мухлислари тан олганича, "Ўтган кунлар" ишқ-муҳаббат мавзуига бағишланган тарихий асар. Унда XIX аср ўрталарида бўлиб ўтган тарихий воқеалар фонида икки ёшнинг гўзал, лекин бахтсиз муҳаббати тасвирланган. Шу билан бирга бу роман ватанпарварлик тўғрисидаги бетакрор асардир. Оддий ўқувчи ундаги муҳаббат саргузаштларига, айрилиқ изтироблари-ю, висол лаззатлари ифодаланган воқеаларга мафтун бўлиши, қаҳрамонлар билан бирга шу туйғуларни юракдан кечириши мумкин. Аслида ушбу бадиий завқнинг ўзи ҳам кам эмас. Аммо синчков китобхон шу билангина чекланиб қолмайди. Энди у ёзувчи томонидан батафсил тасвирланмаган бўлса-да ишоралар, қочиримлар, қисқа изоҳлар (хабарлар) орқали кўрсатишга ҳаракат қилинган мазмун, ижодий ниятни англаб етишга интилади. Бу асарнинг бош қаҳрамони Отабек нафақат соф ва улуғвор севги эгаси, балки она тупроқ учун жонини фидо қилишга тайёр ватанпарвар инсон образи сифатида тақдим этилганидир. Шуниси борки, роман охирида шаҳид бўлганлиги қисқа сатрларда айтиб ўтилган Отабек ва Уста Олимларнинг ватанпарварлиги абстракт тушунча эмас. Буни романдаги баъзи воқеалар силсиласидан, уларнинг замирига сингдирилган маънодан англаб олиш мумкин.

Маълумки, Отабекни қайнотаси уйига киритмай, қувиб солгандан кейин у Марғилон кўчаларида тентираб, охири шойи тўқувчи Уста Олимнинг эшигига дуч келади, унинг меҳмони бўлади ва мезбоннинг севги саргузашти, хотини Саодатнинг вафоти туфайли бошидан кечирган ғам-андуҳларидан, айрилиқ азобларидан воқиф бўлади. Юксак инсоний туйғулар бу икки ғамли кўнгилни бир-бирига яқинлаштириб, сирдош дўстларга айлантиради. Воқеалар ривожи Отабекнинг муҳаббати – Кумушбибини ҳам тупроққа қўяди. Ҳар икки йигитнинг маҳбубаси, юрак тожи шу заминда абадий кўним топади. Энди улар учун бу тупроқ оддий ер эмас, муҳаббатга йўғрилган муқаддас заминга айланди. (Отабекнинг тунгача қабристонда қолиб кетишини эсланг). Энди бу заминни азиз сақлаш, топталишига йўл қўймаслик номусли кишининг орият ишига айланди. Ватан сарҳадларига ғайридинлар бостириб келганда Отабек ҳам, Уста Олим ҳам кўнгиллилар қатори қўлга қурол олиб, жангга отланганининг, Тошкентдан ҳам, Марғилондан ҳам анча олисда жон таслим қилиб, шаҳид бўлганининг боиси шунда.

Модомики, муаллиф бу воқеаларнинг муфассал тасвирини бермай, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракат мотивларини батафсил ёритмас экан, бу ўринда асарнинг моҳиятига чуқур кириб бориш учун "китобхон ижодкорлиги" зарур бўлади.

Бу эса ўқувчининг тажрибасига, савиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиги сабабли катталар иштирокида (оилавий ёки синфда устозлар билан) мутолаани уюштиришни талаб қилади.

Катта оила, яъни уч авлод бирга яшайдиган оилаларда бадиий асар ҳақида ташкил этиладиган мунозара ва муҳокамалар асарни оила аъзоларининг барчаси томонидан тушунишга, бадиий идрокнинг теран ва кўламли бўлишига олиб келади. Бу эса оила аъзоларининг қон-қардошлик яқинлигига фикрий ва эмоционал яқинликни ҳам қўшади. Булар охир-оқибатда оилада ҳамжиҳатлик муҳити ривож топишига ижобий таъсир кўрсатиш билан унинг мустаҳкамлигига ҳам хизмат қилади.

Шахснинг бадиий жиҳатдан тараққий топишини, камолга етишини таъминлаш жуда муҳим ижтимоий вазифалардан саналади. Жамият аъзоларининг гўзалликка нечоғли ошуфта эканлиги пировард натижада ҳаётда эзгулик, яхшилик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат уруғларининг униб чиқишига сабаб бўлади. Инсонда бадиий салоҳиятнинг мавжудлиги, бадиий завқ ва бадиий диднинг тарбияланганлиги унинг умумий маданиятлилик даражасининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бунда шахснинг *мутолаа маданиятини* эгаллаганлиги муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Рубакин Н.А. Письма к читателям о самообразовании. – В изб. произв. Т.2. М.: Книга, 1975.– С. 12.

2. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.134.

CHET TILI TA'LIMIDA QIZIQARLI USULLARDAN FOYDALANISH VA NOAN'ANAVIY DARS O'TISH TEXNOLOGIYASI

Mirzoyeva M., BuxDU

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimovning 2012 yil 10 dekabrdagi "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi" qarorida zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalangan holda o'qitishning ilg'or uslublarini joriy etish yo'li bilan o'sib kelayotgan yosh avlodni chet tillarga o'qitish, shu tillarda erkin so'zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash lozimligi ko'rsatib o'tilgan.

O'qitishning amaliy usullari doirasi juda keng. Og'zaki, ko'rgazmali va amaliy usullar har doim muayyan birikmalarda qo'llaniladi va bu brikmaning eng yaxshi variantini tanlash hamisha o'qitish usullarini optimillashtirishning eng muhim vazifasi hisoblanadi. Hozirgi kunda o'qitishning asosiy vazifalari yoshlarga har taraflama chuqur bilim berish, ularni ongli qilib tarbiyalashdan iboratdir. Bu uchun ularda mustaqil fikrlashlarini shakllantirmoq lozim. Bu psixologik jihatdan asosiy vazifa hisoblanadi, ya'ni bilim berishda turli texnika vositalar, ko'rgazmali qurollar, qiziqarli amaliy o'yinlar va tarqatma materiallardan foydalanish kerak. Talabalarni mustaqil fikrlashga o'rganish o'qitishning boshlang'ich davridan boshlanadi. Talabalarda ko'proq so'z boyligini orttirish va bolaning o'zi fikr yurita olishi kerak.

Ayniqsa chet tili darslarida o'qituvchidan katta talabchanlik va o'quvchilarni tilga qiziqtira olish mahorati talab qilinadi. Bularning eng optimal varianti bu amaliy o'yinlarni qo'llashdir. Chunki asosiy maqsad o'quvchilarni so'zlash nutqini rivojlantirish, tez fikr yurita olish, izlanish va topqirlik qobiliyatlarini shakllantirishdir.

Chet tilini o'qitishda amaliy o'yinlar yo'nalishlari turli xil. Bular **"Besh daqiqali faoliyat "** deb atalib: krossvordlar, muammoli savollar, so'z o'yinlari, xatolarni tuzatish, tez aytishlar, yodda saqlash, test savollari, "ha, yo'q", "meni tushun" kabi o'yinlarini o'z ichiga oladi. Bu o'yinlar individual ravishda, dialog yoki butun guruh bilan olib borilishi mumkin. Bulardan eng ko'p qo'llaniladigan o'yinlarni sharxlash o'tish joiz.

Masalan: "**Xatoni tuzating**" o'yini. Doskada bir necha gaplar yoziladi. Lekin yozilishida bir necha sintetik va grammatik xatolarga yo'l qo'yiladi. O'quvchilarning maqsadi bu xatolarni topib tuzatish. Bu usul asosan ingliz tilida grammatik jihatdan to'g'ri yozish qoidalarini o'rgatadi.

"**So'zni o'chirish**" o'yinida doskada yangi so'zlar yozilib tarjima qilinadi. Doskaga 1 o'quvchini chiqarib 2 daqiqa vaqt beriladi. Keyin so'zlar birin-ketin o'chiriladi. O'quvchining maqsadi bu so'zlarni qayta to'g'ri yozish. O'qitishning bu usuli yodda saqlash qobiliyatini rivojlantiradi.

"Meni tushun " o'yinida bitta o'quvchi sinf xonadan tashqarida chiqib turadi. Qolganlari bitta so'zni tanlab u kirgandan so'ng tushuntirishga harakat qiladilar. Bu amaliy o'yin 2 xususiyati bilan ajraladi. Biri o'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirib, ikkinchisi ularning so'z boyligini oshirishga yordam beradi.

"**So'z o'yini** " da doskada bir nechta sifat so'z turkumlari yoziladi. O'quvchilarning maqsadi birin-ketinlik bilan to'xtamay shu sifatlar bilan qo'llanilishi mumkin bo'lgan so'zlarni aytishlari kerak. O'ylanib qolgan yoki zanjirni uzgan o'quvchi o'yindan chiqadi. O'qitishning bu usuli asosan mustaqil izlanish va tez javoblilikka undaydi.

"**So'z tuzish**" o'yinida sinf 2 guruhga bo'linadi. Har bir guruh uchun bir nechta so'z yasovchi qo'shimchalar beriladi. Shu qo'shimchalar bilan eng ko'p so'z tuzgan guruh g'olib hisoblanadi. Bu amaliy o'yinni qo'llashdan asosiy maqsad o'quvchilarni lug'at bilan ishlash va so'z boyligini yangi so'zlar bilan boyitishdir.

"**Hikoyani davom ettir**" o'yinida o'qituvchining o'zi ham ishtirok etishi shart. O'qituvchi hikoyani so'zlashni boshlaydi. Qolgan o'quvchilar bittadan gap aytib hikoyani davom ettirishlari kerak. Hikoyani qiziqarli yakunlagan o'quvchi g'olib hisoblanadi. Bu amaliy o'yin o'quvchilarning og'zaki nutqini rivojlantirishga yordam beradi.

"**To'g'ri sharxlab ber**" o'yinida o'qituvchi tomonidan kichik jumboqli holatlar (situatsiyalar) aytiladi. O'quvchilar bu holatni to'g'ri sharxini topishlari kerak. O'qitishning bu usuli o'quvchilarning mustaqil fikrlash doirasini kengaytiradi.

"**Kim, nima**" o'yini o'quchilarni dunyoqarashini kengaytirishiga yordam beradi. Sinf 2 guruhga ajratiladi va har biriga 5 tadan qiziqarli savollar beriladi. Bu savollar turli sohalarga tegishli bo'lishi shart. Masalan: geografiya, tarix, tibbiyot va hkz. O'quvchilarga 5 daqiqa vaqt beriladi. Savollarni javobini qisqa muddatda va to'g'ri topgan guruh g'olib chiqadi.

"**Fikr va munosabat**" o'yini asosan mustaqil fikr yurita olish va uni bayon eta bilish qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi. Doskada javoblarning variantlari yoziladi. Masalan:

1. To'liq qo'shilaman. 2. Qisman qo'shilaman. 3. Mutlaq qarshiman.

O'quvchilar savollarga javob berib, javoblarni sharxlab berishlari kerak.

Xullas bu amaliy o'yinlarni Buxoro Soliq kollejida Ingliz tili fanini o'rgatishda keng qo'llash tavsiya etiladi. Bular tilni o'rgatish bilan birgalikda: - ingliz tili (grammatika, leksikologiya, frazeologiya) bo'limlarini chuqur o'rgatadi.

- yodda saqlash qobiliyatni rivojlantiradi.
- Og'zaki nutqini rivojlantirib, ularning so'z boyligini oshirishga yordam beradi.
- Mustaqil izlanish va tez javoblilikni undaydi.
- Mustaqil fikrlash doirasini va o'quvchilarni dunyoqarashini kengaytirishga yordam beradi.

KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA INGLIZ TILI FANINI DIFFERENTSIYALAB O'QITISH TEXNOLOGIYASI

M.Raximov, BuxDU o'qituvchisi

Davlatimiz va hukumatimiz tomonidan qabul qilingan hamda hozirgi o'quv va tarbiyaviy ishlar mazmuni sifat va samaradorligini oshirishga qaratilgan Davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturi xorijiy tillarni mukammal o'rgatishni asosiy sharti bo'lib xizmat qilmoqda.

Xorijiy tillarni o'qitish metodikasi yoshlarga tilni amaliy o'rganishning asosiy omillardan biri tabaqalashtirib o'qitishni taqozo etadi.

O'quv yilining birinchi kunlaridan o'qituvchilar talabalarning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda – bilim, tayyorgarlik darajasi, qiziqishi, temperamenti, xotirasi, fikrlash qobiliyatlarini o'rganib, ular bilan suhbat, savol-javob, test sinovlarini o'tkazadilar. O'tkazilgan tadbirlar har tomonlama chuqur tahlil etiladi va talabalar guruhlarga ya'ni o'zlashtirishi yaxshi talabalar guruhiga; o'zlashtirishi sust talabalar guruhiga ajratiladi. Har bir guruh uchun alohida o'quv rejalari tuziladi. Shu yo'l bilan kollej talabalarini ingliz tilini real o'rgatish, o'rganish imkoniyatlariga moslashtiriladi.

Xorijiy til o'rgatish metodikasidan ma'lumki, til o'qitishda (o'rgatishda) tabaqalashtirishni tashkil etishning bir qancha turlari mavjud:

A) ta'limni talabalarning qiziqishlariga ko'ra tabaqalashtirish;

V) ta'limni tanlagan kasbiga ko'ra tabaqalashtirish;

S) fakul'tativ mashg'ulotlar ta'limini tabaqalashtirishni tashkil etishning navbatdagi yo'li;

D) dars jarayonida ta'limni tabaqalashtirish va hokazo.

Yuqorida bayon etilgan fikr-muloazalar ingliz tilini umumiy o'rta ta'lim, o'rta maxsus, kasb-hunar o'quvchilariga tabaqalashtirib o'rgatishni taqozo etadi. Shuningdek tabaqalashtirib o'qitish shu kun talablariga to'liq javob beradi va dolzarbligini saqlab qoladi.

Yosh avlodni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash orqali jamiyatimizni yuksaltirish ijtimoiy qonuniyatlardan biri bo'lib, uni og'ishmay amalga oshirish O'zbekiston Respublikasini kelajakda buyuk davlat darajasiga ko'tarishning muhim omilidir.

Tabaqalashtirilgan ta'limni asosiy negizi- o'quvchi talabalarda o'qishga intilishni kuchaytirishdir. O'qish jarayonini shunday tashkil etish kerakki, layoqat va tayyorgarlikka ega bo'lgan o'quvchi – talabalar, fanlarni o'zlashtirishda ishonch, hurmat va muvaffaqiyatni his qiladi. Qisqacha qilib aytadigan bo'lsak, agar o'qituvchi doimo asosiy etakchi bazaviy zaruriy komponenkga e'tibor berib, yuqori darajada dars o'tsa, o'quvchining o'zi Davlat ta'lim standartidan kam bo'lmagan o'zlashtirish jarajasini tanlaydi. Bunday munosabat o'quvchi-talaba bilimini qo'shish metodi bilan erishilgan zaruriyat daraja bilan undan ham yuqori jarajalarga tomon baholash imkoniyatini ochadi. Bunda "3" bahoning mazmuni tabiiy ravishda o'zgarishi mumkin. Bunday tabaqalashtirishning samarasi quyidagicha bo'ladi:

1) ba'zan nafaqat aqliy, balki jismoniy jihatdan oddiy dastur chegarasida ham o'qishga layoqatsiz o'quvchi – talabalarga yuklamalar kamayadi.

2) aqliy tomondan har bir o'quvchi – talaba qo'lidan kelganicha o'qigani uchun o'zlashtirmaslik muammosi kun tartibidan chetga chiqadi.

3) har bir o'quvchi – talaba tomonidanminimum mazmunni o'zlashtirish imkoniyati vujudga keladi. Tabaqalashtirilgan ta'lim – bugun ko'pgina kasb-hunar kollejlari to'qnashayotgan jiddiy muammolardan biridir. Tabaqalashtirilgan ta'lim fanga – predmetga qiziqishni ta'minlaydi, o'quvchilarning o'quv yuklamalarini boshqaradi, har bir o'quvchi o'z bilim darajasini boshqara oladi. Darajali tabaqalashtirish har bir fanga tayyorlanish va har kuniga maqbul tanlash vaziyati hajmini qonunlashtirishga yo'l beradi. Shu tariqa o'quvchi – talaba o'z vaqtini to'g'ri taqsimlashga, o'z ishini rejalashtirishni, aniq vaqt ichida voqealar zanjiri ichidan asosiylarini ajratishni o'rganadi.

Chet tilini o'qitish maqsadlari .

Har qanday maqsad ehtiyoj tufayli bo'ladi. Maqsad tushunchasi rejalashtirilgan natija tasavvurdagi oqibat ma'nosini anglatadi. Ta'lim maqsadlari ijtimoiy buyurtma – topshiriq bo'lib, har tomonlama rivojlangan shaxsni shakllantirish va tarbiyalashga qaratilgan. Chet tilini amaliy o'rgatishning maqsadlari to'rtta:

a) ta'limiy maqsad

b) tarbiyaviy maqsad

s) amaliy maqsad

d) rivojlantiruvchi maqsad.

Bu maqsadlarning barchasi ustivor yo'nalishga egadir. Amaliy maqsad ta'limning rivojlantirish uchun tarkibiy qism hisoblanadi.

Chet til o'qitishning amaliy, ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlari uzviy bog'langan tizim hosil qiladi va ularni chizma tarzida quyidagicha tasavvur etish mumkin.

Ingliz tilini tabaqalashtirib o'qitishga oid yuqorida keltirilgan fikr-mulohazalardan kelib chiqqan holda quyidagi jihatlarni qayd etish mumkin bo'ladi:

1.Tilni talabalarning qobiliyatiga nisbatan tabaqalashtirish ulardagi shaxsiy va kollektiv qobiliyatlarini rijovlantirishni o'zida mujassamlashtiradi.

2.Past o'zlashtiruvchi talabalarni tabaqalashtirib o'qitish uslubi, ularga individual yondoshishdagi an'anaviy va real uslublarning qo'shilishini o'zida aks ettiradi.

3. Talabalarni tabaqalashtirib o'qitishning keltirilgan uslublaridan tashqari kasbiy qiziqish, faollik kabi umumiy uslublarini ham qayd etish mumkin bo'ladi.

4.Ingliz tilini tabaqalashtirib o'qitish bir fan ta'limi sohasidagi ichki tabaqalashtirish yo'nalishi bo'lib, u aynan shu fan dolzarb muammolari, vazifalari va ehtiyojlaridan kelib chiqadi.

5.Tabaqalashtirib o'qitish ijodiy usul hisoblanib, unda talaba bir mavzuni talqin va tahlil qilib tushuna olmagunicha ikkinchi mavzuga o'ta olmaydi. Bu 2 guruhga turli ish rejalari tuzilishi joiz, chunki talabaning qobiliyatidan kelib chiqilgan holda, talaba 1 soatlik darsda qanchalik ongli qabul qilishi yangi o'tilgan mavzuga ko'nikma hosil qilishiga qarab tuziladi. O'ylaymanki, shu tarzdagi o'qitish usuli kollejlarda yaxshi, samarali natijalarni amalga oshiradi.

Tabaqalashtirib o'qitish uslubiga qaytadigan bo'lsak, bunda bir soatlik ingliz tili darsida talabalarning qobilyatiga qarab qo'yilgan talablar nazarda tutiladi.

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ УЧЕНИКОВ НА РАЗНЫХ ЭТАПАХ ОБУЧЕНИЯ В ШКОЛЕ США

Загребнюк Юлия Владимировна
Уманский государственный университет имени Павла Тычины
Украина, город Умань

Abstract: *The problem of vocational self-determination of students is highly relevant for all countries in the world, as it solves contradictions between objectively existing needs of the society in a balanced personnel structure. It means that the purpose of career guidance system should have a significant impact on the rational allocation of labor resources, life choices of the youth, their adaption to the profession.*

Keywords: *vocational orientation; students; profession; school; career; the USA.*

Социально-экономические изменения, имеющие место в условиях перехода к рыночным отношениям, требуют новых подходов в формировании личности школьника. Все острее становится зависимость места государства в цивилизованном мире от ее возможностей в создании условий для свободного самоопределения граждан, приобретение ими доступных знаний и профессионального мастерства, самореализации в той области, где наиболее полно можно проявить свои дарования. Успешное решение этой проблемы в основном зависит от положительных результатов в формировании личности будущего работника на всех этапах его школьной жизни.

США имеют значительный опыт профессиональной подготовки школьников средней школы. В этой стране разработан комплекс методик для диагностики индивидуальных особенностей и предпочтений каждого ученика, который обеспечивает их будущее профессиональное самоопределение.

Содержание профессиональной ориентации учащихся на разных этапах обучения в школе в США осуществляется силой специфики среды, в которой действуют средние учебные заведения, формы и методы учебной деятельности, благодаря которым процесс профессиональной ориентации становится возможным и эффективным [2].

Важным аспектом обеспечения подготовки учащихся средних учебных заведений, отвечающих современным требованиям, выступает постоянное совершенствование образовательно-профессиональных программ и квалификационных характеристик. А одним из самых распространенных средств повышения эффективности профессиональной ориентации – создание Министерством образования и науки США различных программ [3].

Основную практическую работу по профориентации среди учащихся проводят штатные профессиональные консультанты, которые работают на условиях полной или неполной занятости. Соотношение числа профконсультантов и учащихся в школах примерно 1: 430, в отдельных районах она колеблется от 1: 1000 до 1: 200 (в частных школах пригородов крупных городов). В большинстве

школ профконсультанты имеют образование в области психологии и социологии или диплом учителя [1].

Профориентационная работа начинается с последних классов начальной школы посредством проведения бесед для ознакомления школьников с "миром труда". Ученики выпускных классов средней школы заполняют анкеты для определения профессиональных интересов, участвуют в групповых или индивидуальных консультациях и проходят тестирование, с целью определения их способностей.

В результате профориентационной работы составляются персональные досье, на основе которых выпускникам школ даются рекомендации. Досье по профориентации обычно включает сведения о семье, успеваемости, результаты медицинского осмотра, особенности характера, оценку способностей и интересов по результатам тестирования [2].

Учителя-предметники и классные руководители активно участвуют в профориентационной работе (в основном на начальных этапах проведения мероприятий по профориентации) и помогают профконсультантам составлять досье на выпускников. Персональное досье носит рекомендательный характер.

Составными элементами организационной структуры системы профориентации США выступают государственные и частные агентства занятости, предоставляющие услуги по профессиональному консультированию, тестированию и других форм профориентационной работы лицам, которые обращаются за помощью по трудоустройству, а также предоставляют предпринимателям кандидатов на имеющиеся вакансии, проводя профотбор. Для проведения профориентационной работы и трудоустройства молодежи многие агентства занятости имеют отделы по работе с молодежью или предусматривают в штатном расписании должность такого профконсультанта [3].

Агентства по трудоустройству работают с помощью электронных банков, содержащих данные о наличии вакантных рабочих мест в каждом штате, описание основных массовых профессий, а также ежедневный перечень вакантных рабочих мест. Эта информация печатается в бюллетенях агентства и поступает в распоряжение профконсультантов и лиц, нуждающихся в услугах агентства.

Профориентация в Соединенных Штатах Америки, которая называется "профессиональное руководство", является необходимым компонентом общего образования и контролируется государством.

Начинается работа по профессиональной ориентации в дошкольном возрасте (с 5 лет). Как уже отмечалось, профконсультатнты учат общаться с людьми (курс "Дружить с людьми"), так как 77% увольнений с работы, как уверяют специалисты по инженерной психологии, происходит из-за неумения налаживать отношения. Кроме того, широко используют ЭВМ в профориентационной работе [2].

Существуют целые программы подготовки учащихся к выбору профессии. Так, в начале 70-х годов XX в. введена программа "Развитие карьеры" (Career Development), автором которой является Сидней Морланд. Основная задача этой программы – подготовка к жизни, а потом уже подготовка к профессии и ее выбора. Есть отдельные программы в школах, на производстве, в семье, в общественности, сельской местности и тому подобное [1].

Курс "Развитие карьеры" (Career Development), стал частью образовательной системы. Он призван ознакомить с профессиями детей в возрасте от 5 до 14 лет и в школе осуществляется в три этапа:

1. 1 - 4 класс – развитие самосознания учащихся, понимание своего места в общине, изучение классификаций профессий; основными формами и методами выступают ролевые игры, игры-шарады, экскурсии, интервью, видео-фильмы.

2. 5 - 9 классы – учащиеся исследуют профессии, изучают свои индивидуальные особенности, работают в учреждениях и на предприятиях своего микрорайона.

3. 10 - 12 классы – обучение дифференцированно по профилям: академическим, общим и практичным. Ученики должны научиться определять свои жизненные и профессиональные планы. Они составляют собственную характеристику с подробным описанием своих индивидуальных качеств. К 12 классу, они уже умеют ориентироваться в мире труда, искать работу, вести переговоры с предпринимателями и заполнять различные варианты заявлений, анкет. Личное дело ученика ведется на протяжении всего обучения в школе [3].

Дальнейшее обучение происходит в средней и старшей школе. Старшеклассники даже занимаются в отдельных корпусах. В старшей школе проводится переподготовка.

Кроме минимума обязательных предметов, учащиеся старших классов имеют возможность выбирать себе дополнительные занятия самостоятельно. Такой предварительный выбор подросткам помогает сделать система тестирования.

ЛИТЕРАТУРА

1. Гафурова Н. В. О педагогических основаниях формирования готовности учащегося к профессиональному самоопределению / Н. В. Гафурова // Профил. школа. – 2005. – № 6. – С. 6–10.
2. Гриншпун С. С. Профессиональная ориентация школьников в США / С.С. Гриншпун // Педагогика. – 2005. – № 9. – С. 65–72.
3. Корсун А. А. К вопросу о профессиональном самоопределении старшеклассников в работах отечественных и зарубежных учёных / Анна Алексеевна Корсун // Transformation of approaches to education in Russia and CIS states: [колл. моногр.] – Штутгарт: ORT Publishing, 2012. – 328 с. – С. 71–81.

ПЕДАГОГ ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ

Каримов Ўлмасбек, Жабборов Хайитмурод, Мўйдинжонов Каримжон,
Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, Фарғона шаҳри

Annotation: *In this article, it is scientifically researched the requirements of training pedagogical cadres.*

Key words: *pedagogic, pedagogical skills, outlook, discipline, pedagogic technology, social opinion*

Инсоннинг ижтимоий моҳиятини жамият талабига мос равишда шакллантирувчи соҳа халқ таълими тизими деб аталиб, уни амалга оширувчи шахс ўқитувчи ёки муаллим дейилади. Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва моҳир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган касб-хунар йуналишидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни ҳамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт.

Педагог бу – юксак маданиятли мутахассис, ўз фанини чуқур билувчи, умумий ва болалар психологиясини яхши билувчи, таълим-тарбия методикасини мукаммал билувчидир. [3]

Таълим-тарбия жараёнининг асосий мақсади ва вазифаси баркамол, етук шахс, малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Шундай экан биз таълим-тарбия самарадорлигини ўқувчиларнинг қай даражада билим, кўникма ва малакага эга эканликлари, мустақил билим олишга, жамиятда ўз ўринларини топиш учун қандай тайёргарлиги билан ўлчашимиз, баҳо беришимиз лозимлигини билишимиз шарт.

Педагогнинг касбномасида педагогик маҳорат, педагогик тажриба, педагогик технология каби тушунчалар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўқувчи-ёшларда нутқ маданиятини шакллантириш, тафаккур кенглигини ривожлантириш ҳам педагогнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда педагогдан илғор педагогик тажриба ва илғор педагогик технологиялардан оқилона фойдалана олиши талаб этилади. Бироқ, “илғор педагогик тажриба билан илғор педагогик технологияларнинг қонуниятлари, мезонлари ва тамойилларини бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак, аммо улар бир-бирини тўлдиришини, бир хил мақсад ва вазифани – комил инсонни шакллантиришини унутмаслигимиз керак. Илғор педагогик тажриба бир фанга, фанларга оид бўлса, илғор педагогик технология эса барча фанларга оид бўлиб, интерфаол усуллар асосида иш кўради”. [3]

Педагогик технология ўқитиш жараёнида ўзаро боғлиқ қисмларни ташкилий жиҳатдан тартибга келтириб, уларни жорий этиш ва мақсадга эришишни таъминлайди. Педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиш билан ишлаб чиқариш, биологик, ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари таълим-тарбия компонентларини мужассамлаштиргандадир. [2]

Таълим давомида шакллантирилган тафаккур услубига келсак, у ҳар қандай меҳнат ва билиш фаолиятларида намоён бўлади, бу фаолиятнинг кечиши ва натижаларига таъсир кўрсатади. Бинобарин, замонавий илмий тафаккур услуби билан жамиятимиздаги ҳар бир ёш ўғил-қизнинг қуролланиши тақозо этилади. Таълим давомида ўқувчиларда шаклланадиган тафаккур услуби олимнинг тафаккур услубидан фарқ қилади.

Тафаккур – инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавҳумлашган акс эттириш шакли бўлиб, ўқувчилар тафаккур услубининг ўзига хос хусусияти таълим жараёнининг фан томонидан қўлга киритилган, тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни билиш ва амалий фаолиятида қўллашга йўналтирилганлиги билан боғлиқдир. [1]

Илғор педагогик амалиётда ўқувчиларни диалектик тафаккур билан таништиришнинг муайян тажрибалари тўпланган: ўқувчиларга объектни (таълимнинг мазмуний элементини) айтиб бериш;

ундаги объектив зиддиятни уларнинг томонлари яхлитлиги намоён бўлгунга қадар қисмларга ажратиш; билиш, ўрганиш вазифаларини аниқ таърифлаб бериш; унинг дастлабки ечилиш, ечим усулини танлаш, уни амалга ошириш; ечими, текшириш; унинг асос қилиб олинган дастлабки қоидаларини индуктив умумлаштириш воситасида аниқлаш; назарий даражага кўтарилган умумлаштириш ёрдамида зиддиятларни ҳал этиш лозим.

Таълим жараёни ички зидддиятли мураккаб жараёндир. Бу жараёндаги ўқитувчи фаолиятининг асосий белгиловчи ролига – ўқитишга, таълим беришига қарамасдан, ўқувчи ва унинг муҳим таркибий қисми - ўқиш-ўрганиш фаолияти нисбий мустақилликка эга. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчиларнинг ўқув материаллари ва унинг ўзлаштирилишининг ўзаро таъсирини белгилаб беради.

Идеал (мукаммал) ўқитувчида қуйидаги сифатлар бўлиши лозим:

1. **Мутахассис сифатида:**

- педагогика назариясини билиши;
- педагогик маҳоратга эга бўлиши;
- психологияни теран билиши;
- болаларни севиши ва тушуниши;
- ўзига ва ўзгаларга талабчан.

2. **Ишчи сифатида:**

- мақсадлилик;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- малакасини доимий ошириш;
- ҳар томонлама билимдонлик;
- интизомлилик.

3. **Инсон сифатида:**

- юксак ахлоқий сифатларга эга бўлиши;
- ўрнак бўла олиш қобилияти;
- Ватанга, халққа муҳаббат;
- мулоқот маданияти;
- талабчанлик;
- очиқ кўнгиллилик.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани, халқимизнинг жаҳондаги ривожланган миллатлар қаторидан жой олишга интилиши моддий – иқтисодий омиллар, юксак технологиялар билан бир қаторда, маънавий омилларни ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Юқоридаги ижтимоий сифатлардан ташқари ўқитувчининг касбий маданияти ва ўқитувчининг касбий шаклланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг касбий маданияти унинг касбий фаолият доирасидаги, унинг шахсий сифат тавсифининг моҳияти-тизимли таълимдан иборат бўлиб, ўқитувчининг касбий шаклланиши олийгоҳ даргоҳида касбий таълим олиш жараёнида амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон тарбиясидек ниҳоятда нозик, муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришда педагоглар ҳеч қачон хатоликларга йўл қўймасликлари керак бўлади.

Адабиётлар:

1. В.Каримова. Психология. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2002 йил.
2. Н. Боймуродов. Амалий психология. Тошкент, 2008 йил.
3. Х.Ибрагимов ва бошқ. Педагогик психология. Тошкент, 2007 йил.

BARKAMOL AVLOD TARBIYASIDA MADANIYAT VA AHOLI DAM OLISH MARKAZLARINING ROLI

Rustamov Vahobjon Kiyamovich, O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining “Madaniyat va san’at muassasalarini tashkil etish va boshqarish” kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotatsiya:

Mazkur maqolada barkamol avlod tarbiyasida madaniyat va aholi dam olish markazlarining o‘rni va roli o‘tkazilgan tadbirlar misolida yoritilgan.

Abstract: *In this article says the role of culture and relaxsion centre in upbringing of perfect generation.*

Tayanch so’zlar: Madaniyat, san’at, madaniy tadbirlar,

Klyucheviye slova: *kultura, iskusstva, kulturnoye meropriyatiye, sentr kulturi i dosuga naseleniY.*

Keywords: *culture, arts, cultural legacy, harmoniously developed generation.*

Barkamol avlod tarbiyasi - jamiyatning asosiy tayanchi bo‘lgan yoshlarga nisbatan berilayotgan baho sifatida barcha faoliyatlarning asosini qamrab olgan. Yurtimizda olib borilayotgan barcha iqtisodiy, siyosiy jarayonlarning asosida ham ma’naviy-ma’rifiy, ahloqiy va tarbiyaviy ishlarning hamohangligini kuzatish mumkin. Shu jihatdan olib qaralganda, madaniyat va san’at sohasida ham barkamol avlod tarbiyasiga katta e’tibor qaratilayotgani fikrimizning dalilidir. Ayniqsa, madaniyat va san’at sohasiga tegishli bo‘lgan sohalarda barkamol avlod tarbiyasi masalalari muhim ijodiy va tashkiliy jarayonlarni qamrab oladiki, unda madaniyat xodimlari, san’at sohasi ustalari zimmasiga katta ma’suliyat yuklanadi. Aholini ma’naviy kamol toptirish, madaniy bilimlarini oshirish, ularni pok va halol yashashga chaqirish, mustahkam e’tiqodga ega bo‘lish kabi xususiyatlarni shakllantirishda madaniy tadbirlar tashkilotchilariga alohida bilim, ko‘nikma, mahorat va mehnat talab qilinadi. Madaniy tadbirlarni tashkil etishdan asosiy maqsad - milliy va dunyo madaniyatlarining eng yaxshi namunalarini keng targ‘ib qilish va ommalashtirish, o‘sib kelayotgan avlodni, zamonaviy yoshlarni ma’naviy tarbiyalash, millatiga, tarixiga, insoniyatga bo‘lgan hurmatni uyg‘otish va saqlash, ma’naviy-ma’rifiy islohotlarda faol ishtirok etishdir. Zotan, xalqlarning o‘ziga hosligi va betakrorligini saqlash, tarixan shakllangan qadimiy milliy madaniyatlar, san’at va xalq ijodiyoti, yuz yillar davomida tarkib topgan milliy an’ana va urf-odatlarning o‘zaro yaqinlashuvi va bir-birini boyitishi uchun, dunyoda yashayotgan turli millat va elat vakillari o‘rtasida o‘zaro hurmat muhitini qaror toptirish uchun madaniy tadbirlarning ahamiyatini alohida ta’kidlash maqsadga muvofiqdir.

Madaniy tadbirlarda shaxs o‘z insoniy fazilatlarini shakllantira boshlaydi, yashirin, betakror, individual hususiyatlari, qobiliyatlarini kashf etadi, ularni o‘stiradi va rivojlantirib boradi, jamiyat, hayot bilan muloqotga kirishadi. Murakkab ijtimoiy voqelik sifatida bu tadbirlarning o‘ziga xosligi shundaki, u insoniyat avlodlarining mehnati va bilimlarini o‘ziga singdirib oladi, saqlaydi, doimiy boyitib boradi va ularni kelgusi avlodlarga yetkazib beradi.

Bir so‘z bilan shuni aytish mumkinki, shaxsning ma’naviy yuksalishi uning ijtimoiy faolligini oshiradi va jamiyat taraqqiyotini tezlashtiradi. Muhtaram yurtboshimiz I.A.Karimov taraqqiyotning rivojlanish qonuniyatlarini chuqur anglagan holda, “Biron-bir jamiyat ma’naviy imkoniyatlarini, odamlar ongida ma’naviy va ahloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib, o‘z istiqbolini tasavvur eta olmaydi”[1], deb ta’kidlagani bejiz emas, albatta. Darhaqiqat, “ma’naviyatni yuksaltirish shu kunning dolzarb vazifalaridan biri. Kelajak poydevori bo‘lmish yoshlar qalbi va ongiga boy ma’naviy merosni singdirish asosida barkamol avlodni shakllantirish esa undan ham dolzarbroqdir. Chunki Vatanimiz kelajagi, xalqimiz oldida turgan ulkan maqsadlarga erishish, avvalo yoshlarimizga, ularning har tomonlama barkamol inson bo‘lib yetishishga bog‘liqdir” [2]. Shu nuqtai nazardan olib qaralganda, barkamol avlod tarbiyasidagi ma’naviy-ma’rifiy, ahloqiy va tarbiyaviy ishlarning samaradorligiga erishish muhim vazifalardandir.

Madaniyat va aholi dam olish markazlari mohiyat e’tiboriga ko‘ra yangi muassasa bo‘lib, istiqlol mevalaridir. Shu boisdan ham, mazkur muassasalar faoliyatini o‘zgargan zamon bilan xamohang qilish katta ijtimoiy vazifa hisoblanadi. Madaniyat va aholi dam olish markazlari sobiq sovet tizimi davridagi siyosiy mafkuraviy tashkilot emas, balki tom ma’nodagi inson ma’naviyati va madaniyatini rivojlantiruvchi va boyituvchi, san’atga daxldor etuvchi xalqchil madaniyat muassasasi ekanligi barchamiz yaxshi angalb olishimiz muhimdir.

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining “Madaniyat va san’at muassasalarini tashkil etish va boshqarish” kafedrasi, Toshkent shahar madaniyat va sport ishlari bosh boshqarmasi, Mirzo Ulug‘bek tumani madaniyat va sport ishlari bo‘limi hamkorligida Mirzo Ulug‘bek tumani aholi dam olish markazida “Barkamol avlod tarbiyasida madaniyat va aholi dam olish markazlarining roli” mavzusida ilmiy seminarning o‘tkazilishi aynan shu sohaga tegishli bo‘lgan masalalarning yechimiga amaliy jihatdan yondoshilgan tadbirlardandir, deb aytish mumkin. Seminarda Toshkent shahrida faoliyat ko‘rsatayotgan 34ta madaniyat va aholi dam olish markazlarining rahbarlari, badiiy rahbarlari, O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining “Madaniyat va san’at muassasalarini tashkil etish va boshqarish” ta’lim yo‘nalishi talabalari hamda shu kafedraning barcha professor-o‘qituvchilari ishtirok etdilar. “Barkamol avlodni tarbiyalashda madaniyat va aholi dam olish markazlarining zamonaviy funksiyalarini tadqiq etish” davlat granti loyihasi doirasida o‘tkazilgan mazkur tadbirda (loyiha rahbari professor M.Bekmurodov) ”O‘zbekiston yoshlarining bunyodkorlik faoliyatini shakllantirishda madaniyat va aholi dam olish markazlarining roli” (ma’ruzachi M.Bekmurodov), “Madaniyat va aholi dam olish markazlarida badiiy havaskorlik hamda xo‘jalik hisobidagi jamoalarni tuzish masalalari xususida”gi ma’ruza (ma’ruzachi F.Jo‘rayev), “Yoshlar orasida ma’naviy-ma’rifiy va tarbiyaviy ishlarni olib borishning o‘ziga xosligi” (ma’ruzachi R.Yusupova) va boshqa shu mavzudagi barcha chiqishlar barkamol avlod tarbiyasiga bag‘ishlangan dolzarb muammolar yechimiga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish yo‘lidagi katta ishlardandir, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

[1] I.Karimov. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo‘lida. Asarlar, 6-jild. T., O‘zbekiston, 1998, 125-bet.
[2] To‘plam. “Ma’naviyat –jamiyat taraqqiyotining bosh mezoni”. T., 2011, 342-bet.

Hozirgi kunda yurtimizda madaniy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 25 iyundagi 178-son qarori "2013-2018 yillarda zamonaviy madaniyat va aholi dam olish markazlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori bu faoliyatni rivojiga katta turtki bo'ladigan xujjatlardan biridir.Mazkur xujjatga muvofiq madaniyat va aholi dam olish markazlarining faoliyatini yanada takomillashtirish uchun ishlab chiqarilgan tadbirlarni hayotga joriy etish masalalari –barcha madaniyat va san'at ahli zimmasiga katta ma'suliyat yuklaydi.

Madaniyat va aholi dam olish markazlarining faoliyati holatini ilmiy tadqiq etish, ularning faoliyatini yanada takomillashtirishning zamonaviy mexanizmlarini ishlab chiqish, madaniy tadbirlarni maqsadli tashkil etish, turli badiiy-ijodiy to'garaklar faoliyatini yangicha usullarda tashkillashtirish orqali aholining, ayniqsa yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishning yangicha shakllarini joriy etish –xozirgi kun madaniyat va aholi dam olish markazlari faoliyatlarining asosiy maqsadini tashkil etadi.

Madaniyat va aholi dam olish markazlarida barkamol avlod tarbiyasiga qaratilgan vazifalarni amalga oshirishda asosan san'at va madaniyat vositalaridan unumli foydalanilganda katta samaralarga erishish mumkin. Insonlar qalbiga, ayniqsa yoshlarning qalbiga yo'l topishda bu sohalarning ahamiyati beqiyosdir. Zero, yurtimiz rahbari aytib o'tganlaridek, "San'at va madaniyatdek qudratli kuch orqali inson qalbiga yo'l topish haqida so'z yuritar ekanmiz, hammamiz yaxshi tushunamizki, har qaysi iste'dod egasi o'ziga xos bir olam, shu sababli ijod ahliga qandaydir aql o'rgatish, eng asosiysi, ularni boshqarishga urinish mumkin emas. Lekin bu hayotda ularni birlashtiradigan, yangi ijodiy marralar sari ilhomlantiradigan muqaddas tushunchalar borki, ular Vatan va xalq manfaati, ezgulik va insoniylik tamoyillari bilan uzviy bog'liqdir"[1]. Bunda "madaniyat va san'at ham tom ma'noda insonlarning ma'naviy yuksalishga"[2], barkamol avlod tarbiyasiga xizmat qilishi zarur bo'lgan sohalardan ekanligi ta'kidlangan bo'lib, bu sohani rivojlantirishga katta e'tibor qaratishga diqqatimizni yo'naltiradi. Barkamol avlod tarbiyasida madaniyat va aholi dam olish markazlari rahbarlari va xodimlarining oilalar, mahallalar, maktab, kollejlar bilan ishlash,badiiy havaskorlik jamoalarini tuzish orqali ularning bo'sh vaqtlarini samarali o'tkazish, to'garaklarda olib boriladigan ma'naviy-ma'rifiy, ahloqiy-tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishi lozim bo'lgan ishlarini tizimli va maqsadli tashkil etish - bu soha xodimlarining oldida turgan muhim vazifalardan hisoblanadi.

Bugungi kunga kelib odamlar orasida, ayniqsa, yoshlarimiz orasida turli hil yot madaniyatga ergashish hollari tez-tez uchramoqda, mana shunday narsalarni oldini olish maqsadida davlatimiz tomonidan madaniyat va san'at sohalariga katta e'tibor qaratilmoqdaki, bunda turli madaniyatlarning qorishmasi, san'atning yangi turlari milliy qadriyatimizga, milliy urf-odatlarimizga qolaversa, yoshlarimiz ongiga salbiy ta'sir etmoqda. Bugungi kundagi mana shunday salbiy holatlarni oldini olishda madaniyat va aholi dam olish markazlarining o'rni nihoyatda muhimdir. O'tkazilayotgan turli mavzulardagi tadbirlar -yosh avlodning tafakkur doirasining kengayishi, Vatan tuyg'usi, oila, jamiyatning faol ishtirokchisiga aylanishi, yurt taraqqiyotiga hissa qo'shish va boshqa shu kabi ijobiy hislatlarni jo qilishda qaratilganligi bilan e'tiborga molikdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.I.A.Karimov."Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch". T.,"Ma'naviyat", 2010g., 4, 60-bet.

2.I.Karimov. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lida. Asarlar, 6-jild. T., O'zbekiston, 1998, 125-bet.

3.To'plam. "Ma'naviyat –jamiyat taraqqiyotining bosh mezoni". T., 2011, 342-bet.

4.Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 25 iyundagi 178-son qarori "2013-2018 yillarda zamonaviy madaniyat va aholi dam olish markazlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ КЎРКИ СИФАТИДА

Болтаева Дилафруз Аслоновна, Ғиждувон педагогика коллежи катта ўқитувчиси

Аннотация: *в статье раскрывается роль общечеловеческих ценностей педагогических деятельности. Во всём мире в каждой семье есть свои традиции и обычаи, которые стараются не забывать и соблюдать. Национальные традиции - это основа воспитательного процесса.*

Ключевые слова: *обычаи, деятельность, традиционный, воспитание, народный, народ, национальный, обучение, учитель, гуманность, патриотизм.*

Annotation: *the article reveals the role of human values. Pedagogical activities. Throughout the world, every family has its own traditions and customs, which try to remember and observe. National traditions are the foundation of the educational process.*

Keywords: *custom, activity, traditional, education, popular, people, national, teaching, teacher, humanity, patriotism*

[1] И.Каримов . "Юксак маънавият –енгилмас куч". Т. "Маънавият, 2008, 98б.

[2] Ўша китоб.". Т. "Маънавият, 2008, 98б.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий ва умуминсоний қадриятларни шундай изоҳлайди: “Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик..., бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф–одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда қадриятлар таълим–тарбия асосида ёш авлод онгига сингдирилади. Мамлакатимиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг педагогик маҳоратида умумбашарий қадриятлар уларнинг маънавий дунёсини нақадар кенг эканлигини намоён этади. Буюк алломаларимизнинг таълим–тарбияга оид қарашларида умуминсоний ва маънавий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда турган. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Инсон ахлоқи ақлга, хулқи ва ҳатти-ҳаракати эса илм–фанни ўрганишга ҳамда маърифатга асослангандагина маънавий камолотга эришади. Алломаларнинг фикрларига кўра, инсонпарварлик ғояларининг амалга ошиши, маънавий баркамолликка эришиш, билимли ва маърифатли бўлишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар илмлиликни умуминсоний қадрият даражасида улуғлаб, жамиятнинг барча аъзоларини илм эгаллашга чақирдилар, муаллимларнинг шижоатли меҳнатини қадрладилар.

Бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг асарларида билим умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг калити эканлигини алоҳида таъкидлайди. Илм–маърифатли одам жамият тақдири, инсонлар тақдири учун курашувчан, барча ёмонликлардан узоқдир. “Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир” деб ёзади аллома. Фалсафий талқинда қадриятлар – инсон ва инсоният учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик каби баркамол инсон учун ижобий аҳамият касб этувчи ҳолатлар йиғиндисидир. Қадриятларнинг моҳиятини энг олий туйғу – инсонпарварлик ташкил этади. Инсонпарварлик – инсоннинг шарафи, виждони ва иймонининг маҳсули. Инсонпарварлик хайрихоҳлик, ғамхўрлик, моддий–маънавий мададга интилиш туйғуси, иймон ва виждон доирасида меҳр–мурувват кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ёшлар “таълим–тарбияси инсонпарвар, демократик характерда эканлиги” давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида талқин этилади. Ушбу шарафли ғояларни амалга ошириб, ёшларни, билимли ва ақлий жиҳатдан камол топтиришда аввало ўқитувчининг қизғин меҳнат фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи долзарб вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, балки ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчининг ўзида бекаму кўст такомиллашган, энг юксак умуминсоний қадриятлар туйғуси бўлиши керак. Бу туйғу, унинг мукаммал шаклланган педагогик маҳорати қирраларида доимо ўз аксини топиши зарур. Инсон боласи ёшлигидан то умрининг охиригача илм олиб, ақлий камолот сари интилар экан, барча умуминсоний қадриятларга илм туфайли эришади. Ўқитувчи – илмни халққа тарғиб этувчи ва ёшлар қалбига йўл топувчи асосий жавобгар шахсдир. “Инсон қалбига йўл аввало таълим–тарбиядан бошланади. Дунё иморатлари ичида энг шарафлиси мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир” деб таъкидлайди И.А.Каримов “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида. Демак, ўқитувчи ижодий меҳнатининг асоси – аввало умуминсоний ва маънавий қадриятлар моҳиятидан иборат бўлиши ҳамда илму ҳидоят, меҳру муҳаббат, сабру қаноат, оталарча бағрикенглик туйғулари билан олиб борилиши лозим.

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи меҳнат фаолиятининг умуминсоний қадриятларга йўналтирилганлигига боғлиқ. Бу кенг қамровли ва салмоқли омиллар асосида ўқитувчининг бутун умри давомида амалга оширадиган кўп қиррали педагогик фаолияти мужассамлашган. Ўқитувчи ўзининг қизғин меҳнат фаолияти ва касбий маҳорати билан умуминсоний ва маънавий қадриятларга нечоғлик бой эканлигини таълим–тарбия жараёнида намойиш этади. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ўзининг ҳалол меҳнати билан такомиллаштириб боради. Ушбу меҳнат натижасида инсон комиллик даражасида вояга етиши лозим, бунинг учун маънавият ва қадриятлар юксалиши, инсон кенг маънодаги маънавий шахсга айланиши керак.

Ўқитувчи меҳнатининг натижаси бўлмиш баркамол инсон юксак маънавиятни яратади ва ривожлантиради, умумбашарий қадриятларни асрайди. Ўқитувчи меҳнат фаолиятида ўз педагогик фаолиятини безайдиган қуйидаги қадриятлар тизимини мунтазам эгаллаб бориши зарур: ижтимоий–сиёсий қадриятлар; маънавий–ахлоқий қадриятлар; бадиий–эстетик қадриятлар; ақлий билиш фаолияти билан боғлиқ қадриятлар; меҳнат билан боғлиқ қадриятлар; экологик қадриятлар.

Жамиятдаги глобал ўзгаришлар, техник ва технологик тараққиёт, дунёвий фанлардаги ўзгаришлар ва янгиликлар унинг шарафли меҳнатига таъсир қилади. Бунинг учун ижодкорлик талаб этилади. Ижодкорлик эса фақат қизғин меҳнат туфайли содир бўладиган фаолият шакли. Ўқитувчи: меҳнатсеварлик қадриятларининг моҳиятини ақлий ва жисмоний меҳнатга ижодий муносабат сифатида англаши; онгли ва ҳалол меҳнати билан, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий, моддий ва маънавий ривожланишига таъсир этиши; ўз меҳнати натижаларидан ғурурлана олиши; ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда жамият олдидаги масъулиятини доимо ҳис этиши лозим. Юртимизда “кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида” олиб борилади. Айниқса умумбашарий қадриятлар асосида таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, инсоний қадр–қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Педагог олимлар ўз тадқиқотларида ўқитувчиларнинг умуминсоний қадриятларга муносабатини ва уларни ўқувчилар онгига етказа олиш қобилиятларига қараб иккита асосий тургa ажратиб кўрсатадилар: а) “ўқувчи онгини ривожлантириш”га йўналтирилганлик: ушбу тоифадаги ўқитувчи жамият томонидан белгиланган ижтимоий ахлоқий омилларга таянган ҳолда аввало ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга интилади. а) “таълим жараёнида бирор натижага эришиш”га йўналтирилганлик: Ушбу тоифадаги ўқитувчи ўқувчининг фақатгина ақлий ривожланишидан манфаатдор. Ўзлаштирилган ўқув материалини қатъий текшириб боради. Бундай йўналтирилганликда ўқитувчи жамиятнинг фақатгина таълим соҳасига нисбатан муносабатларини бажариш билан боғлиқ фаолиятни олиб боради. Жамият таълим тизимидаги фаолиятлардан қониқмаган тақдирда, ушбу турдаги ўқитувчилар меҳнати устунлик қилади ва самарали деб тан олинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи меҳнатининг моҳиятида унинг маънавий савиясини кўрсатадиган интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга ва умумбашарий қадриятларга таянадиган, замоннинг илғор ютуқларидан озиқланадиган миллий дунёқараш ва эътиқод каби мезонлар мавжуд бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 54–бет.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 130–131 -б.
3. Беруний**.** Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. – Тошкент, “Фан”, 1968, 44-бет.
4. Философский словарь. /под ред. И.Т.Фролова. 1986. 390- б
5. Холиқов А. А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент, 2011**.** 256-б.

ОММОВИЙ АХБОРАТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎСМИР ЁШЛАРГА ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИ ТУЙҒУСИНИ СИНГДИРИШ

Азимжонов Назиржон, «Педагогика ва табиий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси,
Отабоева Зулфия, Маматов Равшанбек ассистентлар, Андижон қишлоқ хўжалик институти

In this article one writes about the mass media. At the moment everybody gets different information by the mass media. Moreover, the speech goes around the education and the education in the article.

Замонавий техника воситалари ёрдамида бундай ахборотлар оқимининг кириб келишининг янги технологиялари, ўсмир ёшларнинг ахборот маданиятига катта таъсир ўтказади. Айни дамда ёшлар ахборот олиш мақсадида бўш вақтларини кўп қисмини интернет–кафеларда дунёнинг турли чеккаларидаги ахборот ресурсларидан фойдаланиб ўтқазмоқда. Бундай ахборот ресурсларидан фойдаланиш, ташқи ва ички шароитларнинг ўзаро таъсири, тарбиялаш ва ўз–ўзини тарбиялаш, ёшларни сиёсий жихатдан камол топтириш, унинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг қудратли воситаси сифатида мухим рол ўйнайди.

Глобаллашув жараёнлари, ўсмирларнинг дунёқараши шаклланишига, миллий маънавиятнинг нисбатан камроқ ўзлаштирилишига сабаб бўлмоқда. Бу жараёнда, айниқса, телевидение, интернет, компьютер ўйинлари, киносериалларнинг таъсири кучли бўлмоқда.

Ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришда Президентимизнинг «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жахолатга қарши фақат маърифат билан бахсга киришиш, олишиш мумкин» (Ислом Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз”. – Т., 2000, 468-бет). – деган шиорига амал қилиш энг яхши йўл, тараққиёт гарови бўлиши табиийдир. Зеро,

ёшларда ахборот маданиятини шакллантирмай туриб, ўсмирларда ватанпарварлик қадриятларини шакллантириш асло мумкин эмас.

Оммавий ахборот воситаларида ватанпарварликни хотира кўринишида, атрофдаги инсонларга эътибор кўринишида, шахсий жавобгарлик кўринишида, юрт қаҳрамонларига нисбатан, ўз ватанига, халқига нисбатан фахр кўринишида ёритиш анъанаси катта ахамиятга эга.

Ўсмирларда ватанпарварлик қадриятларини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан кенг жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликка эришиш, уларнинг фаолиятига жамоатчилик баҳосини бериш тизимини ишлаб чиқиш ва бу тизимнинг тўлақонли ишлашини таъминлашга эришиш.

Ватанпарварлик қадриятларини шаклланишининг ички шахсий муносабатларнинг манбаи ўсмир фаолияти, мулоқот ва муносабат жараёнлари хисобланади .Улар ўзгариши, барқарор-беқарор тус олиши, ёки йўқолиб кетиши мумкин.Ўсмирлар ўртасида ижобий шахслараро муносабатлар ижтимоий адаптация,яъни ижтимоий вазият ва муносабатларга мувоффақиятли мослашиш имконини беради.Уларда бошқаларга кераклилик хиссини шаклланишига имкон беради.

Ўсмир ёшларда энг юқори қадриятлардан ҳисобланган, ватанпарварлик қадриятларини шаклланишида оила, таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги катта аҳамият касб этади.Бу борада педагогик талабларнинг ўсмир шахсига ижобий таъсир этиши, ўсмир тарбияси учун мутасадди бўлган мутахсислар, ота-оналар учун психологик саводхонлик даражасини юқори бўлишлигини талаб қилади. Акс холда бу талаблар ўсмир шахси учун ўзига хос “ Босим” сифатида қабул қилинади. Ўсмирлик ёшига хос ушбу хусусиятларни таркиб топишида улардаги хаётий тажрибанинг етишмаслиги, ўз фикр ва мулохазаларида тезкор, айрим холларда ўйланмасдан қарорлар қабул қилишлари сабаб бўлади .

Юқоридагиларни таъкидлаган холда ўсмирларда ватанпарварлик қадриятларини шакланишида қуйидаги хулоса ва амалий тавсияларни келтириб ўтамиз

- Ватанпарварлик қадриятларини шаклланиши ўсмирларда мустақиллик, интилувчанлик, инсонпарварлик каби шахс сифатларини таркиб топиши билан боғлиқ. Бу борада улардаги хиссий-иродавий хусусиятларни тарбиялаб боришда ўсмирлар билан бевосита психологик ташвиқот ва тарғиботишларини олиб бориш зарур.

- Мустақиллик йиллари ишга туширилган ва миллатнинг фахрига айланган санъат корхоналарга, экскурсилар уюштириш, уларда мехнат қилаётган эл хурматига сазовор бўлган инсонлар билан сухбатлар ўтказиш

-Ўсмирлардаги хаётий, истиқболли режаларини ватан, миллат,халқ тақдири билан хамохангликда идрок этишга йўналтириш.

- ватанпарварлик мавзуига алоқадор илмий-тадқиқот ишларида

- Ёшлар ўртасида ватанпарварликни шакллантиришда таълим-тарбия тизими, хусусан, унда ўсмирлардаги ижтимоий психологик, индивидуал типологик хусусиятларни ўрганишнинг ўрни муҳим омилдир.

- Таълим муассасаларида ҳар бир ўқитиладиган мавзуларни фан ўқитувчилари ватан мавзуси билан боғлаш ва бу соҳада йирик илмий мерос қолдирган ватандошларимизни эслатиш.

- Оилаларда ўсмирларни ватанпарварлик қадриятларини шакллантириш борасида махалла фуқаролар йиғини томонидан тарғибот-ташвиқот ишларини этнопсихологик хусусиятларимизга хос тарзда олиб борилишига эришиш.

- Ўсмир ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва фидокорлик хиссларини кўчайтириш педагогик психология ва ижтимоий психология фанлари бўйича ўқув қўлланмаларини тайёрлаш .

- Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сонини кўпайтириб, газеталар, журналлар, веб-сайтлар билан ўсмир ёшларни тўғри фойдаланиш маъданиятини шакллантириб, ватанпарварлик тўғрисидаги маълумотларни кенг тарзда бериб бориш зарур.

- “Ўзбекфильм” студияси бадиий савияси юқори ватанпарварлик туйғусидаги бадиий фильмларни яратишда изланишлар олиб боришлари ҳаётий зарур.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Нишонова З.Т, Алимова Г.Қ. “Болалар психологияси ва ўқитиш методикаси” Т., 2006 йил
2. Ибрагимова Х.И. ва бошқалар “Педагогик психология” Т., 2009 йил

THE ROLE OF ENGLISH IN THE INTERNATIONAL COMMUNICATION

Каттабаева Д.К. ЎзДЖТУ

Annotation. *A global communication expands throughout the world. A language that is recognized and understood by people everywhere, in many parts of the world the language which has been established*

is English. In most countries English dominates international business, politics and trade more than any other languages in human history.

Способ интерактивного образования, использование современных компьютерных технологий, здесь происходит общение: студент-компьютер, преподователь-компьютер, студент-преподователь через компьютер и наоборот. Это основной признак образования с помощью компьютерных технологий. Компьютерные технологии используются во всех ступенях процесса образования, а именно в изучении новой темы урока, её закреплении и повторении, в проведении контроля, в проведении практических и лабораторных занятий, при самообразовании и при проверке знаний студентов. Таким образом, при всём этом компьютер, создавая для студентов интерактивную среду, выполняют задачи учителя, технического приспособления, объект изучения, товарища по работе, также позволяет с пользой провести свободное время.

Признаками интерактивного образования с помощью компьютерных технологий являются:

– являясь источником учебной информации, компьютер частично или полностью охватывает содержание книги, используется учителем, как средство преподавания;

– современные компьютеры являются демонстрационным пособием, здесь используя мультимедийные и телекоммуникационные возможности компьютера, можно добиться высоких результатов учебного процесса;

– компьютерные технологии являются не только отраслью обмена и использования информации, возможно здесь студент овладеет нужной ему информацией, и вместе с этим получает ответы на нужные вопросы;

– компьютерные технологии являются средством проверки, средством диагностики и контроля, здесь студент может проверить, диагностировать и провести контроль своих знаний по своей специальности.

Компьютерные технологии, как средства ввода, подготовки, редактирования и хранения информации (Программы хранящиеся в папке Microsoft Office: Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft Access, Microsoft Power Point и др.), выполняют задачи ввода вывода текста, ввода и вывода графической информации, выполняет в большом масштабе вычислительные действия, а также являются средством подготовки публикаций [5].

Как объект изучения современные компьютерные технологии имеют следующие признаки: язык программирования, компьютерные программы, которые проявляется при использовании нескольких информационных приспособлений.

В ВУЗах и в средних специальных профессиональных колледжах, а также в академических лицеях в сотрудничестве между преподавателями и студентами в обществе, определённой специальности, в качестве интерактивного общения эффективно используются для широких аудиторий телекоммуникации в сети Интернет.

Не зря, в приказе № 38 от 20 февраля 2004 года «Об обучении студентов работе в сети Интернет» сказано: «Перед системой высшего образования стоит одна из важнейших задач – обучение студентов работе с современными компьютерными технологиями, особенно работе в сети Интернет и выработки прочных практических навыков, а также с помощью Интернет – сети плодотворно использовать информационные ресурсы, самостоятельно овладевать новыми знаниями и в будущем, организовывать трудовую деятельность на научной основе» [1].

Студент, для того, чтобы с пользой провести свободное время, может воспользоваться компьютерными технологиями следующим образом:

- выполнять самостоятельную работу по пройденному материалу;
- получения нужной информации из сети Интернет [2];
- использование учебных программ в сети [4].

Интерактивные свойства использования учителем в учебном процессе компьютерных технологий:

- организация учебного процесса для целой аудитории, урока, объединённого занятия и если, необходимо, в научных целях (при изучении новой темы, её закреплении, повторении, контроле, на лабораторных и, практических занятиях, при самообразовании и др.);
- повышение активность студентов на занятии и повышение их усвояемости, при управлении компьютерной сетью;
- со стороны преподавателя: наблюдение за работой студентов, общий и когда нужно индивидуальный подход к студентом, умение получить информацию через компьютерную сеть информацию об уровне знаний каждого студента;
- умение учителя правильно подготовить элементы среды обмена информацией, они их разделение связано со специальными предметами (средства обучающие и показывающие работу с компьютерными, программные приспособления и системы, электронные учебники, электронные учебные пособия и др.)

В системе высшего образования использование компьютерных технологий при изучении специальных предметов в интерактивном режиме, при информатизации образования требуется компьютерная грамотность студентов и преподавателей, профессоров. Основная часть компьютерных технологий считается компьютерную грамотность составляет следующее:

- освоение основных понятий информатики и информационных технологий;
- освоение внешних и внутренних приспособлений компьютера, а также их функциональных возможностей;
- умение использовать современные операционные системы и программы – оболочки (Windows, Total Commander и др.);
- умение правильно и с пользой использовать возможности глобальной сети Интернет;
- умение пользоваться электронной библиотекой и при помощи электронных писем, получать информацию, касающуюся специальности;

• наличие современной базы данных, гипертексты, мультимедиа (гипермедиа), микромир, электронные коммуникации (сети), наличие компьютерного информационного окружения, включающего в себя экспертную систему;

• умение вести интерактивную беседу, с помощью международных серверов и быть в курсе научно-технических новостей.

В системе высшего образования в процессе интерактивного обучения, компьютерные технологии развивают идею программного обучения, современная компьютеры и возможности телекоммуникации, открывают ещё не изученные новые варианты обучения. Это обеспечивает представление обучающемуся, процесс подготовки психологической, педагогической и другой информации с помощью компьютера, а также процесс изучения, корректировки, наблюдения и передачи данных. В этом процессе, следующие три варианта компьютерных технологий являются основными:

• технология сбора новой информации по специальности с помощью компьютера для будущих учителей, при этом отдельно обучать с помощью электронного учебника или пособия, возможность получения информации;

• изучающиеся темы, отдельные дидактические задания и похожие на них другие данные;

• по упомянутому выше предмету, из основных используемых частей компьютерных технологий, определяются самые важные;

• монотехнология, здесь управление уроком – всё: диагностика, все виды мониторинга которые базируется на основные цели использования современных компьютерных технологий в высшем оборудовании;

• обучение студентов работе с информацией по специальности, развитие у студентов коммуникативных способностей;

• дать столько информации, сколько может усвоить студент (по принципу от простого к сложному);

• обучить студентов ведению научных изысканий, проведению их исследований, умению принимать оптимальное решение.

Таким образом, на сегодняшний день, одна из важнейших задач системы высшего образования – это приведения учебного процесса к современному уровню с помощью компьютерных технологий, целью этого является, использование интерактивных методов. Воспитание полноценных кадров, отвечающих всемирным требованиям, это вклад преподавателей в научное, экономическое и духовное развитие нашей страны.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Высшее образование: сборник нормативно-правовых документов. – Ташкент: «Istiqlol», – 2004 г. – 511 с.

2. Арипов М.М. «Основы Интернета и электронной почты». –Ташкент:«Universitet».–2000 г.

3. Гуломов С.С. «Информатизация рыночной экономики и общества».–Ташкент:-1996г.

4. Крейнак. «Internet ensiklopediya». – Питер: Мх560, – 1998.

5. Зарипова Г. К. «Информатика и информационные технологии». –Ташкент: «Fan va texnologiya», – 2013 г. – 172 с.

ZAMONAVIY TASVIRIY SAN’AT DARSLARIDA KOMIL INSON TARBIYASI.

Avliyakulov Muzafar Muxamedovich, Bux DU tasviriy san’at va muxandislik grafikasi kafedrasi katta o’qituvchisi.

This story bringing up well-bred person was identified widely using from the methods of the pedagogical technology at the art lessons.

«…o’quv jarayoniga yangi axborot va pedagogik texnologiyalarni keng joriy etish, bolalarimizni komil insonlar etib tarbiyalashda jonbozlik ko’rsatadigan o’qituvchi va domlalarga e'tiborimizni yanada oshirish, qisqacha aytganda, ta'lim-tarbiya tizimini sifat jihatidan butunlay yangi bosqichga ko’tarish diqqatimiz markazida bo’lishi darkor».

I.A.Karimov

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o’quv jarayoniga qo’llashga bo’lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri an'anaviy ta'limda o’quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o’rgatilgan bo’lsa, boshlang’ich ta'limda zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o’zlari qidirib topishlariga, mustaqil o’rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o’zlari keltirib chiqarishlariga o’rgatadi. O’qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi.

Ilg’or pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonini unumdorligini oshiradi, o’quvchilarning mustaqil fikrlash jarayonini shakllantiradi, o’quvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkamlash, o’zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko’nikma va malakalarini shakllantiradi.

Ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, internet va multimedia o’quv resurslaridan foydalanish ta'lim texnologiyasini tarkibiy qismi hisoblanib, u sifat samaradorlikni oshirish uchun xizmat qiladi.

Zamonaviy dars – Xalq ta’limi xodimlari uchun eng muhim eng dolzarb masala hisoblanadi. Oxirgi yillarda bu mavzu yuzasidan amaliy ishlar olib borilmoqda.

Yaxshi dars yaxshi tayyorgarlikdan boshlanadi. U o‘quvchini o’ylashga, fikrlashga, ko‘proq munozaraga tortadi. O‘qituvchi ijodkor bo‘lmog‘i va yana o‘quvchilarni ham ijodkor qilib tarbiyalashga erishmog‘i darkor. Dars samaradorligini ta’minlashda uning tashkiliy tomonlariga ham e’tibor berish: o‘quv xonaning sanitariya–gigiena holati, tartib-intizom, o‘quvchilarning o‘quv qurollari, vaqtni to‘g‘ri taqsimlay bilish, jihozlar, ko‘rsatmalar, texnik vositalar, yaxshi natija beradi. Hozirgi zamon darsi fan, adabiyot, san’at, madaniyat, texnika ishlab chiqarish yutuqlaridan unumli foydalanishni talab etadi. Dars samaradorligini oshirishda o‘qituvchi o‘tilayotgan mavzu mazmuniga o‘qitishning mos usul va uslublarini tanlab olishi muhimdir. Dars metodini o‘qituvchi o‘zi tanlab oladi. Darsni turli xil metodlarda tashkil etish mumkin. Dars tashkil etish metodlarini ham o‘qituvchi mashg‘ulot davomida o‘rganadi va amaliyotda qo‘llaydi.

Bola dunyoga kelar ekan u gapirish, yurish, ota- onasi kimligini bilishdan avval ranglarni seza boshlaydi. Bu esa bolalarni atrof muhitni kuzata olishga avval o‘zgarishlarni tez ilg‘ay olishga undaydi. Bola yoshi ulg‘aygan sari uni tasavvur va kuzatuvchanlik qobiliyati o‘sadi va barcha narsalarga qiziqish bilan qaraydi hamda o‘zi ham nimadir chizishga, o‘zicha rang tanlashga harakat qiladi. Bu bolada qobiliyatini shakllanish belgisidir. Ana shu holatni ota-ona ham seza olishi va boladagi qobiliyatni rivojlantirishga yordam berishi lozim. Tasviriy san’at fani o‘quvchilarga nafosat tarbiyasini beradi. Ularni hayotdan zavq ola bilishga va yangiliklar yaratishga undaydi. Tasviriy san’at o‘quv fanining maqsadi o‘quvchilarga ma’naviy madaniyatning ajralmas qismi hisoblangan badiiy madaniyatni, tasviriy savodxonlikni shakllantirishdan iborat. Har bir inson o‘ziga xos qobiliyat bilan tug‘iladi uning iste’dodi, qobiliyati va iqtidorini o‘z vaqtida anglab yetish, uni rivojlantirish biz o‘qituvchilarning asosiy vazifamizdir.

Darslarda turli interfaol usullardan foydalanish dars samaradorligini oshiradi. Darsni faqat rasm chizish deb tushunmaslik, darsda amaliyot nazariya bilan birgalikda olib borilsa o‘quvchi xotirasida ko‘proq saqlanadi. Rassomlar asarlari, tasviriy san’atda uchraydigan turli terminlar o‘quvchilarni ish daftariga yozib borilishi, o‘quvchilarga o‘zlari izlanib, turli manbalardan foydalanib tasviriy san’at nazariyasi, rassomlar hayoti, asarlarini o‘rganib kelish topshirilsa, bu o‘quvchilarni fanga bo‘lgan qiziqishini yana ham oshiradi. Bundan tashqari maktabdagi iste’dodli, qobiliyatli o‘quvchilar o‘rtasida turli mavzularda rasmlar tanlovi o‘tkazish kerak. O‘quvchilar chizgan rasmlardan ularni shaxsiy ko‘rgazmasini tashkil etish juda yaxshi natija beradi. Birinchi iste’dodli o‘quvchi chizgan rasmlari bilan butun maktab o‘quvchilari tanishadi. Ikkinchidan bu rasmlar ko‘rgazmasi boshqa o‘quvchilarni tasviriy san’at faniga bo‘lgan qiziqishini oshiradi.

Hozirgi globallashuv va tarixiy davrda, respublikamizda ta'lim tizimini rivojlantirishda muhim vazifalarni bajarish bo’yicha keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi yuqori darajadagi umumiy kasbiy madaniyatga, ijtimoiy faollikka, mustaqil fikrlashga, murakkab ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni echish qobiliyatiga ega bo’lgan jahon andozalari talablariga mos keladigan barkamol avlodni shakllantirishga yo’naltirilgan. Mamlakatimizning hamma jabhalari mustaqillik mafkurasi asosida tez rivojlanib, ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy va insoniy qadriyatlar yangicha milliy mazmun kasb etmoqda. Respublikamiz rivojlanishini jadallashtirish inson omili, ma'naviy-madaniy qadriyatlar hamda yoshlar ta'lim-tarbiyasi, ularga kasb-hunar o’rgatishni jahon standartlari asosida tashkil etishning ilmiy-nazariy asosini yurtboshimiz o’z asarlarida ochib berdilar va yoshlar ta'lim-tarbiyasini mamlakatimiz mustaqilligini mustahkamlash, uni kelajagini belgilaydigan muhim muammo ekanligini ko’p marta takidladilar.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ, ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА ИЖОДКОР ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Азимов Санжар Самадович
Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, таълимнинг янги тизими ва мазмунини шакллантириш учун «илғор педагогик технологияларни ҳамда ўқув-тарбиявий жараённинг дидактик таъминотини яратиш» катта аҳамиятга эга. Бу муҳим вазифани ижобий ҳал этиш таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи энг мақбул омилларни излаб

топиш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш юқори интеллектуал салоҳиятга эга ижодкор педагог кадрларни тайёрлашнинг муҳим шартларидандир.

Назарий ва амалий машғулотларни янгича ёндошув асосида ташкил этиш, талабаларни борлиқни хаққоний образларда мукаммал тасвирлашга ўргатиш ва бўлажак педагог-кадрларни амалиётга пухта тайёрлаш тасвирий санъат мутахассислиги бўйича ижодкор педагог кадрларни тайёрлашнинг илк босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан саналади. Қоғоз юзасида жисмларнинг асл шаклини юксак маҳорат билан тўғри тасвирлаш учун талаба аввало тасвирий санъат борасидаги билимларни пухта эгаллаши, тасвирий санъатнинг технологик жиҳатларини мукаммал ўзлаштирилиши ва уни амалиётга тадбиқ этишни билиши лозим. Шунингдек, у натурага қараб, хотира ва тасаввур асосида, расм чизишни билиши зарур. Албатта, бундай ижодий топшириқларни бажариш одамдан маълум қобилиятнинг бўлиши ва ўз устида узлуксиз, бетиним ишлашни талаб этади.

Расм чизишга ўргатиш бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади:

1. Нарсани ўзига қараб англаш, кузатиш, жисмларни ўзаро таққослаш;
2. Жисмларни шакли, ранги, материаллик хусусияти бўйича фарқлай олиш;
3. Натурани тўғри идрок этиш ва хаққоний иш жараёнида тасвирлаш технологияларини қўллай олиш;

Булар тасвирий малакаларни шакллантиришнинг дастлабки, ўз навбатида мураккаб ва энг зарурий шартларидандир.Тасвирлаш машғулотлари талабанинг эътиборли бўлишга, фикрлашга ва жисмларнинг шаклини аниқ таҳлил қилишга ўргатиши лозим.

Реалистик расм чизиш услуби ҳамда маҳоратини ўзлаштириш учун тасвирлашда кетма-кетлик асосларини билиш ва турли тасвирлаш воситаларидан фойдалана олиш катта аҳамиятга эга.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси назарий ва амалий машғулотлардан қуйидаги билим ва малакаларга эга бўлиши зарур:

- турли хил қаламлар, бўёқлар билан ишлашни ўрганиш;
- керакли ранг ва тусни ҳосил қилиш учун бўёқларни аралаштира олиш;
- турли мураккаб ва таркибий рангларни ҳис этиш қобилиятининг шаклланган бўлиши;
- ранглар уйғунлигини тушуниши ва амалиётда ундан самарали фойдалана олиши ;

Табиатдаги барча шакллар, шунингдек, инсон танаси ҳам ўзида турли геометрик қисм бирикмаларидан таркиб топган мураккаб пластик шаклни акс эттиради. Шунинг учун тасвирий санъат бўйича дастлабки машғулотлар оддий геометрик шаклларни турли ҳолат ва ракурсларда чизишга бағишланади.

Тасвирий санъат машғулотларининг асосий вазифаси – бўлажак педагогда борлиқни ҳис этиш ва уни жонли тасвирлай олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

Тасвирий маҳоратни шакллантириш жараёни натурани ҳаётий тасвирлаш машқлари орқали амалга оширилади. Бу ҳақда уйғониш давридаёқ рассом ва тасвирий санъат назариётчилари ўзларининг илмий мақола ҳамда чизматасвирларида қимматли фикрларни баён этганлар.

Жисмни тўғри тасвирлаш учун аввалambор маълум жисмнинг ўзига хос томонларини тўғри кўришни ўрганиш керак. Бу осон иш эмас,албатта .У доимий машқ қилишни талаб қилади. Натурага қараб жисмларнинг расмини чизишнинг қийинчилиги бизнинг натурани қандай қабул қилишимиз, ҳамда уни англаб етишимиз билан боғлиқ. Маълумки, ҳар бир одам жисм ва уларнинг тасвирини турлича тасаввур этади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир одамнинг кўз тузилиши, айниқса тасвирий санъат борасидаги кўриш қобилиятига боғлиқ.Расм чизишни ўргатиш учун талабада жисм шаклини масофадан кўриш ва тасвирлаш қобилиятини шакллантиришдадир. Жисм шаклини масофадан (кенгликда) кўриш ва тасвирлаш – жисмни «тўла ҳажмда», уч ўлчамли шаклда (баландлиги, эни ва қалинлиги) кўриш демакдир. Ўқув машғулотларида асосий эътибор натура ўлчамларини тўғри ифодалаган ҳолда, хаққоний кўрсатиб бериш қаратилади. Бунга кўз билан ўлчаш, масофа ва жисм ўлчамларини кўзда чамалаш, натурани тўғри англаш орқали эришилади. Бунинг учун талабада жисм ўлчами ва масофани кўз билан чамалаш қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чамалаш қобилят бўлажак мутахассисларни ўз ишларига нисбатан эътиборли, масъулиятли бўлишга ўргатади.Шунингдек уларда табиатни синчковлик билан таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилади ва бир вақтнинг ўзида кўрган қиёфани эслаб қолиш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Чамалаш қобилиятини шакллантириш учун иш жараёнида доимий равишда кўз билан нисбатни аниқлаб туриш яхши натижа беради. Кўриш орқали эслаб қолиш рассомнинг энг қимматли ва эътиборли хислати бўлиб, у орқали жисм шакли, нисбати ва тузилиши ҳақидаги аниқ ва умумий тасаввур хотирада сақланади. Бу эса шаклни хотира, тасаввур, англаш асосида чизиш имконини беради ва рассомнинг келгусида мустақил композициялар, эскизлар яратиш борасидаги ишларини бирмунча енгиллаштиради.

Натурадан расм чизиш бўйича олиб борилган доимий машқлар натижасида кўриб эслаб қолиш қобилияти ривожланади. Бундай машқлар, айниқса, тасвирий санъатга энди қадам босаётган ёшлар орасида кўпроқ ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу тизим жисмларнинг шакли, конструкцияси, нисбатлари ва пластикаси тўғрисидаги тасаввурни – жисмларнинг табиий кўринишини хотирада янада мустаҳкамлашда асосий ўрин тутади.Бу вазифани амалга ошириш қисқа муддатли чизгилар ва расмлар ишлашни кўзда тутилади. Кўриш хотирасини мустахкамловчи бундай машғулотларда аввало асосий қисм ёдда сақланади, иккинчи даражали қисмлар умумий тарзда кўрсатилади. Бундан асосий мақсад – умумий шаклни эслаб қолишдир.Кўриш хотирасини мустаҳкамловчи машғулотлар давомида эслаб қолиш даражаси ҳам кенгаяди ва чуқурлашади: Бунинг пировардида иккинчи даражали қисмлар ва бўлаклар ҳам хотирада қолади. Чизгилар ва қисқа муддатли расмлар талабанинг натурани хаққоний кўра олиш, – тўлиқ кўриш қобилиятини ривожлантиради ва тарбиялайди.

Бўлажак мутахассислар орасида белгиланган тартибда ишламайдиган талабалар ҳам учрайди. Улар умумий шаклдан кўра унинг қисмларига кўпроқ эътибор қаратиб , натурадаги ҳар бир элементнинг моҳиятини тушуниб етмайди. Тасвирни тўлиқ кўра олган, «умумийдан - қисмларга ва қисмлардан – яна умумийга» тамойилидан фойдаланган,уни анализ ва синтез қила олган талабанинг ишида самара бўлади. Доимий равишда қисмларни умумий жисм билан тасвирлаб иш юритиш айни пайтда расмнинг ҳар бир қисми устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

Шаклнинг нисбатлари ва чизиқли-конструктив тузилишини штрихлаш орқали аниқлаш рассомдан бир вақтнинг ўзида бутун расм устида ишлашни талаб этади. Оддий натюрмортдан тортиб, то мураккаб шаклга эга бўлган инсон қоматини тасвирлашда ушбу тамойилга катта эътибор қаратилади.

Тасвирлаш малакасини ўзлаштириш маълум миқдорда тўлиқ кўриш қобилиятини ҳам ривожлантиради. Бажарилаётган ишнинг муваффақиятли чиқиши учун талабанинг мольберт олдида қандай ўтириши ва қаламни қай ҳолатда ушлаши ҳам муҳим аҳамиятга эга.Талаба қаламнинг охиридан-чархланган учига нисбатан қарама-қарши тарафдан ушлаши керак. Бунда қалам қоғоз устида исталган бурчак бўйича ҳаракатлана олади. Расм чизиш жараёнида қўлнинг мустаҳкам ҳолатини таъминлаш учун жимжилоқ учини мольбертга оҳиста тиралади. Керакли тус чиқариш штрихларни тенг интерваллларда бир-бирига параллел равишда чизиш орқали эришилади. Сферик юзаларда тўқ тусдан оч тусга ўтиш штрихлар орасидаги интерваллларни камайтириш ёки кўпайтириш, қалам учини қаттиқроқ ёки енгилроқ босиш орқали амалга оширилади.

Маълумки, жисмнинг тўла ҳажмини бир томондан кўриш мумкин эмас. Фақатгина жисмнинг ҳар бир қисмини атрофдан кўриб чиқиб,унинг хақиқий шаклини билиш мумкин. Жисмларнининг кенгликдаги кўринишини тасаввур эта олиш ва англаш маҳорати қўйилган жисмнинг хаққоний тарзда тасвирланишда намоён бўлади. Шунинг учун жисмларнинг бизга кўриниб турган чегаралари ва контурлари ёрдамида жисмга ёруғлик тушиши ва ҳосил бўладиган сояни ҳисобга олиб, жисмнинг сиртқи тарафи тўғрисида тасаввурга эга бўламиз. Кўриб англашнинг ушбу хусусиятлари реалистик тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларини белгилаб беради. Ўз навбатида, реалистик тасвирда шундай хусусиятлар бўлиши лозимки, улар жисмнинг шаклига, тусига қараб тасвирни тўғри тасаввур этиш ёки тушуниш имконини бериши керак.

Тасвирий санъатга ўргатиш жисмларни кенгликда кузата билишни ўргатишдан бошланади. Бундан кўзланган асосий мақсад, жисмларни шаклан ҳис этиб сўнгра уни тўғри тасвирлай олишдир. Реалистик тасвирий санъатда инсонни ўраб турувчи шакл ва жисмлар табиатда қандайлиги ҳамда уларни инсон кўзи қандай қабул қилса, шундай тасвирлайди. Бунинг учун талаба кўриб идрок этишнинг баъзи хусусиятларини эгаллаши, шаклни қоғоз юзасида тўла ҳажмли этиб тасвирлаш қоидалари ва усулларини билиши талаб этади.

Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрларида бўлгани каби, қаламтасвирга ўргатиш жараёни ҳам машғулотларнинг оддийдан – мураккабга тартибда амалга оширилади. Бунда талаба олдинги машғулотни етарли ўзлаштирилмаган бўлса, кейинги, янада мураккаброқ вазифани бажаришда анча қийналади. Хулоса қилиб шуларни таъкидлаш жоизки, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси учта таълим жараёнида нафақат ўзининг амалий малакаларини ривожлантириши, балки, назарий асосларни ҳам пухта ўзлаштириши муҳим ҳисобланади.

ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ СРЕДСТВ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Хамраев И.Т., Танташев И.Д. ***(студент)***
Бухарский государственный университет

Великий врачеватель Симон Андре Тиссо еще 300 лет назад, когда не существовало профилактики заболеваний, а медицина была представлена чисто эмпирическими приемами, увидел поразительные возможности физических упражнений. Это прозрение лишь на первый взгляд кажется

невероятными. Еще более удивительно то, что несколько тысяч лет до этого на нашей планеты и на Западе (в античной Греции), и на Востоке (в древних Индии и Китае) существовали развитые – и различные! – системы занятий физическими упражнениями, которые не только выдержали проверку временем, но и в наши дни успешно конкурируют с самыми современными оздоровительными методами.

Ошибочно думать, что своеобразное «сосуществование» принципиально различных методов оздоровительной физической культуры, которым характеризуется сегодняшнее состояние дел в этой области, вызывает у специалистов лишь радость по поводу резко расширившегося «ассортимента» возможностей занятий, равно как и у другой части специалистов – тревогу в связи с «отклонением» этих занятий от привычных и апробированных стереотипов. Как внутренние потребности развития физической культуры, так и, главное, запросы общества требует прежде всего всестороннего выяснения оздоровительного потенциала физических упражнений – важнейшего условия наиболее эффективного использования их для людей разного возраста и физической подготовленности.

В соответствии с современными представлениями, закрепленными в Преамбуле Устава ВОЗ, здоровье рассматривается как состояние наибольшего физического, психического и социального благополучия, а не только как отсутствии заболеваний [1].

Многовековой опыт использования средств физической культуры свидетельствует о том, что для достижения оздоровительного результата нет необходимости в применении большого количества физических упражнений – для этого достаточно немногих из них (десятков и сотен, а не тысяч и миллионов). Важно подчеркнуть, однако, в освоении лекарственных веществ человечество продвинулось гораздо дальше, чем в выяснении специфики оздоровительного использования физических упражнений, где сделаны лишь первые шаги. При учете реальных потребностей людей разного возраста и состояния их здоровья, характеризующихся глубокими качественными различиями регуляции функций, становиться ясно, как важен для общества поиск специфики регуляторно-трофического действия упражнений, позволяющий, в конечном счете, дать функциональную классификацию – типа своеобразной «таблицы Менделеева» - своеобразия оздоровительных влияний всего арсенала средств физической культуры.

Исключительно важным, причем не только для чисто оздоровительных целей, но и для самой широкой общественной практики – труда и учебы, является «эффект погашения» вегетативных реакций, характеризующий срочное, немедленно наступающее уменьшение степени функционального напряжения важнейших систем организма в результате переключения активности на иной двигательный стереотип [2]. В основе этого явления, практически используемого в виде чередования нагрузок или рассевания упражнений – одного из важных принципов лечебной физкультуры, и особенно активного отдыха лежит улучшение регуляции функций в результате деспециализирующих двигательную деятельность влияний. В результате этого утомительная работа становится более соответствующих биологической природе человека, которой свойственно разнообоазие движений, потребность избегать жестко закрепленных двигательных стереотипов.

Литература:

1. Устав всемирной организации здравоохранения. Женева. 1946.с. 3.

2. Муравов И.В. Моторно-висцеральные и висцерально-моторные рефлекцы. Пермь: Пермское книжное издательство, 1965.

РАНГТАСВИРДА ҲАВО ПЕРСПЕКТИВАСИНИ КЎРСАТИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Рамазонов, БухДУ

Улуғ рассом Леонардо да Винчи перспективани уч бўлакка бўлган эди. Чизиқли перспективада нарсалар киши .кўзидан узоқлаша ва яқинлаша боргани сари уларнинг ўлчовларида, ҳаво, рангларида ўзгаришлар юз беради.

Рельеф перспективаси деганда эса нарса шаклларидаги аниқлик ва уларнинг фазода узоқлашуви натижасида ёруғлик ва соя ўртасидаги нисбийўзгариш тушунилади.

Ранг ва ҳаво перспективасининг моҳияти, рангтасвир ишлашда расмнинг таъсирчан ва ифодали чиқишида аҳамияти каттадир.

Перспектива қискариш деган маънони англатади. Бунда кузатувчига нисбатан узоқлашиб бораётган томонлар олдинда турган томонга нисбатан бироз кичрайган ҳолда кўринади. Масалан, темир йўллар, симёғочлар мисолида буни кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳаво перспективаси, ранг перспективаси ҳам мавжуд. Ранг ва ҳаво перспективаси ҳам анашу талабларни амалга оширишда қўл келадиган муҳим усуллардан биридир.

Рангтасвир ишлашда амал қилиниши лозим бўлган қоидалардан бири бу «ҳаво перспективаси»дир. Ҳаво - инсоннинг яшаши учун зарур бўлган газсимон модда бўлсада, рангтасвир ишлаш жараёнига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади. Ҳаво таркибида чанг, ҳар

хил буғлар, заррачалар бўлганлиги сабабли, узоқда жойлашган нарсаларни идрок этишда ҳаво қатлами жиддий тўскинлик қилади. Масалан, кузатувига нисбатан нарсаларнинг узоқлашиб боришини кузатамиз. Чунки, яқиндаги нарсалар рангига ҳаво қатлами кам таъсир этганлиги сабабли уларнинг ранглари тиниқроқ, узоқ масофадаги нарсаларнинг ранглари хирароқ, ҳаво ранг аралаш кўринишда бўлади. Бунда кузатувчига нисбатан узоқлашиб бораётган объект тобора оч ҳаво ранг кўринишга эга бўлган ҳаво қатлами билан юпқа тарзда ўралиб бораверади. Шунингдек, йил фаслларига кўра ҳаво қатламининг қалинлиги, ёруғ сояларнинг кўринишлари ҳам турлича бўлади.

Одатда предметларнинг ранглари яқинида кузатилганга нисбатан бир оз узокроқдан тиниқроқ кўринади. Лекин, предмет кузатувчига нисбатан узоқлашиб бориши билан, уларнинг ранги ҳам кескин ўзгаради ва ҳақиқий рангларини ажратиш қийинлашади.

Рангтасвир ишлаш жараёнида ҳисобга олиниши керак бўлган муҳим шартлардан бири шуки, оч ранг тусига эга бўлган предметларнинг ранглари натура узоқлашган сари тўқлашиб боради. Тўқ рангдаги натураларнинг ранглари эса аксинча очлашиб боради. Ҳаво қанчалик тоза бўлса унинг қатлами ҳам шунчалик тиниқ бўлади, ҳамда кўкиш ҳаво ранг, бинафша ранг нурлари кўп бўлади. Ҳаво қатламидаги, бу ажойиб ҳодисани биз кўпроқ тоғликжойларда кузатишимиз мумкин. Рангтасвир ишлаётган ўқувчи маконнинг чуқурлигини (яъни масофани) олд, ўрта ва орқа планларни ифодалашда айрим камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Чунки, текислик, яқин-узоқда жойлашган предметларнинг ранглари ҳам бир-бирларига ўта яқин бўлиб кўринганлиги сабабли, уларни ифодалашда катта маҳорат талаб қилинади.

Рангтасвир ишлашда амал қилиниши лозим бўлган шартлардан яна бири бу «Ранг перспективаси»дир. Чунки, ҳаво перспективасининг таъсири табиат қўйнида кўпроқ бўлса, ранг перспективасининг таъсири табиат ва хона ичкарисида доимий равишда учрайди. Масалан оддий бир натюрмортни оладиган бўлсак ёруғлик қанчалик яқин жойлашган бўлсада, уларнинг ранглари шунчалик ёркин, равшан бўлиб кўринади. Ёруғликдан узоқлашган сари эса уларнинг ёритганлик даражаси кучсизланиб ранглар аралашиб боради. Шунгакўра предмет рангларининг тўйинганлиги ва равшанлик даражалари, ёруғ соя қонуниятлари ҳам кескин ўзгаради. Бу борадаги тажрибаларни бойитиш ва малакаларни ривожлантириш мақсадида хонадаги табиий ёруғликни тушириш орқали предметларнинг ҳақиқий рангдаги рўй бераётган ўзгаришларни амалий равишда кузатиб кўриш тавсия этилади. Айниқса, хонага табиий ёруғлик кам тушаётган бўлса, предметларнинг ранги ўта даражада тўқ, кул ранг ёки ноаниқ ранг тусларида кўринади.

Рассомлар ранг перспективасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганҳолда маконни шартли равишда ифодалайдалар. Бунга мисол қилиб қуйидаги рассомлар Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, Ю.Елизаров, Н.Кашина, Н.Корахан,М.Набиев, Б.Жалолов, Б.Абдурахмонов, Я.П.Салпинкиди ва шу кабилар томониданишланган манзара, натюрморт, портрет асарларини кўрсатиш мумкин. Бу тасвирий санъат асарларида биз ранг ва ҳаво перспективасига амал қилинганликни гувоҳи бўламиз. Айниқса, З.Иноғомов томонидан ишланган «Ферма» номли тасвирий санъат асарида биз ранг ва ҳаво перспективасининг ўзига хос таъсирини яққолроққис этишимиз мумкин. Рассом олдинги планда узоқдаги одамлар далада ўтлаб юрган сигирлар, қатор дарахтлар ҳамда ферманинг кўриниши тасвирлаган. Асарда илиқ ранг тусларининг ниҳоятда кўп вамаҳорат билан қўлланилган ҳолатлари аниқ тасвирланган.Натюрморт, портрет ва мавзули қуйилмаларнинг рангтасвирини ишлашда одатда ранг перспективасига асосий эътиборни қаратиш керак бўлади. Чунки бу ишлар кўпинча хонада бажарилганлиги учун ҳаво перспективасинингтаъсири унчалик сезилмайди. Ўз-ўзидан ранг перспективаси қонуниятларига амал қилишга эхтиёж туғилади. Бунда натура сифатида қўйилган предметларга назар ташлайдиган бўлсак, олдинги қаторда жойлашган натураларнинг ранглари, ёруғ-соялари аниқ, предметларнинг қисмлари эса яққол кўзга ташланади. Орқароқда жойлашган натураларнинг ташқи қиёфалари эса анчагина ноаниқлашиб, қирралари, ранглари хиралашади. Натюрмортнинг рангтасвирини ишлашда ранг перспективасининг аниқ шу хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Мазкур ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда қоғозга,матога ишланган рангтасвирларда натура ҳажмдор,ранг туслари, ёруғ соя муносабатлари, муҳит, натураларнинг жойлашган маконлари ҳақида ҳақиқий кўринишда ифодаланган бўлади.Бунда натюрмортда иштирок этаётган предметларни чизиқли перспектива қоидаларига кўра жойлаштирилганлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.Рангтасвир машғулотларида натюрморт ишлашда олдинги ўрта ва орқа планда жойлашган натураларни ранг перспекриваси ёрдамида ифодалашда чизиқли перспектива, уфқ чизиғи, натураларнинг юритилганлик даражаси, ёруғ-соя ва ранг тусларнинг муносабатларини ҳисобга олган ҳолда рангтасвир ишлашга ўқувчиларни ўргатиб бориш лозимдирлар. Ранг ва ҳаво перспективасини ўқувчиларга тушунтиришда таниқли рассом Н.Карахон томонидан ишланган “Куз” манзараси ва Ю.Елзаров томонидан ишланган “Натюрморт” рангтасвирларини ўзаро таққослаб кўрсатиш тавсия этилади. Бунда ўқувчилар ранг ва ҳаво перспективасини яққол

кўрадилар. Шу ўринда ўқувчиларнинг эътиборини манзара ва натюрмортдаги олд, ўрта ва орқа планларда тасвирланган объектларнинг ранг тусларига қаратиш керак бўлади. Ўқувчилар ана шу кетма-кетликда жойлашган ўзига хос тафовутларни илғаб олишлари лозим. Ўқувчиларга ранг ва ҳаво перспективасининг рўй берадиган ўзгаришлари тушунтиришда ҳам махсус кўргазмали қуролдан фойдаланиш тавсия этилади.

ПОРТРЕТНИ ИШЛАШДА УМУМИЙ ҲАЖМНИ КЎРСАТИШ ВА ДЕТАЛЛАР УСТИДА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

Ш.Рамазонов, БухДУ

Топшириқни муваффақиятли чиқиши қўйилмани тўғри яхлит кўришга эришиш билан етишиш мумкин.

Бош шаклига ишлов бериш соя қисмидан бошланади.

Соя яхлит, катта шаклни ажратиб, тус муносабатида камертон вазифасини ҳам ўтайди. Соядан кейин фон ечими ҳал этилади.

Талабалар кўпинча фонга унчалик эътибор беришмайди. Бошни ишлаб бўлишгач фонни бўяб қўя қолишади. Натижада йирик шакллар, шунингдек бош бўлаклари муносабатида хатоликка йўл қўйилади. Бошнинг соя ва фон муносабатлари топилгач ёритилган қисми ишлана бошланади. Тасвирлашнингбу босқичида бошнинг контур чизиғи фонда қандай харакгерда бўлишига кўпроқ эътибор бериш талаб этилади. Одатда талабалар бошнинг ёритилган қисми фонини кўпрок, соя қисмини очрок олишга ҳаракат қилишади. Модел контраст ёритилган бўлмаса, бошнинг ёруғ исми контури фонга нисбатан бироз тўкроқ бўлади, шунингдек соя қисми фонга нисбатан рефлекслар ёрдамида ёруғ чизиққа эга бўлади. Бошнинг шундай ёритилиши рефлекс чизиқ контури ёрдамида фондан ажратиб олишга ёрдам беради.

Бошнинг соя қисми фонга нисбатан белгилаб олингач, уиинг конструкцияси, характерига эътиборни кучайтириб катта шаклни аниқлашга ўтилади. Шаклни бир қанча текисликлардан ташкил топган ҳажм деб тушуниш керак. Мана шу ҳар бир майда текисли кўз тусига эга. Хажмли шаклни ифодалаш учун текисликлар чегарасини силлиқлаш шарт эмас. Ҳар бир текисликни бўлакларга бўлиб ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Юз бўлаклари - кўз, бурун, лаб ва ҳоказолар – дастлаб йирик текисликларда яхлит шаклда тасвирланиб сўнгра тус муносабатлари ҳал этилади.

Бу машқни бажаришда пешона, бурун, каби юз бўлакларининг тус характеристикасига эътибор кучайтирилади. Юзнинг пастки қисми яъни яноқ суякларидан бошлаб нур ўткир бурчак остида тушади. Шунинг учун юзнинг бу қисми кам ёритилади.

Катта текисликда ,шакл муносабатларини астойдил машқ қилгач, гризайль техникасида майда деталларга ишлов беришни кўриш керак. Бунда бош сил устида характерли деталларга аҳамият берган ҳолда, майдалаб ишлов берилади.

Масалан: рассом Гольбейн портретларига эътибор берсак, портретнинг энг характерли жойларига ката эътибор бериб тасвирлаган. Масалан, оғир осилиб турган жағ ёки кўзларнинг жуда кенг жойлашиши, баъзи портретларда эса бурунниng катталиги билан характер бера олган.

Биринчи топшириқниинг ечими талабалар учун анча таниш. Асосий кучни 2-3 топшириқларга қаратган ҳолда берилгаи машқ астойдил бажарилади. Майдабўлакларга пухта ишлов бергач, ишни яхлит ечимга олиб келмай туриб, портрет характерини тўлақонли ёритиб бўлмайди.

Бошнинг умумий конструкцияси ва бўлакларининг катта тус муносабатлари топилгач, кўз, бурун, қулоқ каби майда бўлакларга пухта ишлов берилади. Масалан: кўзни тасвирлашда кўз олмаси, қовоқ, қорачиғга ёруғ-соя бериш орқали ҳажмли ифодаланади. Кўзнинг шакли майда-майда текисликлардан иборат. Кўзни ишлаганда узун чизиқлар орқали эмас, балки бир неча планда турган текисликлар орқали топамиз. Расм чизишни ўрганаётган талаба чизиқ орқали қовоқ, киприк, қошни кўрсатишга уриниб катта камчиликка йўл қўяди. Юзнинг бошқа бўлакларида ҳам шундай уринишни кузатишимиз мумкин.

Ёруғ-соя муносабатларида ҳам талабалар жиддий хатоликларга йўл қўядилар. Чунки уларга ҳар бирини «алоҳида кўриш» сабаб бўлади. Шунинг учун тасвирлашда тез-тез таққослаш, натурани яхлит кўришгаўрганиш лозим. Яхлитлаш ишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Ишнинг сўнгги босқичида натурага яхлит қараш керак. Натурада қайси бўлак кўзга яққол кўриниб, қайси бўлаги фон билан бирлашиб кетаётганини яна бир карра кўздан кечирилади. Бошни шу тарзда яхлит қараш билан текшириб кўрилади. Ниҳоят, тасвирнинг баъзи жойларини кучайтириб, айрим жойларини сусайтириб ёки умумлаштириб соядаги шаклни сояга, ёруғликдаги шаклни ёруғга бўйсундирган ҳолда энг ёруғ ва энг тўқ жойларини белгилаш зарур.

Натурани ёруғ-соя томонларида, фонда бир хил тус такрорланмаслиги керак. Бош шакли пухта кўрилгач, унинг характери, харакати топилади. Бошнинг юз қисми композиццион марказ деб олинади. Унга барча бошқа бўлаклар бўйсундирилади. Бу сўнгги яхлитлаш босқичи эди.

П.П.Чистяковнинг шундай фикри бор: «Кўзлар ва кўз қорачиғлариниастойдил, бошқа юз бўлакларниэсаэркинроқишланг, бурун ва лаб бўлакларига эътиборни сусайтирманг». Бу усул белгача бўлган портрет тасвирида ҳам қўл келади. Яъни асосий эътибор бош тасвирига қаратилади. Кийимларни эркинроқ, қўлларгакаттаэътиборберибишлаш, асосий диққатни композиция маркази ҳисобланган бош тасвирига бўйсундирилади.

Бу машғулотларнинг учаласни ҳам талабалар мукаммал ўзлаштириб олгунларича тасвирлай бериш мумкин.

Агар талаба бош шакл конструкциясини тусда ифодалаш малакасига эриша олмаса, у зарур рангни керакли жойда қўллай олмайди.

Рангтасвир ҳам гризайлга ўхшаш муносабатлар асосида ишланади. Рангтасвирда нафақат тус, балки ранг фарқлари ҳам мукаммал кўрсатилади.:

Агар портретда ранг муносабатлари тўғри олинган бўлса, одамнинг юз, кўз ва бошқа характерларини топиш анча осон бўлади. Қалам тасвир кўринишида асосий шаклнинг нисбатларини топамиз.Тасвирлашни асосий қоидаси мавжуд: умумийдан майда бўлакларга қараб ишлов беришдир. Рантасвирда ҳам худди шу қоидага асосан матода муҳим йирик ранг муносабатлари топилади. Машҳур рассомларнинг ижодий ишларини кузатганимизда маҳобатли суратлар ҳам ўз рангтасвир жозибасини йўқотмаганини кўрамиз.Синчиклаб кузатсак айнан тўғри олинган ранг муносабатлари бунга мисол бўла олади.

Бош рангтасвирини дастлабки машқларида яхлит ранг муносабатларини тўғри топиш маъқул. Шу мақсадда 1-2 соатга мўлжалланган қисқа муддатли этюд ишланади. Бу ишлар ечими йирик ранг муносабатлари: бош шаклининг фонга нисбатан тўғри олиниши билан белгиланади. Майда бўлакларга ишлов берилмайди.Бундай қисқа муддатли этюдларни портрет ёки одам гавдасини тасвирлаш олдидан машқ қилиб кўриш тавсия этилади.

Турли индивидуал ранг харктерига эга бўлган 2-3 модель ёнма-ён кул ранг мато фонда қўйилади.Бу нарса турли моделларнинг ранг фарқини солиштириш имкониятини беради.

Машқнинг вазифаси бошнинг яхлит шакли,рангини фонга нисбатан бажариш билан чекланади.Юз қисмининг ҳар бир бўлаги ўз ранг тавсифига эга. Масалан: пешананинг чекка қисмлари ранг жиҳатидан бир мунча совуқ тус, бўйин қисми эса юзга нисбатан қизғиш бўлади. Тус жиҳатидан ҳам бу фарқлар турлича.

Бу машқни бажаришдан мақсад ранг фарқларини пухта ўрганиш эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Мисол учун Б.Саломовнинг ишини тавсия қилиб,турли одамларнинг бош этюдини ишлаганда ранг муносабатларини тўғри топиш фақат тус эмас балки ранг жиҳатдан тўйинганлигини ҳам инобатга олиш зарур.Рангтасвирнинг ҳақиқий чиқиши мана шу учала солиштирш натижасига бевосита боғлиқ.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек ёш рассом ранг тўйинганлигини тўғри фарқлай олмайди. Оқ бўёқни керагидан ортиқ ёки хира рангларни кўп ишлатадилар. Бурунни қизартириб, чекка қисмларини деярли аниқ ишлай олмайдилар. Яъни ранглар жуда бўртириб юборилади.

Бош рангтасвири фақат ранг хусусияти билангина эмас, ёритилиш кучи билан ҳам характерлидир.Шунинг учун кейинги машғулотимиз натуранинг ёритилишига қараб, рангларни ўзгариши хусусиятига қаратилади.

Одам тузилишининг анатомик қурилмасини ўрганиш мақсадида (яъни бўйин қурилмаси, кўкрак мушаклари, бўйин чуқурчаси) натура белгача яланғочланади.Анатомик тузилиши аниқ бўлган модел девордан бир оз узоқроқ, шакл ифодаси яққол кўринадиган қилиб, табиий ёруғликда қўйилади. Натурани масофада тўғри тасвирлаш иккинчи вазифа деб белгиланади. Талаба бу топшириқни бажаришда интерьер муҳитида ранг ва тус ҳолатини аниқлашга ўрганади.

Бу машғулотда юзнинг офтобда қорайган ва мудом кийим билан ёпиқ турган тананинг ранг ва тус муносабатига диққатни жалб этади.

Кўкрак мушаклари бош ва елка қисмининг қандай боғланиб туришини аниқлаб беради. Шунинг учун асосий диққатни анатомик қурилмага қаратиш мақсадга мувофиқдир.

ШКОЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА – ЦЕНТР ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Аракелов Сергей Рубенович, Ташкентский университет информационных технологий

The article examines the questions of the shaping information culture of the younger generation in the school library, there is as well as the changing the worldview under the influence of acquisition of new knowledge

Мировым сообществом на данный момент осознана необходимость специальной подготовки человека к жизни в информационном обществе путем формирования нового вида грамотности – информационной. Какое же место могут и должны занять в решении этой важной задачи школьные библиотеки?

Следует подчеркнуть, что в нашей стране в библиотеках общеобразовательных учреждений накоплен богатый опыт работы по информационному образованию и просвещению. Он связан с рядом направлений деятельности, которые именуются по-разному: формирование библиотечно-библиографических знаний, библиотечно-библиографической грамотности, культуры чтения, библиотечно-библиографической культуры, информационной грамотности, компьютерной грамотности. Однако в последние годы все эти привычные ранее понятия существенно потеснил термин «информационная культура личности». И это не случайно, ибо он позволяет выразить всю полноту содержания понятия, отражающего совокупность знаний и умений современного человека при работе с информацией. В отличие от понятия «информационная грамотность», понятие «информационная культура» несравнимо богаче.

Современная трактовка информационной культуры предполагает синтез старой, преимущественно книжной, библиотечной культуры и культуры, связанной с новыми информационными технологиями (компьютерной культуры). Информационная культура личности – это одна из составляющих общей культуры человека. Ее важнейшим компонентом, наряду с системой информационных знаний и умений (умение вести самостоятельный поиск, анализ и синтез информации с использованием как традиционных, так и новых информационных технологий), является информационное мировоззрение – это система взглядов, характеризующих сознательное отношение человека к информации и информационным ресурсам, понимание их роли и места в жизни современного общества, осмысленное отношение к необходимости получения специальной информационной подготовки.

В целом информационная культура трактуется сейчас как важнейший фактор успешной профессиональной и непрофессиональной деятельности, а также социальной защищенности личности в информационном обществе. В этих условиях школьная библиотека, представляя одно из начальных звеньев в цепи непрерывного образования, получает уникальный шанс поднять свой престиж, упрочить статус школьного библиотекаря за счет превращения библиотеки в особый центр – центр формирования информационной культуры личности. Центр, в котором учащиеся получают специальную информационную подготовку: овладевают знаниями и умениями организации информационного поиска как в традиционной (ручной), так и в новой информационной технологии, осваивают навыки анализа и синтеза найденной информации, технологию самостоятельной подготовки необходимых в ходе обучения информационных продуктов - конспектов, докладов, рефератов, обзоров и т.п. Для того, чтобы школьная библиотека стала подлинным центром формирования информационной культуры личности, на наш взгляд, требуется соблюдение, как минимум, двух условий:

1) наличие соответствующих информационных ресурсов, определяемых как «ресурсы на разных носителях: бумажном (книжный фонд, фонд периодических изданий); магнитном (фонд аудио- и видеокассет); цифровом (СД-диски); коммуникативном (компьютерные сети) и иных носителях;

2) профессиональная готовность школьного библиотекаря к формированию информационной культуры учащихся.

Теоретическую основу такого подхода составляют достижения современной социологии, психологии и педагогики детства. Особенность потребностей детей в социальной адаптации к окружающему миру заключаются в скрытом (латентном) их характере. Как писала Г. Мистраль, «дети не могут ждать», поэтому удовлетворение их потребностей должно носить сиюминутный характер по принципу «здесь и сейчас». Это значительно затрудняет информационно-библиотечную работу с детьми и выдвигает целый ряд требований к формированию фондов и организации обслуживания. В заключение хотелось бы подчеркнуть, что на пути превращения школьной библиотеки в подлинный центр формирования информационной культуры личности еще предстоит решить много проблем организационного, материально-технического, финансового характера. Однако ключевой фигурой, призванной обеспечить продвижение современной информационной идеологии в общеобразовательной школе, является библиотекарь. Школьный библиотекарь, имеющий специальное высшее образование, освоивший новые информационные технологии, готовый передавать свои информационные знания и учителям, и учащимся, может и должен стать равноправным участником образовательного процесса, формирующего особую грань культуры современного человека – информационную культуру.

Список использованной литературы

1.Arakelov S.R. Information and library science: innovative methods of teaching courses in the bachelor ", Proceedings of the 8th International Conference" Sentral Asia - 2014 ". - Karshi, 23-25 April, 2014.

2.Фесенко К. Как выбрать электронные ресурсы, и умело организовать их использование / К.Фесенко // Библиотека. – 2002. - №8. – С. 25-28.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Махмудов Мирали Хайдарович, ***Тошкент ахборот технологиялари университети***

In this article we can see knowledge and physical, scientific and common culture and esthetical fields of future generation.

Key words: future generation, social, scientific, outlook.

Маънавий баркамол инсон тушунчаси, кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга бўлган муносабатларнинг барча қирраларини ўз ичига қамраб олади.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг баркамол авлодга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишининг мақсади жамият мақсадларига боғлиқдир. Жамият қандай мақсадлар сари илгари бораётганлигини аниқ билган тақдирда, ахборот- кутубхона хизматида ҳам мақсад ва йўналишлар белгиланади.

Ахборот-кутубхона муассасалари ёш авлодни ҳар томонлама баркомол инсон бўлиб ривожланишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида адабиётлар тарғиботини йўлга қўядилар. Уларни ахборот ва адабиётларга бўлган қизиқишни қондиришни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бунинг учун ҳар бир баркамол авлодни ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиб, баркамолликка асос бўлишига ҳисса қўшадиган энг зарур адабиётларни тавсия этиш йўлларини белгилайдилар.

Ҳозирги кунда ахборот-кутубхона муассасалариларнинг асосий вазифаси ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган **ақлий ва жисмоний ривожланган шахсни шакллантиришдир.**

Ақлий камолот юксак илмийликни, маданиятлиликни ва нафосатни ўзида ифодаласа, жисмоний камолот баркамол авлодни ҳар томонлама жисмоний соғлигини ифодалайди. Ақлий ва жисмоний камолотни баркамол авлодда уйғунлашуви баркамоллик нишонасидир. Баркамол авлодни ҳар томонлама камол топиши уни маънавий жиҳатдан ҳам тараққий этишига таъсир кўрсатади. Уни замонавий билим эгаси бўлишига, маърифатлий, маданиятли шахс бўлишига олиб келади.

Шахсни ҳар томонлама тараққий эттириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг барча ахборот- кутубхона хизмати ишларини ташкил этишнинг методологик асоси бўлиб ҳизмат қилади.Ахборот-кутубхона муассасалари баркамол авлоднинг янги қизиқишларини шаклланишига, қизиқишини чуқурлашига ва тараққий этишига яқиндан кўмаклашадилар ҳамда ўқиш доирасини кенгайишига маълум миқдорда таъсир кўрсатадилар.Ушбу ишларни натижалари баркамол авлодни китоб танлашида, фикрлашини ривожланишида, қизиқишини шаклланишида намоён бўлади.

Ибтидоий жамоадаги тарбия жараёни, унинг дастлабки куртаклари ҳақида фикр юритиш ҳамда ўша жараёнларни мушоҳада асосида тафаккур ва тассавур этиш бирмунча қийин вазифа саналади. Шунга қарамасдан, кишилик цивилизацияси бешиги ҳамда бу бешикда йўргакланган тарбия жараёнининг пайдо бўлиш босқичларини моддий ва маънавий маданият, тил, фольклор ёдгорликларини синчиклаб, чуқур, илмий асосда ўрганиш асносида тиклаш имконияти туғилади.

Тараққиётнинг дастлабки босқичларида қолиб кетган, ҳозирги кунга қадар ибтидоий жамоа элементлари сақланиб қолинган, Австралия, Африка, Полинезия, Шимолий ҳамда жанубий Америкадаги қабилалар жамоасининг турмуш тарзини ўрганган, тадқиқ қилган олимлар ишларида ҳам дастлабки тарбия жараёни тараққиёти ҳақида бирмунча қимматли маълумотлар учрайди.

Ибтидоий давр тарбия жараёни элементларини тиклашда замонавий тараққиёт неъматлари маҳсулидан бебаҳра, ибтидоий қабилалар хусусиятларини сақлаб қолган камёб жамоа сифатидаги тузилмалар ҳаёти ҳақидаги этнографик, эсхатологик манбалар ҳам ёрдам бериши, шубҳасиз. Шунингдек археологлар томонидан топилган дастлабки примитив меҳнат ва ов қуроллари, уй-рўзғор жиҳозлари, болалар ўйинчоқлари, қоятошлардаги ёзувлар, илдизлари асрлар қаърига сингиб кетадиган фольклор (халқ ўйинлари, урф-одатлар, мақоллар, маталлар, эпос ва ҳ.к.з) материаллари ҳам илк тарбия жараёнининг вужудга келиши ва шаклланиши тўғрисида илмий асосланган фикрларга келиш имкониятини беради.

Жаҳон илму фанида тарбиянинг пайдо бўлиши ва вужудга келиши тўғрисида бир қанча қарашлар, нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, улар орасида иккитаси эволюцион-биологик (Ш.Летурно, Ж. Симпсон, А. Эспинас) ҳамда психологик қарашлар негизидаги концепция (П.Монро)лар етакчи ўринни эгаллайди.

Эволюцион-биологик қараш тарафдорлари ибтидоий одамларнинг тарбия жараёнини, ҳайвонларга хос инстинкт асосида ўз наслига қайғуриш ҳолатига менгзашади. П.Монро эса тарбиянинг вужудга келиш жараёнини болаларнинг катталарга нисбатан беихтиёр, онгсиз инстинктлар орқали тақлид қилишлари ҳолати орқали тушунтиради. Бу икки назарияни бирлаштириш асосида, ибтидоий тарбия болаларнинг ўша вақтда мавжуд бўлган тартибга мунособати ҳамда изчил равишда мослашиши жараёнида вужудга келган дея эътироф этиш мумкин. Шу мунособат билан П.Монро “ибтидоий инсон дунёси ҳозирги воқеъликкагина таянади. Унинг ўтмиш ва келажакни англаш ҳақидаги тасаввурлари деярли мавжуд эмас. Унинг тарбияси яшаб турган муҳитига мослашиш холос” дея фикр юритади.

Ҳозирги анатомик-физиологик шаклга хос одамнинг пайдо бўлиши давригача бизни бир неча минг йиллар ажратиб туради. Тарбиянинг алоҳида фаолият тури сифатида вужудга келиши ҳам айнан шу даврлар (35-40 минг йил аввал) га тўғри келади.

Тарбия интегратив, синкретив шаклда вужудга келиб, ибтидоий одамнинг жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий-ҳиссий жиҳатдан улғайишига туртки бўлди. Тарбия мазмуни ва усуллари онгнинг ривожланиши ва ижтимоий тажрибанинг бойиши натижасида мураккаблашиб борди. Бирор хил алоҳида функцияни бажармаган ҳолда тарбия ҳаётий тажрибани кейинги авлодга етказиш жараёнига хизмат қилди. Бундай кўринишда тарбия дастлабки тўпланган тажрибалар ҳамда овчилик малакаларини онгли равишда бир-бирига ва авлодига ўтказиш асосида инсоннинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиш даврида 2-3 млн йил аввал пайдо бўлди.

Аждодларимиз учун истеъмол қилинадиган ўсимликлар, жой-манзиллар релъефи, ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатларини яхши билиш, кучли ҳамда чидамли бўлиш ҳаётий зарурат ҳисобланиб, бундай тажрибани етказишда коммуникация, яъни алоқа воситаси сифатида тил ҳамда нутқнинг вужудга келиши муҳим аҳамият касб этди. Аста-секин тарбия, инсон томонидан

эгалланган тажрибаларни кишидан-кишига, авлоддан-авлодга етказиш жараёни сифатида алоҳида фаолият тури хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, ҳар кунлик яшаш учун кураш ҳаракатига йўналтирилди.

Ибтидоий одамлар ҳаёт кечиришининг бош шарти меҳнат қуроларини ясаш ва улардан фойдаланиш ҳисобланарди. Меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши ва меҳнат мунособатларининг ривожланиши натижасида катта авлод тўплаган тажрибасини ёшларга ўргатди ва шу орқали уларнинг етакчисига айланди. Бундай таълим ибтидоий жамоада тарбиянинг шаклланиш жараёнига асос бўлди.

Инсоният тарихи пайдо бўлишининг дастлабки босқичида тарбия асосини жамоавий тарбия ташкил этган. Ибтидоий жамоада болаларнинг жинси ва ёши таълимни табақалаштиришда ягона кўрсаткич сифатида баҳоланиб, тарбиянинг асосий вазифаси жамоа аъзоларини кундалик фаолият жараёнига тайёрлашдан иборат бўлиб қолди.

Эрамиздан аввалги VIII-IX асрлар жаҳоннинг бир қатор ҳудудлари, жумладан, Кичик, олд ва Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа негизида ижтимоий-мулкий табақаланиш жараёни бошланиши билан характерланади. Бундай ўзгаришлар тарбия мазмун-моҳиятининг тубдан янгиланишига сабаб бўлди. Жамоанинг асосий ижтимоий ўзаги сифатида оила институтининг шакллана бориши натижасида тарбия тенглик асосига қурилган, умумжамоа томонидан бошқариладиган жараёндан аста-секин хусусий, оиладаги асосий фаолият турига айлантирилди. Болалар тарбиясида мисол сифатида ота-оналарнинг шахсий намунаси асосий ўринни эгаллади. Ижтимоий мунособатларнинг ривожланиши ва тараққий этиши натижасида, аста-секин турли тоифадаги жамият аъзолари: ҳукмдорлар, раҳнамолар, зодагонлар, коҳинлар, ҳарбийлар, давлат хизматчилари ва асосий қатлам, ишчи, деҳқонлар оиласидаги тарбия жараёнида тафовутлар кўзга ташлана бошланди.

Ҳукмрон доиралар оилаларида болалик даври узайтирилиб, шунга яраша ўсиб келаятган ёш авлодга нисбатан тарбиявий таъсир даражалари кучайтирилди. Болалар тақлид асосида ота-оналари сўзларидан аждодлари томонидан тўпланган тажриба ва маълумотларни қабул қилиб, кейинги фаолиятлари жараёнида қўллай бошладилар. Ушбу тўпланган тажрибаларни етказиш вақтида маълум дидактик усуллардан ҳам фойдаланилганлигини таъкидлаш лозим. Бу усуллар жуда оддий бўлиб, ҳаётий фаолият, яшаш тарзи шарт-шароитлари таъсирида ишлаб чиқилган эди. Болаларга нимани қандай бажариш, таёқ билан муомала қилиш, ўлдирилган ҳайвонлар терисини шилиш, истеъмолбоп ўсимликларни излаб топиш ва йиғиш каби фаолият турлари ўргатилиб, катталарнинг кичикларга нисбатан руҳий-психологик таъсирининг асосий усули механик такрорлаш тартибида амалга ошириларди.

Вақт ўтиши билан инсон табиатга мослашиш ҳолатидан кўра атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш ҳолатига яқинлаша бошлади. Ҳаётий фаолиятнинг мураккаблашиб бориши билан ижтимоий тажрибани кейинги авлодга етказиш усул ва вазифалари ҳам ўзгариб борди. Тарбия жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари, кўринишлари пайдо бўлиб, бу жараёнга раҳбарлик махсус тайинланган кишилар орқали амалга оширилди. Ибтидоий жамоада болалик ва тарбия даври қисқа давом этиб, 9-11 ёшларни ўз ичига олган. Энг кичик ёшдаги болалар аёллар қўлида тарбияланиб, уларга меҳнат фаолиятининг дастлабки кўникмалари шакллантирилар эди. Болалар кўп вақтларини катталар ҳаётига тақлид қилувчи ўйин фаолияти билан ўтказиб, ўз навбатида катталар жамоада қабул қилинган тартибнинг сақланиши ва улар томонидан бузилмаслигини назорат қилганлар. Улғайган сари болалар кўпроқ вақтларини катталар билан ўтказиб, ов қилиш, балиқ овлаш кўникмаларини шакллантира бошлаганлар. Аёллар эса ўсмир қизларни уй-рўзғор ишларини бажаришга ўргатганлар.

Ибтидоий тузум даври интиҳосида жамоа бўлиб тарбиялаш анъанаси асосида болалар ва ўсмирлар учун ўзига хос “ёшлар уйлари” ташкил этилганки, мазмун ва моҳият жиҳатидан бу уйлар мактабларнинг дастлабки кўриниши шаклида фаолият кўрсатган. Бу уйлардаги тарбиянинг асосий шакли жамоавий ўйинлар ва машғулотлар эди. Аста-секин ёшлар уйи тарбияланувчиларининг фаолият характери, ўқувчилар ҳамда мураббийларнинг таркиби ҳам ўзгариб борди. Мулкий табақаланиш ривожи билан камбағаллар ва ўзига тўқ жамоа аъзолари учун алоҳида ёшлар уйи ташкил этила бошланди. Бундай уйлар Америкадаги майя ва ацтеклар, шунингдек, Янги Зелландиядаги майори қабилаларида фаолият кўрсатганлиги тўғрисида кўпгина маълумотлар бор.

“АВЕСТО”ДА ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ МУНОСОБАТЛАР ТАЛҚИНИ

Қ.Ф.Абдуллаев БухДУ

Миллий ғоя ва истиқлол мафкурасининг шаклланиши ва такомиллашувида миллий, маънавий-маданий мерос ва унга илмий-ижодий муносабат алоҳида аҳамият касб этади. Миллий ғоя ҳуқуқий демократик давлат ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ва давлатчилигимизнинг

миллий асосида вужудга келишни маънавий-руҳий жиҳатдан йўналтиргандагина у янги, умумий қадриятларга айланиши мумкин.

Зардуштийликдаги эзгуликни қарор топтириш ғоясини инсонпарварликнинг буюк тамал тоши, деса бўлади. Шу ғоя асосида шаклланган давлат ва жамиятда одам энг олий қадрият даражасига кўтарилади. Аҳурамазда ўз бандаларига ирода эрки бериб, эзгуликни ёвузликдан ажрата билишни, фақат ёвузликка қарши кураш жараёнидагина қачонлардир жамиятда эзгулик барқарор бўлишини айтади.

«Авесто»да жамият бир бутун ижтимоий тузум сифатида тасвирланади ва бунда давлат муассасалари билан бирга жамоат ташкилотлари баҳамжиҳат фаолият кўрсатишлари кераклиги таъкидланади.

Жамиятда эса шоҳ, бош вазир (у айни пайтда бош қўмондон), вазирлар, бош мўъбад (коҳинлар сардори), қўшин бошлиқлари, сарбозлар, олимлар, мударрислар, табиблар, устоз, муаллимлар, воизлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар, раис, боғбонлар, додгустир, мироб, котиб ва шу сингари ижтимоий табақалар бўлиши айтилади. Айни пайтда улар тавсифланиб, ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён этилади.

Жамиятни бошқариш учун Илоҳий Низом ва Одил Низом (Оша) зарурлиги айтилиб, давлат маҳкамаларида ва жамоат ташкилотларидаги барча йўналишлар шу Низомлар доирасида фаолият кўрсатишлари керак бўлади. Илоҳий Низом талаблари «Авесто»нинг «Вендидод» ва «Ҳот» дафтар (китоб)ларида баён этилган. Илоҳий Низомларга кўра одам фаолиятининг барча йўналишлари эзгулик руҳи би-лан суғорилган бўлиши шарт. Аҳурамазда одамларни эзгу фикратда, эзгу каломда ва эзгу амалда сусткашлик қилмасликка даъват этади.

Оламни яратган, эзгулик нурини таратган ва одамлар фаолиятини ўз фаришталари орқали назорат қилиб борадиган Аҳурамазда (Ягона тангри) «Вендидод»да одамлар ёмон фаолиятлари учун шу ёруғ дунёда жазоланиши кераклигини Зардуштга тайинлайди. Масалан, кимда-ким била туриб дин ва эътиқодни бир зардуштийга ўргатмаса арзон ўлим билан жазоланиши кераклиги айтилади. Таълим ва тарбия жараёнида устоз ва шогирд бурчи ҳамда масъулияти Низом-қонунда белгиланган. Бунга кўра Устоз Аҳурамазда ўгитлари ва талабларини қандай бўлса шу мазмунда ўқувчига етказиши керак бўлган. Ўқувчилар илоҳий ва дунёвий Низом талабларини яхши ўзлаштириб олишлари зарур бўлган.

Ҳуқуқий таълим-тарбия зардуштийлик динининг 3 асосий: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойилларига таянган ҳолда берилган. Ҳар бир таълим олувчи Зардушт панд-ўгитлари, насиҳатлари, шунингдек зардуштийлик дини қонун-қоидаларини ёддан билиб, уларга амал қилиши сўзсиз талаб қилинган. “Авесто”нинг Вендидод қисмида зардуштийлик динининг ҳуқуқ меъёрлари ўз аксини топган бўлиб, бу нормалар ижтимоий мунособатларни тартибга солиб турган. Ҳар бир жиноят учун белгиланган жазо турлари мавжуд бўлиб, жазони зардуштийлик қонун-қоидаларини яхши биладиган коҳинлар белгилаган. Жиноятлар қўйидаги турларга бўлинган :

1. Динга қарши жиноятлар: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал қоидаларига риоя қилмаслик, ғайридин билан никоҳга кириш, коҳинни ҳақорат қилиш.
2. Шахсга қарши жиноятлар: ҳужум, таҳдид солиш, жароҳат етказиш, инсонни ўлдириш, ҳомилани тушириш.
3. Мулкка қарши жиноятлар: ўғрилик, босқинчилик, қароқчилик, қарзни бермаслик, сув, олов, ҳавони ифлослантириш, ҳайвонларни уриш.
4. Ахлоқий жиноятлар: фоҳишабозлик, хиёнат, зинокорлик, баччавозлик.
5. Табиатга қарши жиноят: ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузиш, ернинг мелиоратив ҳолатига қарамаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидасини, жамоат ва шахсий гигиенани бузмоқ, боғ-роғ, резаворга зарар етказмоқ, сувни исроф қилмоқ, бетартиб бутазор яратмоқ ва дарахт экмоқ.

Жазо турлари сифатида эса қамчин билан савалаш, темир камар боғлаб юришга мажбур этиш, оловда қиздирилган темир куроллар билан қийнаш, эритилган мис ёки қўрғошин қуйиш ва ўта оғир жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган.

“Авесто”даги давлатчилик ва қонунчилик тизими ўз даврида жамият, фуқаролар ва юқори таълим олган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Юқори таълим жараёнида берилган бу каби тушунча, йўл-йўриқ, қатъий хулоса ва қонун кучидаги фикрлар давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилган. Ҳозирги кунда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган халқимиз ўтмиш маънавий меросимизга ижодий ёндашиб, ижтимоий мунособатлар меъёрини такомиллаштирсалар айни муддао бўлади. Шу жиҳатдан ёшларимизни қонунларни ҳурматлаш, қадрлаш руҳида тарбиялашда қадим аждодларимизнинг тарихий тажрибалари қўл келиши шубҳасиздир.

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЯТИДА АКС ЭТИШИ

Бобомуродов Эркин Хайитович, фалсафа фанлари доктори, профессор
Хайдарова Рўзихол Шерилевна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the affect of Termiziy scholars' scientific heritage in the spiritual development of Uzbek youth and its maintenance, essence, and significance.

Keywords: Termiziy scholars, scientific heritage, Uzbek youth, spiritual development.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, уларнинг натижадорлиги кишилар, айниқса, ёшларнинг маънавиятига таъсир этмай қолмайди. Унинг ўзгариш механизмини маънавияти вужудга келиши ҳамда шаклланиши хусусиятлари моҳиятини аниқлагандагина очиб бериш мумкин. Муаммони мозийга қайтиб кўриб чиқиш ёшларнинг янги сиёсий тафаккури вужудга келиши сарчашмаларини, унинг миллий тикланиш жараёнларини интенсивлаштириш, маънавий бўшлиқни ҳалқона анъанавий мазмун билан тўлдириш жараёнини тушуниш имконини беради. "Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, - деганди И.А.Каримов, - одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тиқиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин" [2].

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. "Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда" [2].

Ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ ҳар қандай назарий ва методологик концепция тарихий амалиётга суянади. Маълумки, бизни ўраб турган воқелик предметлари ҳамда ҳодисалари доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишдадир. Ижтимоий муносабатлар табиат ҳодисаларига қараганда анча тезроқ ўзгаради, чунки бунда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга мажбур бўлган кишилар фаолияти билан иш кўрамиз.

Бироқ бу ижтимоий онг, ижтимоий психология ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши ва ривожланишига пассивлик билан эргашади, дегани эмас. Тарихий тажриба кўрсатишича, улар ишлаб чиқариш усулига фаол қайта таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги бу иккиёқлама ўзаро боғлиқлик ёшларда ватанпарварлик, мерос ва маънавий-юксалиш тушунчаларининг ривожланиши жараёнида ёркин кўзга ташланади.

Ёшларда ватанпарварлик, мерос ва маънавияти тушунчаларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларида жамият иқтисодий ҳаёти характерига боғлиқ равишда туб ўзгаришларга учрайди. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётий жараённинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий юксалишини белгилаб бериши ҳаммага маълум.

"Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди" – деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов [1].

Термизий алломалардан бири бу Абу Исо, Имом Термизийдир (тўлиқ, номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заххок Сулламий Бурий Термизий) (824, Термиз — 892, Вуғ қишлоғи**,** ҳоз, Шеробод тумани) — буюк муҳаддис. Сулламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири суллам деган араб қабиласига дўст тутинган, Буғий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Вуғ номли қишлоқда вафот этиб, шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун ад-Дарир тахаллуси билан ҳам аталган. Термизийнинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарларида чоғида қироат илим, баён, фиқҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик

олимларидан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Райлон ва бошқалар унинг устозлари эди.

Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик билан: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпрок, баҳра топдим», деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Термизий йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд килиб борарди. 868 йил хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машҳул бўлди ва йирик муҳаддис олим, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё мол-матоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Термизийнинг ҳаёти тарзи эди. Термизийнинг шогирдлари унинг ишларини давом эттирди. Улар ичида Макҳул ибн ал- Фадл, Мухаммад ибн Махмуд Анбар, Хамод ибн Шокир, Абд ибн Мухаммад Насафий, Хайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «аш-Шамоил ан-набавия» ёки «Аш-Шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «ал-Илал филҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «ат-Таърих» («Тарих»), «Китоб уз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Китоб ул-асмо вал-куно» («Исмлар ва кунялар китоби») ва бошқалар. Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» бўлиб, 6 та ишончли Ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда «Жомиъ ат-Термизий», *«Саҳиҳи Термизий»,* «Сунани Термизий» номи билан ҳам аталади. Термизийнинг муҳим асарларидан яна бири «аш-Шамоил ан-набавия» Муҳаммад (ас)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир.) Бу китоб азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Унинг тили равон, услуби ғоятда оддий. Асар форс ва турк тилларига таржима килинган. «Аш-Шамоил ан-набавия»нинг 1-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбарнинг суврат (ташқи қиёфаси)ига, 2-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёси-ю, ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган. Китобнинг 16-асрга оид бир кўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сакланади. «Аш-Шамоил ан- набавия» ўзбек тилига ўгирилиб сўнгги йилларда Тошкентда бир неча бор нашр этилди. 1990 йил Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида Термизийнинг ёдгорлик мажмуаси қайтадан таъмирланиб, қутлуғ зиёратгохга айлантирилди [3].

Хуллас, Термизий алломалар илмий меросини илмий асосда чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш назарий методологик жиҳатдан бугунги куннинг ўта долзарб муаммоларидан бирига айланганлигининг гувоҳимиз.

Адабиётлар:

1. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 6 декабрь, № 237 (6167)

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 318-319, 202-бетлар.

3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон” давлат илмий нашриёти. Т. 2004. 393 б.

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ВА ЗИЁЛИЛАРИ

Ҳайитов Ш.А. –БухДУ Тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Ортда қолган XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари жаҳон халқлари тарихида ўта зиддиятли ва мураккаб жараёнлар билан кечди. Туркистонда совет мустабид тузумини ўрнатиш даврида (1917-1924 йиллар) Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари мавжуд бўлган йилларда (1920-1924 йиллар), икки босқичда ўтказилган ер-сув ислоҳоти (1921-1922; 1925-1932 йиллар), ҳамда қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоалаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати туфайли (1929-1932 йиллар) миллионлаб миллатдошларимиз ота-боболари юрти-Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Ўтган асрнинг 20-30- йилларида ер юзи бўйлаб тарқалган миллатдлошларимиз «ўзбек диаспораси»ни ташкил этдилар. Манбаларда юртимиздан чиқиб кетишга мажбур бўлганлар 1 миллиондан 2

миллионгача деб қайд қилинади.[1] Муҳожир ўзбеклар сафи иккинчи жаҳон уруши йилларидаги асирга тушган, қулоқ қилинган районлардан ҳайдаб кетилганлар сони (Шимолий Кавказ, Украина) туфайли янада кўпайди.

Муҳожирликка маҳкум этилган ватандошларимиз хорижий элларда жонларини сақлаб қолиш ва умргузаронлик йўлида кўп машаққатларни ўз бошларидан кечирдилар. Уларнинг кўпчиликлари аждодлар юртини тарк этганида 5-10 яшар болалар, ёки ундан ҳам ёш чақалоқлар бўлишган. Катта авлод ўз фарзандларига ўзбек тилини ўргатиб миллий урф-одат ва анъаналаримизни сингдириб, кўплари эса оламдан ўтиб кетди. Совет мустабид тузуми даврида таъқиб ва тазйиқларга дучор бўлган миллатдошларимиз ва улар фарзандлари орасидан турли фанларнинг олимлари, шоир, қўшиқчи, зиёлилар етишиб чиқди. Уларнинг фаолиятини бир тадқиқотда жамлаш қийин. Шунинг учун биз дунёвий ва диний билимларнинг айрим вакиллари, улар асарлари ҳақида бир қадар фикр юритамиз.

ХХ асрда вужудга келган янги соҳалардан бири-вулқоншуносликдир. Бу фаннинг асосчиси асли ота-боболари самарқандлик бўлган Хорун Тожиев бўлиб, 1918 йилда онаси билан Бельгияга бориб қолган. Сўнгра эса, Францияда яшаб вулқоншуносликни тадқиқ қиладиган илк илмий институтга асос солади.[2]

Сурия Араб Республикасининг пойтахти Дамашқда филология профессори Бурхон ал-Бухорий истиқомат қилади. Навоийшунос олим ХХ аср 70-йилларидаёқ ўзининг илмий аҳамиятига эга бўлган «Ўзбек-араб тили луғати» китобини яратган. Ҳозирда 10-12 тача шогирдлари билан ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини замонавий техника воситалари асосида Европа тилларига таржима қилиб дунёга тарқатиш билан шуғулланяпти.[3]

Тиббиёт соҳасида олимлик рутбасига кўтарилган юртдошларимизнинг фарзандларидан: профессор Ҳасан Парвес ал-Бухорий (Франция), фан доктори Мурод Аҳмедов (Олмония), малакали врачлар: Зуҳриддин Обид Туркистоний (Саудия Арабистон), Абдуллатиф Андижоний (Туркия Республикаси) кабиларни қайд қилиб ўтиш мумкин. Мурод Аҳмедов билан бирга Олмониянинг Мюнхень шаҳрида яна бир миллатдошимиз ҳуқуқшунослик фани бўйича профессор Шоҳмурод Илҳом ҳам истиқомат қилади. Ш.Илҳом Мюньхен университети ҳуқуқшунослик факультетида деканлик ҳам қилган.

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида тадқиқот олиб бориб, хорижий мамлакатларнинг илмий жамоатчилиги томонидан тан олинган зиёлилар ҳам анчагина салмоқни ташкил этади. Саудия Арабистонининг Ахбо шаҳрида истиқомат қилувчи Мубаширхон ат-Таррозий Салмон Косоний муҳожирликда уч томлик «Ўрта Осиё тарихи» китобини ёзди. Ушбу асар мадиналик ватандошимиз Абдуқодир Марғинонийнинг «Мактаби иймон» кутубхонасидаги нашриётда чоп этилган. Саудиялик миллатдошларимиздан Ёқубхўжа Йўлдош Маҳжурий «Тил йўриғи» китобини ёзган. Ушбу дарслик муҳожир ўзбекларнинг фарзандларига она тилимизни ўргатишга мўлжалланган.

Тасаввуф донишманди Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Шаҳобиддин Яссавий 1984 йилда Истанбулда (Туркия) ўзининг «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» китобини чоп эттирди. Айтиш мумкинки, бу асар Туркистонда шўро истибдодига қарши олиб борилган озодлик учун курашлар тарихининг солномасидир.

1922-1923 йилларда ҳукумат раҳбарлари Ф.Хўжаев, А.Фитратлар ташаббуси билан хорижга ўқиш учун юборилган талабаларнинг юртимизга қайтмай, Туркияга яшаб қолганларининг (улар 14-16 тача бўлишган) барчаси нуфузли университетларда ишлаб фан доктори, профессор даражасига эришишган. Бу ҳақда анча ёзилганлиги учун батафсил ёритишни лозим топмадик. Ҳозирда Истанбул университети «Умумтурк тарихи» кафедраси мудири профессор Абдулқодир Дўнуқ ва профессор Ўрхун Қовунчилар ҳам собиқ ўзбек муҳожирларининг фарзандларидир.

Умрининг анча қисмини Шарқий Туркистонда (ХХР) ўтказган Алихонтўра Соғуний (1885-1876 йиллар) ижтимоий ва давлат арбоби, ҳарбий саркарда, олим ва табиб бўлган. СССРга зўравонлик билан олиб келинган Соғуний «Туркистон қайғуси», «Тарихи Муҳаммадия», «Шифоул илал» («Касалликлар давоси»), «Асосул ислом» каби китобларнинг муаллифидир. «Темур тузуклари» китобининг илк бор ўзбекча таржимаси ҳам Соғуний томонидан амалга оширилган. Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Аҳмад Донишнинг «Наводирул вақое», Дарвеш Али Чангийнинг «Мусиқа рисоласи», Ҳ.Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобларини ҳам форсчадан ўзбекчага ўгириб халқимизга туҳфа қилган.

Муҳожир ўзбеклардан диний илм соҳасида ислом дунёсида машҳур бўлган шахс-бу Олтинхон тўра Сайид Маҳмудхон ат-Таррозий эдилар. Олтинхонтўра Саудия Арабистонида истиқомат қилиб, «Қуръон» китобининг илк бор туркийча матнини ёздилар. У кишининг «Пайғамбаримиз фазилатлари ҳақида», «Пайғамбар тарихи», «Шариат қонунлари таржимаси ва шарҳи» асарлари, «Маҳмудхон қасидалар тўплами» шеърий китоблари чоп этилган. Ҳатто, «Шариат қонунлари таржимаси ва шарҳи» китоби Макка ва Мадинадаги (Саудия Арабистони) диний

[1] ЎзРМДА. 2661 ф ; 1-ё, 173 щ, 756; Қ.Ражабов. М.
Ҳайдаров. «Туркистон тарихи» Тошкент. «Университет»-2002; 148-бет.
[2] «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил 1 февраль.
[3] «Ватандош» радиостанцияси жорий архиви материаллари, 1988 йил. 18 апрель эшиттиришидан олинди.

олийгоҳларда дарслик сифатида ўқитилади. Диний илм намоёндаларидан Макка шаҳридаги Ум-ул-Қаро университети профессори Муҳаммад Умар Тошкандий, Абдулазим Абдулфаттоҳ, Қори Қўқондий, Нўъмон Тошкандий, Фазлиддин Илоҳий кабиларни санаб ўтиш мумкин.[1]

Муҳожир ўзбеклар орасидан шоир ва қўшиқчилар ҳам етишиб чиққан. Адиблардан Камол Андижоний (Тошқин, Саудия Арабистони), Парвона (Афғонистон), Эргаш Шермат Булоқбоши (АҚШ), Собир Сайҳонли (Туркия) ўз асарларида она-юрт: Ўзбекистонни мадҳ этадилар. Бадиий асарларнинг асосий мавзуси-Ўзбекистонга чексиз меҳр-муҳаббатни изҳор этишдан иборат.

АҚШлик машҳур қўшиқчи Малик Ахтар Одил Маккоийнинг ота-бобоси асли ўзбекистонлик бўлган. Хорижда миллатдошларимиз орасидан Собир Коргар (Туркия), Мулла Тошмуҳаммад Исматуллоҳ Туркистоний (Афғонистон) каби хушовоз хонандалар ҳам етишиб чиққан.

Хорижда яратилган ўзбек маънавий маданияти, умуммиллий ўзбек маданиятининг бир қисмидир. Муҳожир миллатдошларимизнинг маданий меросини ўрганиш ва ёшларимизни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш воситасига айлантириш эса муҳим вазифаларимиздан биридир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида яшовчи ўзбеклар ҳам биз учун «хориждаги ўзбеклар» бўлиб қолди. Биргина Ўрта Осиё республикаларидан Қирғизистонда-800 минг, Қозоғистонда-600 минг, Туркманистонда-500 минг ўзбеклар истиқомат қилади. Тожикистон Республикаси аҳолисининг эса 4/1 қисми ўзбеклардир. Ўзга юртлардаги миллатдошларимизга маънавий мадад бериш, уларнинг ўзбек тилимиз ва ўзбекона урф одатларимизни сақлаб қолишларида кўллаб-кувватлаш бизнинг инсоний бурчимиз бўлмоғи керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 2661 фонд, 1-ёзув,173 хужжат, 75 варақ.
2. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. «Туркистон тарихи». Тошкент. «Университет»-2002 йил.
3. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил, 1февраль.
4. «Ватандош» радиостанцияси жорий архиви, 1988 йил.
5. Нуруллохон ҳожи Абдуллахон Қўқандий. Муборак ҳаж сафари. Тошкент. «Камалак»-1991 йил.

SHARQONA NUTQ MADANIYATI HAQIDA

T.R.Choriyev, S.S.Avezov
BuxDU dotsenti, filologiya fanlari nomzodlari

Tadqiqotlar shuni ko’rsatadiki, notanish inson bilan muloqot qilish madaniyati o’ziga xos qiyinchilik kasb etadi. Bunday hollarda tilga oid bilimlar va nutqiy madaniyatni bilish hamda kutilmagan holatlarda vaziyatdan chiqib keta olish katta ahamiyatga ega. Hamma uchun barobar bo’lgan umumiy etiket qoidalari mavjud bo’lishiga qaramasdan, yana ko’plab milliy ruhga bezangan muloqot turlari ham bor. Bundan tashqari so’zlovchi o’z fikrini ifoda etishda suhbatdoshining yoshi, jinsi, egallagan martabasi, vaziyatni hisobga olgan holda zaruriy etiket qoidalarini amalda qo’llashi kerak. Bularning barchasini hisobga olish – yoqimli muloqot garovi bo’lib, o’zaro hurmatga asoslangan bo’ladi. O’zaro iliq muloqot suhbatdoshga mensimay qarash, ovozni balandlatish yoki ko’ngli to’lmayotganligi har xil qo’l harakatlari bilan ifodalashni oldini olgan bo’ladi.

Nutq madaniyatida ovozning toni muhim ahamiyatga ega fakrotlardan biri hisoblanadi. So’zlovchi hech nimaga qaramasdan, o’ziga ishonch bilan va har bir so’zga urg’u bergan holda tiniq so’zlashi talab etiladi. Shu bilan birgalikda hayajonga berilib o’zini yo’qotib qo’ymasligi lozim. Avvalo o’zingizga bo’lagn ishonch va tinglovchini suhbatga qiziqtira olish bilan suhbatdoshingizni “qurolsizlantirgan” bo’lasiz.

masalan o’zbek tilidagi birgina “o’tiring” degan soz’ni har xil aytish mumkin. Bu so’z buyruq, iltimos, maslahat, ogohlantirish kabi ma’nolarni ifoda eta oladi. Shuning uchun ham ovozning toni muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

XX asrga kelib aksariyat nutqiy madaniyat etiketlari yaxshi tomonga o’zgardi. masalan insonlar “Salom” so’zining o’rniga “Assalomu aleykum” so’zini ko’proq ishlata boshladilar. Shuningdek, nutqimizda diniy xarakterga ega bo’lgan so’zlar ishlatila boshlandi:

- Rahmat, Ollohga shukur;
- Xayr, xudo yor bo’lsin.

Sharqona madaniyatga xos bo’lgan *birodar, oshna, do’stim*kabi so’zlarning nuqtimizda paydo bo’lgani, albatta, quvonarli holat.

Zamonaviy nuqt madaniyati etiketida qoidlardan tashqari chiqish holatlari ham mavjud. Bu masalan, yoshlar orasida oxirgi paytlarda urf bo’layotgan salomlashish paytida bosh urishtirish, “salom” so’zi o’rniga “qanday” yoki “qalay” so’zlarini paydo bo’layotganidir.

Kim bilan va qaysi mavzuda gaplashishni aniqlab olish alohida qiyinchilik kasb etadi. masalan, begona inson bilan bo’lar-bo’lmas mavzuda gaplashish yoki yon-atrofdagi insonlarni kayfiyatini hisobga

[1] Нурилло ҳожи Абдуллахон Қўқондий «Муборак ҳаж сафари». Тошкент. «Камалак»-1991 йил, 118 бет.

olmay ular bilan hazillashish. Shuningdek, kimnidir haddan tashqari maqtab yuborish, keragidan ortiq minnatdorchilik bildirish yoki tilyog'lamalik qilish odamning madaniyti qay darajada pastligidan dalolat beradi. Afsuski, bugungi kunda bunday insonlar ham oramizda uchrab turibdi.

Suhbatni tinglay olish ham alohida ahamiyat kasb etadigan juhatlardan hisoblanadi. Aytilganda bu narsa hech qanday qiyinchlik tug'dirmaydiganga o'xshaydi, ammo amaliyotga bu anchayin qiyin. Kattalarning gapini bo'lmay oxirigacha eshitish yaxwi xislatlardan biridir. Bu garchi bizga yoqmasa, ularni e'tiroz bildirmay tinglash va yuzimizni burishtirmasligimiz kerak.

Kun sayin nutqiy madaniyatga bo'lgan e'tibor o'sib bormoqda. Shuningdek, o'zida o'zbek xalqining qimmatli qadriyatlarini aks ettirgan milliy mustaqilligimiz asosini nutq madaniyati va sharqona madaniyat tashkil etadi.

Har qanday xalqning nutqiy madaniyati va milliy talablaridan biri har xil vaziyatlarda tanish va notanish suhbatdoshlar bilan turli mavzularda muloqot olib boorish hisoblanadi. Tashqaridan bo'ladigan turli faktor va vaziyatlarga qaramasdan ikki suhbatdosh bir-biriga e'tibor qaratishini va o'zaro hurmat qilishlari talab etiladi. Bundan tashqari, ishonchli suhbat olib borish zarur. Nutq madaniyati asli bu nutqning o'zi hisoblanadi. Nutq adabiy bo'lishi va dialektlardan holi bo'lishi zarur. Afsuski, nutqida o'z shevasiga oid so'zlarni ishlatadigan insonlarni ko'p uchratamiz. Dialektlarning xillari haqida soatlab gapirish mumkin. masalan, taksi, avtobus yoki tramvay haydovchilari murojjatlaridan:

- Iltimos, avtobusni to'xtating;
- Tuxtang;
- Gazni bos.

So'zlariga qarab bu inson qayerdan va kasb-kori qanaqa ekanligini anglan olish mushkul emas. Nutq insonning qay darajada mukammal ekanligini kursatib beruvchi omillardan biridir. Suhbatning salbiy oqibatlaridanqochishning yo'li bu tinglovchi uchun yoqimli bo'lgan so'zlari ko'proq ishlatishdir. Biz dialektlarga oid so'zlar qay darajada "yuqumli" ekanligini bilamiz. Va shuning uchun ham yoshlarning nutq madaniyatini rivojlantirish juda muhim hisoblanadi.

Nutqiy madaniyat etiketi jarayoni quyidagi bosqichlarga bo'linadi:

I. So'zlovchi faoliyatidagi bosqishlar:

- Salomlashish va murojaat jarayoni;
- Tanishish jarayoni;
- Kirish qismi;
- Maqsad qismi;
- Suhbatning yakuni va xayrlashish jarayoni.

II. Tinglovchi faoliyatidagi boshqichlar:

- Tinglash jarayoni;
- Munosabat bildirish jarayoni;

Odatda so'zlovchi o'ylab qo'ygan narsalarini qo'rqqan holda uzoq to'liq gapirishga harakat qiladi. Bunda u eng muhim narsani, belgilangan me'yordan uzoq gapirish eshitish jarayonida qiyinchilik tug'dirishini unutadi. Bu esa tinglovchida ham xuddi shunday javob berish xohishlarini paydo qilish bilan tugaydi.

So'zlovchi xuddi shilarni inobatga olgan holda so'zlashi va tinglovchining sabrini sinamasligi kerak. Yana bir narsani aytish kerakki, tinglovhi siz aytayotgan har bir gapni eshitmaydi, tinglovchi o'zi uchun zaruriy va qiziqarli bo'lgan ma'lumotlarnigina eshitadi.

Shunday hikoya bor: kunlarning birida ikki do'st yo'lda ketar edilar. Yo'lda odamlar ko'p va yon-atrof shovqin edi. Birinchisi "Eshityapsanmi, qanchalar yoqimli!" dedi. Ikkinchi do'st "Nimasi yoqimli?" deb so'radi. Birinchi do'st sherigi zoolog ekanligini bilgandan so'ng "Chigirtkaning ovozi" deya javob berdi. Ikkinchi do'st esa "Topding, nima bilan rohatlanishni" dedi. So'ngra cho'ntagidan tanga chiqarib yerga tashladiva shunda birinchi do'st "Qara, tanganing ovozi" dedi. So'ngra zoolog do'st "Bekorga yatishmagan ekan: biz o'zimiz xohlagan narsalarnigina eshitamiz deb" dedi.

Nutq madaniyati tushunchasi ko'p ma'nolarga ega. Uning asosiy ko'rsatkichlaridan quyidagilar hisoblanadi:

- Nutqning samimiyligi;
- Adabiy til normalariga rioya etish; joy, vaziyat, vaqt, tinglovchining yoshi, jinsini hisobga olish;
- Tinglovchining ma'lumoti, qiziqishlari, dunyoqarashini hisobga olgan holda so'z va ifodalarni tanlay olish.

Etiketning oltin qoidalari:

- ✓ Har bir tarbiya ko'rgan, madaniyatli inson nafaqat etiketning asosiy majburiy qoidalarini, balki oddiy insoniy qoidalarni ham bilishi shart;
- ✓ Har bir insonni, jamiyatning har bir a'zosini, shu bilan birgalikda o'zni ham hurmat qilish kerak;
- ✓ Har bir inson odobli, xushmuomala bo'lishni o'rgana oladi;
- ✓ Buning uchun insonlarga murojaat etish yetarli;
- ✓ Sozga qanday qanday munosabatda bo'lishlarini xohlasangiz boshqalarga ham shunday munosabatda bo'ling;

- ✓ Axir insonlarda umumiy jihatlar ko’p! Bu nafaqat ijobiy, balki salbiy jihatlar ham bo’lishi mumkin;
- ✓ Sizga yoqmadimi?! Bu boshqa insongga ham yoqnasligi mumkin;
- ✓ Sizni xafa qilgan narsa boshqa odamni ham xafa qiladi;
- ✓ Shuning uchun ham boshqalarni o’zingizni hurmat qilgan darajada hurmatlang;

Etiketning oltin qoidalariga quyidagilarni hm akiritish mumkin:

- Yaxshi xulq-atvor;
- O’zini jamiyat orasida tuta olishi;
- Tashqi ko’rinish;
- Muloqot madaniyati;

Muloqot – etiket asosi. Muloqot – o’zining noyob fikrlari, hissiyotlari, shaxsiyatini boshqalar bilan bo’lishish jarayoni. Shubhasiz, bu insoniylikning eng muhim xislatlaridan biri. Bundan tahshqari bu insonning “men”ini o’ziga xos ko’rinishi hisoblanadi.

O’zini jamiyat oldida tuta olishi etiketning oltin qoidalariga kiradi. Bu yerda XV-XVI asrlarda yashab o’tgan Husayn Voiz Koshifiy, o’z davrining yetuk davlat arbobi Alisher Navoiyni misol tariqasida olishimiz mumkin. Kosifiy o’zining “Tariqat ahlining odobi” kitobida quyidagilarni yozadi: “Ulamo inson muloqot jarayonida, jamiyat orasida, o’zgalar bilan suhbat chog’ida quyidagi qoidalarga amal qilmog’I lozim:

1. Yolg’ondan qochish.
2. Ilojsiz narsani va’da berish.
3. Keraksiz, ma’nosiz savol va suhbatlardan yiroq yurish.
4. O’zini o’zi yaxshi ko’rish, o’zini o’zi maqtash va, umuman, maqtanishdan qochish.
5. Mahmadonalikdan uzoqlashish.
6. Hech qachon hech kimni haqorat qilmang, hatto u inson sizning dushmaningiz bo’lsa ham.
7. O’zgalarning ustidan kulish va noo’rin hazillardan yiroqlashish.”

Mulooqt madaniyat, umuman olganda, ko’p qirrali hisoblanadi. masalan, mehmondorchilikka borgan xonadoningiz xo’jayini bilan salomlashish vaqtida qo’l uzatish kerakmi yoki yo’q? boshingizni qimirlatib qo’yishingiz kerakmi? Yoxud tanishsish vaqtida qanday so’zlar ishlatish kerak? Shu bilan birga, kimnidir xafa qilmaslikni qanday amalga oshirsa bo’ladi?

Sharqda erkak kishini ayol kishiga, kattani kichkinaga, boshliqni xodimga tanishtirish urf bo’lgan. Bu yerda katalatga, boshliqlarga nisbatan hurmat ko’proqifoda etiladi. Lekin buning aksi bo’lganda, yoshlarga hurmat va laohida e’tibor qaratilgan bo’ladi.

Tanishish vaqtida biroz egilish va qo’lini ko’ksiga qo’yish urf bo’lgan. Tabassum qilishni unutmaslik lozim. Xursandchilikni so’zlar bilan ifodalash, masalan “Bag’oyat mamnunman”, “Siz bilan tanishganimdan xursandman”, “Siz bilan tanishish yoqimli bo’ldi” kabi ifodalar bilan ko’rsatib berish, yanada go’zal bo’ladi. Tanishganda suhbatni olib boorish o’ziga xos muhim vazifa hisoblanadi. Suhbat vaqtida har xil qo’l harakatlarini qilish, orqaga o’girilish, qo’lni cho’ntakka solish, yelka qisish, soatga qarash, suhbatni baland ovoz bilan yakunlash odobsizlik belgilaridan hisoblanadi.

Insonning tashqi ko’rinishi – etiketning asosiy qoidalridan biri. Ayniqsa, kiyinish uslubi. Kiyinishda ham o’ziga xos qoidalar mavjud bo’lib, ularning ham normalari bor. Kiyim tanlashda yorqin ranglardan qochish maqsadga muvofiqdir.

Suhbat jarayonida ikkita muhim omil mavjud. Birinchisi – holat. Dialog vaqtida o’zingizni erkin his qiling va diqqatli bo’ling. Bordi-yu o’zingizni o’ta bo’sh tutsayiz, sizni yo tarbiyasiz, yo jiddiy emas deya qabul qilishadi. Ikkkinchisi – nigoh. Suhbatdoshga tikilib qarash shart emas. Eng muhimi ishonchli, yoqimli nigoh tashlash kerak.

Shirinso’zlik – muloqot madaniyatidagi oltin qoidalardan biri hisoblanadi. Boshqacha aytganda, shirinso’zlik – muvafaqqiyat kaliti. Shu bilan bir qatorda, shirinso’zlik tarbiyaning yuqori darajada ekanligini ko’rsatib beradi. Shirinso’zlik bilan har qanday yoqimsiz holatlarni oldini olgan bo’lasiz.

O’zbek tilidagi “Nazokat” so’zining rus tilida aynan muqobili yuq. Bu so’z o’zida iliqlikni kasb etgan desak mubolag’a bo’lmaydi.

“Nazokat” ham o’zining qoidalariga ega:

- Shovqin solmaslik, yon-atrofdagilarga xalaqit qilmaslik;
- Boshqa din, millar, xalq vakillarini aslo kamsitmaslik;
- Suhbatdoshning kamchiliklarini aytib, uning ustidan kulmaslik;
- Birinchi bo’lib qo’l uzatmaslik;
- Suhbatdoshning yaqinlari yoki tanishlari haqida mensimay gapirish mumkin emas.

Bu qoidalarga ayniqsa o’qituvchilar alohida e’tibor qaratishlari muhim. Chiroyli kiyim bilan birgalikda shirinso’zlik, go’zal nutq sohibi bo’lish o’qituvchiga nisbatan hurmatni yanada oshiradi. Har bir zamonaviy o’qituvchi quyidagi fazilatlarga ham bo’lmog’i kerak:

- ❖ O’z fanini chuqur bilishi, hammaga hurmat, shirinso’zlik bilan murojaat qilishi;
- ❖ Madaniyatni o’quvchilarga chiroyli yetkazib bera olishi va namuna bo’lishi kerak.

Madaniyatli nutq, chiroyli so’zlay olish insonlar bilan bir-birlarini o’zaro tushunishini osonlashtirgan. Shirinso’zlik bilan insonlar ko’zlagan natijalariga erishganlar.

Go’zal nutq sohibi bo’lish hamisha insonlar bilan muloqot qilishda, o’z hatti-harakatlarini to’g’ri talqin qilishida, fikrini ifodalay olishida yaxshi natijalarga olib kelgan. Nutq madaniyatini hamma bilishi shart. Bu bizga qiyinchiliklaarni yengib o’tishda muhim omillardan biri hisoblanadi.

БХСР ҲУКУМАТИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

Раҳмонов Камол Жамолович, БухДУ тарих кафедраси доценти, т.ф.н.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилганидан сўнг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги халқ нозирлар кенгашидан иборат янги ҳукумат тузилиб, маориф ва маданиятни ривожлантириш, ўқиш ва ўқитиш ишларини замонавийлаштириш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, маориф тизимини янгидан барпо этиш ҳамда ёшлар таълим-тарбияси масаласига ҳукумат раҳбарлари биринчи даражали муҳим вазифа сифатида қарадилар. Ҳукумат таркиби асосан жадид мунавварларидан иборат бўлиб, улар халқни саводли қилиш орқали жаҳолат ва қолоқлик ботқоғидан халос қилиш мумкинлиги тўғрисидаги орзу-умидларининг амалий ҳаётга тадбиқ қилиш вақти етди деб ҳисобладилар. Шунинг учун Республиканинг ҳукумати тизимида алоҳида маориф нозирлиги тузилиб, ушбу нозирлик зиммасига бир қатор вазифалар билан бирга замон талаблари асосида ёшлар таълим-тарбияси муаммоларини ҳал қилиш масъулияти юклатилган.

БХСРнинг матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” газетасининг 1920-1921 йилларда чоп этилган сонлари билан танишилганда, эндигина вужудга келган республикада маориф тизими ва таълим-тарбия асосларини яратиш билан боғлиқ ҳукуматнинг буйруқ ва қарорлари, дастур ва қоидалари, фармон ва билдиришларидан воқиф бўлинади. Маорифни йўлга қўйишдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири БХСР маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965) имзоси остида эълон қилинган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) ҳисобланади. Қоидаларда қайд этилган ёшлар таълим-тарбияси муаммоларига тегишли маълумотлар орқали фикр билдирмоқчимиз. Ушбу ҳужжат 1920 йил ноябр ойида ишлаб чиқилган бўлиб, “Умумий қоидалар”, “Таълим-тарбия ишларига оид”, “Мактабнинг вазифалари”, “Ёшлар ахлоқи” ва бошқа шу каби етти бўлимдан иборат.

“Қоидалар”да амирлик замонида мавжуд бўлган эскича таълим ва ўқитиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бутун мамлакат аҳолисини ёппасига саводини чиқариш масаласи баён қилинади. Мазкур тарихий ҳужжатда эски мактабларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар ишида мадрасада таълим берган муаллимлардан фойдаланиб туриш, қизлар мактабларини ташкил этиш, болалар боғча ва яслилари очиш, таълимнинг мажбурийлигини таъминлаш, ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул овқатлантириш кабилар санаб ўтилади.

Таълим-тарбияда сифатий ўзгариш қилиб: “болаларни сўкмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўгит-насиҳат, танбеҳ, ўрнак кўрсатиш (ибрат-намуна)” усулларини қўллаш воситаси кўрсатилган. Шунингдек, таълим “ахлоқий, фаний, сиёсий” равишда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 киши қилиб белгиланиши ёзиб қўйилган.

“Қоидалар” билан танишишда давом этар эканмиз, бўлажак таълим-тарбия тизимида ахлоқий масалаларга, маънавий баркамолликка алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. “Мактабларда болаларни одоб-ахлоқига жуда катта аҳамият берилиб, одобсизлик, тарбиясизлик, тамаки тортмоқ, қимор, ошиқ ўйинлари, бедана ўйнамоқ мактаб болаларига қатъий мумкин эмасдур. Муаллимларға ҳам ўқув даргоҳида тамаки тортмоқ мумкин эмасдур”-деб ёзилади ҳужжатда.

Хуллас, БХСРнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” тарихий ҳужжатининг ўзида халқ маорифини юксалтиришга йўналтирилган орзу-умидлар акс эттирилган эди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ўзининг тўрт йиллик (1920-1924) тарихи даврида миллатимизнинг замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Ёшлар таълим-тарбияси ва маънавиятини ривожлантиришга жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаралди.

Афсуски, совет тузумидаги ноинсоний сиёсат, тоталитар тартиб миллатимиз жонкуярларининг истиқболли умидларини саробга айлантирди, ўзларини эса қатағон қурбонлари бўлишга олиб келди.

Истиқлол туфайли ёшларга таълим ва замонавий билим беришнинг истиқболли дастури ва тизими шакллантирилди. Ушбу хайрли ишда эса ота-боболарнинг тарихий тажрибаси бизга кўп жиҳатдан зарур бўлмоқда.

АЖДОДЛАР МЕРОСИДА САНЪАТ ТУРЛАРИ УЙҒУНЛИГИ

Ф.Холиқулова, НавДПИ

Санъат энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиё ҳудудларида яшаб келган халқлар маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган. Унинг йўналишлари, жанрлари, шакллари ўзбек

халқининг аждодлари бўлмиш ҳозирги Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Эрон ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, бақтрияликлар ижодий фаолияти ва тафаккурининг маҳсули сифатида асрлар давомида шаклланиб тараққий этиб келган. Шунингдек санъат турлининг ривожланишига Хитойнинг шимолий чегараларидан то шарқий Европагача чўзилган улкан минтақанинг дашт, ўрмон-дашт, тоғлик ўлкаларида яшаган (скиф, савромат-сармат, сак-массагет) халқларнинг таъсири ҳам ниҳоятда катта бўлганлигини исботловчи даллилар етарли.

Санъатнинг ажралмас бўлаги сифатида мусиқа санъатининг тарихий шаклланиш жараёни дастлаб, табиат ҳамда теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тушунишга ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж сифатида, илк мифологик тассавурлар таъсири остида кечиб, кейинчалик коҳинлар бошчилигида ўтказиладиган турли маросимларнинг руҳий-маънавий озиқ мазмунига айланган.

Инсоннинг ички руҳий кечинмалари, яшаш, ҳаёт, ўлим билан боғлиқ мушоҳадалари, кундалик мунособатлар доирасидаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан таъсир остидаги мулоҳазаларининг яққол ифодаси мусиқий оҳанглар садоси тарзида, жилоланиб баралла янграй бошлади. Ўз навбатида мусиқа халқнинг руҳий-эмоционал туйғуларига таъсир этиш ҳадисини олган коҳинлар учун мафкуравий қурол, яъни таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилди.

Геродот чўл ва даштли худудларда яшовчи массагетлар бир жойда тўпланиб, коҳин бошчилигида, улкан гулхан атрофида Ҳум (Хаома) ўсимлиги меваси ва баргларини оловга ташлаб, унинг инсон руҳиятига таъсир этувчи тутуни таъсирида мастлик холатида жунбушга келиб, қўшиқ айтиб рақсга тушишлари ҳақида маълумот келтиради: «...уларда яна бир дарахт борки, унинг мевасини авайлаб териб оладилар. Кейин гулхан ёқиб, атрофига ўтириб ҳалиги мевадан оловга оз-оз ташлаб, чиққан тутунни ҳидлашиб, худди эллинлар май ичиб маст бўлгандек кайф қилишади. Ҳалиги меваларни ташлаганлари сари кайфлари оша бориб, охирида ўйин тушиб қўшиқ куйлашади.”[1]

Чертма мусиқа асбоблари ижросида ўтказиладиган қадимги маросимлар ва уларда ижро этиладиган қўшиқлар, рақслар ҳақида дастлабки манбалардан бири сифатида Соймали тош (Фарғона водийси) петроглифлари ҳикоя қилади. Тоғ қоятошларида тасвирланган мусиқа асбобларидан бири Даф сози бўлиб, унинг асосини ўртасидан тешик хосил қилинган ҳамда айлана шаклига келтирилган, тери билан қопланган улкан тош ташкил қилган.

“Шохнома”да ёзилишича Даф ва қайроқ чертилганда ҳосил бўладиган товуш ва садолар шох Заххокнинг бош оғриқларини маълум муддат қолдиришга хизмат қилган. Бу афсона қурбонлик маросими билан узвий боғлиқ бўлиб, хайвон териси қопланган тош, хосилдорлик маъбуди инончи (культи)нинг ажралмас қисми, белгиси сифатида намоён бўлади.

Бақтриянинг қадимги Тахти Сангин шаҳари харобаларидан топилган Сарой мехробидаги қўш найли мусиқа асбоби(авлос)ни чалиб турган гўзаллик, нафосат, сув, наботот илоҳаси ҳисобланган Силена-Марсия ҳайкали ҳам қадим замонлардан бошлаб ушбу ҳудудларда мусиқа маданияти қанчалик даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Шунингдек ибодатхона харобаларидан бири-бирига уланган суяклар бирикмаси ҳамда гилли котишмалардан ясалган, пуфлаб чалинадиган созлар ҳам топилган. Илк якка худоликни тарғиб қилувчи дин сифатида зардуштийликнинг вужудга келиши ва асрлар давомида ушбу ҳудудларда ҳукмрон дин мавқеида унга эътиқод қилиниши мусиқа санъатининг тадрижий ривожланиши ва тараққиёти жараёнига ниҳоятда улкан таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиё халқлари маънавиятининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган илмий-тарихий, диний-фалсафий ва ахлоқий–таълимий асослар, аввало, пайғамбар Зардушт томонидан яратилиб, шаклланган зардуштийлик таълимоти билан алоқадордир.

Зардуштийлик таълимоти минглаб йиллар давомида яшаб фаолият кўрсатиб келган инсонларнинг жамият ва табиатга бўлган муносабатларининг инъикоси сифатида шаклланди.

Зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби ҳисобланган “Авесто” битикларида илгари сурилган ғоялар эса аждодларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, диний эътиқоди ва ақидаларини ўзида мужассамлаштиргани шубҳасиздир.

Зардуштийлар таълим жараёни якунида эгалланиши шарт бўлган билимлар қаторида мусиқа билими, мусиқий маданият йўналиши асосий ўринлардан бирини эгаллаган.

Ўрта Осиёда мусиқа маданиятининг ривожланиши ва намоён бўлишининг муҳим қирраси ҳарбий қўшин, мунтазам армия фаолияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Тарихдан маълумки, эрамиздан олдинги VII асрдаёқ аждодларимиз ўзларининг аниқ қоида-қонунларга бўйсунган, тузилма сифатидаги мунтазам армияларига эга бўлган. Турли хил турдаги қўшинлардан тузилган армия таркибида ҳарбий мусиқачилар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Плутарх парфияликлар армиясида қозонсимон урма зарбли асбоблардан кенг фойдаланилганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

[1] Қадимги тарихчиларЎрта Осиё ҳақида.Т.:-2008 й. Юрист-медиа нашриёти.53-бет

Чунончи, 53 йил 9 май кунида Красс бошчилигида римликлар армияси парфияликлардан қақшатқич мағлубият аламини тортади. Жанг олдидан ўзларини руҳлантириш ва душманни ваҳимага солиш мақсадида парфияликлар атрофида мис қўнғироқлари илиб қўйилган, тери тортилган улкан чертма асбобларини чалиб шовқин-сурон кўтарганлар. Бу ҳарбий усулдан кейинчалик, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Амир Темур каби жаҳонгирлар ҳам ўз юришларида кенг фойдаланишган.

Ҳарбий ҳаракатлар ва маросимлар ўтказилиши даврида баъзи мусиқа асбоблари ҳарбийларнинг қурол-аслаҳа, туғ, байроқ, тамғалари қаторида муҳим рамзий белги вазифасини бажарган.

Масалан труба пуфлама сози ҳарбий қўмондоннинг алоҳида ажратиш белгиси ҳисобланса, идиофон-жом, аэрофон-най каби мусиқа асбоблари шоҳларнинг рамзий белгиси сифатида қабул қилинган. Мембрафон-улкан зарбли соз эса лашкарбошиларга топширилган. Табира, чарос каби мусиқа асбоблари ҳам қўшин таркибидаги ҳарбийларнинг лавозимларини ажратиш ва белгилашда хизмат қилган. Панжикентдан топилган, бурғусимон пуфлама созлардан иборат ҳарбий ансамбль ва уч бошли, уч кўзли, олти қўлли худонинг бўйнидаги бурғу асбоби, ушбу асбобнинг ҳарбий мусиқа амалиётида кенг қўлланилганлигидан далолат беради. Ўз навбатида бурғу мусиқа асбоби муқаддас ҳисобланган.

“Авесто” да ёзилишича, қаттиқ қиш келиб, барча тирик жонзотларнинг қирилиб кетиш хавфи туғилганда тангри Аҳура Мазда шоҳ Жамшидга олтин бурғу ҳадя қилади. Шоҳ бурғуга пуфлаганда ер ёрилиб, инсон ва ҳайвонлар олтин бурғу садолари остида Жамшид қурган ер остидаги шаҳар-**вар**ларга кирадилар.

Хозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларида **Вар**ахша, **Вар**зонзе, **Вар**озун номи билан аталувчи манзилгоҳлар борлиги ҳам ушбу ҳудудлар инсоният бешиги, юксак маданият ва маънавият ўчоғи бўлганлигини яна бир карра исботлайди.



Бурғу пуфлаётган малика тасвири. Варахша.

VII-асрга келиб арабларнинг Марказий Осиёга қилган ҳарбий юришлари таъсирида улкан ҳудудларнинг босиб олиниши ҳамда ушбу ҳудудларда ислом динининг ёйилиши натижасида халқимизнинг исломгача давр мусиқа санъати босқичи ниҳоясига етди. Мазмун ва моҳият жиҳатидан тамомила ўзгача, янги дин асосидаги мафкура билан йўғрилган ислом мусиқа маданияти ва санъати босқичи шакллана бошланди.

РУМИЙ ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Қаҳрамон Тўхсанов, *филология фанлари номзоди, БухДУ доценти*

Тарбия ва таълим маскани, маънавият ва маданият бешиги, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, онги ривожланиб, тўғри йўлни танлаши, уни ҳаёт қадрини биладиган, зоҳири ва ботини пок қилиб тарбиялаш жараёнида оиланинг ўрни беқиёс. Бу азиз қадамжонинг сардорлари – ота-оналар юксак қалб билан фарзандларини севиб-ардоқлаб вояга етказадилар. Чунки қалбида чексиз инсоний меҳр билан улғайган фарзандлар ўз Ватани, оиласи, ака-укаси, опа-синглиси, миллатдошу қардошларига ҳеч қачон хиёнат қилмайдилар. Ана шундай юксак маънавиятли, ахлоқи баркамол шахсларни тарбиялаш мумтоз адабиётимиз вакиллари томонидан турлича тарзда бадиий баён этилган. Жумладан, Шарқ ва Ғарбда беқиёс илмий-илоҳий салоҳият соҳиби сифатида эътироф

этиладиган Жалолиддин Румий ижодида ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига доир бебаҳо ғоялар талайгина.

Румий фикрича, инсон ҳақиқий инсон бўлиб вояга етиши учун у, аввало, бировнинг қалбига озор бермаслиги лозим. Чунки қалб Яратганнинг назаргоҳидир. Бировнинг қалби ва руҳий оламига завқ бағишлаш улуғ саодатдир. Ҳаётнинг лаззати, хурсандчилиги, ҳузур-ҳаловати кўнгил хотиржамлигидадир. Моддий бойлик ҳеч қачон киши осойишталигини тўлиқ таъминлай олмайди, тўлиқ ҳаловат учун маънавий олам ҳам лозим. Шу боис адиб ёшларга шундай мурожаат қилади:

Юз саноч олтинни тўксанг, эй ғани,
Ҳақ дегайким, топганинг кўнгил қани?
Рози эрса гар кўнгил, мен розимен,
Юз ўгирса сендин ул, норозимен.
Сенгамас, кўз ташлагум кўнглингга мен,
Туҳфа айлаб, келтир остонамга сен.

(Ҳикматлар, 130-бет)

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мусулмон аҳли учун муқаддас бўлган Каъбадан инсон кўнгли устун эканлигини таъкидлаш моҳиятига эга мана бу байти Румий қарашлари билан ҳамоҳангдир:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўққи, андоққи, кўнгил каъбаси.

Баъзан суҳбатларда айрим замондошларимизнинг “Мен онамга ёхуд отамга мана бунча пул бердим”, дея мақтанганларини эшитиб қоламиз. Бироқ йўлингиз тушиб, уларнинг ота-онасидан хабар олсангиз, албатта “Фарзандимни соғиндим”, “Фақат пул дейди”, “Бир келиб кетмайди”, деган норозиликнинг гувоҳи бўласиз. Румий юқорида келтирилган шеърий парчанинг иккинчи байтида “кўнгил норози бўлса, мен ҳам норозиман” дея, Аллоҳнинг таъкидини келажак авлодга уқтиряпти. Аллома таъкидига кўра, ҳар бир инсон, аввало, онасини рози қилиб, унинг хизматини адо қилиб, ризолигини олиши керак. Шундагина у икки дунё соадатини топиб, бахтли ҳаёт кечиради. Шоир ўз фикрининг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида “Жаннат оналар оёғи остидадир” ҳадисини иқтибос қилади:

Сенга кўнгилдир нечук, мен ҳам чунон,
Оналарнинг пойи остида – жинон.

Адибнинг фикрича, бахтли ва бахтиёр фарзанд асло ота-онаси кўнглига қарши чиқмайди. Уларга озор бермайди, доим аҳволидан хабардор бўлиб, кўнглига ёқадиган иш билан шуғулланади. Улар кўрсатган йўл-йўриққа оғишмай амал қилади. Эл орасида ўз ўрнини топиб, ота-онасига раҳмат олиб келади. Ўз она юртига тош отмайди, балки уни ёвдан асрайди. Уни дунёга келтирган, вояга етказганларнинг кўнглига хуш келадиган гўзал амалларни бажаради. Натижада ҳам ота-онаси ризолигини топади, ҳам икки дунё бахту саодатини қўлга киритиб, фарзандларидан яхшилик кўради. Шоирнинг фикрича ана шундай инсон чинакам бахтли инсондир:

Элга ота-она эрмишдир кўнгил,
Бахтлидир кўнгилни кўрган кимса ул.

Шоирнинг фикрича, кўнгил билан кўнгилнинг фарқи бор. Бир парча гўшт ҳамма вақт ҳам кўнгил бўла олмайди. Ҳар қандай нокас кишиларнинг қалби ҳам кўнгил бўлмайди. Кўнгил ғараздан, адоватдан, фитна ва фасоддан пок бўлиши лозим. Барча ғализлик ва ифлосликдан пок бўлган кўнгилгина мусаффо бўла олади. Яъни инсоният дарди билан ураётган, одамлар қалбига роҳат бағишлайдиган кўнгилгина жамият учун манфаатлидир:

Қутби олам бўлгудек кўнгил керак,
Жони одам бўлгидек кўнгил керак.
Бир кўнгилдирким, мусаффо, беназир,
Унга ул султони олам мунтазир...

(Ҳикматлар, 131-бет)

Зийрак, ҳушёр, ақлу фаросати баланд киши албатта ота-она ҳурматини жойига қўйиб, келажагини ўйлаб, баркамол шахс бўлиб етишишга ҳаракат қилади. Бундай ёшлар ўз камчиликларини тузатиб, жамият учун наф келтирадиган иш билан шуғулланадилар. Аммо шундай кимсалар борки, бирор-бир хатосини айтганда, айтгувчи билан тортишувлар қилиб, айбни тан олмайдилар. Шу боис Румий келажак авлодга қарата: “Яхшидир кўзни ўзингга солганинг”, дея таълим беради:

Яхшидир кўзни ўзингга солганинг,
Айтганинг – айбни ўзингга олганинг.

(Ҳикматлар, 37-бет)

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, улар қалбига ота-она, Ватан ва миллатни севиш, ҳалол меҳнат орқали камолотга етиш ғояларини сингдириш мумтоз адабиётимизнинг, жумладан, Мавлоно Жалолиддин Румий ижодининг энг муҳим

умуминсоний фазилатидир. Бу бебаҳо меросдан эзгу орзуларимиз йўлида фойдаланиш юксак самаралар бериши шубҳасиз.

САЪДИЙ БУСТОНИДА ТАРАННУМ ЭТИЛГАН ТАЪЛИМИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР.

Д.Муродова п.ф.н., Умумий педагогика ва психология кафедраси, НАВДПИ

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йук. Келажак пойдевори билим даргохларида яратилади, бошкача килиб айтганда, халкимизнинг эртанги куни кандай булиши ёшларнинг бугун кандай таълим ва тарбия олишига боғлик. Таълим ва тарбия хусусида суз борар экан тарбия бу - инсондаги энг улуг, энг яхши фазилатлардан бири хисобланади. Аслида инсон гузаллиги унинг бойлиги-ю мансабида эмас аксинча, унинг олган тарбияси, хулки ва одобидадир. Узбек халкининг буюк мутафаккири А.Навоий айтганидек «яхшиликни узида мужассам килиб олган одам энг бахтли инсон хисобланади».

Жахон дурдоналари каторидан урин олган «Бустон» ва «Гулистон» асарларини билмайдиган ва ундан бахраманд булмаган, илм фани ривожига бебахо хисса кушган машхур форс – тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслихиддин Саъдий Шерозий номини эшитмаган ва билмаган адабиетшунос булмаса керак. Шарк халклари орасида Шайх Саъдий номи билан шухрат козонган бу донишманд инсон 1203 йили Шероз шахрида тугилган. Отаси Шероз Отабеги Саъд бини Зангийнинг мулозимларидан булган. Лекин 10 – 11 йошларида отасидан етим колади. Сарой томонидан нафака тайинланган булсада оиланинг моддий ахволи огир эди. Майда савдогарчилик билан шугулланган акасининг хам бозори тезда касод булади. Шунга карамай билимга чанкок Саъдий бошлангич таълимотни тугилган шахри Шерозда олгач тахсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти уша даврнинг энг йирик илм ва маданият маркази булган Боғдодга боради. Донгдор «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида калом, фикх, тафсир илмлари араб тили ва форс адабиети, Шарк фалсафаси, тарих, мантик, тиб хамда бошка табиий ва аник фанларни урганади. Таникли тасаввуф олими ва файласуф адиб Шахобиддин Сухравардий хамда йирик илохиет алломаси Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзий кулида тахсил олади. XI асрда салжукий султонлардан бир нечтасига вазирлик килган машхур давлат ва жамоат арбоби Низомулмулк асос солган, «Низомия» мадрасаси 6 минг талабани уз багрига олса «Мустансирия» кутубхонасида 70 минг жилддан ортик китоб булган. Бу икки улкан мадрасанинг мусулмон шаркидаги нуфузини шундан хам билса булади. Талабалар орасида айникса забардаст араб шоири Шерозий шерларига кизикиш кучли булган. Бу мутоалалар Саъдий ижодида кучли таъсир курсатади. У бу ердаги илмий адабий давраларда фаол иштирок этиб, билимнинг кенг ва чукурлиги далилларнинг уткир ва асослилиги, воизлик иктидори туфайли хамманинг эътиборини узида жалб килар ва бахсу мунозараларда хамиша голиб чикар эди.

Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган.

Унинг «Гулистон» асарида болага тарбияни ёшликдан бериш кераклигини алохида айтиб утилган.

Кимга ёшликдан берилмас одоб,
Улгайгач, булади бахтсиз, дили гаш.
Хул новда эгилар кай хилда эксанг,
Курукни тугрилар факат ут оташ.

Саъдий «Гулистон» асарида узининг ҳаёти тафсилотларига бағишланган қисмида қуйидаги ишорага дуч келишимиз мумкин:

Ба Санъодурам, тифле андар гузашт,
Чи гўям к-аз онам, чи бар сар гузашт..

Мазмуни: «Санъода мусофирлигимда болам дунёдан ўтди. Бошимдан кечган ҳодисаларнинг қайси бирини айтай?»

Саъдий турли хил,ранг – баранг жанрларда ижод килган асарларида, шерларида маънавий, ахлокий, тарбиявий карашлар етади. Бунинг замирида соглом тартиб интизом, аждодларимизга чукур эхтиром, тарихимизни авайлаб асраш, келажак авлодни истиклол рухида тарбиялашдек хайрли максадлар етади.

Саъдий асрлар давомида туплаган меросини келажак авлодга етказиб, хар бир кишини ватанпарварликка, мехнатсеварликка, эзгулик йулида хизмат килишга ундайди. Вахоланки хар бир еш авлод ватанига садокатли йигит кизлар булиб тарбияланишига олиб келяпти.

Саъдий ижодида тараннум этган асарларда инсоний фазилатлар, одоб – ахлок, таълим – тарбиявий фикрлари хозирги мустакиллик даврида еш авлодни иймон - эътикодли килиб камол топтиришга хизмат килади.

Бир умр халк ичида яшагани, хаетнинг бутун кийинчиликларидан утиб, аччик чучугини тотгани учун хам Саъдий асарлари бошка шарк шоирларникидан хайратланарли даражада, вахоланки хаетийлиги билан хам ажралиб туради. Уни Шарк адабиетшунослари фукугуй, яъни хаетни бор буйича тасвирлайдиган адиб дейишади. Хозирги тилда яъни хозирги терминда айтадиган булсак у реалист, машхур ижодкор хамда езувчидир.

Садриддин Айний ҳам Саъдийнинг «асарларидан ақлга сиғмайдиган, ўхшаши тириклик оламида бўлмаган ёки бўлиб ўтмаган бирор нарсани тополмайсиз», — деб лутф этган эди. У шоир ижодини текшириш давомида: «Саъдий, шубҳасиз, форс - тожик классик адабиётининг жуда улуғ сиймоларидан бўлиб, бундақаси бўлмаган», — деган хулосага келади.

Дархакикат, яна шуни айтиб утиш жоизки мумтоз форс – тожик адабиетида бирор-бир адиб ижоди Саъдийнинг асарларичалик ҳаётийлиги, фалсафий фикрлари билан ажралиб турмайди. У илҳомни, мавзуни, сўз ва образли иборалярни халқдан олиб, халққа қайтарди. Шоир асарларинипг халқчил асоси хам шунда хисобланади.

Хаетнинг узи устозлик килган киши хакикатдан хам донишманд булади. Саъдий асарлари чинаккам хаетий вокеалардан иборат. Айни жихатда унинг шеърларида хает нафаси уфуриб туради.

Навоийниг Саъдий ғазалига ёзган бир татаббуъсида шундай мисра келтирилган:

Фоний, ба раҳи Саъдий агар зад қадаме чанд,

Бо ў суханаш бин, ки чу ширу шакар афтод.

Мазмуни: «Фоний Саъдий йўлида бир неча қадам ургани учун ҳам сўзлари сут ва шакар кўшилганидек ширин бўлди».

Саъдийнинг бирор бир шеъри еки дурдона асарлари хеч бир ижодкорни бефарк колдирмай утмаса керак. Шунинг учун унинг ижодидаги самимийлик, халкчиллик, она ватанга булган садокат туйгулари бир умр инсонлар калбида мухрланиб колади. Биз ешлар эса мана шундай ижодкорларимиз асарларини пухта узлаштириб уз билимимизни ошириб хамиша билим талабида булайлик.

ЎҚИТУВЧИ НУТҚ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ МАДАНИЙ НУТҚИ

С.С.Авезов, Т.Р.Чориев, БухДУ доценти, филология фанлари номзодлари

Нутқ маданияти муаммоси ижтимоий тарихий тараққиёти даврининг барча босқичларида ўрганиб келинган. У таълимот си фатида қадимги Рим ва Афинада шаклланиб, кейинчалик Миср, Ҳиндистон ва Хитойда нотиқлик санъати сифатида кенг тарқалган. Бу санъатга грек олими Аристотел ўзининг “Риторика” асари билан асос солди. Риторика-амалий жиҳатдан нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил меъёрлари нутқ сифатлари, нутқ услублари хусусида баҳс юритадиган санъат даражасига кўтарилди. Бу соҳада юнон нотиғи Демосфен (эрамиздан олдинги 384-322) Рим нотиғи Цицерон (эрамизгача 103-43) лар жуда юксак шарафга эга бўлдилар.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданиятига эътибор жуда эрта бошланган. Улуғ тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девони луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарида “Нутқ одоби” қадимги ёдгорлик ҳисобланган “Авесто” асарида ҳам ўз ифодаси топганлиги бир қанча олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Ёш авестошунос олим Қ. Абдуллаев “ Инсон ақл–тафаккури”, “Динкорд” қисмидаги “Дадестони меноги хрод” (Ақл руҳи мушоҳадалари” бобида диннинг асосий аҳкомларини билиш ва тушуниш, унинг фарзлари, суннатларига риоя қилиш, бутпарастларга нисбатан кураш, шунингдек, “Эзгу фикр” “Эзгу сўз ва “Эзгу амал “ триадасига сўзсиз амал қилиш ҳолатларида намоён бўлади”-деб ёзади. Унда инсонлар билан ўзаро муносабат қуйидагича ифодаланади: “Оқ кўнгил инсонлар билан мулоқот яхшилик, ёмон кишилар билан кулфат келтиради”-деб кўрсатилади.

Аёнлашадики, “Авесто” ва унинг пандномаларида нутқ одоби ва муомала орқали инсоният яхши йўлга, ҳидоятга даъват этилади. Айниқса, VIII-IX асрда яшаган буюк қомусий олимлар Ал-Хоразмий, Абунаср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний ижодида ҳам нутқ одоби, яхши муомала, нутқда сўзнинг ўрни ҳақида жуда кўп ибратли фикрлар баён этилган. Хусусан, Абу Али ибн Сино ҳаётида ушбу воқеа тарихийдир. Унинг шогирди Абу Убайд ал Жузжоний фикрича, араб грамматикасининг билимдони Абу Мансур ал Жабоний бир куни олимга:

-Сиз файласуф ва ҳаким одамсиз, лекин луғат (сўз) илмини чуқур ўқимагансиз, шунинг учун ҳам сизнинг гапларингиз буни қониқтира олмайди- дейди. Сино бу гапидан ранжийди. Шу воқеа сабаб бўлиб, у араб тили ва грамматикасига шўнғиб кетиб, уч йил деганда “Лисонал-араб” (“Араб тили”) асарини яратиб, Абу Мансурга юборади. (Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган). Буюк олимнинг пандном а асари “Зафарнома” да ўзаро муносабат, устоз ва шогирд муомаласи диалог тарзда қуйидагича ифода этилади:

Дедим:

- Кимдан ўзимни тортай, токи орамиз узоқ бўлсин.

Деди:

- Лаганбардор, хушомадгўй, фирибгар, хасис, бировнинг ҳақига хиёнат қиладиганлардан.

Дедим:

- Яхшилик мақбулми ёки ёмонликдан нари юриш?

Деди:

- Ёмонликдан нари юриш жами яхшиликларнинг дебочасидир.

Ибн Сино шоир сифатида ҳам “Қисоид ва ашъор” (Қасида ва шеърлар”) ва бир қанча рубоийлар билан ҳам машҳурдир. У бир рубоийсида нодонлар даврасида нодон бўлиш лозим деб айтади:

Икки-уч нодон ким чунон ҳисоблар
Жоҳлидан оқилу, жаҳондир улар.
Эшак бўл, чунки у эшаксимонлар
Эшак бўлмаганни кофирга жўяр.

Улуғ мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний нутқни икки турга ажратади: 1. Наср. 2. Назм. У ёзади: ”Яхши нутқ тузиш учун наҳв (грамматика), аруз (шеър ўлчовлари), мантиқ фанлари ҳамкорлигидан фойдаланиш зарур. Уларнинг бирортасига аҳамият бермаслик, булардан бирининг қоидаси бузилиши қолган иккитасига таъсир қилмай қолмайди”. Шунингдек, нутқ одоби ва инсон фазилатлари ҳақида улуғ алломанинг қуйидаги пандномалари ҳам ибратлидир: ”Сўз билан айтганда тушунган одамга қамчи ва қилич лозим эмас”. ”Яхши йўлдан юриш яхшилик аломатидир”. “Миннат эҳсон қилувчининг эҳсонини йўққа чиқаради”, ”Кичкина нарсани андак ҳисоблама, чунки кичкина нарсанинг ҳам фойдали ўрни бор”, “Омма одат қилган нарсага хилофлик қилма”.

Улуғ форс-тожик шоири Хусрав Деҳлавийнинг (XIV аср) нутқ ҳақидаги фикрлари ибратлидир. У нутқни тингловчига мазмунини тасирчан тузишга даъват этади

Сўзларингда бўлсин фикру ўй ёниқ ,
Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ

Ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намоёндаси Алишер Навоий бутун ижоди билан ўзбек тилининг равнақига чексиз ҳисса қўшди. А.Навоийнинг буюк “Хамса”, “Хазойин-ул маоний (“Маънолар хазинаси”) “Муҳокаматул-луғатайн (“Икки тил муҳокамаси”), “Маҳбубул-қулуб” (“Кўнгилларнинг маҳбуби”) ва бошқа асарлари инсон тафаккури ва нутқ тузишнинг гўзал намунаси сифатида намоён бўлади.

Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида тилнинг қадр-қиммати, ундан фойдаланиш, нутқнинг жозибадорлиги хусусида шундай дейди: “Саодатбахш руҳнинг тиниқлиги манбаи ҳам тил. Тилига кучи етадиган (киши) ақл подшосидир: сўзга аҳамият бермайдиган (киши) лаънатланган паст (киши) дир “(Маҳбубул- кулуб” 120-бет).

Шоир нутқда сўз маъноси ва ўрнини қатъий қадрлашга даъват этади. Шунинг учун ҳам у бу ҳақда аччиқ тарзда гапириб:

Оғизга келганни демак нодоннинг иши,
Олиға келганни емак ҳайвоннинг иши,

Деб айтади ва кишиларни ўйлаб, фикрлаб, маълум мантиқий изчилликка эришгач, гап сўзлашга даъватэтади:

Сўзни кўнгилда пишкормагунча тилга келтирма,
Ҳар неки кўнгулда бор-тилга сурма.

Инсон нутқи ва тафаккури билан ҳаётнинг ҳар қандай мураккабликларини енгади, қийинчиликларига бардош бера олади ва орзулар денгизидан сузиб ўтиб, мақсади манзилига ета олади. Улкан ўзбек адиби А. Қодирий ҳам ўзининг халқимиз учун севимли, азиз бўлган асари “Ўтган кунлар”ни яратаётганда ана шундай жасоратни ҳис қилиши ажаб эмас: “Ҳар бир ишнинг ҳам янги–ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, ақлларнинг етишмаклари ила аста-секин тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир”. Адиб мана шу жасорати билан келажакни кўра олгани, ушбу ёзма нутқий асари “Ўткан кунлар” романи билан адабиётга, боқийлик юз тутажагини қалбан, тафаккури билан чуқур ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

Инсон нутқи- унинг тафаккури маҳсулидир. Чунки тил- тафаккур таржимони саналади. Унинг хатти- ҳаракати, кураши, жасорати, маданияти ва маънавияти ана шу нутқ маҳсули бўлган тафаккурида намоён бўлади. Шунинг учун улуғ адиб Аҳмад Донишнинг тафаккури, нутқи, табиатини қуйидаги ўлмас сатрларда ифодалай олган.

“…Агар тафаккур дарёсига чўмсанг, янги осмонни хаёлинг қутичасига жойлайсан (ички монологик нутқ); агар хаёл қувватини ишлатсанг, етти қават ерни фикрнинг токчасига сиғдирасан (ташқи монологик нутқ), агар қаҳр-ғазабининг келса, йўлбарсни мушукдай ҳам кўрмайсан, агар меҳрибонлигинг тутар экан, бечора чумолини кипригинг устида сақлайсан; агар сахийлигинг жилва қилса, кийган тўнингни муҳтожга бериб, ўзинг ялангғоч қоласан, агар бахиллигинг тутса, қумурсқа оғзидаги донни талашасан; такаббурлигинг тутса, ўзимдан бошқа ҳеч ким бош кўтармасин дейсан;

агар ҳасадинг қўзғалса, офтоб ёруғининг ерга тушишини кўролмайсан”Бу инсон табиати унинг ҳаракати билан нутқий муносабатида ўз инкишофини топади.

Нутқий муомала ва муносабат нутқ вазиятида юзага келади. Нутқ ҳам, энг аввало, бизнинг назаримизда маълум бир миллат урф-одат, қадрият ва анъаналарига асосланган бўлиши шарт. Нутқ одобининг зарур талабларидан бири бизнинг урф-одатимизга кўра, сўзловчи ёши, жинси, жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар ўз суҳбатдошига ҳурмат кўрсатиш, самимий муносабатда бўлиши лозим.

Бу ҳол “Ўткан кунлар” романидаги савдогар Отабек ва унинг қули Ҳасанали муносабатида ёрқин ифодаланган: Отабек: “ Баъзи юмушлар буюрсам...

... Ҳасанали: ” Буюрингиз, ўғлим, “Отабек: “ Раҳмат, ота бўлмаса бизга чой қайнатиб берингиз-чи!” Ҳасанали : “ Хўп бўлади”. Мана шундай муносабат бўлганда суҳбат ижобий тарзда якунланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, нутқ вазиятида нутқ оҳанги жуда катта вазифани бажаради.

Сўзловчи кайфияти қандай бўлишидан қатъий назар, у суҳбатдошига юмшоқ, мулойим оҳангда муносабат қилиши лозим. Чунончи, суҳбатдошининг номини турли оҳангда ифодалаб, унга нисбатан Аҳмаджон дея яқинлик маъносидан ташқари Аҳмад!, ҳай Аҳмад, эй, Аҳмад! дея дўқ-пўписа, менсимаслик, эътиборсизлик, лоқайдлик, жеркиш, буйруқ каби салбий муносабатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги пайтда миллий қадриятларимиз тикланиб, суҳбатдошга нисбатан, тақсир, биродар, қадрдоним, дўстим, муҳтарам каби ҳурмат-эҳтиром маъносини билдирувчи сўзлардан унумли фойдаланилмоқда. Қаерда нима ҳақда гаплашишни билиш нутқ маданиятининг юксак кўринишидир. Масалан, тўйда ўлим ва аза ҳақида гапириш, азада хушчақчақ ҳангомалашиш, автобусда, йўлда шеригингизга кўрс гапириш, атрофдаги кишиларни эътиборга олмасдан ҳиссиётга берилиб гапириш, ҳазил-мутойиба қилиш маданиятсизлик белгисидир.

Ҳозирги ёшларимиз орасида ўз атрофидаги катталарни ҳисобга олмасдан гапиравериш ёки муомалага катта ёшдаги кишиларнинг фикрини диққат билан тинглаш, диққат билан қабул қилиш маданияти етишмаслигини кўп кузатамиз. Бу эса ўта одобсизлик кўринишидир. Дунёда энг ёмон одобсизлик-сизга гапираётган инсоннинг сўзини тингламаслик, ёки унга эътиборсизлик, лоқайдлик қилиш. Бу ҳолат гапираётган кишига нисбатан ҳақоратдир. Бундай ҳолатларга ҳеч кимнинг тушиб қолмаслигини истаймиз.

Сўзловчининг нутқ фазилатларидан яна бири шуки, атрофдаги кишиларнинг кайфияти, мавқейи ва ёшини ҳисобга олиб, унинг табиатига мос равишда мулоқот қилишдан иборатдир. Ғам-ташвиш билан гапираётган кишига ҳазил-мутойиба қилиш, унинг дардини фикрларига латифалар билан жавоб қайтариш фаросатли инсоннинг иши эмас. Бундан ташқари, ўша мансабдор кишига мақтов билан хушомад қилиш ҳам тингловчиларда ёмон таассурот уйғотади.

Ҳар бир суҳбат жараёнида турли хил шароитларда юз беради. Улар учун умумий томон шундаки, сўзлашдан кўра тинглашга кўпроқ аҳамият бериш лозим. Айниқса, ёши катта, ўзининг иши, меҳнати ва ақл зукколиги билан танилган инсонларга сўзлаш учун кўпроқ имкон бериш лозим бўлади. Агар суҳбатда билдирилаётган фикрлар мабодо зерикарли, кишиларга мақбул бўлмаётган бўлса, бундай пайтда суҳбат мавзусини ўзгартириш, қизиқарли воқеага торта билиш тажрибасига эга бўлиши лозим. Умуман суҳбат пайтида самимийлик, суҳбат мавзусига мос фикр келтира олиш, тингловчини, атрофдаги кишиларга чексиз ҳурмат, тоза ва илиқ муносабат нутқ маданиятининг асосий хусусиятлари саналади. Шу билан бирга нутқнинг тасвирий ифодалари унга гўзаллик бахш этади.

ГУМАНИСТИЧЕСКИЕ ИДЕИ В ТВОРЧЕСТВЕ ФИТРАТА

К.Ф.Абдуллаев, Н.Ж.Бобомуродова, Бухарский государственный университет

Преобразовательные процессы, охватившие бывшие советские республики Центральной Азии после обретения ими подлинной национальной независимости и политического суверенитета, привели к значительным изменениям в интеллектуальной сфере, обращению к истинно национальным истокам, активному изучению истории их народов. Правдивую историю рассматриваемого региона невозможно представить без объективного исследования вопросов джадидизма, оказавшее большое влияние на рост национального самосознания народов Бухары и Туркестана в конце XIX – начале XX вв. Общественно-политическое, национально-патриотическое и демократическое движение джадидов, по своей исторической значимости весьма прогрессивное явление для среднеазиатских народов, охватывало, главным образом – Бухару, Самарканд, Худжанд, Ташкент, Фергану, Коканд, Хиву, Андижан и другие крупные города. Основатели и активные участники среднеазиатского джадидизма – **Махмудходжа Бехбуди (1875-1934), Мунаввар Кори Абдурашидханов (1878-1931), Садриддин Айни (1878-1954), Абдулвохид Мунзим (1875-1934), Сиддикии Аджзи (1864-1927), Ахмаджон Хамди (1875-1937), Мукаммил Бурханов (репрессирован в 1937г.), Мирзо Сиродж Хаким (1877-1914), Абдукодир Мухиддинов (1892-**

1934), Абдукодир Шакури (1875-1943), Абдулло Авлони (1878-1934), Саидахмад Васли (1869-1925), Файзулло Ходжаев (1896-1938), Хомидходжа Мехри (убит в 1918г.), Кори Юлдош Пулотов (1890-1965) и многие другие, составившие костяк местной национальной интеллигенции, целиком и полностью отдавали свой жизненный опыт делу налаживания образования, внесли огромный вклад росту национального самосознания и духовного пробуждения народов Средней Азии.

Одним из них был **Абдурауф Фитрат** (1886-1938).

Он родился в Бухаре, в семье мелкого торговца и путешественника. Окончил квартальную школу и известное бухарское медресе «Мир Араб». В 1904 г. совершил паломничество в Мекку. До 1913 г. учился в Стамбульском университете. По возвращению в Бухару был хранителем библиотеки бухарского эмира. Литературную деятельность начал еще в годы зарубежной учебы. Писал под псевдонимом Фитрат (Фитрет). Его произведение "Мунозара" было издано в 1909 г. в Стамбуле. В 1910-х г. были изданы его произведения «Сайха», «Баёноти сайёхи хинди (Рассказы индийского путешественника)», "Рахбари нажот", "Оила", "Бибижон", "Мавлуди шариф", "Або Муслим". Абдурауф Фитрат был одной из наиболее активных фигур культурно-просветительского движения джадидов. Участвовал в организации новометодных школ, создал для них ряд учебников.

Перу Фитрата принадлежат драмы «Гробница Тимура», «Огузхан», научные произведения: «Тилимиз», «Узбек тили сарф китоби», «Узбек тили нахв китоби», «Шеър ва шоирлик», «Адабиёт коидалари» «Аруз хакида», научные трактаты посвященные «Девону луготит турк», «Мукаддимат ул-адаб», «Кутадгу билиг», «Хибат ул-хакоик». Фитрат - автор статей о жизни и творчестве Ахмада Яссави, Алишера Навои, Бабура, Мухаммада Солиха, Машраба, Умархона, Турди, Фирдоуси, Омара Хайяма, Бедила, книги об истории ислама «Мухтасар ислом тарихи», трудов по истории узбекской литературы. Он собрал ценнейшую коллекцию старинных восточных рукописей, которая в 1934 г. поступила в Государственную публичную библиотеку в г. Ташкенте.

Широко известен Фитрат и как драматург, его перу принадлежат около пятнадцати пьес, часть которых составляют исторические драмы и трагедии. Особо следует отметить две пьесы Фитрата, сохранившиеся полностью.

Действие пьесы **"Абдулфаизхон"** (1924) разворачивается в XVIII веке в Бухаре. Главный герой Абдулфаизхон – глупый и трусливый хан. Для того, чтобы сохранить за собой власть, он последовательно уничтожает всех своих родственников и близких к престолу людей. Таким образом, Абдулфаизхон ослабляет государство, и вскоре иранский шах подчиняет и разоряет Бухарский эмират.

Фитрат показывает как насилие, трусость и нелюбовь к своей Родине приводят к трагедии целого народа, государства. Философский вывод, к которому приводит читателя автор, в единении народа, в преданности и любви к Родине. В противном случае любую страну ждет крах физический и нравственный.

В драме **"Арслон"** (1925) автор показал жизнь народа в эпоху Бухарского эмирата. Она пронизана высоким гуманизмом простых людей. Перу Фитрата принадлежит также повесть "Судный день" и целый ряд рассказов. К сожалению, многие прозаические произведения писателя до сих пор не переведены на русский язык.

Повесть «Мунозара» А.Фитрата перекликается с «Рассказами индийского путешественника», в которых говорится о социально-политическом, экономическом положении Бухары, о ее культуре и быте. Это произведение, незамысловатое в художественном отношении, дополняет «Мунозару». В центре повествования тоже новый герой, но иностранец, который наблюдает уклад жизни, быт бухарцев со стороны. Герой – мусульманин – индус, получивший европейское образование, посетив Бухару высказывает свое беспристрастное отношение к жителям великого города, когда-то славившегося своими культурным традициями, а теперь погрязшего в стяжательсвте: «Ваши великие предки построили эти медресе для бедных, неимущих студентов-мулл, но люди, одержимые жаждой наживы, ваши богатые ученые-преподаватели превратили священные кельи медресе в свой товар и доходами от него набивают свои несчастные желудки. Истинные же хозяева этих келий - нищие студенты – вынуждены ютиться где попало в жалких уголках мечети, питаясь черствым хлебом и сырой водой. Дела бухарских мулл-ученых постыдно далеки от веры, от богобоязненности». Герой-индус отличается от Фаранги. Он не только глубоко сочувствует народу, наблюдая социально-экономические упадок Бухары, бескультурье, тяжелое положение мусульман, но и критикует улемов с точки зрения просвещенного, гуманного сознания.

На конкретных примерах автор сумел показать жизнь старой и новой Бухары: «воспитавшая 400 тысяч ученых и разослявшая их во все концы мира, она была владычицей таких могучих научных сил…» Автор указывает на тех, кто привел «этот посредник жизни всего Востока, при существовании всех этих средств к дальнейшей жизни всего Востока, при существовании всех этих средств к дальнейшей жизни, к полному упадку. Что же здесь удивительного?! Все обители благ сделались домами нескольких презренных, не знающих Бога узурпаторов и привели в кипение котел подлости

и испорченности небольшого общества обжор». Несмотря на то, что Бухара некогда была одним из храмов науки, в описываемое Фитратом время она очень изменилась: « Медрес, школы, библиотеки – все есть у нас, но во всем своем городе мы не имеем ни одного серьезно образованного человека, который мог бы без ошибки прочитать и разъяснить нам не только страницу Корана или Хадиса, но даже два-три арабских стиха! О, Господи! Столько позора и бесчестия лишь на одно благородное племя!!!»

Фитрат не жалеет красок в описании «темноты народа»: «это народ, который, в то время, как у него отняли все права, почитает за достоинство класть свою голову под ноги расхитителям». Герой повести приходит в недоумение, когда узнает, что его собирается лечить невежественный лекарь, которому доверяют такие же невежественные люди. Образованного же называют «кафиром» и даже не ходят с ним по одной улице. Беседа героя с «лекарем» очень показательна:

-В Бухаре нет медресе, в котором изучали медицину.

-Ну, тогда у какого доктора вы учились?

-Я ни у кого не учился медицине.

-Так каким же образом вы сделались лекарем?

-По милости Божьей мой отец был великим лекарем, все его книги достались по наследству мне; постепенно читая их, я стал лекарем эмира.

-Но разве возможно, чтобы человек сделался врачом благодаря лишь медицинским книгам?

-Конечно! Если внимательно изучать медицинские книги, то вовсе не трудно стать доктором!

Устами своего героя автор как бы предостерегает людей от грядущих потрясений. Процветание и прогресс он видит в образовании, ибо только в цивилизованном государстве народ живет благополучно. Просветительские взгляды А.Фитрата на политику, мораль, культуру, образование не утратили своей актуальности и по сей день.

Творчество Фитрата было действительно многогранным. Почтидвадцать пять лет, он вел активную деятельность в самых различныхобластях знаний. Например, как политолог он написал работу “Политика Востока”; как культуролог – “Шахматы на Востоке”, “Узбекская классическая музыка и ее история”, “Происхождение искусства”, “Опера “Халима”; как педагог – учебник по узбекскому языку, статью “Что делать со старыми школами?”; как философ – очерк “Бедил”. Но наибольшие заслуги у Фитрата перед литературоведением. Он автор замечательных научных исследований, таких как “Общий взгляд на узбекскую литературу после XVIвека”, “Чагатайская литература”, “Ахмад Яссави”, “О дастане Фархад и Ширин”, “Узбекский поэт Турды”, “Машраб”, “Фирдоуси”, “Навои какперсоязычный поэт и его персидский диван “Фани” и многие другие.Узбекский народ помнит, любит и ценит творчество замечательного писателя Абдурауфа Фитрата. Яркое свидетельство тому — одно из первых постановлений независимой Республики Узбекистан от 25 сентября 1991 года, в котором Абдурауфу Фитрату за выдающиеся заслуги в развитии узбекской литературы была присуждена Государственная премия в области литературы им. Алишера Навои.

YOSHLARNI DINIY BAG`RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHDA JALOLIDDIN RUMIY ILMIY MEROSINING AHAMIYATI

B.B.O`razov, BuxDU o`qituvchisi

Hozirgi globallashgan davrda davlatimiz oldida turgan eng muhim vazifalardan biri mamlakatimiz yoshlarini jismonan sog`lom, aqlan yetuk, ma`nan barkamol qilib tarbiyalashdir. Zero, insoniyat paydo bo`libdiki ma`naviyat masalasi har bir davr uchun birdek ahamiyatga ega bo`lib kelgan.

Ayniqsa XXI asrga kelib, mafkura maydonlaridagi olishuvlar, diniy qarashlardan qurol sifatida foydalanish, ma`naviy tahdidlar, axborot xurujlari tufayli ma`naviyat masalasi, qolaversa yosh avlodni ma`naviy jihatdan yuksak tarbiya topishi yanada dolzarb ahamiyat kasb etadi. “Bu esa, - deb ta`kidlaydi Prezidentimiz I.A.Karimov, - nafaqat bugungi, ayni paytda ertangi avlodlarimizning ham ma`naviy boyligiga aylanib, xalqimizga hech narsa bilan o`lchab bo`lmaydigan ruhiy kuch-quvvat va madad berishi muqarrar”[1].

Davlatimiz mustaqillikka erishganidan so`ng aynan shu yuqorida ta`kidlangan masalalardan kelib chiqqan holda ma`naviyat masalasiga jumladan yurtimizdan yetishib chiqqan yetuk siymolarimizga, jahon sivilizatsiyasining rivojiga o`zining munosib hissasini qo`shgan buyuk allomalarimizning ma`naviy merosini o`rganishga alohida e`tibor bera boshladi. Mana shunday o`rta asrlar musulmon Sharqining yetuk mutafakkirlaridan biri, “Mavlaviya” tariqatining asoschisi Jaloliddin Rumiy Balxiydir. Jaloliddin Rumiy qoldirgan ma`naviy meros bamisoli bir ummondir, biz undan qanchalik bahramand bo`lmaylik poyoniga yeta olmaymiz. Mana bir necha asrlarkim Rumiyning ma`naviy-axloqiy, tasavvufiy-irfoniy, ilmiy-falsafiy qarashlaridan musulmon Sharqi, boringki butun bashariyat bahramand bo`lib kelmoqda va hozirgi kunda

[1] Karimov I.A. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. T.: Ma`naviyat, 2008. 50-b.

ham uning ilmiy-falsafiy merosi zarracha o`z ahamiyatini yo`qotmagan. Jumladan marhum ustozimiz professor. N.Komilov Rumiyning "Masnaviy ma`naviy" asari xususida "Saratonda sahroda toliqib, tashna qolgan odam sharqiragan buloqni ko`rganda qanday xursand bo`lsa, musaffo chashma suvidan ichib qanchalik rohatlansa, ma`naviyatga tashna odam ham Rumiy asarini o`qib shunday tuganmas huzur topadi"[1], degan bo`lsalar, Abdurahmon Jomiy hazratlari, "Payg`ambar emas, lekin payg`ambarlik kitobi bor" deya ta`rif beradilar. Bu borada Mavlononing o`zlari quyidagicha fikr bildiradilar, "Biz suvdek oqib o`tarmiz, ammo maydek xaloyiqning qonida yasharmiz. Bir kun oyoq cho`zib, tuproqqa yotsak ham, kemaga tushib, yelkan ostida uzoqlarga intilgan sayyohdek hamisha a`moli – harakatda bo`larmiz"[2].

Yuqorida ta`kidlab o`tganimizdek Jaloliddin Rumiyning manaviy-axloqiy, tasavvufiy-irfoniy qaraslari hozrgi kunda ham zarracha ahamiyatini yo`qotgan emas. Jumladan Mavlononing bag`rikenglik tushunchasi haqidagi qarashlari hozirgi kunda ham yoshlarimizni komillik sari yetaklashda muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, bugungi kunda mamlakatimizda 130 dan ortiq millat va elatlarning yashashini, bag`rikenglik tamoyili milliy mafkuramizning asosiy g`oyalaridan biri ekanligini inobatga olsak Mavlononing qarashlari naqadar muhim ahamiyatga ega ekanligi ayon bo`ladi.

Jaloliddin Rumiy bag`ikenglik tamoyiliga oily insoniy fazilat va ijtimoiy-axloqiy tushuncha sifatida qaraydi. Rumiy bu tushunchani jamiyatda tinchlik, osoyishtalik, baqarorlik, do`stlik, muvofiqlik, ozor bermasik maqsadida qo`llaydi. Mavlaviya ta`limotidagi bag`rikenglik hurlik va erkinlik yo`lib bo`lib, majburlash, kamsitish, zo`rlash, o`zgalar shaxsiyatiga aralashishga qarama-qarshi turadi[3].

Jumladan, diniy bag`rikenglik tamoyili nuqtai nazaridan Mavlono biror-bir dinni yoki diniy yo`nalishlarni bir-biridan ustun qo`ymaydi yoki kamsitishga harakat qilmaydi. Rumiy yashagan davrga kelib islom olamida bir qancha diniy-siyosiy oqimlar va tasavvufiy yo`nalishlar mavjud edi. Bu holat har xil manbalarda turlicha ko`rsatiladi.

Buyuk so`fiy va shoir dinlar va mazhablarni bir-biridan farqlanadigan, ammo bir manzilga olib boradigan yo`llar deb biladi. Odamlarning bir-birini tushunmasligi ma`noga emas, balki nomlar, atamalar, tashqi ko`rinishlarga qarab hukm qilishdadir, qolaversa, Xudoni sevish va Unga beg`araz, nafsu ta`madan xoli holda iymon keltirmasdan, balki manfaat yuzasidan munosabatda bo`lish, aniqrog`i, Xudoni o`zining g`arazli niyatlarini amalga oshirish uchun ro`kach qilish, madadkor deb hisoblashdan kelib chiqadi.

Shu o`rinda Rumiyning ushbu rivoyatini keltirib o`tmoqchimiz: To`rt millatdan to`rt kishi – turk, arab, fors va yunonlik yo`lda birga ketayotganlarida bir mehribon inson bir dirham pul beradi. To`rtovlon bir-birining tilini tushunmaganligi sababli pulga nima sotib olish kerakligi ustida janjallashib qolishadi: fors angur (uzum) olamiz desa, arab "man angur yemayman, "inab" (uzum) istayman"deydi. Turk "uzum" olamiz deb turib olsa, yunonlik "yo`q istofil (uzum) yemoqchiman" deb musht o`qtaladi. Natijada ular bir-biri bilan yoqalashib qolishadi va hatto mushtlashishgacha borishadi. Shu payt bir yuz tilni biladigan kishi keladi va ularning qo`lidan pulni olib bir lagan uzum keltiradi, shunda ularning to`rtalasi ham bir narsani xohlaganini ko`rib hayron qolishadi va yarashishadi[4].

Rumiy ushbu rivoyati bilan inson hodisa va jarayonlarning tashqi tomoniga emas, balki ularning mazmuniga va mohiyatiga alohida e`tibor qaratishi lozimligini ta`kidlaydi. Zohir narsa har doim ham ko`ringanicha bo`lavermaydi, ammo zohir turlicha bo`lib uni har kuyga solsangiz ham uning botini ya`ni mag`zi o`zgarmasligini ta`kidlaydi:

Sirkani otashda qaynat sen chunon,
So`ngra ich, ortar sovuqlik begumon.
Chunki issiqlik anga bir dam qaror,
Ta`bida asli sovuqlik barqaror
Shinni gar yaxbastadir, yesang uni
Chirmagay jismingni otash yolqini[5]

Buning uchun esa insonda bilim, iroda, sabr va o`tkir zehn kerakligini uqtiradi.

Rumiy ushbu qarashlari orqali insonlarni doimo hamjihatlikda, do`st-u birodarlikda yashashga undaydi. Hech bir dinni boshqa bir dindan ustun qo`yishni ham xohlamaydi. Ammo u ta`kidlaydiki dunyoda mavjud bo`lgan dinlarni tugatib ham bo`lmaydi, dinlardagi mazhablarning bo`linishini ham oldini olib bo`lmaydi. Chunki har davlatlarning, xalqlarning, millat va elatlarning o`ziga xos urf-odatlari, an`analari, marosimlari va jamiki odamzodning o`ziga xos bo`lgan xohish-istaklari mavjudligini ta`kidlaydi. Rumiy dinlarni bamisoli ko`prikka o`xshatadi va har kim u ko`prikdan o`zicha o`tishini ta`kidlaydi.

Xulosa o`rnida aytishimiz mumkinki Rumiy o`rta asrning murakkab bir davri – mo`g`ul bosqini, salb yurishlari, diniy mazhab nizolari avj olgan bir paytda, u barcha insonlarni do`st, birodar bo`lishga chorladi. Irqi, millati, nasli, martabasi, dini va mazhabidan qatiy nazar barchani bir inson ko`zi bilan ko`rishga undadi.

[1] J.Rumiy. Ichingdagi ichingdadir. U.Hamdam tarjimnasi. So`zboshi. T.: Mehnat. 2001. 4-b.
[2] Radiy Fish. Jaloliddin Rumiy. Tarixiy-biografik roman. T.: 2005. 209-b.
[3] N.Zaynobiddinova. J.Rumiy tasavvufiy ta`limotida inson ma`naviy kamoloti masalasi. Nom.dissert. 2011. 72-b.
[4] J.Rumiy. Masnaviyi ma`naviy. Jamol Kamol tarjimasi. T.: Meriyus 2010. 238-239 b.
[5] O`sha manba: 238-b.

Barchaga barobar qaragan Mavlono Jaloliddin Rumiy vafot etganda, uning tobuti yonida musulmon Qur`onini, nasroniy Injilini, yahudiy Tavrotini o`qigan, Ko`nyodagi hamma millat vakillari ishtirok etgan ekan.

GEOMETRIYA FANINING RIVOJLANISHIDA BUYUK ALLOMALARIMIZNING TUTGAN O'RNI.

Xurramov N., Savenko O., Djavliyeva G., Termiz davlat universiteti.

Аннотация *Данная статья посвящена рассмотрению работ ученых-энциклопедистов по развитию геометрии*

Annotation *This article is devoted to the work of scientists and lexicographer Development geometry*

Insoniyat tarixidan hozirgi kungacha geometriya fanining yutuqlarida buyuk allomalarimizning tutgan o'rni muhim hisoblanadi. Yoshlarimizning geometriya fanini o'rganishda allomalarimizning bu sohadagi qilgan ishlarini o'rganishlari maqsadga muvofoqdir. Bizga ma'lumki geometriya fani planimetriya va stereometriyaga bo'lib o'rganiladi. Geometriyaning barcha nuqtalari bilan bir tekislikka joylashgan tekis (yassi) shakllar va ularning xossalarini o'rganadigan qismi **planimetriya,** fazoviy, ya'ni barcha nuqtalari bir tekislikka joylash- magan geometrik shakllar (jismlar) va ularning xossalarini o'rganadigan qismi **stereometriya** deb ataladi.

Bizning buyuk allomalarimiz Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy (783-850), Ahmad Fargoniy (797-861), Abu Rayhon Beruniy (973-1048), Abu Ali ibn Sino (980-1037), Mirzo Ulug'bek (1394-1449) fanning boshqa sohalari bilan bir qatorda geometriyada ham chuqur iz qoldirdilar. Al-Xorazmiyning «Aljabr va al-muqobala» asarida «O'lchash haqida» bob bo'lib, unda geometrik ma'lumotlar berilgan. Xususan, al-Xorazmiy yozadi: t o'g'ri burchakli uchburchakda, uning kichik tomonlari kvadratlarining yig'indisi, katta tomonining kvadratiga teng. O'tkir burchakli uchburchakda uning kichik tomonlari kvadratlarining yig'indisi katta tomoni kvadratidan katta bo'ladi, o'tmas burchakli uchburchakda kichik tomonlari kvadratlarining yig'indisi katta tomonning kvadratidan kichik bo'ladi.

«O'lchash haqida bob»da olim geometriyaga oid ko'plab amaliy masalalarni keltiradi va ularni yechish yo'llarini ko'rsatadi. Shulardan biri ushbu masaladir: «Uchburchakli yer maydonining tomonlari 10 va 10 gaz, asosi esa 12 gaz. Uning ichida (bir tomoni uchburchak asosida bo'lgan) kvadrat yer (maydoni) bor. Kvadratning tomoni uzunligini toping».

Ajdodlarimiz ijodi namunalari bilan o'quvchilarimizni, talabalarni, yoshlarimizni tanishtirib borish ularda milliy iftixor; vatanparvarlik tuyg'ularini yanada chuqurroq shakllantiradi, mustahkamlaydi. Prezidentimiz I.A.Karimov aytganidek, «Muhammad ibn Muso Xorazmiyning - o'nlik sanoq sistemasi, algebra va algoritm tushunchalarini dunyoda birinchi bo'lib ilm-fan sohasida joriy etgani va shu asosda aniq fanlar rivoji uchun o'z vaqtida mustahkam asos yaratgani umuminsoniy taraqqiyot rivojida katta ahamiyatga ega bo'lganini barchamiz yaxshi bilamiz»[1].

Qomusiy daho Abu Rayhon Beruniy fanning turli sohalariga oid 150 dan ortiq asarlar yozgan bo'lib, shulardan 22 tasi matematikaga oiddir. Fan tarixchisi Sarton XI asrni «Beruniy asri» deb ta'riflaydi.

Beruniyning geometriyaga taalluqli ishlari uning «Qonuni Ma'sudiy» asarining uchinchi maqolasida, «Astronomiya san'atidan boshlang'ich ma'lumot beruvchi kitob» asarining birinchi bo'limida bayon qilingan. Beruniy «Doiradagi vatarlarni unga ichki chizilgan siniq chiziqlarning xossalaridan foydalanib hisoblash haqida risola» nomli asarida Arximedning quyidagi teoremasini o'ziga xos, yangi isbotini beradi. Shu teoremani keltiraylik: agar aylana yoyiga ichki chizilgan va teng bo'lmagan ikki qismdan iborat siniq chiziqning katta qismiga shu yoyning o'rtasidan perpendikulyar tushirilsa, u holda bu perpendikulyarning asosi berilgan siniq chiziqni teng ikki qismga ajratadi.

Abu Rayhon Beruniy bu teoremani ushbu masalani yechishga tadbiq etadi:

1 – masala. Ma'lum uzunlikdagi tikka o'sgan terak tanasi bir joydan sinib, singan bo'lagining bir uchi esa singan joyida terak tanasiga ilinib qolgan. Agar terak bo'yidan terak uchining yerga tekkan joyigacha masofa ma'lum bo'lsa, terakni qanday balandlikda singanini aniqlang.

Beruniy hal qilgan quyidagi masala ham ahamiyatga molik:

2 – masala. Kengligi ma'lum bo'lgan daryoning ikki sohilida ma'lum balandlikdagi daraxtlar bor. Bu daraxtlarning uchlarida bo'lgan ikki qush suv yuzida ko'ringan baliq tomon uchib, baliqqa bir vaqtda yetib kelishdi. Baliq ko'ringan joydan daryo sohiligacha va daraxtning uchlarigacha bo'lgan masofalar topilsin.

Abu Ali ibn Sino nafaqat buyuk hakim, shu bilan birga mashhur matematik hamdir. Uning «Donishnoma», «Shifo kitobi» asarlarining kattagina qismi matematika, xususan geometriyaga bag'ishlangan. Bu kitoblarda quyidagi kabi ma'lumotlarni ko'rish mumkin.

1 – teorema. Aylananing oltidan bir bo'lagini tortib turuvchi vatar aylananing yarim diametriga tengdir.

[1]I.A. Karimov. "Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch". T. 2008, 41 b.

2 – teorema. Agar teng tomonli uchburcbak doiraga ichki chizilgan **boisa,** u holda uning biror tomonining o'ziga ko'**paytmasi doira yarim diametrining o'ziga ko'paytmasining uch baravariga tengdir.**

3 – teorema. Agar BC **kesma aylananing o'ndan bir boiagini tortib turuvchi vatar boisa,** CD **aylananing oltidan bir bolagining vatari bo'lib,** BC **ning davomida (** BC **to'g'ri chiziqda) aylana tashqarisida joylashgan bo'lsa, u holda** BC **ning** CD **ga nisbati** CD **ning** BD **ga nisbatiga tengdir, ya'ni** $\frac{BC}{CD}=\frac{CD}{CD}$ **bo'ladi.**

4 – teorema. Agar $\frac{BC}{CD}=\frac{CD}{BD}$ **va** CD **aylananing oltidan bir bo'lagining vatari bo'lsa, u vaqtda** BC **hamma vaqt aylananing o'ndan bir boiagining vatari bo'ladi.**

Shunday qilib, C nuqta BD kesmani o'rta va chet nisbatda bo'ladi («oltin kesim»). Demak $\frac{BC}{CD}$ nisbat muntazam o'nburchak tomonining unga tashqi chizilgan aylana radiusiga nisbati $\frac{CD}{BD}$ bilan birgalikda «oltin» proporsiyani hosil qiladi. «Oltin kesim»ning esa rassomchilik, arxitekturada keng tatbiqlari ma'lum.

Jahon fani taraqqiyotiga katta hissa qo'shgan qomusiy daholardan biri Abul-Abbos Ahmad ibn Muhammad ibn Kasir al-Farg'oniydir. Muhtaram Prezidentimiz aytganlaridek, «Ahmad Farg'oniyning bebaho merosi o'z davri olimlari uchun dasturulamal bo'lib xizmat qilgani tarixiy manbalar orqali yaxshi ma'lum». Uning, boshqa fanlar bilan bir qatorda, matematikadagi natijalari ham mashhurdir. Ma'lumki, Ptolomey stereometrik proyeksiyalarning asosiy xossalarini bayon etgan, ammo ularning qat'iy va nafis isbot-larini Ahmad Farg'oniy bergan. Binobarin, bu teoremalar (xossalar) Ptolomey – Farg'oniy teoremalari deb atalishi va ular universitet- larning matematika kurslaridan munosib joy olishi lozim.

G'iyosiddin Jamjid al-Koshiy mashhur allomalarimizdan biri bo'lib u matematik, astronom va Ulug'bek akademiyasining a'zosi sanaladi. Mirzo Ulug'bek "Ziji Ko'ragoniy" asarining so'z boshisida al-Koshiyga shunday ta'rif bergan: "G'iyosiddiin olimlar dunyosining faxri, u fan asoslarini takomilashtirdi, murakkab masalalarni hal qildi, bu janob olamni aks qilgan oynai-jahon edi".

Al-Koshiy matematika fanining ravnaq topishiga juda ulkan hissa qo'shdi. Uning bizgacha "Arifmetika kaliti" ("Muftax al-hisob") va "Aylana haqidagi risola" ("Risola fil-muhitiya") asarlari etib kelgan.

Al-Koshiyning ikkinchi asari "Aylana haqidagi risola" uning "Arifmetika kalti" asaridan oldin yozilgan, chunki al-Koshiy bu asarni "Arifmetika kalti"da boshqa asarlar bilan bir qatorda tilga oladi.

Ushbu asarda al-Koshiy π sonini, ya'ni aylana uzunligini uning diametriga nisbatini al-Koshiygacha ma'lum bo'lgan aniqlikdan ham kattaroq aniqlikda hisoblagan.

Eramizdan oldingi III asrda yashagan buyuk mexanik va matematik olim Arximed (er.av. 287 – 212) sonini quyidagi chegaralar orasida ishlatgan.

Arximedning soni uchun qo'ygan chegaralari bu hisoblashlarda katta xatoliklarga olib kelgan Arximed zamonasidan boshlab qariyib XVIII asr davomida biror olim sonini al-Koshiydek aniqlikda hisoblay olmagan.

G'iyosiddin al-Koshiy π sonining qiymatini hisoblashda aylanaga ichki chizilgan muntazam ko'pburchak chizmasidan foydalandi. U muntazam $(3\cdot 2^{28})$ –ko'pburchakning perimtrini hisoblash: $\pi \approx 3{,}1415926535897932$ ni aniqlaydi.

Bugungi kunda π sonining kompyuter yordamida topilgan 2000ta o'rinli xonasi ma'lum.

Ko'rinib turibdiki, bu qiymat bilan G'iyosiddin Jamshid al-Koshiyning XV asrda, zamonaviy texnologiya rivojlanmagan davrdagi hisoblab topilgan va foydalanilgan soni qiymatining 17 o'rinli xonasi aynan bir xil ko'rinishga ega. Bu esa o'z navbatida allomalarimizning yashab o'tgan davrlarida geometriya sohasiga naqadar buyuk kashfiyotllar olib kirganlaridan dalolat beradi.

IX-XII АСРЛАРДА ЯШАБ ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

З.Б.Жалилов, БухДУ катта илмий ходим-изланувчиси

Ёшлар тарбияси ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахснинг шаклланишини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий маънавий қадриятдир. Баркамол авлод тарбияси инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган асосий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

IX-XII асрларда яшаб фаолият кўрсатган Шарқ мутафаккирларининг ижодида мавжуд бўлган ёшлар тарбияга оид ғоялар ва ёндашувлардан фойдаланишда замонавий педагогик технологияларини кенг кўламда қўллаш таълим жараёнида катта самара беради. Олий педагогик таълим жараёнида

талабаларга мазкур технологиялар орқали Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари тақдим этилганда янада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Олий педагогик таълим жараёнида Шарқ мутафаккирларининг баркамол авлод тарбиясига оид қарашларидан фойдаланиш жараёнида ақлий ҳужум ва интерфаол усулларини қўллашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у жуда катта аҳамият касб этади. Жумладан, талабаларнинг Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбияси ҳақидаги оид ёндашувларига оид билим даражаларини аниқлаш мақсадида "ақлий ҳужум" методидан фойдаланиш мумкин. Бунда гуруҳдаги талабалар кичик гуруҳчаларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига бир хилдаги саволлар берилади. Бу жараёнда талабаларга қуйидаги саволларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

1. IX-XII асрларда яшаб фаолият кўрсатган Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбияга оид қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти қандай деб ҳисоблайсиз?

2. Замонавий оилаларда Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбияга оид қарашларининг таъсири мавжудми?

3. Олий педагогик таълим муассасаларида талабаларда онгига Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясига оид ғояларини сингдиришда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

Шарқ мутафаккирлари ижодида ёшлар тарбиясига оид ғояларни талабалар онгига сингдириб бориш ва шу орқали уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, уларда мутафаккирлар томонидан илгари сурилган мардлик, шижоатлилик, миллий ғурур, миллатпарварлик, халқсеварлик каби шахсий конпетенцияларни таркиб топтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу эса талаба-ёшларнинг маънавий онги бойитиб юқорида кўрсатиб ўтилган сифатлардан ижтимоий ҳаётда ўз ўрнида фойдаланишларига кўмаклашади. Натижада талабалар келажакда ўз касбининг моҳир устаси ҳамда ўз ватани ва халқига содиқ кадрлар бўлиб шаклланадилар.

Олий педагогик таълим жараёнида талабалар ўзбек халқининг ўзига хос бўлган моддий-маънавий бойликлари, қадриятлари, Шарқ мутафаккирларининг асарларида ёшлар таълим-тарбиясига оид ғоялари, ёндашувлари, улардаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги тарбиявий муносабатлар ҳақида чуқур билим, кўникма ва маълумотга эга бўлишлари керак.

Маълумки, азал-азалдан таълим муассасалари миллий қадриятлар ва урф-одатларни тарғиб қилувчи маскан сифатида хизмат қилиб келган. Халқимизга хос урф-одатлар ва анъаналар аввалambор мазкур таълим муассасалари муҳитида шаклланган ва ривожланган. Таълим муассасалари халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан ёшларга кенг доирада тарбиявий таъсир кўрсатади. Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган тарбиявий қадриятлар талабаларга ўзбек халқининг илғор миллий анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари орқали касб-ҳунар, одоб, ахлоқ, ватанпарварлик, хушмуомалалилик каби ижобий фазилатларини ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган қадриятлар асосида талабаларни маънавий-маданий, ахлоқий-эстетик юксалтириш самарадорлиги ортади. Бу жараёнда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- таълим муассасаларида ўтказиладиган Шарқ мутафаккирлари ижодий фаолиятини ёритувчи тадбирларда барча талабаларнинг ҳам қатнашишини ташкил этиш;
- талабаларнинг Шарқ мутафаккирлари ижодиётига оид асарлар, шеърлар, қўшиқ, лапарларини ижро этишларини таъминлаш;
- маҳаллаларда Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва фаолиятини намойиш этадиган стендлар, бурчаклар ташкил этиш, шу соҳада тўгараклар очиб, уларга талабаларни жалб қилиш кабилар.

Шарқ мутафаккирларининг таъкидлашларича, талаба-ёшлар онгидаги маънавий бўшлиқни тўлдиришда ота-она ибрати муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг ўзларида халқона гўзал хислатлар бўлгандагина, улар ўз фарзандларига ибрат бўла оладилар. Мутафаккирларнинг асарларида бундай оилаларда ёшлар онгида бўшлиқ вужудга келмаслиги баён этилган. Жумладан, меҳмон кутиш одоби, озодалик, хуштавозелик, ширинсуханлик, кичикларга ғамхўрлик қилиш, ёши улуғларни эъзозлаш, фарзандга алла айтиш кабилар ота-оналардан фарзандларга мерос бўлиб ўтиши мутафаккирлар асарларида марказий ўринни эгаллайди.

ПРОБЛЕМЫ ВОСПИТАНИЯ НА ИДЕЯХ «МИРА» В ЭТНОПЕДАГОГИКИ И ЭТНОКУЛЬТУРЕ

Имамкулов Р.Р.к.п.н.ТерГу г.Термез Сурхандарьинская область
Бобоназаров Ориф преподаватель ТерГУ г.Термез Сурхандарьинская область.

In this article we`ll discuss about ideas of world, national traditions, language and culture.
В статье рассматривается идеи мира, народные традиции, язык и культура

История народов Востока уходит в глубь веков. Они внесли бесценный вклад в мировую цивилизацию, оставив глубокий след в летописях науки, литературы, этнопедагогики, этнокультуры. Как нам известно, узбекский, таджикский народ дал миру великих поэтов, писателей, ученых-энциклопедистов, архитекторов, деятелей искусства, научные труды, письменные памятники. Всё это свидетельствует о богатой истории народной педагогики узбекский-таджикского этноса(4). В частности, выявлены:

а) ряд научных негативных тенденций в области монографических проблем и в учебно-воспитательном процессе в вузах, школах и этносоциальной среде в современный период;

б) изучены письменные источники, дающие интересные факты о узбекский-таджикском этногенезисе и обоих этнической истории;

в)раскрыты Восточные теории философии, исламской педагогики идей мира, мысли о воспитании и обучения"человека" в произведениях учёных, поэтов, писателей;

г) обобщен собранный материал по народной педагогике, специфических особенностях воспитания в социальной среде;

д) проблемы семьи, культурные аспекты просвещенности, экономические, социально-демографические аспекты.

По этим проблемам проводятся опытно-исследовательская работа в университетах, школах, в социальной среде, подготавливаются учебные и методические пособия, читаются лекции по этнокультуре, этнопедагогике двух народов. Также исследуются;

— Воспитание, обучение до и после принятия исламской религии и появление исламской педагогики;

— Источники религии (Коран, Чор-китаб, хадис)

— Теории о воспитании, обучении на идеях мира, мысли в творчестве Восточных деятелей культуры Балхи, Фароби, Дакаки, Фирдавси, Рудаки, Хисрав, Туси, Тургони, аль-Бухори, Термези, Саади, Руми, Умар Хайям, ибн Сино, Накшбанди, Джами, Лохути, Садриддин Айни и др(5).

Проблемы воспитания подрастающего поколения на идеях мира привлекали учёных-поэтов, писателей, историков, государственных деятелей Востока. Мысли о воспитании на идеях мира поэтов, писателей актуальны и на современном этапе. Саади выдвигал идею равенства всех людей, требовал воспитания у молодёжи сочувствия и уважения ко всем народам. Вместе с тем Саади был убеждён, что идеи равенства, справедливости и гуманности можно осуществить, воздействуя на царя. Расцвет национальной науки и культуры через"образование" всех народов(4).

В связи с решениям данной проблемы возникает ряд научно-исследовательских задач, в частности требуется :

а) в сравнительном плане систематизировать, классифицировать этнопедагогику, произведения, этнофольклорно и этноконфициональные обряды, педагогические идеи, мысли ученых-энциклопедистов;

б) выпустить разработки, посвященные народному искусству и фольклору этноса обеих стран;

в) разработать, внедрить, совершенствовать источники узбекско-таджикской этнопедагогики в учебно-воспитательном процессе;

г) создать и использовать в учебном процессе вуза и школ учебно-методический комплекс по этнопедагогике;

д) формировать этнокультуру молодёжи на идеях мира и воспитание общечеловеческой ценности в условиях правого государства.

На современном этапе этносоциальные проблемы и этнокультура являются архиважными проблемами, так как изучение истории таджиков, их самобытного вклада в общую сокровищницу человеческой культуры в частности, традиции, обычаи, язык, этнопедагогика, этнокультура связаны с изучением истории народов Востока. Этнические процессы на территории имели большое значение для развития Центральной Азии и Востока: во-первых, сведения о расселении племени на территории, историко-лингвистические данные археологические материалы с сохранение традиций, обычаев изучаются и исследуются; во —вторых древнейшие народности, к которым относится иранская этническая группа; в третьих к крупным иранским этносам относятся и таджики, к группе иранских народов – афганцы, пушту, персы, курды, белуджи, осетины, глянцы, памирцы, фируэкухи, тайманы, хазаран-каланнов, галеши, орщуны, пороги.

В Узбекистане, в долине Ферганы рассеялись Ферганские, Андижанские, Наманганские таджики, в Самарканде, Бухаре, Карши, Сурхандарье проживают таджики со своими специфическими языками, традициями и обычаями.

Например, ежегодно выполняются 14 обрядовых и ряд писаний Ислама и еще 23 национально-смешанных этноконфессиональных обрядов и ритуалов более или менее независимых от Ислама. По этим проблемам нами проводится опытно-исследовательская работа. Таким образом, изученные проблемы актуально и необходимо дальнейшее их изучение. Формирование учащихся молодёжи

межнациональных отношении, и общение и их развитие мировоззренческой деятельности является примером педагогическими сотрудничеством в учебно-воспитательном процессе, а также социально-демографические проблемы, социальные вопросы, семья, школа т.е.социум.

В современных условиях использование и применение педагогической технологии инновационных кластерных методов в формировании и развитии учащихся – молодёжи предлагаем такие слова, термины, схемы для творческого мышления и всестороннего гармонического развития личности. В учебно-воспитательном процессе, в социуме предлагаем проводит занятия, беседы, опросы, анкетные вопросы, тренинговые занятии с использованием инновационных кластерных методов, по этим проблемам проводится опытно-исследовательские работы и предлагаем такие ключевые слова как: государство, народ, национальность, семья, история, наука, культура, искусство, язык, мир, край, традиция, обряд, ритуал(2).

В области краеведение, культуроведение в изучении Восточных архитектуры: медресе, мечеты, города, Термез, Бухара, Самарканд, Хорезм и др.

Таким образом, применение использование инновационных кластерных методов в современном этапе даст эффективность в учебно-воспитательном процессе и формирование культуры мышления, мировоззрения учащихся в социуме.

1. Каримов И.А. Гармоничное поколение – основа прогресса Узбекистана, Т.; «Шарк», 1999 г.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.; «Чулпон» 2005.
3. Тллашев Х.Х. Общепедагогические идеи ученных энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи Средневековья, Т.; «Фан», 1999.
4. Хошимов К. Педагогика тарихи. Т.; «Укитувчи» 2008.
5. Наследие наших великих предков – достояние всего человечества. Правда Востока 16 мая 2014 г.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ОДОБ- АХЛОҚ ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ

Норбоева Сарвиноз Менгалиевна, Бердиева Ҳалима Бўроновна
Термиз давлат университети

Abstract *Use heritages great encuclopedik scientist naturalist of the philosopher Abu Rayhan Beruniy. Economic-political morality standpoint Beruniy. Reach perfection in ambience spiritual youth in hertages of the thinkers.*

Main notion: *Abu Rayhan Beruniy, Economic-political, perfected posterity.*

Мустақиллик йиллари тарихий, маънавий–ахлоқий меросимизни ўрганиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириш даври бўлди, дейишга барча асос бор. Давлатимизнинг ушбу масалада махсус Миллий Дастур қабул қилиб, уни амалга ошириб келаётганлиги, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида юз бераётган туб демократик ўзгаришлар, ижобий савобли ишлар халқимизнинг онги–тафаккурининг кенгайишига олиб келмоқда.

«Биз мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз», – деб таъкидланган эди.[1]

Шу боис, мутафаккирларимизнинг маънавий–ахлоқий меросини ўрганиш, турли тарихий даврларда таълим-тарбияга оид қарашлар, бой маънавий меросини ўрганиш педагогика фанининг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Тарихга назар солар эканмиз, буюк алломаларимизнинг баркамол инсон ва уни тарбиялаш ҳақидаги бебаҳо фикрларини инсонпарварлик ғояларида кўришимиз мумкин.

Буюк қомусий олим, табиатшунос ва файласуф Абу Райҳон Беруний (973–1048). Берунийнинг инсонпарварлиги шундан билинадики, у инсонларнинг бахт–саодати, фаровонлиги тўғрисида ўйлади. Лекин бахт–саодатга эришиш учун одамлар меҳнат қилиши, жамиятда адолат ўрнатилиши лозим.

Беруний одил ва фозил ҳукмдор давлатни бошқариши лозимлигини уқтиради. Лекин у подшоҳлик авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишига қарши чиқди. Унинг фикрича, подшоҳлик лавозимига ўзининг келиб чиқиши, насл–насаби билан эмас, балки хизматлари, халққа қилган ғамхўрлиги, сабр–тоқатли ва қатъиятлиги билан эришиши керак. Энг муҳими, давлатни бошқаришга иқтидори, қобилияти бўлган инсонгина бундай олий мансабни эгаллашга ҳақлидир.

Берунийнинг фикрича, «Табиатан бошқаришга мойил» бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши керак, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига Александр Македонский Аристотелнинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, бўйсуниши лозим.[2]

Беруний ўз асарларида инсоннинг бунёдкорлик фаолиятига катта баҳо беради. Фаол инсон ўзининг меҳнати билан жамиятга, теварак–атрофдагиларга фойда келтиради, унинг фазилатлари ҳам меҳнат орқали кашф қилинади. Яхшилик, эзгулик, инсонийлик, ростгўйлик, олийжаноблик, меҳр–шафқат, дўсту бародарлик кишида бирданига пайдо бўлмайди, балки уларни қўлга киритиш учун у сабр–тоқатли, иродали, мустаҳкам иймон–эътиқодга эга бўлиши, илм сирларини эгаллаши лозим. Беруний инсонни тубанлаштирадиган ярамас иллатлар, ёмон хулқларга илмсизлик, нодонлик, таъмагирлик, ёлғончилик, ғазаб, ахлоқсизлик, нафсга берилиш, одобсизлик ва бошқаларни киритади.

Берунийнинг ижтимоий–сиёсий ва ахлоқий қарашларини таҳлили шундан далолат берадики, унинг жамиятнинг пайдо бўлиши, давлатни бошқариш, салтанат ҳукмдорларининг фаолияти, уларни халққа муносабати, ахлоқ ва хулқ–одоб, таълим–тарбия ҳақидаги фикрларининг асосини инсонпарварлик ва одамийлик ташкил қилади. Уларнинг бу фикрлари кейинги даврларда комил инсон тарбияси тафаккур ривожига салмоқли таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Абу Райҳон Берунийнинг адабий ва ижтимоий–фалсафий қарашлари, доно фикрлари, ибратомуз сўзлари, панд–насиҳатлари ва ўгитлари ҳозир ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўтмишда яшаб ижод этган буюк сиймолар ва донишмандларнинг илм–фан ва касб–ҳунарни эгаллаш, бағрикенглик, олийҳимматлилик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, озоддик, инсоф ва диёнат, нафсни тийиш, меҳр–мурувват, эзгулик, тинчлик ва осойишталик, дўстлик ва бародарлик, сахийлик, комил инсон тўғрисидаги фикрлари демократик жамият, озод ва обод Ватанни барпо этишда, инсонпарварлашган ёшларни тарбия қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.Т.Ўзбекистон.–2000.12–б.
Ҳ.Алиқулов. Гумвнистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент–2006йил. 4–бет.

2. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1–том.Т.4”Фан” . 1968–йил. 74–бет.

АМИР ТЕМУРНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

доц. Соҳибов А.Р., Усмонова Д., Қарши ДУ магистри

Республикамизда мустақилликка эришган кунлариданоқ, таълим-тарбия масалаларига, миллий қадриятларни тиклаш, миллий урф-одатлар, аналардан фойдаланиш, уларни янада ривожлантириш борасасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундай долзарб масалани амалга ошириш учун авлодларимизнинг бой маънавий меросини, жумладан, таълим-тарбияга оид қарашларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таққоза этади .

Соҳибқирон Амир Темур XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда миллий бирликни юзага келтирган мустақил давлатга асос солган, ўрта аср Уйғониш даври маданияти, маорифи, илм-фани, санъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган шахс сифатида машҳурдир.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданият, илму-маърифат, таълим-тарбияни янада ривожлантириб, уни дунёга танитган кучли шахс, узоқни кўзлаб катта ақл-идрок билан иш юритадиган уста сиёсатдон, довюрак, моҳир саркарда, донишманд бўлган.

Соҳибқирон даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат остига бирлаштирилиши, мамлакат ичида тинчлик ўрнатилиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Бу даврда ёшларни илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчиликка ўргатиш равнақ топди. Амир Темур ўзи турли мамлакатларда уруш олиб борган бир вақтда мамлакат пойтахти Самарқанднинг ободончилигига катта эътибор берди. Бунинг учун Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойларидан, яқин Ўрта Шарқ ўлкаларидан жуда кўп фан ва санъат аҳлларини, истеъдодли соҳиби ҳунарларни, меъмор ва мусаввирларни пойтахтга тўплади.

Амир Темур ташаббуси билан тўпланган соҳиби ҳунарлар, йирик санъаткорлар ҳиссаси билан Мовароуннаҳрда санъат ва ҳунармандчилик ривож топди, Самарқанд эса, Ўрта ва Яқин Шарқ ижодий кучларининг марказига айланди. Буларнинг натижасида илм, маданият, маърифат ва санъатда янги йўналишлар вужудга келди. Амир Темур илм-фан ва санъат намояндаларини ўз ҳимоясига олди. Улар учун зарур шароитлар яратди, тирикчилиги, ижодий фаолиятларига давлат ғамхўрлиги кучайтирилди. Амир Темур давлати саъйи ҳаракатлари туфайли XIV аср ўрталари XV

аср бошида Самарқандда астрономия, тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, тарих каби фанлар, меъморчилик, адабиёт, санъат, ҳаттотлик ва мусиқа санъати гуркираб ўсди, кўпгина олимлар, санъаткорлар етишиб чиқди.

Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашларининг шаклланишига ва ёшлар тарбияси борасидаги фикрларининг ривожланишига тарихий давр, ундаги ижтимоий–сиёсий ҳаёт катта таъсир кўрсатди.

Ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб Соҳибқирон ўзининг олий мақсади-кучли марказлашган давлат вужудга келтириш юзасидан ҳаракатларини бошлаб юборади. Самарқандни давлатнинг пойтахти деб эълон қилади. Чунки Самарқанд қулай географик шароитга эга бўлиб, юртимизнинг марказида жойлашган эди. У серсув ерда бўлиб, уни уч тарафдан тоғлар ўраб турар, унда ҳавонинг уч оқими, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий қўшилиб, оромбахш иқлим барқарор эди. Самарқанд жуда катта конларга эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланилар эди. Ушбу омиллар Амир Темур томонидан Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб танлашда катта роль ўйнаган.

Амир Темур ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Аввал у Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни, шунингдек Фарғона ва Шош вилоятларини сўнгра Хоразмни ўз тасарруфига олади.

Шундай қилиб, Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда феодал тарқоқлик ва ўзаро низоларга чек қўйиб, Сирдарё бўйларидан Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфига бирлаштирди.

Амир Темур йигирма етти мамлакатни ўзига бўйсундириб, ўз давлатини жаҳоннинг буюк империялари қаторига кўтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр дунё тараққиёти билан бевосита боғланиб, жаҳоннинг катта маданиятига эга мамлакатлардан бирига айланди.

Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантириш фаолиятини икки босқичга бўлиш мумкин.

Биринчиси, 1360-1386 йилларда Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш йўлидаги кураши ва ўлкани маданий тамондан ривожлантириш учун қилган сайи ҳаракати эди.

Иккинчиси, 1386-1402 йиллар. Бу даврда Темур давлатларара иқтисодий ва маданий алоқани, цивилизацияни мустаҳқамлашни амалга оширди.

Жамиятдаги одамларни эгаллаб олган касб ҳунари, билими, қобилияти ва бошқаларига қараб тоифаларга ажратганда уларнинг ҳар бир тоифаси давлат учун кераклигини, шунинг учун инсонларнинг ёшлигиданоқ маълум бир давлат хизматига мос касб-ҳунар эгаллаб шаклланишини назарда тутган. Булар орқали саркарданинг жамиятдаги одамларни бошқаришни осонлаштирганлигини ва ҳар бирининг давлат учун ишлайдиган хизматларини аниқлаб, ҳаммасини зарур одамлар тоифалари деб баҳолаганлигини, давлат учун аҳамиятли касб мутахассисларни етиштириб чиқариш ва уларни тарбиялаш йўналиши шундай бўлиши керак деган қарашларни баён этганлигини пайқаймиз.

Амир Темур шу ўн икки тоифадаги одамлардан иборат давлатни бошқариш учун унинг ўн икки тамойилини ўзига йўналиш этиб олганлиги ва шулар орқали подшолик мартабасини ривожлантирганлиги, бу ўн икки бошқариш йўли ёрдамида давлатни қудратли кучга айлантирганлиги, ободонлаштиришга эришганлиги, бошқа давлатларни қўлга киритиб, салтанат тузганлиги, уларнинг гуллаб ривожланишини таъминлаганлигини тушунтиради. Саркарданинг давлатни бошқаришдаги ўн икки тамойилининг асосий мазмуни: давлатнинг қудратини орттириш учун дунёда Тангри таоланинг динига ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига ривож бериш; юқорида таъкидланган ўн икки тоифадаги одамлар билан давлат устунларини қувватлаб, салтанат мажлисларини шулар билан зийнатлаш; салтанат ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизиб, кўп нарсани билиб турса ҳам ўзини билмасликка солиш; давлатнинг ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш; амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар, зарур зебу зийнатлар билан хушнуд этиш; адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзидан рози қилиш; сайидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар ва тарихчиларни эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматини жойига қўйиш; азму жазм билан бирор ишни тутиб бажаришни бутун зеҳни, вужуди билан берилиб, битирмагунича қўлини тортмаслик, ҳар неки деган бўлса, унга амал қилиш; раият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўриш; турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилалардан бўлган ва паноҳига кирган кишиларни ўғилларига ҳурмат кўрсатиш, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийлаш, яхшиларига яхшилик қилиш, ёмонларни ўз ёмонларига топшириш; фарзандлар, қариндошлар, ошно-оғайин, қўшнилар ва бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганида унитмаслик; дўст-душманига қарамай ширин жонларини бу фоний дунё моли учун фидо қилувчи сипоҳийларни ҳар бир ўринда ҳурмат қилишни таъкидлайди.

Инсон ақлининг натижасини жамият, халқ учун хайрли ишларни юзага чиқаришни яхши билган Амир Темур мамлакатни юқорида кўрсатилган тамойиллар асосида ақллилик билан адолатли бошқаришида салтанат эгасидан ташқари, давлат ишларининг ҳар соҳаси бўйича қўйилган вазифаларни бажарадиганларнинг ўзгача эканлигига алоҳида диққат билан қаради

Соҳибқирон ўз эътиқодида содиқ қолиш баробарида давлатда баъзи бидъатларни тақиқлаб, инсон эркини чегаралаб қўйгудек даражада хурофат билан алмашинишига йўл қўймади. У умрининг охиригача давлат тизгинини оқил ва доно йўлбошчи сифатида ўз қўлида тутди ва давлатдаги маърифий ишларга, илм-фан равнақига катта аҳамият қаратди.

Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий фикрларининг шаклланишида, унинг илм-фаннинг давлат равнақидаги ўрнини теран тушунишида XIV-XV асрда Моваруннаҳрдаги шундай ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳит, унинг ўзининг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти катта замин бўлди.

IKKI TIMSOL - IKKI RAMZ: EZGULIK VA JAHOLAT

G.Sh.Begmanova, NavDPI

Qadimdan Sharqning ayollari o`zining go`zalligi , donoligi, hayosi, ibosi bilan boshqa xalq ayollaridan tubdan ajralib turishgan. Ayniqsa, bu o`rinda Temuriy malikalar alohida ahamiyatga ega. O`tmishimizga nazar tashlanganda Temuriylar va Boburiylar saltanatlarida ayollarga ko`rsatilgan izzat-hurmat va e`tibor boshqa Sharq sulolarida kuzatilmaydi. Temuriylar va Boburiylar sulolasidan oldingi sulolalarda biror ayol haqida ma`lumot olish uchun bir nechta kitobni varaqlash kerak bo`lsa, birgina "Boburnoma"da 74 ta ayolning ismi 230 o`rinda hurmat bilan keltirilgan.[1] Bundan ajdodlarimizni yuksak ma`naviyatli, keng dunyoqarash egalari bo`lganliklarini bilish mumkin. Chunki aynan ayollar, erkaklar urush safarlarida bo`lgan paytlarida farzandlarga, shahzodalarga tarbiya berishgan va bunyodkorlik ishlariga boshchilik qilishgan.

Biz bu o`rinda shunday Temuriy malikalardan ikki go`zal xonim haqida so`z yuritmoqchimiz. Ularning har biri tariximizda ulkan burilish yasab, o`chmas iz qoldirishgan.

Bular: Amir Temurning suyukli ayoli Saroymulkxonim hamda Husayn Boyqaroning go`zal xonimi Xadichabegimdir.

Dastlab Saroymulkxonim haqida. Saroymulkxonim Chig`atoy ulusiga mansub mo`g`ul xonlaridan Qozonxonning qizi bo`lib, 1341 yilda tug`ilganlar. 1355-yilda esa Movarounnahr hukmdori amir Qozog`onning nabirasi amir Husayn ularni nikohiga kiritgan. 1370 yildagi jangda Amir Temur Amir Husaynni yengib, uning haramidan 4 ayolni o`zi bilan olib qaytadi. Ular orasida Saroymulkxonim ham bor edi. Amir Temur Saroymulkxonimni nikohiga olgach, "ko`ragon" unvonini oldi. Saroymulkxonim haramda katta xonim ya`ni Bibixonim nomini olganlar. Albatta bunday unvon haramdagi eng oqila, didli hamda keng dunyoqarash egasiga berilardi. Bundan tashqari Saroymulkxonim juda go`zal bo`lganlar. Amir Temur harbiy yurishlarida Saroymulkxonimni ko`pincha birga olib yurgan. Hatto saroyda vujudga kelgan muammolarni hal qilishda Saroymulkxonim oqilona maslahatlarini ayamaganlar. Amir Temur Saroymulkxonim maslahatlariga oshkora bo`lmasada, pinhona ravishda ehtiyoj sezib turgan.

Aytishlaricha Amir Temurga Isfaxon qamali uzoqqa cho`zilgani tufayli qo`shinni ta`minlashga mablag` yetmay qoladi. Shunda u Saroymulkxonimga "Qo`shinning zahirasi tugadi, xazinadan zar yuboring",- deb xat yuboradi. Saroymulkxonim esa "Zaringiz tugagan bo`lsa, siyosatingiz ham tugaydimu", degan kinoyali javob yuboradi. Amir Temur kinoyani tushunib, so`yib yeyilgan qo`y-mollar suyaklariga muhr urdirib, Isfaxon qamali tugaguncha ulardan pul o`rnida foydalanadi. Keyinchalik ular tanga pullarga almashtiriladi.[2] Saroymulkxonim sharofati bilan xazinadan ortiqcha mablag` ishlatilmagan holda, ko`zlangan maqsadga erishiladi.

Sohibqiron Amir Temur Saroymulkxonimdan farzand ko'rmagan. Ammo sohibqiron o'z o'g'li Shohruh Mirzoni, suyukli nabiralari Muhammad Sulton Mirzo, Xalil Sulton Mirzo, Ulug'bek Mirzo va boshqa mirzolarni bevosita zukko Saroymulkxonim tarbiyasiga topshirgan edi. Bundan shuni anglash mumkinki, Amir Temur Saroymulkxonimni juda hurmat qilgan va ardoqlagan.

Endi esa Xadichabegim to`g`risida.

Xadichabegim 1451-yilda Hirotda tug`ilib, 1457-yilda abu Sayyid Mirzoga hadya qilingan.1469-yilda Abu Sayid Mirzo halokatga uchragach, Husayn Boyqaro Xadichabegimni ko`rib sevib qoladi va uni nikohiga oladi.

Xadichabegim makkorona hiylalarini ishlatib, haramda ulug` beka unvonini oladilar. Bu xonim doimo o`g`li Muzaffar mirzoni taxtga o`tqazish to`g`risida bosh qotiradi. Hamda buning uchun yo`ldagi deyarli barcha to`siqlarni olib tashlaydi. Juda ko`p insonlar bu yo`lda halok bo`ladi. Husayn Boyqaroni

[1] Boburnoma Toshkent-2007

[2]Turg`un Fayziyev "Temuriy malikalar" 8-betToshkent-"O`zbekiston" - 2013

Xadichabegim Muzaffar Mirzodan boshqa o`g`illari bilan teskari qilib qo`yadi. Hatto ular o`z otalari bilan jang qilishgacha borishadi. Husayn Boyqaro saltanatining asosiy yemirilish sababi ham aynan shudir.

Ammo Alisher Navoiy Sab`ai Sayyorning X bobini Xadichabegimga bag`ishlagan. Navoiy Xadichabegimni Bilqisi soniy (Sulaymon payg`ambarning suyukli xotinlarining nomi Bilqis bo`lgan), Sorai uzmo, Xadichai kubro deb atagan. Yana Xadichabegimning madhi ulyo (oliy yo`lboshchi), ismatut dunyo (dunyo pokizasi) kabi unvonlari bo`lgan[1]. Bundan tashqari Navoiy Xadichabegimga atab go`zal g`azal bitgan.[2] Xurshid Davronning "Sirli olam" jurnalida e`lon qilgan "Navoiyning ichki armoni" nomli maqolasida "Navoiy Xadichabegimni sevgan, unga Husayn Boyqaro uylangach uylanmay o`tishga qaror qilgan" -degan fikrni aytadi. Ammo manbalarga ko`ra bu fikr to`g`ri emas. Chunki Xadichabegim go`zal bo`lsada, Navoiy sevadigan ayol bo`lmagan. Aksincha Xadichabegim boshqa saroy a`yonlari bilan birga Navoiy va Husayn Boyqaro o`rtasida ziddiyatlar keltirib chiqaradi.

"Boburnoma"da esa u haqida "O`zini oqila tutar, vale, beaql va purgo`y xotun erdi. Rofiziya (shialik mazhabi) ham ekandur", deb yoziladi.[3]

Demak, Xadichabegim Bobur nazarida ham o`ta hurmatli ayollar safida bo`lmagan.

"Yaxshidan bog` qolar, Yomondan dog`" deb bekorga aytilmagan albatta. Bu ikki xonim ham o`ta obro`li, hurmat- e`tiborga ega, go`zal ayollar bo`lishgan. Amir Temur va Husayn Boyqarodek buyuk insonlar ularni o`zlariga loyiq deb bilganlarmi demak, ular oddiy ayollardan farqlanib turishgan. Saroymulkxonim har qanday vaziyatda o`zini boshqara oladigan ayol bo`lib, vaqti kelganda Amir Temurni ham boshqara olganlar. Ya`ni o`zgalar ongini o`zlariga qarata oladigan kuchga ega bo`lib, bu fan tilida *refleksiya* deyiladi.

Bibixonimnning yana bir yutuqlari shundaki mol-dunyoga havasmand ayol bo`lmaganlar. Yoshliklaridan moddiy jihatdan to`laqonli hayot kechirganliklari tufayli, mol-dunyoga o`chlik hissi bo`lmagan.

Saroymulkxonimning barcha go`zal fazilatlariga sabab *genetik* jihatdan xonlar avlodiga mansubliklaridir. Ma`lumki, saroy doimo ilm - ma`rifat o`chog`i sanalgan. Chunki xon va amirlar o`z atroflariga mamlakatning eng zakovatli insonlarini yig`ib, ba`zi qarorlar qabul qilish hamda yurtda islohotlar o`tkazish masalalarida ulardan maslahat so`rashgan. Buning yana bir sababi esa xonlar o`z farzandlarini ta`lim-tarbiyasini mana shunday buyuk aql-zakovat egalariga ishonib topshirganlaridir. Buning natijasida esa farzandlar ota-onalaridanda yuksakroq bilim tafakkurga ega bo`lgan bo`lsalar, keyinchalik bu qondan-qonga o`tib, nabiralarga, ham nasliy jihatdan ma`rifatlilik, ham saroydagi yuksak madaniy – ma`naviy muhit birgalikda o`z ta`sirni o`tkazib, komil insonni shakllantirgan. Saroymulkxonim ham mana shunday muhitda tarbiya topganlar va saroy ayollariga xos barcha xususiyatlar xonimda mujassam bo`lgan.

Sangvinik temperamentga xos barcha xususiyatlar (bosiqlik, mulohazakorlik, sabrlilik va boshqalar) Bibixonimda mavjud bo`lganligi uchun ham u kishi har qanday vaziyatda o`zini Amir Temurga munosib ravishda tuta olganlar. Hech qachon o`z sha`niga gard yuqtirmaganlar.

Buning isbotini esa yuqorida keltirgan misollarimizda ko`rishingiz mumkin.

Xadichabegim esa xolerik (hukmronlikni yoqtiruvchi va shuhratparast, tanqidni qabul qila olmaydigan, jahldor…) temperament egasi bo`lgan. Insonlarni, go`zal xulq-odob muomala madaniyati bilan emas, aynan tashqi go`zallik bilan o`ziga rom eta olganlar. Hukmron bo`lish hissi boshqa har qanday mayldan ustunlik qilgan va shuning uchun ham Muzaffar Mirzoni taxtga o`tqazish yo`lidagi barcha to`siqlarni ustalik bilan olib tashlaganlar. Buning ortida esa o`z o`g`li nomidan mamlakatni boshqarish maqsadi yotgan albatta. Aynan Xadichabegimdagi *egoizm* Temuriylar saltanatining inqirozga yuz tutishida muhim omil bo`lib xizmat qilgan.

Yuqorida ikki go`zal Sharq ayollari to`g`risida so`z yuritdik. Biri Temuriylar saltanatining nozik ustunlaridan biri bo`lgan bo`lsa, ikkinchisi ushbu saltanat ildizlariga bolta urgan. Ularning saroydagi mavqei teng bo`lsada, ikkisi shu mavqedan turli yo`llarda foydalanganliklarini guvohi bo`lamiz.

Ayol nozik xilqat. Uning ummondek mehri yuksak tog`larni eritgudek qudratga ega bo`lsa, uning qahri dunyoni o`zgartirib yuborishga qodir!

Umuman har qanday ayol ichki dunyosida sirli bir kuch yashiringan bo`ladi. Biroq shu kuchni mustahkam iroda va sabr bilan to`g`ri yo`lga yo`naltirolgan insonlargina buyuklik martabasiga erisha oladilar.

Xadichabegimdagi ichki kuch ham to`gri yo`naltirilganda, balkim, mamlakatimiz tarixida Saroymulkxonim kabi yorqin iz qoldirilgan bo`lar edi.

Dunyo yaralgandan buyon ezulik va yovuzlik kurashi davom etmoqda. Eng muhimi biz yoshlar, buyuklar o`tmishini o`rganish barobarida, ularning yutuq va kamchiliklaridan xulosa chiqargan holda, qalbimizda ezgulik saltanatini bunyod etishdek vazifani bajarishga kuch topa olaylik.

---

[1] Navoiy "Asarlari" 15-jildligining 9-jildiga P.Shamsiyev tuzgan izohlardan

[2] Navoiy mukammal asarlar to`plami 20 jildligi, 1-jild 59-bet 1987

[3] Boburnoma 231-bet

РАЗВИТИЯ НАУКИ И КУЛЬТУРЫ В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ XVI- XVII вв.

А.Т.Алимов ст.преп. БухГУ

В XVI в. создаются многие замечательные произведения литературы, особенно поэзии. В Бухаре, у сына Убайдуллы-хана Абду-лазиз-хана была библиотека ,где: рукописи не только хранились, но переписывались и укращались миниатюрами. В этой библиотеке работали лучшие каллиграфы и художники. Во главе ее стоил известный каллиграф и художник Султан Мирак. Большой известностью пользовалась и библиотека Абдулла-хана II, в которой также работали каллиграфы и художники. Искусство каллиграфии в XVI в. достигло настолько высокого уровня развития, что дервиш Мухаммед ибн Дует-Мухаммед Бухари написал труд по теории каллиграфии. Известное развитие получает историческая наука. Так, в первой четверти XVI в. создается- труд Абдуллы ибн Мухаммеда «Зуб-дат-ал-асар», в котором прослеживаются противоречия, приведшие к гибели Шейбаци-хана. В тридцатые годы XVI в. в Бухаре были- созданы эмигрировавшими в Среднюю Азию Зайниддином Васифи мемуары «Бадаи-ал-вакаи» и Фазлуллахом ибн Рузбеханом Исфагани «Михман-намэ-и Бухара», в которых собран богатейший материал по истории народов Средней Азии. Во второй половине XVI в. в Бухаре было до 350 литераторов, поэтов и среди них Абдурахман Мушфика, выходец из ремесленников, известный поэт-сатирик, оставивший нам три дивана стихов, эпиграммы, сатиры, панегирики. Среди них имеются также стихи, критикующие феодальный деспотизм. О расцвете литературы свидетельствует и факт создания антологии среднеазиатской литературы «Музаккир алахбаб» Хасаном Бухари Нисари в 1566 г. и «Тазкирати шуара Мутриби» в 1604—1605 гг., в которых рассматривается деятельность нескольких сотен литераторов и ученых. Описанию политических событий периода Абдулла-хана II был посвящен труд Хафиза Таныша Бухари «Шараф-намэ-и Шахи», известный под Названием «Абдулла-наме», -в котором наряду с политическими сведениями собран большой фактический материал по социально-экономической жизни. Возросшие культурные связи обусловили появление в Бухаре поэтов не только со всей Средней Азии, но и Кабула, Кашгара, Северной Индии. Высоко ценилась и музыка. Многие поэты были прекрасными музыкантами. По истории музыки бухарцем Маулави Каукаби был составлен целый труд. Деятели науки не были независимы. Без разрешения хана не, предпринималось ничего. Не угодные хану жестоко наказывались. Образование, детей начиналось в мактабах с 6 лет, где они изучали: арабский алфавит и посредством буквослагательнопо метода начинали читать хафтьяк, содержащий избранные места корана. Дети плохо осваивали непонятный арабский, текст, начинали зазубривать его и по существу оставались безграмотными. Дети наиболее зажиточных людей переходили из мактаба в медресе, где учились основам арабской грамматики и богословию, мусульманскому -праву и формальной логике. Студенты медресе делились на низшую, среднюю и высшую группы, обучение в каждой из которых продолжалось 8 'лет. Соответственно группе студенты получали содержание из вакфных доходов, которое былой ничтожно малым. Учащиеся из бедных семей часто голодали. Васифи в своих мемуарах описывает смерть от голода двух иногородних студентов. Были случаи выступлений против отдельных ненавистных им Мулл. Мухаммед Талиб описывает такое выступление студентов в бухарских медресе. В XVII—XVIII вв. культура и наука находились под сильным влиянием мусульманского духовенства, особенно дервишских и суфийских орденов. В этот период мы уже не встречаем крупных ученых. Точные и естественные науки, в развитии которых народы Средней .Азии имели немало заслуг, теперь были, почти уничтожены. Бухара становится оплотом мусульманского богословия. Особенно процветает суфизм. Некоторый интерес из практических соображений проявляется к медицине. Была построена лечебница, где изучалась медицин При этой. естественной лечебнице была медицинская библиотека. Дети по-прежнему получали образование в мактабах и медресе, Где знакомились с основами богословия. Вместе с богословием изучалась и литература, которая была пропитана суфийскими идеями. В старых мактабах изучали также произведения Хафиза, Бедиля, Навои, Физули и т. д. I' Среди выдающихся ученых этого времени называют поэта и философа Юсуфа Карабага Мухаммеда Шахи, известного как автора «Трактата о сокрытом», законоведа Насреддина Бухари, художника-каллиграфа Мухаммеда Амина и др. Прогрессивными деятелями культуры этого времени были Бикои, Васифи, Хилоли.1 В XVII в. жил замечательный поэт Турды (ум. в 1699 г.), участвовавший в восстаниях 1686 и 1694 гг. в Бухарском ханстве. В« своих стихах он осуждает насилия Субханкули-хана, видя причину несчастия народов в жадности хана и его приближенных. Городская демократия начинает проявлять себя с XVIII в. Из этой среды вышли поэты Касым-ходжа и мулла Мульхан, которые не стремились посещать ханский дворец, не искали службы у эмиров, довольствуясь своим куском хлеба. Большая часть их стихов, касыд и месневи посвящены трудовому народу. Они написаны на простом, образном языке, в отличие -от вычурных и напыщенных стихов придворных поэтов. В первой половине XVIII в. в Бухаре создается ряд исторических сочинений. Среди них оригинальностью и самостоятельностью суждений, а также обилием политических и социально-

экономических фактов выгодно отличается сочинение Мир-Мухамме-да Амина Бухари «Убайдулла-наме». В конце XVIII в. Мухаммедом Шарифом была написана историческая хроника «Тадж-ат-Табарих». События конца XVIII в., очевидцем которых был сам автор, представляют научную ценность. Во второй половине XVIII в. в Бухаре были созданы исторические сочинения Абдурахмана Тали «История «Абулфайз-хана» и Мухаммед Вафаи Керминеги «Тухфаи хани», содержащие подробнейший материал по истории классовой борьбы и политической жизни. Мухаммед Мир Алим Бухари в «Фатх-наме-и султани» осветил, историю первой половины XIX в. Рукопись ценна сведениями о реформах, о различных восстаниях. Литературные памятники этой эпохи представлены стихотворной «Историей мангытских государей» известного бухарского поэта Мирзы Садыка Мунши.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

доц. Джумаева Н.Э.,Хўжаёрова Н., магистр,Қарши ДУ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотларни амалга оширишда жамият ҳаётини тубдан янгилаш, фуқароларда ишлаб чиқариш ва меҳнатга бўлган ижобий муносабатни қарор топтириш, яратувчилик, бунёдкорлик ҳиссини тарбиялаш, ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишига эришиш ҳамда эркин, мустақил ва ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш мақсадлари кўзланди. Бу мақсадларга эришиш таълим тизимида ҳам илғор ғояларни қарор топтириш, янги иш услубларини амалиётга татбиқ этилишини тақозо қилади.

Ислоҳотлар даврида миллий маданиятни,миллий қадриятларни, қайта тиклаш ва уларни бойитиш йўлида самарали ишларнинг амалга оширилганлиги эртанги кун яратувчилари бўлган ёшларни маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш заруриятини кун тартибига олиб чиқди .

Инсоннинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, қолаверса, бутун ҳаёти давомида моддий эҳтиёжлари қанчалик муҳим бўлса, маънавий эҳтиёжларига бўлган талаб улардан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин.

А.Иброхимов таъкидлашича, «маънавият–жамиятнинг миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилиятини мужассамлантирувчи тушунча»,-деб (А.Ибрагимов, Х.Султонов, Н.Жураев “Ватан тўйғуси” китоби. 1996 й. 116-б.) таъкидланади. Демак, маънавият инсоннинг, жамият маданиятининг негизи, жамият ҳаётининг маълум йўналишини белгилаб берувчи асос қиррадир. Чунки маънавият жамиятдаги иқтисодий–ижтимоий ҳаёт тузилишининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Агар жамиятда маънавият қашшоқлашиб қолса, бу жамиятда ривожланиш тўхтайди, жамият инқирозга учрайди. Жамиятда маънавият, маънавий маданият даражаси маълум маънода шаклланиб, ўсиб бораверса бу жамиятнинг иқтисодий–ижтимоий ҳаёти ҳам ўса боради.

Маърифатни жамият ҳаётига сингдириш, яъни жамият аъзоларини маърифатли инсонлар қилиб тарбиялаш маориф тизими орқали олиб борилади.

Маърифатни билим ва маданиятнинг биргаликдаги мазмуни ҳам деб қараш мумкин. Маориф асосан умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармоқларини ўз ичига олди. Маърифат тушунчаси эса жуда кенг тушунча, у билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини қамраб олади.

Демак, маънавиятли маданият, маърифатли тушунчалари бир–бири билан боғлиқ тушунчалар экан, уларнинг узвийлиги, боғлиқлиги орасида маданият деган тушунча ҳам бор. Асли арабча «Мадина» (шаҳар, кент) деган маънони билдирувчи бу сўз кенг маънода инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисини ҳам акс эттиради. Бундан ташқари, тор маънода жамият маънавий ҳаётини кўрсатиш учун қўлланилади.

Маданият атамаси илм-фанда жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий қўлга киритилган ютуқлар мажмуини, бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритилган, ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим–тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифатлилик ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндисини ҳам билдиради. Бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш, улар онгига сингдириш, уларда маънавий маданият тушунчасини таркиб топтириш, ижтимоий тузумнинг талаблари асосида олиб борилади.

Бугунги кунда «қадрият» сўзининг тез-тез қўлланилиши одат тусига кирди. Қадриятлар махсус фан асосида ўрганила бошланди ва бу фан «Аксиология» дея атала бошланди. «Аксиология» (*юнонча қадрият, таълим, сўз*) фалсафа фанининг бир бўлими бўлиб, қадриятлар табиатини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ижтимоий ҳодиса сифатида қадрият жамият аъзоларининг унга бўлган муносабати асосида белгиланади. Шунга кўра, оддий маънода қадрият деган тушунчанинг ўзи ҳам қадр-қиммат, деган маънони билдиради. Унинг моҳиятини белгилашда кишиларнинг умумий маданий савияси, маънавий камолотининг даражаси, ижтимоий онги, шунингдек, миллий онги ва миллий ўз-ўзини англашининг етуклиги муҳим аҳамиятга моликдир. Маънавий етук миллат қадриятларни тўғри баҳолашга ва уларни янада ривожлантириш имконига эга бўлади. Демократик жамият маънавиятининг ўсиши қадриятлардан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиб берибгина қолмасдан, балки уларни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратади, унинг ижтимоий- тарбиявий қимматини оширувчи омилга айлантиради.

Масаланинг яна муҳим бир томони бор – у ҳам бўлса, ижтимоий дунёқараш, қадрият ва мерос тушунчаларнинг ўзаро муносабатидир. Маълумки, қадрият ва мерос тушунчалари бир-бирига яқин бўлса ҳам аммо улар айнан бир маънони билдирмайди.

Қадрият ва мерос тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ бўлишига қарамай, ҳар қандай мерос қадрият бўла олмайди. Мерос тушунчасининг моҳияти қадриятга нисбатан кенгроқдир. Мерос хозирги кун ва келажак тараққиётига ижобий таъсир этгандагина қадрият бўла олади.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам қадриятларни ижтимоий-тарихий ва маданий категория сифатида қараб, уларга “инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалардир” – дея таъриф берадилар (Қадриятлар. “Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.- Т.: Шарқ, 1998. – 280 б.)

Хулоса шуни кўрсатадики маънавий қадриятлар, миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан узвий алоқадор, диалектик конуниятларга бўй сўнади, уларнинг жамиятда тутган ўрни, инсон омили мавқеини оширишда, кишиларда юксак маънавий хусусиятларни тарбиялашда, уларнинг шахсий ахлоқий оламини юксак ғоялар билан бойитади.

И.А.КАРИМОВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА” АСАРИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Бердиева Зулфия Сафаровна, Аъзамова Дилфуза Шафоевна
Термиз давлат университети

Summary: In the article is given and lightened the political and social activities of Islam Karimov on the eve of independence. In this book is detailed the historical changes in that time.

Keywords: Independence, historical changes, Uzbekistan, political and social activities, personnel.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1992 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервюлар ўрин олган.

Мазкур асар Ўзбекистоннинг бугунги кун ёшлари учун тарихий аҳамиятга эгалиги ва бу соҳада Президентнинг жасурона фикрлари илгари сурилганлиги, биз ёшлар учун тарихий ўчмас асарлиги қалбимизда, хотирамизда, тафаккуримизда чуқур из қолдиришини юртбошимизнинг куйидаги фикрлари унинг яққол исботидир.

Юртбошимиз 1990 йилларда — Республикамизда илм-фан ва таълим соҳаси-нинг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби ачи-нарли аҳволга тушиб қолган, бу соҳалар «қолдиқ» принципи асосида молиялаштирилаётган, жумладан, 1700 та мактаб биноси авария ҳолатида бўлган бир вазиятда, узоқ ва давомли мақсадларни кўзлаб катта ишонч билан фикр билдиради. Шу борада эътиборингизни кичик бир иқтибосга қаратмоқчимиз:

«... Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак.

Бу дастур:

- умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга қўйиш ва шу кабилар)ни;
- энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;
- корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;
- ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;
- олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма бериш усулини жорий этишни;
- республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини ўз ичига олиши керак.

Дарвоқе, бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ бирмунча иш қилинмоқда. Яқинда Фарғона давлат дорилфунунини, Бухоро медицина институтини, Нукус педагогика институтини ва шу кабиларини ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилинди...» (КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузадан, 1990 йил 4 август) [1].

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланиши албатта бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади. Бу жараёнларнинг ўзи эса ёшларда янгича ватанпарварлик ғоясининг шаклланиши ва уни ривожланишига асос бўлади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилади.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош нашри бўлган "Правда" газетасининг "Олтин хазинаси устидаги илон" деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собиқ Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида "десантчилар" деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча бегуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар тазйиқ ва таъқибларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу – истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни Ислом Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлик аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпламнинг ҳар бир саҳифасидан бамисоли "қизил ип" бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу давр мобайнида ўлкамизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда "ГКЧП" деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Мамлакатимизни жар ёқасига олиб келиб қўйган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш, халқ дардига дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун участка майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингта оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Каримов "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". – Т.: "Ўзбекистон", 2011. 16-17 бетлар

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ўқ. Назиров У.Қ.,ўқ.Қорахонова О.Ю.,Бегматова С., магистр,Қарши ДУ

Мустақиллик йилларида педагогик фикрларнинг тараққиётига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим ислоҳотларини амалга оширишга доир ғоялари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, Президент Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг бош тамойилини илгари сурар экан, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» [– Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 65-бет.] номли асарида шундай ёзади: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Булар:

-умуминсоний қадриятларга содиқлик;
-халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
-инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёт йўли фақат ижтимоий–иқтисодий, сиёсий ислоҳотларгагина эмас, Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, жамият маънавиятини юксалтиришга боғлиқ эди. Шунга кўра юртбошимиз бу борада маънавиятни шакллантиришда таълимнинг устуворлигига эътибор беради ва Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш учун шароит яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Булардан халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги энг азалий қадрият саналади. Чунки халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги унинг куч қудрати манбаи эканлиги, адолат, тенглик, аҳил қўшничилик, инсонпарварлик хислатларини улуғлаганлиги "Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт–шароитлар яратишдир" деб таъкидланади. Бу кўрсатма аввало маънавиятни янада юксалтириш вазифасини қўяди. Бунинг учун эса халқ тарихини, маданиятини, тилини билиш зарур, дейилади. Ана шу нуқтаи назардан тарихни ўрганишга даъват этилади. Ўз ери, оиласи, ота–онаси, болалар, қариндош–уруғлар, қўни–қўшнилар, халқимизга, мустақил давлатимизга садоқат, инсонга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик маънавиятнинг асл моҳияти эканлиги тушунтирилади .

Бундай юксак маънавиятга эга бўлиш учун ҳар бир инсондан ватанига унинг равнақи учун меҳнат қилиш, эрк, озодлик каби юксак туйғуларнинг мазмун–моҳиятини тушуниши керак бўлганда фидоий бўлиш талаб этилади.

Маънавиятни юксалтиришда узлуксиз таълим тизими алоҳида ўзига хос ўринга эга. Таълим–тарбия жараёнида шахс маънавий жиҳатдан шаклланади. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов ёш авлодни маънавий шакллантиришда таълимнинг "яратувчилик фаолияти"га алоҳида урғу беради. Бу соҳадаги унинг қарашлари амалиётга татбиқи Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида" ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Республика "Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ва ташкил этилган марказлар олдига қўйилган вазифалардан иборат эди. Мазкур Фармойиш ҳамда қарорнинг асл моҳияти жамиятда ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англаш, мустақилликнинг моҳиятини тушуниш, миллий тафаккурнинг таркиб топтира бориш, ҳурлик ва эркинликнинг уйғонишини таъминлаш каби муҳим масалаларни қарор топтиришдан иборат эди. Бунинг учун ёш авлодни тарбиялаш, иқтидорлиларини рағбатлантириб бориш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш имкониятларини кенгайтириш, истеъдодли ёшларни қўллаб–қувватлашга эътиборни қаратишга алоҳида аҳамият берилади.

Бунинг учун йигит–қизларни ақлий–ахлоқий, маданий–маънавий жиҳатдан тарбияламасдан, фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминламасдан, уларни фан–техника, илм-фан ютуқларидан баҳраманд қилмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу мақсадда йигит-қизларни илғор техника ва технологияларни ўрганишлари учун хорижий давлатларга юбориш кераклигига алоҳида эътибор берилади.

Бунинг асосий йўлларидан бири тарихни, тарихий хотирани тиклаш учун шароит яратишга кераклиги, мамлакатимизда жаҳон цивилизациясига катта хисса қўшган буюк алломаларимизнинг меросини ўрганиш ёшларда миллий ғурур, маънавиятни тарбиялашда энг муҳим маънавий манба эканлигига эътибор берилади.

Зеро, аждодларимиз томонидан яратилган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига доир асарлар, фикр-мулоҳазалар, ҳозирги даврда ҳам жаҳон маънавиятига катта хизмат қилиб келаётган буюк қадриятлар мавжуд. Ана шу моддий ва маънавий қадриятларни тиклаш ва мазмунан бойитиш жамият тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳақида ҳам фикр юритиб, бу икки буюк хислатнинг ўзбек халқига хос жихатларини кўрсатиб берар экан, бу фазилатларни тарбиялаш вазифалари, йўллари, усуллари ҳақида ҳам теран фикр юритади. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини билиб олишга интилиш, "Республикамизнинг куч-қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади", - деб таъкидлайди. Бунинг учун давлатимиз рамзлари – Ўзбекистон Конституцияси, байроғи, герби, мадҳиясини эъзозлаш, улар билан ғурурланиш, фахрланиш туйғусини таркиб топтириш педагогик тадқиқотлар учун манба саналади .

Айниқса, инсонпарварликни тарбиялаш таълим–тарбиянинг асосий негизи сифатида кўрсатиб ўтилади. Кейинчалик эса, “Таълим тўғрисида” Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда бўлиши таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципи сифатида қайд этилади.

Ёш авлоднинг келгуси ҳаёти уларнинг меҳнат тарбияси, касб–ҳунар эгаллашига, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилиги билан боғлиқдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ белгилаб олинган бу йўналиш таълим–тарбиянинг ҳам асосий йўналишларини аниқлаб берди. Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни халқимизнинг бой маънавий меъросини ўрганишга рағбатлантириш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини сингдириш асосида уларнинг ўз қобилиятларини эркин намоён этишга йўллаш кабилар таълим–тарбия соҳасидаги ишларнинг асосини ташкил этади.

Фан–техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда экология ва жамият, инсон ва табиат, фан–техника тараққиёти ва экология, атроф–муҳит ва инсон саломатлиги ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу муаммолар маълум даражада таълим–тарбияда ўз ечимини топиши зарур. Чунки экология муаммоси фақат табиатга зарар келтирмаслик билан боғлиқ муаммо бўлмай, балки маълум давр кишиларининг экологик хавфсизлиги муаммоси ҳам бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, экологик тарбияни, экологик хавфсизликни кучайтириш ва барча тарбиявий ишларни қуйидаги йўналишларда олиб боришни назарда тутмоқ керак.

Шунинг учун ҳам таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширишга эътибор қаратилди. Бу борада Президент И.АКаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил, 27 август) сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусидаги маърузаси алоҳида аҳамиятга эга.

И.А.Каримов мустақиллик йилларида қилинган ишларга таъриф бериш билан бирга таълим ислоҳоти соҳасида амалга ошириладиган ишларга доир муҳим фикрларни ҳам илгари суради. Бу борада энг аввало таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалага асосий эътиборни қаратади. Шунингдек, ўқитувчиларни замонавий билимлар билан қуроллантириш муаммосини уларнинг маълумотини, малакасини ошириш билан боғлаб олиб бориш лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Президент И.А.Каримов илгари сурган яна бир муҳим масала бу ўқув жараёни ҳақида бўлиб, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этишини ,шунингдек, ўқув жараёни, мазмуни, ўқитиладиган дарсликлар сонини, қайси синфда қандай билим беришини аниқлаш ҳам зарурлигини таъкидлайди. Эски дарсликлар ва эски мафкурадан халос бўлмасдан туриб, болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаслигимизни алоҳида уқтириб ўтади.

И.А.Каримов илгари сурган муҳим масалалардан яна бири хорижий тилларни ўрганишга оиддир. Шу билан бирга она тилини ўрганишни ҳам талаб даражасида олиб бориш зарурлиги қайд этиб ўтилади.

Шунингдек, муҳим масалалардан яна бири, ўқув муассасаларининг ўрта ва энг муҳим бўғини ҳунар–техника билим юртлари, техникумларни янги таркибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус ва касб–ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларни умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга қаратишдан иборат эди. Шу муносабат билан олий ўқув юртларининг ҳам ҳаёт талабларига жавоб бермаётганини ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида давлат стандартларини ишлаб чиқиш, уларнинг моддий базасини таъминлаш, ўқув дастурлари ва дарсликларини янгилаш, замон талаб этаётган мутахассисларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар билан алоқани мустаҳкамлаш масалалари ҳам кун тартибига қўйилади.

• Таълим соҳасидаги бу масалалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиб, таълим мазмуни ҳам янгилана бошланди. Педагог кадрлар ва илмий–педагог кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш, давлат таълим стандартлари ва улар асосида янги дастур ва дарсликлар, ўқув–услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик-ахборот таъминотининг янги авлоди, тамоман янги типдаги ўрта махсус ва касб–ҳунар таълимининг моддий техник ҳамда ўқув-услубий баъзаси яратилди. Таълим соҳасида халқаро алоқалар йўлга қўйилиб, чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. "Педагогика тарихи" миллий руҳ ва миллий тарбия тажрибалари асосида яратилди. Педагогика назарияси таълим-тарбиянинг шу кунги долзарб муаммоларини таҳлил этиш ва баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилди, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш асосида янги ижтимоий онгни шакллантириш билан эркин, мустақил фикрловчи шахсни, мустақилликка садоқатли ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли иштирок этадиган ва шу жараёнда фаол қатнашадиган фуқарони шакллантириш таълим-тарбияга янгича ёндашув, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига киритиш, таълим жараёнини

инсонпарварлаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, фан, техника ва технологияларнинг ҳозирги давр талабларига маданий, тарихий, маънавий-ахлоқий анъаналарни ҳисобга олиб, таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш, кадрлар малакасини оширишда уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш ва бошқа кўп масалаларга қаратилди. Хуллас, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш давомида вилоятларда университетлар ташкил этилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари университети, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички-ишлар, Қуролли кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби олий ўқув юртлари, замонавий лицей ва коллежлар каби янги ўқув муассасалари таъсис этилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти жамиятнинг маънавий юксалишига боғлиқ экан, миллий ғоя ва мафкурани барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг асосий негизига айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилади. Бу эса ёш авлод онги ва қалбига миллий ғоянинг асосий тушунчалари ҳамда истиқлол мафкурасини сингдиришни талаб этади. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим-тарбиянинг турли самарали шакллари, метод ва воситалари назарда тутилади:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;
- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ўкувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;
- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;
- педагогик кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш [“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” 62-63] ва ҳоказолар.

Буларнинг барчаси И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишнинг учинчи босқичида педагогика соҳасидаги тадқиқотларни унинг назарий методологик асосларини яратиш, яхлит ўқув-тарбия жараёнини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини, инновацион педагогик жараёнларни тадқиқ этиш, таълим-тарбия самарадорлигини аниқлаш технологиялари механизмини, узлуксиз таълим тизими ўқув-методик таъминотини яратиш, узлуксиз таълим тизимида таълим анъаналарини, халқ педагогикаси, умумбашарий ва миллий таълим анъаналаридан фойдаланиш йўллари, шакл, методларини тадқиқ этиш, таълим мазмунини янгилаш, унинг шакл ва методларини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибалари асосида самарали таълим технологияларини танлаш ва жорий этиш масалаларини ҳал этишга қаратилишини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари педагогика соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга йўл очиб, таълим ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида Республикамизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятига имконият яратилди ҳамда унинг истиқболини белгилаб берувчи илмий-амалий жиҳатдан асосий манба сифатида хизмат қилди.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИГА ОИД ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

С.С.Ходжаева, М.М.Нигматова, БухДУ катта ўқитувчилари,
С.Ш.Остонова, Бухоро педагогика коллежи ўқитувчиси

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашида умумбашарий ва миллий қадриятлардан таъсирчан восита сифатида фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да иймон, эътиқодда собитлик, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, ёшларни адолат, маърифат, инсоф, дўстлик, ватанпарварлик, она сайёрани эъзозлашга ҳидоят этишга даъват бош масала ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг маънавий етуклиги дўстга садоқат, кечиримли бўла билиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бера олиш каби олижаноб хислатлар билан белгиланади. «Авесто»нинг турли қисмларида ана шундай фазилатларни тарғиб этадиган кўплаб саҳифалар учрайди. «Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам дейиш мумкин». “Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир”, «Доно ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини ёритмоғи лозим», «Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур», «Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир», «Ўз нафсини енгиб жиловлаб олмаган киши ҳеч нарса устидан ғолиб чиқа олмайди». Кўриниб турибдики, “Авесто”да ўқувчиларнинг иродали бўлиши, ўзини-ўзи тарбиялаши каби олижаноб бўлиши зарурлигини тарғиб қилувчи фикрлар илгари сурилган. Тарихий обида ҳисобланган “Авесто”да таълим-тарбиянинг айрим

жиҳатлари ҳақида қизиқарли талқинлар мавжуд бўлиб, хусусан ёшларнинг жамият олдидаги бурчлари, маъсулиятларини ҳис этишлари, поклик, адолат ва ҳамжиҳатликка зарурат ҳақидаги ғоялар бугунги кун учун ҳам қимматлидир.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, буюк мутафаккирлар Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абул Қосим Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқалар ёшларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли педагогик мерос қолдирганлар. Уларнинг бадиий, ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари мазмунида ёшларни ўзларини-ўзлари тарбиялашлари учун маънавий асос сифатида хизмат қиладиган қимматли ғоялар ўз ифодасини топган.

Хусусан, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, бунинг учун уни маънавий-аҳлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, ўзини-ўзи тарбиялаш хусусидаги алломалар фикрлари, ноёб ва нодир ғояларлар турли ўқув предметлари ва синфдан ташқари таълим-тарбия жараёни мазмунига сингдирилиши лозим.

Жумладан, А.Н.Фаробий «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир: Аввало, у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мажтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборатлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса, бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга керишмоғи лозим бўлади»-деб таъкидлайли . Мутафаккирнинг фикрларини ўрганиш натижасида ҳар бир ўқувчида ўзини англаш, ўзини-ўзи тарбиялашга интилиш ҳосил бўлади.

Фаробийнинг маънавият ва маърифат ҳақидаги фалсафий-педагогик таълимоти негизида инсон ва унинг ақл-идроки масаласи турганлиги эътиборга сазавордир. Унинг фикрича, инсон ўзининг фаол ақл-идроки, қобилияти, истеъдоди, тафаккури ёрдами билан табиат, борлиқни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар моҳияти ва маъносини билади. Бунинг натижасида у бахтга эришади. Аммо, кимки ўзини ўз даражасидан юқори қўйса ундай киши учун камолот йўли тўсилади, деган фикрларни илгари суради.

Фаробийнинг фикрича, ахлоқ ва одоб, илм-маърифат кабилар инсон маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ, одоб, билим, истеъдод, ақл-идрок ва тафаккур заминида инсонда ишонч, эътиқод, ихлос, виждон, иймон шаклланади. Фаробийнинг айтишича, ёшларда моддий борлиқ, ижтимоий ҳаётнинг мазмуни, моҳияти ва мақсадлари асосида муайян дунёқараш, эътиқодлар тизими шаклланади ва ривожланади.

«Ақлли деб шундай кишига айтамизки -деб ёзади Фаробий, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин».

Абу Райхон Берунийнинг инсон тўғрисидаги ғояларини ўрганиш, бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ўқувчиларга тушунтириш, унинг ҳикматларини ёд олдириш уларнинг ўзини-ўзи тарбиялашига замин ҳозирлайди.

Абу Райхон Беруний инсон ўз аҳлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини ўзгартиришга қодирлигини уқтириб, агар у ҳирслардан устун тура олса ўзидаги бор нуқсонларни йўқотиб, уларни яхши сифатларга айлантириши мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Беруний асарларида кишиларнинг ўз билимлари, қобилиятлари ва аҳлоқий хислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди. Бундай фикрлар ўқувчиларни ўзларига-ўзлари тўғри баҳо беришлари ва тарбиялашларига имкон беради.

Ибн Сино инсонлар ҳамиша ўзини ёмон нуқсонлардан онгли равишда тийиб юриши керак деб таъкидлайди ва бундай салбий иллатларни алоҳида кўрсатиб ўтади: очкўзлик, зулмкорлик, алдов, рашк, ўч олиш, туҳмат қилиш кабилар. Мазкур таълимот ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашида муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, аждодларимиз фозил шахс, комил инсон, аҳлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатишда дастурул амал бўла олади. Шунинг учун ҳам, улардан ўқувчиларни ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашини ташкил этишда аждодларимиз меросидан фойдаланишда ўқитувчилар ижодкорлик билан ёндашишлари талаб этилади. Музкур меросдан фойдаланишда улар қуйидагиларга амал қилишлари керак:

1. Аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий таълим-тарбияга оид тарихий тажрибаларини пухта ўзлаштириш;
2. Юқори даражадаги педагогик маҳоратга эга бўлишлари;
3. Ўқувчилар билан изчил мулоқотга кириша олишлари;
4. Ўқитувчиларнинг ўзлари юксак маданият эгаси бўлишлари;

МУҲИДДИН ИБН АРАБИЙ ИЖОДИДА ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Болтаев А.А., БухДУ доценти

Тасаввуф илмининг энг катта вакилларидан бири “Аш-Шайх ул -Акбар” (“Буюк шайх”), “Ал-Кибрит ул-Аҳмар” (“Донолик тоши”) “Муҳйил миллати вад дин” (“Миллат ва динни тирилтирувчи”) каби шарафли номлар билан аталиб келинаётган Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Ибн Арабий ал-Ҳотами ат-Тоий ал-Андалусий (1165-1245) шахсияти Шарқу Ғарбда сўфий, мутасаввиф, файласуф, шоир ва адиб сифатида маълум ва машҳурдир. Шунингдек, унинг тасаввуфий таълимоти, илгари сурган янгича ва ўзига хос назариялари тасаввуф илми намояндалари ва шариат уламолари орасида энг кўп мубоҳаса ва мунозараларга сабаб бўлганлиги ва бу жараён ҳануз давом этиб келаётганлиги Ибн Арабий шахсиятининг нечоғлик улканлигини англатиб туради.

Ибн Арабий асарларининг сони анча салмоқли. Унинг ўзи 1235 йилда тузган асарлари рўйхатида 289 та асар номини қайд этган. Табиийки, ундан кейинги йилларда ҳам асарлар ёзишни тўхтатмаган. Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” асарида Ибн Арабий асарларининг сонини 500 та бўлганлигини таъкидлаган. Аш-Шаъроний эса ўзининг “ал- Явақийт вал жаваҳийр” номли асарида асарлар сонини 400 та деб санайди. Асарлар сони қанча бўлмасин, улардан 250 тасининг бугунги кунимизгача етиб келганлигининг ўзи Ибн Арабий сермаҳсул ижодкор бўлганлигини ва улар барча даврларнинг зиёлилари диққат назарида турганлигини кўрсатиб турибди.[1]

Маълумки, ўрта асрлар мутафаккирларининг умумий хусусияти уларнинг барча фанларда қомусийлик касб этганлари ва ўз даврларида мавжуд фан соҳаларининг деярли ҳаммасида қалам тебратганликларидир. Ибн Арабийнинг эса бу мутафаккирлардан яққол ажралиб турадиган жиҳати шундаки, у ўзи эгаллаган қомусий илмларнинг барчасини тасаввуф илмини бойитишга, унинг қирраларини ҳар томонлама таҳлил қилишга қаратган. Умри давомида яратган асарларининг ҳаммаси тўлиғича тасаввуфий илмларга бағишланган.

Ибн Арабийнинг бундай ўзига хослиги табиийки, ҳамма вақт ва ҳамма даврада қабул қилинавермаган. Унинг асарлари ва уларда илгари сурилган борлиқни ва моҳиятни англаш йўлидаги янгича йўл ва услублар кўп бора кескин қаршиликларга дуч келди. Шундай бўлишига қарамай унинг ашаддий танқидчилари ҳам барибир ундаги юксак салоҳиятни тан олишарди.

Унинг энг катта танқидчиларидан ҳисобланган Ибн Таймия уни маълум маънода эътироф этади ва дейди: «Дарҳақиқат у ваҳдатул вужуд ҳақида гапирган сўфийлар ичида Исломга энг яқинидир. У зоҳир ва мазоҳирни, амр ва наҳйни, шариатни тўғри фарқлай олган. Ўз сулукида ахлоқ ва ибодатни машойихлар буюрганидек буюрган».[2]

Ибн Арабий ижодига ҳозирги кунда ҳам (айниқса, исломий ақидалар амал қилаётган жойларда) эҳтиёткорлик билан муносабат билдирилаётганлиги замирида у айтаётган кўплаб фикр ва хулосаларнинг ўта ноанъанавий эканлиги ва буларни ҳамма ҳам тўғри ҳазм қилишга қийналиши ва ақидавий масалаларда тушунмовчиликлар келиб чиқиш хавфи ётганлигидир. Албатта бундай муносабатнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари мавжуддир, бироқ уни ўрганишга интилиш жараёнига сунъий қаршилик қилиб бўлмайди. Ибн Арабий даҳоси барча даврларда бўлгани каби XXI асрда ҳам инсониятни ўзига тортмоқда.

Фикрларимиз исботи учун унинг энг машҳур асарларидан бири “ал-Футуҳот ул-маккийя” (“Маккага қилинган сафарлар давомида маъноси очилган фикрлар”) асарида келтирилган айрим диний тушунчаларнинг маъносини фалсафий нуқтаи назардан қилинган таҳлилларига қаратамиз.

Ибн Арабий мазкур асарида Муҳаммад пайғамбарнинг Ҳаж ва Умра қилиш инсоннинг ғайри шаръий ишларидан пайдо бўлган гуноҳларини йўқотиши тўғрисидаги ҳадисини таҳлил қилар экан мазкур ҳадисда ишлатилган “ғайри шаръий ишлардан, яъни итоатсизликдан пайдо бўлган гуноҳ” маъносини англатувчи “знб” ўзагидан ясалган “занб” сўзига алоҳида урғу бериб, худди шу ўзакдан ясаладиган яна бир сўз “занаб” (“дум”)га эътиборни қаратади ва уларнинг бир-бири билан ўзаро уйғун эканлигини фалсафий жиҳатдан таҳлилга тортиб, асослашга ҳаракат қилиб ёзади: “Ҳаж ва умра натижасида охир-оқибат “”занб”ларнинг йўқолиши (Худонинг) “Охир” исмининг ҳукмидир. Негаки, “занаб” (“дум”) ҳам калла(жойлашган жой)дан сўнг энг охирда жойлашган. Банданинг асли (субстанцияси)да итоат ётади ва унга борлиқнинг узвий бўлаги сифатида “Кун” (“Бўл”) амри қилинган ва унга (бу амрга) вужуд сифатида итоат қилишдан бўлак чораси бўлмаган. Ва бу амрнинг мухолифи сифатида бандага “занб” араз (акциденция) бўлган. Шу жиҳатдан “занб” ва “занаб” охирда келиши билан бир-бирига ўхшаш бўлди. Демак, улар (яъни, итоатсизик ва дум) асл (субстанция) ичида араз (акциденция) сифатида мавжуддир.”[3]

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ибн Арабий араб тили имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир сўз ҳам бекорга пайдо бўлмаганлигига ишора қилмоқда, яъни “занб” ва “занаб” сўзлари араб

[1]Қаранг: Ибн Арабий. Фусус ул-ҳикам, Байрут: Дарул китабил арабий 1946. 5 б.

[2] Ибн Таймия. Мажмуату-р-расоил ва-л-масоил.

[3] Ибн Арабий. Ал-Футуҳот ул-Маккийя, Қоҳира: ал- Мактабат ул- арабийя. 1987. 62 б.

ёзувида айнан бир хил ҳарфлар билан “знб” шаклида ёзилади. Ва қизиқарлиси шундаки, араб алифбосида “з” товушига яқин товушни ифодаловчи тўртта ҳарф мавжуд. Булар: “за”, “зал”, “зод” ва “зо”. “Знб” ўзагини ташкил этувчи ҳарфлардан бири “з” эса “зал” ҳарфи бўлиб, “занб” ва “занаб” сўзлари айнан шу ҳарф билан ёзилади. Ибн Арабий бу икки маънони англатувчи, бир хил ҳарфлар билан ёзилиб, икки хил тарзда ўқилувчи сўзнинг илоҳий эканлигига ишора қилади. Яна бунинг устига бу икки сўз диний-мантиқий ва фалсафий жиҳатдан ҳам бир-бири билан ниҳоятда боғлиқ. Бу нимада кўринади? Ибн Арабий фикрича, “занб” (“гуноҳ”) итоатсизлик бўлиб, у итоатсизликнинг охирида вужудга келади. Ва унинг кетиши, йўқолиши ҳам Ҳаж ёки Умра амаллари бажарилгандан сўнг, охирда кетади. Бу охир-охирлар Аллоҳнинг “ал-Охир” исмининг ҳукмидан бўлиб, бу айни пайтда “аввал” мавжуд эканлигига ишора қилади. Яъни, “охир” ҳеч қачон “аввал”сиз мавжуд бўлолмайди. Худди шу жиҳатдан “занаб” (“дум”) ҳам калласиз мавжуд бўлолмайди. “Занаб” (“дум”) калла мавжудлиги туфайли мавжуд бўлгани каби “занб” (“итоатсизлик”) инсоннинг асли (субстанцияси)да Аллоҳнинг борлиқни яратишдаги “Кун” (“Бўл”) амрига итоат қилишлик мавжуд булганлиги учун мавжуддир. Аллоҳнинг “ал-Аввал” ва “ал-Охир” исмларининг ҳукми асл (субстанция) ва араз (акциденция) мавжудлигини тақазо қилади.

Ибн Арабий ўз фикрларини давом эттириб, бу мисолларни нега келтираётганлигини англатувчи асосий хулосасини баён қилади: “Араз (акциденция) боқий эмас, негаки у ҳукм бўлгандан сўнг мавжудлик касб этди. Демак, у завол топувчи ҳамдир. Иншааллоҳ, натижа саодатга далолат қилмоқда. “Занб” (“итоатсизлик”) ўзида “занаб” (“дум”) даги икки шариф сифатни жамлаган. Агар инсон ундаги бу сифатларни билса, “занб” (“итоатсизлик”)нинг Аллоҳ ҳузуридаги ўрнини англай олади. “Занаб”даги икки шариф сифатнинг бири у ҳайвоннинг авратини ёпиб туради, иккинчиси ҳайвон у билан ўзини пашшалардан қўрийди. Худди шундай “занб” (“гуноҳ”, “итоатсизлик”) замирида Аллоҳнинг афв ва мағфирати ётади. Инсон бу ўхшашликларни ва илоҳий исмларнинг ўзида нималарни жамлаганини билмасада, улар инсонни интиқом ва муқаррар жазо (муохаза)дан қўриб, “занаб” (“дум”) бажарган вазифани бажариб туради.”[1]

Мазкур фикрлардан англашилмоқдаки, гуноҳ ишлар инсон табиатидаги итоат қилиш туйғусининг акциденцияси сифатида мавжуд экан. Демак, у абадий эмас, худди шундай гуноҳлар мавжудлиги ҳам вақтинчалик бўлиб, улар албатта йўқолади, яъни Аллоҳнинг “Афв” ва “Ғафур” исмлари орқали кечирилади. Негаки, бу исмларнинг ҳукми айнан кечирим ва мағфиратни тақозо қилади. Бу эса Ибн Арабий айтаётганидек, “Иншааллоҳ, натижа саодатга далолат қилмоқда”. Мазкур фикрни янада очиқроқ айтсак, инсон гуноҳсиз бўлиши мумкин эмас, унинг гуноҳи айни пайтда унинг кечирилишини таъминлаб турибди. Ҳар қандай итоатсизлик қачондир албатта, кечирилади.

Ибн Арабий бу хулосаларни билдириш билан тўхтаб қолмайди. У Қуръони каримдаги “Кавсар” сурасининг охирги оятини келтириб, ундаги “абтар” (“думи қирқилган”) сўзининг маъноларига алоҳида тўхталади. Бироқ бу маъновий хулосалар ақидавий масалалар билан боғлиқлиги сабабли уларга тўхталиб ўтирмадик. Негаки, юқоридаги фикрлардан ҳам Ибн Арабийнинг ўзгача услуб ва ёндашувлар соҳиби эканлиги ва нега унинг фикрларига эҳтиёткорлик билан ёндашилганлиги қисман англашилди.

Ибн Арабий диний тушунчаларнинг мазмун моҳиятини очишда ўз билим ва кўникмаларида мавжуд имкониятларни тўлалигича ишга солган. Бу эса унинг ўзига хос портретини чиздики, ундан кейинги даврларда вужудга келган барча диний-фалсафий, тасаввуфий мактаблар, тариқатлар бевосита унга мурожаат қилдилар ёки унинг бош назарияларини маълум маънода ўзлари учун асос қилиб олдилар.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШДА ШАХМАТ ЎЙИННИ РИВОЖИ

Холиқов Умиджон Кучқарович, ГулДУ «Педагогика ва психология» кафедра ўқитувчиси
Қодиркулов Нодирбек. Педагогика факультети. Мусиқа йўналиш 18-13 гуруҳ талабаси

Аннотация *Шахмат ўйини қадимий ва қизиқарли спорт ва санъат турларидан бири. У беш минг йиллик тарихга эга. Мамлакатимизда халқлари орасида минг йилдан бери ўйналиб келинади. Бу ҳақида жуда кўплаб тарихий манбалар гувоҳлик беради. Шахмат ўйини айниқса темурийлар даврида ривож топади. Амир Темур, Алишер Навоий каби буюкларимиз ҳам шахмат ўйнаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шахмат ўйинлари тарихи Туркистон тарихининг бир парчасидир.*

Калит сўзлар: *шахмат, шатранж, шахматчи, шахмат тарихи, шахмат-спорт, шахмат-санъат, Туркистонда шахмат ўйини тарихидан. Амир Темур ва шахмат. Алишер Навоий ва шахмат, шахмат ўйининг аҳамияти, бугунги кунда шахмат, шахмат ўйини фалсафий тафаккур омили.*

Chess, chess-player, the history of chess, chess-sport, chess – art, the history of chess in Turkistan. Amir Temur and chess Alisher navoi and chess, the influence of chess, nowadays chess, is speculation of philosophy

[1] Ибн Арабий. Ал-Футуҳот ул-Маккийя, Қоҳира: ал- Мактабат ул- арабийя. 1987. 62 б.

Хинд халқининг буюк кашфиётларидан бири шахмат ўзининг беш минг йиллик тарихига эга. Бу ажойиб спорт ва санъат турининг мамлакатимиз тарихида ҳам минг йиллардан бери ўйналиб келаётганлигидан тарихий манбалар шохидик беради.

Мамлакатимиз илм-фанида аҳамиятли ўрин тутадиган бир қатор мўтабар манбалар: Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Лисон ут-тайр", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" каби тарихий асарларда шахмат (шатранж) ўйинига оид қимматли маълумотлар бор.

Шахматнинг келиб чиқиши чатурангга ўйини тарихига бориб тақалади. Араб халифалиги даврида бу ўйин "шатранж" номи билан оммавийлашди. Араблар шахмат ёзувини жорий этгани учун шахмат ўйинлари матнига оид қимматли маълумотлар сақланиб қолган.

Темурийлар даври маданиятида шахмат ўйинининг ўзига хос ўрин тутган.

Амир Темур даврида кучли шатранжчилар Самарқандда тўпланишган. Табризлик Али аш-Шатранжий (Оловиддин ат-Табризий) Самарқандда ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан. Шатранж ҳақида китоб ёзиб, унга ўзининг ва XIV-асргача яшаган кўплаб ижодкорларнинг мансубаларини киритган. У соҳибқироннинг ўзи билан ҳам шатранж ўйнаб турган.

XIV-XVI асрларда Амир Темур даврида маданият яна тараққий эта бошлайди. Қисқа вақт ичида Амир Темур даврида бир қатор таниқли ва истеъдодли шоирлар, ёзувчилар ва олимлар етишиб чиқади. Булар қатори шу даврда машҳур шатранж усталари ҳам пайдо бўла бошлагани диққатга сазовордир. XV асрнинг машҳур шатранж устаси Али Шатранжий бутун Амир Темур замонасида ном чиқарган. Тадқиқотчи Меррейнинг кўрсатишича, XV асрда битилган машҳур шатранж рисоласи Али Шатранжий қаламига мансубдир.

Ниҳоятда ўткир хотирага эга бўлган Амир Темур ҳазратларининг ўзлари ҳам шахмат ўйинига ишқибоз бўлган. Тарихий манбалардан берилган маълумотларга қараганда, "бу ўйинда юксак санъатга эришган". Амир Темур билимдонликда суҳбатдошларини ҳам таажубда қолдирган.

Абулфатҳ Аҳмад ибн Сижзий "Шатранж китоби"нинг топилиши, ундан олдин Амир Темур даврида яшаб ижод этган бошқа муаллифларнинг таъсири остида ёзилган, деган хулоса чиқаришга олиб келади. Абулфатҳ Аҳмад ибн Сижзий яъни Али Шатранжий рисоласидаги ривоятларнинг Гермес ҳақидагиси, яъни "Шатранжи кабир" ("Катта шахмат") тафсилоти "Шатранж китоби" китобидаги баённинг ҳудди ўзгинасидир. Али Шатранжий замонида "Шатранжи кабир"нинг ҳудди шу варианти Амир Темурнинг севган ўйини бўлган.

Али Шатранжийда "Шатранж китоби" рисоласида бошқа ҳам кўпгина китоблар бўлганга. "Шатранж китоби"да ҳудди Адлий китобидаги сингари, мансубаларнинг кўпи кимга тегишли эканлиги кўрсатилмаган. Али Шатранжий эса, аксинча, ҳамма муаллифларни бирма-бир айтиб ўтган. Бу борада у Абу Бакр ас-Сулий китобидан фойдаланган кўринади. Мансубаларнинг 60 тадан 19 таси Али Шатранжий ижоди, қолганлари эса туркистонлик шахматчилар: Раброб, Хоразмий, Абулфатх ижодига оиддир.

Алишер Навоийнинг замондоши, машҳур тарихчи Хондамир ўзининг "Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афродил башар" асарида XIV асрнинг иккинчи ярмида Табризда, кейинчалик Эрон ва Озарбайжонда яшаган Ҳожа Али Табризийни ўша даврда шуҳрат топган шахматчи сифатида таърифлайди: "У шатранж илмидан шунчалик воқиф эдики, уни устод деб атардилар. Ҳатто ғойибона ҳам ҳудди ҳозиронадек гўзал ўйнарди. У Амир Темур мажлисларида ҳамиша ўйнарди"[1].

Манбаларда маълум бўлишича, - дейди М.Муҳиддинов, Хожа Али бир вақтда тўрт киши билан тўрт тахтада ғойибона ўйнай олган. Ҳолбуки бу даврларда Европада бу усул билан иккита тахтада аранг ўйнаганлар. Хожа Али Табризийнинг Амир Темурни фармони билан уста шатранж сифатида Самарқандга олиб келингач, Али Шатранжий Самарқандий номи билан шуҳрт топган. Бу фикрни тасдиқловчи яна бир маълумот борки, уни бизгача араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур"-"Темур тарихида тақдир ажойиботлари" асарининг ўзбек тилига таржима қилиб, шарҳлаб берган тарих фанлари доктори, арабшунос-шарқшунос олим Убайдулло Уватов тақдим этган. Ибн Арабшоҳнинг 1436-1437 йилларда ёзган "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асарида XV аср Самарқанд шахматчилари ва умуман, шахмат ҳақида баъзи баҳслар ва ҳикоялар келтирилган. Жумладан амир Темурни шахмат ўйнаши ҳақида:

"Темур ҳар ҳандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У табиатан масхарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни (ўзига) яқин тутиб, улар гапларига эътибор қилар ва сўзларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у муттасил шатранж ўйнарди. Унинг қиммати кичик шатранж (уйнаш)дан олий бўлиб, у катта шатранж ўйнарди. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир (хона), бўйи ўн (хона)дан иборат эди. Унда ортиқча икки туя, икки жираф, икки талийъа (олдинги), икки зубаба (чивин), вазир

[1] Абулфатх Аҳмад. Рисолаи шатранж (форсча), Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фонди, № 8141.

ва булардан бошқа тошлар бўлиб, унинг (аниқ) сурати кейинроқ келади. Кичик шатранж катта шатранжга нисбатан арзимас нарсадир”[1], деб ёзади.

Бундан ташқари 1401-1408 йилларда Самарқанда яшаган Ибн Арабшох моҳир шахматчиларнинг баъзилари ҳақида маълумот беради. “Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми ва Зайн ал-Яздий ва бошқалар. Шатранжчиларнинг алломаси фақиҳчи, ҳадисчи (олим) Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал Яздийга ортиқча бир пиёда қўяр ва ундан ғолиб чиқар, Ибн Ақилга эса битта от қўйиб, унинг устига миниб оларди (енгарди). Темур шарқу ғарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, (шахмат) ўйинида ҳам ундан (енгилиб) мот бўлди[2], деб ёзади.

“Темур Алоуддинга “Гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан”. (Шунингдек яна у) бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсимиз ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз, - деярди. Шахмат уйинию мансубалари илмида унинг (ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан ўйинда чуқур ўйламасдан (унинг) фикри ҳаддига етишга ҳеч бирон кимса қодир эмасди. У шофиъй мазҳабидан, фиқҳ илмини яхши билган ҳадис олими, хайр-саховатли (киши) бўлиб, чиройлик юзлию сўзли эди. Демак, Ибн Арабшохнинг ёзишича Амир Темур Али Шайхий билан катта шахмат ўйини ўйнаган.

Қадимий шатранж-шахмат маданиятининг юксалишига Алишер Навоий маълум даражада ҳисса қўшганлигини ва бу соҳанинг илғор вакилларини ўз қаноти остига олиб, уларга раҳномолик қилганлигини бошқа тарихий манбалардан ташқари, мутафаккирнинг ўз асарларидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Амир Темур ана шундай 100-112 хонали шатражда ўйнашни афзал кўрган. Шатражи сағир эса 64 хонадан иборат тахтада ўйиналадиган одатий шахматдир.

Алишер Навоий замонида шатранж ана шундай юксак даражага кўтарилган. Бунда маданият аҳлининг улкан ғамхўри, ҳомийси бўлган Навоийнинг хизматлари бениҳоят каттадир.

Темурийлар даврида шахмат ўйини ўзига хос маданият намунаси бўлиб хизмат қилган. Юқорида келтирилган аллома ва олимларнинг асарларидан келтирилган фикрлар бунга мисол бўла олади деган фикрдамиз.

Шахматда инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, тўғрисидаги масала инсон маданияти тарихидан қизиқарли ўрин олган. Энг муҳим хулоса шуки, шахмат - жаҳон халқлари жамоавий ижодининг меваси бўлиб, бунда ўрта осиёликларнинг хизмати алоҳида ўрин тутиши эндиликда ҳар тарафлама эътироф этилмоқда[3]. Шахмат инсонда ақлий мусобақаларнинг қизиқарлироқ шаклларига эҳтиёж туғилиши оқибатида пайдо бўлган десак, янглишмаймиз.

Мустақиллик йилларига берилган ҳар бир ном замирида чуқур мазмун-моҳият ва чуқур фалсафа яшринган бўлиб, жорий йил болажон халқимизни фарзанд тарбиясига эътиборли эканлиги кўсатувчи халқ эканлигини ифодасидир.

Бу жараёнда болаларимизнинг ота-боболаримиз ҳаёт фаолиятидан ва меросидан ибрат олган холда санъат ва спорт тури бўлган шахмат ўйинини ўрганиши уларнинг тафаккурини кенгайтириб, баркамол ва заковатли бўлиб ўсишларига хизмат қилади.

Зеро, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда: “… спорт билан шуғулланган бола ҳеч қачон ёмон йўлларга юрмайди”.

“Фахр билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон болалари замонга мос, Ватанимизга, халқимизга муносиб равишда ўзгариб бормоқда. Бу бизнинг энг катта бахтимиздир”.

BARKAMOL AVLODNI TARBIYaLAShDA TARIXIY TAJRIBALARDAN FOYDALANIShNING O’RNI

A.N.Nusratov BuxDU o’qituvchisi, M.Beshimov, M.Baxronova BuxDU talabalari

Davlatimiz ijtimoiy siyosatida ta’lim ustuvor yo’nalish ekanligidan kelib chiqqan holda o’rta maxsus,kasb-hunar ta’limining maqsadi zamonaviy ishlab chiqarish talablarini o’zida mujassamlashtirgan yangi avlod mutaxassis kadrlarini tayyorlashga qaratilgan. Hozirgi zamon kasb-hunar ta’limi tizimi faqatgina XX asr ilmiy-pedagogik tafakkurining natijasigina bo’lmay uning asoslari VIII-XIII asrlarga borib taqaladi. O’zbekistonda hunarmandchilik sohalariga bundan ikki ming yillar muqaddam asos solinganligini arxeologik tadqiqotlar tasdiqlaydi.

“Shahar va qishloq aholisiga zarur mahsulotlar etkazib beradigan har-xil hunarmandchilik sohalari paydo bo’ladi. Odatda hunarmandchilikning 32 xili mavjud bo’lgan aholi yashaydigan joyga shahar deb nom berilgan. 1897 yili birinchi aholi ro’yxati vaqtida katta shaharlarda aholining ko’pchilik qismi hunarmandlar

[1] Ибн Арабшох. Ажойиб ал мақдур фи аҳбори Таймур. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 2-китоб. –Т.: Меҳнат, 1992. 69-70 бетлар.

[2] Муҳиддинов М. Катакларда яширинган олам. -Т.: Ўзбекистон, 1976. 66 бет.

[3] Муҳиддинов М. Ўн тўққиз чемпион. –Т.: Юлдузча, 1998. 8-9 бетлар.

hisoblangan."[1] Hunarmandchilikning qadimiy davrlardan eng keng tarqalgan sohalari temirchilik, misgarlik, zargarlik, yog'och buyumlari yasash hunarmandchiligi, o'ymakorlik duradgorligi, ganchkorlik, marmar o'ymakorligi, kulolchilik, to'qimachilik, zardo'zlik, do'ppido'zlik, charmgarlik, nonvoylik, qandolatchilik kabi va boshqa turlari nihoyatda rivojlangan. Ish qurollari va texnikaviy jihatdan oddiylikka qaramay o'zbek hunarmandchiligining ko'p sohalari nihoyatda yuksak sanat namunalari yaratgan ajoyib amaliy kasb-hunar sifatida tanilgan. Xalqimizda bu borada to'plangan tajribalarni zamonaviy kasb-hunar ta'limi mazmuni hamda tuzilmasiga singdirishni davrning o'zi talab etmoqda.

"O'z farzandlarini ilmli, hunarli qilib voyaga etkazish millatimizga xos hislat bo'lib,ota-bobolarimiz farzandlari savodini chiqarish,hunarli qilish uchun eng yaxshi ustalarga shogirdlikka berganlar,boshqa shahar va yurtlarga bilim olish uchun yuborganlar. Xalqimizda ilmu-hunar doimo ulug'lanib kelingan,ilmli,hunarli bo'lishga doimo da'vat qilingan. Bu to'g'rida juda ko'p maqollar,hikmatlar va rivoyatlar mavjud"[2]. Ma'lumki kasbiy ta'lim borasida tarixiy tajribalarimizga ham tayanish ta'lim mazmuni va sifatini oshirishning muhim omili sifatida bo'lajak kichik mutaxassislarning o'z kasbiga bo'lgan qiziqishini kuchaytirib, ishonch va faxr hissini mustahkamlaydi.

"Yangi ta'lim tizimi mazmuniga o'tmishning qimmatbaxo ma'naviy qadriyatlarini kiritish va unutilayozgan ba'zi birlarini qayta tiklashdan maqsad,o'tmish oldida egilish emas,balki unga tayanish,ijodiy foydalangan holda rivojlanishning yangi pog'onasiga chiqish demakdir"[3] Kasb-hunar kollejlarida ta'lim-tarbiya jarayonida e'tiborli nuqtalardan biri qadimiy hunarmandchilik maktablari va ulardagi an'analar bo'yicha ma'lumotlarni nafaqat dars jarayonida,balki ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda,to'garaklarda, kasbiy-o'quv semenarlarda, mushoiralarda tadbiq etish kasbiy bilim olish asoslarini mustahkamlaydi va ma'naviy barkamol mutaxassislar tayyorlashda qo'l keladi. Bunda milliy hunarmandchiligimizda yoshlarimiz uchun namuna bo'lgan ustoz va shogird odobi, ulardagi shaxsiy va kasbiy faoliyatlar,usta va shogird haqidagi qiziqarli hikoyat va rivoyatlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

"Hunarmandlar kasbiga qarab sex, tashkilot (kasaba, ulpagar) larga birikkanlar. O'rta asrlarga xos kasb jamoachiligini ifodalovchi sex tuzumi tartiblariga binoan har bir hunarmandchilik sohasi o'zining afsonaviy homiysi (piri) va jamoa manfaatini qo'riqlovchi maxsus nizom (risola) ga ega bo'lgan. Risolada turli rivoyatlar, diniy-axloqiy qonun-qoidalar va ishlab chiqarish texnologiyasi bilan bog'liq talablar bayon qilingan".[4] Ustoz va shogird burch va mas'uliyatlari belgilangan 16-18 varaq hajmidagi bunday risolalar hozirgi zamon kasb-hunar sohasidagi o'quv me'yoriy hujjatlari kabi o'z davri uchun kasb-hunar sohasi ishini maqsadli yuritishning garovi hisoblangan. Ustoz hunarmandlar bunday risolalarni shogirdlarga o'qib berish, tasvirlash va tushuntirish ishlariga mas'ul hisoblanganlar.Ustoz-shogird munosabatlari borasidagi to'plangan tajribalar to'g'risida qadimiy qo'lyozmalar, rivoyatlar, asoru-atiqalarimiz ham ma'lumot beradi. Risolalarda yozilishicha, har bir shogird hunarmandchilikning kelib chiqish tarixi, soha hunarmandchilik asboblari va ularning ishlatilishi to'g'risida etarli ma'lumotga ega bo'lgan.Hunarmandchilik tariximizdagi ana shunday o'rinlar bo'lajak kichik mutaxassislarimizda o'z kasbiga bo'lgan hurmatni oshirishda, kasbiy g'ururlanish tuyg'usini rivojlantirishda qo'l keladi. Bunday risolalar mutolaasi hatto, dasturxon ustida ham davom etgan. Hunarmandchilik ustaxonasi ishini yuritishda ushbu risolalar qoidalari me'yorlariga qat'iy rioya qilish qattiq nazoratga olingan. Demak, bunday risolalar o'rta asr hunarmandchiligida o'ziga xos pedagogik qo'llanma sifatida xizmat qilgan. Har bir hunarning piri bor deb hisoblanib, hunarmandlar ustaxonasiga o'z hatti-harakatini ongli ravishda boshqara oladigan yaxshi insonlar kirishi kerak bo'lgan, aks holda ushbu hunar pirining g'azabi qo'zg'ab, mushkulotlarga uchrash gumon qilingan. Hunarmandlar uyushmasi rahbari "bobo" deb atalib, u bilimdon va tajribali ustalar orasida saylangan. Qachonki uning faoliyati ustaxona ahlini qanoatlantirmasa, kengashda maslahatlashilib, lavozimidan tushirilgan. Ustaxona faoliyati uchun bobodan keyingi quyidagi lavozimdagilar javobgar bo'lganlar:

" Oqsoqol (kalantar) , Poykor – boboning yordamchilari. Ustakor – katta usta (bosh usta). Ustod, ustoz – kasb -hunar o'rgatuvchi usta, muallim. Xalfa – o'zining xususiy ustaxonasi bo'lmaganligi sababli boshqa ustaga yoki ustaxona egasiga yollangan usta.Ustazoda – hunarni o'z otasidan o'rgangan usta."[5]

"Boboning yordamchilaridan oqsoqol keksalar orasidan saylangan. U bozorni idora qilgan, soliq yig'ishda qatnashgan, mahsulot sifatini nazorat qilgan, mahsulotning barqaror bahosini aniqlagan. Bobo tomonidan e'tiqodli yoshlar orasidan saylangan – Paykorlar esa xizmatchi vazifasini bajarganlar"[6]. Xalfa – boboning to'liq qaramog'ida bo'lgan usta, ya'ni yollangan ishchi. Qachonki, xalfa o'z mablag'iga ega bo'lgach, o'z ustaxonasini ochishi va "usta" nomini olishi uchun ustozlardan shogirdlarga fotiha olish ya'ni "Usta rozi" marosimini o'tkazib, ustaxona keksalariga ehson dasturxonini yozishi lozim bo'lgan. Agar shogird etim bo'lsa bu marosimni ustozni o'zi o'tkazgan .Tajribali ustalarning tegishli maslahatini olgach ta'limni risoladagidek tashkil qilgan holda shogirdlar olishi mumkin sanalgan.

,,Shogirdlikka odatda bolani yoshlikdan (8 – 10 , ayrim paytlarda 6 – 7 yoshda) ota-onasi olib kelib muayyan ustaga topshiradi. Bunda bolaning otasi "Go'shti sizniki, suyagi bizniki", degan ibora bilan ya'ni butun taqdiri ustoz qo'lida, bir hunarli inson bo'lib etsa bo'ldi,"[7]-deb hunarmandga qoldiradi. Ota o'z o'g'lini hunar o'rganish uchun ustaga "eti sizga suyagi bizga" deb topshirar ekan, farzandining o'qimishli, yaxshi kasb-hunar egasi va o'z kasbining qo'li gul ustasi bo'lishini istaydi. Shogird esa o'qib, o'rganib ustozning

oq fotihasi bilan usta sifatida ish boshlaydi va u oq fotihaga umrbod sodiq bo'lib qoladi. "Usta rozi" marosimini o'tkazishdan oldin shogird o'zi tayyorlagan mahsulotini bozorga olib chiqib, oqsoqol tekshiruvidan o'tkazishi shart bo'lgan. Kalantar (oqsoqol) topshirig'i bilan poykor tomonidan marosimga katta ustalar taklif qilingan. "Kalantar yangi sarpolar kiygan shogirdni davraga chaqirib, ustaga va shogirdga shunday murojaat qiladi: "Usta, siz shogirdingizni boqdingiz, kiyintirdingiz, non, tuz va pul berdingiz, shunga rozimisiz? –Roziman!"-deb javob beradi usta. Keyin shogirddan so'raydi: " Ustaga xizmat qilding,xizmatingga rozimisan? – Roziman !" Shu o'rinda shuni ham ta'kidlash kerakki, dastavval shogird ustaning beminnat dastyori bo'lgan. Ya'ni u hovli va ustaxona tozaligini saqlash, yarim mahsulotlar tayyorlash va shu kabi yumushlarni bajargan. 2 – 3 yil shunday davom etan ishlardan so'ng usta mustaqil bajarish uchun biror bir ish qilishga ruxsat bergan. Marosimda ayrim ustalar shogirdlariga savollar berib, imtihonga o'xshash savol-javoblar ham qilganlar. Marosim yakunida shogird ustasiga va kalantarga sarpo kiygizgan. Usta esa shogirdiga ish quroli hadya qilgan. Shogirdlar " usta" lik maqomiga erishgach ustaxonalar o'rtasidagi o'zaro raqobat muhitining faol ishtirokchiligini davom ettirib, o'z ishlaridan ko'rgazma tashkil qilib, katta ustalarning tegishli bahosini olib borganlar. O'quvchilarga zamonaviy kasb-hunar sirlarini o'rgatishda xalqimizda mavjud bo'lgan kasb-hunar ta'limi tarixidan va unda shakllangan usta-shogird an'analari haqida ma'lumot berish, ularni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda muhim ahamiyatga egadir.Zero, maqsadimiz ajdodlarimizdan kasbiy ta'lim borasida bizga meros bo'lib kelgan tarixiy tajribalarni zamonaviy kasbiy ta'lim mazmuniga singdirgan holda malakali kichik mutaxassislar tayyorlashdir.

Adabiyotlar ro'yxati

1.Karimov I.A. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent, 1997 yil.

2. Jabborov I. "O'zbek xalqi etnografiyasi." Toshkent.1994-y. ,114-bet

3. Kasb-hunar ta'limi. 2009-yil ,3-son. 24-bet

MILLIY QADRIYATLAR VA MA'NAVIY YUKSALISHDA FUQAROLIK MADANIYATINING O'RNI

Jabborova D., BuxDU

Mamlakatimizda fuqarolik jamiyatini shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan demokratik islohotlarning muvaffaqiyati jamiyat a'zolari madaniyatining darajasi bilan belgilanadi. Siyosiy ong va siyosiy jarayonlarda ishtirok etish tajribasidan siyosiy madaniyat, huquqiy ong va huquq sohasida ishtirok etish tajribasidan huquqiy madaniyat shakllanadi.

Siyosiy madaniyat bilan huquqiy madaniyatning birgalikda ifodalangani fuqarolik madaniyati deyiladi. Fuqarolik madaniyati shu ikkala tushuncha hamda fuqarolik pozitsiyasidan tashkil topadi. Demak, fuqarolik madaniyati kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirishning muhim shartidir.

Fuqarolik madaniyatining asosi bo'lgan siyosiy va huquqiy ongni rivojlantirish nafaqat oliy ta'lim, balki uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida amalga oshirilmoqda. Konstitutsiyamizda va amaldagi qonun hujjatlarida yosh avlodning ijtimoiylashuvi, kamol topishi bilan bog'liq huquqiy manfaatlarini kafolatlash uchun shart-sharoit yaratish davlatning ustuvor yo'nalishlaridan biri etib belgilangan. Shu bois fuqarolik jamiyati institutlari aholi o'rtasida huquqiy madaniyatni yuksaltirishga qaratilgan tadbirlarni o'tkazib kelmoqda. Bunday tadbirlar nafaqat siyosiy partiya faollari, balki aholining boshqa qatlamlari, jumladan, yoshlar o'rtasida ham o'tkazilmoqda. Bunda birinchi o'rinda yoshlarda befarqlik kayfiyati yo'qolib, hayotga va voqea-hodisalarga daxldorlik hissi bilan yashash ishtiyoqi paydo bo'ladi. Shundagina ular jamiyat taraqqiyotining muhim sharti bo'lgan ijtimoiy tartibni o'rnatishga qodir shaxslar bo'lib kamolga etadi. Hamkorlik va ijtimoiy sheriklikning kuchi ham mana shunda.

Fuqarolik madaniyati shakllangan muhitda odamlarda siyosiy hayotda ishtirok etish ehtiyoji paydo bo'ladi. Bunda kishilar fuqarolik jamiyati institutlariga birlasha boshlaydilar.Fuqarolik madaniyati kuchayib borgan sari odamlar siyosiy jihatdan faollashib, partiyalarga a'zo bo'lish tendentsiyasi kuchayadi. Demak, siyosiy partiyalar a'zolari soni va sifatining oshib borishi darajasi ham fuqarolik madaniyatini ko'rsatuvchi mezonlardan biridir.

Fuqarolik madaniyatini tarbiyalash, huquqiy ongli (madaniyatli) bo'lish barcha fuqarolar uchun zaruratdir. Lekin, bu barcha fuqarolar hamma qonunlarni bilishlari shart degan so'z emas. Huquqiy bilimdonlik asosan ikki guruhga bo'linadi: umumiy va maxsus. Barcha fuqarolar umumiy qonun qoidalarga bilishlari zarur.

Umumiy huquqiy tarbiya manban bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga xizmat qiladi. Chunki unda fuqarolikka aloqador qoidalar, fuqarolarning huquqlari erkinliklari va burchlari, ular hokimiyatning qonuniylik printsiplari, davlat hokimiyati va fuqarolar tashkilotlarining tashkil topishi va ular faoliyatining huquqiy asoslari o'z ifodasini topgan. Konstitutsiyani yaxshi o'qiganlar o'zlarining haq huquqlarini talab qilish, fuqarolik burchlarini turtkisiz ado etish qobiliyatiga ega bo'ladilar.

Davlat vakolatini amalga oshiruvchi, yuridik xizmatga aloqador fuqarolar esa qo'shimcha ravishda maxsus huquqiy tarbiya oladilar. Lekin, ular fuqarolik madaniyatiga erishmagan holda unga sodiq bo'lmasalar qo'shimcha ilmga amal qilmaydilar. Ma'lumki, huquqiy bilimdonning ilmga amal qilishi uning axloqiy odobiga bog'liq. Biz buni istaymizmi, yo'qmi, axloqiy tarbiya bilan huquqiy tarbiya birgalikda, yonma-yon olib borilishi lozim ko'rinadi. Demoqchimiz-ki, axloqiy tarbiya berilayotganida uning huquqiy oqibatini, huquqiy tarbiya berilayotganida esa, uning qanday axloqiy fazilatlarga tayanishi lozimligini tushuntirib borish fuqarolik madaniyatini to'la shakllantirishga xizmat qiladi.

Jamiyat manfaatini ko'zlovchi axloq-odob qoidalariga rioya qilishga odatlanishning o'zi fuqarolik burchlariga sadoqatni tarbiyalaydi. Axloq-odob qoidalarining durdonasi odamiylik fazilatiga sayqal bergan ulug' bobomiz Amir Temurning adolatpeshaligi, insonparvarligi, saltanat fuqarolariga g'amxo'rligi necha-necha avlodlar uchun andoza bo'lgan. Mir Alisher Navoiy: " Odami ersang demagil odami, onikim-yo'q xalq g'amidin g'ami" degan nasihatlarini yuu erda eslash o'rinlidir. Odamiylik axloqiy fazilatiga O'zbekiston Respublikasi Konstituttsiyasida shunday huquqiy tushuncha berilgan:

"Fuqarolar o'z huquq va erkinliklariga putur etkazmasliklari shart".

Huquqiy xarakterga ega bo'lgan axloq-odob qoidalari tzimi O'zbekiton Respublikasining ma'muriy huquqbo'zarliklar haqidagi kodeksida keltirilgan. Ana shu qoidalar axloqiy – huquqiy tarbiya asoslaridan biri (inson) deb qabul qilinsa, axloq odob qoidalari bilan turmushning huquqiy qoidalarini qo'shib tarbiyalash imkoniyati vujudga kelar edi.

Fuqarolik madaniyati kamol topayotgan inson fazilati sifatida, maxsus huquqiy madaniyatning poydevori sifatida mustaqil hayotga tayyorgarlikdan dalolat beruvchi belgi sifatida fuqaro to'la balog'atga etguncha qadar shakllangan bo'lishi ayni muddaodir.

Qadim zamonlardan beri inson tarbiyasi bolalikdan boshlangan. Bola tug'ilgan zamon davlat fuqaroi etib ro'yxatga olinadi, ismi sharif beriladi.

Tabiatan va qonuniy fuqarolik madaniyati tarbiyalash markazi azaldan oila bo'lib kelgan. Bolalar bog'chalari, maktab, tarbiya muassasalari esa – oilalarga bolada bor qobiliyati, ma'naviyatini takomillashtirishga yordam ko'rsatuvchilardir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida (64 modda) bu haqda shunday belgilangan: "Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga etgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga majburdirlar. Davlat va jamiyat etim bolalarni va ota-onalarning vasiyligidan marhum bo'lgan bolalarni boqish tarbiyalash va o'qitishni ta'minlaydi".

YOSHLAR MA'NAVIYATNI SHAKLLANTIRISHDA MILLIY QADRIYATLARNING AHAMIYaTI

S.R.Ismatov, mustaqil tadqiqotchi

Hozirgi davrda yosh avlodni yuksak ma'naviyat ruhida tarbiyalashga hech qachongidan ham muhim ahamiyat berilmoqda . Ayniqsa, ma'naviyat tushunchasini yoshlar ongiga sindirish, nafaqat o'rta umumta'lim bosqichlarida, balki akademik lisey va kasb-hunar kollejlarida o'rta muhim bosqichga aylanmoqda. Chunki yoshlarimiz, ushbu bolog'at yoshida, o'smirlik va o'pirinlik davrida ana shunday ma'naviy immunetetni o'zlariga sindirish, o'zbek millatiga xos bo'lgan urf-odat, qadriyat va an'analarini egalashda tayyor bo'lgan ulg'ayish pallasiga kelgan sindiriladi. Shuning uchun ham pedagoglar, ota-onalar oldidagi asosiy tarbiya manbai- ma'naviyatni tarkib toptirish, muayyan dunyoqarashga ega bo'lishda ustuvor vazifani bajarish masuliyati bo'ladi. Zero, muhtaram Prezidentimiz aytganidek:"Ma'naviyat insonni ruhan poklanishga , qalban ulgaytishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat qiladigan, vijdoning uyg'otadigan, beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir" [1] Shaxsning ma'naviy olami keng tushuncha bo'lib, u qalban shu yurtning butun tashvishlari va quvonchidan o'zini ajrata olmaydigan, har bir xatti- xarakatida to'la ma'no anglaydigan, shu jamiyat taraqqiyotida o'zini pirovard mas'uliyatga ega degan tuyg'u bilan yashaydigan inson sifatida his qila oladigan shaxs, eng avvalo, milliy tuyg'u va o'z millati tarixini aniq anglashi, ulug' ajdodlar bo'g'inidagi avlod vakili ekanligini chuqur his etadi. U o'z yurti ozodligi, erki uchun butun aql-idroki, kuchi vajasorati bilan kurashgan buyuk davlat asoschisi A.Temur, buyuk sarkardalar Jaloliddin Manguberdi va Mahmud Torobiylar nomini qalbdan anglashi lozim. Xuddi shuningdek, o'zining dunyoviy bilimi bilan butun jahonga tanilgan Abu Nasr Forobiy, Beruniy, Ibin Sino, Ahmad Yassaviy Alisher Navoiy, Z.M.Bobur,

Bahovaddin Naqshband, Najmiddin Kubro avlodlari ekanligi bilan faxr tuyg'usini anglaydi. Ma'naviyat shakllangan talabada, birinchidan, o'z ota – onasiga cheksiz ehtirom tuyg'usi shakllanadi. Chunki o'zbek xalqi qadriyatida ota-onaga eng ulug' zot sifatida qaralib kelingan. Xalqimiz tomonidan aytilgan" Farzand uchun ota- qalqon , ona-qurbon"- degan mashhur maqol bejiz aytilmagan. Zotan, insonga baxsh etilgan ilk ne'mat – ota-ona muhabbatidir. Otaning farzandga mehri cheksizdir . Farzand

[1]Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -yengilmas kuch –Toshkent "Ma'naviyat" 2008 19-bet .

ota avlodining davomchisi. U otaning juzvi, surati, shuning uchun ham farzandida o'z orzu- kelajagini ko'radi. Ona esa farzandining dunyoga kelishiga sabab bo'ladigan, jismida ulg'aytiradigan uning sag'lom kamoli uchun o'zini qurbon qiladigan zot. Shuning uchun ham yoshlarda ota-ona oldidagi mas'uliyatni his qilishi –uning ma'naviy olamining asosiy boyligini tashkil etadi.

Yoshlar oldidagi yuksak ma'naviy tuyg'ulardan biri, o'z ilmi, odobiga ega bo'lishdan tashqari, muayyan kasb- hunarni egallash hisoblanadi. Kasb- hunar hayotiy ehtiyoj. Chunki insonga barcha rizq-ro'z, nasiba va boylik ham kasb yoki hunar orqali keladi. Shuning uchun mamlakatimiz taraqiyotida 1500dan ortiq kasb –hunar kollejlarini qurishga e'tiborning qaratilgani, yoshlarni o'smirlik paytidanoq biror kasb – hunarga ega qilishdan siyosatining mazmuni shundan iborat ekanligini chuqur his qilmoq lozim . Ma'naviyatning go'zallashtirish, boyitish va ulg'aytirish asosi – ilmdir.Ilmli odamni oltinga , bilimsizni sariq chaqaga qiyos etadilar. Ilm egalash insoniy burch, yuksak mas'uliyatdir. Chunki davlat qudrati va mamlakat ravnaqi ham ilm yotadi.Bir dono vazirdan savod so'radilar. "Bilmayman", deb javob berdi u. Yana so'radilar, yana shu javob: "Bilmayman" . Shunda ajablanib dedilar: "Shoh sizni dono vazir deb katta miqdorda haq to'laydilar-u bilmayman deyishga uyalmaysizmi?" Dono vazir dedi: "Podshoh menga bilganlarim uchun ham to'lasa, yeti iqlimning xazinasi yetmagan bo'lardi". Bu dono javoblarga kamtarlikning go'zal ko'rinishi mavjud.

Yoshlar hayotida yana bir ulug' zot muhim o'rin tutadiki, unga "mallim","ustoz"deb murojaat qiladilar.Chunki haqiqiy ustoz o'z talabasining bilimi, odobi va kasb-hunari uchun daxldor,burchli va mas'uliyatli deb biladi.O'z shogirdidagi qobiliyat va iqtidorni ulg'aytirishga, rivojlantirishga intiladi.Bunday ustoslar haqida buyuk mutasavvuf olim G'azzoliy shday degan"Farzandning bu dunyosi uchun ota-ona javobgar bo'lsa, oxirati uchun ustoz javobgardir"-deb yozadilar. Rivoyatda aytilishicha, bir podsho safardan qaytayotgan ekan.Unga ustozi ot bilan peshvoz chiqibdi.Nogahon ustoz oti tuyog'idan sachragan loy podsho libosiga sachrabdi. Ustoz juda xijolatga qolibdi.Shunda podsho debdi:

-Bu libosimni olib,saqlab qo'ying. Bu libos shundayligicha, loyi bilan saqlansin!

Vazirlar bu buyruq hikmatini,sababini so'raganlarida u shunday deb javob bergan ekan:

-Muhtaram zot otining oyog'idan sachragan loy bizning sharafimizdir, u oxiratda vasiqai barotimiz bo'ladir. Libosimizga tekkan loyni ko'rib, avlodimiz ham ibratolsinlar, ulamo otining oyog'dan sachragan loy bizning nazarimizda qanchalik qadrli ekanligini dunyo turguncha avlodimiz xotirlasin.

Shunday qilib, talabalar qalbida ma'naviyatning quyidagi omillarini shakllantirish asosiy burch va vazifamizga aylanmog'i lozim:

- ona yurt tarixi, buyuk ajdodlarga cheksiz ehtirom va ular ishlarining davomchisi bo'lgan avlod ekanligini chuqur his qilish;
- hamisha ota- onaga sadoqatli bo'lish, ularga ehtirom ko'rsatishni o'zining muqaddas burchi deb bilish,
- ustoz o'gitlarini, hayotiy tajribalari va kasb-hunar bo'yicha anglatgan bilim va mahoratlarini qunt bilan o'rganish, haqiqiy ustozlarga sadoqatda bo'lish ;
- ilmni sevish, unga shaxsiy harakat bilan yondashish, hayotda amaliy foydalanishga intilish;
- yuksak insoniy fazilatlar: shirinsuxanlik, xushmuomalalik, rostgo'ylik, mehribonlik, oqibatlilik, yaxshilik, halimlilik, mardlik va kamtarinlik kabi tuyg'ularni o'z odobida tarbiyalashdan iboratdir.

Xulosa qilib aytganda, yoshlar ma'naviyatni shakllantirishda milliy istiqlol g'oyasi va milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash ular kelajagini yaratishning muhim omili hisoblanadi. Bu esa har bir pedagog faoliyatining maqsadi va mohiyatini tashkil etmog'i lozim.

ShAShMAQOM VA MAKON
(5-7 sinf o'quvchilarida an'anaviy musiqa me'rosini o'rgatish interfaol usullari)

Qodirov Askar Achilovich BuxDU "Musiqa"kafedrasi o'qituvchisi

Shashmaqom Sharq xalqlari san'atining durdonalaridan hisoblanib tavsiflanishiga ko'ra uzoq tarixiga ega. "Maqom" so'zi arabcha bo'lib musiqa tovushlarining "o'rnashgan joyi" ya'ni musiqa asboblarida parda degan ma'noni anglatadi, ayni paytda maqom ma'lum tovushqator va lad kurilmasi, ma'nolarini hamda shu lad qurilmalariga asoslangan musiqa asari tushunchasini ham beradi. Shashmaqom esa ma'lum tartibdagi olti maqomdir. Maqomlar to'g'risidagi tarixiy va nazariy masalalari IX-XIX asrlar davomida sharq yozma manbalarida ayniqsa, musiqaga bag'ishlangan risolalarida o'z ifodasini topadi.

Maqomlarning o'tmishda ijro etilib kelingan namunalari bizgacha etib kelmagan. Qadimiy yozma manbalardan ma'lum bo'lishicha ular turli shakllarda bo'lgan va "O'n ikki maqom O'rta Osiyo xalqlarida taxminan XI-XII asr boshlarida Buxoroda yuzaga kelgan Shashmaqom XVII asrgacha hali tugal shakllangan bo'lsa, uni shakllanish jarayoni XII-asrga tegishli va ancha ilgari boshlangani tabiydir.

Shashmaqom – Buzruk, Rost, Navo, Dugox, Segox, Irok maqomlaridan iborat. Har bir maqom ikki bo'limdan iborat. Cholg'u va ashula bo'limlaridan iborat, bo'lib, ular so'ngi davrlarda "Mushkulot" va "Nasr" iboralari atalgan. Xorazmda esa "Mansur" yoki "Chertim yo'li" bilan va "Manzum" yoki "Aytim

yo'li" deb ham ataladi. Har bir maqomning cholg'u bo'limida Tasnif, Tarje, Muhammas, Saqil va boshqa iboralar bilan nomlangan bir necha qismlar bo'lib, ular qaysi maqom tarkibida bo'lsalar, shu maqom nomi bilan qo'shilib "Tasnifi Buzruk", "Tarj'ei Buzruk", "Garduni Segox", "Muhammasi Irok", "Saqili Navo" kabi ataladi. Bu qismlar maqomning har birida mustaqil kuy mavzularga ega bo'lsada, tuzilishi jihatidan deyarli farq etmaydi. Ayrim maqomlarning esa o'zlariga maqomlarning boshqa qismlari bilan otdosh bo'lmagan cholg'u yo'llari ham mavjud. Bunday qismlar-Navo maqomidagi Nag'mai Oras, Dugoh maqomidagi Peshravi Dugoh va Samoi Dugoh hamda Segoh maqomidagi hafifi Segohdir.

Cholg'u bo'limlarining birinchi qism Tasnif har bir maqom kuy yo'li ruhini ma'lum darajada o'zida aks ettirgan bo'lib, undagi tematik material cholg'u bo'limlaridagina emas, ashula yo'llarida ham vaqti-vaqti bilan foydalaniladi. Tasniflarning ayrim melodik, intonasion qurilmalari ma'lum o'zgarishlar bilan ayniqsa, Tarje', Muhammas, tsikllaridan ko'proq uchraydi. Tarje'lar asosan Peshrov Xususidagi kuylar bo'lib tantanavor yangraydi va shodiyona kayfiyatlar baxsh etadi. Tasniflar doyra usulining ma'lum varianti jo'rligida biroz tezroq tempda ijro etiladi. Cholg'u bo'limlarning birinchi qismi Tasnif har bir maqom kuy yo'li ruhini ma'lum darajada o'zida aks ettirgan.

Undagi tematik material cholg'u bo'limlaridagina emas, ashula yo'llarida ham vaqti-vaqti bilan foydalaniladi. Tasniflarning ayrim melodik intonattsion qurilmalari bilan ayniqsa Tarje', Muhammas, Saqillardan ko'proq uchraydi. Tarje'lar asosan Peshrav xususidagi kuylar bo'lib tantanavor yangraydi va shodiyona kayfiyatlar baxsh etadi.

Cholg'u bo'limining uchinchi qismi Gardun faqat Iroq maqomida bo'lmaydi. Uning doyra usuli ancha murakkab bo'lib kuy tuzilishi jihatidan ham boshqa qismlardan farq qiladi. Gardunlarda asosan lirik kayfiyat aks ettirilgan. Maqomlarning cholg'u qismlari ayniqsa, Navo, Dugoh, Segoh, Iroqlardagi cholg'u ijrochiligi mashhur bo'lgan.

Maqom cholg'u qismlaridan Gardun, Muhammas, Saqili Samoiy hafif kabilar ma'lum tuzilishdagi doyra usullari nomi bilan bog'liq bo'lsa, Nasrulloiy, Vazmin, Oraz Xusayniy, Islim, Xaji Xo'ja, Ashkullo, Mirzahakim, Kalon kabilar bastakor ustozlarning ham nomlari bo'lib, shu maqomdonlar bastalagan qismlar ekanligidan dalolat beradi.

Maqomlar cholg'u bo'limi har bir qismining bo'laklari "xona" va "boz go'y" iboralari bilan belgilangan. Xona –boshida kuyning intonattsion tematik asosi bo'lib, o'z qaytariqlarida esa shu boshlanishdagi birinchi xonaning rivojidan iborat. Bozgo'y esa kuyning takrorlanadigan qismi-refrenni ifodalaydi. U har bir xonadan so'ng qaytariladi. Xona va bozgo'ylar kuyning tematik rivojida va shakllanishida muhim rol o'ynaydi. Xonalar muhammas va saqillardan boshqa cholg'u qismlarda dastlab kichikroq bo'lib borgan sari kengaya boradi.

Shashmaqom ijrochiligi Buxoro tarixining o'tmishini o'z ichiga qamrab olgan va barcha u yo bu holatlardan sabr ila bosqichma-bosqich o'z mavq'eini yo'qotmasdan bizgacha etib kelgan.

Bugungi kunda 2400 yillik Movoraunnaxr tarixini o'z ichiga qamrab olgan Buxoro ajdodiy san'ati "Shashmaqom", jahon an'anaviy san'atining eng pirikamoli va inson yuragini jumbushga keltiruvchi mo''jizasi va yagona xazinasi etib YuNESKO tomonidan bedgilangan. Evropada esa insonlar "Shashmaqom" ijrochiligini eshitib, u orqali shifo topib bormoqdalar.

A d a b i yo t l a r:

1.Karimov O'zbekiston Mustaqillikka erishish ostonasida Toshkent O'zbekiston 2011-yil
1. Umumiy ta'lim maktablarining 7-sinf musiqasi darsi uchun metodik tavsifnoma (mualliflar: O.Ibroximov, X.Nurmatov). T.1994 yil.

ALLALARDA VATANPARVARLIK MADHI

Luqmonova S.G BuxDU II bosqich magistri

Qadim zamonlardan buyon xalqimizning o'z Vataniga bo'lgan muhabbati qo'shiqlarda, ertaklarda va sharq mutafakkirlarimizning nodir asarlarida tarannum etib kelinadi. Vatanga muhabbat tuyg'usi insonlarni har doim mehnat qahramonligiga, xalqning baxt- saodati uchun kurashga undaydi.

Vatanparvarlik – tug'ma tuyg'u emas. Shuning uchun ham bu tuyg'uni tarbiyalashda oila muhim o'rin egallaydi. Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek:"Har qaysi millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, oilaning o'rni va ta'siri beqiyosdir. Chunki, insonning eng sof va pokiza tuyg'ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag'rida shakllanadi".[1]

Darhaqiqat, oila bu har bir inson uchun dastlabki tarbiya o'chog'i sanaladi. Bunda oila necha asriy tajribaga egadir. Zero, oilada tarbiyalanayotgan bola vatanga muhabbat, o`zi tug`ilib o`sgan zaminga, yurtga sadoqat tuyg`ularida voyaga etadi, avlodlardan avlodlarga meros bo'lib kelayotgan yuksak ma'naviy qadriyatlar, an'ana va urf-odatlardan xabardor bo`lib,o'zligini anglagan holda o'zbek bolasi sifatida kamol topaveradi. Ayniqsa, oilada bola shaxsining shakllanishida ona allasining o'rni ahamiyatlidir.

[1] Islom Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch"-T.: Ma'naviyat. 2008 , 52 b.

Alla – suyish-erkalash, butun borliq, atrof-muhit haqidagi tasavvurni go‘dak qalbiga singdirish uchun aytiladigan qo‘shiq. Unda mehribon onaning orzu-umidga to‘la dil izhori, farzandining porloq kelajagi haqidagi shirin o‘ylari, tilaklari o‘z ifodasini topgan. Go‘dak qalbida, uning ongu shuurida esa sehrli ohang, ona mehrining samimiy ifodasi bo‘lmish alla orqali ezgu hislar kurtak yozadi. Vatanparvarlik, insonparvarlik, halollik, rostgo‘ylik, or-nomus, sharmu hayo, mehr-oqibat, mehnatsevarlik singari fazilatlar bola vujudiga, avvalo, ona suti, allasi bilan birga singadi.

Alla desam bor bo‘lgil, alla,
Menga nomus-or bo‘lgil, alla.
Katta bo‘lgan chog‘ingda, alla,
Xalqqa vafodor bo‘lgil, alla.

Alla orqali ma’naviy–axloqiy tarbiyani berish o‘zbek xalqining necha ming yillik sinalgan milliy tajribasidir. Folklorshunos M.Yoqubbekova aytganlaridek: “..bizning nazarimizda, allalarda farzandga beriladigan oilaviy tarbiyanining barcha nizomiy tushunchalari qamrab olinganday”. Darhaqiqat, alla qo‘shiqlarida insonparvarlik, mehnatsevarlik, vatanparvarlik, ota-onani qadrlash kabi tuyg‘ular singdirilgandir. Ularda tarbiyaviy me’zonlar, orzu-umidlar xalqona, sodda tilda, ravon aks ettirilgandir. Ayniqsa, allalardagi vatanparvarlik tuyg‘ularini yuqori o‘ringa ko‘taruvchi satrlar bolaning milliy ruhda shakllanishida muhim rol o‘ynaydi. Shu ma’noda, “ ona allasi chaqaloqning faqat orom olishi uchun aytilmaydi, uning vositasida bolaning ko‘ngil dunyosiga milliy ruh kiradi. Bu milliy ruh- Vatan tuyg‘usidir.”[1]

Bolajonim bag‘rimda, alla,
Erkalayman o‘ynatib, alla.
Vatan- tinchlik bog‘imda, alla,
Bulbul qushdek sayratib, alla.

Ulg‘ay bolam, gul Vatanda, alla,
Botir bo‘lib o‘sgil,qo‘zim, alla.
Seni ko‘rib shu chamanda, alla,
Yayray-quvonay, yulduzim, alla.

Rohatingga- ulug‘ Vatan, alla,
Tinchligingga xalq posbon, alla.
Sening uchun hamma bir tan, alla,
Seniki yeru osmon, alla.

Ko‘z tutar xalq, butun o‘lka, alla,
Kelajagim orzuim deb, alla.
O’sib burka uni gulga, alla,
Katta bo‘lgach shu qarzim deb, alla.

Ha, bu allani eshitib uxlagan o‘zbek bolajoni qalbida vatanga bo‘lgan muhabbat uyg‘onishiga shak-shubha yo‘qdir.

Ona bolasining baxti va saodatidan quvonib, uning porloq istiqbolidan mamnuniyat hissi ufurib turgan holda jo‘shqinlik ruhida o‘z allasini kuylagan. Bunda allaning har bir satrida onaning farzandi istiqboliga ishonchi, unga atalgan eng yaxshi tilaklari, orzu-umidlari yorqin, sodda va samimiy so‘zlar bilan aks ettirilgan bo‘lib, vatanparvarlik tuyg‘ulari ifoda etilgan satrlar ona mehri bilan yo‘g‘ralib, yoqimli ohang bilan bola qalbiga singdirilib borishi, ertangi kunimiz avlodlari barkamol shaxs bo‘lib kamol topishiga yordam beradi.

Beshiklarda yotishing alla-yo alla,
Osmon to‘la oydin –o alla.
Oyoqlanib turishing alla-yo alla,
Ming qo‘yli boydayin-o alla.

Mustaqillik berdi baxt alla-yo alla,
Ota-onangdur madad alla-yo alla.
Yurtingga bo‘lgin tirgak alla-yo alla,
Seni kutar kelajak alla-yo alla.

Men seni alla qilay alla-yo alla,
Ko‘tarib katta qilay alla.
Ko‘tarib katta qilib, alla-yo alla,
O’qitib mullo qilay alla.

Sog‘lom bo‘lsin bolam deb alla-yo alla,
Yurboshim berdi Farmon alla.
Bayrog‘im ko‘tarsin deb alla-yo alla,
Kurashchi polvon qilay alla.

[1]“ Vatan tuyg’usi” 5-sinf, T.: Ma’naviyat 2007, 28 b

Tinchlik bo‘lsin barqaror alla-yo alla,
Bolam olam tanitay alla.

Farzandlar baxti, kelajagi uchun jon kuydirayotgan yurtboshimizning olib borayotgan adolatli siyosati onalar allasida yangrashi yurt kelajagi bo’lgan farzandlarimizning bugungi Mustaqil O’zbekiston uchun hayotini , jonini fido qilishga tayyor vatanparvar, komil insonlar bo‘lib yetishishiga xizmat qiladi.

TARIX SAHIFALARIDA KOMIL INSON TARBIYASI

O’tayeva F.X– BuxDU Tarix kafedrasi katta o`qituvchisi,
Saidova Madina -BTU talabasi

Ozod yurtning ozod fuqarosidagina mujassam bo’lishi mumkin bo’lgan to’rt jihatni Prezidentimiz Islom Karimov Oliy Majlisning XIV sessiyasida so’zlagan “O’zbekiston XXI asrga intilmoqda” nomli tarixiy ma’ruzasida tahlil qilib bergan, ya’ni har bir fuqaro: o’z haq-huquqini taniydigan bo’lsin, buning uchun kurashsin o’z kuchi va imkoniyatlariga tayanadigan bo’lsin, imkoniyatlarini ishga solib, samarasini ko’rsin: atrofida sodir bo’layotgan voqealarga mustaqil fikr bildira olsin: shaxsiy manfaatini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg’un holda ko’rib, faoliyat yuritsin[1].Har bir xalq,har bir millatning o’ziga xos urf-odatlari, ma’daniyati va tarixi bor. Shaxsiy manfaatini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg’un holda ko’radigan vatanga va elga sodiqlikni,mehnatsevarlikni,diyonatlikni va boshqa ijobiy fazilatlarni aynan komil insonga xos fazilatlarni tarix darslarida talabalar ongiga singdirish alohida ahamiyatga ega. Jumladan,Sharq uyg’onish davrining qomusiy olimlari va buyuk mutafakkirlarning bizgacha yetib kelgan ma’naviy meroslari komil inson tarbiyasida asosiy manbalardan hisoblanadi.

Imom al- Buxoriy (810-870) hadislarida inson ma’naviyati shakllanishi to’g’risida ko’plab ibratli, chuqur ma’noli fikrlar mujassamlashgan . Jumladan, qalbi pok, iymonli, kishilarga faqat yaxshilik qiladigan, insonlarga yordam beradigan insonlarni axloqan barkamoldirlar,sog’lom inson tarbiyasi hamma zamonlarda ham muhim ahamiyat kasb etgan.Komil inson-bu yuksak fazilatlarga ega qalbi pok, fikri toza, sadoqatli insondir,deydi buyuk alloma o’z asarlarida.

Jahon fani ravnaqiga benazir hissa qo’shgaan yurtdoshimiz Abu Nasr Farobiy (873-950) bilimdon, ma’rifatli yetuk inson timsolini tasvirlar ekan; bunday deydi: har kimki ilm- hikmatni o’rganmoqchi bo’lsa, uni yoshlikdan boshlasin, sog’-salomatligi yaxshi bo’lsin, so’zining ustidan chiqsin, yomon ishlardan saqlansin, barcha qonun -qoidalarni bilsin,bilimdon va notiq bo’lsin ,ilmli va dono kishilarni hurmat qilsin, ilm va ahli ilmdan mol-dunyosini ayamasin ,barcha real moddiy narsalar to’g’risida bilimga ega bo’lsin” deya alohida uqdiradi.

Alloma Abu Ali Ibn Sino (980-1037) “Tadbir-al manozil” asarida “harakatdagi tanag davo kerak emas ” deb aytgan . Ta’lim va tarbiya masalalariga jiddiy va ijodiy yondoshgan. Allomaning bola tarbiyalash va o’qitish haqida ko’p fikrlari o’zining chuqurligi, insonparvarligi va teranligi bilan kishini hayratda qoldiradi. Kimga qanday pandu nasihat qilsang unga avvalo o’zing amal qil – deydi. Ibn Sino komil inson tarbiyasida o’qituvchining roliga katta e’tibor qaratgan. O’qituvchi rostgo’y ,ozoda kiyinadigan,xushmomila bo’lishi zarurligini uqdiradi.

Yusuf Xos Hojib (1020) ”Qutadg’u – bilik” (baxtga saodatga eltuvchi bilim) asarida insonning ulug’ligi aql idroki, so’zlash qobiliyati,bilimi,uquvi, hunarga egaligidir deb ta’kidlaydi.Har bir kishi jamiyatga munosib bo’lib kamol topmog’i kerak.Farzandlar tarbiyasi nihoyatda erta boshlanmog’i shart, shundagina ularning noo’rin hatti harakatlarga berilishning oldi olinadi. Buning uchun maxsus tayyorlangan tayyorgarlikka ega bo’lgan ezgu niyatli va pokiza murabbiy taklif etilishi kerak, shundagina bolalarimiz tog’ri tarbiya oladi degan fikrlarni bildirib o’tgan[2]

Ma’lumki, tassavvuf olamida insonning ma’naviy kamolati bayon qilinadi . Abdulxoliq G’ijduvoniny (1103-XII asrning 2 yarmi) “Hojagon ”ta’limotida odob axloq me’yorlarini ishlab chiqqan”. Odobi tariqati” risolasida “Ey o’gilcham senga nasihat qilib aytamanki,ilm,axloq-odob, halollik va poklikka harakat qil, dunyoparast bo’lma”. Mehr –oqibat, tashqi va ichki go’zallik haqidagi pand-nasihatlari ham shaxs tarbiyasining o’ziga xos me’yoriy ko’rsatkichlari sifatida komil inson tarbiyasida ahamiyatlidir.

Husayn Voiz Koshifiy (1440-1505) ning o’qituvchilarga bolalarni tarbiyalashda quydagi usullardan foydalanishni ilgari surgan : nasihat tanbeh berish, amru-farmon,majburiyat qo’yishdir.Ta’lim, tarbiya berishda ustozni ulug’lab shunday yozadi: Uztozdan olgan pandu nasihatga quloq solmay behuda yo’llarda yurgan farzand o’zini o’zi rasvo qiladi deb nasihat qiladi .

---

[1] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch.T.: 2009, B 62-63.

[2] Xo’ja Ubaydulloh Ahror. Tabarruk risolalar.(M.Hasaniy va boshqalar) T.: Adolat, 2004,B.40.

Demak,yosh avlod qachonki o’z tarixini mukammal bilgandagina mustaqillikning tub mohiyatini yanada chuquroq anglaydi. Shunday ekan, komil insonning ma’naviy ehtiyojlarini shakllantirish yuksak darajaga ko’tarilishi, shaxsning ma’naviy va axloqiy qiyofasiga faol tasir qilishda keng jamoatchilikning ayniqsa, muhim o’rni bor. Shu borada Prezident I.Karimovning “Har bir inson fuqaro ajdodlarimizning bebaho merosi, milliy qadriyat va an’analarimizga munosib bo’lishga erishishi, yuksak fazilatli va komil insonlarni tarbiyalash ularni yaratuvchanlik ishlariga da’vat qilish, shu muqaddas zamin uchun fidoyilikni hayot mezoniga aylantirishdir”[1],- deganlari muddaodir .

ABDURAHMON JOMIY ASARLARIDA TA’LIMIY-AXLOQIY QARASHLAR

Habibova G.G’ katta o`qituvchi, Nasullayeva M. BuxDU talabasi

Abdurahmon Jomiy ham XV asrda yashagan boshqa mutafakkirlar kabi insonni, uning yuksak axloqiy xislatlarini, go’zal fazilatlarini kuylash orqali ularning baxt-saodatga erishish yo’llarini bayon etgan allomalardan hisoblanadi. Jumladan, uning uch yirik she’riy devonlari, yetti dostondan iborat “Haft avrang”(“Yetti taxt”), “Bahoriston” kabi ijod namunalarida o’zining pand-u nasihatlari keltirib o’tilgan. Quyida olimning shu asarlarda ko’rsatilgan ta’lim-tarbiyaga oid qarashlarining ba`zilari haqida so’z yuritamiz.

Adibning o’zi va ijod ahliga nisbatan talabchanligi g’oyatda baland bo’lgan ekan. “Bahoriston” o’sha yuksak axloqiy-ma’naviy talab-tamoyillari yo’lidagi imtihonning g’oyat yuksak darajada sinovdan o’tganligidan yorqin dalil hisoblanadi. Jomiyning kichik hajmli badiiy parchalarida katta ma’noni sig’dirish, yoritilajak mavzular salmog’ida diqqat qilinishida uning noyob mahorati namoyon bo’ladi. Asardagi hikoyatlar hajman siqiq, ammo ularning g’oyaviy mazmuni teran, ta`sirchanligi,ta’lim-tarbiyaviy mohiyati g’oyat balanddir.

Ma’lumki, “Bahoriston” sakkiz bobga bo’lingan. Asarning har bir bobi muallif tomonidan “ravza”(bog’) deb atalgan. Ravzalar maxsus sarlavhalar bilan nomlangan. Xususan, “Donolar hikmati bobida” deb nomlangan ikkinchi ravzada shunday hikmatli so’zlar keltirilgan:

Abu Hoshim So’fiy debdi: - Yurakdan kibr razolatini yuvishdan ko’ra, tog’ni igna uchi bilan qo’porish oson.

Kibrsizlik lofin urma uni ko’rmoqdan ko’ra,
Qorong’u tun chumolining izin ko’rmak osonroq.
Kibr gardin aritmoqdan oson erur shubhasiz,
Igna bilan tog’ni qazib ostin-ustun ko’pormoq.

Kibr – inson tabiatidagi eng yomon illat. Boshqa barcha jaholatu qabohatlar o’sha nuqtadan suv ichadi. Kibru havo, manmanlik, g’urur (me’yordan oshsa), atrofdgilarga bepisandona muomala-munosabat har qanday insonni ham o’zligidan yeti emas yetmish qadam chetga surib tashlaydi.

Shibliyga (Abu Bakr Muhammad ibn Xalaf Buxoriy- 861-946 yillarda yashagan zabardast orif) doir hikoyatdan: Rivoyat qilinishicha, u ruhiy kasallika chalinadi va jinnixonaga yotqiziladi. Oradan ma’lum muddat o’tgach, bir guruh do’stlari uni ko’rishga boradi. Voqealar tafsiloti quyidagi hikoyatda: << - Kimsizlar? – deb so’radi jinni ulardan. – Biz sening do’stlaringmiz, deyishdi. U qo’liga tosh olib, hamla qildi: Hammalari qochib ketishdi.

– Qayting,ey da’vogarlar, - dedi u, - do’st do’stdan qochmaydi va uning jafo toshidan saqlanishga shoshmaydi>>.

Chin do’st – ul – do’stligi oshaversa gar,
Do’stidan yomonlik ko’rganida ham.
Boshiga ming jafo toshi yog’ilsa,
Mehr uyi u toshdan bo’lur mustahkam.

Asardan joy olgan hikoyatlardan birida naql qilinishicha, bir donishmand hamisha o’g’liga ta’kid qilarkan: <<-Erta tongda og’zingga biror luqma ovqat tiqmay eshikdan chiqma, chunki to’qlik xushmuola va chuqur mulohaza moyasi, ochlik esa yengiltanglik va aqlsizlik doyasidir.>>

Boshqa hikoyat ham ovqtlanish haqida bo’lib, jumladan, unda o’qiymiz:<<Agar och bo’lsang, qanday osh, non ko’rsang, senda qattiq ishtha qo’zg’atadi. Sen bilan o’tirgan ulfatlaringda esa ishtahang senga nisbatan nafrat uyg’otadi>>.

Quyuq, suyuq har na topsang uyingda,
To’yib yeb olganing yaxshidir beshak.
O’zgalar taomin havas aylama,
Pastlar atosidan qoqib ket etak.

[1] Karimov I.A. Bizdan ozod va obod vatan qolsin.T.:1994. B.283-284.

Jomiy ham Sa’diy va boshqa allomalar kabi inson kamolotining birinchi mezoni uning bilimligi deb ta’kidlaydi. “Haft avrang ” ning yigirma bobdan iborat birinchi dostoni “Tuhfat ul-ahror”(Nuroniylar tuhfasi) deb nomlangn bo’lib, har bir bobda ma’lum bir axloqiy qoida ilgari surilib, shu qoidani ifodalovchi masal ham keltiriladi. Ana shu dostonda Jomiy inson hayotida ilmning ahamiyatini, uning insonning har qanday muammolarini hal etishga ko’maklashishini aytadi.

Jomiy o’zining mashhur “Silsilatus zahab”(“Oltin tizmalar”) dostonida “Sevimli, aziz farzandga nasihat” bobida, eng avvalo har bir yosh bilim olishi zarurligi, chunki inson umri juda qisqa bo’lib, bu umrni behuda o’tkazmasligi, ammo bilim olgandan so’ng unga amal qilish lozimligini alohida uqtirib o’tadi.

Allomaning ilm haqidagi fikrlarini o’qir ekammiz, unda bilim egallashda kitobning har bir yoshning bilim olishdagi o’rniga, uning xislatlariga alohida to’xtalib o’tganini ko’rishimiz mumkin. U bilimni yoshlikdan egallash lozimligini ta’kidlaydi va johillikni qattiq qoralab, dono bilan nodonni bir-biriga qarama-qarshi qo’yadi.

Hammadan avval farzand, bilimdan bahramand bo’l,
Nodonlik yurtidan chiq, bilim tomon olgil yo’l,
Har bir kishiga bu so’z, oyna kabi ayondir,
Dono tirik hamisha, nodon o’liksimondir.

Jomiy o’z asarlarida tarbiyaning ahamiyatiga ham katta e’tibor beradi. Jomiy avvalo, tarbiya haqida fikr yuritar ekan, har bir narsani ham parvarish etsa, undan yaxshi natija chiqishini, insonni ham yaxshi tarbiya etsa, u barkamol bo’lishini alohida ta’kidlaydi.

Xulosa o’rnida shuni aytish joizki, Jomiyning adabiy merosi juda boy va juda keng ko’lamga ega. Uning asarlarini o’qir va tahlil qilar ekansiz, adibning chuqur ma’noga ega hikmatli so’zlaridan o’zingizga xulosa chiqarmasdan qolmaysiz. Shu ma’noda Jomiy asarlari haqida soatlab so’z yuritish mumkin. Unin pandnomalarida ta’lim va tarbiyning jamiyki qirra-yu jabhalarini e’tibordan chetda qoldirmaganligini anglash qiyin emas. Xususan, bir komil inson uchun kerak bo’ladigan neki xislatlar bo’lsa hammasining ahamiyati haqida so’z yuritgan.

Jumladan, Jomiy tasavvurida haqiqiy yetuk inson el, xalq uchun xizmat qilib, yaxshi nom qoldirishi zarur. “Silsilatus-zahab” dostonidagi quyidagi pandlar uning barcha qarashlariga yakundek sanaladi:

O’z qoningdan tashqari qo’ygil qadam,
Gavharingni ayla pardoz dam-badam.
Konda gavhar yotgani befoyda,
El uchun undan kelur ne foyda.
Qoldiray desang jahonda yaxshi nom,
Yaxshilik qil, yaxshilik qilgil mudom.
Yaxshilikni sen o’zingga pasha qil,
Hech kishiga ranju ozor bermagil.

Jomiy asarlarida yaxshilik barkmol inson ega bo’lishi zarur bo’lgan eng muhim axloqiy xislat sifatida tarannum etilishi bejiz emas. Zero, eng qadimgi ma’rifiy yodgorliklardan boshlab yxshilik va yomonlik o’rtasidagi kurash va yaxshilik, ezgulikning g’olib kelishiga bo’lgan oily istak barcha pandnomalarning asosini tashkil etgan.

ABU NASR FAROBIY ASARLARLARIDA SHAXS KAMOLOTI VA JAMIYAT RAVNAQI MASALALARI.

D.Safarova NavDPI umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi katta o`qituvchisi,
M.Salomova NavDPI talabasi.

Butun Sharqu –G`arb olamiga “Al-muallim –as-soniy ’’, “ Sharq Arastusi” degan nomlar bilan mashhur alloma Abu Nasr Muhammad ibn Uzlug ibn Tarxon al-Farobiy yoshligidan juda iste’ dodli, zehni o`tkir , xotirasi kuchli bo`lgan. Farobiy Eron va O`rta Osiyolik mutafakkirlar Nazzam , Ravandiy , ar- Poziy , arab olimlari Jahid , al-Kindiy , qadimgi yunon faylasuflari: Aristotel , Platon, Suqrot, Galiley, Ginokrat ta”limotlarini chuqur o`rrgandi. Farobiy Ibn Sino , Beruniy Firdavsiy kabi mutafakkirlar singari oila ,farzand , uy-joy orzusini ilm yo`lida qurbon qilib, butun umrini fanga bag`ishladi. Alllomaning “Fozil odamlar shahri”deb nomlangan asarisharq ilmida, ma`naviyatida yangi sahifa ochdi, Farobiyni O`rta asrning buyuk mutafakkiri nomiga sazovvor qildi.Farobiy “Fozil odamlar shahri”, “Baxt saodatga erishuv haqida”,”Baxt saodatga erishish yo`llari haqida ko`rsatmalar”,”Shahar siyosati to`g`risida”,”Buyuk kishilarning naqllaridan”,”Fazilat,baxt-saodat va kamolot haqida”kabi asarlarida insonlarni eng oily kamolot va baxt-saodatga erishishlarining asosiy vositalari va yo`llarini ilmiy asosda bayon etib bergan.

Farobiy yosh avlodni kamolga yetkazishda u yashayotgan jamiyatdagi muhit, hayotiy tajriba, talim-tarbiyaning ta`siri va bu ta`sir natijasida ular o`zlaridagi ijobiy yoki salbiy xislat-fazilatlarni

namoyon qilishlarini aytadi. “Insonlar tug`ilganda kamolotli bo`lib tug`imaydi, ularni orasida aslida farq ham bo`lmaydi, ularning xulqi, faoliyati, hayoti o`xshash bo`ladi, keyinchalik esa o`zgaradi, ya`ni ijtimoiylashuv jarayonida jamiyatda odamlar ming yillardan beri amal qilib kelayotgan qadiriyatlarni va me`yorlarni qabul qiladilar. Ularga moslashadilar voqealar va muhit ta`sirida yaxshi yoki yomon odatlarni o`rganadilar, shu bois odamlardagi xato va kamchilik, yutuq va muvaffaqiyatlar ularda jamiyatda keyinchalik shakllanadi. Inson jamiyatdagi qarama –qarshiliklarni o`ziga singdira boshlaydi, har xil mushkulotlarga duch keladi. Inson faoliyatining adolatga yaqinligi yoki uzoqligi uning aqliga, xulqiga, yashagan jamiyatiga bog`liq. Agar unda yomonlik fikrlari ozroq bo`lsa, adolatga yaqin bo`ladi, agar ko`proq bo`lsa adolatdan, insofdan uzoqroq bo`ladi. Xulq albatta insonning yaxshi yoki yomon xislatlarining nisbatiga bog`liqdir”.[1]Jamiyatda adolat asosiy mezon bo`lsa, uning a`zolari ham insof va diyonatli , mehr-oqibatli bo`ladilar. Inson jamoasi to`g`risidagi talimotlning asosini kishilarning ongli harakatini ,xulq-odatlari, tabiy –mayillari , istak va malakalarini, faoliyatlari va turmush darajalarini o`rganish masalalari tashkil etadi.

Mutafakkirning fikricha fozil jamoaning har bir a`zosi fozil ya`ni haqiqiy inson bo`lishi kerak. Farobiy o`z qarashlarida insonning aqliy va axloqiy jihatlariga

alohida e`tiborini qaratadi va u “Fozil odamlar shahri asarida o`n ikki tug`ma xislatni birlashtirgan kishigina axloqli inson bo`la olishini ta`kidlaydi. Bular quyidagilar:

“Birinchidan bunday odamning barcha a`zolari mukammal taraqqiy etgan, sog`lom bo`lish lozim;ikkinchidan, tez fahm so`zlovchining maqsadini tez payqay oladigan bo`lsin; uchinchidan, xotirasi juda kuchli va mustahkam bo`lsin; to`rtinchidan, zehni tez va o`tkir bo`lsin; beshinchidan nutqi ravon ,fikri teran mulohazalarini yorqin bayon eta olsin; oltinchidan, bilish va o`rganishga ishtiyoqi baland bo`lib, bilimlarini charchashni sezmasdan o`zlashtira olsin; yettinchidan navsini tiya oladigan, qimor o`yinlaridan jirkanadigan bo`lsin; sakkizinchidan haqiqatni sevadigan bo`lsin; to`qqizinchidan g`ururli va vijdonli bo`lsin, oliyjanob ishlarga intilsin; o`ninchidan mol-dunyo yig`ishga berilmasin; o`n birinchidan adolatli bo`lsin, odamlarni adolatga targ`ib etadigan bo`lsin; o`n ikkinchidan adolatli bo`lsin, ammo qaysar bo`lmasin, adolat oldida qaysarlik qilib, o`zbilarmonlikka berilmasin, lekin har qanday adolatsizlik, pastkashlik oldida lafzli bo`lsin, o`zi zarur deb bilgan narsasini amalga oshirishda qat`iylik ko`rsatsin, qo`rqmas, jasur bo`lsin, qo`rqish va ojizlikni bilmasin”.[1] Olimning fikricha “fozil” inson barkamlol shaxs bo`lishi uchun ma`naviy- axloqiy illatlardan xoli, ruhan, ma`nan va jismonan so`glom bo`lishi lozim. Haqiqiy inson aql idrok tufayli barcha ne`matlarga ega bo`ladi va adolatli ijtimoiy hamkorlikka asoslangan fozil jamiyat barpo etadi.

Demak jamiyatning taraqqiyoti, moddiy va ma`naviy ma`daniyatning rivojlanishi, undagi fuqoro-odamlarning baxt-saodatga, ozodlik va erkinlikka erishishi shu jamiyat a`zolari bo`lmish insonlarning aqli, xulqi hamda ijtimoiy muhitnining ta`siriga bog`liq. Alloma odamlarni avval o`rganish lozimligini [2]ta`kidlaydi, buning natijasida u insonlarni johil va fozil kishilarga ajratadi.”Har bir inson boshdan komil emas, ammo tug`ma ravishda o`ziga xos bo`lgan ichki shuur ila bosqichma-bosqich komillikka jiddu jahd bilan intiladi”.3 Shuning uchun uni o`rganib kamolot sari yo`naltirish adolatli jamiyatning asosiy maqsadidir.

Yosh avlodni komil va fozil inson,yuksak insoniy fazilatlar sohibi, har tomonlama yetuk , barkamol shaxs sifatida kamol toptirish bugungi kunda taraqqiy etib borayotgan jamiyatimizda davlat siyosati darajasidagi masala sifatida e`tiborga olingan. Bu borada jamiyatimiz o`qituvchi va pedagoglar zimmasiga g`oyat ma`suliyatli vazifalarni yuklaydi. Farobiyning fikricha jamiyatdagi muhit, tinchlik va ravnaq birinchi navbatda ziyolilar ya`ni ma`naviyat va ma`rifat tarqatuvchilarning faoliyatiga, jamiyatda kishilar o`rtasida olib boriladigan ta`lim tarbiya jarayoniga bog`liq.

ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Эргашева Обод Норқуловна
Термиз давлат университети

Abstract *Origin educational moral glance. The teachings of the “Koran” and “Hadis” evidences of the assimilation. Influence “Hadis”a look through in product east thinker.*
Main notion: *East revival Renaissance, spiritual-enlightenment.*

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим–тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика соҳасидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади.

Маълумки, Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Инсонийлик, инсонни улуғлаш ғояси таълим-тарбияга оид яратилган асарларнинг асосий ўзаги саналган. Бу ғояни, яъни инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг

[1]Abu Nasr Farobiy “Fozil odamlar shahri”Toshkent A . Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti 1993.186-187 betlar.
[2] .Abu Nasr Farobiy.”Fazilat baxt-saodat va kamolot haqida”.T.”Yozuvchi”. 2002. 14-bet.

асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг ҳам, буюк мутафаккирларнинг ҳам, тарихчи-ю шоир ҳамда адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. “Қутадғу билиг”, “Ахлоқи Носирий”, “қобуснома”, “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби Юсуф Хос Ҳожиб, Насириддин Тусий, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари юқорида таъкидлаганимиз инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этиш соҳасида яратилган соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етишида юксак ахлоққа эга бўлиши илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилди.[1]

Чунки биз назарда тутаётган даврдан бошлаб савод ўргатиш “Қуръон” ва “Ҳадис”ларни ўрганиш ва улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириб олиб борилган. Шунга кўра, “Қуръон” ва “Ҳадис”лардаги панд-насиҳатлар ҳам олимлар, ҳам адиблар ижодига таъсир этган. Ҳадисларнинг таъсирига сабаб умуминсоний фазилатларга алоҳида урғу берилган. Уларда илгари сурилган мусулмонликнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳру-оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, муомала қоидалари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган ва Шарқ адабиётига, жумладан, таълимий-ахлоқий асарларга таъсир этган. Таълимий-ахлоқий асарлар бевосита Ҳадисларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилди. Ҳадислар таъсири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан бошланиб, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, Саъдийнинг “Гулистон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа асарлар негизида кўринади. Ҳам ғоя, ҳам мазмун, ҳам шакл бунинг далилидир.[2]

Масалан “Қуръон”да ҳам, “Ҳадис”ларда ҳам, таълимий-ахлоқий достонларда ҳам илм таърифи билан бирга, хулқ-одоб қоидалари, турмуш одоби ёритилади.

Хуллас, Шарқ таълим-тарбиясида илмни тарғиб этиш, хулқ-одоб қоидалари исломий тамойилларга асосланган, таълимий-ахлоқий асарлардаги мундарижаларнинг ўхшашлиги улар таянган маънавий заминга боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. К.Ҳошимов ва бошқалар “Педагогика тарихи”. – Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти 1996 йил, 26-28 бетлар.
2. Ҳошимов К., С.Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010 йил.

TARIXIY HAQIQAT VA BADIIY IJOD

Yadgarova Mehribon
Nukus DPI o‘zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi 2-kurs magistranti.

REZUME: The article is devoted to the social-political, spiritual condition of literary creation of the XX century.

KEY WORDS: political-social, spiritual, soial development, literary world view, literaty proffment of the historical truth.

Badiiy asarning o`ziga xosligini ta'minlovchi unsurlardan biri, avvalo, yozuvchining hayotni haqqoniy va ishonarli tasvirlay olishi bilan ham o`lchanadi. Badiiy asar insonni butun murakkabligi bilan kashf etish san'atidir. Shuning uchun ham adabiyotni insonshunoslik deb atashadi munaqqidlarimiz. Boshqa janrlarni kamsitmagan holda shuni takidlashimiz mumkinki, inson va uni o`rab turgan muhitni butun murakkabliklari bilan tasvirlashda roman janri imkoniyatlari birmuncha yuqori. Romanning o`ziga xosligini ta'minlovchi xususiyatlardan yana biri, uning davr kayfiyatiga qarab muntazam yangilanib borishida ko`riladi. Ayon bo`layabdiki, demak, har bir asar o`z davri mahsulidir. Muntazam yangilanib turuvchi zamon qaridan esa, haqiqiy san'at asarlarigina mangulikka yuz tuta oladi.

XX asr adabiyoti zarvaraqlarida o`z o`rniga ega yozuvchilardan biri Shuhratdir. Adibning "Oltin zanglamas" asari o`zbek adabiyotida birinchi bo`lib qatag`on qurbonlari hayotini ichdan yoritish, bu mudhish hodisaning tub mohiyatini ochish, "xalq dushmani" deb qaralganlar aslida kimu, o`sha paytlari o`zlarini sovet hokimyati posbonlari deb sanaganlar kim - masalaning asl mohiyatini yoritishga bag`ishlangan. Yozuvchi ayni jumboqni yechishning optimal variantini tanlab, kitobxonni qahramonlar ruhiy kolliziyasi orqali masala mohiyati tomon yetaklaydi. Qahramonlarning ichki olamini kurash maydoniga aylantiradi. Inson ruhiyati juda keng olam bo`lib, undagi hissiyot va tuyg`ular anglab bo`lmas darajada cheksizdir. Ayni holat insonning olam va odamni anglashida muhim rol o`ynaydi. Bunda inson o`zining inja tuyg`ularini kamolga keltirishi ham, eng tuban mahluqqa aylanishi ham mumkin. Bunga "Oltin zanglamas" romani qahramonlari Sodiq va Mirsalimlar misolida ham guvoh bo`lishimiz mumkin.

Kishilik tarixidan ma'lumki, ijtimoiy ob-havoni, odatda hokimyatga erishgan shaxslar belgilaydi. Sobiq ittifoq ijtimoiy ob-havosiga xos asosiy belgilardan biri bu - ig`vo va chaqiqdir. Tuxmat barcha davlarda ham odamzod tabiatiga xos qusurlardan sanaladi, lekin siyosiy ig`vo faqat kompartiya davriga xos xususiyatdir. "Oltin zanglamas" romani qahramonlaridan biri Mirsalim obrazida ham ushbu qusurning urchiganiga guvoh bo`lishimiz mumkin. Vaholanki, Mirsalim go`yoki, sho`ro tuzumining qilich qalqoni edi. "siyosiy xushyor"[3.94] pedagog. Aslida buning bari niqob bo`lib, u riyokor, ikkiyuzlamachi kimsa, subutsiz bir kas. U o`z manfati yo`lida hech narsadan qaytmaydi. Uning ikkita tili, shuningdek, ikkita familyasi bor. Zamona zayli bilan o`zgarib turuvchi bunday "buqalamum" kimsalar, o`sha davr ruhiyatiga xos eng xarakterli xususiyatlardandir. Shu o`rinda asarga murojat etib uning ruhiyatiga nazar tashlaymiz. "Mirsalim Gitler qamoqxonasida buvasidan qolgan uy-joy vasiqasi haqida qayg`urib, qizining noshudligi, uni tagli-taxtli kuyovga berib, kuyovga uy-joy vasiqasini topshirolmaganini o`ylab yurganda, Ali Naimxon kelib qoladi. U ko`ziga najotkor bo`lib ko`rinadi. Hammadan ham Ali Naimxon "Ey turk o`g`lonlari, g`aflat uyqusidan uyg`oning! Islom bayrog`ini poklab yuqori tuting!"-deganida ko`ziga yosh kelib, "Ey, xizr yo`qlagan banda, tur, o`z joyingga o`t" dedi-yu, birinchi qo`l ko`tarib oldinga chiqdi. Shu onda qizini tagli-taxtli kuyovga chiqarib, unga vasiqasini berib kelmaganidan xursand edi: o`zi g`olib kirib borib barchasini undirib oladi, davri-davron suradi. Mirsalim Qodirni ko`rib qolguncha mana shu shirin xayollar og`ushida mast alast edi. Qodir uning orombaxsh tushuni buzib, birdan uyg`otib yuborgan kishidek daxshatga soldi"[3.399]. Parchadan ko`rinib turibdiki, Mirsalim ruhiyatidagi oniy o`zgarishlar uning naqadar subutsizligidan dalolat beradi.

Bu o`sha davr ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy xolatining bir ko`rinishi edi. Lekin yana bir toifa ham bor ediki, bu toifa ayni jarayonda muhim rol o`ynaydi. Bu toifa kompartiyaga chin e'tiqod qo`ygan haqiqiy kommunistlar edi. Avvalroq takidlagan edikki, har bir asar o`z davrining asari, shunga ko`ra har bir asarga baho berganda asar yozilgan muhitdan uzoqlashib ketish noto`g`ri talqinga olib kelishi mumkin. Shuhrat ham o`z davri imkoniyatlaridan kelib chiqib, davr talato`plarida mustahkam e'tiqodi, insoniylik hususiyatlarini yo`qotmagan haqiqiy inson qiyofasini yaratdi. "Ijtimoiy voqelik bugun bizga tamomila yangi dunyoqarash, yangicha munosabatlar, insoniylik - shaxslik rutbasining yangilangan mezonlarini taklif qilayapdi",[2.251] Shuhrat qahramoni Sodiq eski medoddan chiqib, ana shu yangilanishlar po`rtanasiga dosh beroladigan "siymo". Kishi dunyoqarashi, uning e'tiqodi shakllanishida shaxs ma'naviyatining o`rni beqiyos. Ma'naviy qashshoqlikning eng daxshatlisi mustaqil fikrlash madaniyatining yo`qligidir. Jamiyat uchin eng xavfli shaxs bu - o`z dardini ichiga yutib, qo`rquv bilan yashayotgan kishidir. Lekin shunisi ham borki, inson tabiatiga xos ishonch va e'tiqod butunligi mohiyatni anglashga yo`l qo`ymaydi. Bu masalada "Oltin zanglamas" qahramoni Sodiqni ayblash noo'rin. Sodiq yetik shaxs, mustahkam iroda, sinmas e'tiqod egasi, "sotsial adolat kurashchisi"[3.22]. Sodiq obrazi o`zida mustabid tuzum davri xalqimizning tafakkur miqyosi, orzu-umidlari, xarakter tadrijini o`zida mujassamlantiradi. shunga ko`ra uni bugungi kun qahramoni talabiga ko`ra baholab, undan bugungi kun ruhini izlash mantiqsizlikdir. Ayni mulohazani muallifga nisbatan ham qo`llashimiz mumkin.

Tabiatda va ijtimoiy jarayonlarda turg`unlik bo`lmaganidek, badiiy adabiyot ham muayyan tadrijiy xususiyatlarga ega. Ayni shu nuqtayi nazardan qaralsa, milliy belgilar, millat flsafasini anglash tarixiy haqiqatning badiiy ifodasida bo`y ko`rsatadi. Aytmoqchimizki, xalqning tarixiy o`tmishini o`sha davr ijtimoiy hayoti, badiiy adabiyot pofosi bilan birgalikda o`rganish samarali natijaga erishishda muhim ahamiyatga ega. Ayni jarayon Vatan qadri, shon-shavkati, mungli o`tmishi haqidagi tushunchalarimizni mustahkamlaydi. Tahlilga tortganimiz Shuhratning "Oltin zanglamas" romani haqida ham shu gaplarni aytishimiz mumkin. Nima bo`lganda ham Shuhrat "xalqlar turmasi" sharoitida turib xalqimiz tarixining eng ayanchli davri kul't davri haqida yuksak saviyadagi badiiy asar yarata oldi. Bu bilan uni "ijodiy jasorat" ko`rsatganini alohida takidlay olamiz.

Adabiyotlar:

1. Normatoov U. Ijod sehri. -T.:Sharq, 2007
2.Rizayev Sh. Iztirob san'ati. -T.: Yangi asr avlodi, 2013
3.Shuhrat. Oltin zanglamas. -T.:Sharq, 1999

MUHAMMAD YUSUF IJODIDA MA’NAVIY QADRIYaTLAR TALQINI

Hafizova Muxlisa
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti o‘zbek tili va adabiyoti ta’lim yo‘nalishi 2-kurs talabasi.

Mazkur maqolada o‘zbek she’riyatida umuminsoniy muammolarning badiiy talqin qilinishi, ijodiy individuallik, badiiy mahorat kabi masalalar Muhammad Yusuf ijodi misolida nazariy va badiiy tahlil qilinadi.

The given article deals with the problems of analysing humans nature in Uzbek literature, individual peculiarities of author’s work, artistic skills. The work of M.Yusup were taken as an object of theoretical and literary analyse.

Key words: *figurativeness,artistic skills,spiritual-moral culture,poetic art's, obrazlilik, badiiy talqin, ma'naviy-axloqiy qadriyatlar, she'riy san'atlar.*

She'riyatda shunday joziba borki, unda turfa xil qarashlar orqali o'ziga xos tuyg'ularni his qilamiz, so'z qudrati orqali anglashimiz qiyin bo'lgan hayot falsafasiga javob topgandek bo'lamiz. Shu ma'noda, ma'naviy olamimiz, dunyoqarashimiz shakllanishida badiiy adabiyot, xususan, she'riyatning o'rni beqiyos. Zero, yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek: "Bugungi kunda farzandlarimizni ma'naviy olamini yuksaltirish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash masalasi biz uchun eng dolzarb vazifa bo'lib qolmoqda" [1.37].

Xalqimizning sevimli shoiri Muhammad Yusuf ijodiga nazar tashlar ekanmiz shoirning butun ijodi inson ma'naviyatini boyitishga xizmat qiladigan, milliy qadriyatlarimizni ardoqlashga o'rgatadigan, vatanparvarlik ruhini yanada oshiradigan g'oyaviy maqsad hamda betakror badiiy ifodani kuzatamiz. Shoirning "Oqibat", she'ridagi quyidagi misralarga e'tibor qilaylik:

Mehr yuraklarda qolsa ichikib,
Oqibat ham bo'lgay anqo urug'i.
Elning kichigini g'ajir kichigi
Ulug'ini esa ulug'i…[2. 64].

Shoir nazdida agar insonda mehr bo'lmasa, undan oqibat kutish befoyda. Yurakda mehr yo'q ekan, yosh-u qari bir-birini hurmat qilmaydi, chunki ularning qalbida haqiqiy va samimiy mehr-muhabbat tuyg'usi shakllanmagan.

Ma'lumki, badiiy adabiyot inson ma'naviyatini ozuqlantiradi, unda shunday sehrli kuch borki insonni qayta tarbiya qila oladi. Muhammad Yusuf qalamiga mansub she'rlarni o'qib beixtiyor hayajonga tushamiz. Nihoyatda oddiy xalqona so'zlar orqali ko'pchilik anglamagan hayot haqiqatini ko'z o'ngimizda gavdalantiradi. Oqibatda hayotga sinchkovlik va teran nigoh bilan qaray boshlaymiz. Yuqoridagi she'rning quyidagi satrlariga e'tibor qilaylik:

Andisha degan bir bog' bo'lar vayron,
Go'yo bu chamandan yalmog'iz o'tgan.
Onalar qizlarin tanimay hayron,
Qizlar onalarin ismin unutgan [2. 64]

Shoir "andisha", so'zini naqadar go'zal o'xshatish bilan ta'riflaydi, ya'ni insonda oqibat bo'lmasa, "andisha bog'"i vayron bo'ladi. Onalar o'zi tarbiya qilgan qizlarini tanimaydi, chunki mehr-oqibatsiz farzand, ota-ona, ona yurt qadrini bilmaydi, hatto o'z onalarini nomlarini ham unutishadi.

Shoirning "Mehr qolur", she'rida esa shunday satrlarni uchatamiz:

Qorachiqda porlagan o'sha,
Iqboliga chorlagan o'sha.
Dunyoni tor aylagan o'sha
Mehr qolur, muhabbat qolur [2.13].

Ushbu satrlarda M.Yusuf inson o'tkinchi ekanligini, dunyoda insondan faqat mehr-muhabbat qolishini ta'kidlaydi. Qilgan yaxshiliklarimizu, ko'rsatgan mehrimiz orqaligina odamlar yodida abadiy qolamiz, deydi shoir. Bugungi kunda yoshlar tarbiyasida, ma'naviy kamol topishida ushbu ijodkorning o'rni beqiyos.

Nima deysan, ey, g'ayir inson?
G'iybatlaring qildi meni qon.
Sen ham bir kun o'tarsan, inon.
Mehr qolur, muhabbat qolur [2. 13].

Mazkur satrlarda shoir inson xos bo'lgan azaliy illatlarga ishora qilgan holda hammaning bu dunyoda omonatligini, bu olamda mehr va muhabbatgina abadiy qolishini uqtirmoqda.

M.Yusuf ijodini kuzatib, ma'naviy kamolotga erishishda badiiy adabiyotning o'rni qanchalik muhim ekanligini yana bir bor anglash mumkin. Zero, "Adabiy asarlar estetik tahlilga tayanib, ma'naviy saboq berish, yoshlarni ma'naviy barkamol qilib insonlar qilib tarbiyalash, ham jisman, ham ruhan tetik, baquvvat, komil shaxslarni shakllantirish adabiy ta'limning yetakchi vazifalaridan biridir [3.12].

Muhammad Yusuf ijodi xususida muloha yuritar ekan adabiyotshunos olim O.Sharafiddinov shunday ta'kidlaydi: "Muhammadjon kamdan-kam tug'iladigan iste'dod egasi bo'lish bilan birga, kamdan-kam shoirda uchraydigan xislat egasi – shuhratdan qochadigan kamsuqum inson edi. U shuhratning emas, shuhrat uning ortidan quvib yurardi [2. 7].

Ta'kidlash kerakki, kamtar va oliyjanob so'z san'atkori, atoqli shoirimiz M.Yusuf ijodi insonga ma'niviy ozuqa berishi, oliyjanob tuyg'ularning kamol topishida, milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR:

1. Karimov I. Barkamol avlod – kelajagimiz tayanchi . Toshkent, "Ma'naviyat", 2010.
2. Muhammad Yusuf. Saylanma. Toshkent, "Sharq", 2007.
3. Mirqosimova M. Adabiy asar tahlili. Toshkent, "Ma'naviyat", 2007.

ЛИРИКАДА БАДИИЙ ТАФАККУР ТАЛҚИНИ

Матякупов Саъдулла Гаипович, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

The given article deals with inner world and fictional description of the Uzbek poetry. There are different speculations about authors'skill. Analysed materials were taken from R.Parfi, A.Makhkam and related on theoretical input.

Key words: *individuality, literary interpretation, literary, idea, philosophic interpretation.*

Шеър – шоир ақлий салоҳиятидан яралган ҳолда холис эстетик тадқиқот предметига айланадиган нутқий шакл ифодаси бўлиб ижодкорнинг жонли импровизацияси ҳосиласи. Қолверса, у олам жумбоғи иллюзиясининг сўзга кўчиши ҳамда субъектив муносабатнинг объективлашган моҳияти далолатномаси бўлиш билан бар қаторда туйғу ҳамда онгнинг ғоявий ибтидода уйғунлашуви. Шунингдек, шеър – фалсафа, ахлоқ ва маърифат уйғунлиги бўлиб, оҳанг, маром ва мусиқанинг ҳиссий идрокда сараланишидир.

Шеъриятнинг ўзига хослиги ҳақида А.Шаропов шундай мулоҳаза юритади: «Қатъий интизом – поэтик мазмун, шоир тафаккури талаби. Коинот, турли галактикалардаги ўз орбитасида ҳаракат қилаётган юлдузлар сабабсиз бир-бирлари билан тўқнашиб кетмаганидек, ҳақиқий шеърдаги бирон ташбеҳ, ҳатто сўз ҳам шоир ният чизиғидан ташқарида ҳаракат қилмаслиги, шоирнинг эзгу ниятига зид бўлмаслиги зарур. Шеърда ана шундай мукаммаллик юзага келгандагина, у ўқувчини юлдузли осмондай ўзига сеҳрлаб олади. Шеърга юклатилган руҳ эса ўта қудратли ва муқаддас» [1.192].

Психологик тасвирнинг намоён бўлиши шеъриятда анча мураккаб кечади. Негаки, асосан оний кечинма асосига қуриладиган лирик ифодада таҳлил ва талқин ўзаро уйғунлашади. Бу нарса бадиий тафаккурнинг келгуси тараққиёт тамойилларини, реалистик тасвир маданияти имкониятларини, жанрлар ва ижодий услублар ранг-баранглигини асослайди.

Маълумки, диалог оғзаки ва ёзма нутқ бирикувидан ҳосил бўладиган шакл сифатида сўзловчи ҳамда тингловчи муносабатларининг узлуксизлигини таъминлайди. Унда синтактик танлов асосида қурилган баён услубий вазифадошлиги инъикос топган ҳолда адабий тил уч қатлами – китобий услуб, умумхалқ сўзлашув услуби ва луғавий бирликлар туркуми уйғунлашади. Шунинг учун ҳам унда руҳий ва ижтимоий бўёқдорлик бир-бирини тўлдиради. Агар драматик турга мансуб асарларда монолог ҳам диалоглашган моҳиятга бўйсундирилса, назмда мулоқот шакллари монологик ифодага сингиб кетади. Шу боисдан, шеъриятда ушбу ҳолатни махсус усул сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Айнан бир томонлама мулоқот устуворлиги шундай хулоса чиқаришга туртки беради. Негаки, лирика «мен» руҳий кечинмалари негизида вужудга келади. Унда шахс мақоми борлиқнинг умумлашган, мавҳумлашган ҳамда уюшган моҳиятини акс эттиради.

Менга барглар шивирлар аста:
«Энди биров шеър ўқийдими!..»
Наҳот Сўздан қолмади нишон,
гарчи улар бозорда лак-лак…
Менга гуллар шивирлар гирён:
«Бугун шеъринг кимга ҳам керак!..» [2.357].

Асқар Маҳкамнинг «Сўз жони» шеъри сўз, ижод ва эътиқод масаласига бағишланган. Асрлар мобайнида «покиза ҳилқат», «илоҳий неъмат» тарзида юксак мақомга кўтарилган сўзнинг қадрсизланиши фожиавий оқибатларга олиб келади. Зеро, Оллоҳ Таоло ва бандаси орасида ришта вазифасини бажарган восита узилса, маънавий таназзул ҳосил бўлади. Парчада санъат моҳияти фалсафага йўғрилади. «Сўзлар Аюбдек хаста» вазиятда ҳаддан ташқари жўнлашган конструкция энг қуйи граматик мазмунга тенглашади. Тушунча қудрати заифлашуви натижасида лирик қаҳрамон «Барглар шивирлар аста: «Энди биров шеър ўқийдими?», «Гуллар шивирлар гирён: «Бугун шеъринг кимга ҳам керак!..» каби хулосага келади.

Одам бўлмас ҳеч ким ўқимай,
Мавлононинг Куллиётини!..
Ва Пайғамбар Раҳмат тоғида
тингламоқда илоҳий ваҳий.
Бутун олам аҳлин оғзида
Икро бисми Роббикал-лазий!..» [2.357].

«Мавлононинг Куллиёти», «Илоҳий ваҳий» мақоми сўз қудратини ёрқин аск эттиради. Унинг таянч нуқтасини «Икро бисми Роббикал-лазий!..» калимаси тайин этади. Шундай экан, барг ва гуллар шивири хазон каби тўзиб кетади. Негаки, «Одам бўлмас, ҳеч ким ҳеч қачон, Навоийнинг ўқимай сўзин!» каби сатрлар юксак ҳис-ҳаяжон пардаларида битилган. Унинг ҳажми «қадимий осмон»ларга қадар чўзилган. Унинг салмоғи «дард вазни» қадар оғир ва изтиробли. Унинг залвори «ўтлиғ муҳаббат» қадар ҳасратларга қониқ ва изтиробларга ҳамоҳанг. Унинг қисмати «англаш ҳукми»га

уланган. Унинг моҳияти «ҳаёт зарварақлари»дек зиддият-у мураккабликлар билан пайвандланган ва табиати «рангин туйғу» тақдирига боғланиб кетган.

Монологик тафаккурга асосланган шеърда сўз, маъно, оҳанг ва маром омухталашади. Унинг қўлланилиш усули бадиий самарадорликни ҳосил қилувчи етакчи унсур, унда шакл такомиллашуви маъно-мантиқини янгилайди ва услуб барқарорлашувига шароит туғдиради. Айнан, ифода бадиий имкониятлари чексизлиги тасаввур миқёсларини ўқувчи онггига яхлит ҳолда кўчиришни тақозо этади. Ахборот тезкорлиги ҳамда руҳиятнинг аниқ чизгиси муштараклиги мушоҳада тиниқлигини таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ақлий тафаккур юксалиши туйғу теранлашувига йўл очади. Зотан, сезимни мулоҳазадан, тафаккурни нутқдан, муҳокамани таҳлилдан айириб бўлмаганидек, диалогик муносабатларни ҳам монологик онгдан ажратиш мушкул. Ваҳоланки, бадиий чамбарчаслик қонунияти ҳаётни англаш ва идрок этиш бутунлигини етакчи таомил сифатида фалсафий-маънавий жиҳатдан тақозо этади.

Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенафъ, бенаво –
Наҳотки бу – қўлим? Бу менинг созим?
Аллоҳдан сўрайман – Нечун бу жафо?!
Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, дейман, Аллоҳим, омонатингни.
«Тавба» қил, - деди Ул, бир Китоб тутди –
Муродинг мустажоб, мингил отингни [2.200].

Рауф Парфининг «Тавба» шеъридан олинган парчада банданинг Парвардигорга илтижоси ва иқрори тасвирланган. «Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер» дея мурожаат этаётган лирик қаҳрамон ўз моҳиятини англашга интилади. Маърифат илинжидаги одамзод камолотнинг чигал йўлида толиққан. «Жами жудоликлар» уни аросатда қолдиради. Муаллиф ёниқ мисралар воситасида персонаж ботиний оламига назар ташлар экан, мудоми Ҳақ ва ҳақиқат йўлини идроклашга уринган инсон табиатини бутунлаштиришга ҳаракат қилади. Бандасининг жами саволларига жавобан «Ул бир Китоб тутади». Муқаддас китоб одамзодни ҳидоят йўли сари етаклайди:

Уммонлар йўлингда, жангал йўлингда,
Номаълум ҳар жойда қурилган доринг.
Оламнинг калиди сенинг қўлингда,
Жафо ҳабибингдир, хиёнат – ёринг.
Аллоҳим, лаҳза – мен, сен эрса мангу,
Таскин берганингми, шафқатингми, бу?! [2.201].

Яратган уммат қисмат йўлини тасвирлаб беради. «Номаълум ҳар жойда қурилган дор» - инсон руҳияти зиддиятлари ҳосиласи! Маънавий юксалиш сўқмоқлари айнан инсон иродасини тоблайди, эътиқодини синовдан ўтказади ҳамда нурафшон масканга етаклайди. «Оламнинг калиди» аслида одамзод саодатини далолатлайди. Бироқ мавжуд йўл «жангал», «уммонларга» туташ. Исёндан кейинги итоат мўминга роҳат-фароғат бағишлайди. «Аллоҳим… мен ўлдим… Мен Сенга етдим…» мурожаати замирида англанган моҳиятнинг англанмаган қирралари жилваланади. Бинобарин, лаҳзага ўхшатилган одам қисмати китобда ёзилганидек силлиқ ҳамда бенуқсон кечмайди. Унда Оллоҳ Таоло куч-қудрати ва меҳр-шафқати ўзининг ифодасини топади.

«Шоирлик - аслида шеърни шеъриятга алоқаси йўқ нарсалардан тозалай билишдир. Чунки шеърнинг гўзаллиги, аввало, ана шу мусаффоликда акс этади. Шеърдаги софлик – туйғу ва тушунчадаги софлик эмас. Шеър билан шеърхон орасидаги давомли ички алоқа шундай бошланади... Зеро, ҳақиқий адабиёт – санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошқа бир нарса эмас. Унинг билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бироқ, ҳеч қандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва ҳақиқатга таянилиб ўқилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди» [3.162].

Шеъриятда руҳий кечинма онг ҳамда лирик қаҳрамон муносабатларини бошқаради. Унда бадиий тасвир моҳияти кенгайиб теранлашган ҳолда тасвир миқёси мавҳумлашади ҳамда ўзгаради. Шунингдек, ифода давомийлиги ўз ҳисобини алмаштиради ҳамда таянч нуқталар ўлчамини янгилайди. Қолаверса, таҳлил вазифадошлиги ҳаракатни кескинлаштириб, тасвирдаги ҳолатни муайян вазиятга мувофиқлаштириш билан бирга ривоя субъекти объективлашган талқинни ҳосил қилади ҳамда ҳиссий-маънавий босимни кучайтиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек адабий танқиди тарихи анталогияси. –Т.: Турон-Иқбол, 2011.
2. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007.
3. Ҳаққулов И. Ижод иқлими. –Т.: Фан, 2009.

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДА ЖАНРЛАР МУНОСАБАТИ

Махсуд Қурбаниёзов
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси,
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри

The article is dealt with the role and objective of genres such as short stories and questionnaire in “Qisasi Rabg‘uziy” (“Stories of Rabguziy”) created in the XIV centuries. The great poetry ability, the skill in using various literary genres of Rabguziy, meanwhile the way of his sorting out resources are investigated.

Key words: “Stories of Rabguziy”, story, short story, questionnaire, literary genre

Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари такрорланмас агиографик асар. Зотан, ҳар бир пайғамбарга бағишланган қиссаларда уларнинг ҳаётига оид турли лавҳаларни, улар кўрсатган мўъжизаларни, муқаддас буюмларни ва б.ларни кўришимиз мумкин. Бугун “Қисаси Рабғузий”нинг агиографик асар сифатидаги алоҳида белгилари билан бир қаторда, асардаги жанрлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. “Қисаси Рабғузий”даги ҳар бир қисса алоҳида мустақил асар бўлгани боис, турли жанрлардан фойдаланиш имконияти катта эди. Одатда, агиографик асарлар маълум тарихий авлиёлар ҳақида ўқувчига тўлақонли маълумот бериш, унинг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим қирраларни турли жанрлар орқали очиш ва китобхонга етказишни мақсад қилиб қўяди. Агиографик асарлар яна шу жиҳатлари билан диққатга сазоворки, бу асарлар зиммасига, бу турдаги асарларнинг жанр ва функционал параметрлари билан бир қаторда, қатор диний мақсадларни ўртага чиқариш ва омма томонидан бу мақсадларни амалга ошириш вазифаси ҳам юклатилади. Шу билан бирга, “жафокашларнинг оташин муҳаббати, авлиёларнинг ҳаёти, табаррук нарсаларга эришиш ва ўша нарсаларни бошқа жойга кўчириш, авлиёларнинг мўъжизалари ҳақидаги воқеалар” [1,9] ҳам мазкур туркум асарлари вазифасида, жумладан, “Қисаси Рабғузий” вазифасига ҳам киради. Албатта, агиографик асарлар, биринчи навбатида, бадиий асарлар ҳисобланади. Агиографик асарлар таркибидаги жанрлар хилма-хиллиги уларни бадиий асар сифатида қарашга асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шарқ адабиётида пайғамбарлар, авлиёлар образи кўчиб юриши натижасида оммалашди, айни пайтда бу образлар идеаллаштирилиши туфайли, уларнинг янги қирралари кашф этилди. Пайғамбарлар ва авлиёлар образини ижодкорлар шунчаки кўчириб қолмадилар, балки уларнинг тўлақонли образини яратишни мақсад қилиб қўйдилар. Тўлақонли образ фақат қаҳрамоннинг ҳаётига оид воқеаларни узундан-узоқ баён қилиш натижасида юзага келмай, балки ижодкорлар бир қатор жанрларни агиографик асар таркибига олиб кириш билан ҳам китобхонни ишонтиришга, ҳам асарнинг янги бир руҳда ва мазмунда яратилишига эришдилар. “Қисаси Рабғузий” туркий адабиётда ана шундай агиографик асар сифатида шуҳрат қозонди. Туркий адабиётда “Қисаси Рабғузий” яратилгандан сўнг бир неча юз йиллар давомида қатор “Қисас ул-анбиё”ларнинг яратилгани [2,16] бунинг далилидир. “Қисаси Рабғузий” пайғамбарлар тарихи ҳақидаги асар бўлгани учунгина эмас, балки мазкур образларга янги нуқтаи назар билан қараш, эътиқод ва маслакни адабий жанрларга боғлаш билан ҳам омма томонидан қабул қилинди ва шуҳрат қозонди. Пайғамбарларни, бир томондан, тарихий шахс сифатида талқин қилиш, иккинчи томондан, уларнинг идеаллашган образини яратиш ва кенг оммага етказиш мақсади борлиги учун ҳам турли жанрларни мазкур образларга боғлаш ҳолатлари кузатилади.

Рабғузий қайси жанрдан фойдаланмасин, албатта, қисса қаҳрамонининг бирон қиррасига ўша жанрни боғлайди, қаҳрамоннинг тўлақонли образини юзага чиқаради. Айни пайтда Рабғузийнинг манбаларга, қолаверса, ўзи олиб кирган барча жанрларга муносабати ҳам агиографик асарларнинг шаклланиш қонуниятларига мос келади. Зотан, агиографик асарларнинг мазмун-моҳияти пайғамбарларнинг тўлақонли образига ва авлиёликнинг феноменини интерпретация қилишга қаратилган. Албатта, битта жанр, масалан, қисса ёки ҳикоя жанрининг ўзи бу вазифаларни қамраб ололмайди.

Рабғузий бу асарига ўзбек мумтоз адабиётида ёки туркий адабиётда ўзигача учрамайдиган латифа, фойда, савол-жавоб, нақл каби бир қатор жанрларни олиб кирди. Бу жанрларни Рабғузий мазкур асарига қаердан олгани тўғрисида бирон маълумотга эга эмасмиз. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, Рабғузийгача бўлган туркий адабиётда ҳикоят, ривоят жанрлари бор. Аммо латифа, фойда, савол-жавоб сингари жанрлардан асарда истифода этишда Рабғузий қайси манбаларга таянгани номаълум, у бу ҳақда у бирон сўз айтмайди. Биз қуйида Рабғузий истифода этган бу жанрларнинг пайдо бўлишини қиссалар таркибидаги вазифасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаймиз.

Биз ҳикоядан бошқа ҳамма жанрларни қамраб ололмаймиз. Биз “Қисаси Рабғузий” таркибидаги қисса ва ҳикоят жанридан бошқаларини "кичик жанрлар“ деб қарар эканмиз, бу

жанрларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш ниятидан узоқмиз. Булар алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Биз ҳикоят жанрига боғлиқ бўлган айрим кичик жанрлар тўғрисидагина сўз юритамиз. Мазкур кичик жанрлардан "**савол-жавоб**" кўпроқ ҳикоятга ва образларни аниқлаштиришга қаратилгани учун, шу жанрга оид айрим мулоҳазаларимизни ўртага ташлаймиз.

Асарда "савол-жавоб" ҳар бир қисса таркибида мавжуд. "Савол-жавоб"нинг мақсади ва вазифаси, аксарият ҳолатларда, маълум воқеа, қоида ва удумларни инсоният ҳаётига татбиқ қилиш ёки чеклаш, уларнинг татбиқ этилиши ёки таъқиқланишига асос бўлган омиллар, воқеалар тизимига аниқлик киритиш, китобхонда саволга ўрин қолдирмасликка ҳаракат қилиш (1 жилд, 22, 25, 103 ва б. саҳифалар) кабилардан иборатдир. Мисол тариқасида асардаги "Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом" қиссаси ва унинг таркибидаги жанрларга эътибор берайлик. Рабғузий Шарқ адабиётида Юсуф ҳақидаги барча манбалардан хабардорлиги, Юсуфнинг маълум бир жиҳатлари ёритилган деярли аксарият манбаларни пухта ўргангани ана шу кичик жанрлар орқали аён бўлади. Айни пайтда Рабғузий Юсуф қиссасининг асардаги бошқа қиссалардан "телимрак (яъни кўпроқ – *М.Қ.*), фойдаси укушрак...ул йўлдин "Аҳсан ул-қасас" темак" (1, 100) эканини далиллайди. "Аҳсан ул-қасас" – "Қиссаларнинг энг гўзали" демакдир. Рабғузийнинг Юсуф қиссасига берган бу таърифидан шу нарса англашиладики, баён услубида ҳам воқеаларнинг кескинлиги, Юсуф кечирган воқеаларнинг ўта фожиали ва дардли экани ўз ифодасини топгани билан бир қаторда, бир неча жанрлар – ғазал, байт, ривоят, латифа, ҳикоят, фойда, савол-жавоб кабилар "Қиссаи Юсуф алайҳиссалом" таркибидан ўрин олган. Шарқ адабиётида энг қадимий ва машҳур бўлган Юсуф образини янада тўлақонли қилиб яратиш, англанмаган қирраларини китобхонга етказиш Рабғузийнинг мақсади эди. Буни англатиш учун китобхонни ишонтириши керак эди.

Рабғузий жанрларни бир-биридан фарқлар экан, шунчаки ўз давридаги жанрлар табиатига оид кузатувлари доирасида муҳокама қилиб қолмайди, балки жанрларга, умуман, адабиётга нозик дидли адабиётшунос, танқидчи сифатида муносабатда бўлади. Қисса ишончли, китобхонда шубҳа қолдирмайдиган бўлиши учун, воқеалар оқимида зўрма-зўракиликка барҳам бериш мақсадида Рабғузий бир ривоят таркибига турли манбалардан турли деталларни олиб кирар экан, у деталларнинг қанчалик ҳақиқат эканига, қисса қаҳрамони Юсуфнинг қайсидир қирраларини очишига алоҳида диққат қаратади. Жумладан, мазкур қиссадаги анъанавий сюжетга кўра, Юсуф етти ёшда туш кўради: ака-укаларнинг ҳаммаси чўлда қўлларидаги таёқларини ерга суқадилар, ҳаммаларининг таёқлари кўкарди, аммо ўсмади. Фақат Юсуфнинг таёғи кўкариб, кўкка бўй чўзди ва акаларининг таёғидан ўзиб кетди [3].

Қиссанинг шу парчасини ўқиган китобхонда, Рабғузий бу сюжетга далилни қаердан олган экан, деган фикр уйғониши табиий. Зотан, "Юсуф" ёки "Юсуф ва Зулайҳо" қиссаларининг ҳаммасида ҳам шу детал бор эмас. Масалан, бизга маълум бўлган Мусонинг Ибтидо китобида (Бибилиянинг "Эски Аҳд" қисмида), Ибн Синонинг "Юсуф" қиссасида, Дурбекка нисбат берилган "Юсуф ва Зулайҳо" достонида айнан Юсуф таёғининг кўкариши ва кўкка бўй чўзиши лавҳаси берилмаган.

Шу ўринда Рабғузий "Юсуф" ва "Юсуф ва Зулайҳо" қиссаларининг бошқа вариантларини ҳам синчиклаб ўрганганига оид бир далилга дуч келамиз: у бошқа халқларда мазкур сюжетнинг кенг тарқалгани ва айрим лавҳаларда фарқ борлигини далиллаш мақсадида илмий далил қилиб "*Баъзилар аймишлар, иничиларининг таёқлари Юсуф таёқинга сажда қилдилар*" (1, 102) деган жумлани киритиб кетади ва сўнгра воқеалар ривожи бундан олдинги сюжетга боғланиб кетаверади. Битта шу жумланинг киритилгани, бир томондан, Юсуф қиссасининг вариантлари кенг тарқалганига, иккинчидан, ўз даврида мазкур туркум қиссалари таркибида қайси деталлар ёки лавҳалар юзасидан одамлар ва илм аҳли ўртасида баҳслар бўлганига, бу ривоятнинг ишончли ёки ишончсиз эканига ишора қилади. Ёки Юсуф иккинчи марта – ўн битта юлдуз кун ва ой билан бирга Юсуфга сажда қилаётганлари воқеасини тушида кўрганда, Рабғузий бу ривоятнинг айнан шу лавҳаси вариантларини келтиради. Айнан юлдузларнинг номлари ва юлдузлар қайси вазиятда туриб сажда қилганлари воқеаси Рабғузийнинг диққат марказида бўлади: "*...ул юлдузлар оти...**бир ривоятда** зайёл, зулумудон, зулфараъ, зулкитфон. Бу ўн бир юлдузлар ой кун бирла кўк этагинда Юсуф(га) сажда қилдилар. **Яна бир ривоятда** кўкдан иниб сажда қилдилар*" (1,102). Ривоятнинг бошқа жанрлардан фарқли равишда тарихийлик тамойилига таяниши Рабғузийнинг диққат марказида бўлган. Акс ҳолда ўқувчи қиссадаги бу лавҳаларга ишонмаган бўлар эди. Шу боис Рабғузий иккала вариантини ҳам келтириб ўтади ва китобхон ҳукмига ҳавола қилади.

Асар таркибидаги турли жанрларда бир-бирини такрорламайдиган деталларнинг вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳикоят жанрига оид келтирилган детал бу жанрни бошқа жанрлардан – хабар, ривоят жанрларидан фарқлаб туради. Рабғузий битта қисса таркибида бир неча жанрлардан истифода этганда, қандай воқеалар ҳикоянинг материали, қандай воқеалар хабар ёки ривоятнинг материали бўлиши кераклигини ўзига хос тарзда – илмий мушоҳада ва муносабат билдириш орқали намоён қилади. Рабғузий "Хабарда келур" дея баён қилганда, маълум бир сюжетни

ҳикоя қилмайди, балки қисса қаҳрамонининг феъл-атвори ва доимий аъмолига оид қисқа далилларни келтиради. Рабғузий “хабар”да кўпроқ тарихийлик тамойилига урғу қаратади. Рабғузий келтирган ривоятнинг мақсади ва вазифаси эса маълум бир тарихий воқеаларга асосланган ҳолда сюжет яратишдан, китобхонга воқеаларнинг ишончли эканини таъкидлаб кўрсатишдан иборатдир. Мисол тариқасида Мусо ялавоч қиссасида келтирилган хабар ва ҳикоятга эътибор қаратамиз.

Рабғузий бу қиссада “хабар” жанрига оид воқеани келтирганда, доимий, такрорланувчи сифатга эътибор беради: “*Мусо ялавоч ҳар кунда бани Исроилни йиғиб, минбарга ошиб, мажлис тутар эрди, ваъз ва насиҳат айтур эрди. Қорунма олтун пиёла чиқаруб Мусо ўтрусунда қўюб, мутриблар ҳозир қилиб, қуллари ўнгинда, сўнгинда ўлур, ўлтуртуб хамр ичар эрди. Мусо тахаммул қилиб турар эрди*”. Асарда хабар жанри шу лавҳадан иборат. Юқорида айтганимиздай, Мусога хос сифатлар ва у доимий машғул бўлган иш-аъмол бу жанрга асос бўлган. Шу “хабар”дан сўнг келтирилган ҳикоятда эса Мусонинг ҳаёти билан боғлиқ узундан-узуқ воқеа, аниқроғи, у кўрсатган мўъжиза билан боғлиқ воқеа баён қилинади. Ҳикоя мавзуси – Исроил халқининг шаккоклиги, Оллоҳ таоло Мусога берган мўъжиза кўрсатиш қудрати орқали шаккок Қорунни ва унинг жамики мол-мулкини ер ютиб юбориши ҳақида. Ана шу мотив асосида (бу мотив Таврот таркибидаги “Чиқиш” китобида ҳам бор) Рабғузий “мерос қолган сюжет” [4,496] ни қайта ишлади, янгилади. Бунинг натижасида ўзбек ҳикоячилиги Шарқда кенг тарқалган Мусо пайғамбар ҳаётининг муҳим қиррасига – мўъжиза кўрсатиш қобилиятига оид ҳикоя билан бойиди. Мўъжиза – “Қисаси Рабғузий” ҳикояларида қатъий ўрин топган деталлардан бири. Мўъжиза кўрсатишга оид ҳикоятлар Иброҳим, Мусо, Исо Масиҳ, Муҳаммад с.а.в ҳақидаги ва бошқа қатор ҳикоятларда бор. Мўъжиза кўрсатиш ҳақидаги ҳикоятлар бўлмаганда эди, Рабғузий қиссалари оддий хабарлардан фарқ қилмаган бўлар эди.

Ҳикоятда айтилишича, Исо бир хумдан сув ичган эди, сув аччиқ экан, тўкиб ташлади. Сўнг ариқ сувидан ичган эди, сув чучук экан. Ҳайрон бўлиб сўради: “Ариқ суви чучук, хумнинг суви аччиқ. Бунинг ҳикмати нимада экан?” Шу лаҳзада: “Хумдан сўра”, деган нидо келди. Оллоҳ Таоло хумга тил ато қилди ва Исо бояги саволини берди. Хум шундай жавоб берди: “Мен инсон эдим, ўлдим. Кўп йиллар ўтди. Этим, танам, суякларим чириди, тупроққа айланди. Ўша тупроқдан хум ясадилар. Сувнинг аччиғи жоннинг аччиғидир”. Айишларича, Исога бир хилда туриш раво эмас эди. У юрганда, хасталар манфаат топар эдилар. Исо қачон ҳаракатда бўлиб, юрганда, халойиқ озор топар эди (2, 86).

Бу ҳикоя Исо Масиҳга Оллоҳ таоло томонидан мўжиза кўрсатиш қобилияти берилгани ҳақидаги воқеаларнинг биттаси: у шунчаки ҳаракат қилганда – юриб, хасталарнинг ёнидан ўтганда, ё хасталарга қўлини текизганда ё бўлмаса туғма хасталар ҳам унинг кийимига қўлини текизганда, шифо топганлар; у ҳатто ўликларни тирилтириш қобилиятига эга бўлгани ҳақидаги ҳикоятлардан намуналар ҳам бор (2, 88).

Мусо ҳақидаги ҳикоятларда ҳам, худди Исо Масиҳга оид ҳикоятлардаги сингари, мўъжизакорлик қобилияти ҳикоя қилинади. Бу ҳикоятларни Рабғузий келтиришидан мақсад – Мусони пайғамбар сифатида улуғлаш билан бир қаторда, ҳикоя қаҳрамони образини қиссанинг сюжетига боғлаш, қиссада баён қилинган айрим деталларга аниқлик киритишдан иборат. Бу ҳикояларни қисса қаҳрамонларининг айрим қирраларига “шарҳ” деб айтиш мумкин.

Умуман олганда, “Қисаси Рабғузий”даги ҳар бир қисса алоҳида мустақил асар сифатида ўз моҳиятига эга. Қиссалар таркибидаги турли жанрларнинг ўзига хос вазифаси бор бўлиб, қисса қаҳрамони – пайғамбарларнинг тўлақонли ва ишончли образини яратиш, кенг оммада шубҳага ўрин қолдирмаслик эди. Рабғузий буюк наср устаси сифатида бу вазифани бажарди. Бошқа “Қисас ул-анбиё”лардаги пайғамбарлар образи ва жанрларга “Қисаси Рабғузий” қиёсланганда, бу ижодкорнинг маҳорати янада кенгроқ очилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Парамонова М.Ю. Агиография. - Словарь средневековой культуры. М.: «Российская политическая энциклопедия», под. Ред. А.Я.Гуревича, 2003, 9-бет.

2. Исмат Жамилўғли. XIV yuzyila ait bir KISAS-I ENBIYA nusxasi uzerinde sentaks injelemesi. – Ankara, 1994, s.16.

3. Қавс ичидаги биринчи рақам “Қисаси Рабғузий ”нинг (Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1990) жилдини, иккинчи рақам китоб саҳифасини билдиради.

4. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. –Москва, 1940, 496-бет.

КУЛЬТУРНО – ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МАХМУДХОДЖА БЕХБУДИ

Жураев Шодмон Файзуллаевич, Преподаватель БГУ.

Annotation Mahmudhodzha Behbudi certainly one of the brightest representatives of the Jadid movement (from the Arabic "new way") in Turkestan in the early twentieth century. Outdoor activities

Behbudi multifaceted. He was both an educator and publisher, and playwright and prominent politicians of his time. The article is devoted to the creation and work of the great reformer of Turkestan beginning of XX century.

Keywords: Jadida, literature, education, morality, humanism, free thought, a reformer, a primary school, a new method of teaching, republic, culture, education, the young generation.

Во все времена человеческой цивилизации у каждого народа были молодые патриоты своей родины. Они стремились к прогрессу и улучшению жизни своего народа. В тюркском мире это младотурки в Турции, младобухарцы в Бухарском эмирате, младохивинцы в Хивинском ханстве и другие. Все они искренно верили в победу справедливости и прогресса. Здесь основную роль сыграла культурно – просветительская деятельность молодых реформаторов.

История культуры и просвещения Узбекистана многогранна и богата уникальными идеями гуманизма и процветания. В нем много полезного и поучительного. « Без исторической памяти нет будущего » - говорит президент Узбекистана Ислам Каримов (1. 2–4). История джадитов Туркестана яркий пример самоотверженного труда ради свободы и процветания своего народа.

В начале XX века джадиды (просветители реформаторы) сформировали национальную модель, открывающую путь узбекскому народу к созданию нового узбекского государства, обладающего собственными социальными, политическими и экономическими основами. Джадиды стали великими продолжателями многовековых идей гуманизма, свободолюбия и справедливости, прочно укоренившихся в общественном сознание узбекского народа. Они хотели видеть Туркестан государством, где частная собственность находится под защитой государства, где права и свободы граждан защищены законом, где царит толерантность, чтобы государство стояло наряду с развитыми странами Европы, Америки и Азии. (2. 116)

Махмудходжа Бехбудий, Абдулкадыр Шакурий, Абдулла Авланий, Мунаввар Кари, Садриддин Айний и другие представители джадитского движения направляли свои усилия на распространение среди народа идей прогрессивных реформ. Несмотря на жесткую цензуру, они стали издавать свои газеты и журналы свободолюбия. При формирование национальной идеи национального сознания первоочередное внимание джадиты обращали на написание достоверной, истинной, объективной истории. Первый в Туркестане обобщающий труд был назван «История Туркестан».

Революция 1905 – 1907 годов в России послужила толчком к активизации движения джадитов Туркестана (3. 438–439). Именно с этого момента начинается политическая деятельность известного просветителя гуманиста Махмудходжа Бехбуди.

Махмудходжа Бехбудий (1874 г. село Бахшитепа близ Самарканда – 1919 г, г. Карши) – драматург, публицист, религиозный и общественный деятель, лидер джадидов (реформаторы просветители) Туркестана. Отец – Бехбудходжа Салиходжа – оглы – потомок Яссави, мать хорезмийка. После смерти отца в 1898 году его воспитанием занимается дядя кази Мухаммад Сиддык, который обучает его арабскому и персидскому языкам. Бехбуди обучается вначале в медресе Самарканда, затем продолжает обучение в медресе Бухары. В период паломничества (1889–1900 годы) он побывал в Египте, Аравии и Турции. В ходе путешествия в нем крепнет мысль об открытие новометодных школ. Вместе с Аджзий открывает новую школу в селе Халваи близ Самарканда, а вместе Абдулкадыр Шакури – в селе Раджаб Амине. Во время путешествия в Казан и Уфу в 1900–1904 годы он знакомится с местными школами нового метода, налаживает связи с башкирской и татарской интеллигенцией. Приступает к созданию учебников для школ с новыми методами обучения. Издает книги «Рисолаи асбоби савод» (Обучение грамоте, 1905 г), «Рисолаи жухрофи умумий» (Введение в географию местности, 1906 г), «Китобат ул - атфол» (Детское письмо, 1908 г), «Тарихи ислом» (История ислама, 1909 г). В дальнейшем он переводит свою школу в Раджаб Амин в свой двор в Самарканде. В 1911 году Бехбуди пишет драму «Падаркуш» (Отцеубийца), которая была первой узбекской драмой. Она была издана в 1913 году, однако проходит некоторые время, прежде чем её поставят на сцене. В 1913 году под руководством Бехбуди создается первая в Туркестане труппа художественной самодеятельности. И первым произведением, по которому ставит пьесу Ташкентская труппа «Туран» в 25 января 1914 года, также является «Падаркуш». В 1913 году Махмудходжа Бехбуди издает газету «Самарканд». После 45 выпусков из – за финансовых проблем выпуск газеты прекращается. С 20 августа 1913 года Бехбуди издает журнал «Ойна» («Зеркало») (4. 215-217). Еженедельный, красиво иллюстрированный журнал выходил в основном на узбекском языке. В нем также публиковались стихи и статьи на фарси и объявления и рекомендации на русском языке. Журнал распространялся на Кавказе, в Татарстане, Башкирии, Иране, Афганистане, Индии и Турции.

В 29 мая 1914 года Махмудходжа Бехбуди отправляется в свою вторую Хадж (паломничество в Мекку). На обратном пути из поездки в арабские страны он присоединяется к движению Исмаила Гаспиринского. Эта движения была направлена на вооружение тюркских народов передовым

просвещением. В результате этого он обратился ко всему народу Туркестана с призывом основательно изучать свою Родину и культуру, чтобы «жить уверенно, быть интеллигентными, совершенными и справедливыми». Затем он посещает «Священный город» - Иерусалим, Бейрут, Халил ар – Рахман, Порт Саид в Сирии.

Великий просветитель Махмудходжа Бехбуди оставался верен своей позиции: « Только осознав себя, наши может на равных с другими решать общественно – политические вопросы».

Бехбуди активно включился в общественно – политическую работу. Как было сказано выше, в действительности его политическая деятельность берет своё начало в 1906 году. Тогда он принял участие в курултае Союза российских мусульман, состоявшемся в Нижнем Новгороде. Принял участие и выступил с докладом на курултае мусульман Туркестана, который прошел в 1917 году в Ташкенте. Он выступил всех противоречий между мусульманами. Махмудходжа Бехбуди быль избран председателем совета курултая краевых мусульман.

В начале XX века активная деятельность Бехбуди прослеживается в следующих направлениях:
- научно – исследовательское (изучение школы нового типа в Турции, Татарстане, Башкирии);
- просветительская (открытие школ нового типа, пропаганда просветительских идей);
- литературная (создания литературных произведений);
- культурная (открытие национального театра);
- издательская (издание газеты «Самарканд» и журнала «Ойна»);
- политическая (активное участие в общественно - политической жизни Туркестана);
- воспитательная (пропаганда идей чистоты нравственности, трудолюбия, высоко этикета, человеколюбия, справедливости и патриотизма);
- краеведческая (путешествие за рубежом и изучение местности Туркестана);
- религиозная (паломничество в Хадж).

Ранней весной 1919 года, перед зарубежной поездкой в Шахрисабз его арестует люди эмира Бухары при пособничестве агентов Революционной чрезвычайной комиссии (РЧК). Бехбуди и его спутников Мухаммадкула и Марданкула бросает в темницу в Карши, после чего всех казнят. Об этом станет известно в Самарканд через год.

Всем известны его слова: « Если наши жизни будут отданы рады свободы и счастья народа, мы с радостью встретим смерть ».

Смерти Бехбуди и его соратников были не напрасными. Ещё долгое время просветительские идеи Бехбуди озаряли пути многих славных педагогов и литераторов Туркестана. С обретением независимости Узбекистана ещё более актуальными стали идеи Бехбуди о самосознание народа и построение гуманистического общества. На сегодня актуальны идеи Бехбуди о просвещенном исламском культуре. На основе объективного анализа Бехбуди своеобразно прозрачно чисто освещает гуманистические идеи ислама. Поэтому в последние время в Узбекистане, Таджикистане, Германии, США, а также во многих других странах ведутся научные изыскания, посвященные жизни и творчеству великого просветителя. Вместе с этим в Узбекистане на многих улицах и школах дано имя реформатора просветителя Махмудходжа Бехбуди.

ЛИТЕРАТУРА

1. И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент. Узбекистон – 1998.
2. История Узбекистана. Методическое пособие для учителей. Ташкент. Шарк – 2010.
3. Туркестан в эпоху колониализма Царской России. Ташкент. Шарк – 2000.
4. История Узбекистана. Совершенный сборник. Ташкент. Давр – Пресс – 2010.

BUYUK AJDODLARNING MA’NAVIY JASORATI –KELAJAK AVLOD UCHUN TARBIYA VA IBRAT MANBAI

Sultonova Zebiniso Sharipovna Kogon maishiy xizmat kasb-hunar kolleji, kafedra mudiri. Бабаев Хуршид Мансурович БДУ тарих булими 4 боскич талабаси

Tarixga nazar tashlasak, insoniyat tarixiy taraqqiyotining barcha bosqichlarida jamiyat hayoti va taraqqiyotida ma’naviy soha nihoyatda muhim o’rin tutganligining guvohi bo’lishimiz mumkin. “Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” asarida prezidentimiz ma’naviyatning inson barkamolligida, jamiyat taraqqiyotida nechog’li muhimligi hususida o’z fikr va mulohazalarini bildirib o’tadilar. . Har qanday aqli raso kishi o’zini, o’z hayoti, yaqinlari va yurtining kelajagi uchun mas’ul deb biladi. Mas’uliyat tushunchasi axloqning asosiy kuchi va tayanchidir, chunki aynan mas’ullik xissi, bizni bafarqlikdan himoya qilib, javobgarlikka undaydi.

Sharq xalqlari hayotida ko’p ming yillik ijtimoiy taraqqiyotida kishilar o’rtasidagi munosabatlarni tartibga solishda ma’naviyat ustivorlik qilgan. Sharqda ma’nan barkamol shaxs deganda, avvalo axloqan pok kishi nazarda tutilgan. Buyuk ajdodlarning ma’naviy jasorati –kelajak avlod uchun tarbiya va ibrat

manbai bo'lib kelgan. masalan, Beruniy dunyoviy bilimlarni egallashda, kamolotga erishishda kishi axloqan pok, tog'ri so'z, adolatli, kamtarin bo'lishi, xulqini ta'magirlik, shuhratparastlik, takabburlik kabi illatlardan tozalamog'i lozimdir, deb ta'kidlagan bo'lsa, Navoiy bobomiz inson axloqini noyob durga qiyoslaydi, unga qancha ko'p ishlov berilsa, shuncha qimmati oshadi, deb hisoblaydi. Buyuk tasavvufchi mutafakkir Aziziddin Nasafiy o'zining "Zubdat ul-haqoyiq" asarida shunday deydi: "Ma'nan komil inson uldirkim, unda quyidagi 4 hislat kamolotga erishgan bo'ladi: yaxshi so'z, yaxshi fe'l, yaxshi xulq, yaxshi amal". Prezidentimiz I.A. Karimov ham komil inson deganda, biz avvalo ongi yuksak, mustaqil fikrlay oladigan, xulq-atvori bilan boshqalarga ibrat bo'la oladigan kishini tushunamiz" deb ta'kidlaydi.

Kishining axloqi jamiyat taraqqiyotiga bevosita ta'sir etuvchi omil ekanligini bir qator yevropalik olimlar ham ta'kidlab o'tishgan. Ushbu fikrlar bugungi kunda o'z tasdig'ini topayotganligini barchamiz guvohi bo'lib turibmiz. Insonlarda vatanparvarlik, o'zgalar va o'z taqdiriga nisbatan mas'ullik sezish, ta'magirlik, poraxo'rlik kabi illatlardan tiyilish jamiyat axloqiy tizimini, pirovardida ma'naviy dunyosini yuksalishga olib keladi.

Ma'naviyat va madaniyatning shaxs ma'naviy kamolotida va jamiyat taraqqiyotidagi o'rni nechoig'li muhin ekanligi xususida buyuk vatandoshimiz, sharqning ulug' donishmandi Abu Ali ibn Sino shunday deydi: " Dunyoda yovuzlik va adolatsizlikning bu qadar ko'pligining sababi – siz-u, bizdadir. Bilimsizlik yoki uquvsizlik tufayli yovuzlik bilan kurashishdan voz kechishimiz asnosida o'zimiz ham yovuzlikning keng tarqalishiga imkon yaratib beramiz".

Darhaqiqat, jamiyatda adolatsizlik, qonunbuzarlikning ko'payishiga har jihatdan shu jamiyatda yashovchi kishilarning qonunni bilmasligi, o'z huquqlarini talab qila olmasligi, uquvsizligi va loqaydligi sabab bo'ladi. Huquqiy davlat qurushning birinchi sharti, ushbu davlatda yashovchi aholining huquqiy ongini shakllantirishdir.O'z navbatida huquqiy savodxonlik ma'naviy barkamollikning bir qismi hamdir. Chunki ma'naviy barkamollik tushunchasi, huquqiy tarbiya, huquqiy faoliyat va huquqiy savodxonliksiz bir butun bo'la olmaydi. Zamon talabidan kelib chiqqan holda, bugungi kun barkamol kishisi faqatgina o'z sohasining yetuk mutaxassisi, zamonaviy axborot texnologiyalarini va vositalarini yaxshi o'zlashtirish bilan cheklanib qolmasdan, qonunchiligimiz, unda aks ettirilgan o'z huquqlarini, imkoniyatlarini va majburiyatlarini ham yaxshi bilishlari lozim. Zero, inson jamiyatda yashar va faoliyat yuritar ekan, uning manfaatlari shu jamiyatda yashayotgan boshqa shaxslar manfaatlari bilan to'qnashadi. Bu tabiiy xol, chunki ehtiyojlarimiz xilma-xil va cheksiz, imkoniyatlar va resurslar esa cheklangan. Ana shunday vaziyatda noxaqlik, adolatsizlikka duch kelmaslik uchun huquqiy va iqtisodiy bilimlarga ega bo'lish talab etiladi.

Ma'naviy sohani isloh qilishga bag'ishlangan bir qancha asarlar chop ettirildi. Shunday asarlardan biri prezidentimizning "Ma'naviy yuksalish yo'lidan" deb nomlangan asari bo'lib, unda quyidagi jumlalarni uchratishimiz mumkin: "Ma'naviyat insonga havodek, suvdek zarur. Sahrodagi sayyoh har doim buloqda chanqovini bosganidek, inson ham ne-ne azoblar, qiyinchiliklar bilan ma'naviyat chashmasini izlaydi" Darhaqiqat, insoniyat mavjud-ki, u ma'naviy barkamollikka intilib yashaydi. Jamiyatda o'z o'rnini topish, o'ziga hos yangi moddiy va ma'naviy qadriyatlar yaratishga harakat qiladi. Shiddat bilan o'zgarib borayotgan ijtimoiy munosabatlar doirasida o'zligini saqlab qolish ko'p jihatdan shaxsning axloqiy va iqtisodiy huquqiy tarbiyasiga, madaniyatiga bog'liqdir. Zero, axloqiy va va iqtisodiy bilimlarga ega bo'lgan har tomonlama yetuk, ma'nan barkamol shaxslar har qanday jamiyatning kelajagi, tayanchi bo'la oladi.

O'ZBEKISTONDA SHOHMOT DUNYOSINING MADANIYATI

Xoliqov U.K, Guliston davlat universiteti «Pedagogika va psixologiya» kafedra o'qituvchisi.
Hudayqulova Z.U., Guliston davlat universiteti «Pedagogika va psixologiya» kafedra o'qituvchisi.

Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan siyosatning asosiy bo'g'ini – farzandlarimizni ham ma'nan ham jismonan etuk qilib voyaga etkazishdir. Zero, farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur.

I.A. Karimov «Eng muhim vazifa shundan iboratki, o'zligimizni teran anglab, mutafakkir bobolarimiz, aziz avliyolarimiz qoldirgan bebaho merosni asrab-avaylab, yanada boyitishimiz, ulug' ajdodlarimiz ishining munosib davomchilari bo'lmog'imiz lozim»[1], - deydi.

Darhaqiqat uyg'onish davri mutafakkirlari o'z davrlari uchungina emas, balki kelgusi avlodlar, kelajak zamon va davrlar uchun ham ma'naviy kuch-quvvat manbasi, bebaho meros qoldirib, Abu Nasr Forobiyning falsafaga doir, al-Xorazmiyning hisob ilmiga doir, Abu Ali ibn Sinoning tibbiyot ilmiga doir, Abu Rayxon Beruniyning aniq fanlar va tarixga doir, Alisher Navoiyning adabiyot sohasiga doir va yana ko'plab olimu fozil ajdodlarimizning ilmiy, adabiy va falsafiy meroslari o'z davrlaridan keyin ham dunyo xalqlariga yo'l ko'rsatib kelayotganligini butun jahon jamoatchiligi e'tirof etadi.

O'rta Osiyo xalqlari shohmot(shatranj) rivojida muhim o'rin egallagan. Amu-Sirdaryolari oralig'ida joylashgan mamlakatda shunday ilk xalqaro musobaqa 819 yilda o'tkazilgan va unda vatandoshimiz As-Suliy g'alaba qozongan. 1972 yilda Surxondaryo viloyati hududidagi Dalvarzintepada olib borilgan arxeologik qazilmalar vaqtida Kushon davri(1-2-asrlar)ga oid chaturanga donalari topildi. 1977 yilda Afrosiyob (Samarqand atrofi)da o'tkazilgan arxeologik izlanishlar chog'ida 7-8-asrlarga oid ettita shatranj

donasi topilgani bu o'yin bizning zaminimizda chuqur ildiz otganidan darak beradi. Chindan ham 9-asr boshidagi eng kuchli shatranjchilar – Zayrab Katay, Abu Naim al-Xodimiy, Abu Bakr as-Suliy O'rta Osiyoda tug'ilgan. Ko'plab shatranj haqidagi rivoyatlarga qahramon bo'lib kirgan Abdulfaroj Laylojga As-Suliy ustozlik qilgan. Ajdodlarimiz aqlni charqlaydi shaxmat o'yinining ahamiyatini yaxshi bilganlar. U paytlarda ko'pincha 100 katakli shaxmatda o'yinash nufuzli hisoblanardi. Abubakr as-Suli X asrda eng kuchli shaxmat ustasi bo'lgan. Boshqa kuchli o'yinchi-Abulfatx Admad XI asrda shaxmat bo'yicha qo'llanma yozadi, bu risola bir necha asrlar davomida qayta-qayta ko'chirilib unga qo'shimchilar kiritiladi. Firdavsiyning "Shoxnoma"sida shaxmat o'yinlari mahorat bilan ifodalangan edi.

Bag'dodda 9-10-asrlarda kuchli shatranjchilar o'rtasida muntazam ravishda musobaqalar uyushtirilib turilgan. Ularda o'z davrining kuchli shatranjchilari bo'lgan As-Suliy, Az-Roziy, Al-Adliy g'olib chiqishgan. Bundan tashqari, arablar o'yin yozuviga asos solishgan. Ana shu yozuvlar tufayli ko'plab tarixiy o'yinlar matni saqlanib qolingan. Keyinchalik o'yinda «tarbiya» («debyut»), «mansuba» («mittelshpil») kabi tushunchalarning paydo bo'lishi shatranjni sifat jihatdan yangi pog'onaga ko'tardi. Shatranjchilar bilim va mahoratiga qarab saralana bordi. Eng kuchli shatranjchilar oliya(grossmeyster) deya nomlangan.

Buyuk alloma Abu Rayhon Beruniy (973-1050) Hindiston safari chog'ida chaturangani to'rt kishi o'ynayotganini ko'rib, hayron qolgan ekan. Axir, u Xorazmda doim ikki kishi o'ynaydigan shatranjni ko'rgandi-da. Shundan keyin Beruniy shatranj haqida kitob yozgan. Bu kitob bizgacha etib kelmagan. Shatranj nazariyasiga oid eng qimmatli, qadimiy kitob — 300 dan ortiq mansubalar kiritilgan Abulfath Ahmad as-Sijziy(12-asr)ning «Shatranj kitobi» sanaladi. Unga As-Suliy, Al-Xodimiy kabi oliyalarning tuzgan mansubalari ham kiritilgan.

Ulug' davlat arbobi va sarkarda Amir Temur davrida kuchli shatranjchilar yana O'rta Osiyoda — Samarqandda to'planishgan. O'sha davrning kuchli shatranjisi Oloviddin at –Termiziy (15-16-asrlar) Samarqandga kelib, Ali ash-Shatranjiy nomi bilan shuhrat qozongan. U Amir Temur uyushtirgan e'tiborli musobaqalarda g'olib chiqqan. Ash-Shatranjiy bu qadimiy o'yin haqida kitob yozib, unga o'zi tuzgan 19 ta mansubani va o'sha davr oliyalarining sara mansubalarini jamlagan. Amir Temur bobomiz shatranjni mehr bilan o'ynagan. Hatto oddiy shatranj o'yinidan qanoat hosil qilmay Ali ash-Shatranjiy bilan murakkab sanalgan shatranji kabirda (unda 128 katak va 64 ta dona bo'lgan) kuch sinashgan.

Shohmotning Sharqda paydo bo'lgani va uning taraqqiyotiga O'rta Osiyo xalqlari katta hissa qo'shgani isbot talab qilmaydigan haqiqat. 1882 yilda Toshkentda birinchi shohmot to'garagi ochildi. 1885 yilda shohmot to'g'risida qo'llanma kitobcha nashrdan chiqarildi.

1920 yilda Toshkentda shohmot bo'yicha yirik musobaqa o'tkazildi. Bu yurtimizda ko'plab shohmot musobaqalari uyushtirilishi. 1924 yil 24 iyulda Parijda Xalqaro shohmot federatsiyasi(FIDE) tuzilib, shohmotning yagona qonun-qoidasi qabul qilindi. Shu munosabat bilan 1925 yilda Toshkentda uch bosqichli shohmot universiteti tashkil etildi. Universitetning asosiy vazifasi shohmotning zamonaviy qoidalarini keng targ'ib etish va qadimiy o'yinni yanada ommalashtirish edi.

Yurtimiz shohmot jonkuyarlari haqida gap ketganda, O'zbekistonning birinchi chempioni(1930 yilda) Azmiddin Xo'jaev(1892-1946)ni eslashimiz lozim. U shohmotga bog'liq barcha tashkilotchilik ishlarida etakchilik qildi: to'garaklar ochdi, yig'ilishlar, musobaqalar o'tkazdi. Xullas, yurtimizda shohmotchilarning yangi avlodi etuklikga etishiga uchun umrini bag'ishladi.

O'zbekiston shohmot taraqqiyotining keyingi davrini Mamajon Muhiddinov(1927-2002)siz tasavvur etib bo'lmaydi. U to'rt bor O'zbekiston chempioni, respublikada xizmat ko'rsatgan murabbiy, xalqaro toifadagi hakam unvonlariga erishdi, shohmot tarixiga oid nomzodlik dissertatsiyasini yoqladi, sehrli o'yinga bag'ishlangan besh mingdan ziyod maqola, ellikka yaqin kitob yozdi. Shu bilan birga, 40 yildan ortiq davrda Respublika shohmot federatsiyasini boshqardi, yurtimizda yuzlab musobaqalarni uyushtirdi. Aynan uning qo'llab-quvvatlashlari tufayli Georgiy A'zamov (1954-1986) O'rta Osiyoda birinchi bo'lib, xalqaro grossmeyster unvoniga erishdi.

Biz O'zbekistonimizni qudratli shohmot mamlakatlari qatorida ko'rishni orzu qilib yashadik. Orzularimiz mustaqillik yillarida ro'yobga chiqdi. 1992 yil Manilada o'tkazilgan 30-Butunjahon shohmot olimpiadasida ilk bor qatnashgan O'zbekiston terma jamoasi faxrli ikkinchi o'rindan joy oldi. 1994 yilda yosh iqtidorli shohmotchimiz Rustam Qosimjonov Osiyo birinchiligida g'alaba qozondi, jahon birinchiligida bronza medalini qo'lga kiritdi. 1996 yilda Erevanda uyushtirilgan Butunjahon shohmot olimpiadasida Saydali Yo'ldoshev uchinchi taxtada oltin medal bilan taqdirlandi va xalqaro grossmeyster unvoniga munosib ko'rildi. 1997 yilda Rustam Qosimjonov ham xalqaro grossmeyster talabini bajardi va u 1998 yilda ilk bor o'tkazilgan Osiyo chempionatida g'olib chiqdi. 1999 yilda O'zbekiston shohmot terma jamoasi Osiyo chempioni bo'ldi...

2000 yilda mamlakatimizda barkamol avlodni tarbiyalash maqsadida Yurtboshimiz tomonidan uch bosqichli tizimga — «Umid nihollari», «Barkamol avlod» va Universiada sport o'yinlariga asos solindi. Ularga shohmot musobaqalarining kiritilgani qadimiy o'yinni yoshlar o'rtasida yanada ommalashtirish imkoniyatini kengaytirdi.

2004 yil 13 iyul! Liviya poytaxti Tripolida o'tgan jahon chempionatida Rustam Qosimjonov 17-jahon chempioni deb e'lon qilindi. O'sha kun juda katta intellektual salohiyat, iroda va jasorat talab qiladigan shohmot o'yinida o'zining zafar quchgan farzandi bilan birga butun o'zbek xalqi, butun O'zbekiston dunyo shohsupasiga ko'tarildi. Sport tarixiga zarhal harflar bilan yozilgan bu g'alabasi uchun Rustam Qosimjonov Prezidentimiz Farmoniga ko'ra, Vatanimizning oliy mukofoti — «Amir Temur» ordeni bilan taqdirlandi.

2011 yil 27 mart kuni Toshkentda amaldagi jahon chempioni, hindistonlik Vishvanatan Anand va hamyurtimiz Rustam Qosimjonov o'rtasidagi bahs mamlakatimiz hamda jahon shohmot muxlislarida katta qiziqish uyg'otdi. Bahsning ertasi kuni Anand yosh shohmotchilarimizga mahorat darslarini o'tkazdi. Anand yoshlarimizning iqtidoriga yuksak baho berdi: «Men bo'lg'usi jahon chempionlari bilan o'ynadim».

Farg'onalik Gulruhbegim Tohirjonova 12 yoshgacha bo'lgan qizlar o'rtasida o'tkazilgan jahon chempionatida bronza medaliga egalik qildi. Uning opasi Nafisa Mo'minova shu yil 14 mart kuni Xalqaro grossmeyster talablarini bajardi. Sloveniyada o'tgan jahon chempionatida Nodirbek Abdusattorov (8 yosh) oltin medalni qo'lga kiritdi. SHohmot bo'yicha ikki nafar jahon chempioni bor: Rustam Qosimjonov va Nodirbek Abdusattorov!

Shaxmat insoniyat kashf etgan eng qadimiy, qiziqarli, jozibali hamda go'zal o'yindir. Shaxmat qizikarli va maroqli o'yin. Bola yoshligidan shaxmatda yuzaga keladigan variantlarni isbotlay boshlaydi. Ularni solishtiradi, yaxshisini tanlaydi, vaziyatga baho beradi, har doim band bo'ladi. Uning vaqti miya uchun kerakli va foydali mashg'ulot bilan to'ldiriladi. Agar bola shaxmatdagi kombinatsiyalarni topa olar ekan, matematika darsidagi qiyin masala echimini albatta topishga xarakat kiladi.

Shaxmat – katta sport, murakkab fan va jozibali san'at ham. Shaxmatning ijtimoiy maqomi, falsafiy va psixologik masalalari, fanlar bilan aloqadorligi yirik olimlar, nufuzli ilmiy markazlar tomonidan uzoq yillar davomida atroflicha o'rganib kelinmoqda. So'nggi yillarda jahonning ko'plab rivojlangan davlatlarida, jumladan, mamlakatimizda ham shaxmatni ommalashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda.

Adabiyotlar ro'yxati

1. .Karimov "Istiqlol va ma'naviyat". T., 1994.
2. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T., 1998.
3. Ma'naviyat yulduzlari. Akademik M.Hayrullaev tahriri ostida. T.
4. Ibn Arabshox. Ajoyib al maqdur fi ahbori Taymur.
   (Temur tarixid.0a taqdir ajoyibotlari). 2-kitob. –T.: Mehnat, 1992. 69-70 betlar.
5. Muhiddinov M. Kataklarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976. 66 bet.

CHET TILI BO'YICHA DARSDAN TASHQARI ISHLAR MAQSADI VA TASHKILIY MEZONLAR

Supiyev Shavkat Axmatovich, Navoiy Davlat Pedagogika Instituti, Fakultetlararo chet tillar kafedrasi o'qituvchisi

Ta'lim dasturi dars tufayli ruyobga chiqadi. Dars zamon va makonda chegaralangan ta'limiy hosiladir. Uning mazmunan ajralmas, zamonda esa ajralgan qismi uy ishidir. Dars va mustaqil ishi 100% o' quvchilar uchun majburiy mashg'ulotlar hisoblanadi. O'quvchilarning muayyan qismi ixtiyoriy mashg'ulot va darsdan tashqari ishlarda ishtirok etadi. Darsdan va fakultativdan tashqaridan, jadvalga kirmaydigan, maxsus o'quv dasturiga ega bo'lmagan, biroq sinf va uy ishlarini uzviy davomi sifatida o'tkaziladigan darsdan tashqari ish makomini olgan.

Har bir o'quvchi darsga qatnash va uy vazifasini bajarishga majbur, lekin fakultativ yoki sinfdan tashqari ishlarda ishtirok etishi ixtiyoriy.

Dars va undan tashqari ish maqsadlarini ta'riflashda birinchidan, ular orasidagi sezilarli farq nazarda tutiladi, ikkinchidan, darsdan tashqari ish turlarining xususiyatlari inobatga olinadi va nihoyat, uchinchidan, o'quv predmeti oldiga qo'yilgan amaliy, ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi maqsadlar tulig'icha hisobga olinadi.

Darsdan tashqari ishlarning har bir turining xususiyatidan, kelib chiqib ularga qator metodik talablar qo'yiladi. Talabalarni ruyobga chiqarish darsdan tashqari ishlarni tashkil qilish mezonlari bilan bog'liq. Qo'yidagilar kiradi: mavzuiy kecha, viktorina (savol-javob tomoshasi), tanlov, olimpiada, kinofil'm (diafil'm) namoyish qilish, chet tili haftaligi (kuni), ko'rgazma, badiiy havaskorlik, BDK va x.k.z

Kechalar: darsdan keyin o'tkaziladigan ommaviy ishlar orasida mazmunan va shaklan turli - tumanligi bilan ajralib turadi.

Ko'rik: Chet tilida tashkil qilinadigan darsdan tashqari muhim ish turlaridandir. Unda yakka holda guruh bo'lib va sinf bilan qatnashish ruxsat qilinadi.

Viktorina: (savol-javob tomoshasi) chet tili va boshqa o'quv predmetlarini bilish darajasini oshirish va predmetlararo aloqani kuchaytirish yo'lidagi muhim ishdir. Olimpiada: shaklida o'tkaziladigan ommaviy ish o'quvchilarni kasbga yo'naltiruvchi ommillardan sanaladi. Shahar, tuman maorif bo'limlarida

saqlanadigan maxsus nizomga ko’ra ushbu ta'limiy tadbir o’tkaziladi. Chet tili olimpiadasi ishtirokchilariga qo’yiladigan o’quv talablari matbuotda e'lon qilinadi. Chet tili haftaligi yoki kuni katta tayyorgarlik bilan o’tkaziladigan ommaviy ish turlaridandir. "Haftalik" o’quv yili mobaynida quyidagilar muhim mezonlar hisoblanadi.

1. Ixtiyoriylik. O’quvchi o’z xohish istagi bilan darsdan keyin mashg’ulotga qatnashadi.

2. Muntazamlik va aniq maqsad. Ishlar bir me'yorda (haftada, oyda, yarim yilda har kuni) bajarib boriladi.

3.Yoshiga moslik. Ishtirokchilarning shaxs xususiyatlarini, ya'ni bilim saviyasi va qiziqishlari kabi ruhiy va ma'naviy jihatlarini nazarga olib, ularga yumush yuklanadi.

4. Uzviy bogliqlik. Darsda shakllanadigan nutqiy ko’nikma va malakalar zaminida darsdan tashqari ish tashkil qilinadi. O’z navbatida dars jarayoniga ijobiy ta'sir o’tkaziladi.

5. Ommaviylik. Imkon boricha ko’pchilik jalb etilsa, darsdan tashqari tadbirlarning o’quv-tarbiya jarayonida jonlantirshga shunchalik yaxshi erishiladi.

6. Informativlik (axborotga bog’liq). Darsdan tashqari sarflanadigan kuch va vaktni zoya ketkazmaslik maqsadida majburiy dastur o’quv materialini takrorlash va mustahkamlash bilangina kifoyalanmay, rejalashtirilgan tadbirlarning mazmuni sinchiklab tanlanadi. O’quvchiga yangilik berilishi, qiziqarli axborotga, oshna etilishi, uning bilish extiyojini qondirilishi darsdan tashqari ishlarning informativligi, ya'ni ma'naviy ozuqaga boylig’i orqali ta'minlanadi.

Darsdan tashqari ishlar o’zining maqsad va mazmuniga ko’ra turli shakllarda bo’ladi. Ularni asosan uch ko’rinishda tashkil qilinadi, ya'ni ommaviy, guruxiy va yakkama-yakka o’tkaziladi. Maktab tajribasida uchalasini o’z navbatida yana kichik turlarga b’linishi ma'lum (ularni qo’yiroqda mufassal bayon qilamiz).

Chet tili mualimi darsdan tashqari ishlarning turlarini o’quvchilarga tavsiya qiladi, material tayyorlanadi va ularni o’tkazish metodikasi ishlab chiqadi (mavjud adabiyotidan keng foydalanadi). Ayrim tadbirlarni u maktab miqiyosida muvofiqlashtiriladi. Ish turlari bo’yicha o’quvchilarni safarbar etadi, guruhlarga ajratib vazifalarni belgilaydi, topshiriladigan yumushlarning ijrosini nazorat ostiga oladi.

Maktab o’quvchilari qatnashadigan darsdan tashqari ishlarning uch toifasini ko’rib chiqamiz. Ommaviy ishlar. Darsdan tashqari ommaviy ishlari nisbatan ko’pchilik qatnashadi, maktabda joriy etilgan ommaviy tadbirlar sirasi bir marta, belgilangan vaqtda o’tkaziladi. Badiiy havaskorlik va ko’rgazmalar ko’rik shaklida o’tkazilishi odatga aylangan. Baynalmilal do’stlik klubi ommaviy tadbir sanaladi. Klub tashkil qilinmagan bo’lsa, tuguraklar tuzilsa ham bo’ladi.

Barcha ommaviy va guruxiy hamda yakkama-yakka tashkil etilgan darsdan tashqari ishlarda qatnashgan ilg’or o’quvchilar muallimlarga yaxshi tanish "KVN" nomi bilan atalgan tadbirlarda ishtirok etishlari mumkin.

ADABIYOTLAR:

1. I.A.Karimov "Barkamol avlod orzusi"
2. I.A.Karimov "Buyuk kelajak sari"
3. U.Hoshimov va boshqalar. "Ingliz tili o’qitish metodikasi"
4. J.Jalolov. "Chet tili o’qitish metodikasi"

BAHORNING QIRQ YETTI LAHZASI

Эрдонов Турғун Аблоқулович,Navoiy Davlat Pedagogika Instituti, Fakultetlararo chet tillar kafedrasi o’qituvchisi


O`zbek xalqining sevib ardoqlagan shoiri Muhammad Yusuf ijodida hamisha xalqiga, Vataniga cheksiz sadoqat va fidoyilik mavzusi asosiy o`rinni egallagan. Shoir ijodini o`rganish jarayonida shu narsa ayon bo`ladiki, uning har bir satrida Vatanga bo`lgan cheksiz mehr-muhabbat namoyon bo`lib turadi. Shunday ekan, adabiy ta’limda Muhammad Yusuf ijodini o`quvchilarga o`rgatish orqali ularda vatanparvarlik, o`z uyiga, xalqiga bo`lgan sadoqat, milliy qadriyatlarni asrash kabi his-tuyg`ularni shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda barkamol, yetuk avlodni tarbiyalashda ta’lim-tarbiya tutadigan mavqe maktabda adabiyot o`qitishni har tamonlama puxta yo`lga qo`yishni taqazo etadi. Shuning uchun ilmiy-uslubiy tadqiqotlarning asosini o`qitish muammolari tashkil etadi.

Badiiy adabiyot inson ma’naviyatini qaror toptirishda kuchli ta’sir ko`rsata oladigan vositadir. Ayni shu jihat dastur va darsliklarda o`rganish ko`zda tutilgan badiiy matnlardan, poetik she’riyatdan insonning pokiza va nozik tuyg`ularini shakllantirishga qo`l keladigan tarzda ifoda etish yo`llarini topish zaruratini yuzaga keltiradi.

Bu ishni amalga oshirish uchun adabiy ta’limda umuminsoniy qadriyatlarni, milliy urf-odatlarni singdirib borish, yosh avlodni Vatanga bo`lgan mehr-muhabbatini yanada oshirish, ularni xalqiga sadoqatli bo`lish ruhida tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi degan xulosaga keldik.

Umuta’lim maktablarida Muhammad Yusufdek betakror shoir hayoti va ijodini o`rganish o`quvchilarda katta qiziqish uyg`otadi, desak ham xato bo`lmaydi. Chunki shoir qalamiga mansub she’rlar allaqachon har bir yosh-qarining qalbiga qo`shiq bo`lib yetib borgan. Uning Vatan haqida yozilgan qo`shiqlarini tinglagan inson qalbida allaqanday bir tuyg`u paydo bo`lmay iloji yo`q.



Hattoki, M.Yusuf satrlariga ustoz shoirlarimiz ham tan berishgan. Jumladan, Abdulla Oripov Muhammad Yusuf haqida shunday degan edilar: “Vatan haqida juda ko`p yozilgan. Yozilgani yaxshi, albatta. Muhammadjon ukamiz bir she’rida “Yurtim, seni iddaolar qilmay sevaman” deb aytganda qanchalar haq edi. Darhaqiqat, u o`z elini, xalqi, Vatanini chin farzandday, beg`araz, sidqidildan yaxshi ko`rar edi. Shu mehrning natijasi o`laroq, uning she’riyati ham xuddi shundoq beminnat va beg`araz she’riyat sifatida maydonga keldi. Va bu oqko`ngil, osmonqalb ukamizdan xuddi shunday she’riyat yodgor qoldi”.[1]

Haqiqatan ham, shoir Muhammad Yusuf hayoti va ijodini har tomonlama mukammal o`rganish bugungi kunda barkamol avlod yoshlarini tarbiyalashda dasturamal bo`lib xizmat qiladi qila oladi.

Adabiyot inson ma’naviyatini shakllantiradigan asosiy vositalaridan biri. “Biz milliy ma’naviyatni har tomonlama yuksaltirish masalasini o`z oldimizga asosiy vazifa qilib qo`yar ekanmiz, bugungi kunda ma’naviyatimizni shakllantiradigan va unga ta’sir o`tkazadigan barcha omil va mezonlarni chuqur tahlil qilib, ularning bu borada qanday o`rin tutishini yaxshi anglab olishimiz maqsadga muvofiq bo`ladi.

Albatta, har qaysi xalq yoki millatning ma’naviyatini uning tarixi, o`ziga xos urf-odatlari va an’analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo`lmaydi. Bu borada tabiiyki, ma’naviy meros madaniy boyliklar, ko`hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan biri bo`lib xizmat qiladi”[2]. Ana shu ma’naviy merosimizga, muqaddas tuprog`imizga sodiqlik hissini uyg`otishda Muhammad Yusuf she’rlarining ham o`z o`rni bor.

O`zbekiston xalq yozuvchisi Said Ahmad “Azim shoirlar uzoq yashamaydilar, lekin ortidan adabiy yashaydigan meros qoldirib ketadilar”, deb yozganligi nechog`lik haqiqatligini anglab yetamiz.

Baland pardalarda Vatan madhini ko`ylagan, yurt, xalq dardini xuddi o`zini dardidek kuylagan va o`z asarlarida ifoda eta olgan shoir sifatida yuksak cho`qqilarni zabt etdi.

Muhammad Yusuf she’riyatida bir ilohiy kuch mavjud bo`lib, har qanday insonni o`ziga maftun etadi. Shu sababli ham shoir ijodini bugungi kunda keng o`rganila boshlandi. Kelajakda shoir she’riyatining yangidan yangi qirralari kashf etilib boriladi.

Muhammad Yusuf she’riyati ulkan bir ma’naviyat va ma’rifat dengizi. Bu dengiz barkamol avlod tarbiyasida muhim sanalgan eng zaruriy fazilatlar, qadriyatlar va an’analar boyitilgan.

Muhammad Yusuf ijodi o`zbek adabiyotining eng katta yutuqlaridan biridir. Shoir asarlari – she’riyati, uning hayot yo`li, bugungi kun adabiyotshunosligida keng o`rganilmoqda, u haqida ilmiy tadqiqot ishlari yaratilmoqda. Shoir kuylagan umumbashariy g`oyalar o`zbek adabiyotining durdonalari qatoridan joy olmoqda.

Muhammad Yusuf ijodi uning she’riyati bugungi kunda yanada chuqurroq o`rganishni talab etmoqda. Ma’naviy me’rosimiz yuksalayotgan Mustaqil O`zbekistonimizda shoir she’riyatining turli qirralarini ochib berish amaliy ahamiyatga egadir.

---

[1] Muhammad Yusuf. Ulig`imsan, Vatanim. T., “O`zbekiston”n., 2010. 3-bet.
[2] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat- yengilmas kuch. Toshkent, “Ma’naviyat”, 2008, 30-31-betlar.

АДАБИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Усмонов Шовқиддин, Navoiy Davlat Pedagogika Instituti

Ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари. Метод ва услуб тушунчалари ҳақида. Адабий йўналиш тушунчаси.

Авало шуни айтиш керакки, биз "ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари"(Г.Поспелов) тарзида ишлатаётган тушунча адабиёт назарияси ва эстетикага оид ишларда "ижод типи" (Л.Тимофеев), "бадиий тафаккур шакли" (И.Султон), "бадиий тафаккур усули" (Ю.Борев) каби қатор атамалар билан юритилади. Лўнда қилиб айтсак, бу ўринда гап адабий асарларни уларда яратилган бадиий воқеликнинг реал воқеликка муносабатига кўра иккита катта гуруҳга (реалистик ва нореалистик) ажратиш устида боради. Шуниси ҳам борки, гуруҳга ажратиш принципларида ҳам муайян фарқлар мавжуд. Хусусан, Л.Тимофеев бунда қуйидагича фикрга таянади: "... биз реалистлар деб атайдиган ёзувчиларнинг ижодида олдинги планга биз акс эттириш деб атаган ибтидо, яъни, воқеликдаги ҳодисаларни улар ҳаётда қандай бўлса ўшандайлигича кўрсатишга интилиш етакчилик қилади; шуниси билан улар ёзувчининг воқеликка бевосита мосликдан чекинишига имкон берувчи қайта яратиш ибтидоси устиворлик қилган образлардан фарқланади" (Тимофеев Л.И. Основў теории литературў.- М.,1966.- С.1О1). Кўрамизки, Л.Тимофеев ижод жараёнида "акс эттириш" ва "қайта яратиш" амаллари нисбатидан келиб чиқади-да, ижоднинг реалистик ва романтик типлари ҳақида сўз юритади. Бироқ, бизнингча, "воқеликни аслидагича тасвирлашга интилиш" талаби реалистик адабиёт имкониятларини торайтириб юбориши, дейлик, унинг бадиий арсеналига шартли образу воситаларнинг кириб келишига тўсқинлик қилиши табиий (реалистик адабиётнинг ҳозирги ҳолати бунинг аксини кўрсатаётир) бўлур эди. Боз устига, ҳар қандай бадиий асарда "акс эттириш" ва "қайта яратиш" амалларининг натижаси зуҳур қилишини Л.Тимофеевнинг ўзи ҳам эътироф этади. Зеро, бадиий ижод эстетик фаолият экан, фаолият предмети (ҳаёт материали) ижодий қайта ишланиб қайта яратилганидагина чинакам санъат асари дунёга келади.

Ўйлашимизча, мазкур масалада Г.Поспелов тутган мавқе реализмни бирмунча кенгроқ тушуниш имконини бериши билан диққатга моликдир. Сабабки, Г.Поспелов реалистик адабиёт табиатини асарда яратилган характерлардан келиб чиқиб тушунтиради. Олимнинг фикрича, реалистик асарда: "... ёзувчи ўз қаҳрамонларини ўзлари яшаган давр ва муҳит ижтимоий муносабатлари асосида шаклланган ижтимоий характерлари хусусиятларига, уларнинг ички мантиқига мувофиқ тарзда ҳаракат қилиш(исташ, ўйлаш, ҳис этиш, гапириш)га мажбур қилади". Бунинг акси ўлароқ, ҳаётни бадиий акс эттиришнинг нореалистик ("норматив") принципига таянилган асарда эса: "... ёзувчи ўз персонажларини ўз характерларининг реал, тарихан конкрет хусусиятлари ва имкониятларига мувофиқ тарзда эмас, балки ўша характерларнинг ёзувчи қарашлари ва идеаллари асосида ҳиссий идрок этилган, тарихий конкретлиликдан айро тушувчи моҳиятига мувофиқ тарзда ҳаракат қилиш(исташ, ўйлаш, ҳис этиш, гапириш)га мажбур қилади" (Поспелов Г.Н. Проблеме исторического развития литературу.-М.,1972.-С.258-27О). Эътиборли жиҳати шундаки, бу хил ёндашувда бадиий воқеликдаги эпик тафсилотлару деталларнинг ҳар вақт ҳам ҳаётий(яъни, реал воқеликдагига монанд) бўлиши талаб қилинмайди. Зеро, бу ўринда бош мезон - персонажларнинг конкрет ижтимоий шароитда шаклланган характерлари ички мантиқидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишидир.

Демак, ҳаётни бадиий акс эттиришнинг реалистик принципи характерларнинг уларни шакллантирган ижтимоий-тарихий шароитга, кўпроқ шу шароит билан белгиланувчи характер мантиқига мувофиқ ҳаракат қилишларини тақозо қилади. Масалан, Раззоқ сўфи хонадонида вояга етган, характер хусусиятлари шу муҳит томонидан белгиланган Зеби романда ўз характер мантиқига мувофиқ ҳаракат қилади: унинг мингбошига унашилганидан сўнг, келин бўлиб тушгач ёки суддаги хатти-ҳаракатлари шундай дейишга асос беради. Худди шу гапни А.Қодирийнинг Раъносига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин (буни ўзингиз асослашга уриниб кўринг). Нореалистик асарда эса қаҳрамон ўзининг конкрет шароитда шаклланган характери мантиқидан келиб чиқиб ҳаракат қилмайди, балки ёзувчининг қарашлари ва идеалига мос тарзда ҳаракатлантирилади (масалан, Фарҳод).

Ҳаётни бадиий акс эттириш тамойиллари 30-40-йиллар адабиётшунослдигида "метод" деб юритилиб, унга кўра бадиий адабиётда иккита - реалистик ва нореалистик ижодий методлар мавжуд деб саналган. Кейинроқ метод атамаси остида бадиий асарнинг ғоявий мазмуни билан боғлиқ бўлган ҳаёт материалини танлаш, бадиий идрок этиш ва баҳолаш принциплари тушунила бошланган. Яъни, метод энди бадиий тафаккур тарзи саналиб, у бадиий адабиёт эътиборини воқеликнинг у ёки бу қирраларига қаратиши, типиклаштириши ва баҳолашида намоён бўлувчи ҳодиса саналган. Англашиладики, атамадаги кейинги маъно кўчиши адабиётнинг мафкура қуролига айланишини илмий асослаш жараёнида содир бўлган бўлгандир. Шундай бўлса-да, атаманинг кейинги маънода қўлланиши бадиий ижоддаги икки муҳим унсур - метод ва услубни алоҳида категориялар сифатида

тушуниш ва тушунтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Бадиий тафаккур тарзини англатувчи метод гносеологик (яъни, бадиий билиш билан боғлиқ) категория бўлса, услуб антропологик (яъни, ижодкор шахси билан боғлиқ) категориядир. Бундан кўринадики, метод ғоявийлик ҳодисаси бўлса, услуб бадиийлик ҳодисасидир. Услуб ижодкорнинг ижодий индивидуаллигини белгилайди, ижодий индивидуаллик эса у яратган бадиий асарнинг барча сатҳларида (бадиий матннинг тузилиши - риторика, бадиий воқеликни яратиш принциплари - поэтика) намоён бўлади. "Услуб - одам" деган қарашнинг вужудга келиши бежиз эмас: асар ўзида ижодкор шахсини ифодалар экан, буни услубда намоён этади. Айтайлик, А.Қаҳҳорга хос жумла тузиш, А.Қаҳҳорга хос ривоя, А.Қаҳҳорга хос бадиий деталлар функционаллиги, А.Қаҳҳорга хос сюжет қурилиши дея олишимизнинг боиси шундаки, буларнинг бари А.Қаҳҳор услуби билан, унинг ижодий ўзига хослиги билан изоҳланади.

Адабий йўналиш тушунчаси биз юқорида тўхталган ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари, метод ва услуб тушунчалари билан бевосита боғлиқдир. Адабий йўналиш бадиий тафаккур тарзи, метод ва услуб кесишган нуқтада юзага келувчи тушунчадир. Гап шундаки, муайян даврда яшаган бир қатор ижодкорлар яратган кўплаб асарларда типологик умумийлик мавжуд. Типологик умумийлик ҳаёт материалини танлаш, уни бадиий идрок қилиш ва баҳолаш принципларида, асарларнинг бадиий шакл хусусиятлари, услубий жиҳатларида ўзини намоён этади. Узлуксиз адабий жараённинг муайян босқичларида кузатилувчи бадиий ижоднинг ғоявий-эстетик тамойиллари асосидаги умумийлик адабий йўналиш ҳақида гапириш имконини беради. Адабий йўналиш адабий жараённинг, бадиий тафаккур тарраққиётининг муайян босқичини назарий жиҳатдан умумлаштириш орқали унинг моҳиятини англаш имконини берувчи муҳим адабий-эстетик категориядир. Шуни ҳам унутмаслик керакки, типологик умумийлик бир йўналишга мансуб ижодкорнинг ҳам ғоявий, ҳам эстетик жиҳатдан ўзига хослигини инкор қилмайди. Яъни, бир йўналиш доирасидаги асарларда турлича идеалларнинг, дунёқарашнинг акс этиши табиий ҳодисадир. Масалан, романтизм йўналишига мансуб бўлмиш Байрон билан Гёте асарларида айнан бир хилликни излаш хато, улардаги яқинлик чуқур қатламларда, катта ўлчовдагина намоён бўлади.

Демак, бир адабий йўналиш доирасида турли оқимлар кузатилиши мумкин. Зеро, адабий оқим адабий йўналишнинг бир кўриниши, ўзига хос бир варианти саналади. Адабий йўналиш ва оқимдан фарқ қилароқ, адабий мактаб деганда назарий жиҳатдан англанган ижодий дастурига эга бўлган, ташкилий тузилма сифатида шаклланган ижодкорлар гуруҳи тушунилади. Масалан, XX аср бошлари рус адабиётидаги футуристлар, акмеистлар шу хил мактаб сифатида кўрсатилиши мумкин.

Адабиётшуносликда адабий йўналишларни ажратишда турличалик бор. Жумладан, айрим адабиётшунослар адабий йўналиш деганда англанган ғоявий-эстетик тамойилларга, турли даражада амал қилинувчи ижодий дастурга эга бўлишликни шарт қилиб қўядилар. Бироқ бу хил ёндашув чалкашликлар келтириб чиқариши, моҳиятан бир хил адабий ҳодисаларни турли атамалар билан номлашни келтириб чиқаради. Масалан, бу ҳолда классицизмни - адабий йўналиш, романтизмни адабиёт тараққиётидаги босқич деб аталадики, бу унчалик мақбул эмас. Биз адабий йўналишларни Ю.Борев қарашларидан келиб чиққан ҳолда ажратишни мақбул деб биламиз. Унга кўра, ўтмиш адабиётидаги (мифологик реализм, ўрта асрлар символизми, уйғониш даври реализми, барокко, классицизм, маърифатпарварлик реализми, сентиментализм, романтизм, танқидий реализм) ҳамда XX аср адабиётидаги (реализм, социалистик реализм, сюрреализм, экзистенциализм) йўналишлар ажратилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати.-Т.,2000
2. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб.-Т.,1998
3. Содиқ С. Сўз санъати жозибаси.-Т.,1996
4. Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз.- Т.,1997
5. Исмоил Ҳ. Қоши ёсинму дейин... // Шарқ юлдузи.-1995.-№1.-Б.197-204
6. Қуронов Д. Истиқлол дарди.- Т.,2000
7. Қуронов Д. Бадиият сирлари//Тафаккур.-1998.-№1
8. Йўлдошев Б. Адабий танқидчиликда тарихий-биографик ёндашув тамойили //Ўзбек тили ва адабиёти.-2000.-№3.-Б.16-18
9. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М.,1987
10. Бар Л.Б. Анализ художественного произведения.-Т.: Ўқитувчи,1995
11. Гадамер Г-Г. Актуальность прекрасного.-М.,1991

DARVISH ALI CHANGIY TA'LIMOTI VA ZAMONDOSHLARI

Javodbek Kozimov, SamDU «Musiqa nazariyasi va an'anaviy ijrochilik» kafedrasi dotsenti

1.Darvesh Ali Changiy: Buxoroda yashab ijod etgan bu ulug' musiqashunos, san'atkor hayotining so'nggi yillari Imomqulixon zamoniga to'g'ri keladi. Uning oxirgi yirik musiqiy risolasi aynan shu Imomqulixonga bag'ishlangan. Ma'lumki, mazkur davr Movarounnahr tarixida ijtimoiy-siyosiy vaziyat o'zgarib, ko'proq diniy hurofotga yuz tutilgan payt edi. Madaniy-ma'rifiy sohada ham Temuriylar saltanatida oliy maqomda bo'lgan va buyuk cho'qqilarga erishgan nafis san'atlarga e'tibor kamaya boshladi. SHuning uchun Darvesh Alining musiqiy ta'limoti, davr taqozosiga ko'ra, Kavkabiylikidan boshqacharoq ehtiyojlarga qaratilganligi bilan xususiyatlanadi.

Bundan tashqari, badiiy ilmlar sohasida mukammal tarbiya topgan, she'riyat va musiqiy san'atlarga o'ta ishqiboz bo'lgan Ubaydulloxondan farqli ravishda Imomqulixon nafis san'atlarga uncha iltifotli bo'lmagan. SHul sababdan, allomai zamon Darvesh Ali CHangiy musiqa borasida ilmiy-nazariy qarashlar bilan bir qatorda bu fanning sharofati haqida hadisu hikmatlar keltirish va zamondoshlar ongiga singib ketgan aqidalarga muvofiq rivoyat hamda afsonalarga tayanib fikr yuritishga majbur edi.

Marog'iyning "Maqosid al-alhon"ida musiqaning bosh omili bo'lmish nag'maning to'rtta asosiy manbai qayd etiladi. **Birinchisi,** hisob ilmi negizida hosil qilingan nag'malar. Ya'ni, past-balandligi sonlar nisbati bilan ifodalanadigan nag'ma birliklari. **Ikkinchisi**, handasa ilmi, ya'ni, cholg'u asboblaridagi torlarning uzun-qisqaligini o'lchash yo'li bilan yuzaga keltiriladigan nag'malar. **Uchinchisi,** ilmi ta'ab, ya'ni, insonning irodasi va his-tuyg'ulariga (hayajon, sokinlik, qo'rquv, shijoat, g'am, shodlik va boshqalar) kabi ruhiyyotga xos muvofiq sodir bo'ladigan nag'malar. **To'rtinchisi,** urf etilgan ilmlardan yuzaga keladigan nag'malar.« Risola qismidagi ma'lumotlar orasida Kavkabiy ijodi, ayniqsa, uning Kulliyotini SHashmaqomga bog'langan tomonlari diqqatga loyiq. Uning unvoni "Zamonasining Xoja Abdulqodiri Mavlono Kavkabiy Buxoriy" — deb, iftixor etilgan. *O'zR FASHI inv.№ 468*[1] *raqamli qo'lyozmada riyoziy va tabiiy ilmlardan ko'ra, an'anaviy yo'l-yo'riqlar ko'proq o'rin oladi.* Uning birinchi bobida **samo' va dafga** oid hadislar, ikkinchi bobida ilmi musiqiyning **kuy (alhon) va vazn (iyqo')** asoslari bayon etilgandan so'ng, uchinchi bobida to'g'ridan-to'g'ri asl maqomlar va ularning tarmoqlari **(sho''ba, ovoz va ranglar)** ning yuzaga kelishiga oid urf-odatlar ifodalanadi. Mazkur bob: "Bilginki, Xoja Abdulqodir ibn Abdurahmon Marog'iy, Hoja Safiuddin ibn Abdumo''min va Sulton Uvays Jaloyirlar ta'kidlashicha, avval 7 payg'ambardan 7 maqom va Bobo Umardan qolgan yana bittasi bo'lgan" — degan jumla bilan boshlanadi. So'ngra har bir maqomni ulug'larga nisbat qilinishiga oid mufassal rivoyatlar keltiriladi: Rost-Odam Otaning Momo Havvo firoqi nidolari; Ushshoq-Nuh nolasi, Navo- Dovud hasrati; Hijoz- Sulaymonning shodlik kuylari; Iroq-Ayyubning mubtalolik sadolari; Husayniy- Yoqub firoqi; Rahoviy- Qur'oni Karim nozil bo'lganda Muhammad s.a.v. tilovat qilgan ohanglar, Busalik- Bobo Umar tuya yetaklaganda aytadigan kuy[2].

2. Fazoviy (kosmologik) o'n ikki (12)-maqom falak burjlari

Kulliyotning oliy maqom bilan bog'lanishida davom maqomlar yaratilib, bunda, yana Xoja Abdulqodirdan rivoyat qilinib, u o'zining **"botin idroki"** va **"fahmi zohiri"** bilan mazkur 8 maqomga yana to'rttasini Isfahon, Buzruk, Kuchak va Husayniylarni qo'shganligi bayon etiladi. Maqomlarning yuzaga kelishi masalasi munosabati bilan Darvesh Ali va Mavlono Kavkabiy nomidan ilmi-advor ta'limotining muhim va chigal nuqtalardan birini tushuntiradi. U ham bo'lsa, butun maqomot tizimining tadrijiy rivojlanishida asl parda va sho''balarning nomlari, tartibi va ularning ma'no-mazmuni bilan to'ldirilishi turlicha bo'lganligini e'tirof etilishidir.

Shashmaqom movoraunnaxrning piru mo'jizasi va xalqlarning tarixiy hayoti va mamoti bilan hamnafas bog'langan musiqiy ramzimizdir. Mazkur tamoyildan 200 va undan ortiq asrlar davomida o'ziga xos davriy qarashlarda shakllanib, rivojlanib kelgan. Maqomlarning nafaqat nom-nishonalari, balki ular atrofida yuzaga keladigan fikr-mulohazalar ham doimiy almashib turadi — degan xulosa kelib chiqadi. «Darvesh Ali Aflotun zamonlarida taraqqiy topgan fazoviy (kosmologik) qarashlarga ko'ra, 12 maqom falak burjlari; 1. Rost-Hamal,23.03-22.04 2. Isfahon-Savr,23-04.22.05. 3. Iroq-Javzo, 23.05-22.06. 4.Kuchak-Saraton,23.06-22.07.5.Buzruk-Asad,23.07-22.08.6.Hijoz-Sumbula,23.08-22.09. 7. Busalik-Mezon,23.09-22.10. 8. Ushshoq-Aqrab,23.10-22.11. 9.Navo-Qavs,23.11-22.12. 10.Husayniy-Jadiy,23.12-22.01. 11. Zangula-Dalv,23.01-22.02.02. 12.Rahoviy-Hutdan23.02-22.03.[3] taralganligi qayd etiladi.

Shu bilan barobar 12 maqom Hazrati Muso hassasini toshga urganda paydo bo'lgan 12 buloqdan chiqqan ovozlardan iboratligi haqidagi mashhur afsona ham tilga olinadi»-deyilgan.

---

[1] Болтаев Р. "Хоразм Танбур ва дутор мақомларининг муносабатларига доир" // Шашмақом сабоқлари (маъруза ва мақолаларнинг иккинчи тўплами) – Тошкент: 2005. – Б.134.

[2] Матёқубов О. Мақомот. –Тошкент: Мусиқа, 2004. – 400 б.

[3] Рахимов Б. Болтаев Р. Хоразм мақомларининг янги жилолари//Шашмақом сабоқлари (маъруза ва мақолаларнинг иккинчи тўплами) – Тошкент: 2005.–Б.130.

Undan keyin yana hayotiy voqealarga qaytib, ustozlar o'z bilim va mahoratlarini ishga solib, har bir maqomning yuqori va pastki bo'lagini ajratib, ikki sho'ba, ikki maqomni qo'shilishidan bir ovoz va ikki ovozni birlashtirib, bir rang qilganliklari tushuntiriladi. Ya'ni ushbu davr olimlarining ilmiy qarashlaridan kelib chiqib 12- maqom Buxoro ajdodiy san'ati bo'lmish "Shashmaqom"ga aylana borgan.

« Darvesh Ali risolasida barqaror odat tusini olgan maqom atamalari bilan bir qatorda, amaliyotga tadbiq qilinmaganlari ham mavjudligi e'tirof etiladi. Faqat Husayniyni-Zerkash, Kuchakni-Zerafkand, Iroqni-Qavro, Zangulani-Nahovand, Rostni-Ummul advor, Hijozni-Nigoriy, Busalikni-Chakoviy, Navoni-Nag'mai Dovudiy, Ushshoqni-Tarona, Buzrukni-Avj [1]deyilganligi tilga olinadi. Ushbu nuqtai nazardan iyqoot masalalariga bag'ishlangan 4-bobni "Mutaorif 17 usul bahri va 24 g'ayri mutaorif usul ma'rifati haqida" — deb nomlanishining o'zi alohida diqqatga savozor. Mazkur bob — "Bilginki, 12 usul qadimiydir" [2]— deb boshlanadi. Bundagi "qadim" atamasi "sara", "mumtoz" ma'nosini anglatadi. Ya'ni, tajribada pishib yetilgan, ajdodlar tomonidan e'zozlangan mo''tabar usullar demakdir.

Darvesh Ali risolasining boshqa bir qiziqarli jihati mumtoz usullarning jonzotlar harakati bilan bog'liq ekanligi haqidagi naqllar misol keltirilishidadir. Jumladan, **«Zarb-ul qadim»**deb nomlanadigan ibtidoiy usul yurak tomirlarining urishidan olinganligi to'g'risidagi mulohaza musiqiy ahli orasida juda keng tarqalgan. Duyak usuli xo'roz ovozidan, Foxitiy-yovvoyi kabutar, Saqiyl-to'ti, Ramal jul (tovus) qushi navosidan, Gaxvogiy-go'dak sadosidan, Bulujiy-misgarlar damining tovushidan kelib chiqqanligi to'g'risidagi chiroyli gaplar ham muxlis va shinavandalar orasida maroq bilan hangoma qilingan»-deyilgan.

Qancha rivoyat va afsonalar pesh qilinmasin, urf etilgan usullar aslida musiqa ilmini o'ziga yaqin tutgan ulamolar ijodiga mansubligi jiddiy qayd etiladi. Xususan, Mirzo Ulug'bek usul ilmiga baland havas qo'yganligi, Sulton Husayn Boyqaro yaratgan 17 usul hamda Vazir Alisher Navoiy ijodiga mansub 7 usul elda ma'lumu mashhur bo'lgan, deganligi ham diqqatga sazovordir. Ammo mumtoz musiqa negizidagi usullar advor ta'limotining peshvolari tomonidan ushbu fanning ilmiy-nazariy tamoyillari asosida ishlanganligi va bu sohada Xoja Abdulqodir "Sar-omadi advor" martabasini egallaganligi alohida ta'kidlanadi. Sarlavhada ko'rsatilgan 17 mutaorif usul aynan shu Xoja Abdulqodir merosi va qolgan 24 g'ayri mutaorif usullar boshqa ustozlar tomonidan yaratilganligini Darvesh Ali ko'rsatib o'tadi.

Nihoyat, Darvesh Alining musiqiy risolasi ilmiy nazariy yo'nalishi Kavkabiynikidan farqli ravishda musiqiy ilmlarga qaratilganligining yana bir isboti shundaki, mazkur bobda oldin amaliy bilimlar sarhisob etilib, mumtoz 17 usul mundarijasi keltirilgandan so'ng, nazariy tushuncha (niqra, zarb, bo'g'in, bahr)lar qo'shimcha o'rnida beriladi. Bu bo'lak foyda (ya'ni "qo'shimcha") deb, nomlanadigan alohida sarlavha bilan ajratiladi.

KUYLANG XASTA BO'LMAYSIZ

Djalilov Ergash Kenjayevich, SamDU kafedra mudiri

Ashula aytish yoqadimi? juda soz, chunki bu nafaqat yoqimli, balki juda foydali ekanligini takidlashmoqda tibbiyot olimlari . Aytishlaricha dunyoda asosan gapirishga qiynaladigan odamlar ashula aytishni yoqtirarkan . Ehtimol atrofdagilar uchun ularni tinglash azobdir lekin dardmand xonandalar uchun xuzur xalovatni o'zginasi.

Kuylash qadimiy san'at bo'lib kayfiyatni ko'taradi og'riqni qoldirib, umurni uzaytiradi . Kuylash nafaqat ko'ngil xushlik balki jiddiy aerobic faoliyat bo'lib qonni kislarodga to'yintirib natijada butun organizim (jumladan miya ham)yaxshiroq va jonliroq ishlay boshlaydi.

Kuylayotgan odam og'zidan chiqayotgan tovushning atiga 15% tashqari atrofga tarqaladi, qolganlari ichki azolarga singib ularni tebratib massaj qiladi.Shuning uchun ashula aytish ko'pgina a'zolarga va tizimlarga ijobiy ta'sir qiladi.Birinchi novbatta yurakka foydali aniqlanishicha , ertalab va kechqurun kuylangan atiga to'qqiz band ashula odamni stenakardiya xurujidan saqlaydi.

Ovoz pardalari zo'riqqanda qon tomir devorlari mustahkamlanib qon aylanish faollashadi. Natijada yurak mushagi va boshqa a'zo to'qimalarga kislarod ko'proq boradiyurak urush tezligi kamayadi,arteriya qon bosimi tushadi.

Katta opera xonandalari boshqa kasb egalariga qaraganda kamida 15 yil ko'proq umur ko'rishi statistikada tasdiqlangan ,kuylash nafas tizimi uchun ham foydali , negaki ohangrabo tovushlarni o'zimizdan chiqarar ekanmiz ,nafas yo'llari tozalanib o'pka rivojlanadi.

Ko'pchilik noto'gri nafas olishadi "giperventilasiya" ,ya'ni nafas olishning tezlashishi natijasida o'pkaga ko'b miqtorda havo kirib salomatlikka yomon ta'sir qiladi va hatto bronxial astmani keltirib chiqaradi. To'gri nafas olib qo'shiq kuylayotganda esa nafas o'z - o'zidan izga tushib ketadi. Demak ashula aytish astmani oldini oladi , bundan tashqari muntazam vakal mashg'ulotlari yuqori nafas yo'llarini infeksiyalardan himoya qiladi.

[1] ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалари, инв№8857,8858

[2] И.Ражабов Мақомлар нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов Тошкент: 2006. -Б 141.

Immun tizimi ishini rag’batlantiradi (kuylaganda organizimda immunsiyabullik va kortizol miqdori ortadi) .

Ba’zan unli tovushlarni talaffuz qilganda tamoq bezlari tebranish majbur va organizimni xiltlardan tozalaydi.

Ayniqsa kishi stress va depressiyaga uchraganda kuylash katta davo xisoblanadi, chunki kishi ichida dardi bo’lsa uni qancha ichida saqlasa g’am va tushkunlik shuncha ortib boradi. Agar bu dardni siz biror yaqiningizga tukib solsangiz o’zingizni ancha engil xis qilib tinchlanasiz, ashula aytishda ham shunday kayfiyat kutarilib dardu g’amlar o’tib ketadi. Yakka o’zi jo’r bo’lib qo’shiq kuylaydigan inson yosharadi. Negaki bu faoliyat kasmetik masajni o’zginasi. Zero tovush aparati ishlayotganda yuz mushaklari ham xarakatga keladi. Shuningdek muntazam ashula aytish orqali qomatni yaxshilash mumkin negaki ovoz bilan to’g’ri ishlash orqali qorin mushaklarini ham shug’illantiramiz, bu mashg’ulotlar ruxiyatga yaxshi ta’sir ko’rsatadi.

Organizim endofinlar (yaxshi kayfiyat garmonlari) ishlab chiqariladi. O’RVN arofilaktikasi uchun ayniqsa chuzib aytiladigan maqomlarimiz foydali. Ashulalardan to’g’ri foyda olish uchun nafaqat muntazam balki to’g’ri kuylash ham kerak, ovoz bo’g’izdan emas, o'pkadan emas diyafragma yani oshqazon va o’pka orasidagi mushklar yordamida chiqishi lozim. Bundan tashqari qo’shiqchilarning ancha paytgacha yoshligicha qoladi, bu ayniqsa yoshlar uchun zalur chunki minapauza davrida tovush o’z ohangdorligini yo’qotadi, bo’g’iq yoki do’rilloq bolib qoladi. Ashula aytishni bolalarga ham foydasi katta bejizga hamma maktablarda ham xor tashkil qilinmaydi, xor bo’lib aytish bu nafaqat sog’liq balki jamoada dustona kayfiyatning shakillanishi qo’shiq ona qornida ham rivojlanayotgan xomilaga ijobiy ta’sir ko’rsatadi,buni olimlar isbotlab berdilar.

Xomiladorlikning 20chi xaftasida yoq murg’ak go’dak onaning ovozini eshita boshlaydi. Olimlar ona tovushi tebranishi xomila organizimiga, jumladan mitti yurakcha va go’dakning butun qon aylanishi tizimiga ijobiy ta’sir ko’rsatishini isbotlab berdilar, bu tovushlar go’dak miyasini xali tug’ilmasidan turib rivojlantiradi. Ashula tufayli bo’lajak onaning ahvoli yaxshilanadi u tinchlanib organizim stresdan xolos bo’ladi.

“ Musiqa shu ma’noda foydaliki, u o’z muozanatini yo’qotgan odamlar hulqini tartibga keltiradi bu ilim salomatlik uchun ham foydalikdir, chunki tana kasal bo’lsa, rux xam to’siqqa uchraydi, shuning uchun go’zal ovozlarning ta’siri bilan ruxni sog’aytirish bu sog’liqni tiklash demakdir “ (Abu Nasr Farobibiy) “Musiqa muolaja kitobidan” foydalanildi.

MUSIQADAN QOBILYATLI VA ISTE’DODLI O‘QUVCHILARNI ANIQLASH HAMDA ULAR BILAN ISHLASHNING SHAKL VA USULLARI: MUSIQA TO‘GARAKLARIGA O‘QUVCHILARNING QIZIQISHLARINI OSHIRIB BORISH OMILLARI

Odilov Asqarali Ismoilovich SamDU.katta o’qituvchi

O‘zbekiston Respublikasi o‘zining iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy rivojlanishining porloq yo‘liga qadam tashlaganiga ham 20 yil bo‘ldi. Mustaqillikning ana shu yillari ichida iqtidorli yoshlarni izlash, ularni tabiyalash va iste’dodini oshirish davlatimiz oldidagi eng dolzarb vazifalaridan biri bo‘lib keladi.

Shunday bo‘lishi ham tabiiy edi. Davlatimiz o‘z mustaqilligini qo‘lga kiritgan bir vaqtda, bu mustaqillikni himoya qiladigan, ravnaqi yo‘lida fan va texnika yutuqlarini yangi kashfiyot jabhalarida qo‘llaydigan va joriy qiladigan etuk, malakali mutaxassislar xovodek zarurdir. Bugungi kunda maktablarda kimlar ta’lim olishi, ular kelajakda qaysi kasb egasi bo‘lib chiqishi kabi masalalarga jamiyatimiz befarq qaray olmaydi. Ular zukko, aqlg‘zakovatli, bilim va malaka doirasi keng bo‘lgan mutaxassis bo‘lib etishishi uchun xalq ta’limi tizimining har bir bosqichida pedagog va tarbiyachilar o‘z xissalarini qo‘shishlari lozim. Bu esa iqtidorli va iste’dodli o‘quvchilarni izlab topish, ularga takomillashgan shaklda ta’lim-tarbiya berish, ularning qobiliyatlarini yanada rivojlantirishga xizmat qiluvchi shart sharoitlarni yaratish demakdir.

O‘zbekiston istiqlolga erishgach, davr oldimizga demokratik va insonparvarlik g‘oyalariga asoslangan, shaxsning qobiliyati va imkoniyatlari hisobga olingan, davlat hamda jamiyatning talablarini o‘zida aks ettirgan milliy ta’lim modelini yaratish vazifasini qo‘ydi. Bu muhim vazifa 1997 yil 29 avgust kuni bajarildi. Shu kuni Respublika oliy Majlisi X1 sessiyasida Prezidentimiz I.Karimovning tashabbusilari va bevosita rahbarliklari bilan yaratilgan «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» qabul qilindi.

O‘sha tarixiy sessiyasida mustaqillikka erishib, taraqqiyot yo‘lidan dadil borayotgan mamlakatimiz ruhini, g‘oyalari va intilishlarini o‘zida aks ettirgan ta’lim tizimining milliy modeli har tomonlama chuqur tahlil qilinar ekan, asosiy e’tibor bu tizimda iqtidorli yoshlar bilan ishlash, ularni ona-Vatanga, milliy g‘oyalariga sadoqat ruhida tarbiyalashga qaratildi.

Shunday ekan, maktabda ishlaydigan har bir o‘qutuvchining eng asosiy vazifasi-ijodiy izlunuvchan, mustaqil fikr yuritish qobiliyatiga ega yoshlarni aniqlash, ular bilan alohida shug‘ullanishi va iste’dodlarni oshirish yuzasidan tadbirlar ishlab chiqishdan iborat.

Ilmiy tadqiqotlarning ko‘rsatishicha, 1-sinfga qadam qo‘ygan jajji bolajonlarning 60 foizida turli qobiliyat nishonalari namayon bo‘lar ekan. Ho‘sh iqtidorli o‘quvchi kim? Uni boshqa tengdoshlaridan qanday ajratish mumkin?

Quyida e’tiboringizga maktab o‘quvchisi shaxsining iste’dodini shakllanganlik darajasini ko‘rsatuvchi xislatlari keltiriladi.

Iqtidorli o‘quvchi shaxsining eng muhim innovasion xislatlari, O‘quvchilarning ijodiyotga yo‘nalgan xislatlari:

-aqliy va ijodiy faoliyati, o‘ta qiziquvchanligi;

-darsda o‘tilmagan, dasturdan tashqari ko‘plab ma’lumotlarni bilishiga intilish, voqea va xodisalarning sababini izlash, uni aniqlashga harakat qilish;

-noma’lum narsalarni tadqiqotchilik aosida o‘rganish, mohiyatini tushunib etish, turli xil qiziqarli jumboqlarni o‘rganish;

-qiziqishlarning doirasining keng bo‘lishi, yangilik va axborotlarga chanqoqlik;

-yaxshi esda olib qolish qobiliyatiga ega bo‘lish;

-nostandart fikrlash, ixtirochilari qobiliyatiga ega bo‘lish;

-topshiriq va vazifalarni bajarishda ilmiy yondashish;

-sinfda, guruhda lidr bo‘lishga intilish;

-o‘quvchi shaxsi uchun ijodiyotning alohida ahamiyat kasb etish;

-o‘z ustida ishlashga intilish

O‘quvchining yangiliklarni amaldiyotga qo‘llashdagi idoraviylik xislatlari:

-o‘quvchi shaxsining maktabdagi faoliyati ko‘p qirralari;

-ilm olish, o‘qish jarayonida sabr toqatli bo‘lish; to‘garak va ilmiy jamiyattning faol ishtirokchisi bo‘lish, fan yangiliklari haqida ma’lumot berish;

-mutaqil fikrini baralla bildira olish;

-egallagan bilimlarni o‘z ishida, turmushida ongli ravishda qo‘llay bilish;

-darslikdan tashqari adabiyotlar bilan mustaqil shug‘ullanish, bu adabiyotlardagi ilmiy tushuncha va g‘oyalarning mahiyatini tushuna bilishlik;

-o‘qigan matndagi g‘oyalarni erkin va tez bayon qila olishlik;

-o‘rtoqlarni ilmiy-ijodiyotga targ‘ib eta olishlik;

-o‘z fikriga tanqidi yondasha olishlik;

O‘quvchining ma’naviy barkamollik va mehnatsevarlik xislatlari:

-mutaqil ravishda ishlash va o‘ylash qobiliyatga, o‘z ishini rejalay olish va tashkil qila bilish ko‘nikmalariga ega bo‘lish;

-o‘quvchi shaxsidagi poklik, to‘g‘rilik;

-o‘z ijodiy faoliyatini rejalashtira olishlik;

-javobgarlik xissi o‘ta rivojlangan bo‘lishi;

-adolatparvar bo‘lishi;

-sinf va maktab uchun zarur bo‘lgan topshiriqlarni bajonidil bajarilishi;

O‘quvchining individual shaxsiy xislatlari:

-o‘qishdan tashqari tashkil qilinadigan tadbirlarda faol qatnashish;

-diqqatni talab qiluvchi o‘yinlardagi qiziqishi;

-xorijiy tillarni o‘rganishga intiluvchanlik;

-komp’yuter texnikasi bilan erkish va muntazam shug‘ullanishlik, zamonaviy axborot texnologiyachi haqida tushunchaga ega bo‘lishi;

-kitobni jondan sevish;

-o‘quvchi shaxsida so‘z boyligi miqdori kata bo‘lishi;

-o‘quvchi shaxsidagi o‘ziga ishonch va ijodiyatning o‘sish sur’ati;

Ijodkor o‘quvchini aniqlash bosqichlari

1-bosqich tahliliy bosqich-ta’limning boshlang‘ich pog‘onasi (1-4 sinflar)

2- bosqich-diognastika tashxis qo‘yish, o‘quvchilarda qobiliyat va iste’dodni aniqlash (5-9 sinflar)

3- bosqich-yuqori sinflarda (10-11 sinflar) o‘quvchilardagi aniqlanilgan ijodkorlik qobiliyatlarini yanada chuqurroq va to‘laroq o‘rganish.

Avvalo o‘quvchining dunyoqarashi keng bo‘lishi uchun gumanitar yo‘nalishdagi fanlarni chuqur o‘rganishi, shuningdek, estetik yo‘nalishdagi, jumladan, tarix, adabiyot, musiqa, rasm, qo‘shimcha ta’lim singari fanlar integrasiyasidan foydalanish yo‘li bilan ko‘p axborotga ega bo‘lishi, uni to‘g‘ri va to‘liq, har tomonlama tahlil qila bilish zarur. Buning natijasida o‘quvchida o‘z dunyoqarash nuqtai nazarini to‘g‘ri va puxta asoslay bilishi ham suhbatni tinglay olish, turli xil fikrlarga nisbatan sabr-chidamli bo‘lish, o‘z fikrini to‘liq asoslagan holda tushuntira bilish ko‘nikmalari hosil bo‘ladi.

Kamida ikkita tilni bilishi. Bu bilan o‘quvchining umumiy tafakuri oshadi, boshqa xalqlar va davlatlarning tili, madaniyati, urf-odatlari an’analari haqida tushunchalar oshadi, umumiy dunyoqarashi kengayadi.

Iqtidorli o‘quvchilar bilan shug‘ullanuvchi har bir o‘qituvchi quyidagilarga e’tibor bermog‘i lozim:

-o‘quv dasturini o‘quvchilarning iste’dod darajasiga qarab chuqurlashtirish, ya’ni ta’lim mazmunini yangilash va kengaytirish;

-o‘quvchilarning bilim olishga bo‘lgan doimo o‘sib boruvchi ihtiyoj-talablarini to‘liq ta’minlay olish;

-maxsus o‘quv reja bilan ishlash;

-o‘quvchilar bilan alohida ishlash;

-yakka tartibda shug‘ullanishni tashkil eta bilish;

-o‘quvchilarning qobiliyatlari haqida og‘ir vazmin holda xulosa chiqara bilish;

-o‘z ta’lim-tarbiya faoliyati bilan sinfning o‘zlashtirish faoliyatini taqqoslab, holisona xulosa chiqara bilish;

-ijodiy ishlar guruhiga materialni tanlashni tashkil eta bilish;

-turli xil kelishmovchiliklarni bartaraf eta bili shva tinchita olish;

A d a b i yo t l a r

1.Karimov I.A. Barcha reja va dasturlarimiz Vatanimiz taraqqiyotini yuksaltirish, xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi. “Xalq so‘zi” gazetasi. 2011 yil 22 yanvar.

2. Abralova M. va boshqalar. «Musiqa». O’qituvchilar uchun metodik qo’llanma. 2-sinf.- T.: «G’ofur G’ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi», 2008 y.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ПОРТРЕТИДА ЭСТЕТИК БАДИИЙ ТАРБИЯ.

Н.О.Кадирова, БухДУ ўқит.

Таянч сўзлар: мусаввир, Иккинчи Моний, каллеграф, портрет, миниатюра, композиция, музаҳҳиб.

“…Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бамисли илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим”.

Ислом Каримов

Буюк миниатюрачи мусаввир Камолиддин Беҳзод Шарқ уйғониш даврининг етук санъаткоридир. Ўзининг такрорланмас, ўта бой ва серқирра ижоди билан шарқ халқлари маданияти тарихидан муносиб ўрин олишга муваффақ бўлган. Камолиддин Беҳзод Ренессанс даврининг буюк сиймолари ҳисобланган Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сингари шоир ва мутафаккирлар билан замондош бўлиш шарафига муяссар бўлган.

У 15 асрда Ҳирот шаҳрида шаклланган. Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси, музаҳҳиблар етакчиси, устози.

Алишер Навоий кашф қилган санъат тарихининг ёрқин ва нодир сиймоларидандир. Рассом ижодининг мавзу доираси қаҳрамонлари шу ерда – Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган. Беҳзод мусаввир сифатида Султон Ҳусайн салтанатида “Иккинчи Моний” деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Беҳзоднинг ижоди унинг замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Беҳзод ўзидан олдинги рассомлар анъаналарини давом эттирди ва бойитди.

Асарларининг тарихи мураккаб, эркин ҳаракатларга бой, ёрқин, жозибадор ранглардан тузилган бўлиб ,улар ўзаро уйғун. Табиат жонли ҳаёт манзаралари аниқ ва ҳаққоний ишонарли ва таъсирчан тасвирланган.Чизиқлар ниҳоятда нозик, ранглар нафисланган. Портретларида инсон маънавий қиёфаси, руҳи ҳис-туйғулари, хулқ- атворини акс эттиришга аҳамият берган.

Беҳзод машҳур хушнавис (каллеграф) Султон Али Машҳади билан замондош ва дўст бўлган, улар бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик қилганлар. Ундан ташқари, Беҳзоднинг Ҳиротдаги буюк ва юқори мартабали шоир, яъни Ҳазрати Жомий билан ҳам дўстлиги бор эди. Мана шу дўстлик унинг суратини яратишда туртки бўлди.

Беҳзоднинг расмий қабул, жанглавҳалари, қалъа қамалини тасвирловчи расмлари билан бир қаторда шоир Абдураҳмон Жомий тасвири алоҳида ўрин тутади. Камолиддин Беҳзод Ҳиротда ўша даврнинг энг улуғ олимларидан шоир ва мутафаккирларидан бири бўлган .Абдураҳмон Жомийни бир неча марта кўрганлиги, у билан доим суҳбатлашиб, унинг илм-дониш денгизидан баҳраманд бўлганлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Афғонистонлик олим ёки беҳзодшунос М.А.Ҳеровий ҳам Беҳзоднинг Жомий билан яқиндўст бўлганлигини таъкидлайди. Демак, Жамолиддин Беҳзодона шаҳри Ҳиротда ижодий куч-қувватга тўлиб – тошган йиллари ўзининг ҳаммаслаги, севимли устоз ва дўстларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг тасвирини ҳам яратган.Миниатюрада улуғ шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг чўккалаб ўтириб, яъни битилган ажойиб шеърларидан бирини мутолаа қилаётган пайти тасвирланади. Унинг чап қўли чап тиззаси устида, ўнг қўлида эса шеър битилган қоғоз, олдида очиқ китоб, ўнг томонида – обдаста. Жомийнинг пишиқ гавдали, узун бўйли, тўладан келган салла ўраган,

соқол – мўйловли бирпок, нуроний мўйсафид одам бўлганлиги, ўйчан кўзларидан ўткир ақл идрок,юзасидан эса нур ёғилиб турганлиги расмда бағоят реал ва ҳаққоний акс эттирилган.


Буюк шоир Абдураҳмон Жомий ва Камолиддин Беҳзодлар замондоши, бир неча бор улар билан суҳбат қуришига муяссар бўлган тарихчи Зайнуддин Восифий “Бадои-ул вақоа” асарида Абдураҳмон Жомий ҳақида қишин-ёзин қоғоздан қилинган қабо (либос) кияр, доимо узун сочиққа ўралиб юрарди:бошида эса ҳамиша “Хўжа Убайдий” телпаги бўлиб, унинг атрофига кичик арзимас дастор (салла) ўраб юради, қўлидаги мажнунтол новдасидан ишланган ҳассаси шунчалик узун эдики, унинг олижаноб ва бўйлуқ гавдасидан чорак ҳисса ошиб турарди”.

Камоллидин Беҳзод томонидан ишланган Жомий портетининг асл нусхаси ҳозир Эрондаги “Ҳазрати Ризо” кутубхонасида сақланаётир.Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири Жаҳонгир саройида 16-асрда яшаган Давлат исмли рассом Беҳзоднинг ана ўша асаридан нусха кўчирган.Бизнинг давримизда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида нашр этилаётган китоб ва албомлардаги Жомий тасвири ана ўша Ҳиндистонлик рассом Давлат кўчирмасдан кўпайтирилган нусхалардир.

1931-йилда Лондонда ташкил этилган “Эрон санъати” кўргазмасида Беҳзоднинг бошқа миниатюралари билан бир қаторда “Абдураҳмон Жомий тасвири”асари ҳам намойиш қилинган эди. Миниатюрада содда кийинган ,қўлида қоғоз ушлаб турган Мавлоно Абдураҳмон Жомий портрети тасвирланган эди.Унинг қўлидаги қоғозда қуйидагича ёзувлар битилган эди “Оллоҳуакбар Мавлоно Абдураҳмон Жомий”.Мазкур миниатюрада Жомийнинг олд томонида бир китоб ерга қўйилган бўлиб, унинг устида қуйидагича ёзувлар бор: “ Мазкур камтарин иш Жаҳонгир Шоҳ замонасида Давлат томонидан Устод Беҳзод асаридан нашр қилинди”.

Шарқнинг фусункор миниатюрачиси Камолиддин Беҳзод асарлари гўзал ва нафис тасвирий санъат асарлари сифатида беш асрдан буён дунёнинг барча қитъаларидаги миллионлаб миниатюра ишқибозларини тўлқинлантириб, уларга битмас- туганмас маънавий озуқа бериб, уларнинг эстетик завқ ҳамда дидларини тарбиялаш, бойитишда жуда катта ижодий рол ўйнаб келаётир.

Ранглар ечимига тўхталиб, таҳлил қилсак,Абдураҳмон Жомий портрети Алишер Навоий, Шайбонихон ва Ҳусайн Бойқаро портретига нисбатан ўзгача тус берилганлиги билан қайд қилинган.



Алишер Навоийга унинг доно,билимдон, халқ ғамини ўйловчи, шунингдек жуда чарчаган, кексалик нишонаси сифатида ҳассага таянган сиймо сифатида кузатилса, Шайбонихон ўта қаттиққўл, қизил болиш сурати эса жангу жадални севувчи, зулмкор шахс сифатларини англатади, чунки унинг зулмидан Бобурдек инсон юртини ташлаб кетган.

Аждодларимиз тарихи биздан қанча узоқ бўлмасин ва уларнинг диний эътиқодлари ўзига хос бўлганлигидан қатъий назар биз билан уларни боғлаб турадиган нозик кўприклар бор. У ҳам бўлса, улар яратган ажойиб санъат намуналари, уларнинг маънавий қадриятлари, умумий дунёқарашларида инсоният тафакурининг узвий ривожланишига ўз таъсирини ўтказиб қолган тушунчалари ва билимларидир. Шунинг учун ҳам биз замонавий рассом ўқитувчилари ўзимизни ва бўлажак рассом шогирдларимизни тарбиялашда, шакллантиришимизда бундай ўтмиш мерос намуналарига мурожат қилиб туришимиз, уларни таълим жараёнида нафақат ўтмиш намунаси сифатида, балки услубий мукаммал воситалар сифатида фойдаланиб турмоғимиз лозим. Бу билан биз ўқувчиларнинг нафосат туйғуси ва ижодкорлик қобилиятини ўстирган бўламиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ислом Каримов.“Юксак маънавият –енгилмас куч”.Тошкент 2008

2. Н.Норқулов.”Камолиддин Беҳзод”.Тошкент 1964

3. С.Абдуллаев,А.Махмудов “Шарқ миниатюрасини ўқитиш методлари ҳақида очерклар”.Бухоро 1995.

4. С.С.Булатов “Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили”.Тошкент 2010

BUXORO DABIRISTON SAROY MAKTABIDA XOR SAN’ATI VA MAKTABINING TARIXI

Nurullayev Farrux Buxoro san’at kolleji o’qituvchisi

Jahon xalqlari madaniyatida qo’shiqchilik va xor san’atining o’ziga xos uslubiy yo’nalishlari, milliy va mahalliy ijrochilik xususiyatlari avloddan-avlodga o’tib, takomillashib, zamon murruvati ila bizgacha yetib kelgan. Inson shaxsining borliq va undagi ruhiyyat olamida shakllanib borishida ayniqsa, **xor dastalari,** jumladan; havaskorlik, to’garak shakli va o’zga xos professional tizimlari oqimining quvvai- hofizi, har bir davlatning o’z o’rnida cheksiz tarixiyyat xazinasi va yuksak mavq’ei bilan chambar-chas bog’liqdir.

Shuningdek, jahon badiiy san’at yo’nalishlaridagi inson tarbiyasi va barkamol shaxsning shakllanib borishida tutgan o’rni beqiyosdir.

Xorlarning turlari: “Xor-bu vakal musiqiy cholg’u asboblari jo’rligida yoki jo’rsiz ijro etuvchi xonandalar kollektivi “Xor-atamasi yunoncha so’zidan olingan bo’lib “to’da”, “yig‘in” ma’nosini bildiradi. Yana;

«XOR-bu,*(Grek tilidan olingan bo’lib)* “Xonandalarning hammunosabatda birlashib kuylashlari”- dir. Bunda; Vokal uslubining bir- birovi bilan uzviy bog’langanlik jarayonida ovozlar turlanishlarga ajratiladi. Bular: maktabgacha va uzluksiz ta’limdagi bolalar xori, ayollar xori, erkaklar xori va aralash xor jamoalaridir. Bilvosita; xor ovozlari uchun yaratilgan janrlar musiqiy asarning bir ovozli, ikki ovozli, uch yo maxsus intonasiyalar qo’shilishida to’rt…..ovozli birlashgan differensialligining partiyasini tashkil etadi va Xormeyster rahbarligida uslubiy konsepsiyasiga bo’y sunadi!.»- S.B.Saidiy

«XOR san’ati– bu, Jahon davlatlarining o’zlik maqomidagi milliylik ramzi, iftihori, shaxs sifatida har bir fuqarosining faxri va g’ururi, ma’naviy ruhiyyatining badiiyligini ifodalovchi oynayu- omilidir!....» S.B.Saidiy

Qadimda u yo bu jarayonlarda, ya’ni fol’klor- (mahalliy) yo milliy-(professional) saroy xor jamoasi, harbiylar xori, havasmandlar xorida alohida e’tibor qaratib kelingan. Xor – nafaqat inson tarbiyasida shaxsni ajdodlar ruhida tarbiyalash vositasida kamolotga yetkazish hatto ramziy hollarda insoniyat hayotini ham saqlab qolganligi va hamdo’stlikni kuchayib borishida ham ruhiy jihatdan o’z taassirotini yetkazib turganligi haqida rivoyatlar mavjud.

Tarix sarchashmalarida rivoyat qilishicha, kunlarning birida “Har ikkala qo’shni davlat kelishmovchiligidan jang maydonini tanlab, qo’shinlarini bir-biroviga qarshi qaratib saf tortib turgan emish. Jang boshlanishidan oldin birining otasi yo tog’osi, akasiyu- ukasi, kuyavi va boshqa qarindoshlari bir – biroviga qarshi dushman sifatida qarab turgan paytda, u va bu tomondagi mashhur aka-ukalarning biri shoir va ikkinchisi esa nay ijrochisi bo’lgan ekan. Akasi- ukasiga qarab har ikkala tomon xalqlariga mashhur bo’lgan va gohida xor bo’lib kuylashgan **“Inson ul-peshravi hayot yo shayton al- fatxi mamot”**[1] deb, nomlangan she’riyatini baland ovozda suxanronlik qilgan holda ukasi tomon ohista-sekin qadam bosib boribti, ularga qarshi turgan ukasi Nay cholg’usini olib, she’riyatga jo’r bo’lgan holda ohista- sekin qadam tashlab akasining yoniga boribti. Uning orqasidan esa qo’shinlar ham bir-biroviga qarab ushbu so’zlarni tong otguncha xor bo’lib kuylashgan va jang masofasidan chiqib bir –birovlariga qo’shilib, chatishib borishibti va shu tariqa ushbu she’riyat ramzlariga aylanib, harbiylar “Madxiya” si yuzaga kelganligi va jang emas, hamdo’stlik bayramlariga aylanib borganligi haqida ma’lumotlar mavjud. Boshqa risolalarda esa, har ikkala tomon ham o’zlarining “madxiya” larini o’qib tugatishi bilanoq, jangga kirishib borganligi va qaysi davlat g’alabaga erishgan bo’lsa, unda “Madhiya” si yanada jozibali va tantanavor tarzda yangragankim, buni uzoq masofadan ham aholi anglab bilganligi haqida maqollar bitilgan.

masalan, "Ho-zamzam” qo’shig’ini Tojikistonda fol’klor uslublarida aytilishini uchratish mumkin. Bu qo’shiq davrlar o’tib ancha takomillashib, zamonaviy musiqa ijrochiligida o’z o’rniga ega bo’lgan. Uning fol’klor uslubiga birmuncha yaqinligi, usul tartiblari Buxoroning «ufar»iga o’xshab ketadi. Biroq, Buxoro an’anaviy ufarining ijro etilish xususiyatini o’zga biror etnik guruh yoki xalqniki bilan solishtirib bo’lmaydi. U faqat Buxoroga xos uslubiy shaklda ekanligi bilan alohida ajralib, sezilib turadi.

R.Abdullaev tadqiqotida, asosan o’zbek, turkman, qozoq, qirg’iz va qoraqalpoq kabi turkiyzabon aholi bilan birga, fors-tojik vakillari ham yondosh yashashi natijasida milliy an’analarning musiqiy-ma’naviy hayotda ko’plab urf-odatlar, bayramona bazmlar, diniy marosimlarning naqadar qo’shilib-chatishib ketganligi haqida qiziqarli fikr-mulohazalar yuritadi

San’atshunos olim S.B.Saidiyning tadqiqotlarida: “Qadimdan bizga ma’lum cholg’ular tarannumidan tashqari "chapak", "qars" hamda qo’lga angishvona taqib, likopchalarga zarb berib, xor bo’lib kuylash udumlari bizning davrimizgacha yetib kelgan. masalan, Zardushtiylarning qadimgi Kushon davri san’atiga xos diniy bayram usullari va harbiy xor jamoasining qo’shiqlari, ya’ni "Mozandaron" harbiy qo’shig’i, “Qini Siyovush” (Siyovush qasosi) – marsiyasi yoki qadimgi Buxoro umum- guruh jamoasi an’analaridan "Yazno-Nofarin" qo’shig’i,“Ho-zamzam” usullari hozirgi davrda M.Tursunzoda nomidagi Tojikiston xalq konservatoriyasi o’qituvchilarining tashabbuskorligi bilan talabalar va o’qituvchilardan tashkil topgan aralash xor dastasi va turli xil ansambllar dasturidan o’rin olgan[1]. Ammo Buxoroda bu yo’nalishlar sho’rolar hukmronligi davrida asta-sekin e’tibordan chetga chiqib qolgan. Biroq, turli aholi qatlamlari orasida hanuzgacha shunday ijro uslublarining ayrim tartib-namunalari saqlanib qolgan.

Buyuk Kushoniylar davrining 300 ta talabadan iborat “Shoxona” professional Saroy XOR jamoasining repertuari, Buxoro “Dabiriston” maktabi er.avv.470 yil o’z mavq’eiga ega bo’lgan.

XOR – Qadimgi Eronda ajdodiy san’at maktablarini tiklash masalasida “Doro-1” tomonidan qabul qilingan tizimda, san’at maktabining “Xor”-jamoasi, keyinchalik “Darboriy” nomiga o’zgartirib, ya’ni

[1] S.B.Saidiy “Markaziy Osiyo va Yaqin Sharq davlatlari san’atiga oid tadqiqotlar”, shaxsiy biblioteka. Buxoro-1991.

[1] Душанбе, ТГИИ. КПР факультет концерти вақтида 1990 йил ёзиб олинган.

Podshox emas, xalq nomini olganligidan dalolat berar edi. So'ngi asrlar davimida, ya'ni "Darboriy" bilan birgalikda Buxoroda "Dabiriston" san'at maktabi, keyinchalik Tojikiston, Afg'oniston va qadimgi Hind, hozirgi Pokiston Tog'li xududlari markazida, ya'ni Badaxshonda (Pomir) da "Sug'diyona", Surxandaryoda "Toxariston", Farg'onada "Farhangiston" , ya'ni hozirgi Xo'jjand (Tojikiston) va nihoyat , so'ngi va oxirgisi nomlanishida Xorazmda "Xarbadiston" san'at maktabi "AVESTO" davridan oldin yetakchilik qilgan. Qiziqarlisi shundakim, ushbu maktablar ichida Eng dovrug'lisi va o'sha davrda o'zga xos zamonaviy etakchisi Buxoroda bo'lib o'tgan. Sababi "Bux" –qadimgi Hindular mifologiyasida "Xudoning uyi", "Buxor"- diniy nomlanish bo'lib, Eron podshoxi o'g'lining ismidir.

Ushbu davrda Hindiston va Xitoy davlatlarida "Diniy maktab" lari bo'lmaganligi tufayli, ular Buxoroda taxsil olganlar. Shuningdek, Arab, Yapon, Koreya va boshqa yaqin Sharq va Yevropa davlatlarining Savdogarlari, Sayyohlar, mehmonu-Elchilar va Qochoqlarning tashabbusi va xabarlar yetkazish vositasida amalga oshirilganligiga ishonch hosil qilish mumkin. Bilvosita SHA'RIYAT masalasiga gap borsa, RIM xalqining madaniyatiga, ularning kiyinishi va qoshiq orqali ovqatlanish madaniy va ginetik udumi ham Buxorodan chiqqanligi haqida ma'lumotlar mavjud.

"DABIRISTON" er.avv.470 yil xor jamoasi 21 ta madhiyani yoddan bilgan, qaysi talaba 21 ta madxiyadan birini aytaolmasa, unda shu zahot talabalik safidan chetlashtirilib, saroydan haydalgan. Zero maxsus Xor faqat Siyovush va Podshohlarga bo'y sunib kelgan va saroydan tashqariga konsert qo'yish yo xizmat qilish uchun Podshohning ruxsatigina amalga oshirilgan. Saroydan yashirincha chiqib Tumnat qilganlar esa shu zahot boshidan qatl etilgan" –degan ko'plab ma'lumotlarga ega bo'lish mumkin.

Yuqorida nomi keltirilgan qo'shiqlar turli xil tasniflanishlar va eng muhimi muayyan turkumiylikda qismlardan qismlarga to'xtovsiz o'tish jarayonlari, o'ziga xos usullari, ushbu usullar ritm-o'lchovlari hamda temp [tezlik] jihatlari bilan ajralib turadi.

САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ВА КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ГИРИХ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИШ

Нурматов Муҳаммаджон Ҳайдарович НавДПИ."Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси" кафедраси катта ўқитувчиси

Урта Осиё халк амалий санъати кадимдан машхур. Ота-боболаримиз яратган нодир санъат асарлари, улар курган мухташам бинолар, архитектура ёдгорликлари хозирги кунгача уз мафтункорлигини йукотмаган. Хатто чет эллик сайёхлар хам кадимий ёдгорликларни куриб лол колмокдалар. Булар жумласига Бухородаги Исмоил Сомоний макбараси, Калон минораси, Самарканддаги Шохи-зинда макбараси, Гури Амир макбараси, Улугбек, Шердор Тиллакори мадрасалари киради. Юзлаб халк меъморларининг куллари билан яратилган жонли накшлар кишиларга кутаринки рух багишлайди. Чунончи Улугбек мадрасасини томоша килар эканмиз, унинг таълим-тарбия максадида бунёд этилганлиги наккошлар безаги оркали сезилиб турибди. Мадраса безагидаги бир-бирини кесиб утган бехисоб чизиклардан ташкил топган накшлар чараклаб турган юлдузларни эслатади. Ана шу куп бурчакли ва киррали юлдузлардан ташкил топган геометрик накшлар гирих деб юритилади.

Гирих – форсча чигал, тугун деган маънони англатади. Гирих мураккаб накш турига киради. Геометрик накш муайян таксимларга эга булади. Хар бир таксим уз тузулишига эга булади. Гирих Урта Осиёда ва якин шаркда кенг таркалган накш булиб, XII-XYI асрларда айникса Урта Осиёда жуда кенг таркалган ва тараккий этган. Яна Покистонда, Туркия, Испания, Япония каби мамлакатларда хам кенг тараккий этган. Дунёда гирихни энг куп таркалган жойи Урта Осиёдир.

Бу гирих композицияларини архитектура мииораларидан тортиб, китоб муковаларигача безатилганлигини гувохи буламиз. Уша давр учун гирихни чизмачилик асбоблари, математика формалари асосида ишланиши катта илмий кашфиёт эди.

Шаркнинг машхур олимларидан Абдулвафо ал Бузжоний (940-998) узининг китобларида 20 га якин геометрик накшлар ечими тугрисида ёзиб колдирган. Бу китобларда гирихлар ечимининг баъзи осон йуллари тушунтириб утилган. Бу китоб хозирда Париждаги музейларнинг бирида сакланмокда. Абдулвафо ал Бузжоний асарларида гирихлар хакида маълумот берилган булсада, уларнинг купчилигини ечими хали хам жумбоклигича колган. XYII асрга келиб гирих санъати жуда кам ишлатиладиган булди. Гирихчи усталар нихоятда кам колган, уни чизиш кийин булганлиги туфайли хамма усталар хам чиза олмаганлар. Уша даврларда гирих накшини яхши билган усталар етук усталар булиб хисобланганлар. Шундай усталардан бири Уста Ширин Муродовдир. У янги гирихларни осонлик билан чиза олган хамда уз урнида усталик билан куллай олган. У уз даврида гирихни пири хисобланган.

Ҳамма нарса болаликдан бошланади. Боланинг баркамол, соғлом бўлиб вояга етиши, иқтидори ва қобилятини намоён эта олиши орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун унга бериладиган тарбия ва муҳим омил ҳисобланади. Халқимизда, -"дунё кўрган" деган ибора

ишлатилади. Бунинг маъноси кўп мамлакатларда бўлган, ҳар хил халқлар ва миллатлар билан мулоқотда бўлган инсоннинг дунёқараши ва тафаккури бой бўлишини англатади.

Демак, болаларимизни баркамол авлод руҳида тарбиялаш, дунё билан танитишимиз учун уларни спорт билан ошно қилишимиз лозим. Буни амалга оширишни бошлаб берган юртбошимиз болалар спорти ва маънавиятини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Санъатшунос олимлар Л.Ремпель "Панжара", "Архитектурний орнамент Узбекистана". М.Булатовнинг "Геометрическая гармонизация Средней Азии IX-XY веков" каби асарларида гирих хакида батафсил ёзиб утганлар. Замонамизнинг гирихкор усталаридан бири З.Боситхоновдир. У узининг 300 га якин янги гирих накшлари билан республикамизда машхурдир. Гирих усимликсимон накшлардан фарк килади. Геометрик накш элементлари 4 кисмдан (ясовчидан) учбурчаклар, туртбурчаклар, купбурчак-лар ва эгри чизиклардан ташкил топган. Хозир республикамизда талантли амалий санъат усталари Махмуд Усмонов, Зокир Бостихонов, Анвар Илхомов, Комил Каримов, Умар Тохиров, Зиёвиддин Юсупов, Хаётилла Абдуллаев ва бошкалар замонавий мухташам биноларни безатишда кулланган гирихлари узининг соддалиги ва гузаллиги, ечимининг оригиналлиги ва мукаммаллиги билан ажралиб туради.

MUSIQIY SAN'ATNING TEATR SPEKTAKLLARIDA TUTGAN O'RNI

Ibrohim Qayumov, BuxDU "Musiqa ta'limi" kafedrasi o'qituvchisi

Klassik she'riyat bilan o'zbek xalq og'zaki professional musiqa ijodiyoti hozirgi kunlarda ham birga xalqimizga xizmat qilib kelmoqdalar.

O'zbek san'atining qaysi bir janriga nigoh tashlasak rassomchilikda teatr sahnasiga, kino sahnasida musiqa san'atida Alisher Navoiyning ijodiyoti ko'z oldimizda namoyon bo'ladi.

Alisher Navoiyning dostonlari hozirgi kungacha o'zbek teatr sahnasini burab kelmoqdalar. Hali XX asrning 20-yillaridan boshlab yozuvchi Xurshid tamonidan Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostoni sahna yuzini ko'rgan edi. "Farhod va Shirin" dagi musiqalar xalq mumtoz qo'shiqlari va maqom yo'llaridagi kuy va qo'shiqlardan saylab olingan bo'lib musiqali drama spektakli o'sha davrlardan boshlab katta muvoffaqiyatlarga erishgan edi.

1933 – yilda bu asar ikkinchi marotaba sahnalashtirib unda U.A.Uspenskiy (kompozitor) musiqalar bastalagan edi. "Bu jahon ovvorasi" she'ri qo'shiq qilib ijro etilgan edi.

Navoiy she'rlari asosida hozirgi dramalarda ham bir qancha mumtoz qo'shiqlar ijro etilib kelinmoqda. Musiqachilarning piri-ustozi musiqa san'atining bilimdoni akademik Yunus Rajabiy aytib o'tgan edilarkim – Alisher Navoiy she'rlari asosida qo'shiqlar asrlar osha ijro etilib kelinmoqda va ayniqsa hozirgi davrda Farg'ona – Toshkent maqom yo'llarida aytilayotgan "Bayot-II", "Guluzorim", "Ushshoq", "Qo'shchinor", "Ko'cha bog'i II", "Hargiz", "Hanuz", "Chorgoh III"va uzoq yillardan beri ijro etilib kelayotgan "Yali-yali"lar so'zimiz isboti bo'ladi. Qancha-qancha davrlardan beri hozirgacha Alisher Navoiyning "Qaro ko'zim" g'azali "Ushshoq" kuyiga moslanib ijro etilib kelinmoqda. Bu g'azal ishq muhabbat manosida bo'lib har bir baytlarda oshiq o'z ichki dard-alamini eng yuqori pog'onada izoh etadi. Sharq mamlakatlarida bunday bayotlar "Shohbayot" lar deb ataladi.

Qaro ko'zim kelib mardumlug' emdi fan qilg'il,
Ko'zim qarosida mardum kabi Vatan qilg'il.
Yuzing guliga ko'ngil ravzasin yasab gulshan
Qadding niholiga jon gulshanin chaman qilg'il.

G'azaldagi ritm va radiflar musiqa tilida kadanslar vazifasini o'tab, ular biri necha marotaba takrorlanadi.

Alisher Navoiyning g'azallari ritmlari (usullar) jihatidan ham kuy va qo'shiqlari usullariga juda mos tushadi. Ushshoq qo'shig'ida ham ana shu so'zlarimiz misol bo'ladi.

Xalqimiz dilidan va tilidan joy olgan "Ushshoq" qo'shig'i qatorida Navoiy g'azali bilan aytilgan "Farhod va Shirin" musiqali dramasining ikkinchi sahnalashtirilishidagi o'zgarishlari bu oddiy bir ovozli musiqalardan ko'p ovozli garmoniyalashtirilgan musiqalar bo'lgan. Yana bir qancha vaqt o'tgach bu musiqali drama asari "Farhod va Shirin" operasiga aylandi. Opera musiqalarini V.A.Uspenskiy, G.Mushel ijod qilganlar.

Alisher Navoiyning ikkinchi sahnalashtirilgan dostoni bu "Layli va Majnun" dir. Sharq mamlakatlarida bu doston shox asarga aylangan bo'lib ikki sevishganlarning fojiali hayoti haqida so'z yuritilgan va bu doston g'arb mamlakatlarida mashhur bo'lgan "Romeo va Juletta" ga monandir. Lekin Alisher Navoiy talqinidagi "Layli va Majnun" dostoni asarlari orasida eng yuqori pog'onalarga erishgan asar hisoblanadi. Asar fojiali ikki sevishganlarning o'limi bilan yakunlasa ham ular orasidagi haqiqiy sevgi va ularning qabrlari ustidagi o'sib chiqqan ikki gul bu yoshlik va chin muhabbat timsolidir.

O'zbek teatr sahnalarida "Layli va Majnun" musiqali dramasi birinchi marta kompozitor Tolibjon Sodiqov musiqalari bilan 1937- yilda sahnalashtirilgan. Tolibjon Sodiqov tomonidan bu musiqali dramada

juda ko’p xalq mumtoz qo’shiqlari va maqomlardan foydalangan. Misol: Qaysi qo’shiqlarda segoh maqomidan Layli qo’shiqlaridan chorgoh kuylarini ustalik bilan ishlatilgan shuningdek “Lalyli va Majnun’ musiqali dramasida xalq qo’shiq va kuylaridan “Dugoh IV”, “Tasnif”, “Buzruk”, “Nasriy segoh”, “Dugoh II” va boshqalarni tinglash mumkin. 1940 yilda esa kompozitorlar Tolibjon Sodiqov va Raymond Glier hamkorligida “Layli va Majnun” nomli o’zbek operasi ijod qilinib sahna yuzini ko’rdi.

Alisher Navoiy siymosi necha-necha asrlar davomida yosh avlodni tarbiyalashda xuddi mash’al singari hamisha yaltirab turadi. Hozirgi vaqtda zamonaviy mavzulardagi yetakchi o’rin ajratilgan holda uzoq o’tmish obrazlari ham chetda qolmaydi.

Kompozitor Mutavakkil Burxonovning badiiy so’z ustasi yakkaxon ashulachi aralash xor va katta simfonik orkestr uchun yozilgan “Alisher Navoiyga qasida” si Abdulla Oripov she’ri bilan yozilgan o’zbek vocal simfonik musiqasida muhim o’rinni egalladi. Kompozitorning boshqa asarlari kabi “Qasida” ham o’zining iliq lirizim musiqalarining emotsional to’liqligi yuqori ritmik tuyg’ular majmuasi bilan maftun etdi. Tema sifatida navo maqomi ashula bo’limining birinchi qismidan boshlang’ich jumlani olib Mutavakkil Burxonov uni keng rivojlantiradi va keng ko’lamda yaxlitlikka erishadi. Bu asar hazrat Alisher Navoiyning muborak qutlug’ aytilgan bag’ishlangan bo’lib, ulug’ shoir xotirasini o’zgacha ezozlovchi asar sifatida alohida o’ringa loyiqdir.

Alisher Navoiy “Qasidasi” ko’kda yulduzlar jimirlagan, subhidam payti monologi bilan boshlanadi.

Monolog

Ulug’ shoir Alisher Navoiy
Tenglik, mehnat shiorining
Xalq mehriboni deding
Noming eslab Vatan
Tingla sen, so’zlar Vatan.

Asarda yakkaxon ashulachining ajoyib kuylagan qo’shig’i alohida e’tiborga loyiqdir va bu qo’shiq tinglovchilarni sehrli o’tmishdan hozirgi zamonga chorlaydi.

Mo’tavakkil (Muzaiddin)Burxonovning bu asari maktab o’quvchilarini mehnat va ma’rifatga insof va adolatga, halollik va to’g’rilikka Vataniga va xalqiga muhabbatli bo’lishiga shafqat va mahoratga undaydigan yosh avlodni musiqiy asarlar vositalari bilan har tomonlama rivojlangan shaxs bo’lishlariga musiqa sirlarilini o’rganishga sinfdan va maktabdan tashqari musiqiy mashg’ulotlar jarayonida ham asar mazmunini tushuntirib olishga intiluvchi insonlar bo’lib yetishishga chorlaydi.

Alisher Navoiyning “Sa’bbai sayyor” dostoni asosida teatr ga moslangan yirik musiqa asarlarining mukammal yozma testini (librettosini) Komil Yashin va Mumtoz Muhammadiyev yozganlar. Operaning bosh qahramonlari rassom Moniy va qo’shiqchi Dilorom bir-birlarini sevadilar, lekin go’zal changchini sotib olgan va Moniyni zindonga tashlagan shox Bahrom sevishganlar baxtini paymol qiladi. Komil Yashin va Mumtoz Muhammadiyev tomonlaridan yozilgan bu libretto Navoiy dostonining bosh mazmuni va sotsial g’oyasi bilan ham umumiylikka ega.

Alisher Navoiyning “Sabbai sayyor” dostonida shox bahrom o’zining go’zal asirasi Dilorom “Erkatoy shaytoni” ga shunchalik beradiki uni deb hatto davlat ishlarini unitadi. Butun bayon davomida muallifning asosiy fikri tahdidlanadi: bazm, ov, aysh-ishratni mamlakatni boshqarishdan ustun ko’rgan har qanday hokim qoralanishiga loyiqdir. Dostonning oxirida Alisher Navoiy shoxga daxshatli hukm chiqaradi. Sosoniylar davlatining qudratli vakili shox Bahrom Dilorom va dabdavali hamrohlari bilan birgalikda bodqoqlik va shavqatsiz o’ldirilgan hayvonlar qonida tashkil topgan loyga cho’kib ketadi.

Operaga qahramonlarning ishq dramasi o’zining nisbatan to’liq ifodasini topgan. Bosh qahramonlar milliy o’zbek kuy qo’shiqlaridan namunalar vositalari bilan ifodalangan. masalan Moniy obrazini yoritishda qadimiy lirik kuylardan “Karimqulbegi” mohirona ishlatgan.

Moniyning har bir chiqishida mazkur kuy yangrab qahramon leyttemasi darajasiga ko’tariladi.

Diloromning ariyalari “Qalb yonar”, “Jonim mening” va boshqa ariya va romanslari ham Diloromning ashulachi va sozanda sifatida mos keladigan xalq kuy va qo’shiqlaridan ustalik bilan kompozitor Muxtor Ashrafiy tomonidan ishlatilgan. masalan xalq kuylaridan “Saraxbori oromijon”, “Chapan dizi navo” lar shular jumlasiga kiradi.

Moniyning “Oh kim” ariyasida Buxoro shashmaqomining “Segoh” maqomidan bir qismi ishlatilgan.

“Dilorom” operasida kamchiliklar ham mavjuddirkim bu nuqsonlar asarning yaxlit sahnalashtirishda buncha ham ta’sir ko’rsatmaydi. masalan salbiy qahramonlar aniq darajada ishonarli ko’rsatilmagan.

Umuman Alisher Navoiy asarlarining opera janrida sahnalashtirilishi bu o’zbek musiqa san’atida katta muvoffaqiyat hisoblanadi.

“Dilorom” operasi boshqa o’zbek operalaridan o’zining badiiy professionalizmi bilan ham ajralib turadi.

Alisher Navoiy o’zining “Sabbai sayyor” dostonida muhabbat, chin sevgi, musiqa san’atining sirlarini uning sehrlarini, musiqaning emotsional va tarbiyaviy mahoratlarini uning birga insonlarga nisbatan kayfiyatbaxsh etganligini o’z asarlarida mohirona bayon etgan.

“Dilorom” operasidagi ariya va romanslar musiqiy lavhalar ansambllar va xor jamoasi ijrosidagi asarlar sahnaning badiiy bezatilishi maktab o’quvchilariga katta taassurot bag’ishlab o’z milliy o’zbek san’atimizni bilib olish va o’rganishga katta turtki bo’ladi degan umiddaman. Alisher Navoiyning asarlarini o’rganish jarayonida va bu asarlarni sinfdan va maktabdan tashqari musiqa mashg’ulotlaridan kengroq bilib olish yosh avlodni hamma tomonlama tarbiyasida katta ahamiyatga ega deb bilaman. Bu allomalarimiz asarlari yosh avlodni tarbiyalashda katta rol o’ynaydi.

MILLIY BIBLIOGRAFIYANING PAYDO BO‘LISHI

“Milliy bibliografiya” tushunchasining izohlanishi

Davlatova S.S.NavMSK “Bibliografiya” fani o’qituvchisi

“Milliy bibliografiya” deb, biror bir davlatning bosma matbuotini universal (to‘liq) hisobga olish vazifasini bajaruvchi bibliografiyaga aytiladi.Uning paydo bo‘lishiga qator sabablar bo‘lgan, ularning eng muhimi – millatning paydo bo‘lishi, milliy o‘zlikni anglashning shakllanishi va bundan milliy madaniyat yutuqlarini aniqlash va umumlashtirishga ehtiyojning kelib chiqishi edi.

Xalq tili (nemis, frantsuz, ingliz va boshq.)dagi kitoblarning keng tarqala borishi va ilgari o‘rta asrda xukmron bo‘lgan til – lotin tilining asta sekin siqib chiqarilishi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Kitob nashr qilishning tez sur’atlar bilan o‘sishi (agarda 1500 yilda Yevropada 30 ming nomda kitob nashr qilingan bo‘lsa, 1600 yilda esa 285 mingdan ortiq kitob bosilgan) ham muhim rol o‘ynadi.

Milliy adabiyotlarning retrospektiv yig’ma ro‘yxatlari XV1 asr boshlaridan yuritilardi.Ularning 1-si ingliz Jon Beylning 1548 yilda bosilgan bibibliografik asari hisoblanadi.1550 yilda Venetsiyada publitsist va noshir Antonio Franchesko Donining «Florentsiyalik Donining kutubxonasi» (“Biblioteka Florentiytsa Doni”) asari bosildi. Unda Italiya yozuvchilari asarlarining ro‘yxati berilgan bo‘lib, u mahalliy (italyan) tilidagi adabiyotlarni hisobga olishdagi birinchi tajriba edi. 2 qismdan iborat bu ko‘rsatkich keyinchalik bir necha marta qayta nashr qilingan.

Chorak asrdan so‘ng 1584 va 1585 yilda Frantsiyada frantsuz tilida 2 ta kitoblar ko‘rsatkichi chiqdi, ularning biri F.Dyu Men, ikkinchisi A.Dyu Verde tomonidan tuzilgan. XV1 asrning bu va boshqa ishlari Yevropada, so‘ngra butun jahonda retrospektiv milliy bibliografik nashrlarning keng tarqalishiga zamin tayyorladi.

XV1-XVIII asrlar retrospektiv bibliografik nashrlari faqat kitoblarni hisobga olardi, lekin to‘liq bibliografiyalanmagan ro‘yxatlar edi, chunki adabiyotlarning kundalik hisobi olib borilmas edi, shu sababli tuzuvchilar chiqayotgan asarlar to‘g’risida ma’lumotlarni to‘plardilar, bunda o‘zidan oldingi tuzuvchilarning ishlaridan, kutubxonalar va nashriyotlar kataloglaridan foydalanganlar.

Bu davrda retrospektiv to‘plamlar alohida shaxslar va bibliograflarning shaxsiy tashabbusi bilan tuzilardi. Kundalik milliy bibliografiya X1X asrdagina paydo bo‘lgan, shunga qaramay, milliy bibliografiya tushunchasini nazariy izohlash qiyinchilik bilan kechdi va uning atrofida munozaralar hozirga qadar ham davom etmoqda.

«Milliy bibliografiya» tushunchasi XVIII asrning oxirida Frantsiyada paydo bo‘ldi, X1X asrdagi Xalqaro bibliografik Kongresslarda keng tarqaldi, biroq tushuncha izohanmadi. Birinchilardan bo‘lib frantsuz tarixchisi va bibliografi SH.V.LANGLUA «Tarixiy bibliografiya bo‘yicha qo‘llanma» (“Posobiye po istoricheskoy bibliografii”) (1901 y.) asarida uni izohlashga harakat qilgan.

«Universal bibliografiyalarga doirasi tor bo‘lgan milliy bibliografiyalar qarshi turadi: bu nashr hozirda u yoki bu millat – Germaniya, Frantsiya, Italiya va boshqa davlatlar hududida nashr qilinganlik belgisi bilan birlashtirilgan kitoblar repertuaridir», deb yozadi Sh.V.Langlua. Lekin bu ta’rif milliy adabiyot tarixi repertuariga ham mos keladi, ular ham **davlat vakillari** yoki shu **davlat tilida** yozilganlik belgisi bilan birlashtirilgan (bosma yoki qo‘lyozma) asarlar repertuaridir.Bunga qo‘shimcha qilib, bir davlat to‘g’risida (Germaniya, Frantsiya va boshqalar) gi asarlarni hisobga oluvchi repertuarlar «milliy bibliografiya» deb atalishi mumkin, deb ayta olamiz.

XX asrning 1-yarmi davomila «**Milliy bibliografiya»** tushunchasini aniqlash ustidagi ish ilgari siljimadi. Ko‘pgina bibliograflar milliy bibliografiyaning ko‘pyoqlama xususiyatini tan olgan holda uning bosh, yetakchi shakli – biron-bir davlat doirasida nashr etilgan adabiyotlarni hisobga olish belgisini ajratdilar.

Bibliograflarning bir qismi milliy bibliografiyaning asosiy vazifasini bir millat bilan u yoki bu tomonlama bog’liq bo‘lgan va shu hududda bosilgan adabiyotlarning butun kompleksini keng aks ettirishda deb qaradilar va

a) shu xalq tilida;

b) uning vakili tomonidan har qanday tilda yozilgan va hatto

v) muallifi yoki tilidan qat’iy nazar shu xalqqa yoki davlatga bag’ishlangan adabiyotlarni hisobga olishi kerak, deb hisobladilar.

Milliy bibliografiya shakllarining farqi aniq tarixiy vaziyat (sharoit) tafovutlari bilan bog’liq bo‘ladi. Ko‘pgina davlatlarda kundalik va retrospektiv milliy bibliografiya nashrlari o‘z davlat adabiy maxsulotlarini

aks ettirib, hududiy tamoyillar asosida shakllandi. Rossiyada ham, AQSHda va qator boshqa davlatlarda ham shunday bo‘ldi. Ammo ba’zi davlatlarda, xususan Germaniyada hududiy tamoyilni qo‘llash mumkin bo‘lmadi. Ma’lumki, 1871 yilgi frantsuz-pruss urushidan keyin nemis davlatlari Prussiya nomi ostida birlashtirilib, Germaniya imperiyasi yaratildi. Biroq milliy birlik tushunchasi nemislarni, K.R.Simonning fikricha, davlatning bo‘linishini «engish zarur bo‘lgan umuminsoniy kulfat» deb qarashga majbur etdi. Nashriyotchilik va kitob savdosi nemis tilidagi kitoblarni nashr etib va tarqatib, mavjud chegarani hisobga olmay, umumnemis madaniy markazlari va kitob savdosi tashkilotlarini tashkil etish orqali bu bilan kurashdilar. Bunday sharoitda milliy bibliografiya kitob savdosining kechiktirib bo‘lmaydigan ehtiyojlari uchun zarur bo‘lgan birgina tamoyil – yil belgisi bo‘yicha tuilishi zarur edi.

Boshqa davlat tili va madaniyati bilan bog’langan milliy guruhlar yig’indisini bildiruvchi davlatlar (ingliz-frantsuz Kanada, frantsuz-nemis, italyan Shveytsariyasi va h.k.) yoki bosma mahsuloti kam bo‘lgan davlatlar yoki sun’iy ravishda tuzilgan davlatlar (Isroil) alohida toifani tashkil etadilar. Bu hollarda, shuningdek majburiy bo‘lib yuborilgan va o‘tmishda milliy ezilgan, hudud jihatidangina emas, balki til chegarasi ham tor bo‘lgan davlatlar to‘g’risida gap ketganda mamlakat vakillari yozgan yoki unga bag’ishlangan chet el asarlari to‘g’risida qo‘shimcha axborotga ehtiyoj paydo bo‘ladi. masalan, ko‘p yillar mobaynida parchalanib kelgan Polshada milliy bibliografiyaning vazifasi davlat tarqoqligiga, aholisining eminratsiyasiga qaramay polyak madaniyati yutuqlarini aniqlash va aks ettirish bo‘lgan

Shunday qilib, **«Milliy bibliografiya»** tushunchasi adabiyotni hisobga olishning turli mavjud shakllarini birlashtiradi, deb ta’kidlash mumkin:

1.Hududiy belgilari bo‘yicha hisobga olish (shu davlat hududida barcha tillarda nashr qilingan hujjatlar hisobga olinadi).

2.Til belgisi bo‘yicha hisobga olish (nashr joyidan qat’iy nazar, aniq bir tilda bosilgan asarlar hisobga olinadi).

3.Ushbu davlat bilan hududiy, til, mualliflik va mazmun belgisi bilan bog’liq bo‘lgan – kompleks tamoyiliga ko‘ra barcha materiallarni hisobga olish (bu guruh «patriotika» yoki «eksteriorika» deb ataladi). Milliy bibliografiyaning ham kundalik milliy bibliografiya, retrospektiv milliy bibliografiya turlari ajratiladi.

Kundalik milliy bibliografiyaga hududiy tamoyil maqsadga muvofiq deb topilgan, bu til yoki kompleks belgilar bo‘yicha hisobga olishning ahamiyatini kamaytirmaydi, lekin ular hozirgi davrda mamlakatshunoslik bibliografiyasining ob’ekti hisoblanadi va kundalik milliy bibliografiya nashrlariga qo‘shilmasligi kerak.

BIBLIOGRAFIYA TARIXIGA BIR NAZAR

Davlatova S.S.NavMSK “Bibliografiya” fani o’qituvchisi

Bugungi kunga kelib, Mustaqillik tufayli va milliy madaniyatga e’tibor kuchayishi munosabati bilan “Turkiston to‘plami”ga olimlar, yozuvchi va yosh tadqiqotchilarning qiziqishi chnada kuchaydi. Hatto, ayrim tomlari, uchun kutubxonada uzoq muddatli navbat o‘rnatilgan. “To‘plam” ga qiziqishning zo‘rligidan tadqiqotchilar faqat O‘rta Osiyo jumhuriyatla-ridagina emas, balki Moskva, Petergrad kabi markaziy shaharlar, xorijiy mamlakatlardan ham kelishmoqda. Endilikda kutubxona xodimlari, bibliograf olimlar oldida mehnat, ilm fidoiyligiga bag’ishlangan bu ajoyib merosini vaqt ta’siridan qanday saqlab qolish muammosi turibdi. Po‘lat sandiqlarmi, Iqlim sharoitimi, Kitob asrash gigiyenasimi. Bu nashrning yaxshi saqlanishi uchun A.Navoiy nomli respublika milliy kutubxona ma’muriyati to‘plamining hamma tomlarini elektron versiyani tashkil qaror qildi.

Hozirgi kunda barcha tomning elektron versiyasi tayyorlanmoqda. Mashaqqatli ish tugallangach, bu klassik manba’ fanlar Akademiyasi, institutlar, yirik kutubxonalar va har bir kitobxonning tadqiqot ob’ekti bo‘lib qoladi. Biz to‘plam xususidagi fikrimizni K.Novoselovning quyidagi ibratli so‘zlari bilan tugatmoqchimiz: “Yana yuzlab yillar o‘tadi, olimlarning yetishib kelayotgan yangi avlodlari ehtiros va tashakkur tuyg’usi bilan xotiradan o‘chib, umuman, yo‘qolib ketayotganday bo‘lgan narsalarini “To‘plam» dan topadilar.

XIX asrning oxiri, XX asrning boshlarida O‘rta Osiyo bibliografiyasining rivojlanish tarixi bevosita rus o‘lkashunos bibliografi. N.V.Dmitrovskiyning nomi bilan ham bog’liqdir. U nafaqat O‘rta Osiyoning bibliografi bo‘lgan, balki Turkistonda kutubxonachilik bibliografiya ishining tashkilotchilaridan biridir.

N.V. Dmitrovskiy 1841 yil 6-dekabrda Nijniy Novgorod shaxrida tug’iladi. Shu yerda o‘qiyda va mexnat faoliyatini boshlaydi. 1867 yil u Toshkentga keladi va Turkiston general-gubernatorining kontselyariyasida ish boshqaruvchi va Toshkent xalq kutubxonasining kutubxonachisi bo‘lib ishlaydi. 1910 yilda vafot etadi.

Uning kutubxonachilik va bibliografik faoliyatining boshlanishi 1870 yili Toshkent xalq kutubxonasining keyinchalik, bu Turkiston xalq kutubxonasi, hozir A.Navoiy nomli Respublika milliy kutubxonasi ochilishi bilan bog’liq. U kutubxona tashkil qilishda aktiv ishtirok etgan va birinchi bo‘lib kutubxona direktori qilib tayinlangan. N.V. Dmitrovskiy birinchi bo‘lib kutubxona rus kitoblar fondining katalogini tuzgan xozir A.Navoiy nomli respublika milliy kutubxonasi fondida saqlanmoqda.

N.V. Dmitrovskiy katalogni tuzishda o‘lkashunoslik manbaalariga katta axamiyat beradi. O‘rta Osiyoga oid kitoblar katalogda mahsus bo‘limlarda joylashtirilgan. Yana shunisi qimmatliki, katalogga kirgan hamma ilmiy ishlarni ko‘p tomliklarning mazmuni to‘liq ochish yo‘li bilan O‘rta Osiyo haqidagi manbalari yig’ilgan. Toshkentda tuzilayotgan barcha o‘lkashunoslik to‘plamlarining mazmunini to‘liq yoritilgan. masalan: “San’at” bo‘limida kam nusxada nashr qilingan, muxim va nodir xisoblangan « turkistanskiy albom” ning xamma varaqlari sanalib tasvir qilingandir. Shunday qilib N.V. Dmitrovskiy tuzgan katalog faqatgina kutubxonaning rus fondini aks ettirib qolmasdan, balki fondning o‘lkashunoslik mazmunidagi qismining mazmunini to‘liq ochib xam bergan.

Biz yuqorida N.V.Dmitrovskiyning kutubxona ishini kuzatish komissiyasini xamda “Turkiston to‘plamini ”davom ettiruvchi byuroning raisi davridagi faoliyat xaqida batavsil aytib o‘tgan edik.

N.V. Dmitrovskiy o‘zining O‘rta Osiyo xaqidagi 1871 -1872 yil uchun kitob va maqolalarning kundalik bibliografiyasini shu yillarda tuzib, «Turkistanskiye vedomosti” (1871 yil № № 33,36,39,43,44, 1872 yil № № 7,16/ gezetasida nashr qildiradi.1874 yilda esa uning muxim ko‘rsatkichlaridan biri “Bibliograficheskiy ukuzatet” sochineniy o Sredney Azii, napechatannax V Rossii na russkom yazыke s 1692 po 1870 g) nashr qilinadi.

Ko‘rsatkich O‘rta Osiyo haqidagi adabiyotni yig’ish uchun N.V.Dimitrovskiy Moskva va Peterburgda chiqadigan jurnallarni, rus fanlar akademiyasi,universitetlarni va ilmiy jamiyatlarning nashrlarini va ko‘plab gazetalarni ko‘rib chiqdi. Ko‘rsatkichda manbaalar (788 nomda) 11 ta bo‘limga joylashtirilib O‘rta Osiyo va uning ayrim territoriyalarining tarixi, geografiyasi, arxeologiyasi qishloq xo‘jaligi sanoati, aholisiga oid adabiyotlar berilgan. Ko‘rsatkichning so‘z boshida yaqin kunlarda buning davomi chiqishi haqida yozilgan, lekin u chiqmadi.

N.V.Dimitrovskiyda har doim V.I.Mejovning “Turkiston to‘plami”ni to‘ldirish istagi bo‘lgan. Shuning uchun ham “V.I.Mejovning «Turkiston to‘plami” ga kirmay qolgan O‘rta Osiyo haqidagi maqolalarning ko‘rsatkichi 1867-1887 yillar xam 1887-1907 y” Ukazatel statey o Sredney Azii, ne voshedshix v Turkistankiy sbornik” za vremya sushestvovaniya /1867-1887/, a takje s 1887-1907 g.g” ko‘rsatgichini tuzadi. Ko‘rsatkichda asosan “Voyennыy sbornik”, «Russkiy invalid», «Razvedchik», «Drevnyaya i Novaya Rossiya», kabi jurnallarning maqolalari umuman 13 ta jurnal ko‘rib chiqilib, ulardan 1670 tadan maqola olingan. Ko‘rsatkichda materiallar jurnallarning alfavit bo‘yicha, bo‘lim ichida esa yillar bo‘yicha berilgan. Lekin ko‘rsatkich qo‘l yozma holida qolib ketgan kutubxonani fondida saqlanmoqda.

N.V.Dimitrovskiyning bibliografik ayniqsa, (O‘rta Osiyo adabiyoti bo‘yicha) faoliyati zamondoshlari tomonidan ham yuqori baholangan. masalan; «Turkistanskiy kurer” gazetasining redaktori A.A.Kirsner uning vafotidan keyin Turkistonda bibliografiyani rivojlantirishdagi xizmatini shunday baholab yozgan edi”... Bibliograf sifatida, ayniqsa. Turkiston haqidagi adabiyotlarning, Dimitrovskiyga teng keladigani yo‘q edi. Men shaxsan Dimitrovskiyni Mejovdan ustin qo‘yaman. CHunki Mejov ko‘plab yordamchilar bilan mexanichesiy bajarar edi. N.V.Dmitrovskiy esa turkistonshunoslikda ijobiy tirik entsiklopediya edi. Agar Mejov rus bibliografiyaning ustasi bo‘lsa, Dimitrovskiy esa uning rassomi edi agar Mejov rus kitobining quruq tarixchisi bo‘lsa, Dmitrovskiy esa uni butun vujidi bilan sevgan,kitobga,bulgan bu sevgini umrining oxirgi damlarigacha saklab kelgan. Kitob, bibliografiyaga butun xayoti buyi” intilib kelgan va bu soxa yashashdan maksadiga aylangan”.

XIX asrning ohiri -XX asrni boshlarida O‘rta Osiyo haqidagi adabitlarni hisobga oluvchi qator bibliograf ko‘rsatqichlar nashr qilindi. masalan: 1902-1903 yillarda Peterburg botanika bog’ining bosh botanigi V.I. Linskoy Turkiston o‘simliklar dunyosi va botanik ilmiy ishlarga oid «Literatura flori Sredney Azii” nomli 2 qismli ko‘rsatkichni tuzib nashr qildirdi.

Ko‘rsatkichning birinchi qismida rus Turkistonning va qo‘shni mamlakatlarni o‘simliklar dunyosiga oid Peterburg va Moskva shaharlarining yirik kutubxonalarida saqlanayotgan 1976 -1902 yillarda nashr qilingan kitob va maqolalar kiritilgan. Ko‘rsatilgan manbaa haqida to‘liq ma’lumot beruvchi qiziqarli, annotatsiya berilgan. Ayniqsa nodir va tanilishi qiyin bo‘lgan nashrlarga annotatsiya, referat singari keng berilganki, unda manbaaga murojat qilmay turib ham uning mazmuni bilan qisqa topsa bo‘ladi.

Ko‘rsatkichning ikkinchi qismi O‘rta Osiyo botanika tarixini o‘rganishga bag’ishlangan, adabiyotlarning tasviri, annotatsiyalash uni joylashtirish uslubi birinchi qismiga monanddir.

Materiallarni hisobga olishni kengligi, bibliografik tasvir to‘liq va birxilligi, annotatsiyaning kengligi V.I. Linskiyning bu qo‘llanmasini 1917 yilgacha tuzilgan eng yaxshi ko‘rsatkichlar qatoriga qo‘ysa bo‘ladi. Lekin materialni alfavit tartibida joylashtirilishi, ayniqsa, yordamchi ko‘rsatkichni yo‘qligi undan foydalanishni ancha qiyinlashtiradi.

O‘rta Osiyo xaqidagi rus va chet tillardagi adabiyotlarni biz S.P.Semeonov - tyanshanskiy tomonidan tuzilgan, “Rossiya ”nomli ko‘p tomli seriyasini XVIII va XIX tomlarida nashr qilingan. «Ukazatel glavneyshix istorichnikov i posobii» nomli ko‘rsatkichdan tanishishimiz mumkin. Ko‘rsatkich XVII asrning o‘rtalaridan to 1913 yilgacha bo‘lgan O‘rta Osiyo tarixi, arxeologiyasi, geografiyasi , madaniyati va boshqa fan soxalariga oid adabiyotni o‘z ichiga olib o‘n bitta bo‘limda joylashtirilgan.

O‘zida adabiyotlarni xisobiga olishi va ularni joylashtirilishi bilan O‘rta Osiyo xaqidagi muhim ko‘rsatkichlardan biri o‘lkashunos bibliograf V.R. Gorodetskiy va M.P. Gorodetskayalar tomonidan tuzilgan «Bibliografiya Turkistana” nomli ko‘rsatkichdir.

Ko‘rsatkichda rus va chet tillarda nashr qilingan kitob va vaqtli matbuotlarda maqolalar berilgan bo‘lib, 10 ta asosiy bo‘limga bo‘lib fan sohalari bo‘yicha joylashtirilgan (tarix, geografiya, mineralogiya, botanika, zoologiya, astronomiya, qishloq xo‘jaligi va boshqalar).

O‘ninchi bo‘lim yig’ma bo‘lim bo‘lib, boshqa bo‘limlarga kirmay qolgan adabiyotlarni va ba’zi vaqtli matbuot muharrirlarining adreslari berilgan.

Ko‘rsatkichning birdan bir kamchiligi turli yillardagi adabiyotlarni bir tekisda bermaganligi, bir muallifning bir necha asarini tasvirlashda avtor familiyasini birinchi asarda ko‘rsatilib, qolganlarida berilmaganligi, annotatsiya va yordamchi ko‘rsatkining yo‘qligidir. Lekin biz kamchiliklarga qaramasdan ko‘rsatkichda O‘rta Osiyo xaqida muxim ma’lumotlar yig’ilgan va xozirgi kunda ham undan foydalanish mumkin. XX asr boshlarida to hozirgi kungacha ilmiy qimmatini yo‘qotmagan qator bibliografik ko‘rsatkichlar. Rus geografiya jamiyatining Turkiston bo‘limining «Izvestiya” to‘plamida nashr qilindi.Hozirgi vaqtda O’zbekistonda bibliografiyaning bibliografik qo’llanmalari sismalari shakllangan.Bu sistemaning eng rivojlangan turi bugungi universal retrospektiv ko’rsatkichlardir. Ularda respublika bibliografiyasining ma’lum davrdagi rivojlanishi haqida xulosalar chiqariladi, mavjud kamchiliklar aniqlanadi.Buning natijasida olingan xulosalar esa bibliografik jarayonlarni boshqarishga yordam beradi.

ESTRADA IJROCHILIGIDA ESTETIK MUAMMOLARNING TARBIYA VOSITASIDAGI AHAMIYATI

Abror Azimov NavDPI, «Musiqiy ta’lim» kafedrasi o’qituvchisi

Pedagogikaning umumdidaktik prinsiplari, musiqiy Estrada yo’nalishlarining u yo bu spesifikalarida tayangan holda muhim ahamiyatga ega bo`lib, musiqani hayot bilan bog`lashda katta ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga bolalar ongida Estrada janrlari orqali yangi tushunchalar paydo bo`lib, musiqani ongli idrok etishi va o`rganishga qiziqishini kuchayib boradi. Buning natijasida, cholg’u ijrochiligi yo xonandachilik kuylash va boshqa amaliy faoliyatlarni bajirishda faollik, uyushqoqlik, ifodalilik va obrazlilik kabi xususiyalar tobora aniq namoyon bo`lib boradi. Yana shuni qayd etish lozimki, musiqa o`qituchisi darsning taqvim (kalendar) – mavzuli rejasi dastur asosidagi musiqa faoliyatlari tarkibiga qarab emas (dars hamma vaqt ham ovozlarni sozlash yoki, musiqa tinglashdan boshlanishi shart emas), ya’ni darsning tuzilishi barqaror mavzuli tizimda emas, balki mavzuli rejadagi asarlarini o`zlashtirish uchun musiqa faoliyatining qaysi turidan boshlab, qaysi turidan tugatilishidan qat’iy nazar, bolalarni musiqaga va dars mazmuniga ko`proq qiziqtira olish va pedagogik maqsadga samaraliroq erishish mumkinligi muhimdir.

O`zbek xalqi ta’lim-tarbiyaga oid boy merosga ega bo`lib, avvalo insonparvarlik, kamtarinlik, mehnatsevarlik, mehr-oqibat, do`stlik, birodarlik, poklik, odoblilik kabi umuminsoniy fazilatlarni tarbiyalab kelgan. Hozirda ma’naviy tarbiyani yoshlarda shakliantirish dolzarb vazifadir. O`zbek milliy qo`shiqlarini meyyoriga yetkazib kuylash, tinglovchilarning yuragiga ta’sir qildirish - bir san’at, u san’atdan bahra ola bilish ham katta iste’dod bo`lib qoldi. Shuning uchun keksa san’at ustalarimizni tinglay olish, ularni ardoqlash, e’zozlash, oqibatli bo`lishni yosh avlodga o`rgatish, biz o`qituvchilarga katta vazifa yuklaydi. O`qituvchi-ustozning mahorati o`z o`quvchisini har bir ishni bajarishga majbur etishida emas, balki uni bu ishni o`z xoxishi-irodasi bilan, tushunib quvonch bilan bajarishga rag’batlantirishdadir.

Ma’naviy tarbiyaning bir nechta jihatlari mavjud. Shuning bir qirrasiga ya’ni musiqiy ta’sir orqali yuksak insoniy xis-tuyg`ularni shakllantirish masalalariga ozgina to`xtalamiz. Asrlar osha yetib kelgan xalq hayotini ko`rsatuvchi qo`shiq va kuylar juda kop. Ular xis-xayajon uyg`otuvchi, mazmuni jihatidan esda qoluvchi, ta’sirchan kuchga egadir.

Bu borada yurtboshimiz I.A.Karimovning - «Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi ahvol, amalga oshirilayotgan ilohyotlarimizning samaradorligini avvalo xalq ma’naviyatining shakillanishi, boy tarixiy merosimizning keng o’rganilishi, an’analarimizning saqlanishi, madaniyat va san’at, fan va ta’lim rivoji bilan uzviy bog’liqdir», - degan so’zlar bilan ma’naviyat cho’qqisiga intilishish chorlamoqda.

Xullas; yosh avlod tarbiyasi vositasida O’zbekiston Estrada san’atining 50 yilligi sababchisi Botir Zokirovning mehnat faoliyati, o’zbek estradasini jahon bo’ylab tarqalishiga va milliylik o’zagining an’anaviylikdan-zamonaviy sari tavsilotlarini keng dunyoga ma’lum qilinishiga olib keldi. Bugungi kun tartibida Estrada shaydolari ham ko’payib bormoqda, ammo shunisi qiziqarliki, ustoz ko’rmagan shogirdlar, chala –savod honanda va ijrochilar, ovozi zo’riqlagandan va ustoz ko’rmaganidan daxshatli va dag’al tovushga ega, ya’ni (chiroyli ovoziga o’z-o’zidan shikast yetkazgan), bir ma’noda “Zararli hasharotlar ansambli” ham ko’payib bormoqda. Shunindek, so’z tanlashda ham bir xillik ma’no va bema’ni so’zlar, usul tizimi ham bir xillik pala-partish tuzilmadan iborat bo’lib bormoqda, deyish mumkin. Kelajak avlodimiz yoshlarini musiqiy saboqdan to’g’ri yo’l tanlashlari uchun, ustozlardan maslahat olgandan so’ng, o’z kelajak

va orzularini ro’yobga chiqarishda ko’pga bormay adashmaslikni ogohlantirmoqchimiz. Bu aqeda, hozirgi bema’ni va bir xil motivdan iborat kinofilmlarga ham taaluqlidir.

Adabiyotlar

1. Ahmedov M. Yunus Rajabiy. T.: G’ofur G’ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1980.
2. Hamidov H. Musiqa - qo’shiqchilik madaniyatimiz tarixi. T.: O’qituvchi,

QADIMGI YOZMA YODGORLIKLARDA TABIAT HODISALARINI IFODALOVCHI SO‘ZLAR

f.f.n E.Xo’janiyozov, M. Allambergenova NDPI, O‘zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi 2-bosqich magistranti

Rezyume. Maqolada qadimgi turkiy yozma yodgorliklar lug’aviy qatlamidagi tabiat hodisalariga oid so’zlar qiyosiy tadqiq qilingan. Bugungi adabiy tilimizda saqlanib qolgan yoki arxaiklashgan ba’zi so’zlarko’rib chiqilgan. Ko’plab so’zlar misollar orqali etimologik jihatdan asoslangan.

Резюме. В данной статье сопоставительно обсуждаются слова, относящихся и природным событиям древнетюркским писменным памятникам. Рассматриваются слова сохранившихся в сегодняшним литературних языке или некоторые архаические слова. Многие слова основаны на этимологических примерах.

Summary. In this article words about nature events were investigated in lexic layer of ancient Turkish writing memories. In todays literary language were lokked through some words that are kept or archaic. Many words were based with examples in etymologic side.

Tayanch so’zlar: magma, osmon, yer, yog’och, arxaik, Sariq dengizi, leksik qatlam, Kultegin, Tonyuquq;
Ключевые слова: магма, небо, земля, дрова, архаический, Желтое море, лексический слой, Кюлтегин, Тунюкук;
Key words: maghma, sky, earth, wood, arxaism, Yellow sea, lexic layer, Kultekhin, Tonukhuk;

Tabiat- odam paydo bo‘lgunicha ham, odam ishtiroki bilan ham mavjud borliq. Umuman, bu dunyo odam, koinot, jonsiz va jonli borliq. Tabiat tushunchasi insoniyat jamiyati yashash tabiiy sharoitlarining majmui deb ham qaraladi. Odamning tabiatga munosabati turli davrlarda turlicha bo‘lib o‘zgarib, rivojlanib bordi. Shu qatorda eng qadimgi insoniyat vakillari tabiat hodisalari, tabiiy voqeliklarga o‘z tasavvurlari nuqtai nazaridan kelib chiqib munosabatda bo‘lganlar. Tabiat haqidagi tasavvurlarning turlicha bo‘lishi rivojlanish, taraqqiyot, ong va fikrlar yangilanishi singari qator omillar bilan bog‘liqdir. Shuning uchun qadimgi yodgorliklar, qadimgi adabiy asarlarda tabiat hodisalariga oid atamalarni, so‘zlarni o‘rganish bu boradagi qarashlar haqida ma’lumotga ega bo‘lishda yordamchi vositadir. Qadimgi yozma yodgorliklarda qo‘llanilgan tabiat hodisalariga oid so‘zlarning tadqiqi shu jihatdan ahamiyatga molikdir.

Qadimgi turkiy yozma bitiklarda yer, yo‘l, qor, suv, dengiz, daryo, cho‘l singari tabiat hodisalarini ifodalovchi so‘zlar ishlatilgan. Bundan tashqari mazkur so‘zlar o‘zaro juft holda kelib yangi ma’nolarni ifodalashga ham xizmat qilgan. Yozma obidalardan Tonyuquq va bitiklarning eng yirigi bo‘lgan Qultegin bitigtoshi misolida tabiat hodisalarini ifodalovchi so’zlar yuzasidan fikr yuritishga harakat qilamiz.

Bizga xalq og‘zaki ijodi namunalaridan ma’lumki, qadimgi ajdodlarimiz tabiat hodisalariga alohida ahamiyat berib, ularni jonli deb tasavvur qilganlar. masalan, o‘ta qattiq yer silkinishi sodir bo‘lsa, yer o‘rtasidagi magma deb atalmish cho‘g‘ borligini, uning harakatga kelish oqibatida yer qimirlashlari bo‘lishini ilmiy asoslay olmagan odamlar yerimizni ho‘kiz shoxida ko‘tarib turgan bo‘lsa kerak, ho‘kiz charchaganida shoxlarini qimirlatib, dam olsa kerak, oqibatda yer qimirlaydi, deb faraz qilganlar. Bunday faraziy mulohazalar shunday ko‘p bo‘lganki, o‘tmishdagi odamlar ularga javob topishga ham ulgurmaganlar. Ammo fikr yuritish, taxminiy sabablar topish xususiyatlari hozirgi dunyo kishisida ham ajdodlar dunyoqarashiga yaqin holda saqlanib qolgan, deyish mumkin. Shundan kelib chiqib qadimgi yozma obidalarda ham bunday qarashlar bo‘lishi kerak, va aynan shu holat qadimgi turkiy xalqlarning fikrlashi, dunyoqarashi haqidagi tasavvurlarni uyg‘otadi.

Uza tangri basmasar, asra ya:r ta:linmasar, turuk bodun, a:lignin to:rungin kim artati? (Osmon bosmagan bo‘lsa, pastda yer yorilmagan bo‘lsa, turk xalqi, davlatingni, hukumatingni kim buzdi?), ya’ni tarqoq holga kelib qolgan turkiy qavmlarga da’vat sifatida aytilayotgan mazkur jumlalarda osmon va yer so‘zlarining ishlatilayotganini ko‘ramiz. Chunki insoniyatning qadimiy vakillari har ikki tushunchani muqaddas bilib, ularga e’tiqod qilishgan. Tinmay yomg‘ir yog‘ishi, turli tabiiy ofatlar, yer qimirlashi kabi tabiat hodisalarini ular yer, osmonning g‘azabga minishi deb tasavvur qilganlar. Shunga ko‘ra Qultegin bitigida Bilgaxoqon porakanda bo‘layotgan xalqiga osmondan, yerdan yog‘ilgan ofat bo‘lmasa, qanday qilib davlatingiz buzildi? Bunga yagona sababchi o‘zlaringiz, o‘ysizligingiz emasmi? –deya ularni hamjihatlikka chorlamoqda. Bitiklarda bunday da’vatlarning bir nechtasini ko‘rsatish mumkin. Qultegin bitigtoshi Bilgaxoqon tilidan yozilgan bo‘lgani uchun unda aynan Bilgaxoqonning qarashlari ko‘proq aks etgan. Shuningdek yodgorliklar matnida yer va suv so‘zlarining yonma-yon, juft holda qo‘llanilganini uchratamiz:

ta:ngri Umay iduq ya:r sub basa ba:rti arinch (Tangri Umay, muqaddas yer suvni bosib bergan ko‘rinadi) [Tonyuquq 38]. Gap shundaki, qadimgi turklar yer va suvni muqaddas deb bilishgan hamda “yer-suv” deganda vatanni tushinishgan. Shunga ko’ra osmon va yer haqida ham shunday fikrlarni aytish mumkin. Bunday olib qaraganda, insoniyat qaysi davrda bo‘lsada uning uchun tabiiy boyliklar o’z zaruratini yo‘qotmaydi, shu jihatdan olganda bugun ham ularga nisbatan “muqaddas” atamasini qo‘llash mumkin.

Olamning yaralishi uchun asos bolgan to‘rtta unsurning bittasi- olov. Mazkur so‘z yodgorliklar tilida mavjud bo‘lib, bunda olov so‘zining suv so‘zi bilan yonma-yon kelgan holatlarini uchratish mumkin: *ancha qazg‘anip, biriki bodunug‘ ot sub qilmadim*(shu xilda qozonib birlashgan xalqni o‘t- suv qilmadim). Bizga ma’lumki, olovni faqat suv yenga olishi mumkin. Bundan boshqa olovga bas keladigan biror narsa yo‘q. Shu ma’noda o‘t-suv deya ishlatilayotgan mazkur juftlikda aynan “bir-biriga dushman bo’lmoq” ma’nosi mavjuddir. Bu bilan Bilga xoqon xalqiga o‘zi hukmronligi davridagi farovonlik, tinchlik haqidagi fikrlarni aytmoqda. Yer, suv, olov haqidagi fikrlarni Ungin[1] bitigida ham uchratish mumkin: *bilga atachim yog‘un al u rag‘ing‘in qazg‘antim sub, ya:r, ta:ngri, o‘d…. kirur arti*(Alloma otaginam, janozang, oq-qizil yirtishingga erishdim. Suv yer, falak, olov… kirib edi) [Ungin OA 4].

Na:ng, sabim arsar, bangu tashqa urtum (Qanday so‘zim bo‘lsa, mangu toshga o‘ydim) [Qultegin 11]. Ma’lumki, toshga o‘yib yozilgan rasm yoki yozuv hech qachon o‘chmaydi. Qultegin bitigtoshi matnidan keltirilgan mazkur jumlada, Bilgaxoqonning o‘z so‘zlarini toshga o‘yib yozdirgani qayd qilinmoqda. Jumlaning davomida “Turkning endigi xalqlari, beklari. Uy-dunyoga qaraydigan beklar, sizlar gumrohsizlar!”-degan fikrlarni o‘qiymiz. Ko‘ziga faqat mol-dunyo ko‘rinadigan beklarga ularning tanlagan yo‘li noto‘g‘ri ekanligini, bu so‘zlarni mangu toshga o‘yib yozilganining sababi esa, tarixda qilingan xatoliklarni boshqa takrorlamasdan, ko‘zni ochib oqilona harakat qilishga chaqiriq deyish mumkin.

Shuningdek, bitiktoshlar lug‘aviy qatlamidagi so‘zlar bugungi kunda ham iste’molda ekanligini ta’kidlash joiz. Qadimgi turkiy til leksik xususiyatiga ko‘ra alohida ajralib turadi. O‘rxun-Enasoy va uyg‘ur yozuvi bitilgan yodnomalar qadimgi turkiy tilning leksikasi, lug‘aviy qatlamlari ancha boy va shakllanganligidan, ma’lum qolipga kelganligidan guvohlik beradi. Qadimgi turkiy til lug‘atida bo‘lgan so‘zlarning asosiy qismini o‘sha davrdagi turkiy urug‘ va qabilalarning tillari uchun umumiy bo‘lgan so‘zlar tashkil qiladi. Bu so‘zlarning ko‘pchiligi turkiy tillar taraqqiyotining keyingi davrlarida keng iste’molda bo‘lgan. Ular hozirgi ko‘pgina adabiy tillar tarkibida qo‘llanilib kelmoqda.

Tonyuquqda: *yoqaru at ya:ta:, yadag‘in, ig‘ach tutunu ag‘turtum o‘ngraki a:r* (Yuqoriga otni yetaklab, yayov yag‘och tutunib, chiqardim oldindagi yigitlar…) [Tonyuquq 25]. Mazkur jumlada “yog‘och” so‘zining qo‘llanilishini ko’rish mumkin. Qadimgi turkiy tilda *ig‘ach* shaklida ishlatilgan bo‘lsa, asrlar silsilasida turli fonetik o‘zgarishlarga uchrab bugungi lug’aviy qatlamda yog‘och tarzida ishlatilib kelmoqda. Bundan ko‘rinadiki, hozirgi adabiy tilimizda iste’molda bo‘lgan so‘zlarni etimologik jihatdan tadqiqot qilinganda ularning tarixi bir necha asrlarga borib taqalishi ma’lum bo‘ladi. Turli tabiiy sharoitlar tufayli o‘zgarishlarga uchragan ko‘pgina so‘zlarning bugungi leksikamizda ham ishlatilayotgani ularning qiyosiy tadqiqi masalasiga yengillik kiritadi. Shu bilan birga qadimgi turkiy tilda iste’molda bo’lgan ayrim so‘zlar bugungi kunda saqlanib qolmagan, ya’ni arxaiklashib qolgan. masalan: *Shantung baliqa, taluy o‘guzka: ta:gmish yoq armish qag‘anima otunup, su a:ltdim*(Shantung shahriga, dengiz, daryoga yetmagan edi. Xoqonimga arz qilib, lashkar tortdim). [Tonyuquq 18]

Bu yerda taluy, o‘guz so‘zining arxaiklashib, tushuncha o‘zgarmasdan nom o’zgarib “dengiz”, “daryo” holiga kelganini ko‘rish mumkin. Jumla mazmunidan kelib chiqqanda bu o‘rinda Sariq dengizi va Xuanxe daryosining mansabi ko‘zda tutilgan. Qadimgi turkiy tilda qo’llanilgan bu kabi qator so‘zlar o‘z davrida iste’molda bo‘lib keyinchalik butunlay muomaladan chiqqan. Shuni ham ta’kidlash kerakki, ular butunlay yo‘qolib ketgan emas. Ularning ba’zilari boshqa turkiy tillarda yoki ayrim o‘zbek shevalarida hozir ham saqlanib qolgan. Jumladan, qapig‘-darvoza, al-qo‘l kabi so‘zlar hozirgi o‘g‘uz tillarida mavjud. Ayrim so‘zlar esa toponim va antrotoponimlar tarkibida saqlanib qolgan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, qadimgi yozma obidalarda, umuman, qadimgi turkiy tilda qo‘llanilgan lug‘aviy qatlam orqali ko‘plab tarixiy lavhalarni, tarixiy qadriyatlarni kashf qilish mumkin. Shu kabi tabiat hodisalarini ifodalovchi so‘zlar qadimgi turkiy xalqlarning e’tiqodi, dunyoqarashi, fikrlashi haqida xabardor qiladi. Bu esa o‘z o‘rnida ajdodlarimiz tarixini bilish yo‘lidagi qimmatli ma’lumotlardir. Bizningcha, ajdodlarimizning boy ma’naviy merosi aks etgan mazkur obidalar kelajak avlod tarbiyasida ham katta ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. G‘. Abdurahmonov, A. Rustamov “Qadimgi turkiy til” T- 1982; 71-130 betlar;
2. Mahmudov N “Yozuv tarixidan qisqacha lug‘at-ma’lumotnoma” T-1990;

[1] Mazkur bitiktosh Mo‘g‘ulistondagi Kosho-Saydam vodiysidan 180 km janubda, Ungin vodiysiga o‘rnatilgan va hozir ham o‘z o‘rnida.

ОГОҲЛИК – ҚАЛБ ПОСБОНИ

Азимова Муҳаббат Самадовна БухДУ қошидаги 4-сон академик лицей она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Resume:

In this article the information for keeping peace and awareness in our spiritual heritage having become more and more beautiful for a thousand years is analyzed corresponding to these days. In the oriental literature one of the main issue – freedom and peace of humanity is proved with vital examples.

Key words:

Upbringing, Bedil, Rumiy, Gazzaliy, Nakshband, awareness, indifference, peace, Classic poetry, ideological immunity, soul, dissension.

Ключевые слова:

Воспитание, Бедил, Руми, Газзали, Накшбанд, осведомленность, равнодушие, мир, Классическая поэзия, иммунитет, разум и душа человека, раздоры.

Инсон учун энг қадрли нарса унинг соғ-саломатлиги бўлса, иккинчиси осойишталик ва хотиржамликдир. Инсоннинг соғлиги, осойишталиги ва хотиржамлиги уйғун бўлса, дунёда ундан ортиқ неъмат йўқ.

Дунёдаги бугунги беқарорлик, нотинч вазият кишини чуқур ўйга толдиради. Беқарорлик, нотинч вазият туфайли тинч аҳолига зулм бўлаётгани, уларнинг уйларини ташлаб, тинчлик ахтариб чиқиб кетишга мажбур бўлаётгани, ўзга юртларда хору зорликда ҳаёт кечираётгани, айниқса, ташвишланарли ҳолдир. Ўзгаларнинг ана шу ҳолидан хулоса чиқариб, юртимиздаги тинчликни қадрлаш, фарзандларимизни “дин” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан огоҳ қилиш, уларга саодат йўлларини кўрсатиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Юртбошимиз айтганларидек, “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда оёғи миллий заминда илдиз отган, нигоҳи эса дунёга қаратилган баркамол авлодни тарбиялаш юртимиздаги тинчликни мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эга. Миллий маънавий-маърифий заминдан баҳра олиб улғайган ёшларда мустақиллик туфайли рўёбга чиққан – тил ва маданият, дин ва маърифат, санъат ва руҳият тушунчалари тоза, асл бўлади. Уларнинг ўз сўзи, очиқ кўзи ва юксак дунёқараши бўлади: қайси йўл қаёққа олиб боришини, қаерда бурилиш, қайрилиш борлигини кўради. Уларга ташқаридан биров келиб қандай яшаш кераклигини, дин, маданият қандай бўлиши лозимлигини ўргата олмайди. Чунки унинг оёғи миллий заминда, у нигоҳи билан дунёни кўриб туради.

Акс ҳолдачи? “Бе реша парокандагии дона аён аст” (Бедил), яъни илдиз отмаган дон(уруғ)нинг парокандалиги аёндир. Нега деганда, илдиз отмаган уруғ ернинг иссиқ бағрини сезмайди, енгил бир шамол уни ўз заминидан бегона шўр хокка этиб ташлайди ва у нобуд бўлади. Бегона ва ёт ғоялар таъсирига берилиб, адашган ўзга юртларда муте, қул бўлиб юрган кимсаларнинг ҳоли ҳам илдиз отмаган донга ўхшайди. Бундан чиқадиган ҳаётий муҳим хулоса шуки, ёшларга ёт ғояларга ҳушёрлик билан, жиддий воқеъа сифатида қарашни, бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини ўргатишимиз керак, токи ёт иллатлар бир кун уларни қийнаб қўймасин.

Ёт иллатлар уя қурадиган жой – инсон қалби. Шунинг учун ёшларнинг қалби ва онгини пинҳона амалга оширилаётган ҳамлалардан ҳимояланишимиз ижобий натижалар беради. Бундай хатарли ҳамлаларнинг олдини олишга қаратилган ишларни аввало уларнинг қандай зарарли ғоявий манбалардан озиқланаётганлигини, уларнинг мафкураси ва фалсафасининг бузуқлиги ва инсоният учун зиён эканини ёшлар қалбига жо қилишдан бошлашимиз лозим. Буюк олим Абу Ҳомид Ғаззолий қалбни ёт иллатлар – душмандан муҳофаза қилиш йўлини шундай тушунтирадилар: ...”Эй биродарим, билиб қўйки, юрак бир қалъага ўхшайди. Шайтон эса, бу қалъага кириб, уни ишғол этиб, унга эга бўлишни хоҳловчи бир душмандир. Қалъа фақат дарвозалари қўриқланиб, бузилган жойлари таъмирлангандагина душмандан муҳофаза қилинади. Душман кирадиган дарвозани қандай қўриқлашни билмаганлар душман қўлига тушишга маҳкумдир”.

Хўш, шайтон васвасаси нима? Бу – одамни тўғри йўлдан оздиришга сабаб бўлувчи барча ёмон сифатлар, феъл-атвордир. Биз, педагоглар, мураббийлар, ота-оналар, қўйингки, ўзини шу юрт фарзандиман, ўзбекман деб билган ҳар бир фуқаронинг бугунги кундаги энг масъулиятли бурчи – фарзандларимизнинг қалб қўрғонини душман васвасасидан муҳофаза қилиш ва душман кирадиган дарвозаларни қўриқлаш чора-тадбирларини кўришдан иборатдир. Қалб қўрғонининг дарвозаларини душманга очиб берадиган иллатлар беҳисоб. Бироқ улар ичида энг даҳшатлиси ва қўрқинчлиси - ғофиллик. Унга Мирзо Бедил шундай баҳо берадилар:

Гову хар аз огаҳи одам нахоҳад шуд, лек Одами агар андак ғофил шавад хар мешавад. Яъни хўкиз билан эшак огоҳ бўлгани билан асло одам бўлолмас, лекин одамзод агар андак ғафлатда қолса эшак(ҳайвон) бўлади.

Дарҳақиқат, огоҳлик қалб қўрғонининг – улуғ ютуғи. У – душман кирадиган дарвозаларнинг посбони. У – инсоний сифатлар, илоҳий ҳислатлар, илм билан безанган инсонларга хос фазилатдир.

Ғофил киши қалбида ана шундай фазилат – қўриқчи бўлмайди. Унга ёт сифатлар – душман бемалол киради ва уни инсонийликдан жудо қилади. У худобехабар, дин-диёнатсиз, инсофсиз бир кишига айланади. Бундайлар одам шаклида бўлиб, аслида, Ҳазрат Бедил таъбири билан айтганда, ҳайвон балки, ҳайвондан ҳам баттардир. Ўйлаб кўринг, энг ёвуз қўрқинчли, қонхўр йиртқичлар: шер, йўлбарс, арслон одамга қандай зиён етказади? Нари борса, бир неча одамни нобуд қилиши мумкин. Аммо одам қиёфасидаги ҳайвон миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритиши, бутун бир жамиятнинг таназзулига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Ёшларнинг қалб қўрғонини ҳимоялаш учун уларнинг атроф-муҳитидан хабардор бўлиш, кимлар билан ўтириб –туришини доимий назорат қилиб туриш муҳимдир.

“Суҳбати ошиқ сени ошиқ қилар,
Суҳбати фосиқ сени фосиқ қилар”,-
дейдилар Ж.Румий.

Фарзандларимиз яхши инсон бўлишини истасак, уларнинг фосиқлардан узоқлашиб, яхши инсонлар билан дўст тутинишига эътибор қаратмоғимиз ўзининг маънавий манфаат қамрови жиҳатидан жуда катта миқёсга эга. Халқимиз “қозонга яқинлашсанг қароси юқади”, деб бежиз айтмаган.

Инсон қалби маънавий қониқишга эҳтиёж сезади, унинг қалбидаги мазкур бўшлиқ, албатта, бир нарса билан тўлдирилиши керак. У ана шу эҳтиёжни излайди. Гап мана шу бўшлиқни нима билан тўлдиришда. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан тарбия усуллари ҳақида сўралганда айтган эканлар: “Бизнинг вазифамиз юракларда муҳаббат уруғини қадамоқдир, дарвоқе, айрим юракларда муҳаббат уруғи бор, лекин бегона ўтлар бисёрлигидан ул уруғ кўкармасдан қолган. Айрим юракларда эса ул уруғ йўқдир. Биз ул юраклардаги бегона ўтларни юлиб оламиз, юраклар покиза бўлдики, муҳаббат уруғлари кўкаргайдир. Муҳаббат уруғлари бўлмаган юракларга эса ул уруғларни қадаймиз”.

Келинг, бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлайлик. Фарзандларимиз, шогирдларимиз, биродарларимиз қалбига муҳаббат уруғини қадайлик, уни бегона ўтлардан муҳофаза қилайлик, токи уларнинг қалбидаги муҳаббат уруғлари ўсиб, тотли мевалар берсин. Буни чиндан, ҳақиқатдан таъминлай олсак, бир-биримизни самимий, чин дилдан севсак, бир-биримизга чиндан, ҳақиқатдан фидоийлик қила олсак, бир-биримизга биродар,қариндош бўлсак, президентимиз бошчилигида қурган буюк иморат – буюк мустақил давлатимизни ғанимларнинг хавф-хатаридан, ёшларимизни бу йўлдан оздиришга қаратилган ҳар турли тазйиқлардан асрагаймиз. Зеро, Ватанни асраб, ҳимоялаш сизу бизнинг ҳуқуқий, айни пайтда жамият ва давлат олдидаги бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Баркамол авлод – келажагимиз таянчи. И.Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва интервъюларида билдирган фикр ва мулоҳазалар. Т: “Маънавият”, 2010 йил: 39-б.
2.Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукофат ул-қулуб”. Т: “Адолат”, 2007 йил: 57-б.
3.Муҳаммад Боқир. “Баҳоуддин балогардон”. Т: “Ёзувчи”, 1993й, 33-б.

KANDAKORLIK SAN`NATIDA ISHLATILADIGAN ZARURIY ASHYO VA ASBOB USKUNALAR

A.S. Musinova, BuxDU Tasviriy san`at va muhandislik grafikasi kafedrasi o`qituvchisi

Резюме *В этой статье говорится об используемых материалах и инструментах для чеканки по меди.*

Rezyume *Ushbu maqolada mis kandakorlik san’atida ishlatiladigan xom-ashyo va ish qurollari haqida ma’lumot berilgan.*

Ключевые слова *Карандаш, циркуль, молоток, медь, серебро, чеканка, копировка, штанген циркуль, верстак.*

***Kalit so`zlar*** *Qalam, tsirkul, bolg`acha, mis, kumush, kandakorlik, siyoh qog`oz, temir pargor, dastgoh.*

Kandakorlikda juda ko’p material va asboblar ishlatiladi. Naqshlarni chizishda va uni buyumga ko’chirishda oddiy qalam, oddiy va uchburchakli chizg`ich, o’chirg`ich, tsirkul ishlatiladi. Kandakorlikda turli xom-ashyolar va mis buyumlarni o’yish uchun ar xil asbob-uskunalar kerak bo’ladi. Mis buyumni o’yish uchun xom-ashyoning xususiyatlarini asbob-uskunalarni ishga tayyorlash va undan to’g`ri foydalana olish lozim bo’ladi. Ularni birma-bir ko’rib chiqamiz.

Xom-ashyolar. Kandakorlik san’atida mis, latun, melxior, kumush kabi metallar ishlatiladi.

Mis - (lotincha “Cuprum” - Kipr oroli nomidan olingan). Qadimdan xalimiz misdan kundalik turmushida keng foydalanib kelgan. Misgarlar mis qozon, lagan, oftoba, choynak, jom, samovar va boshqa uy-ro’zor buyumlari yasashda foydalanadi.

Melxior - (frantsuz ixtirochilari Mayo va Shore nomidan) - misning nikel, temir va marganest bilan qotishmasi. Melxiordan badiiy buyumlar, qoshilar, idish-tovoqlar, tibbiyot asbob-uskunalari, aniq mexanika detallari, tangalar, kondensator trubalari va boshqa narsalar tayyorlanadi.

Kumush - (lot. Argentum - oq kukun). Kumush qadimdan ma’lum bo’lib kelgan metallardan biri hisoblanadi.

Asbob-uskunalar. ar bir unarning asbob-uskunalari bo’lgani kabi kandakorlik san’atida am o’ziga xos asbob-uskunalari mavjud. Kandakorlikda ishlatiladigan asbob-uskunalar ikki qismga bo’lib o’rganiladi. Asosiy va qo’shimcha asbob-uskunalar.

Asosiy asbob-uskunalarga;

Dastgoh (kanifolli qolip), bolg`acha, po’lat qalamlar, temir pargor (shtangen tsirkul), charx tosh kiradi.

Dastgoh (kanifolli qolip) - bu tekis yuzali buyumlarni, ya’ni, lali, patnis va shunga o’xshash buyumlarni mahkamlab ishlash uchun mo’ljallangan uskuna. Dastgoh 3-ismdan iborat bo’lib, tak ismi yog`ochdan, atrofi yupqa temirdan, ichiga esa mumga o’xshash kanifoldan tashkil topgan. Dastgolar aylana,to’rtburchak, oltiburchak, sakkizburchak kabi shakllari bor. Dastgoxlar katta, o’rta va kichik o’lchamlarda bo’ladi.

**Bolg`acha.** Kandakorlikda ishlatiladigan ishlatiladigan bolg`achalarning og`irligi 100-125 gr atrofida bo’ladi. Bolg`achalar agar belgilangan og`irligidan ko’p yoki kam bo’lsa ish sifatsiz chiqadi. Bolg`acha 2-qismdan dastasi yog`ochdan, temirdan tashkil topgan bo’ladi.

Po’lat qalamlar. Po’lat qalamlar ikki xil bo’ladi;

O’tkir uchli po’lat qalam va yassi uchli po’lat qalam.

O’tkir uchli po’lat qalam mis buyum yuzasiga turli xil tasvir yoki naqsh chiziqlarini qo’yishda ishlatiladi. Shuningdek naqshning zamini hamda naqsh elementlarini o’yma pardozlashda foydalaniladi. Bu po’lat qalamning o’qyuvchi ismi o’tkir uchli ko’rinishga ega bo’lib, mis buyumni o’yganda o’zidan ingichka chiziq ya’ni iz qoldiradi. Bu qalam ba’zi adabiyotlarda, chekuv qalam va naqsh qalam deb ham yuritiladi.

Yassi uchli po’lat qalam. Bu po’lat qalamning o’qyuvchi uchi yassi ko’rinishga ega bo’lib, o’zidan eni 3-5 mm,chuqurligi 0,3-0,8 mm li iz qoldiradi. Bu po’lat qalamni ba’zi adabiyotlarda ko’zo’yar qalam deb yuritilsa, Buxorolik ustalar, pam qalam ya’ni yassi qalam deb yuritadilar. Bu qalam naqshning zaminini qo’yish hamda naqsh elementlarini o’yma pardozlashda ishlatiladi.

Temir pargor (shtangentsirkul). Bu asbob buyumga aylana shakllarini chizishda, o’lcham olishda hamda yuzani taqsimlashda ishlatiladi.

Charx tosh. Bu asbob po’lat qalam uchini charxlash uchun ishlatiladi.

Qo’shimcha asbob-uskunalarga:

Oddiy qalam, qog`oz, chizg`ich, o’chirgich, tsirkul, siyohli yoki gelli ruchka, rangsiz ruchka, shaffof qog`oz, qora (kopirovka) qog`ozi va plastilin kiradi.

Oddiy qalam va qog`ozdan mis buyum uchun kompozitsiya eskizlari chizishda foydalaniladi. **Q**alam naqshlarni sifatli chizish uchun qalamlarni to’q`ri tanlash va ulardan to’g`ri foydalanish katta ahamiyatga ega. qalam bilan chizishda puxtalik, aniliq hamda malaka bo`lishi kerak.

**Chizg`ich**- O’lcham olish va to’g`ri chiziqlarni chizishda ishlatiladi. Chizich oddiy va uchburchak chiziqchlar naqshlar chizishda juda kerakli qurol bo’lib, yog`ochdan ishlatilganlaridan foydalangan ma’qul.

Tsirkul- Aylana shakldagi chiziqlarni chizish va o’lcham olishda, o’simliksimon va geometrik naqshlar ishlashda aylanalar, yoylar, aylananing kesmalarini teng bo’lishda ishlatiladi.

Qora (kopirovka) qog`ozi - naqsh kompozitsiyani buyumga ko’chirishda ishlatiladi.

Plastilin – kompozitsiyani buyumga qistirib qo’yish uchun ishlatiladi.

Kalka - franuzcha kalgus so’zidan olingan bo’lib, chizmachilik, naqoshlik va boshqalarda, nusxa ko’chirishda ishlatiladigan shaffof qog`oz yoki gazmol. Kandakorlik, yog`och o’ymakorlik, ganch o’ymakorlik va boshqa xalq amaliy san’ati turlarida axta (ulgi) tayyorlashda ishlatiladi.

Lok – Mis buyumdagi yaltiroq jilo uzoq muddat saqlanishi uchun buyum loklanadi. Buyumlar 18-22 darajali haroratda quruq changsiz joyda loklanadi va quritiladi. Odatda lok ikki sutkada yaxshi quriydi. Agar yaxshilab quritib berilmasa, surkalgan lok yiqilib-yiqilib burishib qolishi mumkin. Eski lok ishlatilmaydi. Lokni ishlatishdan oldin dokadan o’tkazgan ma’qul.

Adabiyotlar royxati

1. Bulatov S.S. O’zbek xalq amaliy bezak san’ati. T.: 1991.
2. Halimova D.A. Buxoro kandakorligi . Buxoro 1996
3. Bulatov S.S, Qosimov J.T., Avliyoqulov M.M. Kandakorlik san’atiga oid lug`at terminlari . T. 2003
4. Bulatov S.S. va boshqalar. Naqoshlik. T. “Iqtisod-moliya”. 2010. B. 60.
5. Mirzaahmedov M. Materiallarga badiiy ishlov berish. T., «O’qituvchi», 1986.

ЎКУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ЙЎНАЛТИРИШ

Алимова Ш. Когон МТХК коллежи укитувчиси

Бошлангич синфда амалга ошириладиган таълим-тарбиянинг асосий максадларидан бири, болаларда мафкуравий онг, хис-туйгу ва ахлокни усишига даъват этувчи билимлар бериш билан бир каторда бутун хаёти давомида умуминсоний кадриятлар мазмун-мохиятини тушуниб фаолият юритишга молик булган асосий куникмалар пойдеворини шакллантириб бориш хисобланади.

Болаларнинг ёши, рухий холатлари, мухит, хисобга олиниб миллий кадриятларимизнинг хусусиятли жихатларини ургатиб борилиши тарбиянинг аник максадга йуналтирилгалиги ва укувчиларнинг ижобий рухий кечинмалари, хиссий туйгуларини уйгунлашиб камол топишига даъват этади.

Миллий кадриятларимиз уларда мехр-сахобат, узаро гамхурлик, уртоклик, биродарлик фаолиятларини мустахкамлаш, топшириклари бажариш, жамоа манфаати билан уз манфаатини уйгун куйиш каби хис-туйгуларни таркиб топтириб борувчи асосий омилдир. Чунки миллий кадриятларимиз халкимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий тараккиёти асосида асрлар оша шаклланиб сайкал топган. Бу уз навбатида миллатимиз, колаверса халкимиз кадриятининг узига хослиги, шу менталитетда маданият, санъатнинг камол топиб ривожланганлигидан далолат беради. Зеро, узок йиллик тарихга эга булган узбек халкининг кадриятлари бошка халкларнинг кадрятларидан узининг мазмуни, тарбиявий ва таъсирчанлик хусусиятлари билан фарк килади. Ота-боболаримиз шуларни тушунган ва билган холда уларни авайлаб-асраб келажак авлода мерос колдирган. Эътиборлиси шундаки , "..Хар кандай огир ва мураккаб шароитда хам ота-боболаримиз узлигини йукотмасдан, маънавий хаёт мезонлари, одоб-ахлок коидаларига амал килиб, комиллик сари интилиб яшаган". Бу, бугунги кунда,халкимизга ибрат булиб, хар биримизга куч-кувват багишлаб турмокда.

Халкимиз турмуш тарзи, маданияти, кунлик хаётидаги жуда куп урф-одат, расм-русум, турли маросимлар ва мазмунан ранг-баранг байрам танталарига гувох буламиз. Уларнинг кай даражада шаклланганлиги, халк орасида сингиб кадрятга айланиб колганлигини болалар бошлангич синф давридан эътиборан билиб олишлари максадга мувофик. Укувчилар миллий урф-одат, расм-русумларимизнинг бошка халкларнинг урф-одат, расм-русумлари билан муштарк томонлари ва кескин фарк киладиган томонларини эрта англаб, фаркини билиб, тушуниб олсалар уларнинг фундаментал хусусиятларини, мазмун-мохиятини ёшлари улгайиб боргани сари янада кенгрок, чукуррок билишга, урганишга, англашга харакат киладилар.

Укувчиларнинг маънавий тушунчаси – кадриятимиз узбек халки ва миллатига хос хусусиятларни узида буткул намоен этган, миллийлик элементлари, маданиятни уз таркибида мужассам килган, миллатимизнинг менталитетини белгилаб берган мухим омил эканлиги турли урф-одат, расм-русум, маросим ва байрам тантаналари мисолида бойитилиб борилиши керак. Дарслар жараёнида, синфдан ташкари тарбиявий соатлар, тадбирлар, тажриба тугараклари машгулотлари жараёнида ана шундай ишларни амалга ошириб бориш имконятлари мавжуд. Укувчиларнинг маънавият тушунчасини кадриятлар мисолида кенгайтириб бориш учун халк орасида кенг таркалган анъаналарни, "шунчаки анъана" деб тушунтирмасдан уларнинг мазмунида халкнинг эзгу ниятлари, максадлари, интилишлари, маънавий етукликни курсатиб турадиган узига хос мезонлар мавжуд эканлигини тушунтириш лозим. Масалан, уй-жой билан боглик урф-одатда миллий кадриятимизнинг айрим куринишлари мавжудлигини олайлик. Турар-жойларни тиклаш, янги уйга кучиб кириш билан боглик урф-одатлар негизида куйидаги миллий кадриятларни мужассамланганлигини куриш мумкин. Биринчи навбатда, уй-жойларни халкимиз мукаддас билиб уларни хафсизлик халкасига алохида эътибор каратади. Жумладан, уй-жойлар куриш жойлари кексалар, купни курган, махалла хурмат-иззатига эга булган кишилар билан маслахтлашиб танланади. Уй-жойларни кабристон, зиёратгох ва азиз авлиёлар кабрларидан узокрок ерда куриш кадрли хисобланган ва бу анъанага хозир хам риоя килинади. Бу уз навбатида мазкур турар жойда яшовчи оила аъзоларининг хаёти тинч, осойишта мувоффакиятли утишида мухим ахамият касб этади. Чунки авлодларимиз кабристон, зиёратгох жойларни доимо тоза, озода булишини эътироф этиб бундай жойларда мархумлар рухи борлиги ва уларни безовата килмасликни кадрлаганлар. Уйнинг тиклашда тусин, устун, эшиклар урнатиш жараёнида рамзий маъноларга эга булган ва айнан мазкур кисмлар билан боглик урф-одатларга амал килинган. Хоналар шифтига куйилган тусинлар сони албатта ток булган (масалан 3 тусинли, 5 тусинли, 9 тусинли ва х.к.) ва ривоятларга кура тусинларнинг жуфт булмаган Оллохга багишланган дейлса, бошкалар битта тусин вазифасини хонадон эркаги бажаришини эътироф этаганлар. Уй томларини епиш, деворларни сувоклаш каби ишлар махалла эркаклари иштирокида махсус хашар килиниб, том ёпилиши шарафига куйлар суйилган. Уйга кучиб утишда уй курди маросимининг мавжуд булганлигини хам шу кунларда гувохи буламиз.. Уй остонаси билан боглик бир катор кадриятларни хам укувчиларимиз тугри анлаб боришлари керак. Чунончи "остонода тупмушга

чикмаган киз утирса, турмушида бахтсиз булиши мумкин”, “остонада туриб саломлашилмайди, уртага совуклик тушади”.

Куриниб турибдики, кадриятлар билан боглик хатти-харакатлар доимо рамзийлик билан сугорилган. Рамзийлик эса узида у ёки бу ижтимоий гояни, образни, фикрни умумлаштиради, инсонда эса шунга мувофик туйгулар кузгалади. Миллий кадриятлар занжирида кишилар бир-бирлари билан саломлашиш, узок сафар олдидан ок йул тилаш, кайтганда хол сураш, мехнат килиб турганда “хорманг-бор булинг”, шунингдек, кексаларга хурмат, интизомлилик, одоблилик, ночор ахволдаги кишиларга ёрдам бериш холатлари тарихийликка эга.

Кадриятларда сув ва нонни эъзозлаш холатлари хам алохида урин тутади. Масалан, утмишда сувга ифлос нарсаларни ташлаб уни ифлослантириш гунох эканлиги ва катта айблиги эътироф этилган. Хозирги кунда хам сув хаёт манбаи сифатида кадрланади. Нон эса таомларнинг энг улуги сифатида каралади. Нон ризк-рузимиз. Ноннинг ушоги хам нон, у пешона тери тукилган мехнатимиз махсули сифатида каралади. Мехмон келганда дастурхонга аввало нон келтириш, мехмон дастлаб нонга кул узатиши одати хозир хам сакланган. Гудакларнинг ёстиги остига ризкли, кадами кутлуг – нондай улуг булсин деб бир жуфт нон куйилади. Узок сафарга жунатганда, ризки узулмасин деб, бир жуфт нон тишлатилади.

Хулоса килиб айтганда, кадриятлар воситасида бериладиган таълим-тарбия болаларни хаётда уз уринларини топиб олиш, тугри йул танлашлари, бошкаларга урнак ва намуна булишлари учун хам зарурдир. Кадриятларни тушунган бола яхши тарбия куриш билан бир каторда маънавий баркамолликка интилади, тажриба ортириб куп нарсаларга эътибор билан карайди, хаётда уз урнини топиб олишга интилади.

Юкоридагалардан келиб чикиб алохида таъкидлаш жоизки усиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар рухида тарбиялашга етарлича эътибор каратиш замонамиз талабидир.

ШАРҚ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Башорат Жамилова, БухДУ доценти. Жаҳонгир Холлиев, БухДУ ҳузуридаги 4-сон академик лицей ўқитувчиси

Ключевые слова:*образования, исторические эссе, традициявосточная воспитания и наука, мудрость, истоки медресе и школ.*

Key words:*education, tradition,forever, master, student-applicant,science-kulture, historical source, orient raising,*

Таълим ва тарбия, илм ва фан ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётини белгиловчи омил ҳисобланган. Шарқ ана шу омилнинг бешиги эканлиги билан шуҳрат қозонди. Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва трабия ривожланганига энг қадимги адабий ёдгорликлар гувоҳдир.Адабиётшунос олим Ҳомиджон Ҳомидий “Авесто”даги далилларга таяниб, ўша даврда ҳам таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилганини таъкидлайди [6,67]. Яъни чорвадорлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ёки боғдорчилик билан шуғулланган қавмларда ўз касблари хусусиятидан келиб чиқиб, қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиши шарт бўлса; ўғил болалар молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Айниқса, энг биринчи мактабларнинг ҳам шу заминда очилиши ўлкамизда таълим-тарбиянинг қадимийлигидан далолатдир. Ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилиши, мадраса типидаги билим даргоҳлари ташкил қилиниши, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилиши; таълим жараёнига математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар киритилгани Ўрта асрлардаги буюк Шарқ мутафаккирларининг етишиб чиқиши учун мустакам замин ҳозирлаганига шубҳа йўқ. “Авесто”нинг икки жилдлик сўнгги форсий нашри билан танишган устоз Ҳ.Ҳомидий яна бир асосли далилга дуч келади: таълимни амалиёт билан боғлаб олиб борилиши ҳам ўша вақтлардан бошланган экан. Оташкадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ, сиҳатгоҳ, дорихоналар айни пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ўтаган. Ёдгорликдаги хотларда ота-оналар ҳамма нарсани яратувчи, ҳар икки олам сеҳрини билгувчи, барча билимлар мояси Яздондан:“Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимишли, ишбилармон ўғлон бер” деб сўралган.Тарихий манбалар яна қадимги Турон ва Эронда V асрдаёқ илк билим масканларининг дастлабки кўриниши ҳунар мактаблари сифатида бунёд этилганлигини ойдинлаштиради. Жумладан, сосоний ҳукмдор Фируз Шаҳриёр (459-483) салтанати замонида шахсан унинг дастури асосида бунёд этилган шундай ўқув масканида 800

нафар талаба таҳсил олганлиги, унда фалсафа, фалакиёт, тиб, механика, физика, шеър ва мусиқа илмлари ўрганилгани қайд этилади.[4,67]

Инглиз шарқшуноси Э.Браун эътирофича, Шопур ҳунармандчилик жамиятида 529 та кутубхона бўлиб, уларда мусиқа, фалсафа, ҳандаса, тиб,фалакиёт,юлдузшунослик, ҳисоби ҳандаса, физика, механика, доришунослик, ахлоқ, шеър илмига оид китоблар жамланган. Бинобарин, аждодларимиз маънавий камолот йўлидаги илк қадамлари вақтидаёқ таълим тизимининг самарали томонларига эътибор қаратишгани аёнлашаётир.

IX-X асрларга келибўлкамиздатаълим-тарбия шу анъаналар асосида давом эттирилган. Зардуштийлар эҳромлардаги сиғиниш маросимида ўз коҳинлари ёхуд улуғларнинг мамлакат ва халқ аҳволи ҳақидаги эътиқодига содиқлик, ҳаёт янгиликлари, одоб-ахлоқ ва турмуш кечириш учун риоя қилиниши шарт саналган қонун-қоидалар тўғрисида сўзлаган, ваъз-насиҳатларини тинглаб ҳаёт сабоғини олган бўлсалар, араблар ўзларининг исломлаштириш сиёсатларини амалга оширишда бу анъаналардан фойдаланиб, эҳромлар ўрнига масжидлар бунёд этишган, унинг ҳузурида ўқиш хоналари, ҳужралар, мактаблар қуришга диққатни қаратган. Наршахий мусулмон оламидаги илк мадраса ва мактаб712-713йилда Қутайба ибн Муслим томонидан Бухорода зардуштийлар эҳроми ўрнида қурилганини хабар беради.[3,124] Кейинчалик бундай мадрасалар Бухорода кўплаб бунёд этилгани ҳақида Абдурауф Фитрат асарларидан билиш мумкин. Жумладан, адиб "Ҳинд сайёҳи баёноти" асарида Бухородагиикки юзга яқин мадрасаларномини тилга олиб, улардан 33 таси олий, 39 та ўрта ва юздан ортиқ қуйи тоифадаги мадрасалар эканлигини маълум қилади. Шунингдек, Бухорода 300 та қуйи мактаб, 11 та кутубхона борлиги таъкидланган. Бу рақамлар оламга 400 олимни берган Бухоройи шарифнинг XX аср бошларидаги жаҳолатга юз тутган аҳволини баён қилиш муносабати билан қайд этилган.[5,112]

XV-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатларидаҳам таълим-тарбия анъаналарининг қадим илдизлари кузатилади. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи рашидий" асари шу жиҳатдан Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга айрим тарихий шахслар тарбияси, салтанат ва сулолардаги илм-ҳунарлар тўғрисида маълумот бера олади. Масалан, асарда Бобур мирзонинг Ҳайдар мирзога ҳам оталик, ҳам устозлик қилгани ҳақидаги қуйидаги эътироф келтирилган: "Мен Кобулда анча вақт Бобур подшоҳ хизматида доруломонликда кун кечирдим. У мудом меҳрибончилик билан бошимни силаб, гоҳ илтифот билан, гоҳ қатъий амр билан мени илм эгаллашга ундарди. Агар менинг озгина билим эгаллаганимни сезса, у янада илтифотлироқ бўлиб, ҳаммага бу ҳақда гапирар ва мени руҳлантиришларини талаб қиларди..."[2,18]Бунда замонавий таълим-тарбия илдизлари яққол кўринаётир. Боланинг билим олишида рағбат ва эътирофҳам, қатиққўллик ҳам нечоғли зарурлиги аён бўлади.Султонлар тарбиясининг шунга ўхшаш яна бир амалий жиҳати муаллифнинг бошқа бир ҳикоясидакузатилади. Бобур Бухоро ва Самарқандни 1511 йилда жанг билан олганида унинг ёнида Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам бўлган. Бобур Кўли Малик жангида Убайдуллохондан енгилиб, Ҳисорга чекинганида, Султон Саидхон муттасил илтимос қилгани учун 12 ёшли Ҳайдар мирзони Андижонга жўнатади. Султон Саидхон Ҳайдар мирзони сабот билан салтанат ишларига тайёрлайди. У турли-туман ишларни буюриб, уларнинг фойдаси ҳақида шундай дейди: "Йигитларимиз хизматга қадам қўймагунча уларда қобилият пайдо бўлмайди.Улуғ ишларда, катта йиғинларда, обрў-эътиборли кишилар–хоқонрлар, султонлар, вазирлар, амирлар йиғилган жойларда катталар билан бирга бўлиб, уларнинг хизматида бўлишса, бу ишларда кўнгиллари ва кўзлари пишиб, йирик йиғинларда ҳайрон қолиб ўтиришмайди. Ёшлар дадил, ўзларига ишонган бўлишса, уларни кўрган одамнинг дилида уларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, улардаги бу фазилатлар юрт сўраш ишида куч-қудратга эга бўлишларида асқотади. Агар бундай хизматни билим ва кўникмага эга бўлмаган одам бажарса, у бошқаларга зарур топшириқларни беролмайди, уларнинг ишларидаги камчиликларни кўролмайди, бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини билмайди."[2,20]

Муаллиф шу тариқа 24 ёшигача хоннинг жуда кўп хизматларини қунт билан бажарганлигини айтади. Маҳкамадаги амирларнинг йиғинларида мартабасига мувофиқ ўз жойида ўтириши, борди-ю у ерда хонга бирон бир хизмат кўрсатиш учун вақт топса, хон уни тўхтатиб: "Халқнинг кўзига хор кўриниб қолмаслик учун йиғинларда мавқеинг ҳурматини сақлаш лозим" деган ўгитига амал қилади. Ҳайдар мирзонинг ёши 25га етганида хон уни бу хизматлардан озод қилади ва энди унинг ўзи барча хизматларни топиб, ўзи билиб қилишга одатланишини таъкидлайди. 30 ёшга етганида эса хон унга лашкарини ишониб топширади, аммо ёнига билимдон, таниқли амирларни қўшиб қўяди. Унга: "Ҳеч қачон мана шу одамларнинг маслаҳатидан четга чиқма. Уларга қулоқ сол, барча ишларда бўйсун", дейди. "Ўттиз ёшимгача хон ҳузуридаги кенгашларда ўз мулоҳазаларимни айтишга ижозат йўқ эди,–дейди муаллиф,–шунинг учун йиғилишларда мен баликдек жим ўтирардим."[2,20]. Ниҳоят, шу тахлит анча фурсат ўтгач, хон унинг фикрига тўлиқ ишонадиган ва бутун ҳарбий ҳамда салтанат ишларини ишониб топширадиган бўлади, барча жабҳада чекланмаган ҳуқуқ беради.

Бу тарихий манбалар узоқ ўтмишдаги қадимий анъаналарнинг асл моҳиятини ҳамон долзарблигича қолаётганидан гувоҳ беради. Ҳар бир соҳада самарали натижага эришиш учун устоз-шогирд муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, шогирднинг сабот ва матонат билан билим, малака, кўникмага эга бўлиши, сўнгра, устоз ишончини садоқат билан оқлаши муҳим восита экан.

Икки-уч минг йиллик тарихий даврдаги маданий юксалиш, фан ва таълим ривожи ҳақида юзлаб манбалар мавжуд. Улуғ мутафаккирлар, шоиру фузалолар, хоқонлар ва султонлар тарихи, тақдири уларда мужассам. Улардан келиб чиқадиган хулоса эса кўп эмас: моҳият шуки, ҳар қандай давр тараққиёти ва таназзулига инсониятнинг ўзи сабабчи. Хўп, улар қаердан пайдо бўлади? Таълим-тарбиянинг ҳар қандай кўриниши бориб устозларга тақалар экан.“Авесто”да устозларни яхши ва ёмонга ажратилиши бежиз эмаслига иқрор бўламиз. Ҳар қандай яхшилик ўқувчига донишманд устозлар орқали ўтиши, уларнинг барча эзгу амаллари, характер-хусусиятлари шогирдларга ёдгорлик бўлиб қолганидек, лоқайдлик, фаросатсизлик, уқувсизлик, ҳунарини, билимини, малакасини такомиллаштииш йўлида заҳмат чекмаслик каби ёмон қусурлар ҳамаввало устоздан юқар экан. Ёш авлоднинг, умуман, одамларнинг зеҳнини ўтмаслаштириш, ақлини занглаши, имон-эътиқодлари сусайиб, жоҳилларни улуғ санаши ва маънавий қашшоқлашиб қолишларига ҳам ёмон устод сабабчилиги ёдгорликда рўй-рост айтилган. Шу сабабли, устознинг шарафи, унинг юксак ва масъулиятли вазифаси мустақиллик йилларида эътибортопди. Зотан, бугунги таълим-тарбиямиздаҳам юқорида зикр этилган шарқонаанъаналарнингбардавомлиги қайта тикланаётган қадриятлар тимсолидир.

---

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 123б.
2. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент, “Шарқ”, 2010. 720 б.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, “Камалак”, 1991.–Б.124.
4. Сафаров О. Болалар адабиёти ва фольклор. Бухоро, 2007
5. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, “Маънавият”, 2000.–Б.112.
6. Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномага. Тошкент, “Шарқ”, 2007.

ИЛМ ВА МАДАНИЯТ РАВНАҚИ: МОЗИЙГА НАЗАР

Ахмедова Зебинисо –ф.ф.н., доцент, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро шаҳри

REZUME “The development of sciences and culture: in spite of the lessons of the past” article called attention to human life, rather than the opposite of knowledge. The author describes the lights of the development of science and culture on theory of Ahmad Donish.

Key words: science, culture, education, ethical clothes.

Илм ва маданият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва эгиз тушунчалар саналади. Турли тарихий даврларда маданий юксалиш, илм-фан равнақи ўзгача қарор топади. Илм одамга бахт-иқбол бахш этади. Одам яратилганидан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади. Унинг ихтиёри ўзида бўлса, илмсизлик ва дангасаликка буйин эгмасин, чунки илм ва маърифат инсон руҳининг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир. Бу мавзудаги фикрлар XIX аср II ярмида яшаб ижод этган ватандошимиз Аҳмад Дониш қарашларининг мағзини ташкил этади[2].

Аҳмад Донишнинг таъкидлашича, ёшлар билимларни бевосита кузатиш йўли билан онгли равишда эгаллаши, ўз фикри ва билимининг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши керак, ўрганиладиган ҳодисанинг моҳиятини билиб олиб, энг асосий масалага эътибор бериб, иккинчи даражалиларини чиқариб ташламоғи лозим. Ҳар бир одам билимни шундай эгаллаши керакки, ҳар қандай қаршилик ва эътирозлар унинг ўз билимига бўлган ишончини йўққа чиқара олмаслик, фикри ҳақиқатдан тўғри бўлса, одамларнинг келиша олмаслигидан хафа бўлмасин.

Аҳмад Донишнинг таъбирига кўра, ҳар бир мусулмон одам, энг аввало ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарздир. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-ҳунар ўрганиши лозим. Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан, ундай илм ва ҳунар ўз эгасини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қўллаб-қувватлайди. "Агар илм ва ҳунар инсон руҳига тарбия бермай, танни семиртириб, орзу-ҳавасини кўпайтириб, нафси шайтонга ёрдам берадиган бўлса, ундай илм ва ҳунарлар эгасининг одати, худонинг лаънатидир”[1].

Дониш “Фарзандларга васият; касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида” рисоласида ўғилларига насиҳат қилиб, улар олдида турли-туман ғовлар пайдо бўлиши, бошларига ҳар хил савдолар тушиши мумкинлигини ва уларнинг сири яширинча эканлигини айтиб, бу ҳаётнинг, яшашнинг интизоми, қонуни эканини уқтиради.

“Инсон боласи, - дейди у, - онасидан туғилиб, унинг қучоғида ўсади, елиб-югуришга, ўйинга кизиқади. Йиқилиб-сурилиш, ўрнидан туриш-ўтириши билан бир неча ёшга киради. Кундан-кунга ёши улғайиб, болалик даврини ўтказади. Сўнгра дунёдаги зеб-зийнатлар, ноз-неъматлар, ўйин-

кулгиларни кўради ва шулар билан шуғулланади. Ҳар бир ишда мартабасини орттириш ҳаваси кўнглига тушади. Буларни қўлга киритиш учун бойлик кераклигини: дунё давлатини олтин, кумушсиз эгаллаб бўлмаслигини билиб, шуларни топиш чорасига киришади..."[1].

Аҳмад Дониш ёшларни билим ва ҳунарларни эгаллашга чақириш билан уларнинг эътиборини меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятига жалб этади. Демак, Дониш касбни эгаллаш зарурлиги ҳақида сўз юритганда жамият талабини, халқ манфаатини биринчи ўринга қўяди. Буни ўз фарзандларига қилган васиятларида ҳам кўришимиз мумкин. "Сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Зинҳор, мол тўплаб, дунё кўпайтиришга тиришманглар. Дунё тўплашга киришганлар ботқоқ лойга ботадилар. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатларини чиқаришни ният қилинглар. ...Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунарманд барака топа олмайди" "[1].

Аҳмад Донишнинг муаллимлик касби хусусидаги қарашларида ахлоқ масаласига катта эътибор берганини кўрамиз. У муаллимнинг талабаларга кучли таъсир кўрсатувчи шахс деб билади. Демак, Аҳмад Дониш муаллимнинг ахлоқий қиёфасига катта эътибор беради. У муаллимдан ёш авлод манфаатини биринчи ўринга қўйишни талаб қилади. Муаллим ўқувчи ва талабаларга кўп билим бериш, ўз билимини ошириш ва чуқурлаштириш учун ўз устида кўп ишлаши лозимлигини айтади. Бундан кўринадики, Аҳмад Дониш ўқитувчи касбига нисбатан жиддий талаб қўяди. У гўзал ахлоқлилик ва чуқур билимдонликни ўқитувчининг гўзал фазилати деб билади. Донишнинг муаллим тимсолида одамлар, бинобарин, ёшлар ўртасида илм, зиё тарқатувчи маърифатпарварни кўриш орзуси таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Миллий ғоянинг асосий талабларидан бири бўлмиш комил инсон тарбиясида Донишнинг меҳнат қилиш ҳақидаги фикрлари ғоят муҳимдир. Меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў тополмайди, деб таъкидлар экан, "Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топиш мумкин эмас" деган қатъий хулосага келади. У ҳаттотлик санъатини мустақил ўрганганлигини шундай баён қилади: "Бу санъатнинг шавқи кўнглимга тушди... Ҳар ҳунарни ўрганиш керак деб, бунинг аҳллари билан аралашиб, уларга хушмуомалада бўлиб юриб, бир йил ичида бу санъатни ҳар томонлама мукаммал ўрганиб, камолига етказдим"[1].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, таълим ва маданият йўналиши доимий долзарб ва инсон тарбиясида устувор мезон ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1.Дониш А. Наводир ул-вақоеъ. - Тошкент: Фан, 1964.
2.Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т.: Шарқ, 1999.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ, ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ БОЙИТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Гафарова С.М., Шамсиев Н.А. (Бухоро давлат университети)

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиётида интеллектуал салоҳият муҳим ўрин тутади.

Тарихий хотира – ибрат тарбия манбаи бўлиб, унинг келажак тарққиёт сари ривожланишда ҳамда интелектуал салоҳиятни бойитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада Президентимиз улуғ испан адиби Сервантес фикрлари ҳақида тўхталиб, унинг тарих-фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўгит, келажак учун эса огоҳлантиришдир, - деган сўзларини келтиришимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ҳозирги глобаллашув даврида ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон этиб тарбиялаш – энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Бунда, шубҳасиз тарихий хотира, маданият, маърифат ҳал қилувчи кучга айланади. Шу боис ҳам, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, маънавий жабҳада, энг аввал таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, бир сўз билан айтганда, миллий маърифат тармоғини вужудга келтириш вазифаси қўйилди. Зеро, маърифат – ҳар бир халқни инсоний баркамоллик ва умумбашарий тараққиёт сари элтадиган йўлдир.

Аждодлар маънавий мероси, тарихий анъана ва маданий қадриятларни англашда таълим-тарбия тизими муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири болаларга хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Жумладан, инглиз тилини ўрганиш боғчадан бошлаб, барча таълим турлари босқичларида ўқитилиши жорий этилган. Бу эса, ёшларимизга дунёдаги давлатлар тарихини, маданиятини, илм-фан ютуқларини чуқур билишига замин яратади. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлида ташлаган муҳим қадамларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон цивилизацияси ва маънавият ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларнинг маънавий меросларини ёшлар ўртасида тарғиб этиш ва ўрганиш мақсадида таълим муассасааларида “Маънавият куни”, “Маънавият соати” тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилган ҳамда таълим тизимида “Маънавият асослари” фани ўқитилиши жорий этилган.

Дарҳақиқат, таълим-тарбияни ривожлантириш аслида миллат келажаги йўлида қўйилган муҳим қадамлардан ҳисобланади. 2014 йилнинг “Соғлом бола” йили деб эълон қилинди. “Соғлом бола” концепциясининг туб илдизи эса, тарихий тажриба ва аждодларимиз меросига таянган ҳолда болаларга ёшлигидан сабоқ бериш, ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаш, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини – мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

Қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатилаётган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга эътибор кучайтирилди. “Ёш авлодимизни қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш” мақсадида ахлоқий маданиятни ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, “оммавий маданият”нинг кириб келишига қарши кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик ва Ватан тараққиёти ғояларига содиқ бўлган янги инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Чунки мустақил, озод ва обод Ватан келажагини кўп жиҳатдан юксак маънавиятли комил инсонлар ҳал қилади. Шундай экан, юксак маънавий фазилатлар, эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдирмасдан, интеллектуал оламни бойитмасдан, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмасдан туриб баркамол инсонларни тарбиялашдек юксак вазифанинг истиқболини тасаввур эта олмаймиз.

Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан фаол ва баркамол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, ғоявий-мафкуравий тарбия воситасида шахснинг салоҳиятини максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу берилмоқда. 1995-2011 йиллар давомида иқтидорли ёшларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини дунё аҳлига намоён этишди. Иқтидорли болаларимиз мазкур нуфузли олимпиадаларда жами 244 та медаль, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалига сазовор бўлди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани, Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни эгаллагани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида юқори поғоналарни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришгани барчамизни бирдек қувонтиради. Бу, албатта, юртимизда таълим-тарбия ва илм-фаннинг қанчалик юқори салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

ШАРҚ ПОЭЗИЯСИ ВА САНЪАТИДА ҲАМД ТАЛҚИНУ ТАСВИРИ

Бабаева Васила Ташпулатовна БДУ. Факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси
Бобоев Хуршид Мансурович Ижтимоий иқтисодиёт факультети 4 босқич талабаси

XV аср биринчи ярмида ижод қилган шеършунос Шайх Аҳмад Тарозий бевосита Аллоҳ ҳамдига бағишланган асарларнинг *«тавҳид ва муножот»* деб айтилишини таъкидлаган: «агар Тангри азза ва жаллаға ҳамд этсалар, они *тавҳид* дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар»[3].

Мазкур лавҳаларда баён этилган ҳамд сўзининг маъноси бир-бирига яқин ва айни пайтда, бир-бирини тўлдиради. Тадқиқотларда ҳамд тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари ва тарихи ҳақида яна бир қатор таърифларга дуч келамизки, уларнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган мулоҳазаларга ҳамоҳангдир[4].

Аллоҳ таолонинг буюк қудрат улуғланиб, исм-сифатлари мадҳ этилган асарлар ҳамдлардир.

Исломгача ҳам ҳамдлар мавжуд бўлган. Кадимги юнонларнинг худолар мадҳ этилган гимнлари, ҳинд ведалари, *«Авесто»*даги гоҳлар – Зардуштнинг бешлик қўшиқлари, жоҳилият

[3] Муҳаммад Ғиёсиддин. *Ғиёс ул-луғат,* мазкур нашр, 285-б.

[4] Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Ибрагимов. – Тошкент. Адабиёт ва санъат, 1972, 273-б. Тасаввуф терминлари сўзлуғи. Проф: Силаймон Улудағ. Истамбул, 1995, 535-б. Кабакли Аҳмад. Турк адабиёти. Истанбул. 1994, 763 с. Фарҳанги форси. Жилди II. Техрон: 1996, 604-б.

улуғланган асарлари ҳам ҳамдлар сирасига киради. Жумладан, *«Авесто»*да *«Аҳунавайти госо», «Сипантмийну госо», «Авушнавайти госо», «Сипантмийну госо», «Вахуҳшашар госо», «Ваҳийшт вайшт госо»*лар Зардуштнинг Ахурамазда таърифига бағишлаб айтган ҳамдлари шулар жумласидандир: «Эй мазда !, Эй, улвий оламнинг уруғи-асоси-бунёди ! Эзгу ният ва Ашаҳ-ҳақиқат билан ҳузуримизга кел, ҳаққоний каломлар воситасида Зардуштга ва жамики солиҳ инсонларга саодатли тириклик бахш айла !»[1].

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўплаб шарқ тилларида бу ном «Ухра Мазд», «Хурмазд», «Урамазд», «Аҳурой Мазд», форс тилида «Аҳура Мазда», «Ҳурмузд» шаклида қўлланади. Зардуштнинг («Авесто»да) бешлик гоҳ (қўшиқ)ларида эса бу ном қуйидаги уч ҳолатда зикр этилади: «Ахура», «Мазда», «Мазда Аҳура». Аҳура Мазда икки жузъдан «Аҳура» ва «Маздаҳ»дан таркиб топган[2].

Қадимги ҳинд асотирий китоби *«Параҳжо - патий» ҳам «Зарвон»* исмли Худолар отасига бағишланган ҳамд билан бошланади ва мазкур манбада эътироф этилишича, Зарвон («Борлиқнинг яратгувчиси») якка-танҳо бўлган эмас. У ўз қудрати билан яна қўплаб худолар ва девлар («браҳмана», «дива», «асура»)ни яратган эмиш[3].

*«Авесто»*даги «Ҳурмузд яшт» (ҳамд) қасидасида эса Аҳура Мазданинг жами исмлар зикр қилинган. Унда айтилишича, Аҳура Мазданинг 72 номини тўлиқ зикр этиш воситасида иблис, девлардан халос бўлиш мумкин. Эслатиш жоизки, барча динларда ҳам Илоҳ исмларининг ранг-баранглиги ва уни бот-бот ёд этиш энг афзал амаллардан биридир. Чунончи, *«Авесто»*да Ахура Мазда «Доно Сарвар», «Ҳушёр яратувчи», «Фармон бергувчи», «Солор» каби сифатлар билан таърифланган. Исломдаги Аллоҳнинг 99 исми *(«ал-асмоъ ал-ҳусна»)* ҳам юқоридаги фикрнинг ёрқин намунасидир[4].

*«Авесто»*да қуёш худоси Митрага бағишланган қасида ҳам бор:

Ва бу аравани элтадур,
Тўрт оппоқ тулпор.
Абадий ва учқур арғумон,
Руҳи билан ўсган жонворлар.
Олд туёғи – тиллодан унинг,
Орт туёғи – кумушдан унинг.
Ва ягона бўйинтуруққа,
Боғлангандир тўртталови ҳам.
Мустаҳкамдир тоза шотиси,
Илгаклидир ва чидамлидир.

Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель каби санъатшунос олимларнинг аниқлашича, Амударёдан топилган эрамиздан аввалги V-IV асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг суратлар орқали ифодаланган аксини кўриш мумкин. Унда тўртта отга қўшилган аравача устидаги иккита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган[1].Бу жараён аҳмонийлар даврида ҳам давом этган. ***«Қадимги Шарқ санъати»*** китобидаги маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли «Бошида эчки кўтарган худо» бронза ҳайкалчада одамларга ўз туҳфаларини тортиқ қилаётган ҳосилдорчилик ва чорвачилик худоси тасвирланган.

Г.А. Пугаченкованинг ёзишича, эрамизнинг биринчи асрларида Ўрта Осиёда она замин билан боғлиқ тангрилар образини ифодалаш санъатда аввалгидай давом этган. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм, Бақтрия ва Қадимги Сўғдиёна ерларида Кушон подшолари сиймоси зарб этилган тангалар қатори жуда кўплаб аёл тимсолларидаги худоларнинг сопол ҳайкалчалари топилган.

Қанотли фаришта образи кейинчалик шарқ поззияси ва санъатида софлик, муҳаббат ва гузалликнинг ўлмас, адабий тимсолига айланиб қолган[2].

Мазкур маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, исломгача ҳам халқ ўз тасаввуридаги илоҳларга ҳамд, мадҳ айтган.

Диний тасаввурлар, афсонавий ривоятлар, фалсафий тушунчалар, ахлоқий-эстетик қарашлар одамларнинг моддий ҳаёт тарзи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунинг учун қадимги аждодларимиз «бошида эчки кўтарган худо»ларга, «қанотли фаришта»лару аёл тимсолларидаги илоҳларга сиғинганлар. Масалан, баъзи тарихий манбаларда ёзилишича, Сўғдиёна тангриси табиатнинг ҳаётбахш кучларини ифодалаган. У *«Авесто»* билан боғлиқ Анаҳита, Ашаҳ ва Ҳайрватат

---

[1] *Авесто.* Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001, 343-б.
[2] Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва: Искусство, 1965, 75-б.
[3] Памятники мирового икусства. Искусство древнего востока. – Москва: Наука, 1968, 26-б.
[4] *Авесто.* Тарихий-адабий ёдгорлик. 343-б.
[1] Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва: Искусств. 1965, 25-26-бетлар.
[2] Памятники мирового искусства. Искусство древного Востока. 93-б.

сингари худоларнинг йиғма, кейинчалик турли маҳаллий шароитларга мослаштириб гавдалантирилган қўринишидир[3].

Муҳаммад алайҳисалом исломни очиқ тарғиб қила бошлаган илк даврларда бут, **санам**, ой, қуёш, тарихий ё афсонавий мавжудотларга топинувчилар ўз тасаввур доирасидан чиқолмай, «Сен сиғинишимизни даъват этаётган Аллоҳнинг нимага ўхшашини айт»,-деб талаб қилишган. Бунга жавобан, *«Ихлос»* сураси ва *«Лайса камислиҳи шайъ-ун»* мазмунидаги оятлар нозил бўлган. Ақидайи исломияга мувофиқ, Аллоҳ таолонинг зоти жисм каби ҳажмга эга эмас. Унинг зоти жавҳар сифатлари билан ҳам сифатланмайди. Чунки Аллоҳ шакл билан ҳам, ранг билан ҳам, алам чекиш ва лаззатланиш билан ҳам сифатланмайди. Унинг ўхшаши ҳам, шериги ҳам, тенги ҳам, мухолифи йўқ, қиладиган ишлари ҳам махлуқотларидан биронтасининг ишларига ўхшамайди. Чунки Аллоҳ таолло ўз яратиқларини бевосита ва беасбоб амалга оширади. Зеро, Аллоҳнинг ҳукми шуки, бирор нарсани қилишни ирода қилса, унга *«бўл»* дейди ва у нарса бўлаверади.

Тафаккур чуқурлашгани сайин инсон ўзининг ягона илоҳий қудрат олдидаги ожизлигини теранроқ ҳис қила бошлайди. Ва ҳар бир ишни бошлашдан олдин Худодан мадад сўрайди. Бу самимий туйғу бадиий тафаккурда ҳам ўзига хос тарзда акс этган.

Ҳар бир асарни хоҳ у илмий рисола бўлсин, хоҳ достон, Аллоҳ таоло ҳамди билан бошлаш мусулмон шарқининг азалий анъанаси ҳисобланган. Мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳам ана шу удумга изчил амал қилиб келганлар. Бу анъананинг, яъни исломий ҳамдларнинг илдизи эса исломий ақидаларнинг барқарорлашиш даврига бориб тақалади.

Шарқ мумтоз адабиётининг кириш ҳамдлари ва ҳамд йўналишидаги асарларнинг таянч ғоявий манбаи исломий эътиқоднинг асослари Қуръони карим, ҳадиси шарифлар ва илми ақоиддир.

Биринчи туркий достон – *«Қутадғу билиг»* ҳам 32 байтли ҳамддан иборат махсус боб билан бошланади:

Уған бир байат-ул камуғдин узе,
Ўкуш ҳамду Ўгди анар – оқ сазе.
Улуғлуғ идиси Уған зулжалал,
Йаратқан тўруткен ма қадир камал[1].

Юсуф хос Ҳожиб юқоридаги байтларда Қодир Худонинг барчадан устунлигию беҳисоб ҳамду санолар фақат унгагина сазоворлигини, унинг яратгувчи, зулжалол (буюклик соҳиби) каби сифатларини улуғлайди. Шоир «Холиқ борлиги учун белги яратди. Яратган ҳар икки нарсасида Воҳиднинг (белгиси) аниқдир», - дея Ҳақ маърифатини назарда тутади.

Таҳлил этилган манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, кириш ҳамдлари сингари девондаги биринчи ғазални ҳамд руҳида ёзиш ҳам туркий адабиётда изчил анъанага айланиб қолган эди. Ҳофиз Хоразмий, атойи каби туркий адабиёт намояндаларининг девони худди шу анъанага мувофиқ яратилган. Жумладан, Ҳофиз Хоразмийнинг девони 14 байтли ҳамд ва мавъизага ўхшаш қуйидаги ғазал билан бошланади.

Яратқан бори қизилғали жаҳонни йўқдин пайдо,
Жомолу ҳуснина барчани қилди ошиқу шайдо.

Байтнинг мазмунини шундай изоҳлаш мумкин: «Яратқан бори» - Аллоҳнинг бутун жаҳонни яратишдан мақсади жамолу ҳуснига барчани ошиқу шайдо этиш, ўз ҳуснини кўз-кўз қилишдир. Шоир машҳур ҳадиси қудсий *(«Кунту канзан»)*га асосланиб, ўз қарашларини тасаввуфий руҳда ифодалаган.

Ғазалнинг кейинги байтларида лирик қаҳрамон – шоир кофиру мусулмон, тарсою яҳудий, мўмину муваҳҳид – барчаси худонинг даргоҳида танг банда эканлигини таъкидлар экан, Аллоҳга элтувчи йўллар хилма-хил бўлгани билан улар ягона моҳиятга бориб тақалишини уқтиради.

Беҳишт ичра агар бўлмаса ёди, қаъри дўзахдур,
Анинг ёди била дўзах эрур чун жаннати аъло.

Ҳақиқий мусулмон учун имон лаззати барча нарсадан устундир. Имон эса кўнгилда бўлади. Шоирнинг таъбирича, агар жаннатда яшангу қалбингда Аллоҳнинг ёди бўлмаса, у жой – дўзахдир. Дўзахда яшаб, қалбинг унинг ёди билан таскин топса, у ер жаннати аълодир. Мазкур байтдаги мантиқни шоир тазод ва тарду акс санъати орқали таъсирчан ифодаланган. Ғазалнинг кейинги байтлари мавъиза руҳида берилган:

Тилар бўлсанг ҳақиқат мулкида сардор бўлмоқлик,
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто.

Машҳур лирик шоир Атойининг девони ҳам ҳамд ва диний-фалсафий қарашлар мажмуидан иборат қуйидаги 11 байтли ғазал билан бошланган:

Эйки хўблар кўзгусинда ўзин изҳор айлаган,

[3] Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва: Исскуство, 1965, 72-б.
[1] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: «Фан», 1971, 51-65-бетлар.

Ҳам ўзи ул кўзгуга боқиб мени зор айлаган[1].

«Хўблар кўзгуси» - истиоравий ибора бўлиб, байтда пок кўнгил маъносида ишлатилган. Хўблар – тасаввуфий маънода маърифат аҳли ва ирфон зуҳур этган комиллар. Кўнгил – Аллоҳ илми ва ишқининг хазинаси. Атойининг эътирофича, Аллоҳ ўзининг ғайбий сирларини «хўблар кўзгусинда» изҳор этади.

«Хўблар кўзгусинда» унинг пинҳону ниҳон сирлари ҳамиша аён. Кўнгил кўзгусида интиҳосиз нурлар зуҳурини ҳис этган киши шу сир-асрорга «зор» бўлади. Зорлик эса – ошиқлик, ботиний илоҳий маърифатга ошиқлик – бу камолот йўли.

Ўзин узлукдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,

Қаю навнайн мулки, ломакандин ҳам топиб ихрож.

Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу байтда меърож тунида Пайғамбаримизнинг ўзликдан бутунлай кутулиб, шу юксак руҳий даражага отганликлари қаламга олинади.

Атойидан келтирилган парчада эса Худонинг мўъжизавий қудрати улуғланган эди. Яъни шоир таъбири билан айтганда, Муҳаммад пайғамбарни «лайлат-ул меърож қошинча ики ё келтуруб, қоба қавсайн иттиҳодидин «Аллоҳ» хабардор айлаган, «Муҳаммадни ики оламда мухтор айлаган» ҳам ўзи. Бу мўъжизаларнинг сабабчиси вужуди мутлақ. Исломий оқидага кўра ҳам, пайғамбарлар воситасида содир бўлган илоҳий мўъжизалар Аллоҳ таолонинг иродаси билан содир бўлган. *«Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар»* китобида ҳам бу хусусда: «Пайғамбарларнинг қадрлари қанчалик баланд ва ишлари улуғ бўлмасин, агар Аллоҳ хоҳламаса, улар бирор манфаат келтиришдан ёки илоҳий мўъжизалар кўрсатишдан ожиздурлар.

Улуғ шоир девонларида етук шарқона фалсафий тафаккурнинг юксак ифодаси – ҳамд ғазаллар кенг ўрин эгаллайди. *«Ҳазойин ул-маоний»*дан ўрин олган лирик девонларнинг ҳар бирида дастлабки беш ғазал Аллоқ ҳамдига бағишланган. Мазкур девонлар ичидаги элликка яқин ғазал ҳам Ҳақнинг мислсиз қудрати, сирру синоати ҳақидадир. *«Хазойин ул-маоний»* таркибидаги фардлар, рубоий ва қитъаларнинг дастлабкиси ҳамд мавқеидаги асарлардир[1]. *«Девони Фоний»*да ҳам ҳамд мавзусига мурожаат нуқтаи назаридан шу тизм устивор. Улуғ шоирнинг форсий девонида ўндан ортиқ ҳамд ғазал мавжуд. Тўплам таркибидаги рубоий, қитъа каби жанрлар ҳам Аллоҳ ҳамди билан бошланади.

Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиётида ҳар ҳарф туркумининг аввалгисини ҳамд ғазал билан бошлаб берган ижодкордир. Акс ҳолда у *«Бадойеъ у-бидоя»* дебочасида буни фақат ўзининг тўпламига хос хусусиятлар қаторида санамаган бўлар эди. Алишер Навоий Халлоқ қудрату салоҳияти, сифату сийратини «Қуръони карим» оятлари асосида ифодалаган бўлса, олам гузаллигининг Шарқ фалсафасида кенг ўрин тутган тасаввуф ақидалари, ғоялари заминида талқин этади. Шунинг учун ҳамд ғазалларда Аллоҳни васф қилиш билан бир қаторда унинг яратувчилик хусусияти улуғланади. Мутафаккирни яратиш ва яралиш тўғрисидаги фалсафий қарашлари мазкур ғазалларда юксак бадиий талқинини топган. Бу мавзуга дахлдор ғазалларда Аллоҳнинг зоти марказий ўринда туради. Жамики мавжудотнинг гўзаллигию баркамоллиги Ҳақ жамоли латофатининг инъикоси туфайлидир. Ҳамд ғазалларда Аллоҳ билан банда ўртасидаги муносабатлар ҳам чуқур фалсафий мушоҳадар тарзида баён қилинган. Шоирнинг ёзишича, Аллоҳ ўз бандасининг хар қандай гуноҳини кечира олувчи беқиёс шафқат соҳиби, айни вақтда ҳеч бир инсон унинг қаҳру ғазабидан эмин бўла олмайди. Бутун умрини майхонада ўтказган гуноҳкор банда ҳам Яратганнинг Лутфу марҳаматидан умидор бўлиши мумкин, аммо бор ҳаётини тақвою ибодатга бахшида айлаган зот ҳам, лаҳзалик бепарволик оқибатида унинг қаҳру ғазабига дуч келиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бази ҳамд ғазалларда Аллоҳнинг буюк меҳри саҳовати, иродаси, мислсиз куч- қудрати таърифланса, бошқаларида эса ҳар икки олам Яратганнинг ҳукми иродаси билан бошқарилиши билан талқин қилинади. Бошқа бир гуруҳ хамд ғазалларда эса Аллоҳ билан банда (инсон) ўртасидаги муносабатларга доир фалсафий мушоҳадалар илгари сурилгандир. Алишер Навоий улуғ мутафаккир бўлгани учун ҳам ҳамд ғазалларида образли фикрлаш имкониятидан унумли фойдаланган.

Алишер Навоий Шарқ девончилиги равнақини маъно нуқтаи назаридан ҳам муайян бир тизимга солган ва ҳар бир асарини (фард, рубоий, қитъа, ғазал ва ҳ.к.) Аллоҳ ҳамди билан таълиф этган. «Қуръони мажид»нинг хар бир сураси *«Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм»* билан бошлангани каби ҳазрат Алишер Навоий ҳам хар бир ишни илоҳий қалима талқини билан бошлаган. Тўғри, Навоийгача ҳам ҳар бир асарни ҳамд билан бошлаш анъанаси мавжуд эди[1]. Аммо Шарқ мумтоз адабиётининг бирор бир намояндаси ижодида бу анъана худди Навоий ижодидагидек яхлит шаклда (фарддан достонгача) намоён бўлган эмас.

---

[1] Девони Шайхзода Атойи. С.Рафиддинов нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1991, 6-б.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. *Хазойин ул-маоний. Ғаройиб-ус-сиғар.* Т.: Фан, 1988, 563-б. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик, 4-том. *Наводир уш-шабоб.* Т.: Фан, 1989, 505-б.Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик, 6-том. *Фавойид ул-кибор.* Т.: 1990, 511-б.

[1] Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2002, 61-б.

ПОРТРЕТ КОМПОЗИЦИЯСИ

Ш.И.Ибадуллаева, БухДУ тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси
Д. Х. Мухаммадова, Педагогика факультети талабаси

Резюме Ушбу мақолада рангтасвирнинг портрет жанридаги композициянинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Портрет рангтасвири инсонлар ҳақида унинг гўзаллиги, характери, идеаллари ва орзу умидлари ҳақида ҳикоя қилади. Рафаэльнинг Сикстин мадоннаси юзидаги маюсликка қаранг, Рембрандтнинг кўпни кўрган қарияларининг доно чеҳрасини эсланг, Рубенснинг «Изабелла»сини ёдга олинг, Малик Набиевнинг улуғвор “Амир Темур” портретини эсланг. Қандай индивидуал ўзига хослик ва инсон характерининг мафтункор образлари яратилган (57-расм).

Портретчи рассом инсон характери ва унинг индивидуаллиги устида ишлайди. Бу эса рассомдан чуқур билим талаб қилади, тасвирланувчи ҳақида ҳамма нарсани, унинг юз элементларини кўп томонлама образли ҳолатларини, энг асосийси эса, ҳаққоний, тушунарли ва образли ифодалай билишни талаб этади.

Инсонни ҳаққоний тасвирламоқ учун уни диққат эътибор билан узоқ кузатмоқ керак, шундай ҳолат, шундай кайфиятни топиш керакки, характернинг хусусияти, сифатини тўлиқ ифодалаш мумкин бўлсин. Портретда «қалбни тутиш» керак, «кийимни ва танани эмас».

Портретда тасвирланувчининг индивидуал белгиларидан ташқари уни ўраб турган муҳит, касбкори ҳақида ҳам энг ўринли деталлар киритилиши керак. Кўплаб рассомлар портрет ишлайдилар, айримлари фақат бир кишининг характерли хусусиятларинигина кўрсатади, бошқалари портретда замондошларининг умумлашган образларини тасвирлайдилар. Бу ҳолда иккинчи хил асарларга томошабиннинг муносабати эътиборли, аҳамиятли бўлади. Ҳақиқий портретчи энг характерли қиёфа излайди, натижада теварак-атрофни кузатиш ва ўрганиш билан битта қиёфада бир неча одамларнинг хусусиятларини бирлаштиради.

Рассом В.Серовнинг «Верочка Мамонтова портрети»да битта қиз қиёфаси орқали ҳар бир балоғат ёшида бўлган ўсмир қизларнинг умумий сифатларини беради. Рассом бу портретда ёшликнинг қайтариб бўлмас ёқимтой, ҳур поэзияси ҳақидаги тасаввурларини ифода этади. Шу боис ҳам бу асар ҳар бир одам қалбида жонли акс-садо уйғотади, ўзига ром этади. Худди шундай фикрларни З.Серебрякованинг «Кўзгу рўпарасидаги қиз» (Автопортрет) асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Рассом шундай портрет композицияси топиш зарурки тасвирланувчининг характерли белгиларининг аниқ, тушунарли ва образини очиб берсин.

Композиция қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак:

1. Томошабин эътибори тасвирланувчининг бош қисми ва юзига қаратилиши керак. Портретда энг асосийси - бу юз ва унинг ифодаси айнан унда инсоннинг ички ҳаёти кўринади. Тасвирланувчининг кўзи ва лабини тасвири, уни ифодавийлиги ҳам жуда аҳамиятлидир. Улар одамнинг ички мазмунли жумбоғини очиб беришнинг ифодавий калити ҳисобланади.

Портретда қўл ҳам кичик рол ўйнамайди. Ундан тасвирланувчининг қўлига қараб унинг касб-корини ва характери, саломатлигини аниқлаб олиш мумкин.

2. Бошининг ҳаракати, бурилган, қия, юз мимикаси, қоматнинг туриши инсон характерини юзага чиқаради. Одам ўзининг табиий ҳолатида, характерли кўринишида тасвирланиш лозим. Булар ҳаммаси композицион қуришнинг асослари ҳисобланади.

3. Портретнинг образли кўриниши ўраб турувчи муҳит, вазият, фон аниқловчи аҳамият касб этади. Фон томошабин эътиборини тортиб чалғитиш керак эмас.

4. Портретнинг ўлчам ва формати ҳам тасвирланувчининг бадиий ифода вазифаси учун бўйсуниши керак. Репин ҳар бир портретга мос инсоннинг асосий белгилари талаб этган форматини изларди. Формат танлаш тасвирланувчининг ҳолатига ҳам боғлиқ.

Портретни натурал ўлчамдан катта тасвирлаш тавсия этилмайди, ҳар қандай картина албатта бироз узоқ масофадан кўрилади. Перспектив қисқаришлар билан ўша масофада тасвир ўзининг, агарки у натурал ўлчамда ёки бироз кичикроқ тасвирланган бўлса табиий ўлчамида кўринади.

Портрет санъатида ўхшашлик бўлиши шарт. Натура билан ўхшамаса у портрет хисобланмайди. Портрет - энг аввало хужжат. Лекин бу хужжатлилик фотосуратнинг тасодифий хужжатлилигидан фарқли ўлароқ, инсоннинг энг ҳарактерли белгиларнигина беради. Портретдаги ўхшашлик ташқи белгиларини ва одам характерининг кўзга ташланувчи сифатларини умумлаштириш натижасида келиб чиқади.

Формалистик оқим тарафдорлари рангтасвир ҳақида, портрет санъатининг манбааси нореал шахсдир, хусусан рассомнинг одам ҳақидаги тасаввури ҳисобланади деб таъкидлайдилар. Бу билан улар ўзларини одам тасвирини чизишда эркинликларини ва ташқи дунё билан алоқасизликларини

оқлайдилар. Уларнинг асарлари тарқоқ, ранглар ўта ёрқин, одам образи совуқ декоратив схема шаклида кўзга ташланади. Кўзлар гўё қалб ойнаси эмас, худди бошнинг «атрибути» бўлиб тасвирланади. Фақат муаллифгагина тушунарли бўлган «лаконизм» турли-туман тарқоқ шакл ва схемаларнигина ифода этади.

Аслида портретда одамнинг психологияси унинг ҳислари ва орзулари юзага чиқиши керак.

Портрет мазмунига кўра, композицион ечимни танланишига қараб: бош қисм портрети, кўкрак қиёфали портрет (бюст), ярим гавдали портрет, тўлиқ гавдали портрет, портрет-картина, гуруҳли портрет, автопортрет, миниатюравий портрет ва бошқаларга бўланади.

Адабиётлар рўйхати:

1.B. Boymetov, S. Abdirasilov. Chizmatasvir. T.: G'ulom nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004.

2. В.С. Кузин Наброски и зарисовки. М., 1970.

3. N.Oripova. Moybo'yoqda portret ishlash. T., 2010.

ШОФИРКОН КАШТАЧИЛИГИДА РАНГ ЕЧИМЛАРИ, ҲАМДА КОМПОЗИЦИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.И.Ибадуллаева, БухДУ тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси
У.М.Қодирова, Бухоро маданият коллежи ўқитувчиси

Резюме: *Ушбу мақолада Шофиркон каштачилик санъатида ишлатиладиган нақш турлари, ҳамда ранглар аҳамияти ҳақида сўз юритилган.*

Ўзбек кашталарининг композицияси турли ҳудудларда турлича бўлсада, уларнинг бир-бирига яқинлигини гулларини характери ва ранг беришда умумий принципларни аниқлашга имконият туғилади. Шофиркон каштачилигида композиция муҳим ва асосий қисмни ташкил қилади. Шофиркон каштачилигида биргина безакнинг ўзи ҳам марказий гул сатҳи ва ҳошия ўлчовларининг бир-бирига мутаносиблиги андозанинг бир хил бўлмаслигини кўрсатади. Қадимги анъаналарга суянган ҳолда кашта тикаётган каштадўз, ҳеч қачон такрорланиш, қайтарилишига йўл қўймайди ва у янги қирраларни, безакларнинг турли-туман бўлишини, ҳар бир ишида янги бадиий имкониятлар, ўзига хос чизиқлар топишга ҳаракат қилади. Халқ бадиий санъатининг ушбу турининг кучи улуғлиги ҳам шундадир.

Бадиий безак санъатининг каштачилик турида композиция асосий ва мақсадли ўринни эгаллайди, ҳар бир композициянинг маълум фалсафий, маънавий ғояси мавжуд. Шофиркон каштачилигида кўп тарқалган композиция: "Наҳли-асб"- от тақаси; "корд"- пичоқ; "ислимий" нақшли нусхалардир. Шу композициялардан бири "Ислимий" нақшли композицияларга тўхталамиз. "Ислимий" деб юритилувчи тўлқинсимон, аниқроғи, ўсимликсимон композиция етакчи услуб ҳисобланади. "Ислимий" нақш жилвадор бўлса, марказий майдонни ўраб олувчи ҳошия гулларига мос бўлади. Бу нақш гоҳ горизонтал, гоҳ вертикал услубда тикилган бўлсада, кўзга яққол ташланади. Бир текисда айлантириб тикилувчи ислимий нусха асосан шох, бутоқдлар, баргларнинг такрорланиб келишидан ҳосил қилинади ва ислимий нақшларининг қайрилма жойларида унинг ўсиб келишига мос равишда гуллар, бодомчалар, қалампир ва бошқа хилдаги майда безаклар тикилиб, тўлдирилади. Гул бандлари ислимий нақшларининг бевосита ўзидан, барглардан чиқарилиб гоҳ юқоридаги, гоҳ пастдаги, гоҳ ён томонга тикилиб чиқилади ва шу майда безаклар янада бойитади.

Шофиркон кашта гул безакларида маҳаллий шароитда ўсадиган гуллардан гулсапсар, чиннигул, лола, гултожихўроз, гулхайри, райҳон, олмагули; мевалардан анор, гилос, бодом ва қалампир тасвирларини учратамиз. Мисол тариқасида биз гулсапсарнинг тасвирини кўрмоқчи бўлсак, унда икки шакл тўртта баргдан иборат бўлиб, улардан иккитаси юқорига чиққанда бирлашади ва иккитаси пастга эгилиб тушади.Улар асосан тўқ зангори, бинафша рангларда тикилади. Уларнинг чети қизил ипак билан ҳошияланади. Бундай тасвирлаш биринчидан гулнинг айнан ўзини акс эттиришга интилишини билдиради, иккинчидан декоратив санъатда жонли табиатни акс эттиришда ҳам шартлиликнинг зарурлигидандир. Каштада гулларнинг кўплиги, уларнинг турли-туманда бўлиши айниқса кўп учрайди.Буларнинг тикилиш услуби ҳам бошқача бўлади.

Каштачини гулни тасвирлашда ипак билан гулнинг катталигини бериш эмас, энг муҳими декоратив санъати асарига ранг бериш, уларга жило бериш кўпроқ қизиқтиради. Унинг учун у қизил ва пушти гулларнинг детал ва баргларни навбатма-навбат бериб такрорлайди ёки ҳар бир баргни вертикал тўлқинсимон чизиқ билан иккига бўлиб, бир томонини тўқ қизил, иккинчи томонини эса тўқ кўк ипак билан тикилади. Каштачиликда ранг асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Каштани ранги унинг фонидан яъни, асосидан келиб чиқиб, ранг колорити танланади. Оқ бўз ҳеч қачон сутдек оппоқ бўлмайди. Унинг бироз кулранг, сарғиш туси узвий колоритни ҳосил қилишга бир қадар мосдир.Агар фон рангли бўлса, у ҳолда шу рангга мос равишда кашта ипаклари танлаб олинади. Баъзан фон ипаклар билан бирга орнаментнинг ранг-баранг очилиб туришига хизмат қилади.Шофиркон

кашталарининг композиция тузилиши кўп ҳолларда симметрияга асослансада нақшлар ва нақш унсурлари эркин жойлаштирилиши йирик шаҳарлар улуғвор каштачилигидан уни ажратиб туради. Шофиркон кашта нақшларида кишиларнинг табиат ҳодисалари,ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари акс эттирилган.Каштачи ўз ижодий фантазиясини ҳар бир сўзана деталларида намойиш қилишга ҳаракат қилади. У гуллардан – юлдузлар, гулдасталар, ой, қуёшни тасвирлайди. Гулларнинг новдаларини тасвирлаб, улар шохчаларга силкиниб, нафис бутоқларда осилиб тургандек намойиш қилинади. Нақшли безакларда ўсимликсимон ислимий нақшлар - ҳаётнинг давомийлиги, авлодлар келишини; гулларнинг чаман бўлиб очилиб туриши – бахт, қувонч ва шодликларга тўла ҳаёт орзуси; қуёш – ёруғлик, иссиқлик, мўл ҳосил; ой – бахт ва висол, осойишта бахтли ҳаёт; офтоба – мўл-кўлчилик, бахтиёрлик; кўза, сув – деҳқоннинг умиди, ҳосилнинг мўл бўлиши, оилада файз-барака, сероблик, серфарзандлик (кўза, офтобалар асосан сўзананинг юқори бурчакларида тикилади). Қушлар тасвири ҳам қадимий санъатга хосдир. Қадим-қадимдан бирор ишни бошлашда, шу иш яхши, саодатли бўлиш ниятида қушлар тасвири туширилган, шу сабабли ҳашаматли боғларда қушларни боқиш одат бўлган. Кашта нақшларидаги барглар бир неча шаклда: тухумсимон, атиргул япроқлари сингари қиррали, арчасимон, сербарг ва турли шакллардаги, бош барглар шаклида бўлади. Мева безаклари ичида анор тасвири айниқса катта ўринни эгаллайди. Анор ҳосилдорлик рамзи бўлиб ҳисобланади. Ўсимликсимон безакларнинг ичида энг кенг тарқалганларидан яна бири лола, бодом ёки қалампир тасвирлари бўлиб, улар жуда кўп шаклларга эга. Бундан ташқари ранг-баранг иплар билан тикилган доира гуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар маълум гуруҳларга бўлинади. Улар – “забонча”, “офтобача”, кўзача деб аталади. Тошкентда доира гул, ой, Бухоро ва Нуротада “моҳ”(ой), Самарқандда лола деб юритилади.Нақшларда буюм тасвири кўп ишлатилиши мумкин, масалан, кўза тасвири. Кўза ёки чойнакка баъзан шохча солиб қўйилиб, уни тангача безаклар билан безатилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий санъати.Тошкент.Меҳнат.1991й.
2. З.Оллобердиева. Бухоро каштачилиги санъати. Бухоро. 2002 й .

UMUMTA’LIM MAKTABLARIDA HAVASKORLIK CHOLG’ULAR TO’GARAGINI TASHKIL ETISH USULLARI

I.F.Qayumov Bux.D.U, Musiqa ta’limi kafadrasi o’qiyuvchisi

“Ta’lim to’g’risida” gi qonun, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”dagi O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilingan hujjatlarda yosh – avlodga tarbiya berishda tarbiyaninng barcha vosita uslublaridan keng foydalanish alohida ta’kidlab o’tilgan. Shundan kelib chiqib, biz umumta’lim maktablarining musiqa madaniyati darsi jarayonidan tashqari maktabda tashkil etiladigan turli musiqiy to’garaklar vositasida o’quvchi – yoshlar tarbiyasini ma’lum darajada ijobiy hal qilishni maqsad qilib qo’ydik. Buni biz umumta’lim maktablari qoshida havaskorlik rubobchilar ansamblini tashkil etish va uning faoliyatini yo’lga qo’yish misolida ko’rib chiqishni lozim deb topdik. Bunday to’garaklar maktab musiqa o’qituvchisi yoki musiqa ixtisosi bo’yicha bilim va malakaga ega bo’lgan to’garak rahbari tomonidan amalga oshiriladi. Maktabda sinfdan tashqari “Rubobchi havaskor – bolalar dastasi”ni tashkil etish usullarini quyidagicha bayon etmoqchimiz.

Rubobchilar to’garagini tashkil etishda ishni dastlab to’garakka a’zolar qbul qilish uchun “e’lon” yozishdan boshlash lozim bo’ladi. E’londa maktab qoshida rubobchi havaskorlik ansambli tashkil qilinayotganligi va istagan qiziquvchilar unga yozilishi mumkinligi xabar qilinadi. Shundan so’ng aniq bir kunda (ma’lum soat) to’garakka xohish bildirganlarni to’plab ularning musiqiy iste’dodi, qobiliyati, eshitish qobiliyati, xotirasi, ritmi tekshiriladi. Ana shu sifatlarga ega bo’lgan 12 – 15 ishtirokchi to’garakka tanlab olinadi.

To’garak mashg’ulotlarini iloji boricha nota asosida olib boorish maqsadga muvofiqdir (ba’zi to’garaklar mashg’ulotlarida kuylarni og’zaki tarzda o’rgatish usuli ham qo’llaniladi). So’ngra mashg’ulot jurnali tashkil etilib unda to’garak ishtirokchilari ismi sharifi ro’yxatga olinadi va to’garakning mashg’ulot kunlari va soatlari ishtirokchilarga ma’lum qilinadi. Shundan so’ng mashg’ulotlarda o’tkaziladigan mavzular asosida oylik, choraklik va yillik dastur tuziladi. Shuni ham ta’kidlamoqchimizki, imkoni boricha to’garak a’zoligiga musiqa maktablariga qatnashuvchi, shuningdek umumta’lim maktabi musiqa darslarida peshqadam bo’lgan nota savodidan ma’lum darajada xabardor o’quvchilarni qabul qilish yaxshi samara baradi.

To’garakning ijro dasturini tuzishda quyidagi tamoyilga amal qilish lozim. Dasturning mazmuni – musiqa savodidan, nota nomlari, nota chiziqlari, musiqa kalitlari, notalarning bo’linishi, pauzalar,o’lchovlar, musiqa templari va dinamik belgilar singarinazariy qism va xalq qo’shiqlaridan “Yallama yorim”, “Chamanda gul”, “Andijon polkasi”, “Olmacha anor”,”Bibigul” bastakorlik ijodidan S.Abramovning “Onajonim”, J. Najmiddinovning Bolaligoim gulbahor”, M.Mirzaevning “Jonon”, “Yangi tanovor” singari xalq kuylarini bir ikki chorakka rejaga kiritish mumkin.

To’garakning tashkiliy ishlari amalga oshirilgandan so’ng mashg’ulotlarni baholash lozim bo’ladi. Endi biz mashg’ulot tafsilotini yoritmoqchimiz.

Mashg’ulotning tashkiliy tomoni – ya’ni ishtirokchilarni yo’qlama qilish, cholg’u asboblarining hammada borligini aniqlash sinf tozaligi, navbatchini aniqlash, o’quv qurollarining tayyorligini tekshirishlar singari ishlar o’tkazilgandan so’ng, cholg’u asboblarini sozlab chiqish kerak bo’ladi, so’ngra ochiq simlarda turli cho’zimdagi notalarda mashq o’tkaziladi va “do major” gammasi chaldiriladi. Iloji boricha rubob turlarini ansambl tarkibida ko’paytirish zarur. Masan tarkibni 6 ta qashqar rubobi, 3 ta afg’on rubobi, 1 – ud, 2 ta doira sozlaridan iborat qilib tuzish maqsadga muvofiqdir. So’ngra xalq kuylaridan “Yallama yorim”ni boshlash kerak. Kuyni chalishdan avval uning xalq kuyi ekanligini, nima sababdan xalq kuyi deb nomlanishini tushuntirish lozim. Keyin kuyning nazariy tahlili – o’lchovi, qanday cho’zimdagi notalardan tuzilishi, dinamik belgilari, tezlik sur’ati kabi tomonlari ishtirokchilarga tushuntiriladi. So’ngra kuy o’qituvchi (rahbar) tomonidan boshidan oxirigacha 2 – 3 marta chalib ko’rsatiladi va nihoyat uning uning boshlang’ich qismi ishtirokchilarga o’rgatila boshlanadi. Kuyni o’rgatish jarayonida ishtirokchilar kichik guruhga (6 kishi) va hatto yakka tartibda bo’linib o’rgatiladi. Kuyning ma’lum qismi shu tartibda o’rganilgandan so’ng butun ishtirokchilar guruhi birlashtirilib jo’rnavozlik tartibida kuyni ijro etilishi, aynan shu uslubda kuyning qolgan qismlari ham o’rgatiladi va kuyni mustahkamlash maqsadida uning keyingi qismi uyga vazifa qilib topshiriladi.

Tajribadan shu narsa ma’lumki, ansambl ishtirokchilaridan barchasining musiqiy o’quvi va ijro imkoniyati bir xil emas. Shu bois mashg’ulot jarayonida kuyni bir xil o’quvchi yaxshi o’zlashtirsa, ikkinchi tur ishtirokchi uni qiyinchilik bilan qabul qilib, bo’sh ijro etadi. Bu holatda o’qituvchi o’sha bo’sh o’zlashtiruvchi ishtirokchilarga berkitilishi lozim. Ana shunda bu borada kutilgan natijaga to’la erishish mumkin bo’ladi.

Dasturdagi kuyni mukammalroq va chuqurroq o’rganish uchun o’qituvchi uni cholg’u asbobida tez – tez o’zi ijro etib kuyning magnit yozuvi yoki plastinkasi bo’lsa uni ishtirokchilarga eshittirishi lozim. Shu tartibda rubobchi havaskor sozandalar bilan yil davomida 12 – 15 ta musiqiy asarni o’rganish mumkin.

Bu mashg’ulotning amaliy tomoni, ya’ni ijro bilan bog’liq tomoni edi. Endi mashg’ulotning nazariy tomonini qanday amalga oshirish mumkin? Shu borada fikr yuritamiz: Eslaylik , biz yuqorida nota ansamblini tashkil etish, ya’ni chaladigan asarlarni nota orqali savodli qilib o’rganishni maqsad qilib qo’ygan edik. Shu bois ushbu jamoa bilan nota savodi bo’yicha ham jiddiy mashg’ulot olib borishga to’g’ri keladi. Birinchi, ikkinchi chorak, ya’ni yarim yillik jarayonida ular bilan notalar nomlari, nota chiziqlari, notalar cho’zimi, musiqa o’lchovlari, dinamik belgilar, pauzalar singari mavzularni o’zlashtirishga to’g’ri keladi. Buning uchun esa to’garak mashg’ulotini nazariy va amaliy qismlarga bo’lish talab etiladi.

Ansambl ishtirokchilarida cholg’u asbobidan tashqari nota daftari, ruchka, qalam o’chirg’ich va imkoniyati bo’lsa musiqaning elementar nazariyasi darsligi kabi o’quv qurollari mavjud bo’lishi shart.

Yana bir mulohaza: odatda o’quvchilar notani o’rganishdan ko’ra uning amaliy ijrosiga ko’proq qiziqadilar. Shu bois musiqa nazariyasi mavzularini o’tish jarayonida juda ehtiyotkorlik bilan, bolalarni zeriktirmaslik maqsadida mavzuga doir turli rebus va boshqa o’yin – topishmoq turlaridan ko’proq foydalanish yaxshi sara beradi. Bundan tashqari nazariy mavzularni tushuntirishda uni cholg’u asbobida chalib ko’rsatish ham foydalidir. Mana shu tartibda 6 oy ichida to’garak a’zolari bilan tuzukkina konsert dasturini ham tayyorlashga erishish mumkin. Ya’ni shuni aytmoqchimanki, musiqa nazariyasidan mavzularni o’tayotgan paytda ansabl tarkibidagi sozlarning ham pardalari, ijro imkoniyatlari va tuzilishi shakli bilan ishtirokchilarni tanishtirib boorish maqsadga muvofiqdir.

Shunday qilib, rubobchilar to’garagi ishini yaxshi yo’lga qo’ygandan keyin bir yil davomida eng kamida ikki marotaba maktabda konsertlar tashkil qilib turish ansambl mavqeini yanada oshiradi.

Endi hisobot konsertini qanday tashkil etish usullari ustida to’xtalib o’tmoqchimiz: konsert dasturi tayyor bo’lgandan so’ng dastlab uni maktab rahbariyati va mutaxassis o’qituvchilar e’tiboriga havola etib dasturning kam – ko’sti haqida maslahatlarini olish kerak. So’ngra ularning tavsiyalari asisida dasturni ko’p sonly tomoshobinlarga (maktab o’quvchi va o’qituvchilari, qo’shni maktablardan mehmonlar chaqirib, shuningdek ota – onalarga namoyish etish lozim bo’ladi).

Hisobot konsertini o’tkazishning tashkiliy tomonlari ham mavjud. Buning uchun dastlab maktab badiiy kengashi tavsiyasi asosida konsertni o’tkaziy uchun joy – tomosha zali tanlash kerak. So’ngra e’lon afisha tayyorlab unda konsert o’tadigan kun va vaqti ko’rsatiladi, shuningdek konsert o’tadigan joining tozaligi, gullar bilan bezatilganligi va tomoshabinlar uchun tayyorlangan o’rindiqlarning yetarliligi ko’zdan kechiriladi.

Hisobot konserti yanada qiziqarli o’tishi uchun maktabda faoliyat ko’rsatayotgan folklore, dutorchilar va maqom to’garaklari dasturidan ayrim musiqiy asarlarni dasturga qo’shish maqsadga muvofiqdir.

Konsertga ishtirok etadiganlar cholg'u asboblariga zeb berib chiroyli sahna liboslarini kiyib, yaxshi kayfiyatda kelishlari shart. Konsertni boshlashdan oldin tomoshobinlarga ansambl to'g'risida qisqacha ma'lumot, ya'ni uning shakllanishi undagi ishtirokchilarning yoshlari, qaysi sinf o'quvchisi ekanligi, dastur mazmuni va ansamblni tashkil etish borasidagi turli muammolar, uni bartaraf etishda maktab ma'muriyatining bergan yordamini aytib o'tish lozim bo'ladi.

Konsert dasturini olib boruvchi, ya'ni boshlovchi konferanseni ham puxta tayyorlash zarur. So'ngra yaxshi kayfiyat bilan dasturni namoyish etishga kirishish lozim. Har bir musiqiy asar ijrosidan so'ng ishtirokchilar o'rinlaridan turib sahna odobiga ko'ra tomoshobinlarga ta'zim bajo keltirishlari shart. Ansambl ijrosini rahbar o'qituvchi, yoki musiqa rahbari boshqarib boradi. Konsert davomida tomoshobinlar tomonidan ijrochikarga gullar taqdim etilishi, olqish so'zlarini chapaklar orqali izhor etish hollari uchraydi. Bunday holatda taqdim etilgan gullarni sahnaning old tomonida odob bilan terib qo'yilgan ma'qul (Bugungi kunda ayrim kekkaygan va o'zini yuqotgan xonandalar tomoshobinlar e'tiboriga hurmatsizlik qilib ular tomonidan taqdim etilgan gullarni bir chetga uliqtirib tashlash hollari ham uchramoqda).

Sahna ijrochilarining chehrasi ochiq, yuzlarida tabassum hamisha ko'rinib turishi shart. Bu esa tomoshobinlar kayfiyatida ham ijobiy ta'sir qiladi. Konsert dasturi namoyishi tugagandan so'ng maktab ma'muriyati, mehmonlarga so'z berishi lozim. Ular o'quvchilar tomonidan namoyish etilagan konsert dasturidan olgan taassurotlari va konsertning muvoffaqiyati hamda ba'zi nuqsonlar haqida fikr bildirsalar bu jamoaning keying faoliyatiga ijobiy ta'sir qilishi mumkin.

Shunday qilib, umumta'lim maktablari qoshida turli cholg'u to'garaklarni tashkil etib bu orqali o'quvchilarning estetik axloqiy va ma'naviy tarbiyasini ma'lum darajada oshirishga erishish mumkin deb o'ylaymiz.

O'ZBEK XALQ PEDAGOGIKASINING IJTIMOIY XUSUSIYATLARI

Elibaeva L.S.BuxDU katta o'qituvchi, Ismoilova M. 2- kurs talabasi

Ajdodlar tajribasini o'rganish zamonaviy pedagogika fanining asosiy vazifalaridan biridir. Biroq tarbiyaning milliy xususiyatlariga murojaat qilish madaniy jihatdan o'z qobig'iga o'ralib qolishga olib kelmasligi kerak. Zamonaviy pedagogika fanining maqsadi milliy xususiyatlar asosida fanning zamonaviy muammolarini echishga yordam beruvchi, uning rivojiga o'z hissasini qo'shuvchi kuchlarni topishdan iborat bo'lmog'i lozim. Hozirda dunyoning turli davlatlaridagi xalqlarning madaniy qarashlari va o'ziga xos xususiyatlariga e'tibor qaratsak, madaniyat sohasidagi yutuqlar mavjud muammolarni hal etishda juda katta o'rin tutadi. O'sib kelayotgan avlodni hayotga tayyorlashning ko'p asrlik tajribasi yordamida yoshlarning zamonaviy bozor iqtisodiyoti munosabatlariga asoslangan demokratik jamiyatga tayyorlash alohida ahamiyat kasb etadi.

Moziy tajribasida xalq pedagogikasida ta'lim va tarbiya jarayonlarida qo'llash mumkin bo'lgan ko'p narsa bor. Xalq pedagogikasi shaxsga ijtimoiy xususiyatlarni shakllantirish uchun lozim bo'lgan pedagogik bilim, ko'nikma va malakalar, ta'lim-tarbiya berish yo'tari, vositalarining majmuasi hisoblanadi.

Milliy pedagogika xalqning ta'lim-tarbiya masalasiga oid qarashlar, g'oyalar, an'analari asosida shakllanadi. Milliy pedagogikaning tengsiz qadriyati shuki, u, birinchidan, o'zida asrlar davomida shakllangan pedagogik haqiqatlarga ega, ikkinchidan esa, hayotiy, amaliy tavsifga ega. U o'z ifodasini xalq pedagogikasining barcha g'oyalari amaliy tajribaga asoslanganligi, amaliyotda sinalgan va yosh avlodni tarbiyalash bo'yicha amaliy faoliyatga qaratilganligida topadi.

Xalq pedagogikasidagi mavjud hayotiy (maishiy, mehnat, axloqiy) va pedagogik ma'lumotlar, kuzatuvlar muhim ahamiyatga ega bo'lib, bular muomala jarayonida ham kattalar, ham bolalar tomonidan bir xil o'zlashtiriladi. Xalq pedagogikasi tarixiy va ijtimoiy tajriba mahsuli bo'lishi bilan birga ijtimoiy axloq va ijtimoiy moslashuv malakalarining shakllanishi vositasi, omili hisoblanadi.

Xalq pedagogikasi jamiyatning pedagogik madaniyatidagi eng yaxshi qadriyatlarni mujassamlashtirgan bo'lib, bu kattalarga hurmat, mehmondo'stlik, mehnatsevarlik, axloqlilik, rostgo'ylik va boshqalar.

Xalq pedagogikasining ijtimoiy xarakteri uni ko'pgina etnomadaniy hodisalar: dunyoqarash, tibbiyot, etika, din, ekologiya, boshqalar bilan o'zaro munosabatida yorqin namoyon bo'lishidadir. Bu muammolar olimlar tomonidan o'rganilmoqda.

O'zbek xalq pedagogikasida shaxs dunyoni hayotiy va shaxsiy tajriba orqali o'zlashtiradi, degan teran fikr mavjud. Chunki shaxs boshqalar bilan muomalaga kirar ekan, ularning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganadi.

Xalq pedagogikasi xalq og'zaki ijodi namunalari: maqol, ertak, topishmoq, ashula, doston, rivoyatlarda o'zining ifodasini topgan. Aynan shularda xalq asrlar mobaynida o'z ijtimoiy tajribasini umumlashtirgan. Ular hikmatlar shaklida pand, o'git, nasihat mazmuniga ega bo'lib xalqning ijtimoiy hayotga bo'lgan real (hayotiy) qarashlarini ifodalaydi.

O'zbek xalq pedagogikasining o'ziga xos xususiyatlaridan biri xalq og'zaki ijodi matnlarida

tarbiyaning vosita, usullarining tavsifi berilganligidadir.Hayotiy sharoitlar, oilaviy an'analar, tarbiya usullari va vositalari o'zbek xalqi orasida nihoyatda turli-tuman bo'lib, bu haqda ko'p sonli manbalar dalolat beradi. Aynan ularda biz mehnat jarayonlarini, yigit va qizlar uchun mo'ljallangan bayramlarning o'ziga xos tavsiflarini uchrashamiz.

Ma'fkura, an'ana, odat, marosimlar avloddan-avlodga o'tib keladi. Ularda nikoh marosimi, bolaning tug'ilishi, mehmonlarni kutib olish va kuzatish, dafn marosimi, mehnat jarayonlarini o'tkazishning muayyan qoidalari va boshqalar mavjud bo'lgan. Bu marosimlarda bolalarning doimiy ishtiroki ta'minlanadi. Bu odatlar yordamida o'zbeklarning an'anaviy muomala madaniyati shakllanadi.

O'zbek xalqining axloqiy odatlarining mustahkamligi, asosan, oilaviy munosabatlar va oilaviy tarbiyaga alohida ahamiyat berilishi bilan bog'liq.

O'zbek xalq pedagogikasida sevgi, oila, bolalar haqidagi qarashlar ko'p yillik tajriba ta'sirida shakllangan. Bu tushunchalarning qonun va qonuniyatlarida pedagogik amaliyotda sinalgan tarbiya me'yorlari va qoidalari o'z aksini topgan. Xalq pedagogikasida oila inson hayotida eng asosiy tarbiya omili sifatida ko'riladi. Oila jamiyat negizidir. U bolalarga tarbiyaviy ta'sir etishning usullari, odat va an'analarini bilishi, dam olish tartibini, bolalarning mehnat va o'quv mashg'ulotlarini belgilashi, ota-ona va bolalar orasidagi o'zaro munosabatlarning eng qulay me'yorlarini ishlab chiqishi lozim. Chunki bola o'zini qiziqtirgan masalalar bo'yicha eng avval o'z oga-onasi bilan maslahatlashadi. Bu erda oila a'zolari orasidagi munosabatlar amalga oshadi hamda ota-onaning tarbiyaviy vazifalari aniqlanadi.

Oila va oilaviy tarbiyaning u yoki bu xususiyatlari doimo xalq e'tiborida bo'lgan va xalq pedagogikasida o'z ifodasini topgan. Xalq, avvalombor, baxtli oila yaratish uchun kurashgan. Xalq pedagogikasida oila "baxt manbai", "'tabiat go'zalligi", mehnatsevar jamoa sifatida ko'riladi,

Xalq pedagogikasida oilaga oliy ijtimoiy qadriyat sifatida qaraladi, xalq og'zaki ijodida esa inson doim ulug'lanadi. Xalq tomonidan oilaning ijtimoiy vazifalarini bolada axloq, hurmat, kattalar va kichiklar bilan hushmuomala bo'lish, turli kasb-hunar malakalarini egallashda e'tirof etilgan.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Б.Болтаев, БухДУ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

Резюме:*Ушбу мақолада музейлар фаолияти орқали ёш авлодни баркамол инсон сифатида тарбиялашнинг усул ва воситалари ҳамда долзарб муаммолари ёритилган.*

Ҳозирги кунда талабаларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришлари учун кенг миқиёсда мунтазам ўз устида ишлашини, изланишини ва янгидан-янги янги педагогик технологиялари воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Изланувчанликдан мақсад, ёшларни чуқур билимга эга бўлиш, мустақил фикрлашга ўрганиш ва ўқитилаётган фанларга нисбатан талабаларнинг янада қизиқишларини кучайтиришдан иборатдир". Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора–тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори фикримиз далили бўла олади [1]. Ўқув жараёни билан бир қаторда талабаларнинг бўш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланиш талабалар билимини самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда Ватанимиз тарихига оид тарихий, мемуар, санъат, ўлкашунослик, этнология, археология, нумизматикага оид музейлар мавжудки, уларга талабаларни мунтазам равишда олиб бориш катта ижобий натижаларни бериб келмоқда.Ташриф натижасида талабаларнинг нафақат фанларни ўзлаштириши осонлашади,балки уларнинг тасаввурлари ҳам кенгаяди ва дунёқарашлари ўсади.Улар эстетик завқ оладилар.Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имконияти ҳам яратилади. Улар ҳар хил салбий таъсирлардан халос бўладилар. "Музейлар-жамият тараққиётининг кўзгусидир", шу боисдан ҳам шахснинг маънавий дунёсини бойитишда ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек: -" Яна бир долзарб вазифа-ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи асосий ўринда турибди. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидирлар. Шунинг учун ҳар бир ўғил – қизимиз дастлабки қадамлардан бошлаб маданий бойликларимиздан бахраманд бўлиши керак "[2].

Талабаларга "Тарих"фанини ўқитиш жараёнида "Ўзбек давлатчилиги" мавзусини мустаҳкамлашда уларни "Ўзбекистон тарихи давлат музейи"га олиб бориш тавсия этилади. Улар Ватанимиз ҳудудида энг қадимги даврдан-ҳозирги кунгача яшаган одамлар, қадимги манзилгоҳлар ҳақидаги экспонатларни кўриш имкониятига эга бўладилар. Ҳар бир тарихий давр тўғрисидаги тасаввурлари кенгаяди. Қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган инсоният тарихи цивилизациялари ва одамлар ҳаётидаги ривожланишларни ўз кўзлари билан кўриб, хулосалар чиқарадилар. Маърузалардан олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Қай даражада

ўзлаштирганликларини амалий машғулотларда қўллайдилар. Қадимги аждодларимиз ясаган буюмлар, меҳнат қуроллари орқали ибтидоий жамоа тузумини даврлаштириш масаласини мукаммал тушуниш имкониятига эга бўладилар. Ҳар бир даврга хос бўлган манзилгоҳлар эса аждодларимизнинг онги, меҳнат фаолияти нақадар тез ривожланганлигини исботлаб беради. Ўзбек давлатчилиги тарихига оид экспонатлар орқали ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият тарихи ҳақидаги хар бир даврнинг хусусиятларини англаб олиши мумкин. Ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, кўп музейларда ўрнатилган техник воситаларидан унумли фойдаланиш ҳар бир давр тўғрисида тўлиқ маълумотларни бериш имкониятига эга. Тарихий экспонатлар,техник воситалар орқали олинган маълумотлар талабалар тасаввурларини кенгайтиришга имкон берса, дарсга тайёрланиш жараёнида ўқиган китоблар эса уларнинг билимларини чуқурлашувига олиб келади. Натижада уларда ўзларига бўлган ишончни орттиради, мустақил фикрлашга ундайд ва фанга бўлган қизиқишини янада кучайтиради..

Тарихи фанини ўқитиш жараёнида ўтиладиган мавзулар тематикаси бўйича музейларга бориш тавсия этилади. Масалан, тарихимизнинг энг ёрқин даврларидан бири бу “Амир Темур ва темурийлар даври” ҳисобланади. Буюк бобокалонимиз яшаб ўтган давр тарихини ёрқинроқ тасаввур қилиш учун “Темурийлар даври тарихи музейи”га ташриф буюрадилар. Педагогик тажриба шуни кўрсатадики, талабалар буюк тарихий шахсларга нисбатан катта қизиқиш билан қарайдилар. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга интиладилар. Айниқса, буюк Соҳибқирон шахсига муносабат, унинг ҳарбий тактикаси, давлат бошқарув тизими, дипломатик муносабатлари масалалари бўйича маълум тасаввурларга эга бўлган талабалар янада кўпроқ билишга , ўрганишга интиладилар [3].

Совет даври тарихидаги энг фожиали давр сиёсий қатағонлик билан боғлиқ бўлган. Бу даврда кўпгина бегуноҳ Ватан фидоийлари қурбон қилинганлиги тарихдан маълум. Мустабид тузум даврида унга қарши чиққан миллий зиёлилар, халқнинг миллий маданиятини, урф-одатларини, кўп асрлик маънавий меросини сақлаб қолишга интилдилар. Улар марказнинг зўравонлик сиёсатига қарши чиқа олдилар. Лекин марказ бунга йўл қўя олмади.Миллий зиёлиларга қарши қатъий кураш олиб борди. “ 20- йилларнинг иккинчи ярми- 30- йиллар мавжуд тузумга мухолифатда турганларга қарши кенг қатағонлар ўтказиш даври бўлди. Республиканинг ватанпарварлик кайфиятидаги раҳбар ходимларни бирлаштирган “ғайрипартиявий гуруҳлар” бирин-кетин “фош этилди ва бадном қилинди”[3]. Ватанимиз қатағонликнинг уч даврини бошидан кечирди. Мисолимизда ифода этилган қатағонлик даври тарихи ва тавсилотлари билан талабалар “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида танишадилар. Музейдаги расмлар, экспонатлар бу ҳақда тўлиқ маълумот бера олади. Музейда ўрнатилган техник воситалар орқали янада тўлиқ маълумотлар олиш мумин.Олинган маълумотлар ,ўрнатилган расмлар ва экспонатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Баркамол авлодни комил инсон этиб тарбиялашда аждодларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ибрат бўлиши лозим. Уларни хотирлаш ва эъзозлаш, ёдга олиш ёш авлоднинг бурчи эканлигини сингдириб бориш ҳар бир ватанимиз фуқаросининг муқаддас бурчига айланмоғи лозим. [3].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги глобаллашув замонида талабаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларининг самарали воситаларидан бири музейларга мунтазам қатнаб туришини ташкиллаштиришдир. Ёш авлодни музейларга олиб бориш ва бошқа усул ва воситалардан фойдаланиш ёш мутахассисларда ўзига бўлган ишончни тарбиялайди ва мустаҳкамлаб боради. Тарихимизга бўлган ҳурмат, аждодларимиз билан фахрланиш ҳиссини кучайтиради. Президентимиз таъкидлаганларидек”, – “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унутган, миллатнинг келажаги йўқ” [3].

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1.”Сиёсат”рўзномаси. 2011 йил, 11 май.

2.Каримов.И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. -80б.

3.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида .Т.: 2000.-Б., 312, 320,517,660.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МАҲБУБ-УЛ ҚУЛУБ” АСАРИ ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

К.Киличева, Низомий номидаги ТДПУ, “Умумий педагогика” кафедраси п.ф.д.

“… Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк миллатимизнинг гурури, шону-шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод

билан қарамаса... Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларни мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов

Ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиёти, маданиятига буюк ҳисса қўшган, инсоният бахт саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлиги учун ҳаракат қилган алломадир. Аллома “Хамса”, “Лисонут-тайр” (“Қуш тили”), “Маҳбуб-ул қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”), “Мажолисун-нафоис” (“Гўзаллар мажлиси”), “Хазойинул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) ва бошқа бир қанча асарлар муаллифидир.

Ҳозирги кунда янги инновацон педагогик технологияларни илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш долзарб масаладир. Шунга кўра Алишер Навоий педагогик қарашларини инновацион методлар асосида ўрганиш замон талабидир.

Қуйида “Маҳбуб-ул-қулуб” асари асосида блиц-сўров ва топшириқлар берилади:

1. Улуғ мутафаккир А.Навоий ушбу асарини қачон ёзган?
2. Ушбу асар муаллифининг ҳаёти давомида қандай муносабатлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади?
3. Нима мақсадда муаллиф ушбу асарини яратади?
4. Асардан келтирилган матнни шарҳланг: “... болаликдан то қариликка қадар кўҳна даврон воқеаларидан айланувчи осмон ҳодисаларидан фитна қўзғовчи дунё буқаламунлигидан, товламачилигидан замонанинг ранг сингари гуногунлиғидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддудлар билан дайдиб юрдим, ҳар товур ва равишда бўлдим ва турли йўлларга кирдим...”.
5. “Маҳбуб-ул-қулуб” асари неча қисмдан иборат?
6. Асарда меҳнат тарбияси қандай ифодаланади? Мисоллар келтиринг.
7. “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида огоҳ бўлиш, ўз-ўзини англаш қандай ифодаланади? Мисоллар келтиринг.
8. Муаллиф бу асарда ким ҳақида қайғуради?
9. Муаллиф бу асарда қандай фазилатларни мадҳ этади ва қандай иллатларни қоралайди?
10. Асарнинг бош ғояси қандай белгиланади?
11. Асарда қандай ғоялар чуқурроқ ва аниқроқ баён этилади?
12. Муаллиф айрим масалаларни ўз даври фарзанди, мафкураси даражасида қандай талқин қилади?
13. Муаллиф кимларни танқид қилади?
14. Асарнинг биринчи қисми қандай номланади?
15. Қуйидаги келтирилган матнни шарҳланг: “... кишиларнинг ахволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида бўлиб, қирқ фаслдан иборатдир. Асос эътибор билан бу қисмда феодал жамиятидаги турли ижтимоий табақаларнинг ана шу жамиятидаги турли ижтимоий табақаларнинг ана шу жамиятда тутган ўрни ва вазифаси ҳақида, ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўз юритилади”.
16. “А.Навоий гуманист ижодкор сифатида ўз замонасининг “Жафоу дунлик”ларига, тўла эканлигини кўра олди...” фикрини изоҳлаб беринг.
17. Қуйидаги ғазалда ҳалқига, ватанига муносабат қандай баён этилган?

“Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам”.

18. Муаллиф феодал ҳукумдорлар ҳаётини қандай тасвирлайди?
19. Қуйидаги матинни шарҳланг: “... мамлакат нотинчлиги унинг юрагига ором бағишлайди, ҳалқнинг бесару сомонлиги эса хотиржамлик келтиради. Обод жойлар унинг зулмидан вайрон кабутар уялари бойқушларга ошиён ... Ноҳақ қон тўкишлик унга ҳунар, кимки жони бор, ундан қўрқар...”.
20. Муаллиф ўзи яшаб ўтган ижтимоий тузумнинг иллатларига қандай таъриф беради?
21. Аллома мамлакат осойишталиги, халқ фаровонлиги инсоният огоҳлиги ғояларини тарғиб қилиш, уни асраш йўл-йўриқлари қайси фаслда ифодаланган?
22. Аллома қайси ғояларни қоралайди?
23. Қуйидаги матнни шарҳланг: “... Ҳарбий юришдаги қора черик – яъжуж ва маъжуж деб аталган махлуқ гуруҳига шерик ... ишлари талаш мумкин бўлганни таламоқ, ёт юртларни чигирткадек босиб, гиёҳ ва япроқларгача яламоқ ... барчаси ақл-идрок ва инсоф каби фазилатлардан бегона одамгарчиликлари йўқликда махкумлардан ҳам ўтадилар, ҳайвонга хос қилиқлари кўпу одамийликлари оз”. Шундай қилиб, феодал тузумининг бош таянчи ва муҳофаза кучида ўша даврда энг характерли воқеалардан бўлган ғоратчилик сиёсатини Навоий қаттиқ қоралайди”.
24. Асарда касб эгаллаш, хунар эгаллаш ғоялари қандай баён этилган?
25. Ўрта аср феодал тузуми шароитида кимлар асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган?

Алишер Навоий мероси миллий умуинсоний қадриятларининг асосий манбаси саналади. Уни замон нуқтаи назаридан ўрганиш, педагогик инновацион технологиялар асосида талқин қилиш, кам вақт сарфлаб кўп сифат даражасига эришиш ўқитувчи ва ўрганувчи учун мақбулдир. Асар ёшларни маънавий камолотидан етукликка элтади, мустақил фикрлаш, устоз-шогирд намуна мактаби бўлиб хисобланади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида ҳизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 117-141.
2. Атаева М., Хасанов С. ва бошқ. Умумий педагогика. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – Б. 119-128.
3. Зуннунов А. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 137-141.

YOSH BUXOROLIKLARNING MUSTAQILLIK UCHUN KURASHI

S.A.Djumayeva, TDPU tadqiqotchisi,
I.U.Jo‘rayev, TDPU talabasi

This article presents issues related to the struggle of young Bukhara to freedom. Listed are the names of activists. It is said about the role of Russia in this process.

Key words: independence, freedom, young Bukhara struggle.

Ma’lumki, Buxoro chor Rossiyasing bosqinidan so‘ng amirlikdagi yosh buxoroliklar xatti-harakatlari bir muncha kuchayib turli g‘alayonlar, namoyishlarni keltirib chiqarishiga sababchi bo‘ldi. XX asirning boshlarida Buxoro amirligida aynan Amir Said Olimxon davrida qo‘zg‘olonlar kuchayib ketishi amirlikni isloh etish holatlari ko‘p kuzatila boshladi. Yosh buxoroliklar amirlikda norozilik kayfiyatini barham topishi uchun markazga yani chor Rossiyasiga telegramma jo‘natib amirlikda monarhiya tuzumini isloh etishlarini so‘rab chiqdila bu orada fevral voqealarining bo‘lib o‘tishi yosh buxoroliklarni islohotchilik harakatini yanada umidlantirdi. Fitrat, Ubaydulla Xo‘jayev boshchiligidagi yosh buxoroliklar Peterburgga yo‘l oldilar, natijada markazdan vakillar kelayotganlaridan so‘ng ortlariga qaytishga majbur bo‘ladilar.

Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, chor Rossiyasidagi bir guruh vakillar amirlikda islohot o‘tkazish kerak degan g‘oyani bildirishdi. A.F.Kremiskiy boshchiligidagi vakillar amirlikni to‘laqonlik bosib olish kerak degan fikrga kelishgan edi. Bundan ko‘rinib turibdiki, chor Rossiyasining vassaliga aylangan Buhoro amirligining taqdiri chor Rossiyasining muamosiga aylangan edi. Ularning har qanday millat o‘z taqdirini va erkinligini o‘zi belgilash bilan bog‘liq vadalariga qattiq ishongan jadidlar, amirlikda islohotlar o‘tkazishga madatkor sifatida yangi hokimyatga umid qilardilar. Biroq yangi hokimiyatdan hech bir aytarli yordam bolmagach, ma’lum bo‘ldiki bu hokimiyat ham chor rossiyasi kabi amirlikni saqlab qolishdan manfaatdor ekanligi ayon bo‘ladi.

Rossiyada sodir bo‘lgan oktyabr to‘ntarilishi, amirlikdagi yosh buhoroliklarni bir muncha ruhlantirdi. Shu sabab, ular bolsheviklarga xayrixoh bo‘lganlarini ko‘rish mumkin. Ular bilan hukumromlik qilish yo‘lini tutdilar. Ayrim manbalarda yozilishicha, jumladan, Q.Rajabovning “Buhoroga qizil armiya bosqini va unga qarshi kurash” nomli risolasida qayt etilishicha yosh buhoroliklardan bo‘lgan Fayzulla Ho‘jayev va uning tarafdorlari amirlikda namoyishllar o‘tkazish, halqni oyoqqa turg‘azish orqali amrni tahtdan ag‘darish zarur degan g‘oyani ilgari sursa, Abduqodir Burhonov, Ibrohim Sayfiyev boshchiligidagi buhoroliklar namoyish o‘tkazish va mutaasib ulomolarning g‘azabini qo‘zg‘ash va ularni amr atrofiga yanada jipslashuvga olib keladi, natijada o‘rtada vaziyat yanada taranglashishiga olib kelishi mumkin degan fikrga kelishgan edi. Undan ko‘ra tashkilotni mustahkamlash zarur degan fikrni bildirishgan. Biroq Fayzulla Ho‘jayev boshchilik tarafdorlar o‘zlarining olg‘a surgan g‘oyalaridan vos kechmaganlar, ularni, xalqni oyoqqa turg‘azish va amrni taxtdan ag‘darish g‘oyalari amalga oshmadi.

Madrasalarda tahsil olayotgan talabalar, ruhoniylar namoyishchilarga qarshi tashlanganliklarini, ushbu hodisalar qonli to‘qnashuvlarga olib kelganligi tarixiy manbalarda ko‘rish mumkin. Namoyish qonga botirilishi, ayrimlari zindonga, amir quvg‘ini va jazosidan qochgan yosh buhoroliklar, Samarqand, Toshkent viloyatlaridan panoh topganlar. Amirlikda faqat bolsheviklar o‘zgarish yasashlari mumkin, shuning uchun ularga suyanish kerak degan qarashga ega edilar. Aynan shuni kutib turgan bolsheviklar yordam qo‘lini cho‘zdilar. 1920-yilning 29-avgustida M.V.Frunze boshchiligidagi 70 mingdan ortiq qo‘shin bilan Buhoroga bostirub kirdilar. 1920-yilning sentyabr oylarigacha davom etgan Fayzulla Ho‘jayev, bolsheviklar katta turk fro‘nti bilan Buhoro amirligiga qarshi kurashi g‘alaba bilan yakunlandi, natijada amirlik to‘la qonli bo‘ysintirildi. A.Nabiyevning “Parchalangan Turkiston tarixi” asarida urush to‘rt kecha-yu to‘rt kunduz bo‘lib o‘tganligi, sovet qo‘shinlari, Buhoroga 10 minglik askar, 46 ta og‘ir to‘p, 229 tadan ortiq pulemyot, bir nechta broneaftomobil, po‘yezd va samalyo‘tlar yordamida bosib olganligi qayd etilgan. Buhoro amirligi tarixi bo‘yicha mustaqilikka erishganimizdan so‘ng turli asarlar tadqiqotlar natijasida yuzaga kela boshladi. Q.Rajabovning yozishcha, Buhoroda qattiq urush bo‘lganligi, oqibatda vahshiylarcha vayron etilgan Buhoroning 2 yarim ming yillik tarixiy yodgorliklari yonib kulga aylanganligini, minglab buhoroliklar

shaharni mudofa qilish uchun o‘zlarini jonlarini fido qilganliklari, katta qo‘shinga bas kela olmasligini anglagan Said Olimxon tahtni tashlab qochishga majbur bo‘lganligi izlanishlar asnosida namoyon bo‘lgan. Buxoro tuprog‘i bolsheviklar tomonidan o‘qqa tutilishi bilan birga, turli talon-tarojlik o‘g‘irliklar sodir etilganligi, hammasi bo‘lib, Buhorodan 2 eshalo‘nda har biri 14 tadan vago‘ndan iborat ekanligi, ularda qimmat baho oltin va buyumlar olib ketilgan. Bu boyliklar o‘sha davr puliga solishtirilganda, 77 mln so‘mni tashkil etganligi, ushbu qiymat hozirgi davr bilan taqqoslanadigan bo‘lsa, 80 mlrd do‘llirga borib yetishi, arxivdagi ayrim manbalardan aniqlangan. Hamma mulk xalqniki deb ta’kidlagan yuqoridagi rahbarlardan biri M.V.Frunze otasidan qolgan mulkdan quruq qolayotgandek, amrga tegishli bo‘lgan to‘pponcha, oltin, gavhar va tilla bilan bezalgan qilich kabi qimmat baho buyumlarni olib ketganligi aniqlangan.

F.Ho‘jayev, U.Ho‘jayev boshchilik qilgan yosh Buhoroliklar hatti-harakatlari, bolsheviklar tomonidan Buhoro xalq jumhuriyatining tuzilishi bilan yakunlandi. Amrlikni tashlab, bolsheviklarga qarshi kurashishga otlangan S.Olimhon, o‘zlarin milliy istiqlolchilik harakatchilari deb e’lon qilishdi.

Natijada bolsheviklar va yosh buhoroliklarga qarshi, uzoq vaqt qizil armiyaga qarshi urushlar kelib chiqishi kuzatildi. Endi Buxoro xalq jumhuriyati deb yuritilayotgan hokimyat ham tepa poya qilinishi, amirlikga bolsheviklarning bosqinchilik harakatlari, bolsheviklarcha o‘tkazilayotgan islohotlar, xalq orasida milliy ozodlik harakatlarining kuchayib ketishiga olib keldi. Buhoro istilochilik harakati tarixida amir S.Olimxon shaxsi, uning bu yerda kechgan murakkab tarixiy voqealar jarayonida, tutgan yo‘li olib borgan harbiy harakatlari, muhum ahamiyatga ega. S.Olimxon davrida ilm fanga e‘tiborsizlik oqibatida, jaholat va hurofot kuchayib iqtisodiy rivojlanish pasayib ketgan. Amir o‘z hokimyatini, zo‘rlik va bo‘ysuntirish bilan saqlab turgan. Mamlakatda tobora kuchayib borayotgan xalq noroziligi, bu yerda yangi bir davr sadosi sifatida maydonga keldi. Bu haqida boshqird yozuvchisi Z.V.To‘g‘onning “Xotiralar”, Fitratning “Amir Olimxon hukumronlik davri” nomli asarlaridan anglab olish mumkin. A.S.Olimxon hukumronligi davrida, xalq bir yillik xiroj solig‘idan ozod etadi, madrasa va ibodatxonalar barpo etadi, Buhoro yaqinidagi Baloi Hafz degan joyda o‘z nomida masjid qurdiradi. Amirning shaxsi ba’zi manbalarda, jumladan, sovetlar nazmida qochoq, qo‘rqoq hukumdor sifatida gavdalansa, biroq uning “Buxoro xalqining hasrati tarixi” asarini o‘qigan kishida amir S.Olimxonga nisbatan ijobiy xulosalarga keladi. Ushbu asar orqali amirning bolsheviklar bilan o‘zaro shartnomalar imzolaganligini, qolaversa, amirlikka nisbatan daslab markazdagilar noxolis munosabatda bo‘lishlari, amirning faoliyati, ko‘proq obodonchilik ishlariga qaratilganligi sababli, qurol-yaroq, askarlarga unchalik ehtiyoj sezmaganligini asarni o‘qib chiqish asnosida ravshanroq fikrga kelish mumkin. Inson borki xato va kamchiliklardan xoli emas, butun boshli davlatni boshqarib turgan, minglab odamlarning taqdiri va kelajagi uchun mas’ul bo‘lgan davlat rahbari xato qilsa barcha og‘irlik o‘sha mamlakat xalqining gardaniga tushadi. Amirning muhojirlikda yurgan davrida ham bolsheviklardan Buxoroni tozalash, o‘z hokimyatini qayta o‘rnatish uchun harakatlarini davom ettirganligini asar orqali anlash mumkin. A.S.Olimxonga ishonchli vakillaridan, M.Ibrohim, D.Komiliy, A.Poshsho, Yu.Muqumboyev, B.Boyvachcha, T.S.Egamberdi, E.Sulton, M.Abduqahhor kabi qo‘rboshilar yaqindan yordam berganliklari qayd etilgan.

Buhoroda olib borilgan istiqlolchilik harakati xalqimiz tarixining alohida sahifasini tashkil etadi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Ushbu sahifa orqali xalqimiz qadr-qimmati shanini himoya qilgan shaxslar nomlari zikr etilgan. Bu millat fidoiylarining bolshevik bosqinchilarga qarshi olib borgan kurashi, vatanimiz tarixining alohida sahifasini tashkil etadi. Har bir xalqning tarixi uning qahramonlari tarixi bilan boydir, ularning faoliyatini o‘rganish bugingi kunning dolzarb mavzularidan biridir.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Избуллаева Гулчеҳра Валериевна, Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси

***Abstract**: The article gives information about education sources of learning personality and scientific heritage of Jaloliddin Rumiy (1207-1273), his philosophical views and role in the process of upbringing, the problem of spiritual upbringing of the person. His views on spiritual and moral upbringing in the system of continuous education the forms, methods and the means of this process are presented in the article. The impact of Rumi’s views on the quality index of the sphere of education and upbringing in Higher Education is well grounded.*

***Key words**: perfect person, moral upbringing, spirituality, labour, word, will, inner world*

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий таълимоти асрлар давомида дунё аҳлини ҳайратлантириб келмоқда. Унинг маънавий меъроси айнан бир даврга тегишли эмас, чунки унинг қарашлари догматик (қотиб қолган, ақида) мазмун акс этмайди.

Ахборот оқимининг шиддатли таъсири натижасида оммавий маданиятнинг кўринишлари, маънавиятга таҳдид ва ахлоқни бузадиган баъзи нолойиқ хатти-ҳаракатлар замирида таълимнинг тарбиядан ўзиб кетганлигини кузатса бўлади. Тарбия жараёнини ташкил қилиш *мақсад-ҳаракат-натижа* уйғунлигида амалга ошириш, тарбия тамойилларининг замон талабларига мос келиши муҳим масалалардан биридир.

Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан олий таълимда фойдаланишнинг педагогик моҳияти маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини сифат жиҳатидан бойитишда катта аҳамият касб этади. Чунки, алломанинг чуқур маънавий мантиққа эга қарашларида шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонларини кузатишимиз мумкин. Шоир ўзининг биргина "Хом эдим, пишдим, ёндим" фикри орқали ўзига хос фалсафий-ирфоний таълимотни яратишга эришди ва ҳаёти давомида айни шу таълимот замирида шахснинг **шаклланиши, ривожланиши** ва **камолоти**ни тадқиқ қилиб ўтади. Алломанинг фикрича, ҳар бир туғилган гўдак сирли мавжудод сифатида шахс бўлиб шаклланади. Инсон камолоти унинг шахс сифатидаги хусусиятларининг такомиллашуви ҳосилидир.

Румий ўзининг таълимотида инсонни ёмон оқибатлардан тарбиялаш ва даволаш мумкинлигини таъкидлаб, инсонни даволовчи (тарбияловчи) табибларни икки тоифа **тан табиби** ва **қалб табиби** [3;489] кўринишида ифодалайди. Инсон тан тарбияси, яъни жисмоний тарбия орқали физиологик характердаги ўзгаришлар жараёнида жисмоний баркамолликка эришса, руҳ тарбияси орқали эса, диққат, хотира, тафаккур, сўз ва нутқнинг уйғунлиги, комиллик даражасига етади. Шоир руҳни тарбиялашда **"сўз"** ва **"амал"**ни танга малҳам бўлгувчи сув каби сингдирмоқ кераклигини айтиб ўтади. Қуйида аломанинг педагогик қарашларидан фойдаланган ҳолда таълим ва тарбия методлари таснифи келтирилади.

1 - жадвал: Таълим методлари таснифи

№	Методлар	Таснифи
1.	Амалий метод	Куйлаш ва соз чалиш орқали амалий машқ бажариш.
2.	Оғзаки метод	Нарса ва ҳодисалрни ҳикоя қилиб бериш, жумбоқ ташлаш (муаммоли вазият яратиш) орқали тингловчилари билан мулоқотни ташкил этиш, сўз ва суҳбат орқали шогирдларига педагогик таъсир этиш.

2 - жадвал: Тарбия методлари таснифи

№	Методлар	Таснифи
1.	Ибрат, намуна кўрсатиш	Зиддини мисол келтириб, моҳиятини очиб бериш, маслаҳат бериш, узр сўраш, ўрнак кўрсатиш, ибрат олиш.
2.	Ҳикоя, суҳбат	Моҳиятини тушунтириш, ўргатиш-одатлантириш, машқ қилдириш.
3.	Рағбатлантириш	Тақдирлаш, таърифлаш.
4.	Жазолаш	Танбеҳ, сукут.
5.	Талаб	Сўраш, тинглаш, таққослаш, хулосалаш, бирлаштириш, ажратиш.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш муҳимки, Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари биз учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки, у инсон тан ва руҳ уйғунлигида шаклланиши, ривожланиши ва камол топиши муҳимлигини изоҳлаб инсонни улуғлайди ва уни юксак мақомга кўтариб маънавий тараққиёти учун муносиб замин яратади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2011. – 176 б.
2. Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. "Маснавий"га муқаддима. – Теҳрон, 2001. – 88 б.
3. Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. /Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: "MERIYUS" XHMK, 2010. – 846 б.
4. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.
5. Фиш Радий. Жалолиддин Румий: Тарихий биографик роман. – Т. 1986. – 272 б.

STURM UND DRANG ALS EINE STRÖMUNG DER DEUTSCHEN LITERATUR

A.A. Jumayev BuxDU, S.Amonova BuxDU 1- kurs talabasi

Als Sturm und Drang wird eine Epoche aus der Literatur bezeichnet, die von 1767 bis 1784, parallel zum Beginn der Aufklärung verlief. Begonnen hat diese Zeit mit der Herausgabe von Herders „Fragmenten" (1767) und als Ende wird entweder Schillers Werk „Kabale und Liebe" (1784) oder Goethes fluchtartige Abreise nach Italien (1786) bezeichnet.[1]

Eine Gruppe von 20- bis 30 jährigen Literaten schockierte die Öffentlichkeit mit Texten, die die Verletzung der Geschmacks- und Moralvorstellung bedeuteten. Diese rein deutsche Epoche hatte ihre Mittelpunkte in Straßburg, wo Goethe mit seinen Freunden lebte und in Göttingen, wo es den Bund des Göttinger Hains gab.

[1] Georg Bertram. Philosophie des Sturm und Drang. München, 2000. S.36.

Der Name der Epoche stammt von dem gleichnamigen Drama von Friedrich Maximilian Klinger (1775). Sein Drama hieß ursprünglich „Wirrwarr“, bevor es auf Anregung des damals im großen Ansehen stehenden „Genieapostels“ (Mensch mit überragender Geisteskraft), Christoph Kaufmann, in „Sturm und Drang“ umbenannt wurde.

Die Epoche wird auch Geniezeit oder zeitgenössische Genieperiode genannt. In dieser Epoche versuchten die Stürmer und Dränger (Autoren) ihre Ideen und Ideale auszuleben. Die Stürmer und Dränger erhielten besonders durch Shakespeare starke Impulse und somit wurde er immer mehr zum Vorbild als genialer Dichter.

In einer Sturm und Drang Dichtung werden vor allem Missstände des Despotismus (Gewaltherrscher; herrischer Mensch) in den kleineren und mittleren Fürstentümern des Südwestens angeprangert. Dazu gehören zum Beispiel schwere Bedrückung der Untertanen durch Steuern und Soldatenhandel.

Jedoch wuchs auch das bürgerliche Ehrgefühl und die Kultur wurde gefördert. Das Lebensgefühl wandelte sich mit der Einführung der Sturm und Drang Dichtung, denn immer mehr junge Autoren vereinten sie miteinander.

Mit dem Sturm und Drang wurde der Wert des Gefühls des Triebes und der Spontanität höher eingestuft als Verstand und Vernunft die Grenze gesellschaftlicher Erkenntnis gesprengt das Volk von Problemen erlöst Protest- und zugleich Jugendbewegung ausgerufen eine volkstümliche Literatur geschaffen

Die Hauptform der Dichtung des Sturm und Drang stellt das **Drama** dar. Bei dieser Epoche nahm man kein Blatt vor den Mund und brachte die Sprache des Volkes und der Jugend auf die Bühnen. Die Sturm und Drang Dichtung enthält ungebändigte und doch gefühls- und ausdrucksstarke Sprache und ist voller Ausrufe. Man schrieb oft in Prosa (sprachliche Darstellungs- und Mitteilungsform). Er drückt die stürmische und drängige Art der jungen Generation aus.

Der Epoche des Sturm und Drang geht die Epoche der Aufklärung voran, die durch eine Jugendbewegung aus gelöst wurde. Die Ideale und Ziele der Aufklärung wurden verworfen. Durch ein Werk Gotthold Ephraim Lessings ausgelöst, wurde die Vernunftideologie in der Epoche des Sturm und Drang durch einen Gefühlsüberschwang und Fantasie ersetzt. Eine gewisse Jugendlichkeit, die in dieser Epoche mitschwang, ging durch die deutsche Literatur und wurde von einem hohen Idealismus gekennzeichnet. Gefühle und die Freiheit und Triebe standen im Vordergrund, anders als in der Epoche der Aufklärung, in der die Vernunft vorherrschte.

Ein neues, innig umfassendes und sich einfühlendes Verhältnis zur Natur vereint sich mit der tragischen Grundauffassung vom Genie. Das Gefühl, das eigene Ich, wird Gegenstand der literarischen Betrachtung.

In der zweiten Hälfte des 18. Jahrhunderts wurde das philosophische und literarische Leben im deutschen Sprachraum weitestgehend von der Aufklärung bestimmt. Der Verstand war die bestimmende Größe der Zeit, durch dessen freien Einsatz, wie Kant 1784 formulierte, der „Ausgang des Menschen aus seiner selbst verschuldeten Unmündigkeit“ erreicht werden soll. Literatur sollte den Leser moralisch bilden, ihn erhellen und seine Vernunft wecken.

Die von der Aufklärung angestrebte Freiheit begünstigte Literaturformen, die der vernünftig argumentierenden und gebändigten Sprache verpflichtet waren. Die Forderung nach einer „regelmäßigen“ Dichtkunst wurde von Theoretikern wie Gottsched auch während der Aufklärung mit Nachdruck vorgebracht. Die Einheit von Ort, Zeit und Handlung, eine gehobene Sprache und die Trennung der Besetzung von Tragödie und Komödie mit Adel und Bürgertum waren Postulate, die man in zahlreichen Dichterakademien die angehenden Literaten lehrte.

Doch bereits in Friedrich Gottlieb Klopstocks Oden von 1750 zeigte sich, dass dieses Reglement zu eng gefasst war. Mit dieser Demonstration gegen die rein verstandesmäßige Haltung der Aufklärung war der Grundstein für die Überwindung der Vernunftherrschaft und eine Entfesselung des Gefühlsüberschwangs, der Fantasie und der Gemütskräfte als neuer dichterischer Grundhaltung gelegt.[1]

Diese erneuernde Bewegung, die wie ein Ruck durch die deutschsprachige Literatur ging, war in ihrem bürgerlich-jugendlichen Charakter von einem hohen Idealismus gekennzeichnet: Fülle des Herzens und Freiheit des Gefühls, Ahnung und Trieb, emotio statt ratio. Das Aufbegehren der Jugend hatte nun sein literarisches Äquivalent gefunden, eine neue Generation deutschsprachiger Schriftsteller fand in den Thesen Johann Gottfried Herders den Widerhall ihrer Erfahrungen und Gefühlswelt.

Herder, der zu einem Wegbereiter des Sturm und Drang wurde, kritisierte die Arroganz der Aufklärung gegenüber dem einfachen Volk und forderte dazu auf, auch die „Ächtheit“ und Tiefe von Volkslied und -dichtung als Kunst anzuerkennen. Auch Heinrich Wilhelm von Gerstenbergs Ugolino (1768) kann man in die Frühphase des Sturm und Drang einordnen.

[1] Metzler J. B. Deutsche Literaturgeschichte. Berlin.1981. S.69.

Im Mittelpunkt neuer ästhetischer Betrachtungen steht nun das Genie, nicht mehr die Regelpoetik. Die Zeit des Sturm und Drang wird auch als Geniezeit bezeichnet, die viele Genies hervorbrachte, und in welcher der Dichter gegenüber anderen Menschen herausgehoben wurde. Starke Impulse erhielten die Genies durch Shakespeare. Er avancierte bei den Stürmern und Drängern zum Vorbild als genialer Dichter.

Ein Entstehungsgrund für den Geniekult war auch der hinzugekommene starke Konkurrenzdruck auf dem literarischen Markt. Die neue Literatur ist einerseits durch Genialität, andererseits durch Subjektivität geprägt worden. Der Sturm und Drang darf nicht als Kampf gegen die Aufklärer gesehen werden. Mit dem Sturm und Drang trat die Aufklärung in eine neue Phase ein. Die aufklärerische Rationalität wurde durch die Gefühlsregungen der Stürmer und Dränger erweitert. Verstand und Gefühl bildeten nun eine Einheit.

Die bevorzugte literarische Form der Stürmer und Dränger war das Drama, ihm wurde eine erzieherische und bildende Rolle zugeschrieben. Mit Werken wie Die Räuber (1781) und Kabale und Liebe (1784) von Schiller und dem Götz von Berlichingen (1773) von Goethe wurde das deutsche Theater mit dem französischen und englischem Theater ebenbürtig.

Die Behandlung aktueller Gesellschaftsprobleme ist eine Neuerung des Dramas des Sturm und Drang gegenüber anderen Epochen. Eines haben die Dramen des Sturm und Drang alle gemeinsam: Am Ende scheitert der Held an den gesellschaftlichen Verhältnissen und kann seine Identität nur durch Mord, Freitod oder Selbstverstümmelung bewahren.

Wichtige Themen der Dramen im Sturm und Drang waren Freiheitskampf gegen die Gesellschaft (z. B. Schiller: Kabale und Liebe, Die Räuber; Goethe: Götz von Berlichingen; Klinger: Die Zwillinge) und gesellschaftliche Geschlechterauffassungen (z. B. Lenz: Die Soldaten).

Der bürgerliche Roman hatte vor der Epoche des Sturm und Drang das gleiche Problem wie das bürgerliche Drama. Beide standen sie noch in ihren Kinderschuhen. Erst mit Goethes Briefroman Die Leiden des jungen Werthers (1774) erschien der erste bürgerliche Roman. Die Form des Briefromans ist eine Möglichkeit, das Gefühlsleben durch unkonventionelle Sprache zu artikulieren. Werther ist ein junger, bürgerlicher Intellektueller, der am Eingliederungsversuch eines bürgerlichen Individuums in die feudale Ordnung (Ständegesellschaft) scheitert und darauf Selbstmord begeht. Werther war ein Außenseiter der Gesellschaft und nicht angepasst und integriert wie Albert. Werther behauptete für sich das Recht auf Selbstbestimmung, Selbstfindung und Selbstverwirklichung. Dies war jedoch nicht bei der Arbeit möglich, da er sich als Sekretär auch unterordnen muss. Einzig die Liebe bot ihm einen Ausweg aus der Subordination (Unterordnung), weil sie eine Gleichstellung zwischen zwei Liebenden ermöglichen kann.

Die Lyrik des Sturm und Drang war bestimmt von Liebes-, Natur- und lehrhaften Gedichten. Die Empfindungslyrik spielte eine wesentliche Rolle, da auch sie, wie der Briefroman, das Gefühlsleben zum Ausdruck bringen konnte.

MUSIQA TA'LIMIDA O'QITUVCHI VA O'QUVCHI HAMKORLIGI

Ro'ziyev D.Y., dotsent, Kogon MT va XK KHK

Musiqa ta'limida o'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro hamkorlikdagi faoliyati ta'lim sub'ektining birgalikda muloqotga bo'lgan musiqiy ehtiyojlarini qondirish vositasi bo'lishi bilan bir qatorda musiqiy o'qub materialini har tomonlama muvoffaqiyatli o'zlashtirib olish vositasiga aylanib olishi ham mumkin. Sinf o'quvchilarining musiqiy ta'lim olishiga ixlos qo'yishi, o'quv materialini ijobiy o'alashtirib borishi, kuy va qo'shiqlarga nisbatan qiziqishi ortib borishi o'qituvchining manashu hamkorlikni yarata bilish mahorati, qobiliyati gabog'liq.

Musiqa o'quv materialini bunday hamkorlikda o'rganish o'qituchi va o'quvchilarning o'zaro muloqotining o'ziga xos shakli hisoblanib. Bunday hamkorlikda o'quvchi o'zini musiqiy ta'lim ob'ekti deb emas, balki musiqa savodxonligi yoki musiqiy ijrochilik bo'yicha mustaqil va erkin harakat qiluvchi, faoliyat mazmun-mohiyati bo'yicha ijobiy natijalar ko'rsata oladigan shaxs bo'lishi mumkin.

O'quvchilarning musiqaga ixlos qo'yishi, musiqiy ta'limgat egishli o'quv materiallarini o'zlashtirib borishi, musiqiy ijroga nisbatan qiziqish bilan yondashishi o'qituvchining o'zaro hamkorlikda amalga oshiriladigan musiqiy o'quv materiallarining mazmun-mohiyatini puxta, har tomonlama qiziqarli, musiqiy-badiiy voqeliklarga boy, qo'shiqlarni chiroyli ovozda kuylab berishi, musiqa asbobida mohirona ijro qilish mahoratiga bog'liqdir. Musiqiy o'quv materialini o'quvchilar ongiga singdirishga yo'naltirilga o'quv faoliyatidagi muhit, shatr-sharoitni har tomonlama to'g'ri yarata bilish va pedagogic texnoligiyalariga ko'ra mazmunli uyushtirilishi o'quvchilarning musiqa faniga bo'lgan qiziqishini oshirib borishi bilan bir qatorda ehtiyojlarini ham qondirishga da'vat etadi. Bunday holathar har-bir o'quvchining musiqani o'rganishga bo'lagan kuch va g'ayratini oshiradi. Musiqa o'qituvchisi o'rganilayotgan o'quv materialiga oid biror-bir ma'lumotni aniqlash, izohlash paytida o'quvchilarga yordam so'raganday murojaat qilishi hamhorlik faoliyatini yanada chuqurlashtib boradi va o'quvchilarda qandaydir ishonchni, dadil hamda erkinj avob berishga undaydi. Musiqa fanini o'qitish jarayonida o'quvchilarni musiqani har tomonlama o'rganuvchi va nafosat tarbiyasini olishga aylantirish bilan cheklanib qolish emas, balki ularni aqlan, axloqan, jismonan

rivojlangan, ma’naviy jihatdan barkamol insonlar qilib tarbiyalash ham muhimdir. Zero, o’quvchi musiqiy faoliyatlar jarayonida va musiqa bilan bevosita aloqada bo’lib tarbiyaviy tadbirlar vositasida bilim va tarbiya oluvchi shaxsga aylanadi.

Ma’lumki, o’qituvchi bilan o’quvchilarning hamkorligi o’qituvchining o’quvchilarga ko’rsatayotgan yordamidan bochlanadi. Bunday faoliyat musiqa fanini o’qitishda ham o’qituvchi tomonidan qo’llaniladi, albatta. O’qituvchining o’quvchilarga ko’rsatayotgan yordami asta-sekin faollashib, mazmun jihatdan xilma-xil bo’lib boradi va o’quv materialini qunt bilan o’rganib orish harakatiga aylanadi, hatijada o’qituvchi bilan o’quvchilarning musiqa sohasidagi munosobat hamkorligini o’stirib boradi.

Musiqani o’qib-organishda ijodkorlikning ahamiati, y’ani musiqa asarlarini diqqat bilan tinglash, tahlil qilish, qo’shiqlarni jozibali kuylashda ijodiy yondasha olish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu jihatdan qaraganda musiqiy ijodkorlik va hamkorlik bir-birini to’ldirib, mustahkamlab boradi. Musiqaga ijodiy yondashish asosida o’qituvchi va o’quvchi hamkorligi vujudga keladi va buhamkorlikda musiqa asarlarini ifodali ijro etish, ularning musiqiy-badiiy tuzulmalarini o’rganishda ijodkorlik o’z ifodasini topadi. Bu jarayonga ko’pchilik boshqacha qarab pedagogic ijodkorlikni o’zigaxos yangilik, tajribalar o’tkazish va shu asosda yuzaga chiqariladigan faoliyat deb tushunadilar. Bizningcha, musiqa sohasidagi ijodkorlikning asosiysi kompozirot yaratib bergankuy-qo’shiqlar bo’lsa, uni o’rganish, ijro etishga to’g’riy ondashib kompozitorning musiqa asarida ifoda etgan musiqiy-badiiy obrazlarni ifodalab berish ijodkorlikning o’zigaxos davomiyligi hisoblanadi. Shu nuqtanazardan ham musiqa o’qituvchisining dars jarayonida o’quvchilarning mustaqil fikrlash faoliyatiga, musiqa asarlarini diqqat bilan tiglash, chiroyli ovozda kulash faoliyatiga mustaqil yondasha olishlariga o’zining ijodiy hamkorligini ko’rsatishi kerak.

O’quvchilarning musiqa asarlari ijrosi yoki musiqa nazariyasiga oid o’quv materiallarini o’zlashtirib borishida ijodiy fikrlash muhim ahamiyat kasb etadi. Shunga ko’ra musiqiy faoliyatlarning harbiriga tegishli talablar, qoidalarga rioya qilgan holda faoliyat yuritish kerak. O’quvchilar o’z bilim va musiqiy mahoratiga tayanib tushunchasini bayon etadi va mahoratini amalga oshiradi. Bunday holatda o’quvchida musiqaning noma’lum qirralari, tushunib ololmagan materiallar, ayniqsa qo’shiq ijrochiligi bilab bog’liq qoidalar bo’yicha o’qituvchi bilan faol hamkorlik qilishi uchun o’zigaxos ruhiy holat, his-tuyg’u, tayorgarlik paydo bo’ladi. U musiqani nazariy ifodalab, tushuntirib berish, qo’shiqlarni jozibali ijro etish bo’yicha berilgan savollarga tegishli javob qaytarish uchun mustaqil ijodiy izlanishga harakat qiladi.

O’qituvchi bunday hamkorlik jarayonida o’quvchilarning hazariy bilim va amaliy ijro mahoratlarini o’stirish bilan birga tashxiz qo’yishga oid vazifalarni ham bajarish imkoniga ega bo’ladi. Ya’ni, o’quvchilarning musiqiy savodxonligi, ijro darajasi, musiqa faniga bo’lgan qiziqish doirasini aniqlaydi va shu orqali ijodiy iqtidorni aniqlab boradi. Bu musiqaga nisbatan ijodiy yondashishda juda muhim hisoblanadi.

Musiqa darslari jarayonida o’qituvchi va o’quvchilarning o’zaro muloqoti, musiqa sohasida fikr-mulohazalarning keng qamrovli bo’lishi ta’lim samaradorligini oshirishga da’vat etadi. O’quvchilar bilan olib borilgan muloqatda ularning musiqa sohasidagi qiziqishini muayan maqsadga yo’naltirish va bildirgan fikr-mulohazalarini inobatga olishkerak. O’qituvchi o’quvchilarning musiqa tinglatishi, qo’shiqlarni kuylashi, musiqiy-ritmik harakatlarni bajarishiga oid muloqot uyritishi davomida faqat bir o’zi gapirib, tushuntiriv, amaliy ijro qilib berishi emas, balki o’quvchilar fikrini ham eshitishi, ularning mahoratlarini ham ko’rib turishi lozim. O’qituvchining savollari shunday berilishi kerakki, ular o’quvchini o’ylab, fikrlab gapirishi, amaliyi jroni chiroyli, yoqimli bajarib berishga undasin.

Tajribalar shuni ko’rsatadiki, ayrim musiqa oqituvchilari o’quv materialini bayon etishda, ayniqsa qo’shiqi jrochiligi, cholg’u asboblari ijrosiga jo’r bo’ish, musiqa asari ritmiga mos harakatlarni bajarish jarayonida o’quvchi tushunishi qiyin bo’lgan murakkab va notanish atamalar, ritmik harakatlardan foydalanadi. Bunday holatlarda o’quvchilar o’qituvchif ikrini, qanday ishni amalga oshirishini tushunmaydilar. Natijada faoliyatga nisbatat sust yondashib asosiy maqsadga erisha olmaydilar. Shuning uchun ham ta’limda bunday o’qituvchining o’quv materialini o’quvchilarga etkazishning usul va texnologiyasini topolmagan deb qaraladi. Zero, musiqiy o’quv materiallari asosida o’qituvchi va o’quvchilarning muloqotga kirib faoliyat yuritishi sinfdagi barcha o’quchining darsga faol ishtirok etishga da’vat etadi.

O’quvchi musiqa o’quv materiallari bo’qicha berilgan harbir topshiriqni o’z vaqtida bajarib borishga odatlansa, hamkorlik ham oson kechadi. Muhimi, o’quvchilarning musiqa faniga bo’lgan qizizish darajas orqali hamkorlikning samaradorligi aniqlab boriladi.

Musiqa darslarida ta’limning faol metodlaridan foydalanish o’qituvchi va oquvchilar teng munosobatini shakllantirishga va aynan shu teng munosobatlara sosida o’quvchilarda musiqiqaga ijodiy yondashish, uni o’rganish, ijro etish, musiqa asarlari, cholg’u asboblari, kompozitorlar haqida mushohada yuritish, nazariy bilim va amaliy ijro etish malakalarini o’stirib borish imkoniyatlarini hosil qiladi. Musiqa fani o’qituvchisi o’quvchilar bilan hamkorlik munosabatlarini o’rnatish uchun quyidagi talablarga amal qilishi lozim bo’ladi:

1. O’quvchi shaxsiga hurmat bilan qarash, muloqot jarayonida har bir o’quvchining musiqiy qiziqishlari, mahorat va imkoniyatlari, qo’shiqi jroshiligida esa ularning ovoz diapazonlari inobatga olinishil ozim.

2. Har bir o’quvchida qandaydir musiqiy qobiliyat, mahorat, intilish mavjudligiga ishonch hosil qildirish va anashu qobiliyat,m mahorat va intilishni yuzaga chiqarishda ularga yordamlashib turish.

3. O’quvchilarning musiqiy savodxonligi, o’quvi, ijro malakalari asta-sekin o’sib borayotganligidan quvonish, bilimi, ijro mahorati past bo’lganligidan tashvishlanayotgan o’quvchilarga yordamlashish, ularni ma’naviy rag’batlantirish orqali kelajakka bo’lgan ishonchini oshirish.

4. O’qituvchi o’quvchi bilan yaxshi munosobatda bo’lishi, teng hamkor sifatida faoliyat yuritishi, munosabat jarayonida axloqiy qonun-qoidalarga rioya etishi lozim.

САРДОБА

Бадиев М. т.ф.н.,доц., Ёдгоров Н. п.ф.н.,доц., Бухоро Давлат университети Зарипова Г.,Бухоро Маданият коллежи

Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент, билан Фарғона ўртасидаги қадимги савдо йўлида, 1 таси Қоровулбозорда ва яна бири Малик чўлида бўлган. Сардобалар кейинги йилларда қишлоқ, ва шаҳарларни ичимлик суви билан таъминлаш учун хам қурилган. Сардобадан Ўрта Осиёнинг баъзи дашт-чўлларида ҳозир ҳам қисман фойдаланилади.

Сардоба (форс-тожик тилида - совуқ сув) - сув танқис ерларда уни сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз.Сардобанинг девори цилиндр шаклида,диаметри 12-17 м,чуқурлиги 10-15 м, ҳовуз юзаси, ер сатҳи пишиқ ғишт ва ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларига ҳовузга сув тушадиган тешиклар қилинган. Сардобага кириш учун эшик хам ўрнатилган, унинг олди сувни тоза сақлаш мақсадида девор билан ўралган. Сардоба ёнига молларни суғорадиган охур қилиниб, унга сувдондан махсус тарнов орқали сув оқизилган. Баъзи сардобаларда уларни назорат ва тозалаб турувчилар учун хоналар ҳам бўлган.



Сардобалар географик жойлашуви, жойнинг табиати, релефига кўра қор-ёмғир сувларидан ва қудуқлар ёрдамида ер ости сувлари ёки булоқ, бош- ларида барпо этилган. қор-ёмғир сувларидан тўлатиладиган сардобаларни қу- ришда жойни тўғри танлаш, баланд-пастликларни хисобга олиш катта аҳами- ятга эга бўлган. Чунки бундай сардобалар баҳорда атрофдаги нишаблардан оқиб тушадиган қор ва ёмғир сувлари хисобига тўлдирилган.Сардобалар ичида Работи Малик сардобаси Самарқанду Бухоро оралиғида Буюк Ипак йулининг маълум қисмида ягона обиҳаёт манбаи сифатида асрлар оша хизмат қилиб келган.1841-1842 йилларда бу жойларда бўлган А. Леманн ушбу сардоба тўғрисида: «Работи Маликни сув билан таъминлаб турган сардоба-ажойиб баланд гумбазли бўлиб, унинг устки қисмидан сувга ёруғлик тушиб туради, бинонинг ярми ерга кўмилган, бу жой саёҳатчилар учун жон сақлаш манзилгоҳидир», деб ёзади.

Работи Малик сардобасининг қачон ва ким томондан қурилганлиги тўғрисида турлича маълумотлар бор. Бизнинг фикримизча, тарихий хақиқатга яқинроқ, маълумотлар М.Е. Массоннинг «Сардобаларни ўрганиш муаммоси» китобида келтирилган. Унда сардоба Работи Малик карвонсаройи билан бир вақтда Шамсулмулк томонидан қурилганлигига ишора қилинади.

Работи Малик сардобаси Марказий Осиёдаги бошқа сардобалар сингари пишиқ ғиштдан қурилган. Сардобанинг ташқи айланаси 12,8 м, деворининг қалинлиги 1,5 м, баландлиги 20 м, гумбазининг баландлиги 8 м бўлиб, ер юзасига чиққан қисми қисқариб боради. Унинг тепаси ёруғлик тушадиган туйнукли бўлиб, Сардобага кириш учун зина ва эшиклар ўрнатилган. Унинг атрофи сувни тоза сақлаш учун девор билан ўралган. Сардоба ёнида молларни суғориш учун бир неча тош охурлар қуйилиб, уларга сополдан ясалган тарновлар-қувурлар орқали сув юборилган. Худди шундай тарнов орқали Работи Малик саройига ҳам юбориб турилган.

Сардобанинг сув тўпланадиган ҳовузи тубида сувнинг сақланишига сизот сувларидан тоза туриши учун қор билан ишланган ғиштлар терилган. Ғиштлар устидан саксовулдан тайёрланган писта кўмир қатлами тўшалиб, унинг устидан 3 қават туя жунидан босилган кигиз, сўнг эса ошланган 3 қават мол териси ёпилиб, устидан ғишт терилиб суваб чиқилган. Бу ҳол бир неча марта

такрорланган. Демак, писта кўмир билан ишланган пишиқ ғишт ва мол териси усти махсус қоришма билан сувалган. Бу эса сувнинг ортиқча ерга шимилиб кетишидан сақлаган. Сардобанинг учдан икки қисми ер остида бўлиб, учдан бир қисми ер юзасидадир. Айниқса, сардоба ва Работи Малик ўртасидан катта автомобиль магистралининг ўтказилиши бу нодир қурилиш иншоотининг сақланишига анча зарар етказиб турибди.

ТУРЛИ ТАРИХИЙ ДАВРЛАРДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ,ФАН ВА ТАЪЛИМ РИВОЖИ.

Г.Б.Эргашева, М.Очилова БухДУ

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридан олинган қўйидагича талкин қилинган фикрлари асосида.

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти хақида гапираётганда, бизда чукур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларга аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин.

Шарқона таълим-тарбия тизимида комил инсон шахсини тарбиялаш узоқ тарихга эга. Абу Наср Фаробий қадимий грециялик файласуф Платон асарларига шарҳ ёзар экан, билим ва тажрибанинг ўзаро муносабатини тавсифлашга алоҳида диққат қилган. «Тажрибанинг моҳияти айрим турлар тўғрисида фикрлаш ва ўша айрим нарсалар билан мос келадиган умумиятлар ҳақида мулоҳаза қилишдан иборат». Унинг таъкидлашича, инсоннинг янглишиши учун сабаблар бисёр. У ёки бу соҳани билишда «Ким кўп тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва энг баркамол инсондир». «Инсон баркамоллиги», турли истаклардан юқори турувчи эзгу мақсадлар тўртта: «тан соғломлиги, туйғулар соғломлиги, турли нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги ”.

Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва “Буюк Турон” шовинистик ғоясини қатьиян рад этди. Биз учун Турон — мингақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ута сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир.

Бундан ташқари, умумий маъданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам тугаштиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳукуқ беради.

Ана шундай бойликка эга бўлган Узбекистан Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим. Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техникавий кадрлар билан таъминланганликни, турмуш тартиби ва тарзининг чуқур анъанавийлигини ўзида мужассамлаштирган. Шу боис у Шарқ билан Ғарб мулоқотида воситачи, кўплаб свилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин.

Жамиятнинг Диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Эски масжидлар таъмирланмоқда ва янгилари бунёд қилинмоқца. Ўқув юртлари тармоғи кенгаймоқда. Диний адабиётлар нашр этилмоқда

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг,давлатимиз худудининг холис ва хаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни,таъбир жоиз бўлса,миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят мухим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланиб бормоқда.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифгихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб бормокда. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ булиб колганлиги тасодифий эмас.

Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки, тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Тарбия жараёни шахснинг муяйян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи тарихий-ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб борувчи фаолият жараёнидир. Бошқароқ талқин этилганда, тарбия жараёни ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш унда ижтимоий онг ва хулқ атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.

KAYKOVUS «QOBUSNOMA» ASARIDA INSONIY FAZILATLARNING ULUG'LANISHI.

L.S.Elibaeva, BuxDU katta o'qituvchi, Axmedova Z.J. BuxDU 2- kurs talabasi

Kaykovusning «Qobusnoma » asari XI asrda yuzaga kelgan yirik tarbiyaviy asardir. Kaykovusning katta xizmati shundaki, u yoshlarni xayotga tayyorlashda ularni xar tomonlama kamolga etkazishning nazariy masalalarini amaliy faoliyatga tatbiki nuktai nazaridan ifodalashi bilan xamma zamonlarda, xar kanday tuzumda xam uz kimmatini yukotmadi va amaliy xayot dasturi sifatida uz urniga ega buldi. Kaykovus kalamiga mansub «Kobusnoma» asari Shark xalklar orasida ma'lum va mashxur. Mu'jaz rivoyatlar, kichik-kichik xikoyatlar kitobning yanada jozibali, ukishli bulishini ta'minlagan.

Kaykovus «Qobusnoma» asarining yigirma ettinchi bobi farzand tarbiyasiga bag'ishlangan. Uning axloqiy o'g'itlari kitobda ota-ona haqqini bilish bilan boshlanadi. Unda Kaykovus "Qur'on" va "Hadislar"dagi talablardan kelib chiqqan holda O'zining nuqtai nazarini bayon qiladi: "O'z farzanding sening haqingda qanday bulishini tilasang, sen ham ota-onang haqida shunday bug'il, nedinkim sen ota-onang haqida nima ish qilsang, farzanding ham sening haqingda shundoq ish qilur, chunki odam mevaga, ota-ona daraxtga o'xshaydir"[1].

Kaykovus oilada otaning vazifasi va burchiga alohida ahamiyat beradi. Farzand tug'ilganda avvalo unga yaxshi ot qo'yish, undan so'ng aqlli va mehribon murabbiyga topshirish, o'qitish, ulg'aya boshlaganda kasb va hunar o'rgatish, harbiy ish bilan tanishtirish, so'ng suvda suzishni o'rgatish kerak, deydi. Kaykovus otaning burchi yana o'z farzandlariga nisbatan qattiqqo'l bo'lishini talab etadi. Lekin bolalarni jazolashni otaning o'zi emas, murabbiy tomonidan bajarilishini istaydi. Chunki otaning o'z qo'li bilan farzandini jazolashi unda adovat hissini paydo qiladi, deydi. Lekin otadan farzand hayiqib tursin, agar u hayiqmasa, ota-onani xor qiladi, deydi. «Farzandingga hunar va fazl o'rgatmakda taksir qilmagil va har ilmni o'rgatuvchi muallimlar ta'lim uchun ursalar, sen shafqat ko'rguzgil, mayli ursinlar, nedinkim yosh o'glon ilm va adabni o'rganur. Ammo farzand beadab bo'lsa va sening ul sababdan qahring kelsa, o'z qo'ling bilan urmagil, muallimlarning tayog'i bilan qo'rqutgul. Bolalarga muallimlar adab bersunlar, toki sendin o'g'lingning ko'nglida gina qolmasun. Ammo uning ko'ziga o'zingni haybatlig' ko'rguzgil, to seni xor tutmasin va hamisha sendin qo'rqub yursin. U bir narsa orzu qilsa, qudrating etguncha undan ayamagil, to tanga havasi bilan sening o'limingni tilamasin. Farzandga adab hunar o'rgatmakni meros deb bilgil.Agar sen xox unga adab o'rgatgil, xox o'rgatmagil turmush mashaqqatlarining o'zi uni o'rgatur. Undoqqim debdurlar, ota – ona tarbiyalamasa, kecha va kunduz uni tarbiyalaydur.

Otalik shartin bajo kelturgilki, farzanding vujudga kelg'ondagidek tiriklik qilsin, ya'ni har odamki vujudga kelur va shu kundin e'tiboran xulqi va tabiati unga xamroh bulur, ammo ul ojizlik va bequvvatlikdin uni namoyon qila olmagusidir. Katta bulg'on sayin jismi va ruxi quvvat topar barcha ruhi (hamma fe'l atvori) rivojlanadur, kamolga etg'ondin so'ng tamomi yaxshilik va yomonlig'ini zoxir qilur . Lekin sen abad, hunar va donishni farzandingga o'zingdin meros qilgil, toki uning xaqqin bajo kelturmush bo'lgaysan. Chunki xos kishilarning farzandlariga adab va hunardin yaxshiroq meros yo'qtur va omiy xaloyiqning farzandlariga xirfa (savdo, xunar) pesha (kasb)dan yaxshiroq meros yo'qdur. Kasb o'rganmoq muxtashamlarning farzandalariga nomunosib ko'rinur. Ammo pesha (kasb) haqiqatda barcha hunarlarning ulug'idir».

Kaykovusning hayotida xulq-odob qoidalariga qanday rioya etish haqidagi, yoshlarni adolatparvar, insonparvar, saxovatli, qanoatli, muruvvatli bo'lishi haqidagi qarashlari, ayniqsa diqqatga sazovor. Ular yaxshilik va yomonlik o'rtasidagi qarama-qarshilik asosida bayon etilgan:

"Ey farzand, yaxshilik qil va qilg'on yaxshilikdan hargiz pushaymon bo'lmag'il. Bir kishiga bir yaxshilik qilsang, ko'rgilki, yaxshilik qilg'on vaqtda u kishiga naqadar rohat etg'on bo'lsa, sening ko'nglingga ham undan ziyodroq shodlik va xurramlik etishur. Agar kishiga yomonlik qilsang, unga naqadar ranj etsa, sening ko'nglingga ham ul miqdor tanglik etishur. Demak, bu jahonda yaxshilik va yomonlik mukofoti, albatta, etgusidur"[3].

Kaykovus yuksak axloqlilikning yana bir tarkibiy qismi do'stlik deb biladi va do'st tutmoq odobi haqida fikr bayon etar ekan, uning asosiy talablarini talqin etadi.

Kaykovus, avvalo, inson do'stsiz bo'lgandan ko'ra, birodarsiz bo'lgani durustdir, deydi. Kishining do'sti qancha ko'p bo'lsa, aybi shuncha sir tutiladi va fazilati ko'payadi. Kaykovus qiyinchiliklarda hamdard,

[1] Кайковус. Қобуснома. 30-бет.
[3] Ўша китоб 86 бет

tayanch bo'ladigan, sadoqatli, ta'magir, hasadchi bo'lmagan, aqlli, ilmli, muruvvatli kishilarni do'st tutish mumkin, deb ta'kidlaydi. Shuningdek, do'st bilan dushmanni ajrata bilish, dushman oldida o'zini ojiz ko'rsatmaslik, kuchli dushman va xiyonatchi, chaqimchi, sir ochuvchi do'stdan saqlanishni maslahat beradi. U quyidagi xislatlarni har bir kishi o'zida tarkib toptirishni ta'kidlaydi. Bular: o'zidan zo'r kishi bilan urushmaslik, hasadchi kishi bilan birga jamoat o'rtasida o'tirmaslik, nodon bilan munozara qilmaslik; riyokor, ikkiyuzlamachi kishi bilan do'st bo'lmaslik; yolg'onchi kishi bilan muomala qilmaslik; baxil bilan suhbatda bo'lmaslik; dushman kishi bilan sharob ichmaslik; kishilarga sir aytmaslik; biror kishi aybingni aytsa, shu aybni yo'qotishga harakat qilish, biror kishini ortiqcha maqtash yoki ortiqcha yomonlamaslik, muhtoj bo'lgan odamni hojatini chiqarish, kechirimli bo'lish, kichiklarga mehribon bo'lish; bir ishni ikki kishiga buyurmaslik, ya'ni sheriklik ish qilmaslik kabi hayotiy tavsiyalardir.

Bulardan ko'rinib turibdiki, Kaykovus do'stlikni insonning kamolotini ko'rsatuvchi axloqiy xislatlardan biri sifatida talqin etgan.

Kaykovusning ta'lim-tarbiyaviy qarashlarida insonning ham aqliy, ham axloqiy –estetik hamda jismoniy tomondan rivojlanishi uning kamolga etishining asosiy mezoni sifatida talqin etiladi.

O'QUVCHILAR MA'NAVIY–AXLOQIY TARBIYASIDA TARIXIY TAJRIBALARDAN FOYDALANISH

M.R.Mirzayeva, BuxDU

Davlatimiz ijtimoiy siyosatida ta'lim ustuvor yo'nalish ekanligidan kelib chiqqan holda o'rta maxsus,kasb-hunar ta'limining maqsadi zamonaviy ishlab chiqarish talablarini o'zida mujassamlashtirgan yangi avlod mutaxassis kadrlarini tayyorlashga qaratilgan. Hozirgi zamon kasb-hunar ta'limi tizimi faqatgina XX asr ilmiy-pedagogik tafakkurining natijasigina bo'lmay uning asoslari VIII-XIII asrlarga borib taqaladi. O'zbekistonda hunarmandchilik sohalariga bundan ikki ming yillar muqaddam asos solinganligini arxeologik tadqiqotlar tasdiqlaydi.

"Shahar va qishloq aholisiga zarur mahsulotlar etkazib beradigan har-xil hunarmandchilik sohalari paydo bo'ladi. Odatda hunarmandchilikning 32 xili mavjud bo'lgan aholi yashaydigan joyga shahar deb nom berilgan. 1897-yili birinchi aholi ro'yxati vaqtida katta shaharlarda aholining ko'pchilik qismi hunarmandlar hisoblangan." Hunarmandchilikning qadimiy davrlardan eng keng tarqalgan sohalari temirchilik, misgarlik, zargarlik, yog'och buyumlari yasash hunarmandchiligi, o'ymakorlik duradgorligi, ganchkorlik, marmar o'ymakorligi, kulolchilik, to'qimachilik, zardo'zlik, do'ppido'zlik, charmgarlik, nonvoylik, qandolatchilik kabi va boshqa turlari nihoyatda rivojlangan. Ish qurollari va texnikaviy jihatdan oddiylikka qaramay o'zbek hunarmandchiligining ko'p sohalari nihoyatda yuksak sanat namunalari yaratgan ajoyib amaliy kasb-hunar sifatida tanilgan. Xalqimizda bu borada to'plangan tajribalarni zamonaviy kasb-hunar ta'limi mazmuni hamda tuzilmasiga singdirishni davrning o'zi talab etmoqda.

"O'z farzandlarini ilmli, hunarli qilib voyaga etkazish millatimizga xos hislat bo'lib,ota-bobolarimiz farzandlari savodini chiqarish,hunarli qilish uchun eng yaxshi ustalarga shogirdlikka berganlar,boshqa shahar va yurtlarga bilim olish uchun yuborganlar. Xalqimizda ilmu-hunar doimo ulug'lanib kelingan,ilmli,hunarli bo'lishga doimo da'vat qilingan. Bu to'g'rida juda ko'p maqollar,hikmatlar va rivoyatlar mavjud". Ma'lumki kasbiy ta'lim borasida tarixiy tajribalarimizga ham tayanish ta'lim mazmuni va sifatini oshirishning muhim omili sifatida bo'lajak kichik mutaxassislarning o'z kasbiga bo'lgan qiziqishini kuchaytirib, ishonch va faxr hissini mustahkamlaydi.

"Yangi ta'lim tizimi mazmuniga o'tmishning qimmatbaxo ma'naviy qadriyatlarini kiritish va unutilayozgan ba'zi birlarini qayta tiklashdan maqsad,o'tmish oldida egilish emas,balki unga tayanish,ijodiy foydalangan holda rivojlanishning yangi pog'onasiga chiqish demakdir". Kasb-hunar kollejlarida ta'lim-tarbiya jarayonida e'tiborli nuqtalardan biri qadimiy hunarmandchilik maktablari va ulardagi an'analar bo'yicha ma'lumotlarni nafaqat dars jarayonida,balki ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda,to'garaklarda, kasbiy-o'quv semenarlarda, mushoiralarda tadbiq etish kasbiy bilim olish asoslarini mustahkamlaydi va ma'naviy barkamol mutaxassislar tayyorlashda qo'l keladi. Bunda milliy hunarmandchiligimizda yoshlarimiz uchun namuna bo'lgan ustoz va shogird odobi, ulardagi shaxsiy va kasbiy faoliyatlar,usta va shogird haqidagi qiziqarli hikoyat va rivoyatlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

"Hunarmandlar kasbiga qarab sex, tashkilot (kasaba, ulpagar) larga birikkanlar. O'rta asrlarga xos kasb jamoachiligini ifodalovchi sex tuzumi tartiblariga binoan har bir hunarmandchilik sohasi o'zining afsonaviy homiysi (piri) va jamoa manfaatini qo'riqlovchi maxsus nizom (risola) ga ega bo'lgan. Risolada turli rivoyatlar, diniy-axloqiy qonun-qoidalar va ishlab chiqarish texnologiyasi bilan bog'liq talablar bayon qilingan". Ustoz va shogird burch va mas'uliyatlari belgilangan 16-18 varaq hajmidagi bunday risolalar hozirgi zamon kasb-hunar sohasidagi o'quv me'yoriy hujjatlari kabi o'z davri uchun kasb-hunar sohasi ishini maqsadli yuritishning garovi hisoblangan. Ustoz hunarmandlar bunday risolalarni shogirdlarga o'qib berish, tasvirlash va tushuntirish ishlariga mas'ul hisoblanganlar.Ustoz-shogird munosabatlari borasidagi to'plangan tajribalar to'g'risida qadimiy qo'lyozmalar, rivoyatlar, asoru-atiqalarimiz ham ma'lumot beradi. Risolalarda

yozilishicha, har bir shogird hunarmandchilikning kelib chiqish tarixi, soha hunarmandchilik asboblari va ularning ishlatilishi to'g'risida etarli ma'lumotga ega bo'lgan. Hunarmandchilik tariximizdagi ana shunday o'rinlar bo'lajak kichik mutaxassislarimizda o'z kasbiga bo'lgan hurmatni oshirishda, kasbiy g'ururlanish tuyg'usini rivojlantirishda qo'l keladi. Bunday risolalar mutolaasi hatto, dasturxon ustida ham davom etgan. Hunarmandchilik ustaxonasi ishini yuritishda ushbu risolalar qoidalari me'yorlariga qat'iy rioya qilish qattiq nazoratga olingan. Demak, bunday risolalar o'rta asr hunarmandchiligida o'ziga xos pedagogik qo'llanma sifatida xizmat qilgan. Har bir hunarning piri bor deb hisoblanib, hunarmandlar ustaxonasiga o'z hatti-harakatini ongli ravishda boshqara oladigan yaxshi insonlar kirishi kerak bo'lgan, aks holda ushbu hunar pirining g'azabi qo'zg'ab, mushkulotlarga uchrash gumon qilingan. Hunarmandlar uyushmasi rahbari "bobo" deb atalib, u bilimdon va tajribali ustalar orasida saylangan. Qachonki uning faoliyati ustaxona ahlini qanoatlantirmasa, kengashda maslahatlashilib, lavozimidan tushirilgan. Ustaxona faoliyati uchun bobodan keyingi quyidagi lavozimdagilar javobgar bo'lganlar:

" Oqsoqol (kalantar) , Poykor – boboning yordamchilari. Ustakor – katta usta (bosh usta). Ustod, ustoz – kasb -hunar o'rgatuvchi usta, muallim. Xalfa – o'zining xususiy ustaxonasi bo'lmaganligi sababli boshqa ustaga yoki ustaxona egasiga yollangan usta.Ustazoda – hunarni o'z otasidan o'rgangan usta."

"Boboning yordamchilaridan oqsoqol keksalar orasidan saylangan. U bozorni idora qilgan, soliq yig'ishda qatnashgan, mahsulot sifatini nazorat qilgan, mahsulotning barqaror bahosini aniqlagan. Bobo tomonidan e'tiqodli yoshlar orasidan saylangan – Paykorlar esa xizmatchi vazifasini bajarganlar"[6]. Xalfa – boboning to'liq qaramog'ida bo'lgan usta, ya'ni yollangan ishchi. Qachonki, xalfa o'z mablag'iga ega bo'lgach, o'z ustaxonasini ochishi va "usta" nomini olishi uchun ustozlardan shogirdlarga fotiha olish ya'ni "Usta rozi" marosimini o'tkazib, ustaxona keksalariga ehson dasturxonini yozishi lozim bo'lgan. Agar shogird etim bo'lsa bu marosimni ustozni o'zi o'tkazgan .Tajribali ustalarning tegishli maslahatini olgach ta'limni risoladagidek tashkil qilgan holda shogirdlar olishi mumkin sanalgan.

,,Shogirdlikka odatda bolani yoshlikdan (8 – 10 , ayrim paytlarda 6 – 7 yoshda) ota-onasi olib kelib muayyan ustaga topshiradi. Bunda bolaning otasi "Go'shti sizniki, suyagi bizniki", degan ibora bilan ya'ni butun taqdiri ustoz qo'lida, bir hunarli inson bo'lib etsa bo'ldi,"[7]-deb hunarmandga qoldiradi. Ota o'z o'g'lini hunar o'rganish uchun ustaga "eti sizga suyagi bizga" deb topshirar ekan, farzandining o'qimishli, yaxshi kasb-hunar egasi va o'z kasbining qo'li gul ustasi bo'lishini istaydi. Shogird esa o'qib, o'rganib ustozning oq fotihasi bilan usta sifatida ish boshlaydi va u oq fotihaga umrbod sodiq bo'lib qoladi. "Usta rozi" marosimini o'tkazishdan oldin shogird o'zi tayyorlagan mahsulotini bozorga olib chiqib, oqsoqol tekshiruvidan o'tkazishi shart bo'lgan. Kalantar (oqsoqol) topshirig'i bilan poykor tomonidan marosimga katta ustalar taklif qilingan. "Kalantar yangi sarpolar kiygan shogirdni davraga chaqirib, ustaga va shogirdga shunday murojaat qiladi: "Usta, siz shogirdingizni boqdingiz, kiyintirdingiz, non, tuz va pul berdingiz, shunga rozimisiz? –Roziman!"-deb javob beradi usta. Keyin shogirddan so'raydi: " Ustaga xizmat qilding,xizmatingga rozimisan? – Roziman !" Shu o'rinda shuni ham ta'kidlash kerakki, dastavval shogird ustaning beminnat dastyori bo'lgan. Ya'ni u hovli va ustaxona tozaligini saqlash, yarim mahsulotlar tayyorlash va shu kabi yumushlarni bajargan. 2 – 3 yil shunday davom etan ishlardan so'ng usta mustaqil bajarish uchun biror bir ish qilishga ruxsat bergan. Marosimda ayrim ustalar shogirdlariga savollar berib, imtihonga o'xshash savol-javoblar ham qilganlar. Marosim yakunida shogird ustasiga va kalantarga sarpo kiygizgan. Usta esa shogirdiga ish quroli hadya qilgan. Shogirdlar " usta" lik maqomiga erishgach ustaxonalar o'rtasidagi o'zaro raqobat muhitining faol ishtirokchiligini davom ettirib, o'z ishlaridan ko'rgazma tashkil qilib, katta ustalarning tegishli bahosini olib borganlar. O'quvchilarga zamonaviy kasb-hunar sirlarini o'rgatishda xalqimizda mavjud bo'lgan kasb-hunar ta'limi tarixidan va unda shakllangan usta-shogird an'analari haqida ma'lumot berish, ularni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda muhim ahamiyatga egadir.Zero, maqsadimiz ajdodlarimizdan kasbiy ta'lim borasida bizga meros bo'lib kelgan tarixiy tajribalarni zamonaviy kasbiy ta'lim mazmuniga singdirgan holda malakali kichik mutaxassislar tayyorlashdir.

YUSUF XOS HOJIB INSONING MA'NAVIY KAMOLOTI TO'G'RISIDA .

Z.X. Qo'ldosheva BuxDU pedagogika kafedrasi o'qituvchisi

Bugungi murakkab globollashuv sharoitida xalqimizning ma'naviy madaniyatini yuksaltirish ayniqsa o'sib kelayotgan yosh avlotning qalbi va onginiturli zararli g'oya va mafkuralar ta'siridan asrash masalalari dolzart muamoga aylandi

Prezident Islom Karimovning Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch asarida shunday fikrlar bizdanda ko'ra kuchli bilimli dona va albatta baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va g'ayratlarimizni savarbar etayotgan ekanmiz bu borada ma'naviy tarbiya masalari hech shubsasiz beqiyos ahamyat kasb etadi Agar biz masalada xushyorlik va sezgirligimizni qattiyatli va ma'naviyatimizni yo'qotmasak bu o'ta muhim ishni o'z qoliga o'zi bo'lar chilikka talab qo'yadigan bo'lsak muqaddas qadiryatlarimizga yo'g'rilgan va

ularda oziqlanayotga ma’naviyatimizda tarixiy xotiramizdan ayrilib oxiri oqibatda o’zimizning intilgan umumbashariy taraqqiyot yo’lida chetga chiqib qolishimiz mumkin

Ma’naviy tarbiya va ma’naviyatimizning asosiy sharq mutaffakirlarimizning asarlari ilmiy merosi axloqiy ma’rifiy madanyati tashkil etadi Ularning asarlarida insonnig ma’naviy kamoloti va uning shakllanishiga ta’sir qilivchi omillar masalasi turadi . SHunday allomalardan biri Yusuf Xos Hojibdir Yusuf Xos Hojib insonnig va unnig ma’naviy kamoloti to’g’risida fikr yuritar ekan bilim va aql zakovat mehnat va adolat kasb kor va hunar o’rgatish til ba so’zlashish odati halolik va rostgo’ylik kamtarlik va odillik shaxs kamolotining asosiy omillari deb uqtiriladi

Alloma o’zining 1069-yilida yozgan Qutadg’u bilik saodatga boshlovchi bilim asarida axloq odob ilim ma’rifiy adolat qanoat baxt saodat bola tarbiyasi el yurt maviyattil va so’zlashish fazilatlari jamoa joylarida o’zini tuta bilish odobi mehnatda bo’lishi va mehmon kutish odobi kabi masalar to’g’risida fikr yuritadi

Yuqoridagi qisqacha tahlillarimiz shuni ko‘rsatmoqdaki, musulmon olami, Sharq mutafakkirlari orasida oila muammolari bilan shug‘ullangan va shu xususda o‘zlarining qimmatli fikrlarini kelgusi avlodlar uchun qoldirgan olimlar juda ko‘p. Biz ularning ayrimlariga to‘xtaldik, xolos.

Sharq mutafakkirlari ham o‘z asarlarida bolaning rivojlanishida oilaning ahamiyatiga katta e’tibor bilan qaraganlar va bu borada shaxslararo munosabatlar ustivor bo‘lib hisoblangan.

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Хўжанова Тамара Жўраевна, Термиз давлат университети

Summary: In this article is given Termiziy scholars’ scientific viewpoints and its importance in modern science development.

Keywords: Termiziy scholars, scientific viewpoints, modern science development, Uzbek youth, education and upbringing.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда” [2].

Маънавий янгиланиш инсонлар яшаётган жамият ва муҳит аҳволи ҳамда даражаси билан белгиланади. Янги дунёнинг шаклланиши жамият ривожланишини акс эттириб, янги онгнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутади. Ана шу янги дунё кишиси ўз она юртининг ватанпарвари ва фидойиси бўлиб вояга етади. Ҳар бир даврнинг ўз дунёси ва ўз кишилари бўлади, улар узлари яшаган жамият ривожига турли жиҳатдан ҳисса қўшади. Тасаввуф тариқати ва тасаввуф илми ҳам ўз замони ва ўз заминининг маҳсули ҳамда самараси сифатида ўша заминда камол топиб, ривожланган эди. Тасаввуф ўз муҳити ва ўз жамияти бағрида униб - ўсиб, ўз дунёси равнақи йўлида жонбозликлар намойиш этади. Тасаввуф илми ривожига ўз асарлари билан улкан ҳисса кушган донишманд (алломалардан бири буюк аждодимиз) ал- Ҳаким ат-Термизийдир. Бу улуғ инсон асарларини, унинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш бугунги кун Ўзбекистон ёшларини

таълим-тарбия олишида ибратли манба бўлиб ёш авлодни бой маънавий меросимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёсдир.

Аждодларнинг бой маданий мероси Марказий Осиё халқларининг қонуний миллий ифтихоридир. Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти беқиёсдир. Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «ал-Жомиъ ас-сахих» булиб, 6 та ишончли Ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда «Жомиъ ат-Термизий», *«Саҳиҳи Термизий»,* «Сунани Термизий» номи билан хам аталади [4]. Халқ оғзаки ижоди намуналари, “Алпомиш”, “Шашмақом” кабилардир [3]. Термизийнинг бу асарлари маънавиятнинг битмас-туганмас манбаи, ёшларимиз дунёқарашининг асосидир. Феодализм давридаёқ Марказий Осиё халқлари ижтимоий онгининг асосий хусусиятлари билимга, дунёвий маърифатга интилиш; салафларнинг маданий ютуқларидан кенг фойдаланиш; табиатни билишга, унинг бойликларидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш; рационализм; ҳур фикрлиликнинг ривожланиши; ахлоқий қадриятларни ҳамда инсоний фазилатларни тараннум этишда, табиатнинг энг олий хилқати бўлмиш инсонга муносабатда намоён бўладиган гуманизм; оғзаки ва ёзма сўзга муҳаббат; киши маънавий дунёсини шакллантиришга интилишдан иборат бўлганди.

Илм-фан ва техника ютуқлари тараққиётининг бугунги кун Ўзбекистон ёшларининг ўқиш ва меҳнат фаолиятида акс этиши ўз мазмунига кўра тобора кўпроқ изланишдан иборат бўлиб бормоқда, чунки ишлаб чиқариш жараёнида ижодий ечимини талаб қилувчи янгидан янги муаммолар ҳамда масалалар юзага келган ва келмоқда.

Илм-фан ва техника тараққиёти давридаги ишлаб чиқариш муносабатлари хусусияти бугунги кун Ўзбекистон ёшларининг ижодий изланиши ва меҳнат фаолияти теран иқтисодий маданиятга эга бўлишини талаб қилади, айни маҳалда ушбу маданият уларнинг маънавий ривожланиши пойдеворидир. Ўсиб келаётган авлоднинг иқтисодий фаоллигининг ошиши бозор муносабатларининг конкрет жиҳатларига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон ёшларининг ўз куч ва қобилиятларининг эркин намоён бўлиши уларнинг меҳнат фаолияти ижодий мезони бўлиб хизмат қилади. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари ҳақидаги билимга асосланган мақсадли фаолиятинигина ижодий фаолият дейиш мумкин. Бугунги кун Ўзбекистон ёшларининг самарали ижодий меҳнат фаолиятида ижодий муҳитни яратиш уларнинг ўзининг ташаббусига, қизиқиб ёндошишига ҳамда масъулиятлилигигагина эмас, балки уларнинг турли-туман манфаатлари ҳамда эҳтиёжларини қондирилиши лозим бўлган инсонларнинг ғамхўрлиги ва ҳалоллигига боғлиқ бўлади.

“Бугун мана шу муҳташам майдонда жамулжам бўлиб ўтирган сиз, ёш авлодимиз вакилларига менинг фарзандларим бўлмиш бутун Ўзбекистон ёшларига қалбимда, юрагимда бўлган фикрни айтмоқчиман: ҳар қачон сизлар билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, навқирон қадди-қоматингизни, сизлар эришаёган ютуқларни кузатганда, кўпчилик қатори мен ҳам ўзимда худдики қанот пайдо бўлгандек ҳис этаман.

Сизлар қаерда, қайси соҳада бўлмасин – билим олиш, илму фан чўққиларини эгаллаш, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этишда барчага намуна бўлаётганингиз, сўзсиз, ҳаммамизни қувонтиради” – деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Бугунги кунда саноатда моддий ишлаб чиқариш ходимининг ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда янада фаолроқ иштирок этаётган янги типи қарор топмоқда. Ижрочи ходим новатор, ихтирочи, рационализаторга айланмоқда.

Ижодиётнинг бошқа турлари сингари, техник ижодиёт ҳам реал дунёни инъикос эттириш ҳамда ўзлаштириш шаклларидан биридир.

У ижтимоий муносабатлар тақозо этадиган меҳнатдан ижтимоий фаоллик шакли сифатида ифодаланади.

Хуллас, ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг, жумладан, Термизийларнинг табиий илмий қарашларини замонавий илм-фан тараққиётида ёшларнинг ижодий меҳнати, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга таъсир этади деган хулоса келдик.

Адабиётлар

1. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 6 декабрь. №237 (6167)

2. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва

2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Адолат. 2015 йил 17 январь. №3 (1015)

3. Каримов И.А. Миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Ташкент: Узбекистон, 1996.-64, 83-бет.

ОТРАЖЕНИЕ ОБРАЗА ЖЕНЩИН В ИСКУССТВЕ АРАБСКОГО МИРА.

Ф. Н. Султанова аспирант Челябинской государственной академии культуры и искусств, Россия

Аннотация*: В статье отражен образ арабской женщины в культуре, ее место в Исламе, отношение к ней в литературе и изобразительном искусстве.*

Ключевые слова*: Ислам, женский образ, арабский мир, искусство, поэтическое творчество, художник, Восток.*

Annotation: *This article represents the image of women in Arab culture, her role in Islam, attitudes toward Arab woman in literature and fine arts.*

Key words*: Islam, image of women, Arabic world, art, artist, the East.*

Полна тайн и загадок женский образ, жизнь женщин арабского мира. Одним образом наделены образованные восточные девушки, одетые в яркие нарядные одежды, жившие в роскошных дворцах, другим – нежные жены, матери со спокойной покорностью судьбе, с плавной и величавой походкой. Оба образа связаны одной длинной, свободной одеждой, которая закрывала женщину с головы до пят, платком и кратким выразительным взглядом.

В данной статье рассмотрено отражение образа женщины в искусстве арабского мира. Прежде всего, необходимо сказать несколько слов об отражении женского образа в Исламе, так как религия тесно связана с жизнью арабов, где женщина в Исламе занимает важное место по отношению к обществу и Аллаху. Она считается драгоценностью, которая требует заботы и бережного отношения. Существует хадис, где пророк (с.а.в),путешествуя, увидел нескольких женщин, ехавших на верблюде. Погонщик гнал животное слишком быстро, забыв, что такая езда причиняла женщинам неудобства. Тогда пророк (с.а.в.) сказал ему: «Ты везешь хрустальные шкатулки, будь с ним поосторожнее»[1]. В Исламе женщина, будь она матерью, женой, сестрой или тетей, пользуется особым уважением и авторитетом. Уважение к матери находит отражение в требованиях Ислама о послушании родителям, авторитет жены основан на том что, она является другой половиной религии мужа и порогом его дома. Так же немаловажно, что исламские ученые говорят: учишь мужчину – учишь одного человека, учишь женщину – учишь нацию. Так как от женщин зависит то, какой будет нравственность, и не только, следующих поколений.

На сегодняшний день образ арабской женщины, окончательно утратил единообразие. Анализируя арабскую литературу, СМИ, кинематограф, видно, что наряду с традиционным образом матери и жены все большее распространение получает образ европеизированной женщины, а именно: образованной, успешной, самостоятельной, раскрепощенной, в возрасте 20-35 лет, вполне состоятельной. Так же сегодня образ арабской женщины представлен национальной модификацией. Тем не менее, при более тщательном рассмотрении становится ясным, что в своей основе образ женщины, где запечатлена реальность ее общественного и семейного положения, остался традиционным.

Что качается искусства Востока, образ женщины занимает центральное место. Но этот образ имеет много смыслов и трактуется по-разному. С одной стороны, он символизирует женщину как предмет хотя и высоко духовной, но земной любви. С другой стороны, любовь к земной женщине является символом любви к Аллаху. И в этом втором качестве женский образ особенно широко использовался в синтезе поэзии и изобразительного искусства. Анализ образа женщины в арабской художественной литературе и периодической печати представлен в работах Халим Ба-ракат, Басимы Ид, Лейлы Гандур, И.Н. Соколовой, В.Н. Блондина. Образ женщины в арабском театре исследовался в работах УатфаХамади, Т.П. Путинцевой. В арабском кино образ женщины рассматривали Али Махди Али, аль-КисанДжан, Мухаммад МинирХижаб аль-Мохтаус, Аль-Тавальби Ахмед, Сулейман АхмедАбид Ахмед и др. [3]

Используя поэтическое творчество авторов, мы можем проанализировать отражение женского образа. Женский образ в классической мусульманской поэзии всегда находится на высоте, объект любви притягивает и обрекает мужчин на муки. К примеру, возлюбленная арабо-испанского поэта XI века Ибн-Зайдуна – аль-Валлада, дочь халифа, поэтесса, славившаяся образованностью и многочисленными поклонниками. Женский образ в восточной поэзии является нам единством физической безупречности, нравственной чистоты, ума и интеллекта. Так, в газелях Бабура есть следующие строки:

Зубы – жемчуг, ланиты – атлас, губы – пара малиновых бусин, Драгоценные вина речей, чей сосуд так высоко искусен.
Взор ли гордый покорен душе, иль душа повинуется взору –
Пред тобой они слились в одно, как река перед собственным устьем.

В этом отрывке, мы можем трактовать женский образ как хранительницы истины, а любовь к ней и сама она являются ступенями на пути познания.

Незабываемые образы мусульманок создавал и певец «Гяура» и «Корсара», где нарисован одухотворенный женский образ. В большинстве произведений мы можем найти образ женщины хитрым и изобретательным в противопоставлении мужской силе.

И в газелях Саади Ширази мы можем найти трактовки женского образа:

В зерцале отражен прекрасный облик твой.
Зерцало чисто, дивный лик пленяет красотой.
Как драгоценное вино в прозрачном хрустале,
В глазах блистающих твоих искрится дух живой.

Зеркало в мистической поэзии означало реальный мир как отражение божественной сущности.[4] В этих стихах Саади женский образ представляет нам как прекрасный, в чьих очах сверкает жизнь. Эта живость во взоре является одним из неотделимых атрибутов женской красоты.

Ко всему сказанному в стихотворениях Хафиза добавляется такое качество как остроумная речь, безукоризненность. Анализируя восточную мифологию, историю, литературу, мы можем найти прекрасных рассказчиц, собеседниц, главная из которых - Шехерезада.

В искусстве художников мы увидим, что образ женщины до сих пор будоражит воображение своей загадочностью, духовностью, магией. Изображение арабских женщин начинает появляться с девятнадцатого века. Художники очень часто изображают женский образ в синтезе поэзии и музыки виртуально, а все из-за того, что долгое время нельзя было рисовать женщину с натуры. Женщины - модели отказываются сидеть перед художником. Художник с осторожностью воспринимает лицо и форму женского тела, учитывая социальные и этнические особенности Востока. Одним из наследий в изображении человека является художник ЯхьяВасити, который создал атмосферу комплекса картин «Тысяча и одна ночь». [2] В своих работах художник Хасан АбдАлван изображает женщину как «святое божество», где мы можем проследить религиозность и красоту линий женского тела, ее внутренний мир в повседневной жизни, в картинах Шакера Ал Алуси образ женщины закрыт вуалью, символизируя ее мир. А художник Махмуд Ахмед в своих картинах символизирует образ женщины как «мать Земля», также образ женщины приведен в его работах с позиции ислама. В этих образах раскрывается социальная сущность женщины Востока, ее духовная красота, ее чувственное отношение к семье, материнству.

Таким образом, исследуя образ женщины в искусстве необходимо дать должноеизучению народных традиций общества, интеллектуальных аспектов. Художники, поэты в своих работах пытаются изобразить образ женщины не только ее красоту, но и внутренний мир разными формами изобразительного творчества.

Литература

1. Аль-Бухари М. Сахих аль-Бухари [Свод хадисов] (Краткое изложение) в 2-х т / пер. с араб. В. А. Нирша. — 1-е. — Москва: Благотворительный Фонд «Ибрагим Бин Абдулазиз Аль Ибрагим», 2002.
2. Ассальман И. ВаситиЯхья ибн Махмуд – художник и каллиграф. Багдад, 1972
3. Барбар Мохаммад Абдел-Рахим. Женщина в арабской культуре:Дис. канд. культурологических наук: 24.00.01. / Барбар МохаммадАбдел-Рахим. – Санкт – Петербург, 2005
4. Гульнар Балтанова «Мусульманка в поэзии» // Российский журнал исламской доктрины «Минарет» № 1(8) 2006

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТДА БАДИИЙ ТАФАККУР ИЛДИЗЛАРИ

Ҳамза Алламбергенов, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри

This article deals with the reasons of appearing archetypal characters in the ancient turkic memorial. The points of they of the author on creating the historical heroes in Kul tigin inscription like the heroes of the turkic epos are analysed as well

Key words: ancient Turkic memorial, archetypal characters, historical heroes, turkic epos.

Қадимги ёзма ёдгорликлар ва эпослар қаҳрамонларининг юзага келиши ўзига хос алоҳида жараён натижаси бўлиб, бу қаҳрамонлар архетиплар ёки “илк образ” термини билан юритилади. Архетип образларнинг юзага келиши бевосита фалсафий ва психологик жараёнлар билан боғлиқ

бўлиб, мифлар бу турдаги образларнинг яратилишига асосдир. Айни пайтда архетиплар беихтиёр фикрлашдан келиб чиққан илк образ бўлгани сабабли ҳам, унинг остидаги фалсафий ва психологик тушунчаларни бадиий образга кўчириш адабий жараённинг қадимги даврдаги манзарасини белгиловчи бир омил сифатида аҳамиятлидир. “Архетип” термини фанга биринчи марта швейцариялик психолог ва файласуф олим К.Г.Юнг томонидан киритилган. У ўз даврида (Х1Х аср охири ва ХХ асрнинг бошларида) архетиплар ҳақида илк бор сўз юритганда, туш психологияси ёки мифология ҳақида етарли билимга эга бўлмаган одамлар томонидан танқидга учраган. Ҳозирги даврга келиб, К.Г.Юнгнинг архетиплар ҳақидаги қараши фанда мустаҳкам ўрнашди ва адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг муҳим бўғинига айланди. Унинг таъкидлашича, архетиплар мойиллик ва интилишлар воситасида йўналтирилган туғма ҳис-туйғулар бўлиб, худди қушларнинг ин ясашига ва чумолилар ўзларига уя қуришига ўхшаш ҳодисадир. К.Г.Юнгнинг бу қиёслаши беихтиёр фикрлашнинг туб моҳиятини очиб беради.

Архетип илмий термин сифатида мифологияни назарий жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиладиган тушунчанинг ифодасидир. Миф ижод қилиш жараёни архетипларнинг образга ўсиб ўтишидан бошқа нарса эмас [1, 110] Шунинг учун К.Г.Юнг, архетип ҳали образ эмас, балки образлар схемасидир деган қарашни илгари сурганда, мифнинг архетиплар шаклланиши жараёнидаги ролига эътибор берган эди.

Сўз орқали ифодаланган образли тасаввурларни миф деб аташ қабул қилинган бўлса-да, санъатда, диний тасаввурларда эса миф рамзий образлар орқали ўз ифодасини топади. Шу боис архетип образлар мифология, дин ва санъатнинг манбаи ҳисобланади. Бадиий тафаккурдаги синкретизм босқичи ана учта омилда намоён бўлади. Бу ҳам маданий ҳодиса бўлиб, уларда чалкаш-чулкаш ва ваҳимали образларнинг аста-секин сайқалланиш жараёни юз беради, улар рамзга айланади, шакл жиҳатидан чирой, мазмун жиҳатидан умумийлик пайдо бўлади. Хуллас, мифология архетип образларга ишлов беришнинг дастлабки усули сифатида илк босқични ташкил этади.

Бу ўринда диққатга сазовор жиҳат шундан иборатки, О.Фрейденберг архетиплар ёки архетип образларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг манбаи ҳақида ўз қарашларини илгари сурганда, “ваҳимали образлар”га урғу қаратади. Зотан, ғайритабиий тимсоллар ваҳимали образлардан шаклланган бўлиб, бу туркум образларнинг манбаи ҳам архетип образларга бориб тақалади.

Қадимги санъат асарларида, халқ оғзаки ижодида архетип образларни кўплаб кузатиш мумкин. Архетиплар бадиий тафаккурга боғлиқ ҳодиса бўлиб, у ёки бу ҳодисалар, образларнинг мазмунан такрорланишидир. Архетиплар ҳақида шундай бир қиёслаш қилиш мумкин: архетиплар орқали сўзлайдиганлар гўё минглаб овозлар чиқараётгандай бўлади [6, 110]. Бу эса адабий ҳодисанинг яхлитлигидан – бир бадиий тасвир воситасида ёки образда бир неча адабий ҳодиса ёки жараён мужассамлашувидан дарак беради. Архетиплар – бутун адабий жараённинг ибтидоси, келгусида адабий турларга ва жанрларга ажралиш тамойиллари ҳам архетиплардан кейинги ҳодисадир, яъни адабий тур ва жанрларнинг шаклланиши заминида ҳам архетиплар ётади. Бундан шундай фикрга келиш мумкинки, архетиплар синкретизм ҳодисаси билан зич боғлиқ ҳодиса бўлиб, бири иккинчисисиз юз бермайди. Архетип образлар рамзий образларга айланганда, адабий турлар ва жанрларга ажралиш жараёни юз беради.

Архетиплар умумий жараён бўлиб, уларни дунё халқларининг аксариятида учрайдиган мифологияга татбиқ қилиш мумкин. Дунё халқлари мифологиясидаги ҳар томонламалик (универсаллик) назарда тутилиб, архетиплар бир хил мифологик мотивга нисбатан татбиқ этилади. Бу ҳам ибтидоий даврда инсониятнинг бадиий тафаккуридаги ажралмаслик билан белгиланади.

Қадимги турк даврига оид маданий ва ёзма ёдгорликлар архетиплар ҳақида сўз юритиш учун энг ишончли омиллардир. Жумладан, қадимги туркий ёдгорликларда мавжуд бўлган қанотли ҳайвонлар, ярми инсон ва ярми ҳайвон шаклидаги жонзотлар, олам дарахти, ер, осмон каби тимсолларнинг дунё халқлари мифологиясида учрашини мисол қилиб келтириш мумкин. Айниқса, Ирқ битиги (VIII аср) архетип образларнинг қадимги туркий адабиётда мавжудлигини кўрсатадиган муҳим ёдгорликдир.

Шуни таъкидлаш керакки, архетиплар қадимги туркий ёдгорликлардаги оламнинг мифопоэтик модели таркибида мавжуддир. Кул тигин битигтошида Биринчи турк хоқонлигининг ҳукмдорлари Бўмин ва Истами образларига эътибор берайлик. Кул тигин битигтошининг биринчи сатри оламнинг мифопоэтик моделини ифодалайди: *Uza kok tangri asra yaghiz yar qilintuqta akin ara kisi oghli qilinmis. Kisi oghlinta uza achum apam Bomin qaghan Istami qaghan olurmis, oluripan turk bodunin alin torusin tuta birmis itu birmis* – Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда, иккисининг орасида инсон болалари яратилган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бўмин хоқон, Истами хоқон ўтирган, ўтириб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини тутиб турган, риоя қилиб турган.

Мифологик фикрлаш жараёнида архетиплар образга ўсиб ўтар экан, *тангри* ва *ер* тимсоллари билан бирга, *Бўмин* ва *Истами* архетип образлар сифатида тасаввур уйғотади. Чунки Кул тигин битигтошида улар илк инсониятнинг вакиллари образи сифатида талқин қилинган. Бу ўринда Бўмин

ва Истами тарихий шахслар бўлгани ҳолда, уларни ўзгармас образлар деб қараш керак. Улар қадимги туркийларнинг тарихи баён қилинган ёдгорликлар таркибида бўлганда ҳам, мифологик мазмунга эга бўлди, яъни уларда “илк инсоният” тушунчаси сақланиб қолди, реал тарихий шахслар мифлаштирилди. Қолаверса, тарихий даврга таъсир кўрсатувчи космогоник мифнинг бир кўриниши бўлган антропогоник мифнинг ва Марказий Осиёдаги энг қадимги тангричилик динининг мазкур парчада мавжудлиги ҳар иккала образни архетиплар сифатида тасаввур қилишни янада аниқлаштиради. Бу жиҳатларни назарда тутиб, туркий эпосларнинг аксариятида, жумладан, “Ўғузнома”да, ёқутларнинг “Қудратли эр Соготох” олонхосида ва бошқа бир қатор туркий эпосларда ҳам Кул тигин битигтошидаги оламнинг мифопоэтик модели борлигини ва бу моделлар таркибидаги қаҳрамонлар архетип образлар эканини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Мисол сифатида “Ўғузнома”да сақланган оламнинг мифопоэтик модели билан Кул тигин битигтоши бошланмасидаги ўзаро боғлиқлик, таъсирланиш ҳақидаги фикрларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Бизнинг олиб борган кузатишларимизга кўра, Кул тигин битигтоши мазмун ва тузилиш жиҳатидан “Ўғузнома”га яқин. “Ўғузнома”да воқеалар хронологиясида Кул тигин битигтоши хронологияси сингари, саналар аниқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, оламнинг ва ер юзидаги илк инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги архетип образлар мавжуд. Ўғуз, худди Бўмин ва Истами сингари, ўғуз туркларининг илк ота-бобоси ва ер юзидаги биринчи қаҳрамондир. Айни пайтда диққатга сазовор томони шундаки, “Ўғузнома” айнан Кул тигин битигтошидаги сингари, оламнинг яратилиши ва инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифни ўзида мужассамлантирган. Достон ибтидосида инсониятнинг яратилиши ҳақидаги мифнинг қисқа баёнига дуч келамиз: Bolsunghil deb dedilar. Anung angaghusi oshbu turur. Taqi mundan song sevinch taptilar. Kena kunlardan bir kun Ay qaghanning kozi yarub bodadi. Erkak oghul toghdi (1-1V) – Шундай бўлсин, дедилар. Унинг қиёфаси шундайдир. Яна шундан кейин севиндилар. Кунлардан бир кун Ой хоқоннинг кўзи ёриб болалади. Ўғил туғди.

Достон мазмунидан англашилишича, туғилган чақалоқ – Ўғуз ер юзидаги биринчи инсон, у ғайритабиий туғилган. Ғайритабиийлик архетипларнинг битта белгиси эканини эътиборга олсак, мифологик мазмун ғайритабиий образларнинг муҳим қисми сифатида яшашига гувоҳ бўламиз. Нафақат қадимги туркий ёдгорликларда, балки кейинги даврларда яратилган афсона ва ривоятларда ҳам биринчи инсон ғайритабиий туғилгани ҳақида мисоллар кўп. Жумладан, С.П.Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” номли асарида Қаюмарс афсонаси Хоразм ўлкасида яратилгани, Қаюмарс асли *Гавомард* бўлиб, Буқа-одам деган маънони билдириши ҳақида ёзади. Умуман, Қаюмарс ер юзида биринчи инсон бўлгани учун ярми буқа, ярми инсон кўринишида бўлган эди, яъни ғайритабиий образ сифатида юзага келган эди. Ёки Геродотнинг “Тарих” китобида скифлар тўғрисидаги афсоналарнинг бирида Скиф ярми аёл, ярми илон кўринишидаги жонзотдан туғилгани ҳақида ҳикоя қилинади [7, 189-190; 8, 16-17]. Бу афсонага яна мурожаат этишимиздан мақсад шуки, Ўғуз билан Скифнинг туғилиши ва фаолиятида ҳам уйғунлик бор. Умуман олганда, инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги кўп афсоналарда илк инсоннинг қиёфаси ғайритабиий хусусиятга эга. Бу ўринда ғайритабиий образларнинг пайдо бўлишини мифология билан бирга, иноч-эътиқодларга ҳам боғлаш ўринли бўларди. Зотан, иноч-эътиқодлар образлар ёки маълум ҳодисаларнинг қадимий қатламини ўзида сақлайди.

Ўғузнинг кейинги ғайритабиий фаолиятида ҳам иноч-эътиқодларга асосланган космогоник ёки мифопоэтик даврнинг изларини кўрамиз. Бу ўринда эпик қаҳрамонлар – Ўғуз ва қўрқинчли махлуқ ўртасидаги кураш илк эпослар учун хос бўлган мифологик сюжетдир. Бундай сюжетлар эпос шаклланишида муҳим вазифа бажаради.

Қадимги туркийларнинг турли табиий жисмларга топиниши, улардан мадад тилаши мифопоэтик даврни гавдалантиради. Масалан, Ўғуз бир жойда Тангрига (осмонга) ёлворганда, осмондан кўк нур тушади. Кўк нурнинг орасида бир қиз ўтирган эди. Бундан кейинги воқеалар космогоник мифнинг бир кўринишига оид бўлиб, қизнинг таъриф-тавсифи ва Ўғузнинг маиший ҳаётига оид саҳналарнинг мифологияга алоқаси йўқ. Ўғуз билан Тангри (осмон)нинг ўзаро муносабатлари ва Тангрининг яратувчилик фаолияти Кул тигин битигтошидаги Бўмин ва Истамининг Тангри (осмон) ва ер никоҳидан туғилгани мотивига ҳамоҳангдир.

Қадимги туркийларнинг осмон ва ернинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурлари уларни ер юзидаги энг қадимги халқ сифатида талқин қилишга муҳим омил бўлган. Бўмин ва Истами ер юзидаги энг қадимги халқнинг илк ҳукмдори сифатида уқилган экан, булар, шубҳасиз, архетип образлардир, чунки уларнинг образ сифатида шаклланишида мифологик тасаввурлар асос бўлган. Бу хоқонларнинг архетип образлар сифатида шаклланишига илк даврдаги эпос қаҳрамонлари ўз таъсирини ўтказган.

Адабиётлар:

1. Архетипы. – Мифы народов мира. Том 1.
2. Архетипы. – Мифы народов мира. Том 2, Москва, “Сов. энциклопедия”.

3. Геродот. История. Москва: Ладомир, 1993.
4. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Тузувчилар Раҳмонов Н., Болтабоев Ҳ. Тошкент, “Фан”, 2003.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ ҲУЖЖАТЛИ МАНБА (1897-1917 ЙЙ.)

Мирзаев Авазбек Толибжонович, Андижон давлат университети

In this article some archival documents kept in the fund of “ Turkistan Authority of Farming and State properties”, which had an important role in the development of cotton farming in Turkistan during the colonialism of Russian empire, are analyzed.

Key words: *authority, plantation, selection, cotton field, testing station, research (study), specialized, analysis, verst (old Russian measure of distance equal to 3500 feet or 1.067 km), sazhen (measure of length = 2.134 metres).*

Туркистон генерал губернаторлиги бошқаруви даври сифатида ватанимиз тарихида қолган 1867-1917 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ҳақида сўз кетганда ўлкадаги давлат тузилмалари фаолияти ҳам алоҳида ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, одатда Россия империяси министрликларининг ўлкадаги бўлинмалари ёки Туркистон генерал губернаторлиги миқёсида ташкил этилган бундай муассасалар фаолиятига тегишли иш ҳужжатлари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида сақланган бўлиб, сўнгги йилларда бу давр тадқиқотчилари учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Туркистонда ташкил этилган ана шундай давлат тузилмаларидан бири “Туркистон ўлкаси Зироат ва Давлат Мулклари бошқармаси” бўлиб, у 1897 йил 2 июнда тасдиқланган лойиҳа асосида, Туркистонда давлат мулкларини идора қилишнинг юқори органи ҳамда қишлоқ хўжалигининг умумий масалалари билан шуғулланувчи давлат тузилмаси сифатида ташкил этилган эди[2.116-117].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 7-фондида ушбу давлат органининг 1897-1917 йиллардаги фаолиятига тегишли 8901 та йиғма жилд сақланган бўлиб, ундаги айрим маълумотлар бир қатор тадқиқотчиларнинг Туркистонда пахтачилик тарихига бағишланган ишларида ҳам қисман ўз аксини топган[1]. Ушбу мақолада эса биз мазкур фондниг Фарғона вилоятида пахтачилик тарихига оид манба сифатидаги аҳамияти хусусида сўз юритамиз.

Фонддан ўрин олган материаллар Фарғона вилоятида ташкил этилган, америка пахта навларини иқлимлаштириш натижасида ҳосилдор янги пахта навларини яратишга ихтисослаштирилган тажриба муассасалар фаолияти борасида қимматли маълумотлар беради. Хусусан, Андижон тажриба пахта майдони, Андижон тажриба станцияси (Андижон, Аширбек ва Қирмачи тажриба участкалари уюшмаси), Қўқон уездидаги Ўлтарма тажриба плантацияси, Намангандаги Фарғона вилояти селекция станцияси ҳамда Қизилработ, Ойим, Ўш ва Жалолободдаги қишлоқ хўжалик станциялари шулар жумласидандир[4].

Агар фонднинг 1910-1916 йилларга оид, Фарғона вилоятидаги қишлоқ хўжалиги тажриба муассасалари фаолиятига тегишли йиғма жилдлардаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, аслида, ҳақиқатан ҳам пахтачилик соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Биргина Андижон тажриба пахта майдони мисолида оладиган бўлсак, унда янги бўлинмалар – метеорологик кузатув станцияси, кимёвий лаборатория, селекция ва боғдорчилик бўлимлари ташкил этилди. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Андижон тажриба пахта майдони маъмурияти томонидан махсус кутубхона хам ташкил этилган бўлиб, у ерда пахтачиликка оид турли рус ва хорижий тиллардаги илмий нашрлар ва журналлар жамланган. Фонддан ўрин олган Андижон тажриба пахта майдонининг 1903-1916 йиллардаги ҳисоботлари эса, айрим қисмлари Туркистондаги пахтачилик тажриба муассасалари фаолиятига доир ҳисоботларда чоп этилганига қарамай, тажриба пахта майдонида олиб борилган илмий тадқиқотлар ва натижаларни ёритишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади[5].

1912 йил ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган пахтакорлар сеъздида, ирригация ва янги ерларни ўзлаштириш, пахтанинг тезпишар янги навларни яратиш ва иқлимлаштириш масаласи, Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришнинг навбатдаги вазифаси сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган эди[3]. Шу сабабли бўлса керак, биринчи жаҳон уруши арафасида вилоятдаги пахтачиликка ихтисослашган тажриба муассасалари фаолияти ва уларга эътибор янада жонланганини кўриш мумкин. Фонддан ўрин олган 3311-йиғма жилддаги Фарғона вилояти агрономия ва қишлоқ хўжалиги бўйича инструкторларининг ҳисоботлари, 1910-1916 йилларда Фарғона вилоятида иш олиб борган ўнга яқин тажриба пахта майдонлари ва уруғчилик станцияларининг йиллик фаолияти, тажриба натижалари, моддий-техник базаси, молиявий аҳволи ҳамда кадрлар масаласи билан боғлиқ ҳолатини тасаввур қилиш имконини беради[6].

Қўқон уездидаги Ўлтарма ва асосий ҳудуди Андижон уездида бўлган Андижон, Аширбек ва Қирмачи тажриба участкалари уюшмалари Фарғона вилоятида ташкил этилган ана шундай янги тажриба муассасаларидан эди. Хусусан, Ўлтарма давлат уруғчилик плантацияси Қўқон уездининг Ўлтарма ва Чекбозор қишлоқларида, Ўрта Осиё темир йўлининг Серов (12 верста) ва Қўқон (15 верста) станциялари оралиғида жойлашган эди. Мазкур уруғчилик станцияси Ўлтарма (51 дес. 180 кв. сажень) ва Чекбозор (1 дес. 740 кв. сажень) номидаги иккита алоҳида экин майдонидан иборат бўлган. Станциядаги тажрибалар, унинг барча майдони 3 қисмга, улар эса ўз навбатида 24 та майда участкаларга бўлинган ҳолда олиб борилган. Хусусан, станцияда Кинг, Кўкчигит, Триумф, Жоржия, Аллен Кинг каби ўнга яқин америка пахта навлари иқлимлаштирилган.

Мазкур архив фондида вилоятдаги пахтачиликка ихтисослашган яна бир тажриба муассасаси - Андижон, Ашурбек ва Қирмачи давлат уруғчилик плантацияларининг 1913 йилдаги ҳолати - қишлоқ хўжалиги ва пахтачилик бўйича инструктор Г.А.Николаевнинг ҳисоботида ўрин олган. Мазкур станция бир-биридан мустақил учта плантацияда ташкил этилган бўлса-да, маъмурий-молиявий бошқаруви марказлаштирилган ҳолда ягона мақсадга йўналтирилган. Масалан, 1913 йилда Андижон ва Ашурбек плантациялари Андижон уезди Андижон эски шаҳарининг 3-кисмида, Қирмачи плантацияси эса Марғилон уездининг Асака волостида (Андижон шахридан 11 верста масофада) жойлашган бўлиб, уларнинг умумий майдони 15 десятинадан иборат бўлган. 1913 йилда мазкур экин майдонининг жами 11 десятинасига экин экилиб, шундан 7 десятина ерга пахта экилган. Юқорида қайд қилинганидек, бу ерда ҳам асосан тажриба объекти пахта экини бўлиб, асосан америка пахтасининг Кинг, Триумф ва Алленс навларини минтақа иқлимига мослаштириш устида изланишлар олиб борилган.

Мазкур уруғчилик плантациялари секин-аста ўз хўжалигини ҳам тиклаб борган. Хусусан, 1911 йилнинг кузида Андижон станциясида, 1912 йилда эса Қирмачида маъмурий бинолар, омборхона ва бошқа зарур иншоотлар барпо этилган.

Тажриба муассасаларида пахта ҳосилидан олинган даромад Туркистон ўлкаси Зироат ва Давлат Мулклари бошқармаси ҳисобига ўтказилган. Масалан, 1913 йилда Андижон тажриба пахта майдонидан ташқари, Фарғона селекция станцияси 26505 рубл, Қизилработ пахтачилик плантацияси – 12852 рубл, Андижон-2 (Андижон, Ашурбек, Қирмачи) – 1825 рубл, Ўлтарма пахтачилик станцияси 1425 рубл, Ойим пахтачилик плантацияси – 845 рубл, Жалолобод пахтачилик плантацияси 899 рубл даромад келтирган эди[7.99-100].

Фонддаги муҳим материаллардан бири, бу Тошкент давлат омборхонасининг Андижонда очилган қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналар омборхонаси фаолиятига тааллуқлидир. Пахтачилик учун зарур техник воситалар Тошкентдан водийга ўз вақтида етиб бормаётгани сабабли, мазкур филиал Фарғона вилоятида пахтачиликни ривожлантириш ва механизациялаш мақсадида 1905 йил март ойида очилган эди[8.103]. Бошқарма фондидаги йиғма жилдлардан ўрин олган ёзишмалар ва ҳисоботлар, Андижондаги омборнинг 1905-1917 йиллардаги фаолияти, моддий-техник базаси, имкониятлари ҳамда вилоятда пахтачиликнининг ривожланишида бу муассасасининг тутган ўрнини ёритишда муҳим ҳужжатли манба ҳисобланади[9.].

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, келгусида мазкур муассаса фаолиятига тегишли архив фонди ҳужжатларини тадқиқ этилиши, мустамлакачилик даврида Россия империясининг Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона вилоятида олиб борган аграр сиёсатида пахтачиликнинг тутган ўрнини ёритиб беришга хизмат қилади.

Адабиёт ва манбалар:

1. Зиёев, Ҳамид. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида(XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: «Шарқ», 2006;

2. Путеводитель. Центральный Государственный Исторический Архив УзССР (ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948.

3. Труды съезда хлопководов в г. Ташкент, с 25 ноября по 1-е декабря 1912 года. Том 1. Протоколы. – Т.: Типография при Канцелярия Туркестанск. Ген. губ., 1913.

4. Вилоятдаги тажриба муассасалари фаолияти ҳақида қаранг: ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилдлар: 2618, 2657, 2730, 2731, 2771, 2789, 3053, 3147, 3175, 3215, 3226, 3311, 3342, 3377, 3378 ва бошқалар.

5. ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилдлар: 2618, 3053, 3175, 3334, 3432, 3433, 3511.

6. ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилд 3311.

7. ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилд 3378.

8. ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилд 2426.

9. ЎзР МДА, фонд И-7, 1-рўйхат, йиғма жилдлар 2426, 2427, 2812.

SHARQONA TARBIYADA-MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING UYG'UNLIGI

Tosheva Dildora Iskandarovna, BDUning "Pedagogika" kafedrasi o'qituvchisi

O`zbekistonda mustaqillik sharofati bilan ma`naviy qadriyatlar asosida yoshlarni tarbiyalash masalasiga e`tibor kuchaytirildi.

Shu ma`noda yoshlar tarbiyasini ma`naviy-axloqiy qadriyatlar bilan uyg'un holda tashkil etish ham nazariy, ham amaliy jihatdan muhim ahamiyatga ega. Chunki milliy qadriyatlar shaxsni shaklantirishda muhim va asosiy omil hisoblanadi. Milliy va umuminsonniy qadriyatlardan tarbiya jarayonida foydalashning mazmuni va o`ziga xos usulari sharq mutafakkirlari Al-Farobiy, Abu-Rayxon Beruniy, Ibn-Sino, Maxmud Qashg'ariy, Yusuf Xos Hojib, Nasriddin Tusiy, Jaloliddin Davoniy, Alisher Navoiy, Xusayn Voiz, Koshifiy va boshqalarning ta`limiy-ahloqiy asarlirida o`z ifodasini topgan. Bu asarlar hozirgi davrda ham qadriyat sifatida,ham yoshlarda yuksak ahloqiy fazilatlarni shakllantirishda muhim tarbiyaviy dastur deyshimiz mumkin.

Bugungi kunda yosh avlodni har tomonlama ma`naviy barkamol inson sifatida shakllantirish dolzarb muammolardan hisoblanadi.

Respublikamiz Prezidenti Islom Karimov "Yuksak ma`naviat - engilmas kuch" nomli kitobida "Har qaysi xalq yoki millatning ma`naviyatini uning tarixi, o`ziga xos urf-odat va an`analari, hayotiy qadriyatlaridan ayro holda tasavvur etib bo`lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma`naviy meros ,madaniy meros madaniy boyliklar, ko`hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omilardan biri bo`lib xizmat qiladi" , - deb ta`kidlaydi.

Zero, yosh avlodning ma`naviy-ahloqiy tarbiyasida milliy qadriyatlar muhim ahamiyat kasb etadi. Ma`lumki, har bir millatning ma`naviy boyligi milliy va umuminsoniy qadriyatlardan tarkib topadi

Ma`naviy-axloqiy qadriyatlar insonlarning talab va ehtiyojlari asosida aql-zakovat bilan yaratilgan, ularning tasavvuri, tafakkuri, kelgusi orzu-istaklari, e`tiqodi, ahloq qoidalarini o`zida mujassam etgan, amaliy hayotda sayqal topgan ma`naviy boylik bo`lib, tarbiyaning tayanch vositasi hisoblanadi.

Ma'naviy qadriyatlar va milliy o'zlikni anglashning tiklanishi. Biron -bir jamiyat imkoniyatlarini, odamlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. Xalqning madaniy qadriyatlari, ma'naviy merosi ming yillar davomida Sharq xalqlari uchun qudratli ma'naviyat manbai bo'lib xizmat qilgan. Uzoq vaqt davom etgan qattiq mafkuraviy tazyiqqa qaramay, O'zbekiston xalqi avloddan avlodga o'tib kelgan o'z tarixiy va madaniy qadriyatlarini hamda o'ziga hos an'analarini saqlab qolishga muvaffaq bo'ldi. Mustaqilligimizning dastlabki kunlaridanoq ajdodlarimiz tomonidan ko'p asrlar mobaynida yaratib kelingran g'oyat ulkan, bebaho ma'naviy va madaniy merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan nihoyatda muhim vazifa bo'lib qoldi. Biz ma'naviy qadriyatlarni tiklashni milliy o'zlikni anglashning o'sishidan, xalqning ma'naviy sarchashmalariga, uning ildizlaridan iborat uzviy, tabiiy jarayon deb qaraymiz.

Yosh avlodni qadriyatlar asosida tarbiyalashni yana bir muhim jihati - bu ularni mehnat qilishga, ishbilarmonlik, tadbirkorlik, xususiy mulkchilik xislatlarini o`rgatishda adolatlilik, e`tiqodlilikni tarkib toptirishdir. Bu Vatan, xalq manfaati uchun fidoiylik ko`rsatishda eng muhim fazilatlar bo`lib hisoblanadi.

Xalqimiz siyosiy mustaqillik va ozodlikni qo'lga kiritgach, o'z taqdirining chinakam egasi, o'z tarixining ijodkori, o'ziga hos milliy madaniyatining sohibiga aylandi.

Tarix xotirasi, xalqning, jonajon o'lkaning, davlatimiz hududining xolis va haqqoniy tarixini tiklash milliy o'zlikni anglashni, ta'bir joiz bo'lsa,milliy iftixorni tiklash va o'stirish jarayonida g'oyat muhim o'rin tutadi. Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisiga aylanib bormoqda. Buyuk ajdodlarimizning ishlari jasoriyatlari tarixiy xotiramizni jonlantirib ,yangi fuqorolik ongini shakllantirmoqda. Axloqiy tarbiya va ibrat manbaiga aylanmoqda. Tarixiy tajriba, an'analarining meros bo'lib o'tishi- bularning barchasi yangidan-yangi avlodlarga tarbiyalaydigan qadriyatlarga aylanib qolmog'i lozim. Bizning madaniyatimiz butun insoniyatni o'ziga rom etib kelayotgan markaz bo'lib qolganligi tasodif emas. Samarqand, Buxoro, Xiva faqat olimlar va san'at ihlosmandlari uchungina emas, balki tarix va tarixiy qadriyatlar bilan qiziquvchi barcha kishilar uchun ziyoratgohga aylangan. Xalqimizning etnik, madaniy va diniy sabr-bardoshi ma'naviy uyg'onishning yana bir bitmas- tuganmas manbaidir. Ming yillar mobaynida Markaziy Osiyo g'oyat xilma-xil dinlar, madaniyatlar va turmush tarzlari tutashgan va tinch totuv yashagan markaz bo'lib kelgan. Etnik sabr- toqat, bag'rikenglik hayot bo'ronlaridan omon qolish va rivojlanish uchun zarur tabiiy me'yorlarga aylandi.

Milliy va umuminsoniy qadriyatlardan tarbiya jarayonida foydalanishning yana bir jihati ularning yosh avlodda milliy g'ururni shakllantirish bilan boqliq masalalardir. Har bir yoshga shu vatanda yashash tuyg'usini, ona-zamin, yeru osmonni sevish, atrof-olam barchasi insonga xizmat qilishini his etish va bundan g'ururlanish tuyg'ularining paydo bo`lishiga undaydigan qadriyatlar san`at va tarixiy asarlar, badiiy adabiyot, xalq og'zaki ijodi, bayramlar ,kino, teatr va boshqalarda o`z ifodasini topgan va bular yosh avlod ongi va qalbiga bevosita samarali ta`sir etadi.

Prezdendimiz aytganlaridek-" Farzandlarimiz bizdan afzalroq, o'tkirroq, pokroq va savobli ishlarni bizdan ham ko'proq qiladigan bo'lishlari lozim.Ular jahon umumbashariy yutuqlarini egallashi tariximizni, madaniyatimizni, ajdodlarimiz qoldirgan me'rosni chuqur bilmog'i kerak".

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxari.

1. I.A.Karimov «Istiqlol va ma'naviyat» Toshkent. «O'zbekiston» , 1994 y
2. Karimov I.A. O'zbekistonning siyosiy – ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyillari. – T.:"O'zbekiston", 1995
3. Nishonova S. Ezgulik yo'li.-T.: «Ma'naviyat». 2001
4. Jo'raev N. O'zligingni anglash mavridi. - T.: O'zbekiston, 1990.
5. Munavvarov A.K. «Pedagogika» tahriri ostida. Toshkent. «O'qituvchi».1996

NAJMIDDIN KUBRO IJODINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

Z.I .Hamidova, Buxoro madaniyat kolleji ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi

In this article there is indentified about Najmiddin Kubro`s (who gave his best to science and culture in XII century ) creation`s up bringing.

Ko`hna sharq madaniyati, tarixi, adabiyoti va san`ati dunyo tamaddunda alohida o`rin tutadi. Ulug` ajdodlarimiz al Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy , Abu Nasr Forobiy Ahmad Yassaviy, Bahovaddin Naqshbandiy, Pahlavon Mahmud , Alisher Navoiylar Ilm- fan , adabiyot va san`at sohasida mislsiz yutuqlarga erishib , ularning ibtidosini boshlab bergan. Mana shunday buyuk zotlardan biri adabiyotimiz tarixida munosib o`rin egallagan ijodkor , mutasavvuf shoir javonmardlik (kubraviya, so`fiylikning O`rta Osiyo va qisman Erondagi oqimlaridan biri. Kubroviylar qur`onni mistik talqin etib,ovoz chiqarmasdan zikr etganlar, 13-14 asrlarda ancha rol o`ynagan [Ensiklopedik lug`at.Toshkent-1988] ) tariqatining asoschisi vatandoshimiz Najmiddin Kubro hisoblanadi. O`zbekiston mustaqilllikka erishgan kundan boshlab o`tgan qisqa vaqt ichida o`zbek xalqi ijtimoiy-siyosiy , iqtisodiy va madaniy sohalarda katta yutuqlarga erishdi: o`z tarixiga yangicha tafakkur asosida yondoshish , ulug` ajdodlar qoldirgan boy madaniy, ma`naviy merosni o`rganish sharafiga muyassar bo`ldi, milliy g`ururi qayta tiklandi; respublikada ilm-fan , jumladan pedagogika yangi taraqqiyot bosqqichiga ko`tarilmoqda. O`tmishdagi tafakkkur daholarining shuhratini tiklash,ularning g`oyalarini xalq hayotiga tatbiq etishdek ulug` ishlar amalga oshirilmoqda. Qadimdan ota-bobolarimiz yosh avlodning hayoli, iboli imon-e`tiqodli komil inson qilib tarbiyalashga alohida e`tibor berganlar . Bu ishda islomiy tarbiyaning ma`naviy-ma`rifiy ahamiyati katta bo`lgan . Islom dini inson ma`naviyatini poklashga muhim mavqeni egallagan Bu haqida yurtboshimiz ning :``Islom dini-bu ota-bobolarimiz dini ,u biz uchun ham iymon, ham axloq ham diyonat , ham ma`rifat ekanligini unutmaylik`` [I.A. Karimov O`zbekiston siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyilllari`I O`zbekiston nashriyoti1996,54-bet] degan so`zlarida o`z ahamiyatini topgan. Tasavvuf ta`limoti islom dini paydo bo`lgandan so`ng, uning doirasida Qu`r`oni Karim va Hadisi sharif ahkomlariga mos ravishda paydo bo`ladi. X-XI asarlarda Movarounnahr umuman musulmon mamalakatlari xalqlarining ijtimoiy-siyosiy madaniy- ma`naviy hayotida g`oyaviy oqim sifatida keng yoyiladi.

Buyuk mutasavvuf shoir Najmiddin Kubro 1145 yilda Xiva yaqinidagi Sayot qishlog`ida tavallud topdi. Uning nomi yetti yoshligidanoq jahonga mashhur bo`ldi. O`z zamonasi ilm-u urfonida unga teng keladigan birorta olim bo`lmagan. Najmiddin Kubro haqida Alisher Navoiy o`zining mutasavvuf ijodkorlar haqida ma`lumot beruvchi ``Nasoyimul muhabbat`` asarida shunday yozadi: Alarg`a Kubro ondin laqab boldiki, har kim bilan muhokama va mubohasa qilurlaar ermish , ul kishi g`olib bo`lurlar ermish.``[ Alisher Navoiy ``Nasoyimul muhabbat``] Buyuk alloma Jaloliddin Rumiy, Pahlavon Mahmud, kabi ijodkorlrning shakllanishida ma`naviy ustoz vazifasini o`tagan. Najmiddin Kubro ``Al usul al ashara``(``O`n usul``), ``Risolayi Najmiddin`` kabi falsafiy-tasavvufiy asarlar yozish bilan birga adabiyotimiz tarixiga o`zining qator sermazmun ruboiylari bilan ham hissa qo`shgan. Adib she`riyati hayotiy falsafa bilan yo`g`rilgan. Ularni o`qish orqali hayotdagi sabab va oqibat, butun va qism, tasodif va qonuniyat orasidagi bog`lanishlar tahliliga duch kelamiz.

Mumtoz adabiyotni sharhlashda biz albatta tasavvuf ta`limoti nuqtayi nazaridan yondoshsakgina asar mazmunini , va ijodkor aytmoqchi bo`lgan fikrlarni to`liq anglamog`imiz mumkin.Tasavvuf ham diniy g`oyadir. Undagi «Mo`minning mo`minga zulmi haromdir» qabilidagi shiorlari soddadil odamlarni o`ziga maftun qiladi.Tasavvuf Islomning o`zi bilan birga rivojlanadi va keng omma orasiga yoyiladi. Shunga ko`ra bu oqimni dunyodagi ko`plab xalqlarning ijtimoiy-falsafiy hamda badiiy tafakkurida uchratish mumkin.Tasavvuf insonning ma`naviy kamolotga erishish yo`lidir. Bu yo`l to`rt qismga ajratiladi: 1) shariat; 2) tariqat; 3) ma`rifat; 4) haqiqat.

Haqiqat tasavvufning eng yuqori - oliy bosqichidir. Unda ezgulik va yomonlikning mohiyatini to`la anglab yetish, har qanday ko`ngil istaklarini pinhon tutishning uddasidan chiqish hamda shariat, tariqat, ma`rifat talablarini to`liq bajarish talab qilinadi. Tasavvuf, asosan, ma`naviy jarayondir. Unda inson qalbini boyitadigan omillarga chorlov nihoyatda kuchli Ishq odamning odamgagina bo`lgan muhabbatidan iborat emas. Bu ishq

insonning Haqqa, haqiqatga, muhabbati hamdir. Muhabbatning maskani — ko`ngil. Shuning uchun ham tasavvuf adabiyotida ko`ngil obrazining atroflicha tasviri kuzatiladi.

Tasavvuf o`zbek adabiyotini ham yangi-yangi go`zal fikrlar, g`oyalar, obrazlar tizimi bilan boyitdi. Bu adabiyotning yuksalishi va takomiliga ijobiy ta`sir ko`rsatdi.

Najmiddin Kubro ruboiylarini sharhlashga ham mana shu ta`limot nuqtayi nazaridan yondoshadigan bo`lsak , samarali natijalarga erishishimiz mumkin.

Yo`linda samar hadis va afsona ermish,
Ko`yingda kezib el bari devona ermish
Savdoying ila men kabi ming dilso`xta
Ka`ba sarimas azimi butxona ermish.

Ma`lumki Ishq azaldan to abad insoniyat bilan yonma yon shaklangan eng oily tuyg`u hisoblaninadi.Chunki insonnning o`zi tangri muhabbatining mukammal mahsulidir. Tasavvuf ta`limoti bo`yicha ishq bu haqiqatga erishish yo`lidagi asosiy vosita.U borliqni harakarga keltiruvchi asosiy kuch. Ishq yo`lida aytilgan gaplarning bari hadis va afsonalarga aylangan. Bu tushunchani har bir ijodkor o`zgacha bir talqini tavsiflarda bayon etgan. Najmiddin Kubro talqinidagi bu oliy tushunchaning talqini o`ziga xos tarzda namoyon bo`lgan. Ko`yida bari elni devona qilgan , ulug` allomani ham oshiqi zor etgan Ma`shuqa esa butun olam go`zalliklarining ibtidosi asosi Olloh hisoblanadi. Unga erishish, haq diydoridan bahramand bo`lish uchun haqiqat yo`liga kirgan kishi albatta bu o`tkinchi dunyoning hoyi havaslaridan voz kechib ko`ngil pokligini insoniy, fazilatlarni birinchi oringa qo`ymog`I joiz. Bu juda ham mushkul va ayni damda juda ham oson savdo hisoblanadi.

Mana shu poklanish orqali inson o`zligini, o`z mohiyatini anglab yetadi Alisher Navoiy o`zining ``Lisonut tayr`` (Qush tili)kabi adabiy- tasavvufiy asarida ularni majoziy ravishda haqiqat izlab yo`lga chiqqan qushlar timsolida ko`rsatib bergan. [Alisher Navoiy ``Lisonut tayr``].. . Ular mana shu haqiqatni idrok etib anglash uchun ham 7 ta vodiyda riyozatlarni boshdan kechirishadi. Ruboiyning oxirgi misrasida esa . Alisher Navoiyning ``Lisonut tayr`` asaridagi ishq dardida o`zligini unutib butxonada (cherkovda) g`olaxlik qilgan shayx Shayx San`on nazarda tutilmoqda.

Ul boda ichib demasmen: hushyor bo`layin,
Bu mastliq aro nainki hushor bo`layin.
Bir jomi tajalliyi jamoling menga bas,
To yo`qligu borlikdin bezor bo`layin…

Ichganda hushdan ayiradigan, bedorlikdan bezishga asos bo`lgan may ya`ni bodaning ramziy ma`nosini sharhlashga biz Kubro shaxsiytiga tayanishimiz mumkin. Haqiqat yo`lida sobitqadam bo`lgan oshiq ishqda sadoqatrni birinchi o`ringa qo`yadi. Hech qachon ``ma`shuqa jamoli tajalliysiga`` ya`ni haqiqatga erishishdan ortga chekinmaydi, o`z ishqidan voz kechmaydi. Haqiqiy ishq esa o`zining ahdu vafosi va sadoqati bilan go`zaldir. Najmidin Kubro ham o`z hayoti davomida ozi tanlagan haqiqat yo`lidan voz kechmadi. U tasavvuf ta`limotini chuqur o`rganib idrok etib unda o`z yo`lini o`z tariqatini ishlab chiqdi .Ulug` alloma Najmiddin Kubro boshlab bergan javonmardlik tariqatining asosiy mohiyati saxovat, shafqat, tama`dan xoli bo`lish va muhtojlar g`amiga sheriklikda namoyon bo`ladi .

Har lahza bu mardonayu farzona ko`ngil ,
Yongay sening ishqingda jonona ko`ngil.
Bir lahza muhabbat mayini tark etsam,
To`lgan shu jigar qoniga paymona ko`ngil.

Buyuk shayx umrining oxirgi lahzalarigacha o`z javonmardlik, vatanparvarlik kabi aqidalariga sodiq qoldi Chingizxonday shafqatsiz bir xoqon ham Najmiddin Kubroga o`z yaqinlari bilan shahar tashqarisiga chiqib ketishga ruxsat bersa-da .Shayx esa bu marhamatni rad etib, Xorazmshoh tashlab qochgan Ona vatani himoyasiga qilich ko`tarib, 76 yoshida mardona kurashadi. Alisher Navoiy bergan ma`lumotlarga ko`ra u bir hamlada dushman bayrog`ini tortib olgan va o`lganidan keyin ham uni qo`lidan bo`shatmagan. O`n nafar yog`iy harchand urinib bayroqni ololmagan. Shunda shahid shayxning barmoqlarini bittalab chopganlar.

Buyuk salaflarimiz ijodini o`rganish , ular ijodining asl mohiyatini yosh avlodga yekazib berish orqali biz ularda mehnatsevarlik, insonparvarlik, vatanparvarlik kabi fazilatlarni shaklantirishimiz mimkkin. Bu o`rinda Najmiddin Kubro kabi buyuk vatandoshimizning hayot yo`li ibratga arzigulikdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Alisher Navoiy ``Nasoyimul muhabbat``
2 Alisher Navoiy ``Lisonut tayr``
2 I.A. Karimov ``O`zbekiston Siyosiy-Ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyilllari` O`zbekiston nashriyoti. 1996,54-bet
3. Ensiklopedik lug`at.Toshkent-1988.

МУТАФАККИРЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ж.С.БОТИРОВ, БухДУ, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

Ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантириш ҳар бир даврда жамиятиинг асосий вазифаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки, ахлоқий пок, шахси гўзал бўлган халқнинг маънавияти ҳам юксак ҳисобланади. "Ўзбек халқи азалдан ўзининг маънавияти ва маданияти билан машҳурдир. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий ва бошқа Ўрта Осиё мутафаккирлари халқимизнинг маданиятини ривожлантиришга, маънавиятини бойитишга улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган асарларда инсоннинг орифлик, фозиллик, комиллик даражаси ва уни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари аниқ, ифодалаб берилган. Шунинг учун ҳам буюк аждодларимизнинг бебаҳо асарлари маънавиятимизнинг асоси ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг негизи ҳисобланади.

Ушбу алломаларимизнинг фикрича инсон қуйидаги фазилатларга эга бўлсагина фозиллик, комиллик поғонасига қадам қўяди: биринчидан, илмдан орттирилган хислат, иккинчидан, ички ва ташқи кўринишдан топилган хақиқат, учинчидан, ақл туфайли ҳосил қилинган хулқ-атвор, тўртинчидан, молу мулкдан ҳам зиёда бўлган саломатлик. Бундай фазилатлар фақатгина маънавий-ахлоқий шаклланган кишидагина бўлиши мумкин. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбия замирида ақл-фаросат, илму одоб, хушфеъллик, поклик, ҳалоллик, виждонлилик, меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат каби инсоний фазилатлар ётади.

Фозиллик асосан Форобий педагогик таълимотида назарий-амалий жиҳатдан тўлиқ ифодасини топа олган. Айниқса, юқорида таъкидлаб ўтилган хусусиятларни улуғ аллома Абу Наср Форобий ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Ақл маънолари ҳақида рисола», «Илмларнинг таснифи ҳақида», «Китоби ахлоқ», «Фозил одамлар шаҳри», «Мусиқа хақида катта китоб», «Бахт - саодатга эришув ҳақида» каби бир қанча асарларида алоҳида қайд қилиб ўтади. Шунингдек таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини таълимий-ахлоқий асарларида баён қилар экан, у ҳам жисмоний, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан гўзал бўлган инсонгина етук бўлади ва у кишини фозил инсон деб аташ мумкин деган хулосага келади.

Форобий фозил инсон тарбиясининг мақсадини ундаги ёқимлилик, гўзал хатти-ҳаракатлар намоён қилиши энг олдин ўз табиатини, ўз ҳиссий-руҳий, руҳиятининг хусусиятларини ҳақиқатга йуналтирган бўлишидадир, деб белгилайди. Шунга кўра Форобий фозил инсон камолоти, бахти, таълим-тарбияси, маънавий-ахлоқий қиёфаси, эътиқоди, Ватанга садоқати, ота-онага меҳри каби хислатларини педагогик таъсирнинг ўгит, насиҳат каби усуллари тарзида баён қилади.

Абу Наср Форобий ўзининг фозил инсон тўғрисидаги орзу-идеаллари, қарашлари, ғояларини «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида кенгроқ ва чуқурроқ баён қилади.

Маълумки, маънавий-ахлокий тарбиянинг муҳим хусусиятларидан бири касб-ҳунарга ўргатишдир. Шунга асосан Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида касб-ҳунар эгаллаш тўғрисида ҳам фикр юритиб, ҳунар инсонни бахтга эриштирувчи, фозилликка етакловчи муҳим омил деб билади ва барча инсонлар малакали ҳунар эгаси бўлишлари лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Форобийнинг фикрича, инсондаги гўзал фазилатлар, хусусиятлар ахлоқ-одоб, касб-ҳунар, одат, ирода билан, яъни таълим ва тарбия йули билан ҳосил қилинади. Шунга кўра Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилиб, унга шундай таъриф берилади:

“Таълим” деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракатга, касб-хунарга берилган бўлишидир. Агар улар иш, касб-хунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-хунарга жалб этса, демақ улар касб-хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар».

Ҳақиқатдан ҳам Форобийнинг фозиллик ғояси ҳозирги кун ва ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси рухида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Берунийнинг инсон ҳақидаги ғояларини ўрганиш, бахт-саодат йулида олиб борган ишларини ўқувчиларга тушунтириш, унинг хикматларини ўргатиш мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг асосий омилидир.

Беруний ёшларнинг илмли, маънавиятли ва маърифатли бўлишига алоҳида аҳамият берган. У илм даргоҳига кирган кишининг қалби пок бўлишини, ёмон иллатлардан сақланишни таъкидлайди.

Беруний одамийлик ва мардлик хақида фикр юритиб, мард киши ҳақиқат учун курашади, ҳеч қандай таъқиб ва хавф-хатарга қарамай, ёлғонга қарши курашиши лозимлигини уқтиради. Абу Райҳон Беруний «Жавоҳирот» китобида одамгарчилик масаласини қуйидагича таърифлайди:

«Одамгарчилиқ яъни мурувват кишининг ўз уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик, футувват эса ундан ҳам устун туриб ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатга чидаб берса, зиқналик килмасдан, унга ато қилинган нарсаларни бировларга илинса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади: у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатдан эмас, балки, ҳақли равишда ўша сифатлари билан эҳтиром қилинади».

Абу Райҳон Беруний халқни илм олишга даъват қилар экан илмнинг хосиятини шундай таърифлайди:«Илмлар кўпдир, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаш ўша иқболнинг белгисидир». Беруний саховатлиликни ҳам ахлоқийликнинг муҳим мезони деб билади. Унинг фикрича, одам ҳамма вақт бошқаларнинг бахт-саодати ҳақида ўйлаши лозим. Мурувват инсоннинг чинакам ахлокий хислатларидан бири бўлиб, Берунийнинг фикрича, бундай-одамлар хайрихоҳ бўлади, бойлик орттиришга интилмайди, дехқончилик савдо-сотиқ, ҳунармандчилик каби ишлар билан шуғулланиб, ҳалол меҳнати билан яшайди. Мурувватли киши мард бўлиб, мол мулкидан бошқа хеч нарсага эга бўлмайди. Беруний саховат ва раҳмдиллик қатъият, сабр-тоқат ва камтарликни юксак инсоний хислатлар деб билар эди. Шу сабабли Абу Райхон Берунийнинг таълимотида инсон асосий ўринни эгаллайди. Инсонни доимо комиллик даражасига эришиши ҳакида фикр юритади ва аксинча, Беруний зиқналиқ, ёлғончилиқ, мунофиклиқ хушомадгўйликни, айниқса, кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятлари ва ахлокий хислатларга эга бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини каттиқ қоралайди.Ўқувчи-ёшларга Абу Райхон Берунийнинг маънавий-ахлоқий карашларини, ҳаёти ва фаолиятини қизиқарли ва мазмунли равишда тушунтириш, уларнинг тафаккурини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, буюк алломаларнинг ахлоқий қарашлари ёш авлодга қанчалик чуқур тушунтирилса, уларнинг мазкур алломалар ҳаёти, улар яшаган давр ва ниҳоят таълимий-ахлокий карашлари билан шунчалик яқин таниш бўладилар.

ШАРҚ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Башорат Жамилова, БухДУ доценти.
Жаҳонгир Холлиев, БухДУ ҳузуридаги 4-сон академик лицей ўқитувчиси

Ключевые слова:образования, исторические эссе, традициявосточная воспитания и наука, мудрость, истоки медресе и школ.

Key words:education, tradition,forever, master, student-applicant,science-kulture, historical source, orient raising,

Таълим ва тарбия, илм ва фан ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётини белгиловчи омил ҳисобланган. Шарқ ана шу омилнинг бешиги эканлиги билан шуҳрат қозонди. Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва трабия ривожланганига энг қадимги адабий ёдгорликлар гувоҳдир.Адабиётшунос олим Ҳомиджон Ҳомидий “Авесто”даги далилларга таяниб, ўша даврда ҳам таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилганини таъкидлайди [6,67]. Яъни чорвадорлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ёки боғдорчилик билан шуғулланган қавмларда ўз касблари хусусиятидан келиб чиқиб, қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиши шарт бўлса; ўғил болалар молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Айниқса, энг биринчи мактабларнинг ҳам шу заминда очилиши ўлкамизда таълим-тарбиянинг қадимийлигидан далолатдир. Ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилиши, мадраса типидаги билим даргоҳлари ташкил қилиниши, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилиши; таълим жараёнига математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар киритилгани Ўрта асрлардаги буюк Шарқ мутафаккирларининг етишиб чиқиши учун мустакам замин ҳозирлаганига шубҳа йўқ. “Авесто”нинг икки жилдлик сўнгги форсий нашри билан танишган устоз Ҳ.Ҳомидий яна бир асосли далилга дуч келади: таълимни амалиёт билан боғлаб олиб борилиши ҳам ўша вақтлардан бошланган экан. Оташкадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ, сиҳатгоҳ, дорихоналар айни пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ўтаган. Ёдгорликдаги хотларда ота-оналар ҳамма нарсани яратувчи, ҳар икки олам сеҳрини билгувчи, барча билимлар мояси Яздондан:“Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимишли, ишбилармон ўғлон бер” деб сўралган.Тарихий манбалар яна қадимги Турон ва Эронда V асрдаёқ илк билим масканларининг дастлабки кўриниши ҳунар мактаблари

сифатида бунёд этилганлигини ойдинлаштиради. Жумладан, сосоний ҳукмдор Фируз Шаҳриёр (459-483) салтанати замонида шахсан унинг дастури асосида бунёд этилган шундай ўқув масканида 800 нафар талаба таҳсил олганлиги, унда фалсафа, фалакиёт, тиб, механика, физика, шеър ва мусиқа илмлари ўрганилгани қайд этилади.[4,67]

Инглиз шарқшуноси Э.Браун эътирофича, Шопур ҳунармандчилик жамиятида 529 та кутубхона бўлиб, уларда мусиқа, фалсафа, ҳандаса, тиб,фалакиёт,юлдузшунослик, ҳисоби ҳандаса, физика, механика, доришунослик, ахлоқ, шеър илмига оид китоблар жамланган. Бинобарин, аждодларимиз маънавий камолот йўлидаги илк қадамлари вақтидаёқ таълим тизимининг самарали томонларига эътибор қаратишгани аёнлашаётир.

IX-X асрларга келибўлкамиздатаълим-тарбия шу анъаналар асосида давом эттирилган. Зардуштийлар эҳромлардаги сиғиниш маросимида ўз коҳинлари ёхуд улуғларнинг мамлакат ва халқ аҳволи ҳақидаги эътиқодига содиқлик, ҳаёт янгиликлари, одоб-ахлоқ ва турмуш кечириш учун риоя қилиниши шарт саналган қонун-қоидалар тўғрисида сўзлаган, ваъз-насиҳатларини тинглаб ҳаёт сабоғини олган бўлсалар, араблар ўзларининг исломлаштириш сиёсатларини амалга оширишда бу анъаналардан фойдаланиб, эҳромлар ўрнига масжидлар бунёд этишган, унинг ҳузурида ўқиш хоналари, ҳужралар, мактаблар қуришга диққатни қаратган. Наршахий мусулмон оламидаги илк мадраса ва мактаб712-713йилда Қутайба ибн Муслим томонидан Бухорода зардуштийлар эҳроми ўрнида қурилганини хабар беради.[3,124] Кейинчалик бундай мадрасалар Бухорода кўплаб бунёд этилгани ҳақида Абдурауф Фитрат асарларидан билиш мумкин. Жумладан, адиб "Ҳинд сайёҳи баёноти" асарида Бухородагиикки юзга яқин мадрасаларномини тилга олиб, улардан 33 таси олий, 39 та ўрта ва юздан ортиқ қуйи тоифадаги мадрасалар эканлигини маълум қилади. Шунингдек, Бухорода 300 та қуйи мактаб, 11 та кутубхона борлиги таъкидланган. Бу рақамлар оламга 400 олимни берган Бухоройи шарифнинг XX аср бошларидаги жаҳолатга юз тутган аҳволини баён қилиш муносабати билан қайд этилган.[5,112]

XV-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатларидаҳам таълим-тарбия анъаналарининг қадим илдизлари кузатилади. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи рашидий" асари шу жиҳатдан Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга айрим тарихий шахслар тарбияси, салтанат ва сулолардаги илм-ҳунарлар тўғрисида маълумот бера олади. Масалан, асарда Бобур мирзонинг Ҳайдар мирзога ҳам оталик, ҳам устозлик қилгани ҳақидаги қуйидаги эътироф келтирилган: "Мен Кобулда анча вақт Бобур подшоҳ хизматида доруломонликда кун кечирдим. У мудом меҳрибончилик билан бошимни силаб, гоҳ илтифот билан, гоҳ қатъий амр билан мени илм эгаллашга ундарди. Агар менинг озгина билим эгаллаганимни сезса, у янада илтифотлироқ бўлиб, ҳаммага бу ҳақда гапирар ва мени руҳлантиришларини талаб қиларди..."[2,18]Бунда замонавий таълим-тарбия илдизлари яққол кўринаётир. Боланинг билим олишида рағбат ва эътирофҳам, қатиққўллик ҳам нечоғли зарурлиги аён бўлади.Султонлар тарбиясининг шунга ўхшаш яна бир амалий жиҳати муаллифнинг бошқа бир ҳикоясидакузатилади. Бобур Бухоро ва Самарқандни 1511 йилда жанг билан олганида унинг ёнида Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам бўлган. Бобур Кўли Малик жангида Убайдуллохондан енгилиб, Ҳисорга чекинганида, Султон Саидхон муттасил илтимос қилгани учун 12 ёшли Ҳайдар мирзони Андижонга жўнатади. Султон Саидхон Ҳайдар мирзони сабот билан салтанат ишларига тайёрлайди. У турли-туман ишларни буюриб, уларнинг фойдаси ҳақида шундай дейди: "Йигитларимиз хизматга қадам қўймагунча уларда қобилият пайдо бўлмайди.Улуғ ишларда, катта йиғинларда, обрў-эътиборли кишилар–хоқонрлар, султонлар, вазирлар, амирлар йиғилган жойларда катталар билан бирга бўлиб, уларнинг хизматида бўлишса, бу ишларда кўнгиллари ва кўзлари пишиб, йирик йиғинларда ҳайрон қолиб ўтиришмайди. Ёшлар дадил, ўзларига ишонган бўлишса, уларни кўрган одамнинг дилида уларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, улардаги бу фазилатлар юрт сўраш ишида куч-қудратга эга бўлишларида асқотади. Агар бундай хизматни билим ва кўникмага эга бўлмаган одам бажарса, у бошқаларга зарур топшириқларни беролмайди, уларнинг ишларидаги камчиликларни кўролмайди, бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини билмайди."[2,20]

Муаллиф шу тариқа 24 ёшигача хоннинг жуда кўп хизматларини қунт билан бажарганлигини айтади. Маҳкамадаги амирларнинг йиғинларида мартабасига мувофиқ ўз жойида ўтириши, борди-ю у ерда хонга бирон бир хизмат кўрсатиш учун вақт топса, хон уни тўхтатиб: "Халқнинг кўзига хор кўриниб қолмаслик учун йиғинларда мавқеинг ҳурматини сақлаш лозим" деган ўгитига амал қилади. Ҳайдар мирзонинг ёши 25га етганида хон уни бу хизматлардан озод қилади ва энди унинг ўзи барча хизматларни топиб, ўзи билиб қилишга одатланишини таъкидлайди. 30 ёшга етганида эса хон унга лашкарини ишониб топширади, аммо ёнига билимдон, таниқли амирларни қўшиб қўяди. Унга: "Ҳеч қачон мана шу одамларнинг маслаҳатидан четга чиқма. Уларга қулоқ сол, барча ишларда бўйсун", дейди. "Ўттиз ёшимгача хон ҳузуридаги кенгашларда ўз мулоҳазаларимни айтишга ижозат йўқ эди,–дейди муаллиф,–шунинг учун йиғилишларда мен баликдек жим ўтирардим."[2,20]. Ниҳоят, шу тахлит анча фурсат ўтгач, хон унинг фикрига тўлиқ ишонадиган ва бутун ҳарбий ҳамда салтанат ишларини ишониб топширадиган бўлади, барча жабҳада чекланмаган ҳуқуқ беради.

Бу тарихий манбалар узоқ ўтмишдаги қадимий анъаналарнинг асл моҳиятини ҳамон долзарблигича қолаётганидан гувоҳ беради. Ҳар бир соҳада самарали натижага эришиш учун устоз-шогирд муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, шогирднинг сабот ва матонат билан билим, малака, кўникмага эга бўлиши, сўнгра, устоз ишончини садоқат билан оқлаши муҳим восита экан.

Икки-уч минг йиллик тарихий даврдаги маданий юксалиш, фан ва таълим ривожи ҳақида юзлаб манбалар мавжуд. Улуғ мутафаккирлар, шоиру фузалолар, хоқонлар ва султонлар тарихи, тақдири уларда мужассам. Улардан келиб чиқадиган хулоса эса кўп эмас: моҳият шуки, ҳар қандай давр тараққиёти ва таназзулига инсониятнинг ўзи сабабчи. Хўп, улар қаердан пайдо бўлади? Таълим-тарбиянинг ҳар қандай кўриниши бориб устозларга тақалар экан.“Авесто”да устозларни яхши ва ёмонга ажратилиши бежиз эмаслига иқрор бўламиз. Ҳар қандай яхшилик ўқувчига донишманд устозлар орқали ўтиши, уларнинг барча эзгу амаллари, характер-хусусиятлари шогирдларга ёдгорлик бўлиб қолганидек, лоқайдлик, фаросатсизлик, уқувсизлик, ҳунарини, билимини, малакасини такомиллаштиши йўлида заҳмат чекмаслик каби ёмон қусурлар ҳамаввало устоздан юқар экан. Ёш авлоднинг, умуман, одамларнинг зеҳнини ўтмаслаштириш, ақлини занглаши, имон-эътиқодлари сусайиб, жоҳилларни улуғ санаши ва маънавий қашшоқлашиб қолишларига ҳам ёмон устод сабабчилиги ёдгорликда рўй-рост айтилган. Шу сабабли, устознинг шарафи, унинг юксак ва масъулиятли вазифаси мустақиллик йилларида эътибортопди. Зотан, бугунги таълим-тарбиямиздаҳам юқорида зикр этилган шарқонаанъаналарнингбардавомлиги қайта тикланаётган қадриятлар тимсолидир.

---

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 123б.
2. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент, “Шарқ”, 2010. 720 б.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, “Камалак”, 1991.–Б.124.
4. Сафаров О. Болалар адабиёти ва фольклор. Бухоро, 2007
5. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, “Маънавият”, 2000.–Б.112.
6. Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномага. Тошкент, “Шарқ”, 2007.

MADANIY YUKSALISH FAN VA TA’LIM RIVOJI NEGIZLARI

Fayziyeva Fotima Abdullayevna, Buxoro Madaniyat kolleji o’qituvchisi

This story The great statesman Ibn Sina’s family upbringing was identified by the scientific way.

“Sharqda qadim-qadimdan oila muqaddas Vatan sanalgan. Agar oila sog’lom va mustahkam bo’lsa, mahallada tinchlik va hamjihatlikka erishiladi. Binobarin, mahalla yurt mustahkam bo’lsagina, davlatda osoyishtalik va barqarorlik hukm suradi**”**

I.A.Karimov.

Tarbiyaning asosi oiladan boshlanadi. Shu bois bugungi davr, avvalo, ota- onaning o’zi tarbiyalangan bo’lishi va o’z ibratli xulqi, fazilatlari bilan farzandlarini komil qilib tarbiyalashga hissasini qo’shishi lozimligini talab etmoqda. Insonning dunyoqarashi e’tiqodi, ma’naviyati va tasavvuriga aloqador ko’nikmalar majmui ham asosan oiladan boshlanadi. Shuning uchun ham oila haqiqiy ma’naviyat o’chog’I, mafkuraviy tarbiya omili va muhitidir. Chunki, milliy mafkuramizga xos ilk tushunchalar inson ongi va qalbiga avvalo oila muhitida singadi. Bu jarayon bolalar o’giti, ota ibrati, ona mehri orqali amalga oshiriladi.

Sharqona ta'lim-tarbiya tizimida komil insonni tarbiyalash uzoq tarixga ega. Fan va milliy merosga oid sharqona ta'lim-tarbiya hozirgi kunga qadar muhim o’rinni egallaydi. Turli tarixiy davrlarda madaniy yuksalish fan, ta'lim rivojining yillar mobaynida shakllangan va bizga meros bo’lib qolgan. Bu hatto “ inson va koinot” tizimida sayqal berilgan umuminsoniy qadriyat bo’lib, tashqi va ichki axloqiy, ruhiy, moddiy va dunyoviy qarashlarni mujassamlashtirgan.

Buyuk mutafakkir Abu Ali Ibn Sino oila tarbiyasiga bag’ishlangan maxsus “Tadbir al - manozil” nomli asarini yaratgan. Ibn Sino tarbiyaviy qarashlarida oila va oilaviy masalalarga keng o’rin bergan. Oilada farzand tarbiyasining to’g’ri yo’lga qo’yilishining asosiy vositasi, uning ma’naviy olamida e’tiqodni shakllantirish deb hisoblagan. Yoshlar tarbiyasiga avvalo, oilada zamin solinishini e’tirof etmoq juda muhim, chunki ma’naviy axloqiy fazilatlar ota-ona va oilaning katta a’zolari ko’magida kurtak otadi deb aytgan.

Inson ruhiyatining bilimdoni ulug’ alloma Ibn Sino “Axd risolasi”, “Donishnoma”, “Nafsni pokiza tutish haqida” risola, “Kitob ash-shifo” asarlariga insonning eng yaxshi axloqiy fazilatlari, yaxshi-yomon xulqlar ularning odatdan paydo bo’lishligini ta’kidlab o’tadi.

“Kishi xulqidagi ortiqlik fazilati ko’pincha pastkashlik bilan olijanoblik o’rtasida turadi. Insondagi yaxshi bir fazilat ikki xil pastkashlik o’rtasida bo’ladi. masalan: manmanlik va kibr. Xulqlarning barchasi o’z tabiati bilan go’zal. Yomon xulq atvorga esa, keyin erishilgan bo’ladi.”–deydi.

Ibn Sinoning ta’kidlashicha, axloq baxtli bo’lish uchun eng asosiy omildir. Ibn Sino nazdida jamiyatda axloqli kishilar qanchalik ko’p bo’lsa ularning ta’sirida ijtimoiy adolat, ma’naviy poklik, go’zal insoniy fazilatlar tez qaror topadi. U bir she’rida shunday yozadi:

Do’stim dushmand bilan o’tirmish bisyor

Endi o'tirmayman u bilan zinxor
Parhez qil shakardan zaharli bo'lsa
Pashshadan qoch qo'nish joyi bo'lsa mor.

Bu bilan alloma, yaxshi xulqli odamlar bilan yaqin bo'lishlikka aksincha, yomon fazilatli, har bir hatti-harakati insonlarga, jamiyatga ziyon keltiruvchi insonlardan yiroq yurishga da'vad qiladi.

Ibn Sinoning ta'lim-tarbiya xususidagi qarashlari o'zining sermazmunliligi bilan ajralib turadi. Uning ta'limoti hozirgi zamon pedagogika va psixologiyasining rivojlanishida o'ziga xos maktab vazifasini o'taydi desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki, Ibn Sino bola tarbiyasi haqida fikrlarini bildirar ekan, bolaning yoshiga alohida e'tibor qaratadi. Bola tug'ilganidan boshlab oyoqqa turguncha ma'lum tartibda tariyalanib borishi lozim. Bolani yoqimli xulq- atvorli qilib tarbiyalashda mo'tadillikka alohida ahamiyat qaratish zarur. "Bundan ikki manfaat bor. Biri-bolaning ruhi uchun bo'lib, u yoshlikdan boshlab yaxshi xulqli bo'lib o'sadi va keyinchalik bu unga ajralmas malaka bo'lib qoladi. Ikkinchisi-uning uningdek yomon xulq odatga kirib qolsa, u mijoz buzilishini keltirib chiqaradi. masalan g'azab kuchli qizdiradi, qayg'u kuchli quritadi–deydi.

Kelajagi buyuk mustaqil O'zekistonimizning ertangi kuni mana shu yoshlar qo'lida. Yoshlarimizdagi barcha sharqona fazilatlar: poklanish, imon, insof, diyonat, or-nomus, mehr-oqibat, uzoqni ko'zlaydigan, bilimli ma'rifatli bo'lish kabi chinakam insoniy fazilatlar zaminida albatta tarbiya yotadi.

Ibn Sino o'z oldiga yoh avlodni tarbiyalash, ularni to'g'ri yo'lga solib yuborish, ular orasida do'stlik, birodarlik kabi g'oyalarni targ'ib qilish kabi buyuk vazifalarni, tarbiyachilar oldiga o'yadi.

Buyuk mutaffakkir Abu Ali Ibn Sinoning inson kamoloti sohasida qilgan ishlari, ta'limoti, fikr va mulohazalari biz o'qituvchilarni bolalar tarbiyasi, o'qishi, savodxonligi, taffakkuri, bilimini, qiziqishini tubdan yaxshilash imkoniyatlari sari "yo'chi yulduz" bo'lib xizmat qiladi deb o'ylayman.

Prezidentimiz aytganlaridek "Biz tarix maydonida kuni kecha paydo bo'lgan millat emasmiz. Aksincha, o'rta asrlardayoq jahon sivilizasiyasiga unutilmas hissa qo'shgan va tafakkur osmonida yulduzday porlab turgan buyuk allomalarning vorislarimiz. Binobarin, biz ana shu ulug' ajdodlarimizning sha'nu shavkatiga, aqlu zakovatiga, ularning hayotbaxsh, qutlug' merosiga hamisha munosib voris bo'lmog'imiz kerak. Fikrda, ilmu-ijodda, dunyoni idrok qilishda, vatanni iymon bilan sevishda mumtoz bobolarimiz an'analarini mardona davom ettirishimiz, ular yetolmagan taraqqiyot cho'qqilarini egallashlarimiz darkor".

SHARQ MUTAFAKKIRLARINI TABIATSHUNOSLIK FANINING RIVOJLANISHIGA QO'SHGAN HISSALARI

Sayfullayev G`.M., Alimova L.X. BuxDU

Ma`lumki, Tabiatshunoslik fanining rivojlanishi o`zining uzoq o`tmishiga ega. Botanika va zoologiya fanlaridan bilimga ega bo'lmay turib o'simlikshunoslik va chorvachiliknirivojlantirish mumkin emas. Tabiatshunoslikni tobora rivojlantirishda hozirgi zamon biologiya fanining o'rni beqiyos.

Jamiyat rivojlangani sari turmushni yengillashtirish omillari ham vujudga kela boshladi. Mana shunday omillardan biri yovvoyi hayvonlarni xonakilashtirish va iste'molbob o'simliklar urug'ini ko'paytirish bo'lib, ular inson yashaydigan manzilgohlarda doimo topilavermaganligi va ob-havo, iqlim sharoiti salbiy ta'sir etganligi tufayli vujudga kelgan. Bu esa o'z navbatida, chorvachilik, hunarmandchilikni vujudga keltirgan.

Inson hayot kechirishining zaruriy omili bo'lib hunarmandchilik vujudga kela boshlagan dastlabki davrda tosh yog'ochlar bilan hayvonlar ovlangan, tirikchilik qilingan,ularning mahsulotlaridan zarur buyumlar yasagan, bu esa o'z navbatida dehqonchilik va chorvachilik mahsulotlarini qayta ishlashga olib kelgan.

Tabiat, borliq, o'simlik va hayvonot dunyosi haqidagi kuzatishlar kengaya va chuqurlasha bordi. Tabiat hodisalarining takomillashib, evolyutsion tarzda rivojlanib borishdagi tushuncha va ta'limotlar Abu Nasr Farg'oniy,Al Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi allomalarning asarlarida o'z ifodasini topgan. Bu mutafakkirlarning asarlari tibbiyot va tabiiyot kabi fanlarningrivojlanishiga ilmiy asos bo'ldi.

Uyg'onish davridagi tabiiyot ilmining,shuningdek, G'arbiy Yevropadagi tabiiyot ilminig yutuqlari umumiy biologiya, anatomiyavafiziologiyaning rivojlanishi uchun asos bo'ldi. Tabiatning evolyutsion rivojlanish nazariyasi, soddadan murakkabga o'sib borish, o'zgaruvchanlik, birlamchi va ikkilamchi signal sistemalari, tabiiy va sun'iy tanlash masalalari O'rta Osiyo olimlari tomonidan G'arbiy Yevropa olimlaridan 800-900 yillar oldin asoslab berilganligi fikrimiz dalilidir.

Respublikamiz Prezidenti I.A.Karimov ular haqida shunday degan edilar:„Yurtimizni azaldan daholar yurti deb, haqli ravishda hamisha faxrlanib kelamiz. Imom Buxoriy, Ibn Sino, Beruniy, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Mirzo Bobur kabi buyuk allomalarimiz o'zining yorqin iste'dodlari bilan butun jahonga dong taratganlar. Bularni biz kelajak avlod ongiga singdirib borishimiz kerak.

Al Xorazmiy „Yerning tasviri" nomli asarni yozib, geografiya faniga asos soldi. Bu asar butun dunyo qit'alari, qutblar, ekvatorlar, sahrolar, ko'llar, o'rmon-u barcha mamlakatlar, o'lkalar, u yerdagi hayvonot va o'simlik dunyosi haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan. Xorazmiy dunyodagi birinchi geografik atlasni tuzishga katta hissa qo'shgan.

Jayhoniyning „Kitob–al-masolik” (“Yillar va mamlakatlar haqida kitob„) asari 911-922 yillarda yozilgan. Jayhoniyning asarlarida, mahalliy dorivor o’simliklar va hayvonlardan olinadigan dorivorlarning tabiatdagi o’rni haqida ma’lumotlar berilgan. Jayhoniy xonaki hayvonlar: it, mushuk, odam organizmida yashaydigan gijja, chuvalchanglarni yuqumli kasallik tashib yuruvchilar deb bilgan va ularga qarshi kurashish choralarini ko’rgan.Jayhoniy qoldirgan boy ilmiy meros O’rta Osiyo va qo’shni mamlakatlarning tabiati o’simlik hamda hayvonot dunyosinio’rganishda alohida ahamiyatga ega.

Farobiyning tabiatshunoslikga doir asarlari alohida ahamiyatga ega bo’lib,ularda inson va hayvon tana a’zolari, ular faoliyatining bir biriga o’xshash tomonlari va boshqa jihatlari ilmiy jihatdan keng yoritilgan. Inson organizmi uning faoliyatini Farobiy bir butun va yaxlit tizimdan iboratligini, kasalliklar, asosan, ovqatlanishning buzilishi bilan bog’liqligini ko’rsatib o’tgan.

Farobiy Yevropa olimlari, xususan, rus fiziologi I.M.Sechenovdan 1000 yillar avval fiziologiya faning fundamental asosi bo’lgan birlamchi va ikkilamchi signal sistemasining rivojiga asos solgan. Farobiy o’z asarlarida sun’iy (inson yordamida) turlarning vujudga kelishi singari tabiiy ravishda (inson aralashuvisiz) o’simlik va hayvonlar turlarining paydo bo’lishini ham dunyoda birinchi o’lib ta’riflab, bu masalani Ch. Davrindan 1000 yil oldin hal qilgan edi.

Beruniy 1004-yida Qobus ibn Vushmagirga bag’ishlangan “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” deb nomlangan asarini yozdi. Beruniy asarlarida tabiatga oid juda ko’p ma’lumotlar kiritilgan. masalan, O’rta Osiyo, Hindiston va Afg’oniston qazilma boyliklari (dorivor o’simliklar,hayvonlar), ularning foydali hislatlari haqida ma’lumotlar berilgan. Beruniyning ilmiy qarashlari „Mineralogiya”, „Hindiston”, “Geodeziya”, “Ma’sud qonuni” kabi asarlar ko’p tarqalgan.

„Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarida Beruniy Eron shimolida keng tarqalgan tropik o’simliklar va hayvonot dunyosini ta’riflaydi. Beruniyning„ Kitob as-Saydana–fit–tibbi” (“Tabiatda dorishunoslik”)asari 1927-yilda Turkiyaning Bursa shahridagi kutubxonalarning biridan topilgan. Bu kitobda 250 dan ortiq tabib, dorishunos, kimyogar, tabiatshunos, tarixchi, faylasuf sayyohlar haqida ma’lumot keltirilgan.

Beruniyning tabiiy va sun’iy tanlanish haqidagi fikri ham diqqatga sazovordir. Agar yer yuzini bir xil daraxt yoki bir xil hayvon butunlay qoplab olsa bu holda hayvon va daraxtlarning ko’payishiga daraxtning o’sishiga o’rin qolmaydi,-deya ta’kidlagan edi alloma.

Beruniyning „Tabiatda dorishunoslik” asarida dorivor o’simliklar tasnifi ham berilgan .Beruniy o’z asarlari bilan tabiat fani tarixiga asos solgan.

Buyuk olim Abu Ali Ibn Sino (980-1037) ham Beruniy kabi tabiiyot fanining turli sohalarida ijod qilgan. Abu Ali Ibn Sino dunyoga mashhur „Tib qonunlari„ asarining muallifidir. Mazkur asar 5 ta kitobdan iborat. Unda odam tanasi a’zolarining tuzilishi, vazifalari, turli kasallikar, ularning kelib chiqishi sabablari, oddiy va murakab dorilar, ularni tayyorlash va bu dorilarning tana a’zolariga ko’rsatilgan ta’siri haqida ma’lumotlar keltiriladi. Olim odamdagi ba’zi kasaliklar (chechak,vabo, sil) ko’zga ko’rinmas organizmlar orqali paydo bo’lishini e’tirof etadi.Inson salomatligini yaxshilashda to’g’ri ovqatlanish, tana a’zolarini chiniqtirish muhim ahamiyatga ega ekanligini aytadi. Shunday qilib, O’rta Osiyoda tabiat fanlarining rivojlanishida buyuk qomusiy olimlarning bajargan ishlari va bizgacha yetib kelgan asarlari tabiiyot tarixini o’rganishda beqiyos ahamiyat kasb etadi.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ “БАДВ УШ-ШАЪН” (“ҲАЁТ ЙЎЛИ”) АСАРИНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Бобоқулов Элбрус Бобохонович, Бандихон қишлоқ хўжалиги КҲК

Summary: In the article is given theoretical-methodologically and scientific-practically the maintenance, essence and significance of Al-Hakim At-Termiziy book “Badv ush-sha’n” (“Life way”) and its place in youth education and upbringing.

Keywords: Al-Hakim At-Termiziy book “Badv ush-sha’n” (“Life way”), life way, Uzbek youth, education and upbringing.

Маънавий янгиланиш инсонлар яшаётган жамият ва муҳит аҳволи ҳамда даражаси билан белгиланади. Янги дунёнинг шаклланиши жамият ривожланишини акс эттириб, янги онгнинг пайдо булиши ва ривожланишида муҳим урин тутади. Ана шу янги дунё кишиси уз она юртининг ватанпарвари ва фидойиси булиб вояга етади. Ҳар бир даврнинг ўз дунёси ва ўз кишилари бўлади, улар узлари яшаган жамият ривожига турли жихатдан ҳисса кушади. Тасаввуф тариқати ва тасаввуф илми ҳам ўз замони ва ўз заминининг маҳсули ҳамда самараси сифатида уша заминда камол топиб, ривожланган эди. Тасаввуф ўз муҳити ва ўз жамияти багрида униб - ўсиб, ўз дунёси равнақи йўлида жонбозликлар намойиш этади. Тасаввуф илми ривожига ўз асарлари билан улкан ҳисса кушган донишманд (алломалардан бири буюк аждодимиз) ал- Ҳаким ат-Термизийдир. Бу улуғ инсон асарларини, унинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш бугунги кун Ўзбекистон ёшларини

таълим-тарбия олишида ибратли манба бўлиб ёш авлодни бой маънавий меросимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёсдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий болалигиданоқ, билим олишга, илм эгаллашга рағбати баланд бўлган, қунт билан билим олишни ўзига бурч деб билган. Аллома ўзининг “Бадв уш-шаън” (“Ҳаёт йўли”) асарида ёзишича, унинг тенгдошларидан икки ўспирин илм эгаллаш учун узоқ юртларга жўнаб кетади. Ал-Ҳаким бўлса якка онасини қолдириб кетолмас эди ва дўстлари билан билим олишга бораолмаганидан жуда ўкинади. Кунлардан бир куни даштда ўтин териб юрган чоғида тасодифан мўйсафид чолни учратиб қолади. Мўйсафид ундан илм олишга истаги бор-йўқлигини сўрайди, ёш ал-Ҳаким илмга чанқоқлигини астойдил изҳор этади. Ўша мўйсафид чол ал-Ҳакимга сабоқ бера бошлайди ва уч йил ичида уни дуруст саводхон қилиб тарбиялаб вояга етказади [1]. Кўринадики, илмга чанқоқлик, унга бўлган интиқлик, илҳақлик ал-Ҳакимни билим чўққисига етаклайди. Бу ҳаракат, шубҳасиз, ибрат намунаси бўла олади ва ёшларни илмга чанқоқлик руҳида тарбиялашда аҳамияти каттадир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий «Бадв уш-шаън»да хабар беришича, илм эгаллаш йўлида бир жойда тўхтаб қолмади, балки илм илинжида олис улкаларга равона бўлади. Даврининг йирик илм-фан учоклари ҳисобланмиш Боғдод, Басра, Куфа, Дамашқ, Макка, Мадина, Нишопур ва бошқа шаҳарларида бўлиб, шу шаҳарларнинг илм ахли ила танишиб, улар мулоқотига сазовор бўлади. Оқибатда чуқур билим эгаллаш бахтига мушарраф бўлиб, турли билимларда малака ошириб, тажриба орттириб комил инсон даражасига етишади. Аллома муборак Ҳаж тадорикини бажо айлаб, она юртига қайтади, аллома («Бадв уш-шаън»)нинг ўзи шоҳидлик берганидек Ҳаж пайти ва қайтишда йўли бўйи, ниҳоят ўз юртида Қуръон тиловатини канда қилмайди. Ҳатто шу даражага бориб етадики, Қуръон сеҳри туфайли тунлари мижжа қоқмайди, чарчоқ нималигини билмайди. Охир-оқибат китобларнинг онаси - Қуръони каримни тўлалигича ёдлаб олади, бундан кўнгли таскин топади, рўза тутиш ва намоз ўқиш кундалик иш тарзига айланади.

Қуръони мажидга эътиқод, Аллоҳга имон аллома қалбини тўлиқ забт этиб, нафс риёзатига қарши жиҳод аллома ҳаётининг етакчи талаби даражасига кўтарилади. Узлатга ихтиёр айлаш одати устуворлаша боради, китоб мутолааси кундалик эҳтиёж ҳукмини олади. Аллома китоб мутолаасидан руҳий мадад олади, ўзида ички бир қониқиш ҳиссини туяди, кўп сирларнинг тагига етади. Аллома қабр тошида бу улуғ зотнинг «қийналган пайтларимда китобларим менга таскин берар эди», деган сўзлари муҳрланган. Ал-Ҳаким ат-Термизий дин илми билан шуғулланади, бунга кўп вақтини сарфлайди, бу йўлда жонбозлик намунасини намойиш этади. Худо йўлига жонни тикиш, ҳаётни бадалга қўйиш$_г$ ички кечинмалар туғёни боис, аллома маломатлар гирдобига ғарқ этилади. Ғанимлар унинг устидан туҳмат уюштириб, уни Термиз шаҳридан бадарға қилинишига эришадилар, эндиликда улуғ зот Балх шаҳрини ўзига маскан тутади. Ана шу ғамли кунлар, аламли тунлар, ташвишли онлар аллома ҳаётида бурилиш нуқтаси эди, сабаби ғам нафсни забун этишга омил эди. Шу зайлда аллома ҳаётида ўзгаришлар рўй беради, қалбдаги ҳис-туйғулар вужуд ҳаловатига эшик очади. Аллома туну кун Худо даргоҳида дуолар ўқир эди, ички туғён воситасида ҳам лаззат ҳиссиёти ва ҳам ғам ҳиссиёти уфуриб турадиган бўлиб қолади.

Фитна ва ғалаёнлар манбаи бўлмиш ғаламислар - аллома ғанимлари, туҳмат тошини отувчилар ҳам аста-секин чекина бошлайдилар. Ҳатто ғанимлар бора-бора алломанинг асирига айланиб, унинг гапидан чиқмайдиган, фақат унга қулоқ тутадиган бўлиб қолишади. Алломанинг шогирдлари борган сари кўпайиб, уларга аллома махсус амру маъруф дарсларини ўта бошлайди. «Бадв уш-шаън»да шундай қайдлар бор: «Шогирдларим сони ниҳоятда кўпайди ва менинг акидаларим уларнинг кўнгилларидан жой топди», аллома ўз шогирдларига тинимсиз равишда уқтирар эканки: «намоз ва рўза ибодати билан эмас, балки қалбдаги поклик, яхшини яхши кўриш, ёмонни ёмон кўриш, ёмонликни эмас, яхшиликни севиш» ила Худо йўлига кирилади.

Биламизки, Ҳаким Термизий кўплаб муридларга муршид(пир)лик қилган, уларга панду ҳикмат сирларини англатган. Унинг муридлари ҳам машҳурлик чўққисини забт этиб, тариқат пешволари сафидан чинакам мақом эгаллагандир. Улардан Абу Бакр Варроқ Термизий энг шуҳратлиси ва ҳамиша Ҳаким Термизийнинг ёнида бўлган, хизматига шойиста турган. Яна бири «қалблар жодуси» нисбасига эга Абу Али Жузжоний ва бошқаси фазилатли одамлар қадрини билгувчи Муҳаммад бинни Фазл Балхийдир. Қолганлари қуйидагилар: Яҳё ал-Қозий, Али ал-Ҳиравий, Аҳмад ал-Жузжоний, Муҳаммад Бурайда, Абулҳусайн ал-Форисий, Муҳаммад Найсобурий, Али ибн Курд ал-Укбарий, Абубакр ал-Увсий$_г$ ал-Ҳасан ибн Алий.

Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизий ҳамда Ҳомид Термизийларнинг муршиду муридликлари алоҳида қутбларни намоён этади. Уларнинг пир ва муридлик ришталари асрлар оша ибрат намунаси бўлиб келмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чориев З. ва бошқалар. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 150 б.

O’RTA OSIYODA TIBBIYOTNING RIVOJLANISHI.

Safarova M.S. TDSI Buxoro Filiali, Raximov Z.Q. TDSI Buxoro Filiali, Hamitova F.A. TDSI Buxoro Filiali

Resume *In given to the article led the medicines given about development. Deposit Middling the Asian scientists for development of medicine.*

O’rta Osiyoda, xususan O’zbekiston hududida qadim zamonlarda yashagan xalqlarning tibbiyoti haqidagi birinchi yozma ma’lumotlarni biz zardushtiylarning kitobi “Avestodan” topamiz. Unda tibbiyotga oid ma’lumotlar ham mavjud. Kitob avvalo tibbiyotning mustaqil kasb ekanligini e’tirof etadi va tabiblarga bemorlarni davolaganlari uchun haq to’lash kerakligini ta’kidlaydi. Avesto uch kitobdan iborat. Birinchi kitob “Vendidat” (“Videvdat”) deb ataladi. Ikkinchi kitob “Vispred” (“Vispart”), ya’ni hamma narsani bilish deb ataladi. U odamlar hayoti haqidagi tushunchalardan iborat. Uchinchi kitob “Yasna” deb ataladi. Bu kitobda zardushtiylar dinining ibodat qoidalari ko’rsatilgan. Biz uchun bu kitoblardan muhimi Vendidatdir. Bu kitobda tibbiyotga oid muhim ma’lumotlar berilgan. Vendidat 22 bobdan iborat. Shulardan 8 tasi (V – XII boblar) tibbiyot nuqtai nazaridan alohida ahamiyatga ega. Xususan, unda salomatlikni saqlash uchun nimalar qilish zarurligi ko’rsatilgan. Birinchi galda o’lgan odamning jasadidan ehtiyot bo’lish zarurligi ta’kidlangan. Kitobda yozilishicha, o’lgan odamning jasadida tiriklar uchun xavfli xususiyat paydo bo’ladi. Shuning uchun murdaga yaqinlashmaslik kerak deb uqdirilgan. Aftidan, o’sha vaqtdayoq kishilar murda zahari mavjudligidan xabardor bo’lganlar. Bundan tashqari, murda orqali har xil yuqumli kasalliklar tarqalishi mumkinligini ham taxmin qilgan bo’lsalar kerak. Avestoda Traeton ismli tabib haqida ham ma’lumot keltirilgan. Ularning yozishicha Traeton har xil isitmalar, qichimalar, zaharlanishlar kabi kasalliklarni davolovchi dori kashf etgan.

Avestoda odam anatomiyasi va fiziologiyasi haqida ham ba’zi ma’lumotlar mavjud. Unda odam gavdasi quyidagi qismlardan iborat, deb ko`rsatilgan: suyaklar, muskullar, yog`lar, miya, tomirlar, qon, jigar va jigar o`ti. Ikki xil tomir mavjudligi ko`rsatilgan. Ulardan biri qizil (sog`lom) qon oquvchi ikkinchisi qora (nosog`lom) qon oquvchi tomirdir. Bulardan tashqari oq qon tashuvchi yoki umuman qon tashimaydigan tomir ham borligi ko`rsatilgan. Bu yerda limfatik yo`llar (tomirlar) yoki asab tomirlari ko`zda tutulgan bo`lsa kerak. Kitobda qon, o`t (jigar o`ti) va zurriyotning paydo bo`lishi haqida o`ziga xos fikr yuritiladi. Unda o`t jigarda, qon yurakda, zurriyot (urug`) umurtqa ustuni kovagida (kanalida) ishlab chiqiladi deyilgan. Sezish, hid bilish, eshitish, ko`rish va ta’m bilish markazlari miyada joylashgan deb to`g`ri fikr yuritilgan. Odam a`zolaridan suyak iligiga alohida ahamiyat berilgan. Kitobda haqiqatga yaqin amaliy mulohazalar ham mavjud. masalan, kasallik paydo qiluvchi omillar qatoriga oziq-ovqat ham kiritilgan. Xususan, to`yib ovqat yemaslik, yoki aksincha badxo`rlik, sifatsiz ovqat istemol qilish kasallik keltirib chiqaradi, deb to`g`ri fikr yuritilgan. Odamlarning ruhiy holatiga ham alohida ahamiyat berilgan. masalan, ”chuqur o`ylash”, ya`ni ruhiy tushkunlik kasallik keltirib chiqaradi, deyilgan. Har xil hasharotlar chaqishi natijasida ham kasallik paydo bo`ladi, deb yozilgan. Bemorlarni davolashda shifobaxsh o`simliklardan ham keng foydalanganlar. Avestoda ko`p dori-darmorlar o`simliklardan olinishi ko`rsatilgan. Kitobda o`simliklar orasida zaharlilari ham ko`p uchrashi ta’kidlanib, unga ehtiyot bo`lish ta’kidlangan.

Avestoda tibbiyotning asosiy vazifasi nimadan iborat, degan masalaga alohida ahamiyat berilgan. Bu masalada Avestoda aytilgan fikr hozirgi zamon fani nuqtai nazaridan ham to`g`ridir. Chunonchi, unda tibbiyotning asosiy ishi tananing sog`lig`ini saqlashdan iborat deb, ko`rsatilgan. Tana so`glig`ini saqlash va turli kasalliklarga qarshi muvaffaqiyatli kurashish uchun birinchi galda gigiyenik qoidalarga rioya qilish va turar-joylarni obodonlashtirish kerakligi uqdirilgan. Xususan, chirib buzilayotgan narsalarga yaqinlashmaslik, turar joylarni ozoda saqlash, obodonchilikka ahamiyat berish, ekin maydonlaridan to`g`ri foydalanish. Ko`proq mevali daraxtlar ekish va h.k. Zardusht eng muhim tadbirlardan biri sifatida aholini toza suv bilan ta`min etish deb takidlagan. Aholi iste’mol qiladigan oziq-ovqat mahsulotlari yetarli va yaxshi sifatli bo`lishi kerak, deb ko`rsatilgan. Kitobda tog`ri ovqatlarnish masalasiga alohida ahamiyat berilgan. Yetarli darajada ovqat bilan ta`min etilmagan xalq kamquvvat bo`ladi, bolalari yaxshi o’smaydi deyilgan. Avestoda kimki uzoq vaqt ovqat yemay yursa, u zaiflashib, bola yaratish qobiliyatini yo’qotadi, deyilgan. Zardusht ba’zi demografik masalalarga ham ahamiyat bergan. masalan, u aholi sonining ko’payishini ijobiy jarayon, deb hisoblagan. Yoshlar jismoniy va aqliy jihatdan yetuk bo’lib o’sishlari lozim, degan. Aholi (millat) salomatligi uchun yigit faqat so’lom qizga uylanishi kerak. Er o’z xotini uchun sog’lom hayot sharoitini yaratib berishi zarur. Ayniqsa xotini homilador bo’lganida unga nisbatan alohida g’amxo’rlik qilishi lozim. Shundagina ayol yetuk va sog’lom bola tug’adi. Unda yozilishicha kishilar o`z mehnatlari bilan real dunyoda o`zlari uchun eng yaxshi yashash sharoitini yaratishlari va soq`lom, uzoq umr ko`rishlari mumkin. Avesto bo`yicha O`rta Osiyo xalqlarining tibbiyoti va erishgan natijalari shulardan iborat.

Kushon davlati ko`p Sharq va G`arb mamlakatlari bilan savdo-sotiq va iqtisodiy munosabatga bo`lgan. Tibbiyot sohasida ham tajriba va bilim almashib turilgan. O`rta Osiyo tabiblari ishlatadigan dori darmonlar chet ellardan keltirilgan dorivor moddalar bilan boyigan.

O`rta asrlarda O`rta Osiyo davlatlarida fan va madaniyat yuksak darajaga ko`tarildi. Yirik shaharlarda ilm-fan markazlari, dorilfununlar, madrasalar barpo etildi. Ko`plab olimlar, faylasuflar, adabiyot va san'at namoyandalari yetishib chiqdilar. Bu olim va fozillar fan va madaniyatning turli sohalariga oid o`lmas asarlar yaratdilar. Ular jahon fani va madaniyatiga bebaho durdonalar bo`lib qo`shildilar. Ibn Sinoning "Tib qonunlari" shular jumlasidandir. Shaharlar va aholi yashaydigan yirik maskanlarda kasalxonalar, dorixonalar barpo etildi. Katta shaharlarda tibbiy bilim yurtlari tashkil etildi. Bundan tashqari boshqa dunyoviy bilimlar qatorida tibbiyot ilmi ham o`qitila boshladi. Ular ko`p bo`lmasa ham yaxshi bilimli hakimlar tayyorlab chiqardilar.

Xorazm olimlari o`sha davrdagi fanni yuksak darajaga ko`tardilar, uni yangi kashfiyotlar bilan boyitdilar. Bunday umumiy yuksalish jarayonida tibbiyot ham rivojlandi. Chuqur bilimli va yaxshi tajribaga ega bo'lgan hakimlar yetishib chiqdilar. Boshqa mamlakatlardan ham taniqli hakimlar kelib, Xorazm shaharlarida xizmat qildilar. Ayniqsa Xorazm davlatining poytaxti Urganch shahrida ko`p olimlar va hakimlar to`plangan edilar. Ularning aksariyatlari Xorazm shohining saroyida tashkil etilgan "Olimlar jamiyati"ga uyushgan edilar. Bu jamiyat tarixda "Ma'mun akademiyasi" nomi bilan mashhur bo`lgan. Akademiyaga mashhur qomusiy bilimga ega bo`lgan Abu Rayhon Beruniy rahbarlik qilgan. "Akademiya" tarkibida o`sha vaqtda ma'lum bo`lgan fanlarning deyarli hamma sohalari bo`yicha yirik mutaxassislar bo`lgan. Shular qatorida mashhur hakimlar ham bor edi. Bizga shulardan Abu Ali ibn Sino, Abu Sahl Masihiy, Abu Abdulloh Iloqiy, Abu Mansur Qamariy, Abul Hayr Hammor ma'lum.

Urganchda shoh saroyi huzurida maxsus kasalxona bo`lgan. Ma'lumotlarga ko`ra shu kasalxonada Abu Ali ibn Sino, Abu Sahl Masihiy va Abu Abdulloh Iloqiy bir qancha vaqt xizmat qilganlar. Ular bemorlarga tashxis qo'yish va davolashda kasalxona tabiblariga yordam berish bilan birga kasallar ustida ilmiy-tadqiqot ishlari ham olib borganlar. Xususan, har xil kasalliklarning asosiy belgilari, ularning kechishi va oqibatlarini ko'zdan kechirib, xulosalar chiqarganlar, ular yangi davolash usullarini ishlab chiqqanlar.

O'sha vaqtda Xorazmda yuqorida nomlari keltirilgan hakimlardan tashqari boshqa mashhur hakimlar ham xizmat qilganlar. Bizga shulardan Ismoil Jurjoniy va Umar Chag'miniy ma'lum.

Shunday qilib, o'rta asrlarda O`rta Osiyoda ko'p mashhur hakimlar yashaganlar, ijod qilganlar va o'lkamizda ilmiy-amaliy tibbiyotning rivojlanishiga katta hissa qo'shganlar.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Эшматов Махмашукур, ҚарДУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти.

Resume. *Al-Khorezmiy, Farobi, Beruniy worked wise in centeral Asia. It wise to change the nature of the works and it was priceless.*

Ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Муса Ал Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар табиат ва унинг ўзгариши, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик ҳақида қимматли фикрларни баён қилганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табаит ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақидаги ғояларни илгари сурганлар.

Буюк аллома Муҳаммад Ал Хоразмий рисолаларида бирида бундай деб ёзади: "Билинг-ки, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дарих тутманглар". Дарёнинг ёшли кўзлари деганда аллома нималарни назарда тутган экан? Эҳтимол у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир. Ваҳолангки, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирини тушунишлари ва тил топишлари, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини таъкидлагандир.

Яна бир буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний коинотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунлари билан, нарса ва ходисаларнинг ўзаро таъсири билан тушунтиришга урунади. Олим ердаги баъзи ҳодисаларни Қуёшнинг таъсири билан изоҳлайди. Унингча, инсон табиат қоидаларига риоя қилган ҳолда борлиқни илмий равишда тўғри ўргана олади деган фикрларни илгари суради.

Беруний баъзи табиий илмий масалаларда табиат ҳаётидаги алоқадорликни топишга ҳаракат қилади ва шу зайилда, умумий шаклда бўлса ҳам, кейинги даврлардаги табиатшунос олимларга баъзи муҳим илмий ютуқларга эришиш учун йўл кўрсатиб беради. Беруний айтадики, ердаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаши учун зарур имкониятлар чеклидир. Лекин ўсимлик ва ҳайвонлар чексиз кўпайишга интилади ва шу муқсадда курашади.

Беруний табиатшунос сифатида табиат ҳақида қуйидагича фикр юритади: "Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади".

Беруний асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. Алломанинг табиат ва экологияга доир қарашларини асосан "Сайдана", "Менирология", "Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар" каби асарларида учратиш мумкин.

Беруний “Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар” асарида Эроннинг турли тропик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини баён этган. Ушбу асарда ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан алоқаси, уларнинг хулқ-атвори, йил фаслларнинг ўзгариши билан боғлиқ равишда ўзгариши мисоллар билан тушунтирилган. Жумладан, асарда қиш қаттиқ, сувоқ келса, қушларнинг тоғдан текисликларга тушиши, чумолиларнинг уясига бекиниб олиши ва ҳоказолар баён этилган.

“Сайдана” номли асарида 1116 тур дори-дармонларни тавсифлаган. Уларнинг 750 таси турли ўсимликлардан, 101 таси ҳайвонлардан, 107 таси эса минераллардан олинишини айтган. Ҳар бир ўсимлик, ҳайвон ва минералларнинг ҳоссалари, тарқалиши ва бошқа хусусиятлари келтирилган. Бу билан буюк донишманд табиатдаги ҳар бир нарса ва жонзотга ниҳоятда ҳурмат билан қараш, уларни авайлаб асраш зарурлигига эътиборни қаратади. Одамларни табиатни ҳурмат қилишга ундайди.

Худди шунингдек, ўрта асрларда фан даражасига кўтарилган ислом таълимотида ҳам табиат ва экологияга доир ўта қимматли фикрларни топиш мумкин. Хадислар ана шундай ҳикматли сўзлар, донишмандлик дурдоналари ҳисобланади.

Хадис бандлари экологик таълим-тарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Уларда айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳосиятлари, озуқа занжирида тутган ўрни, шунингдек, инсон хўжалик фаолиятидаги аҳамияти каби томонлари баён этилгандир.

Хадисларнинг айрим бандлари инсонни табиат бойликларини тежаб-тергаб ва уни муҳофаза қилишга ўргатади. Чунончи, хадиснинг 18 бандида “Қўй боқ, зеро у айни баракадир” – дейилади. Бу ерда фойдали ҳайвонларнинг популяциясини кўпайтириш ва ундан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олинган.

Шунингдек, 575 бандда ҳам қўй, туя ва отларнинг инсонларга тегадиган нафи ва уларни боқиб кўпайтириш кишилар учун фақат яхшилик келтириши ҳақида: 497 ва 632-бандларида озуқа занжирида II ва III тартибларни эгаллаган ўлаксахўр ҳайвонлар гўшти харом эканлиги, овчилар учун кўз олдида отилган ҳайвонни ейиш мумкинлиги, аксинча ўлган ҳолдагисини ейиш инсон саломатлигига салбий таъсир этиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Хадиснинг 44, 176, 497-бандларида ўсимликлар экиб, уларни кўпайтириш, деҳқончилик билан шуғулланиш зарурлиги, яъни ўсимликларнинг табиатда ва инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг ташқи муҳитга таъсири ва инсонларнинг улардан фойдаланиши каби экологик тушунчалар тўпланган.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ.

Гадоев Д.Х. Пешку тумани ўқитувчи.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларни мустақил фикрловчи, ўз етиқоди ва маънавиятига, дунё қарашига, мустакам иродага ега бўлган инсонлар етиб тарбиялашда замонлар синовидан ўтган миллий қадриятлар, улуғ инсонлар, мутаффакирлар, донишмандлар мисолида тарбиялаш муим иштимоий-педагогик одиса исобланади.Айникса, «Эл-юртимиз тақдирига дахилдор бўлган тарихий адолатни тиклаш халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакиллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш, биз учун ҳам қарз ҳам фарз» (И.А. Каримов) лиги туфайли нихоятда долзарбдир.

Мен Пешку туманидаги 36-умумий ўрта мактабида тарих фанидан дарс бераман. 7-синфда “ўзбекистон тарихи” ўқув фанининг “Амир Темурнинг мамлакат ободонлиги йўлидаги фаолияти” мавзусини ўтганимда Амир Темур хотираси олдидаги қарзимни адо етиш мақсадида, унинг мамлакат ободлиги, юрт тинчлиги, илм-фан, маданият равнақи йўлида олиб борган ишларини баён етар еканман ўқувиларга Соибқирон рухига хиёнат қилган тўғрисидаги ма`лумотни авола қиламан.

Соҳибқирон руҳини безовта қилганлар. Қарор кучирмаси:

“Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари совети ва Ўз КП Марказий Комитетининг қарори:

Алишер Навоий давридаги меросни тарихий, архиалагик ва антропологик жиҳатдан ўрганиш учун Навоий Комитетига Самарқандда Гўри Амирдаги Темур, Улуғбек дахмаларини ва Қозизода Румийнинг мақбарасидаги дахмани очишга рухсат этилсин.

Ўз ССР халқ Комиссерлари советининг Раиси: А.Абдурахмонов. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари: У.Юсупов

Тошкент шаҳри 23-27 апрел 1941-йил.”

Ана шу қарор муносабати билан, 27-мамлакатни бирлаштириб дунёни титратаган буюк империя туза олган, улуғ саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг осойишта руҳини безота қилиб Гўри Амир Мақбарасидаги 9-та қабрдан олтитасини - Мироншоҳ, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон, Бибихоним, Амир Темур қабрини шафқатсизларча очдилар.

Қабр очарлар экспидицияси кундалиги: 1941-йил 16-июн куни экспедициянинг барча азолари Қори Ниёзий, Л.В.Ошанин, А.А.Семянов, В.Н.Кононов, Б.Н.Засишкин, М.М.Герасимов

В.А.Шишкин, Ҳ.Т.Зарипов ва кузатувчи бўлиб ёзувчи Садридин Айний жараёнга қатнашди. Улар эрталаб Гўри Амир мақбарасига йиғилдилар.

Маълумки бу ходиса тарихда хатарли ой бўлиб кирган. 1941-йил, умуман собиқ иттифоқда жаҳон аҳамиятига молик икки воқеа содир бўлган эди.

Биринчи воқеа: 16-июндан 24-июнгача Самарқандда Темурийлар хилхонасида бўлиб ўтиб юкоридаги кабрлар очилган еди.

Иккинчи воқеа эса, Собиқ иттифоқ билан Полъша сархадларида 22-июнда тонготарида юз берди. Немис – фашист боскичилари давлатлар уртасидаги шартномани хоинлорча бузиб, мамлакатимиз осудалигига дахл қилди. Ўша кунларда халқ ўтасида бесарамжон, бир шум гап тарқалди.”Амир Темурнинг қабри очилиб, унинг руҳи безовта қилингач, катта уруш бошланиб кетди”!

Бу гапда ҳақиқат борми? Бор! Қисман бор!

Экспидиция текширувига дахлдор бЎлган кино режиссиёр Малик Қаюмов Ўз саргузаштига ёзади:

“Узоқ давом етган суратга олиш ишларидан сўнг, бир паёла чой ичиш учун чойхонага кирдим. Қарасам,учта чол чой ичиб ўтиришган экан. Қўлларида каттакон китоб. Улардан бири қабрларни мендан очишга дахлим борми-йўқлигимни суруштирди. Ҳазиллашиб: “Энг каттаси мен” деб айтдим. Шунда чол “Темурнинг қабрини очмаслик керак, очилса қабрдан уруш руҳи чиқади” – деб айтди.

-Бу нимадан маълум? – деб сўрадим. Чол китобдаги ёзувни кўрсатди. Мен китобни варақладим – чидан ҳам, китобда арабча ҳарфда қуйидаги таъкид битилган эди.

“Темурнинг қабрини очиш мумкин эмас, очилса қабрдан уруш руҳи чиқади ва қиёматли кунлар бошланади!”

Шундай қилиб жаҳон тарихида чуқур из қолдирган Темур ва Темурийларнинг дахмаларини очиш бошланди. Қабрларни очиш Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншох хилхонасидан бошланди. Сўнг Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон, Бибихоним қабрларига навбат келди. Хусусан Амир Темур қабрининг очилиши чуқур ҳаяжон билан бошланди.

19-июнь пайшанба куни экспидидция аъзолари кўча ёритгичлар, шуъласи остида Сиҳибқироннинг қабрига биринчи марта, ҳа биринчи марта очишга киришадилар. Биринчи марта қабрнинг очилиши дея алоҳида уруғ бериб такидлашимизнинг мохияти шундаки, баъзида тарих сахифаларида “Темурнинг қабрини биринчи марта Эрон шоҳи Нодир шоҳ очиб, қабр қопқоғидаги Нефрит (Махтоб) тошини юртига олиб кетган” деган гап юради. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича чиндан ҳам Нодир шоҳ нефрит тошни тезда Самарқандга Гўри Амир мақбарасига қайтариб юборади. Темур қабрини эса биринчи марта ўзимиздан чиққан қаброчарлар очадилар.

20-июн куни экспедиция аъзолари қабрни очиш ишларини давом эттирадилар. Аста секин лаҳатнинг ичидан Амир Темурнинг арчадан ясалган тобути кўринади. Тобутнинг тўрт бурчагида тўртта оёқчаси бўлиб, уни зах ерга тегиб туришидан асраган. Тобутни ясаган усталар уни мустаҳкамлаш учун тўрт бурчакли мих ишлатган. Тобут арча ёғочидан ясалгани боисми қабрни бир неча бор сув босган бўлса-да, тобут яхши сақланган.

Бу нарсалар оҳиста йиғиштириб олингач, Соҳибқиронни жасади кўринади. Атрофида турганлар ҳаяжон билан қабрга қарадилар. Амир Темурнинг жасади узун қилиб ётқизилган, ҳамда юзи Макка томонга қаратилган эди. Ниҳоят эҳтиёткорлик билан қабрдан чиқариб олинган Соҳибқироннинг бош чаноғи соя жойда уч соатча қуритилгач, уни кимёвий усуллар билан мустаҳкамлаш мумкин бўлди.

Тарихий манбаларда битилгандек, Соҳибқироннинг ўнг қўлининг букилмаслиги ва ўнг оёғи оқсоқлиги ҳақидаги малумот тўғри эканлиги аниқланди. М.Герасимов яна аниқлашича Темур 71 йил умр кўрган бўлсада унинг вужудида кексалик асорати кўринмаган.

Юқорида айтганимиздек, “Темур қабри очилмасдан аввал кўпчилик: Ҳукмдор қабрига катта бойлик билан кўмилган бўлса керак” деган тахмин қилинган эди. Экспедиция аъзолари ҳам ер остига кўмилган улкан бойликнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини кўришга умидвор эдилар. Афсуски, тарихнавис Арабшоҳнинг Соҳибқироннинг дафн этилиши билан боғлиқ бирор маълумоти тасдиқланмади.

Зафарномада битилишича Амир Темур жон берганида 71 ёшда бўлган, шундан 36 йилни подшоликда ўтказган бўлиб, унинг набера ва фарзандлари сони 36 та бўлганлиги таъкидланган. Қизиғи шундаки экспидицияга жалб этилган киночилар бу вокеани 100 минг метрлик кинолентага суратга олганлар. Бироқ бундан бир метр ҳам кинолента сақланмаган.

Алал-хусус сўнги хулоса куни Темур ва Темурийларнинг жасадлари исломнинг барча қонун-қоидаларига амал қилинган ҳолда кайта дафн этилган экан. Тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон ҳақидаги китобида битилганидек Темур катта бойлик билан кўмилган деган тахмини ёлғон бўлиб чиқди. Яна бир Ибн Арабшоҳнинг ёлғон давоси, яъни Амир Темур Шерозлик мохир усталар ясаган пўлат тобутда дафн этилган бўлиши керак дегани тасдикланмади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, у арчадан ясалган тобутда дафн этилган. Соҳибқироннинг қабридаги ягона қимматбаҳо буюм, бу унинг тобути устига ёпилган олтин ёзувлар битилган чойшаб эди. Бор йуғи шу чойшабу шинамгина қабрдан бўлак ўзга бойлиги бўлмаган Соҳибқироннинг.

Амир Темур кўзи тўқ одам бўлган. Соҳибқирон мана бу дил тортар Ҳадиси Шарифни умрининг охиригача такрор айтишни яхши кўрган:

«Бойликка ўч бўлма, Оллоҳ сени яхши кўради кишилар қўлидаги нарсаларга таъма қилмаса, сени улар яхши кўришади».

Буюк Сиймо "Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг" деб васият килганў

Ушбу икки воқеани ўқувчиларга маълум қилиш Соибқирон тўғрисидаги маломатларга чек қўйиш билан, унинг руи олдидаги қарзимизни узган бўламиз. Бу олат, албатда, ўқувчилар қалбини жунбушга келтириб, Соибқирон Амир Темур руҳига урмат ва садоқатни, мустақилликга шукроналикни тарбиялайди.

USTOZ-ShOGIRD MUNOSABATLARIDA MILLIY QADRIYaTLARNING UYG'UNLIGI

B.J.Umarov p.f.n., dotsent, B.T.Jo'rayev, BuxDU magistri

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy taraqqiyotining barcha sohalarida ro'y berayotgan tub o'zgarishlar ma'naviy, ma'rifiy, mafkuraviy, kasbiy jihatdan mutlaqo yangi zamon kishisini shakllantarishni talab etadi. Yurtboshimizning "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobida ".... biz tarixiy xalq an'analari, urf-odatlari va marosimlari asosida odamlar ongini shakllantirish omillarini kuchaytirishimiz zarur"[1] , deb qayd etadi. Hozirgi zamon yoshlarini milliy sharqona, tarixiy qadryatlarni hisobga olgan holda, zamonaviy ruxda tarbiyalash hamda ijobiy insoniy fazilatlarga ega bo'lgan kasb sohalarini tayyorlash muammosi davlat miqyosidagi dolzarb masaladir.

Bugungi kunda respublika hukumatini qator hujjatlari Vatanimizning har tomonlama jahon andozalari asosida rivojlantirishga qaratilgan, jumladan yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda madaniyat, qadriyat, milliy san'at namunalaridan, ota-bobolar tomonndan yaratilgan va butun jahonga mashhur bo'lgan ajoyib san'at namunalaridan keng foydalanishga katta ahamiyat berish lozim. Ta'lim tizimida mutaxassislar tayyorlashda faqat kasbiy ko'nikma va malakalariga emas balki shaxsiy fazilatlariga ham talablar qo'yilmokda. O'zbekistonda, kasb-hunar ta'limi jarayonida ijodiy, faol, ma'naviy boy shaxsni shakllantirish uchun shart-sharoit yaratilganligin inobatga olib, mutaxassislar tayyorlashda ajdodlarimizning boy merosi hamda tajribalaridan to'liq foydalanashni unutmasligimiz lozim.

Tarixdan ma'lumki, asrlar osha ahamiyatini yo'qotmasdan oliy qadriyat darajasida ko'tarilgan "Ustoz-shogird" an'anasi turli sohalarda malakali mutaxassislar tayyorlash bo'yicha uzoq yillardan beri sinovdan o'tib kelayotgan o'qitish va o'rganishning sinalgan shakli hisoblanadi. Hozirgi zamonda o'quvchilarga tafakkur va ma'naviy qarashlarni shakllantirish jarayonida Sharq mutafakkirlarining pedagogik merosida ko'p marta aniqlik bilan ko'rsatilgan – ustoz tomonidan o'quvchi qarashlariga sabrli bo'lish, shaxsning o'zi mustaqil qaror qabul qilishini ta'minlash printsiplari – tolerantlik printsipiga ahamiyat berib, uning pedagogik va didaktik g'oyalaridan foydalanish kerak. Buning zamirida o'quvchi o'zi erkin tanlagan va mustaqil qabul qilgan qarorlarga o'zi javob berishi majburiyatini ta'minlash yotadi.

Ustoz o'zining yuksak faoliyati orqali shogirdlar tahsiniga sazovor bo'ladi va o'z sohasi bo'yicha shogirdlarga biladiganini o'rgatadi. Ularga bilim, ko'nikma va malaka hosil qiladi. Sharq allomalari merosida shogirdlarni tanlashda undagi iste'dod, talant, qobiliyat, zakovat, mulohazakorlik, valiylik, layoqat, iroda, xotira, donishmandlik, bilim, ko'nikma kabi ichki xislatlar, hamda kuzatuvchanlik, qiziquvchanlik, intiluvchanlik, tashabbuskorlik, talabchanlik kabi tashqi xislatlar va fazilatlarga e'tibor beriladi. Mutafakkirlarimizning qarashlarida ustoz otadek ulug'ligi ta'kidlanadi va uning rozi-rizoligini olmasdan ish boshlagan, shogirdning martabasi yuksalib ketsa ham, topganlari ilon-u, chayonga o'xshaydi[2]. Xalqimiz ustozni otaga muqoyasa qilinar ekan, ustoz rozi bo'lmasa, shogirdning biror ishi samara bermasligi-ni ta'kidlaydi. Ustozsiz shogird mevasiz niholdir. Ilm o'rgatuvchi-ustoz ushbu amali ila dunyoviy maqsad (ne'mat) larga erishishni niyat qilmasligi kerak. Binobarin, mol-dunyo, (odamlar ustidan) boshchilik qilish, shon-shuhrat, do'stu dushmanidan ustun kelish, birovlardan maqtov eshitish yohud biror bir qilgan ishini minnat qilish va shu kabi yomon illatlardan saklanmog'i lozim.

Ustoz va shogird o'rtasidagi o'zaro munosabat, yuksak umuminsoniy qadriyat sifatida qaralib, ular qo'yidagilardan iborat bo'lgan:

1. Ilm o'rgatuvchi muallim o'z qo'l ostidagi shogirdlaridan oz bo'lsa-da yaxshilik (manfaat)ni ta'ma qilmasin, xoh u pul yoki xizmat shaklida bo'lsin. Biroq shogird ko'ngildan chiqarib biror bir sovg'a hadya etsa olishi mumkin.

[1] Islom Karimov. Uzbekiston mustakillikka erishish ostonasida. - T.: "O'zbekiston" NMIO'. 2011 y. 89-bet

[2] G. V. Izbullaeva. Jaloliddin Rumiy asarlarida yuksak ma'naviyatli shaxs tarbiyasi. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashriyoti, Toshkent, 2015

2. Ustozning shogirdlari ko’pchilikni tashkil qilsa, ularni aytib maqtanishdan saqlanishi lozim.

3. Agar ustozning shogirdi o’zga muallimlardan biron narsa so’rab, ularning ilmidan foydalansa, bunga uning jahli chiqmasligi kerak, zero bu ba’zi johil olimlar mubtalo bo’lgan illat sanaladi. Hasad, riyo, o’ziga bino qo’yish va o’zgalarni taxqirlashdan saqlanishi lozim. O’z shogirdlariga yaxshi munosabatda bo’lsin va vaziyatga qarab rag’batlantirib va ruhlantirib tursin.

4. Muallim shogirdariga nasihat qilishdan vaqtini ayamasligi lozim. Ilmi tolibga shafqat qiladi, huddi o’z farzandi va o’ziga qayg’urgani kabi unga g’amxo’rlik qiladi, uning ba’zi sho’xlik va odobsizliklariga sabr qiladi, ba’zi bir xatolarini kechiradi, chunki inson xatolardan xoli emas, ayniqsa kichik yoshda bo’lsa. O’zi yoqtirgan yaxshi narsani unga ham ravo ko’rishi, shuningdek, o’zi yomon ko’rgan narsani unga ham ravo ko’rmasligi lozim.

5. Ustoz o’z shogirdlariga kibrlanmasin, balki kamtarlik bilan munosabatda bo’lsin, zero kamtar insonlar odamlarning eng avali bo’lganliklari haqida ko’p narsa ma’lum, o’z qulida ta’lim olayotgan shogirdlari unga o’z farzandlari kabi bo’lib qolgan bo’lsa, qanday qilib o’larga kibrlansin?!

Sharq mutafakkirlarining nazariyasi insonning shakllanishi, rivojlanishi, kamol topishi, o’z mohiyatini anglashiga qaratilganligi bilan farqlanadi va natijada, ularning ijodi orqali ustozning shaxsiy va kasbiy fazilatlarini boyitishda, uzluksiz ta’lim tizimida joriy qilingan “Ustoz va shogird” an’anasini yanada takomillashtirishda foydalanish talab etiladi.

Xulosa qilib, shuni aytish kerakki ustoz va shogird orasidagi munosabatlar o’zaro ishonch va aniq maqsadni ko’zlagan holda olib borishi lozim. Milliy qadriyatlar, urf-odatlar va ularning pedagogik asosi ustoz-shogirdning ijtimoy hayotida, turmush tarzida, bugungi kun yoshlari ma’naviyatining shakllanishida muhim omil bo’lib xizmat qiladi.

TA’LIMI TIZIMIDA BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA MILLIY QADRIYATLARNING O’RNI

I.E.Davronov, BuxDU, M.Sharipova, S.Mavlonova, BuxDU 3-bosqich talabasi

O’zbekiston Respublikasi mustaqillik yo’lidan dadil qadamlar bilan odimlab borayotgan hozirgi davrda ta’lim-tarbiya tizimi islohotlari yanada chuqurlashmoqda. Ayniqsa, 2015 yilni Prezidentimiz tomonidan “Keksalarning e’zozlash yili” deb e’lon qilinganligi yosh avlodni keksalarga izzat, milliy qadriyatlarimizga hurmat, an’analarimizga sadoqat ruhida tarbiyalashga qaratilgan dolzarb vazifalarni bajarish zaruriyati sezilmoqda. Ushbu vazifalarni bajarishda uzluksiz ta’lim tizimining muhim tarkibiy qismi hisoblangan o’rta bo’g’in ya’ni umumiy o’rta ta’lim tizimining roli beqiyos. Chunki, umumiy o’rta ta’lim tizimi yosh avlodni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash uchun qulay shart-sharoitlar va imkoniyatlar yaratadi.

O’z taqdirini o’z qo’li bilan yaratadigan, azaliy qadriyatlarimizga suyanib ish ko’radigan, shu bilan birga taraqqiy topgan davlatlar tajribasini ijodiy o’rganib, ulardan to’g’ri xulosa chiqaradigan, mustaqil fikrlovchi yoshlarni voyaga etkazish, xalqimizning olijanob orzu-intilishlari bilan yashayotgani, xalqimiz asrlar davomida orziqib kutgan ozod, erkin va farovon xayotni barpo etish yo’lida erishayotgan yutuqlarini qadrlay oladigan avlodni shakllantirish borasida olib borilayotgan ilmiy izlanishlarni xalqaro xam jamiyat tan olgani bunday imkoniyatlarning barchasini aynan mustaqillik berganini bugun xammamiz chuqur anglaymiz.

Har bir xalqning qadr-qimmati, milliyligi, donishmandligi, madaniyati qadriyatlari o’sha xalqning urf-odatlarida namoyon bo’ladi. Mamlakatimizning ertangi kuni, kelajagi bo’lgan yosh avlodni etuk, yuksak ma’naviyatli, hech kimdan kam bo’lmagan, har tomonlama sog’lom va barkamol insonlar qilib tarbiyalashda, ham moddiy ham ma’naviy qadriyatlarimizning o’rni beqiyos ekanligi ko’rinib turibdi.

Yuqorida qayd etib o’tilgan muhim vazifalarni aynan umumiy o’rta ta’lim tizimida bajarish zaruriyati o’quvchilarning ilm-fan va kasb-hunarga moyilligi, bilim va ko’nikmalarini chuqur rivojlantirish, tanlab olingan kasb-hunar bo’yicha bir yoki bir necha ixtisosni egallash imkonini tanlash bilan belgilanadi. Chunki umumiy o’rta ta’limda o’quv jarayonining tashkil etilishi jihatidangina emas, balki tarbiyaviy jihatdan ham o’ziga xos xususiyatga ega. Ayniqsa, ma’naviy-axloqiy jihatdan ta’lim oluvchilarni o’zbek xalqining boy ma’naviy merosi bilan tanishtirish, ularda bu ulkan merosdan faxrlanish tuyg’usini paydo qilish, shu asosda ma’naviy boy, axloqan etuk shaxsni tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada yaratilgan Davlat ta’lim standartlari va ana shu standartlar asosida tuzilgan dasturlar, o’quv qo’llanmalari hamda darsliklar dastlabki tajribalar bo’lsa-da, ular o’quvchilarning bilimlarini chuqur o’zlashtirish, erkin va ijodiy fikrlash malakasini egallashda qo’yilgan dastlabki qadam edi. Ayniqsa, umumiy o’rat ta’limga bir qator o’quv fanlari – «Milliy istiqlol g’oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar», «Ma’naviyat asoslari», “O’zbekiston tarixi”, “Vatan tuyg’usi” kabi fanlarining kiritilishi o’quvchilarning umuminsoniy qadriyatlarni hurmat qilish, o’z Vatani va xalqini sevish, ular bilan faxrlanish tuyg’usini tarkib toptirish, milliy urf-odatlar va an’analarimizga ongli munosabatni tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur fanlar o’quvchilarning ma’naviyat, ma’rifat, axloq, xulq, iymon, e’tiqod kabi tushunchalarining mazmuni, ijtimoiy

mohiyatini anglashi orqali, jahon tafakkuri taraqqiyoti qonuniyatlariga mos holda boshqa ijtimoiy-gumanitar fanlari bilan tarixiy ong, ma'naviy meros va qadriyatlarning shakllanishi, ularning jamiyat va shaxs hayotidagi o'rni, inson faoliyatining ichki va tashqi qirralari bilan uzviy aloqadorligi masalalari bilan bog'liq holda o'quvchilar ongiga etkazilishi asosiy maqsad qilib olingan. Shunga ko'ra umumiy o'rta ta'lim o'quvchilarini milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash amaliyotda qay darajada yo'lga qo'yilganligi quyidagi yo'nalishlarda o'rganildi:

1. Umumiy o'rta ta'lim maktablarda milliy qadriyatlarni o'rganish bo'yicha metodik ta'minoti.
2. Ma'naviy-ma'rifiy ishlar mazmuni va uning tashkil etilish holati.
3. O'qituvchilar va ta'lim muassasasi rahbarlarining milliy qadriyatlarga doir bilimlarga egaligi va pedagogik mahorat darajasi.
4. O'quvchilarning milliy qadriyatlar bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarga egaligi darajasi.
5. O'quvchilarning tarbiyasiga ta'sir etuvchi omillar (mahalla, oila, ma'naviyat markazlari, ommaviy axborot vositalari va boshqalar).

Olib borilgan ilmiy tadqiqot natijalari tahlillari shuni ko'rsatdiki, fanlar bo'yicha qabul qilingan standartlarda umumiy o'rta ta'lim bitiruvchilariga qo'yilgan umumiy talablarda o'quvchi tafakkur doirasining etarli shakllanganligi, tashkilotchilik va tadbirkorlik xislatlarining tarkib topganligi, mustaqil va ijodiy fikrlash, turli vaziyatlarni tanqidiy baholash, yangiliklarga doimiy intilish, umuminsoniy fazilatlarga ega bo'lish, o'z millati va Vatanini sevish, u bilan faxrlanish, milliy urf-odatlar, qadriyatlarni hurmat qilish, ma'naviy, ruhiy, jismoniy jihatdan o'z-o'zini doimo takomillashtirib borish xislatlariga ega bo'lish, bilimlarni oshirib borishga intilish, o'quv va mehnat faoliyatiga ijodiy, mustaqil yondashish sifatlariga ega bo'lish, mantiqiy fikrlash uslublari va usullarini bilish, ularni amaliy faoliyatda qo'llay olish malakasiga ega bo'lish, huquqiy, iqtisodiy bilimlar asosiga ega bo'lish, ma'naviy-axloqiy madaniyat, siyosiy madaniyat, fuqarolik burch va mas'uliyati, ekologik madaniyatga ega bo'lish kabilar belgilab qo'yilgan. Ushbu talablarni bajarish nafaqat o'quvchilar balki umumiy o'rta ta'lim tizimi pedagog-xodimlari oldiga ham yanada mas'uliyatli vazifalarni qo'ymoqda. Shunday ekan, bugun umumiy o'rta ta'lim tizimi uchun malakali mutaxassislar tayyorlash talab etiladi. Bu esa umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi bilan oliy ta'lim o'rtasidagi uzluksizlik hamda uzviylikni yanada takomillashtirishga asos bo'ladi.

SAN'ATDA AYOL OBRAZINING TALQINI

M.Rajabova, BuxDU, X.Axadova BuxDU talabasi

San'at mo'jizalariga boy va rang barang. San'atning rang-barang bo'lishida albatta ijodkorlarning hissasi beqiyosdir. Biror ijodkor yo'qki ayol obraziga murojaat qilmagan bo'lsa. Kino, teatr, adabiyot kabi san'atning barcha sohasida ijod qilayotgan shuningdek, haykaltarosh va rassomlar xam ayol obraziga takror va takror murojaat qilishgan. Ayniqsa bu borada musavvirlarning yutuqlari bisyor.Uyg'onish davri rassomlari ijodini biroz tahlil qiladigan bo'lsak,Uyg'onish davri musavvirlari ijodida ham ruhan, ham jismonan sog'lom o'z farzandiga mehribon ayol-ona obrazi alohida o'rin tutadi. Mashhur musavvir Leonardo da Vinchining "Benua xonim" kartinasida butun borlig'idan pokizaliq, g'amxo'rlik ufurib turgan yosh ayol o'z bolasiga gul uzatayotgan tarzdatasvirlangan go'dakning ishonchsiz harakatlar bilan bo'lsada gulga intilayotgani ifodalangan.Tasvir zamirida yosh onaning o'z bolasiga berayotgan tarbiya mavzusi yotadi. Qop-qorong'i devor fonida ishlangan bu kartina tomoshabinning ko'zlariga ham ayol, ham go'dak tanasidan pokiza nur taratayotganga o'xshaydi. Rassom kartinadagi umumiy yaxlitlikni saqlab qolish uchun tabiiy bo'yoqlardan foydalangan. Ona-Mariyaning qoramtir(Bibi Maryam)yashil rangli kiyimi derazadan tushgan yorug'lik fonida yanada jozibali, yanada salobatliroq ko'rinadi. Ayolning go'dakka qadalgan nigohlari sizga ham tikilayotganday, lablari qimirlab, nimadir so'zlamoqchiday tuyuladi. Shu lahzada dunyodagi eng muazzam tuyg'u-onaning o'z farzandiga bo'lgan muhabbatidanda, ustunroq kuch yo'qligiga ishonasiz. Leonardo da Vinchining "Litta xonim" (Chaqaloq ko'targan ayol) nomli kartinasi markazida ham ona obrazi turadi. Asarda chehrasiga onalik mehr-muhabbati nur tarayotgan ayol ehtiyotlik bilan bola uzra egilayotgani tasvirlangan. Ayolning baland peshonasi, silliq taralgan qo'ng'ir sochlari, qoramtir devor tusida aniq ajralib turadi. Balog'atlik belgilari ko'rinib turgan ayolning gavdasi mukammal echimga ega. Uning qo'llarida erkin yotgan chaqaloqning xiragina ko'zlari tomoshabinga tikilgan. Jismoniy va ma'naviy etuklikning timsoli bo'lgan ona-Litta xonim xuddi qo'shiq kuylayotganga o'xshaydi. Bu shunday bir qo'shiqki, unda farzandning istiqboliga nekbin bir umidvorlik, onalik hissidan baxtiyorlik tuyg'ulari mujassam."Agar dil tartibsiz tashvishlansa, behuzur bo'lsa, - degan edi Leonardo da Vinchi, - u paytda, yurak o'z manzilgohi deb bilgan vujudini ham betartib tashvishlantiradi"... Musavvirning ushbu so'zlari uning asarlarida tom ma'noda o'z ifodasini topgan.Ona obrazi nafaqat Leonardo da Vinchi ijodida, balki uyg'onish davrining deyarli barcha namoyondalari ijodida ham katta o'rin tutadi. Bu jihatdan Rafaelning "Konstabil xonim" ("Chaqaloq ushlagan madonna") asari, fikrimizga dalil bo'la oladi. Kartinada xayoliy ona obrazi bahor manzarasi fonida tasvirlangan. Ayolning nigohlarida uning xotirjam va toza qalbi namoyon. Boshi uzra yopilgan zangori choyshab asta-sekin pastga tushayapti. Juda yupqa, harir mato ostidan ayol qomatining ko'krak qismiko'rinib

qolyapti. Chaqaloq gavdasidagi jonlanish esa kompozitsiyaga ma’lum darajada osoyishtalik kiritishga xizmat qilmoqda. Inson bilan tabiat uyg’unligi kartinaning etakchi g’oyasidir.Madonnalar (sanamlar) obraziga bag’ishlangan "Alba sanami", "Granduxa sanami", "Go’zal bog’bon", "Rolino sanami" kabi kartinalari orasida Rafael asarlari o’ziga xosligi bilan ajralib turadi. Rafael alohida sintez uslubidan foydalanib umumlashgan ayol obrazlari yaratishniig ajoyib namunalarini yuzaga keltirdi. "Sikstin madonnasi" deb nomlangan polotno ana shunday asarlar sirasiga kiradi. Kartina markazida insoniyat kelajagi uchun o’z farzandini qurbon qilayotgan ona tasviri...Musaffo osmon. Ana shu osmon bag’rida ayol qalbining iztiroblari yanada bo’rtibroq ko’rinadi. Bashariyat ertasi uchun qayg’urayotgan bu ayol fidoyilik, matonatning ramziga aylangan."Rafaelning madonna obrazida buyuk va tuganmas mehr to’la munis onalarning umumiy ramzi tasvirlangan bo’lib, bu orzu-istaklar xalqning orzu-istaklaridan iboratdir"-degan edi, rus musavviri N.N.Kramskoy. Bu fikr ma’lum ma’noda uyg’onish davrining barcha rassomlariga tegishlidir.Uyg’onish davrining portretnavis musavvirlari bu borada ibratli ifoda usullarini ochibgina qolmay, balki keyingi avlod ijodkorlari uchun bunday muqaddas yo’lda sidqidildan xizmat qilish sabog’ini oshyon etdilar. Ona obrazi sohasida ijod qilgan rassomlar hayotini kuzatar ekanmiz, albatta, ularning har biri uyg’onish davri rassomlari va mana shunday juda kamdan kam uchraydigan noyob ijodga iqtibos keltirganlarining guvohi bo’lamiz.Ayni paytda bunday iqtibos albatta, o’zbek musavvirlari ijodida ham o’z aksini topgan. Bu borada Rahim Ahmedovning "Tong", "Onalik o’ylari", Abdulhaq Abdullaevning "Buvi va nevara",. Ro’zi Chorievning "Boysun sanami", Bahodir Jalolov "Baxt", Aziza Mamatovaning "Ona va bola" kabi portretlarini eslash joizdir.xozirgi paytda ham ko’plab rassomlar Ona obrazi ustida samarali ijod qilishyapti. Ammo bu erda shuni aytib o’tish kerakki, uygonish davri rassomlari yaratgan portretlar mazmunida nafaqat onalik mehri, tarbiya yoki muhabbat kabi mavzular yotadi, balki ular zamirida falsafiy g’oya, ya’ni insonning diniy e’tiqodi alohida ma’no egallaydi. Chunki musavvirlar mana shunday kuchli e’tiqod tasviri vositasida o’zlarining xolis niyatlariga erisha olganlar. Shu nuqtai nazardan qaraganda o’zbek rassomlari ijodida diniy e’tiqodning to’la etishmasliga seziladi. Masalan, mashhur rassom Rahim Ahmedovning "Tong" asariga nazar solsak, albatga, kartinani kuzatayotgan kishi unda onaning tong saharda o’z farzandiga mehr bilan boqayotganligini tushunadi, lekin yarim yalong’och ayol qomatini kuzatish kabilarni urf-odatlarimiz va diniy e’tiqodlarimiz tomonidan rad etiladi. Qo’shimcha tarzda esa onaning o’z farzandiga nisbatan mehr-muhabbati "uyqusiz tunlar" zamirida kechishini darhol seza olamiz. Haqiqatdan ham islom dini tarbiyasi muqaddas ayol (ona) kiyimsiz tasavvur qila olmaydi. Bu borada Ro’zi Chorievning "Boysun sanami" portreti katta ahamiyatga ega. Chunki musavvirning mazkur portretida o’zbek ayolining milliy kiyimlari va nigohlarida urf-odatlarimizning ajib xususiyatlari sezilib turibdi. Sir emaski, biz tarixiy voqealar shohidi bo’layapmiz, endilikda, mustaqillik shamoli zaminida o’zining mazmunan chuqur ifodasini topgan insonni iymonli, e’tiqodli, vijdonli, mehr-oqibatli xususiyatlari bilan tasvirlangan holatlarda san’atimiz peshtaxtalarida ko’rsak. Ya’ni, munis onajonlarning chehralaridagi latofatu nazokatlar bilan, mehru saodatlar bilan bog’liq bo’lgan yangidan yangi badiiy tasvirlar yuzaga kelsa maqsadga muvofiq bo’lar edi...

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА БАРКАМОЛ ШАХС САЛОМАТЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Д.И.Рўзиев БухДУ, Қ.Қобилжонов БухДУ жисмоний маданият факультет талабаси

Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, риёзиет (математика), фалакиёт, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик, физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бадантарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлиб, ушбу фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган алломадир. Унинг ақл заковати, яратган асарлари Ўрта Осиёдагина эмас, балки Шарқ ва Ғарбий Оврупо мамлакатларида ҳозирги кунгача аҳамиятини йўқотмаган ҳолда, ҳурмат билан тилга олинади.

Ибн Синонинг бизгача етиб келган 242 дан 60 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси астрономияга, 1 таси математика, 1 таси музикага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан илмий ёзишмаларга бағишланган асарлари ичида «Дафъ ал маддор ал куллия ан ал абдон ал-инсония...” (Инсон баданига етишган барча зарарларни йўқотиш...), шунингдек Рисола фи ҳифз ас-сиҳҳа (Соғлиқни сақлаш ҳақида рисола) асарларида бадантарбия, шахсий гигиена ва парҳез масалалари ёритилган бўлиб, бу рисолалар 1547 йилда лотин тилида нашр этилган, арабчаси 1837 йилда Қоҳирада босилган эди. Ўзбек тилига қилинган таржимаси 1978 йилда Тошкентда босилиб чиқди.

Соғлом авлодни тарбиялаш ҳамма замонларда ҳам жамият ривожи, тараққиётининг асосий белгиловчи мезони бўлиб келган. Жамият равон ривожи, осудалигини таъминлашга хизмат қиладиган инсон маънавий баркамол бўлиши учун энг аввало жисмонан соғлом бўлиши лозим.

Инсоннинг куч ва қобилиятларини тахлил этганда, у учга бўлинади: жисмоний, ақлий ва ахлоқий. Шунга биноан инсоннинг бу куч қобилиятларининг тараққий этиши, юксалишини таъмин этадиган тарбия ҳам уч қисмга ажралади: булар бадан тарбияси, ақл тарбияси, ахлоқ тарбиясидир.

Бадан тарбияси инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Биринчидан, ҳаётда ҳар кимнинг мукаммал соғ саломатликка, куч қувватли баданга эга бўлиш эҳтиёжи бор. Иккинчидан, бадан соғлиғи фикр ва ахлоқнинг ҳам соғлиғини таъмин этади. Қувватли баданнинг фикр ва ахлоқ узра таъсири ошкордир. Фикр ва ахлоқ билан мижоз ва соғломлик узвий боғлиқ.

Бадан тарбиясининг мақсади ҳар томонлама жисмонан чиниққан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришдан иборат.

Ибн Сино Тибнинг амалий қисмини иккига бўлади. Биринчи қисм соғлом гавдаларнинг тадбирини билиш, бу соғликни сақлашга таллуқли бўлгани учун уни соғлиқни сақлаш илми деб атайди. Соғлиқни сақлашда эса асосий еттита нарсани мўътадил қилиш лозим дея таъкидлайди. Булар: мизожни мўътадил қилиш, ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаш, гавдани чиқиндидан тозалаш, тўғри тузилишини сақлаш, бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимли нарсаларни яхшилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш; шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйқу ва уйғоқлик ҳам киради.

Тана аъзоларининг мўътадил фаолияти учун ҳаракат жуда зарурийдир. Буюк ҳаким: «Бадан тарбия — соғлиқни сақлашда улуғвор усулдир», дейдики, бу фикр: «Кимки қилса ҳаракат — соғлиғида баракат бўлади» деган нақлни эслатади.

Қадимда халқимиз бадан тарбияни риёзат деб аташган. Абу Али ибн Сино «Тиббий достон» («Уржуза») асарида ҳам риёзат — бадан тарбияси ҳақида тўхталиб, унинг бир неча хиллари бўлиши, бу жисмоний машклар билан ўртача шуғулланиш соғлиққа фойдали эканлигини бундай таърифлайди:

Билсанг риёзат турлари неча неча
Шарофатли бўлур эса у ўртача.
Тўғри ва мўътадил бўлиб ўсган бадан,
Кир чир ила чиқиндидан қутулар тан.»

Олим яна, жисмоний машқсиз юриш баданда ёмон хултларнинг йиғилишига сабаб бўлишини ало ҳида уқтириб бундай деб ёзади:

«Риёзатсиз ётишдан кўп топма роҳат,
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.
Жим ётсанг ифлос хулт- ла тўлар бадан,
Ғизоча ҳеч ҳозирланмас бирор маскан».

Аллома соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири сифатида бадантарбияни эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги турларини кўрсатади : ўзаро тортишиш, мушт билан туртишиш, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, найза отиш, юқоридаги бир нарсага ирғиб осилиш, бир оёғида сакраш, қиличбозлик ва найзабозлимк, отда юриш, икки қўлини силкитиш.

Бадантарбия билан шуғулланувчи аввало ичидаги ва қовуғидаги чиқиндиларни чиқариб ташлаши, кейин ҳаракат қилиши керак. Ўз гавдасини тайёрлаш учун олдин гавдани қаттиқ мато билан ишқалаши керак, бундан унинг табиати уйғониб, терисининг тешиклари кенгаяди. ундан кейин чучук мой билан гавдани ишқалаб, аста-секин унча кучли бўлмаган уқалашга ўтилади. Бунга қўллар билан тананинг турли бўлакларини кўп марта эзиш ва барча мушакларни эзиш билан эришилади. кейин уқалашни тамомлаб, бадантарбияга киришилади.

Кўриниб турибдики, Ибн Синонинг инсон саломатлигини сақлашнинг асосий мезони ва гарови сифатида бадантарбияси ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, шунингдек “Соғлом бола йили” дастурида ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш асосий йўналиш сифатида эътироф этилиши, инсоннинг ҳамма замонларда ҳам ҳар томонлама камол топиши жараёнида аждодлар ва авлодлар ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжудлигидан далолат бериб, аждодларимиз томонидан қолдирилган бой маънавий-маданий меросни янада чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ қилишни тақозо этади.

V-ШЎЪБА
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

ОСОБЕННОСТИ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЁЖИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ.

ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

Б.Ж.Умаров, п.ф.н.,доцент, Д.Жабборова -1 босқич магистри

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ жамият ҳаётида миллий қадриятларни тиклаш ва улар асосида баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устивор масаласига айланди.

Ҳар томонлама етук шаклланган, комил инсон ғояси инсониятнинг азалий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Миллий модел нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар томонлама камол топган шахс, ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятида ижтимоий – тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳани тараққий эттириш манбаига айланади.

Баркамол авлод тарбияси – ёшларни маънавий-аҳлоқий шакллантириш, Ватан мустақиллиги мустаҳкамлаш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи, интеллектуал салоҳиётли, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга қаратилган тарбиявий жараёнлар мажмуаси ҳисобланади.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса, ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак маъсулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса, ватапарварлик туйғусида намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақиликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Миллий қадриятларнинг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг «ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб хис этаяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак асло янглишмаган бўламиз»[1].

Миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, уларда илгари сурилган ғоялар инсон руҳиятининг шаклланиши, унда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга хизмат қилади. Миллийликни белгиловчи омиллардан бири урф-одат, анъана ва қадриятлардир. Шу сабабли инсон ҳам миллат вакилларидан бири сифатида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни янада бойитиш тўғрисида қайғуриши зарур. Ўз навбатида миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар ғояларининг миллат равнақи, инсоният тараққиётига хизмат қилиши билан фахрланиш ўқувчи ёшларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминлайди. Ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишда ёшларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраш, уларни бойитиш учун ҳаракат қила олиш кўникмаларини тарбиялашга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Миллий қадриятлар миллат яратган маданий-маънавий меросни, хусусан, миллат кишиларига хос барча инсоний фазилатлар, хислатларни ўтмишдан бугунга етказади. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларни асраб-авайлашга ҳар бир миллатнинг ўзи масъулдир. Ҳар қандай шароитда ҳам, чунончи, бирор миллат озод, фаровон бўлганда ҳам, қуллик, тобелик исканжасига тушиб қолганда ҳам, унда миллий қадриятларни сақлаб қолиш учун ички имконият мавжуд бўлади.

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин эгаллайди**.** Унга илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ ҳунармандчилиги махсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳоказолар киради.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгани туфайли ўтмиш авлодлар қолдирган бой маънавий-маданий меросни ўрганиш ва қайта тиклашга мушарраф бўлмоқда.

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.:Ўзбекистон,1993, 4-бет.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар жаҳон илм фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар, унинг кейинги тараққиётига самарали таъсир кўрсатдилар Миллий қадриятимиз ҳисобланган Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги кашфиётлари, Беруний ёки Ал-Хоразмийнинг математика соҳасидаги кашфиёти, имом Бухорийнинг ислом оламининг ривожига қўшган ҳиссаси, Улуғбекнинг астраномия фанига, Амир Темурнинг бунёд қилган тарихий обидалари, Бобурнинг Ҳинд диёридаги мамлакатни идора қилиш, ободончилик ишлари, Алишер Навоийнинг шеърият мулкига қўшган ҳиссаси кабилар бугунги кунда умуминсоний қадрият ҳисобланади. Чунки ушбу қадриятлардан бутун дунё мамлакатлари фойдаланадилар ҳамда барча фанлар тараққиёти учун қадрли, аҳамиятли ҳисобланади.

Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялаш борасида республикамиз педагогика фанининг мақсадлари қуйидагилар билан белгиланади:

- баркамол инсонни вояга етказиш муаммоларини мажмуавий тадқиқ этиш;
- Республикамизда таълим-тарбия самарадорлигини узлуксиз ошириб бориш ва жаҳон талаблари даражасида тараққий этишига эришиш;
- умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафкурани шакллантириб бориш имконини яратиш;
- тарбияшунослик асосларини илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва унинг янги шаклларини жорий қилиш борасида изланишлар олиб бориш;
- бўлажак ўқитувчи ва тарбиячиларни баркамол авлодни шакллантириш учун талаб этиладиган билим ва кўникмалар билан қуроллантириш;
- узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш.

Миллий қадриятлар асосида мамлакатимиз келажагини барпо этувчи ёшларни тарбиялаш асносида ёшларимиз томонидан халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одат ва анъаналарини чуқур билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютукларидан фахрланиш, уларни муттасил ошириб боришга интилиш мамлакатимиздаги барча элат ва миллатларнинг келажаги буюк давлатни барпо қилишдек муаззам мақсад йўлида жипслашишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

п.ф.н.Эшмуродов Э.Э. Қарши ДУ, Ж.Бозоров ҚарМИ ҳузуридаги Нуристон академик лицейи катта ўқитувчиси, Каромова М., магистр,Қарши ДУ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига ёзган сўз бошисида: “Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди” - деб таъкидлар экан, миллий ғоя ва мафкуранинг асл моҳиятини тушунтириб беради. Президент “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида “Мақсад дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл – юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни – халқ, миллатни – миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас кучга айланишини эътироф этади.

Шундай экан, биринчидан, кишилар онги, уларнинг янги жамият қуриш жараёнидаги онг даражаси ва тафаккури ҳам таълим–тарбия воситасида ўзгаради. Лекин тоталитар тузум даврида, коммунистик мафкура шахсни эркин, ижодий шаклланишига йўл қўймади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, таълим–тарбия соҳасида ҳам туб ислоҳотларни амалга оширишга зарурият сезилди. Лекин ислоҳотларнинг самараси кадрларнинг замон талабига жавоб беришига боғлиқ эди. Ана шу зарурият “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни қабул қилишни кун тартибига қўйди. Таълим ислоҳотлари жамиятимиздаги ижтимоий–сиёсий муҳитга таъсир этиб, унинг ўзгаришига олиб келади.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, ёш авлод ҳаётда ўз ўрнини топишига мувоффақ бўлади. Улар маълум ихтисосликка ҳам эга бўлади. Бунинг барчаси ижтимоий – сиёсий аҳамиятга эга эди.

Учинчидан, таълимнинг янги модели мустақил фикрлайдиган эркин шахснинг шаклланишига ёрдам беради. Ҳар бир шахс онгли ҳаёт кечириш имконига эга бўлиб, ўз ақли, ўз тафаккури, ўз

меҳнати, масъулияти билан онгли, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб етишиб, ўз мақсадидан чалғимайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели потенциал кучларни рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти яратилиб, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис инсонлар шу жамиятнинг тақдирини ҳал этадилар.

Ва ниҳоят, ўзбек халқи ва Ўзбекистон дунёда ўз мавқеига эга бўлган буюк давлат, яъни интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агар Амир Темур "Куч – адолатда" деган бўлса, ҳозирги кунда "куч – билим ва тафаккурда" деган тамойилга таянилади .

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг тараққиёти ва истиқболи мустақилликнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан мустаҳкамланиши учун ҳали юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мафкура зарур. Чунки Ўзбекистоннинг келажаги истиқболи ана шу йўл кўрсатувчи мафкурага боғлиқ. Бу мафкура халқнинг руҳияти, куч–қудрати, орзу-интилишларини идора этувчи ғоявий кучдир. Ана шу ўзгаришларнинг амалга ошиши мафкурасиз бўлмайди.

Миллий мафкура жамият маданияти, кишилар онгининг ўсишида катта аҳамият касб этади, шунингдек, ватанпарварлик туйғусининг шаклланишига, миллий маънавиятнинг юксалишига катта ҳисса қўшади. Миллий ғоя ва мафкура тарбияда миллий қадриятларга асосланади. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний, ҳуқуқий ғоялар мафкуранинг таъсирчанлигини оширади. Зеро, мафкурани шакллантириш ва уни ҳаётга жорий этишда фан қонунлари ва қонуниятларига асосланилади. Унинг асосий моҳияти Республикамиздаги барча миллатларнинг манфаатини назарда тутади.

Шунга кўра, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ҳамда "Маънавият асослари" ўқув фанлари таълимнинг барча турлари тизимида ўрганила бошланди.

Ёш авлод тарбиясида унинг натижаларини ҳисобга олишнинг параметрини ва мезонларини ишлаб чиқиш, тарбиявий ишларни самарадорлиги даражасини ўрганиш ва ҳисобга олиш методикасини яратиш, хорижий таълим тизими ва уларни қиёсий ўрганиш, мустақиллик даврида Ўзбекистонда таълим тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва йўналишларини аниқлаш лозимлиги таъкидланади.

Узлуксиз таълим босқичида изчилликни таъминлашга ёрдам берувчи моделларни яратиш ҳам назарда тутилади.

Шунингдек, ўқувчиларни тарбиялаш тизимида жамоа ташкилотлари ва маҳаллаларнинг ролини ошириш масаласига, ўз-ўзини бошқариш тизимини яхшилашга эътибор берилади. Таълим муассасаларига раҳбарлик, ички назоратни яратиш масалалари ҳам концепциянинг асосини ташкил этади, ва хусусий дидактика масалалари таҳлил этилади. Концепцияда педагогика фанининг муҳим тармоқларига ҳам тасниф берилади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя ва мафкура педагогик фикрлар тараққиётига таъсир этиб бунинг натижасида:

1.Миллий ғоя ва миллий мафкура ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришда халқимизнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланади.

2.Ўзбекистонда миллий ғоя ва миллий мафкуранинг таъсири натижасида мустақил фикрлайдиган, эркин фуқаро шаклланади.

3.Бозор иқтисодиёти шароитида ягона иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий муҳитнинг таркиб топиши илмий–амалий жиҳатдан асосланган таълим тизими майдонга келади.

4.Натижада педагогик фикрлар тараққиёт йўлига кириб, фундаментал тадқиқотлар олиб боришга йўл очади.

AXBOROT GLOBALLASHUVI SHAROITIDA YOSHLAR MA'NAVIYATI

M.M.Nigmatova, S.S.Xodjayeva BuxDU katta o`qituvchilar
S.Yaxshimurodova BuxDU talabasi

Muhtaram Yurtboshimiz Islom Karimov o'tgan yili Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlariga yo'llagan tabrigida: «Bugungi kunda axborot olamida Internet davri kelgani, internet-televideniye, internet-radio, elektron pochta, onlayn-video kabi ko'plab yangi axborot tarqatish texnologiyalari qanday tez sur'atlar bilan rivojlanib, ularning auditoriyasi va ta'sir doirasi tobora kengayib borayotgani haqida ortiqcha gapirishga zarurat yo'q, deb o'ylayman. Bunday axborot vositalariga asosan yoshlarning juda katta qiziqish bilan qarashi va ulardan keng foydalanishini hisobga oladigan bo'lsak, haqiqatan ham, bu masalaning naqadar ulkan ahamiyatga ega ekanini anglash qiyin emas.

Bugun yon-atrofimizda, uzoq-yaqin mintaqalarda yuz berayotgan voqealarni inobatga oladigan bo'lsak, hali ongi, hayotiy qarashlari shakllanib ulgurmagan yoshlarni chalg'itishga qaratilgan g'arazli

kuchlar ham Internet imkoniyatlaridan o‘z manfaatlari yo‘lida foydalanishga urinayotgani va bunday intilishlarning qanday salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkinligini e’tibordan soqit qilib bo‘lmaydi.

Jamiyatda tinchlik va barqarorlikni izdan chiqarishga, o‘zaro adovat va to‘qnashuvlarga sabab bo‘ladigan bunday xatarlarning oldini olishning asosiy yollaridan biri yoshlarimizni mustaqil fikrlaydigan, oqni qoradan, do‘stni dushmandan ajratishga qodir bo‘lgan, bizning qanday boy tarix va merosga ega ekanimizni anglab yashaydigan, imon-e’tiqodli, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiya topgan insonlar etib voyaga yetkazishimiz, bu masalani hech qachon ikkinchi darajali vazifa deb bilmasligimiz kerak», — degan edilar.

Darhaqiqat, mustaqillik yillarida mamlakatimizda sog‘lom dunyoqarash va mustaqil tafakkurga ega bo‘lgan yoshlarni voyaga yetkazish masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Xususan, buyuk allomalarimizning boy ma’naviy merosini o‘rganish, yoshlarga yetkazish, milliy an’ana va qadriyatlarimizni asrab-avaylashga, ma’naviyat va ma’rifat maskanlari, kutubxona, axborot-resurs markazlari va ta’lim dargohlarini zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan ta’minlashga katta ahamiyat qaratilmoqda.

Bugungi murakkab globallashuv davrida har bir shaxs axborot ta’siriga uchraydi. Zamonaviy inson hayotining voqeligi bu shiddat bilan ko‘payib borayotgan axborot oqimini o‘zlashtira bilishdir. Ta’kidlash joizki, bunday axborot oqimlarining aksariyat qismi noqonuniy va ijtimoiy jihatdan salbiy mazmunga ega bo‘lgan axborotlardir. Butunjahon Internet axborot tarmog‘i, mobil aloqa tizimi, kompyuter o‘yinlari, video va kino mahsulotlari orqali «ommaviy madaniyat» niqobi ostida milliy manfaatlarimiz, mafkuramiz, ma’naviy-axloqiy qarashlarimizga yot zararli g‘oyalarni yoshlar ongiga singdirishga urinishlar ham kuzatilmoqda.

Mamlakatimizda axborot va so‘z erkinligini ta’minlash borasidagi islohotlar o‘sib kelayotgan yosh avlodni axborot olishga bo‘lgan huquqlarini keng miqyosda ro‘yobga chiqarish, ularni ma’naviy tahdidlardan himoyalash, milliy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish, qobiliyat va qiziqishlarini to‘g‘ri yo‘naltirib borish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish borasidagi ishlar barchaning e’tiborida bo‘lishini taqozo etadi.

Bu boradagi ishlarning samaradorligini oshirishda ommaviy axborot vositalarining mas’uliyatini kuchaytirish lozim. Matbuot sahifalarida mustaqillik yillarida erishilgan yutuqlar, xalqimiz hayotida sodir bo‘layotgan ijobiy o‘zgarishlarni qamrab olgan tahliliy materiallarni yoritib borish zarur.

Axborot olamidagi globallashuv jarayonida yoshlar ma’naviyatiga qarshi yo‘naltirilgan zararli axborot oqimidan himoyalash, o‘sib kelayotgan yosh avlodning a’naviy-axloqiy tarbiyasiga oid tizimli ishlarni olib boorish zaruriyati tug`ildi.

Bugungi axborot asri davrida yoshlarga yopirilib kelayotgan axborotlardan foydalana olishlari, xususan, nosog‘lom axborotlardan ularning o‘zlari himoyalana olishlari, kommunikatsiya vositalaridan to‘g‘ri foydalana bilishlari uchun bilim va tajriba kerak bo‘ladi. Aynan mana shu borada ular uchun kattalarning, ayniqsa, ota-onalar va pedagoglarning ma’naviy-ruhiy ko‘magi zarur.

Axborot sohasida yoshlarning ijtimoiy fikrini to`g`ri yo`lga yo`naltirish,ularda ma`naviy- axloiy tarbiyani shakllantirish ,dunyoqarashini o‘rganish, voyaga yetmaganlar sog‘lig‘i, ma’naviy-axloqiy kamolotiga ziyon yetkazuvchi axborotlardan himoyalash borasida tarbiyaviy ishlarni kuchaytirish muhimdir.

Milliy qadriyatlar va o‘zligimizni anglash, ma’naviyatimizga tahdid — kelajagimizga tahdid ekanligi , axborot makonida globallashuv va kuchli raqobat sharoitida mafkuraviy immunitetni shakllantirish, o‘sib kelayotgan yosh avlodning media savodxonligi va Internetdan foydalanish madaniyatini yuksaltirish, Internetning milliy segmentini rivojlantirish yuzasidan lozim.

Axborot makonining globallashuvi jarayonida yoshlarning ma’naviy-axloqiy tarbiyasini yanada takomillashtirishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish, ushbu rejani amalga oshirishga jamiyatimizning keng qatlamlari: davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, fuqarolik jamiyati institutlari, jamoat tashkilotlari, fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlari, ota-onalar va pedagoglarni keng jalb qilish maqsadga muvofiqdir.

Bu vazifalarning ijrosini ta’minlash maqsadida yurtimizda umumiy o‘rta ta’lim maktablari bilan birga yoshlar tarbiyasi, ma’naviyatida muhim o‘rin tutuvchi ma’rifat maskanlari – axborot-resurs, badiiy ijodiyot markazlari, bolalar musiqa va san’at maktablarini ko`paytirish,Xalq ta’limi vazirligi tomonidan tabiiy fanlar barobarida ijtimoiy-gumanitar fanlarni o‘qitishni sifat va mazmun jihatdan yanada yuksak pog‘onaga ko‘tarish ,o`quvchilarning tafakkurini boyitishga qaratilgan “Odobnoma”, “Vatan tuyg‘usi”, “Tarix”, “Adabiyot”, “Milliy istiqlol g‘oyasi va ma’naviyat asoslari” kabi fanlarning samaradorligini yanada oshirish, maktab, mahalla, oila hamkorligini mustahkamlash va kuchaytirishga oid ma’rifiy ishlarni kuchayt.irish kerak.Bugungi globallashuv davrida yoshlarni Vatan taqdiri uchun daxldorlik, fidoyilik, hushyorlikka da’vat etishga oid loyihalar, tadbirlar, anjuman va ijodiy seminarlarning ta’sirchanligini yanada oshirish, ularga yoshlarni tobora kengroq jalb etish, o‘quvchilarning bo‘sh vaqtini to‘g‘ri va unumli tashkil etish, bolalarda milliydabiyotimiz, kitobxonlik ko‘nikmalarini shakllantirish, o‘quvchilarning g‘oyaviy-huquqiy mafkurasini mustahkamlash muhim ahamiyat kasb etadi.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЖАМИЯТНИНГ АЛОҲИДА ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУҲИ СИФАТИДА

Ахмедов Бахтиёр Турсунович, Ибодуллаева Гўзал, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the youth as a separate social-demographic group of the society in the Independence Uzbekistan.

Keywords: youth, separate, social-demographic group, person, society.

Шахснинг қарор топишида, унинг ҳаётий позициясининг шаклланишида ёшлар катталарнинг мустақил ҳаётига қай даражада ва қай тарзда тайёрланаётганига, бу тайёргарлик катталар ҳаётига самарали кириб боришга тайёргарликми ёки йўқлигига жуда кўп нарса боғлиқ. Чунки “мустақиллик ҳар бир шахснинг интеллектуал, ахлоқий, профессионал, умуммаданий ҳамда жисмоний камол топишини таълим ва тарбиянинг, шу жумладан ўзини-ўзи тарбиялашнинг асосий масаласи сифатида олға суради”[1]. А.Эркаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “мустақиллик шароитида янгиланаётган таълим ва тарбия тизими ҳар бир фуқарода, энг аввало, ўсиб келаётган авлодда дунёга, жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни ўзгартиришга қаратилган. Ҳар бир киши ўзига ўзи: “Нима учун яшамоқдаман, нимага эришишим даркор, менинг борлигимнинг маъноси нима?”, деган саволни бериши ва ўзи учун жавоб топиши даркор”[1].

Ўсмирларни тавсифлар эканмиз, кўпинча уларни бола деймиз. Ўйлаб кўрилса, бу сўз ортида ота-она меҳри ёки педагог одатигина эмас, балки яхши жисмоний ривожланишига қарамай, кўп жиҳатдан болалар ҳолатида қолаётган ёшларнинг ҳақиқий аҳволи ҳам туради. Болалар вояга етиб, ўсмирга айланишади. Лекин ўсмирлар вазиятни баҳолашда барибир уларни “болага айлантириш” тамойили кўзга ташланади. Ҳеч бўлмаганда, 13-14 ёшли ўсмирларнинг олий ўқув юртига кириши фактлари тўғрисидаги мубоҳасаларни эсга олайлик. Ўсмирнинг психикаси, унинг қувватга кирмаган нерв системаси бундай улкан психофизик юкни кўтара олармикан?

Биринчидан, психология маълумотларига кўра, 18 ёшга бориб шахснинг психофизиологик нуқтаи назаридан шаклланиши тўлиқ тугалланади, шунинг учун саволга ўрин қолмайди. Иккинчидан, бундай гап ёшларнинг ижтимоий, фуқаролик ривожланиши тўхташини ўзига хос таъкидлаш эмасмикан? Афсуски, бизнингча, шундай. Аслида, ўсмирлар фаолиятининг қайси соҳасини олмайлик, улар барча моддалар бўйича “16 ёшгача бўлган болалар” ҳисобланишади. Уларга нимадир таъқиқланади, катталар бориши мумкин бўлган жойга улар бора олишмайди.

Шундай қилиб, ёш авлоднинг фуқаролик ривожланиши жисмоний ривожланишиданортда қолиши муаммоси аниқ кўриниб турибди. Бунда гап фақат ўсмирлар тўғрисида бормаяпти. Биз биринчи ва иккинчи ёш цикларини иккига кўпайтиргандек бўлдик (одам 13 ёшгача ва 14 дан 30 ёшгача). И.В.Бестужев-Лада адолатли равишда кўрсатишича, илмий муассасаларда барча йўриқномалар бўйича 33 ёшгача бўлганлар, норасмий равишда эса – 40 ёшгача бўлганлар ёш олим ҳисобланишади [2].

Болаликнинг ўзига келганда эса (уни ижтимоий-биологик жиҳатдан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам кўриб чиқиш лозим), бизнингча, у илгари тўпланган ижтимоий ривожланиш ижтимоий тажрибасини, билимларни, кўникмаларни, маданиятни ҳар бир янги авлодга етказишни таъминловчи жиддий омил сифатида воқе бўлади. Психология фанида бу жиҳатдан куйидагилар қайд этилган: “Ҳар биримизнинг ҳаётимизда аввал орттирганларимизни сақлаб қола олмайдиган, аввал миямизда очилган йўллар, янгилари пайдо бўладиган даражада тезлик билан йўқоладиган, айни бир вақт ичида эгаллаганимиз миқдордаги билимларимизни йўқотадиган давр келади. Ушбу мувозанатли ҳолат кўп йилларга чўзилиши мумкин. Кексаликда у бузила бошлайди: хотирадан кўтариладигани янгидан эгалланадиганига қараганда кўпаяди, аниқроғи, ҳеч қандай янги нарса эгалланмайди. Мия йўллари шунчалик беқарор бўлиб қолади-ки, бир неча минут давомида битта савол берилса-да, унинг жавоби олти марта унутиб қўйилади. Бу даврда болаликда таркиб топган йўлларнинг ғаройиб барқарорлиги аён бўлиб қолади: жуда кекса одам барча нарсани унутиб, илк ёшликдаги хотиротларни сақлаб қолади”[3].

Жисмоний етилиш асносида ижтимоий тажрибанинг мустаҳкамлиги ва ўзлаштиришнинг чуқурлиги заифлашса, нима бўлиши аён. Бундай ҳолатда жамият шахсни шакллантириш ҳамда тарбиялаш учун имконият яратишга улгура олмайди. Лекин жамият, унинг институтлари ёшларнинг жадал жисмоний етилишини керагича тан олмай, ўз фаолиятларини асосан аввалги болаликни назарда тутган ҳолда амалга оширадиган вазиятда ҳам муаммо кам эмас. Фуқаролик ривожланишининг орқада қолиши бўлиб, ёшлар бўлажак катталар ҳаётига эндигина тайёрланаётган «абадий ўқувчи” аҳволига солиб қўйилган вазият айнан шудир. Катталар ҳаёти эса келиши қийин бўлиб бормоқда [4].

Ҳаётда ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни ёшлар жамият ижтимоий ҳаётининг бирон-бир соҳасида муҳим ҳолат касб этиши билан поёнига етади. Бу жараённинг яхлит кўриб чиқилиши ёш

авлоднинг ушбу жараён тугаллангандаги ёшини аниқлаш имконини беради. Бунда эмперик тадқиқотдан кўзланган мақсад ёшлар томонидан эришиладиган, ушбу мақсад интеграциялашган ҳаётий позициялар ҳамда тузилмаларни тавсифлашдир. Айтилганлардан ташқари, умуман ёшларнинг ижтимоий психологиясини ва хусусан, ҳар бир боланинг психикасини тадқиққилишда қуйидаги қоидани ҳисобга олиш даркор: “Биз болага таълим бера туриб, уни ўрганамиз. Биз бунинг учун педагогик жараённи кузатиш фойдасига эксперимент қилишдан воз кечмаймиз, балки ўрганишни экспериментал дарс типида ташкил қилиб, экспериментнинг ўзига педагогик таъсир элементларини киритамиз. Болани ўрганар эканмиз, бола эгаллаб турган босқич ёки даражани қайд этишга эмас, балки шу босқичдан кейинги, юқори босқичга томон силжишда болалар психологияси ривожланиши қонуниятларини ўрганамиз”[5].

Бизнингча, ушбу қоидалар илмий мақсадлар ва амалиёт учун инсоннинг шахс сифатида босқичма-босқич ривожланишининг ўртача статистик ёш цикларини топишга халал бермайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эркаев А. Духовность – энергия независимости. – Т.: Маънавият, 1998. – С. 168.
2. Бестужев-Лада И.В. Молодость и зрелост. –М.: Политиздат, 1984. –С. 26-27.
3. Джеймс У. Психология. –М.: Педагогика, 1991. –С. 193.
4. Гаджиев А.М. Алфавит сознания. – Т.: Изд-во медицинской литературы, 1999. – С. 24-25.а
5. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М.: Педагогика, 1989. – С.61.

MA’NAVIY BARKAMOL AVLOD TARBIYASI - UZLUKSIZ VA TIZIMLI JARAYON

D.M.Nosirova, BuxDU

Har bir mamlakatning ma’naviy etukligini anglatuvchi muhim jihatlaridan biri bu tarbiya masalasidir.

Abdulla Avloniyning “Al-hosil–tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir” degan ibratli so’zlari o’zbek milliy tarbiyasining ma’naviy asoslarini belgilaydi.

Yosh avlod tarbiyasiga, uning barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun qaysi jihatlarga e’tiborni qaratmoq lozim? Bunday masalalarni hal etishda avvalo mamlakatimizda siyosiy-ijtimoiy sohalarda yuz berayotgan chuqur demokratik o’zgarishlar mohiyatini atroflicha mushohada qilib olishga to’g’ri keladi. Chunki davr ham, inson tarbiyasi ham doimiy ravishda o’zgarib boraveradi. Ayniqsa, XXI asr insoniyat tarixida intellektual va kompyuter davri bo’lib kirib keldi. Biroq, fan-texnika qanchalik jadal rivojlanib, jamiyat hayotida muhim joy olib, ishlab chiqarish jarayonlarini tezlashuviga qanchalik samarali ta’sir etmasin, tarbiya nazariyasida shaxsni komil etib tarbiyalash, bu borada Markaziy Osiyo mutafakkirlari, xalq pedagogikasi hamda jahon pedagogikasining ilg’or fikrlariga tayanib ish ko’rish zarur bo’ladi. Yoshlarni barkamol inson qilib tarbiyalashda birinchi navbatda Sharq mutafakkirlarining qimmatli ma’naviy meroslari muhim dasturil amal ahamiyatiga ega bo’ladi. Muhammad al-Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad al-Farg’oniy, Imom Ismoil al-Buxoriy, Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Nahshband, Amir Temur, Muhammad Tarag’ay Ulug’bek, Alisher Navoy va Zahiriddin Muhammad Bobur singari olamga mashhur allomalarining ijtimoiy, siyosiy va falsafiy qarashlari barcha zamonlar uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Vatanimiz kelajagi bo’lgan yoshlarga hozirgi zamon talablari darajasida bilim va tarbiya berish, ularni yuksak ma’naviyatli, ongi harqanday salbiy ta’sirlarga nisbatan bardoshli qilib voyaga etkazish – bugungi kun ta’lim muassasalarining asosiy vazifasidir, chunki faqat ana shunday insonlargina kelajakda odil jamiyat poydevorini yarata oladilar.

Prezidentimiz I.A.Karimovning *“...Aql-zakovatli, yuksak ma’naviyatli kishilarni tarbiyalay olsakgina, oldimizga qo’ygan maqsadlarga erisha olamiz, yurtimizda farovonlik va taraqqiyot kamol topadi”* degan so’zlari ayni shu ma’noni anglatadi. Bu esa har birimizning farzandlarimiz, yosh avlodning ma’naviy-axloqiy kamoloti, g’oyaviy chiniqishiga, har hil buzg’unchi g’oya va mafkuralarga qarshi murosasiz kurashchi ruhida tarbiyalashga mas’uliyat bilan yondashishga undaydi. Aynan farzandlarning kamoloti – ertangi kunda barchamizning tinch hayotimizni ta’minlaydi. Buning uchun ularni milliy g’oya ruhida tarbiyalash, ularga hurlik, ozodlik, demokratik tamoyillarga asoslangan jamiyat barpo etish, erkin fuqarolik jamiyat asoslari haqida tushuncha berish barchamizning burchimizdir.

Ma’naviy barkamol avlodni tarbiyalash bir umrlik ish. Mustaqilligimiz bu sa’y-harakatlarimiz samarali bo’lishining ishonchli kafolatidir. Ammo har bir ishda yolg’on qadamlardan, nomaqbul echimlar qidirishdan ehtiyot bo’lmog’imiz juda muhim. Har bir ishda qiyinchilikni bo’yniga olgan odam haqiqiy yutuqqa va kamolotga erishadi. Ayniqsa, ziyolilar, yosh avlod tarbiyachilari o’z vazifalariga mas’uliyat bilan yondoshsalar, *“farzandlarimizni ona Vatanga muhabbat, boy tariximizga, ota-bobolarimizning muqaddas diniga sadoqat ruhida tarbiyalash”*dan charchamasalar, millatimiz yana buyuk millat bo’ladi, avlodlarimiz ajdodlarimizga munosib qudrat kasb etadi.

ZAMONAVIY TA'LIM VA BARKAMOL AVLOD TARBIYASI MAMLAKATIMIZ IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING MUHIM OMILI

D.Sh.Jabborova., BuxDU

Jamiyatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar talimning tadrijiy takomillashuvi, innovatsion texnologiyalarning shakllanishi uchun malum shart-sharoitlar yaratdi. Masalan, hozirgi vaqtda talimni rivojlantirish muammosiga jamoatchilikning qiziqishi sezilarli darajada ortdi. Bu hol ko'p odamlarning yangi hayot tarzini tanlaganini bildiradi. Bu hayot tarzi esa yuksak iqtisodiy standartlar, o'zgacha ijtimoiy talablari bilan oldingi hayot tarzidan jiddiy farq qiladi. Hozirgi zamon talimi ijtimoiy amaliyotning murakkab shakli hisoblanadi. Tarixiy taraqqiyotning hozirgi bosqichida uning ahamiyati va o'rni nihoyatda beqiyosdir. Bugungi kunda faqat talim orqaligina jamiyatning rivojlanish, mamlakatimiz iqtisodiyotini modernizatsiya qilishda, barqaror iqtisodiy o'sishga erishish maqsadlarini amalga oshirish, qadriyatlarni avlodlarga uzatish va amalda joriy etish mumkin . Shu o'rinda Prezidentimiz I.Karimovning quyidagi fikrlarini keltiramiz: „Talim tizimini isloh qilish vazifalari muvaffaqiyatli hal etilsa, iqtisodiy – siyosiy iqlim keskin o'zgaradi, odamlar ongida demokratik qadriyatlar qaror topadi. Inson jamiyatdagi o'rnini ongli ravishda o'zi belgilaydi".

Zero, har bir yangilanish ta'limning barcha sohalari mazmunini, uning falsafasini o'zgartiradi, rivojlanishi uchun yangi manaviy – madaniy shart – sharoitlar yaratadi. Bu jarayonlar natijasida talim sohasida qadriyatlarning yangi tizimi rivojlanadi, yani yangi manaviy va axloqiy ideallar hamda tamoyillar, turmush meyorlari shakllanadi va amal qila boshlaydi. Iqtisodiyotda yangi yo'nalishlarning paydo bo'lishi natijasida jamiyat rivojlanishining yangi modeli shakllana boshladi. Bunday rivojlanish modeli nafaqat iqtisodiyot sohasidagi o'sishlar va moddiy qadriyatlar istemolining ortishi bilan, balki insonning manaviy va intelektual ehtiyojlari bilan ham belgilanadi.

Bugungi kunda yosh avlodni ijtimoiy rivojlanishning sotsial, iqtisodiy va siyosiy tendentsiyalari bilan tanishtirish orqali tarbiyalash muammoli vazifalardan biridir.

Zamonaviy ta'lim uskunalari bilan qurollangan yosh avlod, yosh mutaxassis kadrlar, albatta, o'zlarining izlanishlari, yangiliklari bilan mamlakatning iqtisodiy o'sishida faol ishtirokchiga aylanadilar.

O'quvchining ertangi kun faol ishtirokchisiga aylanishi uchun kollejlar talimi tizimi qurilishining uslubiy tamoyillarini quyidagicha ifodalash mumkin:

1. Talimning inson shaxsi va ijtimoiy xususiyatlariga bog'liq bo'lmagan holda har bir kishi uchun ochiq va tushunarli bo'lishi.
2. Talim tizimining moslashuvchanligi, davr bilan hamnafasligi.
3. Ta'lim xizmatlarining mehnat bozori, talab va ehtiyojlariga bog'liqligi.
4. Talimning bola shaxsiga yo'nalganligi, uning o'ziga xos xususiyati va ehtiyojiga mosligi.
5. O'quvchining individual talim olishi strategiyasi va yo'lini, shu jumladan, yangi axborot texnologiyalaridan foydalangan holda masofadan o'qish va o'qitish usulini tanlashga bo'lgan ehtiyojini qondirish
6. Ixtisosliklarni ongli va erkin ravishda tanlashga imkon beradigan ko'p bosqichli kasbiy tayyorgarlik.
7. Hududlarda yagona talim muhitini yaratish, barcha ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish va moslashtirish.

Shu o'rinda yuqoridagi fikrlarni umumlashtirib, Prezidentimiz I.Karimovning quyidagi so'zlarini eslatib o'tmoqchimiz: "Har qaysi inson Olloh taolo ato etgan noyob qobiliyat va istedodini avvalo o'zi uchun, oilasining, millati va xalqining, davlatining farovonligi, baxt – saodati, manfaati uchun to'liq baxshida etsa, bunday jamiyat shuqadar kuchli taraqqiyotga erishadiki, uning sur'at va samarasini hatto tasavvur qilish ham oson emas".

Aytilgan fikrlardan kelib chiqqan holda quyidagicha xulosalarga kelish mumkin.

1. Bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotining o'sishida zamonaviy talim va tarbiyaning o'rni bo'lakcha. Chunki, kuchli bilim hamda manan boy tarbiyaga ega bo'lgan o'quvchi mamlakatning sotsial, siyosiy va iqtisodiy hayotida, uning barqaror o'sishida o'z bilim va ko'nikmalarini qo'llay oladi hamda yangi fikr va g'oyalar bilan ularni to'ldirib boradi.
2. Zamonaviy talim oldida erkin fuqaroni, yuksak manaviyatli barkamol avlodni shakllantirish, boshqacha aytganda, huquqlarini yaxshi biladigan, o'z kuchi va qobiliyatiga tayanadigan, yuz berayotgan siyosiy, ijtimoiy – iqtisodiy, madaniy jarayonlarga shaxsiy nuqtai nazarini bildira oladigan, shu bilan birga o'z manfaatlarini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg'unlashtirib, kasb - hunar sirlarini mukammal egallagan mutaxassislarni tarbiyalab voyaga etkazish vazifasi turibdi.
3. Yuqoridagi jarayonlar, eng avvalo, o'quv tarbiya jarayonida yaratiladi. Bu jarayon qanchalik samarali boshqarilsa, talimning oraliq va umumiy natijalari shuncha yaxshi bo'ladi.

Maqsadlarimizning echimi sifatida fikrlarimizni "Barkamol avlod orzusi" asaridan olingan parchalar bilan yakunlaymiz:

"Avvalo, bu maqsad va vazifalarning to'la amalga oshishi mamlakatimizdagi iqtisodiy – siyosiy muhitning yanada yaxshilanishiga olib keladi, jamiyatimizda yangi shaxs – komil insonlar vujudga keladi. Ular hayotga mustaqil fikrga ega bo'lgan, gumanistik dunyoqarash, o'z maqsad vazifasini chuqur anglagan, mustahkam bilimlarga ega bo'lgan shaxs nigohi bilan qaraydilar".

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Алиматова Гулнора, Термиз давлат университети

Summary: In the article is analysed spiritual life of the society especially spiritual heritage and its ideological forms were took formation during the thousands years and transferred from generation to generation.

Keywords: spiritual life of the society, spiritual heritage, ideology, patriotism, idea, education.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, уларнинг натижадорлиги кишилар, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик ғоясига таъсир этмай қолмайди. Унинг ўзгариш механизмини ватанпарварлик ғоясининг вужудга келиши ҳамда шаклланиши хусусиятларини аниқлагандагина очиб бериш мумкин. Муаммони мозийга қайтиб кўриб чиқиш ёшларнинг янги сиёсий тафаккури вужудга келиши сарчашмаларини, унинг миллий тикланиш жараёнларини интенсивлаштириш, маънавий бўшлиқни ҳалқона анъанавий мазмун билан тўлдириш жараёнини тушуниш имконини беради. “Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, - деганди И.А.Каримов, - одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тиқиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин” [1].

Мустақиллик шарофати туфайли халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрлашга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда” [1].

Ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ ҳар қандай назарий ва методологик концепция тарихий амалиётга суянади. Маълумки, бизни ўраб турган воқелик предметлари ҳамда ҳодисалари доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишдадир. Ижтимоий муносабатлар табиат ҳодисаларига қараганда анча тезроқ ўзгаради, чунки бунда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга мажбур бўлган кишилар фаолияти билан иш кўрамиз.

Ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий муносабатлардан таркиб топган. Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг онги ва хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда таркиб топса, мафкуравий муносабатлар таркиб топишдан олдин “инсон тафаккури маҳсули” сифатида кишилар онги орқали ўтади [3].

Моддий ижтимоий муносабатлар бирламчи, мафкуравий муносабатлар эса иккиламчидир. Ижтимоий психология каби, ижтимоий онг ҳам мафкуравий муносабатлар соҳасига мансуб бўлиб, шунинг учун моддий ижтимоий муносабатларга нисбатан иккиламчидир.

Ишлаб чиқариш усулининг муайян типига асосланган моддий ижтимоий муносабатлар мунтазам ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлгани учун ижтимоий онг, ижтимоий психология ҳам, табиийки, узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Бунда қуйидаги қонуният кўзга ташланади. Умуман ижтимоий онгнинг, жумладан, ижтимоий психологиянинг ривожланиш хусусияти ва йўналиши яхлит ҳолда моддий неъматлар ишлаб чиқариш усулидаги ўзгаришлар характери билан белгиланади. Шундай қилиб, ижтимоий онг, ижтимоий психологияда юз бераётган ўзгаришлар моддий неъматлар ишлаб чиқариш усулида содир бўлаётган ўзгаришларнинг кўзгудаги аксидек, гўё.

Бироқ бу ижтимоий онг, ижтимоий психология ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши ва ривожланишига пассивлик билан эргашади, дегани эмас. Тарихий тажриба кўрсатишича, улар ишлаб чиқариш усулига фаол қайта таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги бу иккиёқлама ўзаро боғлиқлик талаба ёшларда ватанпарварлик ва маънавий мерос тушунчаларнинг ривожланиши жараёнида ёрқин кўзга ташланади.

Ёшларда ватанпарварлик ва маънавий мерос тушунчаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларида жамият иқтисодий ҳаёти характерига боғлиқ равишда туб ўзгаришларга учрайди. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётий жараённинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий савиясини белгилаб бериши ҳаммага маълум.

Ишлаб чиқариш усули киши ижтимоий онгини, психологиясининг характерини белгилаб берувчи ягона бўлмаса ҳам, асосий омилдир. Ижтимоий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули билан бир қаторда миллий урф-одатлар, анъаналар, қариндошлик ришталари ҳамда шахс хатти-ҳаракати ва ишининг энг муҳим тартибга солувчилари бўлган бошқа гуруҳий манфаатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. “Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий

тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамиз ва уни тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омиллар салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар. Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу" [2], - деб таъкидлаганди И.А.Каримов. Жамиятнинг маънавий ҳаёти, шу жумладан ижтимоий онг – мураккаб ҳодиса. Ижтимоий онг ва унинг мафкуравий шакллар минглаб йиллар давомида қарор топган ҳамда авлоддан-авлодга ўтказиб келинган. Жамият иқтисодий ҳаёти ўзгаргани сари улар ҳам ўзгармай қолмайди, чунки ривожланишда нисбатан мустақилдирлар. Шу боис ҳар қандай тузумга ривожланишдаги умумий қонуниятлар ҳамда хусусиятлар хос бўлиб, бу ҳол Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланиши мисолида аниқ кўзга ташланади.

Аждодларнинг бой маданий мероси Марказий Осиё халқларининг қонуний миллий ифтихоридир. Масалан, "Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, "Алпомиш", "Шашмақом" каби" [3] дурдоналари маънавиятнинг битмас-туганмас манбаи, ёшларимиз дунёқарашининг асосидир. Феодализм давридаёқ Марказий Осиё халқлари ижтимоий онгининг асосий хусусиятлари билимга, дунёвий маърифатга интилиш; салафларнинг маданий ютуқларидан кенг фойдаланиш; табиатни билишга, унинг бойликларидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш; рационализм; ҳур фикрлиликнинг ривожланиши; ахлоқий қадриятларни ҳамда инсоний фазилатларни тараннум этишда, табиатнинг энг олий хилқати бўлмиш инсонга муносабатда намоён бўладиган гуманизм; оғзаки ва ёзма сўзга муҳаббат; киши маънавий дунёсини шакллантиришга интилишдан иборат бўлганди.

Тарихий хотира ва миллий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилишнинг, Президентимизнинг "Биз, тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз" деган фикрининг моҳияти, миллий ва умумбашарий аҳамияти, тарихий-маданий меросга муносабат концепциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласининг акс этиши муаммоси келгусидаги ижтимоий фанлар соҳасида янги йўналишларга, тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хуллас, талаба ёшларни ватанпарварлик ғояси руҳида тарбиялашда маънавий меросимизнинг тикланиши жамиятимизни янгилаш ва ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир деган фикрга келдик.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 318-319, 202-бетлар.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 35-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 9, 47-бетлар.
4. Джаббаров И. Общественный прогресс, быт и религия. – Ташкент: Ўзбекистон, 1973. –С. 13-61.

TALABALARNI IJTIMOIY XIZMAT VA KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH OMILLARI

M.Ochilova, BuxDU чет тили ўқитувчиси

Barkamol inson - bu o'zida ma'naviy-axloqiy hislatlar majmuini mujassamlashtirgan, jamiyatda o'zligini va o'z qobiliyatini har tomonlama namoyon eta oladigan, ma'rifatli, dunyoviy bilimlarni mukammal egallagan, aqlan etuk, yuksak iste'dodli va salohiyatga ega bo'lgan ma'naviy jihatdan etuk, axloqan pok, jismonan sog'lom, hayot go'zalliklarini his eta oladigan ijodkor shaxs tushuniladi. Zamonaviy ta'lim-tarbiya tizimi oldida turgan muhim vazifalardan biri mana shunday shaxsni tarbiyalab etishtirishdan iboratdir.

Barkamol shaxs kamol topishi ko'p jihatdan uning kasbiy madaniy munosabatlarining rivojlanishi bilan bog'liq. Kasbiy madaniy munosabalarning iqtisodiy, siyosiy, diplomatik va boshqa munosabatlardan o'ziga xos bo'lgan jihati shundaki, bu munosabat asosan ahloqiy, aqliy, mehnat, kasbiy, nafosat, ekologik va boshqa tarbiya turlari bilan uyg'unlashadi.

Barkamol avlod tarbiyasining muhim tarkibiy qismi mehnat tarbiyasi sanaladi.

Mehnat tarbiyasi shaxsga mehnatning mohiyatini chuqur anglatish, ularda mehnatga ongli munosabat, shuningdek, muayyan ijtimoiy-foydali harakat yoki kasbiy ko'nikma va malakalarni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayondir. Mehnat tarbiyasidan ko'zlangan maqsad, avvalo, o'quvchilarga mehnatning mohiyati, mazmunini chuqur anglatishdan iboratdir.

Mehnat ijtimoiy hayotning muhim asosi, shaxsda ma'naviy-axloqiy va irodaviy sifatlarni shakllantirishning kafolatidir. Mehnat qilayotgan kishi o'zi bajarayotgan ishning natijalarini ko'rsa, his qilsa, o'sha natijalardan qoniqsa, rohatlansagina mehnat tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Halol mehnat – kishi hayotining mazmunini tashkil qiladi.

Xalqimizning «Mehnat – mehnatning tagi rohat», «Bugungi ishni ertaga qoldirma», «Daryo suvini bahor toshirar, inson qadrini mehnat oshirar», «Ishlagan tishlaydi, ishlamagan kishnaydi», «Mehnatdan qo'rqma, minnatdan qo'rq», «Odamning husni mehnat» kabi maqollar bejiz yaratilmagan. Buyuk alloma Bahouddin Nahshbandning «Dil ba yoru, dast ba kor» degan hikmati bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Allomaning fikricha, «Agar kishi hunarli bo'lsa, u bilimini haqiqatga bag'ishlaydi, o'z mehnati bilan kun kechiradi, bordi-yu kasbi bo'lmasa, bilimini kun kechirishga sarflaydi, halollikni unutadi».

Ta'kidlash lozimki, mehnatsiz kelgan boylik inson ruhiyatini buzadi, har qanday muqaddas narsani qadrsizlantiradi. Mehnat jarayonida kishilarda do'stlik, birodarlik, jamoa bo'lib ishlash kabi barcha tarbiyaviy sifatlar shakllanadi. Eng muhimi, mehnat muhtojlik, bekorchilik, axloqiy jihatdan buzilishdan saqlaydi. Mehnat orqali inson o'zining va o'zgalarning qadrini biladi.

Ajdodlarmiz bola tarbiyasida, eng avvalo, uni mehnatga o'rgatish, kasb-hunarga qiziqtirishga alohida e'tibor berishgan. O'zlari farzandlariga mehnatsevarliklari bilan namuna bo'lganlar. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidalaganidek: «Har bir insonning, ayniqsa, endigina hayotga qadam qo'yib kelayotgan yoshlarning ongiga shunday fikrni singdirish kerakki, ular o'rtaga qo'yilgan maqsadlarga erishish o'zlariga bog'liq ekanligini, ya'ni, bu narsa ularning sobitqadam, g'ayrat-shijoatiga, to'la-to'kis fidokorliliga va cheksiz mehnatsevarligiga bog'liq ekanligini anglab etishlari kerak. Xuddi shu narsa davlatimiz va xalqimizning ravnaq topishining asosiy shartidir».

Bu vazifalarni amalga oshirishda ota-ona, ustoz va murabbiy, keng jamoatchilik o'z mehnatini ayamasliklari, ayniqsa, maktab o'quvchilarida mehnatga va mehnat ahliga to'g'ri munosabatni shakllantirishdagi mas'uliyatni chuqur his qilishlari kerak.

Yoshlarni ijtimoiy himoyasini yanada rivojlantirish va takomillashtirish zarur bo'lgan sohalardan biri - mehnat qonunchiligidir. O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va uning asosidagi huquqiy tizimlar yoshlarga ko'pgina imtiyoz va engilliklarni nazarda tutadi. Biroq yoshlar, ayniqsa 18 yoshga to'lmagan voyaga etmaganlar ish topishda bir muncha qiynaladilar, chunki, ularda zarur malaka-kasbning yo'qligi, hayotiy tajribaning kamligi bozor munosabatlari sharoitida ularning qiyin ahvolga tushishlariga sabab bo'ladi va bu hol tabiiydir. Bandlik sohasida amalga oshirib kelayotgan izchil ishlarimizga qaramasdan, bugungi kunda vaqtinchalik ish bilan band bo'lmaganlar soni salkam 300 ming nafarni tashkil etayotganligi, 560 mingdan ziyod kishi yoki mehnatga layoqatli faol aholining qariyib 5 foizi ishga joylashishga muhtoj ekanligi va ishsiz shaxslar orasida aynan 18 yoshgacha bo'lgan o'smirlar salmoqli ekanligi tashvishga solmasligi mumkin emas.

Bizning nazarimizda har bir tuman va shaharlardagi aholini ishga joylashtirish Markazlari negizida 18 yoshgacha bo'lgan o'smirlarni kasbga bepul o'rgatish va keyinchalik ularni ish bilan ta'minlash vazifasi yuklatilgan maxsus tuzilmalar tashkil etilishi, ularning tashkiliy huquqiy tarkibi, huquqiy maqomi ishlab chiqilishi maqsadga muvofiq. Hozirgi paytda ishsiz shaxslarning malakasini oshirish va kasbga o'rgatish tizimi ham ushbu vazifani muayyan darajada bajarib kelayotgan bo'lsada, bu masalada maxsus va ixtisoslashgan muassasaning tashkil etilishi va u o'z faoliyatini " Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati bilan uyg'un holda amalga oshirishi yoshlarimiz orzu-istaklari va intilishlariga ko'proq mos keladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida davlatimiz iqtisodiyotini tubdan isloh qilish va uni etakchi davlatlar darajasida rivojlanishi uchun iqtidorli va etuk bilimli yoshlarga bog'lik. Bunday yosh mutaxasislarni tayorlashni oila-maktabgacha ta'lim, maktab, akademik litsey, kasb -hunar kollejlari va oliy ta'lim dargohlari ko'rinishidagi uzluksiz ta'lim tizimida amalga oshirish mumkin. Ushbu ta'limning bir bo'g'ini bo'lgan va ko'p davlatlarda amaliy sinovlardan o'tib yaxshi natijalar ko'rsatgan KHK larida etuk bilimli yosh kichik mutaxassislarni tayyorlashda alohida o'z o'rni mavjud.

Inson jamiyatda yashar ekan, ma'lum maqsad, e'tiqod, dunyoqarashga ega bo'ladi. Insonlar o'zining fe'l – atvori, qiziqishlari umuman olganda psixologik tuzilishi bilan bir – biridan farq qiladi. Lekin barcha insonlar yaxshi yashashga intilishi, ma'lum yutuklarga erishishi, hayotda o'z o'rnini topishi kabi istaklari bilan bir – birlariga o'xshashadi. Ana shu hohish istaklarni amalga oshirish zamirida tinimsiz mehnat yotadi. «Mehnat inson hayoti uchun, uning farovon turmush kechirishi uchun hamisha asos bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi»

Mehnatning ahamiyati qadriyatlardan ham ma'lum. Mehnat asosiy faoliyat turi bo'lib, inson hayoti davomida u bilan shug'ullanadi. Shunday ekan, bolaga yoshlikdan mehnatga nisbatan to'g'ri munosabatni shakllantirish lozim. Ularda mehnat ko'nikmalarini hosil qilish, kasb tanlashga qiziqishni oshirish ta'lim va tarbiya jarayonining asosiy masalalaridan biri bo'lishi lozim. Mehnat tarbiyasi barkamol avlodni tarbiyalashda muhim omilga aylanishi maqsadga muvofiqdir. Bu borada pedagoglar o'quvchilarda quyidagi sifatlarni tarkib toptirishlari lozim:

1. O'quvchilarida ta'lim jarayonida mehnatga ongli munosabatni shakllantirish.
2. Mehnat ta'limida amaliy ko'nikma va malakalarni tarkib toptirish, o'quvchilarni kasb – hunar tanlashga tayyorlash.
3. Rostgo'ylik, halollik va nazarbalandlikka o'rgatish.
4. Tejamkorlik va ehtiyotkorlikka o'rgatish. Fakat o'zining emas, balki o'zgalarning buyumiga nisbatan ham tejamkorlik va ehtiyotkorlik hissini shakllantirish.

5. O’quvchilar qobiliyati va iste’dodini rivojlantirish, mehnatni kundalik extiyojga aylantirish va boshqalar.

Albatta bu xislatlar qancha erta tarbiyalansa, shuncha talabga muvofiq bo’ladi.

Dars jarayonida o’qituvchi o’quvchining fikrlash qobiliyatini o’stirib boradi. Ba’zi o’quvchilarga aqliy mehnat qilish mehnatning boshqa turlariga nisbatan og’irdek tuyuladi. Ular darsda darrov zerikadilar, materiallarni o’zlashtirishda sustkashlik qiladilar.

Lekin, o’qituvchi o’quvchilarda paydo bo’lgan ana shu holatni darrov payqab olishi, darsni qiziqarli mazmunda, shaklda, usulda olib borishi, bor bilimi, mahoratini ishga solishi zarur.

Kasbga nisbatan qiziqishni vujudga keltirish o’qituvchining pedagogik faoliyati bilan bevosita bog’liqdir. Mehnat ta’limini turmush bilan bog’lash, uyg’unlashtirish, o’quvchilarning individual-tipologik, yosh davrlari xususiyatlari, texnik qobiliyatlari, intellektual darajalari va imkoniyatlarini hisobga olish ijobiy samara beradi. Chunki, har bir kasb – hunar shaxsdan irodaviy zo’r berishni, aqliy jiddiylikni, chidam va sabr – toqatni talab qiladi. Barcha qiyinchilik va sinovlarga bardosh bera oladigan yigit - qizlargina mazkur tanlangan kasbga nisbatan yaroqli, deb topiladi. Mehnat ta’limi esa xuddi ana shuning amaliy tomonini o’zida aks ettirish imkoniyatiga ega.

Ta’limni oqilona, optimal yo’l bilan tashkil qilish va olib borish turli yoshdagi maktab o’quvchilarida mehnatga ongli munosabatni tarkib toptirib, kasb – hunarga nisbatan qiziqish hissini uyg’otadi.

Ularni har kasbning professiogrammasi bilan tanishtirish, uning mohiyatini tushuntirish, shaxs oldiga qo’yiladigan talablar bo’yicha muayyan tushunchalar berish mehnat ta’limi samaradorligini oshirishga muhim zamin hozirlaydi.

TA’LIM-TARBIYA JARAYONIDA O’QUVCHILANING MA’NAVIY EHTIYOJINI QONDIRISH SHART–SHAROITLARI

S.Samadova, BuxDU чет тили ўқитувчиси

Bugungi kunga kelib shaxs ma’naviyati hamda ma’naviyatlilik darajasi haqida juda ko’p gapirilmoqda. Bu sohada talaygina ilmiy tadqiqot ishlari ham amalga oshirilgan. Bu ishlar shubhasiz ta’lim oluvchilar ma’naviyatini ularning ehtiyojlari darajasida shakllantirishda muhim o’rin egallaydi. Ta’lim sohasidagi aksariyat ishlarda ma’naviyat tushunchasi, uni o’quvchi ongiga etkazish, u yoki bu o’quv predmeti doirasida ta’lim oluvchilar ma’naviyatini shakllantirish haqida fikr yuritilgan. Shuning uchun ham bugungi kunda o’quvchi shaxsi ma’naviyatini shakllantirishning muhim jihatlari, jumladan ularda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallashga bo’lgan ehtiyojlarni tarkib toptirish orqali o’quvchilar ma’naviyatini tarkib toptirish ustida izchil, tizimli tadqiqot ishlarini amalga oshirish muhimdir.

Ma’naviyat tushunchasining yaxlit mazmuni o’z ichiga bir qator tushunchalarni qamrab oladi. Turli ilmiy manbalarda ma’naviy ehtiyoj tushunchasiga turlicha ta’rif beriladi. Jumladan, O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov ma’naviyat tushunchasiga quyidagicha ta’rif berganlar: “ma’naviyat – insonni ruhan poklanish, qalban ulg’ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e’tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg’otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir”. U o’z fikrini davom ettirib quyidagilarni ta’kidlaydi: “Mening nazarimda, “ma’naviyat” tushunchasi jamiyat hayotidagi g’oyaviy, mafkuraviy, ma’rifiy, madaniy, diniy va axloqiy qarashlarni o’zida to’la mujassam etadi. Shuning uchun ham bu mavzuda fikr yuritganda, mazkur qarashlarning barchasini umumlashtirib, keng ma’nodagi “ma’naviyat” tushunchasi orqali ifoda etish mumkin”.(1)

O’zbekiston Milliy entsiklopediyasida ma’naviyat tushunchasi quyidagicha izohlangan: **Ma’naviyat -** “ma’no” so’zidan olingan bo’lib, inson ruhiy va aqliy olamini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarlarini o’z ichiga oladi(2).

O’quvchilarda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallashga bo’lgan ehtiyoj ularni insonning tabiiy imkoniyatlarini to’la anglab etishga undaydi. O’quvchi o’zining jismi, ruhiyati, qalbi va ma’naviyatining bir butun, yaxlit hodisa ekanligini anglab etadi. Chunki insonda 3 ta aniq birlik mavjud-bu jism, qalb va ruhiyatdir. Biz bu uchlik orasida ruhiyat tushunchasiga alohida to’xtalamiz. Chunki o’quvchining milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallash ehtiyoji, uning ruhiyatiga pedagogik ta’sir ko’rsatish orqali shakllantiriladi.

O’quvchilarda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallash haqida fikr yuritganda, e’tiborimizni eng avvalo o’zbek xalqining mintaliteti bilan bog’liq jihatlariga qaratamiz. **Mentalitet – (**lotincha mentalis-aqliy) – ayrim kishi yoki ijtimoiy guruhga xos aqliy qobiliyat darajasi, ma’naviy salohiyat. Jamiyat, millat yoki shaxsning mentaliteti, ularning o’ziga xos tarixiy an’analari, urf-odatlari, diniy e’tiqodini ham qamrab oladi. Har bir millatning mentaliteti uning tarixi, yashab turgan shart-sharoiti, ijtimoiy faolligi va boshqa bir qancha omillar bilan bog’langan bo’ladi. Chunki ushbu tushunchaning tahlili o’quvchilarda milliy –manaviy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirish tizimini vujudga keltirish uchun nihoyatda muhimdir. O’zbek xalqi milliy mintalitetining asosini islomiy e’tiqot tashkil etadi.

Shaxs ma’naviyati u egallagan qadriyatlar tizimini ifodalaydi. Shaxsning maqsadlari, fikrlarida u o’zlashtirgan bilimlari, dunyoqarashi o’z ifodasini topadi. Ma’naviyat insonning hayotiy imkoniyatlarini aniqlashga ko’maklashadi. Insonning qalbi uning ruhiy faoliyati bilan bog’liq. Inson shaxsida uning tarixiy, ma’naviy, milliy-ijtimoiy turmush tarzi o’z aksini topadi. Ma’naviyat har bir insonning shaxsiy hayotiga

mazmun bag’ishlaydi. O’zining ma’naviy olami doirasida inson o’z-o’ziga savollar beradi va javoblar topadi: Men nima uchun yashayapman?, Mening hayotdagi maqsadim nimadan iborat?, Rahmdillik va shafqatsizlik nimalarda namoyon bo’ladi?, Tabiiylik va qalbakilik qanday namoyon bo’ladi?, Go’zallik va xunuklikchi? kabi.

Insonning ma’naviyatlilik darajasi uning o’z yashab turgan jamiyatda qaysi axloqiy me’yorlarga amal qilishi, qanday qadriyatlarni o’zlashtirganligi va jimiyatga qo’shayotgan hissasida o’z ifodasini topadi. Axloqlilik esa, inson ma’naviyatining o’lchovlaridan biridir.

O’quvchilarda milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallash ehtiyojini shakllantirishga yo’naltirilgan pedagogik jarayon, ularga butun hayotlari davomida o’z-o’zlarini rivojlantirishlari uchun imkoniyat yaratadi. Chunki pedagogik nuqtai nazardan ma’naviyat va milliy-ma’naviy qadriyatlarni egallash ehtiyoji shaxsning ideallari va rivojlanganlik darajasini ifodalovchi nazariy tushunchadir.

1. I.A.Karimov Yuksak ma’naviyat-engilmas kuch. T.: Ma’naviyat 2008. 176 b
2. O’z. milliy entseklopediyasi. 5-jild.T.: “O’z. milliy entseklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti 2003, 540-b.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннаева Зарифа Мусурмонқуловна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is lightened the legal culture issues of youth in Uzbekistan. So, the youth life activities characters research is based.

Keywords: youth, legal culture, life activity, formation, development, society.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши инсон турмуш тарзида ҳам, психологиясида ҳам чинакам глобал ўзгаришлар қилди. Янгича фикрлашга, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга йул очилди. Бу ҳол умумий тараққиётнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг жуда муҳим шарти бўлган ёшларнинг умумий таълим тизими малакасини ошириш масаласини ҳал қилишда кўп жиҳатдан кўмаклашади. Бироқ бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жамият қандай ёшлар қай тарзда шаклланаётганига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов сиёсатида жамиятнинг юксак маънавиятга хамда маърифатли инсонни шакллантиришга таяниши алоҳида ўрин тутади. Учинчи минг йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаси – янги авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилишда ёшлар онгида мустаҳкам маънавий тушунчаларни, гуманистик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга, тарихий илдизларни билишга, миллий анъаналарни тиклашга улкан роль ажратилган. И.А.Каримов адолатли равишда таъкидлаганидек: «Бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги эса бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрлар тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, муболаға бўлмайди”[3].

Буларнинг бари таълим тизимида илмий тадқиқотлар ёшларнинг потенциал имкониятларини ва қобилиятини фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу глобал муаммонинг ечими шахснинг ўзини ўзи такомиллаштиришни ижтимоий манфаатлар билан ҳар бир кишини ҳар томонлама ривожлантиришни давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжлари билан, бозор иқтисодиёти талабларини гуманистик маънавиятни ўстириш билан қовуштиришнинг янги шакл ва усулларини излаб топишдир.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз бизни инсонийлик руҳи билан суғорилган, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни фақат илғор маънавиятнинг мустаҳкам пойдевори негизида қуриш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Дарҳақиқат, маънавият миллатнинг, жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва албатта, келажагига дахлдор соҳа. У инсонни ақлий, руҳий, ахлоқий англаб эъзозлашга йўллайди. Таълим тизимида юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашни ҳуқуқий асослари маънавиятнинг чексиз имкониятлари туфайли инсон ақл-заковати, вужуди, руҳи, салоҳияти олийжаноб фазилатларда барқарорлашади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, таълим тизимида уларнинг бу борада қандай ўрни туришини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”[2].

Жамият маънавий соҳасидаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар жараёни унинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Халқимиз ишониб яшашга, келажакка умид билан боқишга одатланган. Маънавий – мафкуравий муносабатлар ана шу умид ва ишончларни илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари орқали рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Демократия қай тарзда фаолият олиб бориши кераклигини белгиловчи конституциявий қоидалар ва расм-русумлар доираси билан чегараланмайди. Демократик жамият ҳукумати ижтимоий тузилишнинг турли идоралари сиёсий партиялар, ташкилотлари ва уюшмалари билан бир элементдир. Бундай хилма-хиллик плюрализм деб аталади ва демократик жамиятда талай уюшган гуруҳлар ва идораларнинг фаолияти, қонунийлиги ёки нуфузи, унинг ҳукуматга қарам бўлмаслиги назарда тутилади.

Таълим тизими даврида қонун олдида барчанинг тенглиги, ҳар қандай адолатпарвар, инсонпарвар ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ушбу ҳужжат туфайли таълим тизимида юксак маънавиятли ёшларнининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг қуйидаги масалаларига эътиборни қаратиш лозимдир.

Албатта, Конституция – кенг қамровли, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун бош ҳуқуқий меъзон, олий юридик кучга эга ҳужжат. Шу билан бир қаторда, унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар унинг 18-моддасига мувофиқ, барчага жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бирдек тааллуқлидир. Лекин Конституциянинг қатор нормаларида бевосита ёки билвосита ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланганлигини кўриш мумкин. Масалан, 37-моддада “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”,[1] деб белгиланган. Ўз-ўзидан маълумки, меҳнат бозорида барча бир хил меҳнат шароитида ишлаш имкониятига эга эмас. Лекин ушбу норма шундай ифодаланганки, у меҳнат қилиш ҳуқуқи ва адолатли меҳнат шароити тушунчалари ҳамма учун бир хил тушунча эмаслигини кўрсатиб туради. Шунинг учун ҳам 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида (2-§, 239-247-моддалар), 2008 йилнинг 7 январида қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида ёшлар учун 21 қўшимча кафолатлар белгилаб қўйилган. Кодекснинг 77-моддасига биноан, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн беш ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади.Бундан ташқари, ёшларни 18 ёшга тўлмаган шахслар учун ишга қабул қилишдаги кафолатлар, ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлишлари ҳамда қўшимча имтиёзлардан фойдаланишлари, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар рўйхати мавжудлиги, улар учун қисқартирилган иш вақти белгиланиши (ҳафтасига 36, 16 ёшгача 24 соатдан ошмаган), кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатга ҳақ тўлаш, йиллик меҳнат таътили беришда имтиёзлар мавжудлиги, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунлардаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишдаги қўшимча кафолатлар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2012 йил, 10-бет
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият” 2008, 29-30 бетлар.
3. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1999. 290 б.

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ

Норбоева С.М., Холов О.Ч. ТерДУ

Резюме *В статье рассмотрены факторы формирования педагогических свойств и нравственного воспитания, возможности воспитания в семье детей.*

The factors of upbringing children morally in the family

Summary *This article deals with the special conditions, pedagogical features of the family, the factors of forming moral upbringing in raising a child*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, баркамол шахс, маънавий етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш йўлида ижобий ишлар ўз ифодасини топмоқда. Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий педагогик анъаналар, умуминсоний қадриятлардан кенг ва оқилона фойдаланиш масалаларига мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов оилада болани баркамол шахс этиб тарбиялашда “Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир” [1]– дея таъкидлаган эдилар “Юксак маънавият енгилмас

куч” асарларида. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ва унинг гуллаб яшнашида, оилада сингдирилган тарбия, ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларнинг ўрни беқиёсдир. Бола тарбиясида энг муҳим шарт–шароит оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосга қурилганлиги, айниқса ота – онанинг ўзи тарбияланган, улар ўртасида тотувлик, аҳиллик, чин дўстлик барқарор бўлиши, болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг кундалик эътиқоди тарзида маъсулиятли эканлигини тушунишлари керак. Оиланинг асосий вазифаси соғлом авлодни камол топтиришдан иборатдир. Зеро ҳар бир миллат ва жамиятнинг бебаҳо ҳазинаси - соғлом, маънавий баркамол оиладир. Ҳозирги шароитда оилаларда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган, шарқона ахлоқий хусусиятлар акс этган маънавий-ахлоқий муносабатлар қарор топмоқда. Оилада ҳуқуқий, ахлоқий ва руҳий асослар такомиллашиб бормоқда. Уйда соғлом ахлоқий муҳит, ўзаро муомала маданияти, ахлоқий тамойил чуқур илдиз отмаса, оилада бўшлиқ, салбий ҳолатларнинг қарор топиши муқаррар. Оила мустаҳкам пойдеворга қурилиб, унда шарқона ва жаҳон андозасига монанд ахлоқий ва маънавий қадриятлар қарор топса, соғлом авлодни вояга етказишда етакчи ўринни эгалласа, бундай оила остонасидан Ватан, миллат, инсон камолоти, яъни, соғлом авлод келажаги бошланади. Шу маънода Республикамиз Президенти И. А. Каримов оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб шундай дейдилар: “Оила-жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.[2]

Шундай экан оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг мустаҳкамлигига, унда камол топаётган болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларига ҳеч биримиз бефарқ бўла олмаймиз. Ҳар бир оиланинг муқаддас вазифаси - қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий томондан етук қилиб, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Яъни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол инсон фақат соғлом оилада шаклланиши мумкин. Оиладаги соғлом муҳит ва барқарорлик эса яхлит жамият маънавий такомилининг асосидир. Зеро, ҳар бир оилада соғлом ва ижобий психологик иқлимнинг бўлиши ушбу мухитда шаклланаётган фарзандларимиз комиллиги, тўлақонли тарбиясига асос солинади . Оилада яхши анъаналар, расм – русмлар, урф – одатларнинг борлиги фарзандларни оқилона тарбиялашга, уларга яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат , диёнат, ҳаё-иффат, имон-эътиқод, ҳалоллик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби муҳим ахлоқий қадриятларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Оила инсон деб аталган бинонинг фақат пойдеворини қўйиш билан чекланиб қолмай , балки унинг сўнги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Шу сабабли оилада болага маънавий ахлоқий тарбия беришнинг асосий мақсади уларда ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, уларни яхши хулқ-атворга ўргатиш, ижобий ҳатти-ҳаракатлар,кўникма ва одатларни вужудга келтиришдан иборат. Оилада шахсни ахлоқий шакллантириш бола туғилганидан бошланади. У кўпгина омиллар таъсирида шаклланади ва таркиб топади. Бу омиллар оилавий муносабатлар ҳарактери, ота-оналарнинг шахсий намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси ва уларнинг педагогик маданияти ва нихоят оилавий ҳаётнинг ташкил этилишидан иборат. Бу омиллар болани ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик хусусиятларни ўз ичига олади.

Булар қуйидагилардан иборат:

-Айрим оилаларда болаларнинг тарбияси фақат оналар зиммасида, ота эса бу ишдан ўзларини четга оладилар. Гўё фарзандларини боғча, мактаб тарбиялаб беришлари шарт. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, қадимдан ўғил болалар тарбияси билан оталар, қиз болалар тарбияси билан оналар шуғулланганлар, аммо умумий назорат оталар қўлида бўлган;

-ота-оналар болаларга бирдек муносабатда бўлишлари, бир хил меҳрибон ва ғамхўр, талабчан ва қаттиққўл бўлсалар болалар ҳаёти бутун ва мукаммал бўлади. Бири талаб қилганда иккинчиси ёнини олса, ёки айбини яшириш максадида ёлғон гапирса тарбия бузилади. Болаларга ҳаддан ташкари меҳрибонлик қилаётган ота-оналар уларни ҳурмат қилишдан олдин, ўзларини хам ҳурмат қилишлари лозимлигини ўрганиши зарур;

-кўпгина ота-оналар болаларни тарбиялаш борасида ўз вазифалари ва бурчларини тўла ҳис килмайдилар. Бошқачарок килиб айтганда, уларда педагогик тайёргарлик етишмайди. Зотан оилавий тарбия ота-онанинг ўзларини-ўзлари тарбиялаш демакдир. Чунки бола айни вактда таъсир объекти ва субъектидир. Ота-она бола ана шундай объект эканлигини сезмаслиги учун насиҳат қилиши керак. Аммо барча ота-оналар хам буни тушуниб эта олмайдилар;

- оила ҳаётини тўғри ташкил этиш, оилада соғлом ахлоқий муҳитни яратиш лозим. Бу ишда ҳеч кандай майда-чуйдалар бўлмаслиги керак. Ҳар бир нарса болага таъсир қилади. Ана шу таъсир натижасида салбий ёки ижобий одатлар, турлича хулқ атворлар пайдо булади. Ота-оналарнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини болалар кузатиб туради. Шунинг учун болага у ёки бу ишни қил ёки қилма деб насиҳат қабилидаги ўргатиш йўли билан тарбиялайман, деб ўйламасликлари керак;

-ҳар бир ота-она боласини баркамол инсон бўлишини истайди. Фарзандини ана шундай инсон бўлишида нафакат уларнинг ўзи, балки жамият хам манфаатдор. Ота-онанинг фукаролик бурчи ҳам шуни такозо этади. Шунга кўра ҳар бир ота-она, энг аввало, мамлакат учун бўлажак ҳаётни, бўлажак фуқарони тарбиялаётганини унутмаслиги лозим;

- ота-она шахсининг ўзи бола тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг оқилона ўгитлари, панд-насиҳатларининг ҳеч бири уларнинг шахсий намунаси ўрнини боса олмайди. Болаларда аҳиллик фазилатларини таркиб топишида, оиладаги ўзаро аҳиллик, ҳалоллик ва ростгуйлик, ўзаро ишончнинг мавжудлиги, умуман, соғлом муҳит муҳим аҳамиятга эга.

Оилада болаларни севиш, уларнинг шахсини ҳурмат қилиш ва ҳеч качон уларни иззат нафсига тегмаслик зарур. Бундай жазолаш бола нафратини кучайтиради. Ҳар қандай ғамхўрлик талабчанлик билан олиб борилгани максадга мувофикдир;

- Ҳар бир оилада унинг ўзига хос бўлган анъаналари мавжуд бўлиб, бу анъаналар бола онгига, унинг хулқ атворига жуда кучли таъсир қилади. Шунингдек, бола тарбиясида ота-онанинг иш жойидаги, маҳалла ва қўни-қўшниси олдидаги обруйи ҳам катта роль ўйнайди ва болаларида уларга нисбатан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Ахлоқли, одобли инсонда одамийликнинг энг яхши ҳислатлари: меҳр-мухаббат, адолату-диёнат, ҳаё-иффат, имон-эътиқод кабилар мужассам бўлади, айни пайтда шу хусусиятларнинг акси бебурд, ахлоқий нопок, ахлоқсиз кишилар феълида кўринади. Ҳар бир халқнинг нуфузи ва обрў-шуҳрати кишиларнинг ахлоқ-одоби, яхши хислат фазилатлари билан белгиланади. Шундай экан, томирида аждодларининг эзгу фазилатлари оқаётган фарзанларимизга бугунги кунда қандай тарбия бермоқдамиз, оила муҳити қандай каби саволларга жавобни ҳар-бир ота-она ўзидан қидирмоғи лозим. Зеро, оила ҳар бир инсоннинг ёшлигидан бошлаб инсоний фазилатлари, эзгу истаклари, қадриятлари ва урф-одатлари равнақ топувчи маскандир. Инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар дастлаб оилада шаклланади.

Шундай килиб, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир қилиш омиллари мавжуд. Буларни ҳисобга олмасдан туриб, оилада бола тарбиясини яхши йулга қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун ,аввало, ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари лозим. Ота-оналарнинг бутун ҳаёти, уларнинг фуқаролик киёфаси, маънавий дунёси бола тарбиясининг негизини ташкил этади. Зотан ота-она болалари учун азиз ва муқаддас кишилардир. Шу сабабли уларга тақлид қиладилар, уларга ўхшашга интиладилар. Миллий менталитетимиздан келиб чиққан холда оилада болага маънавий ахлоқий тарбия беришда уларда юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш, ижобий ҳатти-ҳаракатлар, кўникма ва одатларни шакллантиришимиз барчамизнинг олдимизда турган кечиктириб бўлмас вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И А “Юксак маънавият енгилмас куч” Т. 2008 52-бет

2.Каримов И. А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Т.: Ўзб. 2004 – й. 425 – бет.

3. О.Ҳасанбоева. “Оила педагогикаси”. Т. Ўқитувчи 1994 й

4.Махкамов У “Одоб-ахлоқ сабоқлари” Т. Фан 2007 й 134-бет

ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИ ХУСУСИДА

Бегашева Шарофат Нематуллаевна, Рўзимуротова Муҳаббат Исмаиловна
Термиз давлат университети

Summary: In this article is given theoretical-methodological aspects of spiritual renewing of our society.
Keywords: society, spiritual renewing, lifestyle, person.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши инсон турмуш тарзида ҳам, маънавий баркамоллигида ҳам чинакам глобал ўзгаришлар қилди. Янгича фикрлашга, ёшларнинг маънавий баркамоллигини шакллантиришга йул очилди. Бу ҳол умумий тараққиётнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг жуда муҳим шарти бўлган ёшларнинг умумий малакасини ошириш масаласини ҳал қилишда кўп жиҳатдан кўмаклашади [2]. Бироқ бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жамият қандай ёшлар қай тарзда шаклланаётганига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида жамиятнинг юксак маънавиятга хамда маърифатли инсонни шакллантиришга таяниши алоҳида ўрин тутади. Учинчи минг йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаси – янги авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилишда ёшлар онгида мустаҳкам маънавий тушунчаларни, гуманистик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга, тарихий илдизларни

билишга, миллий анъаналарни тиклашга улкан роль ажратилган. И.А.Каримов адолатли равишда таъкидлаганидек: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ" [2].

Буларнинг бари ёшларнинг потенциал имкониятларини ва қобилиятини фаоллаштиришни талаб қилади. Ушбу глобал муаммонинг ечими шахснинг ўзини ўзи такомиллаштиришни ижтимоий манфаатлар билан ҳар бир кишини ҳар томонлама ривожлантиришни давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжлари билан, бозор иқтисодиёти талабларини гуманистик маънавиятни ўстириш билан қовуштиришнинг янги шакл ва усулларини излаб топишдир. Шу боисдан Президент И.А.Каримов асарларида ёшларни ватанпарварлик ғояси руҳида тарбиялашнинг фалсафий-методологик муаммоларига, шу жумладан ёшлар маънавий баркамоллигига қизиқиш борлигини аниқладик. Психологик қонуниятларнинг амал қилишини, ижтимоий, миллий, ёш психологиясининг хусусиятларини догматизм ва сиёсий конъюнктурадан холи тушуниш жамиятнинг янгиланиши мохиятини монандроқ тушуниш, жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг долзарб муаммоларини аниқроқ тасаввур этиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз бизни инсонийлик руҳи билан суғорилган, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни фақат илғор маънавиятнинг мустаҳкам пойдевори негизида қуриш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага олиб келди. Дарҳақиқат, маънавият миллатнинг, жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва албатта, келажагига дахлдор соҳа. У инсонни ақлий, руҳий, ахлоқий англаб эъзозлашга йўллайди. Маънавиятнинг чексиз имкониятлари туфайли инсон ақл-заковати, вужуди, руҳи, салоҳияти олийжаноб фазилатларда барқарорлашади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрни туришини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади"[1].

Жамият маънавий соҳасидаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар жараёни унинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Халқимиз ишониб яшашга, келажакка умид билан боқишга одатланган. Маънавий – мафкуравий муносабатлар ана шу умид ва ишончларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Демократия қай тарзда фаолият олиб бориши кераклигини белгиловчи конституциявий қоидалар ва расм-русумлар доираси билан чегараланмайди. Демократик жамият ҳукумати ижтимоий тузилишнинг турли идоралари сиёсий партиялар, ташкилотлари ва уюшмалари билан бир элементдир. Бундай хилма-хиллик плюрализм деб аталади ва демократик жамиятда талай уюшган гуруҳлар ва идораларнинг фаолияти, қонунийлиги ёки нуфузи, унинг ҳукуматга қарам бўлмаслиги назарда тутилади.

Қонун олдида барчанинг тенглиги, ҳар қандай адолатпарвар, инсонпарвар ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Президент И.А.Каримов асарларида фуқаролик жамиятини бугунги Ўзбекистон ёшларининг юксак маънавий баркамоллиги негизида кўриш мумкин. Ёшларнинг маънавий етуклиги асосида минтақавий можаролар ва фуқаролар урушлари, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизм ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларининг барҳам топиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, умуминсонийлик ҳамда миллий хавфсизлик таъминланишига эришишнинг мустаҳкам замини яратилган бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Юксак маънавият – енгилмас куч". Т.: "Маънавият" 2008, 25, 29-30 бетлар.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 381 бет

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАДАГИ БОШҚАРУВНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Намозова М. Ромитан педагогика коллежи ўқитувчиси

Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш

назарда тутилади. Ўтган замонларда оиланинг бошқарув функцияси маълум даражада расмий тарзда белгилаб ҳам қўйилган. Унга кўра оилада ким оила бошлиғи бўлиши, унинг обрўси ва устунлиги алоҳида қайд этилган ва оиланинг шу аъзоси (асосан ота) бутун умри давомида ўз фарзандлари ва оила аъзолари хатти-ҳаракати, хулқи учун жавобгар бўлган. Ота-онасига бўйсунмаганларни жазолаш ҳоллари ҳам назарда тутилган.

Ҳозирги замон элитар оилаларида эса оиланинг бошқарув функцияси, асосан аҳлоқий меъёрлар, оила аъзоларининг шахсий обрўси ва биринчи навбатда ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатларидаги ўрни кабилар ёрдамида амалга оширилади. Шунга кўра баъзи оилаларда оилани бошқариш, унга бошчилик қилиш оила аъзоларининг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, баъзи оилаларда (ер-хотиннинг алоҳида-алоҳида) лидерликка интилиши натижасида оилавий низоларнинг ортиб бориши, болаларнинг ҳар томонлама эътибордан четда қолиши, натижада жиноятчилик кўчасига кириб кетиши кабилар кузатилади. Баъзи оилаларда аёл лидерлигининг мавжудлиги ўғил бола шахсида аёлларга хос хусусиятларнинг кўпайиб боришига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга оиланинг бошқарув функцияси оила аъзоларининг хулқи, масъулияти, мажбурияти кабиларни ҳам бошқаришни, назорат қилишни ўз ичига олади. Одам оила кўрганидан сўнг албатта унинг ижтимоий мавқеи ўзгаради. Энди у «уйланмаган йигит», «турмушга чиқмаган қиз» эмас, балки «оилали» одамдир. Шунга кўра у ўзининг хатти-ҳаракатлари, хулқини ҳам оилали одамга хос тарзда қайтадан кўриб чиқади. Оила қуриш туфайли унинг масъулияти ортади. Эрнинг ва хотиннинг хулқи ҳам энди ўзига хос бошқарилади. Оиладиги ролларни тўғри тақсимлаш уни бошқариш ва режалаштиришда яна бир замонавий оила функцияси релаксатсиянинг аҳамияти каттадир. Бу функциянинг асосий ўзига ҳослиги оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини янада тиклаш демакдир. Маълумки, фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда. Бугунги ва эртанги кун саноати, ишлаб чиқариши ишчи-ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди билан ишлашни ва ўзининг касб-ҳунар маҳоратини мунтазам ошириб боришини тақозо қилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси - инсонни тезда толиқиб, ўзининг меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Иш куни давомида кўтаринкилик, кучли зўриқиш билан ишлаган ходим, ишчи ишдан сўнг ўз уйида, оила аъзолари қуршовида бошқа ташвишларни унутиб, улар кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб, улар билан бўладиган ўзаро мулоқотдан, эмоционал қўллаб-қувватлаш, бериладиган далдалардан руҳий қувват олиши, ертанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал-руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ола олмайди. Оиланинг ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир етади. Шундай экан жамиятни соғломлаштириш учун енг аввало оилавий муносабатларни йўлга қўйиш, оиланинг фақат ички муаммоларинигина эмас, балки умумижтимоий муаммоларини ҳам ҳал қилишга ҳисса қўшишини таъминлаш лозим.

Умуман олганда, бизнинг худудимизда ҳам оила - никох муносабатлари, оиладаги роллар тақсимоти, оилани бошқариш ва уни режалаштири каби вазифалар йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу борадаги ўзгаришларга:

1) оиланинг жамият олдидаги функцияларининг ўзгариб бориши;

2) оила аъзолари сонининг ва тугилишининг камайиши, мураккаб кўп оилали типдан, алоҳида мавжуд бўлган алоҳида оилалар типига айланиб бораётганлиги;

3) оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функцияларининг ўзгариб, оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги ;

4) иқтисодий инкирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири;

5) аёллардаги репродуктив установкаларнинг ўзгариб бораётганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Оилавий муносабатларда оилани бошқариш ролларни тўғри тақсимлаш ва уни режалаштириш соҳасидаги алоҳида тадбиқий тармоқ бу ёшларни оилавий ҳаётга таёрлашнинг яна бир долзарб масаласи ҳисобланади. Бу иш бизнинг ўлкамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик қарама-карши келаётган шароитларда айниқса муҳимдир. Шу ишларни амалга оширишда маҳалла фаоллари, мактаб психологлари, педагоглар, ижтимоий – психологлар ва ижтимоий институтлар хамкорликда ишласалар, олинган хулоса ва натижаларни ҳаётга тадбиқ этиш самарадорлиги ошарди ва бу мақсадга мувофиқ бўлар эди.

BARKAMOL SHAXS TARBIYASI-TARAQQIYOTIMIZ POYDEVORI

Sh.Qurbonova, Buxoro madaniyat kolleji psixologi

Ta’lim to’g’risidagi qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturida barkamol avlodni shakllantirish va yuqori malakali mutaxassislarni tarbiyalab voyaga yetkazish bosqichlari aniq ko’rsatrilgan va shu bilan birga yuqori malakali mutaxassislar tayyorlashni jahon ta’limi darajasiga ko’tarish asosiy maqsad qilib qo’yilgan. Mamlakatimizni moddiy va ma’naviy yuksalishida xalqimizning boy ma’naviy va intellektual salohiyatini ifodalovchi “9+3” o’zbek “Milliy modeli”ni xalqaro miqyosda eng obro’li mutaxassislar tan olmoqdalar. Umuminsoniy va madaniy qadriyatlarga hamda zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, ilm-fan, texnika – texnologiyalarning samarali yutuqlariga asoslangan uzluksiz ta’lim tizimida barkamol avlod tarbiyasi shubhasiz, bugungi kunning dolzarb masalasidir. Barkamol shaxs – bu adolatli, vijdonli, iymon- e’tiqodli, mehr-muruvvatli, irodali, or-nomusli, matonatli va chidamli, erkin fikrlovchi, o’z xalqining daholari uchun kurashuvchi, hur fikrli va istiqlol g’oyalari bilan sug’orilgan, o’z Vataniga fidoyilik bilan xizmat qiluvchi, yetuk shaxsdir. Bunda Kadrlar tayyorlash milliy dasturining birinchi bosqichida “…ta’lim jarayonini didaktik va axborot ta’minotining yangi avlodni ishlab chiqish va joriy etish”, ikkinchi bosqichida “…ta’lim muassasasining moddiy texnika va axborot bazasini mustaxkamlashni davom ettirish, o’quv tarbiya jarayonini yuqori sifatli o’quv adabiyotlari va ilmiy pedagogik tadqiqotlar bilan ta’minlash”, uchinchi bosqichda “…ta’lim muassasalarining resurs, kadrlar va axborot bazalarini yanada mustahkamlash, o’quv-tarbiya jarayonini yangi o’quv-uslubiy majmualari, ilmiy pedagogik tadqiqotlar bilan to’liq ta’minlash” vazifa qilib belgilangan edi. Demak, bu vazifalarni amalga oshirish jarayonida Vatanimizning har bir fuqorosi faol ishtirok etish bilan bir qatorda, ular barkamol avlod tarbiyasida qanday pedagogik tizimlarni amalga oshirish muhim ekanligini anglab yetish lozim. Ta’lim va tarbiya beruvchilarga o’ta mas’uliyatli vazifa yuklaydi: a) yoshlarni milliy-ma’naviy qadriyatlar asosida tarbiyalash, talim-tarbiya jarayonida shaxsga e’tiborni kuchaytirish, yoshlarni ertangi kun mas’uliyati bilan yashashga o’rgatish, ta’lim-tarbiya tizimiga yoshlarni ongli munosabatda bo’lishga o’rgatish, b) ta’lim-tarbiya tizimida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ilmiy tuzilmasini yaratish, yoshlarda ijtimoiy fikrlash ko’nikmasini va malakasini shakllantirish masalalarini hayotga tadbiq etishda har bir o’qituvchi oila bilan uzluksiz aloqani o’rnatishi maqsadga muvofiqdir. Bizga ma’lumki ta’lim-tarbiya jarayonining uzluksiz tizimga asoslanganligining o’zi bu yechimga isbot talab qilmaydi. CHunki, talaba yoshlarni har tomonlama yetuk, barkamol avlod qilib tarbiyalashda- milliy va umumbashariy qadriyatlarga e’tiqod hissini yo’naltirish, ta’lim-tarbiya tizimiga ongli munosabatda bo’lishga o’rgatish, atrof-muhitga e’tiborli bo’lish, pedagogik va psixologik bilimlarni muntazam o’zlashtirish, yoshlarni har bir ishga ijodiy yondashuvini tashkillashtirish, ijtimoiy faolligini oshirish, ta’lim- tarbiyani hayot bilan bog’lash, ta’lim- tarbiya integratsiyasini amalgam oshirish, yoshlarning individual xususiyatlariga e’tibor berish muhim ahamiyat kasb etadi. Yurtimizda barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishdek, istiqbolli vazifalarni hal qilishni bugungi kunda uzluksiz ta’lim tizimida faoliyat yurituvchi pedagoglar va murabbylar oldiga ulkan vazifa qilib qo’yilishi bugungi kunning davr talabidir. Barkamol avlodni tarbiyalash ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning asosi sifatida yuksak pedagogik tafakkur, ta’lim-tarbiya jarayoniga ongli, ijodiy yondashuv, metodik bilimlarni samarali qo’llay olish qobiliyati bo’lib, u doimiy ravishda pedagogik bilimlarni oshirib borish, yangiliklardan xabardor bo’lish, ilg’or texnologiyalarni o’zlashtirish asosida tarkib topadi. Ta’lim muassasalarida bir necha yillik mehnat faoliyatiga ega bo’lgan o’qituvchilarning barkamol avlodni tarbiyalashdagi kasbiy hamda pedagogik mahoratga ega bo’lishlari o’zini ma’naviy jihatdan takomillashtirish yo’lida bir qator nazariy bilimlarga ega ekanliklari ta’minlanadi. Barkamol inson uchun zarur bo’lgan ijobiy fazilatlar mohiyati, mazmunini to’g’ri tushunish hamda tahlil qilib munosabat bildirish, jamoada yashash, mehnat qilish malakalari egallash, barkamol inson modulini tasavvur etish, uning ma’naviyatidagi zaruriy sifatlarni shakllantirish, shakl va yo’llarini izlash har bir professor – o’qituvchilar oldida turgan vazifa bo’lmog’i lozim. Pedagogikaning uzoq yillar va bir necha avlodlar tajribasidan yig’ilgan ma’lumotlarni insoniyat tarixining hamma jabhalarida avlodlarni o’qitish va malakaviy pedagogik bilimlar berish dunyo tarixida o’zining alohida o’rniga ega.

Tarbiya barkamol shaxsni aniq maqsadga muvofiq shakllantirish uchun uyushtirilgan pedagogik jarayon bo’lib, tarbiyalanuvchining sohasiga muntazam va tizimli ta’sir etish imkoniyatini beradi. Tarbiya jarayoni o’zaro bog’liq bo’lgan ikki yoqlama faoliyatni pedagog va talaba faoliyatini o’z ichiga oladi. Barkamol shaxsning tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchining ongi shakllanadi, his-tuyg’ulari rivojlanadi, ijtimoiy hayot uchun zarur bo’lgan va ijtimoiy aloqalarga xizmat qiladigan hulqiy odatlarni hosil qilinadi. Tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchilarning hayoti va faoliyatini pedagogik jihatdan to’g’ri uyushtirish g’oyat muhim vazifa hisoblanadi.

Tarbiya jarayonning mazmuni, vositasi, metodi va tashkil etish shakllarini o’rganish, hayotga yangicha siyosiy va iqtisodiy nuqtai nazardan yondashish o’sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasi bilan bog’liq jarayonni ham qaytadan ko’rib chiqishni toqazo etish vaqti keldi. Aniq maqsadga yo’naltirilgan, ko’p qirrali, uzoq muddatli, uzluksiz, yaxlit tizimli, ikki yoqlamali aloqaga ega va qarama-qarshiliklardan iborat bo’lgan bu jarayon O’zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligiga erishuvi ta’lim va tarbiyaning milliy

shakllarini rivojlanishiga keng imkoniyatlar ochib berdi. Tarbiya nazariyasi Markaziy Osiyo faylasuflarining va xalq pedagogikasining tarbiya borasidagi boy tajribalariga tayanadi. Tarbiya o'z qoidalarini asoslash uchun falsafa, sotsiologiya, etika, estetika, fiziologiya, psixologiya kabi ijtimoiy fanlaridan foydalanadi. Tarbiya jarayonining mohiyati shu jarayon uchun xarakterli bo'lgan va muayyan qonuniyatlarda namoyon bo'ladigan ichki aloqa va munosabatlarni aks ettiradi. Professor-o'qituvchi, talabalarga yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi qoidalar hisoblanadi. Tarbiya jarayoni orqali tarbiya tamoyillari mustaqil harakterga ega bo'lib, tarbiyaning o'ziga xos xususiyatlarini va qonuniyatlarini aks ettiradi. Tarbiyaviy jarayonda bu tamoyillarga rioya qilish uning samarasini oshiradi, yaxshi natijalarga olib keladi. Tarbiyaning ma'lum maqsadga qaratilganligi, tarbiyaning insonparvarligi va demokratik tamoyili, tarbiyaning hayot bilan, mehnat bilan bog'liqlik tamoyili, tarbiyada milliy-madaniy va umuminsoniy qadriyatlarning ustivorligi tamoyili, tarbiyada talabalarning yosh va shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish tamoyili, izchillik, tizimlilik, tarbiyaviy ta'sirlarning birligi va uzluksizligi tamoyili va boshqalar. Bu tamoyil oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan tarbiyaviy ishlarning mazmuni va tashkil etilishini doimo yangilab turishni talab etadi. Professor-o'qituvchilar talabalar tarbiyasini hayot bilan bog'lar ekanlar, ularga o'zlarida iymon-e'tiqodni tarbiyalash imkonini beradilar. Tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchining ongigina emas, balki, his tuyg'ularini ham o'stira borish, unda jamiyatning shaxsga qo'yadigan ahloqiy talablariga muvofiq keladigan hulqiy malaka va odatlarni hosil qilish lozim. Bunga erishish uchun talabaning ongiga (ta'lim jarayoni asosida) hissiyotiga (darsda va turli guruhdan tashqari ishlarda) va irodasiga (faoliyatni uyushtirish, hulqini idora qilish jarayonida) tizimli va muntazam ta'sir etib boriladi. Talabalarni ma'naviy va barkamol shaxs qilib tarbiyalashda bularning birontasi (ongi, hissiyoti, irodasi) e'tibordan chetda qolsa maqsadga erishish qiyinlashadi. SHuning uchun tarbiya jarayoni ko'p qirrali va murakkab jarayon deb yuritiladi. Inson tarbiyasidek nihoyatda nozik, muhim va mas'uliyatli vazifani bajarishda pedagoglar hech qachon xatoliklarga yo'l qo'ymasliklari kerak bo'ladi. Har qanday tarbiya jarayoni o'z natijasiga erishishga qaratilgan qonuniy va izchil harakatlardan iborat bo'ladi. Tarbiya jarayonining eng asosiy natijasi har tomonlama kamol topgan shaxsni shakllantirishdan iboratdir. Bu jarayon ikki tomonlama bo'lib uyushtirishni va rahbarlikni ham, tarbiyalanuvchi shaxsning o'zi faollik ko'rsatishni ham talab etadi. CHunki, tarbiyaning umumiy maqsadlarini amalga oshirish dasturini ishlab chiqadi, tarbiya metodlari va usullarini asosli tarzda tanlab oladi va tadbiq etadi.

SHarqda ham azaldan farzand tarbiyasiga katta e'tibor bilan qarab kelingan. Ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy yozganidek «Tarbiya bizlar uchun yo hayot - yo mamot, yo najot -yo halokat, yo saodat, yo falokat masalasidir». Yurtga, vatanga muhabbat, insonparvarlik tuyg'ulari xalqimizning qon-qoniga singib ketgan azaliy xususiyatdir. Ana shu noyob insoniy fazilatlarni asrab, avaylash va yanada takomillashtirish, farzandlarimizni ozod va demokratik O'zbekistonning munosib o'g'il - qizlari qilib tarbiyalash masalasi ma'naviyat sohasidagi ishlarimizning asosiy yo'nalishini tashkil etmog'i kerak.

Ma'naviyat tarbiyaning eng ta'sirchan quroli ekan, undan oqilona foydalanish, talaba yoshlarni vatanparvarlik, rostgo'ylik, xalqsevarlikka o'rgatish kerak bo'ladi. Aslida olganda ahloq ma'naviyatning o'zagi. Inson ahloqi shunchaki salom-alik xush muomaladangina iborat emas. Ahloq bu, insof va adolat tuyg'usi, iymon, halollik deganidir. Qadimda ajdodlarimiz barkamol inson haqida butun bir ahloqiy talablar majmuasini zamonaviy tilda aytsak, sharqona ahloq kodeksini ishlab chiqqanlar. SHarq ta'limoti tarbiyasida islom dinining roli muhimdir. «Islom dini-bu ota-bobolarimiz dini, u biz uchun ham iymon, ham ahloq, ham diyonat, ham ma'rifat ekanligini unutmaylik. U quruq aqidalar yig'indisi emas.

Demak, yosh avlod tarbiyasi doimo xalqimizning diqqat markazida turgan. Xalqimiz o'z farzandlarini, ota-bobolarning ma'naviy me'roslariga tayanib tarbiyalab kelgan. SHuning uchun ham yosh avlod qalbida milliy qadriyatlarimizga e'tiqod kuchli bo'lgan. Ana shunday biror bir istiqboli yo'q sharoitda Mustaqillikka qadam qo'ygan yurtimizda yosh avlod tarbiyasiga birinchi kundan alohida e'tibor qaratildi. Bizning ota-bobolarimiz milliy tarbiya tizimidan oqilona foydalanib kelganligi bois ham yurtimizda olib borilayotgan tub islohotlar negiziga milliy qadriyatlar kiritildi. Milliy qadriyatlarga tayangan holda "Barkamol avlodni" tarbiyalash masalasi shaxsan yurtboshimiz tomonidan ko'tarildi. Mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab yoshlar tarbiyasiga qaratilgan e'tibor natijasi o'laroq bugungi kunda yoshlarimiz yurtimiz bayrog'ini jahonning eng nufuzli joylarda ko'tarmoqda.

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАБИЯЛАШДА КЕКСАЛАРНИНГ ЎРНИ

Очилова М.О.Педагогика кафедраси ўқитувчиси
Рахимова Н.А Педагогика йўналиши 1-курс магистранти, Бухоро давлат университети

Одам боласи дунёга шунчаки эмас, балки ҳазрат Навоий айтганларидек, комилликка етишиш, ўз атрофидаги одамлар таъсирида камолот пиллапояларини забт этиш учун келади. Маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб боргани сари унинг оиласи, манзил-макони гўзаллашиб, ҳаёти файзли бўлади. Ватан меҳри эса ҳамиша унга куч-қувват бағишлайди. Ёшлар – юртимиз

келажагининг пойдевори. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Ҳозирги пайтда ота-оналари узоқ шаҳарларга ишга кетган ёки эртадан кечгача ишлайдиган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларга тарбия бериш асосан, бобо ва бувиларнинг зиммасига тушади. Бизнинг ота-оналаримиз болаларимизга қандай таъсир кўрсатишади?

Кўпгина ёш ота-оналар бобо-бувилар боларни тўғри тарбиялай олмайдилар, улар болаларга ҳаддан зиёд эркинлик яратиб берадиган, бу эса бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади. Фикримизча, бу стериотип қараш ҳақиқий воқеликдан анча фарқ қилади. Ахир халқ орасида қачон неваралик бўлсангиз, ўшанда ҳақиқий ота-она бўласиз, деган гап бекорга айтилмаган. Қарияларга хос донишмандлик, йиллар давомида тўпланган катта ҳаётий тажриба бобо-бувиларга болани табиатан қандай бўлса, шундай қабул қилиш имконини беради, ёш ота-оналар сингари ўғил ёки қиз қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қарашларини ўз болалари орқали амалга оширишга ҳаракат қилмайдилар. Кўпинча, айнан бобо ва бувилар болаларда ўзига ишонч, ҳаётни қандай бўлса, шундай қабул қила олиш кўникмаларини шакллантирадилар.

Бола интуитив равишда бобо ёки бувининг уйда борлиги оила аъзолари ўртасидаги муносабат қанчалик мўътадил эканлигини ойдинлаштиради. Нима учун буви ёки бобонинг меҳмон бўлиб келиши болада жўшқин ҳис-туйғуларни уйғотади. Чунки ота-онаси унинг учун фақат шанба ва якшанба кунлари вақт ажрата олади. Буви учун эса ўз неварасидаги ҳамма нарсага қизиқиб қарайди. У узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаси ва донолиги билан ёш ота-оналарга нисбатан босиқроқ, сабрлироқ бўлади. Бу эса бобо-бувиларга болани эшита олиш, у билан муаммоларни муҳокама қилиш, неварасини қучоқлаб эркалаш, унга ширин-ширин таомлар пишириб бериш, уни боғда ёки ҳайвонот боғида сайр қилдириш имконини беради.

Бобо ва бувиларнинг оилада бола тарбиясидаги ўрни ҳақидаги суҳбат якунида шуни айтмоқчимизки, ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли, ўз халқи ва Ватанига садоқатли, энг сара инсоний фазилатларга бой ёшларни тарбиялашда бобо ва бувиларнинг ўрни беқиёс эканлигини ўрта авлод – ота ва оналар чуқур англашлари лозим. Ота-оналарнинг ўз ота-оналарига муносабати, уларга бўлган ҳурмат ва эҳтироми ёш болаларда ҳали кичкиналигиданоқ ўзаро ҳамкор, ҳамфикр бўлиб, бир ёқадан бошчиқариб ишлаш ва яшаш кўникмаларини шакллантириб боради. Бундай болалар ижтимоий муносабатларга тезгина киришиб кета олади, уларда бағрикенглик, ҳамдардлик ва ҳамкорлик малакалари жуда эрта шакллана бошлайди.

Анъанавий жамиятда кексалар ўтмиш ахборотларининг бош қўриқчиси, билим ва тажрибанинг ташувчилари саналганлар. Уларнинг доно ва фаросатли, адолатли, кўпни кўрган, оқ-қорани танийдиган киши бўлганликлари учун оилада бола тарбиясини керакли йўналишга буришларига ишонганлар. Бобо ва бувилар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни, урф-одатларни, афсоналар, эртаклар ва ривоятларни невараларига етказганлар.

Бобо ва бувиларнинг оилада бола тарбиясидаги ўрни ҳақидаги суҳбат якунида шуни айтмоқчимизки, ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли, ўз халқи ва Ватанига садоқатли, энг сара инсоний фазилатларга бой ёшларни тарбиялашда бобо ва бувиларнинг ўрни беқиёс эканлигини ўрта авлод – ота ва оналар чуқур англашлари лозим. Ота-оналарнинг ўз ота-оналарига муносабати, уларга бўлган ҳурмат ва эҳтироми ёш болаларда ҳали кичкиналигиданоқ ўзаро ҳамкор, ҳамфикр бўлиб, бир ёқадан бошчиқариб ишлаш ва яшаш кўникмаларини шакллантириб боради. Бундай болалар ижтимоий муносабатларга тезгина киришиб кета олади, уларда бағрикенглик, ҳамдардлик ва ҳамкорлик малакалари жуда эрта шакллана бошлайди.

Унутмаслик керакки, бола мураккаб оилавий авлодлар муаммосини тушунмайди. Бобо-бувиларнинг дунёқараши ва психологиясидаги ўзига хослик ва фарқ мавжудлигини, кишининг қарилик даври бошланиши билан психикасида турли зиддиятлар ва ўзгаришлар пайдо бўлишини ёш ота-оаналар унутмасликлари ҳамда бунга тушунган ҳолда муносабатда бўлишлари керак.

Адабиётлар:

1. “2015 йил - Кексаларни эъзозлаш” йили давлат дастури тўғрисида. Ўз.РВМ ПҚ-2302 қарори. 18.02.2015 й.
2. **"Геронтология"** - рецензируемый научно-практический журнал. Москва, 2014, №4.
3. https://ru.wiktionary.org/
4. https://ru.wikipedia.org/wiki/

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Ҳабибова Г.Ғ. БухДУ Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи ҳар бир тарбиячи, мураббий, устоз, педагог олдига жамиятимиз томонидан қўйилган асосий ижтимоий буюртмадир. Бу юксак вазифани чуқур англаш учун аввало “баркамол инсон” тушунчасининг

моҳиятини англаш керак бўлади. Хўш, баркамол инсон деганда биз қандай кишини тушунамиз? Унинг тимсолини ёки моделини қандай тасаввур этиш мумкин? Бу саволларга жавоб излаб қатор манбаларни таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён этиш имконига эга бўлдик.

Педагогика фани тарихида баркамол инсонни тарбиялашнинг икки хил модели илмий асосланган: 1) ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс идеали. Бу модел грекча "карлос кай агатос" формуласига бориб тақалади. Унда инсоннинг жисмоний ва маънавий тараққиёти ўртасидаги уйғунлик назарда тутилади; 2) шарқона комил инсон идеали. Комил инсон шахси идеали ҳам узоқ тарихий ўтмишга эга бўлиб, у аждодларимизнинг муқаддас китоби бўлган "Авесто"да шакллана бошлаган. "Авесто"нинг катта қисми бўлган Ясналарда комил инсон идеалини белгиловчи уч мезон – "эзгу фикр", "эзгу ният", "эзгу амал" асос сифатида кўрсатилган.

Ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс модели ғарб педагогикасида асосланган бўлиб, у ҳақида ёзилган илмий асарлар ва мақолалар ниҳоятда кўп. Аммо баркамол шахсга хос таркибий компонентлар изчил ўрганилган тадқиқотлар бугунги кунда етарли эмас. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликкка эришганимиздан буён бу муаммо кун тартибига қайта-қайта қўйилмоқда. Масалан, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида Президентимиз: "жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир" – деб ёзади. Ёки сўнгги асарларидан бири "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан бошланади: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваломбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".

Комил инсон шахси шарқона идеал бўлиб, у даставвал кўпгина буюк Шарқ мутафаккирлари асарларида асосланган эди. Хусусан, Абу Наср Форобий баркамол инсон шахси тараққиётида тажрибанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган: "Ким кўп тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва баркамол инсондир. Инсон баракамоллигини кўрсатувчи, турли истаклардан юқори турувчи мақсадлар тўртта: тан соғлиги, туйғулар соғломлиги, турли нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги, интилишга бўлган қобилият соғломлиги".[1]

Юсуф Хос Ҳожиб эса ўзининг "Қутадғу билиг" асарида инсонни баркамолликка, бахт-саодатга олиб борадиган энг тўғри йўл – бу ўқув-идрок эканлигини асар қаҳрамонлари Элиг (подшо) ва вазирнинг ўғли Ўгдулмиш (ақл-идрок рамзи) ўртасидаги савол-жавоб асосида тушунтириб беради.

Кунтуғди (элиг, подшо) Ўгдулмишдан сўради: "Ўқув-идрокнинг юзи, чиройи қанақа? Унинг хулқ-атвори қандай бўлади? Туриш-турмуши нечук?"

Ўгдулмиш шундай жавоб берди: "Ўқув-идрок кишига қувонч келтиради. Бу қувонч узлуксиз бўлиб, ойда ҳам, йилда ҳам тугамайди. Ўқув-идрокнинг юз чиройи гўзал, ёши – навқирон. У оламдаги барча эзгуликларга элтувчи равон йўл, ... одамзод насли ундан ҳузур олади...

Ўқув-идрокнинг хулқи ўнг, яъни тугал ва етук, унинг сўли - ярамаслиги ёхуд қусур-камчилиги йўқ. У бутун, чин, пок бўлади."[2]

Бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб ўқув-идрок орқали баркамолликка эришиш мумкинлигини ҳар жиҳатдан асослаб беради. Шу тариқа баркамол инсон тимсолини акс эттирар экан, бундай киши ёш бўлса ҳам қари донишманд чолдек ақлли, доно бўлишини, бундай кишини ва шундай фазилатни ҳамиша ўзига яқин тутиш кераклигини, камолга эришган инсон қариса, салобатли, ёш бўлса суюкли бўлишини, бундай кишилардан кўп эзгуликлар келишини таъкидлайди.

Сўнгги йилларда юқорида келтирилган комил, баркамол инсон шахси тўғрисидаги қарашларнинг узвий давоми сифатида қатор педагогик изланишлар амалга оширилди. Масалан, М.Ҳ.Маҳмудов ўз изланишларида комил инсон шахси таркибий унсурларини қуйидагича белгилаб беради:

1. Илоҳий ва дунёвий билмлар мутаносиблиги. Илоҳий билмлар инсоннинг ўзини, ўзлигини англаши учун қанчалик зарур бўлса, дунёвий билимлар дунёни маълум меъёр ва қолипларда сақлаш учун ҳам шунчалик керакдир.
2. Ички ва ташқи гўзаллик ўртасидаги мутаносиблик. Инсонда ҳамма нарса: ҳам маънавий олам, ҳам хулқ-одоб, ҳам ташқи қиёфа гўзал бўлиши керак. Дил ва тил ҳамоҳанглиги, фикр ва сўз уйғунлиги, қарашлар ва фаолият мутаносиблиги, руҳий ва жисмоний интилишлар бирлиги, шахсда, унинг фаолиятида, касб-корида уйғун мувозанатнинг амал қилишига сабаб бўлади.
3. Ботиний ва зоҳирий қарашлар ўртасидаги уйғунлик. Икки хил қарашдан бирига риоя қилиш инсон шахсининг иккиланишига (иккига бўлинишига), жамиятнинг тарқоқлашуви, парокандаликка олиб келади.

[1] Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, -114 б.
[2] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Юлдуча, 1990, -42-б.

4. Ақлий ва амалий фаолият бирлиги. Назария билан тажрибанинг ўзаро боғлиқлигини ҳеч ким инкор эта олмаганидек, ақлий ва амалий фаолият бирлигини ҳам ҳамма эътироф этади.

5. Ахлоқий ва моддий поклик. Мўмин банданинг кийинишидан тортиб то ўзаро муносабатларигача пок бўлиши шарт.[1]

Юқорида келтирилган таҳлиллардан маълум бўладики, "баркамол инсон шахси" ва "ҳар томонлама уйғун (гармоник) ривожланган шахс" тушунчалари бир-бирини инкор қилмайди. Баркамол шахс хусусиятларига оид ғарб ва шарқ педагогик ғояларида ўзаро ўхшашликлар бўлса-да, улар ўртасида бир қанча фарқлар ҳам қайд этиш мумкин. Агар ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс идеалининг ҳар бир унсури ижтимоий, педагогик, психологик, биологик жиҳатдан алоҳида-алоҳида қайд этилган бўлса, комил инсон шахси таркибига оид унсурларнинг ижтимоий, педагогик, психологик, биологик хусусиятларни комплекс ажратишга риоя қилинган.

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти, тақдирини маънавий-маърифий жиҳатдан етук кишилар ҳал қилади. Давлатнинг улуғлиги, келажаги буюк бўлиши унинг интеллектуал салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Президенти томонидан таъкидлаб келинаётганидек, ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат наинки табиий замини, ер ости ва ер усти заҳиралари, тоғлари ва ўрмонлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда юксак маданиятли, маънавиятли ва баркамол инсонлари билан ҳам кучлидир.

Эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавият юксак инсонлар, баркамол авлод ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир. Ана шундай ноёб хислат ва фазилатларга эга бўлган инсонларни, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ, албатта, келажакка очиқ кўз, катта ишонч, умид ва ихлос билан қарай олади.

Кўриниб турганидек, мустақил Ўзбекистон тараққиёти тақдирини ҳам маънавий жиҳатдан етук, баркамол исонлар ҳал қилади.

Инсон камолоти миллат ва мамлакат тараққиётига асос бўлади. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина Ўзбекистон давлат мустақиллиги барқарор бўлади, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади, олдимизда турган буюк мақсадларга эришамиз. "Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятнинг аҳамият минг карра ортди. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодига боғлиқдир".[2]

Маънавий-ахлоқий баркамол инсон элим-юртим, халқим, миллатим деб куйиб-ёниб яшайди. Ватани тараққиёти ва истиқболи учун озми-кўпми ҳисса қўшишни фахр-ифтихор, шон-шараф, олий бахт деб билади.

Ўзлигини англаб етган ҳар бир инсон, миллий қадриятларни, анъаналарни, урф-одатларни, бобокалонларининг дурдона сўзларини, диний, дунёвий, фалсафий таълимотларини, ҳикматларини тенгсиз хазина каби эъзозлайди, улардан ўзи учун ибрат, муҳим ҳаётий сабоқ, йўл-йўриқ олади.

Аммо шундай инсонни тарбиялаб вояга етказиш ўта мураккаб вазифа бўлиб, мустақилликка эришган дастлабки йиллардан буён мана 18 йилдирки, бу борада оламшумул янгиликлар, ислоҳотлар амалга оширилган бўлсада, эришилган натижа фахланарли даражада юқори эмас. Шунинг учун ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз раҳбарияти томонидан қайта-қайта кун тартибига қўйилмоқда.

Бинобарин, маънавий баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш ҳозирги давр талаблари асосида юзага келган, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тараққиётимиз билан узвий алоқадорликка эга бўлган вазифа бўлиб, бу улкан вазифани муваффақиятли амалга ошириш фақат таълим муассасаларининг фаолиятигагина эмас, балки таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи яна бошқа ижтимоий институтлар – оила, ҳуқуқ-тарғибот органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолияти билан ҳам узвий боғлиқдир. Агар ана шу ижтимоий институтлар биргаликда, баҳамжиҳат фаолият юритмас экан, баркамол инсонни тарбиялаш вазифасини амалга ошириш жуда қийин кечади.

Оила инсонга инсонийликни англатадиган, унинг келгуси ҳаёти, истиқболига мустаҳкам замин яратадиган муқаддас маскан, таълим-тарбия ўчоғидир. Президентимиз бу ҳақида шундай дейди: "Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз".[3]

---

[1] Маҳмудов М.Ҳ. Комил инсон – аждодлар орзуси. –Т.: Ёзувчи, 2002.

[2] Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: "Ўзбекистон", 1994, 127-бет.

[3] Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.

Шунингдек, инсон жамиятда белгиланган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан, уларга сўзсиз риоя этмасдан туриб маънавий-ахлоқий етукликка эриша олмайди. Буниг учун у ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши зарур. Зеро, ҳуқуқий билим ва маданият миллатлар етуклиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим ва асосий жиҳатларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари бошқа ижтимоий институтлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи, таълим-тарбия соҳасидаги ва давлат сиёсати борасидаги янгиликлар ва ўзгаришларни кенг тарғиб қилувчи асосий ижтимоий интитутлардан биридир. Ахборот телекоммуникация соҳаси мисли кўрилмаган даражада юксак ривожланган бугунги кунда ёшларни у орқали жалб қилиш ва улар онгига таъсир ўтказиш қийин бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот ва телекоммуникация воситалари фаолиятини жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа – баркамол инсонни вояга етказиш муаммосига тўла жалб этиш ниҳоятда зарур тадбирлардан бири саналади.

Кўриниб турибдики, баркамол авлод тарбияси фақатгина таълим муассасалари ёки тегишли ташкилотларнинггина эмас, балки шу жамиятда яшаб, фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг бурч ва вазифасига айлансагина биз том маънода миллий юксалишга эриша оламиз.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА БУГУНГИ КУН ЁШЛАР РУҲИЯТИ ЎЗГАРИШИГА ДОИР

Бегашева Шарофат Нематуллаевна, Термиз давлат университети

Summary: In this article is given maintenance and significance of present day youth psychology change in the condition of market economy.

Keywords: present day youth, psychology, condition, market economy.

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тарққиёт йўлидан одимламоқда, бу йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилган бешта тамойилда ифодаланган.

«Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли,-деб таъкидлайди Ислом Каримов, бу мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради» [1].

Бу концепциянинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

-иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак;

-фақат давлат, қонуний сайланган ҳокимиятгина ислоҳатчи бўлиши лозим. Шундагина халқ ҳаётида ижобий натижаларга эришиш мумкин;

-аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат;

-қонуннинг барча нарсалардан устувор бўлиши;

-ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз ўтиш [1].

Республикада ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда тоталитар тизимдан мерос бўлиб қолгани жтимоий-иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан иш олиб борилмоқда.

Энг аввало, кўп укладли иқтисодиётга изчил ўтилмоқда. Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини турли шаклдаги мулкчилик ташкил қилмоқда.

Ислом Каримов дастлаб, миллий истиқлол ғоясини «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган иборада ифодалади. Юртбошимиз шундан сўнг миллий ғояни, «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» дея янада аниқ ва соддалашган ифодада илгари сурди. Давлатимиз раҳбари миллий ғоя мавзусини ривожлантириб бориб «Озод ва обод Ватанда-эркин ва фаровон яшаш» фикрини илгари суради.

1993-йил апрель ойида бир гурух ёзувчилар билан қилган “Элни Ватан манфаати бирлаштиради” мавзуидаги суҳбатида “Мафкурани ўзгартириш, соғломштириш бу сизларнинг соҳангиз, вазифангиз эмасми?”,- деган саволни қўяркан Ислом Каримов, шундай хулосага келади: “...бизни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир”.

Ислом Каримов тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида (1998-йил, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари) тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаб бўлмаслиги, юксак маънавиятга эришиб бўлмаслиги масаласини илгари суради. Янги тарихимизни яратиш вазифасини қўяр экан, бусиз янги миллий мафкурани муносиб тарзда яратиб бўлмаслигини, миллий мафкурамизнинг тарихий илдизларини нималар ташкил этишига эътиборни қаратади.

Муаллиф «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида» “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида
чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини» ифода этишини таъкидлайди.

Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ: “Маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт йўқ, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқмоғимиз зарур” - деган кўрсатмани берган эдилар. Чунки, мафкура бу истиқболнинг яратувчисидир.

Президент Ислом Каримов, миллий мафкурани эҳтиёж даражасига кўтаради. Конституциянинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган (1993- йил 7 декабрь) ‘"Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги маърузасида барчанинг диққат эътиборини ана шу муҳим масалани ҳал этилишига қаратди ва «...мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга тадбиқ этмасдан туриб Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Янги мафкуранинг асл мазмуни-янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир», - деб алоҳида таъкидлади.

Ҳар қандай жамият, давлат, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётда ўзининг аниқ йўли, ривожланиш тамойилларига эга бўлгани каби, миллий ғоя, миллий мафкура соҳасида ҳам қатъий тамойилларга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистан мустақилликка эришгандан сўнг гарчи миллий ғоя, мустақиллик мафкураси ҳақида кўп гапирилган бўлсада, холис, илмий- методологик таъриф берилмаган эди, Ислом Каримов 1998-2000 йиллардаги қатор чиқишлари: мақолалар, суҳбатлар ва нутқларида эътиборини шу масалага қаратади. Хусусан, «Тафаккур» журналидаги «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» (1998-йил июнь), мавзуидаги мақоласида мафкуранинг зарурлиги ҳақида тўхталиб, «Мафкура, - дейди муаллиф, - ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. У енгилмас ва ҳаттоки, эгилмас мафкурадир. Зеро, мафкура-ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир» Ушбу мақоладаги асосий мақсад - «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» лигига қаратилган.

«Миллий мафкура - миллатни бирлаштирувчи байроқдир» - дейди Президент. «Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур- ифтихорини, керак бўлса кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл- юртимизнинг мақсади, ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим». Токи, мақсад миллий мафкура халқни-халқ, миллатни миллат қилаверсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин”.

Президент «Тафаккур» даги суҳбатларида «Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»-дейди.

Ислом Каримов «Туркистон» газетасининг мухбири билан қилган «Ўз келажагимизни ўзқўлимиз билан қурмоқдамиз» мавзусидаги суҳбатларида (1999-йил 3 февраль) эса миллий ғоя масалаларига тўхталиб, «Миллий ғоя... у ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади» - деган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.-Т.:”Ўзбекистон”, 1996. 44, 301-бетлар.

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Ж.Бобомуродова БухДУ

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек, "Биз усиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган холда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб булишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йуналиши, деб биламиз".

Бунда эса инсон улгайишида асосий давр булган усмирликдаги тарбия хал қилувчи аҳамият касб этади. Бу паллада унинг ички дунёси, ўзига хос ҳислатлари шаклланади. Бу даврда ота-она, устозлар улар тарбияси билан узвий равишда шуғулланишлари лозим. Уларнинг саломатлигига ҳам алоҳида диққат-эътибор зарур. Шуни ҳам унутмаслик керакки, камолотга элтувчи йул мърифат, шунга яраша гайрат-шижоатдир. ҳар бир халқ ҳар бир авлоднинг баркамоллик даражаси пировард натижада шу халқ истиқболини, тараққиёти ва тақдирини хал этади. Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш — фақат миллий эхтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала — кўпмиллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча кардош халқлар учун бирдай

эзгу мурод максаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлар бирлашади, тарбиянинг қудратли омилига айланади. Халкимиз ирсиятини бойитиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, давлат ва жамиятнинг муштарак муддаоси бўлмиш комил инсон шахси — XXI аср одами шаклланади.

Ҳар қандай жамиятнинг асосини, ўзагини оила ташкил этади. Халқимизнинг азалий қадриятлари, анъаналари ҳисобланмиш: ҳалоллик, ор-номус, меҳр-оқибат, садоқат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби инсоний фазилатлар, энг авалло, оилада шаклланади. Айниқса, ўзбек оилаларининг мустаҳкамлиги, муқимлиги ва мангулиги ана шу маънавий анъаналарга таянганлиги билан боғликдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда «ўзбек оилаларининг маънавий асосларини тадқиқ қилиш" муҳим аҳамиятга эга.

Соғлом авлодни тарбиялаш ҳамма замонларда ҳам жамият ривожи, тараққиётининг асосий белгиловчи мезони бўлиб келган. Жамият равон ривожи, осудалигини таъминлашга хизмат қиладиган инсон маънавий баркамол бўлиши учун энг аввало жисмонан соғлом бўлиши лозим. Инсоннинг куч ва қобилиятларини тахлил этганда, у учга бўлинади: жисмоний, ақлий ва ахлоқий. Шунга биноан инсоннинг бу куч қобилиятларининг тараққий этиши, юксалишини таъмин этадиган тарбия ҳам уч қисмга ажралади: булар бадан тарбияси, ақл тарбияси, ахлоқ тарбиясидир.

Болаларни оилада тарбиялашнинг аоосий вазифаларидан бири аҳлоқий тарбиядир. Оила-болаларнинг катталар, ака-укалар, опа- сингиллар билан алоқасининг дастлабки мактабидир. Оилада бола катталарни ҳурмат -қилиш, кексалар ва касаллар ҳақида ғамхўрлик қилиш, бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишни ўрганади. Биргаликда бажариладиган уй ишларида, яқин кишилар билан бўлган муносабат натижасида болаларда бурч, ўзаро ёрдам, масъулият ҳисси таркиб топади. Ота-оналарнинг шаҳсий намунаси, уларнинг ўзаро ҳурмати, бир-бирлари ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиши, муомалаларида нозиклик ва меҳрибонликнинг намоён бўлиши оилада болаларни аҳлоқий тарбиялашнинг енг яҳши воситасидир. Агар болалар оилада соф, гўзал, аҳлоқий муносабатларни кўрсалар, катта бўлгач, ўзлари ҳам шундай яҳши муносабатлар кўрсатишга интиладилар.

Ҳар қандай жамиятда бўлгани каби бизнинг жамиятимизда ҳам ҳар бир алоҳида шахс ва яхлит халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларни бирлаштирувчи, юрт тинчлиги ва турмуш фаровонлигини таъминловчи илғор ғоялар борки, уларнинг ҳар бир фуқаро томонидан англанганлик даражаси ана шу жамиятнинг ривожланиши тамойилларини белгилайди. Шу маънода шахсдаги ахлоқийлик ва эътиқодлиликни ана шундай соғлом дунёқарашларни, теран фикрлашни таъминловчи ижтимоий психологик омил ҳамда шарт-шароит, деб эътироф этиш мумкиндирки, унинг моҳиятини илк болаликдан оила муҳитида, ундаги қадриятлар доирасида, ота ва онанинг обрўси, билимдонлиги, ўрнак бўлувчи шахс сифатидаги таъсирида улар онгига сингдириш психологик аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов оила ва ундаги анъаналарга, миллий қадриятларимизга жуда катта эътибор бериб, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унда ёш авлод тарбиясининг тўғри йўлга қўйилганлиги энг аввало улардаги мустақил фикрлаш, соғлом эътиқод ва теран дунёқарашни шакллантиришда муҳим ролъ ўйнашини таъкидлаб, шу аснода таркиб топадиган қарашлар тизимини миллатнинг мафкураси, деб таърифлайдилар: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»

Айнан мустақиллик йилларида ёшларни оила ва унда сақланиб келаётган азалий қадриятлар таъсирида ахлоқан тарбиялаш муаммоси кўплаб назарий ва эмпирик изланишлар предметига айланмоқда. Зеро, бундай ёндашув ўтмиш алломаларнинг фалсафий-ғоявий қарашлари, оила ва оилавий тарбия масалаларига бағишланган ўгитлари маъно-моҳиятига мосдир.

ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Усманова М.Н. ва Рахмонова Д.Б., БухДУ Психология кафедраси ўқитувчилари

Ўзбекистонда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан олий таълим муассасаларида ўқимишли мутахассисларни, маълум билим даражасига эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчилар у ёки бу соҳа мутахассислигининг назарий ва амалий билимларига, касбий йўлланмаларга ҳамда маҳорат мажмуасига эга бўлмоқдалар. Уларда ҳуқуқий демократик давлатнинг фуқаролик жамиятида фаол иштирок этиш, умумий ва касбий маданиятга эга бўлиш каби шахс сифатлари камол топмоқда. Албатта, ушбу сифатларни шакллантиришда олий таълим талабаларининг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш уларнинг тарбиясини мукаммаллаштиришда, интеллектуал ва маданий савиясини кўтаришда, мустақил равишда танқидий фикрлашда муҳим ўрин тутади. Чунки, ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар

давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия соҳасида ғояларида боланинг ёш хусусиятларига эътибор берилган. Шуни айтиш керакки, ёшлар тарбияси инсоният тарихий ривожланишининг ҳамма босқичларида, ҳамма халқлар, мамлакатлар учун энг муҳим ҳаётий муаммо бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ёш авлод тарбияси ҳар бир миллат, халқ мутафаккирлари, йўлбошчиларини ўйлантирган абадий муаммодир.

Чунки, биринчидан йўлбошчилар, мутафаккирлар маълум миллат, халқ манфаати нуқтаи - назаридан таълим-тарбиянинг назарий асоси, мақсад, вазифаларини белгиласалар, иккинчидан уларнинг фаолияти ва асарлари таълим-тарбия назарияси ва амалиётини бойитган, учинчидан, ўз миллати, халқи, Ватанининг истиқболи кўп жиҳатдан ёшларнинг тарбиясига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлик фаолиятининг дастлабки кунларидан ёшлар таълим-тарбияси, Ватан, миллат истиқболи энг муҳим, долзарб масала сифатида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаган.

Миллатимиз, халқимиз шуҳратини бутун дунёга ёйган, жаҳон фанининг равнақида ўчмас из қолдирган аждодларимиз ёш психологияси муаммолари билан изчил ва атрофлича, муайян йўналишда, маълум назарий асосда ўрганмаган бўлсалар ҳам, уларнинг асарлари ёш хусусиятларни акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши тўғрисида қимматли фикрлар билдирганлар. Булар халқ оғзаки ижоди, махсус ижодкорларнинг ўгит-насиҳатлари, машҳур мутафаккирларнинг илмий-назарий қарашлари, турли даврларда ижод қилган ёзувчи ва шоирлар ижодидир.

Зеро, инсон ёши унинг камолотида муҳим хусусият ҳисобланади. Киши ёши физиологик ва психологик қонуниятнинг мажмуи бўлиб, бу физиологик ва психологик қонуниятлар ёш ўзгариши билан ўзгаради. Инсон ёши унинг ривожланишига объектив мезон бўлиб, ҳатто ундаги индивидуал фарқларга ҳам боғлиқ бўлмай, нормал ўсадиганлар учун бир хил бўлади. Талабаларнинг ёш хусусиятларини билиш энг аввало улар таълим-тарбиясини тўғри ташкил этиш учун муҳимдир. Чунки тарбияни тўғри ташкил этиш учун энг аввало уни илмий асослаш муҳимдир. Шунинг учун буюк рус педагоги К.Д. Ушинский таъкидлаган эдики, агар педагогика кишини ҳар томонлама тарбиялашни истаса, уни ҳар томонлама билиши лозим. Демак, тўғри таълим-тарбия бериш учун унинг объектив - бола шахсини унинг ёш хусусиятларини билиш бошқариш учун муҳимдир.

Олий таълим талабаси организмида жиддий ўзгаришлар юз беради. Организмнинг анатомо-физиологик етилиши, айрим органлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кучаяди, ички секреция безлари функцияси ўзгаради, мия ва нерв системаси ривожланади. Айни вақтда гавда, бўй ўсиб, организмдаги мутаносиблик ўзгаради. Шулар билан бирга ёш киши руҳиятида, ақлий, жисмоний ривожланишида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади.

Ўспиринлик даврида талаба учун энг муҳими ўзларининг ички дунёлари-маънавий-ахлоқий жиҳатидан камолотга интилишининг кучайишидир. Ташқи оламга, кишиларга муносабат чуқур ички-маънавий мазмун касб этади. Ўзининг ички дунёсини англаш ёшларда қувонч билан бирга кўп ташвиш ва ички кечинмаларни ҳам келтириб чиқаради.

Бу даврда ўзлигини англашда кескин ўзгаришлар юз беради. Ўз навбатида шахсий айрим сифатларнинг умумийлашиб, яхлит ўзига нисбатан муносабатнинг шаклланишига олиб келади. Ўзига баҳо беришда ҳам аввалги яхши-ёмондан аниқлашиб, фаолиятдаги муваффақият ва муваффақиятсизликнинг бир-биридан ажратиш, сабабларини аниқлаш асосида ўзига баҳо беришда конкрет ёндошиш белгиловчи бўлади.

Талабаларнинг "Мен"ини баҳолашида ахлоқий психологик, ташқи гавда кўринишига муносабат ўзгаради. Уларда ўз гавдаси, ташқи кўринишига эътибор кучайиб, ўзини ўз ўртоқлари билан солиштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўғил болаларда гавда ва ташқи кўриниш, мускулларнинг маълум намунага мос келиши муҳим бўлиб қолади. Ўспиринлик ёшида ўз-ўзини англашининг яна бир муҳим таркибий қисми ўз-ўзига ҳурматдир. Ўз-ўзига ҳурмат, ўзидан қониқиш ҳосил қилиш, ўз ғурури, шаънини англаш асосида ўзига ижобий муносабатнинг шаклланиши пайдо бўлади. Унда ўзидаги хусусиятлар билан танлаган сифатининг бир-бирига мос келиши намоён бўлади. Талаба-ёшларнинг ўзидаги ижобий хислатлардан қониқиши асосида ижобий муносабатлар қарор топа боради. Ўзидаги мавжуд сифатлар билан ахлоқийликни солиштирганда ундан қониқиш ёки қониқмасликка йўналиш бериш ўз-ўзини ҳурмат белгиси сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзига ҳурмат ўқувчининг ўзига шахсий баҳо беришга муносабатини йўналтиришидир. Бу эса ўқувчининг ўзига ишончини мустаҳкамлайди.

Ўспирин ўзининг такрорланмас мукаммаллигини бошқаларга ўхшамаслигини англаши билан бирга яккалик, жуда кўп ички кечинмаларни ечишда бир ўзи рўбарў бўлиб қолишдан чўчиш уни қийнайди. Бу ҳолат уни бошқалардан алоҳида бўлишга интилишига олиб келади. Ундаги болаликдаги одатларидан қутулишга бўлган кучли интилиш билимга интилишни, ўзини билишга бўлган қизиқишини оширади. Ўспириндаги ўзи ҳақидаги тасаввур албатта бошқаларга, айниқса, ўзини тушунишини истаган киши билан солиштирилади. Ўспиринлардаги ўзини тасвирлаш, ўзига баҳо бериш ёш ўтиши билан маълум сифатларни ҳамда маълум мезонларни танлаш билан характерланади.

Талаба-ёшларда эътиқод, савия, ақлий қобилият, эмоция ва ирода каби хислатларга муносабат кескин ошади. Шу билан бирга меҳнатга ва бошқа кишиларга муносабати кучайиб, шахс сифатларига баҳо беришга алоҳида кишиларга эмас, умуман инсоний сифатларга эътибор кучаяди. Шу асосда ўзига тавсиф бериш умумлашиб, айрим сифатларга алоҳида ёндошиши, уларни ҳурматли кишилар сифатлари билан таққослашга алоҳида эътибор берилади.

Юқорида баён қилинган фикрлар таълим-тарбия жараёнида талабаларни чуқур билиш асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш масаласини ниҳоятда муҳим қилиб қўяди. Бунда бу ўқув юртида фаолият кўрсатаётган педагоглар нафақат ўзлари ўқитадиган фанларни ҳар томонлама чуқур билишлари, балки ўқувчилар учун юксак инсоний хислатлар намунаси, яъни ахлоқий поклик, эстетик гўзалликнинг тимсоллари ҳам бўлишлари лозимлиги ҳаёт талабидир. Бундан ташқари улар талаба руҳий оламининг ҳам жуда чуқур ва нозик билимдонлари бўлишлари мутлақо зарур.

Юқоридаги фикрларимиздан қуйидаги хулосаларга келиш ўринлидир:

1. Педагогика ва психология фанлари намоёндаларини бу фанларнинг ҳамма тараққиёт босқичларида ёш масаласи, болаларнинг ёшига қараб ўсиш даврлари қизиқтириб келган. Чунки одамнинг ёши ўзгариши билан унинг организмида физиологик, психологик ва ижтимоий ўзгаришлар юз беради.

2. Инсон ёш даврлари ичида ўспиринлик жуда муҳим бўлиб, бу давр болаликдан катталик (етуклик)ка ўтишда кўприк ҳисобланади ва шу даврда инсондаги жуда кўп маънавий - ахлоқий ва ижтимоий хусусиятлар шаклланади.

3. Ўспирин организмида юз берган мураккаб ўзгаришлар, унинг етукликка интилиши ва бу хусусиятларнинг асосан шаклланиши унда ўзига, ички дунёсига бўлган қарашларида кескин ўзгаришларга олиб келади. Бунинг оқибатида ўзига танқидий қараш, ўз ҳатти-ҳаракатини ўзи назорат қилиши, ўзини-ўзи тарбиялаш кучаяди.

4. Ўспирин-ўқувчи шахсида юз берган физиологик, руҳий, ижтимоий ўзгаришлар, етуклик остонасида туриш келажакдаги ишларини режалаштириш, ўз-ўзини англашнинг чуқур руҳий кечинмалари уларда тарбияга эҳтиёжни келтириб чиқаради.

5. Талаба-ёшларда турмушда ўз ўрнини топиш, касб-ҳунар эгаллаш, ихтисослик танлаш ва истиқбол режаларини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлиш хусусиятлари яққол намоён бўлади. Шу билан бирга бу даврда куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга интилиш, ҳаётда эркин ва мустақил ҳаракат қилиш, дунёқараш асосининг шаклланиши, кишилар, жамиятга романтик муносабатда бўлиш каби хислатлари таркиб топади.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИНИ НИМАДАН БОШЛАМОҚ КЕРАК?

А.М.Назаров, БухДУ ўқитувчиси, С.Р.Хамроев, Н.С.Санакулова
БухДУ Психология йўналиши талабалари

It has been written in this article about simple ways as appearance, but very important as general of uhbringing of children

Биз кундалик турмушда одамлар билан ижтимоий муносабатга киришар эканмиз, “мен фарзандимни мана бундоқ тарбиялашим керак” ё “боламни мана бундоқ бўлишини истайман”деган гапларни бот-бот осон қўллаймиз. Бироқ амалий суратда фарзандга рисоладагидек ижтимоий тарбия бермоқ мушкул иш. Бунга шак-шубҳа йўқ.Тарбия масаласи шу даражада долзарбки,буни буюк маърифарпарвар Абдулла Авлоний шундай таъриф этади:“Тарбия биз учун ё ҳаёт,ё мамот,ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир.”(1)Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши,жамиятда ўз ўрнини топишига ҳукумат доирасида катта эътибор қаратилмоқда.Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг турли ёт ғояларга эргашиб кетмаслиги,мафкуравий таҳдидларга қарши маънавий ва психологик иммунитет ҳосил этиши йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.Бироқ,кундалик рўзғор ташвишларига киришиб кетиб,баъзида ўз фарзандларимиз тарбиясига вақт ажратолмай қолишимизни яширишнингсираҳожатийўқ.Бизнинг Шарқ қадим-қадимдан фарзандларининг маънавий,ахлоқий ва жисмоний тарбияси,уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб шаклланишига катта эътибор қаратишган.Бу борадаги пурмаъно Ўзбек халқ мақолларини ўқиб,уқиб шуурга жойлаштирар бўлсак,халқимизнинг юксак даҳоси,юксак даражадаги донишмандлигига гувоҳ бўламиз: “Одоб боши- тил”,”Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”,”Каттага-ҳурмат, кичикка-иззат”,”Одобни одобсиздан ўрган”, “Бир болага етти маҳалла-ота-она’’.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг ҳар бир одамий зотнинг кўнгил сезимларини қитиқлаб, жунбушга келтирадиган сўзларини келтириб ўтишни жоиз деб топдим: “Қила олғонча таъзим ва адаб биносин йиқма, ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма. Адаб ва тавозе дўстлуқ кўзгусиға жило берур, икки жонубдан ёруғлуқ еткарур” ёки:

“Кимки улуғроқ анга хизмат керак
Улки кичикроқ анга шафқат керак” (2).

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мустақилликнинг илк кунларида сўзлаган нутқидан келтирилган қуйидаги иқтибос эса ўз долзарблигини зинҳор йўқотмайди: “Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади.Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш , имон, инсоф, диёнат, ор-номус, мехр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади”(3).

Хўш,тарбияни нимадан бошламоқ керак? Тарбия усуллари қандай мўлмоғи керак?

Олиб борилган изланишларим натижасида шу хулосага келиндики,буни тадрижий кетма-кетликда эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Биринчидан. Ўзимизга танқид кўзи билан боқиб, хатоларимиз устида ишламоғимиз, бир сўз билан айтганда, ўзимизни тузатмоғимиз лозим.Мана, фикримга ҳамоҳанг инглиз халқ мақоли: “ Сен фарзандингни тарбиялама,у сенга ўхшаши аниқ. Сенўзингни тарбияла.’’

Биз,ўзимизнинг оиладаги,кўча-кўйдаги,муносабатларимизни доимий равишда назорат қилиб турмас эканмиз,фарзандлар тарбияси борасида ижобий натижаларга,ютуқларга эришишимиз амримаҳол.Шунинг учун қиз бола турмушга чиқишидан,йигит бола эса,уйланишидан олдин бир неча саволларни ўзига бермоғи даркор. Мен ўзи кимман, кимларнинг авлодиман, эртага фарзандларим туғилади, уларга етарли даражада тарбия бера оламанми, ўзимдан ҳар томонлама кучли этиб тарбиялаш учун менда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг,тиббий саводхонлик, жисмоний фаоллик, руҳий-физиологик ҳолат ва албатта тарбия етарлими? Баски, ҳеч нарса намуна-ибрат бўлмоқдан кўра яхшироқ ишонтира олмаслигини англаб етадиган вақт етиб келмадимикан?!

Бола куннинг асосий қисмини оила даврасида ўтказишини инобатга оладиган бўлсак,бу жуда муҳим омил эканлигига имон келтирамиз.Бола ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши билан, ота-онасининг маҳалла-кўй,атрофдагилар билан бўлган ҳам лафзий, ҳам амалий муносабати, юриб-туриши, ўзини тутиши ва ҳоказоларга синчиклаб эътибор қаратиб,бу хатти-ҳаракатларга тақлид қила боради.Эътибор қилган бўлсангиз,болангиз сизнинг қайсидир ҳаракатингизга тақлид қилиб,олқишга сазовор бўлса,бу ҳаракатини у мунтазам равишда амалга оширади ва бу “рефлекс” ҳолатини келтириб чиқаради.Шу билан бирга, болада ориентир рефлекс шаклланади.

“Болаларни тарбиялаш муваффақиятли бўлмоғи учун тарбия берувчи кишилар ўзларини ўзлари тўхтовсиз тарбия қилишлари даркор”деганда ҳақ эди Лев Толстой(4).

Иккинчидан.Фарзандларимизга саломлашиш маданиятини,вақтини ва албатта тўғри саломлашишни ўргатмоғимиз керак. Мусулмон оламида берган саломи,олган алигига қараб одамларни турли-туман гуруҳларга, тоифаларга ажратишади. Бу бежизга эмас,албатта.Одамийлик,аввало,инсоннинг ахлоқий баркамоллиги,гўзал лафзига,эзгу амалига қараб белгиланади. Баски, ахлоқий баркамолликнинг асосий унсурларидан бири-саломлашиш маданияти тўғрисида тўхталиб ўтмасликнинг сира иложи йўқ.

Бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган арабча “Ассалому алайкум” сўзи ўзбек тилига таржима этилганда, русча “Здраствуйте” каби сизга соғлик тилайман деган маънони англатади.(5)Бир оғиз “Ассалому алайкум” жумласини айтишда ҳам эриниб, қисқартириб ё бўлмаса бузиб айтиш ҳолатлари ҳам (самаакўм,саам каби)кузатилиб турибдики,бу дилни хира қилади.Бундай инсонларга қарата,дўстим,сенга арабча сўзни айтиш малол келаётган бўлса,соф ўзбекча тарзда:соғмисиз ё соғ бўлинг деганинг минг чандон афзал дегимиз келади.Ўз ўрнида кўзга тик боқиб, қўлни маҳкам қисганча тўғри айтилган саломда ҳикмат бор.Нега десангиз, ҳар сафар бу икки сўзни эшитганимизда,кўнглимизни энг нозик, инжа туйғулар қуршаб олади ва бу сўзларни гўзал қўллаётганларга таҳсинлар айтамиз. Жамият вужудга келибдики, ҳар бир даврда нафақат ўз фарзандларига, балки минг-минг навниҳолга зиё улашган, ҳалоллик томон чорлаган, саҳоватга, ахлоқий баркамолликка ундайдиган инсонлар борки, улар халқнинг назар-эътиборида.Бундай тоифадаги инсонларнинг деярли ҳаммаси одамлар билан бўлган лафзий муносабати, хусусан,саломлашишга катта эътибор қаратишади. Масалан, ёш болани ҳам порлоқ келажагига(эътибор қилинг-а:порлоқ келажагига) урғу берган ҳолда эркалаб сизлашади, барчага бирдай ҳилм(мулойим сўзлаш)кўрсатишади, касбу кори, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчага бирдай бошини букканча ўз инсоний фарзини адо этиб, саломини беради.

Учинчидан. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига нафақат оддий фарзанд сифатида, балки эртангги куннинг эгаси, бўлажак Ватан корига ярайдиган, эзгу амаллари билан ўз номини, эл нуфузини оламга таратадиган шахс сифатида қарамоғи, фарзандларига гўдаклик чоғидан бошлаб ўта нозик муносабатда бўлмоғи, уларни фақат ва фақат юксак марраларга чорламоғи-хуллас,Она-юртга муҳаббат руҳида тарбияламоғи даркор.

Ҳар бир инсонга истеъдод берилади. Ота-оналар буни ўз вақтида пайқаб, уларни қўллаб-қувватлаб, кенг имконият яратиб берсалар,аввало,ўзларига ҳиммат этган бўладилар. Кўпгина зиёли оилаларда камол топган фарзандлар оқил, омил тадбиркор бўлиши бежизга эмас. Сабаби-бундай

оилалардаги ижтимоий муҳит сокин бўлиб, фарзандлар муайян касбга бўлган дастлабки сабоқларни болалик чоғидаёқ ўзлаштиришади. Қизиққан касбига булган дастлабки лаёқат айнан оилада шаклланади.“Бола бошидан”, “Онасини кўриб қизини ол” каби халқ мақоллари бежизга айтилмаган ахир. Америкалик машҳур психолог Дейл Карнеги иқрори бу: “Инсоннинг қандай фаолият тури билан шуғулланаётганлигига қараб, унинг қандай инсонлигини, характерини айтиб бериш мумкин.”

Тўртинчидан. Болаларнинг кун тартибини шундай белгилаш керакки, унда бўш вақтнинг ўзи қолмасин. Бир донишманд “Бекорчилик-барча кулфатларнинг онаси” деган экан.

Бешинчидан. Ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, йўлидан адашганлар ёшлар ва ўсмирлар онгини эгаллаб, сафини кенгайтиришга интилаётган, мафкуравий таҳдидлар кузатилаётган таҳликали бир даврда яхши китоблар тарғиботини турли йўллар, турли воситалар орқали кучайтириб, албатта, ўзимиз ҳам намуна бўлган ҳолда, фарзандларимизнинг қизиқишини ошириш ҳам устувор вазифаларимиздандир. Китобга ошно инсонни ўз танлаган йўлидан оздириш, онгига турли ёт ғояларни сингдириш мумкин эмас. Бундай шахсларга “менлик” ни англаш жараёни вақтлироқ кечиб, улар дунёга бошача нигоҳ билан боқа бошлайдилар. Қисқача қилиб айтганда, улар ҳар бир ижтимоий воқеотга ўз муносабатларини билдирадиган,ўз шахсий фикрига эгабўлиб, маънавий баркамоллик сари ўсиб боради.

Инсон қай даражада маънавиятдан узоқ бўлса, шу даражада тубанлашиб, таназзулга юз тутиши ойдинлаша боради. Билъакс, инсон қай даражада маънавиятга яқинлашса, кўнгил бойлиги ортиб, ўзи ҳам ҳар томонлама юксала боради.

Ҳукуматимиз биз-таълим соҳаси вакилларидан,аввало,ёшларимиз томонидан спорт, фан, техника-хуллас, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан, уларнинг муаммолари, руҳиятининг ўзига хос томонларини, мақсад ва истакларини чуқур ўрганиб, энг самарали механизмлар ишлаб чиқишни ва пухта ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар консепсияларини амалиётга татбиқ этишни кутмоқда. Дарҳақиқат,бизлар ёшларга ибрат, намуна бўлиб таълим ва тарбия берар эканмиз, ўзимиз ҳам маънан юксала, ўргана, тарбиялана борамиз.Ахир,тарбия сўзининг ўзи ҳам арабча ўқитиш,ўрганиш,парвариш қилиш деган маъноларни англатар экан.(6)

Шуниси аниқки,ўқитувчи ўзининг маънавий қиёфаси,ички дунёси,маданияти эътибори билан ўз ижтимоий муҳитида ўрнак бўлмоғи керак.

Тарбия жараёни узлуксиз давом этадиган жараён бўлиб, инсон умринг охирига қадар тарбияланиб боради ва жамиятга бевосита психологик таъсир ўтказади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юзаки қараганда оддий,аслида эса ниҳоятда муҳим бу тамойилларга кимки амал этиб яшар бўлса, фикри ожизимча, ундан-да саодатманд одам бўлмаса керак.

1. Баркамол авлод орзуси. Т.:“Шарқ”, 1999. 3-бет
2. Ақл ақлдан қувват олади.Т.:“Ўзбекистон” 1967.149-бет
3. Маърифат газетаси ,1992-йил 7-ноябр сони .
4. Ақл ақлдан қувват олади. Т.: “Ўзбекистон”1967.217-бет
5. Арабча-ўзбекча луғат
6. Саводхонлик луғати Т.: “Ёзувчи”1992.35-бет

ГЛОБАШУВ ШАРОИТИДА БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

Халилова Олима Ахатовна, Қарши Муҳандислик иқтисодиёти институти катта ўқитувчиси

Annatation In the pracess of globalization all round development of uoung plople is the basis of socilty.

Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаёт соҳасидаги ислоҳотларнинг чуқурлашиб боришида жамиятнинг маънавий янгиланишига катта эътибор берилмоқда. Республикада бозор муносабатларига асосланган, демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёни маънавий янгиланиш, маънавий уйғониш, маънавий маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш асосида олиб борилмоқда. Мустақилликдан кейин бой тарихий маънавий меросни тиклаш, халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш, мутақиллик мафкурасини яратиш ва одамлар онгига сингдиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш кўчайтирилди.

Жамиятдаги маънавий янгиланиш жараёни бой тарихий маънавий мерос, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги, халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, руҳияти, тили, динига мос ғояларга таянган ҳолатда, одамлар онгида келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдиришни мақсад қилиб қўйиб, бу миллий истиқлол мафкураси олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янгича тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ.

Бугунги кунда баркамол инсонни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки кунларданоқ ана шу мутлақ ҳақиқатни ўз мустақил тараққиёт йўлининг ягона нажоти истиқболи деб билди. Туб ислоҳий янгиланишларининг самараси халқ маънавияти ҳамда тамаддун маърифатининг тикланиши бой умумжаҳоннинг тарихий тажрибамиз ва меросимизнинг ўрганилиши анъаналаримизнинг цивилизация дунёсининг замонавий илғор усуллари билан вобаста ҳолда бойитилиши фан ҳамда таълим ривожи билан узвий боғлиқлигини теран ҳис қилиш теран англаш фаолиятининг бош ҳал қилувчи мақсад моҳиятига айланди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек- “Онг маҳсули бўлмиш таълим тарбия ўз маърифий фалсафасига кўра, аввало, онг даражаси, айни пайтда, онг ривожининг якка-ю ягона асосидир. Онгни, тафаккурни, дунёқарашни ўзгартирмасдан туриб, цивилизацияга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон ёшлари куч билим ва тафаккурдалигини англаган ҳолда, энг аввало, онгни ўзгартириш, замонавий жаҳоний тафаккурни тарбиялаб, шакллантириш орқали озод ва обод жамиятни, келажаги буюк давлатни барпо этишдек олий мақсадни давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгилади. Зотан, миллий тикланиш ғояларини ақлан комил, замонавий жаҳоний интеллектга, фикрга, дунёқарашга эга авлодгина ҳаётга теран татбиқ эта олади.

Мавжуд бўлган таълим тизими доимо ўзгарувчан, глобаллашув жараёни тезлашган мураккаб дунёнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб бера оладиган профессионал, ахлоқий-руҳий йўсинда баркамол авлодни тарбиялашдек оғир, маъсулиятни вазифани тўлиқ бажаришга қодир бўлмай қолган эди.

Жамият цивилизацияси унинг инсонпарвар маърифий-тарбиявий мақомига боғлиқ. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига конституциявий мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, мутлақо янгича моҳият ва мундарижага асосланган таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишни муҳим вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарди. Зотан, замонавий жаҳоний тафаккур ва билимгина халқни, давлатни миллий камолотнинг янгича сифат босқичига олиб чиқиши мумкин.

Биз бугун 24 йиллик мустақиллик тарихий йўлимизга бир назар ташласак, шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш, соғлом ва баркамол, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жуда кенг кўламли, улуғвор ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, янги авлод учун кўпдан-кўп замонавий билим мақсадлари-олий ўқув юртлари қошида гимназиялар, лицейлар, лицей-мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари барпо этилди.

Шунингдек, Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт Институти талаблари нинг чуқур билим олишлари учун яратилган шароитлар, замонавий техника ва сўнгги русумдаги компьютерлар жамланмаси билан жиҳозланган ўқув хоналари, кутубхоналар, ўқув заллари ва лабораториялар юқори даражада илм олишга имкон беради. Институтнинг Зта кутубхонаси бўлиб, унда китоблар каталоги, электрон маълумотлар базаси шаклида тузилиб, институтнинг ўз маҳаллий электрон тармоғи ва интернетига уланган. Керакли китоб тўғрисидаги маълумотни ташқаридан туриб ҳам осонлик билан топиш мумкин.

Шу билан бирга институтдаги талаба ёшлар учун Вилоят, Республика, Халқаро миқёсда ёшлар спорт мусобақлари, кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли кўрик танловлар ва кўргазмаларида, илмий кашфиётларини намоён қилишларида ҳамда илмий конференцияларда фаол қатнашишлари учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилиб, раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлаб, рағбатлантирилиб келинмоқда.

Истиқболимиз тимсоли бўлган ҳозирги ёш авлод, ватанимиз ва ҳалқимиз шон-шарафи йўлида ўз ҳаловатидан кечиб, курашларда зафар қучаётган фарзандларимиз ҳақида ўйлаганда, кўнглимиз тоғдек юксалади. Чунки, вужудида ёшликнинг покиза қони жўш урган, элу юртига ҳамиша содиқ бўлган истеъдод соҳибларигина инсон нималарга қодир эканини намойиш этиб, умумбашарий камолотга ўз муносиб ҳиссасини қўша олади.

ЁШЛАРИМИЗ ОНГИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ МЕЗОНИ СИФАТИДА.

Шерали Авезов , Тошев Алишер БухДУ

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, аввалambор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.” Бу вазифалар мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифаларидир.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар барча таълим-тарбия тизимида ҳисобга олиниши лозим. Бундай хусусиятларга қуйидагилар киради:

- Мафкуравий иммунитет ватанпарварлик тарбияси жараёнида шакллантириб борилиши лозим. Ватанпарвар инсонга бегона мафкуралар таъсир этмайди. Бунда ёшлар билан суҳбатлашиш, ватанпарварлик мавзусидаги бахслар ўтказиш, Ватан тимсолларини англаб етишга оид кўргазмали мунозаралар ташкил қилиш, юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти ва миқёсини тушунтирувчи маълумотлар билан ёшларни таништириш, ватанпарварлик мавзуидаги кинофильмларни тамоша қилиш, музейларни ва ҳарбий-ватанпарварликка оид мемориал ёдгорликларни зиёрат қилиш, миллий қаҳрамонлар, тарихий шахсларнинг жасоратлари тўғрисида маълумотлар берувчи маърузаларни ўқиш каби усуллардан кенг фойдаланилади. Мафкуравий иммунитет тиббий иммунитетдан фарқли равишда туғма бўлмай, шакллантирилиб бориладиган, тарбия жараёнида ҳосил қилинадиган тарбиявий омилдир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда сиёсий маданиятга таяниш лозим. Сиёсий маданият учта таркибий элементнинг бирлигидан хосил бўлади. Биринчи элемент – сиёсий онг. Бу сиёсий билимга, маълумотларга эга бўлишдир. Иккинчи элемент – сиёсий ишонч-эътиқод. Бу олинган сиёсий билимларнинг ҳаққонийлигига қатъий ишониш. Ўзингиз ишонмаган нарсага бошқани ишонтира олмайсиз. Сиёсий ишонч-эътиқод узоқ вақт мобайнида шаклланади. Ёшларга мунтазам мафкуравий тарбия бериш орқали мафкуравий иммунитетни вужудга келтириш мумкин. Учинчи элемент – сиёсий фаолият. Шахснинг сиёсий жараёнларда, сиёсий муносабатларда бевосита иштирок этиши. Ёшлар мафкуравий иммунитетни бошқаларга ҳам сингдиришида сиёсий фаолиятини амалга оширишади. Хуллас, сиёсий маданият – сиёсий билимлар, сиёсий эътиқод ва сиёсий фаолиятнинг бирлиги сифатида шаклланади. Сиёсий маданияти шаклланган кишига мафкуравий иммунитетни сингдириш осон кечади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларнинг ҳуқуқий билимларига, ҳуқуқий маданиятига ҳам таяниб иш юритиш лозим. Ҳар бир хизматчи ўзининг ватан олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини яхши англай олиши, ватан равнақи учун ўзининг ҳиссасини қўшишни ҳарбий-ватапарварлик бурчи деб билиши лозим.

Шунингдек, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда жамоат ташкилотларининг ўрни катта. Шу туфайли мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшлар орасида Камолот ёшлар ҳаракатининг, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг, ҳарбий хизмат фахрийлари уюшмаларининг, маҳалла ташкилотларининг роли беқиёсдир. Бу тарбияда уларнинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Интелектуал салоҳият-турмушимизнинг фаровонлигини таъминлашда бирламчи асос вазифасини ўташи шаксиз. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, яратилаётган асарлар инсониятнинг тўкис турмуш кечириши, жисмоний саломатлиги, етуклиги йўлида хизмат қилиши билан қимматлидир. Ана шундай салмоқли ишларга қўл уриб қатор муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Вояга етаётган навқирон авлод учун бу бир мактабдир.

Ҳар бир келаётган йилимизга янги бир маъно ва мазмун бағишловчи ажойиб ном билан аташ анъанага айланган. Ҳеч шубҳасиз ҳар бир давлат, ҳар қандай миллат ўз фарзандларининг баркамол бўлишини орзу қилади. Аслида баркамоллик жуда кенг тушунча. Изоҳли луғатда “баркамоллик”-жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолот, вояга етиш, бекаму –кўст мукаммаллик ҳолати деган маънони англатади. Камолотнинг турли-туман қирралари бор. Фарзандларимиз жисмоний жиҳатдан етукликка эришса-ю, маънавий шаклланмаса, уни ҳали мутлоқ мукаммал деб бўлмайди.

Муҳтарам юртбошимизнинг мамлакат фуқаролари ҳамда бутун жамият манфаатларини кўзлаб, уларни эзгу режаларга сафарбар этиши, пировардида моддий ва маънавий тўкисликка эришиш йўлида жонкуярлиги фикримизнинг яққол ифодасидир. Юртбошимиз бу ниятни лўнда ва ихчам ифода этдилар: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” .

Дарҳақиқат, давлатимизнинг бош мақсади ҳам келажак авлоднинг истиқболини таъминлашга, улар учун зарур шарт –шароитни яратишга ҳамда етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган.

Албатта, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг чуқур билим ва касб маҳоратларини эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, таълимнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириш, вилоятимиз халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш таълим тизими олдидаги устивор вазифалардан биридир.

Ўқув даргоҳлари ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер синфлари, техника воситалари, турли дарсликлар билан таъминланган. Ўқув муасасаларида ташкил этилган ахборот ресурс маркази филиаллари фондини янада бойитиш мақсадида қатор ишлар амалга ошириляптики, бу албатта, ёшларимиз учун қулайликлар яратади.

Таълим соҳасидаги янги тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилиши йўлида ўрта махсус касб - ҳунар таълими йўналишларининг мутахассислик ва касблар умумдавлат таснифлагичи, ДТС, намунавий бошқарув тузилмаси, махсус ва касбий фанлар учун ўқув дастурлари, касб-ҳунар коллежларининг янги мазмун ва шаклдаги намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмалар, ўқувчиларининг мустақил иш соатларини бажарилишини назорат қилиш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш усуллари ва рағбатлантириш омиллари такомиллаштирилди.

Ҳозирги кунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бажарилишига қаратилган.

Лицей ва коллежларда мактаб ўқувчилари, ота-оналар учун "Очиқ эшиклар" кунлари ўтказилмоқда. Мактабларининг юқори синф ўқувчилари умумтаълим фанларидан лаборатория ўқув машғулотларини коллеж ва лицейларда ўтказишмоқда. Барча ўқув муассасаларида маданий тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, ижодий учрашувлар, кўрик танловлар ўтказилиш йўлга қуйилган.

Мана шундай ғамхўрлик ва эътибор натижаси ўлароқ, бугунги ёшларимиз мамлакат интелектуал салоҳияти, куч-қудратини дунёга намоён қилиб турибди.

Иқтидорли ёшларимизнинг халқаро олимпиадалар, нуфузли мусобақаларда эришаётга ютуқлари фикримиз далилидир. Бу эса ўз навбатида, ёшларимизнинг юртимизда яратилаётган имконият ва шарт- шароитлардан унумли фойдаланиш йўлида тобора фаоллашиб бораётганлиги, билим олишга иштиёқлари кучаяётганлигидан далолат беради.

Олиб борилаётган барча сайъи-ҳаракатлар замирида эртамизнинг эгалари-бунёдкор ёшлар баркамол инсон бўлиб етишишлари, биздан-да доно, билимли ва албатта бахтли бўлиши сингари муштарак мақсадлар мужассам.

Биз юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук , милий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни тарбиялашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Мана шу эзга мақсадга эришиш учун давлатимиз томонидан барча чора-тадбирлар кўрилиб, шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу сабали келажагимиз ворислари эл-юртимиз, Пезедентимиз ишончини оқлашга, эзгу орзу-ниятларни рўёбга чиқариш учун муносиб бўлишга, бу борада ғайрат шижоат кўрсатишга астойдил бел боғлашган

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

ф.ф.н Очилова Нигора Рузимуратовна, Қарши Муҳандислик Иқтисодиёти Институти

Annatation This article and iizes the processe of globalization to bring hormomous development of human.

Маънавий таълим ва тарбия биринчи навбатда шахс маънавий қиёфасидан жой олган иллатларга қарши қаратилмоғи керак. Президентимиз И. Каримов ҳам худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос қилишни биринчи ўринга қўяди, айниқса инсоннинг энг хунук иллатларидан бўлмиш ҳасад ва сотқинлик тўғрисида алоҳида тўхталади.[1]

Жамиятимизни ушбу иллатлардан халос қилиш учун маънавий тарбияни тўғри йўлга қўйиш, маънавият борасидаги фаолиятимизни системали равишда ташкил қилишимиз зарур. "Шунинг учун ҳам,-деб таъкидлайди Президентимиз,- биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳа-сидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур".[2] Мамлакатимиз раҳбари бу борадаги долзарб масалалар туркумига, жумладан, қуйидагиларни киритади:

1. Зиёлиларнинг ижтимоий мақомини ошириш.
2. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ролини кучайтириш.
3. Эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш.
4. Телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш.

---

[1] Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.- 120-124-б.
[2] Қаранг: Ўша жойда. - 129-б.

5. Санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳитни ташкил қилиш, ёшла-римизни миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфиятлари ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд қилиш.

6. Миллий театр ва кино санъатида замонавий қаҳрамон образини яра-тиш.

7. Миллий табиатимизни чуқур биладиган етук ҳайкалтарош ва меъмор-ларни тарбиялаш.

8. Миллий табиатимизга мос бўлган ўйинчоқ ва қўғирчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.[1]

Бу ва бунга ўхшаган кўплаб маънавий-маданий муаммоларни ҳал қилиш учун ёшларни маънавий жасорат соҳиби сифатида шакллантириш зарур бўлади. "Бу ёруғ оламда,- дейди Президентимиз,- энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз".[2] Чунки ана шундай жасорат соҳибигина буюк мақсадлар, миллат манфаати ва келажаги йўлида фидойилик қилади.

Маънавий таълим ва тарбия мақсадларига эришиш учун илм-фан салоҳиятини ошириш зарур. Чунки "илм-фан ривожига бир ёқлама, технократик қараш инсон шахсининг емирилиши, жамиятнинг ахлоқан тубанлашувига олиб келади".[1]

Илм-фан маънавий тарбиянинг янги ва янги услублари, усуллари, омиллари ва воситаларини ишлаб чиқишга қодир. Мазкур масала бугунги кунда маънавий тарбиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Маълумки, маънавий таъсирнинг оммавий, жамоавий ва индивидуал усуллари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга. Масалан, оммавий ва жамоавий маънавий таъсир қисқа муддатда катта аудиторияни қамраб олиш, маълум маънавий идеални бир вақтда кўпчилик кишилар онгига сингдириш имконини беради.

Шунинг учун ҳам турли диний-экстремистик гуруҳлар, секталар, миссионерлик ҳаракатлари айнан индивидуал тарбияга кўпроқ эътибор берадилар. Бундай шароитда жамиятимизда амалга оширилажак маънавий тарбия индивидуал таъсир усулига алоҳида аҳамият бериши лозим.

Маънавий тарбия объектининг эътиқоди, дунёқараши, темпераменти, орзу-умидлари ҳам эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, айнан ана шу жиҳатларнинг ҳисобга олиниши маънавий тарбия самарадорлигини оширади.

YOSHLARNI MILLIY MAFKURA RUHIDA TARBIYALASHNING AHAMIYATI

G.G'.Habibova, katta o'qituvchi, M.Nasullayeva, pedagogika-psixologiya ta'lim yo'nalishi talabasi

Isoniyat tarixi-g'oyalar tarixi. G'oya-inson tafakkurining mahsuli Milliy g'oya esa millat tafakkurining mahsuli. Milliy g'oya-inson va jamiyat hayotiga ma`no-mazmun baxsh etadigan, uni ezgu maqsad sari yetaklaydigan fikrlar majmuidir.

Mafkura-muayyan ijtimoiy guruh, ijtimoiy qatlam,davlat, xalq va jamiyatning ehtiyojlari, maqsad-muddaolari,manfatlari, orzu-intilishlari hamda ularni amalga oshirish tamoyillarini o`zida mujassam etadigan g`oylar tizimidir.

Har qanday tushuncha, fikr va qarash ham milliy g`oya bo'la olmaydi. Chunki shaxsiy fikr o`ziga xos qarashdir, ijtimoiy fikr esa voqelikka nisbatan o`zgarish yoki harakatni taqozo etadigan faol munosabatni ifodalaydi.G'oya ana shu munosabatni harakatga, jarayonga, zarurat tug'ilganda esa butun bir davrni tarixga aylantiradi.

Milliy istiqlol mafkurasi o'z mohiyatiga ko'ra, xalqimizning asosiy maqsad-muddaolarini ifodalaydigan, uning o'tmishi va kelajagini bir-biri bilan taqqoslaydigan asriy orzu-istaklarini amalga oshirishga xizmat qiladigan g'oyalar tizimidir.

Milliy mafkuraning asosiy mohiyati xalqimizning azaliy an'analariga, udumlariga, tiliga,diniga mos g'oyalar asosida odamlar ongiga kelajakka ishonch, mehr-oqibat, insof, sabr-toqat,adolat, ma'rifat tuyg'ularini singdirishdan iboratdir. Milliy mafkura avvalambor, o'zligimizni, muqaddas an'analarimizni anglash tuyg'ularini, xalqimizning ko'p asrlar davomida shakllangan ezgu orzularini, jamiyatimiz oldiga qo'yilgan oliy maqsad va vazifalarni qamrab olishi shart.

Milliy g'oya nafaqat shaxslarni, balki butun xalqni yuksak taraqqiyot sari yetaklaydi.

Milliy g'oya – sadoqat ruhida tarbiyalash, ular qalbida insonparvarlik va odamiylik fazilatlarini payvand qilishdek oliyjanob ishlarimizga yo'l ochuvchi g'oyadir.

Milliy g'oya xalqning milliy manfaatlaridan kelib chiqadi va uni o'zida ifoda etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning ta'kidlashicha,"Milliy g'oya deganda, ajdodlardan avlodlarga o'tib, asrlar davomida e'zozlab kelinayotgan, shu yurtda yashayotgan har bir inson va butun xalqning qalbida chuqur ildiz otib, uning ma'naviy ehtiyoji va hayot talabiga aylanib ketgan ta'bir joiz bo'lsa, har qaysi millatning eng ezgu orzu-intilshlari va umid-maqsadlarini o'zimizga tasavvur qiladigam bo'lsak, o'ylanmanki, bunday keng ma'noli tushunchaning mazmun-mohiyatini ifoda qilgan bo'lamiz.

---

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.-128-159-б.

[2] Қаранг: Ўша ерда. - 159-б.

[1] Бекмуродов М., Қуронов М. Бунёдкор куч. // Тафаккур.- 2003.- №3.- 17-б.

Tabiiyki, milliy g'oyamiz shu yurtda yashayotgan barcha odamlarning oliyjanob niyatlarini, hayotiy manfaatlarini mujassam etadigan yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, xalq farovonligi degan yuksak tushunchalarni o'z ichiga oladi.''

Demak, milliy istiqlol mafkurasi o'z mohiyatiga ko'ra mustaqillikning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy, madaniy-ma'naviy asoslarini mustahkamlaydi.

Milliy mafkura faqat bugun emas, balki hamma zamonlarda ham eng dolzarb siyosiy-ijtimoiy masala, jamiyatning sog'lom ezgu maqsadlari singari birlashtirib, uning o'z muddaolariga erishish uchun ma'naviy-ruhiy kuch-quvvat beradigan poydevor bo'lib kelgan.

Vatanimiz mustaqilligi bugun bizga ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot qurishdek buyuk maqsadni amalga oshirishda qatnashish – vatanparvarlik burchimiz ekanligini va bunday ezgu maqsadga erishishda g`oyaviy tarbiyaning ilg'or samarali vosita va usullarini ishlab chiqish, amaliyotga joriy etish har qachongidan ham zarurligini ta`kidlamoqa. Shu ma`noda bunday mas`uliyatli va sharafli ish nafaqat o'qituvchilar zimmasiga yuklanadi, balki barcha kasb egalari, ota-onalar, yurtimizda yashayotgan barcha vatandoshlarimiz,elatlarimiz ham birdek mas'uldirlar. Boisi, eng avvalo har qanday tarbiya oiladan boshlanadi, tarbiyaning asosiy tamal toshi ushbu muqaddas dargohda qo'yiladi. Xo'sh buning uchun nimalarni anglamoq va yoki qanday zarur ishlarni amalga oshirmoq lozim? Dastavval milliy mafkuramiz bosh g'oyasini to'liq anglab yetishimiz, yoshlar ongiga singdirishimiz va uni hayotga tadbiq etishimiz zarur. Quyida shu xususida.

Milliy mafkuraning bosh g'oyasida ozodlik tushunchasining ustuvor va yetakchi o'rinda turishi Vatan mustaqilligini barcha orzu – intilishlarimiz, amaliy faolyatimiz va yorug' kelajagimizning asosi ekanidan dalolat beradi.

Milliy mafkuraning asosiy g'oyalari xalqimizning mustaqil taraqqioti yo'lidagi bosh g'oyasidan kelib chiqadi va o'zining ma'no-moiyati, falsafasi, jozibasi bilan uni xalqimizning qalbi va ongiga yanada chuqurroq singdirishga harakat qiladi.

Milliy mafkura o'zining tub mohiyatiga ko'ra Vatanimiz ozodligi va mustaqilligini mustahkamlashni, Vatan ravnaqi, el-yurt tinchligi, xalq farovonligini ta'minlashni ko'zda tutadi. Bunday ulug'vor vazifani bajarish har bir fuqarodan erkin fikrlash, Vatan taqdiri, istiqloli uchun mas'ullikni his qilishni talab etadi. Erkinlik bo'lmagan joyda mas'uliyatsizlik, loqaydlik vujudga keladi.

Vatan ravnaqi, avvalo uning farzandlariga va ularning ahvoliga bog'liq. Bu esa har bir yurtdoshimizning o'zining ma'naviy kamoloti uchun yuksak mas'uliyatni his etishga, o'z manfaatlarini shu yurt, shu xalq manfaatlari bilan uyg'unlashtirib yashashga da`vat etadi.

Milliy g'oya hech qachon Vatandan tashqarida ildiz otmaydi va rivojlanmaydi. Vatanning ravnaqiga xizmat qilmaydigan g'oya bo'lolmaydi.

Yurt tinchligi – bebaho ne'mat, ulug' saodatdir. Yurt tinchligi – barqaror taraqqiyot garovidir. O'zbek xalqi tinchikni yuksak qadrlaydi, uni o'z orzu –intilishlari, maqsad-muddaolari ro'yobga chiqishining kafolati deb biladi.

Xalq farovonligi – mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning oliy maqsadi – xalqimizga munosib turmush sharoiti yaratishdan iborat. Ya'ni, islohot inson uchun, uning farovon hayoti uchun xizmat qilishi kerak.

Komil inson. Erkin fuqarolik jamiyatini ma'naviy barkamol, ezgu g'oyalari, hayotiy e'tiqodi bo'lgan insonlargina bunyod eta oladi. Shuning uchun yangilanayotgan jamiyatimizda sog'lom avlodni tarbiyalash, erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirish, ma'naviy –ma'rifiy ishlarni yuksak darajaga ko'tarish orqali barkamol insonlarni voyaga yetkazishga e'tibor qaratilmoqda.

Millatlararo totuvlik. Bugungi kunda mamlakatimizda 130 dan ziyod millat va elat vakillari istiqomat qiladi. Millatlararo totuvlik g'oyasi umumbashariy qadriyat bo'lib, turli xil xalqlar birgalikda istiqomat qiladigan mintaqa va davatlar milliy taraqqiyotini belgilaydi, shu joydagi tinchlik va barqarorlikning kafolati bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa o'rnida, barcha yoshlarni, yurtdoshlarimizni o'zligimizni, milliyligimizni anglagan holda hushyorlikka da'vat etish, atrofimizdagi voqea-hodisalarga beparvo bo'lmasligimizni ta'kidlab o'tish joiz. Chunki insonlar ongida vatan tuyg'usi, milliy g'oya va mafkura tushunchalari shakllanmas ekan, hech qachon sodir bo'layotan voqealar nechog'lik yurtimiz va hayotimiz uchun ahamiyatli yoki qanchalik xavfli ekanligini idrok etib bo'lmaydi. Binobarin, yosh avlod va uni tarbiyalovchilar hamda barcha elatlarimiz ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirish g'oyatda shart va zarurdir. Ayni globallashuv jarayonida har qanday ma'naviy tahdidlardan himoya qiluvchi yagona vosita bu bizning mafkuraviy immunitetimizdir. Bizning tanamizdagi immunitet kasalliklardan himoya qilsa, ongimizdagi mafkuraviy immunitet esa bizni vatanga bo'lgan muhabbatimizni mustahkamlaydi hamda tinchligimizning barqarorligini ta'minlovchi asos bo'lib xizmat qiladi. Zero, tinchligimizni saqlash o'z qo'limizda.

Shu o'rinda fikrimizni yutboshimizning quyidagi so'zlari bilan yakunlamoqchimiz."… qayerdaki beparvolik va loqaydlik hukm sursa, eng dolzarb masalalar o'zibo'larchilikka tashlab qo'yilsa, o'sha yerda ma'naviyat eng ojiz va zaif nuqtaga aylanadi. Va aksincha – qayerda hushyorlik va jonkuyarlik, yuksak aql-idrok va tafakkur hukmron bo'lsa,o'sha yerda ma'naviyat qudratli kuchga aylanadi."

Yurtdoshim, bog’ingga bir nihol qada,
Bu nihol nomini “Yaxshilik” ata.
Niholning yoniga bir gul ekib qo’y,
Bu gulning nomini “Go’zallik ” deb qo’y.
Gul-u niholingga baxsh etib hayot,
Suv ber va bu suvga “Mehr” deb qo’y ot.

Erkin Vohidov.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Бердиева Ҳалима Бўроновна, Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

Abstract In Period of globalization develop spiritual life of young. Intelectual centries youth training clever educated civility, healthy. Problem morally of the education growing generation in condition globalization in Uzbekistan.

Main notion: intellectual century, globalization, morally of the education.

Глобаллашув – жаҳондаги барча мамлакатлар, ҳудудлар ва бутун континентларнинг ўсиб бораётган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлигидир. Дарҳақиқат, глобаллашувнинг энг асосий белгиси ахборот узатилишининг тезлашуви ва тез суръатда қайта ишланиши ҳамда янгиланишида номоён бўлади.

Глобаллашув даврида ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ахлоқий фазилатларининг мазмун–моҳиятини чуқур англаш, ана шу хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – ёш авлоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон бўлиб қолади.[1]

Бугунги кунда таълим ва тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири – бу дунёнинг глобаллашуви ва ахборот коммуникацияларининг ривожи билан боғлиқ. XXI – интеллектуал аср. Интеллектуал аср авлоди янада ақлли, билимли, одобли, соғлом ва бахтли бўлиши, яъни ўз ифодасини ахлоқий қадрият ва аждодлардан мерос инсоний фазилат ва хусусиятларни ўз онги, тафаккури, ҳатти–ҳаракатига мужассамлаштириши, дунёвий ва амалий ахлоқ тамойилларига тўла амал қилиши орқали англаб етади ва етмоқда.

Юртбошимиз, “Инсонга хос орзу–интилишларни рўёбга чиқариш, ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш ва тушуниш, онгли ҳаёт кечириш учун моддий ва маънавий оламни икки муҳим омил сифатида уйғунлаштирса инсон, жамият ва давлат ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади”- дея таъкидлайдилар. Демак, баркамол авлоднинг интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилияти рўёбга чиқиши учун энг аввало, унинг моддий асосларини яратиб бериш лозимдир. Бу моддий асослар аввало ҳуқуқий, тенглик ва эркинлик муҳитини яратиш, Юртбошимиз айтганидек қонуний–ҳуқуқий шарт–шароитларни яратиб бериши зарурдир. "Бу борада, – дейди президентимиз, мавжуд бўлган ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугунги замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, керак бўлса олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимизда қабул қилиш катта аҳамиятга эга.[2]

Бу вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим хислати таълим тизими стандартларини, ўқув дастурлари, таълим тизимига хос моддий–техник базани такомиллаштириш ҳамда янги замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ёшлар ўртасида бошланган нуфузли катта ишларимизни янада такомиллаштириш, унинг моддий–техник эхтиёжини тўла таъминлаш, ёшлар эгаллаётган билим ва кўникмаларидан замонавий касб–ҳунар соҳасида кенг фойдаланиш, иш ўринлари билан таъминлаш, яъни бандлик муаммосини ижобий ҳал қилиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Юқоридаги вазифалардан яққол кўриниб турибдики, баркамол авлод камолоти моддий ва маънавий ҳаёт тамойилларини инкор этмай, аксинча узвий ўзаро уйғунликда амалиётга татбиқ этишни тақозо қилмоқда. Баркамол авлод барча имконият, шароит ва имтиёзлардан баҳраманд бўлиб, олийжаноб миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар қуршовида ўсиб–унмоқда, етукликка интилиб, камолот сари бормоқда. Ахлоқий қадриятлар мажмуаси одамзоднинг маънавий бойлигини, руҳий теранлигини, комиллигини билиш, ҳалоллик ва адолат, эзгулик ва яхшилик билан ҳаёт кечириш каби олийжаноб умуминсоний ва миллий хислат–фазилат, онгу тафаккур, хулқ–одоб, фаолият, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мантиқий ифодаси, десак хато бўлмайди. Ахлоқий қадриятлар атамаси ахлоқий хислат, фазилат ва хусусиятларда ифода қилинади. Аммо, ахлоқнинг ҳамма қирралари, мазмун–моҳияти, жамият, миллат ва фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш шакли ва тамойиллари, ахлоқий қадриятлар тизимида муаян даражада ифодаланади. Ахлоқий қадриятлар ахлоқий қоида, меъёр, ва мақсадларни баҳолаш мезони ва усулларни ҳам ўзида акс эттиради. Улар эзгулик, яхшилик, адолат, дахлдорлик, бағрикенглик, меҳр–оқибат, саховат, ишонч, ор–номус, виждон, бахт, бурч, меҳнатсеварлик, юртпарварлик, садоқат, жасорат, камтарлик, ҳалоллик каби фазилатлар шаклида намоён бўлади.

Ахлоқий қадрият умуминсоний хусусиятга эга бўлиш билан бирга миллат хусусиятларга ҳам бойдир. Айниқса, қадрият умуминсоний хусусиятга эга бўлиш билан бирга миллий хусусиятларга ўзининг мазмун–моҳияти, мавқеи, жамият ва инсон камолидаги аҳамияти ва бетакрорлиги, серқирра ва сермазмунлиги билан миллатимиз менталитетига хос ва маънавиятимизга мос ҳамда ҳаётимизнинг узвий бир қисми, яъни маънавий ҳаётимизнинг негизи сифатида ажралиб туради.

Бу жараён умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўз миллати қадриятлари асосида ривож топади. Чунки, миллий қадриятлар бобомерос аждодларга хос ахлоқий хусусиятларга суянган ҳолда бошқаларга ўхшамайдиган ранг–баранглик, бетакрор мазмун ва хусусиятлар ҳамда бой ахлоқий тушунчалар йиғиндисидир. Масалан, ўзбек халқига хос шундай ахлоқий тушунчалар мавжудки, бу тушунчаларнинг атамаси ҳам, ахлоқий мазмун–моҳияти ҳам бошқа миллатлар маънавиятида ҳамиша мавжуд бўлавермайди. Ўзбек халқига хос ахлоқий фазилатлар меҳр–оқибат, меҳр–шавқат, қадр–қиммат, мурувват, ҳиммат, диёнат, орият, иффат, ибо, тавозе, мулозамат, назокат, ҳалимлик, хуш феъллик, латофат, назокат, даҳлдорлик, қаноат, инсоф, оилапарварлик, қарамлик, кабиларнинг сўз сифатида атамаси, ахлоқий қадрият сифатида мазмун–моҳиятини англаш бошқа миллатларда учратиш бирмунча мушкул, деб ўйлаймиз. Юртбошимиз, "бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо", –деган эди.

Аммо, бу жараён бошқа миллатларга хос ахлоқий қадриятларни эъзозлаш, қадрлаш ва уларга бағрикенглик, хурмат билан ёндошишни инкор қилмайди. Демак, ўзимизнинг асрлар синовидан сайқалланиб ўтган миллий ахлоқий қадриятларимизни тиклаш билан уларни дунёвий ва замонавий руҳ билан бойитишимиз, бошқа миллат қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш – бағрикенглик, қадр–қиммат, инсонпарварликни англатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимининг энг олий мақсади XXI аср авлодини илмли, салоҳиятли, интилувчан, нурли келажакни яратишга ҳар жиҳатдан етук ва қодир қилиб тарбиялашдан иборат. Демак, глобаллашув жараёнидаги муҳим вазифалар баркамол авлодни маънавий–ахлоқий фазилатлар руҳида комил инсон қилиб тарбиялашда янги давр талаблари ва миллий услублардан кенг фойдаланган ҳолда таълим тизимини мукаммаллаштиришга ундайди. Зеро, бу жараёнда миллий маънавият, миллий қадриятлар тизими ва ёш авлод ахлоқий тарбияси масаласи янада жиддий эътибор талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. 25– 67–6етлар
2. Эргашев Т ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси-Тошкент; Академия, 2005.-243 бет

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ЭЪТИБОР

ф.ф.н. Нигора Рузимуратовна Очилова, Қарши Муҳандислик иқтисодиёти институти ўқитувчи Оксана Викторовна Савенко, Термиз давлат университети

Аннотация. *В статье анализируются высокие моральные качества молодежи.*

Annotation. *Peflected in the articles about the young people to have high moral qualities.*

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб маънавий соҳаларда ҳам ислоҳотлар олиб бориш зарурияти туғилди. “ Биз учун,-деган эди Президент И.А.Каримов, -маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим”.

Мустақиллик ёшлар камолотига янгича талаблар ҳам қўйди. Ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ички ва ташқи гўзалликнинг ахлоқ билан бирлашувига аҳамият кучайди. Ёшлардаги фақат ташқи кўриниш эстетик маданиятнинг яхши бўлишига олиб келмаслиги, балки улардан ахлоқан покиза, маънавий дунёси бой, саховатли, иймонли, муомала маданияти юксак бўлиш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳам талаб этила бошланди.

Бу жиҳатдан ота-боболаримизнинг “Ҳусн тўйда, ақл кунда керак”, деган сўзлари ибратлидир. Дарҳақиқат, ақл-фаросатдан, инсоний ахлоқ ва фазилатлардан маҳрум бўлган ёшлар ҳеч қачон гўзаллик тимсоли бўла олмайди. Бундай гўзаллик худди ҳидсиз қоғоз гулга ўхшайди.

Бинобарин соғлом авлод тарбияси фақат жисмоний жиҳатдан чиниққан, камол топган ёшларнигина эмас, шунингдек, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий маънавий қадриятлар асосида тарбия топган инсонни ҳам кўзда тутмоғи лозим.

Шунинг учун Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кенг кўламда сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларда ислоҳотларни авж олдириб юборган экан, бу ислоҳотлар негизини уч минг йиллик давлатчилик тарихимиз, маънавий меросимиз ва миллий менталитетимиз хусусиятлари ташкил қилди ва уни оғишмай амалга ошира бошлади.

Юртимизда аҳолининг таълимдан ташқаридаги қатламлари орасида маънавий-мафкуравий ишларни олиб бориш тизими ҳам шаклланди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек- “Ҳозирги дунё миқёсида ақл-заковат ва фикр мусобақаси кетаётган шиддатли бир даврда фақат мустақил фикрига эга бўлган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаб етган,

ён-атрофидаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар томонлама билимли ва баркамол ёшларгина ўз халқи ва Ватани шуҳратини дунёга ёйишга қодир бўлади".

Ана шу мақсад йўлида таълим ва маданият соҳаларида, ақлий ва маънавий салоҳиятларни мустаҳкамлаш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар режалаш тирилди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Инсон – ислоҳот учун эмас, ислоҳот- инсон учун хизмат қилиши зарурияти маънавий ислоҳотлар олдига янги вазифалар қўйди. Бунинг учун ёшлар тарбиясини ҳақиқий ватанпарварлик , инсонпарварлик, ота-она ва ҳамюртларига меҳр-оқибат, халқ, идеалларига содиқлик тамойиллари асосида олиб бориш кўзда тутилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаш ҳамда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшларимизнинг маънавий қиёфасига ва ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Шу ўринда Юртбошимизнинг, "Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз" деган фикрлари жамият ҳаётининг фаровонлигини таъминлашда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ёшларнинг маънавий ва ахлоқий юксалиш жараёнида барча эстетик тасаввур ва ҳусусиятлар ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли узоқ йиллар давомида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ёшлардаги соғлом, нафис ва бежирим қиёфа, юксак эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид ва тушунчалар бирлигидан эстетик маданият таркиб топади. Ва ниҳоят ёшларнинг эстетик ва ахлоқий одоб маданияти бирлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

Ёшларнинг ахлоқий-маънавий ва эстетик жиҳатдан шаклланишида қуйидаги омиллар катта рол ўйнайди: биринчидан, ёшлар туғилиб ўсган ижтимоий муҳит; иккинчидан, ёшларга узоқ вақт давомида маълум бир тизим асосида бериладиган таълим-тарбия жараёнининг ахлоқий-эстетик моҳияти; учинчидан, ёшларнинг интелактуал ва эстетик тараққиётига таъсир этувчи туғма, яъни наслий хусусиятлар. Аммо, шу нарсага эътибор бериш керакки, ёшларнинг ақлий , ахлоқий, эстетик ва маънавий дунёси ҳеч вақт туғма равишда берилмайди.

Ёшларнинг юксак инсоний фазилатларга эга бўла боришида уларнинг эстетик маданияти ҳамда ўзига хос ва мос маънавий хислатлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ёшлардаги ахлоқий фазилатлар қандайдир илоҳий куч томонидан юботилган тақдирнинг инъоми, маънавий илоҳий куч бўлибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётда аста-секин нафосат олами билан уйғунлашиб, янгича эстетик тафаккур асосида бўлиб боради. Шунинг учун ҳам "мактабларда, ўқув юртларида, давлатга оид тарбия масканларида ўқув-тарбия ишларининг асосида янгича дунёвий дунёқарашни шакллантириш ётмоғи лозим". Буларнинг барчаси ёшларнинг ахлоқий тарбияси ва эстетик тафаккурининг камол топишига, жамиятимиз талаб қилган кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган таълим тизимини ислоҳ қилиб, халқимизнинг энг яхши намуналарини ақли ва қалбига сингдириб оладиган янги авлодни тарбиялаш зарур.

Юртимизда ҳар томонлама етук ёш авлодни вояга етказиш ҳақида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "… ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди", деб таъкидлаган эди. Бу фикрлар бугунги кунда ҳар биримизни миллий давлатчиликни барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш йўлида фаоллик кўрсатишга чорлайди.

РАЗВИТИЕ МОЛОДЁЖИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ.

Садыкова Мунира Алишеровна, Немадалиева Гавхарой, Ташкентский университет информационных технологий Ферганского Филиала.

Abstract. This articled is cusses aspects of youth development in the context of global processes. The author consider the effects of globalization in the life of youth. Particular attention is paid to young people gaining a worthy place in society in Uzbekistan.

Key words: globalization, aspect, youth, the Internet.

Многие проблемы в жизни современных обществ тесно связаны с мировыми процессами глобализации. Сталкиваясь с проблемами, молодёжь часто оказывается перед фактом уже принятых без её участия решений. А это может подтолкнуть молодёжь к участию в протестных движениях и привести к утрате приверженности общему благу.

Одним из существенных аспектов глобализации для молодёжи является возможность и потребность более широкой мобильности. Глобализация, конечно, это больше, чем мобильность. Глобализация заставляет молодых людей, как и остальное население, конкурировать со своими сверстниками, которые порой живут в дальних странах, что на практике имеет часто неожиданные и нежелательные последствия. Всё больше и больше молодых людей ощущают

необходимостьпродемонстрировать свои академические успехи уже в раннем возрасте. Молодые люди, которым не удаётся вовремя получить необходимые навыки и конкурентные преимущества над другими, сталкиваются с трудностями в поиске достойного места труда.

Глобализация вызывает далеко не одинаковый пространственный эффект. Быть молодым в США, или в одной стране, совсем не то же самое, что быть молодым в какой-либо стране Азии, или в странах ННГ.В связи с этим следует особое внимание уделить проблемам СМИ, информационно-коммуникационных технологий (Интернет), под влиянием которых растёт современная молодёжь. В СМИ и в Интернет — сайты, виртуальные сети и чаты вторгаются материалы, просмотр которых ведёт к проблемам в области воспитания молодежи. Эти проблемы, ведущие к деградации общества, следовало бы рассматривать в общемировом масштабе.

Современный этап общественного развития характеризуется необычайным возрастанием роли молодёжи во всех сферах жизни: экономике, политике, духовности. Молодёжь становится всё более заметной и влиятельной силой и на международной арене. Социальная активность молодого поколения является важнейшей движущей силой общественного развития. Именно поэтому в Республике Узбекистан воспитание духовно и физически развитого поколения является задачей общенационального, общегосударственного масштаба. В нашей стране в условиях укрепления независимости государства, формируется новое поколение молодежи, которое отличается своими новыми прогрессивными взглядами и демократическим мышлением. [2, с.50]

В стране создана целостная и эффективная система воспитания здорового молодого поколения. Все это в немалой степени способствуют тому, чтобы подрастающее поколение в правовом отношении на деле соответствовало требованиям, изложенным Президентом Республики Узбекистан И. А. Каримовым в докладе на торжественном собрании, посвященном 15-летию Конституции Республики Узбекистан «Молодежь — не только наша надежда на будущее, молодежь — решающая сила нашего сегодняшнего и завтрашнего дня».

Президент Ислам Каримов в докладе отмечал, что сегодня само время ставит новые задачи по продолжению на более высоком уровне начатой широкомасштабной работы, направленной на решение актуального вопроса нынешнего дня — обретение молодежью достойного места в обществе. Известно, что сегодня в нашей стране молодежь в возрасте до 18 лет составляет 10 миллионов 360 тысяч человек, или около 40 процентов всего населения, а до 30 лет — 17 миллионов 80 тысяч человек, или 64 процента. [3, с.3–4]

Учитывая все это, в Узбекистане всемерно поддерживаются начинания молодежи, выделяются кредиты, предоставляются возможности для создания малых фирм и фермерских хозяйств, предоставляются гранты со стороны молодежного движения «Камолот» и Фонда Форума.

В заключение следует отметить, что в развитии молодёжи велика роль гражданского общества и молодёжных организаций. Во Всемирном докладе по вопросам молодежи Организации объединённых Наций говорится, что прогресс цивилизации «во многом определяется тем, в какой мере каждый человек имеет возможность внести свой вклад в развитие и улучшение жизни общества. В мире 1,2 миллиарда молодых людей, которые являются неотъемлемой частью этого процесса. Молодые люди предлагают уникальные способности и перспективы, которые должны быть ассимилированы в более широком контексте модели развития и эффективно реализованы на местах» [1].

Литература:

1. United Nations Department of Economic and Social Affairs. 2007. World Youth Report 2007. Young People’s Transition to Adulthood: Progress and Challenges. New York: United Nations publication (www.un.org/esa/socdev/unyin/wyr07.htm)
2. Бабамуратов Э. Х. К характеристике молодежи как социально-демографической группы общества. // Общественные науки в Узбекистане. 1996. № 4–5. С. 50–58.
3. Туленова Г. Молодёжная политика в Республике Узбекистан: состояние и перспективы развития. — Ташкент: ALOQACHI.-2008.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ёшларни ижодий фаолиятга йўналтириш

Д.Э.Тоштемиров, С.Х.Исликов, Д.Э.Абдураимов, Гулистон давлат университети

Ҳозирги глобаллашган даврда жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган изланувчан, иқтидорли, истеъдодли ва замонавий билимга эга бўлган ёшларни тарбиялашда олий таълим тизимига алоҳида масъулият юкланади. Республикамизнинг таълим соҳасида эришилаётган муваффақиятлари олий таълим тизими олдига ҳар жиҳатдан етук илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 февралдаги 37-сонли буйруғининг 4-иловаси “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги намунавий Низомининг 9-бандида олий таълим

муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари қуйидагича белгиланган:

- таълим-тарбия, ўқув ва илмий тадқиқот жараёнлари интеграциясини таъминлаш;
- ўқув-таълим жараёнини ташкиллаштиришда талабалар илмий-ижодий фаолиятини турли шаклларини жорий этишни назарда тутиш ҳамда унинг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш;
- талабаларнинг илмий-ижодий фаолияти иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли шаклларини жорий этиш;
- талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишда Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот олиб борувчи шахслар ва турли соҳа мутахассисларини жалб қилиш.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари, шунингдек, ижтимоий ташкилотлар маҳалла, оила кабилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳимдир. Чунки, шахсда илмий ижодий фаолиятга йўналтирилган онг ва маданиятнинг шаклланиши ижтимоий-психологик ҳодиса ҳисобланади. Шахснинг илм ва фанга бўлган муносабати, унинг хатти-ҳаракатлари моҳиятини баҳолаш жамият тараққиётининг ифодасидир. Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги уларнинг илмий салоҳияти ҳамда илмий дунёқараши билан белгиланади. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий равнақи илм ва фан тараққиёти билан узвий боғликдир.

Республикамизда жорий қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да: фанларда табиат ва жамият тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш; малакали олий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш; кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий жиҳатдан таъминлаш инфраструктурасини вужудга келтириш; мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини уйғунлаштириш каби бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби долзарб вазифаларни бажариш учун аввало бўлажак кадрларни илмий ижодий фаолиятга тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Мамалакатимиздаги таълим соҳасидаги ислоҳотлар фақат малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилиб қолмай, балки жамиятнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳам қаратилгандир.

Бугунги глобаллашув даврида барча мутахассислик бўйича тайёрланаётган талаба ёшларни тарбиялашни илмий фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тажрибалардан маълумки, замонавий таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларининг кириб келиши таълим тизими иштирокчиларининг тадқиқотчилик фаолиятларини юқори даражада намоён бўлишида ўз самарасини берди. Таълимни самарали ташкил этишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва мақсаднинг натижавийлигини ўрганиш каби масалаларнинг ечимини топиш талаба ёшларни илмий ижодий тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Талаба ёшларни ижодий фаолиятга яъни илмий тадқиқотишларига йўналтириш жараёнини ижтимоий-педагогик ва илмий-амалий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади:

- мавзуга оид педагогик-психологик, илмий-методик адабиётлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- талаба ёшларнинг илмий ижодий ишларга оид фаолиятини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;
- талаба ёшларнинг илмий тадқиқот ишларига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мезонларини белгилаш ва уларнинг сифат даражаларини текшириш;
- талаба ёшлар илмий ижодий ишларига оид фаолиятини шакллантириш юзасидан илмий асосланган тавсифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Талаба ёшларнинг тадқиқот ишларига йўналтирилиши уларнинг илмий адабиётлардан фойдаланиши, реферат, мустақил ишларни тайёрлаши, олий таълим муассасаларида ташкил қилинган кичик мактабларда илмий фаолият олиб бориши, курс ишлари ва курс лойиҳалари тайёрлаши, битирув малакавий ишини бажариши, магистрлик диссертациясини ёзиши, илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этиши орқали ифодаланади.

Илмий тадқиқот ишларини баён этишнинг мақсад ва вазифалари ахборот бериш омилидан келиб чиқади. Шу омил натижасида илмий тадқиқот жараёни шаклланади ва бир неча хусусиятларига кўра адабий нутқ туридан ажралиб туради.

Талаба ёшларнинг олиб борган илмий тадқиқот ва ижодкорлик ишлари натижалари ҳисобот, реферат, мақола, ихтиро, тавсиянома ва битирув малакавий иш кўринишларида якунланади. Бу айтиб ўтилган ишлар бўлажак турли соҳа мутахассисларининг тадқиқотчилик ва ижодкорлик қобилиятларини шакллантириб ва ривожлантирибгина қолмасдан, улар ўзлаштирган билимларининг янада чуқур ва мустаҳкам бўлишига олиб келади ҳамда ўзлари танлаган соҳалар бўйича касбий амалий кўникмалари оширилади.

Талаба ёшларнинг илмий тадқиқот ишларининг муҳим томонларидан бири, унда талабалар жамоа билан бирга ҳамда ўзи мустақил ишлашни ўрганади. Ўқув машғулотларидан ташқари

вақтларда талабаларни илмий-ижодий ишларга жалб этишнинг асосий шакли бу талабаларнинг илмий уюшмалари ҳисобланади. Уларга олий таълим муассасаларида ташкил қилинган кичик мактаблар, ёш олимлар кенгаши, илмий ва фан тўгараклари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Талабаларнинг илмий уюшмалари асосан ижодкор талабалар жамоасидан ташкил топади. Улар ўқув режасига киритилган танлаган йўналишига оид кафедранинг илмий ишларига мос бир ёки бир нечта илмий муаммо билан шуғулланади. Бунда талабалар адабиётлар бўйича аннотация ва рефератлар тузишни ўрганадилар, тажрибалар ўтказиш, олинган натижаларни амалда самарали, мақсадли татбиқ этиш каби кўникмаларини эгаллайди, лаборатория жиҳозлари ва ўқув техник воситаларни лойиҳалайди ва тайёрлайдилар. Шунингдек, тадқиқот иши бўйича ахборотлар тайёрлаб, уларни кафедранинг илмий семинарларида ва тўгарак йиғилишларида эълон қиладилар.

Талабаларнинг илмий тўгараклари фаолияти касбий тайёргарликни чуқурлаштириш, бўлажак мутахассисларнинг ижодий етилишига йўналтиради. Илмий тўгараклар ўз ишини талабаларнинг 1-курсга қабул қилинишидан бошлаши ва кейинги курсларда ишнинг характерига мос холда такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг илмий тўгараклари ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- бўлажак мутахассисларнинг илмий ва назарий дунёқарашини кенгайтириш ва талабаларда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилдириш;
- олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш;
- ижодий фикрлашни ривожлантириш ва илмий мунозаралар олиб бориш қобилиятларини шакллантириш, маълум илмий, техник масалаларни ечиш;
- юксак ишбилармонлик ва маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантириш, гармоник ривожланган шахсни шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда ижодий жамоада талабаларнинг жамоа ва ташкилий ишларини олиб бориш тажрибасини ўзига сингдириш ва бошқалар.

Илмий тадқиқот ишларига жалб этилган талаба ёшларнинг тарбияланганлик даражаси, илмий-ижодий, маънавий қиёфаси намунали бўлишида, касб бўйича ўзига хос ҳислатларни пухта эгаллаган бўлишида акс этади. Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини мақсадли, тизимли ва режа асосида мувофиқлаштириш илмий тадқиқот ишидаги самарадорликни оширади ва оммавий ижодий муҳитни яратишга замин яратади.

PAULO KOELONING “IBLIS VA PRIM XONIM” ROMANIDA INSONIY FAZILATLAR TALQINI

Amonova Zilola Qodirovna, BuxDU, O’zbek tili va adabiyoti kafedrasi dotsenti,
Umurova Nigina, 3-bosqich talabasi

Tayanch so’zlar: roman, magik realizm, iblis , ezgulik, yovuzlik, gunoh, savob, g’oyaviy-badiiy tahlil,
Key words: novel, magic realism, devil, sin, morally good deed, literary analyses

Maqolada Paulo Koeloning “Iblis va Prim xonim” romani tahlil qilinib, asardagi qahramonlar orqali insoniy fazilatlar yoritiladi. Hamda asarning hozirgi kundagi amaliy ahamiyati ko’rsatiladi.
This article deals with analyses of the novel “Devil and missis Prim”. The practical value of this book nowadays is given.

Dunyoning mashhur yozuvchilaridan biri Paulo Koelodir. U ijod olamiga qo’shiqchi shoir, journalist sifatida kirib kelgan. Shuningdek, “Veronika”, “Alkimyogar”, “Olam jangchisi”, “Iblis va Prim xonim” kabi bir qancha ajoyib romanlar muallifi hamdir. Uning “Iblis va Prim xonim” romani magikrealizm uslubida yozilgan. Asarda stlabrustiliga, keyin o’zbek tiliga Ulug’bek Doliyev tomonidan tarjima qilingan.

Ushbu romanda inson taqdiri, ezgulik va yovuzlikning abadiy kurashi, iymon va gunoh, nafs va sabr kabi mavzular Prim xonim, Iblis timsolida o’z ifodasini topgan. Asar voqealari Viskos shahrida bo’lib o’tadi. Romanning bosh qahramonlaridan biri Berta ismli kampir bo’lib, u yolg’iz o’zi yashardi. Asar Berta kampirning o’nbesh yildan beri har kuni uyining eshigi oldida kimnidir kutishi bilan boshlanadi. Asarda keltirilishicha, kampirning turmush o’rtog’i vafot etgan, u esa erining ruhi bilan muloqotda bo’ladi. Viskos shahriga 50 yoshlardagi musofir tashrif buyuradi, unga iblis hamrohlik qiladi. Bertani esa qo’rquv egallaydi. Iblis sayyoh kiyimidagi inson qiyofasida namoyon bo’ladi.Yozuvchi ramziy obraz sifatida iblis timsolini yaratib, unga yovuzlik, vahshiylik, nafs va ochko’zlikka bixislatlarni jamlaydi.

Ma’lumki, shayton – dastlab minglab farishtalarga saboq bergan ustoz bo’lib, ammo insonga sajda qilmay kibrga berilganligi sababli la’natga uchragan. Shundan buyon uning maqsadi yer yuzidagi jamiki bandani yo’ldan ozdirish, qalbiga g’ulg’ula solishdan iborat. Dunyodagi barcha fitnalar, qirg’inbarotlar, xunrezliklar – eng mudhish jinoyatlar insonlarning o’z nafsiga ruju’ qo’yishlaridan boshlanadi. Eng qadimgi madaniy yodgorliklarimizda, jumladan, „Avesto“da ham ezgulik va yovuzlik kurashi haqida so’z boradi: “- Ey, Mazda! Haqiqatda ular o‘z kirdikorlari bilan bizga dahshat solmoq bo‘ladilar. Negaki, qudrat sohiblari notavonlar boshiga kulfat va ozor etkaradilar va sening irodangga qarshi borib, dushmanlik qiladilar... Ular haqiqatni andisha etmaydilar. Ezgu Niyatdan yuz buradilar[1,16].

Bilamizki, shayton vasvasasi ga berilgan insonga iblis hamisha hamroh. Asarda yozuvchi inson tabiati haqida shunday deydi: „Inson tabiatiga bog'liq haqiqat. Shuni angladimki, shaydolik oldida nafsimizni hecham tiyolmaymiz. Kurraizamindagi har bir inson ma'lum sharoitda yovuzlik qilishga moyil"[2,28].

Insonning hayot yo'liga nazar solsak, bu dunyo sinov uchun yaratilganiga guvoh bo'lamiz. Bu sinovda odamzod oldida ikki yo'lturadi. Bu – Haq va shayton yo'li. Tanlash huquqi esa, insonning o'ziga bog'liq. Mana shu tanlov asosida inson o'zining o'tmishi, kelajagi, aniqroq aytsak, o'z taqdirini yaratadi. Yozuvchining „Al-kimyogar" romanida ham inson taqdiri xususida yorqinroq fikr yuritilgan. Odamzod taqdiri o'z qo'lida. Albatta, bu fikr nisbiy. Ammo ko'p jihatdan inson taqdirining yaratuvchisi bo'lib qoladi. Chunki, ezgu yoki yovuzlik yo'lini tanlash o'z qo'lidadir. Ya'ni tug'ilish, o'lim sharoiti Olloh hukmida bo'lsa-da, oniy lahzalarda qanday yo'ltutish, qaysi yo'lni tanlash inson qo'lidadir.

Ezgulik va yovuzlik kurashi orqali quyidagi xulosani anglash mumkin:gunoh qildingmi, jazo olasan, yaxshilik evaziga mukofot. Inson tabiati esa gunoh qilishga moyil. Nega? Chunki uni har qadamda nafsi ammorasi ochko'zlikka undaydi, iblis esa yo'ldan urishga harakat qiladi. Insoniyatning bu og'riq nutqasi hozir ham o'zidan darak bermoqda. Axir dunyoning turli joylarida tinchlikni ko'rolmaydigan g'alamislar o'z manfaatlari yo'lida har qanday yomonliklardan tap tortmayotirlar. Axir „Bir inson qismati – butun insoniyat qismati" demakdir. Nafs, Iblis vasvasasi oldida inson ko'p hollarda ojiz qoladi. Mana shu misol orqali P.Koeloning "Iblis va Prim xonim" romanidashaytonobrazinimusofirtimsolidayozuvchimohironaochib bergan. Shaytonningistagigunohqilishgachorlash, insongunohqildimi, buiblis ningg'alabasi. Musofir ham: „Men ularning (odamzodning) „Begunoh o'ldirma" degan ilohiy qoidani buzishlarini istayman… men ularning jinoyat qilishlarini xohlayman"[2,67],- deydi.

Shaytoniy vasvasaga g'arq musofir o'zi bunyod qilgan qurollarning kasofatidan oilasidan ayrilgan, endi esa bu yovuz g'oyani insoniyat boshida sinamoqchi.

Iblis (Azozil) farishtalarga dars bergan donishmand bo'lsa, asarda musofir ham donishmand qiyofasida gavdalanadi. U ustamonlik bilan asar bosh qahramonlaridan yana biri Shantalni tuzoqqa tushirmoqchi bo'ladi. Ammo Shantal kampir Berta va ruhoniyga qaraganda aqlliroq edi. Shantal asarda ezgulik timsoli, desak bo'ladi. Dunyoda yaxshilik borligini isbotlash yo'lida qancha azoblanmasin, mashaqqat chekmasin kurashadi va maqsadiga yetadi.

Insonlar ezgulik qiladi, gunohdan tiyiladi. Ammo qo'rqqanligi bois „Dunyoni qo'rquv boshqadi", – deydi Iblis. Bu – haqiqat. Hamma nimadandir qo'rqib yashaydi. Dunyoda aksar hodisalar nisbiy bo'lganidek, bu fikr ham nisbiy, albatta. Zero, inson taqdiri, ruhiyati g'oyat murakkab tushunchalardir.

Inson qalbida ming yillardan buyon ezgulik va yovuzlik kurashadi. Bu jangning yakuni esa insonga bog'liq. Bu og'ir sinovda Ollohdan najot, bandasidan esa say-harakat lozim.

Asar yakunidan kelib chiqib aytish mumkinki, nima bo'lishidan qat'iy nazar dunyo faqat zulmatdan, yovuzlikdan iborat emas. Ezgulik ham oz bo'lsa-da, nur sochib turadi. Berta kampir oltinlarni deb qurbon bo'lmadi, Iblis mudhish niyatiga yetolmadi. Demak, eng ezgu haqiqat insonlar qalbida bor. Inson qalbidan taralgan bir chimdim ezgulik nuri bir olam yovuzlikni yengishi mumkin. Mana shu nur borki, insoniyat yashab kelmoqda va kelajakdan umidvor.

Zero, adabiyotning bosh vazifasi ham ezgulikka muhabbat, yovuzlikka nafrat uyg'otishdir. Badiiy adabiyotda yaratilgan har bir asar insonni shu ulug' maqsad sari yetaklaydi. Paulo Koeloning "Iblis va Prim xonim" romani ham nafs va sabr, nafrat va muhabbat, iymon va gunoh kabi insoniy mavzular talqiniga bag'ishlanganligi bilan hozirgi zamon barkamol avlod tarbiyasida muhim o'rintutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Avesto. Tarixiy-adabiy yodgorlik. Toshkent. Sharq. 2001.
2. Paulo Koelo. Iblis va Prim xonim. Toshkent. Yangi asr avlodi. 2010.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Д.Э.Тоштемиров, О.Қўлдошев, Гулистон давлат университети
Н.Х.Тоштемирова, Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежи

Глобаллашган жамиятда таълим-тарбия тизимининг вазифаси, ўсиб келаётган ёш авлодларни ватанпарвар, замонавий билимга эга, комилликка интиладиган ҳамда жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган, шунингдек, турли туман ахборот ресурслардан ўзига керакли ижобий маънодаги ахборотларни саралаб оладиган баркамол авлодни вояга етказишдир.

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал салоҳияти унинг маънавий баркамоллигида намоён бўлади. Маънавий баркамоллик эса таълим ва тарбия жараёнида шаклланади. Президентимиз И. Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона ҳаёт фалсафаси" деб таъкидлаган. Болаларнинг тарбияланиши ва билимларни ўзлаштириши жараёнида шахсан иштирокини таъминлаш, ҳамда мустақил фикрлашга ўргатиш таълим-тарбия жараёнида тарбиячи ва ўқитувчилар олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан биридир.

Таълим тарбия жараёнида мустақил фикрлашга ўргатишдан мақсад - ўқувчиларнинг маънавий дунёқараши, билими, тафаккури, интеллектуал салоҳиятини бойитишдан иборат бўлиб, келажакда бизнинг ёш авлодларимиз ҳам буюк аждодларимиз сингари илм-фан, маънавият ва маърифат борасида дунёдаги барча халқларни лол қолдирадиган шахслар бўлиб етишсин.

Ўқувчи шахсини мустақил фикрлашини, тафаккурини ривожлантириш муаммолари ҳар бир фан ўқитувчисининг диққат марказида бўлиши долзарб масалалардан биридир. Ўқув жараёнида мустақил ишни ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу вазифани бажариш учун ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса бошланғич синфларда таълим берувчилардан ўз касбий маҳоратларини доимий тарзда ошириб боришлари, ўқувчилар мустақил ишларини ташкил қилиш моҳиятини тўлиқ англашлари ва уни ўз дарсларида моҳирона фойдаланадиган бўлишлари талаб этилади.

Ўқувчиларнинг дарслардан бўш вақтларида мустақил таълим олишларини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар мустақил таълим олишлари учун ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан ўрганиладиган жараён ва ҳодисаларни виртуал шаклда акс эттирадиган электрон ўқув-методик ресурслар, янги мавзуларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган саволларга ихтиёрий вақтда тўла жавоб олиш имкониятини берадиган интегралашган электрон луғат-маълумотнома, табиий фанларни йўналишлари бўйича виртуал лаборатория ва намойиш-тажриба машғулотлари ўқувчилар томонидан ўқув предметларини мустақил ўрганишга зарур бўладиган ресурслардан саналади.

Мустақил таълимни ташкил этишда юқорида санаб ўтилган ахборот ресурсларни яратишда ва улардан фойдаланишда турли ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар мустақил таълим олиш жараёнида ахборот технологияларининг қуйидаги воситаларидан кенг фойдаланиши алоҳида аҳамият касб этади: электрон ўқув-методик ресурслар, интегралашган электрон луғат-маълумотномалар, виртуал лаборатория ва табиий экспериментларни моделлаштириш тизими ва бошқалар.

Республикамизда ўқувчиларнинг мустақил таълим олишлари учун АКТ соҳасида бир қанча амалий ишлар бажарилди. Жумладан, www.uzedu.uz манзилида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти жойлашган бўлиб, 2006 йил ноябрь ойидан бери ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар учун турли хил фойдали ресурс ва материаллар, мулоқот учун имкониятларни яратиб келмоқда. Унинг саҳифаларида ўқувчиларга қуйидаги тавсиялар жой олган: Барча ўқув фанларидан имтиҳон саволлари; Барча фанлардан тестлар тўплами; Барча ўқув фанларидан қизиқарли мультимедиа дастурлари; Ўз иқтидори ва қизиқишини аниқлаш учун психологик хизмат; Иқтидорли тенгдошларининг ижоди билан танишиш имконияти; Мактабдаги таълим-тарбия жараёнлари ҳақида эркин фикр алмашиш майдони ва бошқалар. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали (www.eduportal.uz) ва мултьмедиа дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази (www.multimedia.uz) бугунги кунда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирда вазирликнинг ахборот-таълим порталига қуйидаги ресурслар жойлаштирилган: “Веб-Мактаб” корпоратив ахборот тизими; “Веб-Боғча” корпоратив ахборот тизими; Электрон дарсликлар, ўқув фильмлари; Дарсликларнинг .djvu форматидаги электрон версиялари; Виртуал лабораториялар ва бошқа ресурслар. Халқ таълими соҳасида яратилган барча ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар интернет форматига ўтказилди ва порталга жойлаштирилди. Порталда ахборот-ресурс кутубхоналари ташкил этилиб, улар яратилган миллий ўқув электрон нашрлар ҳамда интернет тармоғида мавжуд энг сара ўқув-услубий адабиётлар, электрон ресурслар билан бойитиб борилмоқда. Порталга физика, кимё, биология фанлари бўйича 40 дан ортиқ виртуал лаборатория машғулотлари, виртуал ўқув қўлланмалари, замонавий анимацион дастурий воситалар жойлаштирилган.

Ҳозирги кунда педагог учун профессионал маҳорат нафақат унинг фаолиятини осонлаштирадиган дастурий-техник воситаларни ўзлаштириш ва қўллаш, балки ўқитиши лозим бўлган ўқув предметига оид интеллектуал ва ижодий масалаларни ҳал эта оладиган дастурлардан фойдаланишга ўргатишдан ҳам иборатдир. Бу маънода компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларига (АКТ) оид курслар ташкил этиб, барча фан ўқитувчиларини АКТдан ўқув жараёнида самарали фойдаланувчи мутахассисга айлантириш лозим бўлади.

Таълим тизимига АКТларни жорий қилиш бўйича муаммолар, изланишлар ва ечимлар қуйидагилардан иборат:

- таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларининг тўлиқ эмаслиги;

- фан ўқитувчиларининг компьютер саводхонлиги, ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши ва ўқув жараёнида улардан фойдаланиш бўйича билимлари талаб даражасида эмаслиги;

- педагогларнинг ахборий маданиятини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида педагогларнинг АКТ соҳасидаги бўшликларини тўлдириш;
- таълим соҳасига АКТ ни жорий қилишнинг инновацион усуллари ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича амалий кўрсатмалар бериш;
- электрон дарсликлардан ўқув жараёнида мақсадли файдаланиш асосларини ўргатиш;
- интернет ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

«МЫ НАРОДЫ»

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич - преподаватель академического лицея №4 при БухГУ

Resume:

In this thesis the author by his own experience have brought his views about the role of the youth in the society during the globalization. He thinks that it is possible to bring up active and aspired youth who may contribute to the development of the society by strengthening the activity of the nongovernmental organization.

Key words:

Globalization, nongovernmental organization, projects, mini-grants, UNFPA/UNV/UNDP, volunteerism, Garbage Lab, DIY Lab, Roma population.

Я - Волонтер проекта UNDP «Социальная инновация и волонтерство в Узбекистане». Я случайно оказался участником этого проекта несмотря на то, этот проект не является первым в моей практике, но большинство достижений связано именно с этим проектом.

С первых дней деятельности проекта я принимал участие в тренингах, воркшопах, конференциях и дискуссиях. Очень приятно было попасть в такое общество и почувствовать себя его частью. Порой приходилось не легко, но было приятно выйти из своей комфортной зоны и попытаться найти оригинальное решение. На протяжении проекта я приобрел огромный опыт и профессиональные навыки о волонтёрской деятельности.

В 2013 году я выступил авторским проектом “Мы народы” в конкурсе мини-грантов UNDP «Социальная инновация и волонтерство в Узбекистане» которое направлено на развитие социального уровня цыганской молодёжи. После финансирования проекта около 100 юношей и девушек из бухарской диаспоры Лули начали ходить в школу и вести здоровый образ жизни.

Вместе с тем я получил возможность участвовать на разных программах. Это “Garbage Lab” и его новый формат “DIY Lab”. Проводимые тренинги, о социальном предпринимательстве и бизнесе, дискуссии, конкурсы мини-грантов дали мне возможность больше проявить свои личностные качества.

Недавно я участвовал в международной конференции “Добровольчество – как форма участия молодёжи в социальной жизни общества” в Азербайджане. Я стал представителем волонтерской деятельности молодёжи Узбекистана.

После конференции в Баку меня приняли в состав ассоциации “Youth Initiative Group of International Volunteers ”, которая объединяет молодёжь около 20 стран. Эта ассоциация призвана способствовать повышению интеллектуальной активности молодого поколения, направленного на вовлечение социально активно молодежи в процесс развития современности.

При поддержки проекта я открыл клуб волонтеров в своем городе. В течении года наш клуб провел несколько мероприятий. В Бухаре при поддержки лаборатории “DIY Lab” я открыл кружок “Умелые ручки”.

Проект UNDP «Социальная инновация и волонтерство в Узбекистане» в знак признания моих заслуг дали титул “Волонтер года 2014”.

На протяжении проекта я приобрел много друзей с разных уголков нашей республики и других стран. Они талантливые, красивы душой и сильны духом. У них горят глаза от возможности проявить себя, раскрывая неисчерпаемый интеллектуальный потенциал.

Некоторые мои друзья привнесли в мою жизнь опыт и новшества, некоторые и хорошее настроение и позитив.

Мои впечатления от проекта колоссальные. Проект помог мне взглянуть на меняющийся мир другими глазами, переосмыслить в памяти личный опыт, получить новый импульс от свежих знаний. Я убежден, что в Узбекистане есть много молодых людей, порядочных, здравомыслящих, талантливых, думающих и чувствующих также, как мы, разделяющих наши ценности, имеющих активную гражданскую позицию, готовых работать, учиться, тратить время и средства на то, что в будущие Узбекистана было достойно и счастливым. Такие проекты помогают выявить среди молодежи именно юношей и девушек с вышеуказанными качествами.

Я хочу выразить свою благодарность руководителям, координаторам, сотрудником, партнёрам и донорам проекта, а также всем моим ровесникам, друзьям, с которыми я познакомился. Лично от своего имени и молодёжи Бухары, которая приобрела хоть какую-нибудь пользу от проекта, и от имени более 100 участников проекта “Мы народы”, которые получили возможность учиться и получить профессию.

После таких проектов команда юношей и девушек становится сплочённой , вооружается новыми знаниями , переполняется новыми идеями и горящим желанием воплотить их в жизнь.

Я верю , что у меня будет еще больше подобных проектов, на которых я смогу проявить себя. Но воспоминания о проекте останутся в моей памяти навсегда.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ.

Аминова Мавжуда Тошпўлатовна, Қарши Муҳандислик Иқтисодиёти Институти

Annatation This article andlyzes the education of youth in the spirit of national values.

XXI аср - янги минг йилликнинг бошланиши ёшлар тарбиясига ўзгача маъсулият ва янгича ёндашишни тақазо этмоқда. Ёшларнинг бугунги тезкор замон шароитига фан ва техника ютуқларидан тез хабардор бўлаётганлиги, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, уларнинг ўз билимларини янада бойитиш, бутун куч-қудратини билим олиш ва уни хайрли уни ҳайрли ишларга сафарбар этишга имконият яратмоқда. Шунга кўра, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёшлар ўзларининг иқтидорини руёбга чиқариш учун барча имкониятларидан унумли фойдаланмоқдалар. Чунки ҳар бир давлатнинг тақдири, бугунги тарбияланаётган ёшларнинг қандай камол топишига боғлиқ.

Ёшларнинг илмий салоҳияти, меҳнат фаолияти, кенг дунёқарашининг шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни бениҳоя каттадир.

Маънавий тарбиянинг муҳим омиллари ҳақида фикр юритиб, И.А.Каримов: “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”,-дейди.

Халқимиз мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Уларнинг миллий онги, миллий ғурури, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Булар эса мустақил давлатимизнинг асосини янада мустаҳкамлашга имкон яратмоқда.

Ёшлар тарбиясини миллий қадриятлар билан уйғун ҳолда олиб бориш тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширади.

Таълим-тарбия олдига кўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этишдан иборат. Шу асосда унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашни назарда тутади.

Тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-аҳлоқий тарбия асосини ҳам миллий, ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар ташкил этади.

Шу маънода ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим масала ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларга доир билимга эга бўлишни ўргатишдир. Унинг муҳим жиҳати бу инсон омили масаласидир. Мазкур омил ахлоқий ва ақлий камолот муаммосидир. Ана шу омил ватан, миллат манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, инсонда фидоийлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашни яна бир муҳим жиҳати –бу уларни доимо меҳнат қилишга, ишбилармонлик, тадбиркорлик, хусусий мулкчилик хусусиятларини ўрганишга ундайди, адолатлилик, эътиқодлиликни шакллантиради.

Маълумки, тарбиянинг миллий ўзига хос жихатлари бирлашиб, у доим ривожланиб, бойиб боради. Чунки ҳар бир миллатга унинг аждодлари томонидан яратилган миллий тарбия ўз ўрнини топади, унинг вакиллари онгида мустахкамланади. Демак, хар бир миллат ўзига хос ахлоқ, одоб ва тарбия воситаларига эга.

Миллат ва миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари хақида гап борганда таъкидлаш лозимки, миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ, энг асосий қадрияти унинг генофонидир.

Шунингдек., миллий тарбияда ҳар бир инсоннинг жамоат ичида ўзини тутиши, кўпчилик олдида хар бир сўзни ўйлаб гапириши, кам гапириб, кўп тинглаши, эл ичида обрў топишнинг

қийинлиги, обрўни тўкиш осонлигини англаб етиши, бировга ноўрин маломат қилмаслик, дўст танлашда адашмаслик, доимо яхшиларга ёндошиб юриш, ёмонлардан узоқда бўлиш, ўзи сув ичадиган қудуққа туфламаслик, уришганларни яраштириб қўйиш ва ҳоказолар; халоллик, инсофлилик борасида меҳнатсевар, адолатли кишиларга тўғри ва ёқимли муносабатда бўлиш, мухтож кишиларга кўмагини аямаслик, барчага меҳр оқибатли бўлиш, бахил бўлмаслик, таъмагирли қилмаслик, кўнгилда кек ва ғараз сақламаслик, иғво, дангасалик, чақимчилик, ғирромлик, ўғриликдан узоқда бўлиш каби юксак ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантириш ўзига хос жиҳатларимизни белгилайдиган мезонлардир. Бундан ташқари, ёшларимизда муҳим қадриятларимиздан саналган табиатга, ундаги наботот ва ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббатда бўлиш, уларни асраб авайлаш, табиатга зарар келтирувчиларга муросасиз бўлиш, турар жойларни покиза ва озода сақлаш каби фазилатларни тарбиялаш ҳам миллий тарбиямизнинг ўзига хос жихатларидан хисобланади.

Глобаллашув шароитида ёшларимиз онги ва тафаккурига ушбу сифат ва хусусиятларни сингдира олсак, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясида уйғунлик мужассамлашади. Бундай ёшларимиз эса Ватанимиз истиқблолини белгилаб беради.

ИЗУЧЕНИЕ ОТНОШЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ К ИНТЕРНЕТУ и КОМПЬЮТЕРНЫМ ИГРАМ

Рахманова Д.Б.-старший преп.кафедры Психология БухГУ
Остонов Ж.Ш.- преп.кафедры Психология БухГУ

В начале XXI века общество находится на сложном, противоречивом этапе развития. Изменения во всех сферах общественной жизни наклады-вают отпечаток на процесс адаптации молодежи, обуславливают большую вариативность ее отношений к современной жизни, способствуют перес-мотру жизненных ценностей. Особую значимость для многонациональной страны приобретает выработка механизмов адаптации населения к новым условиям жизни.

Бурное развитие компьютерных технологий в последние годы наклады-вают определенный отпечаток на развитие личности современного ребен-ка. Мощный поток новой информации, применение компьютерных техноло-гий, а именно распространение компьютерных игр оказывает большое вли-яние на воспитательное пространство современных детей и подростков. Создание воспитательного пространства - это необходимое условие ста-новления личности ребенка не только в стенах образовательного учрежде-ния, но и за его пределами. Сегодня существенно изменяется структура досуга детей и подростков. Существенную роль в воспитательном процес-се занимает компьютер.Он сочетает в себе возможности телевизора, DVD приставки, музыкального центра, книги. Человек же – существо мыслящее. Информация для него имеет гораздо большее значение, чем для любых других живых существ. Компьютер является мощным инструментом обра-ботки и хранения информации, кроме того, благодаря компьютеру стали доступными различные виды информации.

17 мая **1974** года академик Андрей Дмитриевич Сахаров завершил ра-боту над статьей "Мир через полвека": "В перспективе, быть может, позд-ней, чем через 50 лет", - прогнозирует Сахаров, - "я предполагаю создание всемирной информационной системы, которая и сделает доступным для каждого в любую минуту содержание любой книги когда - либо и где - либо опубликованной...".

Темп прогресса информатики далеко опередил ожидания Андрея Дмит-риевича. День **20 октября** стал Международным днем Internet – Всемир-ной компьютерной Сети, которая объединяет миллионы людей.

3 июня 2011 года была принята резолюция ООН признающая доступ в Интернет базовым правом человека. Отключение конкретных регионов от Интернета с июня 2011 года считается нарушением прав человека.

За последние пять лет Интернет превзошел популярность радио и те-левидения как информационный ресурс и воспринят, как полезное и удоб-ное средство для получения информации. Трудно себе представить, ка-кие изменения принёс во все или почти во все сферы человеческой деяте-льности Интернет.

Интернет коренным образом изменил структуру современного общест-ва. Студенту необходимо получать информацию обо всем, что его интере-сует. Для того чтобы он всегда был в курсе событий необходимо брать ин-формацию из различных источников. Радио, телевидение, журналы уже не привлекательны для него. Самым простым способом получения информа-ции является Интернет. В Интернете содержится большое количество ин-формации на разные темы. Получать такую информацию, можно даже не выходя из дома. Это очень удобный способ, который затрачивает минимум усилия и сохраняет много времени.

Безусловно, Интернет влияет как положительно, так и отрицательно на молодежь. Возникают противоречия и противоположности между:

➢ значительным ростом необходимой для жизнедеятельности инфор-мацией, вызванным информационным прогрессом, и возможностями полу-чения её любым студентом.

➢ многочасовым использованием компьютера и его отрицательным влиянием на организм.

Для выявления положительного и отрицательного влияния Интернета на молодежь мы провели специальное исследование, в котором приняли участие 74 студента первых курсов Бухарского Госуниверситета. Им было предложено ответь на вопросы анкеты, целью которой было выяснение от-ношения молодежи к Интернету.

АНКЕТА

Уважаемые друзья! Ответьте, пожалуйста, на нижеследующие вопросы:

Вопросы	Варианты ответов
1. Используешь ли ты возможности Интернета?	a) Да b) Нет
2. На каких сайтах больше работаешь?	a) Google b) Odnoklassniki c) Яндекс d) Ziyonet
3. Как часто пользуешься Интернетом?	a) Каждый день b) Раз в неделю c) Раз в месяц
4. Где входишь в Интернет?	a) Дома b) В школе c) В Интернет кафе d) С сотового телефона
5. С какой целью пользуешься Интернетом?	a) Чтобы найти информации b) Чтобы проводить время c) Для общения d) Свое мнение
6. Зависим ли ты от Интернета?	a) Да b) Нет
«Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: «Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабларига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз» [1.114.].

Бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллаш учун уринишлар кучаяётган замонда ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан ва интелектуал салоҳияти юқори қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганлиги бу албатта Президентимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсатдан далолатдир.

Миллий тарбияда миллий ғояга, миллий ғурурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Умуман олганда, ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб етишишида юртимизда барча имкониятлар мавжуддир!

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008

2.Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015

3.Примова Ф.А. Оилавий муносабатларни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг ўрни. Фалс. фан. номз. дисс. автореф. – Т.: 1999.

ГЛОБАЛАШУВ ХАРАЁНИДА МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Холбоев Б.М., Ширинов О.Т., Сирдарё вилояти ХТХКТваМОИ

Keywords: globalization, young, playing field, sportsman, national, education

Мамлакатимиз ёшлари онгида миллий ғурур, ватанпарварлик, адолат ва мустақилликка садоқат ҳисларини тарбияланиши, ҳар бир ёш авлодга ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини қадрлаш ҳисларини ўргатиш бугунги куннинг устувор вазифаси саналади. Агар инсон ўзининг ким эканлигини ва қайси миллат фарзандилигини билмаса, у инсонда миллий ғурур, ифтихор тушунчаси мавжуд бўлмайди. Миллий ғурур тушунчаси инсонда пайдо бўлиши учун аввало инсон ўзлигини англаши лозим. Юртимизда ёшлар тарбиясида миллий спортнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт ғоясини шакллантиришда Президент асарлари, Республика конситуцияси, давлат ва хукуматнинг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ва фармонлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Халқимизнинг жисмоний маданият соҳаси давомида шаклланган юксак қадриятлари, маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ мутафаккир бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади.

Жисмоний маданият ва спорт барча замонларда энг долзарб сиёсий -ижтимоий масала, яъни соғлом, чаққон, бақувват, комил инсонни тарбиялаш учун хизмат қилган, жамиятга маънавий - руҳий куч қувват берадиган пойдевор бўлиб келган. У ҳар бир инсоннинг жамият, эл - юрт олдидаги бурч ва маъсулиятини қай даражада ҳис қилиб адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Таълим муассасаларида болалар, ўқувчилар ва талабаларнинг ёши, эҳтиёжи ва имкониятларига мос ва хос бўлган миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг табақалашган педагогик - психологик дастурнинг яратишда халқ жисмоний маданияти ўзига хос ўрин тутади.

Республика жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини кўтариш, жисмоний маданият ҳаракатни ривожлантириш, миллий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва танлаш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ишлари масаласида илмий анжуманлар, фестиваллар ўтказилиб келинмоқда. Бундай тадбирлар асосан юртимизда жамоат ёки нодавлат ташкилотлар сирасига кирадиган маҳаллаларда кенг амалга оширилиб келинмоқда. Маҳаллаларда яшовчи ёшларимиз, аҳоли турмуши, унинг ижтимоий-психологик муҳитига таъсири масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат марказидадир. Бинобарин, ушбу ижтимоий тузилманинг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланиб, ёшларда миллий спорт ўйинлариларига нисбатан қизиқишни ошириш муҳим. Айниқса, маҳаллада миллий спорт ўйинлариларига бўлган қизиқиш, эҳтиёж, шунингдек, ушбу фаолиятга нисбатан ёшларда мавжуд муносабат даражаси қай аҳволда эканлиги бугунги кун ижтимоий психологиясининг долзарб муаммоларидан бири сифатида эътироф этилаётганлигини кузатиш мумкин.

2015 йил - мамлакатимизда Кексаларни зъзозлаш йили сифатида белгиланганлиги барчамизнинг ёдимизда. Ушбу йилда айниқса кексаларимиз иштироки ва фаоллигида анча хайрли тадбирлар амалга оширилди Маҳаллаларда ёшлар билан ташкил этиладиган млли спорт тадбирларида ҳам уларнинг иштирокини таҳсинга сазовар десак бўлади. Бугунги кунда маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган маҳалла фаоллари: маслаҳатчилар, мураббийлар, психологлар ва бошқа фаоллар ўзларининг иш услубларини асосан ёшлар жисмоний тарбиясини биринчи ўринга қўйган ҳолда ташкил этишлари бежиз эмас.

Миллий спорт ўйинлари - миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий менталитетимиз, қолаверса, миллий психологиямизни акс эттирувчи хусусиятга эга эканлигини, ёшларни Ватаннинг муносиб посбонлари этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутишини назарда тутганда, ушбу масалага янада жиддий қараш зарурлиги тақозо этилади. Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари айрим маҳаллаларни ўз ҳомийлигига олган ҳолда улардаги спорт майдончаларини, шунингдек болаларни спорт кийими, турли спорт жиҳозлари билан таъминлашни йўлга қўйишда амалий кўмак бериб келишмоқда. Мамлакатимизда кенг авж олиб, ривожланиб бораётган - ҳомийлик анъанасини кенг тарғиб этилиши таҳсинга лойиқдир.

Глобаллашув жараёнида айрим “оммавий маданият” таъсиридан ёшларимизни ҳимоялаш ва мафкуравий имунитетни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий тараққиётдаги роли ошиб боргани сайин, маҳаллада ёшларни миллий спорт ўйинлариларига йўналтириш фаолиятининг умумий аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда эса асосийси, ота-оналар, яъни катталар ёшларнинг миллий спорт ўйинлари билан шуғулланишлари, ушбу фаолиятнинг ёшлар жисмоний

соғломлиги ва маънавияти юксалишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, маҳаллада яшовчи фаоллар, ўқитувчи ва мураббийлар маҳалла спорт инструктори билан биргаликда миллий спорт ўйинларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини назарда тутган ҳолда маҳалла ёшлари билан иш юритишлари тақозо этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маҳаллаларда миллий спорт ўйинлари орқали ёшларни тарбиялаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса ушбу имкониятларнинг ижтимолий-психологик жиҳатларини назарда тутган ҳолда маҳалла ёшлари билан иш ташкил этилса, уларни жисмонан бакувват, соғлом, чиниққан, Ватан учун посбон этиб тайёрлаш вазифаси бажарилади. Бу биринчи навбатда маҳаллада, таълим тизимида иш олиб борувчи спорт мураббийси фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мамлакатимизда биргина спорт соҳасида эмас, балки жамиятнинг барча жабҳаларида етук кадрларни тайёрлаш бугунги кун талабидир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Маматалиева Гавхарой, Фарғона давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицей,
Қорабоева Зилола, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали

ANNOTATION Given article of concept of globalization, and also question on formation of spirituality of youth during a globalization epoch.

Keywords: globalizations, spirituality, social activation, an information stream, information attack.

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истиқболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, таълим-тарбия билан боғлиқ масалалари ҳам ўзида мужассамлаштирилади. Таълим-тарбия жараёнисиз ёшлар камолоти тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши, “Камолот” жамғармаларининг тузилиши, Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга жадал жорий этилаётганлиги мамлакатимизда ёшларга эътиборнинг амалий исботидир.

Ёшлик – бу ахлоқий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти ижтимоий фойдали бўлишигина эмас, балки бу фаолият ўз шахсий мақсадларига, интилишларига мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир. [2]

Ҳозирги глобаллашув даврида муҳим вазифалардан бири, ёшларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, эркин фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялаш, шунингдек, қабиҳ ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир. Бунинг учун эса асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши лозим:

1. Ёшларга мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ёритиб берган ҳолда улардаги Ватанга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаш;

2. Ёшларда тарихий хотира, моддий ва маънавий меросга ҳурмат, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлаш;

3. Ёшларда маънавий-мафкуравий таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

4. Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида сафарбар қилишга, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга кенг эътибор бериш.

Глобаллашув бугунги кунда илмий, илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда глобаллашув жараёни ахборот майдонида ҳам яққол намоён бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда интернет “чангалзорлари” бўйлаб “саёҳат” қиладиган бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз, фойдали ахборотлардан кўра, зарарли ахборотларга кўпроқ дуч келасиз. Айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ёки мустақил фикрга эга бўлмаган ёшлар бу ахборотларни реал ҳақиқат сифатида қабул қилишлари, натижада ёлғон ваъдаларга алданиб қолиши мумкин. [3]

Ёшлар фаолияти, уларнинг кундалик турмуши, қизиқиш доираси, дунёқарашининг ўсиб-ўзгариб бориши азал-азалдан ота-она, қўни-қўшнилар, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан доимо назорат қилиб борилган. Ҳозирги кунда тобора ўз мавқеини кенгайтириб бораётган жамоатчилик назорати институти зиммасига ҳам ёшлар фаолиятини тизимли ўрганиш вазифаси юклатилмоқда. Бу ўринда таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-ахлоқий тарбия

жараёнининг оила ва маҳалла тарбияси билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг бўш вақтни қандай ташкил этиши, ундан қандай тарзда унумли фойдаланиши ҳам мазкур ҳамкорлик тизими олдида турган энг муҳим муаммолардандир. Бўш вақт – фалсафий тушунча сифатида теран маъно-мазмунга эга. Яъни бўш вақтдан ўз маънавий эҳтиёжларини қандай қилиб ва қай даражада қондиришига қараб ўсмир ёшидаги болалар, йигит ва қизларнинг маънавий камолотга интилиш даражасини белгиласа бўлади.[1] Албатта, бу масалада ҳам ота-онанинг ўз фарзандига шахсий намуна мақомида бўлишини унутмаслик лозим. Модомики Ватанимизнинг келажаги аввалambор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ экан, уларнинг фаолиятига даҳлдор барча масалалар ва муаммолар биз учун доимо энг долзарб маънавий масала бўлиб қолаверади.

Адабиётлар:

1. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, шакллари, усуллари ва воситалари” мавзусида илмий-назарий конференция материаллари тўплами. Наманган давлат университети. 2014 йил, май.

2. Р.А.Убайдуллаева ва бошқ. Социология. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2002 йил.

3. Ғ.Шодиев. Маънавият ва ёшлар. Тошкент, 2008 йил.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Г. Б. Эргашева БухДУ ўқитувчиси, С.У.Ражабов БухДУ талаба.

Хозирги замон ўрзгариб бораётган инсоният бошидан кечираётган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз . Давлат ва сиёсат арбоблари файласуфлар ва жамиятшунос олимлар шархловчи важурналистлар бу даврни турлича таърифлаб хар хил номлар билан атамоқда.Кимдир уни юксак техналогиялар замони деса , кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда. Албата,бу фикрларнинг барчасида хам маълум маънода хақиқат рационал магиз бор .Чунки уларнинг хар бири ўзида бугунги серқиррава ранг-баранг хаётнинг қайсидир белги-аломатини акс еттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таасурот уйготмоқда. Бундай таъриф менимча кўп томондан масаланинг мохиятини тўгри ифодалайди. Нега деганда хозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин одамзот бу хақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши хеч кимга сир эмас. Анашундай глобаллашув феномени хуақида гапирганда бу атама бугунги кунда илмий- фалсафий хаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим.

Глобаушунчатллашув жараёни хаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётганнинг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни обектив тан олиш керак – бугунги кунда хар кайси давлатнинг тараккиёти ва равнақи нафақат яқин ва узок қушнилар, балки жахон микиёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёнидан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмасликни тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода глобаллашув- бу аввало хаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Хар бир ижтимоий ходисанинг ижобий ва салбий томони булгант сингари, глобаллашув жараёни хам бундан мустасно эмас. Хозирги пайтда унинг ғоят уткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча сохаларда куриш, хис этиш мумкин. Айникса, давлатлар ва халқлар уртасидаги интеграция ва хамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин харакати учун қулайликлар вужудга келиши, куплаб янги иш уринларининг яратилиши, замонавия комуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан таркалиши, турли қадриятларнинг умуинсоний негизда умумлашуви, цивилизацияларарo мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида узаро ёрдам курсатиш имкониятларинг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллуш туфайли эришилмокда.

Айни пайтда хаёт хақиқати шуни курсатадики, хар кандай тараққиёт махсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йулида фойдаланиш мумкин. Агарки башариёт тарихини, унинг тафакур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, хаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд булиб келганини ва бу кураш бугун хам давом этаётганини кўрамиз.

Глобаллашув жараёнининг яна бир узига хос жихати шундан иборатки, хозирги шароитда у мафкуравий таъсир утказишнинг нихоятда уткир куролига айланиб, хар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган хар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Бу хақда гапирганда, мен илгари билдирган баъзи фикрларни такрорлаш уринли, деб ўйлайман.

Таъбир жоиз булса,айтиш мумкинки,бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан хам кўпрок кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огох булишга ундовчи томони шундаки, агар харбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, куриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва окибатларини тезда илғаб етиш нихоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам уз мустакил фикрига, замонлар синовидан ўтган хаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустахкам иродага эга булмаса, хар турли маънавий тахдидларга, уларнинг гоҳ ошкора гоҳ пинхона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик хаётда учраб турадиган куплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати ёқ деб ўйлайман. Утган йиллар давомида дунёда ва минтақамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечадиган воқеалар мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу хулосанинг тугри эканини кайта-кайта исботламоқда.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган бир карашда арзимас булиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан коплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий таргибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информатцион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда мухим вазифамизга айланиб бораётганини чуқ тушуниб олишимиз лозим. Бу борадаги энг мухим вазифа шундан иборатки хар қайси фуқаро хар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга маънавий хаётимизни турли тахдид ва хуружлардан химоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан анна шу асосда аниқлаб олиши лозим.

ГЛОБАЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ АҲЛОҚИЙ ЖИҲАТИДАН КАМОЛ ТОПИШИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

доц.Ф.Ниязов, ГулДУ, Гулистон шаҳри Сирдарё вилояти

The place of the family in bringing up the youth through the moral traist in globolization.

Маълумки, тарбия - инсон шахси, маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимидир. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёндир. Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар.

Президентимиз томонидан “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида маърифатпарвар шоир Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрининг ҳозирги даврда тарбия жараёнида эътиборга олишимиз янада муҳим ва долзарблиги айтилган. [Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.:”Маънавият”, 2008.-Б.]

Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, вояга етказиш муҳимдир.

XXI асрнинг бошларидаги халқаро вазият глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетганлиги билан характерланади.

Глобаллашувнинг миллий маънавиятни емириш, урф-одат, анъана, қадриятларнинг хиралашувига ўтказаётган таъсирида айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий тахдидлар ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бизнинг аждодларимиз таълим-тарбия масаласида инсон шахси, унинг хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўрганлар. Буюк мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобий ёзганидек, таълим-тарбия ишини бошлашдан аввал тарбияланувчиларнинг шахсий хислатларини ўрганиш лозим. Аллома ўзининг «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида батафсил фикр баён этади. Фаробий таълимотида инсон таълим ёрдамида барча фанларни пухта ўзлаштириш билан маънавий-ахлоқий фазилатларга, одоб меъёрлари ва касб-ҳунарга оид малакаларга эга бўлади. [Баркамол авлод орзуси. –Т.:<<Шарқ>> нашриёти матбаа канцерни 1999 й, 144.б.]

Дарҳақиқат, оилада фарзанднинг тарбияси, таълим олиши унинг келажакда қай даражада бахту-саодатга эришишида муҳим, ҳал этилиши зарур бўлган энг долзарб вазифа бўлиб турган.

Мутахассисларнинг фикрича, инсоният бугунги кунда янги ахборот инқилобини бошидан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи инқилоб эмас. Ҳозирги ахборот инқилоби замонавий компъютер технологияларига асосланган интернет каби ҳодисалар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бугунги кунда турли шакл ва мазмундаги ахборотлар инсон ва жамият келажак ҳаёти, тараққиётининг зарурий шартига, электрон оммавий ахборот воситалари ва турли ташкилотларнинг расмий веб саҳифалари эса уни тарқатишнинг муҳим бўғинига айланган. Интернет одам онги ва ҳиссиётиларига, тафаккурларига, ҳулқ атворига жиддий таъсир этмоқда. Глобаллашувнинг миллий ўзига хосликнинг емирилишига ўтказаётган таъсирини қирқишнинг асосий ва маърифий омили бу миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир.

Оилада амалга ошириладиган тарбиянинг мазмунини фарзандларда ўз ота–онасидан, оиласи, аждодлари, туғилиб ўсган ўлкаси, ватани, миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиши ҳиссини уйғотишдан иборат. Бундай оилалар ахлоқсизлик, эътиқодсизлик, ақидапарастлик, хоинлик, гиёҳвандлик каби иллатларни олдини олишга, уларни пайдо бўлишига йўл қўймасликка ўз ҳиссаларини қўшадилар. Глобаллашув жараёнида кечаётган воқеа - ҳодисаларни тўғри талқин қила олиш, ҳар бир воқеликни миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз асосида таҳлилдан ўтказиш улкан аҳамият касб этади. Шу боис ҳам оила ва оилада бола тарбияси хусусида сўз юритган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб - ул - қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр ” каби асарларидан фойдаланиш, миллий урф-одат, анъана, қадрият ва аҳлоқнинг ўзгаришига қаратилган таъсирига, глобаллашувга қарши курашишни шакллантиришда муҳимдир. Мутафаккирлар меросида оилада болаларга сингдириладиган ақл, одоб, ҳаё, инсонпарварлик асосий ахлоқий мезон сифатида қаралади.

2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302 сон қарори билан эълон қилинган “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастурида ҳам ёшларни тарбиялашда бобо ва бувиларнинг ўрни, уларни қадрлаш, ўгитларини тинглаш ва амал қилиш кераклиги белгилаб берилган. Бугунги куннинг ёшлари миллий қадриятларимизни эъзозлайдиган, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда жамиятга муносиб инсон сифатида ўз ҳиссасини қўшадиган, ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, айни пайтда, ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган бўлишлари зарур.

Президентимиз айтганларидек, “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб - авайлаб баркамол авлодларни вояга етказиб келганлар. Чунки, ҳар бир оқил инсоннинг муқаддас вазифаси, ҳаётнинг маъноси бўлган комил фарзандлар ўстириш ва камолини кўриш, ота - онасига, оиласига, жамиятга, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Ёшларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топишида оиладаги ўзаро ҳурмат, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби қадриятлар маънавий таҳдидларга қарши курашдаги муҳим омиллардан бири дейишимиз мумкин.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ОНГИНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ РУҲИДАГИ ТАРБИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Холбоев Б.М.,* Мусурманкулова М.М.**
Сирдарё ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси*, Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.**

***Keywords**: global, health, good sense, sane view, well-mannered, living standard.*

Бугунги кунда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, билим ва тафаккурини кенгайтириш, қобилият ва имкониятларини намойиш этиш давр тақозасидир. Мамлакатимиз олдида турган мураккаб ижтимоий, маънавий, иқтисодий вазифаларни мустаҳкам оилада улғайган ҳар томонлама етук, баркамол ёшларгина муваффақиятли ҳал қила олади. Менталитетимиздан келиб чиқиб оила мустаҳкамлиги ҳар бир хонадон кексаларига боғлиқлигини ҳис қиламиз. “Қариси бор уйнинг париси бор”-дея бежизга айтилмаганлигига амин бўлмоқдамиз. 2015 йилни Юртбошимиз томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам бежизга эмас. Унда кексаларимиз ўгитлари билан мустаҳкам оилада улғайиб шаклланган баркамол авлоднинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрнига юксак баҳо берилди. Ҳар томонлама етук авлодгина бугун олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашда хонадонимиз кексаларининг ўгитлари, тарбиялари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикамиздаги ислоҳотларнинг йўналишлари ҳам жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга қаратилди. Шундай экан, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланиб, уларнинг келажакда муносиб

касб эгалари бўлиб етишишлари, шу эгаллаган соҳаларининг етук кадрлари бўлишларида қулай муҳит яратиш давр талабидир. Соғлом турмуш ва тафаккур тарзи, соғлом тарбия системасини қарор топтиришнинг пировард мақсади соғлом авлодни шакллантиришдан иборат. Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир. Соғлом авлодни тарбиялаш – икки жиҳат – ёш авлодни жисмонан соғлом этиб вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради. Ҳақиқатдан ҳам ёшлар соғлом, ҳар тарафлама етук, яъни баркамол авлод наслига лойиқ тарбия қилиниши керак. Ҳозирги ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлаётган жамиятимизда ёшларимизни тўғри йўлга йўналтириш, иродасини жиловлай олишга ўргатиш, дунёқарашини кенг қамровда бойитиш, фикрлаш сифатини ривожлантириш айни мақсадга мувофиқдир. Унинг учун ўсиб-ривожланиб келаётган авлодга соғлом турмуш тарзи асосида ҳаётини олиб боришга ҳар бир оила кексалари, ҳар бир маҳалла ўргатиши керак. Бунинг сабаби шуки, соғлом турмуш тарзининг талабларига риоя қилинганда нафақат тана соғлом бўлади, балки вақтни рационал сарф қилади. Руҳияти мустаҳкам бўлади, жамиятда ўз ўрнини топади ва соғлом оила ярата олади.

Соғлом турмуш тарзи инсон организмининг барча физиологик жараёнларини маромлаштиради, қаршилик ҳимоя кучини (иммунитет) оширади ва ички имкониятларни ривожлантиради. Агар инсон ёшлигиданоқ соғлом турмуш тарзи асосида ўсиб-ривожланган бўлса, албатта унинг организми бақувват бўлиб шаклланади. Соғлом турмуш тарзини рационал кун тартиби - гигиена, чиниқиш, фаол ҳаракат ва албатта зарарли одатлардан ҳоли ҳаёт кечиришни ташкил қилади. Ваҳоланки, бу ҳаёт тарзи ёшларнинг одатий яшаш тарзига айланиши улар соғлигининг гаровидир. Рационал кун тартибига амал қилиб кун кечириши одамни мустаҳкамлайди, аниқ мақсад қўйишга ва унга эришишга ўргатади, вақтни тежашга ҳамда тўғри сарф қилишга одатлантиради. Гигиена чора-тадбирлари организмнинг соғлом муҳитда яшашига, ишлашига, касалликларнинг олдини олишга, эстетик жиҳатдан маданиятли бўлишига, ораста ҳаёт кечиришига қаратилган. Организм чиниқиши билан турли касалликларга қаршилик кучи ортади, ташқи ўзгаришларига ўз вақтида мослаша олади, ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетиклашади, ташқи таъсирдан ички муҳитини ҳимоя қилиш қобилияти ривожланади.

Глобаллашув жараёнида ёшлар онгини соғлом турмуш тарзи руҳидаги тарбиясининг аҳамияти зарарли одатлар орқали заҳарли моддаларни истеъмол қилишининг олдини олиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратади. Инсон организми никотин, алкогол ва наркотик моддалари, ҳамда кўпчилик эътиборсизлик билан ёндашиб ўз рухий фалажлигини қондириш воситаси ҳисоблаган заҳарли моддалардан бири носдан заҳарланишмоқда. Ҳам чекиш, ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилиш иммунитетни кескин сусайтиради ва саратон деб аталган оғир хасталикни чақиради. Зарарли одатларга одатланганларнинг дунёқараши тораяди, шахс деградацияси ривожланади, мақсад сўнади, ишга лаёқат тушиб кетади, зиддиятларга осон берилади, соғлом муҳит бузғунчисига айланади. Зарарли одатлар ёш организмда янада оғир асоратларга олиб келади, улар ёшлигиданоқ мажруҳ ва кераксиз инсонга айланиб қоладилар.

Соғлом турмуш тарзи аҳоли фаровонлигининг ошиши, соғлиқни сақлаш ва маиший хизматни яхшилаш, демографик жараёнларни мақбул ҳолатга келтириш, маънавий маданияти, онглилиги ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлигининг ўсиб бориши ва ижтимоий меҳнатдаги фаоллиги билан белгиланади. Соғлом турмуш тарзи баркамол авлодни жисмонан соғлом, маънан бой қилиб ўстиришга ҳар томонлама ёрдам беради.

Шундай экан, глобаллашув жараёнида ёшлар онгини соғлом турмуш тарзи руҳидаги тарбиясини ўз вақтида тадбиқ этиб, ҳар томонлама баркамол авлодни мустаҳкам давлат яратувчилари сифатида тарбиялаш миллатимизни юксак даражали ҳамда кучли ва қудратли қилади. Бунда эса албатта, соғлом муҳит ва ҳар томонлама мустаҳкам оилани шакллантириш ҳар биримизнинг олдимизга қўйилган долзарб масаладир!

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Юнусметова Н.,* Имамқулова Ф.,.**
Сирдарё вилояти ХТХКТваМОИ,* Гулистон шаҳар 6–мактаб ўқитувчиси.**

Keywords: *Global Information Infrastructure, information legal norms, youth.*

Ахборот-коммуникация технологиялари кун сайин жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги сабабли ҳам улардан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида фойдаланиш асримизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунгача АКТ тўғрисидаги баҳслар тингани йўқ. Аммо, биз XX асрнинг мана шу кашфиётисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Зеро, АКТ яъни интернет бугунги кунда кенг қўлланилиб, ахборот манбаи бўлиб келмоқда.

Маълумки, интернет узоқни яқин қилиш, вақтини тежаш, ахборот олиш ва тарқатиш майдонининг кенглиги, ўзида матн, овоз, тасвир мавжудлиги, таълим жараёнида масофавий ўқитиш ва одамларнинг билимга бўлган эҳтиёжини қондириш, инсонларнинг мулоқот жараёнида дўстлар топишини осонлаштириш ва ҳоказо имкониятлари билан барчага қўл келмоқда. Бугунги кунда ҳеч

бир соҳани компьютер, интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоният ҳаётининг ҳамма жабҳаларида ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Чунки бу жуда қулай ва афзалдир. Ҳозирда нафақат илм даргоҳлари балки оилаларимизда ҳам техника яъни компютерлар бор. Бу ёшлар учун жуда катта имкониятлар эшигини очиб беради.

Умуман олганда, интернетнинг ижобий хусусиятлари жуда кўп, шу билан биргаликда, унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Тараққиёт жараёнида интернет ахборотни оммага тезкор равишда етказиб бермоқда. Айниқса, хорижий давлатларда рўй бераётган турли хил воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор маълумотлар олмоқдамиз. Глобал тармоқнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳам таъсири бор. Унинг ижобий томонлари ҳам борган сари ортиб бормоқда. Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Одам боласи табиатан янгиликка, ахборотга ташна экан, ўз эҳтиёжларни қондиришда бутун дунё хабарномаси бўлган интернет кейинги йилларда кўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда. Интернет бирор бир давлат қонунларига бўйсинмайди ва ҳеч кимга ўз фаолияти учун ҳисоб бермайди. Янги ахборот маконида маълумотлар жуда катта ҳажмда жойлаштирилади ва яшин тезлигида тарқалади. Албатта, унинг кишилар дунёқараши ва билимининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаймиз.

Жамиятда ахборот ҳам билим манбаи ҳам энг асосий мулоқот воситаси бўлиб ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштиришда радио, телевидение, оммавий-ахборот воситалари ва Интернет тизимининг аҳамияти жуда юқоридир. Ҳар ким ҳар доим бирор ишни бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун ахборотдан фойдаланади. Айтиш жоизки, интернетнинг ахборот майдони кун сайин кенгайиб, ахборот манбалари тез-тез янгиланиб туради. Бу эса, ўз навбатида, тараққий этишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Интернетнинг салбий томонини мисол сифатида келтирадиган бўлсак, ундаги айрим маълумотлар ёшларнинг онгига таъсир кўрсатмоқда. Ёшларимизнинг аксарият қисми интернетдаги турли хил ахборотни ўқиб, миллий удумларга, диний қадриятларимизга бефарқ бўлмоқда. Бугунги кунда интернет ёшларнинг ижтимоий ҳаётига ҳам таъсир ўтказиб, миллий урф-одатларимизга кескин ўзгартиришлар киритмоқда. Айрим сайтларда миллий маънавиятимиз, диний қадриятларимизни ҳисобга олмасдан маълумот ва суръатлар жойлаштирилаётгани ҳам сир эмас. Айни пайтда ёшларга интернетдаги маълумотни тўғри қабул қилишни ўргатишимиз лозим. Ўсиб келаётган ҳар бир ўсмир интернетдаги маълумотдан тўғри фойдаланиш ва унинг зарарли эканини ажратиб олса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, интернетдаги ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган ҳозирги пайтда унинг жамият тараққиётига, ёшларнинг онгига ва миллий қадриятларга таҳдиди борган сари кучайиши кузатилмоқда.

Ёшлар интернетга кириб реал ҳаётдан узоқлашиб қолаётганини хориж тажрибаси мисолида кўришимиз мумкин. Жахон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад–муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.– деб ёзади И. А. Каримов. [1.113]

Бугунги кунда интернет-кафеларда бизнинг айрим ёшларимиз ҳам ўзларининг вақтини йўқотмоқда. Интернет-кафеларга иш юзасидан кирар эканмиз, аксарият ҳолатда, дарс пайти мактабдан “қочган” ўқувчи компьютерда турли хил ўйинларни ўйнаётганини кўрамиз. Ачинарлиси шундаки, улар ўзларининг вақтини беҳуда ўтказиб, ҳар хил “ўргимчак тўри” мисоли ўйинлар гирдобига тушиб бормоқда.

Хулоса сифатида шуни алохида такидлашимиз лозимки, глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг аждодларимиздан қолган бой, маънавий меросини ўқиб-ўрганиш, теран англаши уларни комиллика етаклайди. Интернет тармоқлари орқали дунёни билишлари эса уларнинг интелектуал салоҳиятларини ошишига замин яратади. АКТ миллий стратегиясини юртимиз таълим тизимига жорий этишнинг бугунги аҳволи, келгуси истиқболлари, электрон таълим ва телекоммуникацион имкониятларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга оид масалаларни таҳлил қилиш бизнинг асосий вазифамиздир. Зеро, Ўзбекистон илм-фани бутун дунёда катта обрў-эътиборга эга ва унинг инновацион хусусиятга эга бўлган амалий ютуқларига халқаро технологиялар бозорида талаб катта. АКТ жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб борар экан, у давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланишини таъминлаши ва қолаверса, асримиз тараққиётини олға етакловчи энг асосий куч бўлиб қолиши, шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: Маънавият, 2008.

YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA TASVIRIY SAN’ATNING AHAMIYATI.

M.B.Azimova, BuxDU tasviriy san’at va muxandislik grafikasi kafedrasi o’qituvchisi
M.B.Karimova Pedagogika fakulteti talabasi

REZYUMYE *Ushbu maqolada tasviriy san’at fanining turlari va tasviriy san’at o’qituvchilarining yosh avlodga beradigan estetik tarbiyasi haqida fikr yuritilgan.*

Mamlakatimizda yoshlarni sog`lom jismonan va ma'nan etuk, keng dunyo-qarashiga va huquqiy madaniyatiga ega xalqi va Vatani uchun fidoiy etib tarbiyalashga mustaqillikning birinchi kunlaridan boshlab eng dolzarb masalalardan biri sifatida qarab kelinmoqda. Bu borada yurtboshimiz boshchiliklarida amalga oshirilgan keng qamrovli chora-tadbirlar, respublikamiz taraqqiyotida yanada ulkan marralarga erishishining kafolati bo`lmoqda. «Barkamol avlod yili» Davlat dasturi doirasida qilingan ishlar ana shu ezgu maqsadga qaratilgan siyosatning izchil dovimi bo`layotir. Ta'kidlash joizki, mazkur dasturda talaba yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan me'yoriy-huquqiy bazasi takomillashtirildi. Oliy o'quv yurtlarida o`quv jarayoni davlat ta'limi standartlari talablari asosida tashkil etilgani natijasida ta'lim sifati va samaradorligi yanada yaxshilandi va yaxshilanmoqda. Talabalarni darsliklar bilan ta'minlash darajasi ham yuqori. Kutubhonalaridagi darsliklar, adabiyotlar bilan ta'minlash eng dolzarbdir. Zamonaviy axborot tehnologiyalarisiz ta'lim tizimini tasavvur qilib bo`lmaydi. Shu bois umumta'lim maktablari, kollej-lisey va oliy o'quv yurtlari zamonaviy kompyuter tehnologiyalari bilan ta'minlandi.

Umum ta'lim maktablari, kollej, lisey va oliy o'quv yurtlarining tasviriy san'at darslarida estetik tarbiya asosiy vositalaridan biri hisoblanadi.

Tasviriy san'at darslarida talabalar tasviriy san'at asoslarini puxta o'rganib, borliqni idrok etishni va estetik jihatdan tarbiyalashda samarali ta'sir ko`rsatadi. Tasviriy san'at darslarida talabalarni dunyoqarashini g`oyaviy e'tiqodini shakllantirib fikrlash tasavvurni, badiiy, didni, estetik hissiyotni o`stiradi. Estetika insonning ijodiy faoliyatiga roli benihoyat katta. Hayotga estetik munosabatda bo`lish kishini ilhomlantiradi. Mehnatni quvonch va ma'naviy zavq manbaiga aylantiradi.

Estetik tarbiya jarayonida kishilar qarashlari va ideallik his-tuyg`ulari didi shakllanadi. Bu shakllanish tarbiya bilan ijodiy tafakkurning rivojlanishi bilan bog`liqdir.

Ma'lumki san'atning turlarni nihoyatda ko`p bo`lib ulardan eng asosiylari adabiyot, musiqa, kino, teatr, me'morchilik, amaliy bezak sirk, televidenie, tasviriy san'at kabilarni alohida aytish mumkin. Har bir san'atning ta'rifi tarixi o`zgachadir. «Tasviriy san'at»-«Tasvirlash» so`zidan olinib, unda turli material xususan bo`yoq, tosh, gips, yog`ochni o'yish va boshqa badiiy, tabiiy hom ashyolarni aytish mumkin.

Tasviriy san'atning yana bir jihati shuki ilm-fan dunyo tabiat xalqlar tarixini o`rgatishga xizmat qiladi. Tasviriy san'at ibtidoiy jamoa davriga paydo bo`lib bu vaqtda, kishilar tevarak atrofda sodir bo`layotgan voqealarni odam va hayvonlarning suratlarini g'or devorlarida chizib, turli ko`rinishdagi haykalchalar yasaganlar. Ayni paytda tasviriy san'at asarlari kishilardan his-tuyg`ulariga kuchli ta'sir ko`rsatish imkoniyatiga ega. Har bir inson tasviriy san'at asarlarini tomosha qilish orqali ularda, ifodalangan go`zallik bo`lib unga tarixiy voqealarni ko`radi. Rassomlar o`z asarlarida-hayotni qanday ko`rsalar o`shanday emas, balki undagi alohida e'tiborga molik, xarakterli ko`rinishlarni tanlab oladilar, e'tiborsiz ikkinchi darajali ko`rinishlarni tushirib, eng muhimlarini bo`rtirib ko`rsatadilar.

Tanlash va bo`rtirish orqali rassomlar narsa va hodisalardan kishilar tafakkuri va hissiyotlariga samarali ta'sir ko`rsatadilar. Shu bilan birga bunday asarlar kishilar ruhiyatiga ta'sir ko`rsatib ular ma'naviy olamini bilim va tajribasini kengaytiradi. Shuning uchun har bir pedagog-rassom o`z ishini ustasi, ayniqsa chizish qoidalarni bilish lozim. Tasviriy san'at darslarida asosiy vazifasi o`quvchilarga borliqni faqat ijodiy o`zlashtirishga bo`lgan ehtiyoj va qobiliyatini shakllantirishgina emas balki ularda go`zallik qonunlari asosida borliqni ko`rish hissini rivojlantirish hamdir. Har bir inson qaysi bir sohada ishlamasin go`zallik va nafislikni ko`rishi, tushunishi lozim. Har bir kishi rasm chizishni o`rgana olishi mumkin.

Eng avvalo rasm chizuvchining istagi bo`lishi hamda qiziqishi lozim. Ba'zan endi rasm chizishni o`rganayotgan talaba o`zining bilimiga mos kelmagan narsalardan rasmini chizishga urinadi va ravshanki etarli bilim va malakalarga ega bo`lmagani sabab chizayotgan rasmi o`hshamasligi mumkin. Buning natijasida talaba tushkunlikka tushadi va talaba «menda talant yo`q» yoki «Mening qo`limdan kelmaydi» degan fikr uyg`onadi. Natijada bu talaba rasm chizishga qiziqish susayib ko`ngil qolish hollari yuz beradi. Shuning uchun endi rasm chizayotgan talabaga oddiy narsalardan (geometrik shakllar, uy ro`zg`or buyumlari va h.k.)larining o`ziga qarab rasm chizishdan boshlash kerak. Sekin astalik bilan natyurmort murakkablashib borishi lozim. Mamlakatimizda kadrlar tayyorlashni milliy dasturi ishlab chiqilishi va uni amalga oshirilishi ta'lim-tarbiya jarayonida g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, kadrlar tayyorlash va uni sifat-saviya jihatidan yuksaltirish – bu yuqori malakali pedagoglarni tayyorlash bilan birga yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishni ham yuqori saviyaga ko'tarilishini asosiy omili bo'lib xizmat qiladi. Respublikamizda ro'y berayotgan o'zgarishlar barcha sohalardagi kabi bo'lajak tasviriy san'at pedagoglarining zimmasiga ham o'ta ma'suliyatli vazifalarni yuklaydi.

Darhaqiqat xalqimiz o'z mustaqilligini qo'lga kiritib xalqaro miqyosida to'la o'zligini namoyish qildi. Tasviriy san'at o'qituvchisi eng yuksak fazilatli, axloqiy pok, iymon va e'tiqodli, halol va sofdil, talabalarga, o'smir va yoshlarga nisbatan o'ta mehribon, o'ta talabchan va o'zbek xalqining urf-odatlarini, an'analarini mukammal biladigan va hurmatini joyiga qo'yadigan bo'lishi kerak. O'qituvchining kasbiy xususiyatlari borasida to'xtalganda shuni ta'kidlash lozimki, u eng avvalo o'z kasbining jonkuyari, uni dildan sevadigan, o'z ishiga ijodiy va ilmiy yondoshadigan shaxs bo'lmog'i ta'lab etiladi. Bu shaxsda yangi

bilimlar va ilg'or tajribalariga chanqoqlik, muhimi unda tashkilotchilik, kuzatuvchanlik, qat'iylik va insoniylik xususiyatlari yaqqol sezilib tursin. O'qituvchi tasviriy san'atdan maxsus bilim va malakalar bilan qurollanmasdan turib muallimlikni bajara olmaydi yoki talaba yoshlarga tabiat go'zalligini, ona Vatanimizning tarixini, milliy merosimizning tarixini ta'riflab bera olmaydi, hamda o'z kasbiga qiziqtira olmaydi. Bugungi talaba, bo'lajak pedagog, o'zbek xalqining hamda o'tmishi bor bo'lgan Markaziy Osiyo xalqlarning amaliy va tasviriy san'at borasidagi noyob namunalarini o'zlashtirgan bo'lishi va to'laligicha talaba yoshlarga ulashmog'i ayni davr talabidir. Tasviriy san'at muallimi – ilmiy izlanuvchan ijodkordir. Rassom o'qituvchilar qaerda, qanday o'quv maskanida ta'lim jarayonini olib borishidan qat'iy nazar pedagogik faoliyati ijodiy izlanishlar bilan boyitib borsa, shundagina yaxshi shogirdlar, haqiqiy rassomlarni shakllanitirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Har bir talabani hayotda, davlatimizning moddiy va ma'naviy rivojlanishida faol ishtirok etadigan qilib tayyorlash uchun unga faqat bilim berib tarbiyalashgina kamlik qiladi, uning shaxsiy qobiliyatini rivojlantirish, yangilik yaratishni o'rgatish, go'zallik qonuni bo'yicha yashash va ijod qilishni shakllantirish lozim. Hayot go'zalligini ko'rishga intilish insonni olijanob qilib tarbiyalaydi, uning kundalik ishini estetik rohat-farog'at manbaiga aylantiradi. Talabalar ko'nglida go'zallik va yuksak g'oyalar hissini uyg'otishga da'vat etishda tasviriy san'at o'qituvchisining o'rni g'oyat kattadir. Talabalar ma'naviy didini rivojlantirish uchun o'qituvchi, avvalo, ularning e'tiborini hayotdagi go'zallikka qaratishga, go'zallikni payqash, his etish, qabul etish, huzurlanish, quvonishga o'rgatish kerak. Did insonning tug'ma xususiyati emas. U rivojlantiriladi, uni takomillashuviga yordam beruvchi birinchi inson tasviriy san'at o'qituvchisidir. O'qituvchi Talabalarga tabiatning rang-barang olamini, rang-birang shakllarini ko'rsatadi. Tabiat go'zalligi, ochiq havoda o'tkazilgan kunlar haqida xotiralar, ular hayotda ko'rib baxri-dillarini ochilgan, tasvirlash qiyin bo'lgan gulzorlarning ranglari - ularning ko'nglini shodixondon etgan, hayajonlantirgan narsalarning xotirasi uzoq vaqtgacha talaba - o'quvchi qalbida saqlanib qoladi. Talabalar naturadan manzara, daraxt shoxlari, yaproqlar, gullargning rasmini chizar ekanlar, ularning shakllarini o'rganar ekanlar, tabiatga, uning shakl va ranglari naqadar boy va turfaligiga amin bo'ladilar,tabiatdagi go'zallikka, voqea-hodisalarga mehr-muhabbatlari osha boradi. Maktabdagi rasm darslari tufayli kishi dunyonini har taraflama ko'radigan bo'ladi, ularning kuzatuvchanligi rivojlantiriladi, mantiqiy fikrlashga o'rgatadi, ko'rgan narsani anglab etishga o'rgatadi.

Rang-barang tassurotlarini mulohaza qilish, kuzatishlardan umumlashmalar chiqarish va to'g'ri xulosalarga kelish natijasida o'quvchilarning malaka va ko'nikmalari rivojlanadi, ularda yangi bilimlar egallashga intilish uyg'onadi.

Adabiyotlar:

1. B.Azimova «Natuyrmort chizish va tasvirlash metodikasi» Toshkent «O'qituvchi» 1984y
2. Tasviriy sanatni o'qitish metodikasidan amaliy mashg'ulotlar. 1-2 qism. Toshkent 2006.
3. Tasaviriy san'at. Umumiy o'rta ta'limining davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi.- Toshkent: Sharq, -1999..
4. R.Hasanov. Maktabda tasviriy san'atni o'qitish metodikasi. Talabalar uchun darslik. – Toshkent: Fan,-2004.
5. Hasanov R Maktabda tasviriy san'at mashg'lotlarini takomillashtirish yo'lida " Toshkent "O'qituvchi"-1986

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

М.З.Айтымбетов, **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети , катта ўқитувчи**

The summary: *The article deals with the role of general secondary school education in up-bringing highly developed persons.*

Key words: *Independent years, general secondary schools, individuals, process of education.*

Умумий ўрта таълим - узлуксиз таълим тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, ёш авлод бу даврда дастлабки илмий билимлар билан қуролланиб, юксак маънавиятли шахс сифатида шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим тизимини моддий - техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мазмунини модернизация қилиш билан бирга, маънавий-маърифий ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар мазмунига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Давлатимизда ёш авлод маънавий тарбияси давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий фаолият миллий маънавиятимиз негизлари билан бойитилди.

Қорақалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида маънавият ва маърифат хоналари тўлиқ жиҳозланди. 1998 йилда Қорақалпоғистон мактабларида 160 та ўлкашунослик музейлари ташкил этилган бўлиб, буларга 2,5

минг ўқувчи қамраб олинган эди. Шунингдек, ушбу даврда 25 та мактабда тарих музейлари фаолият юритди. Мактаб музейларининг экспонатлари мунтазам бойитилиб, тарих кабинетларининг аксарияти тарихий лавҳалар, кичик кутубхоналар, Президент асарлари бурчаклари, ўқувчиларнинг ижодий ишлари, ўқув карталари, дидактик материаллар ва бошқа ўқув қуроллари билан жиҳозланганлиги ўқувчиларни маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, ўқувчиларнинг маънавий камолотида китоблар муҳим манба ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мустақиллик даврида мактаб кутубхоналарининг ҳам фаолияти яхши йўлга қўйилди. Жумладан, 1991 йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 71 фоизи[1] кутубхоналар билан таъминланган бўлса, бу кўрсатгич 2011 йилда 83 фоиздан[2] ортди.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий фаолият назарияси мазмуни давлатимиз истиқболини кўзлаган ҳолда маънавий соғлом ёшларни шакллантириш ҳамда вояга етказиш мақсадида қўйидаги йўналишларга қаратилди. Яъни, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси руҳида тарбиялаш, миллий онг ва ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш, маънавий - ахлоқий тарбия ва ижтимоий тафаккурни юксалтириш, жумладан, ижтимоий тарбия, оила тарбияси, фуқаролик тарбияси, иқтисодий тарбия, миллий тарбия, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия, ҳарбий - ватанпарварлик тарбияси шулар жумласидандир.

Маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар орасидан ижодкор, қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида турли танловлар мунтазам равишда ўтказилиб келиниши ўқувчиларимизнинг ўз истъедодларини кенг намоён этишига йўл очади. Жумладан, барча ўқув муассасаларидаги ўқувчилар ўртасида Орол муаммосига оид расмлар чизиш, расмлар орқали ўқувчиларнинг табиатга, ҳайвонат оламига муносабатини ифодалаб бериш қобилиятларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг сағлом – онгли мунасабатини шакллантириш, ўрганиш воситасида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муайян мақсад қилиб белгиланди. Маълумотлардан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида "Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Зулфия номидаги Давлат мукофотига ўтказиладиган танловлар самарадорлигини ошириш ва мукофот тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик дастури» асосидаги қилинаётган ишларда ижобий ҳолатни кузатамиз. Яъни, ушбу танловда Қорқалпоғистон мактаб ўқувчиларидан бештаси ушбу давлат мукофати совриндори бўлди.

Шунингдек, ушбу йилларда белгиланган вазифалардан энг асосийси ҳудудий хокимликлар, ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини таълим соҳасига жалб этишдан иборат бўлди. Бу борадаги ишларини яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида хар бир туман ва шаҳарда биттадан намунали «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги марказлари» ташкил этилиб, фаолияти оммалаштирилиши, ташкил этилган марказларда келажагимиз бўлган ёшларнинг дунёқарашлари, миллий ва инсонпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш, уларнинг маданий ва маънавий кўз-қарашларини кенгайтириш борасидаги амалий ҳамкорлик ишлари бу борадаги фаолият самарадорлигини янада юқорилатди.

Умуман, сўз этилаётган даврда умумий ўрта таълим мактабларида таълим ва тарбиявий мазмуни тубдан модернизация қилиниб, жараён юксак маънавиятли шахсларни шакллантиришга йўналтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. 64-б..

2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 63-б.

3.Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 440-б.

4.Ўзбекистон Республикаси ”Таълим тўғрисида” ги Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т .: Шарқ НМАК,1998. 20-29-б.

5.Ахлитдинов Р.Ш. Ўзбекистон Республикасида мактаб таълимини бошқариш хусусиятлари (назарий методологик жиҳатлар). – Т.: ЎзПФИТИ, 1997. – 50 б.

6.Джўраев Р.Ҳ., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менжментнинг асосий тушунчалари.-Т.: Фан, .2006.-51 б.

7. Сафарова Р.Ғ., Мусаев У.Қ., Иноятова М. ва бошқ. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. – Т.: Фан, 2008. – 224 б.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви. Фонд.35, оп.1, д.79, 194 б .

9.Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архиви материаллари.

Mustaqillik tufayli bularning barchasiga barham berildi, ma’naviy hayotimizda uyg’onish yuz berdi. Xalqimizning milliy ongi, milliy iftixori, ma’naviy dunyosi kundan kunga boyib bormoqda. Bu esa mustaqil davlatimizning ma’naviy asosini yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda, lekin shuni alohida qayd etishimiz kerakki, milliy o’z-o’zini anglash, o’zbekchilik – millatchilik degan ma’noni bildirmaydi. Milliy uyg’onish, milliy g’urur, milliy tuyg’uning tiklanishi – bu milliy rivojlanish bilan uzviy bog’liq bo’lgan tabiiy qonuniy jarayondir.

Milliy qadriyatlarimiz, urf-odat va an’analarimiz qayta tiklanib yanada rivojlangandagina jamiyatimizda o’tkazilayotgan islohotlar muvoffaqiyatli amalga osha oladi, chunki ma’naviy barkamol, ma’rifatli, ruhan bardam, yangicha tafakkurlash qobiliyatiga ega insongina istiqlol va taraqqiyot yo’lidan sharaf bilan o’ta oladi.

Har tomonlama tez sur’atlarda rivojlanayotgan mamlakatimizda yosh avlod tarbiyasi, intellektual yetuk, barkamol insonni shakllantirish masalasi hukumatimizning eng ustuvor maqsadlaridan biriga aylandi.

Lekin har bir ezgu ishlar, yaxshi amallarni ko’rolmaydigan qora kuchlar har zamonda, har davrda bo’lgani kabi, bizning bugungi tinch, osoyishta hayotimizni “ko’rolmay” unga rahna solish, yoshlarimizni turli yo’llar bilan o’zlari tomonga og’dirib olish maqsadida hech narsadan qaytmaydigan odamlar borligini ham unutmasligimiz lozim.

Ko’pincha suhbat chog’ida ayrim ziyolilar, noma’qul musiqa, noma’qul filmlarning millatimiz ruhiyatiga, ma’naviyatiga zid urflarning yoshlarga, umuman odamlar ongi va qalbiga salbiy ta’siri haqida kuyunib gapirib qolishadi. Darhaqiqat, na ma’no, na mazmun bo’lgan, insoniy hislardan ko’ra ko’proq past instinktlarni qo’zg’ovchi qo’shiqlar, g’oyaviy bo’sh, hatto zararli film kabi “ommaviy madaniyat” namunalariga hayotimizda ayniqsa bugungi globallashuv jarayonida ko’p duch kelayapmiz.

Bizga ma’lumki, matbuot sahifalari, televideniye, teatr, kino, san’at (turli janrlari), bu insonlarning ma’naviy va madaniy tarbiyasini tarbiyalovchi vositalardir. Biz mana shu vositalar asosida o’zimizning kiyinishimiz, muomala madaniyatini, insonlar o’rtasidagi turli mavzulardagi munosabatlarni o’rganamiz. Shuning uchun ham ayrimlarning, chetdan yog’ilib kelayotgan “asar”larning yo’lini to’sish yoki ba’zi “san’atkor”larimizning ijod namunalarini badiiy ko’rikdan o’tkazish haqidagi fikri to’g’ridir. Ammo butun

dunyoda baloi azimga aylangan salbiy ko'rinishdagi "ommaviy madaniyat"ning tarqalishi oldini olib bo'larmikan? Kishilarni "ommaviy madaniyat" qulligidan buyruq yoki farmon bilan xalos etish mumkinmikan? Shu o'rinda hurmatli Prezidentimizning ilgari surgan, **"g'oyaga qarshi g'oya, fikrga qarshi fikr, jaholatga qarshi faqat ma'rifat bilan bahsga kirishish mumkin"** degan fikrlarining mazmun-mohiyatini naqadar teranligi va doimo dolzarbligini anglashimiz mumkin.

"Tabiiyki, "ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo'ravonlik, individualizm, egozentrizm g'oyalarini tarqatish, kerak bo'lsa, shuni hisobidan boylik orttirish, boshqa xalqlarning necha ming yillik an'ana va qadriyatlari, turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi". "Ommaviy madaniyat" G'arb dunyosida o'tgan asrning ikkinchi yarmida shakllandi. Uni G'arbda "populyar" yokli qisqartirilgan holda, "pop-kultura" (ya'ni "ommaviy madaniyat") deb atashadi. Garchi "madaniyat" deb atalsada, aslida, tub ma'no-mazmuniga, niyat-maqsadiga ko'ra "ommaviy madaniyat" chinakam madaniyatning kushandasidir.

Mutaxassislarning fikricha, hali ilm-fanda "antikultura" ("g'ayrimadaniyat") degan ilmiy tushuncha shakllanmaganligi uchun "ommaviy madaniyat" tushunchasi, nochorlikdan qo'llanilmoqda. Chunki, "ommaviy madaniyat", aslida madaniyatsizlik, ya'ni ma'naviyatsizlik va axloqsizlik sinonimidir. "Ommaviy madaniyat" shu boisdan, yuksak iste'dod va o'lmas ma'naviy-axloqiy g'oyalar bayroqdori bo'lgan mumtoz madaniyatga, san'atga, uning boyliklariga qarshi tish-tirnog'i bilan kurashib, uni inkor etib kelyapti. Taassufli jihati shundaki, gohida g'oyatda istedodli insonlar ham targ'ibotchilarning qutqusiga uchrab, uning tegirmoniga suv quymoqda. Agar "ommaviy madaniyat" dunyoga "ehson" etayotgan "pop-art" ("tasviriy san'at"), "pop-muzika", "pop-adabiyot" natijalariga qarab hukm yuritadigan bo'lsak, ular insoniyat yaratgan barcha qadriyatlarni isyonkorlik bilan inkor etadi: yuksak madaniyatni, ma'naviyatni, axloqni, yuksak orzu-maqsadlarni mensimaydi … Ular uchun ezgulikning o'zi yo'q. jumladan, san'at – alohida iste'dodlar tomonidan yaratiladigan ma'naviy boylik, mo'jiza ekanligi kabi ijodning oily mezonlari "ommaviy madaniyat" tarafdorlarining g'ashini keltiradi. Ularning fikricha, hamma san'atkor bo'lishi mumkin. Hamma narsa san'at atalishi mumkin. "Pop-art" ("ommaviy san'at") shu xulosa manbaida vujudga kelgan. "Ommaviy madaniyat" tarkibidagi kishilarning dasturiy qarashi shundayki, ular insonni emas, aksincha, narsalar va buyumlarni e'zozlashadi. Ma'naviy dunyoni emas, maishiy iste'molchilik his-tuyg'ularini qadrlaydilar va ularni keng ommalashtirishga intiladilar. Ularning ma'naviy pozitsiyasi – ma'naviyatni o'ldirish va "narsalarga qullik"ni rag'batlantirishdir. Amerikaning taniqli adibi **R.Bredbern** aytganidek, **"ommaviy madaniyat" maktabidan o'tgan avlod uchun hayotning ma'nosi – avtomobil, televizor, kompyuter va shunga o'xshash texnik vositalargagina ega bo'lishdir.** "Ommaviy madaniyat"da "Ommaviy musiqa" alohida o'rin tutadi. "Ommaviy musiqa"ni "Yangi rok" belgilaydi. "Yangi rok", ta'bir joiz bo'lsa, kuchaytirilgan ritmik tuzilmali musiqadir. Ya'ni jazavali ritm, zarb, shovqin ushbu musiqaning qiyofasidir. Bu musiqa tinglashga emas, balki, vujud harakatiga, talvasali raqsga yo'naltirilgan. "Ommaviy madaniyat"dagi texnik-ijro vositalari musiqa imkoniyatlarini nihoyatda toraytirmoqda, polifonizm – musiqiy sadolar boyligi va rang-barangligini yo'qqa chiqarmoqda.

Xullas, G'arb jamiyati ma'naviy hayotida inqiroz tushkunligi tufayli buzg'unchilik, ommaviy nevroz, axloqsizlik, tajovuzkorlik kabi holatlar namoyon bo'lib, tobora xatarli tus olmoqda. Zero, globallashuv jarayoni, zamonaviy kommunikatsiya tarmoqlarining jadal rivojlanishi, madaniyatlararo, insonlararo muloqot kengayib borayotgan bir pallada Vatanimiz mustaqilligini mustahkamlash, ajdodlarimiz qoldirgan ma'naviy-madaniy merosni asrab –avaylash va kelgusi avlodlarga bekamu-ko'st yetkazib berish, yoshlarimizni aqlli, dono, baxtli va barkamol etib tarbiyalash g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Shu ma'noda turli g'oyalar, hayotiy qarash va qadriyatlar to'qnash kelgan paytda shaxs mas'uliyati, u tanlaydigan ijtimoiy orzu-umudlarning ahamiyati beqiyos darajada ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.I.A. Karimov, "Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir", 3-jild,-T. "O'zbekiston", 1996.

2. I.A. Karimov, "Yuksak ma'naviyt – yengilmas kuch", Ikkinchi nashr, – T,"Ma'naviyat", 2011.

3. A.Maqsudov, "O'zbek milliy-diniy qadriyatlari va "ommaviy madaniyat" o'rtasidagi munosabatlar", mavzusidagi BMIdan, - T, 2014,

ЁШЛАРДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Б.Рахимов, п.ф.д., доц. ГулДУ, Э. Файзуллаев, Жиззах ДПИ, педагогика фанлари номзоди,
Г.Исаева ГулДУ, педагогика фанлари номзоди
Д.Рахимова, Гулистон МТ ва ХККҲ коллежи бўлим бошлиғи

In this article is organized the system of continuous education, independent works and theoretically-practical aspects and effectiveness degrees are illuminated

Key words: *knowledge, habit, qualifications continuous education, independent works*

Ҳар бир билим олувчининг бошланғич тайёргарлиги, характери, психологик ҳолати, қобилияти, иқтидори, интилиши ва мақсадлари, иштиёқи ва тиришқоқлигига қараб уларга алоҳида-

алоҳида ўқитиш услубларини танлаш лозим. Айниқса, уларнинг ҳар бирига алоҳида юқоридаги хусусиятларни эътиборга олган ҳолда мустақил ишларни танлаб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин. Қолаверса, билим олувчилар мустақил ишларини текширишда уларни рағбатлантириш, тегишли мотивацияни, қизиқишни уйғотиш самарали ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан холда шуни айтиш жойизки, таълим тизими жамиятнинг ривожланиш қонун-қоидаларига таянган ҳолда тараққий этади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш йўлида амалга оширилаётган ишлар миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради.

Инсон онги тарққий этмас экан, ижтимоий ҳаёт жабҳаларида ҳеч бир ўзгариш сезилмайди. Узлуксиз таълим тизимида билим олувчи ҳар бир мавзу бўйича янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиши, керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаши, ахборот манбаларидан унумли фойдаланиши, анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаши, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиши ва берилган топшириқларнинг ечимини белгилаши, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишлари зарур. Бунда эса болага мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда татбиқ этиш учун керакли замонавий шаклдаги шарт-шароитлар талаб этилади.

Замонавий талаблар асосида узлуксиз таълим тизимида таълим шакли, босқичи ва йўналишидан қатъий назар ўқув режаларидаги умуий ўқув соатлари ҳажмини сақлаб қолган холда аудитория ўқув соатлари ҳажми камайтирилиб ўқувчилар мустақил ишлари учун белгиланган ўқув соатларининг миқдори орттирилиши ўқувчилар мустақил фаолияти, мустақил фиклаши, мустақил фаолият кўникмаларининг шаклланиши гаровидир. Узлуксиз таълим тизимида мустақил ишларнинг асосий шартларидан бири эса узлуксиз таълим тизимида мустақил ишларни таълим жараёнига татбиқ этишга оид технологик ёндашув мазмунини тегишли ўқув дастурлар, илмий манбалар, илмий-методик адабиётлар мазмунида ёритилишидир. Узлуксиз таълим тизимида мустақил ишларнинг ташкилий шакллари зарурий, методик йўриқномаларни ишлаб чиқишдир.

Маълумки, таълимни ташкил этиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, унга асосан таълимнинг асосий шакли – дарс шаклидан ташқари ўқувчи мустақил равишда билимларини ўзлаштириши катта аҳамият касб этади. Умуман олганда ўқитувчи тўғри йўлни кўрсатиб, билим олиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берса, билим олувчининг мустақил интилиши эвазигагина билимни мукаммал ўрганиши мумкин бўлади.

Ўқув жараёнидаги мустақил ишларига асосан қуйидагилар киради:

-ёзма ва оғзаки шаклда машқларни, уй вазифаларини бажариш;

-мустақил мавзулар бўйича текстлар тузиш, ўқиб ва сўзлаб бериш, тахлил қилиш;

-ноъмалум текстларни изоҳлаб бериш;

-дарс вақтида оғзаки ва ёзма машқлар қилиш;

-лингафон тизими , видео ва компютер техналогиялари ёрдамида ишлаш;

-амалий дарсларда ўқувчиларнинг билим савиясини аниқлаш мақсадида ўзаро сухбатларни уюштириш;

-ёзма ишлар, (ЎЎЮ талабалари учун реферат, курс ва малакавий битирув ишларини) ни бажариш, назорат саволлари ва тестларнинг жавобларини тайёрлаш;

-махсус адабиётлар билан ишлаш (узлуксиз равишда) такрорлаш ва бошқалар.

Узлуксиз таълим тизимида мустаққил ишларини асосан икки турга бўлса бўлади: ёзма ва оғзаки. Ёзма турдаги мустақил ишлари асосан ёзув қонун-қоидаларини ўзлаштиришга ёрдам берса, оғзаки мустақил ишлар амалий ҳаётда ўрни беқиёсдир. Аслида ёзма турдаги мутолалар барча оғзаки нутқни ўстириш, мустақил фикалаш ва сўзлашга олиб келиши учун биринчи босқич, пойдевор бўлиб ҳизмат қилади. Шунинг учун ўқувчилар мустақил ишларида энг аввало ёзма тарздаги мустақил ишларга эътибор бериш даркор.

Узлуксиз таълим тизимида билим олувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда юқоридаги илмий таҳлил ва хулосалар, амлий тажриба натижалари, методик тавсиялардан келиб чиққан ҳолда яна шуни айтиш жойизки, мустақил ишларни ўқув жараёнига татбиқ этишда билим олувчиларнинг ёши, ўзига хос индивидуал – психологик хусусиятларини хисобга олиш, бунинг учун педагог – ўқитувчи нафақат назарий билим, қолаверса, амалий педагогик тажрибаларга пухта эга бўлишлари зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. 64 б.

2.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:”Ўзбекистон”,2010.-173 б

4.Джураев Р.Х.,Шегай И.Л. Роль образования в формировании гармонично развитого поколения в условиях глобализации эканомики // Узлуксиз таълим.-Тошкент, 2013.№6.С.45-48.

NUTQNING GLOBALLASHUV JARAYONIDAGI O`RNI HAQIDA

S.H.RO`ZIYEVA, BuxDU o`qituvchisi
E.Y.Islomov, BuxDU o`qituvchisi

Tilshunoslikda nutq madaniyati tushunchasini til madaniyati va so‘zlash madaniyati tushunchasiga ajratish izchillikka ega emas. Umuman, bu ikki tushuncha, asosan, birga yoki qorishtirilgan holda nutq odobi yoki til madaniyati atamasi bilan yuritilmoqda. Demak, bu holda til madaniyati, nutq madaniyati atamasiga ekvivalent bo‘lib kelmoqda. Shu sababli ham, biz nutq madaniyati nomi bilan umumiy tarzda yuritilayotgan tushuncha (hodisa)dagi ikki holatni til madaniyati va nutq, ya’ni so‘zlash madaniyatini farqlash tarafdorimiz. Nutq odobi tushunchasi va atamasi keltirilgan ikki hodisa uchun umumiy tasavvur va umumiy nom tarzida tushunilishi mumkin [2, 15]. Ammo “til madaniyati”, “nutq madaniyati” tushunchalari tilga oid atama sifatida bir-birlaridan farqlansa ham, aslida ularning birini ikkinchisidan ajratib bo‘lmaydigan, biri ikkinchisini taqozo qiladigan tushunchalardir. “Nutq madaniyati” aniq ma’noda til birliklarini nutq jarayonida qo‘llashning me’yori, maqsadga muvofiqligini anglatsa ham, umumiy ma’noda ma’lum millatning umumtil doirasida qaraladi. Til madaniyati, so`zlash odobi haqida gapira turib hozirgi kunda jamiyatimiz kishilarining nutqiga e`tibor qarataylik. Umuman olganda boshqa tillardan so‘z o‘zlashtirish ulardan nutqda faqat zaruriyatga ko‘ra foydalanish salbiy hodisa emas. Bugungi kunda ayrim yoshlar nutqida o`zbekcha so`zlar qatorida ruscha va inglizcha o`zlashma so`zlar yonma-yon tarza qo`llanib kelinmoqda. Nutqida o’rinsiz o`zlashma so`zlardan, iboralardan foydalansa, go`yoki, shu tillarni yaxshi biladigan kishidek tasavvur etadi o’zini. Aslida bu o`z til boyliklarini, uning imkoniyatlarini to`liq anglamaganlik oqibatidir. Ruscha va inglizcha o`zlashma so`zlarni talaffuz qilishda imlo qoidalariga ham amal qilmaslik hodisasiga duch kelamiz. Gap shundaki, varvarizm sifatida qaraladigan **nu, tak, vot, savsem (sovsem), vabshe (voobshye), tolka (tolko), tolka tak, (tolko tak), yesvestvena, (yestvestvenno), ob’yazatelno, koneshna, (konechno), uji, (uje), pashti, (pochti), prinimat qilmoq, chto, znachit, kak raz, neujeli,(nujeli), tem boleye,(tem bole), dokument, oformit qilmoq, organizovat qilmoq, razresheniye olmoq, podpis qo‘ymoq, bo, akun, soni , goodbye, see you soon, lets goo, thanks** kabi so‘z va birikmalarning o‘zbek tilida aynan ekvivalentlari mavjud. Biz ularni, ijtimoiy muhit ta’siridan bo‘lsa kerak, albatta, farqiga bormasdan ishlataveramiz. Nutqda varvarizmlarni o’rinsiz qo’llanilishi ijobiy hodisa emas.

Davr barcha ziyolilar qatori tilsunoslar oldiga ham yangi va ulkan vazifalarni belgilaganki, o’z yechimi kutayotgan dolzarb masala, birinchidan, nazariy jihatdan, ikkinchidan, amaliy tomondan, aniqrog‘i, nutqiy madaniyat masalalari bilan shug‘ullanishni taqozo etmoqda. Tilning barcha qatlamlaridagi birliklarni tartibga keltirish, adabiy tilimizning qat’iy me’yorlarini belgilash, ularni imlo va talaffuz qoidalari asosida yozish va so‘zlashni xalqimiz orasida ommalashtirish, bu qoidalarni lug‘atlar shaklida mustahkamlash bugunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi. Bular orasida xalqimizning nutq madaniyatini yuksaltirish muhim bo‘lib qoladi. Chunki milliy istiqlol g‘oyasi yurtdoshlarimizni ma’naviy yangilanish va islohotlar jarayonining faol ishtirokchisiga aylantirish, yoshlarimizni esa erkin, shu bilan birga, odatdagi, an’anaviy usullardan voz kechib, yangicha fikrlashga o‘rgatishni maqsad qilib qo‘yar ekan, bunga til madaniyatisiz erishib bo‘lmaydi [3, 24]. Tilning haqiqiy ijodkori, yaratuvchisi xalq hisoblansa ham, uning taraqqiyotida olimlarimizning, shoir va yozuvchilarimizning, davlat va jamoat arboblarining, pedagoglar va matbuot xodimlarining, kino, teatr san’ati ustalari va nashriyot xodimlarining hamda jurnalistlarning xizmatlarini qayd qilish lozim. Badiiy ijod jarayonida shoir va yozuvchilar o‘z fikr va hissiyotlarini boshqa ijodkorlardan farq qiladigan, favqulodda original ifodalarda berishga intiladilar. Bu yo‘lda ular yangi so‘z va iboralar yaratadilar. Xuddi shu yaratilgan noyob topilmalar nutq odobini shakllantirishga, ya`ni nutq madaniyatini yaratishga asos bo`lib xizmat qiladi. masalan: Shovillaydi tun bo‘yi shamol. Qaldirg‘ochlar uchun larzakor (A.Oripov. Shovilladi tun.), Lekin faqirga eng ulug‘ tuyulgan fazilatlari - Hazrat Mirning iste’dodshunosliklari-yu, zakovatparvarliklari edi (P.Qodirov. Yulduzli tunlar), Ammo samo o‘g‘li yashinvor, Tashlanmasdan ohuga yovqur, Changalidan ketgandi mador, Ko‘zlarida so‘ngan edi nur (O. Matjon. Aks-sado) kabi.

Lekin badiiy adabiyot matnida ba’zan boshqa manzaraga ham duch kelamiz. Ollayor Begaliyev «Yo‘qolgan tabassum» hajviy hikoyasida (Sharq yulduzi, 1988,7) qo‘llagan ayrim so‘z va iboralarni til me’yori va mantiq me’yori nuqtai nazaridan qanday tushunish lozimligiga o‘quvchi qiynaladi. Jumladan hikoyada shunday ibora va jumlalar bor: tabassumni tashlab kirmoq; tabassumini katta-kichik, qalin va yupqa, bo‘yalgan va tabiiy, samimiy va g‘arazli tabassumlarni tartibsiz qalashib yotgan kotibaning stoli ustiga tashlab ketmoq; tabassumlarini qabulxonada qoldirmoq; tabassumidan ayrilmoq; mo‘jaz tabassum; tabassumini yechib-kiyib yurmoq; tabassumi bilan kirmoq; tabassumidan ayrilmay o‘tirmoq; tabassumini uyiga tashlab kelmoq; tabassumini supurib, o‘raga tashlab kelmoq; tabassumlarini o‘z joyiga qo‘ndirmoq; o‘z tabassumini olish uchun kotibaning stoliga engashmoq; tepkilangan tabassumini bukilib olmoq; tabassumining changini qoqmoq; tabassumini joyiga o‘rnatmoq; elliginchi razmer tabassum; yangi tabassum; barkashdek yuzidagi qovunning tilimini eslatuvchi tabassum; baxtsiz tabassum; kichkina tabassumni kattalashtirmoq; o‘z tabassumiga tikilmoq; tabassumli kulishni o‘rganmoq kabilar. Bu iboralar va

jumlalardan tabassumning nima ekanligini bilolmaydi. Hikoyani satiric jihatlarini kuchaytirish maqsadida tasvirni bu qadar bachkanalashtirib yuborish asarni badiiyatdan ancha olislashtirib yuboradi. Bunday hodisalar asl o`zbek nutqining buzilishiga, so`zlarning noodatiy tartiblarini paydo qilishga olib keladi. O`sib kelayotgan yosh avlod nutqini me`yorlashtirishdek, nutq odobini shakllantirishdek mas`ulyatli vazifa biz tilshunoslarning zimmasida ekan bunday hodisalarga befarq bo`lmasligimiz lozim. Shunday qilib, o‘zbek adabiy tilining qanchalik me’yorga keltirilganligi va unga qay darajada amal qilinishi umummilliy o‘zbek madaniyatining taraqqiyot darajasini belgilovchi omillardan sanalar ekan, bu muammo bilan shug‘ullanish tilshunoslarning bundan keyin shug‘ullanishi va hal qilishi lozim bo‘lgan dolzarb vazifasi bo‘lib qolaveradi.

A D A B I Y O T L A R

1. Begmatov E. O‘zbek nutqi madaniyati masalalari // O‘zbek tili va adabiyoti, 1980, 4-son.

2. Qo‘ng‘ u r o v R.Q., K a r i m o v S.A, Q u r b o n o v T.I. O‘zbek tilining funksional stillari. – Samarqand, SamDU nashri, 1984.

3. Qo‘ n g‘ u r o v R., K a r i m o v S., Q u r b o n o v T. Nutq madaniyati asoslari, P qism. – Samarqand, SamDU nashri, 1986.

4.Sh o m a q s u d o v A. O‘zbek tili stilistikasi. –T., O‘qituvchi, 1983.

5.Q i l i ch ye v E., Q i l i ch ye v B. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. – Buxoro, 2001.

АХБОРОТ ХУРУЖИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Назаров Акмал Мардонович Бухоро давлат университети
Сулейманова Дилнора Илхомовна, Ҳикматова Зарина Ибодулла қизи
Психология йўналиши талабалари

Юртимизда халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод ва обод, экин ва фаровон ҳаёт, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз ана шу ҳақиқатни ҳар томонлама тушуниб етгани, танланган тараққиёт йўлимизни онгли қабул қилгани ва қўллаб-қувватлагани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови маънавий тарбия эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Дунёнинг таниқли сиёсий арбобларидан бири Махатма Ганди шундай ёзган эди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам ҳоҳламайман”. Бу фалсафий сўзларни бугунги ахборот хуружлари ва ёд ғояларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шаклларига ва таълим-тарбия тизимига салбий ёки ижо-бий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Саноати ва юқори технологиялари ривожланаётган жамиятда одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳитини яхшиланиши тўкин ҳаётга эришишга бўлган шахсий интилиши уларнинг асл қадриятларга, жумладан, оила ва никоҳга, ёшлар тарбиясига бўлган муносабатларида кескин инқирозни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда бу ҳолат гедонистик психологиянинг асоси деб баҳоланади, унинг оқибати жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётганлигини очиқ эътироф этади. Гедонезмнинг маъноси, шахс ва унинг хулқ-атвори мотив-ларида фақат нималардандир лаззатланиш, қониқиш олиш ва ўзидаги ички ру-ҳий изтироблардан ҳоли бўлишга интилиш устивор бўлади. Аслида инсоннинг тўқ ва фаровон ҳаётга интилиши, яхши яшашни хохлагани айб эмас, лекин бундай тўкинчилик инсонийлик қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас. Инсо-ниятни ташвиш ва хавотирга солган нарса шуки, бундай онг ва шуурдаги ўзгаришлар баъзи бир европа халқларининг энг зарур ва муҳим қадриятларига нисбатан салбий муносабатларда ифодаланади. Масалан, Европада туғилаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз туғилаётганлиги, туғилишнинг кескин камайиб кетганлигини, умуман аёллар ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истамаётганлиги, ижтимоий яшаш тарзи яхши бўла туриб фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга сарфланадиган харажатлардан қочаётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Бундай салбий ғоялар ёшларимизнинг айримларида кузатилиши жуда ачинарли албатта ва бундай иллатларни олдини олиш учун ҳар бир шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун ёшларда мустақил фикр бўлиши лозим. Дарҳақиқат, Президен-тимиз Ислом Каримов “Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-хануз яратилмаган тушунча-ларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади. Бу мафкура халқни халқ, мил-латни миллат, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч–эътиқодини ифода-лайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб ман-фаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.” деб таъкидлайдилар

Шундай экан миллий ғоя мамлакатимизда истиқомат қилаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак ёшларимизнинг мақсад-муддаолари, истиқболда тинч ва фаровон яшашига кафолат берувчи ғоявий куч бўлиб, у миллатни миллат, халқни халқ этиб бирлаштирувчи кучли омилдан биридир.

Юқоридаги фикрларимиз мисолида ёшларимизга эзгу ғояларни тарғибот ташвиқот қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш яхши самара бериш мумкин:

Маънавий-маърифий тарғибот орқали ҳамма оилада, маҳаллада, кенг жамоатчиликда ахборот тармоқлари, жамоат ташкилотлари орқали узатиши тарғибот ва ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир, агарда тўғри тарғиб қилинса, ёшларни бузғунчи ғоялардан асрайди, ўз қарашларини ўзгартиради;

Ижтимоий сўровлар орқали ёшларни фикрини ўрганиб бориш, улар билдирган фикр-мулоҳазалари асосида мафкуравий тарғиботни олиб бориш мумкин. Бунга асосан қуйидаги учта омилга аҳамият бериш зарур. Биринчи омил-сўровда иштирок этаётганларни мазкур сўровдан ижтимоий манфаатдорлигини, иккинчи омил баҳс-мунозарага сабаб бўладиган вазият, учинчи омил-иштирок этаётганлар мазкур фикрга нисбатан аниқ қарашлари бўлиши керак;

Оммавий ахборот воситаси орқали ёшлар фикрига тез ва кучли таъсир эта олиш. Чунки ҳар бир оилада оммавий ахборот воситалари хабарларидан фойдаланилади ва инсонларнинг маълумот олиш манбаи бўлган бу восита орқали ёшларимизга миллий ғояларни сингдириш қулайроқдир;

Бадиий адабиёт орқали ҳам ёшларимизга сабр-қаноат, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат каби фазилатларни қалбларга сингдириш яхши самара беради деб уйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

4. Ф.Мўминов, Ш.Баротов. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013.

5. Глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоя ва мафкуралардан муҳофаза қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари /илмий амалий конференция материаллари тўплами – Бухоро:ООО “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2015.

ТАРБИЯСИ “ОҒИР” ЎСМИРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИ

Ш.Д. Абдуллаев. п.ф.н БухДУ
Д. У.Хаитова 4- курс. Бух.ДУ

Ота – оналар томонидан ишлатиладиган хар қандай тарбия воситалари ўсмирда ижобий хусусият ва юқори ғоявий кўзланган мақсадни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

Мақсадга йўналтирилган тамойиллар ота – оналарнинг ўсмирларни ростгўй ва виждонли, уларнинг ижобий хулқ – атворини йўқотиш, ноҳақлик, алдов ва ёлғонни четлаб ўтишни таказо этади. Ўсмирларни қайта тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйиб, тарбия услублари тизимини ўрганиш, яъни зарурий хулқ – атворни шакллантириш мақсадида, шахсга тарбиявий – ташкилий таъсир кўрсатиш йўллари ва услублари мажмуи орқали сингдириш лозим. Тарбия услубининг тўғри танланганлиги ўсмирлар тарбиясига ижобий туртки бўлади. Оилада ўсмирларни тарбиялашнинг ишонтириш, ижобий натижа, рағбатлантириш ва жазолаш каби услублар асосий ўрин тутади.

Болаларни тарбиялашда ишонч ёки ишонтириш услуби етакчи ўрин тутади. Бу услубни қўллашда ота – оналардан самимийлик ва ростгўйлик талаб қилинади. Ишонтириш услубининг асосий шаклларидан бири суҳбат бўлиб ҳисобланади. Бунда пухта тайёргарлик талаб этилиб, у асосан, ота-оналар томонидан амалга оширилиши лозим. Суҳбат асосан, ўсмирнинг ножўя хатти – харакатини таҳлил қилган ҳолда кўрилади. ишонтириш билан биргаликда ота – оналар бошқа, яъни буйруқ бериш, панд насиҳат қилиш, эҳтиёткорлик шаклларини ҳам қўллашлари лозим. Насиҳат қилиш жонга тегадиган ва ҳар қандай ҳолатда инжиқлик қилишга мажбурлашга айланмаслиги керак. Ехтиётқорлик, ўсмирни ҳар қандай ножўя ҳаракатларни амалга оширишдан сақлайди. Ишонтиришнинг асосий шаклларидан бири – дўстона маслаҳат бериш. Қайта тарбиялашнинг бошқа услубларидан яна бири – машқ бажариш ҳисобланади. Бунда ижобий ахлоқий тажриба тўплаш мақсадида ўсмирнинг ўзи жамият учун фойда келтирадиган фаолиятда иштирок этади. Бу эса, онгли – ахлоқий хулқ – атвор малакасини шакллантириш имконини беради

Ахлоқий малакани шакллантиришда шахсий намуна асосий ўрин эгаллайди. Афсуски, кўпчилик оилаларда катта кишиларнинг хулқ – атворининг салбий хатти – харакатлари ҳолати кузатилади. Шу сабабли, ўз фарзандларнинг тарбияси билан шуғулланадиган ота – оналар, авваломбор, катталарнинг ўзлари намуна тариқасида, болалар ва оиланинг бошқа аъзолари билан яхши, самимий муносабатда бўлишлари керак, акс ҳолда, оилада тарбияси “оғир” ўсмирларни тарбиялашда яхши натижалар бермаслиги мумкин.

Ижобий намуна ўсмирга, нафақат намунали ҳатти – ҳаракат намунаси бўлиб, балки чиройли хулқ атворни чуқурроқ англашига ёрдам беради, маънавий тушунчани шаклланишига имкон беради.

Ўсмир учун шахсий намуна бўлиб унинг ота-онаси ҳисобланади. Шу маънода А. С. Макаренко қуйидаги фикрни айтади: “ Гапирганда кичгина ўзгаришни бола кўради ва ҳис қилади, фикримиздаги барча бурилишлар унга кўринмас йўллар орқали бориб етади, сиз эса, буни пайқамайсиз. Агар сиз уйда қўпол ёки бахил, ёки ароқхўрлик, ёхуд бундан ҳам ёмон ҳолатларни содир қилсангиз, онасини ҳақоратласангиз, бу ҳолда сиз тарбия ҳақида ўйламасангиз ҳам бўлади; сиз аллақачон фарзандигизни тарбиялаб бўлгансиз ва ёмон тарбиялаяпсиз, энди сизга ҳеч қандай тарбияга оид маслаҳатлар ва усулларнинг ҳожати қолмайди”.

Ота – оналар ўртасидаги шавқатсиз, совуқ муносабатлар, ишончсизлик, зиқналик, кўполлик ўсмирни улардан узоқлаштиради. Болаларни тарбиялаш тизимида ота-оналар олдида турган асосий вазифа – бу ўсмирга, муросасиз муносабатларга, ахлоқсиз хулқ атворга бефарқлик ҳиссини уйғотиш ҳисобланади.

Ҳар бир ота – она ўз фарзандини тўғри тарбиялашни хохлайди. Аммо ҳамма ҳам ўзининг хулқ – атворига танқидий қараш қобилиятига эга эмас, қайта тахлил қилиш орқали ўсмирга бунинг ўзи қандай таъсир кўрсатишини англай олиш керак.

Тарбияга лоқайтликнинг олдини олишнинг асосий шарти, тарбиянинг тўғри олиб борилиши ҳамда ота-оналар ва бошқа оила аъзоларининг хулқ-атворидаги салбий холатларининг бўлмаслиги ҳисобланади. Бундай усуллардан яна бири, рағбатлантириш ва жазолаш чораларидир. Болаларни тарбиялаш жараёнида, баъзида жазолаш усулини қўллашга тўғри келади, донишмандлар ўгитлари бўйича, тартиб интизом бузувчиларга қарши курашда **“ тарғибот ва ташвиқот олиб бориш билан қониқмай... курашни мажбурлаш орқали олиб бориш керак”.** Ўсмир ҳар доим жазолаш сабабини билиш лозим, акс ҳолда, унга бериладиган жазо ҳеч қандай наф бермайди. Ўсмирларга бериладиган жисмоний жазо, унинг тарбиясига катта зарар етказади, қайсики, бунда ўсмир билан катталар ўртасидаги низога сабаб бўлади. **Рағбатлантириш ва жазолаш** ўртасида зиддият бўлмаслиги керак. Буларни қўллашда ҳуқуқий нормаларни инобатга олиш ҳамда ҳамда фуқаролар ҳуқуқи ҳамда болалар мажбуриятлари ҳақидаги тушунчаларни тўғри қабул қилиш лозим. Жазолашнинг мақсади унинг ўз вақтида қўлланилиши, зарурлиги ҳамда эҳтиёткорлиги, шахс ва унинг хатти-харакатининг меъёрида бўлишидан иборат. Болани рағбатлантириш ва жазолашдаги ҳиссиёт холати ҳақидаги тушунчани тўғри қабул қилиш жуда зарур, чунки кўрсатиб ўтилган усулларнинг тарбиявий мақсадга йўналтирилганлиги асосида ушбу масалаларнинг мослиги юқорилигига эришиш ётади.

TARBIYASI OGIR O’SMIRNING JAMOADAGI O’RNI

Sh.D.Abdullaev p.f.n., D.U.Xaitova, M.F.Mannonova 4 –kurs talabalari Bux.DU

O’smirning jamoadagi urnining yo‘qolganligi bilan bog‘lik bo‘lgan qoniqarsizlik hissiyotining chukurlashuvi, o’z-o’zini baxolashdagi tarkoksizligi va tortinchokligi darajasi uni psixologik jixatdan yakkalanib kolishiga olib keladi. Sinf jamoachi hamda ukituvchilar nazaridan chetda kolgan o’quvchi salbiy muxitdan najot izlay boshlaydi. Asosan, bunday xolatlar tarbiyasi ogir bo’lgan o’smirlarda sodir bo’ladi.

O’smirning o’zi tengdoshlari bilan muammoli munosabatlarda bo’lganda, sinfda yoki guruxda o’zining mavkeini o’zgartira olmaydi.

Bunday o’quvchining sinf jamoai bilan muammoli munosabatiga pedagog o’z vaqtida e’tibor karatishi kerak.

Muammoli vaziyatlar quyidagi xollarda paydo bo’ladi:

a) O’quvchilar va sinf jamoasi o‘rtasida;
b) O’quvchi va o‘qituvchi o‘rtasida;
c) Maktab va o‘quvchilarning ota-onalari o‘rtasida.

Muammoli xolatlarni hal etishning samarali yo’llari quyidagilardan iborat:

a) O’quvchining sinf jamoasi oldidagi mavqei, asosan, o‘smirlik davrida shaxsning axloqiy rivojlanishida kata urin egallaydi. Agar o’smir o’zining sinf jamoai orasida ijobiy mavqega ega bo’lsa, unda o’smirda shaxsning ijobiy xususiyati shakllanadi, uning xulqida hamjihatlilik xususiyati rivojlanadi.

Agarda, o’smir sinfda paydo bo’lgan shaxslararo munosabat tizimida salbiy mavqega ega bo’lsa, unda o’smirga shaxsning salbiy xususiyati rivojlanadi, uning xulqidagi yakkalik xususiyati shakllanadi

Buning uchun:

- Sinf jamoasida soglom ma’naviy muxitni tashkil etish lozim;
- Sinfda jamoa fikrini shakllantirish lozim;
- Sinf jamoai orasida o’quvchi mavqeini me’erlashtirish lozim;
- O’quvchi va sinf jamoai o’rtasidagi o’zaro munosabatlarni ijobiy shakllantirish lozim;
- O’quvchiga nisbattan dustona munosabatlarni yaratish lozim.

Tarbiyasi ogir o’smirlar bilan ishlashda:

- Bunday o’smirlar shaxsini chuqur o’rganish, ularning ijobiy axloqiy sifatlarini rivojlantirish, ular bilan olib boriladigan tarbiyaviy ishlar jarayonida bunday o’smirlarning individual xususiyatlarini inobatga olish lozim;
- Qiyin tarbiyalanadigan o’smirlarning jamoadagi mavqeini, shuningdek, ularning tengdoshlari bilan o’zaro munosabatlarini nazorat qilish, ularning sinf va maktab jamoai hamda undan tashqaridagi jamoalar bilan munosabatlarini inobatga olish;
- Bunday o’quvchilarni sinf va maktab jamoachidan yakkalatib quymaslik;
- Ularning qiziqishlarini hisobga olgan holda maktabda va sinfda utkaziladigan foydali mexnatga jalb etish;

Sinf jamoasi bilan ishlashda:

✓ Sinf jamoasi a’zolariga qiyin tarbiyalanadigan o’quvchilarga nisbattan mexribonlik munosabatlarini tarbiyalash, bu orqali ularga raxmdillik va yordam qo’lini cho’zish hissini uygotish;

Tarbiyasi ogir o’quvchilar o’qiydigan sinfda ishlaydigan sinf raxbarlar va ukituvchilari ularga nisbattan munosabatlarda keng tarqalgan xatoliklar, ya’ni o’smirlarni ularning sinfdoshlari ko’zi oldida shaxs sifatida kamsitish kabi xatoliklardan o’zoklashishi lozim; ularga iltifot ko’rsatish, qupollik, bunday o’smirlarning o’zlashtirishi va xulq-atvoriga berilgan xolisona baxoning berilishi, ularni sinf jamoasiga qarshi qilib qo’yadi.

Maktab o‘quvchilarining ota-onasi o‘rtasidagi muammoli munosabatlarning rivojlanishini quyidagi davrlarga ajratish mumkin: birinchi davrda muammoli ahvol boshlangich bosqichda bo‘ladi, bunda o‘quvchi o‘zining birinchi qoniqarsiz baholarini oladi va maktabda mayda bezorilikni amalga oshirishni boshlaydi. O’qituvchi va o‘quvchi orasida muammoli holatni keltirib chiqaradi.

Agar birinchi bosqichda muammo yechilsa, ikkinchi bosqichda o‘zib ketadi. Muammoli munosabatlarning avj olib ketishi natijasida o‘quvchi pedagogik ta’sir soxasidan tushib qolishi ko’zatiladi, bunda ular tomonidan jamiyatga qarshi qarashlarni o‘zlashtirishga imkon beradi.

Maktabda va o‘quvchilarning ota-onalari orasidagi muammoli munosabatlarning uchinchi bosqichida, o‘quvchi, referent guruxining ta’sir o‘tkazishi natijasida huquqbuzarlik yo‘liga kirib qoladi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

О.Р.Авезов- БухДУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси.
Д.У. Хаитова- БухДУ бошланғич таълим йўналиши талабаси

Бир қатор мамлакатларда бўлгани каби, бизнинг республикамизда ҳам фақат Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тузилмаларида тегишли қайддан ўтган Интернет-сайтлар оммавий ахборот воситаси деб ҳисобланади.

Масаланинг асл моҳиятига келсак, айтиш керакки, агар бирор бир ахборот канали кенг жамоатчилик учун маълумотлар тарқатар экан, албатта, у оммавий ахборот воситаси бўлиб қолаверади. Интернетнинг аудиторияси эса анъанавий оммавий ахборот воситаларинигка қараганда анча кенгдир. Глобал оммавий коммуникация воситаси сифатида Интернет умуммиллий (Ўзбекистон), минтақавий (Марказий Осиё, Осиё – Тинч океани мамлакатлари), қитъавий (Умумий Европа) ва сайёравий бўлади. Чексиз ахборот имкониятларига эга Интернет фаолият бобида ҳам жуда катта тузилмавий-функционал кўпхилликка эга. Хоҳиши бор ва қўлидан келадиган ҳар қандай одам Интернет орқали ахборот тарқатиш йўли билан оммага таъсир этиш имкониятига эга.

Интернет кенгликларида касбий глобаллашув ҳам юз бермоқда, чунки ҳар бир касб вакили ўз соҳасида эришилган янгиликлар ва илғор технологияларни барча касбдошларига етказиш имкониятига эга. Бундай хизматлар фақат пулли асосда амалга оширилади дейиш хато бўлар эди, зеро кўпгина мутахассислар пулдан кўра ўз ихтиролари ҳақида бошқалар билишини ёки ўз кашфиётлари кенг қанот ёйишини истайди. Виртуал майдонларда шунингдек тил глобаллашуви амалга ошмоқда – жаҳон тиллари ҳисобланган инглиз, хитой, испан тиллари глобал тилларга айланиб бораяпти.

Интернетда журналистиканинг доимий мақсади бўлиб келган кўп тиражликнинг максимал, мутлақ даражасига эришилади. Журналистиканинг ўзи ҳам, энг аввало, айнан оммавийлик принципига мувофиқ пайдо бўлганлигини эслаш жоиздир. Бундан ташқари, Интернет анъанавий журналистиканинг чегаралари ва имкониятларини, турлари, шакллари ҳамда жанрларини кескин кенгайтирди. Ҳатто журналистика жанрлари таркибига умуман кирмаган пресс-релиз Интернет сайтларида энг кенг тарқалган жанрлардан бирига айланди. Интернет – бу дунёнинг замон ва макондаги бевосита борлиғидир, чунки у дунёни 24 соатлик жамиятга айлантирди.

Интернетнинг универсаллиги ахборотнинг кўпқирралиги, уни тайёрлаш ва жойлаштириш осонлиги, қабул қилиш, тушуниш, зоҳиран ва ақлан тез ишлаб чиқиш қулайлиги каби жиҳатларни

қамраб олади. Бу ерда барча турдаги маълумотларни – янгиликлар, таҳлилий материаллар, касбий маълумотлар, статистика, фото, дам олишга оид ва ҳоказо ахборотни топиш мумкин. Шу каби ишларнинг барчасини уддалайдиган ахборот воситаси универсал ОКВ деб аташга лойиқдир. Интернет айнан шундай хусусиятларга эга.

Интернетнинг универсаллиги ахборот манбаларининг мажмуий характерга эгалиги, муаллифлар қарашларининг хилма-хиллиги, ахборот етказишнинг тезлиги, кўпсайтлиги, кўпканаллиги сингари хусусиятларда ҳам ўз тасдиғини топади. Интернетда истеъмолчи фойдаланиши мумкин бўлган архивлар ҳам анчагина. Ҳар бир инсон виртуал кенгликларда хоҳлаганича сайтлар сонини очиб қуйиши мумкин. Ташкилотлар, вазирликлар ёки муайян соҳалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, амалда тармоқнинг электрон кенгликлари чексиздир.

Интернетдан самарали фойдаланиш учун унинг кенгликларида тўғри юриш қоидаларини билиш, яъни навигация маҳоратига эга бўлиш лозим. Навигация – Интернетнинг мураккаб, лекин ўрганилиши зарур бўлган санъатидирки, уни эгалламасдан туриб Интернетда ишлашнинг иложи йўқ.

Бугунги кунга келиб реал борлиқдаги барча нарсаларнинг виртуал нусхаси Интернетда ўз аксини топган. Сиёсий партиялар ва уюшмалар, аҳиллик ва қарама-қаршиликлар, келишув ва баҳслар, ҳимоя ва ҳужумлар электрон кенгликларга кўчган. Айтиш мумкинки, сайёрамиз ижтимоий фикри Интернет тимсолида ўзининг виртуал эгизагига эга бўлди.

Интернет ҳамжамиятида ҳам худди реал дунёдагидек қонуниятлар амал қилмоқда. Фарқи фақат шундаки, реал дунёда реал, Интернетда эса виртуал ўлчовлар иш кўрсатаяпти. Лекин ахборот тарқатилиши тезлигида фарқлар жуда катта: Интернетда бу суръат бир сонияда 300000 километрни ташкил этади, реал дунёда эса бундай тезликда фақат электросигнал ва нур таралади.

Ҳар қайси жамиятнинг ахборий информатузилмаси иккита асосий мезондан – илғор ахборот технологияларига эга бўлиш зарурлигидан ва мамлакатнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Технологиялар бошқа мамлакатлар томонидан зудлик билан (“немис мўъжизаси” деб аталиб, Европада катта тезликда тарқалган китоб босмасига ўхшаб) ўзлаштирилади, лекин миллий хусусиятлар борасида бундай ҳодиса юз бериши жуда қийин, албатта.

Умуман олганда, ахборот инфратузилмаси оммавий ахборот тарқатувчи субъектлар ва техник воситалардан ташкил топиб, унга ахборот агентликлари, телевизион ва радиокомпаниялар ҳамда студиялар, республика, вилоят, шаҳар ва туман газеталари, Интернет секторлари, порталлари ва сайтлари киради. Шу билан бир қаторда ахборот инфратузилмаси таркибида давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижодий уюшмалар ҳам бор. Сигналларни тарқатувчи ташкилотлар – Алоқа ва ахборот агентлиги, телерадиокомпаниялар ва босма оммавий коммуникация воситаларининг тегишли хизматлари унинг техник бўлинмаларини ташкил қилади.

Оммавий коммуникация воситалари тизими – бу жонли, доимо янгиланиб турувчи организм бўлиб, унинг айрим қисмлари вақти келганда фаолият кўрсатишга бошласа, бошқалари фаолиятини тўхтатади, учинчилари ўз шаклини ўзгартиради ва ҳ.к. Ҳар бир мамлакат қанчалик кўп ахборот имкониятлари ва технологияларига эга бўлса, шу қадар кучли бўлади. Ахборот имкониятларига ҳукумат, вазирлик, қўмиталарнинг расмий материаллари, кутубхоналар, ахборот ва таҳлил марказлари, мамлакат, ташкилотлар, муассасалар ва ОКВ таҳририятларининг архивлари, ахборотлар банклари ва базалари, каталоглар, маълумотномалар ва бошқалар киради. Ахборот технологиялари – бу сунъий йўлдош ва кабел орқали боғланишлар, компьютер тармоқлари, замонавий босмахоналар, рақамли видеокамералар, фотоаппаратлар, диктофонлар демакдир.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси мазкур муаммолар Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ғоят муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бунинг долзарблиги давлатимиз учун миллий мустақилликни янада мустаҳкамлашда, иқтисод ва бозор муносабатларининг тадрижий риволанишини таъминлашда, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришда яққол кўринади.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Н.Ж.Бобомуродова БухДУ

Айни вақтда дунёда глобаллашув жараёнлари ўз таъсирини ўтказаётган XXI асрда ижтимоий қатлам бўлган ёшлар масаласи, ҳар бир давлат учун долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистон эришаётган, халқимиз ҳақли равишда фахр-ифтихор этаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил – инсондир. И.А.Каримовнинг: “Ҳеч кимга сир эмаски, инсоннинг қалби ва онггини эгаллаш, айниқса,ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф – хатарлар тобора кучайиб бораёган бугунги ўта нотинч замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт

ва бегона таъсирлардан, бало – қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонламаравнақ топтиришга қодир бўлади.” -деган сўзлари юқоридаги фикрларимизни нечоғли долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига ҳурмат-эҳтиром, Ватани ва халқига нисбатан ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши – бу инсон омилига, айниқса ёшларга бўлган эътиборнинг том маънодаги амалий ифодасидир. Ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳозирги кунда давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатининг асосий талаби, бу ёшларни келажагимизнинг муносиб давомчилари бўлишлари, дунёда бўлаётган жараёнларни тўғри англашга, сабоқ чиқаришга ўргатиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Аждодларимизнинг Ватан озодлиги учун курашлари намунаси эса, ёшлар учун амалий ўрнакдир. Жумладан, Ватан дея жонини фидо қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Абдумалик Тўра, Мадаминбек, Иброҳимбек, каби ўзбек фарзандларининг, Ватан учун оғир кунларда ватанпарварлик намунасини кўрсатишлари юксак эътиқод билан , садоқатбилан яшашга ундайди.

Юқоридаги мисоллар асосида, ватанпарварлик туйғулари билан тарбиялаш бевосита ёшларда, Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш туйғуларини тарбиялайди. Шунинг учун, тарихий тарбия масаласини Абдулла Авлоний сўзи билан айтсак, «Ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи»дир. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳдир. Деярли, бир асрлик коммунистик мустамлака даврида Ўзбекистон тарихи фани халқ таълими соҳасида ўқитиладиган фанлар тизимига киритилмади. Бундан асосий мақсад, халқимизда ўз ўтмишига нисбатан нафрат руҳини тарбиялаш ва тарихий хотирани тескари шакллантиришдан иборат бўлди. Шу мақсадда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби миллатимизниг фарзандлари қатағон қилинди. Ўзбек халқининг ана шундай буюк фарзандлари, уларнинг халқимиз озодлиги учун курашда қўшган ҳиссалари ҳақида ёш авлоднинг билиши, ўрнак олиши, бугунги замонда воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёрлик билан қарашни, жаҳонда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолашга, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашга ўргатади. Шу боис айниқса, ёш авлод онгида она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашга айнан Ватан тарихини ўрганиш орқали эришиш мумкин. Шу аснода, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, шакллантириш орқали, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитет вужудга келади.

Бинобарин, нафақат буюк аждодларимизни ўрганиш, балки тарихимизнинг оғир даврлари, яъни хонликлар давридаги ўзаро низо ва адоватларнинг кучайиши, фақат ўз қобиғига, умрини ўтаб бўлган ақидаларга ўралашиб яшаш натижасида бир вақтлар буюк маданият ва тараққиёт даврларини бошидан кечирган эл-юртимизнинг бу пайтга келиб қандай оғир аҳволга тушиб қолганини, минтақамиз умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин орқада қолиб кетганлиги, сиёсий бошбошдоқлик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги, маънавий заифлиги оқибатида, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан истило қилинишига олиб келди. Тарихимизнинг ушбу сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш, И.А.Каримов ёзганидек: “Тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз”.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бу аччиқ ҳақиқат бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши, уларда ҳар қандай мураккаб даврда ҳам, Ватанимиз мустақиллиги, келажаги учун собит туришлари кераклигига ундайди.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг фикрларини келтиришни жоиз деб билдим: “Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган”.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Аббос Дўланов, ҚарДУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти ф.ф.н.

Resume. Globalization and international competition, information technology and some of the young developing minds, which affect a variety of threats is very important for a young foster a spirit of national values.

Глобаллашув, халқаро рақобат, ахборот технологиялари тез ривожланаётган шароитда миллий ўзлигимизни, маънавий ўзига хослигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласи долзарблик касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг устувор хусусиятларига айланаётган глобаллашув жараёнлари, кенг миқёсли интеграция, фан-техника ҳамда ахборот технологиясининг беқиёс ривожланиши бу борада ҳам турли ёндашувлар ва фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда миллий ўзликни сақлаш, халқимизнинг азалий қадриятларини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга омон-эсон етказиш, миқёси ҳар йили икки баравар кўпайиб бораётган сон-саноқсиз ахборотлар дунёсида адашиб қолмаслик, бу борада ҳам "оқ ва қора"ни ажрата олиш кўникмасини шакллантириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, бугунги дунё нафақат глобаллашиб ёки ахборотлашиб, балки технократлашиб ҳам бормоқда. Баъзи мутахассислар фикрича, бу жараён таъсирида шаклланаётган технократ инсон роботга ўхшайди, унинг онги сийқалашиб, мияси турли рақам ва формулалар билан тўлиб боради. У кўпроқ виртуал оламда яшайди, аста-секин бошқалардан узоқлашиб, жамиятдан ажрала бошлайди. Унга тарих нидолари, боболар ёди, давр талаблари, замон чақириқлари, ўтмиш ва келажак олдидаги қарздорлик ҳисси бегона. У гўёки ҳамма нарсани тўғри бажаради, замонавий илмлардан хабардор, компъютер ва интернет дунёсида "балиқдек сузади". Маслаҳат берсангиз "йўқ" демайди, уришсангиз жавоб қайтармайди, ишдан кечикмайди, эрта ҳам кетмайди. Ҳамма нарсага тайёр. У сип-силлиқ шарга ўхшайди, бирор жойидан тута олмайсиз. Лекин, у билан суҳбатлашиб мазза қилмайсиз, ўзингизга яқин олсангиз, ҳақиқий дўст бўла олмайди, иш буюрсангиз, барака топмайсиз. У халқ достонларини ўқимайди, бахшиларнинг хонишларини тушунмайди, миллий қўшиқларни ҳиргойи қилолмайди, мумтоз мусиқаларни тинглаб, сел бўлиб оқмайди. Унинг учун дунё тўрт тараф, қаерда яхши яшаса ўша ер ватан, унга ҳеч ким тегмаса, ўз компъютерлари дунёсига "кўмилиб" ўтириш учун шароит бўлса, бас. Ҳар қандай ақли расо кишининг бундай ҳолат билан келиша олмаслиги, шубҳасиз. Бу эса бугунги ахборот асрида болаларимиз тарбиясига эҳтиёт бўлиш, уларнинг қизиқишлари ва интилишларига бефарқ бўлмаслик кераклигини англатади.

Ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби. Бизнинг халқимиз азал-азалдан ёшлар тарбиясида миллий қадриятларимизга, анъаналаримизга, миллий маданиятимизга, авлод-аждодларимиз қолдирган маданий бойликларимизга риоя этган ҳолда уларни инсонпарварлик руҳида, халқимизга хос меҳр-шафқат, ҳурмат-иззат, Ватанга содиқлик, ота-онасига, яқинларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради".

Ҳар бир инсон ўзининг бутун умри давомида ўз билимларини ошириб бориши, ўз-ўзини тарбиялаб бориши ҳаётий заруратдир. Ҳар бир шахс ҳаёт мактабида тарбияланар экан, тарбия воситаси сифатида ҳам, тарбиячи сифатида ҳам ўз атрофидагиларга таъсир этади, ижтимоий муҳит яратади. Демак, ҳеч бир инсон тарбия жараёнидан айри ҳолда яшай олмайди. Шунинг учун инсон бутун умри давомида ўқиши, билимларини ошириб бориши, ўз фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиб бориши зарур.

Хусусан, миллий бадиий адабиёт, миллий театр, миллий кинематография, миллий ижрочилик ва чолғучилик, миллий тасвирий санъат (рассомлик санъати, графика, амалий санъат, ҳайкалтарошлик, фотосанъат ва бошқалар), миллий опера, миллий цирк, фольклор, миллий меъморчилик ва шу кабилар миллий қадриятларнинг таркибий қисмларидир. Буларнинг барчаси миллий менталитет, тафаккур ва турмуш тарзининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Ёшларимиз онгига миллий ғоя, миллий маданият, миллий менталитет, миллий қадриятлар ва урф-одатлар ҳамда шу каби бир қатор тушунчаларнинг асл маъно-мазмуни ва моҳияти оилада, таълим муассасаларида чуқур сингдирилиши зарурдир. Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган уят, ор-номус, шарм-ҳаё, ибо ва иффат каби қадриятларимизни ўзида жо этган ҳар бир ёш маънавий таҳдидлардан, хатарлардан ва "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоялана олади. Миллий қадриятлар ҳар бир кишининг тили, тарихи, дини, адабиёти, санъати, расм-русумлари, урф-одатлари, байраму сайиллари, бошқача айтганда маданий-маънавий мероси, инсоний фазилатлари, хислатларининг йиғиндисидир. Миллий қадриятлар миллатнинг равнақи билан бевосита боғлиқ бўлади. Миллий қадриятлар миллат яратган маданий-маънавий меросни, хусусан, миллат кишиларига хос барча инсоний фазилатлар, хислатларни ўтмишдан бугунга етказади. Худди шунинг учун ҳам миллий қадриятларни асраб-авайлашга ҳар бир миллатнинг ўзи масъулдир. Кишиларнинг онги ва фаолиятига ўз таъсирини ўтказади. Шунингдек, миллий қадриятлар бир жойда қотиб қолмайди, тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради, янгича мазмун ва шаклга киради.

Демак, бугунги ижтимоий тараққиёт олдимизга билимли, ақл-заковатли, мамалакатни модернизация қилишга ўз ҳиссасини қўша оладиган ёш авлодни тарбиялашдек масъул вазифани қўяр

экан, ҳар бир муаллим, мураббий ва устоз, раҳбар ёки мутасадди ўзининг халқи, давлати ва миллати олдидаги кечиктириб бўлмас қарзи, масъулият ва бурчини чуқур ҳис қилиб ишламоғи лозим.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА

Орипова Муниса Шамситдиновна, Сурхондарё ВХТХҚТМОИ

Summary: In the article is studied the spiritual harmoniously developed generation on the basis of Islam Karimov's book. Youth is playing the important role in the society.

Keyword: spiritual harmoniously developed generation, youth, structure of society, self-working.

Тарихга назар ташласак, инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида жамият ҳаёти ва тараққиётида маънавий соҳа ниҳоятда муҳим ўрин тутганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Президент И.Каримов ўзининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида маънавиятнинг инсон баркамоллигида, жамият тараққиётида нечоғли муҳимлиги хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтадилар. Асарда "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг ўниб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб, ҳаётга кириб боришига боғлиқдир"[2] дейилади. Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти аввало унинг етук ва баркамол авлодига боғлиқдир. Ушбу фикр тарих синовида тасдиқланиб келган ҳақиқатдир. "Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир"[2]. Маънавият миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ақлий интеллектуал ва собит ҳиссий дунёсидир.

"Баркамоллик-камолот, балоғатга эришган, бекам-у кўст, етук, мукаммал, комил, маърифатли кишиларга нисбатан қўлланадиган тушунча. У инсоннинг ақлий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлиши шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлишини ҳам англатади" [3].

Улкан бир тизим бўлган инсон маънавий оламининг ҳуқуқ ва ахлоқ деб аталган икки атрибути борки, буларсиз инсон маънавий оламини тасаввур қилиш мушкулдир. Бу икки тушунча инсоннинг жамиятга бўлган муносабатини асосини ташкил этади. Ахлоқ ва ҳуқуқ инсонлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро муносабатни тартибга солувчи талаблар, қоидалар, меъёрлар йиғиндисидир. Улардан биринчиси ахлоқ – бу инсонга ҳам маънавий ҳам жисмоний жиҳатдан фойда бериб, иймон поклигига эриштирадиган тушунча. Ахлоқ - ўз ҳатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун манан етук жамоатчилик олдидаги масъулиятини англатади, виждон, тарбия каби меъёрлар билан белгиланади. Ҳар қандай ақли расо киши ўзини, ўз ҳаёти, яқинлари ва юртининг келажаги учун масъул деб билади. Масъулият тушунчаси ахлоқнинг асосий кучи ва таянчидир, чунки айнан масъуллик хисси, бизни бефарқликдан ҳимоя қилиб, жавобгарликка ундайди.

Президент И.А. Каримов ҳам комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўла оладиган кишини тушунамиз" [2] деб таъкидлайди.

XXI аср – интеллектуал қадриятлар устиворлик қиладиган аср эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шуни эътиборга олган ҳолда, 2010 йил ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бежизга эмас. Ёшлар жамиятнинг ижтимоий таркибида нисбатан мустақил тузилма бўлиб, умуман ижтимоий тизимга хос қонуниятлар унда муқаррар аксини топади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган "таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда" деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган нутқида. [1]

Давлат ва жамият юртимизнинг келажаги бўлган, мана шу келажакда адолатли, фаровон ҳаётни бунёд этиши керак бўлган ёшларнинг ижтимоий онги, ахлоқи, маънавий баркамоллиги қандай шаклланаётганига бефарқ қараб бўлмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий жараёнларнинг барча соҳаларида ёшларни адолатли, халқпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар, бой маънавий меросимизга, тарихий, миллий анъаналаримизга, мустақил Ватанимиз идеалларига садоқатли қилиб вояга етказиш бугунги кунда аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Эндиликда ёшлар ўз миллати, халқига, қолаверса, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятига эга бўлди. Бу муҳим ижтимоий ўзгаришлар мустақил давлатимиз Конституциясида,

Ўзбекистон Фуқаролик кодекси қонунларида халқаро қадриятларга мувофиқ равишда мустаҳкамлаб қўйилди. Буларнинг барчаси ёшларнинг янгича тафаккурини, миллий, ижтимоий онгини шакллантиришга хизмат қиляпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. XXI ASR газетаси. 2009 йил 10 декабрдаги сони
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмаси куч. Т.: Маънавият, 2008. 19, 25, 173-бетлар
3. Маънавият асосий тушунчалари изоҳли луғати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009. – 64 б.

ЁШЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ.

Аббос Дўланов, ҚарДУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти ф.ф.н.

Resume. The formation of independent thinking server for spiritual development. The big philosophical and social meaning is in the development at the perfection of selfconcsionce.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60% дан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар деганда биринчи навбатда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган авлод кўз олдимизга келади. Улар миллатнинг, мамлакатнинг гули, орзуси ва ишончидир. Уларнинг иштирокисиз ижтимоий ҳаётнинг бирон жабҳасидаги ўзгариш ва тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Ёшлар зиммасига ана шундай юксак тарихий маъсулият юкланган. Шу боис ёшларни мамлакатимизда содир бўлаётган тарихий воқеалар, ижтимоий ўзгаришлар оқимига олиб кириш, уларни ушбу жараённинг фаол иштирокчилари ва бунёдкорларига айлантириш, бугуннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Шу туфайли мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёшлар камолоти, юксак даражада таълим-тарбия бериш масалаларига устувор мақом берилди.

Табиатан воқеа-ҳодисаларга қизиқувчан, янгилик ва ўзгаришларга иштиёқманд ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий қиёфасини, онги ва тафаккурини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш ва ри-вожлантириш шунинг учун ҳам ижтимоий зарурки, бу ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, Ватан, миллат, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақидаги мустақил фикрларини бойитади. Мустақил фикрлаш Инсоннинг фикрлаш қобилияти, унинг фаҳм-фаросати, фикр-мулоҳазаси, зеҳни-хотирасига боғлиқ бўлади. Худди шунинг учун ҳам фикр, фикрлаш ўзгариб турувчи жараён бўлиб ўзининг ривожланиши давомида икки йирик босқични босиб ўтади. Фикрлаш жараёнининг қуйи босқичи фаҳм-фаросатдир. Фаҳм-фаросат фикрлаш қобилиятининг асосини ташкил этади, фикрлаш жараёнининг юқори босқичи фикр-мулоҳазадир. Фаҳм-фаросат ҳис туйғуларга асосланса, фикр-мулоҳаза кўпроқ билимга, илмга таянади. Шунинг учун ҳам тиниқ, равон фикрлайдиган кишиларни халқимиз ақлли одамлар деб айтади. Кўриниб турибдики, инсоннинг фикрлаш қобилияти, билими, интеллектуал салоҳияти билан диалектик алоқадор бўлади. Фикрлаш доимо ҳаракатдаги жараён бўлса ақл унинг ҳосиласидир.

Инсон тафаккури унинг яшаш тарзи ва яшамоқ орзуларининг муштараклиги орқали шаклланади. Бундан мустасно бўлмаган мустақил фикрлаш ҳам инсоннинг табиат, жамият қонунлари асосида ҳаётга бўлган муносабати ва ҳаётнинг унга бўлган таъсири натижасида шаклланади ва ривожланади.

Ҳар бир ёш авлоднинг турмуш тарзини ифодаловчи мустақил фикрлаши, ақл заковати, идроки, хуллас жисмоний ва интеллектуал салоҳиятлари муайян ижтимоий ҳаёт ва миллатнинг тарихий мероси натижаси сифатида қарор топади.

Постмдерн жамиятда жамият моҳияти ва мақсадига мос келувчи таълим-тарбия тизимини яратиш, бу жамият истиқболига муносиб ёшларни тарбиялаш вазифаси кун тартибидаги асосий вазифалардан биридир.

«Ҳаммамиз яхши биламизки, 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Кўриниб турибдики, ёшлар тарбияси уларда ёшларни янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи давлатимиз, жамиятимиз келажаги билан узвий боғлиқ улкан ижтимоий муаммо тарзида қўйилган. Бу эса ўз навбатида, таълим тизимини бутунлай ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан ташкил топган мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камолга эришишни таъминлаш кўзланган мақсадга элтувчи энг тўғри йўлдир.

Ёшлар тўғри тарбияланса, улар тафаккури, руҳий дунёсига миллий ва умуминсоний қадриятлар чуқур сингдирилса, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ўз вақтида инобатга

олинса уларда мустақил фикрлаш маданияти шунчалик тез шаклланади ва ривожланади. Натижада халқимиз, мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти ҳам шунчалик даражада ошади.

Ёшларнинг билимли, маъсулиятли, сиёсий жихатдан етук, ахлоқан пок ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишни хоҳлар эканмиз, биринчи галда фикрлашни шакллантириш зарур. Чунки мустақил фикрлашга эга инсон ўз халқи тарихи, маънавий мероси ва бугунги ижтимоий тараққиётга бефарқ бўлмайди, ўз ҳаёти ва фаолиятини Ватан тараққиёти ва истиқболи билан чамбарчас боғлайди. ўзини миллат, мамлакат ва ижтимоий ҳаётдан четда тасаввур этолмайди. Мустақил фикрлаш инсонни фаолликка, ўз ижодий имкониятларини синаб кўриш ва рўёбга чиқаришга даъват этади. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва ўз мустақил фикрига эга бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканлигини кўп бора таъкидлаб келмоқда.

Ёшларнинг мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш осон иш эмас. Айниқса ҳозирги мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона авж олган турли экстремистик оқимлар ва ақидапарастлар заиф иродали ва тафаккури тор ёшларни ўз таъсирларига оғдириб олишга интилаётган мураккаб даврда бу масала ниҳоятда мушкул ва айни чоғда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларда ижодкорлик туйғуларини руёбга чиқариш ва ривожлантириш учун биринчи навбатда уларни халқимизнинг эзгу урф-одатлари, пурмаъно ўгитлари ҳамда анъаналаридан баҳраманд этиш, ўтмиш ва бугунни боғловчи ижтимоий–фалсафий, инсоний ғоялар билан қуроллантириш зарур.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, ислоҳотлар ёшлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. Энг асосийси, ёшларнинг ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа, ҳодисаларни ҳозиржавоблик билан теран англаб олишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёшларда бундай кўникмаларни, билимларни шакллантирмасдан ва уларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказмасдан туриб кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Демак, ёшларнинг ижтимоий фаол шахс бўлиб вояга етишишларида мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этади.

БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Насиба Мухаммедова Бухоро маданият коллежи

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «… келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш, бизнинг миллий хусусиятимиз» эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Ҳар бир жамият, миллат, халқнинг ўз урф – одатлари, ахлоқ ва одоб меъёрлари мавжуд. Жамият аъзолари, ота-оналар, муаллимларнинг халқ олдидаги энг муҳим бурчларидан бири миллий урф-одатларни, ахлоқ ва одоб қоидаларини ёш авлодга сингдириш ва шу йўл билан келажак авлодга етказиб беришдир. Ўзбек халқининг ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган катталарга ҳурмат, ёшларга меҳр – шафқат, меҳмондўстлик, чанқаган одамга сув, кексаларга жой бериш, қўл ювмоқчи бўлган кишининг қўлига сув бериш, сочиқ тутиш, ғам-ғусса тушган хонадонга бориб ҳол-аҳвол сўраш, беморларни бориб кўриш ва кўнгил кўтариш сингари ноёб урф-одатлари бор. Биз ёш авлодга миллий урф-одатларини сингдириш лозим бўлган ҳаётий мисоллар орқали, улар қалбига асрлар оша ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган ва халқнинг ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлган ўзбек миллий урф-одатлари, ахлоқ ва одоб қоидаларига амал қилишни ўргатамиз.

Миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратмасдан туриб, бу муҳим вазифани амалга ошириб бўлмайди. Юқоридаги ғояларга асосланган ҳолда баркамол авлодга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин, баркамол авлод деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Шунинг учун, бугунги кунда касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг баркамол инсон сифатида шаклланиши ва уларнинг ҳозирги замон цивилизациясининг тақдири, ижтимоий турмушнинг ривожланиши билан бевосита боғликдир. Республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да комил инсон талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги даврда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириш узлуксиз таълимнинг тизимида долзарб муаммолардан бири сифатида белгиланган. Маълумки, баркамол инсон деганда ҳам ақлий,ҳам ахлоқий, ҳам маънавий камол топган шахс тушунилади. Ўз навбатида таълим-тарбиянинг мақсади ҳам ҳар жиҳатдан баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилгандир. Зеро «баркамол» сўзининг луғавий маъноси ҳам камолотга эришган, камол топган, бекаму-кўст, етук, ҳар жиҳатдан тўкис, мукаммал деган маъноларни англатади.

Баркамол инсон-бу ўзида маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий

билимларни мукаммал эгаллаган, ақлан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга эга бўлган, жисмонан соғлом, хаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган, эркин, ижодкор ва бунёдкордир. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотлар даврида баркамол инсонни шакллантириш муаммоси энг долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муммони мумкин қадар ижобий равишда ҳал қилиш учун касб-ҳунар коллежларининг таълимий-тарбиявий фаолияти ва улардаги мавжуд педагогик муаммоларни таҳлил ва тадқиқ қилиш, қўшимчалар киритиш орқали ислоҳ қилиш, тадбир ҳамда чораларини ишлаб чиқиш орқали муайян мақсадга эришиш мумкин.

Таъкидланган мулоҳазаларнинг барчаси касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини баркамол инсон сифатида шакллантиришнинг нечоғлик долзарб муаммо эканлигини тасдиқлашга тўла имкон беради.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қодиров Раҳмон Каримович, Сурхондарё ВХТХҚТМОИ

Summary: In the article is given the legal culture formation of high spiritual youth in education system. Youth with high spirituality plays main role in social development.

Keywords: youth, legal culture, formation, high spiritual, education system development.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизини болалар ўсмирлар, ҳуллас 30 ёшгача бўлган йигит қизлар ташкил этади. Ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгиланишининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, мустақиллик туфайли жамиятимизда, айниқса, унинг маданий-маънавий маърифий соҳаларида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари ёшларнинг онги, дунёқарашига сезиларли даражада таъсир этади. Таълим тизимида юксак маънавиятли ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни билиш ва тарбиялаш назарий ва амалий жиҳатдан бугунги кунда ўта долзарб масала эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти.

“Биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, иншооллоҳ” – деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов. [1]

XXI аср – интеллектуал қадриятлар устиворлик қиладиган аср эканлиги ва бу жараён таълим тизимини тақозо этиши ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмаслиги ҳаммага маълумдир. Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йилни “Обод турмуш йили”, 2014 йилни “Соғлом бола йили”, 2015 йилни эса “Кексаларни эъзозлаш йили” – деб эълон қилиниши бежизга эмас. Таълим тизимида ёшлар жамиятнинг ижтимоий таркибида нисбатан мустақил тузилма бўлиб, умуман ижтимоий тизимга хос қонуниятлар унда муқаррар аксини топади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган “улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораёганида намоён бўлмоқда” деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Шу боис ёшлар ижтимоий гуруҳларининг ҳаёт фаолияти хусусиятларининг тадқиқи уларнинг аҳволини, ролини ва фаолият турларини жамият динамизми, ўз навбатида таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услубларини ёшларга ва уларнинг маънавиятига, ҳуқуқий маданиятига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий ҳолатга доимо мос келиши даркор.

Мамлакатимизда 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили”, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши

ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак, деб муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлагандилар.

“Бир ҳақиқат ҳеч қачон хаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир” – деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов. [1]

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим тизимида юксак маънавиятли ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамиятини бугунги Ўзбекистон ёшлари мисолида кўриш мумкин. Ёшларнинг юксак маънавияти, ҳуқуқий маданиятини оширишда минтақавий можаролар ва фуқаролар урушлари, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларининг барҳам топиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши ва унга эришишнинг мустаҳкам замини олий таълим тизимида илмий тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ бўлади деган фикрга келдик.

Адабиётлар:

1. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. Адолат газетаси. 2015 йил 1-сентябрь № 36 (1047)
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият” 2008, 29-30 бетлар

ЎСМИРЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Остонов Шухрат Шарифович, Бухоро давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси
Жалилов Ҳафиз Наимович, Исматуллаев Абдулло Насруллаевич Психология йўналиши талабалари

Мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллат уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган, яъни соғлом авлодни вояга етказиш масаласи мухим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу вазифани ҳал қилишда ижтимоий тарбиянинг барча йўналишлари, хусусан ахлоқий тарбия, мухим аҳамият касб ятади.

Ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш уларда маънавий ахлоқий фазилатларни ва жисмоний сифатларни шакллантириш, олий ҳис-туйғуларни таркиб топтириш педагоглар олдига улкан масъулият юклайди. Ўқитувчилар жамоаси ҳар қанча уринишларидан қатъий назар, таълим жараёнида хулқи оғир болалар учраб туради. Ҳозирги кунда бундай ўқувчилар билан яккама-якка ишлаш усули яратилган фелъ-атвордаги нуқсонларнинг хатти-ҳаракати носоғломлигининг олдини олиш ва тузатиш йўллари ишлаб чиқилган. Хулқи оғир,инжиқ, хулқи ёмон болаларнинг келиб чиқишининг бир қатор сабаблари мавжуд: Бола хулқида муайян шароитнинг таъсири билан пайдо бўлган ўжарлик ва ножўя қилиқлар мавжудлиги унинг ўсиш даражасини ҳисобга олиб муносабатда бўлиш зарурлигини билдиради.

Айрим тадқикотчилар болалар ва ўсмирларда хулқи оғишнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳит, оилавий муносабатлар ва тенгдошлар гуруҳининг таъсири каттадир деб таъкидлайдилар. Жумладан В.В.Ковалев ўсмирлар хулқи ўзгариши психоген вазиятнинг ситуацион таъсирланишларини келтириб чиқариши ва бундай вазиятларда хулқ оғишишнинг келиб чиқишига таъсири ҳақида гапириб, хулқ ўзгаришини келтириб чиқарувчи психологик, патологик реакциялар хақида алоҳида тўхталади. У психологик ситуацион таъсирланишларни характерологик таъсирланишлар ва ўсмирлар хулқ-атвори ҳамда характеридаги ўзгаришларни келтириб чиқаришлари мумкин деб уқтиради. Бундай таъсирланишлар асосан оила, мактаб ёки турли хил уюшган гуруҳлар таъсири туфайли вужудга келиб, маълум шахсга йўналтирилган бўлади.

Ўсмирлар хулқи оғишига бағишланган тадқиқотларда кўрсатилишича ижтимоий мослашишнинг издан чиқиши асосий сабаб сифатида кўрсатилиб ўтилади. Жумладан ўсмир хулқи бузилиши механизмининг ривожланишида адаптация (мослашиш) ва дезадапатация (мослашишнинг издан чиқиши)нинг ўрни катта эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича бир-бирига қарама-қарши бўлган бу икки тушунча инсон организмининг ички мезанизми билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро мураккаб боғланишни таъминлашда хизмат қилади.

Бундай салбий одатларни келтириб чиқарувчи омиллар хаётда хулқи оғир ўсмирларни юзага келтиради.

Хулқи оғиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган манбалар таҳлилидан маълум бўлишича хулқи оғиш бир қанча турларга бўлинади.

Жумладан В.В.Ковалевнинг фикрича хулқи оғишнинг тўрт хил кўриниши мавжуд:

Мавжуд тартиб, талаб ва қоидаларга бўйсунмаслик кўринишидаги оғма хулқ.

Ижтимоий муҳитга, жамият нормаларига нисбатан норозилигини намоён қилиш мақсадидаги оғма хулқ.

Мавжуд хуқуқий нормаларга, қонун қоидаларга бўйсунмаслик замирида юзага келадиган оғма хулқ.

Шахснинг ситуацион вазиятда ўзини бошқара олмай қолишлик ва ўзига шикаст етказишга йўналтирилган оғма хулқ.

Ҳозирги даврда ўсмирларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти-ҳаракатининг ифодаланиши ва вужудга келишининг мураккаб механизимлари мавжуд. Ўсмирларни тарбиялашда уларнинг хусусиятларини тўла хисобга олган олган холда таълимий- тарбиявий тадбирларни қўллаш шахслараро муносабатта англашилмовчи-ликни вужудга келтирмайди. Ахлоқ тарбиясидаги қўпол хатолар ўсмирларнинг рухий дунёсига салбий таъсир рўрсатади. Ҳозирги кунда ўсмирлар тақдири масаласи ғоят жиддий тус олди. Ўсмирлик даври тақлидчанлиги, муқим нуқтаи назарнинг шаклланмаганлиги, ҳиссиётлилиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил- қизларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Хулқи оғишган ўсмирлар хулқини коррекция қилиш бўйича педагог-психологлар олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши муайян даражадаги психологик билимларга эга бўлишни талаб этади.

Юқорида қайд этилганидек, кўрилаётган муаммонинг назарий таҳлили доирасида хулқи оғишган ўсмирлардаги ижобий хусусиятларни тушуниш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор ўзини ўзи баҳолаш, ўзининг ривожланиш истиқболини прогноз (башорат) қилиш, ўзини ўзгалар нигоҳида баҳолаш каби кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. ... фанлари номзоди дис. - Тошкент: ТДПИ, 1993.

2. Қулжонов Э.А. Маҳкум ўсмирларнинг психологик хусусиятлари ва уларнинг хулқ-атвorини тузатиш муаммолари: Психол. фанлари номзоди дис. … автореф. - Тошкент: ТДПИ, 1997.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ОНГИДА ШАКЛЛАНИШИ

Қудратов Ғайратжон Суюнович, Термиз давлат университети

Summary: In this article is given the theoretical-methodological and scientific-practical side of the present maintenance and essence of the independence and national-spiritual heritage, and its formation in the conscious of Uzbek youth.

Keywords: independence, national-spiritual heritage, maintenance and essence, Uzbek youth, formation of conscious.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, уларнинг натижадорлиги кишилар, айниқса, Ўзбекистон ёшларининг онгига таъсир этмай қолмайди. Унинг Ўзбекистон ёшларининг онгида шаклланиши ва ривожланиши механизмини вужудга келиши ҳамда шаклланиши хусусиятларини аниқлагандагина моҳиятини очиб бериш мумкин. Муаммони мозийга қайтиб кўриб чиқиш ёшларнинг янгича сиёсий тафаккурининг вужудга келиши сарчашмаларини, унинг миллий-маънавий мероснинг шаклланиш жараёнларини интенсивлаштириш, маънавий бўшлиқни ҳалқона анъанавий мазмун билан тўлдириш жараёнини тушуниш имконини беради. “Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, - деганди И.А.Каримов, - одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тиқиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин” [1].

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий-маънавий тикланишига йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда” [1].

Ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ ҳар қандай назарий ва методологик концепция тарихий амалиётга суянади. Маълумки, бизни ўраб турган воқелик предметлари ҳамда ҳодисалари доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишдадир. Ижтимоий муносабатлар табиат ҳодисаларига қараганда анча тезроқ ўзгаради, чунки бунда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга мажбур бўлган кишилар фаолияти билан иш кўрамиз.

Ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий муносабатлардан таркиб топган. Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг онги ва хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда таркиб топса, мафкуравий муносабатлар таркиб топишдан олдин "инсон тафаккури маҳсули" сифатида кишилар онги орқали ўтади [3].

Моддий ижтимоий муносабатлар бирламчи, мафкуравий муносабатлар эса иккиламчидир. Ижтимоий психология каби, ижтимоий онг ҳам мафкуравий муносабатлар соҳасига мансуб бўлиб, шунинг учун моддий ижтимоий муносабатларга нисбатан иккиламчидир.

Ишлаб чиқариш усулининг муайян типига асосланган моддий ижтимоий муносабатлар мунтазам ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлгани учун ижтимоий онг, ижтимоий психология ҳам, табиийки, узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Бунда қуйидаги қонуният кўзга ташланади. Умуман ижтимоий онгнинг, жумладан, ижтимоий психологиянинг ривожланиш хусусияти ва йўналиши яхлит ҳолда моддий неъматлар ишлаб чиқариш усулидаги ўзгаришлар характери билан белгиланади. Шундай қилиб, ижтимоий онг, ижтимоий психологияда юз бераётган ўзгаришлар моддий неъматлар ишлаб чиқариш усулида содир бўлаётган ўзгаришларнинг кўзгудаги аксидек, гўё.

Бироқ бу ижтимоий онг, ижтимоий психология ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши ва ривожланишига пассивлик билан эргашади, дегани эмас. Тарихий тажриба кўрсатишича, улар ишлаб чиқариш усулига фаол қайта таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги бу иккиёқлама ўзаро боғлиқлик Ўзбекистон ёшлари онгида миллий-маънавий мерос тушунчаларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида ёрқин кўзга ташланади.

Ўзбекистон ёшлари онгида миллий-маънавий мерос тушунчаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари жамият иқтисодий ҳаёти характерига боғлиқ равишда туб ўзгаришларга учрайди. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётий жараённинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий савиясини белгилаб бериши ҳаммага маълум.

Ишлаб чиқариш усули киши ижтимоий онгини, психологиясининг характерини белгилаб берувчи ягона бўлмаса ҳам, асосий омилдир. Ижтимоий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули билан бир қаторда миллий урф-одатлар, анъаналар, қариндошлик ришталари ҳамда шахс хатти-ҳаракати ва ишининг энг муҳим тартибга солувчилари бўлган бошқа гуруҳий манфаатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. "Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамиз ва уни тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омиллар салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар. Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу" [2], - деб таъкидлаганди И.А.Каримов. Жамиятнинг маънавий ҳаёти, шу жумладан ижтимоий онг – мураккаб ҳодиса. Ижтимоий онг ва унинг мафкуравий шакллар минглаб йиллар давомида қарор топган ҳамда авлоддан-авлодга ўтказиб келинган. Жамият иқтисодий ҳаёти ўзгаргани сари улар ҳам ўзгармай қолмайди, чунки ривожланишда нисбатан мустақилдирлар. Шу боис ҳар қандай тузумга ривожланишдаги умумий қонуниятлар ҳамда хусусиятлар хос бўлиб, бу ҳол Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланиши мисолида аниқ кўзга ташланади.

Аждодларнинг бой маданий мероси Марказий Осиё халқларининг қонуний миллий ифтихоридир. Масалан, "Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган "Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти беқиёсдир". Термизийнинг асарлари ичида энг машхури, шубхасиз, «ал-Жомиъ ас-сахих» булиб, 6 та ишончли Хадислар тупламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда «Жомиъ ат-Термизий», *«Саҳиҳи Термизий»,* «Сунани Термизий» номи билан хам аталади [4]. халқ оғзаки ижоди намуналари, "Алпомиш", "Шашмақом" кабилар [3] Термизийнинг бу асарлари маънавиятнинг битмас-туганмас манбаи, ёшларимиз дунёқарашининг асосидир. Феодализм давридаёқ Марказий Осиё халқлари ижтимоий онгининг асосий хусусиятлари билимга, дунёвий маърифатга интилиш; салафларнинг маданий ютуқларидан кенг фойдаланиш; табиатни билишга, унинг бойликларидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш; рационализм; ҳур фикрлиликнинг ривожланиши; ахлоқий қадриятларни ҳамда инсоний фазилатларни тараннум этишда, табиатнинг энг олий хилқати

бўлмиш инсонга муносабатда намоён бўладиган гуманизм; оғзаки ва ёзма сўзга муҳаббат; киши маънавий дунёсини шакллантиришга интилишдан иборат бўлганди.

Тарихий хотира ва миллий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилишнинг, Президентимизнинг "Биз, тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз" деган фикрининг моҳияти, миллий ва умумбашарий аҳамияти, тарихий-маданий меросга муносабат концепциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласининг акс этиши муаммоси келгусидаги ижтимоий фанлар соҳасида янги йўналишларга, тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хуллас, мустақиллик туфайли тарихий-маданий меросимизнинг тикланиши Ўзбекистон ёшларининг онгида жамиятимизни янгилашни ва ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эга бўлган куч деган фикрга келдик.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 318-319, 202-бетлар.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 35-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 9, 47-бетлар.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. "Ўзбекистон" давлат илмий нашриёти. Т. 2004. 393 б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Хажиева Ирода Адамбаевна – ТАТУ Урганч филиали доценти
Адамбаева Феруза Рустамбековна – ТАТУ Урганч филиали ассистенти

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобаллашув жараёнида турли зарарли ғояларнинг ёшлар онгига таъсири тўғрисида мулоҳаза юритилган. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир. Бу эса тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Калит сўзлар: мафкура, глобаллашув, ғоя, тарбия, ёшлар, экстремизм, халқ, тараққиёт

ABSTRACT

The article describes the influence of various harmful ideas to the consciousness of the youth in the process of globalization. Strengthening the ideological immunity of the young people is one of the vital issues of today. It requires paying a special attention to the process of upbringing.

Key words: ideology, globalization, upbringing, youth, extremism, people, development

Жаҳон тарихий тажрибасининг кўрсатишича, дунёдаги бирорта халқ, миллат мафкурасиз ривожлана олмайди. Давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тўлақонли равишда мафкура асосида ривожланади. Айниқса, ҳозирги кунда глобаллашув шароитида ғоя ва мафкурага эҳтиёж ортиб бормоқда[1. с. 91, 2]. Бу жараёнда миллий ўзликни англаш, зарур бўлса, ҳимоя қилиш талаб этилади. Аслида миллий ғоянинг билиш, тарбиявий, регулятив, коммуникатив, норматив, қадриятли, сафарбар этиш, йўналтириш, ҳимоя, ғоявий бандлик каби функцияларини бажариш учун миллий ғоя ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим ва тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида шаклланиши лозим. Демак, ёшларни маънавий тарбиялашда миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғояни тарғиб қилишда, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам, бу жараён миллий ғоянинг хусусиятлари билан бевосита боғлиқ.

Маълумки, инсоният тарихий тараққиёти жараёнида кўплаб мафкура ва ғоялар яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан. Ғоя характери жиҳатидан қандай бўлишидан қатъий назар уни ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу жиҳатдан биз ҳам миллий мафкурани ёшлар онгига сингдириш орқали баркамол авлодни тарбиялашга астойдил ҳаракат қилар эканмиз, шуни унутмаслигимиз керакки, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Мафкуранинг моҳиятига чуқур кириб бориш лозим. Асрлар мобайнида умумэътироф этган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади.

Миллий ғоя одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Шу боис эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон

майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга турли хатти-ҳаракатлар содир бўлмоқда. Бундай ҳаракатлар қаторига диний ақидапарастлик, экстремистик курашларни киритиш мумкин. Улар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Бу эса узоқ йиллар мобайнида ёшлар онги ва қалбини заҳарлашга, кези келганда, ўз давлатига қарши бош кўтаришига сабаб бўлмоқда. Бугун бутун дунё халқлари диққат марказида турган Ироқ ва Шом ислом давлати (ИШИД) террорчи ташкилоти ўзининг ваҳшиёна ҳаракатларини давом эттириши оқибатида минглаб бегуноҳ одамлар дунёдан кўз юмяпти. Энг ачинарлиси, кўплаб ғўр ёшлар уларнинг қаторига қўшилиб, террорчилик ҳаракатларида қатнашиб, ўз жонига ўзлари қасд қилмоқда. Маълумки, ўсиб келаётган фарзандларимиз беғубор, уларга дунёни қандай танитсак, шундай қабул қилади. Ўз-ўзидан англашиладики, уларнинг фикрини истаганча ўзгартириш мумкин. Нафақат ёшлар, мўйлаби ҳали ниш уриб улгурмаган мактаб ёшидаги болалардан ҳам ўзларининг ваҳший ғояларини амалга оширишда фойдаланаётган разил кимсалар уларнинг келажак тақдири қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳали онги тўла ривожланмаган, тафаккур доираси тўлиқ шаклланмаган болаларимиз турли салбий ғоялар таъсирига тушиб, керак бўлса, “оммавий маданият”нинг қулига айланиб бораётгани боис маънавий тарбияни кучайтириш зарурати туғилади. Зеро, давлат иқтисодий жиҳатдан ҳар қанча ривожланмасин, одамлар онгида маънавий қашшоқлик юзага келса, ҳар соҳада инқироз бўлиши тайин. Президентимиз ҳар доим тарбия ҳақида фикр юритганда, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”,- деган ўгитларини эслаб ўтадилар. Бу фикр Президентимиз таъбири билан айтганда, асримиз бошида миллатимиз тақдири учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир [1]. Унинг долзарблиги турли зарарли мафкураларнинг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан белгиланади. Зеро, уларга қарши ғоя ва маърифат йўли билан курашиш лозим.

Президентимиз эътироф этганидек, “Ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади”[2].

“Яшаш қаерда яхши бўлса, шу ер мен учун Ватан” деган ғоя билан яшовчи одамлар ҳақиқий Ватан туйғусини англамайдилар ёки уни англашдан йироқ бўладилар. Зеро, Ватан учун шунчаки, номигагина иш қилиб бўлмайди. Ватанни ҳис қилиш, уни севиш, юрт дарди билан ёниб яшаш керак. Бу эса миллий тарбияни кучайтиришни талаб этади. Миллий тарбиянинг бош мақсади деганда: а) эски тоталитар мафкурадан озод; б) қуллик, мутеликни тан олмайдиган; в) маънавий зулмдан озод; г) ҳақ-ҳуқуқини таниган; д) ўз кучи ва имкониятларига ишонган; е) ўз фикри, қарашига эга бўлиб, атрофидаги воқеа-ҳодисаларни холисона таҳлил қила оладиган; ж) фидокор, эзгу ниятли шахслар комил инсонни шакллантириш назарда тутилади.

Буюк келажакни барпо этувчи ёшларни баркамоллик руҳида тарбиялашимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” деган чақириғининг замирида бой мазмун мужассамлашган. Бунда бугунги ютуқларимиздан фахр туйғуси ҳам, эркин буёдкорлик фаолиятига чорлов ҳам, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч ҳам ўз ифодасини топган. Аслида бу ёшларимизга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат, уларнинг куч ва имкониятларига катта ишончни англатади. Ёшларни жисмонан бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилди.

Ёш авлодни баркамол руҳда тарбиялаш, комил инсонни вояга етказишдаги изчиллик, инсон қалбида Ватанга садоқат руҳини шакллантиришда миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва роли қай даражада эканлигини таҳлил қилиб, келажак авлодни муносиб тарбиялашни изчил ва узлуксиз тарзда амалга ошириш талаб этилади.

Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда: “Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт - жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”.

Комил инсон азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Биз вояга етказадиган комил инсонлар учун Ватанга садоқат ҳаётининг асосий қисмига айланиши, керак бўлса, юрт учун жондан кечишга тайёр бўлиши лозим.

Миллий-маънавий қадриятлар миллий ғоянинг энг муҳим асосларидандир. Миллий ватанпарварлик руҳи қанчалик баланд бўлса, маънавий қадриятлар шунчалик улуғланади, онгимизга сингиб боради. Оқибатда, қадриятлар бизнинг ўзлигимиз, шахс сифатидаги борлигимиз, намоён бўлишимизнинг белгисига айланади [3].

Тарихий тараққиётдан англашиладики, глобаллашув жараёнлари, дунёвий ўзгаришлардан алоҳида ҳолда яшаш давлатни миллий чегаралар доирасида қолиб кетишига, тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлади. Шу боис глобаллашув шароитининг салбий оқибатларига қарши ёшларни қуроллантириш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ривожлантириш талаб этилади. Аниқроғи, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни уюшган ҳолда Ватан равнақи йўлида курашишга ўргатиш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Манбалардан маълум бўлишича, Ҳиндистоннинг айрим жойларида Ватан байроғини уйлари тепасига ўрнатиб қўйиларкан. Бу Ватанни севишдан далаолат беради. Тарбияни шундай ташкил қилишимиз керакки, Ватан байроғи ё тамғаси уйларнинг тепасидагина эмас, фарзандларимиз қалбида самимий ўрнашсин. Ўз юртини юракдан сева олсин. Ватанга муҳаббат эътиқоднинг бир бўлагига айлансин. Шундагина буюк давлат барпо эта оламиз.

Зеро, француз адиби В.Гюго айтганидек, одамнинг улуғлиги унинг бўй-басти билан ўлчанмаганидек, халқнинг буюклиги ҳеч қачон унинг сонининг кўплиги билан ўлчанмайди. Ўз Ватанини қадрлай олиши билан асосланади.

Дарҳақиқат, Ватанга муҳаббат ҳар бир шахснинг қалбида чуқур ўрнашсагина уни асрашга виждонан интилиш, астойдил ҳаракат қилиш мумкин бўлади. Бу ҳар томонлама шахснинг ижтимоий фаоллиги билан боғлиқлиги табиий. Ижтимоий фаол инсон ўзини экспертизадан ўтказади, ўзида масъулият ҳиссини туя олади. Ижтимоий фаол, ақлан етук, билимли, маънавий юксак ёшларни тарбияласаккина мураккаб дунёнинг мураккаб манзараси доирасида содир бўлаётган экстремистик гуруҳлар таъсиридан фарзандларимизни асраш имкони туғилади. Демак, ёшларни ижтимоий фаол руҳда тарбиялаш энг долзарб вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” халқаро конференция материаллари (февраль; 2012; Тошкент). – Тошкент: O’zbekiston, 2012. – 184 бет. Тит. в. ва текст ўзб., рус тилларда.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005, 11-бет
3. Орлов К.А. Особенности формирования гуманности на отдельных этапах развития личности // Совершенствование учебно-воспитательного процесса в образовательном учреждении: сб. науч. трудов. - М.: МГГУ им. М.А. Шолохова, 2007. - С. 162-165.
4. Хажиева И.А., Юсупов Ф. К проблеме воспитания образованного и интеллектуально развитого студента в современной социокультурной ситуации //Илм сарчашмалари, 2012 йил, №11, 86-89 бет, УрДУ

KREATIV TAFAKKUR VA O`QUVCHI FAOLIYATI

Isroilova R.S. БухДУ 1-kurs magistranti:
Ilmiy rahbar: p.f.n.dots. Hamroyev A.R

Bugungi kunda dunyoqarashi keng, mustaqil fikrlaydigan komil insonni tarbiyalash, eng dolzarb muammolardan biridir. Bu muammo qadim-qadimdan ham eng muhim muammolardan bo`lgan. Fikrimizning dalili sifatida mutafakkirlarimiz asarlariga murojaat etar ekanmiz ularda ham inson va insoniylik munosabatlar, shaxs va uning kamoloti muammolari qaysi davrda yashashimizdan qat’iy nazar o`sha jamiyatning ilg`or kishilari, olimlar, buyuk allomalar va donishmandlarning diqqat markazidagi asosiy masalalardan bo`lib kelgan.

Har bir davr yoshlarining bilim darajasi, fikrlashi, dunyoqarashi, ma’naviy qiyofasiga qarab o`sha jamiyatning ertangi kunini aniq tasavvur etish mumkin. Zero, yoshlar jamiyatning tub negizi, aholining ilg`or qatlami, kelajakning ishonchli egalaridir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning «Bugungi kunda Vatan taraqqiyoti, yurt tinchligi, farovon hayotga erishish, xalqaro maydonda munosib o‘rin egallashdek ezgu maqsadlarga yetish yo‘lida biz tayanchimiz va suyanchimiz bo‘lmish yoshlarimizga beqiyos orzu-umidlar bilan qaraymiz»[1] degan so‘zlari hozirgi yoshlarga bo‘lgan cheksiz hurmat va e’tibor belgisidir.

Darhaqiqat, Biz bugungi kunda yoshlarimizda kreativ tafakkur va mustaqil fikrlashni tarbiyalashimiz, globallashuv jarayonida asosiy vazifadir.

Tafakkur ham psixik jarayonlardan biri bo`lib, idrok, xayol, xotira va shunga o`xshash holatlarga bog`liq. Tafakkur iborasi arabcha “fikr” so`zidan kelib chiqqan bo`lib, o`ylash, muhokama, mushohada va fikr yuritish ma’nolarini bildiradi. XI asrda tilimizda ong, aql, tafakkur so`zlari bilan birga sof turkiy so`z “o`g” ishlatilgan. O`git so`zi ham shundan kelib chiqqan. Turk xoqonligida saroy amaldorlaridan biri “o`gilik” deb atalgan, bu lavozim egasi maslahatchilik, vasiylik bilan shug`ullangan.

[1] “Ma’rifat” gazetasi 2008 yil 5-yanvar, №1.

Ergash G`oziyev o`zining “Tafakkur psixologiyasi” kitobida tafakkurga quyidagicha ta`rif bergan. “**Tafakkur atrof muhitdagi voqelikni nutq yordami bilan bavosita, umumlashgan holda aks ettiruvi psixik protsess, sotsial sababiy bog`lanishlarni anglashga, yangilik ochishga va prognoz qilishga yo`naltirilgan aqliy faoliyatdir**”[1] Bizningcha ushbu ta’rifda tafakkurning eng muhim xususiyatlari va fuksiyalari tasvirlangan.

Tafakkurning turlari juda ko`p. Asosiy turlaridan biri kreativ tafakkurdir. Kreativ tafakkur inson aqliy faoliyatining yuksak shakli bo`lib ob’ektiv voqeaning ongda aks etish jarayonidir. Tafakkur atrof muhitni, ijtimoiy munosabatlarni voqeylikni bilish quroli, shuningdek inson faoliyatining amalga oshirishning asosiy sharti hisoblanadi. Kreativ tafakkur faqat ko`rishga emas til va nutq bilan chambarchas bog`liq. Shuningdek inson o`zining ongi, tafakkuri bilan farq qilib turadi.

Kreativ tafakkurimizning yoki qanchalik mustaqil fikrlashimizning boyligi bizning nutqimizda aks etib turadi. Kreativ tafakkur sezgi, idrok tasavvurlarga qaraganda voqeylikni to`la va aniq aks etadi. Tafakkurning fiziologik ko`rinishlaridan biri inson miyasining alohida funksiyasi hisoblanishidir. Uning nerv fiziologik asosi birinchi va ikkinchi signal sistemalarining o`zaro munosabatidan iborat. Kreativ tafakkur jarayonida natijada insonda fikr, mulohaza, g`oya, faraz kabilar vujudga keladi. Ular shaxsning ongida tushunchalar, hukmlar, xulosalar shaklida ifodalanadi. Inson mustaqil fikrlash jarayonida biror xulosaga fikr haqida to`xtamga keladi. Shaxs barcha fikrlarni o`zining nutqi orqali boshqalarga yetkazib beradi.

Odam borki fikr yuritish qobiliyatiga ega. Mutaffakkir iborasining o`zagi ham fikrdir. Lekin har bir fikr yurita oladigan kishiga nisbattan mutaffakkir iborasini qo`llab bo`lmaydi. Yuksak, teran va atroflicha fikr yurita oladigan va ijtimoiy faoliyatidan el-yurtiga nafi tegadigan siymolarnigina tafakkurli va mustaqil fikrlashga qodir mutaffakkir deyishimiz mumkin.

Buyuk siymolardan: Xorazmiy, Beruniy, Farg`oniy, Farobiy, Abu Ali ibn Sino kabi olimlar Mahmud Qoshg`ariy, Ahmad Yugnakiy, Yusuf Xos Hojib, Jaloliddin Rumiy, Alisher Navoiy kabi ulug` adib va shoirlar, Imom Buxoriy, Imom Termiziy , Najmiddin Kubro, Hoja Bahoviddin Naqshband, Hoja Ahror kabi ulamolar tafakkuri boy mutaffakkirlar hisoblangan.

Bu mutafakkirlarimiz o`zlarining noyob va durdona asarlarida o`z fikrlarini bildirganlarki ular hozirgi kunda ham o`z qiymatini yo`qotmagan. Biz ularning asarlariga qayta- qayta murojaat etib, har safar yangi ma`no yangi bilimga ega bo`lib tasavvur va tushunchalarimizni kengaytiramiz. Hozirgi kunda ham bu asarlar o`z qiymatini va ahamiyatini yo`qotmaganligiga va komil inson, barkamol avlodni tafakkuri keng mustaqil fikr egasi etib tarbiyalash naqadar dolzarb ekanligiga amin bo`lamiz.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ ХУСУСИДА

Рахимова Шаҳло Садивакосовна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is lightened the theoretical-methodological and scientific-practical aspects of legal-democratic and free civil society construction on the basis of market economy.

Keywords: legal-democratic, free civil society, construction, market economy.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида мамлакатимизда барча соҳаларда жумладан таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалгам оширилмоқда. “Таълим тўгрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг ва бошқа қонунинг ҳужжатларнинг қабул қилиниши, амалиётга тадбиқ этилиши бунинг ёрқин исботидир. Таълимни Республикамиз тараққиётида устивор деб эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки таълим жамият тараққиётига туртки берувчи, уни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бунда таълимнинг ўрни қуйдагилардан иборат.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошриш учун;

Эркин фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ҳуқуқий демократик давлатни мустахкамлаш учун;

Бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва таъминлаш учун;

Ўзбекистоннинг таълим, маданият, санъат, фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин эгаллаш учун асос яратади.

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилинишига, Янги таълим стандарти асосида таълим ва тарбия ишларини ривожлантиришга алохида эътбор берилмоқда. Бу соҳадаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўрни, ҳизмати беқиёс каттадир. Мактабдаги таълим ва тарбия жараёни, кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Шу сабабли мамлакатимизда мактаб фаолиятига, ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий маҳоратига катта эътибор берилмоқда.

[1] E. G`oziyev “Tafakkur psixologiyasi”/ Toshkent, “O`qituvchi” nashriyoti, 1990 yil/

Соғлом ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи, мураббийнинг савиясига, касбий тайёргарлигига, педагогик қобиляти ва махоратига боғлиғдир.

Шундай экан, ўқитувчи ва мураббийнинг мустақиллик ғоясига эътиқоди-илмий тафаккури, педагогик-писиҳологик, услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши, педагогик вазиятларни тезда сезиши ҳамда ўрганишини баҳолай олиши билан белгиланади.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш, баркамол авлодни ўқитиш, тарбиялаш ғоят мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Шундай экан ўқитувчи, мураббийнинг, вазифаси шарафли ва масулиятлидир. Бу касбга чинаккам ўқитувчи, мураббий бўлишига ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини ошириб борувчиларгина мушарраф бўла оладилар. Педагогик қобилият ва маҳорат туғма талант ёки наслдан – наслга хусусият эмас, балки изланиш ва ижодий меҳнат махсулидир.

Педагогик жараёнда илғор ўқитувчининг касбий маҳоратини, тажрибаларини бошқа ўқитувчилар ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур.

Таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи, талабалар ўртасида ўзаро фикр олишувчилар, самимий муносабат, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик лозим. Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, илмию истеъдодига, таълим – тарбия соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи, талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига ҳам боғлиқ. Педагог мақсадга эришиш учун доимо ўқиши, ўрганиши, изланиши, ўз меҳнатининг мамлакат учун зарурлигини чуқур хис этиши зарур. Ўқитувчи ва мураббийларнинг илмий савияси, ўз касбига муносабати ва маҳорати дарс ва маърузаларда кўринади.

Таълим тўғрисидаги қонунда айтилгандек, ўқитувчи тегишли маълумот эгаси бўлиши, касбий тайёргарлиги, юксак аҳлоқий фазилат эгаси бўлиши лозим.

“Мамалакатимиз истиқболи кўп жиҳатдан ёшларимизнинг таълим – тарбияси, аҳлоқи, маънавий фазилатларини камол топтириш билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишчи кучини ишлаб чиқаришга тўла сафарбар этиш ва фаоллигини таъминлашда ҳам таълим – тарбиянинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти ИсломКаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номили асарида: “Бу ёруғ оламда ҳар – бир одам ўзининг меҳрибон ота – онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннаддорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шакилланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз”[1].

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бу ҳар томонлама етук баркамол инсонларни тарбиялаш вояга етказишдир. Ҳозир боғчада, мактабда, ўрта маҳсус билим юртларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод эртага жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳамма вазифаларни елкаларига оладиган ворислардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг илк даврларидан бошлаб таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратилган қатор янги қонунлар қабул қилди. Юртбошимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур” қабул қилиниши уларни тадбиқ қилиш жараёни пухта ишлаб чиқанлигини ниҳоятда катта амалий ахамиятга эгадир. Мамлакатимизда демократия қонунчилик асослари мустахкамланиб бормоқдаки, бу ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилиши лозимлигини тақозо этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, албатта биз ҳуқуқий демократик давлат қурар эканмиз, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлод ҳам юксак ҳуқуқий маданиятли инсонлар бўлиб тарбияланмоқлари лозим.

Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бироқ дунё халқларининг барчаси хам бу хақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маҳрифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари — энг мўтабар зиёлилари, хукмдорлари хисобланганлар. Уларнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни, хурмати бор. Бу жахон хамжамияти томонидан қабул қилинган хақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал-Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асаридаги ғояни ёдга олинг. Унга кўра жамиятнинг хар бир фуқароси — мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар фозил киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал килади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шахри ахолиси бир-бирига хурматда бўлади. Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, мехр ва эхтиром бўлади. Аввало бундай фикр юритишнинг ўзи боболарнинг маънавий даражаси накадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак бизнинг баркамол авлод тарбиялаш

хакидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф-одатларидаги, конидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайкал топган. Боболарнинг шу каби ўй-фикрлари тилдан тилга кучган, китобларда қолган. Бундан халқ, айниқса юртбошилар хабардор бўлишган. Чунончи Сохибкирон Амир Темур хам буюк давлат куришда, иш юритишда ўтиб кетган боболарнинг ўгитлари, давр донишларининг маслахатлари билан ишлаганлиги тарихий манбалардан аён. Бутун дунёга маълумки ўша даврда илм-фан ривожи учун шароит яратилган. Маданият ривожланган, бугун дунёни лол этаётган осмонупар минораю масжидлар бунёд этилган. Бу давлатни барча давлатлар энг юқори маданият ўчоги сифатида тан олишган, ўз элчиларини жўнатишган. Элчиларни юбориш мазкур давлатни хурмат килиш, тан олиш натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов.И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.130-131 бетлар

ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ҳожиева Нигина Ҳаёт қизи, Шофиркон педагогика коллежи ўқитувчиси
Ражабова Гўзал Зариповна, Бухоро енгил саноат ва педагогика коллежи ўқитувчиси

Кейинги йилларда кенг жамоатчилик ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келаётган масалалардан бири шахс ва оила, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиши муаммосидир. Бу муаммони ўрганиш бугунги кунда ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий қадриятларини тиклаётган давлатимиз равнақи учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шахснинг шаклланишида, маънавиятининг таркиб топиши ва ривожланишида оиланинг ўрни, аҳамияти беқиёс бўлиб, оила билан боғлиқ масалалар оилавий ҳаёт психологиясининг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Оила ва ёшлар билан боғлиқ масалалар ижтимоий психология фанининг асосий йўналишларидан бири экан, бу борадаги муаммоларни фанда эътироф этилган назарий ҳамда методологик қарашларга таяниб изчил таҳлил қилиш, ўрганиш, тушунчаларни тизимлаштириш ҳозирги вақтдаги муҳим вазифалардандир.

Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустаҳкамлигининг аҳамияти беқиёсдир. Муайян муҳитда дунёга келиб, шахс сифатида шаклланиб, ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида мамлакатнинг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни муҳим.

Шундай экан, оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши фарзандларимизнинг шахс сифатида шаклланиб, давлатимизнинг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ривожини таъминловчи инсонлар бўлиб етишишидаги асосий омил ҳисобланади. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади.

Бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун турли усул ва воситалар ёрдамида кескин олиб борилаётган курашлар давом этмоқда.

Мазкур ҳаракатлар бевосита ёшларга йўналтирилган бўлиб, уларда миллий анъана ва қадриятларимизга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатга нисбатан салбий муносабатларни шакллантиришга қаратилгандир.

Бу муайян оммавий ахборот воситалари, оммавий санъат ва маданият ёрдамида керакли бўлган ғояларни шакллантириш, йўл-йўриқлар бериш орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан кучли, ақлан етук, соғлом ва баркамол бўлиб етишишида оиладаги соғлом муносабатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, мустақил давлатимизда оилада соғлом ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш ва бунинг учун аввало ота-оналарни, мутахассисларни психологик билим билан қуроллантириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда эса ҳозирги пайтда ниҳоятда тақчил ўзбек тилидаги босма ва электрон психологик адабиётларни яратиш долзарб масала сифатида кўтарилади.

Ушбу қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- вайронкор, бузғунчи, ёт, деструктив ғояларга оид тушунчаларни тасниф этиш;
- қўлланмадан ўрин оладиган асосий тушунчалар рўйхати ва китоб мундарижасини шакллантириш;
- ҳар бир тушунчага замонавий психология фани асосида таъриф бериш;
- жамланган маълумотлар, тегишли адабиётларга қўйиладиган талаблар асосида, республикамиз аҳолиси миллий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланмани нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш. ёт ғояларнинг шахс, жамияга нисбатан салбий таъсирининг психологик таҳлилини амалга ошириш;

- оилада ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмуний таҳлилини амалга ошириш;
- амалиётчи психолог-педагоглар учун тегишли тавсиянома ва йўриқномалар ишлаб чиқиш;
- профилактика тизимининг назарий моделини яратиш ва муҳим вазифаларни белгилаб олиш;
- ёт ғоялар таъсирига тушиш мойиллиги бор ёшларни аниқлаш методикасини яратиш ва психологик хизмат кўрсатиш амалиётига жорий этиш;
- оилада ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашга йўналтирилган иш услубларини психологик хизмат жараёнида қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Маълумки, оила шахс ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутадиган омиллардан бири саналар экан, оилада ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш муаммоси бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиши ижтимоий-психологик, педагогик ҳамда сиёсий-психологик тадқиқи, ёшларни мазкур ғоялар таъсиридан ҳимоялаш масаласи долзарб назарий ва амалий аҳамият касб этяпти.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўз чиқишларида бир неча бор ушбу масалага эътибор қаратиб, ёшларимиз, халқимизни бундай таҳдидлардан асраш нақадар муҳим эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. “Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак”.

Мамлакат ёшларининг турли ёт ғоялар таъсирига тушмасликлари учун уларнинг бўш вақти фақатгина оилада эмас, балки маҳалла, таълим муассасаларида ҳам мазмунли ташкил этилиши зарур. Шу муносабат билан «Оила-маҳалла-таълим муассасалари» ҳамкорлиги, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ёшларга йўналтирилган сиёсати миллий тараққиёт стратегияси нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этилиб, улар фаолият мазмунини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Зеро, глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади, қолаверса, ҳозирги жаҳон тараққиётида янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашуви, дунё миқёсидаги ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янги вазиятнинг вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирининг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мафкуравий ва диний экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, хул-лас, жамият ҳаётининг барча соҳаларини иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, мада-ният, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

6. И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият”, 2008 й.
7. Ф.Мўминов, Ш.Баротов. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013.

ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛЛИККА ЭЛТУВЧИ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шерзод Мансуров, БухДУ

Инсон ҳаётда яшар экан, доимо юксакликка, баркамолликка эришиш учун ҳаракат қилади. Айни ҳозирги шиддатли ҳаётда ёшларда баркамоллик сифатларини шакллантириш долзарб вазифалар сирасига киради. Баркамол инсоннинг ижтимоий сифатларини қуйида изоҳлаб ўтамиз. Буларга ақллилик, билимли, соғлом, ватанпарвар, миллий ғурур каби сифатлар киради.

Дарҳақиқат, инсоннинг бошқа мавжудодлардан фарқи унинг онги ва ақлидир. Ақлнинг луғавий маъноси – фикр юритмоқ, билмоқ деганидир. Инсон ақлий қувватга эга бўлиши учун мустақил билим олишга вақт ва ақлий, жисмоний куч сарифлашга мажбур бўлади.

Ёшлар маърифатли бўлиши учун иродавий зўриқиш ва қийинчиликларни ўзига олиб, ҳар бир нарса ва жараён устида мустақил фикр юритиш талаб этилади. Чунки киши онадан ақлли бўлиб туғилмайди. Ҳамма одамлар ақлини ишлатишга мойил бўлиб туғилади, холос. Агар инсон ҳар қандай фаолиятда мустақил фикрга эга бўлиб, тадқиқотлар олиб бориб, натижага эришиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтса, у ақлли ҳисобланади. Фақат шундай шахслар энг юқори мақсад ҳисобланган комилликка эриша олади. Шунинг учун ҳам, комил инсон бўлишни биринчи шарти қилиб ақллиликни олдик.

Баркамолликка элтувчи сифатларнниг навбатдагиси, билимдонликдир. Билимли деб, нарса ва ходисаларнинг том маъно ва мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қилувчи қонуниятларини

билиб олиб, ўз тафаккуридан ўтказиб, уларни ҳаётда бир неча бор синаб кўриб, сўнг маълум бир тартибда хотирасида сақлаган кишига нисбатан айтилади.

Киши билимни ақлини ишлатиш йўли билан эгаллайди. Билимни маълум бир тартибда йиғиш катта аҳамиятга эга. Чунки тартибсиз йиғилган билимнинг фойдаси бўлмай, инсон ижтимоий моҳиятини оширмай, пасайтириши муқаррар. Демак, ёшларимиз баркамол шахс бўлиши учун янада кўпроқ, самаралироқ билим олишга харакат қилиши тавсия этилади.

Инсон ақлли, билимдон, меҳнатсевар каби ижтимоий сифатга эга бўлиши учун, у ҳар томонлама соғлом бўлиши керак. Мутлақо соғлом киши деб, ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва руҳий саломат бўлган шахсга нисбатан айтилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

“Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, гувоҳ бўламиз. Яъни юксак маънавиятга эга бўлган шахс аввало руҳан соғлом, диний ва аҳлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. “Маънавият” тушунчасига берилган таърифда юқоридаги фикрларимизни тўғри эканлигига қалбан юксак, иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун, виждони уйғоқ бўлмоғи таъкидлаб ўтилган.

Шу ерда буюк аллома, Ҳазрат Алишер Навоийнинг сўзларини эслаймиз.

Эркин улким, сайд этиб нафсоният,

Ғолиб бўлса умрида руҳоният.

Яъни, комилликни ўзига ният қилиб олган одам ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва ҳам руҳий саломатлиги устида қайғуриши лозимлигини таъкидламоқда.

Биз ёшларга таълим, тарбия бериш жараёнида киши руҳини тоза, беғубор, феълини кенг тутиши учун асосан нималарга эътибор бериш лозимлигини тушунтириб ўтишимиз керак. Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифий куйидаги фикрни билдирган: “Футтувват илмининг ўз мавзуси бор, бу мавзу инсон руҳидир. Зеро, инсон руҳини тарбиялаш воситасида уни гўзал ва ҳамиша ёқимли ҳулқ-атвор соҳиби фазилат эгаси қилиб камолга етказиш мумкин” Шундай экан, руҳий покликка, соғломликка интилинг.

Навбатдаги айтадиган сифатимиз, бу ҳозирга кунда ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган, яъни “Ватанпарварлик” тушунчасидир. Ватанпарварлик миллий ғурурнинг тараққий этган варианти бўлиб, ватан равнақи ва инсон камолоти учун рағбат пайдо қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Ёшларда миллий ғурур негизида ватанга муҳаббат кайфиятини пайдо қилиб, уни ошириб борилганда, улар ватанни шунчалик сева бошлайдики, миллати учун, юрти учун фидойиларча меҳнат қилиб, зарур бўлганда жонини ҳам фидо қилишгача тайёр бўлади. Буни эса ҳақиқий ватанпарварлик дейиш мумкин.

Ёшларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш учун аввало, уларда миллий ғурур туйғусини пайдо қилиш керак. Чунки ўз миллати, ўз ҳалқи билан ғурурлана олмаган шахсда, ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бўлмайди. Бу исбот талаб қилиб бўлмайдиган хақиқатдир. Шундай экан, “ватанпарварлик деган ижтимоий сифат жуда ноёб бўлган” “миллий ғурур” деган хис-туйғудан пайдо бўлиб, виждонли, имонли ҳамда меҳнатни яхши кўрадиган ва барча ижобий сифатларга эга бўлган шахсларда вужудга келади. Бу ижтимоий сифатга эга бўлган шахсни инсоний баркамолликка эришган деб эътироф этамиз.

Демак, ёшларни тарбиялаш жараёнида баркамоллик босқичларига, сифатларига алоҳида эътибор беришимиз талаб этилади. Айниқса “Ватан саждагоҳ каби муқаддас” эканлигини унутмаслигимиз лозим.

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Ш.М.Фармонова, Бухоро давлат университети

Ҳозирги даврда ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни миллий истиқлол мафкураси ва қадриятлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди. Чунки ҳеч бир мамлакатда халқнинг миллий руҳини уйғотмай, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривжлантирмай, ёшларни шу руҳда тарбияламай туриб, тараққиётнинг юксак даражасига кўтарилиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда рақобатбардош кадрларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Бундай вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўз ўрни бор. Умумий ўрта таълим мактаб ёшларини ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, миллий ғурур шаклланган, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кенг жамоатчилик ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни юксак даражада ташкил этмоғимиз лозим. Бу каби тадбирларни ташкил этишни бошланғич

синфданоқ ташкил этмоғимиз зарур. Шу ўринда бугунги кунда таълим соҳасига миллий қадриятларни татбиқ қилиш соҳасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳам таъкидлашимиз зарур. Таълим соҳасига бир қатор: миллий қадриятларни татбиқ қилиш, миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда-ю, аммо амалиётга жорий этиш бизнинг назаримизда оқсаётганга ўхшайди.

Энг аввало, ҳар бир ўқитувчи миллий қадриятларимизга таянган ҳолда ўз фаолиятларини ташкил қилиши талаб этилади. Ўқитувчи қайси ўқув предметини ўқитишдан қатъий назар миллий қадриятларни таълим жараёни билан боғлай олиши керак. Миллий қадриятлар сирасига миллий ҳунармандчилик, амалий санъат, тарихий обидаларни киритиш мумкин. Ҳар бир ёш ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган урф-одатларни билиши ва уни ўз фаолиятида қўллай билиши зарур.

Ватанпарварлик туйғуси тушунчаси ватанга садоқат, ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқи ва ватанини асраш ҳамда миллий ғурур, миллий ўзликни англаш билан уйғунлашиш жараёнидир. У ҳар кишида турли даражада шаклланади. Бизнинг ўтмиш аждодларимизда ватанпарварлик туйғулари ниҳотда мустаҳкам ривожланган. Масалан, Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмудлар ўз ватанининг осойишталиги йўлида ўз жонларини ҳам фидо қилишган. Шоҳ ва шоир Бобур “Анда жоним қолди менинг” деганида ўз ватанини энди кўролмаслигидан афсусланган бўлса ажаб эмас... Демак, ҳар бир ёшда аждодларимизда мужассам бўлган ватанпарварлик туйғуларини шакллантирмоғимиз даркор.

Миллий қадриятларни асраш-авайлаш орқали ёшларда ватанпарварлик туйғулари шаклланади. Шунингдек, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш уларда бойликларни сақлаш, ўзи туғилиб ўсган ҳудуд салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш каби шахсий сифатларни таркиб топтиради.

Ёшларни миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидаги ҳолатларга амал қилиш лозим.

-ёшларни миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг тизими имкониятларини белгилаб олиш;

-синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар дастурига “ёшлар онгига миллий қадриятлар ва ватанпарварлик туйғулари”ни сингдиришга доир мавзулар киритилиши лозим;

-аниқлаб олинган дастур асосида унинг мақсади, тарбиялаш методлари ва ватанпарварлик туйғуларини амалга оширишнинг ташкилий шаклларини ишлаб чиқиш.

Ёшларни миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимига қатъий амал қилинганда ёшларда бу каби туйғуларни такомиллаштириш осон кечади.

УКУВЧИ ЁШЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА СПОРТНИНГ РОЛИ

Ходжаев Б.Б. БДУ . 3-курс талабаси.

Демократик, хукукий давлат ва фукаролик жамияти асосларини ривожлантириш йулидан дадил одимлаетган мамлакатимиз учун баркамол ешларни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва замонавий педагогика фанининг устувор вазифаларидан хисобланади. Баркамо инсон деганда, мукаммал илмий-назарий, интелектуал салохиятга эга булган, адолатпарварлик,мехнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварликни узининг инсониий бурчи деб билган, шахсий хаетни, Мехнатни, Ижтимоий мусулиятни, табиятни гузаллик конунлари асосида идрок кила оладиган ва уларни ривожлантиришга интиладиган, Жисмонан бакувват, Ахлокий-хукукий жихатдан теран инсонлар тушунилади.

Бундай инсоснлар бутун таълим – тарбия жараенида шаклланади ва камол топади. Бирок уларнинг тезрок ва мукаммалрок вояга етишида **жисмоний тарбия** мухим ахамият касб этади.Зеро, бу боланинг жисмоний ривожланиши оркали амалга ошади. Жисмоний ривожланиш деганда организм шакли ва функциялари етилишининг интенсив усиш жараени тушунилади. Жисмоний ривожланиш инсон кучга етилаетган пайтда, шунингдек,унинг саломатлигида махсус ташкил этилган тарбия таъсири остида руй бераетган сифат узгаришларини уз ичига олади. Шу маънода у жисмоний етукликнинг натижаси сифатида кабул килинади. Жисмоний етуклик шахсни жисмоний машклар воситасида амалга оширилувчи педагогик жараен натижаси хисобланади. Таълим бериш - юксак ишчанлик кобилиятини тарбиялаш, Саломатликни асраш ва мустахкамлаш, Соглом турмаш тарзига йуналтириш учун керак буладиган билим ва куникмалар билан ёшларни куроллантириш лозим булади.

Дархакикат, жисмоний тарбия - жамиятдаги умуминсоний маданиятнинг бир кисми хисобланади. Чунки у инсоннинг жисмоний кобилиятини устириш, саломатлигини мустахкамлашга йуналтирилган ижтимоий – педагогик фаолият сохаларидан биридир. Жамиятда жисмоний тарбия курсатгичлари инсонлар саломатлиги ва жисмоний маданиятининг бош савиясини;

таълим ва тарбия, ишлаб чикариш ва турмушда ундан меъёрида фойдаланиш даражасини; буш вактдан унумли фойдаланишни ва жисмоний чиникганлик таснифини хамда оммавий спортда иштирок этиш ва юксак ютукларни кулга киритишни ифодалайди.

Жисмоний тарбиянинг асосий элементлари эса жисмоний машклар, машклар мажмуаси ва улар буйича мусобакаларда иштирок этиш, танани чиниктириш, мехнат ва турмуш гигиенаси,спорт туризмикаби компонентларни камраб олган. Жисмоний тарбия бугунги кунда жамиятдаги умумий маданиятнинг бир кисми хисобланар экан,,умуммаданий ва ижтимоий вазафалар (таълими-тарбияви, норматив, узгартирувчи, ургатувчи) ни амалга оширади. Шунинг учун хам жисмоний тарбия узининг умуммаданий ва ижтимоий вазифаларини махсус воситалари ердамида бажаради. Буларга :

1. Организмни инсоннинг еши, жинси, соглигининг ахволи, жисмоний катъий назар усиш ва мустахкамланиш
2. Ешларни мехнатга ва Ватан химоясига жисмонан таерлаш.
3. Ешларнинг фаол дам олиш ва буш вактдан унумли фойдаланиш эхтиежини кондириш .
4. Ешларнинг иродасини, жисмоний кобилиятларини ва харакат имкониятларини чиниктириш кабилар киради .

Бу вазифаларни амалга оширишда укувчи – ешлар жисмоний тарбия машгулотларнинг куйидаги шаклларидан фойдаланиш максадга мувофик:

1. Эрталабки бадантарбия машклари.
2. Умумий жисмоний ривожланиш машгулотлари.
3. Характли уйинлар.
4. Сайр-саёхатлар.
5. Чиниктириш тадбирлари.
6. Миллий уйинлар ва жисмоний машклар билан шугулланиш.

Илмий педагогик назария ва амалий фаолиятнинг курсатишича укувчи-ёшларнинг жисмоний тарбиясида спорт мухим роль уйнайди. Зеро, спорт уйинлари организмнинг анатомо-физиологик ва жисмоний ривожланишини, чиникишини , соглом танани шаклланишини тиббий ёрдамсиз камолга етишишини таъминлайдиган мухим восита хисобланади. Шунинг учун укувчи-ёшларга спортнинг югуриш, сузиш, баландликка сакраш, туризм, миллий кураш,волейбол, футбол, гандбол, баскетбол, велосипед пойгаси билан шугулланиш каби ишларни тавсия этиш мумкин.

Спортнинг болалар ва ёшлар жисмоний тарбиясидаги ахамиятиничукур хис этган Республика рахбарияти мамлакатда болалар спортини ривожлантириш жамгармасини ташкил этган эди. Ушбу жамгарманинг асосий максади болалар спортини аммалаштириш учун уни моддий ва маънавий таъминотини амалга оширишга каратилган . Бунинг натижасида мамлакатда болалар спорти оммавий тус олмокда.Ушбу жамгарманинг 2013 йил 25 – февралдаги мажлисида Республика Президенти И.А.Каримов узининг (Болалар спорти - узбек спортининг келажаги, унинг халкаро майдондаги обру – эътиборини юксалтиришнинг пойдеворидир) мавзусидаги маърузасида болалар спорти тугрисида тухталиб, куйидагиларни баён килган эди:

«Фарзандларимизнинг спортга кизикиши ва интилишини, керак булса, спортга булган мехрини айни ёш болалик давридан уйготган такдирдагина спорт хар кайси одамнинг хаётида, хакикатдан хам, доимий хамрох булиб колишига эриша оламиз.

… Айнан ёшлик чогидан спрот билан дуст булиш боланингуз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобакаларда катнашиш оркали катъиятлик ва мартлик хусусиятларининг шаклланиши, галабага интилиши, таъбир жойиз булса, аввало уз устидан галаба козониши, бир суз билан айтганда, мустахкам иродага эга булиши учун пухта замин яратади.

Бир суз билан айтганда, болалар спорти- Узбек спортининг келажаги, унинг халкаро майдондаги обру-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур».(Узбекистон овози,2013, 26 феврал).

Бинобарин, спортнингривожланиши натижасида мамлакатимиз спортчилари халкаро майдонларда спортнинг турли йуналишлари буйича катта ютукларни кулга киритиб Узбекистоннинг номини, У оркали узбек халкини нафакат жисмоний ривожланишини, балки давругини жахонга танитишга кумаклаша олди. Масалан, биргин а спортнинг кураш турини олайлик. Унинг узбек миллий кураши, самбо кураши, юнон-рум кураши, дзю-до кураши, эркин кураш каби турлари буйича Осиё, Жахон, олимпияуйинлариголиблари булиб, мамлакатимизни дунёга

танитиш билан бирга, узларини жисмонийчиниктиришни, аклий кобилиятларини устиришни,иродаларини мустахкамлашни йулга куймокдалар.

Спрот мамлакатни жахонга тез танитадиган фаолиятдир дейди юртбошимиз.Дархакикат, Исмоил Туробов, Комил Юсупов, Собир Курбонов,Сайфитдин Ходиев, Боймурот Файзиев, Рустам Казаков, Комил Фатхулин, Аккобир Курбонов, Артур Таймазов,Абдулла Тангриев, Камол Муродов, Т.Мухаммадиев, М.Ибрагимов , А.Очилов, Р.Саидов, Р.Собиров каби юзлаб курашчиларимиз уз махорат ва кобилиятлари билан узбек номини, узбек курашини оламга танита олдилар.

Маълумки миллий мустакиллик йилларида мамлакатимизда спортга булган эътиборни кучайганлиги сабабли бокс, бадиий гимнастика, огир атлетика(штанга), енгил атлетика, сузиш, футбол каби спортнинг бошка турлари буйича нафакат жахон чемпионатларида, Осиё чемпионатларида, олимпиада уйинларида кулга киритишга мувафак булдилар, балки узларини жисмоний рухий чиникишларини таъминладилар.

Эътироф этиш жоизки, ёшларнинг купинча касаликларга чалинишларини тиббиёт ходимлари уларнинг камхаракатликларида деб курсатмокдалар. Хакикатда камхаракатлилик, бадан тарбия, машклари билан мунтазам шуггуланмаслик, рационал жисмоний машклар билан шугулланмаслик уларнинг тана семиришига, юрак-кон ва нафас олиш тизимларини бузилишига, невроз, коматнинг бузилиши, тез-тез шамоллашларини келтириб чикармокда. Бу спорт билан шугулланмаслик сабабидан келиб чикмокда. Спорт билан шугулланмасликнинг яна бир зарарли томони стресс холатларга чидамлиликнинг пасайиши ва ирода сусайишини келтириб чикаради.

Соглом танда соглом акл дейди халкимиз. Шунинг учун доимий тарзда спорт билан шугулланиш, унинг гимнастика, енгил атлетика, сузиш, миллий уйинлар, чанги спорти, туризм каби шугулланиш харакат фаоллиги ва жисмоний чиникишнинг самарали воситаси сифатида тафсифланади. Ва улар саломатликни яхшилаб , фаолият унумдорлигини оширишга рдам беради. Чунки, саломатлик – ижтимоий – иктисосддий, экологик, анатомик-физиологик, педагогик-психологик, тиббий ва психоэммоционал таъсирларнинг натижасидир. Булар факатгина спорт билан мунтазам шугулланиш рдамида амалга ошиш мумкин. Шу нуктаи назардан айтиш мумкин-ки ёшлар жисмоний ривожланишида ва тарбиясида спорт мухим роль уйнайди.

Шунга асосан болалар ва ёшларни шугулланишларини йулга куйиш жисмоний машкларни мунтазам утказиб спорт уйинларига иштирок этишларини таъминлаш улар согликлари ва жисмоний ривожланишлари тугрисидаги гамхурликнинг биринчи шартидир.

ЮКСАК САЛОХИЯТЛИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУХИМ ШАРТИ

Рахимова Шахноза Анваровна, ***Тошкент ахборот технологиялари университети***

This article is dedicated to the education of young people, the education of the youth in the context of globalization reflected in the issue of complex social processes.

Key words: globalization, education, young people, intellect, social.

Бизга маълумки, глобаллашув жараён сифатида инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида юзага келган объектив ходиса, башарият интелектуал ривожи маҳсулидир. Шу маънода глобаллашув инсоният жамияти ўз тадрижий генезисида сифат жихатдан янги босқичга кўтарилганлигини англатади. Шу билан бирга бугунги кунда муайян кучлар томонидан мазкур жараённинг ривожланиш суратларини суъний равишда тезлаштиришга, йўналиш тенденцияларини тор сиёсий манфатлар “ўзани”га буришга интилиш яққол кўзга ташланмокдаки, натижада у ўз табиий тарихий негизларидан узилиб, тобора “бошқариладиган жараён” тарзида сиёсий манфаатларни рўёбга чиқариш воситасига, “мафкуравий таъсир ўтказишнинг нихоятда ўткир куролига” айланиб бормокда.

Ёшлар тарбияси масаласи, айниқса бугунги даврда, глобаллашув жараёни хаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитларда нихоятда муҳим аҳамият касб этмокда. XXI асрда қайси давлат кудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат деб жавоб қайтариш мумкин.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки XXI аср – интеллектуал авлод асри бўлади. Тарбия – шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. Демак, тарбия жараёнида ишни ёшларни ҳаётга фаол иштирок эттиришга қаратилган таъсирларни комплекс ёндашув асосида ўрганишдан бошлаш керак бўлади.

Тарбиянинг барча йўналишлари ва соҳаларининг яхлитлигини талаб этадиган ғоявий-тарбиявий ишларга комплекс ёндашув ёшлар тарбиясининг узлуксиз ва изчил жараёнини таъминлашни долзарб қилиб қўйди. Бу, ўз навбатида, ёшларда жисмоний ва маънавий тарбия самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибига қўймокда.

Ҳар бир халқда, ҳар бир жамиятда ўзига хос маънавий тарбия тизими мавжуд. Чунки маънавий тарбия инсоннинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қилади. Маънавий тарбия олиб бормаган миллат бугуни ва эртасини бой беришга маҳкумдир. Шунинг учун

ёшлар тарбияси аввало, уларнинг маънавий пойдевори қанчалик мустаҳкамлиги билан белгиланади. Бу таълим жараёнида ёшларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш принципи устуворлигини таъминлашни талаб этмоқда. Шунинг учун ижтимоий институтларнинг бутун эътибори ёшлар тарбиясининг ташкилий-педагогик асосларини вужудга келтиришга, узлуксиз таълим мазмунини ишлаб чиқишга, ўқитишнинг самарали услубларини излашга қаратилган.

Ёшлар тарбияси ўта мураккаб, ижтимоий жараён бўлиб, моддийлик ва маънавийликнинг, бошқача айтганда, тан билан жон-руҳнинг узвий бирлигида амалга ошади. Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, уларнинг барчаси бизнинг қандай жамият қуришимиз ва шу жамиятга муносиб баркамол авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади.

XX асрнинг 60-йилларидан ахборот тамаддунига қадам қўйган эканмиз, энди бундан буён таълим-тарбия тамойилларини ҳам бир қур назардан ўтказиб, фарзандларимизга янги замон шарт-шароитларига мос сабоқ беришимиз талаб этилмоқда. Бунинг учун биз – педагоглар, аввало,замона ёшларининг ўй-хаёллари, мақсадлари ва эҳтиёжларини чуқур билишимиз, уларнинг жамиятимизда қарор топган миллий анъаналар, умуминсоний қадриятлар, ривожланиб бораётган ахборот асрида таълим-тарбияган дунё тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган баркамол авлод сифатида вояга етишини таъминлашимиз зарур. Бугун ахборотга эгалик қиладиган – ахборотни излаб, топиб, яратиб, таҳлил этиб, тарқата биладиган одам дунёга ҳам эгалик қилади деган қараш ҳақиқат даражасига кўтарилган. Демак, ёшларимизнинг хорижлик тенгдошлари орасида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб, тенглар ичра тенг бўлиб фаолият юритиши, келажагимизнинг чин маънодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун ҳам, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фарзандларимизда унинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги глобаллашув шароитида муайян сиёсий ва мафкуравий мақсадларни кўзлаб, ёлғон ва сохта бўлса ҳам, айрим мафкуравий тушунча ва ғояларни ёшлар онгига олиб кириш билан боғлиқ маънавий таҳдидлар мавжуд.

Ана шундай даврда ҳаётий идеалларни қаердан излаш, нимага мўлжал олишни билиш, ёшларда қандай эзгу ғоя ва тушунчалар асосида ижтимоий масъулият туйғусини уйғотиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ахборот асрида таълим-тарбия жараёнлар қуршовида, яъни глобаллашув замонида яшаяпмиз. Бугун наинки юртимизнинг, балки дунёнинг у чеккасидан-бу чеккасига қадар бир қадам. Бугун деярли ҳар бир хонадонда,ўқув даргоҳида, корхонада, кўча-кўйда замонавий компьютерлар бор ва улар интернетга уланган. Демак, ҳар қандай хабарни тезкор узатиш ва қабул қилиш имконияти мавжуд. Эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини нафақат эшитиш, айни чоғда, кўриб-кузатиш, ҳатто ўз муносабатини билдириш имконига эга. Лекин танганинг бошқа тарафини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Айнан глобаллашув баҳонасида дунёнинг нариги четида жойлашган қайсидир давлатлар ёки қандайдир марказлар дунёнинг бошқа четидаги қайсидир мамлакатларга ўз сиёсатини, мафкурасини ўтказишга ва ўзига тобе қилиб олишга интилмоқда. Бунда «нишон бўлган» ўша мамлакат халқининг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари эътиборга олиняпти, на ўша юртда яшайдиган инсонларнинг дину диёнати, имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиляпти. Давлатимиз раҳбари барча оммавий ахборот воситалари қатори интернет ҳам ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очишини таъкидлаб: «Интернет бу – катта бир дўкон. Дўконга борганда одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори деб тушуниш керак», – дейди. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, интернетдаги ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин.

Аҳолида, жумладан, ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ва изчил юксалтириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Кимда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, албатта, ана шу шахс миллий қадриятларимизга зид хабар, маълумотлар билан танишиш пайтида уларни ўз қарашлари, қадриятлари тизимига таянган ҳолда баҳолай олади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, глобаллашув жараёнининг республикамизнинг юксак салоҳиятли ёшларининг аҳлоқий ва эстетик қарашларига, миллий муносабатларига, шунингдек, миллий бағрикенглик туйғуси ривожига таъсирини илмий фалсафий жихатдан чуқур ўрганиш, доимий тадқиқотлар объектига айлантириб, тегишли илмий хулосаларни ишлаб чиқиш лозим деб ўйлайман.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент, Маънавият,2008.-176 б.

2. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 августда қабул қилинган // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент,1997.- Б. 20-29

3. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2010 йил 27 янв. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси = Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан.- 2010.- № 1.- Б. 69-72.

BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA SPORT VA OILANING TUTGAN O’RNI

R.U.Samadov BuxDU talabasi

Barkamol avlodni tarbiyalash, uni Vatan yo’lida xizmat qilishini ta’minlash insoniyatning eng yorqin orzusi bo’lib qolmoqda. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan katta o’zgarishlarning zaminida ham xuddi shu intilish yotganligi bejiz emas. Farzandlarimizni ajdodlarimiz an’analariga sodiq, sog’lom ruhda tarbiyalashda ta’limning o’rni katta. Prezidentimizning “….ta’lim-tarbiya tizimini o’zgartirmasdan turib ongni o’zgartirib bo’lmaydi” degan fikridan kelib chiqib, mamlakatimizda ta’lim-tarbiya sohasida katta ishlar amalga oshirilmoqda.

Sog`lom avlodni tarbiyalashda sport va jismoniy tarbiyaning o`rni beqiyosdir. Sog`lom odamgina chinakam baxtli bo`la oladi. Faqatgina sog`lom xalq, sog`lom millat buyuk ishlarga qodir bo`ladi.

Barchamizga ma’lumki bola oilada shakillanib dastlabki tarbiyasini oilada oladi. Bolaning ongida ma’naviyat tushunchalarining shakillanishi oiladan boshlanadi.

Oilada qaror topgan sog’lom ma’naviy ruhiy muhit bolalarning yetuk barkamol bo’lib voyaga yetishlari uchun beqiyos ahamiyatga egadir. Oila bolalarda vatanparvarlik, insonparvarlik tuyg’ularini hosil qiluvchi o’ziga hos maskan sanaladi. ”Vatan” ,”Xalq” tushunchalarining mohiyati dastlab shu maskandan boshlanadi. Milliy istiqlol fidoyisi alloma Abdurauf Fitrat o’zining “Oila” asarida ota-onalarga qarata bunday yozadi: “Inshoolloh, oqilona tarbiyangiz soyasida farzandingiz sog’lom aql va sog’lom badan sohibi bo’lib, yaxshi kamol topib, yetti yoshni to’ldiradi. Yetti yoshgacha bolalarni ham jismoniy, ham aqliy, ham odob-axloqli qilib tarbiyalash juda muhimdir. Bola yetti yoshgacha jismonan sog’lom va aqlan yoshiga yarasha oqil bo’lsa, kelgusidagi kamolotiga ham imkoniyat yo’llari ochiladi” deb ta’kidlagan.

Bolanig ongi asosan 5-7 yoshda shakillanishini inobatga oladigan bo’lsak, aynan ana shu davrda uning qalbida oiladagi muhut ta’sirida ma’naviyatning ilk kurtaklari namoyon bo’la boshlaydi. Demak bolani ma’naviy tarbiyalashda oila muhim o’rinda turadi. O’sib kelayotgan yosh avlodni sog’lom, har tomonlama barkamol qilib tarbiyalashda ma’naviyat bilan bit qatorda jismoniy tarbiya, xususan, sport ham katta ahamiyatga ega. Jismoniy barkamollik sog’lom avlod tarbiyasining muhim tarkibiy qisimlaridan biri sanaladi.

Oilada sog’lom bola va yuksak ma’naviyatli komil farzandlarni tarbiyalashda quyidagi tavsiyalarga e’tibor berilsa maqsadga muvofiq bo’lar edi.

1) oilada muomala madaniyatiga e’tibor qaratish;
2) oila a’zolari o’rtasida sog’lom muhitni shakillantirish;
3) oila a’zolarini jismoniy madaniyat va sportga doir intelektual bilimlarini boyitish;
4) ota-onalarning jismoniy madaniyat bilan shug’ullanib shaxsiy na’muna bulishiga erishish;
5) oilada bolani ma’naviy va jismoniy g’oyalarga tayangan holda tarbiyalash;
6) bola tarbiyasida kundalik tartib – intizomga rioya qilinishini nazorat qilish lozim;

Yuqoridagi takliflarga to’la amal qilinib, oilada bolalar ma’naviy tarbiyasi doimiy diqqat -e’tiborda bo’lsa hamda ularning jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug’ullanishiga erishilsa, o’ylardikki sog’lom bola tarbiyasiga sport va ma’naviyat o’z mazmun-mohiyatini to’la aks ettiradi.

Sport bilan muntazam shug’ullangan, sport musabaqalarida o’z imkoniyatlarini namoyish qilib sport mahoratini oshirib kelayotgan yosh avlod har tomonlama komillikka erishishi shubhasiz. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov ta’biri bilan aytganda, bolalar va yoshlarning sport bilan ommaviy ravishda shug’ullanishi ularning xarakterini toblaydi, kuchli, mard va jasur bo’lib kamol topishiga xizmat qiladi, qat’iyatli, hayot sinovlari va qiyinchiliklarni mardona yengib o’tishga qodir insonlar etib tarbiyalaydi. Shu sababli ommaviy sport harakatini yanada kengaytirish, bolalarni sportga keng jalb qilish maqsadga muvofiqdir. Shuni ta’kidlab o’tish kerakki, sport bilan doim shug’ullangan qizlar turmush qurgandan so’ng bolalarini sog’lom tug’ilishida muammolar kuzatilmaydi, qolaversa onaning jismoniy tarbiya va sport sirlaridan xabari bo’ladi va bolani qanday qilib tarbiyalashni, jismoniy mashqlarni qay tarzda qo’llash sirlaridan bohabar bo’ladi. Vaholangki, sog’lom onadan soglom bola sog’lom avlod shakillanishiga zamin bo’ladi.

Sport bilan shug’ullanish sog’lom bo’lish va chiroyli qomatning garovidir. Agar farzandingiz sport va jismony tarbiya bilan tasdiqlangan me’yorlar bo’yicha shug’ullansa, unda bu farzandingizni hayotidagi juda katta foydali jihatlardan biri bo’ladi. Sport bilan to’g’ri va tartibli shug’llanish insonni jismoniy va ma’nan sog’lom qilib tarbiyalaydi, o’ziga bo’lgan ishonchni kuchaytiradi, aqliy fikrlashni teran qiladi.

Mutaxassislarning fikiricha, yoshligidan suzushni o’rgangan bolalarning jismoniy va aqliy rivojlanish, bilimlarni tez o’zlashtirishi kuzatiladi. Ko’pchilik ota-onalar farzandlarini jizzaki bo’lib qolayotganidan yoki

uyqusini yaxshi emasligida shikoyat qilishadi. Bunday paytda bolani suzishga qatnashtirish yaxshi samara beradi. Suzish bilan muntazam shug'ullanish bo'y o'sishiga yordam beradi, stress holatlariga chidamliligini oshiradi, modda almashinuvini tezlashtiradi. Bolada yurak, oshqozon-ichak, asab nafas tizimi va mushaklar faoliyatini mustahkamlaydi.

Sog'lom avlod, barkamol vorislarni tarbiyalashda sport va ma'naviyat uzviylik, hamohanglik kasb etishi lozim. Ularni bir-biridan ajratmaslik, ayro holatda singdirmaslik kerak degan fikirdamiz.

Yuqoridagi xulosalardan kelib chiqib, sog'lom bola tarbiyasida sport va ma'naviyat masalalarini takomillashtirish, bu borada ota – onalar, mahalla, maktab va sport turlari bo'yicha murabbiylar hamkorligi yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq bo'lardi. Respublikamizda ilgari surilayotgan sog'lom bola, har tomonlama barkamol avlod tarbiyalash masalasi uchun barcha birdek mas'uldir. Shu sababli yoshlar tarbiyasida jamiyatimiz aholisining barcha qatlamlarini keng jalb qilish kerakligini alohida aytib o'tmoqchimiz.

Sog'lom bola tarbiyasida sport va oilani izchil, uzviy tarzda olib borish, ushbu vositalar imkoniyatlaridan to'la foydalanish Vatanimiz buyuk kelajagini qurishda o'z samarasini beradi.

YOSH AVLODNI MILLIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH

A.T.Gulboyev, BuxDU o'qituvchisi

Mamlakatimizda milliy qadriyatlarni tiklash bo'yicha jiddiy tadbirlarning amalga oshirilayotganligi ma'naviyatimizning tiklanishida juda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ma'lumki, an'analar xalqning tarixiy shakllanishi va rivojlanishi jarayonida yaratilgan va ajdodlardan avlodlarga muqaddas meros sifatida o'tib kelayotgan bebaho ma'naviy boylik hisoblanadi. Millatning asosiy belgilaridan biriga aylangan odatlarni asrash va kamol toptirish har bir avlodning muqaddas burchi bo'lib qolyapti. An'analar barhayot bo'lishi uchun, eng avvalo, uni kelajagimiz bunyodkorlari — yoshlar egallashi lozim. Ana'anaviy xalq bayramlarining tiklanishi o'zbek madaniyati tarixida o'ta muhim voqea bo'lib qolmoqda. Chunki bayramlar hayotning eng yaxshi tomonlarini o'zida mujassamlashtirgan madaniyatning yirik va muhim shakli hisoblanadi. Shu yo'l bilan azaliy bayramlarning tiklanishi bilan xalq madaniyatining eng qimmatli tomonlarini jonlantirishga zamin yaratildi. Xalq an'analarining tiklanishi borasida so'z borganda, yoshlar kamolotida muhim o'rin tutadigan xalq o'yinlariga alohida to'xtalish lozim. Ajdodlarimizning eng qadimiy an'anaviy, ko'pgina madaniyat shakllari — raqs, teatr va sportga xos marosimlar shu o'yinlar zaminidan kelib chiqqan va tarixiy jarayonda avlod — ajdodlarimizning sog'lomlashtiruvchi vositasi bo'lib kelgan.

"Bugungi kunda bizning qilayotgan barcha ishlarimiz farzandlarimizning baxtu-saodati ularning yorug' kelajagi uchun amalga oshirilmoqda… Odobli, bilimdon va aqlli, mehnatsevar, iymon-e'tiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir"- deb yozadi Islom Karimov. Shu jaryonda har bir shaxsda milliy ma'naviyatni, milliy ong, milliy shuur, milliy tuyg'uni barkamollikka ko'tarish omillari faollik jarayoniga ko'chadi. Bu ulug'vor maqsadlarni amalga oshirish uchun jamiyatimiz o'zining real imkoniyatlariga ega. Avvalo, ozod va mustaqil Vatanda xalqni farovonlikka yetaklovchi va ma'lum ma'noda munosib turmushni kafolatlovchi shart- sharoitlar yaratildi. Davlatimizda fidoyi, ishchan, tashkilotchilik salohiyati baland malakali kuchlar ulg'aydi. Ular siymosi, faoliyatida milliy ma'naviyatning barqaror mag'zi, yaratuvchan kuchi mavjud. Milliy ma'naviyati barqaror shakllangan bunday kishilar o'z xalqi, millati, vatani manfaatini har qanday sharoitda himoya qiladi, o'z faoliyatida xalqimizning milliy ma'naviyatini namoyish eta oladigan, millatning salohiyatini, Vatan qadri, sha'ni, shuhratini ellararo, davlatlararo ko'rsata biladigan insonlardir O'quvchi-talabalarga milliy qadriyatlarni ta'limdan tashqari ishlar orqali singdirishning asosiy vazifalari sifatida quyidagilarga e'tibor qaratilishi lozim:

— yoshlarni erkin fikrlashga o'rgatish, hayot mazmunini tushunib olishiga ko'maklashish, o'z- o'zini idora va nazorat qila bilishini shakllantirish, o'z shaxsiy turmushiga maqsadli yondashuv, reja va amal birligi hissini uyg'otish;

— o'quvchilarni milliy, umuminsoniy qadriyatlar, Vatanimizning boy ma'naviy merosi bilan tanishtirish, madaniy hamda dunyoviy bilimlarni egallashga bo'lgan talablarini shakllantirish, malaka hosil qildirish, o'stirib-boyitib borish va estetik tushunchalarini shakllantirish;

— har bir o'smirning bilimdonligini va ijodiy imkoniyatlarini aniqlab, ularni rivojlantirish, inson faoliyatini turli sohalarda joriy qilib ko'rish. Bolalar ijodkorligi, iqtidorini yuzaga chiqarish va yanada qo'llab-quvvatlash uchun shart-sharoit hozirlash;

— insonparvarlik odobi me'yorlarini shakllantirish (bir-birini tushunish, mehribonlik, shafqatlilik, irqiy va milliy kamsitishlarga qarshi kurasha olish), muomala odobi kabi tarbiya vositalarini keng qo'llash;

— odamlar bilan o'zaro munosabat – muloqotni o'rganish, o'z xalqiga, davlatiga, uning himoyasi uchun hamisha shay bo'lib turish, O'zbekiston Respublikasi va boshqa davlatlarning ramzlariga hurmat bilan qarash, yosh avlodni O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga, Bayrog'iga, Gerbiga, Madhiyasiga, Prezidentiga sadoqatli qilib tarbiyalash;

— turmushda eng oliy qadriyat hisoblangan mehnatga ijodiy yondashish fazilatlarini shakllantirish;
— sog‘lom turmush tarziga intilishni tarbiyalash va rivojlantirish, munosib oila sohibi bo‘lish istagini shakllantirish;

— yoshlarimizni erkin va mustaqil fikrlashga o‘rgatish.

Xulosa qilib aytganda, milliy ma’naviy qadriyatlarning har bir tarkibiy qismi xalqning mustaqilligini mustahkamlash va kelajagini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

O’QUVCHILAR IJODIY TAFAKKURINI SHAKLANTIRISHDA TO`GARAKLARNING O’RNI

I.E.Davronov, BuxDU

Inson shaxsining kamol topishi juda murakkab va uzluksiz jarayon davomida shakllanadi. Uning tarbiyasiga ota-onasi, maktab, mahalla, do’stlari, jamoat tashkilotlari, atrof-muhit, ommaviy axborot vositalari, san’at, adabiyot, tabiat va hokazolar bevosita ta’sir ko’rsatadi. Mamlakatimizda yoshlar ta’lim va tarbiyasiga katta e’tibor qaratib kelinmoqda. Respublikamizning barcha ta’lim muassasalarida o’quvchilarning darsdan bo’sh vaqtlarini samarali va mazmunli tashkil etish, ularning iste’dod va ijodiy qobiliyatlarini yanada rivojlantirish maqsadida turli fan, sport, musiqa, san’at sohasiga oid to’garaklar tashkil qilingan. O’quvchilar kunning ikkinchi yarmida turli to’garak mashg’ulotlarga qatnashib, hunar o’rganib, sport va boshqa ko’ngilochar tadbir va o’yinlar bilan mashg’ul bo’lishadi. Bu to’garaklarda turli bo’limlar mavjud. To’garakda o’tkaziladigan “Ona shahrim, aziz yoshing muborak!”, “Ertaklar olamiga sayohat”, “qiziqarli o’yinlar shaharchasi”, “Raqs kechasi” kabi tadbirlar bolajonlarda katta taassurot qoldirdi. Bundan tashqari bolajonlar uchun qiziqarli ekskursiya va sayohartlar uyushtirib kelinmoqda.

To’garakdagi barcha turdagi bo’limlar har bir to`garak a’zosini foydali ishga undaydi. Bu ishlarning muvaffaqiyati ko`proq to`garak rahbari va bosh etakchining uddabironligiga, to`garak ishlarining oqilona, namunali tashkil etilishiga, kun tartibi to`g`ri taqsimlanishiga, to’garak hayotini to`g`ri olib borishga bog`liqdir.

To`garak dasturi 6 ta mashg`ulotga mo`ljallangan bo`lib (haftada 2 marta) har bir mashg`ulot ikki akademik soat mobaynida davom etadi. To`garakda turli yoshga mansub bolalar qatnashishi mumkin, lekin to`garak turlarida bolalarning yosh va shahsiy hususiyatlarini hisobga olgan holda mashg`ulotlar o`tkazilishi lozim.

To’garaklar o`quvchilar o`rtasida ekologik tarbiyani amalga oshirishda eng qulay vositasidir. To’garaklarda jismoniy mehnatni tabiat, ona yurt tarixini, mahalliy sharoitni o`rganish bilan qo`shib olib borish mumkin. Bu yerda o`quvchilar tabiat, uning qonuniyatlari va ularni himoya qilish, o`simlik, tabiat boyligi va hayvonot dunyosiga to`g`ri munosabatda bo`lishga harakat qiladilar. Shuning uchun tabiat qo`yniga sayohat qilish, ona yurt tabiati, hayvonat va o`simliklar, dunyosiga o`rganish ishlarini olib borish maqsadga muvofiqdir.

Sayyohlik ekskursiyalarida izlanishlar orqali o`quvchilar joylarni ekologik, tarixiy madaniy va mahalliy sharoitlari bilan tanishib ularga nisbatan ijobiy munosabatda bo`lishga o`rganadilar ya’ni tabiat, hayvonlar, suv havzalari o`simliklar dunyosini avaylab asrashga va insonlar mehnatini qadrlashga o`rganib boradilar.

«Bizning mahalliy sharoitimizning ekologik muammolari» mavzusida tabiatga sayohat qilgandan so`ng, sun’iy suv ombori, sharsharasi, dala-bog`ga, ahlat tashlashgan, zaharli moddalar bo`lgan joylarga borishdan boshlanadi bunda bolalar ijobiy va salbiy holatni ko`rib, insonlarning tabiatga bo`lgan munosabatlarini ko`rib, to`g`ri hulosa chiqaradilar.

O`quvchilar tabiatning inson qo`li bilan o`zgartirilmagan joylariga: tog` yon-bag`irlariga, daryo bo`ylariga o`simliklar olamiga boradilar.

O`quvchilar tabiat va adabiyot mazmunidagi joylarga shoir yozuvchi va san’atkorlar hayoti, faoliyati bilan bog`liq bo`lgan joylarga boradilar.

To’garak turlari:

1. Fan to’garaklari.
2. Mohir qo’llar.
3. Duradgorlik.
4. Sport musobaqalari.
5. Badiiy havaskorlik.

Mahalliy-madaniy tarihiy, adabiy yodgorliklarni ko`radilar. Tabiat manzaralarining ijodkorlar faoliyatida qanday aks etgani bilan tanishadilar. O`quvchilar ko`rganlari haqida o`z yon daftarlariga qayd etib boradilar, joylarning ekologik holatni chizadilar, suvlar holatini aniqlaydilar, ob-havoni kuzatadilar. Bularning hammasi o`quvchilarning kelgusidagi ishlari uchun foydali bo`ladi.

To’garaklarda bolalarning bo`sh vaqtlarini mazmunli o`tkazish maqsadida hamda ular ongiga «Vatan tuyg`usi» va «Milliy istiqlol g`oyasi»ni singdirish uchun turli mavzularda davra suhbatlari viktorinalar va ko`rik-tanlovlar o`tkazish maqsadga muvofiqdir. O`tkaziladigan tadbirlar qaysi mavzuda

bo`lishidan qat'iy nazar, unda halq matallari, maqollari, afsona, rivoyatlar, she'r va qo`shiqlar savol va javoblardan foydalanish o`rinlidir. O`tkaziladigan tadbirlar mazmuni bolalarning yoshiga mos holda tanlanishi juda muhimdir. Tadbirlar mavzusi tahminan quyidagicha tanlanishi ham mumkin:

1. O`zbekiston-Vatanim manim.
2. O`zbekiston kelajagi buyuk davlat.
3. Vatan-yurakdagi javohir.
4. Janatmakon diyor.
5. Vatanni sevmoq iymondandir!

Maktabdan tashqari ta'lim o'qishlariga, hohishlariga asoslangan holda darsdan bo'sh vaqtlarda o'quv tarbiya jarayonini to'ldiradi va quyidagi yo'nalishlar bo'yicha to'garak qatnashchilariga talablar qo'yilishi kerak:

1. Vatanga muhabbat, komil inson tarbiyasi;
2. Estetik ta'lim;
3. Sayyohli yo'nalishi bo'yicha to'garaklarga qatnashish.
4. Ekologik ta'lim yo'nalishi bo'yicha to'garaklar;
5. O'quvchilarni ma'naviy axloqiy yo'nalishi bo'yicha;
6. Xuquqiy ta'lim yo'nalishi bo'yicha;
7. Texnik ijodkorlik yo'nalishi bo'yicha;
8. Istiqlol bolalari va iste'dodli yoshlar;
9. Iqtisodiy ta'lim.

Albatta havola etilayotgan bu mavzular namunaviy bo`lib, biz ularning ayrimlarini to'garakning shart sharoiti, xususiyati shuningdek o`z imkoniyatingizni hisobga olgan holda o`tkazishingiz mumkin.

To'garaklar o`quvchilar o`rtasida ekologik tarbiyani amalga oshirishda eng qulay joydir. To'garaklarda jismoniy mehnatni tabiat, ona yurt tarihini, mahalliy sharoitni o`rganish bilan qo`shib olib borish mumkin. Bu erda o`qkuvchilar tabiat, uning qonuniyatlari va ularni himoya qilish, o`simlik, tabiat boyligi va hayvonot dunyosiga to`g`ri munosabatda bo`lishga harakat qiladilar. SHuning uchun tabiat qo`yniga sayohat qilish, ona yurt tabiati, hayvonat va o`simliklar, dunyosiga o`rganish ishlarini olib borish maqsadga muvofiqdir.

Sayyohlik ekskursiyalarida izlanishlar orqali o`quvchilar joylarni ekologik, tarihiy madaniy va mahalliy sharoitlari bilan tanishib ularga nisbatan ijobiy munosabatda bo`lishga o`rganadilar «ya'ni ona tabiat, hayvonlar, suv havzalari o`simliklar dunyosini avaylab asrashga va insonlar mehnatini qadrlashga o`rganib boradilar.

Har bir tadbirning bajarilishida to'garaklarning joylashgan o'rni , shart-sharoiti, imkoniyatlari va qulayliklari, albatta, e'tiborga olinadi. Chunki, bunda tashkil etilayotgan tadbirlar yosh avlod tarbiyasida ma'lum iz qoldirishi, uning komil inson sifatida voyaga yetib borishida muhim rol o'ynashi darkor. Tadbirlarni tashkil etishdan asosiy maqsad ham xuddi ana shu g'oyani o'z ichiga oladi.

Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek, "Inson xalq uchun, Vatan uchun, farzandlari va kelgusi nasllar uchun savobli ishlar qilib ulgurishi kerak. Olijanob xalqimizning ezgu tassavur va tushunchasiga ko`ra, har bir odam dunyoga kelib, uchta xayrli ishni ado eti shi lozim.

Birinchisi, sog`lom va oqil farzand tarbiyalab voyaga etkazish. Ikkinchisi, o`z oilasi,farzandlari uchun imorat qurish. Uchinchisi,kelajakni o`ylab,yahshi niyat bilan daraht o`tqazish".

O'quvchilarning mustaqilligi turli darajada bo'lganida mustaqil tayyorgarlik amalga oshirilish mumkinligini hisobga olish muhimdir, albatta bu esa ular shaxsining shakllanishiga shubhasiz ta'sir ko'rsatadi. Ayrim o'quvchilarning ishdagi faol va mustaqil holati tarbiyachining aralashuvini talab etmaydi, chunki o'quvchilarning o'zlari oldilarida turgan vazifalarini va ularni hal etish yo'llarini ancha yaxshi tushunadilar.

VATANPARVARLIK – YOSH AVLOD TARBIYASINIG MUHIM TARKIBIY QISMI SIFATIDA

L.S.Abdullaeva, BuxDU o'qituvchisi

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ta'lim sohasidagi islohotlarning asl mohiyati har tomonlama ma'naviy etuk barkamol avlodni shakllantirishdan iborat. Ya'ni axloqan pok, ma'naviy jihatdan etuk, siyosiy jihatdan faol, jahon yoshlari bilan tenglasha oladigan, g'ururli vatanparvar shaxsini tarbiyalashga qaratilgan.

Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganidek: "Bu muqaddas zaminda g'ursiz, iftixorsiz yashab bo'lmaydi. Shaxsan men, o'zbek bolasi qaerda bo'lmasin, doimo o'z yurtiga sajda qilib, uning tuprog'iniko'ziga to'tiyo etib yashashini istardim. Har qanday sharoitda ham or-nomus degan tushunchani baland tutib, shundan buyuk yurtga munosib farzand bo'lib yashash kerak".

Chunki insoniyat paydo bo'lganidan beri har qanday tarixiy davrda yoki har qanday jamiyatda bo'lmasin, o'zidan keyingi avlodga o'zi tomonidan yaratilgan moddiy va ma'naviy ne'matlarni qoldirishga

harakat qiladi, buning uchun esa yoshlarda aynan shu fazilatlarni shakllantirish uchun uzluksiz ta’lim va tarbiya berib boradi. Yoshlarimizinig vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda asosiy bo’g’in oila, mahalla, maktab, kollej, litseylarning o’rni juda beqiyosdir.. Haqiqatan ham, vatanparvarlik ruhida milliy g’ururni anglash kabi oliy qadriyatlar ham shu jumlasidandir.

Hozirgi eng muhim, eng dolzarb vazifamiz – jamiyatimiz a’zolarini, avvalambor, voyaga etib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirish, ularning qalbida milliy g’oya, milliy mafkura, o’z Vataniga mehr-sadoqat tuyg’usini uyg’otish, o’zligini anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratdir.” Bu vazifalar mafkuraviy immunitetni shakllantirish vazifalaridir.

Yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirishning o’ziga xos xususiyatlari bo’lib, bu xususiyatlar barcha ta’lim-tarbiya tizimida hisobga olinishi lozim. Bunday xususiyatlarga quyidagilar kiradi:

- Mafkuraviy immunitet vatanparvarlik tarbiyasi jarayonida shakllantirib borilishi lozim. Vatanparvar insonga begona mafkuralar ta’sir etmaydi. Bunda yoshlar bilan suhbatlashish, vatanparvarlik mavzusidagi baxslar o’tkazish, Vatan timsollarini anglab etishga oid ko’rgazmali munozaralar tashkil qilish, yurtimizda olib borilayotgan bunyodkorlik ishlarining mazmun-mohiyati va miqyosini tushuntiruvchi ma’lumotlar bilan yoshlarni tanishtirish, vatanparvarlik mavzuidagi kinofilmlarni tamosha qilish, muzeylarni va harbiy-vatanparvarlikka oid memorial yodgorliklarni ziyorat qilish, milliy qahramonlar, tarixiy shaxslarning jasoratlari to’g’risida ma’lumotlar beruvchi ma’ruzalarni o’qish kabi usullardan keng foydalaniladi. Mafkuraviy immunitet tibbiy immunitetdan farqli ravishda tug’ma bo’lmay, shakllantirilib boriladigan, tarbiya jarayonida hosil qilinadigan tarbiyaviy omildir.

Mafkuraviy immunitetni shakllantirishda siyosiy madaniyatga tayanish lozim. Siyosiy madaniyat uchta tarkibiy elementning birligidan xosil bo’ladi. Birinchi element – siyosiy ong. Bu siyosiy bilimga, ma’lumotlarga ega bo’lishdir. Ikkinchi element – siyosiy ishonch-e’tiqod. Bu olingan siyosiy bilimlarning haqqoniyligiga qat’iy ishonish. O’zingiz ishonmagan narsaga boshqani ishontira olmaysiz. Siyosiy ishonch-e’tiqod uzoq vaqt mobaynida shakllanadi. Yoshlarga muntazam mafkuraviy tarbiya berish orqali mafkuraviy immunitetni vujudga keltirish mumkin. Uchinchi element – siyosiy faoliyat. Shaxsning siyosiy jarayonlarda, siyosiy munosabatlarda bevosita ishtirok etishi. Yoshlar mafkuraviy immunitetni boshqalarga ham singdirishida siyosiy faoliyatini amalga oshirishadi. Xullas, siyosiy madaniyat – siyosiy bilimlar, siyosiy e’tiqod va siyosiy faoliyatning birligi sifatida shakllanadi. Siyosiy madaniyati shakllangan kishiga mafkuraviy immunitetni singdirish oson kechadi.

Mafkuraviy immunitetni shakllantirishda yoshlarning huquqiy bilimlariga, huquqiy madaniyatiga ham tayanib ish yuritish lozim. Har bir xizmatchi o’zining vatan oldidagi huquq va burchlarini yaxshi anglay olishi, vatan ravnaqi uchun o’zining hissasini qo’shishni harbiy-vataparvarlik burchi deb bilishi lozim.

Shuningdek, mafkuraviy immunitetni shakllantirishda jamoat tashkilotlarining o’rni katta. Shu tufayli mafkuraviy immunitetni shakllantirishda yoshlar orasida Kamolot yoshlar harakatining, siyosiy partiya va harakatlarning, harbiy xizmat faxriylari uyushmalarining, mahalla tashkilotlarining roli beqiyosdir. Bu tarbiyada ularning imkoniyatlaridan keng ko’lamda foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Vatanparvarlik tarbiyasining negizi oilaviy tarbiya orqali tashkil topadi. Oilaviy tarbiya-deganda har bir oilaning o’ziga xos va mos tarbiya tizimini tushunamiz, chunki shu tarbiya tizimi o’zbek oilalarda avloddan-avlodga meros bo’lib shakllanib, takomillashib boraveradi va shu oilaga mos bo’lgan tarbiya qoidalari, tarbiya usullari, tarpbiya vositalari mavjudki, ular azal-azaldan sinovdan o’tib asoslangan. Shuning uchun ham xalq pedagogikasi deb atalgan ushbu tarbiya tizimi ilmiy pedagogika uchun asos bo’lgan va xalq shu tarbiya tizimiga qat’iy amal qilgan. Bu bilan ular kelajak avlodlarida, oilasiga, Vatanga bo’lgan tuyg’uni ya’ni vatanparvarlik tuyg’usini shakllantirganlar, Prezidentimiz ta’kidlaganidek: “Inson uchun milliy his tuyg’ular tabiiy holdir, chunki u ota-onadan meros olingan, bolaning onaga-otaga, dunyoga qarata aytgan so’zida ifodasini topgan, o’z xalqining an’analari, tili va madaniyatiga muhabbat va hurmatni tarbiyalamay turib chinakam inson o’z xalqini, vatanini, dunyo millatlari hamjamiyatida teng huquqli deb biluvchi, munosib himoya qiluvchi vatanparvarni tarbiyalab bo’lmaydi”.(1) Demak, shundan xulosa chiqarish mumkinki, vatanparvarlik tarbiyasi oiladan boshlanadi desak mubolag’a bo’lmaydi va bu jarayon bola dunyoga kelishi bilanoq unga nom qo’yish orqali amalga oshiriladi. Ism tanlashda eng avvalo shu ziz Vatan uchun jasorat ko’rsatgan xalq qahramonlari, millatning buyuk farzandlarining nomlari tanlanadi va ma’lum ma’noda ism bolaning keyingi hayotiga ham ta’sir ko’rsatadi. U o’z ismidan g’ururlanib yuradi, shunday inson bo’lish uchun harakat qiladi, zarur bo’lganda qiyinchiliklarni matonat bilan engib o’tadi. Yoxud bolaning go’daklik davrida bolalarimizda shakllanayotgan vatanparvarlik tuyg’usini ba’zi ota-onalar rivojlantirish o’rniga unga to’siq bo’ladilar. Masalan, 1-1,5 oylik bolaning ya’ni endigini yurayotgan bolaning uyiga o’z tengdoshi kelsa, ma’lum ma’noda yosh xususiyatlarini hisobga olsak u bilan o’yin o’ynaydi. Lekin uning beshigi oldiga borsa, bolada o’zgarish ro’y beradi ya’ni unda xususiy mulkchilik tuyg’ulari ko’rinadi. Bola bu mening o’rnim, mening joyim, mening Vatanim degan fikrlar bilan yashaydi. Ketganidan keyin esa o’z beshigini qo’riqlab yonida o’tiradi. Ota-ona esa uni qizg’anchiklik, g’arazgo’ylikda ayblab uni koyiydi. Aslida beshik bolaga kichginagina vatandir bola shu vatanini himoya

qilayotgan, asrayotgan bo'ladi. Bu esa bolada vatanparvarlik tuyg'usining ilk kurtaklari shakllanayotganligidan dalolat beradi.

Agar bolaning yoshini hisobga olsak aynan uyi va oilasi unga vatandir va u o'z vatani sarhadlariga hech kimni qo'ymaydi. Uni himoya qila boshlaydi oilasini, opasini, singlisini begona ko'zlardan asray boshlaydi va bu jarayon keyinchalik ilk yoshlik davrlarida vatanparvarlik hissi kengroq ahamiyat kasb eta boshlaydi. Bola mahalla, qishloq, tumanlar miqyosida va nihoyat vatan, millat, davlat kabi tushunchalarni tushunib, ularni o'z beshigini o'z uyini asraganidek asrab-avaylab kelajak avlodga etkazish kerakligini ongli tarzda tushunib oladi va shu buyuk maqsad asosida faoliyat ko'rsatadi. Bunda bizning vazifamiz esa bolalarimizda shakllanayotgan vatanparvarlik tuyg'usini, tarbiyasini davom ettirish, ularni vatanni ko'z qorachig'idek asrashga o'rgatishdir.

_____

1. I. A. Karimov O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li. T.: O'zbekiston, 1993. 24-bet.

GLOBALLAShUV ShAROITIDA IJTIMOIY TARMOQLARNING (INTERNET) YoShLAR TARBIYaSIGA TA'SIRI

V.Kamoliddinova, BuxDU

Globallashuv davrida har xil ma'lumotlarning turli yo'llar bilan mamlakatimizga kirib kelib, u yoki bu mintaqada yashayotgan insonlarning, ayniqsa yoshlarning ongiga salbiy va ijobiy ta'sir ko'rsatayotgan bir davrida uning ahamiyatini to'g'ri talqin qilish lozim. Albatta, yoshlar har bir mamlakatning kelajagi. Ularni har xil salbiy ta'sirotlardan himoya qilish eng dolzarb muammolardan biridir. Internetga qarshi bo'lish, soyda shiddat bilan kelayotgan selga ko'krak tutaman, to'sib qolaman, deyish bilan barobardir, ehtimol. Lekin, undan ezgulik, yaxshilik, ilm-fan, kelajak yo'lida foydalanishni o'rganishimiz kerak. Millatning asrlar davomida shakllanib qolgan ma'naviy qadriyatlarini, xalqimizning ulug' fazilatlarini qalqon qilishimiz kerak. Buning uchun har birimiz o'zimizda milliy qadriyatlardan kuch olgan mafkura immunitetini shakllantirishimiz lozim. Uyda, ko'chada, mahallada, bozorda, ishda, o'qishda, butun Vatan hududida. Hamma-hamma joyda. O'zini asramagan o'zgaga em bo'ladi, deydigan xulosa bilan yashash payti keldi. Yoki siz bolangizni tun bo'yi tong otguncha yalang'och dunyo "jozibasi"dan bahramand bo'lishini istaysizmi?! Unda siz uni, u esa sizni yo'qotib qo'yadi. Ota-onasini yo'qotgan farzand Vatani, millati taqdiri uchun qayg'uradi, deb o'ylaysizmi?!

Ingliz tilidan tarjima kilinganda «chat» mazmunsiz gaplar degan ma'noni anglatadi. Vaktini chatlarda o'tkazayotgan odamlarning asosiy mashg'ulotini ana shunday gaplarni «muhokama» kilish tashkil etadi.

Internetga «o'rgimchak to'ri» deb nom berilganining asl sababi nimada, bilmadim-u, lekin bu to'rga ilingan «pashsha»larning soni kundan-kunga ortib bormokda. Achinarlisi, internetdan foydalanuvchilarning asosiy qismini yoshlar tashkil etadi. Undan ham achinarlirok tomoni, internet domiga tushib kolganlarning vakti chatlarda kizlar bilan tanishish, yigitlarni «avrash», do'stlar bilan chaqchaqlashish kabi «yumush»larga sarf bo'lyapti. Sabab sifatida odamlarning real hayotda muloqotga kirisha olmasligi, bo'sh vaktning ko'pligi yoki shunchaki ko'ngilxushlik qilish istagini ko'rsatish mumkin. Bundan tashqari, chat orqali suhbatlashishning o'ziga xos afzalliklari ham bor. Chatda istagan odam bilan istagan vaktda istagancha suhbatlashish mumkin. Ya'ni muloqot davomiyligini siz belgilaysiz. Agar suhbat sizni qiziqtirmasa, suhbatdoshingiz bilan muloqotni to'xtatasiz-qo'yasiz.

Chatlarda foydalanuvchilar uchun real muloqotni yaratish va shu orqali mijozlar sonini oshirish maqsadida tashkil etilgan hissiyotlarni ifodalovchi belgilar, smayliklarning borligi (ular sizning kulayotganingiz yoki yiglayotganingiz, umuman, biror gapga nisbatan munosabatingiz hakida suhbatdoshingizga axborot berib turadi), ayniqsa, bolalar va o'smirlarni befarq qoldirmaydi.

Chatdagi suhbatdoshingizga haqiqatni gapirish shart emas. Yuzma-yuz yoki telefon orqali suhbatlashganda so'zlaringizning yolg'onligi ovozingiz yoki yuzingizdagi o'zgarishlarda namoyon bo'lishi mumkin, lekin muloqot klaviatura va ekranda birin- ketin paydo bo'ladigan satrlar orqali amalga oshirilarkan, hech kim «ijod»ingizga to'sqinlik qilolmaydi.

Internet orqali suhbatlashar ekansiz, o'zingiz, oilangiz, yoshingiz haqida beixtiyor yolg'on gapira boshlaymiz va bora-bora o'zingiz ham o'z uydagilarimizga ishona boshlaymiz. Bunday tanishuvlar sizga albatta sizga hech qandan naf keltirmaydi. O'z shaxsingizni o'zgartirish ma'naviy ong, ma'naviy madaniyat me'yorlariga to'g'ri kelarmikan.

Xorijda, xususan, Rossiyada odamlarni internetdan davolovchi ilk klinikalar ish boshladi. Amerikada esa ruhiy qaramlikdan davolovchi shifoxonalar 1996 yiliyoq paydo bo'lgan.

Internetga mukkasidan ketishning dastlabki belgilari:

- uzoq vaqt tarmoq ichida bo'lish;
- internetdan hech qanday maqsadsiz foydalanish;
- virtual olam tufayli boshka qizikishlardan voz kechish;
- internetdan foydalana olmaganda kayfiyatning tushishi, jahldorlik kabi holatlarning kuzatilishi.

Agar farzandingiz kuniga 5 soatdan ortiq vaqtini internetda o'tkazayotgan bo'lsa, demak, xavotir olishga etarli asos bor. Shuningdek, tarmoqning ashaddiy muxlislarida real dunyoda o'zini noqulay his qilish, unda qancha vakt bo'lganini yashirishga urinish, shu bilan birga, yolg'on gapirishga bo'lgan moyillikning ortishi va real hayotdagi sustlik kuzatiladi.

Internetdan nima maqsadda foydalanish insonlarning tabiati, ularni o'rab turgan muhitga ham bog'lik. Tez asabiylashadigan, hissiyotlarga beriluvchan odamlar turli «otishmali o'yinlar»ga qiziqib, o'z g'azablarini shu yo'l orqali bosadi. Bunday odamlarning xatti-harakatida yuqori darajadagi agressivlik va tahlikaga tushish kuzatiladi. O'yinlarni, aslida, sotuvga chiqarishdan avval psixologik ekspertizadan o'tkazish lozim.

Internetga qarshi kurashish deyarli ilojsiz narsa. Chunki hayotini bu tarmoqsiz tasavvur qila oladigan odamlarning kun sayin kamayib borayotgani hakikat. Ayniqsa, bolalarni va o'smirlarni ular o'rganib qolgan internetdan mahrum qilish, simlarni uzib tashlash yoki kompyuterga parol o'rnatish - muammoning u qadar oqilona echimi emas. Avvalambor, ota-onalar farzandiga bo'lgan munosabatini o'zgartirishi va aybni dastlab o'zidan izlab ko'rishi lozim, ota-onalar o'z farzandlari turli xil milliy o'yinlarga jalb etib, bolalarning qaysi o'yinlarga etibor berayotganidan ularning qiziqishlarini bilib, olishlari mumkin. Bolangiz Chat da ko'rinmas suhbatdoshini bemalol aldashi qoyillatsa, bundan so'ng o'zingizni alday olmaydi deb kim kafolat beradi.

Internet - juda arzon va qulay axborot manbai. Mobil aloqa vositalari orqali ham tarmoqqa ortiqcha qiyinchiliksiz ulanish mumkin. Texnika kundan-kunga rivojlanib boryapti, axir! Kursiga emaklab chiqadigan jajji bolakaylar ham xuddi biz kabi axborot vositasidan erkin foydalanish imkoniyatiga ega. Butun mas'uliyat ota-onaning elkasida, chunki yarim yalang'och «xola»lar, zo'ravon «amaki»lar va yana boshka har xil tushunarsiz tasvirlar ko'pgina saytlarning ko'rkiga ko'rk bag'ishlab turadi.

BARKAMOL ShAXSNI TARBIYaSINING AYRIM JIHATLARI

H.K.Homidov, BuxDU 1-bosqich magist talabasi

Mustaqillik tufayli mamlakatimizda shaxs manfaatlarini umumbashariy talablarga moslashtirish va uyg'unlashtirish asosiy vazifaga aylandi O'zbekistonning kelajagi bo'lgan yosh avlodning tarbiyasi uning ma'naviy kamoloti hozirgi kun uchun dolzarb muammolordan biri sanaladi.

Odam tug'ilishi bilan o'zida insoniy xislatlarni shakllantira boshlaydi. Bu xislatlar shaxsiy xarakter, mijoz, hissiyot, diqqat, idrok va xotira ta'siridan o'tib, shaxsiy xislat tusini ola boshlaydi. Inson sekin – asta shaxs degan maqomga ega bo'ladi. Shaxslar egallagan bilimlari hajmi va odamlar taqdirini o'zgartira olish doirasiga qarab oddiy, kuchli va buyuk shaxslar toifasiga bo'linadilar.

Shaxsning kamolotga erishish jarayoni murakkab bo'lib, kishining irsiy birliklaridagi dasturi (taqdiri azal), shaxsiy shijoati va tashqi ijtimoiy, shu jumladan maqsadga yo'naltirilgan ta'lim – tarbiya muhitlarining ta'siri ostida kechadi.

Ijtimoiy muhit moddiy va ma'naviy turlarga bo'linadi. Moddiy muhitga kishi umri davomida yashab, ko'rgan – kechirgan moddiy olam taassurotlari kiradi. Bularga umri kechgan uy – joyining moddiy va madaniy holati, hududining madaniylashganligi, sayr – sayohat qilgan davrida olgan ma'naviy va estetik zavqi va boshqalar kiradi.

Ma'naviy muhit deb kishining umri davomida uni o'rab turgan odamlarning g'oya, fikr, axloq va odobini ifodalovchi o'zaro munosabatlar majmuiga aytiladi.

Ijtimoiy rivojlanish – bu odamning ruhiyati va vujudidagi ijobiy tomonga bo'lgan sifat o'zgarishlaridir. Albatta, rivojlanish jarayoniga kishining mehnat faoliyati, ta'lim va tarbiya tizimi hamda davlatning olib borayotgan siyosati faol ta'sir ko'rsatadi.

Shaxsning rivojlanishi qiyin, murakkab jarayon, u ko'plab ichki va tashqi ta'sirlar va omillar orqali ro'yobga chiqadi.

Inson hayot ekan, butun umri davomida o'sib, rivojlanib, o'zgarib boradi. Bolalik, o'smirlik va o'spirinlik yillarida shaxsning kamol topishi yaqqol ko'zga tashlanadi.

Rivojlanish deganda biz shaxsning ham jismoniy, ham aqliy va ma'naviy kamol topish jarayonini tushunamiz. Pedagogika va psixologiya fani rivojlanishni biologik va sotsial xususiyatlari o'zaro chambarchas bog'liq bo'lgan bir butun narsa deb hisoblaydi. Odam bolasining shaxs sifatida rivojlanishi, har tomonlama kamol topishining samarali bo'lishiga erishish maqsadida pedagogika fani rivojlanishining qonuniyatlarini, unga ta'sir etuvchi omillarni shuningdek, shaxs kamolotida ta'lim va tarbiya hamda faoliyatning ta'siri va ahamiyatini aniqlaydi va tahlil qiladi. Ma'lumki, odam shaxs sifatida dunyoga kelmaydi, balki uning shakllanishi avvalo hayot sharoitlariga bog'liqdir. Shaxs hayot davomida murakkab rivojlanish jarayonini boshdan kechiradi, natijada shaxsga aylanadi. Shu sababli shaxsni ma'lum ijtimoiy tuzumning mahsuli deb tushunishimiz lozim.

Pedagogik jihatdan to'g'ri uyushtirilgan har qanday faoliyat, xoh o'yin, mehnat, o'qish, sport va boshqalar bo'lsin, shaxsning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Shaxs ulg'aya borgan sari, uning faoliyati ham mazmunan, ham shaklan o'zgarib boradi, turli yosh davrlarida esa faoliyat turlari ham o'zgarib boradi. Shu

sababli, bola hayotida o'yin, o'quvchi hayotida o'qish, kattalar hayotida mehnat faoliyatlari katta ahamiyatga egadir.

Tarbiya shaxsning rivojlanishini ta'minlashi uchun boladagi rivojlanishning mohiyatini tushunish, bilish faoliyatining o'zgarish sabablarini aniqlash zarur. Tarbiya haqiqatan rivojlantiruvchi omil bo'lmog'i uchun tarbiyalanuvchi jamiyatning tarbiya oldiga qo'ygan talablarini, shaxsning o'ziga xos xususiyatlarini bilishi zarur. Pedagogika fani shaxs rivojlanishida tarbiyaning etakchilik rolini e'tirof etish bilan birga ularning o'zaro bir – biriga ta'sirini tan oladi.

Shaxsning rivojlanib kamol topishi, hayotning hamma bosqichlarida bir xil bo'lmay, balki yosh xususiyatlari va hayot tajribalariga qarab har xil bo'ladi. Tarbiya jarayonida o'sayotgan avlodning yosh va o'ziga xos xususiyatlarini bilish va hisobga olish juda zarur. Ma'lumki, bir xil yoshdagi bolalarning, o'quvchi – talabalarning har birini o'ziga xos xususiyatlari, psixik jarayonlari mavjud.

Shaxs, uning xarakteri, xulq – atvori, umuman jismoniy va ma'naviy taraqqiyotini o'rganish shuni ko'rsatadiki, bu jarayon murakkab va ziddiyatlidir. Shu sababli, rivojlanish jarayoni bir tekisda bormaydi, balki bunda sakrashlar, notekisliklar ham sodir bo'ladi.

Shunday ekan, o'qituvchi va tarbiyachilar bolaning yoshi oshgan sari uning ehtiyojlarida, intilish va qiziqishlarida qanday sifat o'zgarishlari sodir bo'layotganini muntazam kuzatib borishlari lozim.

Shaxsning rivojlanish jarayoni bir qancha omillar ta'sirida sodir bo'ladi. Irsiyat, ya'ni biologik omil hamda muhit, ta'lim va tarbiya, shaxs faolligi (ijtimoiy omil) shaxsni shakllantirishning asosiy omillari deb tushuniladi.

Shaxsning, ayniqsa bolaning jismoniy rivojlanishi, sog'ligi biologik omilga bog'liqdir. Biologiyaning asosiy tushunchasi bo'lgan irsiyatning, ya'ni bolaning nasl – nasabining roliga olimlarimiz alohida e'tibor bermoqda. Har bir bola insonlarga xos tug'ma xususiyatlar bilan dunyoga keladi. Shunday ekan, odam bolasi tug'ilgandan so'ng unda shaxs bo'lib shakllanishi, etuk inson bo'lib voyaga etish imkoniyati mavjud bo'ladi. Bola o'zining avlod – ajdodlaridan ko'pgina biologik belgilarni meros sifatida qabul qilib oladi, hatto ayrim kasalliklar ham nasldan naslga o'tadi. Biologik omillar shaxsning jismoniy rivojlanishiga ham ta'sir ko'rsatadi.

Muhit – bu shaxsga ta'sir etuvchi tashqi voqea va hodisalar kompleksidir. Bularga: tabiiy muhit (geografik, ekologik), ijtimoiy muhit (shaxs yashayotgan jamiyat), oila muhiti va boshqalar kiradi. Bular orasida ijtimoiy muhitning, ya'ni shaxs yashayotgan jamiyatning inson kamoloti uchun yaratilgan imkoniyatlari muhim rol o'ynaydi.

Shaxs rivojlanishiga erishish har bir jamiyatda amalga oshirilayotgan tarbiya tizimi orqali amalga oshiriladi. Faqat tarbiya orqali insondagi rivojlanish imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish mumkin. Tarbiya jarayonida aniq maqsad va reja asosida shaxsga ta'sir etiladi. Buning natijasida muhitdagi voqealarning to'g'ri ijobiy ta'sirini amalga oshirish imkoniyati tug'iladi. Muhit bera olmagan narsalar tarbiya orqali hosil qilinadi, hatto tarbiya tufayli shaxsda tug'ma kamchiliklarni ham o'zgartirib shaxsni kamolga etkazish mumkin. Bundan tashqari muhitning salbiy ta'siri tufayli tarbiyasi izdan chiqqanlar qayta tarbiyalanadi.

O'rta osiyo mutafakkirlaridan Farobiy, Abu Ali Ibn Sinolar ham inson tarbiyasiga ta'sir etadigan omillar ahamiyatiga e'tibor berib kelganlar. Farobiy inson kamolotida ta'lim – tarbiyaning muhimligini ta'kidlab: «Munosib inson bo'lish uchun odamda ikki imkoniyat: ta'lim va tarbiya olish imkoniyati bor. Ta'lim olish orqali nazariy kamolotga erishiladi, tarbiya esa, kishilar bilan muloqotda axloqiy qadr – qimmatni va amaliy faoliyatni yaratishga olib boradigan yo'ldir»… deydi.

Abu Ali ibn Sino etika va axloqiy tarbiya masalalarini falsafiy pedagogik asosda yoritib berishga harakat qiladi. U ayniqsa oila tarbiyasida ota – onaning o'rniga alohida to'xtalib: «Bola tug'ilgach, avvalo, ota unga yaxshi nom qo'yishi, so'ngra esa uni yaxshilab tarbiya qilishi kerak… Agar oilada tarbiyaning yaxshi usullaridan foydalanilsa oila baxtli bo'ladi» degan fikrni ilgari suradi.

Farobiy o'zining «Ideal shahar aholisining maslagi» nomli risolasida ta'kidlaganidek, fan o'qitish orqali o'zlashtirilsa, ezgu fazilatlar tarbiya yordamida egallanadi. O'qitish faqat aqlning chiniqishi uchun emas, balki umumiy ma'naviy, shu jumladan, axloqiy kamol topish uchun ham asosdir. O'qitish va tarbiyalash o'zaro bog'liq bo'lib, shaxsni ma'naviy kamol toptirishning turli yo'llaridir.

Prezidentimiz «Sog'lom bola yili»ni e'lon qilar ekan: «Sog'lom bola deganda shaxsan men, eng avvalo sog'lom naslni nafaqat jismonan baquvvat shu bilan birga ruhi, fikri sog'lom, iymon – e'tiqodi butun bilim, ma'naviyati yuksak mard va jasur, vatanparvar avlodni tushunaman», deb ta'kidlaydi.

Sog'lom bola tarbiyasi oson ish emas, u har bir inson, har bir oila, butun jamiyatdan jiddiy e'tibor va uzluksiz mehnat talab qiladi. Prezidentimiz fikrlarini davom ettirar ekanlar: «…hech shubha yo'q, sog'lom avlod orzusi ajdodlarimizdan bizga o'tib kelayotgan, qon – qonimizga singib ketgan muqaddas intilishdir. Agar ota – bobolarimizning turmush tarziga, tafakkuriga nazar solsak, ular nasl – nasab, etti pushtining tozaligiga, avlodning sog'ligiga juda katta e'tibor berganini ko'ramiz. Sog'lom bolaning tug'ilishi, eng avvalo, onaning sog'lig'iga bog'liq», deb ta'kidlaydi yurtboshimiz.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek, shaxs ijtimoiy hayotning mahsuli ekan, u albatta bolani o'rab olgan muhit ta'sirida rivojlanadi. Shaxsning hayoti faoliyati davomida muhit unga yo ijobiy, yo salbiy ta'sir ko'rsatishi, rivojlanish imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishi yoki yo'q qilishi mumkin.

GLOBALLAShUV ShAROITIDA YoShLARNI YoT G'OYaLARDAN HIMOYaLASh

R.A.Qo'ldoshev, BuxDU

Keyingi yillarda keng jamoatchilik va olimlarning diqqatini o'ziga jalb qilib kelayotgan masalalardan biri shaxs va oila, yoshlarning turli yot g'oyalar ta'siriga tushishi muammosidir. Bu muammoni o'rganish bugungi kunda o'zining tarixiy, madaniy, milliy va umumbashariy qadriyatlarini tiklayotgan O'zbekiston davlati ravnaqi uchun ham katta ahamiyatga ega.

Respublikamizda ta'lim-tarbiya tizimini isloh qilish, uni zamon talablari darajasiga ko'tarish, milliy kadrlar tayyorlashning yangi tizimini barpo etish, salohiyatli, barkamol avlodni tarbiyalash maqsadida "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, yoshlar bilan bog'liq turli davlat dasturlarining qabul qilinishi, yoshlarning moddiy, ma'naviy, huquqiy jihatdan har tomonlama qo'llab-quvvatlanishi mamlakatimizda yoshlar masalasiga davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaralayotganidan dalolat beradi.

Inson shaxsini, uning yuksak ma'naviy fazilatlarini kamol toptirish, milliy istiqlol mafkurasini shakllantirish, yosh avlodni boy madaniy merosimiz hamda tarixiy qadriyatimizga hurmat, mustaqil Vatanimizga mehr- muhabbat ruhida tarbiyalash talablari oldimizga muhim vazifalarni qo'ydi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturini ro'yobga chiqarish erkin, mustaqil fikrlovchi, ayni paytda mas'uliyatli shaxs shakllanishini ta'minlaydi. Ilmiy izlanishlar va o'tkazilgan pedagogik tajriba-sinov shuni taqozo etadiki, zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy sharoitda kadrlarni tayyorlashning muhim shart-sharoiti – zamonaviy fan, texnika va texnologiyalar yutuqlariga asoslangan ta'lim tizimini tashkil qilishdan iborat. Yana shunisi e'tiborga loyiqki, yurtboshimiz tomonidan nafaqat o'qish-o'qitish, balki olingan bilimlarni hayotga tadbiqiga ham katta e'tibor berilmoqda. "Innovatsiyalar va innovatsion faoliyat" haqida O'zbekiston Respublikasi Qonuni buning yorqin dalilidir. Qonun loyihasining asosiy maqsadi va vazifalari O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011 yil 14 yanvaridagi "Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish kontseptsiyasi" ning ustuvor yo'nalishini amalga oshirish chora-tadbirlar to'g'risidagi Farmoyishiga binoan ilmiy ishlanmalarni tadbiq qilish va sanoat tomonidan o'zlashtirishni samarali mexanizmlarini yaratish, innovatsiya loyixalarini amalga oshirayotgan va ishlab chiqarayotgan, avvalam bor yuqori texnologiyali sanoat sohalarida, qo'shimcha rag'batlantirish va imtiyozlar berishning huquqiy asosini yaratishdir. Mamlakatimizda yoshlarni ma'naviy boy, yuksak axloqiy fazilatlarga monand chuqur zamonaviy bilim, ilmiy-falsafiy dunyoqarashga ega bo'lgan komil inson qilib tarbiyalash eng muhim ustivor vazifalardan biridir.

Bugun biz tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan o'ta shiddatli va murakkab davrda yashamoqdamiz. Globallashuv nomini olgan ushbu fenomen mutloq yangicha ma'no-mazmundagi iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy makonning shakllanishi hamda mavjud milliy va mintaqaviy muammolarning jahon miqyosidagi muammolariga aylanib borishida namoyon bo'lmoqda.

Yurtboshimiz I.Karimov ta'rif berganidek: «Globallashuv -bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir»[1].

Globallashuv ta'sirida dunyo tobora bir butun va yaxlit bo'lib bormoqda. Mamlakatlar va xalqlar taraqqiyoti bir-birini taqozo qiluvchi hodisaga aylanmoqda. Informatsion jamiyat qaror topib, rivojlanib borishi har bir yosh avlodni o'z bilim doirasini kengaytirish, zamonaviy axborotlar ta'sirida faoliyatning yangi turlarini egallashini taqozo etmoqda.

Shu bilan birga ezgulik va yovuzlik o'rtasida azaldan davom etib kelayotgan kurash ham globallashuv ta'sirida o'ziga xos shakl-u shamoyil kasb etayotganini ta'kidlash o'rinlidir. Ayni paytda mamlakatimiz rahbari ham alohida ta'kidlaganidek, inson ma'naviyatiga qarshi yo'naltirilgan, bir paytda arzimas bo'lib tuyulgan kichkina xabar ham axborot olamidagi globallashuv shiddatidan kuch olib, ko'zga ko'rinmaydigan, lekin zararini hech narsa bilan qoplab bo'lmaydigan oqibatlarga olib kelishi mumkinligini ham unutmaslik lozim.

Globallashuv jarayonining muhim o'ziga xos salbiy tomoni shundaki, u mafkuraviy ta'sir o'tkazishning quroliga aylanib, har xil siyosiy kuchlar, diniy ekstremistik tashkilotlarning manfaatlariga xizmat qiladigan kuchga aylanib borishidir.

Mafkuraviy tahdidlar, xususan, «ommaviy madaniyat» ko'rinishidagi ma'naviy tahdidlarni yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'sirini ham unutmasligimiz kerak. Ma'naviy tahdid bu millatning dini, e'tiqodiga, inson erkiga, ruhiy dunyosiga qaratilgan mafkuraviy, g'oyaviy va informatsion xurujlarda namoyon bo'ladi.

Bugungi kundagi turli mafkuraviy markazlar chetdan turib, yoshlar ongiga "mutloq erkinlik", "chegarasiz erkinlik", "erkin axloq" degan soxta g'oyalarni singdirishga zo'r bermoqda. Bu yo'lda "ommaviy madaniyat" namunalaridan, turli axborot texnologiyalaridan radio-televideniya, internetning ijtimoiy tarmoqlari kabi vositalardan makkorlik bilan foydalanmoqdalar.

[1]Каримов И. "Юксак маънавият-енгилмас куч" Т.; "Маънавият", 2008, 112-бет.

"Ma'naviy tahdid" xuruji mustaqilligimizga qarshi kimsalar, kuchlar, markazlar bizni ichdan emirmoqchi, ya'ni xalqimizni xalq, millatimizni millat qilib turgan asoslardan asrlar mobaynida shakllanib, rivojlantirilib kelayotgan milliy, ma'naviy-ma'rifiy, axloqiy, ruhiy tamoyillarimizdan begonalashtirmoqchi.

Axborot jarayonlari globallashuvi oqibatida bugungi kunda tobora avj olayotgan axloqiy buzuqlik va zo'ravonlik individualizm, egotsentrizm, fundamentalizm, ekstremizm g'oyalarini tarqatish, buning hisobiga boylik orttirish xalqlar turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi. Ma'naviy tahdid xalqlarning milliy o'zligini va madaniyatlarini barbod qilishga qaratilgani bilan xatarlidir.

Ma'lumki, yoshlar yangilikka nisbatan juda ta'sirchan, hissiyotga beriluvchan bo'ladi. Shuning uchun ham bizning g'animlarimiz bugungi kunda hayotimizda mavjud bo'lgan ayrim kamchiliklardan foydalanib, yoshlarimizni chalg'itmoqchi, ularning qalbiga, dunyoqarashiga ta'sir o'tkazmoqchi bo'layotganligini esimizdan chiqarmasligimiz lozim.

Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganidek: «Yosh avlodimizni turli ma'naviy tajovuzlardan himoya qilish haqida gapirganda, nafaqat xalqimizni ulug'laydigan buyuk xususiyatlar, ayni paytda uning rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan noma'qul odatlar haqida ochiq so'z yuritishimiz zarur»[1].

Globallashuv jarayoni tufayli ro'y berayotgan mafkuraviy tahdidlardan himoya qilish uchun yoshlarimizga ilmiy, ma'naviy merosni har taraflama chuqur o'rgatish orqali mafquraviy tahdidlardan saqlanishimiz mumkin. Yuksak ma'naviyatli, teran tafakkurli, erkin fikrlovchi kadrlarni tayyorlash, ularni qalbi va ongi bilan milliy o'zlikni anglashi, yurt ravnaqi uchun sidqidildan xizmat qilish tuyg'usini shakllanishi ko'p jihatdan ustoz-murabbiylarning intellektual salohiyati, kasbiy mahoratining muntazam oshib borishi, ilm-fanning so'nggi yutuqlarini o'zlashtirishiga bog'liq.

Barkamol avlod tarbiyasini amalga oshirish muhim strategik masalalardan biri bo'lib, mamlakatimizning demografik xususiyatlarini inobatga olsak, bu nafaqat nazariy, balki amaliy ahamiyatga ega vazifalardan hisoblanadi. Bugungi globallashuv sharoitida inson ongi va qalbi uchun turli usul va vositalar yordamida keskin olib borilayotgan kurashlar davom etmoqda. Mazkur harakatlar asosan bevosita yoshlarga yo'naltirilgan bo'lib, bu harakatlar zamirida milliy an'ana va qadriyatlarimizga, mamlakatimizda olib borilayotgan siyosatga nisbatan salbiy munosabatlarni shakllantirish asosiy maqsad sifatida belgilangan. Nazarda tutilgan niyat muayyan ommaviy axborot vositalari, "ommaviy san'at va madaniyat" yordamida kerakli bo'lgan g'oyalarni shakllantirish, ustanovkalar berish orqali amalga oshirilmoqda. Natijani jamiyatning diniy, madaniy, ijtimoiy, ma'naviy sohalarida namoyon bo'layotgan ekspansiya holatlarida ham kuzatish mumkin.

GLOBALLAShUV JARAYoNIDA BARKAMOL AVLOD TARBIYaSINING O'ZIGA XOS XUSUSIYaTLARI

Hasanova G.Q., BuxDU dotsenti, Qurbonov Shuxrat, BuxDU 4-bosqich talabasi

Bugungi globallashuv jarayonlari davlat va siyosat arboblari, faylasuflar va jamiyatshunos olimlar, jurnalistlar va boshqalar tomonidan turlicha sharhlanmoqda. Qanday atalmasin, bugun biz tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan, insoniyat hozirga qadar boshidan kechirgan davrlardan tubdan farq qiladigan o'ta shiddatli va murakkab bir zamonda yashayotganligimiz muhtaram Prezidentimiz asarlarida ham ta'kidlangan.

Yurtboshimiz I.A.Karimovning "Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch" asarlarida "globallashuv fenomeni" atamasining bugungi kunda ilmiy-falsafiy, hayotiy tushuncha sifatida juda keng ma'noni anglatishi, umumiy nuqtai nazardan qaraganda, bu jarayon mutlaqo yangicha ma'no mazmundagi xo'jalik, ijtimoiy-siyosiy, tabiiy – biologik global muhitning shakllanishini va shu bilan birga, mavjud milliy va mintaqaviy muammolarning jahon miqyosidagi muammolarga aylanib borishini ifoda etayotganligi ta'kidlanmoqda.[2]

Bunday Globallashuvga sabab – bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi nafaqat yaqin va uzoq qo'shni davlatlar, balki boshqa mintaqa hududlar bilan bog'liq bo'lmoqda, shu ma'noda "Globallashuv – bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir".[3]

Asarda har bir ijtimoiy hodisaning ijobiy va salbiy tomoni bo'lganligi kabi, davlatlar va xalqlar o'rtasidagi integratsiya va hamkorlik aloqalarining kuchayishi, xorijiy investitsiyalar, kapital va tovarlar, ishchi kuchining erkin harakati uchun qulayliklar vujudga kelishi, ko'plab yangi ish o'rinlarining yaratilishi, zamonaviy kommunikatsiya va axborot texnologiyalarining, ilm-fan yutuqlarining tezlik bilan tarqalishi, turli qadriyatlarning umuminsoniy negizda uyg'unlashuvi, tsivilizatsiyalararo muloqotning yangicha sifat

[1]Каримов И. "Юксак маънавият-енгилмас куч" Т.; "Маънавият", 2008, 115-бет.
[2] Ислом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" Т., "Маънавият". 2008 й., 111 б.
[3] Ўша ерда.

kasb etishi, ekologik ofatlar paytida o'zaro yordam ko'rsatish imkoniyatlarining ortishi – ijobiy tomonlar sifatida;

shuningdek, hozirgi sharoitda u mafkuraviy ta'sir o'tkazishning nihoyatda o'tkir quroliga aylanib, har xil siyosiy kuchlar va markazlarning manfaatlariga xizmat qilayotganini fahmlash-tashvishli holat sifatida keltirilgan.

Shu ma'noda yurtboshimiz avval ham bildirgan "mafkura poligonlari yadro poligonlaridan ham ko'proq kuchga egaligi" ni ta'kidlaydilar.

Bu jihatlar yoshlarimizning dunyoqarashiga salbiy ta'sirlarini ham o'tkazishi mumkin. Shunday vaziyatda inson sinovlardan o'tgan hayotiy-milliy qadriyatlarga, sog'lom dunyoqarash va mustahkam irodaga ega bo'lmasa, har xil ma'naviy tahdidning ta'siriga berilishi mumkin.

Bugun yoshlarimiz ommaviy axborot vositalari, Internet orqali har kuni rang-barang axborotlarni qabul qilmoqda. Lekin biz yoshlarga nimani ko'rib, nimani ko'rmaslikni, ta'qiqlash, umuman olganda bir tomonlama tarbiya berish tarafdori emasmiz. Chunki biz ochiq va erkin demokratik jamiyat qurmoqdamiz. Biz yoshlarni, shunday tarbiya berishimiz lozimki, har qanday vaziyatda ham yomon ta'sirlarga tushib qolmasin, "biz davlatimiz kelajagini o'z qobig'imizga o'ralib qolgan holda emas, balki umumbashariy va demokratik qadriyatlarni chuqur o'zlashtirgan holda tasavvur etamiz. Biz istiqbolimizni taraqqiy topgan mamlakatlar tajribasidan foydalanib, davlat va jamiyat boshqaruvini erkinlash-tirish, inson huquq va erkinliklarini, fikrlar rang-barangligini o'z hayotimizga yanada kengroq joriy qilishda ko'ramiz. Biz bugun ma'rifatli dunyo, xalqaro hamjamiyat, bilan tinch-totuv, erkin va farovon hayot kechirish, o'zaro manfaatli hamkorlik qilish tarafdorimiz".[1] Lekin biz "ommaviy madaniyat" deb atalgan, yoshlarimizning ma'naviyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan axloqsizlik, zo'ravonlik, individualizm, egotsentrizm g'oyalarini tarqatilishidan farzandlarimizni asrashimiz kerak.

Shuning uchun biz yoshlarimizni ona Vatanga muhabbat, tariximizga, muqaddas dinimizga sadoqat ruhida, bag'rikeng qilib tarbiyalash uchun, mafkuraviy immunitetni kuchaytirish,ularda odamiylikni mustahkamlash lozim. Odamiylik-bag'rikenglikning muhim shartlaridan bo'lib, jamiyat a'zolariga nisbatan hurmat, ishonch, sof qalblik, samimiylik, kamtarlik, poklik fazilatlarini o'z ichiga oladi. Shuningdek, ulug' ajdodlarimizning o'tmishida jahon fani va madaniyati taraqqiyotiga qo'shgan ma'naviyatini o'rganish, "ota-bobolarimizning ongu tafakkurida asrlar, ming yillar davomida shakllanib, sayqal topgan or-nomus, uyat-andisha, sharmu-hayo, ibo va iffat kabi yuksak axloqiy tuyg'u va tushunchalari orqali bag'rikeng qilib tarbiyalash biz ziyolilarning asosiy burchimizdir.

Prezident Islom Karimovning ushbu bebaho ma'naviy durdonasida yosh avlodni turli ma'naviy tajovuzlardan himoya qilish haqida gapirganda, nafaqat xalqimizni ulug'laydigan buyuk xususiyatlar "ayni paytda uning rivojlanishga salbiy ta'sir ko'rsatadigan noma'qul odatlar haqida ham so'z yuritilishi" diqqatga sazovordir.

Insoniylikdek buyuk sharafli fazilatlarga zid bo'lgan, salbiy, xunuk ko'rinishlardan biri hasadning yomon oqibatlarga olib kelishi, o'tmishida ham qanchadan-qancha buyuk insonlar shu illat tufayli og'ir kunlarga qolganliklari, hasad bilan emas, havas bilan yashash lozimligi, har qanday "yilt etgan iste'dodni qo'llab-quvvatlasak, milliy taraqqiyot bobida yanada yuksak marralarni egallashimiz" uqtiriladi.[1]

Hayot murakkab, qiyin vaziyatlarga duch kelish mumkin. Shunday vaziyatda yo'lni yo'qotmaslik uchun, o'z kuchiga ishonib, ruhiy dunyosi, ma'naviy olami baquvvat inson bunday vaziyatdan yorug' yuz bilan chiqa oladi. Asarda insonning ma'naviyati kuchayishi bilan irodasi ham kuchayib borishi, iroda-bu aslida, ishonch ekanligi, irodali insonga suyanish mumkinligiga alohida urg'u beriladi.

Yosh avlodda nafaqat o'z hayoti, oila a'zolari, Vatani va millati oldidagi, balki atrof-tabiat, butun kurrai zamin va jami bashariyat oldidagi mas'uliyat tuyg'usini shakllantirish bugungi kun ta'lim-tarbiya tizimining eng muhim masalasi bo'lib turipti.

O'zbekiston respublikasi Prezidenti ma'naviyatga qarshi turli xurujlar haqida gapirar ekan, ta'kidlab o'tadiki: *"Bu haqda gapirganda, faqat bitta millat yoki xalq haqida fikr yuritish masalani o'ta tor tushunish bo'lur edi. Ya'ni, bu o'rinda so'z faqat bizning ma'naviyatimizga qarshi qaratilgan tajovuzlar haqida, azaliy fazilatlarimiz, milliy qadriyatlarimizni ana shunday hujumlardan asrash xususidagina borayotgani yo'q. Muhim ijtimoiy-siyosiy ahamiyatga ega bo'lgan ushbu muammoni keng miqyosda, dunyoning barcha mamlakatlari va xalqlari hayotiga daxldor masala sifatida o'rganish, tahlil qilish va baholash maqsadga muvofiqdir".* Masalaga bunday keng qamrovli yondoshuv kecha yoki bugun paydo bo'lgani yo'q. Muallifning o'zi ham eslab o'tganidek, bizning ulug' ajdodlarimiz barchasi *"o'z ijodi bilan nafaqat ikki daryo oralig'idagi xalqlarni, balki butun bashariyat farzandlarini doimo mehr-oqibatli, do'st-birodar bo'lib yashashga"* da'vat etib kelganlar.

Insonning qalbi va ongiga jo bo'lgan milliy ma'naviy-axloqiy negizlar uni butun umri davomida halol, pok, bilimli, xalq xizmatida bo'lishga, Vatan ravnaqi hamda taraqqiyotiga hissa qo'shishga,o'zining ongli va erkin

[1] Ислом Каримов. "Юксак маънавият – енгилмас куч" Т., "Маънавият", 2008, 114 б.
[1] Ўша ерда. 122 б.

mushohada qiluvchi shaxs sifatida kamol topishiga muttasil ravishda undaydi. Prezidentimiz I.A.Karimov doimo ta'kidlab kelganidek: *"...Farzandlarimizni milliy va umuminsoniy qadriyatlarimiz asosida, o'z fikru tafakkuri va zamonaviy bilimga ega bo'lgan vatanparvar etib voyaga etkazish – barchamizning otalik va onalik burchimizdir."*

BARKAMOL ShAXS TARBIYaSIDA SPORTNING O'RNI

Abdullaev M.J., BuxDU dotsenti, Ro`ziyev D. BuxDU o`qituvchisi, Xalim-zoda M. BuxDU talabasi

Keyingi yillarda sportni rivojlantirish davlat ahamiyatiga ko'tarilgan muhim masalalardan biri bo'lib qoldi. Yosh avlodni har tomonlama kuchli va baquvvat qilib tarbiyalash xozirgi kunning dolzarb muammosiga aylanib bormoqda. Prezidentimiz I.A.Karimov tomonidan chiqarilgan bir qator farmon va qarorlar sportni rivojlantirishga xizmat qiladigan muhim mezonlardan biridir.

Jumladan, bolalar sportini rivojlantirish to'g'risida ham qator ishlar amalga oshirilmoqda. Har bir bola yoshligidan boshlab sport bilan muntazam shug'ullanib bormog'i lozim. Buni samarali amalga oshirishda ta'lim tizimi bo'g'inlari (maktabgacha, boshlangich, o'rta va oliy) o'quv yurtlarining alohida o'rni mavjud.

Bolalarning jismoniy tayyorgarligi barcha zamonlarda ham etakchi o'rinlarda turgan. Qadimda bolalarning sport o'yinlari bilan shug'ullanishi doimiy yo'lga qo'yilgan. Hatto podshoxlar farzandlarining kuchli va baquvvat bo'lishlarini istab, ularga alohida murabbiylar tayinlaganlar. Bunday murabbiy taxt vorislarini jismoniy tomonidan etuk shaxs bo'lib etishishlariga alohida e'tibor berishgan. Bu kabi an'ana davom ettirilgan.

Jumxuriyatimizda yosh avlodning barkamol bo'lib etishishi uchun qator sport maktablari, sog'lomlashtirish markazlari, sportning barcha turlari bo'yicha to'garaklar tashkil qilingan. Bunday ishlarning tashkil qilinishi zaminida yosh avlodni har tomonlama sog'lom qilib tarbiyalash vazifasi yotadi.

Bola endigina maktabga qadam qo'yar ekan, u hali bunday sharoitga moslashmagan bo'ladi, Bunda boshlangich sinf o'qituvchilari darsdan tashqari va guruh mashhulotlarida turli harakatli sport o'yinlarini tashkil qilish orqali ularning qiziqishini oshirsa, ikkinchi tomondan, shu yoshdagi bolalarning sportga bulgan qiziqishini orttiradi. Keyingi yillarda oliy ta'lim tizimida boshlangich sinf o'qituvchilarini tayyorlashda ham talabalarga bir qator sportga oid harakatli o'yinlar, suzish, gimnastika kabi fanlar o'qitilmoqda. Bu esa boshlang'ich sinf o'qituvchilarining sportdan xabardor bo'lishini kelajakda sport mashg'ulotlarini o'quvchilar bilan qanday tashkil qilish ishlarini o'zlashtirishlariga yaqindan yordam beradi. Boshlang'ich ta'lim usuliyoti yo'nalishida taxsil olayotgan talabalarga sportga doir fanlarning o'qitilishi ularda bunday ko'nikmalarnin shakllanishiga yordam beradi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan doimiy sport mashg'ulotlarini tashkil qilib borish zarur. Avvalo, sport bilan shug'ullanish jarayonida o'quvchida bir qator psixik xususiyatlar tarkib toptiriladi va rivojlantiriladi. Masalan, bolada ruh tarbiyasi mustahkam bo'lib, iroda, idrok yuqori darajada taraqqiy etadi. Unda birinchidan, qo'rqmaslik, soglom tana shakllansa, ikkinchidan, fiziologik jihatdan organizmning ish faoliyati mustahkam bo'ladi, «Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur» degan hikmatda xaqiqat mavjudligi shundan bo'lsa, ajab emas.

Xulosa qilib aytganda bolalarni yoshligidan boshlab milliy sport turlari (kurash bilan birga boshqa sport turlari — futbol, qo'l to'pi, basketbol, tennis kabi o'yinlarni uynash texnikasi bilan tanishtirib borish lozim. Futbol yoki voleybolni hamma bolalar o'ynashi mumkii. Ammo uning qoidalarini o'yin jarayonidagi holatlarni his qila olmasligi mumkin. Bunday holatlarda ularga o'qituvchilar yordam berishsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quvchilar bilan sport o'yinlarini tashkil qilishda quyidagilarga e'tibor berishi lozim:

—avvalo, o'quvchilarning tibbiy salomatligini aniqlash;

—har bir o'quvchining psixik xususiyatidan kelib chikib, ularni sport mashg'ulotlariga jalb qilishni yo'lga qo'yish;

— o'quvchilarda kun tartibiga qat'iy amal qilish ko'nikmalarini tarkib toptirish;

— o'quvchilar o'rtasida turli sport musobaqalarini tashkil qilish *h*amda uning natijalarini maktab miqyosida tahlil qilish.

— bolalarni sog'lomlashtirish va sport ishlarida oila, mahalla va qishloq fuqorolar yig'ini faollarini ishtirokini kuchaytirish kerak.

YoSh AVLOD MA'NAVIY TARBIYaSINI YuKSALTIRIShDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK – INFORMATsION TEXNOLOGIYaLARDAN FOYDALANISh

Ibragimov A.K. BuxDU "Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport" kafedrasi mudiri

Hozirgi davrda qo'llanilishi juda ham dolzarb va ilmiy-amaliy ahamiyati yuksak bo'lgan interfaol muloqot tizimlari faol ta'lim jarayonini kuchaytirish uchun ishlab chiqilgan zamonaviy ilg'or texnologiyalardan biri bo'lib, uning yordamida darsda talabalarning o'qituvchi bilan bevosita ma'lumot almashinuvi amalga oshiriladi (ayniqsa katta guruhlarga ma'ruzalar o'qilganida yoki ulardan testlar qabul

qilinganida bu tizimdan foydalanish juda qo'l keladi). Jahon pedagogik adabiyotida bunday tizimlarga turli xil atamalar bilan nomlar berilgan. Masalan, WRS (wireless response systems), GRS (group response systems), PRS (personal response systems), ISRS (interactive student response systems), ILS (interactive learning systems), IRIS (interactive audience response system), IE (interactive engagement), H-ITT (hyper-active interactive teaching technology), ERS (electronic response systems), CRS (classroom performance systems), ARF (audience-paced feedback systems) va SRS (Student Response System) atamalari zamonaviy pedagogik adabiyotlarda ko'proq ishlatiladi. Biz esa ushbu tahliliy maqolada bunday interaktiv tizimlarga SRS atamasini qo'llashni ma'qul ko'rdik. Ushbu texnologiya ta'lim tizimida 1960 yillardan beri qo'llanilib kelinadi. SRS texnologiyasining rivojlanishini quyidagi uchta avlodga bo'lib o'rganishimiz mumkin:

1-avlod - 1960-1970 yillar – xususiy korxonalarda ishlab chiqilgan yoki tijorat uslubida tarqatiladigan SRS tizimlar bitta sinf miqyosidagina qo'llanilganlar.

2-avlod – 1980-2000 yillar – bunda muloqot tizimi infraqizil yoki radio to'lqinli pultlar yordamida amalga oshirilgan.

3-avlod - 2002 yillardan xozirgacha – Internet tizimi imkoniyatlaridan foydalanadigan tizimlardan foydalanila boshlandi.

Birinchi va ikkinchi avlodga mansub interaktiv muloqot tizimlari an'anaviy, talabalar bilan bevosita muloqot qilinadigan dars jarayonida foydalanilgan edi. Oxirgi paytlarda ishlab chiqarilgan va uchinchi avlodga mansub tizimlar esa WebCt, Blackboard ga o'xshash imkoniyatlarni ishlatgan xolda on-layn o'quv kurslarida ham ishlatilishi mumkin. Bunday tizimlar oliy ta'lim tizimida ishlatilishidan oldin biznes va tadbirkorlik jarayonlarida xizmatchilarni ishga tayyorlash va uchrashuvlar o'tkazish uchun hamda davlat muassasalarida ovoz berish va turli muammolarni ko'pchilik bo'lib muhokama qilish uchun ishlatilina boshlagan. Talabalarning interaktiv muloqot tizimi (SRS) ning ishlash jarayoni ko'pincha quyidagi uch bosqichli jarayonni o'z ichiga oladi:

Dars berish yoki muhokama jarayonida o'qituvchi ekranda savol, muammo yoki testni ko'rsatadi yoki og'zaki savollar beradi. Savol yoki muammo proektor yordamida katta ekranga tushirilishi mumkin. Ammo ba'zi tizimlarda har bir talaba o'zining shaxsiy moslamasida ham ularni ko'rishi mumkin (masalan LCD displeyli planshetlarda, PDA (personal digital assistant) larda, matnli ma'lumotlarni tasvirlay oladigan mobil telefonlarda yoki shaxsiy mobil planshet kompyuterlarida)). SRS tizimining qanday turga mansubligiga bog'liq ravishda savol va javoblar turli ko'rinishlarda bo'lishi mumkin. Masalan, oddiy To'g'riG'Noto'g'ri, HaG'Yo'q yoki bir qancha variantlardan birini tanlash imkoniyatlari ko'rinishida. Ba'zi vaqtlarda jadvallarni to'ldirish usuli, tahlil usuli, talabalar orasidagi musobaqa uyushtirish usuli, reytinglash usuli, tasodifiy yoki ushbu xolat uchun mos keladigan jumboqli savollar berish usuli va boshqalar ham qo'llanilishi mumkin;

Barcha talabalar o'zlariga berilgan pultlar orqali yoki internetga ulangan kiritish moslamalari yordamida berilgan savollarga javob beradilar (yoki o'z fikrlarini bildiradilar). Ba'zi bir ikki tomonlama ma'lumot uzata oladigan moslamalar istalgan talaba tomonidan anonim ravishda savol berish yoki kommentariy yozish imkonini ham beradilar yoki javobni o'qituvchiga jo'natishlar ham mumkin;

Olingan javoblar qayta ishlangan xolda proektor ekranida va o'qituvchining kompyuterida ko'rsatiladi.

Talabalarning javoblarini barchaga namoyish qilish savolni chuqurroq tushunishga yoki yana qo'shimcha savollar hosil bo'lishiga olib kelishi mumkin. Masalan, bir qancha SRS dasturlari talabalarga fanni o'rganish uchun qo'shimcha imkoniyatlar berishi yoki oldingi savollarga qo'shimcha alternativ javoblar topishga imkon berishi mumkin. Bunday interaktiv muloqot o'qituvchi va talabalarning bir fikrga kelgunicha yoki o'zaro qoniqarli echim topgunlaricha davom ettirilishi mumkin. Endi SRS – interaktiv muloqot tizimidan foydalanish orqali erishiladigan potentsial natijalarga to'xtalib o'tamiz. Talabalarning interaktiv muloqot tizimlari uch yo'nalishda ijobiy natijalarga erishishga imkon berishi mumkin, bular - dars berish, ilmiy izlanish va xizmat ko'rsatish yo'nalishlaridir. Ammo talabalarning interaktiv muloqot tizimlari talabalar bilimini yaxshilashning qo'yidagi asosiy yo'nalishlarida katta yordam berishi kerakligi asosiy maqsad sifatida qo'yiladi:

darsga qatnashish yoki davomatni hamda darsga tayyorgarlikni yaxshilash;

dars mavzularini yanada aniqroq tushunishga erishish;

dars jarayonida yanada faolroq ishtirok etish;

yakka tartibdagi yoki guruh tartibidagi bilim olishning sifatini oshirish. Masalan, Classtalk deb nomlangan interaktiv tizim programmaviy ta'minoti juftliklardagi yoki kichik guruxga bo'lingan talabalarga javob berish imkonini yaratadi. Bunda talabalar sinflardagi jamoalarning passiv emas, balki aktiv ishtirokchisi sifatida muammolarni echish imkonini oladilar.

5) Bilim olishning va diqqatni jalb qilishning yaxshilanishi. Masalan, ba'zi interaktiv muloqot tizimlari o'rganilayotgan mavzu bilan bog'liq bo'lgan interaktiv ish o'yinlarini yoki faol ishtirok talab qiladigan savollar bilan talabalar diqqatini jalb qilishi mumkin. Shunday imkoniyatlarni nazarda tutadigan texnologiya quyidagi saytda namoyish qilinadi:

6) Va nihoyat, interaktiv muloqot tizimi yordamida ta’lim olish talabalarda katta qiziqish va qoniqish hosil qiladi.

Interaktiv muloqot tizimlarini qo’llashdan ikkinchi asosiy maqsad - ta’lim berish jarayonini juda bo’lmaganda ikki yo’nalishda yaxshilashni ko’zda tutadi. Bulardan birinchisi, barcha talabalardan (faqatgina eng zukkolaridan emas) mavzu, unga yondoshuv va mavzuni tushunishi bo’yicha tezkor teskari aloqa olish imkoniyati bo’lib, bu xolat o’qituvchiga dars jarayoniga faol aralashuv imkonini yaratadi. Ikkinchisi, o’qituvchi talabalar hakida ko’proq ma’lumot yig’ish, ularni boshqarish va talabalar talablarini to’laroq qondirish imkoniyatiga ega bo’ladi. Interaktiv muloqot tizimlarini qo’llashdan uchinchi asosiy maqsad - qog’ozlar xujjatlar bilan ishlash xajmini va bu bilan bog’liq yordamchi personal sonini keskin kamaytirishdir. Talabalarning darslarga qatnashishini nazorat qilish va turli ko’rinishdagi testlar o’tkazish, joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar, ularning natijalarini qayta ishlash, davlat imtixonlari topshirish bilan bog’liq ishlar xajmi ham ancha miqdorga kamayadi.

O’QUVCHI YOSHLARNI BARKAMOL QILIB SHAKLANTIRISHDA TA’LIM-TARBIYANINIG ROLI.

S. Husenova. Buxoro pedagogika kolleji o’qituvchisi

Barchangiz yaxshi bilasizki, kelajak avlod haqida qayg’urish sog’lom, barkamol avlod tarbiyalab yetishtirishga intilish bizning milliy xususiyatlarimizdir. Bu muqaddas zaminda yashayotgan har qaysi inson o’z farzandining baxtu saodati, vaslu kamolini ko’rish uchun butun hayoti davomida kurashadi, mehnat qiladi ,o’zini ayamaydi. ..Bizning yagona maqsadimiz, har tomonlama yetuk, barkamol avlodni shakillantirish va shunga shart-sharoit yaratib berish.Bu borada anchagina salmoqli ishlar allaqachon boshlab yuborilgan. O’quvchi –talabalarni komil inson ,ma’naviyatli, marifatli,chuqur fikrlovchi,hozirjavob,va erkin muloqot qilishga o’rgatishda ta’lim-tarbiyaning o’rni beqiyos,lekin “**Tarbiya avvalo beshikdan boshlanadi**” degan gap bejiz emas.Bola tug’ulgan kunidan boshlab oila muhitida yashaydi.Oilaga xos ananala, qadryatlar, urf-odatlar bolani hayot maktabini shakillantiradi. Norasida bolaning miyyasi, ongi nimani o’ziga singdira oladi, nimani qabul qilmaydi? Bolamizga qachondan boshlab, qanday qilib, qanday usulda va usluba milliy qadryatlarimiz, urf –odatlarimizni o’rgatishimiz, chuqur anglatishimiz kerak?

Har bir jamiyatning manaviyat darajasi uning istedod egalarini, umuman esa,qobiliyatli, o’quvchi-talabalarni qadrlash,ularga alohida g’amxo’rlik ko’rsatilishi, kamol topdirish uchun yetarli shart- sharoitni taminlab berish bilan ham belgilanadi.Rivojlangan, manaviyatli jamiyatlarda istedod egalari millatning yuzi ,g’ururi va kelajagi deb qaraladi. Tarbiya –shaxs ongini muayyan jamiyatning maqsadi va vazifalariga muvofiq ravishda tarkib topdirish va rivojlantirish jarayoni ,kishilarni ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotda faol ishtirok ettirishga ko’mak beruvchi omillardan biridir.

Muxtaram prezidentimiz aytganlaridek , “O’zbekiston –kelajakda, madaniy boyligi bilan emas balki har tomonlama aql zakovatli yoshlari bilan dunyoni lol qoldiradi”

Manashunday aql zakovatli yoshlari kashf qilish maqsadida eng ezgu ishlardan biri Xorijiy tillarni o’rgatishga alaqachon bel bog’landi.

Xorijiy tillarni o’rganish va o’rgatishga

Hozirgi paytda xorijiy tillarni o’rganish va o’rgatishga yurtimizda katta ahamiyat berilmoqda. Bu ham, albatta, bejiz emas. Bugun jahon hamjamiyatidan o’ziga munosib o’rin egallashga intilayotgan mamlakatimiz uchun, chet ellik sheriklarimiz bilan hamjihatlikda, hamkorlikda o’z buyuk kelajagini qurayotgan xalqimiz uchun xorijiy tillarni mukammal bilishning ahamiyatini

Zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda o’qitishning ilg’or uslublarini joriy etish yo’li bilan, o’sib kelayotgan yosh avlodni **barkamol qilib tarbiyalash maqsadida** chet tillarga o’qitish, shu tillarda erkin so’zlasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish hamda buning negizida, ularning jahon sivilizatsiyasi yutuqlari hamda dunyo axborot resurslaridan keng ko’lamda foydalanishlari, xalqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirishlari uchun shart-sharoit va imkoniyatlar yaratib berilmoqda. Respublikaning barcha hududida chet tillarni, asosan, ingliz tilini o’rganish umumta'lim maktablarining birinchi sinflaridan o’yin tarzidagi darslar va og’zaki nutq darslari shaklida, ikkinchi sinfdan boshlab esa, alifbo, o’qish va grammatikani o’zlashtirishdan bosqichma-bosqich boshlanadi;oliy o’quv yurtlarida ayrim maxsus fanlarni, xususan, texnik va xalqaro mutaxassisliklar bo’yicha o’qitish chet tillarda olib boriladi ko’zda tutilmoqda.umumiy o’rta, o’rta maxsus, **kasb-hunar ta'limi** muassasalarining o’quvchilari va o’qituvchilarini chet tillar bo’yicha darsliklar va o’quv-uslubiy komplekslar bilan ta'minlash, ularni belgilangan muddatlarga rioya etilgan holda qayta nashr etilmoqda.

«ZiyoNet» tarmog’i orqali ta'lim muassasalarining xalqaro ta'lim va bilim olish manbalariga kirish imkoniyatlarini sezilarli orttirish, uning resurs markazini multimediya resurslari, shaxsiy kompyuterlar va mobil uskunalar uchun ilovalar bilan boyitish, shuningdek, ingliz tilida o’quv va badiiy adabiyotlar,

ixtisoslashtirilgan rasmlar bilan bezatilgan gazetalar va jurnallarni chop etish, ularga maxsus ruknlar hamda ilovalarni tashkil qilinyapti.

Hech-bir soha millatni sportchalik dunyoga tez tanita olmaydi

Yosh avlodni yanada "**Sog'lom va barkamol"** bolishida **jismoniy tarbiya va sportning** o'rni beqiyos

Jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish

Ota bobolarimiz azal-azalda kurash,ko'bori kabi milliy sportimiz bilan shug'ullanib kelganlar.O"zbekiston mustaqillikga erishganidan keyin jismoniy tarbiya va sportga juda katta etibor qaratdi

O'quvchi yoshlarni jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga uzluksiz jalb qilishni ta'minlash maqsadida **O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A Karimov** tashabbusi bilan qabul qilingan Kadirlar tayyorlash milliy modeli asosida hamda Vazirlar Mahkamasining ,,O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora –tadbirlari to'g'risida'' gi 1999-yil 27-maydagi 271-sonli qaroriga binoan, mamlakatda uch bo'g'inli sport tizimi yaratilib, u uzluksiz talimda amalgam oshirila boshlandi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joyizki, biz har tomonlama barkamol avlodni tarbiyalashda bor imkoniyatimizni ishga solishimiz kerak.Shunki:biz O'zbekiston kelajagi bo'lgan **barkamol avlodni--baxtli kelajak** sari yetaklashimiz va kelajakda Mustaqil O'zbekistonimizni bayrog'ini baland ko'tarishiga ko'maklashishimiz zarur,buning uchun bizning aql-zakovatimiz ham kuch qudratimiz va imkoniyatlarimiz ham yetarli,faqatgina shunga intilib yashash kerak shunda yurtboshimiz aytganlaridek ko'zlagan ezgu maqsadimizga erishgan bo'lamiz.

YoSh BOLALARNI HAR TOMONLAMA BARKAMOL QILIB TARBIYaLAShDA SPORTNING O'RNI

Abdullaev M.J., BuxDU dotsenti

O'sib kelayotgan yosh bolalarni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalashda sportning muhim o'rni borligi bugungi kunda teran anglanmoqda. Ta'kidlash joizki, yoshligidan sport bilan shug'ullangan shaxs yoshi ulg'ayganda ham hayotining 70-75 foizini sport bilan shug'ullanish tashkil qilmoqda. Har bir shaxsni barkamol qilib tarbiyalashda sportning alohida o'rni bor. Sportning yoshlar o'rtasida o'z o'rni bor ekan, unda sport pedagogikasi tarbiya jarayonining bir qismi bo'lib xizmat qiladi. O'quvchi-sportchi tarbiyaviy jarayonining asosiy vazifasi har bir shaxs sportda o'z o'rnini topishi, sport uning bir a'zosi kabi deb his qilishini tarbiyalashdan iborat. Sportga daxldor kishi qiyinchiliklarga bardoshli bo'lishi bilan farq qiladi.

O'zbekiston Respublikasida sport jamiyatda va xalq xo'jaligida o'z nufuziga ega bo'lganligi bilan birga, shaxsni har tomonlama tarbiyalashga qaratilgan turli yo'llari bilan ajralib turadi. Respublikamizda va xorijiy davlatlarda o'tkazilayotgan sport tardbirlaridan jamiyatda sportning qanday o'rni borligi, bugungi kunda sport davlat siyosatining ustuvor vazifalaridan ekanligini ko'ramiz. Bunda O'zbekiston Respublikasida o'zbek kurashini jahon sport andozalari darajasiga ko'tarish, uni ommabop qilib targ'ibot qilish, aynan yoshlar o'rtasida ommaviy rivojlanishi bugungi kunda shaxsni barkamol qilib tarbiyalashda alohida o'rin tutmoqda. Bugungi kunda Halqaro Olimpia va sport harakatidan 60 ga yaqin sport turlari bo'yicha nufuzli musobaqalar olib borilmoqda. Bulardan tashqari, yoshlar o'rtasida «Quvnoq startlar», futbol, boks, kurash kabi sport turlari o'zining ommaviyligi bilan ajralib turadi. Bir narsani unutmaylikki, har qaysi sport turi bo'yicha shug'ullanuvchi kishi sportda o'zining jismoniy rivojlanishi, jismoniy tayyorgarligi va yurish-turishi, muloqot olib borishida o'zi shug'ullangan sport hususiyatlariga qarab shakllanib borishini ko'ramiz.

Sport insonning jismoniy rivojlanishi, jismoniy tayyorgarligidan tashqari harakat faoliyati va maktabdan tashqari bo'lgan qiziqishlarini shakllantiradi. Sport tor ma'noda insonning o'ziga bo'lgan ishonchini oshirib, oldiga qo'ygan maqsadini amalga oshirishga yordam beradi. Sport bilan muntazam shug'ullangan shaxsda eng qiyin bo'lgan vaziyatlardan chiqa olish, do'stlariga va yaqinlariga yordam berish kabi umumiy fazilatlar tarbiyalanadi.

Sportchi biron bir jamoada shug'ullansa, jamoa oldiga qo'ygan vazifa va maqsadlar sportchining shaxsiy maqsadlaridan ustun bo'lib, u jamoa oldiga qo'ygan g'oyalarga to'liq rioya qiladi. Shuni ta'kidlash joizki, sport kishiga o'zining harakatlarini ijobiy shakllantirishga yordam beradi. Sportga o'z hayotini bag'ishlagan sportchilar hayotga estetik qiziqishi, biror muhitda bo'layotgan hodisalariga oqilona munosabat bildirishi, har tomonlama mazmunli muloqot qilishi, tomoshabinlarga o'z ta'sirini o'tkazishi kuzatiladi. Umuman olganda, sport tarbiyasi shaxsni har tomonlama kamol toptirishda va tarbiyasida alohida o'rin tutadi. Sport bilan shug'ullanishda ko'p holatlarda o'sib kelayotgan o'quvchilarning qiyinchiliklar tufayli sport mashg'ulotlarini tashlab ketishi hollari ham uchraydi. Lekin sport bilan muntazam shug'ullangan iroda va ishonch kabi jismoniy, pedagogik, psixologik fazilatlarni o'zida tarbiyalagan sportchi, so'zsiz, sport musobaqalarining yuqori cho'qqilariga yo'l oladi.

Sport jarayoni murakkab bo'lib, unda sportchilar uzoq, mashaqqatli mehnat qilib, sport mahoratlarini va ko'nikmalarini sport musobaqa jarayonida bir lahzada namoyon qiladi. Lekin mana shu lahzada sportchining bor kuchi, irodasi, bilimi, erishgan yutuq va natijalari omma o'rtasida ko'z-ko'z qilinadi. Sport har qanday insonni tarbiyalashga qodir, u sport cho'qqilarini egallashda har bir shaxsdan o'ta irodali bo'lishni taqozo qiladi. Bunda sportchi bosqichma-bosqich sport sirlarini egallab boradi. Sportda ko'p fazilatlar bo'lib, ko'p va uzoq muddat shug'ullangan sportchilar sport sohasida shunday fazilatlarni o'zlarida tarbiyalaydilar. Bunday kishi «Sport mening uchun ham havo, ham suv, ham hayot. Men sportsiz xayotimni tasavvur qila olmayman. O'tgan kunlarimni faqat sportga bag'ishladim. Shuning uchun men uzoq yil umr ko'rib dori-darmonsiz, kasal bo'lmasdan, sog'lom, tetik bo'lib yurish bilan jamiyatda xizmat qilib qelmoqdaman» deya sportga bo'lgan mehrini izhor etadi.

Xulosa bitta: yoshlar bo'sh vaqtini foydali mashg'ulotlar bilan band etish lozim. Bu borada sport bebaho o'rin tutadi. Sport mashg'ulotlariga qatnayotgan bolada orzu-havas kuchli bo'ladi. U o'z maqsadiga erishish uchun mehnat qiladi. Ko'cha-ko'yda bekor yurishga vaqti bo'lmaydi. Eng asosiysi sport orqali ertangi hayotga tayyor bo'lib boradi. Sog'lom bo'ladi. Sog'lom odam esa sog'lom fikr yuritadi.

1960-2000 YILLARDA BUXORODA SPORT KURASHI MURABBIYLARINING FAOLIYATI

Q.X.Qurbonov BuxDU

Buxoro azaldan polvonlar yurti bo'lganligi sababli xonlik davrida ham Buxoroning o'z atalgan polvonlari bo'lib, ular vaqti -vaqti bilan boshqa xonlik polvonlari bilan kurash tushib, Buxoro xonligi nufuzini saqlashga o'z hissasini qo'shib turishganlar. Buxoroliklarning kurashga bo'lgan ishtiyoqi avloddan -avlodga o'tib, hozirgi davrgacha yetib kelgan.

Ayniqsa XX asrning II-yarmiga kelib, Buxoro shahrida kurashni rivojlantirish maqsadida zamonaviy kurash zallari qurila boshlandi va yangidan -yangi murabbiylar sport kurashlari bo'yicha o'z faoliyatlarini boshlab yubordilar.

Butun O'zbekistonga qolaversa qo'shni respublikalar – Qozog'iston, Turkmaniston, Tojikiston, Qirg'izistonlarda ham o'z kurashi mahorati bilan tanilgan Ismoil Turobov XX asrning 60- yillaridan keyin kurash tushish bilan bir qatorda murabbiylik faoliyatini ham boshlab yubordi. U o'zining murabbiylik faoliyatini davom ettirish bilan birga, 38 yoshigacha yelkasi yerga tegmagan polvonlar qatori kurash tushib, 12 bor respublika chempioni bo'lgan, yuzlab kurashchilarni o'z orqasidan ergashtirishga erishgan. hozirgacha Buxoroda, hatto boshqa viloyatlarda ham Buxoro kurashitarixidan gap boshlansa avvalo Ismoil Turobov tilga olinadi.

XX-asrning 60-yillaridan boshlab Buxoroda sport kurashining erkin, yunon-rum, keyinchalik sambo, dzyudo turlaridan ham murabbiylar o'z faoliyatlarini boshlab yubordilar.

60-yillarda yunon-rum (klassik) kurashidan Toshev Qudrat Narzullaevich o'zining murabbiylik faoliyatini "Barkamol avlod" markazi (eski pionerlar saroyi) binosida boshlab bir necha o'nlab darajali kurashchilar, bir necha sobiq SSSR ustalari, hatto yoshlar o'rtasida Yevropa Chempioni bo'lgan Abbos Shodievni yetishtirib chiqardilar.

Keyinchalik Abbos Shodievni o'zi ham murabbiylik sohasiga qo'l urib, bir necha o'nlab darajali sportchilar va sport ustalarini tayyorlashga erishdilar.

O'sha davrda erkin kurash bo'yicha Buxoroning atoqli murabbiylaridan biri Abdulla Aslanovich Jumaev edilar. U kishi ham bir necha o'nlab sport ustalarini va kurash murabbiylarini yetishtirib chiqarganlar. Hatto keyinchalik sambo urashiga o'tib Jaxon chempioni bo'lgan Sobir Qurbonovga katta sportga kirishiga sababchi bo'lgan.

Erkin kurash bo'yicha murabbiy Garifulin Medxat Yunusovich.

Bu murabbiy yuzlab shogirdlarga erkin kurash sirlarini o'rgatgan bo'lsalar, ularning 15dan ortig'I sport ustasi normativini bajarishgan. Shu shogirdlaridan biri o'zimizning o'qituvchimiz Arslonov Qaxramon Polvonovichdir. U kishi o'sha paytlardagi nufuzli musobaqalardan bo'lgan sobiq SSSR talabalari o'rtasidagi erkin kurash bo'yicha "Aleksandr Medvedev" xotirasiga bag'ishlangan turnirida kumush medal soxibi bo'lgan, O'zbekiston oliy o'quv yurtlari spartakiadasining ikki bor g'olibi, sobiq SSSR sport ustasidir.

Yunon-rum kurashining Buxoro viloyatida rivojlanishiga o'z qissasini qo'shgan murabbiylardan Yuriy Nikolaevich Txostov, Ergash Niyozovlar ham o'z faoliyati davomida bir necha o'nlab darajali kurashchilar tayyorlaganlar. Ergash Niyozov shogirdlaridan Anvar Shirinov, Rustam Kudratov, Aramatovlar sobiq SSR maktab o'quvchilari spartakiadasi g'oliblari va sovrindorlari bo'lishganlar. Ular shogirdlaridan Rustam Qudratov esa hozirgi paytda yunon-rum kurashi bo'yicha O'zbekiston terma jamoasi murabbiyidir.

Yana bir shogirdlari Toxir G'ulomov esa Buxoroda yagona halqaro klassdagi hakam - ya'ni arbitor ekstro klass. halqaro "Oltin hushtak" sovrini sohibi. Olimpiadada hakamlik qilgan Buxorolik yagona hakam.

Sambo kurashi O'zbekistonga kirib kelgandan keyin o'zimizning ko'pchilik milliy kurashchilarimiz va erkin kurash murabbiylari samboni o'zlashtirib olishdilar. Shulardan murabbiy Jumaev Abdulla

Aslanovich tayyorlagan buxorolik Sobir Qurbonov avvalo bir necha bor respublika chempioni, keyinchalik Yevropa chempioni va nihoyat 1975 yilda Jaxon chempioni bo'ldi.

Murabbiy yo'liga o'tgan Sobir Qurbonovning o'zi ham keyinchalik yuzlab shogirdlar tayyorlab, bir necha o'nlab sport ustalari yetishtirib chiqardi.

Sobir Qurbonov shogirdlaridan bo'lgan Barno Jo'raev ham Buxoro va O'zbekistonda sambo kurashining rivojlanishiga katta hissa qo'shdi. Barno Jo'raev murabbiylik qilgan O'zbekiston yoshlar terma jamoasi hatto jamoa hisobida jahon chempioni bo'lishgan edilar.

Barno Jo'raev shogirdlaridan bo'lgan Faxri Isomov o'z murabbiylik faoliyatida sambo kurashi bo'yicha jaxon chempioni, jaxon kubogi sohibi Shuxrat Xo'jaevni, jaxon chempioni Botir Xujaevni bir necha o'nlab sport ustalarini tayyorladilar.

Dzyudo kurashining O'zbekistonga kirib kelgandan keyin, uning Buxoro viloyatida rivojiga Abdulla Aslanovich Jumaev va Chori Sharipovlar o'zlarining katta hissalarini qo'shdilar. Chori Sharipov ham bir necha o'nlab shogirdlar tayyorlab Ahmad Rajabovga o'xshagan bir necha sport ustalari ham tayyorladilar.

Hozirgi paytda Buxoro shahrida Xolmurod Muborakov va uning safdoshlari bir necha Olimpiya zaxiralari sport maktablarida milliy kurash sirlarini yoshlarga o'rgatib kelishmoqdaki, ular hozirgi paytda o'tkazilayotgan respublika, Osiyo, jaxon birinchiliklarida o'z nufuzlariga ega.Mustaqillikka erishganimizdan keyin sport kurashining rivojlanishi uchun yanada shart-sharoitlar yaxshiroq yaratildiki bunga javoban yosh murabbiylar kuch-g'ayratini ayamasdan kelajagimiz bo'lgan yoshlarga o'zlarining kurash sir-sinoatlarini o'rgatishmoqdalar.

ShAXS MA'NAVIY KAMOLOTIDA FUQAROLIK MADANIYaTI

Inoyatov A.Sh., Toshev A., BuxDU

Fuqarolik madaniyatini tarbiyalash, huquqiy ongli (madaniyatli) bo'lish barcha fuqarolar uchun zaruratdir. Lekin, bu barcha fuqarolar hamma qonunlarni bilishlari shart degan so'z emas. Huquqiy bilimdonlik asosan ikki guruhga bo'linadi: umumiy va maxsus. Barcha fuqarolar umumiy qonun qoidalarga bilishlari zarur.

Umumiy huquqiy tarbiya manban bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga xizmat qiladi. Chunki unda fuqarolikka aloqador qoidalar, fuqarolarning huquqlari erkinliklari va burchlari, ular hokimiyatning qonuniylik printsiplari, davlat hokimiyati va fuqarolar tashkilotlarining tashkil topishi va ular faoliyatining huquqiy asoslari o'z ifodasini topgan. Konstitutsiyani yaxshi o'qiganlar o'zlarining haq huquqlarini talab qilish, fuqarolik burchlarini turtkisiz ado etish qobiliyatiga ega bo'ladilar.

Davlat vakolatini amalga oshiruvchi, yuridik xizmatga aloqador fuqarolar esa qo'shimcha ravishda maxsus huquqiy tarbiya oladilar. Lekin, ular fuqarolik madaniyatiga erishmagan holda unga sodiq bo'lmasalar qo'shimcha ilmga amal qilmaydilar. Ma'lumki, huquqiy bilimdonning ilmga amal qilishi uning axloqiy odobiga bog'liq. Biz buni istaymizmi, yo'qmi, axloqiy tarbiya bilan huquqiy tarbiya birgalikda, yonma-yon olib borilishi lozim ko'rinadi. Demoqchimiz-ki, axloqiy tarbiya berilayotganida uning huquqiy oqibatini, huquqiy tarbiya berilayotganida esa, uning qanday axloqiy fazilatlarga tayanishi lozimligini tushuntirib borish fuqarolik madaniyatini to'la shakllantirishga xizmat qiladi.

Jamiyat manfaatini ko'zlovchi axloq-odob qoidalariga rioya qilishga odatlanishning o'zi fuqarolik burchlariga sadoqatni tarbiyalaydi. Axloq-odob qoidalarining durdonasi odamiylik fazilatiga sayqal bergan ulug' bobomiz Amir Temurning adolatpeshaligi, insonparvarligi, saltanat fuqarolariga g'amxo'rligi necha-necha avlodlar uchun andoza bo'lgan. Mir Alisher Navoiy: " Odami ersang demagil odami, onikim-yo'q xalq g'amidin g'ami" degan nasihatlarini yuu erda eslash o'rinlidir. Odamiylik axloqiy fazilatiga O'zbekiston Respublikasi Konstituttsiyasida shunday huquqiy tushuncha berilgan:

"Fuqarolar o'z huquq va erkinliklariga putur etkazmasliklari shart".

Huquqiy xarakterga ega bo'lgan axloq-odob qoidalari tzimi O'zbekiton Respublikasining ma'muriy huquqbo'zarliklar haqidagi kodeksida keltirilgan. Ana shu qoidalar axloqiy – huquqiy tarbiya asoslaridan biri (inson) deb qabul qilinsa, axloq odob qoidalari bilan turmushning huquqiy qoidalarini qo'shib tarbiyalash imkoniyati vujudga kelar edi.

Fuqarolik madaniyati kamol topayotgan inson fazilati sifatida, maxsus huquqiy madaniyatning poydevori sifatida mustaqil hayotga tayyorgarlikdan dalolat beruvchi belgi sifatida fuqaro to'la balog'atga etguncha qadar shakllangan bo'lishi ayni muddaodir.

Qadim zamonlardan beri inson tarbiyasi bolalikdan boshlangan. Bola tug'ilgan zamon davlat fuqaroi etib ro'yxatga olinadi, ismi sharif beriladi.

Tabiatan va qonuniy fuqarolik madaniyati tarbiyalash markazi azaldan oila bo'lib kelgan. Bolalar bog'chalari, maktab, tarbiya muassasalari esa – oilalarga bolada bor qobiliyati, ma'naviyatini takomillashtirishga yordam ko'rsatuvchilardir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida (64 modda) bu haqda shunday belgilangan: "Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga etgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga

majburdirlar. Davlat va jamiyat etim bolalarni va ota-onalarning vasiyligidan marhum bo'lgan bolalarni boqish tarbiyalash va o'qitishni ta'minlaydi".

ShAXS TARBIYaSIGA MA'NAVIY TAHDID VA INFORMATsION XURUJLARNING TA'SIRIDAN HIMOYa QILIShDA OILA VA MAHALLANING O'RNI

A.K.Ibragimov, Sh.Mansurov, BuxDU

Jamiyatdagi ma'naviy muhitning ta'sirini kuchaytirish, yoshlarga ta'lim-tarbiya berish shaxs ijtimoiylashuvning tizimli amalga oshishiga ko'maklashadi. Jamiyatda mavjud ma'naviy ahloqiy me'yorlar yoshlarimizni jamiyatda o'z o'rinlarini topishlariga, intiluvchan, vatanparvar qilib tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega. Bugungi globallashuv jarayonida yoshlarimizning 90% internetga murojat qilishadi. Birgina noto'g'ri olingan axborot yoshlar ongini zaharlashi va butun hayotini izdan chiqarishi mumkin.

Bu haqda yurtboshimiz I.A.Karimov takidlaganlaridek, -"Ma'naviy tahdid deganda, avvalo, tili, dini, e'tiqodidan qat'i nazar, har qaysi odamning tom ma'nodagi erkin inson bo'lib yashashiga qarshi qaratilgan, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko'zda tutadigan mafkuraviy, g'oyaviy va informatsion xurujlarni nazarda tutish lozim"[1]. Haqiqatdan ham bugungi axborot-kommunikatsiya texnologiyalarning cheksiz imkoniyatlari rivojlangan bir davrda oddiy me'yordan chiqib siyosiy va mafkuraviy kuchga aylanib yoshlar ongiga salbiy ta'sir o'tkazishi mumkin. Farzandlarimizni turli ma'naviy tahdidlar va informatsion xurujlardan himoya qilishda oila va mahallaning o'rni beqiyos.

Xalqimiz amal qilib kelayotgan urf-odatlar, an'analar va qadriyatlarning farzandlarimizni tarbiyalashda muhim o'rni bor. Prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek, -"Agarki mendan, hozirgi kunda ma'naviyatimizni asrash uchun nima qilish lozim va unga tahdid soladigan xurujlarga nimani qarshi qo'yish kerak, deb so'rasa, men avvalambor shu yurtda yashayotgan har qaysi inson o'zligini anglashi, qadimiy tariximiz va boy madaniyatimiz, ulug' ajdodlarimizning merosini chuqurroq o'zlashtirishi, bugungi tez o'zgarayotgan hayot voqeligiga ongli qarab, mustaqil fikrlashi va diyorimizdagi barcha o'zgarishlarga daxldorlik tuyg'usi bilan yashashi zarur, deb javob bergan bo'lardim"[2].

Haqiqatdan ham, jamiyatda amal qilib kelayotgan urf-odatlarimiz, oiladagi an'analarimiz, farzandlarimizni shakllanishiga xizmat qiladi. Chunki, bola oilada kamol topadi. Ota-onaning bir-biriga bo'lgan munosabati farzand tarbiyasiga katta ta'sir qiladi. Agar oilada totuvlik bo'lmasa, ota o'z o'rnini bilmasa, ona o'z bilganidan qolmasa, bu oila tanazzulga qarab borishidan dalolatdir. Chunki bu oilada o'sgan bolaning ruhida o'zgarishlar sodir bo'lib, o'ziga tashqaridan "do'st" qidiradi. Ota o'zini oiladagi o'rnini doimo bilishi va uni saqlashi kerak.Ona ham o'z burch va vazifalarini yaxshi anglashi lozim.

Oilaviy muhitning yaxshi yoki yomon bo'lishi, bolani mehribon va rahmdil yoki xudbin va bag'ritosh bo'lishiga sabab bo'ladi. Oilaning o'z siri bo'ladi. Shu sir ko'chaga chiqmasligi lozim. Oiladagi baraka shu sirda bo'ladi. Buni oila kattalari anglagan holda farzandlar ham yaxshi bilishi, va unga itoat etishlari kerak. Oilada hamjihatlik,samimiylik bo'lsa, farzandlar ota-onaga mehr ko'rsatib, har-xil xurujlarga og'ib ketmaydi. Oilada sal etishmovchilik bo'lsa, farzand buni vaqtinchalik holat deb bilib, o'zini ko'proq o'qishga, uyning og'irini engillashtirishga harakat qilish kerak. Inson kelajakka doimo ishonch bilan qarashi, ertani bugundan yaxshiroq bo'lishiga ishonishi kerak. Bunga farzandlarimizni o'rgatishimiz lozim.

Bizning farzandlarimiz bilan samimiy muloqotimiz ham yaxshi natijalarni beradi. Bolani o'qishda, o'rtoqlari orasida erishayotgan yaxshi natijalari haqida bilishimiz, farzandimizning qilayotgan ishlariga astoydil qiziqishimiz kerak. Chunki farzandimiz o'z ishlari bilan o'rtoqlashgisi va o'z navbatida bizning fikrimizni eshitgisi keladi. Bolaga be'etibor bo'lsak, uni tashqi xurujlardan saqlay olmaymiz.

Oilada farzandlarimizni halol va vijdonli qilib tarbiyalashdan oldin, bunga o'zimiz amal qilishimiz kerak. Farzandlarimizni rostgo'y bo'lishlari ham avvalo o'zimizga bog'liq. Chunki bolalarimizni kuzatuvchan ekanligini biz ota-onalar hech qachon esdan chiqarmasligimiz lozim.

Farzandlarimiz o'zlari yashab turgan joyga mehr qo'yishi o'z o'yini yaxshi ko'rishi kerak, chunki Vatan ostonadan boshlanadi. Unga o'z tarixi, madaniyati va qadriyatlarni o'rgatib borish shart. Chunki, uni kelajakda har xil xurujlardan o'zini himoya qila olishi mumkin bo'ladi.

Mahallada qadriyatimiz timsoli bo'lgan "Navro'z"ni nishonlanishi farzandlarimizga ko'p narsani o'rgatadi. Bu tadbir uchun tayyorlanadigan joyni ota-onalar o'z farzandlari bilan barobar tayyorlashda ishtirok etadilar. Sumalak uchun bolalar birgalashib tosh terib, qozon keltirishadi, o'choq tayyorlashadi, o'tinni yorib, tayyorlab qo'yishadi. Bunday birgalashib, mehnat qilish holati farzandlarimizda mehnat qilishga ko'nikma hosil qiladi. Odob-ahloq qoidlariga rioya qilishga o'rgatadi. Bu tadbir vaqtida onalarimiz va kelinlarimizni kiygan milliy kiyimlari yosh qizlarda havas uyg'otib, milliy ruhni shakllanishiga yordam beradi. Bu holatlar kelajakda farzandlarimizni har xil xurujlardan saqlashga yordam beradi.

[1] И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., "Маънавият"2008.11 б.
[2] И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., "Маънавият"2008. 13 б.

Mahallada tashkil etilgan shanbaliklar yoshlarni uyushib ishlashga, ularni ko'cha tozaligiga rioya qilishga o'rgatadi. Tozalik va pokizalikka farzandlarimizni yoshlikdan o'rgatishimiz lozim. Tozalik va pokizalik bo'lgan joyda xiyonat bo'lmaydi, yurtni sotish bo'lmaydi, boshqa oqimlarga og'ish bo'lmaydi.

Mahallada yashayotgan qo'shnilarning bir-birini ko'raolmaslik, fisqu-fasod, ig'vo muhiti ham farzandlarimizga salbiy ta'sir qilishini anglashimiz kerak. Ularni to'g'ri shakllanishida to'g'ri munosabatlar, samimiylik, o'zaro do'stlik va mehr-oqibatli bo'lish lozim.

Xulosa qilib, aytish mumkinki farzandimiz oila va mahallada muhitida olgan tarbiyasi, uni hech qachon, hech qanday tahdidlar va xurujlarga og'ib ketishiga yo'l qo'ymaydi, chunki oiladagi an'analar, mahalladagi qadriyatlarga amal qilinishi yoshlarimiz ongini yuksalishida muhim omil bo'ladi.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA MATEMATIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH ASOSLARI

H.H.Rahmatov, BuxDU

Bola shaxsiga yo‘naltirilgan ta'lim zamonaviy shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazish ning eng samarali va istiqbolli imkoniyatlarini o‘zida mujassamlashtirgan. Bu ta'lim asosida shaxs, uning o‘ziga xosligi, shu xususiyatdan kelib chiqqan holda ta'-lim-tarbiya ishlarini tashkil etish va rivojlantirish masalasi yotadi. Bolalarning matematik tushunchalarini muvaffaqiyatli o'zlashtirishi, ularning idrokini, ya'ni sensor tuyg'ularini o'stirish bilan bevosita bog'likdir. Umumlashtirish va abstraktlashtirish qobiliyati real predmetlarning xususiyatlarini aniqlash va shu xususiyatlarga qarab mazkur predmetlarni bir-biriga taqqoslash va guruhlarga ajratish asosida o'sib boradi. Shuning uchun bola maktabga borgunga qadar unda matematik tasavvurlarni shakllantirish uchun bolalar bog'chasidagi barcha o'quv-tarbiya ishlari bilan uzviy ravishda bog'lab maxsus ish olib boriladi.

Matematik bilimlar bolalarga ma'lum tizim va izchillikda berilishi, bunda yangi bilim kamroq miqdorda, ya'ni bolalar o'zlashtirib oladigan darajada bo'lishi kerak. Shuning uchun ham bir vazifa bir qancha mayda qismlarga bo'linib, ular birinketin o'rganib boriladi. Matematik tasavvurlarni shakllantirish yuzasidan olib boriladigan ishning asosiy shakli – mashg'ulotdir. Dastur vazifalarining ko'pchilik qismi mashg'ulotlarda hal qilinadi. Bolalarda ma'lum izchillikda tasavvurlar shakllantiriladi, zarur malaka va ko'nikmalar xosil qilinadi. Atrofdagi hamma narsani miqdor jihatidan kuzatishlarni uyushtirishga, bolalarning o'z faoliyatlarining xilma-xil turlarida matematik mazmundagi bilim va ko'nikmalaridan qanday foydalanishlariga katta ahamiyat beriladi.

Mashg'ulotlarda va kundalik hayotda didaktik o'yinlardan hamda o'yin-mashqlardan keng foydlaniladi. Mashg'ulotlardan tashqari vaqtlarda o'yinlar tashkil qilib, bolalarning matematik tasavvurlari mustahkamlanadi, chuqurlashtiriladi va kengaytiriladi. Bir qancha hollarda, masalan, joyni bilish ko'nikmasini rivojlantirish yuzasidan olib boriladigan ishlarda o'yinlar asosiy o'quv vazifasini o'taydi.

Mashg'ulotlarda bolalarning aktiv faoliyati birinchi navbatda yangi material ustida ishlashni xamda ilgari utilgan materialni takrorlashni birga to'g'ri qo'shib olib borish bilan ish turlarini va uni tashkil etish usullarini almashtirib turish bilan ya'ni, mashg'ulot tuzilishi bilan ta'minlanadi.

Maktabga borish davriga kelib bolalar to'plam va son, shakl va kattalik haqida o'zaro bog'langan bilimlarni nisbatan ko'proq egallagan, bo'lishlari zarur. Bolalar turli matematik bog'lanishli munosabatlarni aniqlash usullarini, masalan, to'plam elementlari o'rtasidagi moslikni aniqlash usullarini egallaydilar (to'plamdagi elementlarni birma-bir amalda solishtiradilar, kattalik nisbatlarini aniklash uchun ularni ustma-ust, yonma-yon qo'yib kurish usullaridan foydalanadilar). Ular mikdor nisbatlarini aniklashda eng anik usul predmetlarni sanash va kattaliklarni o'lchash ekanligini tushuna boshlaydilar. Sanash va o'lchash malakalari ularda tobora mustahkam va ongli bo'lib boradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish bo‘yicha mashg‘ulotlar ishlanmasini tayyorlash tarbiyachi va ota-onalarga bolalarni maktab ta'limiga qoniqarli tayyorlashda juda katta qulayliklar yaratadi. Bu esa bolalarning maktabda muvaffaqiyatli o‘qishlariga zamin tayyorlaydi

Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish bo‘yicha mashg‘ulot ishlanmasi

Son va sanoq. 10 gacha bo‘lgan sonlarning ketma-ketligini aniqlash

Maqsad:bolalarda 10 gacha bo‘lgan sonlar ketma-ketligi haqida tasavvur hosil qilish.

Kerakli jihozlar: koptok. Stol teatri asosida: bola, mushuk, tovuq, jo‘jalar (10 ta), tuxum shakli (10 ta).

- 1 dan 10 gacha raqam yozilgan oval shakli (har bir bolaga 10 ta);
- 1 dan 10 gacha raqam yozilgan jo‘ja tasviri (har bir bolaga 10 ta);
- 1 dan 10 gacha raqam yozilgan kartochkalar (2 to‘plam).

Mashg‘ulotning borishi:

TARBIYACHI:– Bolalar, biz avvalgi mashg‘ulotlarimizdan birida 1 dan 10 gacha bo‘lgan sonlarni tartib bilan va teskari sanashni o‘rgangan edik. Hozir doira bo‘lib o‘tirib olamiz va o‘tirgan holatda koptokni qo‘lma-qo‘l uzatamiz. Birinchi bola 1 sonini aytib, ikkinchi bolaga koptokni beradi, ikkinchi bola 2 sonini

aytib, uchinchi bolaga koptokni beradi va shu tartibda 10 ta bola sonlarni tartib bilan aytib chiqadi. O‘n birinchi bola 10 sonini aytib koptokni o‘n ikkinchi bolaga beradi, o‘n ikkinchi bola 9 sonini aytib o‘n uchinchi bolaga beradi va shu tartibda 10 ta bola 10 dan 1 gacha bo‘lgan sonlarni teskari aytib chiqadi.

Bolajonlar, bugun sizlarga ertak aytib beraman.

– Akmaljon ismli bir bola bo‘lib, u uy hayvonlarini judayam yaxshi ko‘rar ekan. Akmaljonning Baroqvoy laqabli mushugi ham bor ekan. Bir kuni Akmaljon 10 ta tuxumni jo‘ja ochirish uchun tovug‘iga bostirib qo‘yibdi. Tovuq tuxumlarni asrab-avaylabdi. Baroqvoy jo‘jalar qachon tuxumdan chiqar ekan, deb har kuni poylar ekan. Nihoyat, jo‘jalar birin-ketin tuxumlarni ochib chiqa boshlabdi. 10 kun davomida har kun bittadan jo‘ja tuxumni ochib chiqibdi. Akmaljon 1-kuni tuxumdan chiqqan jo‘jaga 1 raqamini, 2-kuni chiqqan jo‘jaga 2 raqamini, 3-kuni chiqqan jo‘jaga 3 raqamini va nihoyat 10-kuni chiqqan jo‘jaga 10 raqamini yozib qo‘yibdi.

– Qani bolajonlar, o‘ylab ko‘ringlar-chi, nega Akmaljon jo‘jalarga raqam yozib qo‘ydi ekan? Chunki Akmaljon oldin qaysi jo‘ja, keyin qaysi jo‘ja tuxumni ochib chiqqani, ya’ni jo‘jalarning qaysi biri akasi yoki ukasi ekanligini belgilab qo‘ymoqchi bo‘libdi. Akmaljonning bu ishini Baroqvoy har kuni kuzatib boribdi va u ham jo‘jalarning qaysi biri oldin, qaysi biri keyin tuxumdan chiqqanligini raqamlari orqali bilib olibdi. Tovuq har kuni jo‘jalarini hovlida aylantirib yurar ekan. Baroqvoy esa panada ularni poylab yotar, har kuni jo‘jalarni sanar ekan:

– Oldin qaysi tuxumdan chiqqan edi? Ha, ana 1-raqamlisi, keyin 2-raqamlisi. 4-ra qamlidan oldin qaysi raqamli tuxumdan chiq qan edi? Ana topdim, u jo‘ja 3-raqamli edi.

Baroqvoy jo‘jalarning qaysi biri oldin va qaysi biri keyin dunyoga kelganini aniqlash bilan ovora bo‘lib, ularga mehri tushib qolibdi.

Natijada ularni yeyishni xayoliga ham keltirmay qo‘yibdi. Hovlida Akmaljon, Baroqvoy, tovuq va jo‘jalar bir-birlari bilan ahil bo‘lib o‘ynashar, ba’zida Akmaljon bilan Baroqvoy jo‘jalarning qaysi biri akasi yoki ukasi ekanligi haqida bahslashar ekanlar.

Kelinglar, bolajonlar, biz ham ularning bahslariga qo‘shilamiz.

Bolalar uchun amaliy ish.

Bolalar quticha ichidan 1 dan 10 gacha raqam yozilgan 10 ta tuxum shakli (oval)ni olib, tartib bilan teradilar. Oldin qaysi raqamli jo‘ja, keyin qaysi raqamli jo‘ja tuxumdan chiqishini aytib beradilar. Keyin 1 dan 10 ga-cha raqam yozilgan jo‘jalarni tuxumlarning ustiga qo‘yib chiqadilar.

Bilimlarni mustahkamlash uchun o‘yin:

“Qo‘shni sonlarni ko‘rsating va ayting”

Tarbiyachi 1 dan 10 gacha bo‘lgan sonlardan bittasini ko‘rsatadi. Bo lalar ko‘rsatilgan sonning qo‘shnilarini ko‘rsatishlari kerak. Masalan: tarbiyachi 5 sonini ko‘rsatsa, bolalar 4 va 6 sonini ko‘rsa tishlari kerak. Tarbiyachi qaysi boladan so‘rasa, o‘sha bola 5 dan ol din va keyin qaysi sonlar kelishini aytadi.

Bolalar bilimini tekshirish va mustahkamlash uchun savollar:

1. Akmaljonning nechta jo‘jasi bor ekan?
2. Dastlab tuxumdan chiqqan jo‘janing raqami necha edi?
3. Eng oxirida tuxumdan chiqqan jo‘janing raqami-chi?
4. 3 sonidan oldingi va keyingi sonlarni ayting.
5. 6 sonidan oldingi va keyingi sonlarni ayting.
6. 8 sonidan oldingi va keyingi sonlarni ayting.

Tarbiyachi mashg‘ulot davomida bolalarni rag‘batlantirib boradi.

OMMAVIY SOG’LOMLAShTIRISh TADBIRLARINI TAShKIL ETISh - SPORT QOBILIYaTINI ANIQLAShNING MUHIM OMILI

S.Sh.Akramov, BuxDU

O’zbekistonning mustaqilligi va istiqbolli taraqqiyoti eng avvalo o’quvchi yoshlarning bilimini oshirish va kasb-hunarga yo’llashdagi tub islohotlar katta yutuqlarga etaklamoqda, ya’ni turli sohalar bo’yicha kasbiy tayyorlash, yosh mutaxassislarni ishga joylashtirish, shu asosda xalq xo’jaligining barcha tarmoqlarida ixtisosli xodimlar bilan ta’minlash muammolari amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizdagi 900 ga yaqin akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari faoliyat ko’rsatmoqda. Ularda yarim mln dan ortiq o’quvchi-talabalar tahlil olmoqda. Kasb-hunar ta’limi tizimida pedagogika, tibbiyot, iqtisod, madaniyat, sport (olimpiya zahiralari) va boshqa bir qator yo’nalishlaridagi kollejlarning kadrlar tayyorlashdagi faoliyatlari e’tiborga molikdir.

Davlat ta’lim standartlari mazmunida jismoniy tarbiya fanining o’ziga xos mazmun, maqsad va vazifalari belgilab berilgan. Jumladan, o’quvchi-talaba yoshlarning jismoniy tayyorgarligi va barkamolligini tarbiyalash. Kasb yo’nalishida ixtisoslashgan amaliy jismoniy madaniyat tarbiyasi bilan qurollantirish alohida ta’kidlangan.

Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarining ish faoliyatlarini tashkil qilish, ularda turli xil ommaviy sport musobaqalarini o’tkazish kabi hukumat qarorlari va jismoniy tarbiya o’quv dasturlarida

ommaviy sog'lomlashtirish ishlariga katta e'tibor qaratilgan. Ular asosan quyidagi shakl va turlardan iboratdir:

1. O'quvchi va talaba yoshlar uy sharoitida ertalabki gimnastika mashqlarini o'tkazish;

2. O'quv kuni davomida tanaffuslar va turli fanlarni o'qitish, ishlab chiqarish o'quv xonalarida (ustaxona) mashq-o'yinlarni tashkil qilish.

3. Darsdan keyingi sport to'garaklari mashg'ulotlari.

4. "Alpomish" va "Barchinoy" maxsus testlariga tayyorgarlik va musobaqalar.

5. O'quvchi yoshlar tanlagan sport turlari bo'yicha musobaqalar.

6. "Barkamol avlod" sport o'yinlari dasturidagi sport turlari bo'yicha musobaqalar.

7. "Barkamol avlod" sport musobaqalarining yuqori bosqichlariga tayyorgarlik musobaqalari va ularda ishtirok etish.

8. Turizm bo'yicha piyoda yurish sayohatlari.

9. Yozgi dam olish oromgohlari va sog'lomlashtirish sport maskanlaridagi musobaqalar, mashg'ulotlar, sayohatlar.

10. O'quvchi yoshlarning yakka, juft va guruh bo'lib mustaqil ravishda bo'sh vaqtlarda shug'ullanishlari va h.k.

Ma'lumki, bu tadbirlarni tashkil qilish va o'tkazish faoliyatlari asosan sharoitlarning mavjudligi, o'quv muassasalarining rahbarlari va mutasaddi xodimlari, jismoniy tarbiya o'qituvchilarining e'tibori, ishchanligi, mas'uliyatlarni sezishi bilan bog'liq bo'ladi. Shu asosda tadbirlar yalpisiga yoki alohida turlarga bo'lib o'tkazilishi va umuman tashkil qilinmaslik holatlari ham mavjud.

Ayniqsa talaba-yoshlar uyi, ishlab chiqarish xonalari, o'quv amaliyotlari jarayonlarida tashkil qilinishi shart bo'lgan sog'lomlashtirish jismoniy tarbiya va sport tadbirlari hamma joyda ham maqsaddagidek tashkil etilmayotganligi kuzatilmoqda.

Ma'lumki, "Alpomish" va "Barchinoy" maxsus testlari asosan aholining salomatligini yaxshilash, mehnat (o'quv) qobiliyatini oshirishga qaratilgan.

Maxsus testlardagi mashq-sinov turlari va ularning me'yoriy talablarida 17-19 yoshdagilar uchun yuqori darajada e'tiborga olinib, ularni asosan mehnat va mudofaa ishlariga qodir va layoqatli qilib tarbiyalashga qaratilganligi bilan muhim ahamiyatga egadir.

Bu jarayonlarni tashkil etish va talab darajasida o'tkazish uchun barcha imkoniyatlarni yaratish, mas'uliyatlarni kuchaytirish talab etiladi. Shunga qaramasdan ko'pchilik o'quv yurtlarida, ayniqsa qishloq sharoitlarida maxsus testlarga e'tiborsizlik sezilmoqda.

O'quvchi-talaba yoshlar kasb-hunarga tayyorlanishda o'zlarining jismoniy barkamolligini oshirish maqsadlarida mustaqil ravishda sport turlari va maxsus testlardagi sinov bo'yicha doimiy shug'ullanishlari, oldidagi vazifa va burchlarni to'la ado etishlari zarur bo'ladi.

E'tirof etish lozimki, mustaqillik yillari davrida akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarining vujudga kelishi, ularga eng zamonaviy o'quv xonalari, sport inshootlarini qurib berishda katta ishlar amalga oshirilib, ularning o'qishi, sport bilan shug'ullanishlari uchun imkoniyatlar yaratib berildi.

Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari o'quvchi-talaba yoshlarining eng yuqori – nufuzli sport musobaqalari "Barkamol avlod" o'yinlari hisoblanadi. Respublika – final musobaqalariga tayyorgarlik jarayonlari eng avvalo guruhlar (sinflar), bosqichlar (kurslar) va o'quv muassasasi birinchiliklarida o'tkazilib, shahar-tuman bosqichida ishtirok etish uchun terma jamoalar shakllantiriladi. Bunda har bir o'quvchining jismoniy tayyorgarligi, sportga qiziqishi, mahorati sinov-tajribalardan o'tkaziladi. "Barkamol avlod" musobaqalari tuman-shahar va viloyat bosqichlari shaklida o'tkazilib, har bir viloyat respublika final bosqichida ishtirok etadi.

"Barkamol avlod" respublika musobaqalarini o'tkazish asosan 2001 yildan boshlandi va viloyatlarda katta tantana hamda ko'tarinkilik ruhida o'tkazib borilmoqda (1-jadval).

1-jadval

"Barkamol avlod" respublika sport o'yinlari final bosqichining o'tkazilishi

№	O'tka-zil-gan yili	Sport turlari soni	O'tkazil-gan joy	Finalda ishtirok etganlar soni (ulardan qizlar)	Medallar			
					jami	oltin	kumus h	bronza
1.	2001	8	Jizzax	1540 (560)	567	182	182	203
2.	2003	14	Andijon	2240 (602)	724	233	233	258
3.	2005	13	Chirchiq	2170 (602)	419	135	135	149
4.	2008	12	Nukus	1890 (784)	545	180	180	185
5.	2011	12	Termez	867 (354)	491	161	161	169
6.	2014	16	Namangon	996 (342)	652	208	208	236

Ma'lumki, mazkur bosqichdagi nufuzli sport o'yinlarining final qismini o'tkazishga tayyorgarlik katta faoliyatlarni talab etmoqda. Shu sababdan oliy ta'lim, xalq ta'limi vazirliklari, Respublika madaniyat va sport ishlari vazirligi, "Talaba" uyushmasi, turli sport federatsiyalari va davlat idoralari tashkiliy, moddiy-texnik ta'minot, madaniy xizmat, targ'ibot ishlarini amalga oshirib kelmoqda. Bu yo'lda "Barkamol avlod" sport

o’yinlarini o’tkazish uchun viloyatlarda sport inshootlarini yangidan qurish, eng zamonaviy jihozlar, asbob-uskunalar bilan ta’minlash, mehmonxonalar, yotoqxonalarning ozodaligini yuqori saviyada bo’lishi va barcha tashkiliy, madaniy xizmatlarning didga yoqishini ko’ra bilish kabi faoliyatlarni amalga oshirish bilan e’tiborga sazovor bo’lmoqda. Bunda Jizzax, Andijon, Chirchiq va Qoraqalpog’iston hokimiyatlari va ulardagi mutasaddi tashki-lotlarning xodimlari mehnati olqishga sazovor bo’ldi.

Istiqlol yillarida yurtimizda jasur va iste’dodli, har tomonlama bilimli, Vatan va xalqiga sadoqatli yangi yosh avlod o’sib ulg’aymoqda. Bu yurtboshi va hukumat rahbarlarining rahnamoligidagi amalga oshirilayotgan buyuk ishlarni munosib davom ettirishga qodir, sog’lom, ma’anviyati yuksak, barkamol yosh avlodni tarbiyalashga qaratilgan siyosat va e’tiborning samaralari hisoblanadi.

Mamlakatimizda tashkil etilgan bolalar va o’smirlarni jismoniy tarbiya, sport hamda milliy sport turlari bilan shug’ullanishga ommaviy ravishda jalb qilish bo’yicha noyob uch bosqichli tizim kelajakni ko’zlangan keng ko’lamli ishlarning muhim tarbiyaviy qismidir.

O’sib kelayotgan yosh avlodning jismoniy barkamolligi va ularning mehnat hamda mudofaa ishlariga qodir, sadoqatli qilib tarbiyalash va “Barkamol avlod” nomi bilan ataluvchi ommaviy sog’lomlashtirish sport o’yinlarining o’ziga xos o’rni va mohiyati g’oyat bebaho hisoblanadi.

Sportdagi bellashuvlar yoshlar o’rtasidagi do’stlik va birdamlikni tarbiyalashga xizmat qiladi, bu esa yoshlik, go’zallik va sport bayramlari ramzida namoyon bo’lmoqda.

Musobaqa ishtirokchilari barcha sport turlari bo’yicha bellashuvlar, bahslarda halol, mard va murosasiz kurash olib borishga va’da beradi. Bu esa faqat ishtirokchilarnigina emas, balki tomoshabinlarni, teleekranni ko’rayotganlarni ham ma’naviy-ma’rifiy madaniyatni boyitish va jismoniy barkamollikka chorlaydi.

O’zbekistonda yaratilgan yosh avlodni sport bilan shug’ullanishga ommaviy jalb etish tizimi samaradorligini vaqtning o’zi sinov-tajribalar bilan asoslab bermoqda.

Olimpiya harakatlari va g’oyalari tamoyillariga to’la javob bera oladigan hamda eng avvalo yoshlarga qaratilgan mazkur tizim yurtimiz aholisi o’rtasida sog’lom turmush tarzini shakllantirish va uni yanada rivojlantirishga xizmat qilib kelmoqda.

Ma’lumki, sport insonning shaxs sifatida kamol topishida, unda kuchli iroda, g’alabaga intilish, qiyinchiliklarni engish ruhini tarbiyalashda, qalbi va ongiga vatanparvarlik, el-yurtga sodiqlik kabi fazilatlarni singdirishda beqiyos ahamiyatga egadir.

E’tirof etish joizki, yurtimizning navqiron avlodi har tomonlama iqtidorli ekanini yigit-qizlarimiz nafaqat ta’lim, ilm-fan, madaniyat va boshqa sohalarda, balki sportda ham qo’lga kiritayotgan muvaffaqiyatlar bilan isbot etmoqda.

Sanoqsiz, ko’plab bo’lajak chempionlarning ommaviy bolalar va yoshlar musobaqalari, ayniqsa “Kichik Olimpiada” deb yuritilayotgan “Barkamol avlod” sport o’yinlaridagi ishtiroki ularning sport qobiliyatini aniqlashga ko’mak beradi. Bo’lajak mutaxassis kadrlarni tayyorlashda darsdan tashqari o’tkaziladigan ommaviy-sog’lomlashtirish sport tadbirlari, “Alpomish” va “Barchinoy” maxsus testlari me’yoriy talablarini bajarishga tayyorgarlik, ayniqsa “Barkamol avlod” sport o’yinlarini o’z jamoalarida ommaviy ravishda tashkil etilishi o’quvchi va talaba yoshlarning sport bilan shug’ullanishlariga katta hissa qo’shmoqda.

1. Axmatov M.S. Uzluksiz ta’lim tizimida ommaviy sport-sog’lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish. T., 2005.

2. Istomin A.A., Alimxo’jaeva, Xoldorov T.X., Qo’ysinov A.A. Jismoniy tarbiya va sport fanidan ma’ruza matnlari. T., 2003.

3. Usmonxo’jaev T.S., Arzumanov S.G., Qodirov B.A. Jismoniy tarbiya. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. T., 2003.

МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ РОСТА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УРОВНЯ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА

Абдумуродова Санобар Саидовна, Имамкулова Муслима, Термезский государственный университет

Summary: In the article is given the place and importance of development the educational level of youth in the modern Uzbekistan.

Keywords: place, importance, development, educational level, youth, modern Uzbekistan.

Ключевое значение для активного, творческого участия молодежи в общенародном деле имеют уровень воспитания и уровень знаний, степень их соответствия современным мировым требованиям.

При этом очень справедливо и верно подчеркивается в литературе, что «объективная, истинная цель воспитания учитывает не только потребности человека, но потребности общества и природы. Без учета их любая система обречена на гибель» [2].

Рост образовательного уровня молодежи оказывает активное влияние на совершенствование образа жизни, стимулирует через трудовую деятельность развитие его материальных основ, структуры и содержания общественных и личных потребностей, в том числе духовных, культурных. Рост образованности и культурного уровня молодого человека содействует углублению интеграции в образе жизни различных социальных групп и слоев общества. Он ускоряет и облегчает овладение новыми профессиями, способствует повышению квалификации, что непосредственно влияет на формирование творческого отношения к труду. Чем более образован и культурен молодой работник, тем он инициативнее, активнее участвует в трудовой жизни коллектива [3].

Как подчеркивает И.А.Каримов, «главное условие процветания нашего государства и народа – укрепление в сознании каждого человека, особенно молодого, только вступающего в жизнь, что он является той личностью, от устремленности, полной самоотдачи и безграничного трудолюбия которой зависит достижение поставленных целей» [1].

Поэтапно осуществляемая в Узбекистане Национальная программа по подготовке кадров служит воспитанию и подготовке именно такого поколения, которому предстоит строить великое будущее нашей страны.

Максимальная вовлеченность молодого поколения в общественное производство приходится примерно на 25-летний возраст. Между тем очевидно, что чем позже молодой человек вступает в трудовую деятельность, тем больше ограничиваются трудовые ресурсы общества, особенно в сфере материального производства. Кроме того, растягивается процесс гражданского созревания личности, приобретения ею устойчивого жизненного опыта, твердых ценностных ориентаций, поскольку наиболее интенсивно эти процессы совершаются в трудовом коллективе.

Потребность экономического развития требует внедрения новых принципов и методов обучения, позволяющих обучаемым в более сжатые сроки овладеть необходимыми знаниями, развивающих у них умение самостоятельно применять эти знания в процессе трудовой деятельности[4].

Соответствие характера труда способностям и склонностям человека – одно из непременных условий психологического равновесия личности.

Каждому из направлений воспитательного процесса присущи важные функции в становлении и развитии личности с высоким интеллектом. В становлении личности особенно важна роль трудового воспитания, позволяющего предметно, на основе личного опыта, осознать силу и красоту труда, зародить и закрепить чувства уверенности в себе, подлинного товарищества и конкурентности, выработать умение и готовность к преодолению трудностей. Оно активно способствует формированию представлений о труде как о главном источнике материального достатка, мериле достоинства и чести человека.

Между тем сам по себе труд еще не обеспечивает единства знаний и нравственности.

Самой существенной человеческой деятельностью является такая, которая образует материальную основу всех прочих видов деятельности – производство, направленное на удовлетворение жизненных потребностей человека. В силу того, что она выражает объективную зависимость человека от внешнего мира, вся практическая человеческая деятельность может рассматриваться в качестве формы удовлетворения потребностей, возникающих как отражение объективных условий и осознание реальных возможностей их удовлетворения.

Литература:

1. Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1. Ташкент: Узбекистан, 1996. С. 48.
2. Мехонцева Д. Объективная цель воспитания – формирование самоуправляемой и управляемой личности // Народное образование. М., 2001. №7. С. 21.
3. Рахманов Р.Р., Кащеева А.В., Кулдашева Д.У. Роль трудового коллектива в формировании научного мировоззрения личности // Мировоззренческое воспитание личности. –Ташкент: ТГПИ им. Низами, 1991. С. 138 – 157.
4. Бережной Н.М. К проблеме комплексного изучения человека // Философские науки. 1991. №1. С. 17–30.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СТУДЕНЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ УНИВЕРСИТЕТА ТОРОНТО В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

А.В. Подгаецкая, Уманский государственный педагогический університет им. Павла Тычины, г. Умань, Украина

SUMMARY

This article reveals student organizations of Toronto University that function on different levels: faculty, university, campus, province and international level. It casts light on activity strategies of students' organizations, their main functions,categories of university clubs and organizations.

Keywords: student organizations, “Hungry for Change”, “Oxfam Canada”, “Love Your Neighbor”, “United Against Cancer”, “Bordless”.

Образование в международном измерении - это вопрос, который представляет постоянный интерес. Как известно, университеты Канады входят в рейтинг двухсот лучших университетов мира, чрезвычайно привлекательными для иностранных студентов, не только благодаря специфике обучения, но и благодаря многочисленным клубам по интересам и организациям студенческого самоуправления.

Лучшим университетом Канады является университет Торонто, основанный в 1827 году, на сегодняшний день он занимает первое место в рейтинге ВУЗов страны и семнадцатое место в аналогичном рейтинге университетов всего мира. Один из главных успехов его популярности состоит в том, что он предоставляет студентам множество разнообразных, интересных и увлекающих способов проводить свое свободное время с пользой для себя и общества, принимая активное участия в студенческом самоуправлении.

Основная цель студенческих организаций и клубов- удовлетворять потребности студентов учитывая их интересы, права и желания.

Студенческие организации напоминают студентам, что кроме учебы и посещения занятий есть еще много не менее интересных видов деятельности, которые развивают лидерские навыки, уверенность в себе, умение свободо віражать свои мысли перед публикой, совершенствовать себя как гармоничную и самодостаточную личность. Именно потому университет Торонто предлагает своим студентам широкий выбор студенческих груп и объединений по интересам, дает возможность проявить себя, став членом студенческого сонета или работать в студенческих средствах массовой информации (студенческое радио, пресса) [2].

Студенческие организации, функционирующие на уровне:

• факультета
• университета
• студенческого городка
• провинции
• международном

Все эти студенческие объединения руководствуются по принципу демократии, обращают внимание на проблемы студенчества как администрации университета, преподавателей, так и всего общества. Присоединение к одному из таких студенческих объединений позволяет студенту взятьи инициативу в свои руки и добиваться, например, улучшения русловий проживания в студенческом городке, уменшення платы за обучение или улучшения его качества. Целью студенческих организаций является то, чтобы удовлетворять потребности студентов, отстаивать их права и представлять ихинтересы [2].

Три главные причины почему студенты присоединяються к студенческому клубу или ассоциации:

1) **налаживаниесвязей** (знакомства со своїми сверстниками, кто увлекается той же отраслью). Это помогает в будущем быстрее найти работу. В 80% случав студенты трудоустраиваются через своїх знакомых или друзей;

2) **получение практического опыта** – студенческие организации дают возможность применить своизнания на практике, получить бесценный опит управления проектом, или взять участия в организации проведения определенного события, присоединиться к благотворительному сбору средстви др. Наиболее ценным является то, что даже корда ты ошибаешься, или у тебячто-то не получяеться - ты все равно получиш поддержку и понимание от сверстников [2].

3) **отдых от учебы** - занятие тем, что тебе нравится в студенческих клубах по інтересам, приносит ощущение самодостаточности все сторонне развитого человека, находящегося в гармонии с собой и окружающим миром. Основным источником финансирования таких асоциаций являються студенческие взносы, которые удерживаютсяизкаждого студента дополнительно к оплате за обучение.

Исследование деятельности студенческих органов самоуправления в Канаде в условиях глобализации, позволяет выделить несколькоосновных направлений: наука, культура, спорт, музыка, театральное искусство, волонтерская деятельность, религия, охрана окружающей среды, политика, социальная и юридическая защита прав и свобод человека, досуг и отдых, карьерное развитие и трудоустройство, решение глобальных проблем человечества [1].

Студенты Канады активно выступают за защиту прав человека, поэтому направление деятельности студенческого самоуправления в Канаде, занимаются решениемглобальных проблем человечества. Это направление представлено такими организациями как:

«Врачи без границ» (Friends of Medecins Sans Frontieres / Doctors Without Borders) основная цель этого объединения - оказывать медицинскую помощь людям из разных стран мира, страдающих

от стихийных бедствий и катастроф (наводнений, землетрясений), вооруженных столкновений, эпидемий, голода. Студенты поддерживают эту организацию материально (собирая средства) и помогают найти врачей-волонтеров; студенческое движение против дискриминации, издевательства, высмеивание у стенах родного вуза, или за его пределами «Получи настоящий университет Торонто» (Get REAL University of Toronto); «Влияние молодежи в мировом масштабе» побуждает студентов присоединиться к решению как региональных, так и мировых проблем, занимаясь волонтерской деятельностью, мастер-классами, пропагандой; «Помоги изменить жизнь» («Helpchange life) - студенты университета Торонто сотрудничают с этой благотворительной организацией, которая обеспечивает всем необходимым семьи из разных стран мира (в том числе из Мексики), страдающих от бедности. Студенты поставляют одежду, еду, обучают детей английскому языку, помогают взрослым найти работу; «Стремясь перемен» (Hungry for Change) основная цель этой организации - бороться с голодом [1]; «Возлюби ближнего» (Love your neighbor) - благотворительная организация, студенты которой собирают средства для детей-сирот; Оксфам Канада (Oxfam Canada) - организация, которая дает возможность студентам найти пути решения преодоления бедности и несправедливости в мире. Члены этой организации разделяют мнение о том, что вместе люди могут изменить мир к лучшему, мир в котором не нарушаются права человека, в частности право на образование и медицинскую помощь, их главная цель – это мир где все люди равны [1]. Данная организация функционирует на уровне студенческого городка, на провинциальном и международном уровнях; «Мир, борьба и справедливость» (Peace, Conflictand Justice Society); «Право на игру» (Righttoplay) - организация, которая дает возможность детям из бедных, неблагополучных семей, из стран, где идет война, или детям с ограниченными возможностями, участвовать в спортивных соревнованиях, с помощью спорта и игр получить право на лучшее будущее; «Студенты против рака» (Students fighting cancer); «Студенты за международное развитие» (Students for international development) волонтерская ассоциация, которая функционирует на международном уровне, позволяет студентам сделать свой вклад в борьбу с бедностью. А также студенты университета Торонто присоединились к всемирным благотворительным организациям таких как (УНИСЕФ и Организация Красного Креста) «Студенты Торонто за справедливость в Палестине» (Toronto Students for Justicein Palestine) - объединение студентов, преподавателей, простых граждан, которые исповедует принципы демократии, выступая за освобождение, справедливость и право на самоопределение палестинцев; «Вместе победимрак» (United Against Cancer (UAC) - организация, функционирующая на университетском и местном уровнях, пытается избавиться от таких проблем, как использование детского труда, нищеты, пытается побороть СПИД; Borderless (“Без границ”) - ещё одна организация, к которойприсоединилисьстудентыуниверситета Торонто, главная цель - привлечь внимание к мировым кризисным ситуациям, защитить тех, кто нуждается впомощи и страдает от политических конфликтов, в том числе это страны с наибольшим количеством беженцев [1].

Из всего выше указаного можно сделать вывод, что студенты университета Торонто прилагают все усилия для борьбы с глобальными проблемами человечества. Целью деятельности студенческих объединений является решение проблем бедности и связанной с нейнесправедливостью во всем мире, предоставление людям возможности реализоватьсвои права, лично руко водить жизнью, получать достойную оплату за выполненный труд и так далее. Студенты своїй деятельностью еще раз нам напоминают, что творить благо для других, затрачивая свое личноевремя, безплатно работая волонтерами различных организаций, в больницах, хосписах, приютах для животных... – благородная миссия, на какую способен не каждый, ноэто шанс для любого из нас стать чище, лучше, благородне, ведь для того чтобы изменить мир к лучшему, нужно самим измениться.

ЛИТЕРАТУРА

1. University life. Recognized campus groups [Electronic resource] – Access: https://ulife.utoronto.ca/organizations/list
2. Jones G.A.: Governments, governance, and Canadian universities. Handbook of theory and research. – New York: Agaton Press, 1996. – Vol.11. – PP.337-371.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ХИЛ КЎРИНИШДАГИ ЁТ ВА ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ

Бобомуродова Шоира Эркиновна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the protection youth from the effect of various alien and bad ideas nowadays.

Keywords: protection, youth, effect, various alien and bad ideas.

Ҳозирги даврда ёшларни турли хил кўринишдаги зарарли ғояларнинг таъсиридан ҳимоялаш энг долзарб муаммолардаи биридир. Чунки, дунёда мафкуравий кураш давом этмоқда. Бу курашда

ёшлар унинг асосий объекти бўлиб қолмоқда. Унда муайян геосиёсий, мафкуравий мақсадлар яширин ҳолда мужассамлашганлигини ҳисобга олиш лозим. Ёшларнинг онги ва тафаккурига таъсир кўрсатиш орқали, уларни ёт ва зарарли ғоя ва мақсадларига ошно қилиш, уларнинг ҳатти-ҳаракатларида, дунёқарашларида ўзгариш қилиб, мамлакатда беқарорликни келтириб чикаришдир. Ёт ва зарарли ғоялар инсонлар ҳаёти, тафаккур тарзи, мақсад ва майлларини, урф-одат, анъаналарини ўзгартириб юборадиган таъсир кучига эга. Оқибатда ёшлар зарарли ғояларнинг таъсирида "унинг жозибасига маҳлиё бўлиб" ўзларининг миллий ғояси негизларига нисбаттан лоқайдлик билан қараш кайфиятида бўлишлари эҳтимоли пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, ёшларни зарарли ғояларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш мамлакатнинг мустақил тараққиётини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Бунга Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларда (2014-йил 6-феврал.) ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

“Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жаҳон бозоридаги рақобат кўлами ва кескинлиги тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ғоят муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда” – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов [1].

Ёшларни зарарли ғояларнинг таъсиридан ҳимоялашни тақозо этувчи шарт-шароит ва омиллар нималардан иборат бўлиши мумкин? Бизнингча, бунда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

Биринчидан, ёшларни ижтимоий ҳаётга нисбатан, мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиш фазилатлари мустаҳкамланиши зарур;

Иккинчидан, уларда ғоя билан ғоянинг фарқи борлигини, ҳар қандай ғоя ҳам бунёдкор ва эзгу бўлавермаслигини фарқлаш маданиятини шакллантириш лозим;

Учинчидан, ёшларда миллий ғояга ишонч-эътиқодни ва Ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш зарур.

Ёшларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий, ғоявий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари билан кўпроқ таништириш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга, касб-ҳунарли бўлишга бўлган иштиёқларини рағбатлантириш, иқтидорли ва талантли ёшларни кўпроқ ибрат қилиб кўрсатиш, ёшларга яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш маданиятини янада ошириш уларни миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодларини янада мустаҳкамлайди. Зарарли ғояларнинг таъсирини чуқурроқ ҳис этади, уларни инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларига, инсоният қадр-қимматига, шаъни ва ор-номусига, мустақиллик ва миллий ғоянинг бош ғоясига мутлақо тўғри келмаслигини кўпроқ тушуниб етадилар.

Зарарли ғояларни фарклайдиганлар, унга тақлид қилмайдиган бўлиб воята етадилар. Бу билан мустақилликни мустаҳкамлашга, уни асраб- авайлашга ва ҳимоя қилишга асос бўладиган инсон маънавиятига, аниқ фуқаровий позицияга эга бўлиб борадилар.

Ёшларни зарарли ғоялардан: ахборот хуружларидан, оммавий маданият кўринишидаги турли ахлоқсизлик иллатларидан, янгича кўринишдаги фашистик ғоялардан, тажовузкор миллатчилиқ экстремизм ва айирмачилик ҳаракатларидан огоҳ этади. Ёшларнинг маънавий- мафкуравий иммунитетининг юксалиб бориши ҳар хил зарарли ғояларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги глобал ўзгаришлар даврида бунга эътибор бериш, таълим-тарбия соҳасидаги устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар миллий-маънавий меросга, демократик қадриятларга таяниб иш кўришга, ёшларни турли зарарли ғоялардан ҳимоя қилишга қаратилган. Бунда дунё халқлари эришаётган ютуқларни ўзлаштириш ва мамлакат тараққиётига жорий этиш демократик жамият қуриш мақсадлари билан муштаракдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги. Халқ сўзи. №190 (6373) 2015 йил 1 октябрь.

ЁШЛАРНИНГ ЎЗ ҲАЁТИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШИ ХУСУСИДА

Бобомуродова Зулфия Эркиновна, Қодиров Раҳмон Каримович
Термиз давлат университети, Сурхондарё ВХТХҚТМОИ

Summary: In the article is lightened the maintenance and significance of choosing life way of youth and integration into the society.

Keywords: youth, life, integration, society, social structure.

Ёшларнинг ўз ҳаётини ўзи белгилашга, бизнинг фикримизча, уларнинг эҳтиёжлар билан ижтимоий ўзини-ўзи белгилаши, жамиятнинг ижтимоий тузилмаларига интеграциялашуви марказий ўринни эгаллайди. Назаримизда, ёш уларнинг интеграциялашуви икки жиҳатга эга: турар жойни

аниқлаш ва ижтимоий мақом касб этиши. Эришилган ижтимоий мавқега ва жойлашиш типига мувофиқ ёш авлод дифференциялашади ҳамда унинг ўз ҳаётини ва эҳтиёжларини ўзи белгилашининг қолган жиҳатлари аниқланади.

Шу муносабат билан адабиётларда “жамият миқёсида эҳтиёжлар тўлиққондирила олмайди (акс ҳолда ривожланиш бўлмайди). Эҳтиёжларнинг ўсиши уларни қондириш имкониятидан илгарилаб бораётгани боис бу тараққиётни ҳаракатга келтирувчи воситалардан биридир. Жамият ва шахсни тиклаш (кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш) учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжлар қондирилмоғи лозим”,[3] деб тўғри таъкидлаган.

Ижтимоий ўзини-ўзи белгилаш меҳнат фаолияти соҳаси ҳамда ёшлар иш бошлайдиган жамоа мўлжалланадиган касб танлаш билан бевосита боғлиқ. Касбий ўзини-ўзи белгилаш таълим даражасига ва танланган йўлга боғлиқ. Ёшлар таълим тизими орқали тегишли касбий тайёргарликка эга бўлади, у эса бирон-бир ижтимоий гуруҳга киришни тақозо қилади. Бу эса таълим йўли бевосита шахснинг ижтимоий ўзини ўзи белгилаши билан тўғридан-тўғри боғлиқлигини билдиради.

Ёшлар ўз ҳаётини ўзи белгилашининг муҳим жиҳати – никоҳдан ўтиш ва оила қуриш. Ёшларнинг мулоқот гуруҳларига қўшилиши катта аҳамият касб этади, бу гуруҳлар киши ҳаётининг шахсий муҳитини таркиб топтиради. Шахсий муҳит шахс ҳаёт фаолиятининг асоси бўлган уй муҳитидир. Уй-рўзғорнинг макон-мулкий хусусиятлари кейинги шахсий ҳаётнинг, кейинги авлодларни ўзига келтириш ҳамда тарбиялашнинг моддий асосига айланади. Шахснинг ўз ҳаётини ўзи белгилашининг ушбу жиҳати унинг мақсадли ҳаётий қоидаларини аниқлаш имконини беради.[4]

Муаммо шундаки, объектив шарт-шароитнинг ёшлар шахсига таъсири юз берадиган конкрет ижтимоий муҳит нисбатан мустақилликка эга: унда ҳамма нарса ҳар қачон ҳам шахснинг, айниқса, жамиятнинг реал манфаатлари билан мос тушавермайди. Онгнинг, шу жумладан гуруҳий онгнинг кўплаб элементлари орасидан ёшлар фаолиятини рағбатлантиришда бошқарувчилик ролини ўйнайдиганларни, ижтимоий хулқ-атворнинг жиддий детерминантлари бўлиб, айнан олганда, ишлаб чиқариш жараёнини замонавий ташкил қилиш, пировард натижани кўзлаб муваффақиятли ишлаш учун хизмат қиладиганларини ажратиб кўрсатиш даркор.

Ҳозирги даврда, жамиятни жадал ислоҳқилиш ва янгилаш шароитида ижтимоий онгни янги қадриятларга ҳамда иқтисодий ва хўжалик фаолиятини ташкил этишнинг янги шаклларига йўналтириш бўйича янги вазифалар қўйилди; кишилар психологиясини “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилидаги лоқайдликдан, бепарволикдан, руҳ заифлигидан халос қилиш зарур. Назаримизда, биринчи навбатда буларнинг барини ҳуқуқий асосда олиб бориш керак, чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир”[1].

Ижтимоий мақсадлар ва уларнинг тарғиботдаги (оммавий матбуот, радио, телевидение орқали ва ҳ.к.) ифодаси билан индивид онги, унинг режалари ўртасида гуруҳий онг ётади: умумийлик ягона билан алоҳидалик орқали бирлашади. Бизни қизиқтираётган ҳолатда алоҳидалик соҳаси бирмунча ранг-баранг: бу-оила ҳам, ўсмирлар гуруҳлари ва норасмий гуруҳлар ҳам, синфдаги, мактабдаги ўқувчилар жамоаси ҳамдир.

Оила-турмуш ва маданий-хонадон инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси кўп жиҳатдан ёшларнинг ўз потенциал лаёқатини бундан буён ҳам намойиш этиши даражасини белгилаб беради. Бу ушбу тизимда кейинчалик инсоний муносабатларда ҳамда “давлат бўғини”дан ташқаридаги мулоқотда акс этадиган азалий қоида ва стереотиплар шаклланиши билан боғлиқ. Бу жиҳатдан қараганда, “оила-мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бужараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир”[2].

Юқоридаги қоидаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ёшлар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, анча кенг имкониятларга эга бўлган ёшларни ўз ичига олувчи алоҳида, мустақил ижтимоий-демографик гуруҳдан иборат.

2. “Ёшлар” тушунчасининг таҳлили ёшларнинг турли қатламлари, ижтимоий гуруҳлари хусусиятларини, қадрият йўналишини, фаолият турини, турмуш тарзининг ўзига хослигини, таълим ва маданий савиясининг ўзгармас тавсифи билан чекланмаслиги лозим. Тадқиқ ва таҳлилда ёшларнинг барча хусусиятлари, тарихий вазият, жамият ривожланиш босқичларининг ижтимоий ўзгаришлар ҳамда янгиланишлар вазифалари билан сабаб-оқибат боғланишлари аниқланиши даркор.

3. Бугунги кунда объектив воқелик энг муҳим ижтимоий-демографик гуруҳ, тарихий жараённг фаол субъекти бўлган ёшлар назариясига соддалаштириб ёндашиш истисно этилади.

4. Ҳозирги пайтда жисмоний соғлом ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган, меҳнат фаолиятидан манфаатдор, ўз потенциал имкониятларини тўлиқ ишга солишга ҳамда ижтимоий-

фуқаролик бурчини лозим даражада бажаришга қодир бўлган ривожланган ёш авлодни тарбиялаш республикамизда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

5. Ёшлар сиёсати жамиятда содир бўлаётган барча воқеаларни акс эттиради, бу ёшлар сиёсатининг роли ўта муҳимлигидан далолат беради. Шу муносабат билан, назаримизда, муҳим методологик муаммолардан бири ёшларнинг ижтимоий ривожланиши диалектикасини улар мустақил ҳаётга қадам қўйганда дуч келадиган реал зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002, -10 бет.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва томойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -66-бет.
3. Эркаев А. Духовность – энергия независимости. – Т.: Маънавият, 1998. – С. 164
4. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -170-184-бетлар.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МЕРОСНИНГ ЎРНИ

Дўстназарова Мавжуда, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the place of the heritage in upbringing of youth in the spirit of patriotism idea which were took formation during the thousands years and transferred from generation to generation.

Keywords: heritage, ideology, patriotism, idea, upbringing.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, уларнинг натижадорлиги кишилар, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик ғоясига таъсир этмай қолмайди. Унинг ўзгариш механизмини ватанпарварлик ғоясининг вужудга келиши ҳамда шаклланиши хусусиятларини аниқлагандагина очиб бериш мумкин. Муаммони мозийга қайтиб кўриб чиқиш ёшларнинг янги сиёсий тафаккури вужудга келиши сарчашмаларини, унинг миллий тикланиш жараёнларини интенсивлаштириш, маънавий бўшлиқни ҳалқона анъанавий мазмун билан тўлдириш жараёнини тушуниш имконини беради. “Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, - деганди И.А.Каримов, - одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тиқиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин” [2].

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда” [2].

Ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ ҳар қандай назарий ва методологик концепция тарихий амалиётга суянади. Маълумки, бизни ўраб турган воқелик предметлари ҳамда ҳодисалари доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишдадир. Ижтимоий муносабатлар табиат ҳодисаларига қараганда анча тезроқ ўзгаради, чунки бунда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга мажбур бўлган кишилар фаолияти билан иш кўрамиз.

Бироқ бу ижтимоий онг, ижтимоий психология ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши ва ривожланишига пассивлик билан эргашади, дегани эмас. Тарихий тажриба кўрсатишича, улар ишлаб чиқариш усулига фаол қайта таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасидаги бу иккиёқлама ўзаро боғлиқлик ёшларда ватанпарварлик, мерос ва конституциявий-ҳуқуқий тушунчаларнинг ривожланиши жараёнида ёрқин кўзга ташланади.

Ёшларда ватанпарварлик, мерос ва конституциявий-ҳуқуқий тушунчаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларида жамият иқтисодий ҳаёти характерига боғлиқ равишда туб ўзгаришларга учрайди. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётий жараённинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий савиясини белгилаб бериши ҳаммага маълум.

“Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди” – деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов [1].

Подшо ҳукумати Ўрта Осиё минтақасида рус мактаблари ҳамда Россиянинг марказий минтақаларидаги каби ўрта ўқув юртлари бошланғич ва шаҳар мактаблари, эркаклар ва аёллар семинариялари, ўқитувчилар семинариялари, реал билим юртлари очишга мажбур бўлди. Бу ўқув юртларининг хусусияти шундан иборат эдики, уларда фақат рус болалар эмас, балки туб аҳоли: ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва бошқаларнинг ҳам фарзандлари таълим олишарди.

Рус мактаблари мусулмон мактаблари, мадрасалар ҳамда янги усул мактабларидан фарқли ўлароқ, туб аҳоли фарзандларининг рус болалар билан мулоқоти орқали уларнинг эътиборни миллий маданиятнинг ривожланишидан, она тилини, ўз халқи тарихини, унинг тақдири, анъаналарини билишдан чалғитишга уринган [3]. Шунга қарамай, бундай мактаблар ўлка аҳолисининг айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий юксалишида муайян роль ўйнаган.

Дунёвий таълим ёшлар ватанпарварлик ғоясига, уларнинг ўзликни англаш ва маданияти юксалишига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатди. Ўлка мустамлакачи маъмурияти қўйган тўсиқларга қарамай, бу ерда илм-фан секин-аста ривожланди, илмий кадрлар шаклланди, улар ёшлар орасида илмий билимларни ёйишга кўмаклашишди. Бу сўзсиз, маҳаллий ёшлар қобилияти намоён бўлишига кўмаклашди. Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар жамиятнинг маънавий тараққиётига таъсир этмай қолмади.

Ўзбек адабиётида халқнинг ижтимоий адолатсизликка қарши кураши ғояси кўзга ташлана бошлади. Бу ғоя Навоий, Турди, Махмур, Гулханий, Мунис ва бошқаларнинг энг яхши анъаналарини ривожлантиришни давом эттирган халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топди. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқа шоирлар ўз асарларида маърифатчилик ғояларини ёҳлаб чиқиб, халқ оммаси ҳаётини очиб беришган, уларнинг адолат тантанасига, ота юртнинг ёрқин келажагига ишончини кўрсатишган. Ҳазиний, Муҳъйи сингари ва бошқа дунёвий ҳамда диний арбобларнинг мафкураси, қудратли ҳамда нуфузли сиёсий-ҳуқуқий фикр оқими энг кўзга кўринган вакиллари маърифат ва миллий мустақиллик учун курашган Мунавварқори, Беҳбудий ва бошқалар бўлган жадидчилик; Аҳмад Дониш, Фурқат, Айний ва ўзбек халқининг бошқа кўплаб маданият арбоблари сиймосидаги илғор ижтимоий-сиёсий оқим ҳам аҳолининг ижтимоий онгига катта таъсир кўрсатишган.

1910 йилга келиб Туркистонда таълимнинг жадидчилик йўналишидаги 50 мактаб, шу жумладан Тошкентда – 20 та, Қўқонда -16 та мактаб бўлган. Уларнинг тузилмаси ва тўлиқ фаолияти ҳали етарлича ўрганилмаган [4].

1917 йилдан кейин аҳоли саводсизлигини тугатиш мақсал қилиб қўйилди. Ўлкада саводсизлар сони қисқа муддатда камайди, мактаб ишини ривожлантириш кучайди. Айни маҳалда олий таълим ҳам ривожлана бошлади.

Шу билан бирга ушбу даврда мамлакат иқтисодий, ижтисоий-сиёсий ва маданий ҳаётини бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими авж олиб борди. Мамлакатнинг энг яхши кишилари ҳаётига зомин бўлган оммавий қатағонлар жамиятнинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Кейинчалик бу ёшлар ватанпарварлик ғояси шаклланишида ўз изини қолдирди.

Ўша пайтларда ҳукмрон бўлган фикрлаш тарзи миллий маданият, миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар ривожланишига салбий таъсир қилди. Бу ҳол, жумладан, миллий тилни, миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантиришга эътибор сусайганида, Марказий Осиё халқлари бой маънавий меросини лозим даражада баҳоламасликда, динга кескин салбий муносабатда бўлишда, унинг шахсга маънавий таъсир кўрсатиш ва уни камол топтиришда жуда муҳим восита эканлигини тушунмасликда, “Марказ”нинг миллий республикаларнинг маданий эҳтиёжларига беписандлик билан қарашида, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш соҳасини қолдиқ маблағлар ҳисобидан моли ялаштириш принципида кўзга ташланди. Буларнинг бари ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий психологиясида салбий акс этди.

Мақола материаллари олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим муассасалари педагогларига маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, маданияшунсолик, психология, одобнома курсларини ўқитишда асқотади деган умиддамиз.

Адабиётлар:

1.“Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 6 декабрь, № 237 (6167)

2.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 318-319, 202-бетлар.

3.Степаняц М.Т. Человек в тардиционном обществе Востока // Вопросы философии. 1991. №3. С. 140-151.

4.Беҳбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Фан ва турмуш. 1991.

ЁШЛАРНИНГ АҚЛИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эшмуродова Дилдора Ўраловна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is lightened abilities and possibilities of youth, the problem of their spiritual perfection.

Keyword: ability, possibility, youth, spiritual perfection.

Ёшларнинг ақлий қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшаш, меҳнат қилишга ўргатиш барча корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳокимлар ҳамда мутасаддиларнинг аниқ ва муҳим вазифасидир.

Ёшларнинг жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашувини рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш учун, мустақилликка эришиб, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштираётган Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий руҳияти шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиш, тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар ҳаёти муаммолари, ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётга кириб келиши, жамият ҳаётига фаол аралашуви фақат педагоглар ва психологларни қизиқтириб қолмай, балки файласуфлар, социологлар, демографлар, юристларни ҳам қизиқтириб келади. Инсоншунос олимлар ёшларнинг ижтимоий психологияси муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида тараққиёт йўлларининг, ўзгариши, жамиятда миллий анъаналарнинг, ҳалоллик, адолат, гуманизм-инсонпарварлик каби қадриятларнинг қарор топиши муаммоларига эътиборни қаратадилар.

Қадим замонлардаёқ бу муаммолар инсониятнинг буюк мутафаккирлари эътиборида бўлиб келган. Суқрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби файласуфларнинг, ал-Бухорий, Яссавий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби дин арбобларининг асарларида кўтарилган мана шу муаммоларни ўрганиш, кейинчалик, Кант, Гегель томонидан, шунингдек, XIX аср эмпирик философия вакиллари, Т.Рибо, Фулье, ва айниқса, психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейд асарларида янада ривожлантирилди. Марксизм догмаларидан қутилган олимларимиз бу муаммоларни ҳозирги шароитларда янада мустақилроқ ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Кейинги йилларда Ўзбекистон олимлари ҳам мана шу муаммолар бўйича самарали илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Ўзбек жамиятшунос олимлари М.Хайруллаев, Қ.Хонназаров, Э.Юсупов, С.Шермуҳамедов, Ж.Туленов, А.К.Валиев, И.М.Жабборов, А.М.Жалолов. С.Жўраев, Ф.Исмоилов, А.Чориев ва бошқалар умуман ижтимоий онг муаммоларини, хусусан ёшларнинг ижтимоий психологияси муаммоларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшдилар.

Инсон ижтимоий руҳияти, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодий шароитларидаги ёшларнинг ижтимоий руҳияти муаммолари ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилди дея олмаймиз. Ўзини оқламаган догматик фикрлардан қутилиб, эркин ва холис илмий тадқиқотларга йўл очилиши, бу муаммоларни ўрганишга янгича ёндошиш, ёшлар ижтимоий руҳиятининг таркибий қисмлари, унинг ўзига хослигини тарихий манбааларини, ёшлар кайфияти ўзгариши ва янгиланишининг ижтимоий сабабларини ўрганиш, турли ёш босқичларида ёшлар руҳиятида муайяи ўзгаришларнинг вужудга келиши механизмларини аниқлаш имконини беради.

Мамлакатимизда 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак, деб муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлагандилар [4].

Фалсафий ёндашув ёшларнинг турли гуруҳлари ижтимоий мансублик, меҳнат характери, ёши, қизиқишлари ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган ўз психологик хусусиятларига эга эканликларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси чинакам мустақилликни қўлга киритгач, ўз ҳаётининг барча соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаш, дунёвий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқда-ки, мамлакат Конституцияси ўзининг ҳуқуқий базаси, миллий истиқлол мафкураси эса ёшларнинг маънавий баркамоллигининг асоси бўлиб қолди.

Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун жамият барча аъзоларининг, айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 млн 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 млн 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ёшлар ташкил этадиган ёшларнинг куч-ғайратини сафарбар этишни талаб қилади [3]. Маданият маънавиятини, ривожланишнинг интеллектуал бойликларини бўлажак жамият аъзолари онгига

жойлаш айнан ёшларнинг вазифасидир. Ёшлар бундай масъулиятли вазифани бажара олиши учун Ўзбекистонда унинг эркин ривожланиши ҳамда мехнат фаолияти учун қулай имкониятлар яратилган.

«Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида» 1991 йил 20 ноябрда қабул килинган Қонун билан ёшларда демократик ва бозор ислоҳотлари, ижтимоий ўзгаришларга ҳамда ўзини-ўзи ривожлантиришга, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлигини, эркинликлар ҳамда фуқаролик масъулиятини тушунишга, ижтимоий нотавонлик ва боқимандалик психологиясини бартараф этишга фаол муносабатда бўлиш талабларига жавоб берадиган янги психологик фазилатларни ривожлантиришга кўмаклашадиган илмий методологияни ишлаб чиқишга асос солинди. Бундай йўналиш ёшларнинг маънавий баркамоллиги, унинг ижтимоий вазифаси тўғрисидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият” 2008, 25, 29-30 бетлар.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 381 бет
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 104-131 бетлар.
4. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. XXI ASR газетаси. 2009 йил 10 декабрдаги сони
5. Маънавият асосий тушунчалари изоҳли луғати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2009. – 64 б.
6. «Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида» 1991 йил 20 ноябрда қабул килинган Қонун

ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Муҳаммадиева Олия Нарзуллаевна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is analysed the theoretical-methodological and scientific-practical aspects of education and upbringing of youth on the basis of legal basics of philosophical methodology.

Keywords: philosophical methodology, education and upbringing of youth, legal basics, scientific-practical aspects.

Фалсафий методологиянинг ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда ёндашув ёшларнинг турли гуруҳлари ижтимоий мансублик, меҳнат характери, ёши, қизиқишлари ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган ўз психологик хусусиятларига эга эканликларини ҳисобга олишни олий таълим тизимининг илмий тадқиқотлари талаби тақозо қилади.

“Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий қолажак.

Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани – ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинмиди? - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида”.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Бу борада халқаро ҳамжамият томонидан ҳар қандай давлатда амалга оширилаётган ишларнинг натижасига баҳо берувчи икки мезон тан олинган. Бу ўша мамлакатдаги соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларидир.

Сохибқирон Амир Темур хам буюк давлат қуришда, иш юритишда ўтиб кетган боболарнинг ўгитлари, давр донишмандларининг маслахатлари билан ишланганлиги тарихий манбаларда аён. Бутун дунёда малумки ўша даврда илм-фан ривожи учун шароит яратилган. Маданият ривожланган, бугун дунёни лол этаётган осмонўпар минора-ю масжидлар бунёд этилган. Бу давлатни барча давлатлар энг юқори маданият ўчоғи сифатида тан олинган, ўз элчиларини жўнатишган. Элчилар юбориш маъқул давлатни хурмат қилиш, тан олиш натижасидир.

Амур Темур асос солган давлатни жахолат ботқоғига ботган авлодлар таназулга элитдилар.

Давлатнинг асосий – пойдевори нотўғри қурилгани учун эмас, балки мустахкам асос устига яхши пиширишмаган ғиштлар қинғир-қийшиқ терилгани боис бинога дарс кетди. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзига давлатга махв бўлди. Жахолат хеч қачон илм-фанни тан олмайди. Жахолатнинг бошида турган илмсиз кимсанинг тубан дунёқарашига хос биқиқ "қоидалар" вужудга келади ва бошқаларни унга бўйсунишига мажбурлай бошлайди. Илм – фансиз боболар меъросини ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, хатто асраб бўлмайди. Шу боис Амир Темур давлатчилиги, Фаробийнинг Фозиллар жамияти Ибн Сино тиббиёти, Хоразмийнинг аниқ фанлари, Берунийнинг Қомусий илми, Улуғбек – коинотни – хамма – хаммаси жахолат пардаси ортида қолди, унутилди. Боболар орзулигича қолиб кетди.

"Орзу йўқолса хаёт тўхтаган хисобланади. Шу боис боболар қонидаги шундай орзу XIXаср охирида бош кўтарди. Орзунинг пайдо бўлишига жахолат сабабчи бўлишлигини чор Россияси мустамлакасида ёзилиб ундан қутилиш чорасини излашга тушган юрт зиёлилари биринчи бўлиб тахлил этилди. Озодлик учун ўз жонини тикан миллат фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси муфти Махмудхўжа Бехбудий шу жахолатни келтириб чиқарган миллатларни тахлил қиларкан, шундай хулосага келади: "Дунёда турпоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга паймол бўлур"[2].

Таълим ислохийларини ўрганиш жараёнларида қизиқ холат кўз олдимизда намоён бўлади. Маълумки Ўзбекистоннинг 130 йиллик осоратдош тарихи икки хил мустамлака даврига тўғри келади. Биринчи чор Россияси, бошқаси қизил империя даври. Бу икки хил мустамлакачилик сиёсати хам емирилиш даврлари бор. Айни шу даврларда миллий озодлик харакати намоёндалари, юртнинг бошидан миллат фидоийлари таълим ислохати борасида фикрлаганлар, ислохотни амалга ошириш тараққиёт йўлларини қидирганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сесиясидаги маърузаси. "Тошкент оқшоми" 2000- йил 24-январ сони.
2. Ирода ва имон эътиқоди синови. Т.: "Ўзбекистон". 1999. 23-б.

GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLAR TARBIYASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.

Tosheva Dildora Iskandarovna, BDUning "Pedagogika" kafedrasi o'qituvchisi:
Sayidova Nordona Sayfulloyevna, Vobkent pedagogika kolleji

XXI asr aql, zakovat ma'naviy-ma'rifiy,uzluksiz rivojlanib boruvchi asr desak adashmagan bo'lamiz.Jamiyatimizni ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini jadallashtirish sharoitida barkamol inson omilini vujudga keltirish davr talabiga aylanadi.Barkamol inson o'zining ruhiy ma'naviy taraqqiyoti haqida g'amxo'rlik qilish - biz qurayotgan jamiyatning asosiy maqsadidir.

Bugungi davrda shaxs shakllanishida, uning tarbiyalanganlik darajasini ortishida dinning, xususan «Hadis» ilmining ahamiyati kattadir. Shaxslararo munosabatda tenglik, g`amxo'rlik, samimiylik, o'zaro yordam, simpatiya, antipatiya, hamdardlik, sevgi-muhabbat singari milliy xususiyatlarni tarkib toptirishda hadislarning roli yanada ortmoqda.

O'zbek oilasida tarbiya mohiyati, mazmuni tarbiyaning kundalik va istiqlol rejasi, bolalarga ta`sir o'tkazish vositasini tanlash va undan unumli foydalanish o`ziga xos xususiyatga ega, chunki uning asosida xalq an`analari yotadi.

O'zbek xalqining etnopsixologik xususiyatlaridan unumli foydalanish har tomondama taraqqiy etgan inson shaxsini tarkib toptirishda muhim rol o'ynaydi. Abdulla Avloniy aytganidek: «*Tarbiya biz uchun yo hayot, yo mamot; yo najot, yo halokat; yo saodat - yo falokat masalasidir».*

Yangi jamiyat qurishda asosan yosh avlodga komillik, insonparvarlik, vatanparvarlik, his-tuyg'usini shakllantirish hayotiy zaruriyatga aylanadi. O'zbekistonda ta'lim sohasini isloh qilishning asosiy omillaridan biri shaxs manfaati va ta'lim ustuvorligidir.Bu omil davlatimizning ijtimoiy-siyosatini belgilab berganligi tufayli ta'limning modeli yaratildi.Bu jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi.

Ta'lim – tarbiya jarayonini asosiy maqsadi va vazifasi , barkamol yetuk shaxslarni ya'ni – komil insonni yetkazish va shakllantirishdan iborat ekan, biz o'qituvchilar bu vazifani chuqur anglab

yetmog’imiz lozim. Shunday ekan biz ta’lim-tarbiya samaradorligini o’quvchilarning qay darajada bilim, ko’nikma va malakaga ega ekanliklarini, tarbiyalaganlik darajalarda mustaqil bilim olishga, hayotda o’z o’rinlarni topish uchun qanday tayyorgarligi bilan o’lchashimiz, baho berishimiz lozimligini bilishimiz shart.

Demak, ta’lim-tarbiya jarayoni bir- biri bilan chambarchas bog’liq bo’lgan murakkab jarayon, bu jarayon ikki yoqlama o’qituvchi va o’quvchi o’rtasidagi munsabatlar asosida hosil bo’ladi. Bola shaxsining tarkib topishiga ta`lim-tarbiyaning ta`siri deganda, albatta, birinchi navbatda tarbiya muassasalarida, ya`ni bog`cha, maktab, internat, litsey va kollejlarda beriladigan ta`lim-tarbiya tushuniladi Biroq, bundan oilada bolaga beriladigan ta`lim-tarbiya mutlaqo mustasno emas! Oiladagi umumiy ijtimoiy muhitdan tashqari oilada beriladigan ta`lim-tarbiyaning roli kattadir.

Yoshlar bilan olib boriladigan ta'lim-tarbiya ishlarining muvaffaqiyati - ularning yosh va psixologik xususiyatlarini bilish hamda hisobga olish bilan bog’liqdir. Bu holat burilish hisoblangan o’smirlik davrining alohida xususiyati bo’lib, u ko’proq shu davrga taalluqlidir. O’smirlik davrini o’tish davri deb yuritadilar, chunki ana shu davrda bolalikdan kattalik holatiga o’ziga xos o’tish davri yuzaga keladi. U psixik jarayonlarning , o’quvchi faoliyatlarining jiddiy ravishda qayta qurilishi bilan bog’likdir. Shuning uchun o’smirlik yoshi o’zaro munosabat shakllarida, faoliyatni tashkil qilishda qat'iy o’zgarishlarni talab qiladi. O’smirlarni ta'lim-tarbiya berish ishlarida goho uchraydigan qiyinchiliklar bu yoshdagi bolalarning psixik rivojlanishi qonuniyatlarini va xususiyatlarini ba'zan yetarli darajada bilmaslik yoki inkor qilish natijasida payda bo’ladi. Bu davr tarbiya uchun ancha qiyin davr hisoblanadi. Chunki bolaning katta odamga aylanish jarayonining o’zi qiyin, bu jarayon psixikaning, odamlar bilan bo’lgan munosabat shakllarining jiddiy ravishda qayta o’zgarishi hamda hayot sharoiti va faoliyatining o’zgarishi bilan bog’liqdir.

Agar bolani bolalik chog’ida unga odob-axloq o’rgatishni eski shakl va usullaridan foydalanilgan bo’lsa, endi ular bola uchun yaroqsiz bo’lib qoladi. Avval bolalar ota-onalari, tarbiyachilarning axloq-odob haqidagi gaplarini bajonidil eshitgan bo’lsalar, endilikda bunday ta'sir bolani zeriktiradi yoki yoqmay qoladi.

Natijada, undan kattalarning fikrlariga qarshi chiqish yoki rad etish kabi xislatlar paydo bo’la boshlaydi. Bular esa bu davrning “qiyin”, “murakkab” davr bo’lishiga sabab bo’ladi.O’smirlarga ta'lim-tarbiya berishdagi qiyinchiliklar shundan iboratki, bunda o’smir bilan bo’ladigan munosabatlarda uning hayoti va faoliyatini nazorat qilish shakllarini o’zgartirish muhimdir. Ularga ta'sir qilishning qandaydir yangi usullari va vositalarini topish lozim bo’ladi. Bunda albatta, har bir yosh bilan alohida munosabatda bo’lish maqsadga muvofiqdir. Xuddi shu davda har bir o‘smir o’ziga alohida e’tibor va diqqatni xoxlab qoladi. Atrofdagilarning unga bo’lgan munosabati uni juda qiziqtiradi. Hozirgi globallashuv davrida yoshlarning zamoniy texnika va texnologiyadan, internet va turli axborotlashgan davrdan ayro holda tasavvur etish mushkul ,albatta. Barchaga ma’lumki, o’smirlarning psixik taraqqiyotini xarakatga keltiruvchi kuchlar ularning faoliyatlari tug’dirgan yangi ehtiyojlar jismoniy, intellektual va axloqiy imkoniyatlari bilan ularning eski, ilgari tarkib topgan olam bilan o’zaro munosabat shakllari real xatti-harakatlarning shakllari o’rtasidagi qarama-qarshiliklardir. Bu qarama-qarshiliklar ancha yuksak darajadagi psixik taraqqiyotini, ancha murakkkab shakldagi faoliyat turlarini va shaxsning qator yangi psixologik sifatlarini tarkib toptirish orqali bartaraf qilinadi.

Bizda o’smirning hayot sharoiti, unga beriladigan ta'lim-tarbiya va uning faoliyatini to’g’ri tashkil qilish orqali ijtimoiy foydali mehnat qilishga jalb qilish orqali qiyinchiliklar bartaraf qilinadi.

O’zbekiston mustaqillikga erishgandan so’ng barcha sohalar kabi ta’limda ham katta o’zgarishlar ro’y berdi. Ayniqsa, ,, Ta’lim to’g’risida”gi qonunga ko’ra uzluksiz ta’limning joriy etilishi, yoshlar ta’lim-tarbiyasiga bo’lgan e’tibor, yoshlarning ish bilan bandligini ta’minlash,intelektual yoshlarga barcha imkoniyatlar yaratilishi va ularning ilmiy salohiyatidan jamiyat ravnaqi uchun unumli foydalanish orqali bugungi kun yoshlari ham o’z ajdodlari kabi yuksak tafakkurga ega ekanligini yana bir bor isbotlamoqdalar. Shu o’rinda prezidentimizning quyidagi jumlalarini esga olmoq maqsadga muvofiqdir: „Men yoshlarimizga o’zimga ishongandek ishonaman”. Darhaqiqat, fan cho’qqilarini egallayotgan yoshlar qatorida vaqtini ko’cha-kuyda, internet klublarda, turli tungi barlarda mazmunsiz o’tkazayotgan yoshlar ham uchrab turadi. Bunday yoshlarni bugungi kunda tarbiyasi “qiyin” bo’lgan, “qiyin tarbiyalanuvchi” yoshlar qatoriga qo’shib,ularning bu holatga tushishiga sabab bo’layotgan omillarni o’rganmog’imiz va sog’lom psixologik muhit yaratmog’imiz maqsadga muvofiqdir.

Tarbiyasi qyin, injiq, xulqi salbiy bolalarning kelib chiqishining ijtimoiy sabablaridan tashqari pedagogik va psixologik sabablari ham mavjud. Yoshlarda nojo’ya xatti-harakatlar paydo bo’lishining sabablari va turtkilari har xildir. Tarbiyasi qiyin o’smirlaring xatti-harakatlarini ijobiy yo’nalishga burib yuborish uchun ularda mas'uliyat, g’urur, javobgarlik, ishonch kabi yuksak hislarni tarkib toptirish lozim. Qolaversa, bunday yoshlar bilan yakka tartibda olib boriladigan psixologik treninglar, erkin mavzudagi muloqotlar va qiziqishini aniqlab, turli sohalarga band qilish maqsadga muvofiqdir.Buning uchun ularga yoshli, kuchi, qobiliyati va qiziqishlarini hisobga olib, topshiriqlar berish ayni muddaodir. Ularga kichik

jamoani, sport seksiyasini, «tirik burchak»ni boshqarish vazifasini ishonib topshirish natijasida salbiy fe'l-atvorlarni kamaytirish mumkin. Tarbiyasi qiyin bolalar bilan ishlashda tarbiya berishning maxsus sharoitlarini aniqlash muhimdir. Ular bilan duch kelgan vaktda yoki har doim emas, balki, qulay sharoit kelib qolganda ish olib borilsa, ya'ni tarbiyaviy ta'sir ko'rsatilsa, u ko'proq natija beradi.

Xulosa o'rnida shuni aytmoq joizki, komil inson va yetuk malakali mutaxassis, maxsus tashkil etilgan pedagogik faoliyat jarayonida tarbiyalanar ekan, ushbu jarayonda o'qituvchilarning o'rni beqiyosdir. Shu bois ularning shaxsida bir qator ijobiy ma'naviy-axloqiy sifatlar namoyon bo'la olishi maqsadga muvofiqdir. Yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda eng avval psixologik sog'lom muhitni tog'ri shakllantirish,o'quvchi yoshlarni yod g'oya va salbiy qarashlardan muhofaza qilish har bir pedagog zimmasidagi vazifa sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

Karimov I.A. "Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori" Toshkent, 1997 yil.

I.A.Karimov «Istiqlol va ma'naviyat» Toshkent. «O'zbekiston» , 1994 y

Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. T. 2008

Munavvarov A.K. Pedagogika. Toshkent, 1996.

Nishonalieva U. Tursunov I. Pedagogika kursi. Toshkent, 1996.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Турдимуратова Насиба Алламуратовна, Термиз давлат университети

Summary: In this article is given the maintenance, essence and theoretical-methodological and scientific-practical aspects of youth role in construction of democratic state in the condition of globalization.

Keywords: globalization, democratic state, youth role, construction, condition.

Глобаллашув даврида Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуришда ёшларнинг ўзига хос ўрнини қарор топтириш демократия ҳамда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, мулкчилик шакли хилма-хиллиги ва республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда ёшларнинг ўзига хос жиҳатлари муаммоларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур.

"Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди" – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов [2].

Тарихий воқеаларни, жумладан, ўзбек халқининг миллий ва ижтимоий тикланиш учун курашининг ёритилишини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки ўтмишда ўрта Осиёнинг мустамлакачилик даври тарихи нохолис ва бир ёқлама баҳоланган.

Тарихчилар 1917-1990 йиллардаги даврда тарихий воқеалар жараёнининг ҳаққоний манзарасини тиклаб, ёшларнинг тарихий ўтмишни шакллантиришдаги ижтимоий психологияси ва онгини ҳаққоний, холис тушуниш асосида шакллантириш устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон тарихчиларининг ушбу ва бошқа масалалар бўйича сўнгги йилларда яратилган асарлари ўсиб келаётган авлодга ўз халқи тарихини, унинг бой моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда, ундан бугунги ўзгаришлар учун зарур жиҳатларини олишда кўмаклашади [5].

Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш эҳтиёжлари фалсафа фани олдига янгича фикрлаш нуқтаи назаридан изоҳлашни талаб қилувчи методологик характердаги бир қатор муаммоларни қўймоқда.

Фалсафа-инсониятнинг жуда муҳим интеллектуал қуроли; у аждодлар маънавий мероси, гуманитар, табиий ва техник фанлар ютуқлари билан боғланган бўлиб, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англашга ҳамда жамият ҳаётида ўз ўрнини аниқлашга ижодий ёндашишга кўмаклашади.

Ўзбекистон халқлари илдизи минг йиллар қаърига кириб борадиган бой фалсафий маданиятга эга. Ҳозир маданиятнинг ушбу бой қатламидан фойдаланиб реал воқеликдан ажралиб қолган назарий масалалар билан абстракт шуғулланмай, балки ҳаётнинг ўзи олға сурган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ривожланишнинг долзарб муаммолари билан шуғулланиши лозим бўлган чинакам илмий фалсафани тиклаш ва шу асосда жамиятни тубдан янгилашга қаратилган конкрет таклифларни ишлаб чиқиш даркор. Фалсафа тарихий воқеликка монанд ижтимоий онгни шакллантириши даркор [6].

Янгиланаётган жамият янгиланган фалсафага муҳтож бўлади. Ўзбекистон олимлари шуни ҳисобга олиб маънавий маданиятни ривожлантириш масалаларига ҳам анъанавий қарашни қайта кўриб чиқишлари керак.

Жамиятшунослар халқнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий психологияси ҳамда ижтимоий онги ҳолати учун бевосита масъулдирлар, шу боис бу масалада оддий кузатувчи бўлиб қола олишмайди.

И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, жамиятимиз мавжуд воқеликни ҳаққоний акс эттириб, халқ манфаатларига жавоб бериб, унинг бунёдкорона меҳнатига ҳамда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга илҳомлантирадиган мафкура ва реалистик сиёсатсиз иш қила олмайди. Бироқ гап ҳозир бизга қандай мафкура зарурлиги ҳақида бормоқда.

Конституцияга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" [1].

Бу ҳолат турли сиёсий партиялар, бинобарин, мафкуралар ҳам эркин иш олиб бора оладиган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятига мувофиқ келади. Бу бизнинг жамиятимиз, жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирадиган, уларнинг куч-ғайратини умумий мақсадга эришишга йўналтирадиган турли мафкуралар қурамасидан иборат, деган гапни билдирадими?

Асло! Турли ижтимоий гуруҳлар мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамай, халқимизнинг туб манфаатлари умумийдир. Бу – миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва республикани келажаги буюк давлатга айлантириш. Бинобарин, ҳозирги шароитда давлат мафкураси бўлишга даъво қилмаган ҳолда, аҳоли барча кучларини бирлаштирадиган, уларни умумий вазифани бажаришга - республика миллий мустақиллигини, суверенитетини мустаҳкамлашга йўналтирадиган, "ўтмиш билан келажак ўртасидаги кўприк" [4] ва миллатни бирлаштирувчи байроқ [4] сифатидаги мафкурани, миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасини яратиш учун чинакам асос мавжуд.

XX асрнинг 90 йилларида миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасининг моҳияти ҳамда асосий вазифалари, уни ижтимоий онгга сингдириш масалалари [7] ва бошқа долзарб муаммолар ёритилган бир қатор асарлар эълон қилинди.

"Ўзбекистон рабарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш – халқимизнинг асрий орзусидир" - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов [3].

Миллий тикланиш ва тараққиёт мафкурасининг асосий ғоялари ҳар бир киши, айниқса, ёшлар онгига қанчалик тез етиб борса, жамият олдида турган вазифаларни бажаришда шунчалик тез олға босишимиз мумкин. Асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида акс этган ва улар ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлаш зарур.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

1. Миллий мустақилликни қўлга киритиш ўзбек халқи учун маънавий янгиланиш ибтидоси, бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаётида, ижтимоий психология ва ижтимоий онгда содир бўлаётган жараёнларни янгича англашнинг бошланиши бўлди.

2. Қуйидагиларни мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий янгиланишининг асосий хусусиятларига киритиш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш; ҳар бир кишининг ўз маънавий салоҳиятини ўзи рўёбга чиқариши; ватанпарварлик ҳамда гуманизм.

3. Аҳолининг биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий психологияси ва ижтимоий онгини шакллантириш жараёни маънавий янгиланиш асосида бошланади, у ўз халқининг тарихий анъаналарини ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасида ёрқин ифодасини топган янги тамойиллар ҳамда идеалларга таянади.

4. Миллий истиқлол ва тараққиёт мафкураси аҳоли кенг оммасининг, биринчи навбатда ўсиб келаётган авлоднинг, ёшларнинг ижтимоий онгига қанчалик тез ва чуқур сингиб борса, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини бажаришда шунчалик тез олға қадам босишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012. 5-б.
2. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: "Ўзбекистон" 2012, 402 б.

4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 91, 87-бет.
5. Сагдуллаев А.С., Костецкий В.А., Наркулов Н.К. История Узбекистана. – Т.: 1998.
6. Туленов Ж.Т., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -136-137-бетлар.
7. Туленов Ж., Юсупов К., Ғофуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОАВ ВА ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Хидиров Шокир Ашурмуродович, Сурхондарё ВХТХҚТМОИ

Summary: In this article is given the theoretical and methodological aspects of correct use of mass media and internet system in education and upbringing of patriotic youth.

Keywords: mass media, internet, system, correct use, patriotic youth, education, upbringing.

Мустақиллик ўзбек матбуотини, оммавий ахборот воситаларини ўз миллий заминига қайтарди, оёққа турғизди, ўзбек давлатчилигининг асл ифодачисига, ғоявий ҳимоячига айлантирди, унга ҳуқуқий пойдевор яратди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шундай дейилган: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахбjротнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”[1].

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2010-йил 12-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтиб: “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”, деб таъкидладилар.

Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Кўрилган чора тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари 1243 тани (01.12.2011й. ҳолатига) ташкил этди. Улардан 704 таси газета, 254 таси журнал, 17 таси ахборотнома-бюллетен, 4 таси ахборот агентлиги, 63 таси телевидение, 36 таси радио, 165 тадан зиёди эса веб-сайтлардир.

Мавжуд босма даврий нашрларнинг 43 фоизи, телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади [2].

Ахборот ва сўз эркинлигининг мамлакатимизда юқори даражада таъминланиши биринчидан, фуқароларнинг конституцион шахсий ҳуқуқларини кафолатлаш билан бирга ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олиш жараёнида ўзига керакли ахборотни ишончсиз ва нохолис ташқи ахборот манбаларидан эмас, балки мамлакатда рўйхатга олинган ва ҳар бир берилган ахбороти учун жавоб берадиган манбалардан олишига имконият яратади.

Демократик ислоҳотларни, миллий ғояни ҳаётга тадбиқ этишда, янгича онг, янгича тафаккур, янгича дунёқарашни шакллантиришни, оммани ғоявий қуроллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб:

биринчидан, оммавий ахборот воситалари мустақилликни мустаҳкамлашга, эркинлик ва ислоҳотларни амалга оширишга, янгича тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади, Дарҳақиқат, Ўзбекистонда барпо этилаётган ўзига хос демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамият оммавий ахборот воситалари фаолиятининг кўламини, мақсад ва вазифаларини белгилаб беради;

иккинчидан, оммавий ахборот воситалари миллий мустақилликнинг Ватан, халқ, миллат тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини, ўтмиш режалари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти мисолида ёшларни ғоявий тарбиялайди, уларда Ватанга муҳаббат, мустақилликка муҳаббат туйғуларини авж олдиради;

учинчидан, оммавий ахборот воситалари демократик ислоҳотлар аҳамиятини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини одамлар, ёшлар онгига етказади. Инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва жамият ўртасида воситачилик вазифасини бажаради;

тўртинчидан, ахборот воситалари ижтимоий фикрни шакллантирувчи омиллардан бири. У жамоатчиликни ҳокимиятни бошқаришда қатнашишга жалб этади, қонунлар, қарорлар қабул қилишда қатнашишга даъват қилади, шу тариқа уларни сиёсий, ғоявий руҳда тарбиялайди;

бешинчидан, мустақил Ўзбекистонда ахборотларнинг мафкурасидан мутлақо холилиги назарда тутилади, жамиятнинг холисона, ҳаққоний, хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжи қондирилади;

олтинчидан, мамлакат аҳолисини, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш ва ҳоказолар. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010-йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаларида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласи алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот техналогиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда, ахбарот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, Ўзбекистонда кейинги йилларда суъний йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадио дастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникатсиялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т:"Ўзбекистон",2012.13 б.
2. Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза.2010- йил 12- ноябр. –Т.: "Ўзбекистон", 2010.-28-б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Турдимуратова Насиба Алламуратовна, Термиз давлат университети

Summary: In this article is given the maintenance, essence and theoretical-methodological and scientific-practical aspects of youth role in construction of democratic state in the condition of globalization.

Keywords: globalization, democratic state, youth role, construction, condition.

Глобаллашув даврида Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуришда ёшларнинг ўзига хос ўрнини қарор топтириш демократия ҳамда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, мулкчилик шакли хилма-хиллиги ва республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда ёшларнинг ўзига хос жиҳатлари муаммоларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур.

"Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди" – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов [2].

Тарихий воқеаларни, жумладан, ўзбек халқининг миллий ва ижтимоий тикланиш учун курашининг ёритилишини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки ўтмишда ўрта Осиёнинг мустамлакачилик даври тарихи нохолис ва бир ёқлама баҳоланган.

Тарихчилар 1917-1990 йиллардаги даврда тарихий воқеалар жараёнининг ҳаққоний манзарасини тиклаб, ёшларнинг тарихий ўтмишни шакллантиришдаги ижтимоий психологияси ва онгини ҳаққоний, холис тушуниш асосида шакллантириш устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон тарихчиларининг ушбу ва бошқа масалалар бўйича сўнгги йилларда яратилган асарлари ўсиб келаётган авлодга ўз халқи тарихини, унинг бой моддий ва маънавий маданиятини ўрганишда, ундан бугунги ўзгаришлар учун зарур жиҳатларини олишда кўмаклашади [5].

Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш эҳтиёжлари фалсафа фани олдига янгича фикрлаш нуқтаи назаридан изоҳлашни талаб қилувчи методологик характердаги бир қатор муаммоларни қўймоқда.

Фалсафа-инсониятнинг жуда муҳим интеллектуал қуроли; у аждодлар маънавий мероси, гуманитар, табиий ва техник фанлар ютуқлари билан боғланган бўлиб, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англашга ҳамда жамият ҳаётида ўз ўрнини аниқлашга ижодий ёндашишга кўмаклашади.

Ўзбекистон халқлари илдизи минг йиллар қаърига кириб борадиган бой фалсафий маданиятга эга. Ҳозир маданиятнинг ушбу бой қатламидан фойдаланиб реал воқеликдан ажралиб қолган назарий масалалар билан абстракт шуғулланмай, балки ҳаётнинг ўзи олға сурган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ривожланишнинг долзарб муаммолари билан шуғулланиши лозим бўлган чинакам илмий фалсафани тиклаш ва шу асосда жамиятни тубдан янгилашга қаратилган конкрет таклифларни ишлаб чиқиш даркор. Фалсафа тарихий воқеликка монанд ижтимоий онгни шакллантириши даркор [6].

Янгиланаётган жамият янгиланган фалсафага муҳтож бўлади. Ўзбекистон олимлари шуни ҳисобга олиб маънавий маданиятни ривожлантириш масалаларига ҳам анъанавий қарашни қайта кўриб чиқишлари керак.

Жамиятшунослар халқнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий психологияси ҳамда ижтимоий онги ҳолати учун бевосита масъулдирлар, шу боис бу масалада оддий кузатувчи бўлиб қола олишмайди.

И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, жамиятимиз мавжуд воқеликни ҳаққоний акс эттириб, халқ манфаатларига жавоб бериб, унинг бунёдкорона меҳнатига ҳамда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга илҳомлантирадиган мафкура ва реалистик сиёсатсиз иш қила олмайди. Бироқ гап ҳозир бизга қандай мафкура зарурлиги ҳақида бормоқда.

Конституцияга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади” [1].

Бу ҳолат турли сиёсий партиялар, бинобарин, мафкуралар ҳам эркин иш олиб бора оладиган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятига мувофиқ келади. Бу бизнинг жамиятимиз, жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирадиган, уларнинг куч-ғайратини умумий мақсадга эришишга йўналтирадиган турли мафкуралар қурамасидан иборат, деган гапни билдирадими?

Асло! Турли ижтимоий гуруҳлар мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамай, халқимизнинг туб манфаатлари умумийдир. Бу – миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва республикани келажаги буюк давлатга айлантириш. Бинобарин, ҳозирги шароитда давлат мафкураси бўлишга даъво қилмаган ҳолда, аҳоли барча кучларини бирлаштирадиган, уларни умумий вазифани бажаришга - республика миллий мустақиллигини, суверенитетини мустаҳкамлашга йўналтирадиган, “ўтмиш билан келажак ўртасидаги кўприк” [4] ва миллатни бирлаштирувчи байроқ [4] сифатидаги мафкурани, миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасини яратиш учун чинакам асос мавжуд.

ХХ асрнинг 90 йилларида миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасининг моҳияти ҳамда асосий вазифалари, уни ижтимоий онгга сингдириш масалалари [7] ва бошқа долзарб муаммолар ёритилган бир қатор асарлар эълон қилинди.

“Ўзбекистон рабарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш – халқимизнинг асрий орзусидир” - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов [3].

Миллий тикланиш ва тараққиёт мафкурасининг асосий ғоялари ҳар бир киши, айниқса, ёшлар онгига қанчалик тез етиб борса, жамият олдида турган вазифаларни бажаришда шунчалик тез олға босишимиз мумкин. Асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида акс этган ва улар ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлаш зарур.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

1. Миллий мустақилликни қўлга киритиш ўзбек халқи учун маънавий янгиланиш ибтидоси, бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаётида, ижтимоий психология ва ижтимоий онгда содир бўлаётган жараёнларни янгича англашнинг бошланиши бўлди.

2. Қуйидагиларни мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий янгиланишининг асосий хусусиятларига киритиш мумкин: миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш; ҳар бир кишининг ўз маънавий салоҳиятини ўзи рўёбга чиқариши; ватанпарварлик ҳамда гуманизм.

3. Аҳолининг биринчи навбатда ёшларнинг ижтимоий психологияси ва ижтимоий онгини шакллантириш жараёни маънавий янгиланиш асосида бошланади, у ўз халқининг тарихий анъаналарини ва ижтимоий ривожланишининг ҳозирги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасида ёрқин ифодасини топган янги тамойиллар ҳамда идеалларга таянади.

4. Миллий истиқлол ва тараққиёт мафкураси аҳоли кенг оммасининг, биринчи навбатда ўсиб келаётган авлоднинг, ёшларнинг ижтимоий онгига қанчалик тез ва чуқур сингиб борса, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини бажаришда шунчалик тез олға қадам босишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012. 5-б.
2. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” 2012, 402 б.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. -91, 87-бет.
5. Сагдуллаев А.С., Костецкий В.А., Наркулов Н.К. История Узбекистана. – Т.: 1998.
6. Туленов Ж.Т., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -136-137-бетлар.
7. Туленов Ж., Юсупов К., Ғофуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

ПОВЫШЕНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ОБЛИКА МОЛОДЁЖИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Н.И.Хаитова- преподаватель факультета педагогики БГУ

Аннотация: *В данной статье рассматриваются основные особенности и методы повышения духовно-нравственного облика молодёжи в гражданском обществе в условиях глобализации.*

Ключевые слова и фразы: *молодёжь, молодёжная политика, духовно-нравственный облик, глобализация, идеология.*

Трансформации, происходящие в мире в условиях глобализации, порождают серьёзные структурные изменения общественной жизни. Экономическая глобализация стала причиной культурной и социальной революции. Стремительное развитие информационных технологий и объективация нарастающих взаимозависимостей сильно реорганизуют жизнедеятельность человека. Процессы унификации и стандартизации общественных сфер жизни, интеграция и противостояние культур усложняют социальные процессы, усиливают неопределённость положения человека в социуме. Процессы глобализации, сложны и противоречивы, они двойственно влияют на сознание, духовный мир и нравственный выбор молодого человека. В условиях информационных манипуляций и “культуры зрения” трансляция моральных ценностей, как информации, видоизменяет их суть. С одной стороны, это развитие научного прогресса, разрешение общемировых проблем, интеграция общемировых ценностей и межкультурное взаимодействие, а с другой – насильственное внедрение идеологии массовой культуры, размытие нравственных устоев.

Молодежь является важнейшим трудовым и экономическим потенциалом общества, от которого зависит его прогрессивное развитие. Поэтому политика любого государства должна строиться именно так, чтобы обеспечить наиболее эффективное воспитание, полноценное образование, успешную специализацию. Каждая эпоха порождает свой собственный нравственный менталитет, предъявляет то одни, то другие требования, которые не могут не учитываться личностью. Жизнь традиционных обществ и предшествующих поколений была чётко регламентирована, не требовала особых усилий, современные же реалии предъявляют к молодому поколению все большие и большие требования. Из глобального общемирового потока информации с невероятной скоростью, и словно зараза, проникают в открытые умы новомодные ценности сомнительного качества. Формируется иллюзия свободы выбора, мышление становится примитивным. Новой религией становится реклама.

В нынешних условиях глобализации все более актуальным становится вопрос предупреждения различных угроз, ограждения сознания и мышления молодежи от отрицательного воздействия «массовой культуры», повышения роли и значения образовательных учреждений в этом процессе. Уровень нравственности естественно зависит от уровня умственного развития личности. Роль

воспитания и образования сложно переоценить. Что бы в своём стремлении к комфортной, счастливой жизни не стать марионеткой в руках безнравственного человека, нужно выбирать приоритеты. Важно осознавать, почему нравственное поведение выгоднее. В формировании социально зрелого человека важно добиваться, чтобы нравственные стремления и моральные истины были не просто понятны, но и стали бы целью жизни каждого человека, предметом собственных стремлений и личного счастья. Важно понимание того, что нравственность внутренняя категория, которая всегда была присуща человеку. Нравственность проявляется в процессе оценки чужих поступков и анализе своих собственных. Должно быть чёткое понимание того, что есть ценности общечеловеческие, а есть ценности, обусловленные национальным менталитетом. Мнимые ценности, навеянные массовой культурой, совсем не свойственны обществам с традиционной культурой. Возвращение к незыблемым для нашей культуры ценностям (честность, доброта, взаимопомощь, любовь к Родине) станет ответной реакцией на негативные последствия глобализации. Очень важно осознавать своё единство и свои интересы.

Президент Ислам Каримов в своем произведении «Высокая духовность – непобедимая сила» подчеркивает негативное воздействие подобных тенденций и отмечает, что даже мельчайшая информация, кажущаяся на первый взгляд незначительной, в нынешних условиях глобализации информационного пространства может нанести ни с чем несравнимый ущерб духовно-нравственному воспитанию юношей и девушек.

С целью ограждения молодежи от негативного воздействия этих влияний при сотрудничестве общественного движения молодежи «Камолот» и Республиканского научно-практического центра национальной идеи и идеологии подготовлены пропагандирующие фильмы и материалы. Сегодня государственная молодёжная политика осуществляется посредством воплощения в жизнь целевой программы «Гармонично-развитое поколение – основа прогресса Узбекистана». Она включает в себя решение вопросов, которые волнуют молодёжь: образование, трудоустройство, отдых, жильё для молодой семьи. За последние годы молодёжные организации стали поистине широким полем для реализации огромного интеллектуально-творческого потенциала, духовной энергии, созидательного духа подрастающего поколения. Следует отметить, в Узбекистане происходит интеллектуальный социально-культурный процесс, то есть, массовый всплеск образовательно-творческого порыва молодёжи, который открывает неизведанные просторы духовного потенциала подрастающего поколения.

В нашей стране система образования призвана способствовать духовно-нравственному воспитанию молодежи. Во всех образовательных учреждениях введен предмет «Идея национальной независимости и основы духовности». В учебном процессе широко используются нетрадиционные и передовые методы обучения. «Уроки духовности» и открытые уроки, проходящие с участием ученых, психологов и ведущих специалистов, служат важным фактором глубокого осознания подрастающим поколением своего социального долга и ответственности за судьбу страны, семьи, общества, Родины. В нынешнее стремительное время глобализации все более возрастает угроза отрицательного воздействия на мировоззрение и воспитание молодежи посредством интернета, мобильных телефонов и других современных средств связи, а также различных фильмов, литературы, видеоклипов. Это требует дальнейшего усиления сотрудничества образовательных учреждений, представителей общественных организаций, махаллей, правоохранительных органов, родителей в борьбе с религиозным сепаратизмом, миссионерством, безнравственностью, отрицательным влиянием «массовой культуры», повышения идеологического иммунитета молодежи, бдительности и осторожности.

Использованная литература:

1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Ўзбекистон,2008

ЁШЛАРНИ СОГЛОМ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА АТРОФ-МУХИТДАГИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАР.

Рузиев Д.И. БухДУ

Brief summery. It’s written about bad influence of environment on human body, especially on youth. There are some ideas about ecological problems, the bad things which effect human immunity and life in this article.

Main words: immunity, ecological disaster, disharmony, atmosphere, genetic matter, gas radiation, global period

Инсон организмига ташки мухитнинг барча омиллари; хаво харорати, ёруглик, намлик, радиация, шовкин, вазнсизлик, магнит буронлари, тезлик, шамол ва табиий офатлар; зилзила, сув тошкинлари, кургокчилик, ёнгин, шунингдек тирик организмлар (усимликлар, хайвонлар, микроорганизмлар) таъсир этади. Булардан ташкари одамларнинг узлари курган ирригацион

иншоотлар, саноат корхоналари ва транспорт воситаларидан чиккан захарли чикиндилар, кишлок хужалигида кулланилган кимёвий моддалар хаво, сув, ер, озик-овкат махсулотлари сифатини бузиб, одамнинг соглигига катта зарар етказмокда.

Инсон организмига нафакат юкорида келтирилган ерда содир буладиган узгаришлар, хатто олис фазода, айникса, куёшда руй берадиган жараёнлар хам таъсир этади.

Маълумки хар бир одамнинг саломатлиги асосан болалик ёшида шаклланади. Шунинг учун хам хар бир инсонни болалик давриданок уни хар хил касалликлардан мухофаза килиш чораларини куриш керак. Россия согликни саклаш вазирлигининг маълумотига кура (1999), мактаб ёшидаги болаларнинг 14% соглом булиб, 50% касал, 35-40% бирон сурункали касалликка чалинган. Аникланишича, укувчиларни укиш даврида куз касалликларига чалиниши 5 марта, овкат хазм килиш ва айириш аъзоларининг касаллиги 3 марта, коматларининг бузилиши 5 марта, нерв-психик касалликлар 4 марта купаяр экан. Болалар организмидаги бундай узгаришлар бошка мамлакатларда хам хар хил даражада мавжуд. Баъзи мактаб укувчиларининг жисмоний ривожланишида дисгармония, яъни мускуллар кучини, упкаларнинг тириклик сигими камайиши холатлари хам учраб туради. Бундай холатлар укувчиларнинг иш кобилиятини пасайишига, фанларни узлаштира олмасликларига олиб келади.

Аникланишича, хозирги пайтда биосферада 70 минг хил янги кимёвий моддалар таркалган булиб, кайсики уларнинг куплари илгари табиатда учрамаган. Шулардан 400 хили инсон организмида топилган. Тиббиёт ходимларининг аниклашича, пестицидларнинг оз микдордагиси хам радиацияга ухшаш организмда иммунитет системасини емириб, уни хар хил касалликларга нисбатан чидамсиз килиб куяди. Айникса хозирги кунда ирсий касалликлар борган сари купайиб бормокда. Бу касалликларнинг 90 фоизи бузилган экологик мухит таъсири остида содир булаётгани сир эмас. Хар йили дунё буйича уртача 14 млн, бир суткада 40 минг, 1 соатда 1500 бола очлик ва касалликлардан вафот этяпти. Экологик инкирозга учраган Орол денгизи атрофида яшовчи ахоли оилаларида хар 1000та тугилган болаларнинг 200тасидан ортигида огир хасталик аломатлари мавжудлиги аникланган.

Одам организмини ташки мухит билан богликлиги организмдаги кон, лимфа ва бошка моддалар мажмуасининг хаёт фаолиятидан иборат. Ички мухитнинг ташки мухит билан богланишини «Эндоэкология» деган фан ургапиб бормокда. Ташки мухитдан кирган хар хил кимёвий ёт моддалар ёш организмнинг бирон кисмига йигила бошлайди. Масалан, куп антибиотик дорилар кабул килган ёш организмнинг ичакларидаги хужайраларида бу моддалар йигилиб колиб бактериялар хуружини бошлаб, уларда учрайдиган « анемия» холатига олиб келади.

Жамиятда ёшларнинг тамаки чекишлари, спиртли махсулотларни , наркотик моддаларни истеъмол килиш холлари хам кузатилмокда. Бундай зарарли жараёнлар ёшлар саломатлигига салбий таъсир этибгина колмай, улар организмининг химоя тизимини емирган холда, унинг энг мухими ва кимматли булган генетик дастурига хам таъсир этиш холлари яккол пайдо булаётганини таъкидлаш мумкин. Окибатда хужайра молекуласи химоясиз колиб, одам организмининг «мутация»сига олиб келиш холати руй бериши мумкин. Яъни ёш ота-онанинг хаётий хатоси оркали нуксонли бола тугилиб, кийналиб яшайди.

Биосферани ифлослантирувчи табиий омиллар ва кимёвий моддаларнинг энг хафлиси концерогенлардир. Чунки улар организмга кирганда рак касаллигини вужудга келтириши мумкин. Ташки мухитдан таъсир этувчи табиий концероген омилларга катта дозадаги ультрабинафша, рентген хамда радиоактив нурлари киради.

Энг кучли кимёвий концероген моддаларга бензопирендир. У кумир, нефт каби моддаларни иситгич системаларда ёки саноат корхоналарида ёкиб фойдаланилганда хосил булади. Бензопирен газ холатида атмосферага таркалиб хаво оркали одам организмига сурилади. Шунингдек ичимлик сувига куп хлор кушилганида хам , у концероген моддага айланиши мумкин.

Атмосфера хавосини канцероген моддалар, сув ва озик-овкат махсулотларини эса нитрат, нитрит, пестицидлар захарлаши, мухитда радиоактив нурларининг кучайиши усимта касаллигини юзага келтиради.

Хавода хар хил кимёвий моддалар ва табиий ходисалар; шовкин, электромагнит майдонининг ошиши мухитда шундай зарарли моддаларнинг купайиши, нерв-психик касалликларига олиб келади.

Булардан ташкари шовкин, узок вакт давомида радиацион нур таркатувчи замонавий электротехника хизматларидан фойдаланиш, сув ва озик-овкат махсулотларидаги микроэлементларнинг куплиги ёки етишмаслиги каби холатлар хомилани тугма касалликка учрашига сабаб булмокда.

Об-хаво харорати, шамолнинг кескин узгариб туриши, социал шароитлар; уй-жой шароити (бетонли уйлар), оиланинг иктисодий ахволи, хавонинг хар хил кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва хоказолар ёшлар организмида нафас олиш аъзоларининг касалликларига олиб келади.

Узбекистон Республикаси шароитида куп болалар ёзнинг иссик хароратидан, кишда эса совукдан азият чекадилар. Ёзнинг иссик кунларига хам карамай ёш болалар узаро спорт мусобакалари уюштириб туришни яхши курадилар. Натижада иссик таъсирида «куёш уриши» холати руй бериб, организмдаги витаминларнинг парчаланиб кетиши каби холатлар содир булиши мумкин. Шунинг учун ёз ойларида спорт мусобакалари ёки бошка ишлар куннинг эрталабки ва кечкурунги салкин пайтларида утказилиши лозим. Киш пайтида эса болаларни укиш ва яшаш жойларида иссик мухит булиш чораларини куриш керак булади.

Ёш организмнинг иммунитет тизимини мустахкамлаш, соглом ва баркамол булиб етишишида унга гигиеник, экологик билимларни мукаммал ургата бориш, хаётда соглом турмуш тарзини шакллантира боришида кумакдош булиб туриш, хозирги замон педагогикасининг энг долзарб вазифаларидан бири булиб бормокда. Уларни эрталабги бадан тарбияга ургатиш, жисмоний машклар ёхуд машклар туркуми оркали уларда жисмоний юкламаларни бажара олиш кобилиятларини ривожлантириш, чиниктириш хамда спорт мусобакаларига жалб этиш оркали хаётий харакат меъзонларини мувофиклаштиришда, жисмоний тарбия сохаси мутах-ассисларининг хам масъулликларини янада оширади.

Шундай килиб, хозирги даврда атроф-мухитда экстремал омилларнинг таъсирини кучайиши одамлар организмига, айникса, болалар организмида уларнинг салбий окибатларини купайтирмокда. Бунинг учун экстремал омилларни кучини камайтириш, ёшларни уларнинг салбий таъсиридан мухофаза килиш чораларини куриш хозирги даврдаги долзарб муаммолардандир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛЛАНТИРИШ

Абдуллаев Йўлчи Зияевич, *БухДУ ҳарбий факультети, майор.* yulchi-nvo@mail.ru
Шарипов Фозилжон Юсупович, Бухоро политехника касб-ҳунар коллежи

Глобаллашув жараёнинг жадаллашуви ўзаро алоқадорлик ва таъсир диалектикаси қонунлар асосида илм-фан, маданият тараққиётига, хаттоки кишиларнинг феъл атворига, кайфиятига хам сезиларли даражада таъсир ўтказмоқдаки, бу ўз навбатида ёшларнинг ижтимоий масъуллик туйғуларига ҳам дахл қилмай иложи йўқ.

Жамоатчилик томонидан «инфор-мационализм» деб ном олган феномен кенг қамровли глобализм феноменининг таркибий кисмларидан биридир. Албатта, фан ва техника ютуқларининг инсон турмуш тарзига кириб келиши, кишиларнинг фан ва техникага иштиёқини орттириб юборди. Худди шу ҳолатда, бир томондан, одамларнинг яшаши, ишлаши учун барча қулайликларни ярагган бўлса, иккинчи томондан кишиларни, айниқса ёшларни мустақил шахс бўлиб шаклланиши ўз эркинлигини теран англаши унинг, оиласи, миллатти ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур хис қила олиш фазилатларини маълум даражада заифлаштириб юборди.

Глобаллашув шаротида ёшлар қандай мақсадлар билан яшаяпти, уларнинг дунёқараши, тафаккури қайси кадриятлар эвазига бойитилмокда ёки тўлдирилиши зарур, уларни миллат равнақи, ватанимиз тараққиёти учун фидойилиги, масъулияти қай даражада эканлиги каби хаётий масалаларни ҳал этиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ёшларнинг эркинлик ва ижтимоий масъулияти онгли муносабатни шакллан-тиришда яна бир муҳим омил бу ижтимоий мухитдир.

Ижтимоий муҳитни қай даражада шаклланганлигига қараб ёшларда масьулият туйғуси қарор топади ва аксинча. Маълумки, хар бир шахс ўз атрофидаги кишиларнинг маънавий мададини сезиб турсагина унинг қобилияти ва инсоний хусусиятларида ўсиш, ривожланиш, ўзликни англаш содир бўлади. Бу жиҳатдан ижтимоий тарбияни амалга оширишда, ижтимоий мухитнинг роли айниқса каттадир. Агар шахсни қуршаб турган ижтимоий муҳит бузилган, носоғлом бўлса, инсон ҳам бузилиши, жамиятга фойдаси тегмайдиган, фақат ўз манфаати ва қобиғи доирасида фаолият юритувчи кишига айланади. Италиян мутафаккири Данте *«Одамни одам тарбиялайди, дейдилар, гохида одамдан одам нақадар тез бузилишини кўриб ҳайрон қоласан»* деб бежиз айтмаган.

Ижтимоий тарбияни амалга оширишда ижтимоий мухит билан ёшлар характерини шакллантиришда маданий ва тарихий меросни аҳамияти катта. Шуни алоҳида кайд этиш жоизки, характерни панд-насихат, дашном, маъруза шакллантирмайди, характерни муносабат ва ибрат шакллантиради. Ибрат чашмаси эса, олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, «Биз ўз ҳақ - ҳуқуқларини танийдиган, ўз куч ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, хар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Бундай умумдавлат, умумжамият аҳамиятига эга бўлган мураккаб вазифани уддаламоқ учун, фуқароларимизни, энг аввало, ёшларимизни иймон-эътиқодини мустахкамлашимиз, иродасини

бақувват қилишимиз, уларни мустақил фикрлашга ўргатишимиз, онгида, шуурида миллий ўзликни унутмаслик, ота-боболарини муқаддас қадриятларини асраб - авайлаш ва уни хурмат қилиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш лозим бўлса, иккинчидан, шахс мустақиллигини емирган, маънавий қашшоқликни вужудга келиш сабабларини ҳар томонлама ўрганишимиз, уни бартараф этиш йўлларини излаб топишимиз зарур. Демак, бугунги ёшлар ҳаёти, турмуш - тарзи, интилишлари, маънавий дунёсига таъсир этаётган ижтимоий воқеликдаги ҳодиса ҳамда жараёнларни моҳияти хусусиятлари дунё миқёсида рўй бераётган глабаллашув жараёнииг инсон руҳияти, онги ва тафаккурига ўтказаётган ижобий ҳамда салбий таъсирини таҳлил этиш ғоят муҳимдир. Ижтимоий воқеъликдаги ҳодиса ҳамда жараёнларга ёшларда онгли муносабатни шакллантириш, уларнинг эркинлик ҳақидаги тасаввурлари, ижтимоий масъулиятга муносабатларини тарихийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида қуйидагилар ёшлар турмуш тарзига сингдириб бориш зарур:

- жамиятнинг ҳар бир фуқаросини глобал жараёнларни мулоҳазакорлик билан таҳлил қилишга ўргатиш, уларнинг ахлоқий масъулиятни чуқур ҳис қилишига эришиш;

- шахс эркинлиги оила, маҳалла, давлат ва жамиятни ўзаро уйғунлигида рўёбга чиқишини, хориждан экспорт қилинаётган, разолат ва тубанликка етакловчи «универсал эркинлик» миллат ахлоқи, урф-одати, дину-диёнати, имон-эътиқодига мутлақо ёт эканлигини, улар руҳиятига мунтазам сингдириб бориш;

- шарқ кишисига хос фазилатларни юксалтириш асосида хар бир шахснинг эркинлик ва масъулиятни чуқур англашга сафарбар этиш ўз амалий фаолиятида демократик қадриятларга таяниш кўникмасини ҳосил қилиш;

- айни пайтда эркинликни том маънода моҳиятан англашда унинг ғарбона (Европача) тамойилларига кўр-кўрона асосланишига йўл қўймаслик муҳим ахамиятга эга. Чунки бундай тақлид юқорида таъкидлаганимиздек, кутилмаган оқибатларга, хусусан эркинлик ниқобига ўралган масъулиятсизликка, демократия ниқобига ўралган парокандаликка, бош-бошдоқликка олиб келиши мумкин.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий - миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустахкам иродага эга бўлмаса, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги маънавий тахдидларга, уларнинг таъсирига бардош бериши амримаҳол.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадрятларга ҳурмат эхтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув таъсиридан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Президентимиз И.Каримов 2013 йил 1 апрел Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессия-сидаги нутқида *«Бугунги ёшлар ҳозирги ахборот воситалари, айниқса Интернет орқали кўп нарсадан хабардор бўлмоқда. Интернет тармоғини қандайдир темир девор билан тўсиб, тақиқлаш - бу мутлақо ақлга сиғмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳал қилишга етарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун барчамиз, биринчи навбатда, вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак».*

ИНТЕРНЕТ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Хуррамова Наргиза Абдираҳмоновна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the maintenance and significance of wide use of modern information-communication system and internet, and its effects for youth education and upbringing.

Keywords: modern information-communication system, internet use, youth education and upbringing.

Ўтган давр мобайнида замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиш ҳисобидан таълим-тарбия самарасини кучайтириш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламдаги ишларимиз давом эттирилди.

Дунёдаги турли-туман нуфузли беллашувларда Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, бу йил юртимиз ўкувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида “Гран при” деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир. ” – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Ёшлар ва техниканинг ривожланиш диалектикаси айни шунда акс этади. Техника ёшларнинг уни бошқаришга тайёрлиги даражасини белгилаб берса, ҳозирги ёшларнинг юксак тайёргарлиги эса, ўз навбатида, техниканинг мунтазам такомиллашувига олиб келади.

Ижодий меҳнат фаолияти соҳаси инсон учун ҳаёт, тараққиёт ва ижтимоий воқелик ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Ижодий меҳнат фаолиятини объектив омиллари инсон онгида акс этади ҳамда муайян таъсирлар: рағбатлар, ундашлар кўринишда намоён бўлади. Инсон ижодий меҳнатидаги рағбатлантирувчи жиҳатларнинг кўпчилиги, одатда, унинг томонидан англаниши ҳамда очиқ-ойдин ва аниқ кўриниш касб этиши мумкин. Рағбатларимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи айнан ижодий меҳнат фаолияти соҳасида етарлича аниқ шаклда намоён бўлиши мумкин.

Ижодкор ёшларнинг ижодий меҳнатдаги ўзаро муносабатларининг турли хусусияти ишга муносабатда гавдаланади ҳамда меҳнатда қониққанликда ёки қониқмаганликда ифодаланади.

Минтақамизда ижодкор ёшларнинг меҳнат фаолияти бозор муносабатларига кириб келишмоқда. Бу ҳар жиҳатдан жуда мураккаб жараён. «Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб,-деб таъкидлайди И.А.Каримов,-одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда ўтказиш кутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш ғоясига путур етказади». Бу борада жуда эҳтиёт ва ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов адолатли равишда таъкидлаганидек, «ўтказилаётган ислоҳотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намойиш этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари, билимларини фойдали суратда қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-қувватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларини миссқоллаб йиғади ва эга бўлади».

Замонавий Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологиясини миллий истиқлол ва тараққиёт мафкураси моҳиятидан келиб чиқадиган янгича ёндошувлар асосида шакллантириш жамиятни маънавий янгилашнинг таркибий қисмидир.

Янгиланган Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга, Ўзбекистонни келажаги буюк Давлатга айлантириш лозим бўлган юқори малакали, чукур билим олган, маънавий бой ёки мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бир-бири билан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларнинг бутун бир тизими ишга солинмоқда.

“Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланади.” деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Жамиятни маънавий тиклаш, ижодкор Ўзбекистон ёшларини тарбиялаш масалалари давлат ва жамиятнинг диққат марказидадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонида, мазкур жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзолари билан учрашувда белгиланган бир қатор асосий масалаларни ҳал қилиш мустақилликнинг маънавий асосини мустаҳкамлашга кўмаклашади, жамиятда юксак маънавий қадриятларни қарор топтиришда, миллий мафкурани шакллантиришда, ижодкор ёшларни меҳнат фаолиятини халқнинг бой маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашда янгидан туртки беради.

Хуллас, мамлакатимиздаги маънавий ўзгаришлар жамиятни ривожлантиришнинг аввалги босқичини, танқидий англашда, иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳасида юз бераётган жараёнларга ижобий муносабатда, бошланиб кетган ижтимоий-психологик қайта қуришда, фуқароларнинг, жумладан, бугунги кун Ўзбекистон ёшларининг замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиши уларнинг таълим-тарбиясига самарали таъсир этади деган хулоса келдик.

Адабиётлар

1.2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Адолат. 2015 йил 17 январь. №3 (1015)
2.Каримов И.А. Миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Ташкент: Узбекистон, 1996.-64, 83-бет.

ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ю.Ч.Меҳмонова, Бухоро Солиқ коллежи

Фуқаролик маданияти инсоннинг маънавий етуклиги ва таълим-тарбия кўрганлигини англатувчи педагогик категория ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун, хусусан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни учун аҳамиятлидир. Чунончи, фуқаролик маданияти шахсдаги инсоний фазилатларни, қадр-қимматни, иймон-эътиқодни оширувчи таълим-тарбиянинг меваси ва ақл суянчиғи, маънавиятли инсоннинг шаъни ва ҳикматидир. Шунинг учун ҳам у - Ватанга, жамиятга, меҳнатга, тилга, урф-одатга, тарихга бўлган муносабатларда, хатти-ҳаракатларда, хулқ меъёрлари ва қоидаларида ифодаланувчи ҳодиса ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилган хулосаларга асосан таъкидлаш мумкинки фуқаролик маданиятини шакллантириш бу – талаба ёшлар дунёқарашида мустақил жамият ғояларини сингдириш, уларда ўз-ўзининг сиёсий онглилигини ошириш, интелектуал салоҳиятини юксалтириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиги ҳисобланмиш миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик фазилатларини таркиб топтириш, Ватани, халқи, миллати манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя олиш, аждодларимиз яратган маънавий меросни теран англаш, уни асраб авайлаш, кўпайтириш, ўзида ватанпарварлик, ўзлигини англаш ҳис-туйғуларини таркиб топтиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Шахс фуқаролик маданиятининг асосини унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги ва руҳий индивидуал сифатлари ташкил этади. Зеро, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда олға сурилган ғоялар, илмий дунёқараш, тараққиёт омилини давр талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўзлаштириш давлат рамзлари билан фахрланиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчи эканлигини англаб олишга ундайди. Инсоннинг маданий–маърифий тайёргарлиги эса муайян мамлакатнинг фуқароси сифатида давлат, халқ, ўз оиласи олдидаги бурчи, масъулияти, мажбурияти, ҳақ-ҳуқуқларини теранроқ англашга ва фуқаролик ғурури, онги, тафаккурини ривожлантириб инсонпарварлик, ватанпарварлик, довюраклик, интизомлилик, ишбилармонлик каби руҳий-индивидуал сифатларининг шаклланишига кўмаклашади. Шу асосда фуқаролик жамияти ёшлари учун энг зарур ва истиқболли фазилатларни англаб етиш ва уларни ўзида тарбиялаш имкониятиларини яратади. Бунинг учун:

-давлат рамзлари (конституция, байроқ, тамға, мадҳия ва ҳ.к.), фуқаролик кодекси, жамият принциплари, қонун-қоидаларини чуқур билиб олиш;

-бурч масъулият, мажбурият, ижтимоий муносабатларнинг моҳият-мазмунини англаш;

-ўзида фуқаролик онги, тафаккури, тасаввури, эътиқодини таркиб топтириш;

-шахсий-индивидуал сифатларининг ижобийларига эга бўлиш каби хусусиятларга таяниш талаб этилади.

Шундай қилиб, фуқаролик маданияти тузилмаси - шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги, руҳий-индивидуал сифатларидан иборат бўлиб, у мустаҳкам ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлиш, маданий кўникма ва малакалар бирлигига эришиш, фуқаролик ҳуқуқлари, муносабатларни эгаллаш, жамият томонидан қабул қилинган фуқаролик кодекси, қоида ва принципларига кундалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, маҳаллада, жамиятда инсоний хулқ-одоб, интизоми асосида фаолият кўрсатиш риоя қилиб, мамлакатни, миллатни равнақ топтиришга ўз ҳиссасини қўшиш, масъулият, иймон, эътиқод каби фазилатларга эга бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интеллектуал салоҳиятни ўзида таркиб топтириш демакдир.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.А.Файзиева, Ф.Назарова БухДУ

Жамиятимиз фуқароларини маънавий жиҳатдан камол топтириш учун икки муҳим нарсани ўзаро уйғун ҳолда қўшиб олиб бориш лозим. Бири - бой маънавий ва маданий меросимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, чор Россияси мустабидлиги ҳамда шўролар истибдоди даврида унутилишга маҳкум этилган қадриятларимизни тиклашимиз, замонамизга мувофиқларидан, давримизда бизга фойда берадиганларидан оқилона фойдаланишимиз керак. Иккинчиси эса, бутун инсоният, хусусан тараққий топган мамлакатларда юзага келган маънавий ва маданий ютуқлардан миллий хусусиятларимиз ва руҳиятимизга мувофиқ келадиганларини ижодий ўзлаштиришимиз лозим. Бу икки хусусиятни ўзаро пайванд қилиш орқасида республикамиз фуқароларини маънавий жиҳатдан камолга етказишнинг замини бунёд этилади.

Республикамизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Олайлик, кўп асрлик маънавий ва маданий меросимизни. Давлат мустақиллиги қўлга киритилган кунлардан бошлаб бой маънавий ва маданий меросга ворис халқ эканлигимизни англатиш ва бу билан фахрланиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Улуғ аждодларимиз, улар яратган бебаҳо илмлар, жаҳон фани ва маданиятига беқиёс катта ҳисса бўлиб қўшилган асарларини теранроқ ўрганишга имконият юзага юзага келди. Юртдошларимиз Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Маҳмуд Замахшарий, Хўжа Аҳрори Валий ва бошқа ислом оламининг алломалари ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз маънавий хазинасига қайтарилди. Зотан, бу буюк сиймолар одамлар онгига поклик, ҳалоллик, диёнат, адолат сингари умуминсоний қадриятларни сингдиришиб, кишилик жамиятининг эзгулик йўлидан тараққий топишига улкан ҳисса қўшдилар. Хусусан, исмоил ал-Бухорийнинг тўрт жилддан иборат “Ҳадис” ининг таржима қилиниб, нашр этилиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Мустақиллик йилларида Хусайн Бойқаро, Муҳаммад Раҳимхон Феруз каби ҳукмдор бўлиб ўтган шоирларнинг ҳам ижодига холислик нуқтаи назаридан қаралиб, уларнинг гўзал шеърлари халқимизга қайтарилди. Шўролар истибдоди даврида улар ҳукмдор бўлиб ўтганлари учунгина “ёт мафкура вакиллари” деган айб билан асарларини ўрганиш, нашр қилиш тақиқланиб келинган эди. Бу эса ўша йиллари маънавиятимиз тараққиёти тор бир доирада бўлганлигидан гувоҳ эди. Ҳозирги кунда бу тор доирадан чиқиб, кенг уфқлар томон жадал бораётганимиздан фахрланамиз.

Худди шулар сингари буюк соҳибқирон, турк давлатчилигини қайта тиклаган улуғ бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини холис ва илмий ўрганишга киришилди. Буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш муносабати билан Темур ва Темурийлар даври тарихи, адабиёти ва санъатига бағишланган янги-янги тадқиқотлар юзага келди. “Темур тузуклари” нинг нашр этилиши буюк Соҳибқироннинг шахсини теранроқ англашга ёрдам берган бўлса, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари, Шомийнинг “Зафарномаси” Ибн Арабшоҳнинг икки жилдлик “Амир Темур тарихи” китобларининг чоп этилиши буюк бобоколонимиз ҳаёти ва амалга оширган ишларини тўлароқ миқёсда идрок этишга олиб келди.

Халқимиз ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз билан ҳақли суратда фахрланади. Мустақиллик йилларида мазкур сиймоларнинг илмий мероси кенг миқёсда тадқиқ этила бошланди. Уларнинг яратган асарлари асл нусхада ёки таржима этилиб, халқимизга етказилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасизки, маънавий ҳаётимизнинг тобора бойиб бораётганидан далолат беради.

SOG`LOM BOLA TARBIYASINING MA`NAVIY NEGIZLARI

D.Qarshiyeva BuXDU

Mamlakatimizda farzandlarimizni sog’lom va barkamol har tamonlama yetuk insonlar qilib tarbiyalash, ular kelajagi haqida o’ylash davlat siyosatining ajralmas qismiga aylangan. Prezidentimiz tashabusi bilan 2014 – yilning ”Sog’lom bola yili“ deb nomlanishi hamda maxsus davlat dasturi qabul qilinishi bu boradagi ishlarni yanada yuqori bosqichga ko’tarishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Sog’lom bola avallo, sog’lom muhit va sog’lom oilada dunyoga keladi, kamol topadi , shuning bilan birga, farzandlarimizning sog’ va baquvvat bolib o’sishi tibiyot xodimlarining fidokorona mehnatlariga ham ko’p jihatdn bog’liq. O’zbekiston “Adolat” satsial – demakratik partiyasi aholining keng qatlamlariga ko’rsatilgan tibbiy yordam sifatini yanada oshirish tarafdori va sog’liqni saqlash tizimini isloh qilishda o’z ishtirokini yanada kuchaytirmoqda. Partiya bu boradagi o’z say harakatlarini bepul tibbiy xizmat ko’rsatishni kafolatlaydigan qonunlarni hayotga tatbiq etish, davlat sog’liqni saqlash sektorini mustahkamlash, farmakologiya xizmatlari tarmog’ini shakllantirish ustidan nazorat qilish, maktab va maktabgacha ta’lim muassasalari doirasida bolalarni tibbiy xizmatlar bilan ta’minlash tizimini mustahkamlash, bolalar parvarishi bo’yicha davlat tomondan yordam ko’rsatish tizimini takomillashtirishga yo’naltirmoqda.

Davlatimiz rahbarining ushbu yo`nalishda olib borilayotgan faoliyatni kengaytirish maqsadida jismoniy va ma`naviy barkamol avlodni voyaga yetkazish borasidagi ishlarni yanada kuchaytirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi hayotga izchil tatbiq etilmoqda. Prezidentimiz rahnamoligida yaratilgan tibbiy yordam ko`rsatishning amaldagi ana shunday noyob sog'liqni saqlash tizimini shakllantirishning asosiy yo`nalishlarini o`z ichiga oladigan quyidagi yo'nalishlari mavjud:

Birinchidan viloyatlarda umumiy tibbiy yordam ko`rsatadigan yangi tipdagi qishloq vrachlik punktlari va oilaviy poliklinikalarni barpo etish yo`li bilan shahar va qishloq joylarda teng sharoitlarda birlamchi tibbiy-sanitar yordam olishni ta`minlash.

Ikkinchidan viloyatlarda shoshilinch tibbiy yordam ilmiy markazining filliallari tarmog'I bilan birgalikda taqdim etilgan zamonaviy yuqori texnologik tibbiy uskunalar bilan jihozlangan muassasalar yordamida aholiga tezkor tibbiy yordam ko`rsatishning tubdan yangilangan tizimini tashkil etish va ishlashini ta`minlash uchinchidan zamonaviy yuqori tibbiy texnologiyalarni joriy etishni ta`minlovchi ixtisoslashgan ilmiy-amaliy tibbiy markazlar, shu bilan birga pediatriya, ginekologiya markazlari, viloyatlarda va hududiy perinatal markazlarini barpo etish, shuningdek, onalar va bolalarga ixtisoslashgan tibbiy yordam ko`rsatishning samarali tizimini shakllantirish, o`sib kelayotgan yosh avlod salomatligini mustahkamlash va shakllantirish maqsadida bolalar sportini rivojlantirish.

Buning yaqol dalili sifatida Buxoro viloyatida yangi zamonaviy shifoxona va poliklinikalarning qurilishi va yangi zamonaviy yuqori texnologik tibbiy uskunalar bilan jihozlanganligini misol keltirish mumkin. "Farzand tarbiyasi - hali u dunyoga kelmay boshlanadigan jarayon" shiori ostida "sog'lom ona - sog'lom bola" g'oyasini o'zida mujasam etgan fidoyi shifokorlar tamonidan bolalarni sog'lom bo'lishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. . Har bir sog'lom farzandni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash, ularning baxt-saodati, yorug' kelajagini ko`rishni niyat qilib, Prezidentimiz Islom Karimovning, "Biz tayanchimiz va suyanchimiz, g'ururimiz va iftixorimiz bo`lmish bolalarimizga, farzandlarimizga ishonch bilan, hurmat-e`tibor bilan qarashni kelajagimizga bo`lgan ishonch, millatimizga, xalqimizga bo`lgan hurmat-ehtirom ifodasi, deb bilamiz" deya ta`kidlagan jumlalarini keltirsak, hech shubhasiz, maqsadga muvofiq bo`ladi. Sog'lom bola tug'ilishida, uning aql zakovatli, yuksak ma'naviyatli shaxs bo'lib ulg'ayishida onalarning o'rni beqiyos, albatta. Buning uchun avvollo ayolning o'zi sog'lom, ilmu, ma'rifatli, qolaversa uyning ba'zi yumushlaridan xoli bo'lishi zarur. Shu bois mamlakatimizda xotin – qizlar sog'ligini mustahkamlash, ro'zg'or yumushlarini yengillashtirish, turmush sharoitini yaxshilashga e'tibor qaratilmoqda. Oila kodeksining 68 - modasida va "Bolla huquqlari to'g'risida"gi BMT konvenstiyasining 12 – moddasiga ko'ra , oilada bolaning manfaatlariga taaluqli har qanday masalla hal qilinayotganda bola o'z fikrini ifoda qilishga shuningdek har qanday sud muhokamasi yoki ma'muriy muhokama davrida so'zlashga haqlidir. Inson huquqi bola huquqidan boshlanadi , sog'lom bola esa ma'naviy va jismonan sog'lom oilada kamol topadi demak , jismonan va manan yetuk inson tarbiyasida ota – ona farzandiga o'rnak bo'lishi lozim. Sport mamlakatimizda barkamol avlodni tarbiyalashning ajralmas tarkibiga aylangan uni bolalar va o'smirlar, ayniqsa qizlar o'rtasida omolashtirish, sog'lom turmush tarzini keng qaror toptirish bo'yicha noyob tizim yaratildi. Nafaqat shaharlarda, balki eng olis tumanlarida ham zamonaviy sport ko'mplekslari barpo etildi . 2003 – 2015 yillarda 2000 ga yaqin sport ob'ektini ishga tushirildi. Bu bolalarni ommaviy tarzda sport bilan muntazam shug'ullanishiga va ularning salomatligini mustah klamlashga ko'maklashmoqda. Bugungi kunda o'zbekistonda ikki millionga yaqin bola, shu jumladan, 842 ming qizlar 30 dan ortiq sport turi bilan muntazam shug'ullanmoqda.

Prezidentimiz tashabbusi bilan O'zbekiston bolalar sportni rivojlantirish jamg'armasi tashkil etilib, bolalar va o'smirlar o'rtasida sportni ommalashtirish, sog'lom hayot tarzini keng qaror toptirish, barkamol avlodni shakllantirishning noyob tizimi yo'lga qo'yildi. Bolalar sporti ta'lim-tarbiya sohasining uzviy qismiga aylandi.

Bolalar sporti obyektlarini qurish hech qachon to'xtamaydi. Bu boradagi ishlar izchil davom ettiriladi. Aziz bolalarimiz kamol topadigan bu majmualarni shunday chiroyli va mustahkam etib ko'raylikki bu bizdan o'ziga xos bir estalik ularga mehrimizning ifodasi bo'lsin .

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ

О.Эргашева, БухДУ жисмоний маданият факультети талабаси

Бизга маълумки халқ анъаналари, урф–одатларида ибрат олса арзигулик ахлоқий нормалар мавжуд. Анъаналар ўзбек халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган беқиёс тарихий қиёфасидир. Биз анъаналаримизни, урф–одатларимизни қанчалик чуқур ўргансак, улардан таълим жараёнида унумли фойдалансак, муваффақиятимиз самарали бўлади фойдалана оламиз. Халқ анъаналаридан таълим жараёнида фойдаланиш, ўқувчи-ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқаради, алоқаларни мустаҳкамлайди, уларни муайян мақсадга ундайди.

Ўқувчи –ёшларимизнинг ҳаётда фаол йўл тутишини кўп жиҳатдан уларнинг маданий, марифий, маънавий ва жисмоний камолоти белгилаб беради. Айниқса, тобора оммалашиб бораётган “Соғлом авлод учун”, деб номланган шиорнинг тантанаси биз белгилаб олган мақсад ва вазифаларнинг ечимини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган уч босқичли -“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” каби спорт мусобоқалари ёшларимизни жисмонан етук, ахлоқан теран, маънан бой бўлиб шаклланишида етакчи ўрин эгаллаб келаётир. Миллий ҳаракатли ўйинларнинг яратилиши, бу бир киши фаолияти билан боғлиқ эмас. Аксинча уларни халқ яратган. Ўзбек халқининг азалий урф–одатлари, маданий мероси, анъана ва умуминсоний фазилатлар билан бойитилган ва тўлдирилган.

Миллий ҳаракатли ўйинлар ўқувчи–ёшлар жисмоний тарбиясида уларни соғлом, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи манба ҳисобланади. Ўқувчиларга миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда: ўқитувчиларимиз халқ анъаналари мазмун–моҳиятини чуқур илғаши, тушуниши ва уларни яхлит тарзда ўтилаётган мавзуни тушунтиришга йўналтира олиш қобилияти ва маҳоратига эга бўлиши керак. Хусусан, ўқувчиларни ўзбек халқининг ибтидоси, миллат сифатидаги шаклланиши ва тараққий топиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатиш, ўқувчи–ёшларнинг руҳий ҳис–туйғуларига таъсир эта оладиган, уларда маълум бир ўйин билан боғлиқ тушунчаларни ўзлаштиришга иштиёқ ва рағбат уйғота оладиган услуб ва шаклларни излаб топиш, тегишли анъаналар билан боғлиқ миллий ҳаракатли ўйинларни кузатиш даврида олган назарий билимларни амалда, яъни машғулотларда мустаҳкам ўзлаштиришга имкон яратиши самарадорликка эришишнинг муҳим меъзонлари ҳисобланади.

Бизга маълумки, оила миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг илк манбаи ҳисобланади. Унда ўсиб келаётган баркамол авлод ана шу урф–одат, қадрият ва анъаналар асосида камол топади, тарбияланади. Турмуш маданиятимиздаги анъаналар, урф–одатлар, маросимларнинг тарбиявий, ижтимоий мазмуни билан ҳам ифодаланади. Чунончи урф–одатлар, маросим ва сайллар дўстлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳамкорлик, тенглик, ватанпарварлик ғоялари билан сайқалланган қадимий халқ анъаналарига суянади, айни дамда уларга янги маъно ва мазмун беради. Ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган “Оила, маҳалла, мактаб” концепсияси доирасида шу йўналишдаги мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги ўқувчи–ёшларни миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда халқ анъана ва урф–одатларидан фойдаланишни ташкил этишимизда ўзига хос амалиёт мактабини ўтайди. Айнан маҳаллаларда ўтказиладиган “Обод маҳалла”, “Маҳалламиз футболи”, “Наъмунали хонадон”, “Маҳалламизда Наврўз”, “Ҳосил байрами” каби қадимий ва замонавий анъана, тадбир ва маросимлар ёшларни ҳар томонлама етук тарбиялашда улкан таъсир кучини ўтказади. Айниқса, маҳаллаларимиз ҳузурида қад ростлаган спорт иншоотлари, маънавият ва маърифат хоналари, ўзбек халқ ҳунармандчилиги билан боғлиқ турли йўналишдаги тўгаракларнинг ташкил қилинганлиги тарбиявий муҳитнинг юксак даражада шаклланганлигидан далолат беради. Айниқса, дарсдан бўш пайтларида ўқувчи–ёшларимизнинг гуруҳ бўлиб маҳалла, гузарларда тўп суришлари, турли хил ҳаракатли ўйинларни мустақил равишда ўйнашлари кишини қувонтиради ва соғломлаштирувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Таълим ва тарбия мазмунига қўшимча равишда ташкил этилаётган маънавий–маърифий, ахлоқий–тарбиявий, таълимий жараёнда қадим урф–одат ва анъаналардан фойдаланиш манбалари улкан имкониятлар яратади. Жумладан, ўзбек халқ қаҳрамонлари, тарихий шахслар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган спорт тадбирларимизнинг кенг ва оммавий тарзда ташкил этилиши ўқувчи–ёшларга, уларнинг ҳаётий йўли, беқиёс фаолиятини ва жаҳон тамаддунига қўшган хизматларини тушунтиришимизда кенг имконият яратмоқда. Мисол тариқасида айтмоқчи бўлсак, таълим муассасалари ва маҳалла–гузарларда Паҳлавон Маҳмуд, соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улуғ сиймолар жасорати ва хотирасига бағишлаб ўтказиладиган “Кураш”, “Кўпкари”, “Улоқ” каби тадбирлар ўқувчилар онгига нафақат билим, ҳаттоки, халқ миллий анъаналари ва тарихини олиб кириш орқали уларни ватанпарварлик, одамийлик, фидоийлик туйғулари руҳида тарбиялашда муҳим ахамият касб этмоқда. Миллий ўйинларни ўргатишда халқ анъаналаридан фойдаланиш қуйидагиларни назарда тутиш лозимлиги билан белгиланади:

1.Ўқувчи–ёшларнинг жисмоний баркамоллигига, чиниқишига;

2.Умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам бериш;

3.Ҳар хил шароитларда эркин ҳаракат қила олиш имконини берадиган билимлар ва ҳаракат малакаларини ҳосил қилиш;

4.Ҳаётий фаолиятга ёрдам берадиган ақлий ва иродавий фазилатларни, одоб–ахлоқ нормаларини таркиб топтириш.

Ўқитувчи–мураббий ўргатаётган ва ўқувчи–ёшлар онгли равишда бажарадиган ҳаракатлар, миллий ҳаракатли ўйинларни халқ анъаналари асосида ўзлаштиришда ёшларда ташкилотчилик, ташаббускорлик кўникмаларини тарбиялашда ёрдам бериши керак. Миллий ҳаракатли ўйинларни

ташкил қилишда, ўргатишда уларнинг мазмунини, ўзаро боғлиқлигини унутмаслик, муайян ёшдаги ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш вазифасига мувофиқ келишини ҳисобга олиш керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек миллатининг ғурури, фахри, ифтихори, она-Ватанимизнинг кўп асрлик ўчмас тарихида, унинг жаҳон маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасида, хусусан жаҳон миқёсида фан, дин, адабиёт, санъат, соҳасида тан олинган буюк даҳоларимиз, давлат арбобларимиз фаолияти ва ижод наъмуналарида, халқимизнинг ўз она тилига, миллий ўзлигимизни акс этган урф–одат, анъана ва қадриятларимизга содиқлиги яққол намоён бўлганлигини гувоҳи бўлганмиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқ анъаналари асосида ўқувчи–ёшларимизни тарбияласак, уларга билим берсак, миллий қадрият ва бой маданий меросимиз билан таништирсак, ўйлайманки, ўқувчи–ёшларга миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатишда халқ анъаналаридан фойдаланишда юксак самарадорликка эришган бўламиз.

ШАРҚ ЯККА КУРАШЛАРИНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ВАЗИФАЛАРИ

М.А.Азизова, М.З.Джураева БухДУ жисмоний маданият факультети IV-курс талабалари

Кўпгина Шарқ якка курашлари ва соғломлаштирувчи йўналишлари ўзига хос фалсафий ва ахлоқий асосга эга бўлган жисмоний машқлар тизимига эга бўлиб, инсоннинг нафақат жисмоний балки маънавий-ахлоқий ҳамда руҳий жиҳатдан такомиллашиши учун имконият яратади. Инсон тарбияси ва яшаш тарзининг шакли сифатида ушу, каратэдо, таэквондо сингари яккакурашлар шахснинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Жанг санъати мазмунида, қанчалик ажабланарли бўлмасин, буддавийлик таълимотининг тинчликпарварлик, сулҳпарварлик, инсонпарварлик ғоялари ётади. Жанг санъати усталари ҳеч қачон тажжовузкор бўлмайдилар, барча усуллар ҳужумкор эмас, балки ҳимояланувчи ҳаракатлар билан бошланади. “Ушу устаси ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмайди, у фақат рақибдан келаётган хавфни бартараф этади” дейилади шарқ ҳикматида.

Яна бир мисол: фақатгина Шарқда қўл жанги санъат даражасига кўтарилибгина қолмай, нафақат халқнинг маданияти ва анъаналарининг бир қисми, у билан жиддий шуғулланадиган инсонларнинг бутун ҳаёт тарзи сифатида ҳам намоён бўлади. Айнан шу учун бу санъат ҳозирги кунгача сақланиб келинган ва ривожланиб бормоқда.

Йоглар амалиёти тарихи эр ав. II асрларда қадимги Ҳиндистонда яшаган қабилалар эътиқод қилувчи “муғ”лар таълимотига бориб тақалади. “Йога” айнан боғлиқлик, бирлашув, уйғунлик, мувозанат маъноларини англатади.

Бу илоҳий-фалсафий тизим асосчиси Патанджали(эр.ав. II аср) ҳисобланади. Унинг қимматли мероси бизгача умумий номи “Қимматбаҳо тасбеҳлар” деб аталувчи афоризм тўпламлари шаклида етиб келган. Шундай ўзига хос шаклда хатха-йоганинг асосий қоидалари баён этилган бўлиб, уларнинг мақсади мукаммаликнинг 8 та босқичини назарда тутади. Булар:

-жамиятда умумий қабул қилинган ахлоқий тамойилларга қатъий риоя қилиш- **яма**;

-ички ва ташқи (ўз-ўзини тарбиялаш асосида) поклик- **нияма**;

-жисмоний машқларни бажариш орқали соғлиқни сақлаш – **асана;**

- ўз нафас олиш ҳолатини назорат қилишни ўрганиш шу орқали **прана**(умумий энаргия оқими)ни ўз танаси ва ундан ташқарида бошқариш- **пранаяма**;

-ўз ҳиссиётлари(эмоция)ни бошқара олиш-**пратьяхара**;

-керакли вақтда қўйилган мақсад(вазифа)га ўз эътибори ва диққатини қаратиш ҳамда назорат қила олиш, фикрни йўналтира олиш –**дхаранада;**

-ўз тафаккурини керакли йўсинда намоён қилиш орқали руҳий ҳамда жисмоний ҳолатини бошқара олиш(медитация)- **дхъяма;**

-олий даражадаги индивидуал англаш ҳосиласи – киши танаси ва руҳини батамом ўзгартиради.Ҳар инсоннинг ўз дунёқарашидаги олий рутба (оллоҳ, ҳақиқат, космос) билан уйғунлашуви орқали **-самадха** ҳолатини эгаллаш.

Яма, Нияма, Асана, Пранаяма Йоганинг асосий – ҳаракат қисмини ташкил этади. Буларда инсоннинг жисмонан кучланиши ва фикран соғайиши – Яратган олдидаги ибодат сифатидаги айрим шартли ҳаракатлар, яъни машқлар орқали намоён бўлади.

Пратяҳара ва Дҳаранада йоганинг илмий жиҳатларини ўз ичига олади.

Дияна ва Самади туркумлари эса инсон танаси, фикр-ўйи, ақли ва руҳини Худо билан бирлаштиришга кўмаклашади, дейилади йоглар таълимотида.

Йога илмининг асосий мақсадларидан бири инсон ва табиат мутаносиблигини очиб беришдан иборатдир.

Кўп асрлик ҳаракатлар эвазига диний ва фалсафий тизимлардан ташқари йоганинг ҳаракат фаолиятига асосланган ўзига хос психофизиологик тизим шаклидаги кўринишлари ҳам юзага келди. Улар орасидан хатха-йогани ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

IV—V асрларда яшаган Шилпасатраке “Ҳаракат санъати бўйича қўлланма” асарида хатха-йогани тавсифлаб беради.

Алоҳида машқлар тизими орқали инсон организмини тозалаш ва мустаҳкамлаш методлари Хатха-йога, ёки физиологик йоганинг асосий мазмунини ташкил этади. Хатха-йоганинг асосий элементларини **асан**(гавда шакллари) ҳамда **праянама**(нафас олиш машқлари) ташкил этади. Бундан ташқари инсоннинг эмоционал ҳолатига таъсир, овқатланиш ҳамда уйқуни назорат қилиш методлари ҳам фарқланади.

XIII асрга келиб инсон танасини турли хил шаклларда(асан) ҳаракатлантиришдангина иборат бўлган хатха-йога динамик шаклдаги бошқа хил машқлар билан тўлдирилиб борилди. Панжоблик гуру *Нанак* (1469-1538 хатха-йогага **дандалок** и **баскик** оқимларини киритди.

Кўпгина манбаларда, жумладан 1988 йилда нашр этилган «Ҳиндистон энциклопедияси»да изоҳ берилишича, Йог бу – Йога мутахассислигини мукаммал эгаллаган шахсдир. Унинг дунёқараши ва фикрлаши одатдаги спортчиникидан тубдан фарқ қилади. Иккинчидан эса у ўз машқларини ибодат тарзида амалга оширади.

Машҳур йоглардан бири Б.К.Лиянгарнинг фикрига кўра, Йога машқлари спорт ёки жисмоний тарбия машғулотларидан бир неча бор устун туради.

Спортчи белгиланган машқларни бажариш жараёнида куч йўқотиши мумкин. Чунки, бундай жисмоний ҳаракатларни амалга оширгач, табиийки, чарчайди. Бундан ташқари спортчи машғулотлардан кейин ўзини овқатга ташна, оч сезади.

Йога эса ўз машқларидан хотиржамлик топади. Машғулотдан сўнг овқатланиш ҳақида ўйламайди. Умуман моддият ҳақида ҳеч ҳам қайғурмайди. Йога машқлари инсонни ҳар томонлама ўсиб-улғайишига ундайди. Ишда, ўқишда ёки оилада бекаму-кўст шахс бўлишга, ҳатто, кафолат беради. Чунки йога таълимоти ҳар доим тинчлик, осойишталик ва хотиржамликни тақозо этади.

Умуман олганда йога тизими соғломлаштирувчи жисмоний маданият тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб инсонлар соломатлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Ушу-“ҳарбий санъат”,”ҳарбий маҳорат” маъноларини англатади. Бу санъат ўз таркибига қуролсиз ва қуролли қўл жанги, турли хил мосламалар ва ўқ отиш, акробатик машқларни қамраб олади.

Ушу атамаси ўрта асрларда Хитойда пайдо бўлиб, фақат XX асргагина келиб Хитойда яратилган барча қуролли ва қуролсиз яккакураш турларини умумий ушу номи билан атай бошлашди.

Ҳозирги кунда ХХР да ушу қуйидаги кўринишларда мавжуд:

-умумривожлантирувчи машқлар комплексини бажариш;

-келишилган қоидалар асосида қуролсиз спарринг;

-икки рақибнинг эркин қуролсиз спарринги;

-қуролсиз бир қанча рақибларга қарши жанг;

-курол билан турли машқлар;

-куролли рақибга қарши курол ва куролсиз жанг;

-нафас олши машқлари ҳамда нуқтали массажга асосланган даволовчи-соғломлаштирувчи гимнастика.

КАРЬЕРА МАРКАЗЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН ИШГА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.

Б.И.Адизов, Бухоро давлат Университети маркетинг бўлими бошлиғи

Иш билан бандлик сиёсати Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ, иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва истиқбол режаларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари аҳолини иш билан таъминлаш давлат органлари ҳисобланадилар. Шу билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарда Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар ташкил этилган. Мамлакатнинг деярли ҳар бир йирик фуқаролар йиғини ҳузурида – жами 1372 аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича муқим шаҳобча мавжуддир. Бу шаҳобчаларнинг ҳар бири 10-12 мингга яқин қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ўзбекистонда давлат томонидан иш билан бандликни тартибга солиш сиёсатини амалга оширилишининг бир нечта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг дастлабки босқичи (1991-1994 йиллар) ижтимоий-меҳнат соҳасида меҳнат муносабатларининг пайдо бўлиши ҳамда уларни тартибга солиш зарурати билан фарқланиб туради. Бу даврда аҳоли биринчи маротаба меҳнат бозорининг салбий ҳодисалари:

иш ўринларининг қисқариши, ишсизлик, иш ҳақи миқдорининг камайиши, мажбуран тўлиқсиз иш билан бандлик ва ҳоказоларга дуч келди.

“Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонун (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси (1996 йил) қабул қилиниши тартибга солиш жараёнининг энг муҳим институционал асоси бўлди

Иш билан бандликни тартибга солишнинг навбатдаги босқичини (1994-1999 йиллар) мослашиш даври сифатида белгиланди. Иқтисодиёт пасайишининг тезлашиши меҳнат бозори динамикасига салбий таъсир кўрсатганлиги ушбу босқич хусусияти ҳисобланади. Ўтиш даври жараёнида МДҲ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши қисқа муддатли истиқболда иш билан бандликнинг бунга нисбатан камроқ камайиши билан биргаликда рўй берди.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг сифат босқичида (2000 йилдан ҳозирги пайтгача) мамлакат макроиқтисодий вазиятида рўй берган ижобий ўзгаришлар меҳнат бозорига жиддий таъсир кўрсатди, ушбу даврда аҳолининг иш билан бандлиги норматив ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш жараёни давом этди. Ушбу босқичда иш билан бандликни тартибга солишда янги таҳрирдаги “Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қабул қилиниши муайян ижобий ролга эга бўлди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш муаммосига ғоят катта эътибор берилиб келинмоқдаки, бу вазифа доимий равишда ижтимоий-иқтисодий дастурларимизнинг марказида турибди.

Хўш, давр талаби, ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида битирувчиларни яхши иш жойларини топиш, уларнинг касб танлашларида кўмаклашиш борасида олий таълим муассасалари томонидан қандай ишлар амалга оширилиши лозим?

Ҳозирда республикадаги барча олий таълим муассасаларида ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш уларнинг бандлик мониторингларини ташкил этиш ва ҳисоботлар тайёрлаш мақсадида маркетинг хизмати бўлими фаолият кўрасатиб келмоқда. Аммо, бугунги кунда олий таълим муассасалари ҳузурида касб танлаш марказлари (карьера марказлари)ни ташкил этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ишга жойлашмоқчи бўлган талаба бўш иш ўринлари ва уларнинг тавсифи ҳақида кам ахборотга эга бўлганидек, иш берувчилар ҳам ишга жойлашмоқчи бўлган фуқаролар, айниқса, ОТМ битирувчилари, уларнинг мутахассислик билимларини ўзлаштирганликлари, касбий кўникмалари ва шахсий фазилатлари тўғрисида кам маълумотга эга бўладилар.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда иш берувчиларга керакли ходимни таклиф қиладиган ва ишга жойлашмоқчи бўлган фуқароларга бўш иш ўринлари тўғрисида ахборот берадиган ва уларни бўш иш ўринларидаги талабларга мослаштирадиган мустақил воситачи фирмалар, агентликлар, марказлар ёки таълим муассасаларидаги карьера марказлари фаолият юритади. Бу тузилмалар фаолияти, албатта, ўзини оқламоқда.

Бухоро давлат университети 2013 йилда TEMPUS IV дастурининг олтинчи танлови бўйича UNIWORK (Битирувчилар учун яхши иш жойларини топиш ва яратиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё олий таълим муассасаларида касб танлаш (карьера) марказларининг фаолиятини кучайтириш) лойиҳаси ҳамкорига айланиб, бугунги кунга қадар лойиҳа доирасида амалий ишларни ташкил қилиб келаётган олий таълим муассасаларидан биридир.

Лойиҳа мақсади: UNIWORK олий таълим муассасалар ва корхона (ташкилот, муассасалар) ўртасида алоқаларни кучайтиришга йўналтирилган. Лойиҳа олий таълим муассасалари битирувчиларини самарали иш билан таъминлаш бўйича имкониятларини ошириш ва талабаларнинг Болония тамойиллари ва TEMPUS дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ тадбиркорлик маданиятини ошириш орқали Марказий Осиёнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ёрдам беришдан иборат.

Лойиҳа белгиланган мақсадга мувофиқ амалга оширилиши учун қуйидаги асосий вазифаларнинг бажаралишини назарда тутган:

- Марказий Осиё олий таълим муассасалари карьера марказларидаги мутахассис ходимларнинг компетенциясини юксалтириш;
- Мазкур таълим муассасалари карьера марказлари амалиётини такомиллаштириш.

Грант олувчи Аликанте Университети (Испания) ҳисобланиб, 3 та хорижий университетлар (Аликанте Университети (Испания), FH Johanneum Gesellshaft mbH (Австрия), Шеффилд Университети (Буюк Британия)) ҳамда Марказий Осиёдан 12 та ҳамкор олий таълим муассасалари ҳамкорлигида 4 маротаба семинар тренинглар ташкил этилди. Бухоро давлат университети ушбу лойиҳада фаол иштирок этиб келмоқда.

Лойиҳанинг биринчи семинар тренинги 2014 йил 8-11 декабрь кунлари Қирғизистон Республикасининг Бешкек шаҳридаги Молия ва иқтисодиёт академиясида бўлиб ўтди. Ушбу семинар

тренинг “Карьера марказлари учун тармоқ” (“Networking for Career Centres”) номланиб, мазкур семинарда

- Карьера марказлари хизматларини ривожлантириш ва рағбатлантириш усуллари;
- Интернет ва маҳаллий тармоқлар орқали карьера марказлари хизматларини ривожлантириш икониятлари;
- Ишлаб чиқариш ва саноат билан алоқаларни ўрнатиш;
- Битирувчилар тармоғини ташкил этиш;

ҳамда шунингдек, қардош республикалар олий таълим муассасаларидаги битирувчилар билан глобал тармоқ орқали алоқаларни йўлга қўйиш мавзуларидаги назарий ва амалий маърузалар тингланди. Ушбу семинарда Бухоро давлат университи Маркетинг хизмати бўлими мутахассислари томонидан “Битирувчиларнинг бандлик мониторинги жараёни” мавзусидаги ўз тақдимоти билан иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг корхона (ташкилот, муассаса)ларга ишга тақсимлаш жараёнлари, бандлик мониторинги жараёнлари, битирувчилар ва иш берувчилар билан доимий алоқаларни ўрнатиш ҳамда жуда муҳим ҳисобот ва кўрсаткичларни шакллантириш амалиёти ҳақида тақдимот қилинди.

Лойиҳанинг иккинчи семинар тренинги 2015 йил 15-17 март кунлари Қозоғистон Республикасидаги Ш.Уалиханова номидаги Кокшетау давлат университетида бўлиб ўтди. Ушбу семинар тренинг “Карьера марказлари орқали ўзаро таъсир (алоқа) воситалари” (“Tools for engagement through Career Centres”) номланиб, мазкур семинарда асосан аудитория билан ишларни ташкил этишда ахборот коммуникацион технологиялар, замонавий тармоқлар ҳамда бошқа дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш, уларни карьера марказлари фаолиятида жорий этиш орқали карьера марказлари хизматлари сифатини ва таъсирини оширишга қаратилган эди.

Биринчи ва иккинчи семинар тренинглардаги жуда фойдали маълумотлар ва ресурслардан фойдаланган ҳолда Бухоро давлат университети битирувчилар, иш берувчилар ва олий таълим муассаси ўртасида алоқаларни ушлаб туриш, битирувчиларнинг иш билан бандлик даражасини ўрганиш, юзага келадиган муаммоларни бартараф қилиш қолаверса, доимий равишда мониторинг ўтказиш мақсадида WEB технологиялар асосида махсус тизим яратилди. Тизимга кириш http://uniwork.buxdu.uz WEB манзили ёрдамида ўтилади. Тизим авторизация(рўйхат)дан ўтиш 2 хил турдаги роллар ажратилган. Битирувчи-талабалар ўзларига тегишли махсус кодлари ёрдамида тизимга кириб, битирувчиларининг иш билан бандлигини ўрганиш далолатномаси асосида маълумотларни киритади. Албатта статик маълумотларни университети маркетинг бўлими маълумотлар омборида олиб келинади, ишга жойлашиш тўғрисидаги маълумотлар эса битирувчи томонидан тўлдирилади.

Ҳисоботларни тўғри юритилиши, маълумотларнинг такрорланиши олдини олиш мақсадида Республика бўйича барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) лари базаси ташкил қилинган бўлиб, битирувчилар ишга жойлашган корхоналарини қийинчиликларсиз топиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Далолатномани тўлдириш жараёнида битирувчилар иш билан таъминланиш жараёнида юзага келган камчиликларни, ишга қабул қилиш буйруқларини ёки ишламаётганликларини сабабалғрини кўрсатган маълумотларни илова қилиб кетишлари мумкин. Албатта тўлдирилган далолатномалар модератор томонидан кўриб чиқилиб, керакли ўзгартиришлар киритилиб, далолатномани ҳисобот жараёнига қўшиш ёки қайта модерация жараёнига ташлаши мумкин.

Маълумотлар омборида ишлаш қулайлиги, доимий равишда янгиланишларни қўллаб қувватлаш мақсадида университет ОТМ лар ўртасида қурилган корпоратив тармоқдан кенг фойдаланиб келинмоқда. Худди шунингдек битирувчларнинг иш билан таъминланиш мониторинги дастури хам корпортив тармоқ устида қурилган бўлиб (Windows приложения), дастур ОваЎМТ вазирлиги, аҳолини бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳисоботларини доимий равишда генерация қила бера олади.

Албатта тизимнинг ҳозирда барча функционал имкониятларини WEB технологиялар асосида ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Янги платформага ўтиш учун 2015-2016 ўқув йилидаги битирувчиларнинг тақсимот комиссияси томонидан ишга тақсимоти якуни асосида шакллантириш асосий мақсад қилиб олинган.

Лойиҳанинг учинчи семинар тренинги 2015 йил 4-7 май кунлари Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтди. Мазкур ўқув семинар “Карьера марказлари томонидан ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш” (“Enterprise and entrepreneurship support by Career Centres”) мавзусига бағишланган эди. Бу семинар тренингда асосан талабаларнинг тадбиркорлик имкониятларини баҳолаш, уларда ушбу кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасидан фойдаланиш бўйича бир қатор маърузалар тингланди.

Лойиҳанинг учинчи семинар тренинги 2015 йил 29 сентябрь - 2 октябр кунлари Тожикистон Республикасининг Хўжанд политехника Институтида ташкил этилди. Ушбу семинар тренинг “Карьера марказлари ва талабалар: касбга тайёрлаш ва амалиёт” (“Career centres and students: job preparation and internships”) мавзусига бағишланиб, талабаларни ва битирувчиларни касбга

йўналтириш, ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда муваффақиятли амалиётларни ташкил этиш, битирувчилар, иш берувчилар билан доимий фаол алоқаларни ўрнатиш тажрибалари муҳокама қилинди.

Ушбу семинар тренингларда Бухоро давлат университети маркетинг бўлими ходимлари, мутахассислик кафедралардан 3 нафар профессор ўқитувчичилари қатнашиб, ушбу илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш бўйича университетда иш амалий ишларни олиб бормоқдалар.

Кутилаётган натижалар: Лойиҳадан қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

- бандлик ва тадбиркорлик соҳасидаи Марказий Осиё ва Европа Иттифоқидаги илғор тажрибани аниқлаш ва билимлар базасини яратиш, илғор амалиёт бўйича қўлланмалар ва ҳисоботлар чоп этиш;
- талабалар, шунингдек, бошіа олий таълим муассасалари фойдалана оладиган Марказий Осиёнинг 12 та Карьера маркази ходимлари салоҳиятини кучайтириш;
- талабалар ва персонал учун ўқув материаллари, электрон таълим ресурслари тайёрлаш;
- Карьера марказларининг ташкилий салоҳиятини мустаҳкамлаш. 12 та карьера марказининг ташкилий ва техник имкониятларини яхшилаш. Ҳар бир олий таълим муассасасида 24000 евро эвазига жиҳозлар харид қилинади;
- талабалар учун кенгайтирилган хизматлар доираси. Карьера кунлари, бандлик ярмаркалари, бизнес-режа танловлари, хизматлар ярмаркаси ташкил этилади;
- манфаатдор томонлар фаол жалб этилиб, корхоналар билан ҳамкорликка эришилади;
- миллий форумлар, манфаатдор томонлар иштирок этувчи ишчи гуруҳлар учрашувлари ташкил этилади, битирувчилар тармоқлари яратилади, миллий ва минтақавий форум олиб борилади;
- турли мақсадли гуруҳ ва манфаатдор томонларга қаратилган стратегик ёндашувлардан фойдаланган ҳолда натижалар тарқатилади;
- лойиҳа ўзининг фаолияти ва барқарор натижалари доирасида нафақат бевосита иштирок этувчи 12 та Марказий Осиё олий таълим муассасалари, балки минтақадаги манфаатдор томонлар ва бошқа олий таълим муассасаларига фойда келтиради.

Олий таълим муассасаларида битирувчи талабаларни ишга жойлаштиришга катта эътибор қаратиш, улар иш ўрнига эга бўлишлари учун керакли хизматларни шакллантириш ҳамда ҳар бир талаба ва битирувчининг ўз салоҳиятини ошириб боришига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ОТМларидаги фаолият юритаётган маркетинг хизматлари бўлими вазифаларига халқаро тажрибаларга таяниб, янги – “Карьера” вазифаларини ташкил қилишни тавсия этамиз.

Демак, ушбу ислоҳотларга мос равишда олиб бориладиган чора-тадбирлар республикамизнинг олий таълим муассасалари фаолияти сифатини оширишини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

АСТРОНОМИЯ ФАНИ РИВОЖИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Қобилов Б.Б., Ниёзхонова Б.Э. Бухоро давлат университети

Бугунги кунда жадал ривожланаётган астрономия фани ривожига аждодларимизнинг қўшган ижодий ҳиссасини ўқувчи-талабаларга етказиш

уларда миллий ғурур ва аждодларимиз билан ҳақли фахрланиш ҳис-туйғу-ларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди, яъни, фаннинг тарбиявий аҳа-миятини ва физика фанларига бўлган касбий қизиқишларини оширади.

Таъкидлаш лозимки, астрономия фани ўз ривожида инсониятнинг амалий эҳтиёжларини қондиришга йўналган бўлиб, у давлат ишлари ва халқ-лар тақдирига илоҳий кучлар таъсирини аввалдан башорат қилиш, турли тақвимлар яратиш ва самовий жисмлар ҳаракатини ўрганишда қўлланилган. Жумладан, Бағдод, Дамашқ, Исфахон, Нишопур, Мараға, Тебриз, Самарқанд обсерваторияларида Шарқ алломалари олиб борган астрономик тадқиқотлар космология, астрономия, математика, география фанлари бўйича жаҳон мута-факкирлари тан берган йирик илмий кашфиётларга олиб келди.

Шу сабабли, маърузамиз тезисларида тарихан кўхна фанлар қаторидан жой олган астрономия ривожига Шарқ олимларининг қўшган улкан ҳиссаси қисқача биографик-ижодий солнома кўринишида келтирилган.

1. Аҳмад ал-Фарғоний (798-861 йй.) - Бағдод “Донишмандлик уйи” етакчи алломаларидан бири, Европада **Альфраганус** номи билан машҳур. Дамашқ обсерваториясида олиб борган тадқиқотлари асосида араб тилида *“Астрономик ҳаракатлар китоби”, “Ўттиз элемент” , “Сферик жисм-ларни назарий ҳисоблаш”, «Астрономияга кириш» (833 й.), «Ой тутилиши – вақт ҳақида рисола”, «Етти иқлим ҳисоби», «Астролябия билан ишлаш ҳақида», «Қуёш соатини ясаш»* рисолаларини ёзган. Аллома К. Птолемейнинг “Алмагест” асарларига ёзган таҳлилида етти иқлим мамла-катларининг қисқача жуғрофий таърифлари ва координаталарини берган.

Марв ва Дамашқ обсерваторияларида олиб борган тадқиқотлари натижасида Ер шар шаклига эгалиги, йилнинг энг узун куни 22 июнга ва энг қисқа куни 23 декабрга тўғри келишини ва Қуёш сиртида доғлар борлигини аниқлади, 832 йилда рўй берган Қуёш тутилишини башорат қилди. Аллома 861

йилда Қоҳира шаҳри яқинидаги Роуд оролида Нил дарёси тошқинлари вақтини аниқловчи гидроиншоот **нилометр** *(ҳозир ҳам ишчи ҳолатда!)* қуришга раҳбарлик қилади («Миқёси Нил» асарини қаранг!). Алломанинг 1200 йиллик юбилейи ЮНЕСКО раҳбарлигида 1998 йилда кенг нишонланди.

2. Ал-Баттоний (858-926 йй.) – араб астрономи ва математиги, Европада **Albategnius** номи билан машҳур, **асосий ютуқлари:** 877- 919 йилларда Суриянинг Ракка шаҳрида обсерватория ва қуёш соати қуриб, астрономик кузатишлар олиб борган ва ҳозирги замон натижаларидан бор-йўғи 32 сек. фарқ қилувчи аниқликда экваторнинг эклиптик оғиши қийматини 23°35′41″ ва 24 сек. аниқликда Қуёш йили узунлигини топган.

Унинг *«Қибланинг азимути ҳақида », «Самовий жисмларгача бўлган масофалар ҳақида »* рисолалари Италиялик Платон томонидан 1116 йилда лотин тилига ўгирилган ва Европа астрономлари учун қўлланма бўлган.

Ал-Баттоний биринчи бўлиб, Қуёш ва Ойнинг диаметрларини аниқлаган, 1 ой ва йил давомида улар сиртида бўлаётган ўзгаришлар даврийлигини аниқлаган, Ой тутилишининг энг аниқ вақтини аниқлаш усулини берган.

Европа астрономлари Тихо Браге, Жовани Батиста Ричиоли, И.Кеплер ва Г. Галилейлар алломанинг ***«Китаб аз-Зидж»*** қомусий асаридан фойдаланганликлари ҳақида маълумотлар берадилар.

3. Абу Маҳмуд Ҳомид ибн ал-Хизр ал-Хўжандий (923 -1000 йй.) – форс–тожик астрономи ва математиги, астрономик асбоблар ясовчи моҳир усто, Хожанд шаҳрида туғилган ва 1000 йилда Рей шаҳрида вафот этган. У Рей обсерваториясида олиб борган астрономик кузатишлари натижасида 6 йирик рисола ва астрономия назарияси бўйича 2 рисола ёзиб қолдирган.

4. Абдураҳмон ибн Умар ас-Сўфий (903-986 йй.) - машҳур форс астрономи ва математиги, Исфахон обсерваториясида олиб борган астро-номик тадқиқотлари натижаси: ***1017 юлдуз ва 48 юлдузлар йиғмалари*** нинг *шуълаланиш – ёғду сочиш даражасини.* мазмунига мос рангли тасвирлари билан *«Қўзғолмас юлдузлар китоби»*да келтиради. Бу асар Абу Райхон Беруний, Абул-Ҳасан ибн Юнус, Насриддин Ат-Тусий, Мирзо Улуғбек ва бошқа таниқли астрономлар учун ҳам ишчи қўлланма бўлган. Унинг *«Астролябия билан ишлаш»* ва 3 жилдлик *«Осмон глобуси билан ишлаш», ва «Юлдузлар ва уларнинг ҳукмлари ҳақидаги фанга кириш»* асарлари лотин тилига таржима этилган ва Европа астрономлари ўртасида машҳур бўлган.

5. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яҳё аз-Зарқали (1029-1087 йй.) – араб астрономи ва математиги; Ой, Қуёш ва бошқа самовий жисмларнинг коинотдаги ўрнини *астрономик ҳисоблашлар ўтказмасдан аниқлаш* имко-нини берувчи ***<u>экваториум</u>*** асбобини яратган ва астролябия конструкция-сини такомиллаштирган, Ғарбий Европада **Арзахел** номи билан машҳур.

6. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд (1126-1198 йй.) - араб файласуфи ва астрономи, Европада **Аверроэс** номи билан машҳур, ***аверроизм*** *оқими асосчиси.* Аллома Куёш юзасидаги доғларни ўрганиб, уларнинг ўлчами ва шуълаланиш даражалари даврийлиги ҳамда доғларнинг нисбий ўлчамлари ҳақида қизиқарли маълумотлар қолдирган.

7. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад Насриддин ат-Тусий (1201-1274 йй.) – машҳур математик, механик, астроном ва қомусий олим. Ат-Тусий самовий жисмлар айланма ҳаракати билан тўғри чизиқли ҳаракати *(Ат-Тусий леммаси – илмий фарази)* узвий боғлиқлигини Ойнинг кинематик модели мисолида исботлади. 1259-1266 йилларда Мароға обсерватория- сидаги астрономик кузатишлари натижасида Қуёш, Ой, сайёралар ва бошқа самовий жисмлар координатлари, кун-тун тенглиги ва тақвимлар юқори аниқликда берилган ***«Элхон юлдузлар жадвали»***ни яратди. Алломанинг Ой ва планеталар ***ҳаракатини моделлаштириш*** бўйича натижалари уни оламнинг 20 та машҳур астрономлари сафига олиб кирди. 2001 йилда Насриддин ат-Тусий 800 йиллик юбилейи жаҳонда кенг нишонланди.

8. Ибн аш-Шотир (1306 -1375 йй.) - араб астрономи, Қуёш, Ой ва сайёралар ҳаракатланишининг ***эпицикллар*** назариясини ривожлантирган.

Унинг *"Астролябии ва мукаммаллаштирилган синус-квадрантдан фойда ланиш", «Саналарни аниқлаш ҳақида», «Зодиак белгилари ҳақида»* рисолаларида амалий астрономик тадқиқотлар тажрибаси ёритилган. Олим Қуёшнинг бурчак радиусини камера-обскура ёрдамида аниқлайди ва унинг қиймати Птолемей назариясида келтирилганидан каттароқ эканлигини исботлайди, Меркурийнинг ҳаракатланиш моделини таклиф этади.

9. Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қозизода ар-Румий (1364-1437 йй.) - математик ва астроном, Мирзо Улуғбекнинг устози, Самарканд обсерваториясининг биринчи илмий раҳбари, қомусий асар «Зижи Кўрагоний» муаллифларидан бири. Аллома ўзидан аввал ўтган астрономлар асарларига шарҳлар ёзишдан ташқари *«Бир градуснинг синусини аниқлаш ҳақида», « Синус ҳақида», «Синус-квадрант ҳақида», «Қибла азимутини аниқлаш ҳақида», «Астрономия фани ҳақида»* каби амалий астрономия муаммоларига бағишланган ишчи қўлланмалар ёзган.

10. Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин ал-Қоший (1380-1429 йй.) – машҳур математик, Улуғбек расадхонаси илмий раҳбарларидан бири, ўнлик каср сонлар назарияси асосчиси.

Ғиёсиддин ал-Қоший *«Осмон пиллапояси »* (1407 й.) рисоласида Ой, Қуёш, планеталар ва қўзғолмас юлдуз-ларгача бўлган масофаларни ва Ой билан Қуёш ўлчамини аниқлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини келтиради. *«Астрономик кузатиш асбоблари"* асарида (1416 й.) астрономик катталикларни аниқлашни тушунтиради.

11. Муҳаммад ибн Шоҳруҳ ибн Тимур Улуғбек Кўрагоний (22.03.1394 – 27.10.1449 йй.) – Самарқанд астрономия мактаби асосчиси, Насриддин ат-Тусийнинг издоши, 1428 йилда Кўҳак тепалигида радиуси 40 метр ва кузатиш диапазони 20°- 80° бўлган квадрантда самовий жисмлар ҳаракатини ўрганиб, 1444 йилда 1018 та юлдузлар координатлари юқори аниқликда берилган "Зиджи Кўрагоний" жадвали форс тилида тайёрлади.

Ушбу қомусий асар кириш қисми ва 4 бобдан иборат бўлиб, 1-бобда тақвимлар яратиш, 2-бобда самовий жисмлар координатларини аниқлаш, 3-бобда **683** аҳоли масканлари географик координатлари ва 4-бобда астроно-мик жадваллар берилган. Ушбу асар Ғиёсиддин ал-Қоший томонидан араб тилига ўгирилган, Шарқ ва Ғарб астрономлари орасидан кенг тарқалган.

12. Аловуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи (1403-1474 йй.) – "Зижи Кўрагоний" астрономик жадвалининг охирги тўлиқ вариантини нашр-га тайёрлаб, Истамбулда чоп этган. Бу асарни Европада биринчи марта 1648 йилда Оксфорд университети профессори Жон Гривас лотин тилида чоп эттиради. 1665 йилда инглиз шарқшуноси Томас Хайд лотин ва форс тилларида фақат астрономик жадвалларни (4-бобни) қайта нашр этади.

Астрономик маълумотлари ўта аниқлиги сабабли (замонавий натижа- лардан фарқи бир неча секундларни ташкил этади) "Зижи Кўрагоний" юлдузлар жадвали жаҳон астрономларининг ишчи қўлланмасига айланди. *Изоҳ: Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи 1994 йилда Самарқандда ва 615 йиллиги 2009 йилда Парижда ЮНЕСКО томонидан кенг нишонланди.*

Қўшимча маълумот: Бугунги кунда Шарқ алломаларининг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссалари ёритилган кўплаб, нодир асарлари Лондон, Париж, Қохира, Истамбул, Бурса, Машҳад, Тбилиси, Санкт-Птербург, Берлин, Душанбе ва Қозон шаҳарлари марказий кутубхона-ларининг нодир қўлёзмалар фондларида сақланаётганлиги маълум.

Фойдаланилган ахборот манбалари

1. История астрономии в датах и именах. // Ж. Небосвод, 2011, №1, С.31-41.
2. Хусейнов К. Роль мыслителей Востока в развитии естественных наук. - Дис. докт. техн. наук. - Уфа. - 2004. - 291 с.
3. www.physhistory.narod.ru // сайт по истории физики.
4. www.astronet.ru , astronomus.ru – астрономия бўйича сайтлар.

MUSIQIY PEDAGOGIKA YO'NALISHLARI KONSEPSIYASI

Saidova Oydin, NavMSK "An'anaviy cholg'u va xonanada" kafedrasi o'qituvchisi

Mustaqil Respublikamizda amalga oshirilayotgan o'zgarishlar jamiyatimizni iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy va madaniy jihatdan jahonning eng rivojlangan mamlakatlari qatoridan o'rin olishda o'zining ijobiy natijalarini bermoqda. O'zbekistonning «Ta'lim to'g'risida»gi qonuniga ko'ra 9-yillik umumiy o'rta ta'lim joriy etildi. Ta'limni mintaqaviy xususiyatlarini hisobga olgan holda musiqa predmeti bo'yicha konsepsiyasi ishlab chikildi.

1992 yil 25 noyabrda «Ma'rifat» ro'znomasida musiqa ta'lim-tarbiyasining konsepsiyasi loyihasida, musiqa ta'limining milliy va ilmiy asoslari, mazmuni, tuzilishi, tabaqalanishi, musiqa o'qituvchisiga bo'lgan zamonaviy talablar ta'limning ilmiy uslubiy ta'minoti bayon etiladi. Bugungi o'zligimizni anglash o'z taqdirimiz va farzandlarimiz iqbolini yaratish imkoniyatiga ega bo'lgan. Mustaqil O'zbekistonda milliy madaniyatimizni o'ziga xosligini tiklash umumta'lim maktablarida yoshlarni badiiy tarbiyalash va kamol toptirish, hamda hozirgi kunimizni to'laroq idrok etish uchun avvalo tariximizni yaxshi bilmoqlik hisoblanadi. Chunki, bir yangilik, tarixiy bog'lanish orqali amalga oshiriladi. Barcha fanlar qatori musiqiy ta'limda ham davlat ta'lim standartlarini joriy etilishi milliy musiqiy meroslardan to'laqonli foydalanish imkonini beradi. Bular ommaviy xalq va qo'shiqlarida, xonanda va sozandalarning ijodiy faoliyatlari, maqom, shashmaqom, dostonlar va bugungi zamonaviy musiqiy faoliyatida o'z aksini topadi.

Musiqa san'atining bugungi imkoniyatlari yangi avlodni tarbiyalashda, ularning kamol topib yetishishlarida o'ziga xos, takrorlanmas manba bo'lib xizmat qiladi. Musiqa ta'limidan, davlat standartlari borasida yangi ta'lim mazmuni o'quvchilarning musiqiy bilim va malakalari bilan birga, ularda kuzatuvchanlik, xotirani mustahkamlash, obrazli tasavvur qilish, ijodkorlik, mustaqillik, tashabbuskorlik, badiiy va musiqiy did kabi fazilarini rivojlantirishni ta'minlaydi. Demak, yosh avlodni yetuk qilib tarbiyalashda «Musiqa madaniyati» ishlarini ahamiyati katta.

Musiqiy madaniyat darslari o'quvchilarni axloqiy-estetik tarbiyasiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ulardagi go'zallikka bo'lgan his-tuyg'ularini o'stiradi, musiqa san'atiga mehr-muhabbat, qiziqish o'yg'otadi, ona-Vatanni sevishga, bir-birini, kattalarni hurmat qilish, mehnatni, tabiatni sevishga, qadrlashga o'rgatadi va hayotda o'z o'rnini topa olishga madad beradi. Bunda o'quvchilar musiqa san'atini butun nafosati bilan o'rganishlari, musiqani idrok etish, yakka va jamoa bo'lib qo'shiq kuylash va raqsga tushish, ijodkorlik

malakalarini shakllantirish, musiqa tarbiyasining asosiy maqsadi hisoblanadi. Shuningdek, o'quvchilar iqtidorini rivojlantirish uchun zaruriy shart-sharoit yaratib berish va ularning badiiy ehtiyojlarini qondirish, musiqa ta'lim-tarbiyasining vazifasini tashkil etadi.

Hozirgi musiqiy ta'lim-tarbiyasi, shuni ko'rsatadiki, milliy musiqa merosimizni o'rganishda, musiqa darslarini va sinfdan tashqari musiqa tarbiya tizimini ahamiyati katta. Musiqa darslarini hayotga joriy etish maqsadida umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun musiqadan 1999 yili Davlat ta'lim standarti asosida yangi dastur ishlab chiqildi. Yangi dasturning asosiy mohiyati avvalo darsning mavzulari, har bir chorak uchun belgilangan bosh mavzulardan kelib chiqadi. Darsni qiziqarli bo'lishi uchun musiqa ijodkorligi qo'llanildi, barcha musiqa faoliyatlari (xor bo'lib kuylash, musiqa savodi, musiqa tinglash) dars mavzusining ajralmas qismi va mantiqan uzviy bog'lanib o'tiladi.

«Dars» - ta'lim-tarbiyani amalga oshirishning eng qulay va samarali shaklidir. Jamiyatimizning turli jabhalarda bo'layotgan siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy, ma'rifiy o'zgarishlar barcha fanlar qatori musiqa darslarining mazmuni va metodikasiga ham yangi zamonaviy talablar qo'yildi:

1. Darsda ta'limiy-didaktik, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi maqsadlarni bilish va ularni amalga oshirish.
2. Darsda ta'limning faol usul va uslublaridan foydalanish.
3. Dars jarayonida xalq pedagogikasi an'analarini, jahon pedagogika va psixologiyasi, san'atimiz, buyuk ajdodlarimiz o'gitlari, rivoyatlarimiz, hikmat to'la hadislarimizdan unumli foydalanib borish maqsadga muvofiqdir.

Ma'lumki, keyingi yillarda tajribali metodistlar, olimlar va amaliyotchi o'qituvchilarning o'quv jarayonini tahlil qilish sohasida, o'tkazilgan va didaktik shart-sharoitlarga bog'liq ekanligi ko'rsatmoqda, Eng muhim shart-sharoitlar quyidagilardan iborat:

1. Darsliklar, qo'llanmalar, dastur, tavsiyanomalar, didaktik va metodik ko'rgazmali qurollar va texnik vositalardan foydalanish.
2. Sinfda ijobiy psixologik muhit bo'lishi.
3. O'qituvchi va o'quvchilar orasida o'zaro yaxshi munosabatda bo'lish.

Ushbu pedagogik shart-sharoitlarga amal qilib, darsning maqsadi va mavzusi, to'g'ri tashkil qilinsa, dars sifatli va samarali bo'lishi mumkin.

Oliy Majlisning 1997 yil 28 avgustdagi 1X-sessiyasida qabul qilingan «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» muhim tarixiy, amaliy hujjat bo'lib ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, uni dunyoning ilg'or demokratik davlat darajasiga yetkazish va yosh kadrlarni yuksak ma'naviy-axloqiy, yuqori bilimlarga ega qilib tarbiyalashni maqsad qilib qo'yadi. Shuningdek, yosh, bo'lajak pedagog-kadrlarimizni tayyorlashda musiqa o'qituvchisi uchun zarur bo'lgan sifatlarni shakllantirishimiz lozim.

Talabalarimizni olgan nazariy bilimlari bilan birga amaliy mashg'ulot o'tkazgan darslari va o'quv-tarbiya mashg'ulotlarida guruhning barcha talabalari, o'qituvchi ishtirokida tahlil va muhokama qilishlari lozim. Tahlil jarayonida, eng muhimi talaba o'zining dars o'tkazuvchi o'qituvchi sifatida tasavvur qilib, o'z ishini uddasidan qanchalik chiqa olishini to'g'ri baholay olganidadir. Talaba tomonidan o'tkazilgan darslarning va tarbiyaviy ishlarning tahlili, odatda o'z-o'zini baholashda, o'zini hisobotini reja va konspektalarni tahlil qilishdan o'z ishini baholay olishdan boshlanadi.

Metodist-o'qituvchi amaliyotchi-talabaga metodik yordam ko'rsatish va maslahatlar berib kamchilik va yuutuqlarni aniqlab to'g'ri yo'l ko'rsatishi lozim. Bunda eng asosiy maqsad talaba- yoshlarimizni qobiliyat va imkoniyatlarini aniqlab to'g'ri shakllantirish va yuzaga chiqarishdir.

Bu borada yurtboshimiz I.Karimovning - «Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi ahvol, amalga oshirilayotgan islohatlarimizning samaradorligi avvalo xalq ma'naviyatining tiklanishi, boy tarixiy merosimizning keng o'rganilishi an'analarimizning saqlanishi, madaniyat va san'at, fan va ta'lim rivoji bilan uzviy bog'liqdir», - degan so'zlari ma'naviyat cho'qqisiga intilishga chorlamoqda.

QOMUSIY OLIMLARNING PEDAGOGIK QARASHLARIDA ABU RAYHON BERUNIY USLUBLARI

Saidov Sohib Sharipovich, BuxDU, "Musiqiy ta'lim" kafedrasi 4 M guruh talabasi
S.Saidiy, s.f.n,kompozitor.

Bugun biz tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan, insoniyat hozirga qadar boshidan kechirgan davrlardan tubdan farq qiladigan o'ta shiddatli va murakkab zamonda yashamoqdamiz"[1], degan edi yurtboshimiz I. A. Karimov. Ana shunday rivojlanayotgan va shiddatkor davrning yosh avlodi ham zamonning har qanday "to'fon"iga-da bardosh beradigan darajada yetuk inson bo'lib kamol topmog'i kerak, deb o'ylayman. Darhaqiqat, hozirgi kunda yurtimizda yosh avlodning har tomonlama yetuk inson sifatida kamol topmog'i, ilm-u hunar o'rganmog'i uchun barcha shart-sharoitlar yaratilmoqda. Zamon talabi darajasida barpo etilgan, zamonaviy texnik jihozlar bilan to'liq ta'mirlangan maktablar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari, oliy o'quv yurtlari, "Barkamol avlod" markazlari, musiqa va san'at maktablari, Yoshlar markazlari faoliyati fikrimizning isbotidir. Bu kabi maskanlarda yoshlarga yetarlicha ta'lim-tarbiya berilib,

[1] I. A. Karimov, "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" Toshkent "Ma'naviyat" 2008-y. 110-bet.

kasb-hunar o‘rgatilmoqda. Lekin shuni ham ta’kidlash kerakki, bu jarayonlarda mutaxassislar tomonidan ayrim kamchiliklarga yo‘l qo‘yilmoqda, bu esa o‘quvchilarning o‘qitilayotgan fanni va o‘tilayotgan mavzuni to‘liq anglashi va tushunishini bir muncha qiyinlashtirmoqda. Balki, bunga ota-onasi barcha sharoitlarni yaratgan bo‘lsa-da yalqovlik qilib, o‘qimayotgan, o‘z ustida shug‘ullanmayotgan yoshlar sababchidir.

Qomusiy olim Abu Ali ibn Sino ta’kidlaganidek: “O‘qituvchi matonatli, sof vijdonli, rostgo‘y va bolani tarbiyalash uslublarini, axloq qoidalarini yaxshi biladigan odam bo‘lmog‘i lozim. O‘qituvchi o‘quvchining butun ichki va tashqi dunyosini o‘rganib, uning aql qatlamlariga kira olmog‘i lozim”. Darhaqiqat, hozirda kuchli irodali va yuksak ma’naviyatli yosh avlodni tarbiyalovchi, ularga ilm sirlarini o‘rgatuvchi, biron noto‘g‘ri yo‘ldan borayotganligini anglagudek bo‘lsa, to‘g‘ri yo‘lga boshlovchi, zamonaviy pedagoglar safi kun sayin kengaymoqda. Lekin, ayrim pedagoglar tomonidan allomalarimiz ta’lim jarayoniga tadbiq etgan, o‘z asarlarida bob-bob ta’kidlagan dars o‘tish uslublari va qoidalariga amal qilinmayotganligidan ham ko‘z yumib bo‘lmaydi. Balki, yuqoridagi kabi holatlarning kelib chiqishiga shular sabab bo‘layotgandir. Shu o‘rinda tabiiy savollar tug‘iladi – hozirgi kunning o‘qituvchisi tezkor sur’atlar bilan rivojlanayotgan globallashuv asrida qanday ta’lim vositalaridan foydalanmoqda, ular buyuk ajdodlarimiz ta’lim jarayoniga tadbiq qilgan dars o‘tish uslublarini unutib qo‘ymadimikin, bu uslublar faqat nazariy holda darsliklarda qolib ketmayaptimikin?

Barcha sir-sinoatlardan xabardor aylovchi kitoblarga murojaat etib, ajdodlarimizning dars o‘tish uslublaridan birining misolida yuqoridagi savollarga javob topmoqqa kirishamiz.

Qomusiy olim Abu Rayhon Beruniy yoshlarni o‘qitish uchun o‘qituvchi tanlashni birinchi va asosiy ish deb bilgan. Bolalarni yoshligidanoq, aniqrog‘i, 5-6 yoshidan o‘qitish tarafdori bo‘lgan olim o‘z asarlarida o‘qitish usullari masalasiga alohida to‘xtalib, o‘quvchi shaxsiga ta’lim berishda ko‘proq qaysi tomonlarga e’tibor qilish kerakligini bayon qilib quyidagi qoidalarni ilgari suradi:

1. O‘qitishda yodlatish emas, balki tushunish, mantiqiy fikrlash, xulosalar chiqarish yo‘liga amal qilish lozimligi.

Keling, siz bilan biz bu qoidani hozirgi kun o‘qitish metodikasi bilan qiyoslab ko‘rsak. Ayrim o‘qituvchilar o‘quvchilarga bir vaqtning o‘zida 10-12 betlab, o‘quvchi ongi anglab, tushunib yetishi bir muncha murakkab bo‘lgan mavzularni yodlab kelish uchun vazifa qilib, tushunganlaridan mustaqil ishlar, referatlar tayyorlab kelishlarini buyuradilar. O‘qituvchi bergan vaqtda tezroq bajarishni, yaxshi baho olishni istagan o‘quvchi esa, bu mavzularni tushunar-tushunmas, o‘qir-o‘qimas, gaplarni saralab ko‘chiradi-da ustoziga referat yoki mustaqil ish sifatida olib keladi. Xo‘sh, bundan o‘quvchiga qanday naf? O‘quvchining o‘zi mustaqil ravishda bajargan ishlari pedagogdan talab qilinganda esa u “tayyor namuna”larni ko‘rsatadi-yu, “namunali pedagog” maqomiga ega bo‘ladi, qoladi. Agar mana shu ijodiy namunalarni pedagogdan talab qilgan shaxs sinf xonasiga borib, bu mustaqil ishlarni tayyorlagan o‘quvchiga tayyorlagan mavzusi yuzasidan savol berib ko‘rsa, u o‘z referatini izohlab bera olmasligi tabiiy. Xo‘sh, bu vaziyatda kim aybdor? O‘zi uchun murakkab bo‘lgan mavzuni tushunmasdan, anglamasdan bajargan o‘quvchimi, shogirdiga o‘zi bergan mavzuni tushuntirmasdan, “so‘ralganda ko‘rsatish uchun” mustaqil ish talab qilgan o‘qituvchimi?

Beruniy dastlab o‘quvchi hajmi kichik, mazmuni sodda, keyinchalik esa hajmi katta, mazmuni murakkabroq bo‘lgan matnlarni o‘qishga kirishishi kerakligini ta’kidlar ekan, o‘quvchining o‘qish jarayonida taqqoslash-qiyoslashga e’tibor berishi uning ongli bilimiga asos solinishini ham eslatib o‘tgan. Zinaga ham boshidan chiqilgani kabi, o‘quvchiga ham dastlab, 3-4 betlik mazmuni sodda mavzularni, keyingi safar 5-6, undan so‘ng 9-10 betlik qisman murakkab mavzulalarni mustaqil bajarishga bergan ma’quldir. O‘quvchi oz-ozdan o‘qisa, unda matn mazmunni anglash va yodda saqlash reflekslari yaxshi ishlaydi. O‘quvchi miyasi asta-sekinlik bilan qiyin mavzularni ham o‘zlashtirishni uddalaydi. O‘zi yozayotgan mavzu yuzasidan tushunchaga ega bo‘ladi.

Qomusiy olim bilimlar ustozlar tomonidan o‘rgatiladi, deb bilgan. U nazariy bilimlarni o‘quvchiga singdirish usullari haqida to‘xtalib, muallim o‘z ishiga asosan qiziqarli suhbat usuli bilan yondashib, shogirdning fanga, kasbga, o‘rganilayotgan ilmga havasini uyg‘ota olishini, ta’limning asosiy vazifalaridan biri deb bilgan.

Zero, o‘qitish faqat o‘quvchi ongiga o‘ta qiyin atamalarni o‘z holicha tushunmasdan yodlatib singdirishga urinish emas, balki ularni turli ko‘rgazma vositalari yordamida yoki hikoya tarzida, dars elementlarini jonlantirish orqali, mavzuni soddalashtirib o‘rgatsa maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Masalan, musiqada butun notani butun non, uning cho‘zimini aniqlashni esa o‘sha nonni bo‘laklarga teng ajratish deb tushuntirish yoki bir oktava orasini, zinapoyaning 12 ta zinasi, uning ladini aniqlash uchun esa shu zinalardan faqat ixtiyoriy yettitasini ishlatish va har ishlatganda turli zinalar ishlatilishini o‘quvchi his qilishi kifoya. Balki, bu tushuntirishlar juda sodda bo‘lib tuyulishi mumkin, lekin yuqorida aytib o‘tganlarim bu sohadan bexabar insonda tasavvur uyg‘otish uchun foydali vosita bo‘la oladi.

2. O‘qitishda o‘quvchining qiziqishi, intilishining hisobga olinishi va muallimning o‘z shogirdlariga xushmuomalali bo‘lishi.

Bu qoida dars o‘tish jarayonida o‘qituvchini o‘z ishiga e’tiborli bo‘lishiga, yana-da mazmunli darslarni tashkil etishga undaydi. O‘qituvchi o‘quvchining ichki psixologiyasini o‘rganishga urinadi, uning ma’naviy

dunyosi, fikrlashi va nutq qobiliyatini aniqlashga harakat qiladi. O‘quvchining qiziqish va intilishlarini hisobga olgan holda, o‘z ustida ko‘proq ishlaydi va darsni to‘g‘ri tashkil etishga kirishadi. Bu borada qomusiy olim Abu Ali ibn Sino o‘zining ta’limda rioya etilishi zarur bo‘lgan qoidalarida bilim berishda bolalarning mayl, qiziqish va qobiliyatlarini hisobga olishni alohida ta’kidlaydi.

Balki, o‘qituvchi dars rejasida tasdiqlangan mavzular bo‘lsa, bu mavzularga o‘quvchi qiziqmasa o‘qituvchi ularni o‘tmasligi kerakmi, deb o‘ylayotgandirsiz. To‘g‘ri, ish rejadagi mavzularni o‘tish kerak, lekin o‘quvchi o‘rganmog‘i va tushunishi uchun ularni soddalashtirib, o‘quvchini shu mavzuga qiziqtirish kerak bo‘ladi. Bu esa hozirgi zamon pedagogidan kuchli iroda, xotira, yangilikka intiluvchanlikni talab qiladi.

3. O‘qitishda turli usul, metodlarni qo‘llash, ya’ni qarab chiqish, o‘qilmagan mavzularni o‘qib olish, kerakli joylarini qayta o‘qib olish, umuman yana o‘qib chiqish va tushunib olish.

Olim o‘qilganlarning barchasini qaytarib o‘qish deganda, asosan xato qilmay, so‘zlarni buzmay, ortiqcha tovush ishlatmay, bo‘g‘inlarni tushurib qoldirmay, so‘z urg‘usini o‘z o‘rnida qo‘llab, to‘g‘ri o‘qishni ta’kidlaydi. O‘qishning tez, to‘g‘ri va ifodali bo‘lishi, o‘qish davomida bolaning o‘z-o‘zini kuzatib borishi, xatosiz tez va to‘g‘ri o‘qishiga yordam beradi.

4. O‘quv qurollarini, kitoblarni e’tibor bilan avaylab, asrab tutish, bu kitoblar insoniyatning boyligi ekanligi.

Bu qoida asosan o‘quvchilar uchun tegishli bo‘lib, buni ular ongiga singdirish o‘qituvchi zimmasidagi muhim vazifadir.

“O‘qib ko‘rdilar. Yoqmadi. Qayta yozdilar. Asl holiga qaytdi. O‘chirib tashladilar. Tag‘in asliga qaytdi. Olovga otdilar. Yonmadi… Bu Kitob – Tarix edi!”[1], deb yozadi O‘tkir Hoshimov. Chindan ham kitoblar ajdodlarimiz tarixidan yolg‘iz yodgorlik, insoniyatning boyligidir. U shunday boylikki, uning varaqlarida undan foydalanuvchi har insonni ma’naviyat va ma’rifat nurlaridan bahramand etuvchi purma’no so‘z-u, donolar o‘gitlari, ajdodlarimizning necha asrlik tajribalari zarhal harflar bilan bitilgan. Bunday qimmatli boylikni asrab-avaylash esa o‘sib kelayotgan yosh avlodning asosiy burchidir.

Abu Rayhon Beruniy asarlarida biz yuqorida keltirib o‘tganimiz dars o‘tishning ko‘plab uslublarini uchratishimiz mumkin. Bu uslublar malakali pedagoglar va bo‘lajak pedagoglar tomonidan hozirgi kunda ham o‘rganilib kelinmoqda. Lekin ularni faqat nazariy o‘rganish bilan cheklanmasdan, amalda ham qo‘llab, ulardan hozirgi zamon metodikasida foydalansak, o‘ylaymanki, bu o‘qitilayotgan darsning ham o‘qituvchi, ham o‘quvchi uchun foydali va samarali bo‘lishini ta’minlaydi.

O‘qituvchilik kasbi, yurtboshimiz I. A. Karimov “Agarki dunyo imoratlari ichida eng ulug‘i maktab bo‘lsa, kasblarning ichida eng sharaflisi o‘qituvchilik va murabbiylikdir…”[2], deb ta’kidlaganidek, yuksak ehtiromga, shon-sharafga loyiqdir. Bunday nomga sazovor bo‘lish uchun esa biz bo‘lajak pedagoglar hozirdanoq ajdodlarimizdan meros dars o‘tishning qoida va uslublarini qunt bilan o‘rganmog‘imiz, kelajakda esa ularni biz o‘z dars o‘tish jarayonimizga tadbiq qilmog‘imiz darkor.

BOSHLANG’ICH SINF MUSIQIY TA’LIMDA PSIXOLOGIK RIVOJLANISHNING PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI

Ahmadova Zebiniso Shavkatovna, BuxDU, “Musiqiy ta’lim” 4 M guruh talabasi.
s.f.n. S.Saidiy, O’zbekiston bastakorlar uyushmasi a’zosi, kompozitor

Kichik maktab yoshining umumiy tavsifi: Kichik maktab yoshi (7-11 yosh) – 1-4 sinf (boshlang‘ich maktab)ga to‘g‘ri keladi. Maktabgacha yosh bilan taqqoslaganda asosiy faoliyat turi o‘qish hisoblanadi. Asosiy faoliyat turining almashinuvi bolaning psixologik rivojlanishiga ham ta’sir etadi. ²ar qanday o‘tish yoshi kabi, bu yosh ham o‘z vaqtida ilg‘ash va qo‘llab-quvvatlash zarur bo‘lgan rivojlanishning yashirin imkoniyatlariga boy.

Kichik yoshdagi maktab o‘quvchisining jismoniy xususiyatlari quyidagilardan iborat: umurtqa pog‘onasining barcha bukumlari shakllanadi, skeletning suyaklanishi hali yakunlanmaydi, 1-2-sinf o‘quvchilari tez charchaydi (ayniqsa, yozma ishlarda), Yurak mushaklari qon bilan yaxshi ta’minlanadi, bosh miya, ayniqsa, boshning peshona qismi kattalashadi.

Maktab hayotining birinchi bosqichi uchun shu narsa xarakterliki, bola sinfdagi va uydagi xulqini nazorat qiluvchi o‘qituvchining yangi talablariga bo‘ysunadi, shuningdek, o‘quv fanlarining mazmuniga qiziqa boshlaydi.

Birinchi sinf o‘quvchilari boshdan kechiradigan uch asosiy qiyinchilik bor: qiyinchilikning birinchi turi yangi maktab rejimi bilan bog‘liq (o‘z vaqtida uyg‘onish va turish kerak, dars qoldirish mumkin emas, barcha darslarda jim o‘tirish talab etiladi, uy vazifalarini bajarish lozim va boshqalar). Ikkinchi tur qiyinchilik o‘qituvchi, sinfdoshlar va oiladagi o‘zaro munosabatlar xususiyatidan kelib chiqadi. Qiyinchiliklarning uchinchi turi – o‘quv yili o‘rtalaridan o‘quv materiali oshib boradi.

[1] O‘. Hoshimov, “Daftar hoshiyasidagi bitiklar”
[2] I. A. Karimov, “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” Toshkent “Ma’naviyat” 2008-y. 131-bet.

Maktabga qadam qo‘yish bilan bola hayotida muhim psixologik o‘zgarishlar sodir bo‘ladi. U yangi rejimning ayrim muhim odat-larini o‘zlashtiradi, o‘qituvchi va o‘rtoqlari bilan ishonchli munosabatlar o‘rnatadi. O‘quv materiali mazmuniga nisbatan paydo bo‘lgan qiziqish asosida unda o‘qishga bo‘lgan ijobiy munosabat mustahkamlanadi. **Kichik yoshdagi o‘quvchining o‘quv faoliyati:** O‘quv faoliyatining mazmunini ilmiy tushunchalar, fan qonuniyatlari va ularga tayangan amaliy masalalarni hal etish uslubi tashkil etadi. SHunday qilib o‘qish – bu bilim, malaka va ko‘nikmalarga ega bo‘lishga yo‘naltirilgan jarayon.

O‘quv faoliyati aniq bir tuzilishga ega. Uning tarkibiy qismlari quyidagilar: 1) o‘qish vaziyati (yoki vazifalari), 2) o‘qish harakati, 3) nazorat, 4) baho.

Kichik maktab yoshi davomida bolalarning o‘qishga munosabatida muayyan dinamika kuzatiladi. Dastlab ular o‘qishga umumiy holda ijtimoiy faoliyat sifatida intilishadi. Keyin esa ularni o‘quv ishining alohida usullari jalb etadi. Nihoyat, bola o‘quv faoliyatining ichki mazmuniga qiziqib, o‘quv-nazariy vazifalarni aniq-amaliy vazifalarga mustaqil o‘zgartiradi. Uning shakllanish qonuniyatlarini tadqiq etish zamonaviy bolalar va pedagogika psixologiyasi vazifalaridan biridir.

Kichik yoshdagi o‘quvchilarda anglash jarayonining rivojlanishi: Idrok rivoji. Jismoniy jarayonlar rivojlanishi butun kichik maktab yoshi davomida amalga oshadi. Garchi bolalar maktabga etarli rivojlangan idrok bilan kelishsa-da (ularda ko‘rish, eshitish o‘tkirlashadi, ular turli shakllar va ranglarni yaxshi farqlaydilar), ularning o‘quv faoliyatidagi idroki faqat shakl va ranglarni o‘rganish va anglashdan iborat bo‘ladi. Birinchi sinfda qabul qilingan predmetlar tarkibiy qismi va xususiyatlarining tizimli tahlili mavjud emas. Bolaning idrok etilgan predmetlarni tahlil qilish va farqlash imkoniyati unda shunchaki his etishdan ko‘ra murakkabroq faoliyat turining shakllanishi bilan bog‘liq. **Kuzatish** deb atalgan faoliyat turi maktabda o‘qish jarayonida juda intensiv ravishda shakllanib boradi, keyinchalik idrok biror maqsadga qaratila boradi.

Bola kuzatuvchanligi haqida shaxsning alohida xususiyati sifatida gapirish mumkin. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, boshlang‘ich ta’limda kichik yoshdagi o‘quvchilarning barchasida bu muhim xislatni sezilarli rivojlantirish mumkin.

Diqqatning rivojlanishi. Maktabga keluvchi bolalar maqsadli diqqatga ega bo‘lmaydilar, ular asosan bevosita o‘zlari uchun qiziq bo‘lgan, yorqinligi va noodatiyligi bilan ajralib turuvchi (ixtiyorsiz diqqat) narsalarga e’tibor beradilar. Maktab birinchi kundanoq boladan uni qiziqtirmaydigan narsalarni kuzatishni va ma’lumotlarni o‘zlashtirishni talab qiladi. Bola asta-sekin diqqatini tashqi tomondan jalb etuvchi narsalarga emas, kerakli narsalarga yo‘naltirish va qat’iy saqlashni o‘rganib boradi. 2-3-sinfda ko‘pchilik o‘quvchilar allaqachon ixtiyoriy diqqatga ega bo‘ladilar. Ixtiyoriy diqqat, uni u yoki bu masalaga maqsadli yo‘naltirish – kichik maktab yoshining muhim Yutug‘idir.

Kichik maktab yoshida diqqatning rivojlanishi ixtiyorsiz va ixtiyoriy diqqatning almashinuviga, uning hajmi kengayishiga va turli harakat turlari o‘rtasida diqqatni taqsimlay olishga bog‘liq.

Xotiraning rivojlanishi. Etti yoshli bola asosan tashqi tomondan yorqin va emosional jihatdan ta’sirli voqea, tasvir, hikoyalarni eslab qoladi. Lekin maktab hayoti shundayki, boshidanoq bolalardan materialni ixtiyoriy eslab qolish talab etiladi. O‘quvchilar kun tartibi, axloq qoidalari, uy vazifalarini maxsus eslab qolishlari, keyin esa ularga rioya etishlari lozim.

O‘quv materialini eslab qolish alohida bilimni talab etadi. Usiz o‘quv xotirasi zaif va tartibsizligicha qolaveradi. O‘quvchi maxsus aniqlash, guruhlash va taqqoslashni talab etuvchi narsani bevosita eslab qolishga harakat qilayotganida bu «yomon xotira» pand beradi. O‘quv materiali bilan ishlash usullarining shakl-lanishi «yaxshi xotira»ni yanada samaraliroq tarbiyalash yo‘li sifatida namoyon bo‘ladi. Bu jarayonda nutq ustida ishlash kabi xotiraning ixtiyoriy va ixtiyorsiz turlaridan oqilona foydalanish lozim. Aniq bir material bilan ishlashda ham shunday.

Tasavvurning rivojlanishi. Tasavvur qobiliyatining rivojlanishi ikki bosqichda kechadi. Dastlab yaratiluvchi obrazlar real ob’ektga yaqin tavsiflanadi (detallarga boy bo‘lmagan holda). Ikkinchi sinf oxiri, keyin esa uchinchi sinfda ikkinchi bosqich boshlanadi. Avvalo, alomatlar va tarkibiy qismlar miqdori sezilarli tarzda oshadi.

Yaratuvchi (reproduktiv) tasavvur kichik maktab yoshida barcha mashg‘ulotlarda rivojlanadi. Kichik maktab o‘quvchilarining biror predmetning kelib chiqishi va qurilishi shart-sharoitini ko‘rsatishga harakat qilishi - ularda ijodiy (produktiv) tasavvur rivojlanishida muhim psixologik asosdir.

Fikrlashning rivojlanishi. Kichik yoshdagi maktab o‘quv-chilari fikrlashining rivojlanishida ikki asosiy bosqich kuza-tiladi. **Birinchi bosqichda** (1-2-sinf) fikrlashda **ko‘rgazmali-harakatlilik** ustunlik qiladi, uni yana **amaliy-harakatlilik yoki hissiylik** deb ham atashadi. Bu bosqichda bolalarning narsalarni umumlashtirishi predmetlarning yaqqol belgilari ta’siri ostida ro‘y beradi. Fikrlash rivojlanishining **ikkinchi bosqichi** (3-sinf) o‘quvchilar tomonidan tushunchalarning alohida xususiyatlari orasidagi o‘zaro munosabatni bilib olish, ya’ni tasniflashga (masalan, «stol» – ot so‘z turkumi) bog‘liq. Bolalar o‘qituvchiga u yoki bu tasnifni qanday o‘zlashtirganliklari haqida hisob beradilar. Abstrakt, mavhum va nazariy fikrlash nisbatan murakkab fikrlash turining keyingi bosqichi bo‘lib hisoblanadi .

Kichik yoshdagi o‘quvchilar shaxsining rivojlanishi: Axloqiy me’yor va qoidalarni o‘zlashtirish. Maktabda bola doimiy va maqsadli nazorat qilinuvchi aniq va keng axloqiy talablar tizimiga duch keladi.

Etti-sakkiz yoshli bolalar me’yor va qoidalar mohiyatini aniq tushunadi va ularni har kuni bajarishga psixologik jihatdan tayyor bo‘ladi. Lekin o‘qituvchi bundan har doim ham to‘g‘ri va o‘z vaqtida foydalana olmaydi. O‘quvchini kichkina deb hisoblaydi va hokazo. SHuning uchun o‘qituvchida aniq va ravshan tarbiya tizimi bo‘lishi kerak.

Kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarining o‘zaro va o‘qituvchi bilan munosabatlari. Kichik yoshdagi maktab o‘quvchilari o‘zaro munosabatining o‘ziga xos xususiyati shundaki, ularning do‘stligi, odatda, tashqi hayotiy shart-sharoitlar umumiyligiga va tasodifiy qiziqishlarga asoslanadi (bolalar bir partada o‘tirishadi, sarguzashtli adabiyotga qiziqishadi va boshqalar). O‘qituvchi fikri kichik maktab o‘quvchisi uchun muhim va qat’iydir. Kichik maktab o‘quvchilari uning mavqeini so‘zsiz tan oladilar. Ular barcha masalalar Yuzasidan o‘qituvchiga murojaat qilishadi.

Emosiyalar va ularning kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarida rivojlanishi:

Xuddi boshqa psixik jarayonlar kabi bolalar emosiyasining umumiy xususiyatlari ham o‘zgaradi. Kichik maktab yoshi davomida emosiyalarni namoyon etishda o‘zini tiyib turish kerakligini anglash kuzatiladi. Emosional holat barqarorlashuvining ortishi -psixik jarayonlar unumdorligining shakllanishidir. Kichik yoshdagi maktab o‘quvchilari kattaroq o‘quvchilar, shuningdek, o‘smirlarga nisbatan ancha vazminroq.

MUNDARIJA

I ШЎЪБА
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ: ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тулаганов А.А. БАРКАМОЛ АВЛОД - ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ 3
Е.В.Швачко. СОДЕРЖАТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ АКСИОЛОГИЧЕСКОЙ ПЕДАГОГИКИ В СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СРЕДЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА ВЫСШЕЙ ШКОЛЫ ..4
С. В. Богдан. СПЕЦИФИКА СОЦИОКУЛЬТУРНОГО КАПИТАЛА ЛИЧНОСТИ И ЕГО СТРУКТУРНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ.....8
Б. С. Сафаралиев. ИЗ ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В ТАДЖИКИСТАНЕ: СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЙ АСПЕКТ.....9
Л. М. Андрощук. ПРОЦЕС ФОРМИРОВАНИЯ ИНДИВИДУАЛЬНОГО СТИЛЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК СТРУКТУРНЫЙ КОМПОНЕНТ ИННОВАЦИОННОЙ МОДЕЛИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ХОРЕОГРАФИИ.....13
Н. Н. Штолер. ЭКСПЕРТИЗА НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВУЗА КУЛЬТУРЫ В РОССИИ.....15
Уразимова Т.В. , Есбоганова Б. РАЗВИТИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ.....20
В.Г. Калашников. КОНТЕКСТНЫЙ ПОДХОД К ФЕНОМЕНУ КУЛЬТУРЫ.....21
Хасанова Р.Б., Хасанов А.Б. МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ИНКОР ВА ВОРИСИЙЛИК.....24
Г.Г.Кувандикова. И.Чориев. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ВУЗА.....27
Л.В. Сало. УНИВЕРСИТЕТСКИЕ ПРОГРАММЫ ХОРЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В США.....28
Lola Qurbonova, Ahrorbek Muhiddinov. INSON VA MA'NAVIYAT 31
M.O.Ochilova. TA'LIM JARAYONIDA SALOMATLIKNI MUHOFAZA QILUVCHI MUHITNI YARATISHNING PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI.....32
Мамаражабов Ботир Баходир ўғли. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ТУШУНЧАЛАРИ: ТАВСИФ ВА ТАСНИФ 33
Каримова Мадина,ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ КАК СРЕДСТВО СОЗДАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА ПЕРСОНАЖА В ПРОЗЕ С. МОЭМА 34
Абдуллаев Сайфулла Файзуллаевич, Авезов Шерали Наимович, МИНИАТЮРНАЯ ЖИВОПИСЬ УЗБЕКИСТАНА XIV-XVI ВЕКОВ.....37
V.R.To'xsanova. Axadova N. TO'QISHNING BUGUNGI KUNDA TUTGAN O'RNI VA AHAMIYATI. 39
В. И. Кравчук, СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ КОМПЕТЕНЦИИ ФИЗКУЛЬТУРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ БАКАЛАВРА ВУЗА 41
Юлдошев Самад Тожиевич, "ЎЗБЕК МОДЕЛИ" ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПИ.....43
Л. В. Ерёмина, МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ СИЛЫ В ПАУЭРЛИФТИНГЕ 45
Л. В. Сокольская З. В. Руссак ДОСУГОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ БИБЛИОТЕКИ В КОНТЕКСТЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СТАНДАРТА БИБЛИОТЕЧНОГО СПЕЦИАЛИСТА.....47
О. Ю. Крупей ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ПРОДВИЖЕНИЯ КУЛЬТУРНО-ДОСУГОВЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ВУЗОВ КУЛЬТУРЫ.....49
Е.А.Рываева АСПЕКТАЦИЯ ПОНЯТИЯ КОРПОРАТИВНАЯ КУЛЬТУРА.....51
Т. В.Юркина СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕТЕХНОЛОГИИ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ РАЗВИТИЮ УСПЕШНОСТИ СТУДЕНТОВ ВУЗА ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ.....52
Т. П. Степанова МЕЖКУЛЬТУРНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ФАКТОР КОНСТРУКТИВНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В СОВРЕМЕННОМ ПОЛИКУЛЬТУРНОМ ПРОСТРАНСТВЕ.....55
Б.Назарова, Ж.Қурбонов, Д.Каттабекова, БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 59
Н.А. Мухамедова ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННО- ПРОСВЕТИТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНО- КУЛЬТУРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....60
V.R. To`qsanova, Gafurova X.Z., Xamrayev T.T., ZARGARLIK SAN`ATINING O`ZIGA XOSLIGI...63
U.M.Qodirova O'QITUVCHI – BARKAMOL AVLOD TARBIYACHISI SIFATIDA 64

Қодирова М. М.КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ. 65
Илҳом Қўшаев АНЪАНАВИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИ ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ 67
И.А.Қўшаев, И.И.Ахтамов “ ШИРБУДИН НАВОЛАРИ” 68
Ш.Б.Муртозаев ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШДА ФАЛСАФАНИНГ РОЛИ. 69
О.Н.Шомуродов АЖДОДЛАР ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ 71
Тўхтасин Ражабов МАКТАБДА БОЛАЛАР ФОЛКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ 73
С.С.Азимов МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ВА УЛАРДАН ПЛЕНЭР МАШҒУЛОТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ 74
С.М.Умарова ТАЛАБАЛАРДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ АСОСИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ 76
Махмашукур Эшматов ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ ИНСОН ИЖТИМОИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ 77
Б.Мустафоев Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш 79
Badiyev M., Mamurov I. Zaripova G. FAYZOBOD XONAQOSINING ARXITEKTURA OBIDASI VA ATROF MUHITNING TASNIF 80
Sa’diyev Soli. KASHTACHILIKDA BEZAK BUYUMLARI TURLARI 81

II ШЎЪБА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.Т. Нысанов, Р.А. Литвак ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ E-LEARNING В РАЗВИТИИ КУЛЬТУРЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОРИЕНТАЦИИ СТАРШЕКЛАССНИКОВ В УСЛОВИЯХ СЕТЕВОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ 83
Нажмиддинова Гавхар Насриддиновна ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ В НОВЫХ УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА 85
